



Замонавий Америка романлари

• Даниэла Стил

- Тақдир сукмоклари
- Ҳирланган бахт
- Ёуза

• Холли Хусайнӣ

- Шамол ғортидан
югуриб...

• Ог Мандинно

- Дупенинг энг буюк
савдогари

№ 33569	2022/4-88		
Уд.	Замоснавей?		
Андрей Яковлевич			
Оле			
Т-2018.	512	-5	

Замонавий Америка романлари

• Даниэла Сидра

• Холли Хусайини

• Ог Мангино



Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи
академик Акмал Саидов

Таржимонлар:
Рустам Жабборов
Дилфуза Собирова

Замонавий АҚШ адабиёти барча (проза (насл) ва поэзия (назм), драматургия) жанрларда, турли (реализм ва романтизм, модернизм ва экзистенциализм) услубларда жаҳон китобхонлари эътиборини тобора ўзига жалб этаётган, танқидчилар томонидан юқори баҳоланаётган асарларга бой.

Яқин вақтгача ўзбек китобхонлари томонидан Америка адабиёти асосан Марк Твен, Эдгар Аллан По, Жек Лондон, Теодор Драйзер, Эрнест Хемингуэй, Рэй Брэдбери каби адиблар орқали тасаввур этиб келинар эди. Бугунга келиб, таржимонларимиз томонидан мамлакатимизнинг вақтли матбуотида турли хил Америка модерн ёзувчилари асарларидан таржималар эълон қилиниши ўзбек китобхонларининг замонавий АҚШ адабиётига бўлган эътиборини улғайтирди.

Буни ҳисобга олган ҳолда, мазкур тўпламда ўқувчилар эътиборига ҳозирги давр АҚШ романнависларининг асарлари ҳавола этилмоқда. Шу пайтгача ўзбек тилида «Замонавий Америка романлари» тўплам ҳолида чоп этилмаганлиги боис ушбу нашр адабиёт ихлосмандларига муносиб совға бўлишидан умидвормиз.

N1 33569
401

© Рустам Жабборов, Дилфуза Собирова (тарж.) 2018

ISBN 978-9943-25-569-2

© «O'zbekiston» НМНУ, 2018

ЗАМОНАВИЙ АМЕРИКА РОМАННАВИСЛИГИДА ЯНГИ НОМЛАР

Америка Қўшма Штатлари адабиётининг тарихи Европа ва Осиё мамлакатлариникига караганда сезиларли даражада қисқа бўлса ҳам. XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб қурраи заминимиз китобхонларининг диққат-этиборини тобора кўпроқ жалб эта бошлади ва тез орада ўз бадий ижод мактабини яратишга муваффақ бўлди. Шунини қайд этиш жоизки, ҳозирга қадар 10 америкалик ёзувчи адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган. 1918 йилдан этиборан Нью-Йоркда ҳам «катта адабиёт»нинг дунёда энг нуфузлилардан ҳисобланган «Пулитцер» мукофоти бериб келинади. Бугунги кунда АҚШда ҳар йили дунёдаги бошқа ҳар қандай давлатдагига караганда кўп бадий адабиёт нашр қилинади ва сотилади.

Ўзбек ўқувчилари Америка адибларидан буюк ҳажвчи Марк Твен¹, саргузашт жанри асосчиларидан бири бўлган Эдгар Аллан По², дунёда энг машҳур романнавислар Жек Лондон³, Теодор Драйзер⁴, Эрнест Хемингуэй⁵, илмий фантастика классиги Рэй Брэдбери⁶ ва бошқа кўпгина истеъдодли ижодкорларнинг романлари, қиссалари, ҳикоялари, шу жумладан давлат тилимизда нашр этилган асарлари билан яхши

¹ *Марк Твен* (тахаллуси Mark Twain, ҳақиқий исм-шарифи Сэмюэль Лэнгхорн Клемменс – инглизча «Samuel Langhorne Clemens», 1835–1910) – америкалик ёзувчи, журналист ва жамоат арбоби.

² *Эдгар Аллан По* (Edgar Allan Poe, 1809–1849) – америкалик ёзувчи, шоир, танқидчи, романтизм вакили, замонавий саргузашт ва психологик проза асосчиси. Шуниси этиборлики, унинг биринчи асари – «Амир Темур» поэмаси «Бостонлик» тахаллуси билан 1827 йилда атиги 50 нусхада нашр этилиб, ҳар биттаси 12,5 центдан сотилган. 2009 йилда бу поэманинг сақланиб қолган бир нусхаси кимошди савдосида АҚШ китоб савдосида энг қиммат нарх – 662,5 минг долларга сотилган.

³ *Жек Лондон* (Jack London, 1876–1916) – америкалик ёзувчи, жамоат арбоби, саргузашт ҳикоя ва романлари билан машҳур.

⁴ *Теодор Драйзер* (Theodore Herman Albert Dreiser, 1871–1945) – америкалик ёзувчи ва жамоат арбоби.

⁵ *Эрнест Миллер Хемингуэй* (Ernest Miller Hemingway, 1899–1961) – америкалик ёзувчи ва журналист, Нобель мукофотининг лауреати.

⁶ *Рэймонд Дуглас (Рэй) Брэдбери* (Raymond Douglas (Ray) Bradbury, 1920–2012) – америкалик ёзувчи, илмий фантастика жанри асосчиларидан бири.

танишлар. Жумладан, Эдгар По, Рэй Брэдбери, Жек Лондоннинг катор романлари ва ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган¹.

Замонавий Америка адабиёти барча (проза (наср) ва поэзия (назм), драматургия) жанрларда, турли (реализм ва романтизм, модернизм ва экзистенциализм) услубларда жаҳон китобхонлари эътиборини тортаётган, танқидчилар томонидан юқори баҳоланаётган асарларга бой. Америка романаъвислиги ҳам ўз тарихига эга.

Кўпгина танқидчилар Генри Жеймс²ни АҚШнинг биринчи романаъвисидеб атайдилар. У 51 йиллик адабий фаолияти давомида 20 та роман, 112 та ҳикоя ва 12 та пьеса ёзган. Адиб ўз маҳоратини ҳикоя, қисса, роман жанрларида тинимсиз тажрибалар ўтказган ҳолда чарҳлаб борган.

Ёзувчининг бутун ижодидан Эски дунё – европаликларнинг интеллектуаллиги ва маккорлигига мослашишга ёки уларга қарши чиқишга мажбур Янги дунё – Америка вакилларининг самимийлиги ва соддадиллиги («Аёл портрети» – «The Portrait of a Lady», 1881; «Элчилар» – «The Ambassadors», 1901) қизил ип бўлиб ўтади. 1880–1881 йилларда Г.Жеймснинг Америка психологик реализмининг чўққиси сифатида эътироф этиладиган икки романи – «Вашингтон майдони» («Washington Square») ва «Аёл портрети» чиққан. Уларда Америка ва Европа маданият анъаналарининг тўқнашиши манзарасида аёллар муҳаббати, фожевий мураккаб вазиятлар моҳирона тасвирланган.

Умуман, Генри Жеймснинг назарий изланишлари ва амалий ижоди ҳозирги давр романи асосий тамойилларини шакллантиришга

¹ Қаранг: Эдгар Аллан По. Шеърлар // Jahon adabiyoti, 2012, № 11; Эдгар Аллан По. Машҳурликнинг интиҳоси: ҳикоя // O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 2014, 21 фев.; Эдгар Аллан По. Морг кўчасидаги қотиллик: ҳикоя / Раъно Иброҳимова тарж. // Жаҳон адабиёти, 2004. – № 1; Эдгар Аллан По. Шеърлар / Ё. Хўжамбердиев ва Хамид Исмаилов тарж. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1984, 27 янв.; Брэдбери Рэй. Марсга ҳужум : Роман / русчадан Файзулла Амир таржимаси. // Жаҳон адабиёти, 2006, № 4–5; Брэдбери Рэй. Армагеддонда уҳлаб қолган одам: фантастик ҳикоя / Қудрат Дўстмуҳаммедов тарж. // Шарқ юлдузи, 1998, № 6; Брэдбери Рэй. Муз ва олов: ҳикоя / Мавлуда Иброҳимова тарж. // Жаҳон адабиёти, 2001, № 12; Лондон Жек. Бир қунлик қўналға: ҳикоя / Х. Ахророва тарж. // Шарқ юлдузи, 1986, № 9; Лондон Жек. Икки ҳикоя / русчадан Тоғай Мурод тарж. // Жаҳон адабиёти, 2007, № 2; Лондон Жек. Интиҳо: Тун фарзанди : ҳикоялар / Рус тилидан С. Саидмуродов тарж. // Jahon adabiyoti, 2012, № 11; Лондон Жек. Оксоқоллар иттифоқи: ҳикоя // Ёшлик, 2012, № 9; Лондон Жек. Қисмат / Ж. Лондон // Ekologiya xabarnomasi: O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasining axborot-tahliliy va ilmiy-amaliy jurnali, 2007, № 10; Лондон Жек. Эскимос боласи Қиш: кичик меҳнатқашлар турмушидан / О. Ҳошимов тарж. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. – 26 б.; Лондон Жек. Ҳикоялар. – Т.: Ўзадабийнашр, 1958; Лондон Жек. Ҳаётга муҳаббат: ҳикоялар. – Т.: Ўзадабийнашр, 1961. – 70 б.; Лондон Жек. Мартин Иден: роман / русчадан Қ. Мирмуҳамедов тарж. – Т.: Фафур Фулом номидаги Бадний адабиёт нашриёти, 1968. – 432 б.; Лондон Жек. Қиш ҳақида қисса: қатта ёшдаги болалар учун. – Т.: Ёш гвардия, 1979. – 22 б.; Лондон Жек. Шимол ёғдусининг кизи: ҳикоялар / таржимон Нурбек Абдуллаев. – Наманган: Наманган, 2012. – 62 б.;

² Генри Жеймс (Henry James, 1843–1916) – америкалик ёзувчи.

хизмат килган. У шахсан муаллифга маълум бўлган нарсаларнигина воқелик деб тан олган. Шунинг учун адиб реалистик нафис сўз санъатини инсоннинг ташки дунёсидан ички дунёсига олиб кириб, субъектив роман жанрини яратган. Унинг бадий адабиётга энг йирик ҳиссаси ҳисобланган субъектив услуби XX аср «онг окими» романларининг пайдо бўлишига туртки бўлган.

Америкалик ёзувчи маҳоратининг чўққилари ҳисобланган «Поинтон ўлжаси» («The Spoils of Poynton», 1897), «Мейзи нимани биларди» («What Maisie Knew», 1897), «Ноқулай ёш» («The Awkward Age», 1899), «Муқаддас манба» («The Sacred Fount», 1901) ва бошқа романларида муаллиф гўёки четга суриб қўйган воқеалар ривожини ва «ҳақиқат»ни асар қаҳрамонлари тасаввурлари орқалигина билиб олади. Тасвир асосан субъективликда марказлаштирилганлиги сабабли Генри Жеймс романларида қаҳрамонларнинг ўзаро мулоқотлари ва ички ҳиссиётлари амалий ҳаракатларга нисбатан анча жиддий роль ўйнайди. Моҳир романнависнинг ижоди умумлаштириладиган бўлса, унинг асарлари уч асосий муаммо: ўша америкача самимийлик ва дағалликнинг европача тилёғламалик ва нозиклик, санъат ва воқелик ўртасидаги низо, эзгулик ва ёвузликни аниқлашда ахлоқий мезонларнинг руҳий мезонлар билан алмаштирилишига йўналтирилган.

Американинг энг машҳур ҳажвчиси сифатида эътироф этиладиган Марк Твен аслида ижтимоий, сиёсий ва маънавий муаммоларни чуқур таҳлил этадиган жиддий адиб бўлган. У ёшлигида Миссисипи дарёсида сузадиган кемада йўл кўрсатувчи – лоцман вазифасида ишлаган ва 20 йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳаётни чуқур ўрганган. Унинг адабий таҳаллуси «Марк Твен» ҳам денгизчилар тилида «дарё тубигача икки саржин масофа бор, кема бемалол сузавериши мумкин» маъносини билдиради.

Ёзувчи бадий ижодга нисбатан кеч киришганига (27 ёшида журналистик фаолиятини бошлаган, биринчи китоби 34 ёшида эълон қилинган) қарамасдан, жуда кўп жанрларда – ҳажвия, сатира, фалсафий фантастика, публицистикада қалам тебратган ва асарларининг ҳаммасида инсонпарвар ва демократ нуқтаи назарини намоён этган.

Марк Твеннинг энг машҳур романларидан бири – «Том Сойернинг саргузаштлари»да («The Adventures of Tom Sawyer», 1876) мураккаб қисматли, айти пайтда жуда жўшқин, сунъий эртақнамо эмас, балки «ҳаётий бола»нинг оддий кунлари ҳикоя қилинади. Ана шу асарнинг давоми сифатида кўриладиган «Гекльберри Финнинг саргузаштлари» («The Adventures of Huckleberry Finn» 1885)да уйдан қочиб кетиб, Миссисипи дарёси бўйлаб сузишда турли воқеаларнинг гувоҳи бўлган бола тўғрисида гап боради. Мазкур машҳур асарда боланинг кўзи орқали

кўрилган дунё хайрагга соладиган даражада ҳақиқий тасвирланган. Гек Финн – хурсевар Американинг рамзи, ўз мақомига солишга тайёр турган, жамият қонунларига бўйсунитиш истамайдиган «ёввойидир». Адабий танқидчилар бу асарни «Американинг энг буюк романи» деб баҳолашади.

Нобель мукофоти лауреати Эрнест Хемингуэйнинг таърифича, «Америка ҳозирги давр адабиётининг ҳаммаси Марк Твеннинг битта китобидан бошланади, унинг номи «Гекльберри Финнинг саргузаштлари» деб аталади». Яна бир америкалик Нобель мукофоти лауреати Уильям Фолкнер¹ эса: «Марк Твен чинакамига биринчи Америка ёзувчиси бўлган ва ўша пайтдан бери биз ҳаммамиз унинг меросхўрларидирмиз», дея эътироф этган.

Ўзбек китобхонлари Марк Твеннинг «Том Сойернинг янги саргузаштлари» асарини, бир қатор ҳикоялари, очерклари ва эсселарини ўз она тилларида ўқиш имкониятига эга бўлганлар².

Ҳозирги даврда 1900 йилда АКШдаги «Даблдей» нашриётининг Теодор Драйзернинг «Керри синглизис» («Sister Carrie», 1900) романини чоп этишга журъат этиши Америка адабиётининг туб бурилиш нуқтаси деб ҳисобланади. Муаллиф бу асарини аниқ вокелик – синглизиснинг оилали ресторан кассири билан Канадага қочиб кетиши романтик тарихи асосида битган.

Лекин ўша пайтда адабий танқидчилар ҳам, аксарият китобхонлар ҳам асарни ахлоқсизликда айблаб чиққанлар. Кўзни қамаштирадиган бойликни ва даҳшатга соладиган қашшоқликни мужассамлаштирган катта шаҳарнинг тўрига тушиб қолган кишлоқ қизи тақдирининг холис тасвирланиши жамиятда қарор топган тасаввурларни фoш этган. «Керри синглизис» романи XX аср бошидаги жаҳон адабиётига ҳар қандай бошқа асарларга қараганда қучли таъсир кўрсатган. Умуман, Теодор Драйзернинг ижоди учун инсоннинг ўзлигини намоён қилишга интилиши билан қонунлар ва жамиятдаги тартиб-таомиллар ўртасидаги зиддиятни чуқур таҳлил этиш ҳосдир. Бу курашда қучлилар ғолиб чиқади, заифлар эса мажаклаб ташланади.

Ёзувчининг биринчи романлари аёллар тўғрисида эканлиги тасодифий эмас. «Керри синглизис»дан сўнг битилган «Женни Герхард» («Jennie

¹ Уильям Катберт Фолкнер (William Cuthbert Faulkner, 1897–1962) – америкалик ёзувчи, «Ҳозирги давр Америка романини ривожлантиришга салмоқли ва бадий жиҳатдан ноёб ҳисса қўшганлиги учун» 1949 йилги Нобель мукофотининг лауреати.

² Қаранг: Твен Марк. Том Сойернинг янги саргузаштлари: қисса ва ҳикоялар / русчадан А. Абдумажидов таржимаси. – Т.: Ёш гвардия, 1980. – 110 б.; Твен М. Жанна д'Арк ҳақида унинг маҳрами ва секретари сьер Луи де Контнинг эсдаликлари: очерklar, эссе / русчадан Р. Комилов тарж. – Т.: Ёш гвардия, 1965. – 431 б.; Марк Твен. Кучукча ва уч доллар: ҳикоя // Китоб дунyosi, 2014, 9 июль; Марк Твен. Ғаройиб ўғирлик: ҳикоя // Ёшлик. 2013, № 4.

Gerhardt», 1911) романидаги қаҳрамонлар ўша даврдаги Америка учун анъанавий ҳисобланса ҳам, ёзувчи аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳолатининг янги кирраларини топишга муваффақ бўлган. Бу асарларнинг қаҳрамонлари, энг аввало, ўзларининг жамиятдаги макomini ўзгартиришга, инсоний кадриятлари учун курашишга бел боғлаган фаол шахслардир.

Адибнинг аксарият асарлари ўзининг узок кузатишлари ва бой шахсий тажрибаси асосига қўйилган. Теодор Драйзернинг маҳорати – бу энг майда-чуйда нарсаларни ҳам ниҳоятда аниқ тасвирлаш санъати, буюмлар ва далиллар санъатидир. У романларида кундалик ҳаётни бутун тафсилотлари билан баён этади, ҳужжатларни баъзан тўлалигича («Америка фожиаси»даги Роберта Олденнинг мактублари каби) келтиради, матбуотдан олинган иктибослар берилади, қаҳрамонларнинг биржадаги чайқовчиликлари бутун икир-чикирлари билан тушунтирилади, ишбилармонлар амалий фаолиятининг ривожланиш жараёнлари синчиклаб кузатиб борилади.

Теодор Драйзер миллионер Ч.Иеркс реал ҳаётининг тарихига таяниб битган «Молиячи» («The Financier», 1912) романи билан ўзининг маҳобатли «Истаклар трилогияси» (иккинчи жилд – «Титан» («The Titan», 1914), учинчи жилд – «Стоик» («The Stoic», 1947)ни бошлаган. Ушбу асарларда трилогия қаҳрамони Фрэнк Каупервуд образи орқали ҳокимият ва бойликка эга бўлиш учун ҳар қандай кабиҳлик қўлидан келадиган қорчалонлар жамиятининг ҳақиқий муҳити ниҳоятда таъсирчан ифодасини топган. Ушбу трилогия жуда асосли равишда XX аср Америка ва Европа адабиётининг шох асарлари қаторидан ўрин олган.

Ёзувчининг энг машхур «Америка фожиаси» («An American Tragedy», 1925) романида ижтимоий-ахлоқий муаммоларни ҳал этишга адиб томонидан бошқача ёндашувни кузатиш мумкин. Амалда бўлиб ўтган воқеа – ёш йигитнинг ҳомиладор дугонасини ўлдириши орқали муаллиф котилни жамиятнинг қурбони сифатида тасвирлаган. Ана шу жамият асар қаҳрамонини шохона ҳаёт кечириш ваъдаси билан ўзига ром этгани ҳолда, уни маънавий куч билан таъминлай олмаган.

Теодор Драйзернинг ҳар бир романи Америкада қудратли акс садо берган, зеро, бу асарларда шу қадар ҳаётий ва мураккаб ижтимоий муаммолар кўтариладик, бунга эътибор бермасликнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун адиб танқидчиларнинг ўзига эътибори камлигига шикоят қила олмаган. Бироқ бу муносабат, одатда, дўстона бўлмаган. Мунаққидлар ёзувчининг натурализм адабий услубини тушунмаганлар, Америка учун одатий ва умумэътироф этилган адабий ижод меъёрларига риоя этмасликда айблар, жамиятдаги ижтимоий фикр учун ман этилган ва ёпик деб ҳисобланган мавзулар тўғрисида ниҳоятда очик ёзишидан даҳшатга тушганлар. Теодор Драйзер ҳақиқатан ҳам ҳеч кимни ва ҳеч нарсани аяб ўтирмаган.

Бирок вақт – олий ҳакам эканлиги яна бир бор ўз исботини топди. Таникли америкалик танкидчи ва публицист Г.Менкен Теодор Драйзернинг вафотидан сўнг куйидаги сатрларни ёзган: «У буюк ижодкор эди, ҳаёти давридаги бирорта бошқа америкалик бизнинг миллий нафис сўз санъатида у каби мустаҳкам ва ажойиб из қолдирмаган. Унгача ва ундан кейинги даврдаги Америка адабиёти худди биологиянинг Дарвингача ва ундан кейинги вақтдагидек фарқ қилади»¹.

Ўзбекистонда Теодор Драйзернинг романлари нашр этилган, «Жаҳон адабиёти»да ҳикоялари эълон қилинган².

АҚШ адаблари орасида биринчи бўлиб 1930 йилда «Бадий ижодининг қудратли ва таъсирчан санъати ҳамда ноёб маҳорат билан янги типлар ва характерларни ташкил этиш маҳорати учун» Нобель мукофотига сазовор бўлган Синклер Льюис³ ижодининг илк босқичида аҳолининг куйи табақаларига мансуб ёлғиз шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиш учун кураши марказий ўринни эгаллайди. Аммо бунда шахс ва жамият ўртасидаги ихтилоф ижтимоий ҳисобланмайдиган муаммо сифатида талкин этилади. Ёзувчининг дунёқараши ўзгара бошлагани «Иш» («The Job», 1917) романида кўзга ташланади. Бу асарда ҳам ёлғиз аёл – Америка ишчи хотин-қизларидан бирининг кўп йиллик меҳнат фаолияти натижасида жамиятдаги мавқеининг ўзгариши тарихи тилга олинган. Лекин романда ёзувчи аввалги асарларидаги каби романтизм уммонига шўнғимасдан, ҳақиқий воқеликни тасвирлашга ҳаракат қилади. Бу С.Льюиснинг ижтимоий мавзу ижодкорига айланаётганлиги аломатлари эди.

Лекин америкалик ёзувчи ижодидаги туб бурилиш нуқтаси сифатида унинг «Бош кўча» («Main Street», 1920) романи кўрилади. XX аср 20-йилларининг охири – 30-йилларнинг бошидаги «Буюк турғунлик» америкалик кичик мулк эгалари, айниқса фермерлар ўртасида норозилик кайфиятларини кучайтириб юборди. Бу Америка адабиёти саҳнасида ижтимоий мавзудаги асарларни чиқарди. Синклер Льюис «Бош кўча»да Америка чекка ўлкаларидаги мунофиқлик, тафаккурнинг чекланганлиги ва тоқатсизликка қарши исён кўтаради. Агар адабнинг илгариги асарларида романтика, ҳаёт дунёси тўғрисидаги орзулар қаҳрамонларнинг ҳақиқий воқелик билан

¹ Ильин И.П. Постмодернизм от истоков до конца столетия. – М., 1998. – С.105.

² Қаранг: Драйзер Т. Женни Герхард: роман/ муҳаррир Э. Миробидов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 328 б.; Драйзер Теодор. Бахтиқаро Керри: роман / русчадан Э. Носиров таржимаси. – Т.: Шарқ, 2007. – 512 б.; Драйзер Теодор. Америка фожиаси: Қисм 1–2 : Қ.1./ Эркин Носиров тарж. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 414 б.; Драйзер Теодор. Америка фожиаси : 2 қисми : Қисм 2. / таржимон Ў. Усмонов. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 471 б.; Драйзер Теодор. Қалхейн ҳақида ҳикоя / Жаҳон адабиёти, 2010. № 3; Драйзер Теодор. Қорача Жеф: ҳикоя / Инглизчадан Қ. Юсупова тарж. // Kitob dunyosi, 2013, 24 июль.

³ Синклер Льюис (Sinclair Lewis, 1885–1951) – америкалик ёзувчи, адабиёт бўйича 1930 йилги Нобель мукофотининг лауреати.

тўкнашиши оқибатидаги зиддиятларни юмшатиш воситаси бўлса, эндиликда муаллифнинг ўзи сохта тушунчалар ва хом хаёллар ўк илдизларига болта уради.

Синклер Льюиснинг бундан кейинги ижоди ҳам ушбу йўналишдан чекинмаган. Унинг «Бэббит» («Babbitt», 1922) ида жамиятдаги зиддиятларга қарши исён кўтаришга уринаётган, факат ўз ҳузур-халовагини ўйлайдиган шахснинг мумтоз образи намоён бўлса, унинг навбатдаги романи – «Мартин Эрроусмит» («Martin Arrowsmith», 1925)да ўша давр Америка фанининг ночор аҳволи тасвирланган. Бу роман «Пулитцер» мукофотига муносиб топилган.

Ўз даврининг энг машхур ёзувчиси, «йўқотилган авлод»га бағишланган асарларнинг етакчи муаллифи ҳисобланадиган Эрнест Хемингуэй ўзининг дастлабки, XX асрнинг 20-йилларида Франция ва Испанияда яшаган «йўқотилган авлод» тақдири ҳақидаги романи – «Ва қуёш яна кўтарилади» («Фиеста») [«The Sun Also», («Rises»)], 1926) да ўз нуктаи назарини: «инсон учун энг муҳими – кадр-қиммат ва матонат» эканлигини катта маҳорат билан баён этган. Умуман олганда, америкалик бу Нобель мукофоти лауреатининг услуби факат АҚШ эмас, балки бутун жаҳон бадий адабиётига жуда кучли таъсир кўрсатган ва ўзига кўплаб тақлидчиларни пайдо қилган. Ўша даврда у каби усулда асарлар битишга интилан ёзувчилар беҳисоб бўлган. Бунга адибнинг босик, тежамкор, ҳолис сўзлашув нутқи якин содда тили сабаб бўлган.

Эрнест Хемингуэй адабий ижод усуллари хусусида мушоҳада юритар экан, ўзи амал этадиган «Айсберг қондаси» тамойилларини шундай изоҳлайди: «Агар адиб ёзаётган нарсаларидан жуда яхши хабардор бўлса, билганларининг кўпини матндан тушириб қолдириши мумкин ва у агар ҳаққоний воқеаларни тасвирлаётган бўлса, ўқувчи бу тушириб қолдирилган тафсилотларни ёзувчи қаламга олгандагидан ҳам кучли ҳис этади. Айсберг сузиб юришининг улуғворлиги шундан иборатки, унинг факат саккиздан бир қисми сув юзасида қад ростлаб туради»¹.

Эрнест Хемингуэйга хос бўлган фикр ва воқеаларни матнда бевосита ёзмасдан, сатрлар орасидан шама қилиш услуби ниҳоятда хилма-хилдир. Бу тез орада янги қаҳрамонлар пайдо бўлиши тўғрисида баёндаги ҳуфиёна «шипшитишлар», воқеалар тафсилоти ҳикоя қилинаётган пайтда ҳаммани ҳаяжонлантираётган ҳодисаларга ишоралар ва ҳатто, муаллифнинг китобхонга асар қаҳрамони билан биргаликда ечишни таклиф этадиган унча мураккаб бўлмаган арифметика масалаларидир. Масалан, «Ва қуёш яна кўтарилади» («Фиеста»)да [«The Sun Also», («Rises»)] муаллиф рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини батафсил тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ деб ҳисоблайди, қаҳрамонлар киёфасини тўлиқ тасвирлаб

¹ Денисова Т. Секрет «айсберга»: О художественной особенности прозы Э. Хемингуэя // Литературная учёба, 1980, №5.

ўтирмайди ва улар ўтмишини хикоя қилишга шошилмайди. Асар қаҳрамони Барнснинг урушда дучор бўлган бахтсизлиги тўғрисида романда кўп марта гап очилади, бироқ биз унинг қандай ярадор бўлганлиги тўғрисида аниқ бир нарсa билмаймиз. Яна бир қаҳрамон — Брет қиёфасининг айрим белгилари асарда ўн етти марта айтиб ўтилса ҳам, китобхон унинг бўйи, юзи, сочи ва кўзларининг қандайлигидан беҳабар қолади, буларни ўзининг диди ва аклига мутаносиб равишда гаудалантириши керак. Бундай хуфийоналик қисман роман қаҳрамонлари ҳар бирининг ўз сири борлиги билан изоҳланади: Барнсда бу унинг ярадор бўлиши, Бретда ёши ва турмушидаги муаммолардир. Ёзувчининг бошқа асарлари қаҳрамонлари яширадиган нарсалар ҳам доим бўлади.

Эрнест Хемингуэй жангу жадалларда ўзи иштирок этган, жаҳоннинг «қайноқ нукта»ларидаги хунрезликларнинг бевосита гувоҳи бўлган. Қон тўкишларнинг бутун дахшати унинг «Алвидо, қурол!» («A Farewell to Arms», 1929) асарида, айниқса таъсирчан ифодаланган. Ёзувчи жирканчлик ва шармандалик муҳити ҳукм сурган бир шароитда уруш қозонига ташланган одамларнинг ўз инсоний хусусиятларини йўқотмасликка интилишларини, улар ўртасидаги жанговар дўстлик туйғусини биринчи ўринга қўйган. Романи мутолаа этаркансиз, муаллиф айтмоқчи бўлаётган ҳулосани: «Урушда ҳам жасурлик — жасурлик, кўрқоқлик эса кўрқоқлик» бўлиб қолишини ўзингиз чиқарасиз.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини ёркинроқ тасвирлаш учун уларни кўпинча хавфли вазиятлар билан юзма-юз қўяди. Бунга мисол тарикасида унинг энг яхши асарларидан бири — «Чол ва денгиз»ни («The Old Man and the Sea», 1952) келтириш мумкин.

Эрнест Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз», «Алвидо, қурол!» роман ва қиссаси, қатор хикоялари ўзбек тилига таржима қилинган¹.

XX аср Америка романнависларининг забардаст вакили Жон Стейнбек² асарларидаги воқеалар кўпинча Сан-Франциско яқинидаги Калифорния воҳасида бўлиб ўтади. 1939 йилда «Пулитцер» мукофоти берилган, 1963 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлишида ҳам катта роль ўйнаган «Ғазаб учкунлари»да («Grapes of Wrath», 1939) жаҳон иқтисодий инкирози даври-

¹ Қаранг: Хемингуэй Эрнест. Чол ва денгиз, Алвидо, қурол!: роман: қисса / русчадан И. Гафуров тарж.. — Т.: Ёш гвардия, 1986. — 384 б.; Heminguey Ernest. Chol va dengiz: qissa / — Т.: Tamaddun, 2011. — 96 б.; Хемингуэй Эрнест. Ваҳима : хикоя / Инглизчадан Т. Жўраев тарж. // Тошкент окшоми, 1987, 26 окт.; Хемингуэй Эрнест. Ёмғирда қолган мушук: хикоя / Инглизчадан Қ. Юсупова тарж. // Kitob dunyosi., 2014, 23 апр.; Хемингуэй Эрнест. Жуда қиска хикоя / Инглизчадан Шухрат Маткарим тарж. // Kitob dunyosi, 2013, 25 сент.; Хемингуэй Эрнест. Инсонни енгиб бўлмайди / Guliston, 2010, № 2.; Хемингуэй Эрнест. Френсис Макомбернинг омонат бахти: хикоя / Учкун Назаров тарж. // Шарқ юлдузи, 1986, № 2; Хемингуэй Эрнест. Қотиллар: хикоялар // Jahon adabiyoti, 2015, № 12.

² Жон Эрнст Стейнбек (John Ernst Steinbeck, 1902–1968) — америкалик машҳур ёзувчи, адабиёт бўйича Нобель мукофотининг лауреати.

да фермасидан махрум бўлиб, иш излаб Калифорнияга йўл олган оклахомалик оиланинг маҳаллий катта ер эгаларининг зуғумига дучор бўлиши, азобукубатлари хақида хикоя қилинади. Романнинг номи «Ғазаб учқунлари» АҚШ фуқароларига яхши маълум бўлган, шоира Жулия Уорд Хоуз каламига мансуб, 1862 йилда эълон қилинган «Республиканинг жанговар мадҳияси»дан олинган.

Американинг XX аср адабиётида мазкур романдаги каби халқнинг турмуши ва маънавий интилишлари шу қадар ёрқин, ҳаётий, эҳтиросларга тўла холида мужассам этган бошқа китобни топиш осон эмас. Бу китобхонга Оноре де Бальзак¹ ва Жон Стейнбекнинг ватандоши Теодор Драйзер асарларини ёдга туширади. Ёзувчи роман қахрамонлари – оддий фермерлар Жоудларнинг бошпанасиз дайдиларга айланишига сабаб бўлган аниқ ҳаётий вазиятларни чуқур таҳлил этади. Жоудлар – ҳаётий қахрамонлар, тирик инсонлар, уларнинг турмуш гарзи, ҳар бир сўзи, қалб уришлари тушунарли ва табиийдир.

Адибнинг ватани – Калифорнияда роман бехос портлаган бомба таасуротини қолдирган. Ушбу штатнинг йирик ер эгалари манфаатини ҳимоя қиладиган Фермерлар уюшмаси Жон Стейнбекни судга бермокчи ҳам бўлган, бироқ асарда келтирилган далилларни рад эта олмаган. Муаллиф бундай вазият юзага келишини сезган бўлиши керак, романда баён этилган воқеалар у томонидан штатнинг ҳуқуқ-тартибот органларига саклаш учун топширилган ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган. Шунга қарамадан Фермерлар уюшмаси романга «яксон этувчи, бефойда, бошидан-охиригача нафрат руҳи билан суғорилган китоб» деб баҳо берган. Штатнинг Канзас шаҳрида эса китоб мактаб кутубхоналаридан олиб қўйилган.

Ёзувчининг «Жаннат шаркида» («East of Eden», 1952) романи эса анъанавий оилавий асардир. Ундаги барча воқеалар икки оила – Семюэль Гамельтон ва Адам Траск атрофида бўлади. Шунга қарамадан, уни Америка жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, оилавий анъаналар қандай пайдо бўлганлиги, улардаги одоб ва ахлоқ меъёрларининг қомуси дейиш ҳам мумкин. Ёзувчи ана шу икки оила тимсолида Америкада бой бўлишнинг йўллари – қотилликни, ғийбатни қош этган. Ҳалоллик ва меҳнатсеварлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги Семюэль Гамельтон тимсолида ўз ифодасини топган. У одамлар ўртасида ўзининг ҳалоллиги билан машҳур бўлган, бутун умр тинмай меҳнат қилган. Аммо ушбу ўлкага қандай пиёда келган бўлса, худди шундай камбағаллигича ўлиб кетади.

Умуман, ушбу адиб романларига бой ғоявий мазмун, тасвирнинг қўламлиги ва ҳаққонийлик хос. Ёзувчини инсоният ва жамият муаммолари ҳаяжонга солган, романларида жамиятда шахснинг ўрни ва аҳамияти, табиат билан тараккиёт ўртасидаги низолар ёрқин ифодасини топган. Америка-

¹ Оноре де Бальзак (Honoré de Balzac, 1799–1850) – буюк француз ёзувчиси, Европа адабиётида реализм асосчиларидан бири.

лик адабиётшунос С. Мартин «Калифорния икки буюк романчилар – Жек Лондон ва Жон Стейнбекни дунёга келтирган», деб таъкидлаганлиги бежиз эмас.

Жон Стейнбекнинг романлари ҳозирча ўзбек тилига таржима қилинмаган, фақат бир нечта ҳикояси чоп этилган¹.

Мунаққидлар томонидан «тангри» номи берилган, романлари «эришиб бўлмайдиган бадий жасорат» дея эътироф этилган Уильям Катберт Фолкнер ижоди марказида инсон тақдири, одамлар бошига тушадиган уқубатлар, улар дучор бўладиган адолатсизлик ва шафқатсизлик учун қайғуриш туради. Унинг биринчи «Аскар мукофоти» («Soldier's Pay», 1925) романи қаҳрамони – учувчи яраланганидан кейин кўпгина инсоний хусусиятларини йўқотади, вафоти эса инсон шахси сўниши жараёнининг нихояси бўлган, холос. Адиб ушбу романида уруш қиёфасидаги қаҳрамонлик нуқсонини йиртиб ташлаб, унинг одамлар учун келтирган мислсиз кулфатларини очиб берган.

Уильям Фолкнер ўзи ўйлаб топган, таърифи бўйича рамзий маъноси «хамма нарсани қамраб оладиган, бошланадиган ва оқиб тушадиган жойи бўлмаган дарё – ҳаёт» маскани – Йокнапатофа билан боғлиқ 15 та романлар туркумининг муаллифидир. Бу туркумдаги биринчи роман – «Сарторис»да («Sartoris», 1929) ижтимоий ва ахлокий муаммолар кўтарилди.

Адиб ижодий меросида чинакамига новаторча «Шовкин ва ғазаб» («The Sound and the Fury», 1929) тажриба романи танқидчилар томонидан яқдиллик билан «Еврипид²ни ёдга олишга мажбур қиладиган» «буюк китоб» деб баҳоланган. Бу роман номини ёзувчи Уильям Шекспир³нинг «Макбет» асари қаҳрамонининг борлиқнинг маънисизлиги тўғрисидаги машҳур монологидан олган: «Ҳаёт – бу телба томонидан ҳикоя қилинган, шовкин ва ғазабга тўла, ҳеч ким томонидан пайқалмаган тарихдир». Унинг ўзига хос асосий хусусияти – Уильям Фолкнернинг инглиз тилида битилган адабиётда амалда Уильям Шекспирнинг «Қирол Лир»идан кейин биринчи марта «онг оқими» усулини қўллашидир.

Моҳият жиҳатидан «Шовкин ва ғазаб» асосини ташкил этган жиноят ва жазо, эътирослар Уильям Фолкнер даҳоси билан адабиётда йўл қўйиш мумкин бўлган чегаралар кенгайтирилиб, роман ноёб асар даражасига кўтарилган. Ушбу романда ҳаётга тўрт хусусий субъектив нуқтаи назар баён этилган ва асарнинг яқунловчи қисмида ака-ука Компсонлар ички моноллари реал воқелик билан таққосланиб, яқун чиқарилган. Моҳият жиҳатидан ёзувчи бир воқеани тўрт марта ҳикоя қилган, лекин улар-

¹ Жон Стейнбек. Ҳайбатли тоғлар: ҳикоялар /Русчадан Мирзиёд Мирзоидов тарж. – Т.: Ўзадабийнашр, 1963, 46 б.

² Еврипид (Euripides, милoddан аввалги 480–406) – қадимий буюк юнон драматурги, 90 тага яқин драмалар (уларнинг 17 таси бизгача етиб келган) муаллифи.

³ Уильям Шекспир (William Shakespeare, 1564–1616) – буюк инглиз драматурги ва шоири.

ни охиригача етказмаган. Бу билан у ушбу воқеани хақикий воқеликнинг, асар қахрамони онги окимининг бир қисми қилмокчи бўлган. Китобхон бу дунёни ичидан ҳис қилиши учун ана шу воқеликка, онг окимига шўнгиши лозим бўлган.

Адиб бу услубдан кейинги – «Мен ўлаётган вақт» («As I Lay Dying», 1930) романида ҳам фойдаланган. Ушбу асар ҳам ноёбдир. 59 та ички монологдан таркиб топган китобда муаллиф сўзи умуман учрамайди. Асарнинг 14 қахрамони, асосан Бандренларнинг, уларнинг ўзларидек камбағал қўшилариининг баъзан узундан-узок, айрим ҳолларда лўнда, атиги бирикки жумлага жо бўлган монологлари келтирилади. Романда вақт ўзининг табиий ҳаракатдалигига, ҳатто воқеалар маркази – марҳуманинг монологи мавжудлигига қарамасдан, матндаги аралаш-қуралашлик яққол кўзга ташланади. Бироқ ёзувчини инсон нутқини табиийлигича ифода қилишдек жўн вазифа қизиқтирмайди. Бундай хусусий, тасодифий тасаввурлар, ўткинчи нигоҳлар ва жўнгина жумлалардан мураккаб яхлитлик гавдалантирилган.

«Зиёратгоҳ» («Sanctuary», 1931) романида эса шафқатсиз ва қалбсиз одам – Катта кўзли гангстер тасвирланган. Асар америкалик савдо корчалонининг нақадар тубанликка юз тутганлигини ўз кўзи билан кўрган инсон қайғусининг ўзига хос нидосидир. Шу билан бирга, ёзувчи «ҳаётдаги салбий ҳодисаларни фақат уларга барҳам бериш учунгина тасвирлаш керак», деб таъкидлаганини ёддан чиқармаслик лозим. Шу маънода ушбу роман америкача миллий турмуш тарзига хос бўлган белгиларни мужассамлаштирган ўзига хос америкача Фёдор Достоевский¹нинг машҳур «Жиноят ва жазо»сидир.

Ёзувчининг бадий жихатдан энг мукамал асарларидан бири – «Августдаги ёғду» («Light in August», 1932) романи ҳисобланади. Ушбу асарда ҳавфли, ҳамма нарсани вайронага айлантирадиган эхтирослар жўш уради, иркчилик ва шафқатсизлик ҳукм суради, муҳаббат ва ғазаб антик давр кўламлари даражасига етади. Бош қаҳрамон Жо Кристмасга уюштирилган ваҳшийларча «ов»га ашаддий иркчи Перси Грим раҳбарлик қилади. Муаллифнинг изоҳига кўра, у – фашист: «у ок танлиларни қутқарар экан, Кристмасни ўлдиради. Мен уни 1931 йилда ўйлаб топганман. Гитлер газеталарда пайдо бўлгунга қадар нацистларни ундан ҳам илгарирок яратганимни англамасдим».

Уильям Фолкнерга «ҳозирги давр Америка романини ривожлантиришга салмоқли ва бадий жихатдан ноёб ҳисса қўшганлиги учун» 1949 йилги Нобель мукофоти берилган.

Америка мумтоз адабиётининг юкорида қайд қилинган энг кўзга кўринган вакиллари аънаалари бугунги кунда муносиб давом эттирилмокда.

¹ Фёдор Михайлович Достоевский (1821–1881) – буюк рус ёзувчиси, Петербург Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси.

Мазкур гўпламдан ўзбек тилига таржима килинган асарлари ўрин олган адибларнинг номлари ҳам жаҳон китобхонларига яхши таниш.

Ҳозирги давр АҚШ романнавислигида янги номлар тўғрисида гап кетганда, биринчилар қаторида Даниэла Стил тилга олинади. Бу бежиз эмас: унинг романларини кексалар ва ёшлар ҳам, аёллар ва эркеклар ҳам завқ билан ўқишади. Ёзувчининг асарлари жаҳондаги 47 мамлакатда 28 тилда чоп этилган. Сотилган китобларининг сони 600 миллион нусхадан ортиб кетган. Адиба асарлари «Нью-Йорк Таймс» газетасининг рейтингиди 390 ҳафта давомида биринчи ўринда турганлиги учун Гиннеснинг рекордлар китобидан ҳам ўрин олган. Романлари асосида ҳозиргача 23 та бадиий фильм суратга олинган. Бугунги кунда дунёда бундай машҳурлик камдан-кам ёзувчиларга насиб этган. Чиндан ҳам Даниэла Стил билан асардаги воқеаларнинг мароқлиги, ҳис-туйғуларнинг энг нозик намоён бўлишини беҳато ифода қила олиш, аёл ва эркек қалбини бекаму қўст билишда тенглаша олиш жуда осон эмас.

Тўлик номи Даниэла Фернанда Доминика Мюриель Эмили Шулейн-Стил (Danielle Fernande Dominique Muriel Emily Schuelein-Steel) бўлган бўлажак адиба АҚШда, Нью-Йоркда тадбиркор Жон Шулейн-Стил ва португалиялик дипломатнинг кизи Норма де Камара Стон-Рейс оиласида 1947 йил 14 августда дунёга келган. Унинг отаси – миллиати бўйича яҳудий, Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзининг «Lo-wenbau» пиво заводида маҳрум бўлиб, фашистлар таъқибидан АҚШга қочишга мажбур бўлган.

Қизча етти ёшлигида, улар Францияда эканликларида, ота-онаси ажралиб кетишган. Отаси қизини олиб, АҚШга қайтган, онаси эса Европада қолган. Даниэланинг тарбияси билан асосан отаси Жон Шулейн шуғулланган.

Даниэла Стил ўрта таълимни Францияда олган, 1963 йилда дизайн мактабини ҳам тугаллаган. 1963–1967 йилларда Нью-Йорк университетида ўқиган. Шундан сўнг 1968 йилда АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида реклама агентлигида меҳнат фаолиятини бошлаган, кейин жамоатчилик билан алоқалар бўйича менежер лавозимида қўтарилган. Мижозлар у томонидан ёзилган матбуот учун мўлжалланган материаллардан ва бошқа лойиҳаларидан жуда мамнун бўлишган. Улардан бири Даниэла Стилга ёзувчилик фаолияти билан жиддий шуғулланишни ҳам тавсия этган.

Адабиётга қизиқиш Даниэла Стилда мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бошланган. У даставвал ҳикоялар ёзган, кейинчалик университетда ўқиётганида шеърлар ҳам битган.

Бўлажак ёзувчи жуда эрта – 18 ёшида банкир Клод Эрикка турмушга чиққан. Аммо улар 9 йил турмуш кечирганларидан кейин ажралиб кетишган. Шу пайтда – 1973 йилда Даниэла Стилнинг биринчи асари – «Қайтиш» («Going Home») чиққан. Унда ўтмиш воқеалари, оилавий қадриятлар,

асар қаҳрамонларининг фожиявий тақдирлари ҳикоя қилинади. Бу илк романдаёқ адибанинг истеъдоди, ўзига хос услуби кўзга ташланади.

Даниэла Стил бутун дунёда ишқий романлар муаллифи сифатида машҳур. Уларда баён қилинадиган воқеаларнинг кўпчилиги ўз ҳаётий тажрибалари билан бевосита боғлиқдир. Ёзувчининг иккинчи турмуш ўртоғи Дэни Зугельдер бўлган. Бироқ уларнинг оилавий турмуши жуда қисқа муддат давом этган. Даниэла Стилнинг навбатдаги – учинчи эри собиқ гиёҳванд Уильям Тот бўлган. Бу никоҳ ҳам узокка чўзилмаган. Бу турмушидаги оилавий муаммолар адибанинг навбатдаги романи – «Эхтирос ваъдаси» («*Passion's Promise*» («*Golden Moments*»), 1977) мавзусини ташкил этади. Унда гиёҳвандни севиб қолган асар қаҳрамонининг мураккаб тақдири ҳақида сўз боради. Ёзувчи яна бир романи – «Эсдаликлар»да («*Remembrance*», 1981) гиёҳванд эрини бу аср вабоси дардидан қутулишига ёрдам беришга интилаётган аёлнинг кўрқинчлари ва уқубатлари ёрқин ифодасини топган.

Адиба оилавий турмушини йўлга қўйиш мақсадида 1981 йилда тўртинчи марта ёзувчи Жон Трейнга турмушга чиқади. Жон рафиқасининг аввалги турмушдан фарзанди – Николасни ўз ўғиллигига олади. Даниэла ҳам ўз навбатида эрининг биринчи никоҳдан болалари Тревор ва Тодни фарзандликка олади. Трейн ва Стил ўзлари беш фарзанд (Саманта, Виктория, Ванесса, Макс ва Зара) кўрадилар.

Трейн ва Стилнинг фарзандлари матбуот орқали Николас оталарининг ҳақиқий ўғли эмаслигидан хабар топадилар. Ўзини ана шу можаро сабабчиси деб ҳисоблаган Николас жонига қасд қилади. Бу адибанинг «Ёмон ният» («*Malice*», 1996) романида жуда таъсирчан тасвирланган. Унда асар бош қаҳрамонининг бахтли никоҳи журналистларнинг ўзи узок йиллар давомида яшириб юрган сирларидан воқиф бўлиб, уни матбуотда эълон қилинишининг фожиявий оқибатлари баён этилган. Даниэла Стил сеvimли ўғли Николасга бағишлаб, «Унинг ёрқин ёғдуси» («*His Bright Light*», 1998) асарини ҳам битган. Шунингдек, адиба асаб касалликларига чалинган беморларга ёрдам бериш мақсадини кўзлаган «Ник Трейн» номидаги жамғармасини ҳам ташкил этган.

Ёзувчи бешинчи марта молиячи Том Пенкирсга турмушга чиққан. Унинг турли никоҳлардан етти фарзанди бўлганлиги учун асосий вақтини оилага бағишлашига тўғри келган. Романларини асосан тунлари битган. Ўзининг билдиришича, бир йўла 2–3 та роман устида ишлаган, ҳар бир асарини битишга 2–3 йил кетган.

Даниэла Стил Америка миллий кутубхоналар уюшмасининг президенти, Болаларга зўравонлик ўтказишга қарши курашиш миллий қўмитасининг раиси, Америка инсонпарварлик уюшмасининг президенти ҳисобланади. Ёзувчи рассомлик билан ҳам шуғулланади. 2003 йил-

да у Сан-Францискода ўзининг бадий галереясини очган. 2006 йилда эса аёл китобхонлари учун «Даниэла» атирини чиқарган.

Адиба журналистлар билан суҳбатларидан бирида: «Барча асарларим амалда танқидчилар томонидан рад этилган. Аммо китобхонларим эса янги нашрларим босмахонадан чиққан заҳоти пештахтада қолдиришмайди», деган. Бирок ҳамма танқидчилар ҳам бу машҳур ёзувчининг асарлари тўғрисида шундай салбий фикрда эмаслар. Улардан бири Даниэла Стил китобларидан «мия тошга айланса ҳам кўзни узиб бўлмайди» фикрини билдирган. Асарлари ўқувчилар ўртасида бу қадар машҳурлигининг сабабларини ўзи: «Мен фақат китобхонларни қизиқтириб қолмасдан, уни ўйлашга мажбур қилишни ҳам хоҳлайман», дея изоҳлаган.

Мазкур тўпламда китобхонлар эътиборига Даниэла Стилнинг Рустам Жабборов¹ томонидан таржима қилинган «Тақдир сўқмоқлари» («*Leap of Faith*», 2001), Дилфуза Собирова² ўзбекчалаштирган «Ўғирланган бахт» («*Vanished*», 1993) ва «Бўса» («*The Kiss*», 2001) романлари ҳавола этилмоқда.

Мунаққидларнинг таърифича, «Тақдир сўқмоқлари» – бу ўз болалиги ўтган уйини ҳийлагардан қайтариб олиш учун ҳамма нарсага тайёр иродали аёл ҳамда унинг муҳаббатини қозониш учун восита танлаб ўғирмайдиган, сўзини ўтказа оладиган эркак муносабатлари тарихидир. Бу роман – вақт синовидан ўтган садокатли дўстлик ва жонни фидо қилишга арзигулик эҳтиросли муҳаббат қасидасидир. Бу асар – китобхонни сеҳрлашга қодир сирли ишқий саргузаштлар, жавобини топиш ўлим хавфини тугдирадиган ғаройиб жумбоқлар, ғайриоддий ҳодисалар уммонидир.

Роман ёзувчининг бошқа ишқий асарлари қатори саргузашт воқеаларга бой. Унда ҳам болалигида автоҳалокат оқибатида ота-онаси ва акасида жудо бўлган Мари-Анж Хокинснинг ёшлиги туфайли дўст билан душманни, оташин муҳаббат билан севги никоби остидаги фирибгарликни ажрата олмай кўрган-кечирганлари таъсирчан ифодасини топган.

Даниэла Стилнинг «Ўғирланган бахт» романи қаҳрамонлари Мариэль ва Чарльз биргаликда бахтиёр ҳаёт кечиришади. Аммо фожаия юз бериб, уларнинг ўғли ҳалок бўлади. Бундан ларзага тушган Чарльз фарзандидан

¹ Рустам Жабборов – «Даракчи» ҳафтаномасининг бош муҳаррири, «Тарихни ўзгартирган муҳаббат», «Ҳиёнат чоррахаси», «Қирк биринчи тугун», «Ойнинг ўн беши» қиссалари, «Виждон» бадий фильми, қатор видео ва анимация фильмлари сценарийларининг муаллифи. Рустам Жабборов Ги де Мопассан, Габриэль Гарсиа Маркес, Эдгар По, Нодар Думбадзе, Азиз Несин каби Ғарб ва Шарқ адиблари асарларини таржима қилган. У «Чол ва денгиз», «Денгиз бўриси», «Темирйўлчи», «Мадлен» сингари хорижий фильмларни ҳам ўзбекчалаштирган.

² Дилфуза Собирова – «Даракчи» ҳафтаномаси бош муҳаррирининг ўринбосари, «Ҳазина» асари, «Яғонам» бадий фильми сценарийларининг муаллифи. У Азиз Несин, О Генри, Артур Конан Дойл, Жеймс Хедли Чейз, Даниэла Стил, Сэм Хайес ва бошқа хорижий адибларнинг асарларини таржима қилган.

жудо бўлишида хотини Маризлни айблайди. Асоссиз даъводан асабий дардга йўлиққан Маризель касалхонага тушиб қолади. Тузалгач эса эри билан ажрашади ва ҳаётини янгидан бошлаш учун Нью-Йоркка жўнаб кетади. Бу ерда у катта бой Паттерсон билан танишади, унинг санъат асарлари коллекцияси назоратчиси бўлиб хизмат қила бошлайди. Улар ўртасидаги амалий муносабатлар чуқурлашиб, ишдаги ишққа айланади ва Маризель Паттерсонга турмушга чиқади. Улар фарзанд кўрадилар. Маризель ҳаёти изга тушиб кетганига ишончи комил, бироқ кутилмаганда ўғли ғойиб бўлади. У ўтмишининг фожиали хотиралари изтиробида. Далиллар эса янги оиладаги ўғилнинг йўқолиши собиқ эри Чарльз Делони билан боғлиқ эканлигини кўрсатади...

«Бўса» романида ҳам романтик муҳаббат ва унинг изтироблари ўз ифодасини топган. Асар қаҳрамонлари Изабель ва Билл автомобиль фалокатида сал бўлмаса ҳалок бўлишлари мумкин эди. Ана шундай фожа на онларида улар бир қарашдаёқ бир-бирларини севиб қолишади. Бундай даҳшатли пайтларда ҳар бир инсон кўз ўнгида беихтиёр бутун ҳаёти, қувончлари ва укубатлари ўтади. Ўткинчи дунёда ҳаётнинг қадрига етиш, ўз бахтини топиш учун курашиш зарурлиги янада ойдинлашади. «Бўса» романининг қаҳрамонлари ҳам бахтиёр турмуш кечириш учун турмуш қуриш ниятидалар. Аммо Изабель оилани, эрининг эса у билан асло ажралиш нияти йўқ. Севишганлар ўз бахтларига эриша олармикин? Романи ўқисангиз, бу саволга жавоб топасиз.

Даниэла Стилнинг Гулчехра Муҳаммаджон томонидан таржима қилинган яна бир романи – «Саёҳат»¹да медиа-магнат Жек Хантер ва унинг рафиқаси телевидение кўрсатувлари юлдузларидан ҳисобланган Мэддини Вашингтон бахтиёр жуфтлигининг кечинмалари қаламга олинган. Бу оиладан ҳамма ҳайратга тушади, уларга ҳавас қилишади. Бироқ жуда рисоладаги оиланинг ташқи нигоҳлардан яширин ҳақиқий турмуши зулмат ичида, ниҳоятда жирканч, қабих сирлар билан қопланган.

Бундай оила боқийликка даъво қилишга ожиз. Ўзгалар учун бахтиёрликни намоён қилаверишнинг ҳам чегараси бўлади. Сабр қосаси тўлиб-тошади, метиндек мустаҳкам деб ҳисоблаб қелинган кўрғон парокандаликка юз тутаяди. Кечаги ҳамма ҳавас билан қарайдиган Мэддини Вашингтон ўтмишидан воз кечиб, ҳаммасини бошқатдан бошлашга мажбур...

Холид Ҳусайний (Khaled Hosseini)нинг илк асари – «Шамол ортидан югуриб...» («The Kite Runner», 2003) дунёда XXI асрнинг бош романи, унинг муаллифи – тирик классик деб баҳоланди. Хусусан, 2009 йилда «The Millions» журнали томонидан ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, ушбу роман янги минг йилликнинг энг яхши 20 асари рўйхатидан ўрин олди. «Шамол ортидан югуриб...» эликдан ортиқ тилларга таржима қилинган ва 10 миллион нусхада чоп этилган.

¹ Даниэла Стил. Саёҳат: Роман / Таржимон Гулчехра Муҳаммаджон // Жаҳон адабиёти, 2008, №3, 4, 5.

Асарларини англиз тилида битадиган ёзувчи Афғонистон пойтахти Кобулда 1965 йилда туғилган. Унинг отаси афғон дипломати, онаси қизлар мактабида форс тили ва тарихдан дарс берган. Отаси Афғонистоннинг Эрондаги элчихонасида хизмат килган, 1976 йилда Францияда дипломатик лавозимга тайинланиши муносабати билан оила Парижга кўчиб келган.

Икки йил ўтгач Афғонистонда давлат тўнтарилиши содир бўлиши оқибатида Ҳусайнийлар ватанига қайтиш имкониятидан маҳрум бўлган ва улар АҚШдан сиёсий бошпана сўрашга мажбур бўлган. Бу ерда бўлажак ёзувчи Санта-Клара ва Калифорния университетларида тиббиётни ўрганган. Университетни тугаллаганидан сўнг бироз вақт ўз ихтисослиги бўйича ишлаган, кейин эса Шарк тамаддуни, хусусан Афғонистон тарихи билан боғлиқ романлар ёза бошлаган.

Адибнинг ушбу тўпламдан жой олган, Рустам Жабборов томонидан таржима қилинган «Шамол ортидан югуриб...» романида дўстлик ва садоқат, соткинлик ва бу айбни ювиш машаққати ғоят таъсирчан тасвирланган. Асар қахрамонлари Амир ва Ҳасан дўст, бироқ ораларида улкан жардек фарқ бор. Амир Афғонистон аҳолиси кўпчилигини ташкил қиладиган пуштун, маҳаллий зодагоннинг фарзанди. Ҳасан эса камситиб келинадиган ҳазорийлардан. Бунинг устига Амирнинг отаси кўриниши кўркам ва эл-юртда нуфузли инсон, кирол Нодиршоҳ билан тўйида тушган расми қасрининг меҳмонхонасида осиглик туради. Ҳасаннинг отаси Алининг оёғи болаликдан оксайди, юзи фалаж оқибатида худди ҳайкалкидек қотиб қолган, болалар кўпинча унинг орқасидан «Бабалу» («алвасти») деб эрмак қилишади.

Бу икки дўст ўз оналаридан эрта ажралиб қолганлар. Амирнинг онаси уни дунёга келтираётган пайтда ҳаётдан кўз юмган, Ҳасанники эса бир ҳафталик чақалоклигида саёқ масҳарабозлар тўдасига қўшилиб, қочиб кетган...

Амир, отаси уни онасининг вафотида айбдор деб ҳисоблаб, яхши кўрмайди, деган фикрда. Айни пайтда хизматкорининг ўғли бўлган Ҳасанни кўпроқ эркалайди, унга қимматбаҳо совғалар беради. Шунинг учун Амир дўстини ўз отасига нисбатан рашк қилади. Ҳасан эса Амирга садоқатли, уни ўзининг энг яхши дўсти деб ҳисоблайди, болалар билан муштвашишларда ҳамиша ёрдамга келади, у ҳатто саводсизлигини юзига солса ҳам хафа бўлмайди.

Романдаги воқеалар ривожиди Ҳасаннинг шармандали ва даҳшатли ҳолатга тушганида Амирнинг уни ашаддий безорилар қўлидан қутқаришга журъати етмаганлиги ва Амирнинг бу айбини ювиш учун саъй-ҳаракатлари ўз ифодасини топган. Бу икки дўстнинг ҳар бирининг ўз тақдири, ўз фожиаси бор. Амир ва Ҳасан болаликдаги энг сеvimли машгулотлари – варраклари ва шамол кетидан чопар эканлар, тақдирлари ортидан югурадилар, ҳар

йил Кобулда ўтказиб келинадиган мусобакалардагидек галаба нашидасига тўйиш учун омадларини излайдилар...

Холид Хусайнийнинг «Шамол ортидан югуриб...» романи 2005 йилда Франция радиоси томонидан ҳар йили бериладиган адабиёт бўйича «Дунё гувоҳи» мукофотиغا сазовор бўлган. Роман бўйича 2007 йилда режиссёр Марк Фостер томонидан шу номда бадиий фильм ҳам яратилган.

«Шамол ортидан югуриб...» шартли равишда эркаклар қисмати ҳақидаги асар деб баҳоланса, «Минг қуёш шуъласи»ни («A Thousand of splendid suns», 2007) аёлларга бағишланган роман дейиш мумкин.

Рустам Жабборов ўзбек тилига таржима қилган «Минг қуёш шуъласи»¹ марказида эса, Афғонистонни ларзага солган, фожиалар қурбонига айланган икки аёл тақдири ётади. Мариям никоҳсиз онадан туғилиб, «ҳароми» тамғаси босилган, жуда ёшлигида ўзидан анча катта қосибга турмушга узатилган, оғир уқубатларни бошидан ўтказган бахти қаролардан. Асарнинг иккинчи бир қаҳрамони Лайло эса, аксинча, аҳил оиладаги суюкли фарзанд. Уларнинг бахтиёр ҳаёт кечириш орзулари ўртасида бирор боғлиқлик йўқ, чунки ўзлари турли дунёга мансублар. Агар уруш бўлмаганида улар тўқнаш келиши амримаҳол эди. Аммо халқ бошига тушган оғир синов даврида Лайло ва Мариям бир-бирига жуда боғлиқ бўлиб қоладилар. Лекин ўзлари қимлигини – бир-бирига душманми, дугонами ёки опа-сингилми, билишмайди. Улар рўй бераётган фожиалар рўпарасида ёлғиз қолсалар, ночорлар. Аммо биргаликда азоб-уқубатларни енгиб ўтадилар, бахт аҳён-аҳёнда бўлса ҳам уларга қулиб боқади...

«Минг қуёш шуъласи» Афғонистондаги уруш даҳшатларидан юракни эздиган, аммо қора қунлар ортидан муқаррар равишда қуёш қараклаб чиқишига умид қилишга ундайдиган ғоят таъсирчан асардир. Асар қаҳрамонлари зулмат ичида яшасалар ҳам ўзларининг инсоний қиёфаларини йўқотишмайди.

Холид Хусайнийнинг ўзига хос «Афғонистон трилогияси»нинг учинчи романи – «Тоғлар узра акс садо учеди»да («And The Mountains Echoed», 2013) ҳам ёзувчи ўз ватани – XX–XXI асрларда турли сиёсий қучлар манфаатлари тўқнашган, қирғин уруш майдонига айланган жафоқаш Афғонистон муаммоларини кўтарган.

Америкалик доктор АҚШдаги тўқ ва осуда ҳаётдан сўнг бу ердаги даҳшатли воқеликка дуч келиб, урушнинг фожиалари гувоҳи бўлади. Асар қаҳрамонлари орасида Кобулдаги касалхонада ярадор болаларга ғамхўрлик кўрсатаётган босниялик ҳамшира, учаётган ўқ ва бомбалар остида ҳам операция столи ёнидан жилмайдиган грециялик жарроҳ, тинч ҳаётга мослаша олмаётган собик дала қўмондони ҳам бор. Бу ерда Ғарбнинг

¹ Холид Хусайний. Минг қуёш шуъласи: Роман / таржимон Рустам Жабборов. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – 288 б.

окиллиги Шаркнинг ҳассослигига тўқнаш келади, икки тамаддуннинг дунёкараши турли зиддиятларни келтириб чиқаради.

Холид Ҳусайний ёзувчилик фаолияти билан бир қаторда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар бўйича ходимидир. Бу вазифада у афғонлар, биринчи навбатда, афғон болаларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Холид Ҳусайний Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича ўз жамғармасини ҳам ташкил этган.

Ог Мандино (Og Mandino, 1923–1996) асарлари энг кўп ўқиладиган яна бир америкалик ёзувчидир. Унинг асарлари 25 тадан кўпроқ тилга таржима қилинган, 50 миллион нусхадан ортиқ китоблари сотилган. Жаҳондаги турли мамлакатлардаги минглаб одамлар – Америка корпорацияларининг маъмурларидан тортиб, Япония фабрикаларининг ишчиларигача, Мексика камокхоналарининг маҳбусларию немис уй бекалари, футбол тренерлари ҳамда Филиппиндаги руҳонийлар ёзувчи асарларидаги маслаҳатларга амал қилишлари натижасида ўз ҳаётларида мўъжизалар рўй берганлиги учун Ог Мандино олдида умрбод қарздор эканликларини эътироф этадилар.

Огнинг онаси унинг болалик пайтидаёқ ёзувчи бўлишини башорат қилган. Ҳақиқатан ҳам Мандино мактабнинг юкори синфларида газетага муҳаррирлик қилган ва Миссури университетининг журналистика факультетига ўқишга киришни режалаб қўйган. Бирок 1940 йилда кутилмаганда онасининг вафот этиши ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган. У коллежга ўқишга кириш ўрнига қоғоз фабрикасида ишлай бошлаган, 1942 йилда АҚШ ҳарбий ҳаво корпусига қабул қилинган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида «В-24 Liberator» стратегик бомбардировкачи самолётида учган.

Ҳарбий хизматдан сўнг у суғурта агенти бўлиб ишлай бошлаган. У оиласини боқиш учун кечаю кундуз тинмай ишлашига қарамасдан қарз ботқоғига тобора ботаверган. Ночорлик уни майхоналарнинг доимий мижозига айлантирган. Муттасил ичкиликбозлик хотини билан ажралиб кетишига, ишдан ҳайдалишига ҳам олиб келган. Ог Мандинонинг ўзи бу йилларни шундай таърифлайди: «Икки йил азоб-уқубатлар ичида ўтди. Шалок машинада иш қидириб, мамлакатни дарбадар кезишга тушдим. Бир шиша арзон шароб учун ҳар қандай ишни бажариб кетадиган бўлдим. Кечалари дуч келган харобаларда тунаб қолар ва ўзимнинг ночор қисматимга аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкардим»¹.

Ог Мандино ҳатто ўз жонига қасд ҳам қилмоқчи бўлган. Ана шундай кунларнинг бирида у Нью-Хемпширдаги Конкорд шаҳар кутубхонасига тасодифан кириб қолган ва қўлига Уильям Клемент Стоун² ва

¹ *Мандино Ог*. Дунёнинг энг буюк савдогари. – Т.: «DAVR PRESS» нашриёт-матбаа уйи, 2015. – Б.4

² *Уильям Клемент Стоун* (William Clement Stone, 1902–2002) – америкалик йирик ишбилармон, ҳаётда муваффақиятга эришиш йўллари тўғрисидаги катор асарларнинг муаллифи.

Наполеон Хиллнинг¹ «Ижобий дунёкараш ёрдамида муваффақиятга эриш» («Success Through a Positive Mental Attitude») китоби тушиб қолган. Ушбу асарда баён қилинган маслаҳатлар унинг дунёкарашини тамомила ўзгартириб юборган.

Бўлажак адиб узоқ излашлардан кейин Уильям Клемент Стоуннинг Бирлашган суғурта агентлиги («Combined Insurance Company of America») президенти эканлигини аниқлаган ва ушбу компаниянинг Бостон шаҳридаги филиалига суғурта агенти бўлиб ишга кирган. Бир йил ичида Ог Мандино ушбу компаниянинг Мен округидаги менежери вазифасига ишга тайинланган. Бу вазифада у ўз ходимларини У.Стоун фалсафасига ўргатган ва тезда компания микёсида энг юксак натижаларга эришган.

Кейин ўзи ёзув машинкасини сотиб олиб, ижодга қўл урган. Уильям Клемент Стоун «Success Unlimited» («Чексиз омад») журналининг таъсис этган. Бу нашр оз нусхали бўлиб, компания акциядорлари ва ходимлари ўртасида тарқатишга мўлжалланган. Ог Мандино бу нашрнинг муҳаррири этиб тайинланганидан қўп вақт ўтмасдан уни умуммиллий журнал даражасига олиб чиқишга муваффақ бўлган.

Кунларнинг бирида журнал учун материаллар такчил бўлганида муҳаррирнинг ўзи дахшатли автохалокатга учраб ногирон бўлиб қолган Бен Хоген исмли кимсанинг нафақат оёққа турганлиги, балки АҚШ очиқ биринчилигининг ғолиби бўлганлиги ҳақидаги мақолани ёзади ва «Success Unlimited»да чоп этади. Бу мақола билан танишган Нью-Йоркдаги нашриётлардан бири муаллифга ҳамкорлик қилишни таклиф этади. Шундан атиги 18 ой ўтгач, журнал муҳаррирининг бугунги кунда дунёда машхур «Дунёнинг энг буюк савдогари» («The Greatest Salesman in the World») китоби ана шу нашриётда чоп этилади. Бу пайтда Ог Мандино ҳали машхур ёзувчи сифатида танилмаган эди. Шунинг учун китобнинг илк адади 5 минг нусха қилиб белгиланган. Америкадаги йирик «Amway Corporation» компания раҳбари Де Воснинг йиғилишда, ўз таърифига кўра, бу қулгили бир исм соҳиби ёзган «Дунёнинг энг буюк савдогари» асарини ўқишни ходимларига тавсия қилиши икки йил ичида бу китоб 350 минг нусхада сотилишига сабаб бўлди. Шундан мана 30 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам бу китоб қўлма-қўл бўлмоқда.

Ҳаётда ўз ўрнини топа олган ва «Success Unlimited» журнали президенти даражасига қўтарилган Ог Мандино 52 ёшида – 1976 йилда бу юксак лавозимини тарк этиб, ҳамма вақтини адабий фаолиятга бағишлашга азм этган.

Рустам Жабборов томонидан ўзбек тилига ўтирилган «Дунёнинг энг буюк савдогари»²да бағдодлик тadbиркор Хафиднинг савдо соҳасида

¹ Наполеон Хилл (Napoleon Hill, 1883–1970) – америкалик янги тафаккур намояндаларидан бири, замонавий «ўз-ўзига ёрдам» жанри асосчиси.

² Мандино Ог. Дунёнинг энг буюк савдогари / Таржимон Р.Жабборов. – Т.: «DAVR PRESS» нашриёт-матбаа уйи, 2015. – 104 б.

муваффақиятга эришиш сирлари ўн номада баён қилинади. Уларда муваффақиятга эришиш учун қатъиятли бўлиш ва ҳаракат қилиш, ўзини ўзи бошқаришга ўрганиш, Тангридан маслаҳат ва тўғри йўл сўраш, бошқа ўғитлар лўнда ифода этилган.

Оғ Мандинонинг «Танлов. Муваффақиятга ва яхши яшашга эришишнинг унутилмас ўн қондаси», «Акабар «Умиднома»си», «Яхши ҳаёт сирин» каби 14 та асари чоп этилган.

Адибнинг Асрор Мўмин ва Баҳодир Комил томонидан таржима қилинган «Яхши яшаш сирин»¹ асарида адиб ўзининг ҳаёт йўли, муваффақиятга эришишнинг, яъни яхши ҳаёт кечиришнинг сирларини баён этади. Юзаки қараганда жуда жўн, ҳамма хабардор бу ҳаёт фалсафасида чуқур маъно яширинган. Чунончи, кўпчилик ўзига омад кулиб боқиши учун астойдил ҳаракат қилиш зарурлиги ҳақидаги панд-насихатларни деярли ҳар куни эшитади.

Оғ Мандино эса бунинг ўз асарида жуда ибратли тарзда қуйидагича баён этган: «Бугун ва ҳар куни сизга ҳақ тўланганидан кўпроқ иш қилинг. Агар сиздан кутганларидан кўпроқ иш қилиш нечоғли муҳим эканлигини англаб етсангиз, муваффақиятнинг ярим лаззатини туясиз. Сизнинг ишингизни шу қадар юқори баҳолашсинки, бора-бора сизни энг керакли ходим сифатида тан олишсин. Ишга қўшимча куч сарфлаш ҳуқуқингиздан фойдаланинг ва бунинг эвазига берилган мукофотга қувонинг. Сиз унга лойиксиз!»

Ёзувчи бу асарида яхши ҳаёт кечиришнинг ана шундай 17 та қондасини баён этган.

Мазкур тўпламда ўқувчилар эътиборига ҳозирги давр АҚШ романнависларининг асарлари ҳавола этилмоқда.

¹ Мандино Оғ. Яхши яшаш сирин: маънавий-маърифий тавсиялар / Рус тилидан А.Мўмин, Б.Комил тарж. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 136-б.





Даниэла Стин



Тақдир сўқмоқлари

I БОБ

Августнинг серкуёш кунларидан бирида Мари-Анж Хокинс кари дарахт соясида, ўсик ўтлар устида оппок булутлар сузиб юрган осмонга тикилиб ётганча, кушларнинг сайрашига кулок тутарди.

У умрининг ўн бир йилини меҳр ва муҳаббат қуршовидаги Мармутон қасрида ўтказди. У чўнтагини олмага тўлдириб, мана шу ўтлоққа келишни, уйдан анча олисдаги ўрмон оралаб ўтган анхор соҳилларини бир ўзи сайр қилишни ёқтирарди. Анхорнинг қуйи оқимида от ва мол боқиладиган эски ферма жойлашганди. Ферма ишчилари Мари-Анжни кўриб, ҳамиша дўстона қўл силкиб қўйишарди.

У ўрмонни кезар, боғлардан олма ва шафтоли узар, кўп ҳолларда оёқяланг сайр қиларди. Онаси уни кўриб, «худди лўлиларга ўхшайсан-а» деб ҳазиллашганида, жилмайиб қўярди. Дарҳақиқат, Франсуаза Хокинс болаларини ҳаддан ташқари яхши кўрарди.

Мари-Анжнинг акаси Робер урушдан кейин, Франсуаза Жон Хокинсга теканидан сўнг, ўн бир ой ўтиб туғилган. У пайтда Жон аллақачон ўз бизнесини йўлга қўйиб олган – вино экспорти билан шуғулланарди. У беш йил ичида сармоясини кўпайтириб, оёкка туриб олди.

Мари-Анж туғилганидан кейин ота-онаси Мармутон қасрини сотиб олишди. Шу ерда ўсиб-улғайди, яқин орада ўрта мактабни битирди, кейин акаси ўқиган лицейда таҳсил олди. Сентябрьда Робер иқтисодиётни ўрганиш учун Парижга, Сорбонна университетига жўнайди. Ўқишни тугатгач, отасининг фирмасида ишламоқчи. Жон ишининг бу қадар тез ўнгланиб кетганига ўзи ҳам хайрон. Франсуаза ҳам эри билан жуда фахрланарди.

Уларнинг севги тарихи ҳам жуда ғаройиб бўлган.

Урушнинг охирларида америкалик оддий аскар Жон Хокинс ўз полки билан Францияга юборилади. Бирок, парашютдан сакраш чоғида у муваффақиятсизликка учрайди ва дарахтга урилиб оёғини синдириб олади. Воқеа Франсуазанинг ота-онасига қарашли ферма яқинида юз берганди. Ўшанда оила бошлиғи уйда бўлмаган ва кечки пайт қайтиб келган. Франсуаза ва онаси ярадор аскарни топиб, уни чордоққа яшириб қўйишган. Баланд бўйли, келишган, мовийкўз ва малласоч америкалик аскар 16 яшар Франсуазанинг хаёлини ўғирлаганди...

Жон ҳам фермада ўсган бўлиб, киздан атиги тўрт ёш катта эди. Онаси Франсуаза ва ажнабий йигит бир-бирини ёктириб, бирор ножўя ишга қўлириб қўйишларидан хавотирда эди. Бирок, Жон анча тартибли, бамаъни йигит экан. Қиз йигитга французчани, йигит эса инглизчани ўргата бошлади. Улар немисларнинг эътиборини тортмаслик учун чордоқда чирок ҳам ёқишмас, шивирлаб гаплашишарди.

Жон фермада тўрт ой яшади. Кейин Франсуазанинг отаси шериклари ёрдамида йигитни америкаликлар ёнига яширинча жўнатиб юборишди. Ёшлар бир-бирига жуда боғланиб қолишганди. Жон Франсуазага албатта қайтиб келишга ваъда берди.

Фашистлар истилосининг сўнгги кунлари эди. Франциянинг озод бўлишига санокли кунлар қолганда Франсуазанинг ота-онаси нобуд бўлишди ва кизча Парижга, яқин қариндошлари ёнига жўнатишди. Кўч-кўрон пайтида Жоннинг манзили битилган дафтарча ҳам йўқолиб қолган, Франсуаза энди уни қаердан топишни ҳам билмасди. Ўша пайтларда йигитнинг Парижда экани, шаҳарни озод қилишда иштирок этаётгани унинг хаёлига ҳам келмаганди. Кейин маълум бўлишича, улар деярли ёнма-ён яшаб, бир-бирларидан хабар топмаган эканлар.

Жон Франсуазани учратолмай, Америкага, ота-онасининг Айова штатидаги фермасига қайтди. Шундагина отаси Гуамда ҳалок бўлганидан хабар топди. У энди оила бошчисига айланган, онаси, укалари ва сингилларини боқиш унинг зиммасига тушганди. Жон Франсуазага бир неча маротаба хат ёзди, аммо жавоб келмади. Икки йил ўтиб, у Францияга боришга етгулик пул топгач, Франсуазани излаб йўлга чиқди. Қишлоққа келиб, ферманинг сотилиб кетганини эшитгач, хафсаласи пир бўлди. Франсуазанинг ота-онаси ҳалок бўлгани, кизнинг ўзи Парижга кетганини қўшнилардан эшитди.

Жон кидирувни давом эттирди. Полицияга мурожаат қилди, Қизил Хочдан суриштирди, маҳаллий мактаблардан, Сорбонна талабалар орасидан излади. Умидини узиб, Америкага қайтиш тараддудига тушган бир пайтда, Сенанинг чап қирғоғидаги қаҳвахонада хаёлга чўмиб ўтирган чоғда Франсуазани кўриб қолди. У ёмғир остида бошини эгганча кетиб борарди. Аввалига бошқа киз бўлса керак, деб ўйлади. Кейин ишонч ҳосил қилгач, ўрнидан ту-

риб, унинг ортидан отилди. Франсуаза ҳам уни таниб, йиглаганча йигитнинг бағрига отилди...

Ўша тунни кизнинг бир қариндошиникида ўтказишди. Эртаси кунни Жон яна Америкага учиб кетди. Бир йил давомида улар хат ёзишиб туришди. Кейинги йил Жон Парижга бутунлай кўчиб келди. Ўшанда Франсуаза 19, Жон эса 23 ёшда эди. Икки ҳафта ўтиб, улар турмуш қуришди. Шундан кейин улар умуман айро тушишмади ва ўн тўққиз йил ҳамнафас яшадилар.

Робер туғилганидан кейин улар Париждан яна кишлокка, Мармутонга кўчиб кетишди. Ота-онасининг бу ғаройиб севги киссасини Мари-Анж кўп марталаб эшитган, ҳар гал тинглаганда вужудини ажиб ҳаяжон чулғаб оларди.

Мари-Анж отасининг қариндошларини танимасди. Бобоси, бувиси, амакилари ҳали у туғилмасидан илгари ўлиб кетишган, кўп ўтмай кичик аммаси вафот этган, катта аммаси эса, Мари-Анж ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган пайтда автоҳалокатда нобуд бўлган экан.

Жоннинг қариндошларидан факат холасигина тирик бўлиб, уларнинг ўртасида қариндошлик риштаси деярли узилиб кетганди. Отаси бу хотинни ёқтирмаслигини Мари-Анж ҳам сезарди. Мари-Анжнинг ота қавмидан ҳали ҳеч бири Мармутонга келмаган. Жон бир неча марта айтганди: у Францияга ўз севгилисини излаб келганида, бирорта қариндоши уни қўллаб-қувватламаган, ҳаммаси йигитни телбага чикаришган экан. Франсуазанинг туғишган ака-укалари йўқ, икки амакиваччаси анча йиллар илгари автоҳалокатдан вафот этган эди.

Шундай қилиб, Мари-Анжнинг ҳам ота-онаси, биттаю битта акаси ҳамда олис Айовадаги хола-онаси – отаси унча ёқтирмайдиган кампирдан бўлак бирор қариндоши йўқ эди.

Дарвоқе, Жон бир гал холаси ҳақида гапира туриб, уни «ўта пасткаш, жоҳил аёл» деб атаганди. У пайтда Мари-Анж жуда кичкина, бу сўзларнинг маъносини тушуниб етмасди. Бироқ, қиз бошка бирор қариндошга эҳтиёж сезмас, ота-онаси ва акасининг меҳр-муҳаббати ҳароратидан сармаст яшарди.

Акаси ўқишга йўл олгач, Мари-Анж уни каттиқ соғинишидан кўрқарди. Шунда онаси Роберни кўриш учун бирга Парижга бориб туришга ваъда берди.

Робер иш юзасидан Парижга тез-тез бориб турар, ўзи билан Франсуазани ҳам олиб борар, бир-икки кун меҳмонхонада тунаб қолишарди. Бундай вазиятда Мари-Анжни анчадан бери уларнинг хонадонида хизмат қилиб келаётган оқсоч хотин Софининг қарамоғида қолдиришарди. Софи ҳам Хокинслар оиласи билан Мармутонга кетган ва ўша ердаги кичкина бир уйда истикомат қиларди. Мари-Анж Софининг ёнига тез-тез борар, у кизни чой ва печенье билан сийлаб турарди.

Кискаси, Мари-Анж чиндан бахтиёр эди. Унинг болалиги ҳамманинг хавасини келтирарди. У ўзи яшайдиган қадимий қасрнинг мали-каси эди, бекаму кўст ҳаёт кечирмоқда эди. Айниқса, онаси унга Париждан келтирилган чиройли кўйлақни кийдирганида, чинакам фариштадан фарқи қолмасди. Бирок, дарахтларга тирмашавериб, юлғунзор ва буталар орасида югуравериб, уводага айланган кийимда, ялангоёқ бўлиб, ўрмон ва далаларда чоғиб юрганини кўриб, отаси уни жулдурвоқи болаларга киёсларди.

Баъзан тушлик пайти уни кидириб чиққан акаси ҳам роса таъзирини берарди. Одатда Мари-Анж йўқолиб қолса, топиб келиш учун Роберни жўнатишар, у сингисини қаерларга бекиниб олиши мумкинлигини яхши биларди. Ака юзи шафтоли шарбатига беланган, кийими абгор ҳолатдаги сингисини етаклаб, уйга равона бўларди.

Ака-сингил қуйиб қўйгандек отасига ўхшарди. Икковининг ҳам сочлари маллатоб, кўзлари баҳор осмонидай тиниқ ва мовий эди. Оилада фақат Франсуаза қўйқўз ва қорасоч эди. Болаларга фақатгина онасининг ювош шўхлиги ва қувноқлиги ўтганди, ҳолос.

Бу гал ҳам Робер онасининг талабига кўра, сингисини чақиргани келганди.

– Қани тез юр, нонушта қиларканмиз, – деди у Мари-Анжни худди подадан ажраб қолган кўзичоқни қувгандек қувиб. Робер ҳам Парижга кетса, сингисини соғиниб қолишини яхши билар, аммо буни тан олишни истамасди. Чунки, шу пайтгача сингисидан бир кун ҳам айро тушмаганди.

– Қорним тўқ, – деди қизча шаддодлик билан.

– Гапни кўпайтирма, қани тез олдимга туш!

Франсуаза кизининг шафтоли шарбатига беланган ҳолда қайтганини кўриб, афти буришиб кетди:

– Мари-Анж, – деди у французчалаб, (фақат Жон Мари-Анж билан инглизчалаб гаплашарди) шу кўйлақни эрталаб кийиб кетгандинг, қара, дабдаласини чиқарибсан.

– Йўқ, ойижон, фақат пешбандим йиртилди, ҳолос, – деди Мари-Анж айбдорона қулимсираб. – Кўйлагим бутун.

– Шунисига ҳам раҳмат, – енгил хўрсинди она. – Бориб, юз-қўлингни ювиб кел. Софи сенга қарашворади.

Шу пайт ошхонадан уникқан қора кўйлақ олдидан тоза фартук боғлаб олган аёл чиқиб келди ва Мари-Анжнинг ортидан зина бўйлаб кўтарила бошлади. Гарчи энди Софи юқорига чиқишга бироз кийналса-да, у қичкинтойи учун дунёнинг нариги чеккасига боришга ҳам тайёр эди. Софи Роберни туғилганидан бошлаб парвариш қилган, у етти ёшга етганда



Мари-Анж туғилганди. Кизалокнинг туғилиши Софи учун ҳам катта шодиёна бўлганди. У Хокинслар оиласини жонидан ортик кўрарди. Унинг биргина кизи бўлиб, Нормандияда яшар, у билан камдан-кам кўришарди. Айтиш жоизки, Хокинсларнинг болаларини у ўз кизидан ҳам аъло кўрарди. Робернинг Парижга кетаётгани уни ҳам анча ўйга толдирганди.

Отаси Роберни аввалига АҚШда ўқитмокчи бўлди. Аммо, бу Франсузага ёкмади. Ўғил ҳам узокка кетишга унча рўйхушлик бермади. Зеро, оила аъзолари бир-бирига каттик боғланиб қолганди.

Мари-Анж ювиниб, тараниб пастга тушганида, барча стол атрофидан жой олганди. Овкат устида Жон ўғли билан иш юзасидан гаплашди, Франсуза маҳаллий янгиликларни гапира туриб, кизининг қандай овқатланишини кузатиб ўтирди.

– Хабаринг бор а, яқинда таътил тугаб, ўқишлар бошланади, – дея кизига юзланди Жон.

Мари-Анжнинг ковоғи осилди. Демак, акаси ҳам тез орада жўнаб кетади. Гарчи Робер ҳам пойтахтда талабалик ҳаёти бошланишини интиқлик билан кутаётган бўлса-да, синглисидан узоклашгиси йўқ эди.

Ота-онаси Сенанинг чап кирғоғидан Робер учун ижарага кварта-ра топиб қўйишганди. Франсуза ўқув йили бошланишидан олдин ўзи шаҳарга бориб, ўғлининг жойлашишига ёрдамлашмокчи эди. Аллақачон мебель ва бошқа жиҳозларни жўнатиб юборганди.

Робер жўнаб кетадиган куни ака-сингил барвакт туриб, боғда қувлашма-чок ўйнашди, Робер синглисини тутиб олиб, пўписа қилди:

– Хўш, шайтонча, нима, кетишим олдидан мен билан нонушта килишни истамайсанми?

– Хохламайман, – деди синглиси ковоғини солиб. – Кетишингни хохламайман.

– Тез келаман, яқинда байрам-ку, – уни овутган бўлди Робер. – Азиз-авлиёлар байрами. Мен ўша куни ёнингда бўламан. Қолаверса, ота-онам, дугоналаринг ёнингда-ку? Ҳеч қачон зерикиб қолмайсан.

– Ўша Сорбоннанга бормасанг бўлмайдими? – деди ҳалиям арази таркамай.

– Ахир тушунсанг-чи? – у синглисининг малларанг сочларини эркалаб си-лади. – Ўқишим, отамга ёрдам беришим керак. Катта бўлсанг, сен ҳам бора-сан Сорбоннага. Ахир бутун умр дарахтларга тирмашиб юрмайсан-ку, тўғрими?

Қизча жилмайиб, акаси билан ошхонага йўл олди. Эр-хотин ўта замо-навий, чиройли кийимларда ўтиришарди. Франсуза ўттиз саккизга кирган бўлса-да, шу туришида унга ўттиз ёш ҳам бериб бўлмасди. Унинг назарида Жон ҳам ҳар доимгидек хушбичим ва навқирон, худди парашютдан йиқилиб тушганидан бери ҳечам ўзгармагандек эди.



– Биз келгунимизча Софининг гапидан чикмасликка сўз берасанми? – сўради она кизидан меҳрибонлик билан. – Яна Софи холанг ортингдан югуриб юрмасин. Икки кундан кейин мактабинг бошланади. Биз отанг билан дам олиш куни қайтамыз.

Мари-Анж барибир Роберсиз туrolмасди.

– Мен сенга Париждан туриб қўнғирок киламан, – деди ака.

– Ҳар кунми?

У отасиникидек мовий, маъсум кўзларини пирпиратиб турарди.

– Имкон топишим билан албатта қўнғирок киламан.

У синглисини кучоклаб, ёноғидан ўпиб қўйди. Кейин эса, ота-онаси билан машинага ўтирди. Эшикни ёпишдан аввал чамадонини очиб, ундан кичик бир тугунча чиқарди ва синглисига узатди.

– Бу сенга!

Бир зумда машина кўздан йўқолди. Мари-Анж ва Софи қўл силкиб қолишди. Кейин уйга қайтишди. Мари-Анж тугунчани очиб кўрди. Ичида бир тарафида акаси, иккинчи тарафида ота-онасининг сурати туширилган кичкинагина олтин медальон бор экан. У дарҳол медальонни бўйнига такиб олди.

– Юр, фермага бориб келамиз, – деди Софи акасининг хонасида медальонга маҳзун тикилиб ўтирган Мари-Анжнинг ёнига бориб. – Тухум олишимиз керак, яна мадам Фурньёга бисквит олиб борамиз.

Мари-Анж ғамгин бош чайқади. У ҳозир ҳеч қаерга чиқишни истамасди. Аллақачон акасини соғина бошлаганди. Софи эса, қизчани ёлғиз ташлаб кетгиси келмасди. Бироқ, фермага бормаса ҳам бўлмасди.

– Унда боғдан чикмай ўтир, мен дарров келаман. Яна ўрмон оралаб ортингдан югуриб юрмай.

Софи чикиб кетиши билан Мари-Анж ҳовлига тушди. Кейин олма узиш учун бокка тушмокчи бўлди. Агар бир этак олма терса, Софи пирог пишириши учун етади. Бироқ, Софи қишлоқдан чарчаб келди. Мари-Анж ёктирадиган шўрвага ҳам қўл урилмади, ҳисоб. Икковининг ҳам негадир кайфияти йўқ эди. У туриб, бокка тушди, ўсик ўтлар узра ястанганча, осмонга термулиб яна акаси ҳақида ўйлай бошлади.

Шу пайт уларнинг ташкари эшиги олдида полиция машинаси келиб тўхтади. Бироқ, қизча унча эътибор бермади. Жандармлар унинг отаси ёнига шунчаки ҳол сўраб, чакчаклашгани тез-тез келиб туришарди. Қизик, улар ота-онаси Парижга кетганини билишмасмикин?

Мари-Анж ошхонага кирганида, полициячи ўша ерда ўтирар, нимагадир Софи тинимсиз йиғларди. Қизча бўйнидаги медальонни маҳкам тутамлаганча, уларга яқинлашди. Полициячи ҳам, Софи ҳам уни кўриб, жим бўлиб қолишди. Кекса оқсочнинг юзидаги саросимани кўриши билан Мари-Анж қандайдир нохушлик юз берганини пайқади.

Сукут чўзилгани сайин Мари-Анжнинг ҳам хавотири орта борди. Софи аввал полициячига савол назари билан бокди, кейин кизчага юзланди.

– Бу ёкка кел, асалим, – деди аёл бағрини очиб. Софи кизчани озгин кўллари билан кучоклади ва юм-юм йиғлашда давом этди. Юз берган нохушликни айтишга унинг кучи етмаслигини англаган полициячи бунини зиммасига олди:

– Мари-Анж, – деди кизчага қарамасликка тиришиб. – Йўлда автохалокат содир бўлган.

Мари-Анжнинг нафаси бўғзига тикилиб қолди. Юраги дукурлаб кетди. Автохалокат? Бўлиши мумкин эмас! Аммо, у шундай дедими? Демак...

– Дахшатли автохалокат, – давом этди полициячи. Қизчанинг вужуди титроққа тушди. – Ота-онанг билан аканг...

Мари-Анж Софининг кучоғидан юлқиниб, ўзини ташқарига отган чоғда, полициячи унинг қўлидан тутиб қолди. Ҳар қанча оғир бўлмасин, бу мудҳиш ҳақиқатни унга етказиши лозим эди:

– Улар нобуд бўлишди. Бир соат илгари. Қарама-қарши йўналишдан келаётган юк машинаси бошқарувини йўқотиб, сизларнинг машинангизга келиб урилган. Улар ўша ернинг ўзида вафот этишган. Бизга йўл полициясидан хабар қилишди.

– Ёлғон, – кичкирди кизча. – Алдаяпсиз! Ота-онам билан акам Парижга кетишган.

– Минг афсуски, улар Парижга етиб бора олишмади.

Мари-Анж полициячининг чангалидан ҳам юлқиниб, бокқа тушиб кетди. Жандарм савол назари билан Софига қаради. Унинг фарзандлари йўқ, болалар билан қандай муомала қилишни билмасди.

– Қўяверинг, ҳалироқ ўзим ортидан тушаман. У ўзига келиб олиши учун вақт керак.

Полициячи кетгач, қош қорая бошлаганида, Софи кизчани излашга тушди. У дарахт панасида гужанак бўлиб, йиғлаб ўтирарди. Софи ҳам жимгина унинг ёнидан жой олди.

– Ҳаммаси худонинг иродаси, болам, – деди тасалли оҳангида. – Яратганининг ўзи уларни даргоҳига чақириб олибди.

– Нега, нима учун чақириб олади? – қайсарлик ила кичкирди кизча.

– Унака дема, ҳаммамиз ҳам бир куни борамиз ўша ерга!

Софи шундай дея кизчани бағрига босиб, худди аллалаётгандек майин тебрата бошлади. Улар анчагача шу тахлит туриб қолишди. Факат қоронғи тушгачгина уйга йўл олишди.

– Энди нима қиламиз? – сўради кизча Софига мўлтираб боқаркан. – Шу ерда яшайверамизми?

Софи мавҳум киёфада бош ирғади. Аслида бундай пайтда нима қилишни у ҳам аниқ билмасди. У Францияда кизчанинг ҳеч кими йўқлигини

яхши биларди. Америкадан ҳам Хокинсларнинг хонадонига ҳеч ким келмас, шу боис Софи у ерда ҳам Мари-Анжнинг бирор кавми йўқ деб ўйларди. Қизча ҳам ана шу ёлғизликнинг моҳиятини англаб етгандек, дағ-дағ қалтирарди.

II БОБ

Дафн маросими Мармутон қасрида ўтди. Унда яқин атрофдаги фермалардан, кишлоқлардан келган одамлар иштирок этди. Робернинг синфдошлари, Жоннинг ҳамкасабалари, Франсуазанинг дугоналари жамланишди. Мархумларни тупрокка топширгач, уларнинг уйига қайтиб, анъанага кўра азадорларга – Мари-Анж ва Софига таъзия билдиришди.

Эртаси куни Жон Хокинснинг ишончли вакили Мармутонга келиб, Мари-Анжнинг ягона қариндоши – отасининг ҳоласи бўлмиш Кэрол Коллинз Америкада яшагини айтди. Мари-Анжга отаси бу аёл ҳақида бирикки марта айтганди. Бирок, бирор марта орада борди-келди бўлмаган, отаси ҳам бу аёл ҳақида хушламайроқ гапирарди. Вакил Коллинзга қўнғирок қилиб, вазиятни тушунтирганида, Мари-Анж униқанда яшашга розилик билдирганини маълум қилди. Вакил қаср ва фирма билан боғлиқ масалаларни ҳам ҳал қилиб қўйганини айтди, аммо, ўн бир ёшли қизчага бунинг қизиги йўқ эди.

– Мсье, қизча шу ерда қолаверса бўлмайдими? – ҳикиллаб сўради Софи.

Вакил бош чайқади. У қизчани хайҳотдек қасрда, қартайиб қолган оқсоч аёлга топшириб қетолмасди. Ахир қимдир қизнинг таълим-тарбияси, келажаги учун қайгуриши керак-ку? Бу масъулиятни эса, Софига юклаб бўлмайди. Жонга қарашли фирма адвокатлари Софининг саломатлиги жойида эмаслигини айтишганди.

Кекса оқсочни эса, Америкага жўнаб кетиши лозим бўлган муштипар қизалоқнинг тақдири ташвишга соларди. Яқинларининг ўлиmidан сўнг, Мари-Анж ўзини анча олдириб қўйган, иштаҳасини йўқотган, ўтлар устида ётганча ҳаёл сургани-сурган эди.

– Уни қачон Америкага жўнатмоқчисиз? – сўради Софи қизча ташқарига чиқиб кетган маҳалда.

– Индинга, – деди вакил. – Ўзим у билан Парижга бораман ва самолётга ўтказиб юбораман. У Чикагога боргач, бошқа самоёлтга ўтиради. Миссис Коллинз қизчани аэропортда кутиб олади ва фермага олиб кетади. Менимча, у ер Мистер Хокинснинг фермасидан фарқ қилмаса керак.

– У ерда Мари-Анжни қандай қарши олишаркин? – сўради оқсоч хаяжон билан. – Балки, қизчага унчалик яхши бўлмас?

– Бошқа чорамиз йўқ, мадам, – деди вакил. – Кэрол Коллинз унинг ягона қариндоши. Қизча у билан яшайди. Бахтига мисс Коллинз уни қабул қилишга рози бўлди.

– Унинг болалари борми? – сўради Софи қизчанинг меҳрибон қариндошлари бағрига боришига умидворлик билан.

Вакил мужмал елка қисди.

– Билмадим, лекин жуда болажон кампирга ўхшайди. Иссиқроқ кийинтириб юборинглар, бизда анча совук, деди.

Мари-Анж Айовага учиб кетади. Софи жигарбандига айланиб қолган қизчадан ажралишини ўйлаб, ўзини қўярга жой тополмасди. У Мари-Анжнинг кийимлари, ўйинчоқлари, ота-онаси ва акасининг суратлари, зарур буюмларини ўртача мадониликка жойлаштирди.

Икки кун ўтиб, вакил қизчани олиб кетгани келди. Мари-Анж ҳалихануз ҳаётидаги бу дахшатли бурилишдан ўзига кела олмаганди. Оксочаёл қизчани бағрига босиб узок йиғлади. Вакил уларни бир муддат кутиб турди, кейин қизчанинг елкасидан охишта тўртди:

– Мари-Анж, кетишимиз керак, самолётга кеч қоламиз.

– Майли кеч қолсак, – тихирлик қилди қизча. – Мен Айовага бормайман, шу ерда қоламан.

Вакил уй ҳамма жиҳозлари билан сотилишини, шу боис океан ортига бориши кераклигини қизчага эслатиб ўтирмади. Қизча ҳам тақдирга тан бермасликдан бошқа чораси йўқлигини англади, йиғлай-йиғлай машинага ўтирди. Софи то машина қўздан йўқолгунча тикилиб қолди. Кейин эса, чўкка тушганча ҳўнграб юборди. Энди унинг Нормандияга, қизининг ёнига кетишдан бошқа иложи қолмаганди.

Мари-Анж Парижга боргунча чурк этмади. Вакил уни бир-икки марта гапга солишга уриниб қўрди, аммо наф чиқмади. Айовада қизчани бутунлай бошқача ҳаёт кутарди. Балки, ўша ерда у бахтини топиб кетар?

Йўлда тамадди қилиш учун тўхташганида ҳам Мари-Анж туз тотмади. Вакил унга музқаймоқ таклиф қилганида ҳам қизча маъносиз бош чайқади. Унинг ямоқли свитери устида акасининг сўнгги совғаси – олтин занжирга қадалган медальон осилиб турарди. Свитери остидан қийган мовий қўйлакни унга онаси Париждан келтириб берганди.

Вакил Мари-Анжни самолёт пиллапоёсига қадар кузатиб қўйди. Хайрлашиш олдидан у вакилнинг қўлини самимиёт билан сиқиб, миннатдорлик билдирди. Эшик олдидagi стюардесса унинг қўлидан тутганча бортга бошлади. Вакил унга қизчанинг бошига тушган мусибатни гапириб берганди. Стюардесса йўлда қизчанинг ҳолидан хабардор бўлиб боришга, Чикагога етгач, у ердан Айовага учувчи самолётга чиқариб қўйишга ваъда берди.

Самолёт ҳавога қўтарилгачгина, вакил машинасига ўтириб, ортига қайтди. Унинг ҳали қиладиган ишлари қўп: аввалига унинг ҳамда фирманинг ҳамма ҳужжатларини тўғирлаб, барча ашёлари билан бирга сотувга қўйиши лозим эди. Яхшиям Хокинс ҳамма ишини бадастир қилиб кетганди.

Парвоз давомида ҳам Мари-Анж овкатга қарамади. Кечаси билан ухламай чиқди. Фақат стюардессанинг кистови билан бир бўлак жўжа гўшти ва бир лукма нон еди, холос. У бутун вақтини иллюминатор ойнасига тикилиб ўтказди. Эндигина ўн бир ёшга тўлган бўлса-да, назарида Мари-Анжнинг бутун ҳаёти ортда қолгандек эди. У олдинда ҳеч нарсани кўролмасди. Яқинлари энди йўқ, улардан ширин хотиралару суратлар эсдалик бўлиб қолди, холос. Айтганча, у Софининг сурати ва унинг Нормандияда яшайдиган қизининг манзилини ҳам ёзиб олганди. У Айовага етиб бориши билан энагасига хат ёзишни ваъда берганди.

Самолёт Чикаго аэропортига маҳаллий вақт билан соат еттида қўнди. Бир соатдан сўнг Мари-Анжни Айовага учадиган навбатдаги самолётга ўтказишди. Унинг учта катта-катта чемоданини эса юкхонага топширишганди. Ўн бир яримда самолёт Форт-Доджега етиб борди. Нариги самолётдаги стюардесса беригисидаги ҳамкасбига қизчани топшириб, уни кутиб олиш учун чиққан одамларнинг қўлига топширишни тайинлаганди. Шундай бўлди ҳам.

Терминалда Мари-Анжни кенг соябонли, ковбойча шляпа кийган, мўйловдор эркак кутиб турарди. Унинг исми Том бўлиб, мисс Коллинзнинг фермасида ишлар, бекасининг топшириғига кўра, қизчани кутиб олгани чиққан экан. Стюардесса унинг қўлидаги ишонч коғозига бирров кўз ташлаб, қизчани унинг қўлига топширди. Ковбой катта-катта чемоданларни кўриб, кулимсиради.

– Яхшиям юк машинасини миниб келган эканман.

Қизча индамади. Эркак эса, «инглизчани билмаса керак» деб ўйлаганди, аммо стюардесса билан инглизчалаб хайрлашганини кўриб, фикридан қайтди.

– Қорнинг очми? – сўради у қизчадан. Мари-Анж бош чайқади. Кейин чемоданларнинг бирини ҳаммолга юклатиб, иккитасини ўзи кўтарди-да, қизчани ташқарига бошлади.

Том йўл-йўлакай ўзини таништирди, гап орасида бекасининг жуда яхши аёл эканини таъкидлаб борди. Қизча ҳамон жим эди. Мари-Анж айнан Софи билан ажралишга сабаб бўлгани учун ҳам хола-онасини ёмон кўра бошлаганди. Соат тунги иккиларда машина яланглик ўртасида қад кўтарган уй ёнига етиб келди.

Мари-Анж олачалпок ёруғда силос ғарамланадиган бостирма, оғил ва яна аллақандай кулбаларни кўриб турарди. Бу ер умуман Мармутонга ўхшамасди. Ҳеч ким уларни кутиб олмади. Том чемоданларни олиб, дарчадан ошхонага кирди.

– Кир, Мари, – деди у ортига ўгирилиб. – Мен ҳозир Кэрл холангни топиб келаман.

Мари-Анж йўлакда қанча қотиб турганини билмайди. Шу чоқ чироқ ярқ этиб ёнди-ю, ошхона унинг қаршисида бор бўй-басти билан намо-

ён бўлди. Унинг рўпарасида ногиронлик аравасида бир кампир тикилиб турарди.

– Фермага шунақа кўйлақда келадими одам? – деди кампир саломлашиш ўрнига аллақандай димоғдорлик билан.

Кампирнинг юз чизгилари, кўзлари сал-пал отасига ўхшаб кетарди. У кампирнинг ногирон эканини тасаввур ҳам қилмаганди. Шу боис кўркиб кетди.

– Худди базмга келгандек ясаниб олганини қаранглар! – навбатдаги пичинг қизчани тамомила гангитиб кўйганди. – Инглизчани биласанми ўзинг? – ҳужумни давом эттирди кампир. Қизча бош ирғади.

– Сен боравер, Том, – дея хизматчисига рухсат берди. Том қизчанинг елкасини меҳрибонлик билан қоқиб, эшик томон юрди. У ота ва бобо сифатида болаларнинг руҳиятини яхши билар, шунча йўл босиб келган, бунинг устига, бошига оғир савдо тушган қизчанинг ҳолатини тушуниб турар, шу билан бирга, бекасининг у қадар киришимли ва олийжаноб эмаслигини ҳам яхши биларди.

Кампир фарзанд кўрмаган, болалар билан қандай муомала қилишни билмас, бошқаларнинг болалари эса уни заррача қизиқтирмас эди.

Мана шу кампир тақдир тақозоси билан ёши бир ерга етганида жиянининг қизига васий бўлиб турибди.

– Чарчаб келгандирсан, – деди ёлғиз қолишгач, бироз юмшашга уриниб. – Кириб дамингни олишинг мумкин.

Мари-Анж чиндан ҳам чарчаган, бунинг устига, қорни ҳам очқаган эди. Қизик, шу пайтгача ким билан ҳамроҳ бўлса, ҳаммаси унга егулик таклиф қилган, аммо Мари-Анжнинг қўнгли тусамаганди. Энди эса...

– Ҳа, бирор гапинг борми? – дўриллади кампир.

Аёлнинг нигоҳларидаги таънани англаб, унга ҳали қабул учун миннатдорлик билдирмаганини англади:

– Мени ўз ҳимоянгизга олганингиз учун раҳмат, – деди у инглизчада француз талаффузи билан.

– Иккимизнинг ҳам бошқа йўлимиз йўқ эди, – деди кампир бефарқ оҳангда. – Энди биргалашиб бу вазиятдан чиқишимиз керак. Сен менинг хўжалик ишларимга қарашасан. Айтганча, иш пайтида қиядиган кийимларинг бўлса керак, – дея кампир аравасини у тарафга юргизди.

Кэрол Коллинз болалигида полиомиелитга чалинган бўлиб, оёқлари фалажланиб қолган, гарчи қўлтиктаёқда юра олса ҳам, аравачани маъқул кўрарди. У эллик йилки, ана шу аравачасидан ажралмас, ёши ҳам етмишни қоралаб қолганди. Кэролнинг эри урушда ҳалок бўлган, шундан сўнг бошқа турмушга чиқмаганди. Ферма Кэролга отасидан мерос бўлиб қолган, унинг синглисига, Жон Хокинснинг онасига тегишли қисмини

хам ундан катта пул эвазига сотиб олган, шу тариқа ферма унинг мутлок мулкига айланганди.

Хуллас, Жон Хокинсининг ўлимидан сўнг унинг бошқа бирор кариндоши қолмаган, бу, афтидан, Коллинз хонимни унча хавотирга ҳам солмасди. Кампир қишлоқ хўжалиги соҳасини яхши тушунарди.

Кэрол Мари-Анж учун меҳмонхонани бўшатиб берди. Чунки фермага меҳмонлар камдан-кам келиб туришарди. Мари-Анж итоткорлик билан коридор бўйлаб ғичирлаб кетаётган аравачининг ортидан эргашиди. Меҳмонхонада кўзга ташланадиган жиҳознинг ўзи йўқ эди ҳисоб. Деворнинг бир томонида ҳоч осилган, бошқа тарафида қайсидир суратнинг репродукцияси илинган эди. Эски каравотга юпкагина матрас ва адёл тўшалганди.

– Ваннахона коридорнинг охирида, – деди Кэрол. – Лекин сувни қўп сарфлама, қўпам қамалиб қоп кетма. Ҳали ойнага термулиб қолишга ёшлик қиласан.

Мари-Анж хўп дегандек бош ирғади. Зимдан кампирнинг эгнидаги эркакча қўйлақ ва жинсига, унинг қирқилган тирноқларига, қалта оқ сочларига қараб олди.

– Кўрпа-тўшакларингни ўзинг йиғиштирасан, тушундингми?

Мари-Анж бу шартга ҳам рози бўлди. Шунда узок кариндошлар бири-бирига анча тикилиб қолди. Кейин Кэрол қизчага синчковлик билан тикилиб, сўз қотди.

– Отангнинг ёшлигига жуда ўхшаб кетаркансан, – деди аллақандай совуқ оҳангда. Шу топда Мари-Анж отаси бу кампирни азалдан ёқтирмаслигини эслади. – Отанг Францияга кетганидан кейин уни қайтиб кўрмадим. Фермада шунча иш туриб, кетворди тентак. У кетганидан кейин ота-онаси анча қийналди. Бирок Жон бунга парво ҳам қилмади. У сенинг онангни деб барча яқинларидан воз кечди.

Ота-онаси ҳақидаги бу аччиқ гаплар Мари-Анжга ёкмаса-да, индамади. Кэрол Коллинз қизчанинг онасидан тамомила фарқ қиларди. Қўпол, тасқара, андишасиз...

«Агар Айовадаги ҳамма аёллар шундай бўлса, отамнинг нима учун кетиб қолганини тушунса бўлади», – ўзича хулоса ясади Мари-Анж. Бирок, у ҳали ёш бўлгани сабабли, Кэрол Коллинз, биринчи навбатда, бахтсиз аёл эканини тушунмасди. Ҳаёт уни сийламаганди, аёл ёшлигидаёқ ногирон бўлиб қолган, бир неча йил ўтиб, эри ҳам қазо қилганди.

– Эрталаб туришим билан сени уйғотаман, – деди Кэрол. – Нонушта тайёрлашда менга ёрдамлашасан.

– Хўп бўлади, – шивирлади қизча оҳиста кўзларидан оқаётган ёшларни сездирмасликка тиришиб. Кампир аравачасини ғичирлатганича чиқиб кетди. Мари-Анж эшикни ёпиб, каравотга ўтирди ва хўнграб юборди. Кейин чемоданни очиб, Софи тахлаб берган қўйлақни чиқарди. Бу қўйлақни онаси Париждан сотиб олиб берган, Софи унга турли мунчоқларни қадаб қўйганди.

Қизча қисматнинг бу кўргулигидан эзилиб, анчагача ухлолмади. Бу оламда мана шу баджаҳл кампирдан бўлак ҳеч кими колмаганди. У энсиз, металл каравотда деразадан эшитилаётган бегона овозларни эшитиб ётаркан, илк бор яқинлари ҳалокатга учраган машинада ўзи ҳам бўлмаганидан афсусланди.

III БОБ

Ҳали тонг ёришмай туриб, Мари-Анжни Кэролнинг ўзи уйғотди. Эшик олдига келиб, уйғонишни амр этди ва аравачасини кескин буриб, ошхона томонга кетди. Орадан беш дақиқа ўтиб, Мари-Анж қизарган кўзларини ишкалаганча, кампирнинг ортидан борди. Соат миллари эрталабки беш яримни кўрсатиб турарди.

– Биз жуда барвакт уйғонамиз, Мэри, – деди Кэрол атайин кизчанинг исмини бузиб айтаркан. Бу Мари-Анжга оғир ботди.

– Менинг исмим Мари-Анж, – деди у хиёл оғриниб.

Қизчанинг эътирози кампирни янада асабийлаштирди.

– Бўлди, ортикча гапларга тоқатим йўқ, Мэри, – деди қатъият билан.

Кэрол стол устига бир шиша сут, бир банка жем ва бир буханка нон келтириб қўйди. Нонушта ана шундангина иборат эди.

– Агар истасанг, ўзингга нон қизартириб олишинг мумкин.

Кампир ошхона столи устида турган, алмисокдан қолган, занг босиб кетган тостерни кўрсатди. Мари-Анж тостерга икки бўлак нонни жойларкан, ҳар куни эрталаб Софи тайёрлайдиган нонушта дастурхони кўз олдига келди. Унда эрталаб печдан чикқан иссиқ нон, бекон, тухум, янги узилган шафтоли ҳар доим бўларди. Кэрол қизарган ноннинг бир бўлагига ўзи учун жем сурди, иккинчи бўлагини қизчага қолдирди ва ноннинг қолганини олиб қўйди. Шу билан нонушта тамом. Мари-Анж оч-наҳор ҳолатда ўрнидан турди.

– Том сенинг мажбуриятларингни тушунтиради, – деди Кэрол. – Энди ҳар куни эрталаб туриб, ўзинг ўрин-кўрпангни йиғиштирасан, ҳозир кўрсатганимдек нонушта тайёрлайсан, кейин мактабга боргунигча фермадаги ишларни қиласан. Бу ерда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Агар бу сенга ёқмаса, Форт-Доджедаги етимлар уйига боришинг мумкин. Шу ерда қоламан десанг, айтганларимга кўнишингга тўғри келади.

Мари-Анжнинг кўнишдан бошқа чораси йўқ эди.

– Душанбадан мактабда дарсларинг бошланади. Эртага эса, сен билан черковга борамиз. Бугун эса уй ишларини саранжом қилганингдан кейин, шаҳарга бориб, сенга иш кийимлари сотиб оламиз.

Айни чоғда, очликдан Мари-Анжнинг қорни қулдирар, қулоғига ҳеч гап кирмасди.

– Хўп бўлади, мадам, – деди Мари-Анж, гарчи унинг гапларини эшитмаган бўлса-да, итоаткорлик билан.

– Мени Кэрол деб аташинг мумкин, – деди кампир куруқ оҳангда. – Ҳозир эса, бориб идиш-товокларни юв.

Мари-Анж унинг айтганини килди. Чунки, битта тарелкаю иккита чашкадан бўлак ювиладиган идишнинг ўзи йўқ эди. Кейин хонасига қайтди. Нима қиларини билмасдан, каравотга ўтириб, ўзи комод устига қўйган ота-онаси ва акасининг суратларига термулди. Қўллари титраб, бўйнидаги медальонни ушлаб кўрди. Коридордан аравачининг ғичирлаши эшитилиши билан Мари-Анжнинг баданига муз югургандек бўлди.

– Мэри, мен чемоданларингни очиб, текшириб кўрмоқчиман. Ёш бола бунча кийим-бошни нима қилади? Ахир, бу гуноҳ!

Мари-Анж каравотдан сапчиб турди-да, ичидагиларни бирма-бир кўрсата бошлади. Тўйга кийиладиган либослар, ёқаси каштали тунги қўйлақлар, бир нечта пальтони каравот устига қўйди.

– Булар энди сенга керак бўлмайди, – деди Кэрол пальтоларни кўрсатиб.

Кейин чемоданларни ўзи ковлаштиришга тушди. Кийим-бошлар орасидан биттадан свитер, шим ва бир нечта юбкани ажратиб олди. Кейин чемоданларни ёпиб, Мари-Анжга ажратилган кийимларни каравотга илишни буюрди. Қизча унинг айтганини килди.

– Энди ҳовлига чиқиб, Томга учрасанг, қиладиган ишларингни тушунтиради, – деди-ю, аравачасини ғилдиратганча, коронги коридор бўйлаб, ўз ётоғига қараб кетди.

Том Мари-Анжни ҳовлида кутиб турарди. У қизчани молхонага олиб бориб, сигир соғишни тушунтирди. Назарида кампир Мари-Анжнинг зиммасига жуда кўп ишларни юклаб юборган эди. Томнинг айтишича, агар бу ишларни битиришга улгуролмаса, мактабдан қайтганидан кейин битириб қўйса ҳам бўларкан.

Том қизчани етаклаб уйига қайтганида, Кэрол уни ногиронлар аравачасида кутиб ўтирарди. У қизга қараб ҳам қўймади ва Томга қизчанинг чемоданларини йиғиштириб, шаҳарга олиб боришни буюрди. Қизчанинг юраги шувуллаб кетди. Демак, уни етимхонага топширишмоқчи. Том чемоданларни юкхонага жойлаштирди. Мари-Анж ҳам ҳеч нарсa демасдан, итоаткорлик билан кечаги таниш машинага, кампирнинг ёнига ўтирди.

Мари-Анж ёшли кўзлари билан атрофни кузатиб борарди. Улар шаҳарга киришиб, «Гудвилл» дўкони ёнига етишганда, Кэрол машинани тўхтатишни буюрди. Том орқадан аравачани чиқариб, кампирни унга ўтказди. Мари-Анж эса, қаёққа кетишаётганини, нима учун чемоданларни ҳам машинага юклашганини ҳануз тушунмас, Кэрол эса ҳамон жим эди.

Сотувчи аёллар кампир билан эски танишлардек куюк сўрашишди. Кампир билан изма-из кизча ва унинг чемоданларини кўтариб олган Том кириб келди.

– Неварам учун бирор хил кийим олмоқчи эдим, – деди Кэрол.

Мари-Анж, ҳар қалай, якин орада уни етимхонага топширмасликларини пайқаб, енгил нафас олди. Кэрол катор осилган кийимлар орасидан учта коржом, бир нечта эски свитер ва йўл-йўл футболка, кроссовка, битта жигаранг, ўта бесўнақай, аммо анча калин матодан тикилган куртка танлади.

– Неварам яқинда Франциядан уч чемодан кераксиз лаш-лушларни кўтариб кепти. Уларни манави кийимлар ўрнига олиб қолсангиз, ортиб қолганини кредит картага тушириб берасиз. Бунақа кийимлар бизга умуман тўғри келмайди. Борди-ю, етимхонага тушиб қолгудек бўлса, у ердагилар ўзлари махсус кийим-бош беришади.

Мари-Анж йиғлаб юборди. Пештахта ортидаги аёллар унга ачиниб қарашди.

– Кэрол хола, ҳеч бўлмаса, тунги қўйлагим билан қўғирчоғимни олиб қолсам бўладими?

– Энди қўғирчок ўйнайдиган ёшдамассан, – деди Кэрол қатъият билан, – ҳа, майли, тунги қўйлагинг қолсин.

Кизча чемоданларни очиб, улардаги кийимларни бағрига босиб хидлади. Уларнинг ҳар бири маълум бир хотиралар билан боғлиқ эди. Бу кийимларни ота-онаси унга турли байрамларда, туғилган кунларда сотиб олиб беришган, айримларини ҳали кийишга ҳам улгурмаган эди. Энди ота-онасини эслатиб турадиган бу кийимларни бошқа кўрмайди.

Улар магазиндан чиқишаркан, Мари-Анж етимхонага тушишдан қўркмай қўйганди. Бу номард кампирнинг уйидан кўра, етимхона афзалроқ бўлса керак. Фермага кайтгунча ҳеч ким чурқ этмади.

Кизча магазиндан сотиб олинган кийимларни олиб хонасига кирган чоғида, кампир уни тушликка чақирди. Тушлик факат бир бурда нон, бир бўлак қолбаса, бир стакан сут ва бир дона печеньедан иборат эди. Кун бўйи Мари-Анж кампирнинг фермадаги ишларига қўмаклашди. У кампирни кечки овқат пайтига қадар кўрмади. Кечки «зиёфат» ҳам аввалгиларидан қолишмасди. Кэрол кизчанинг тақсимчасига бир бўлак юпкагина гўштли рулет ва қоғознинг таъми келадиган сабзавотли гарнир солиб берди.

Мари-Анж овқатланиб бўлгач, идиш-товокни ювиб, хонасига кайтди. Кечаси билан ота-онаси, акаси, ўз бошига тушган савдолар ҳақида ўйлаб ухлолмай чиқди. Агар бундан буён ҳаёти ана шундай очлик ва мутеликда ўтадиган бўлса, бундай яшашнинг кимга кераги бор? Бир пайтлар отаси Америкада турадиган холаси ҳақида гап кетганда, нега пешонасини тириштириб олишини энди тушунди. Аммо, кеч эди. Кизчанинг чидашдан бўлак иложи йўқ.

Эртаси куни Мари-Анж Кэрол билан черковга йўл олишди. Рухоний уларга гуноҳ ва савоб, эр-хотиннинг бир-бири олдидаги бурчлари ҳақида узок гапирди. Мари-Анжнинг эса, негадир уйқуси келарди. Фақат холасининг турткисидан кейингина сергак тортди.

Кечқурун дастурхон атрофида Мари-Анжга эрталаб мактабга боришини эслатди. Хайриятки Мари-Анж французча лаҳжада бўлса ҳам инглиз тилида гапира олади. Ёзишни ҳам бир амалласа бўлади. Мари-Анж ухлашидан аввал кампир унга мактабга бориш йўлини тушунтириб берди.

– Тўғри йўл бўйлаб, сарик кўрсаткичга қадар бир миль чамаси йўл босасан, албатта, уй ишларини қилиб бўлганингдан кейин, – уқтирди кампир. – Автобус еттиларда жўнайди. Сен эса, ҳар қалай, соат олтида уйдан чиқишинг керак. Демак, соат бешда уй ишларига киришасан. Шунинг учун соат тўртда уйғонишингга тўғри келади. – Шундай дея кампир унга алмисокдан колган будильникни тутказди. – Соат тўртларда дарслар тугайди ва сени автобусга чиқариб юборишади. Соат бешда уйда бўлишинг шарт. Бу ерда ҳали қиладиган ишларинг кўп бўлади.

Мари-Анж эрталаб соат жирингламасидан анча олдин уйғонди. Бир ўзи овкатланди. «Кэрол сезиб қолмасин-да», деган ҳадик билан уч бўлак ноннинг ҳар бирига қалин-қалин қилиб жем суртиб олди. У аслида бир бўлак нон ейиши лозимлигини билар, аммо очлик истиҳоладан устун келганди.

У белгиланган ишларни бажариб йўлга отланганида, ҳали тонг ёришмаганди. Мари-Анж кеча дўкондан сотиб олинган эски, кўпол свитер ва шимни кийим олди. Мана, у мактабга кетяпти. Одатда, ўз ватанида у ўқишга кетаётганида Софи қўл силкиб қолар, Робер ота-онасидан яширинча унга қахвали конфет тутқазар, ота-онаси эса, унинг юзларидан ўлиб кузатишарди.

Мари-Анж тонг ёришган пайтда автобус бекатига етиб келди. Йўлнинг икки тарафида Айова кенгликлари ястаниб ётарди. Қизча уни мактабда нималар кутаётганини, болалар қандай қарши олишларини билмас, билгиси ҳам келмасди.

Бекатда ундан ташқари яна тўрт-беш нафар бола турганди. Улар Мари-Анжга эътибор ҳам беришмади. Мана, уфқдан куёш ҳам кўтарилиб келди. Бир пайтлар Мармутонда у ўсиқ майсалар устига ётганча, пушти ранг уфқдан куёшнинг қандай чиқишини томоша қиларди. Ниҳоят автобус келгач, болаларга қўшилиб чиқиб олди.

Бир соатда мактабга етиб боришди. Мари-Анж қаёққа боришни, кимга учрашни билмасди. Паришон қиёфада мактаб биносига кириб борди. Уни қарши олган муаллима аёл қизчага диққат билан тикилиб турди:

– Сенинг фамилиянг Коллинз эмасми?

Мари-Анж бош чайқади. Мактабда уни эмас, Мэри Хокинс исмли қизчани кутишаётгани маълум бўлди. Бирок, ундан бошқа янги ўқувчи ҳам кутилмаётган эди. Дарслар эса икки ҳафта олдин бошланган экан. Муаллима қизчани тепакал директорнинг ёнига бошлаб борди. Директор уни хушмуомалалик билан қарши олди. У билан бироз суҳбатлашди ва қайси синфда ўқишини айтди.

– Бечоранинг кўриниши жуда ачинарли-ку? – деди директор қизча чиқиб кетиши билан.

– Ҳамма яқинлари автохалокатда нобуд бўлиб, бир ўзи қолган, – шивирлади муаллима. – Шунинг учун Франциядан узок бир қариндошиникига кўчиб келишга мажбур бўлибди.

– Инглиз тилини яхши билармикин? – сўради директор.

– Билмадим, синф раҳбари текшириб кўрса керак.

Мари-Анж бу пайтда керакли эшикни топиб, синфга кирганди. Ҳали ўқитувчи келмагани учун болаларнинг шовқин-сурони кулоқни ёргудек эди. Янги келган қизчага аввалига ҳеч ким қараб ҳам қўймади. Қизча худди ўзи сингари мовий кўзли боланинг ёнига келиб ўтирди. Шундан бошқа бўш парта ҳам йўқ эди.

Худди шу онда синфга ўқитувчи кириб келди. Янги ўқувчини эса, факат кейинги дарсда, болаларга савол ёзилган варақаларни таркатаётганида пайқади. Мари-Анж саволларни тушунди, улар унча қийинмасди. Аммо жавоб ёзишда роса қийналди. Гиж-ғиж хатолигини билса-да, ҳамма қатори топширди.

– Сен ёзишни билмайсанми? – сўради ёнидаги бола унинг варақасига кўз ташлаб. – Шунақаям исм бўларканми? Мэрин Анжее!

Бола француз тилида ёзилган исми инглизча талаффузда ўқиганди. Мари-Анж болага қизикконлик билан тикилганча жавоб берди:

– Менинг исмим Мари-Анж, французман. Отам эса, америкалик... – қизча «эди» деб гапини тугатмоқчи бўлди, аммо тили айланмади. Бола ҳам унга қизиқиб қолганди:

– Мен эса Билли Паркерман. Сен французчани биласанми?

– Бўлмасам-чи? – деди Мари-Анж.

– Унда менга ўргатасанми?

Мари-Анжнинг юзига табассум югурди:

– Ўрганишни истайсанми?

– Албатта, – бола ҳам жилмайиб бош ирғади. – Агар ўргатсанг, бу иккимизнинг яширин тилимиз бўларди. Сену мендан бўлак ҳеч ким тушунмайди.

Мари-Анж ҳам мамнуният билан бу таклифни қабул қилди. Улар танаффусга ҳам бирга чиқишди. Қизча Биллига жуда ёқиб қолганди, аммо бу ҳақда унинг ўзига билдириб ўтирмади. Бола ўн иккига кирган бўлиб, болалигида

бод касали билан оғригани учун бошқа тенгдошларидан бир йил кейин мактабга борганди.

Мактаб ховлисида Мари-Анж болага француз тилидаги дастлабки, энг зарур сўзларни ўргата бошлади. Боланинг ғализ талаффузи кизчанинг роса кулгисини кистатди.

Кейин биргалашиб тамадди қилишди.

Шу куни Мари-Анж синфдаги бир қанча болалар билан танишди. Аммо уларнинг ҳеч бири Билличалик таассурот қолдирмади. Билли ферма ва мактаб орасидаги йўлнинг қок ярмида, яқин орадаги қасабада яшаркан. Улар мактабдан қайтишда ҳам ёнма-ён ўтириб гаплашиб кетишди.

Билли дам олиш кунлари бирга дарс тайёрлаш учун кизчанинг ёнига бориб туришга ижозат сўради. Кизча аллақачон Биллини мафтун этган, у ҳозирдан дам олиш кунлари биргаликда дарс тайёрлаш онларини тасаввурида жонлантира бошлаганди. Мари-Анж ҳам йўқ демади.

Эртаси куни Мари-Анж болага бошига тушган фожиа ҳақида сўзлаб берди. Билли кизчанинг бошига тушган мусибат, Кэрол холанинг хурмача қилиқлари ҳақидаги ҳикояни эти музлаб эшитди.

Билли оилада саккиз фарзанднинг бири эди. Улар ҳам фермерлик қилишар, маккажўхори етиштиришар, анчагина чорвалари ҳам бор экан. Шу боис, баъзида Кэрол холанинг фермасига бориб, Мари-Анжга қўмаклашиб туришини айтди.

Кечқурун молхонадаги ишларини саранжомлаган Мари-Анж уйга қайтди. Кечки овқат одатдагидек жимгина ейилди. Кэрол жиянидан мактаб ҳақидаги таассуротларини сўраб ҳам ўтирмади, Мари-Анж ҳам бу ҳақда оғиз очмади.

Шанба куни Мари-Анж тупроқ кўчада велосипедда келаётган Биллини кўриб, хайратга тушди.

– Бу гал французчани ўрганиш учун ёнингга ўзим келдим, – деди Билли табассум билан. – Кейинги гал бизникига борамиз. Мари-Анж бироз иккиланиб қолди. – Бунга кампир қандай қараркин?

Улар иккови гаплашиб туришган пайтда ўқ товуши эшитилди ва болалар худди куёндек писиб, ўқ отилган тарафга қарашди. Эшик олдида ов милтигини кўтариб олган Кэрол турарди. Гарчи ўқ осмонга отилган бўлса-да, кампирнинг нигоҳида ҳақиқий жанговарлик акс этарди.

– Йўқол менинг еримдан, – бақирди кампир Биллига қарата.

Мари-Анж кўркувдан дағ-дағ титрарди.

– Кэрол хола, Билли – менинг дўстим, биз бир синфда ўқиймиз, – деди Мари-Анж шоша-пиша.

– Нега менинг худудимга бостириб кирасан? – пўписани давом эттирди кампир.

– Мен Мари-Анжнинг ёнига меҳмонга келувдим, – деди бола кўркаётганини Мари-Анжга ҳам, Кэролга ҳам сездирмаслик учун тавозе билан. – Биз бир синфда ўқиймиз.

– Менга ҳеч қандай меҳмоннинг кераги йўқ, – деди кампир важохат билан. – Қани, велосипедингга ўтириб, бу ердан қорангни ўчир. Эшитяпсанми?

– Хўп, хоним, – деди Билли велосипедига ўтираркан, кейин эса энгашиб, қизчанинг кулоғига шивирлади: – Унинг бу даражада жаҳли чиқади деб ўйламагандим.

Билли кетиши билан Мари-Анж шалвираганча уйига кирди. Гарчи Мари-Анж қалбида бу кампирга нисбатан кўрқувдан бошқа нарсани ҳис этмаган бўлса-да, унинг ёнига нафрат ҳам кўшилди.

– Ўртоғингга айтиб қўй, бу ерга бошқа қадамини ҳам босмасин, – дея кампир милтиғини тиззасига олиб ўтираркан, сўнг Мари-Анжга катъият билан қадалиб: Шунча иш турганда, кўчада бир пандаваки билан гап сотишга бало борми? Бирорта таниш-билишинг билан валақлашиб юрганингни кўрсам, хафа қиламан, – деди.

Кечга яқин телефон жиринглаб қолди. Кампир ҳовлида куймаланиб юргани учун гўшакни Мари-Анжнинг ўзи кўтарди. Биллининг таниш овозини эшитиб, Мари-Анжнинг юраги ҳаприкиб кетди.

– Кеча мен кетганимдан кейин ҳоланг сени қаттиқ уришмадимми? – меҳрибонлик билан сўради Билли салом-аликдан кейин.

– Йўқ, лекин бундан кейин бу уйга бирорта танишингни эргаштириб келма, деди. Энди душанба куни кўришамиз. Сенга танаффус пайти французчани ўргатаман.

– Хушёр бўл, у тагин сени отиб қўймасин, – деди у ўз ёши доирасидаги жиддийлик билан. – Кўришгунча, Мари-Анж.

– Ким билан гаплашяпсан?

Мари-Анж кўрканидан хайрлашишни ҳам унутиб гўшакни илди ва хонасига қараб кетди.

IV БОБ

Йиллар ўтгани сайин Мари-Анж ва Билли ўртасидаги дўстлик алоқалари ҳам мустаҳкамлана борди. Билли ўн тўрт, Мари-Анж ўн уч ёшга тўлганида, улар худди ака-сингилдек яқин бўлиб қолишди. Таниш-билишлар уларни «бўлажак келин-куёвлар» деб ҳазиллашар, Мари-Анж эса, бундай эмаслигини таъкидлашдан чарчамасди. Кэролнинг уйидаги ҳаёт ҳамон сиқик, файзсиз ва дилгирлигича қолмоқда эди. Улар ҳар куни мактабда учрашишар, бирга автобусда уйга қайтишар, ҳар кеч бола унга телефон қиларди. Баъзан яқшанба кунлари ишларини битириб бўлгач, Мари-Анж Паркерларнинг фермасига борарди. Мари-Анж Биллининг уйида ўзини ҳар жихатдан эркин ва хавфсиз ҳис қиларди. Бу ер Кэролнинг уйига қиёслаганда жаннатнинг ўзи эди. Билли ва унинг оила аъзолари

кизнинг энг якин кишиларига айланиб қолганди. Мари-Анж Софига бир неча бор хат ёзди. Аммо, нимагадир бирор марта жавоб ололмади. Мари-Анж нимадир нохушлик юз берганидан хавотир ола бошлади.

Мари-Анж танаффус пайтларида Биллига французчадан сабоқ берар, ўтган вақт ичида Билли француз тилида бемалол ўз фикрини айта оладиган бўлиб қолди. Мари-Анж ҳам эндиликда инглизчада раво гапира оларди.

Мари-Анж Биллини акаси Робернинг ўрнида қабул қилишни истарди. Аммо, кунларнинг бирида, йўл-йўлакай унга севги изҳор қилиб қолди. Қиз Биллининг истиҳола ва журъатсизлик акс этган юзига бир муддат тикилиб қолди:

– Ахир бу ғирт аҳмоқлик-ку, – деди Мари-Анж чимирилиб. – Бундай гапларни айтишга қандай тилинг борди?

Билли тамомила ўзини йўқотиб қўйди. У бундай жавобни умуман қутмаганди.

– Чунки мен сени яхши кўраман, – деди Билли гўлдираб.

– Мен ҳам сени яхши кўраман, фақат ака сифатида. Муносабатларни чуқурлаштиришнинг нима кераги бор?

Билли индамади. Фақат кўнглини бироз бемаврид очгани учун ўзини койиди. Аммо бундай қулай фурсат бошқа пайт бўлмасди ҳам. Чунки Мари-Анжнинг холаси уйга якин йўлатмас, улар фақат мактабда ёки йўлда бирга бўлишарди. Мари-Анж уларникига борганида ҳам Биллининг ота-онаси ҳозир у нозир бўлишарди. Ёзда учрашиш имкони янада озайди. Улар шу сабабли якин орадаги бир анҳорнинг бўйида кўришиш учун ўз велосипедларида келадиган бўлишди.

Бу ерда улар соатлаб ўтириб, келажакдаги орзулари, интилишлари, мақсадлари ҳақида суҳбатлашишарди. Мари-Анжнинг орзуси тезроқ улғайиб, пул топиб, Францияга қайтиш эди. Билли ҳам у билан бирга кетишни хоҳлар, аммо бунга ўзининг ҳам кўзи етмасди.

Биллининг дил изҳоридан кейин ҳам уларнинг муносабатлари аввалгича қолди. Орадан яна бир йил ўтди. Ёз кунларининг бирида улар яна ўша махфий жойда, анҳор бўйида учрашишди. Мари-Анж термосда муздек лимонад олиб келганди. Қутилмаганда Билли эгилиб, уни ўпиб олди. Албатта Мари-Анж бундан ажабланди, аммо қатъий қаршилиқ кўрсатмади. Кейинги учрашувда Мари-Анж севиб қолишдан кўркишини, муносабатлари ўзгаришини истамаслигини айтди.

– Нимадан кўрқасан? – сўради у юмшоқлик билан. – Севиб қолишнинг нимаси ёмон?

– Агар мени севиб қолсанг, қачондир бу туйғу ўтиб кетади. Бир-биримиздан безиб қоламиз. Агар дўстлигимизча қолсак, бу яқинлигимиз узок давом этади.

Барибир атрофдагилар уларнинг муносабатлари фақат дўстлик чегарасидан ошиб ўтмаслигига ишонишмас, хатто Кэрл хола ҳам улар-

нинг алоқаларидан хабардор эди. Ҳар гал Билли ҳақида гап кетганида, пешонаси тиришиб, у ҳақда бирор нохуш гап айтмай қўймасди. Бундан Мари-Анжнинг жаҳли чикса-да, овозини чиқармасди.

Мари-Анж Билли катнашган баскетбол матчларининг ҳаммасини томоша қилишга борар, Билли ҳам қиз иштирок этган мактаб спектаклларининг бирортасини ўтказиб юбормасди. Улар битирув окшомига ҳам бирга боришди.

Кечга яқин Билли окшомга бориш учун отасининг «Пикап» машинасини ҳайдаб чиқди ва қизнинг чиройини кўриб, ақлини йўқотиб қўйди. Мовий қўйлақдаги мовийкўз малак ҳар қандай йигитни ақлдан оздиргудек гўзаллашган эди.

Окшом жуда файзли ўтди. Йигит билан қиз яна келажакдаги режалари хусусида гаплашишди. Мари-Анж мактабни муваффақиятли тамомлаган, унга ўқишни коллежда давом эттириш учун йўлланма ҳам берилган эди. Аммо, холаси Мари-Анжнинг ўқишига тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Биринчидан, ферма ва коллеж ораси камида эллик миль чиқар, йўлқирага кампир бир чақа ҳам бергиси келмасди. Қолаверса, Мари-Анж ферманинг ишларини юритиш учун кампирга жуда керак эди. Биллининг эса, бундан жуда жаҳли чиқди.

– Мари-Анж, сен албатта ўқишинг керак! Ахир сен унинг қўлида бир умр кулдек ишлай олмайсан-ку?

Мари-Анж ўн саккизга тўлганида Францияга қайтмоқчи эди. Аммо, афтидан, бу орзу амалга ошмайдигандек кўринарди. Чунки кетиш учун пул керак, пул топиш учун ишлаш керак. Кэрол эса, Мари-Анжни шу қадар иш билан кўмиб ташлаган эдики, бошқа иш ҳақида ўйлашнинг ҳожати ҳам қолмаганди. Мари-Анж Айовада етти йил яшаган бўлса-да, унга бир неча аср ўтгандек туюлди.

Унинг битта йўли бор эди – фермада яшаш ва коллежга катнаб ўқиш. Бироқ, холаси бунга имкон бермасди.

– Сенга машина керак, – деди Билли окшомдан қайтишаркан.

– Керак, лекин қани ўша машина? – деди Мари-Анж. – Демак, ўқий олмас эканман.

Қиз қачондир, пул топиб, Францияга кетиши лозимлиги, фермага яқинроқ жойдан бўлса-да, иш топиши кераклигини ўйларди. Бироқ Францияда уни қим, қандай қисмат қутаётганини ҳам билмасди. Ахир на бир ҳунари, на қўлида дипломи бўлмаса, ватанига қайтса қаерда яшайди? Қандай тирикчилик қилади?

Билли эса, университет қошидаги қишлоқ хўжалик курсларида ўқишни режалаштирганди. У отаси билан маслаҳатлашиб, фермани тубдан янгилашни мўлжал қилганди. У қандай бўлмасин, Мари-Анж ўқишни давом эттиришини истарди.

Улар окшомдан хурсанд кайфиятда кайтишди. Иккиси ҳам ўқишни битириш жуда катта воқеа эканини тушуниб турарди.

Мана, уларнинг танишишганига ҳам етти йил бўлибди. Айтишга осон! Демак, Мари-Анж яқинларидан жудо бўлганига ҳам шунча вақт бўлган. У ҳалигача тушида ота-онасини, Роберни кўриб чиқар, Мармутонни соғинар, назарида уйғониб кетиши билан ўзини кадрдон хонасида кўрадигандек эди.

Етти йилдирки, Мари-Анж холасининг хизматида. Мари-Анж унинг учун ҳам оксоч, ҳам энага, ҳам ферма ишчиси, кискаси, ҳамма ишни қилишга мажбур эди. Кейинги икки йилда Кэрол холанинг соғлиғи ёмонлашган, унинг иссиқ-совуғига қараш ҳам эндиликда Мари-Анжнинг зиммасида эди.

– Биласанми, бирга ажойиб оила бўлардик, – эҳтиёткорлик билан таклиф киритди Билли машинани чакқон бошқариб бораркан. – Кел, турмуш қурайлик.

Яна Мари-Анжнинг ковоғи уйилди. Унга Биллининг бу мавзуда гапириши умуман ёқмасди.

– Яна бошладингми, Билли! – ранжиди киз. – Хўп, турмуш қурдик ҳам дейлик. Қаерда яшаймиз? Икковимиз ҳам ишламаймиз, бир цент пулимиз бўлмаса?

– Ота-онам билан тураверамиз, – деди Билли бамайлихотир.

– Балки, Кэрол хола билан бирга турармиз? – кесатди Мари-Анж. – Менимча, у жон деб рози бўлади. Худди менга ўхшаб фермасида эртаю кеч ишлаб берасан. – Кейин эса, бирдан жиддийлашди. – Йўқ, эрга тегиш ниятим йўқ. Энг аввал иш топиб, пул тўплашим, келаси йил Францияга жўнаб кетишим керак.

– Майли, ҳаммасини вақт кўрсатади, – деди Билли хийла бўшашиб. – Балки, ҳаммаси сен ўйлагандек бўлар.

Эртаси кун Билли махсус лойиҳасини амалга оширишга киришди. Бу иш учун у ёз бўйи ишлаганди. Унга гаражда ишлайдиган акаси Жек ҳам ёрдам берди. У Биллининг орзуси амалга ошиши учун қўлидан келганини аямади. Ниҳоят, Билли Мари-Анж учун ажойиб совға ҳозирлади. У 1 август кун эрталаб Кэролнинг фермаси ёнида эски «Шевроле» машинасида пайдо бўлди. Мотор кулоқни ёргудек гувиллар, лекин машина ёмон юрмасди. Билли ўз қўли билан уни тўқ кизил рангга бўяб чиққанди. Салоннинг ичи қора чарм билан копланганди.

Йигитча эҳтиёткорлик билан машинадан тушиб, Кэрол тарафга қараб қўйди. У илк бор кампирнинг қандай қарши олганини эсидан чиқармаганди.

– Салом! – Мари-Анж ошхонадан чиқаркан, қўлларини сочикка артди. – Қойил! Бунақа чиройли машинани қаердан олдинг? Кимники?

– Машинани ўзим йиғдим, – деди Билли. – Битирув окшомидан бошлагандим. Мана, бугун тайёр бўлди. Ҳайдаб кўрасанми?

Фермада ишлаб, Мари-Анж трактор ва бошқа кишлок хўжалик техникаларини бошқаришни ўрганиб олганди. Баъзида холасига ҳайдовчилик ҳам қилиб турарди. У кулимсираб, машина рулига ўтирди. Билли ҳам унинг ёнидан жой олди. Мари-Анж ферма ҳудудидан чиқиб, шоссени ҳам анча айланиб чиқди. Кейин орқага қайтди: ҳали кечки овқатни тайёрламаган эди.

– Энди бу машина билан якшанба кунлари черковга бораркансан-да? – деди Мари-Анж хавас билан.

– Йўк, ундан ҳам ажойиброқ режам бор, – деди Билли сирли кулимсираб. – Бу машинада сен ҳар кунни ўқишга борасан.

Мари-Анж таажжубланиб, Биллига қаради. Нахотки машинани киз учун йиққан бўлса? Беихтиёр кўзларидан ёш тиркираб чиқди. Билли шу дамда Мари-Анжни бағрига босиб, ёшланган кўзларидан ўпишни истаса-да, кизни ранжитиб қўйишдан чўчиб, фикридан қайтди.

– Сен машинани менга қарзга беряпсанми?

Билли бош чайқади:

– Йўк, бу сенга совға!

Мари-Анж кутилмаганда йигитни кучоклаб олди. Кейин эса, унинг кўзларига тикилди. Ҳали шу пайтга қадар ҳеч ким унга бундай катта совға бермаганди. Билли унинг орзусини ҳақиқатга айлантирди. Энди у бемалол коллежда ўқишни давом эттириши мумкин.

– Энди мени уйга ташлаб келасан, – деди Билли оғзи қулоғида илжайиб. – Яна холанг чиқиб, милтиқ билан пешонамдан дарча очмасин.

Иккови ҳам кулиб юборди. Мари-Анж уйга кириб, холасидан бир соатга рухсат сўраб чиқди. Уйига етгунча машинани Биллининг ўзи ҳайдаб борди. Мари-Анжнинг қувончи ичига сиғмасди. У ҳеч кимдан бу қадар миннатдор бўлмаганди. Билли ҳам унинг юзидаги қувонч нишонасини кўриб, яйраб кетди.

Билли уйда тушиб қолгач, Мари-Анж машинада Кэрол хонимнинг ёнига қайтди. Кечки овқат маҳали у Кэролга машина ҳақида сўзлаб берди.

– Сен, ҳатто, унга тегмоқчи бўлганингда ҳам, ундан бунақа қиммат совғалар олмаслигинг керак, – деди Кэрол.

– Билли билан турмуш қурмоқчи эмасман, – деди Мари-Анж.

Кэролнинг юзлари тиришиб кетди.

– Унда машинасини кайтариб бер.

Етти йил давомида кампирнинг бир сўзини икки қилмай келган Мари-Анжнинг сабр қосаси тўлганди. У Кэролнинг инжикликларини деб, коллеждан воз кечмоқчи эмасди.

– Бўлмаса машинани ижарага оламан. Мен, барибир, коллежда ўқишим шарт, – деди у қатъият билан.

– Қанақа коллеж? – заҳарханда қилди Кэрол. – Нима, ўқиб олим бўлармидинг?

– Билмадим, ким бўлишим хакида ўйлаб кўрмадим.

У битта нарсани аниқ биларди: ҳеч қачон Кэрол Коллинз сингари яшашни истамасди. Мари-Анж, Жон Хокинсга эрта турмушга чикиб, университетда ўқиёлмаган бўлса-да, барибир, онасига ўхшашни истарди. У тезроқ бу хафагазак, бефайз ҳаётдан ситилиб чиқишни истарди. Кетади ҳам. Факат олдин ўқишни битирсин, диплом олсин, пул тўпласин, кейин, албатта, Францияга кетади.

Рост, кампир унга бошпана берди, бокди, аммо бир чимдим бўлса ҳам меҳр беролмади. Етти йиллик умри ана шундай совук муҳитда кечди. Кэрол унга факат бир хизматкордек муомала қилиб келди. Ҳатто, Биллининг оиласида ҳам унга Кэролдан кўра илиқроқ муомала қилишарди. Мана, Билли унинг орзуларига эришиш учун йўл очиб турибди.

Мари-Анж ҳеч нарса демасдан столни йиғиштирди. Кэрол хонасига чикиб кетиши билан гўшакни кўтариб, Биллининг рақамини терди.

– Билли, сени қанчалик яхши кўришимни, мен учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканингни айтиш учун телефон қияпман, – деди француз тилида ўта кучли ҳиссиёт билан. – Сен дунёдаги энг олийжаноб инсонсан.

Билли қизнинг қалб изҳоридан қувонса-да, ҳаяжонга тушмади. Чунки Мари-Анж уни фақатгина ака сифатида яхши кўришини унинг ўзидан эшитганди.

– Сенинг хурсанд эканингни ҳис қилишдан бахтиёрман, – деди Билли. – Қачондир бу гурбатхонадан чикиб кетишингни жуда-жуда истайман. Сен бундан ҳам кўпроғига лойиқсан.

– Балки биргаликда кетармиз?

Гарчи Мари-Анж буни орзу қилса-да, иккови ҳам бунақа имконият юз беришига ишонишмасди. Барибир Билли фермада қолиши, Мари-Анж эса, ватанига қайтиши керак. Бир пайтлар Францияга қайтиш Мари-Анж учун шунчаки ушалмас орзудек туюлган бўлса, энди бу орзу амалга ошишига ишона бошлаганди.

V БОБ

Меҳнат байрами ўтиши билан коллежда ҳам ўқиш бошланди. Душанба куни эрталаб Мари-Анж «Шевроле»сида фермадан чиқди. Табиийки, Кэрол қизга бир оғиз ҳам илиқ сўз айтмади, фақат кечга яқин Билли телефон қилиб, уни ўқишнинг биринчи куни билан табриклади, илк таассуротларини сўради.

Эртаси куни эрталаб дарсга бораётиб, Биллининг ёнига кирди. Дарслар соат ўнда бошланар, ҳали энди етти ярим бўлганди.

Паркерлар унча бой яшашмаса ҳам, уй-рўзгор буюмлари анча эскириб қолган бўлса ҳам, уйлар жуда тоза, озода, саранжом-саришта эди. Бу ерда худди Мармутондаги сингари фақат дўстона муҳит ҳукм сурар-

ди. Биллининг опалари уларни бир-бирига тенглаб, тегишиб туришар, ота-онаси ҳам Мари-Анжни келин қилишга жон деб рози бўлишар эди.

– Коллеждаги биринчи кун қандай ўтди? – сўради Билли. У ҳозир эгнига коржома кийиб олганди. Мари-Анж билан бирга ошхонага кираркан, бир финжондан қахва куйди. Йигит Форт-Доджеда аллақандай ўқув курсларига ҳар-ҳар замонда катнаб турар, олинган топшириқларни бажариб, натижасини почтадан юборарди.

– Ажойиб ўтди, – деди Мари-Анж тўлқинланиб. – Менга жуда ёқди. Сен ҳам мен билан бирга ўқиганингда жуда соз бўларди.

– Қанийди, – кулимсиради Билли.

У мактабда бир синфда ўқиб юрган кезларини, танаффус вақтида француз тилидан сабоқ олган пайтларини хотирлади. Энди ҳаммаси ўзгарди: Билли ферма ишларидан ортмайди, Мари-Анж ҳам янгича ҳаёт бошлады, унинг режалари, интилишлари йигитникидан фарқ қилади. Билли энди бутун умри фермада ўтишини ўйлаб сиқилар, бироқ Мари-Анжнинг истикболидан хотиржам эди. Мари-Анж Биллининг ёнида бир соатча ўтирди ва эртага кўришиш ваъдаси билан хайрлашиб, ниҳоят ўқишга отланди.

Фермадан шаҳарга олиб борадиган йўл у қадар узок эмасди. Кўп ўтмай, у шаҳардаги кичикроқ бир кафеда официант бўлиб ишга жойлашди. Хола-си унга бир чақа ҳам бермаслигини айтгач, кундалик харажатларни коплаш ва Биллининг қарзини узиш учун дам олиш кунлари ишлай бошлады. Шунга карамай, у фермадаги ишларга ҳам улгуриши лозим эди. Мари-Анж ҳар куни Биллидан хабар олишни қанда қилмас, баъзан ўзи ишлаётган кафега тушликка таклиф қилар, дам олиш кунлари эса кинога боришарди.

Мари-Анж биринчи курсда ўқиб юрганида, Билли бир киз билан танишиб қолди. Бироқ, Билли Мари-Анж унинг учун ҳамиша биринчи бўлиб қолишини айтганди. Улар ўртасида болаликдан уйғонган дўстлик йиллар ўтиши билан мустаҳкамланиб, йигит ва киз ўртасидаги одатий муносабатлардан кўра юксакроқ мавқега этарди. Ҳатто, Мари-Анжга Биллининг янги дўсти ёқди ҳам. Бироқ кўп ўтмай, Мари-Анж ўша киз тез орада Биллининг жонига тегиб улгурганини ҳам пайқади.

Ўқишни битиришига бир йил қолганида, Мари-Анж учун кийин дамлар бошланди. Кампирнинг мазаси анча қочган, вақт ўз ишини қилганди. Мари-Анж эса, вақтида ундан қанча зулм кўрган бўлмасин, барибир, кўчада қолган пайти уйдан бошпана берган бу аёл олдида ўзини қарздор ҳис этарди.

Қиз кечкурун кампир учун бир кунлик овқатларини тайёрлаб қўярди. Рождество байрами арафасида Кэрол аравачасидан йиқилиб, оёғини синдириб олди. Уни шифохонага ётқизишди. Мари-Анж умрида биринчи марта байрамни Билли ва унинг оила аъзолари билан ўтказди. Биргаликда



арча безатишди, совғалар алмашишди, қўшиқлар айтиб, раксга тушишди. Мари-Анж шифохонага байрамда пиширилган бир бўлак курка гўшти олиб борганди, бироқ кампирнинг иштаҳаси йўқлиги сабаб гўштга қайрилиб ҳам қарамади.

Янги йилни ҳам Мари-Анж Биллиларнинг уйида қарши олди. Хурсандчилик яна ярим тунгача давом этди. Биллининг винодан хиёл сархушланган опаси Мари-Анждан: – Қачон бизга келин бўласан? – деб сўради. – Сени деб у бошқа қизларга қарамай қўйган. Айтганча, у бошқага уйланса, ким билан французчалаб гаплашади?

Мари кулимсираб қўя қолди.

Ҳамма ухлагани кириб кетганида, Мари-Анж ва Билли ҳовлида анча пайтгача юлдузларга тикилиб, гаплашиб ўтиришди.

– Опамнинг гапига эътибор қилма, – деди Билли қизнинг қўлларини оҳиста сикимлаб. – Баъзан нима деётганини ўзи ҳам билмайди.

– Барибир қачондир уйланасан-ку? – деди Мари-Анж беихтиёр хўрсиниб.

– Балки, умуман уйланмасман? – Билли осмонга тикилди. – Менимча, энг тўғриси ҳам шу.

Мари-Анж бунинг сабабини биларди, аммо индамади. Қиз ўз ҳаёт тарзидан мамнун эди. У Биллидек содиқ дўсти борлигидан рози эди, у билан соатлаб турли мавзуларда суҳбатлашишни ёқтирар, бу дўстлик муҳаббатга айланиб кетишини эса истамасди.

– Ўз болаларинг бўлишини истамайсанми? – сўради Мари-Анж.

– Билмадим, – деди Билли. – Аник биламан. Менинг жиянларим жуда қўп бўлади, кейин бошқа болага эҳтиёж ҳам қолмаса керак. Бироқ сен, албатта, фарзандли бўласан. Сендан жуда ажойиб она чиқади.

Улар ҳовлида анча гаплашиб қолишди. Қиз шу ерда, Биллининг опаси ёнида тунаб қолди. Эрталаб ҳоласини кўришга шифохонага борди. Кэрол секин-аста тузалиб борарди. Бироқ касаллик уни анча енгиб қўйганди. Анча озиб қолибди. Аввалги дағаллиги, кўрслигидан ҳам ном-нишон қолмаганди. Мари-Анж билан ҳам кам гаплашадиган бўлиб қолганди.

Ёзнинг бошида Кэрол саксон ёшга, Мари-Анж эса, йигирма бирга қадам қўйганди. Том ҳам оиласи ёнига, Аризонага кўчиб кетишини маълум қилди. Мари-Анж эса таътил пайтида ўқиш харажатларини коплаш учун тўлиқ ишлай бошлади. Бироқ Билли билан учрашиш учун ҳам вақт топа оларди.

Билли яна бир янги қиз билан танишган, Мари-Анж бу гал уларнинг ўртасида жиддийроқ муносабат пайдо бўлишига умид қилганди. Қизнинг исми Дебби бўлиб, мактабни бир йил илгари битирган, унинг оиласи ҳам Паркерлар билан анчадан бери таниш экан. Мари-Анжнинг назарида улар бир-бирига ҳар тарафлама муносиб эди. Билли ҳам йигирма иккига тўлиб, турмуш қуриш учун тайёр бўлиб қолганди.

Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида Мари-Анж Биллидан хабар олиш учун машинасини катта йўлдан елдириб бораётганида, уларнинг фермаси тарафга келаётган номаълум машинага кўзи тушди.

Рулда башанг кийинган, бошига ковбойча шляпа қўндирган катта ёшли бир одам ўтирарди. Мари-Анж: «Томнинг ўрнига чакирилган янги иш бошқарувчидир-да», – деган андиша билан эътиборсиз ўтиб кетди. Аммо, у орадан уч соат ўтиб, Биллининг ёнидан қайтаётганида ҳам машина уй ёнида турарди. Мари-Анж юкхонадан тушлик учун сотиб олинган маҳсулотларни кўтариб, уйга кираётганида ҳалиги одам уйдан чиқиб келди. Унинг изидан аравачасини гичирлатиб, Кэрол пайдо бўлди.

– Жиянимнинг кизи шу бўлади, – деди кампир Мари-Анжни Эндрю Макдермот исмли бу эркакка таништираркан. Макдермот кулимсираб бош ирғади. У киз билан учрашиш учун Де-Мойндан келганди.

– Сизни боядан бери кутиб тургандим, икки оғиз гапим бор эди. Менга бир неча дақиқа вақтингизни ажрата оласизми?

Мари-Анж хайратланиб, елка кисди:

– Хўш, сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

– Ҳаммаси жойида, хоним, – деди меҳмон. – Мен марҳум отангиздан қолган мерос ҳақида сиз билан гаплашгани келгандим. Ҳозир миссис Коллинзга ҳам айтгандим. Мерос васийлик идораси тасарруфида турганди. Қўйилган сармоялар катта фойда келтирди. Сиз бу ҳақда фақат балогат ёшига етганингиздан кейин билишингиз лозим эди. Мана, фурсати етди.

Мари-Анж аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Кэролнинг юзидаги норозилик ифодасини кўргач, бироз хавотири ҳам ортди.

– Келинг, ўтириб гаплашамиз, – деди Макдермот.

– Бўпти, мен ҳозир чиқаман, – деди Мари-Анж ва масаллиқларни кўтариб, ичкарига кириб кетди. Қайтиб чиққанида кампир ўз ётоғига қараб кетган, уни Макдермотнинг ўзи кутиб турарди.

– Мисс Хокинс, – деди меҳмон. – Холангиз сизга отангиздан қолган мерос ҳақида гапирганмиди?

Мари-Анж хайрат билан бош чайқади.

– Мен отамдан қарзлардан бўлак ҳеч вақо қолмаган деб ўйлардим.

Макдермотни кизчанинг бу борада умуман беҳабарлиги хайрон қолдирди.

– Аксинча, унинг ўлиmidан кейин бизнеси анча ривожланди. Ҳалокатдан бир неча ой ўтиб, отангизнинг фирмаси ҳамкорларидан бирига анча қиммат нарҳда сотилган эди. Бундан ташқари, оилангизга қарашли мулк ҳам гаровга қўйилмаган. Отангизнинг қарзлари эса, ундан қолган бойлик олдида ҳеч нарса эмас. Ўз вақтида мистер Хокинс васиятнома имзолаб қўйган бўлиб, унда отангизнинг бойлиги унинг ўлиmidан сўнг сиз ва акангиз-

га колиши, акангиз вафот этган тақдирда эса, бу меросга ўзингиз тўла-тўқис эғалик қилишингиз мумкинлиги кўрсатилган.

Мари-Анж бу ҳақда биринчи маротаба эшитиб турарди. Унинг хайрагига чек-чегара йўқ эди.

– Сиз 21 ёшга тўлганингизда отангиздан қолган бойликнинг учдан бир қисмига эга бўлишингиз кўрсатиб ўтилган ва сиз шу ёшга етдингиз, – давом этди Макдермот. – Мероснинг қолган қисми васийлик идорасида сақланади ва сиз ўттиз ёшга тўлганингизда бу меросга тўлалигича эғалик қилишингиз мумкин.

– Отам қанча пул қолдирган экан? – сўради Мари-Анж хайратланиб.

– Анча, – деди меҳмон салмоқлаб. – Пуллар тўғри сармояга йўналтирилгани учун ўн миллион долларга етиб қолган.

Орада сирли жимлик чўкди. Мари-Анж эса, умрида бундай катта пул дарagini эшитмагани учун, қулоқларига ишонмасди.

– Пул васийлик жамғармаси ҳисобида турибди, – деди Макдермот. – Кейинги ҳафтада бу пулнинг учдан бири сизнинг ҳисобингизга ўтказилади. Қолган пулни яна бирор сармоявий лойиҳаларга йўналтиришни маслаҳат берардим. Сиз розилик берсангиз, бу ишларни ўзимиз ҳал қиламиз.

Макдермотнинг айтишича, у васийлик жамғармасининг мазкур мерос масаласидаги ишончли вакили экан. Аввалига бу пул Франция банклари-дан бирида турган, кейин Кэрол Коллинзнинг талабига кўра, пул Айовага кўчириб берилган. Кэрол жиянининг Европага қайтмаслигини айтганди.

– Фикримча, – давом этди Макдермот, – сизнинг хабарингиз борми-йўқми, билмадим-у, сизни бокиб-тарбиялаш учун бувингизга сизга тегишли бўлган пулдан оз-оз тўлаб боришни таклиф қилганимизда, у бунга ҳожат йўқлигини билдирди. У сўнгги ўн йил ичида сизга тегишли бўлган пулга тегинмасдан ўз ҳисобидан едириб-кийинтирди.

Бу хабардан сўнг Мари-Анжнинг тамомила ҳафсаласи пир бўлди. Нахотки, банкда миллионлаб пуллари бўлгани холда, кампир уни худди чўрилардек фақирлик ва муҳтожликда асраб келди? Эски-туски кийимлар кийиб, оч-наҳор юришга мажбур қилди. Ўқишга пул тўлаш мақсадида арзимас чақалар эвазига ишлаб юрганида, қаерлардадир ҳад-ҳисобсиз бойлик унга кўз тикиб турган экан-ку? Билли унга машина совға қилмаганида коллежни ҳам тушида кўрарди.

Хўш, нега кампир бу бойликдан воз кечди? Ахир у Мари-Анжни ўз ҳисобидан бокди, лекин бундай вазиятда Кэролни нима деб аташ мумкин? Қаҳрамонми ёки золима? Ахир кампир лоақал унинг отасидан катта бойлик қолганига ишора ҳам қилиб қўймади-ку?

Вакил қизга ҳужжатлар солинган қалин конвертни тутказди. Банкда ҳисоб рақами очиш учун унинг биргина имзоси талаб этиларди, холос. Макдермот қизни табриклаб, хайрлашди ва жўнаб кетди.

Мари-Анж бу янгиликка қандай ёндашиш лозимлигини билмасди. Наҳотки ўн йиллик ситам ва хўрликлар сўнггида уни ана шундай хою ҳашам кутиб турган бўлса? Мари-Анж машина ортидан ҳаёлчан термулиб колганида, кампирнинг кинояли овози унинг фикрини бўлди:

– Бугун тушликка бирор нима еймизми ўзи?

Мари-Анж уйга кириб кетди. Дастурхон устида ҳам жимгина овқатланишди. Ниҳоят, Мари-Анжнинг сабри чидамади.

– Кэрол хола, сиз билармидингиз?

У кампирнинг хира кўзларига диққат билан тикилди, аммо уларда на кувонч, на истиҳола, на изтироб, на таассуф – ҳуллас, ҳеч нарсани кўрмади.

– Қисман, – деди Кэрол. – Мен фақат отангдан катта пул колганини билардим, холос. Сен бундан хабар топганингда, мени ташлаб кетардинг. Кейин эса, бунча бойлиқни бошқариш қўлингдан келмасди. То қийинчилик кўрмасдан туриб, фароғатли кунларнинг кадрига етиб бўлмайди. Мен ҳар бир чақа пулни ўйлаб сарфлашингни истадим. Мен ўлганимдан кейин сен қийналмаслигингни билиб, хотиржам яшаганман. – Кейин у яна бир янгиликдан уни огоҳ этди. – Кейинги ойда мен фермани сотаман-у, Бундаги қариялар уйига кўчиб ўтаман. Колган тўрт-беш кун умримни ўша ерда ўтказаман.

Унинг бу қадар хотиржам, сокин гапларини эшитиб, Мари-Анж ҳам ажабланиб қолди.

– Фермада қанча вақт қоласиз? – сўради Мари-Анж яккаю ёлғиз қариндошига ҳамдардлик нигоҳи билан қаракан.

– Агар фермани кейинги ойда сотсам, уйни бўшатиб бериш учун бир ой вақт беришади. Октябрнинг охирларида Бунга кўчиб ўтсам керак. Мен кетгунимча Том ҳам шу ерда бўлади.

Демак, Мари-Анжнинг ихтиёрида олти ҳафта бор эди. Демак, тез орада бир қарорга келиши лозим. Сентябрда коллежда унинг учун сўнгги ўқув йили бошланади. Унинг қаршисида икки йўл турарди. Ё коллеж яқинига кўчиб ўтиб, ўқишни битириш, ё академик таътил олиб, Францияга кўчиб кетиш.

«Балки қайтиб бориб, Мармутон қасрини қайта сотиб оларман», – ўйлади Мари-Анж. – Мари-Анж бу қасрнинг ҳоли нима кечгани, уни ким сотиб олганини ҳам билмасди. Балки ишончли вакил қолдириб кетган ҳужжатларда бу саволларга жавоб топилар?

– Сиз кетсангиз, мен ҳам кетишимга тўғри келади, – деди Мари-Анж ўйчанлик билан.

Савол шу қадар оддий эдики, жавобга ҳожат йўқ эди.

– Кэрол хола, қариялар уйида қийналиб қолмайсизми? – сўради киз ғамхўрлик билан.

Мари-Анж кампирнинг оғир табиати ва совукқонлигига қарамай, унинг олдида ўзини қарздор ҳис этарди. Ахир у шунча йил мана шу фермада яшади, шу ердан еб-ичди.

– Нима фарқи бор? – деди кампир одатий совуқлик билан. – Энди фермани бошқариш кўлимдан келмайди. Тушунишимча, энди сен ё ўқишни тугатиб ишга кирасан, ё Францияга жўнайсан. Бу ерда қолишинг учун ҳеч қандай асос қолмади. Агар анави болани назарда тутмасак. Ахир сен унга тегмоқчи эмкассан-ку, тўғрими? Бунча пул билан сен янаям каттарок балиқларни илинтиришинг мумкин.

Кэрол Билли ҳақида шундай беписандлик билан гапирардики, беихтиёр Мари-Анжнинг дили ранжиди. Наҳотки, бу кампир ер юзида ҳақиқий муҳаббат борлигига ишонмаса?

Кечки овқатдан сўнг Мари-Анж хоналарни тартибга келтиришга киришди. Кэрол эртароқ ётиши кераклигини айтиб, ўз хонасига қараб кетди. Орадан бироз вақт ўтиб, унга Билли кўнғироқ қилди.

– Сен билан кўришиб гаплашишимиз керак, – деди Мари-Анж.

– Тинчликми?

– Ҳа... й-йўк... билмайман... Бугун кизик иш бўлди. Хуллас, сен билан гаплашиб олмасам бўлмайди.

Мари-Анжнинг ундан бошқа маслаҳатлашадиган, сирлашадиган одами йўк эди. Гарчи молиявий масалаларни Билли ҳам Мари-Анждан яхшироқ тушунмаса-да, ҳар қалай, киз унинг софдиллигига, хайрихоҳлигига ишонарди. Билли бундан фақат хурсанд бўлади.

– Ўзинг тузукмисан? – сўради Билли.

– Тузукман, ҳаммаси жойида, яхши янгилик. Ҳозир етиб бораман ёнингга.

Орадан йигирма дақиқа ўтиб, Мари-Анж Паркерларнинг уйи зинапасидан кўтарилиб борарди. Унинг кўлида қалин конвертни кўрган Билли ажабланиб сўради:

– Нима бу?

Даставвал Билли Мари-Анж коллежда бирор танловда ғолиб чиққани ҳақида табрикнома бўлса керак, деб ўйлаганди. Аммо кизнинг юз ифодасига қараб, гап янада жиддийроқ масала устида бораётганини англади.

Мари-Анж Биллига тўла-тўқис ишонарди. Шу боис, бошқалар эшитиб қолмаслиги учун паст овозда ҳаммасини окизмай-томизмай айтиб берди. Гап жуда катта мерос устида бораётганини англаган Билли ҳайратдан донг қотганди.

– Хўш, отангдан қанча мерос қолган экан?

Мари-Анж Биллининг қулоғига энгашди:

– Ўн миллион доллар!

– Жиддий айтяпсанми?

Мари-Анж бош ирғади. Биллининг ҳайратининг чеки йўк эди.

– Эй Худо, Мари-Анж... сен бунча пулни нима қилмоқчисан ўзи?

– Билмадим, – елка қисди Мари-Анж. – Кэрол холам келаси ойда фермани сотиб, қариялар уйига кўчиб кетмоқчи. Харидор топиб, нархини

ҳам келишиб қўйган. Олти ҳафтадан кейин мен ҳам у ердан кетишимга тўғри келади.

– Бизникида яшайверишинг мумкин, – таклиф киритди Билли. Бирок, Мари-Анж бунинг иложи йўқлигини, Биллининг уйида унга жой йўқлигини яхши тушунарди.

– Балки ижарага квартира топарман ёки ётоқхонга чиқарман. Очиги, бундай вазиятда қандай йўл тутишни ўзим ҳам билмайман.

– Мен ҳам билмайман, – жилмайди Билли.

Гарчи Мари-Анж йигитдан маслаҳат сўраш учун келган бўлса-да, ҳар иккиси жуда ёш бўлгани сабабли бундай вазиятда қандай йўл тутишни билшмасди. Билли ҳам ўйланиб қолди.

– Ўзинг нима қилмоқчисан? – сўради Билли. – Францияга қайтиб, у ерда янгича ҳаёт бошлайсанми ёки шу ерда қолиб коллежни битирасанми? Энди ҳаммаси сенинг ихтиёрингда, Мари-Анж! Истасанг, ҳатто Гарвардда ҳам ўқишинг мумкин.

Билли Мари-Анжнинг кутилмаган муваффақиятидан бениҳоя хурсанд эди.

– Менимча, барибир Францияга бориб келишим керак. Болалигим ўтган Мармутон қасрини кўргим келяпти. Балки, уни қайтариб сотиб оларман.

«Демак, у ердан қайтмайди» – ўйлади Билли, аммо мулоҳазасини сиртига чиқармади. Наҳотки улар энди бир умрга ажралишса? Қиз ҳам унинг нигоҳларидаги фикрни ўқиб турарди.

– Мен албатта қайтаман, – деди Мари-Анж ишонч билан. – Мармутонни кўрмасам бўлмайди. Балки, бир семестр таътил оларман. Лекин Рождествогача, албатта, келаман.

– Зўр бўларди, – хўрсинди Билли. У айни чоғда ўз туйғулари ҳақида эмас, Мари-Анжнинг тақдири борасида ўйлаши лозимлигини тушуниб турарди. – Балки, Францияда қолишинг сен учун тўғрироқдир?

– Эҳтимол, – Мари-Анж ҳамон яқдил хулосага келолмай иккиланарди. – Агар мен Францияда қолсам, меҳмон бўлиб келасанми? Мен сенга, албатта, чипта жўнатаман.

Билли бир нуқтага тикилиб қолганди.

– Сен коллежни битириш ниятидамисан? – дея гапни бошқа тарафга бурди Билли.

Мари-Анж бош ирғади:

– Ниятим бор. Барибир қайтмасам бўлмайди. Яна у ёқдаги вазиятга қарайман.

Кейин Билли иккаласи конвертдаги ҳужжатларни синчиклаб кўздан кечириб бошлашди. Аммо ҳеч нарсани тушуна олишмади. Чамаси бу ҳужжатларнинг асосий қисми жуда катта сармоя киритилган қимматли қоғозлар эди.

– Ҳалиям ишонгим келмайди, – деди Билли ҳайратланиб. – Сенинг бу қадар бойиб кетишингни ким ҳам ўйлабди дейсан?

– Мен ўзимни худди Золушкадек ҳис эътиман.

– Ишкилиб, тез орада бирорта шаҳзода билан қочиб кетиш ниятинг йўқми, – ҳазиллашди Билли.

У энди Мари-Анжга ҳеч қачон уйланиш таклифини қилолмаслигини тушунди. Аввал ҳам Мари-Анж унинг таклифини рад этганди. Энди эса, айнан катта бойликка кўз тиккандек бўлиб кўринишни истамаслиги ваҳидан бу ҳақда оғиз очолмайди. Аммо, барибир, Мари-Анж унинг энг яқин дўсти бўлиб қолаверади.

Билли дўстини машинага қадар кузатиб қолди.

– Эҳтиёт бўлиб ҳайда, – деди машина ойнасига эгилиб. Уларнинг ҳар иккисига бу қувончли янгиликка кўникиш учун вақт керак бўларди.

– Билли, сени яхши кўраман, – деди Мари-Анж унга қўл силкиб. Билли унга ишонарди, аммо бу ўзи орзу қилган муҳаббат эмаслигини яхши биларди.

Мари-Анж кетди. У эрталаб муҳим ишларни ҳал этиш учун Де-Мойнга йўл олди. У кечаси билан ўйлаб, ахйри бир қарорга келганди. Кейин адвокат Эндрю Макдермоттга қўнғироқ қилиб, мақсадини айтди. Адвокат аввалига бундан ҳайрон бўлди, ҳатто бироз кўркиб ҳам кетди. Бироқ миждонинг йигирма бир ёшга тўлганини ўйлаб, кўнишдан бошқа чора тополмади.

Битимни имзолаш бир соатча вақтни олди. Харид қилинган нарсани эртасига эрталаб фермага етказишга ваъда беришди. Айтилган пайтда яраклаб турган «Порше»ни ферма олдидида кўрган кўни-қўшнилари ҳайратдан ёқа ушлашди. Факатгина Кэролнинг ғазоби чегара билмасди.

– Қандайдир аҳмоқлик қилишингни ўзим ҳам билувдим, – деди Кэрол афтини буриштириб. – Бу машинани нима қилишингни ўйлаб кўрдингми?

Мари-Анж пинагини ҳам бузмади:

– Уни Биллига совға қилмоқчиман, – деди хотиржамлик билан рулга ўтираркан.

Уч йил аввал Билли унга машина совға қилиб, коллежда ўқиш учун имконият яратиб берганди. Ниҳоят имкони туғилганида, Мари-Анж ҳам бу яхшиликка жавоб қайтариши лозим. Қиз машина Биллига ёкишини биларди. Ҳатто, икки йиллик суғурта пулини ҳам аввалдан тўлаб қўйганди.

Мари-Анж машинани Паркерлар уйигача елдириб келди. Бу пайтда Билли укаси билан трактор тузатаётган эди. «Порше»ни кўриб, оғзи ланг очилиб қолди.

– Машинангни янгилабсанми? – сўради ҳайратини яширолмай. – Дидингга қойилман. Бундай машинада юриш, албатта, сендек бойвачча кизга ярашади.

Мари-Анж жилмайганча, Биллига яқинлашди. Унинг юзидан ўпиб, кўлига калитни тутказди.

– Менга эмас, сенга ярашади, – деди паст овозда. – Бу машина энди сеники. Чунки сен менинг яқин дўстим, акамсан.

Биллининг тили лол, кўзларидан дув-дув ёш окарди. Тили калимага келгач, бундай совғани қабул қилолмаслигини айтиб, узр сўради. Мари-Анж эса уни эшитишни ҳам истамасди. Машинанинг орқа ўринди-гига ўтириб, сайр қилдириб келишни илтимос қилди.

Нихоят Билли рози бўлди. Бу хушхабарни эшитган Биллининг оила аъзолари ҳам машинанинг атрофини ўраб олишди. Улар ҳам Мари-Анжнинг бу олийжаноблиги учун қандай миннатдорчилик билдириш кераклигини билишмасди.

Билли калитни бураши билан ихчамгина спорт машинаси ўрнидан кўзгалди. Газни босаркан, Билли хурсандчиликдан ўзида йўқ кичкирарди. Мари-Анжнинг ҳам қувончининг чеки йўқ эди. Қарама-карши тарафдан эсаётган шамол унинг тилларанг сочларини елпиб ўйнади.

VI БОБ

Кэрол Коллинз, ўзи айтганидек, фермасини сотиб, икки ҳафтадан сўнг қариялар уйига кўчиб ўтди. Кампирнинг нарсаларини йиғиштиришга Мари-Анж кўмаклашиб юборди.

Кампир невар-жияни билан қариялар уйи эшиги олдида хайрлашаркан, унга узок термулиб қолди.

– Факат аҳмоқлик қилма, – деди ундан кўзини узмай.

– Ҳаракат қиламан, – жилмайди Мари-Анж. Айни дамда у кампирнинг кўнглини илитувчи бирор сўз излар, аммо тополмасди. «Сизни соғинаман» демоқчи бўлди, аммо бунинг ёлғонлигини Мари-Анжнинг ўзи ҳам яхши биларди. – Мен сизга хат ёзиб, албатта, манзилимни хабар қиламан.

– Шарт эмас, – деди кампир совуқконлик билан. – Мен хат ёзишни ёмон кўраман. Агар керак бўлиб қолсанг, банкка телефон қилиб топиб оларман.

Улар ўн йил бир том остида яшаб туриб, ана шундай қуруқ ва хиссиз хайрлашишди. Уйга қайтгач, Мари-Анж ўз нарсаларини йиғиштира бошлади. Том хотини билан жўнаб кетди. Уй энди батамом бўшаб қолганди. Эртасига эрталаб ўн йил аввалги йўналишга тескари тарзда ватанига отланади. Чипта харид қилинган, ҳужжатлар тахт.

Мари-Анж Парижда тўхтаб, Сорбоннада ўқиш ҳақида гаплашиб олади. Кейин у ердан ижарага машина олиб, Мармутонга жўнайди. Шунингдек, у Софини сўраб-суриштиришни ҳам мақсад қилиб қўйганди. Унинг фикрига кўра, энагаси аллақачон вафот этган, агар тирик бўлганида, албатта, хатларига жавоб йўллаган бўларди.

Кечкурун у Биллининг уйида овкатланди. Атрофдагилар фақат Биллининг янги машинаси ҳақида гапиришар, фурсати келди дегунча, Билли дарров рулга ўтириб, қаерларгадир жўнаб коларди.

– Мен Парижга етиб боришим билан сенга кўнғироқ қиламан, – деди Мари-Анж қайтишга чоғланаркан. Билли уни уйигача кузатиб қўйди. Қиз ўз машинасини ҳам Биллига қолдириб кетишини, қайтиб келгач, бу машина ҳали унга кўп марта керак бўлишини айтди.

Биллининг совғаси унинг учун ғоят қадрли эди. Шу боис, у Кэролнинг фермасидаги йилларидан ягона эсдалик бўлган машинасини сотишни истамасди. Бу давр ичидаги энг ёрқин хотиралар фақат Билли билан боғлиқ эди.

Мари-Анж ҳувиллаб қолган фермадаги сўнгги оқшомни қарийб уйқусизликда ўтказди. Қизик, Кэрол қариялар уйига кўникиб кетармикин? Телефон қилиб сўрамоқчи ҳам бўлди, аммо кампирнинг «оворагарчиликнинг кераги йўқ» деган гапини эслаб, индамай қўя қолди.

Тез орада у яна Парижни кўради. Ҳозир у олдинда қандай ҳодисалар кутаётганини, ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Эрталаб соат тўққизда Билли келиб, уни олиб кетди.

Мари-Анжнинг юклари у қадар кўп эмасди. Унинг чемоданида кундалик буюмлари, Билли байрамларда ва тугилган кунларда берган совғаларигина жойланганди. Мари-Анж учун ягона бойлик шу пайтгача бўйнида илиб юргани – ота-онаси ва Робернинг сурати туширилган медальон эди.

Иккови ҳам аэропортгача жим кетишди. Улар узоқ йиллар мобайнида қил ўтмас дўст бўлишди. Ҳозир ҳам шундай. Аммо ораларидаги масофа минглаб милга чўзилгач, уларнинг муносабати ҳам ўзгариши мумкин.

– Ёрдамим керак бўлиб қолса, телефон қиларсан, – деди Билли Чикаго рейсига йўловчиларни чиқариш эълон қилингач.

Мари-Анж ўн йилдирки, самолётда учмаган, сўнгги парвозидан унга фақат ёлғизлик ва иложсизлик ёдгор бўлиб қолганди. Ўтган йиллар давомида Билли унинг таянчи ва суянчи бўлиб келди. Кэрол ҳам унга бошпана берди, едириб-ичирди, ораларида бирор илиқ муносабат уйғонмади. Самолёт бортига кўтарилишдан аввал Мари-Анж узоқ муддат Биллини бағрига босиб турди. Икковининг ҳам юзларини шашқатор кўз ёшлар юварди.

– Сени қаттиқ соғинаман, – деди Мари-Анж ҳикиллаб. Назарида у Биллини қайтиб кўрмайдигандек эди. Билли ҳам унинг қалбидан ўтаётган хисларни ўқиб турарди:

– Ҳаммаси яхши бўлади, ҳали Франция жонингга тегса, яна олдимга қайтиб келасан.

Бу гапларга иккиси ҳам ишонмасди, албатта.

– Билли, сени севаман, – деди Мари-Анж унинг кўзларига тикилиб.

– Мен ҳам сени севаман, Мари-Анж.

Билли аини дамда вақт тўхтаб қолишини, мана шу саодатли дамлар абадий давом этишини истарди. Бирок бу, ўз навбатида, олдида порлок имкониятлар намоён бўлиб турган Мари-Анжга нисбатан адолатсизлик бўлур эди.

Билли то самолёт осмонда митти нуктага айланиб қолгунча, ундан кўзини узмади. Кейин машинасига ўтирганча, фермага қайтди.

VII БОБ

Самолёт Шарль де Голль аэропортига эрталаб соат олтида бориб қўнди. Юки унча оғир бўлмагани учун божхона назоратидан ўн дақиқада ўтиб олди. Атрофда янграётган французча сўзлашувларни эшитиб, ажиб бир энтиқишни туйди, шу онда танаффус пайтлари Биллига французчадан сабоқ берганларини эслади ва майин жилмайди.

Мари-Анж такси ушлаб, Сенанинг чап соҳилидаги кичикроқ меҳмонхонага йўл олди. Меҳмонхона чиндан шинамгина эди. Мари-Анж нонуштага қадар кийимларини тахлаб, ювиниб чиқди. Кейин шаҳарга чиқиб, яқин орадаги қахвахонага кириб, круассан билан қахва буюрди. Бир пайтлар акаси уни ана шундай ширинлик билан сийлагани эсига тушди.

Нонуштадан сўнг, Мари-Анж Парижни бир неча соат сайр қилиб, шаҳар манзараларидан баҳраманд бўлди. Тушгача шаҳар кезиб, бироз тамадди қилди-да, меҳмонхонага қайтди.

Кечаси унинг ёстиги кўз ёшлардан ивиб кетди. Ота-онаси, акаси, беҳуда ўтган ўн йиллик умрини ўйлаб, юраги эзилиб чиқди. Айовада қолган дўстини ҳам соғина бошлаганини ҳис этди. Ҳар қалай, у ватанига қайтганидан бахтиёр эди.

Эртаси куни Мари-Анж Сорбоннага борди, у ердаги таълим йўналишлари билан танишди. Учинчи куни ижарага машина олиб, Мармутонга йўл олди. Болалиги ўтган қадрдон масканга яқинлашгани сари юраги гурсиллаб ура бошлади. Болаликда тез-тез кириб турадиган кулча дўконига кириб ўтишни маъқул кўрди. Пештахта ортида ҳали ўша, ўн йил аввалги семиз хотин савдо қилаётганини кўрди. Бу хотин Софининг яқин дугонаси эди. Мари-Анж ўзини таништирганида, аёл йиғлаб юборди.

– Ё танграм, мадемуазель, бунчаям чиройли киз бўлиб кетибсиз? Софи сиз билан фахрланган бўларди.

Аёл уни бағрига босди. Ширин кулча билан меҳмон қилди.

– Софига нима бўлди? – сўради Мари-Анж.

– У ўтган йили қазо қилди, – деди сотувчи хўрсиниб.

Мари-Анж титраб кетди.

– Мен унга кўп хат ёзгандим, лекин у менга умуман жавоб ёзмади. Нима, оғир касалмиди?

– Йўқ, сизни олиб кетишгач, у ҳам кизиникига кўчиб кетганди. Ҳар йили меникига меҳмон бўлиб келарди. Сизни тез-тез эслаб турардик. У сиз-

га жуда кўп мактуб ёзди. Бироқ ҳаммаси манзил нотўғрилиги учун қайтиб келди. Кейин у умуман ёзмай қўйди. Ким билсин, балки кимдир хатни сизга етказишни истамагандир?

Мари-Анжни худди чакмоқ ургандек бўлди. Демак, Кэрол хатни унга бермай қайтариб юборган, Мари-Анжнинг хатларини эса, почтага олиб бормасдан, йиртиб ташлаган. У шу тариқа Мари-Анжни ўтмиш билан боғловчи ришталардан тамомила узиб ташламоқчи бўлган.

– Сизга ҳамдардман, – деди сотувчи ғамгинлик билан.

– Қасрда ҳозир кимдир яшаяптими? – сўради Мари-Анж паст овозда.

– Уйингиз ҳозир граф де Бошан исмли одамга тегишли. У Парижда яшайди, Мармутонга эса аҳёнда келиб туради. Бироқ қасрга истаган пайт боришингиз мумкин. У ерга қоровул ёлланган. Мадам Фурньенинг набирасини эсласангиз керак?

Мари-Анж уни танийди, Алан Фурнье ундан бир неча ёш катта бола эди. Болаликда бирга ўйнашарди.

Қиз сотувчига раҳмат айтиб, машинасига ўтирди ва йўлида давом этди. Мана, олдинда уйи ҳам кўринди. Чиндан ҳам қасрнинг дарвозаси очик турарди. Машинани йўл четида қолдириб, ўзи қасрга қараб одимлади. Ҳеч ким уни қарши олмади. Қаср анча қаровсиз ҳолга келиб қолибди. Ошхонанинг томи таъмирга мухтож. Уй ортида эса, таниш манзаралар кўзга ташланади: мевазор боғ, далалар, ўрмон...

У худди ўзини болаликка қайтгандек ҳис этди. Назарида қаршисидаги эшикдан Софи чиқиб келадигандек, Робер яқин атрофда сайр қилиб юргандек, ота-онаси ҳам кўчадан кириб келадигандек туюлди.

Мари-Анж ҳаракатсиз туриб қолганча, нафас ҳам олмасдан кушлар овозини эшитар, бир пайтлардагидек дарахтга осилиб чиқа олмаслигини ўйлаб, афсус чекарди. Бошини эгганча ҳовли саҳнида кезина бошлади. Мана, у узоқ йиллик саргардонликдан сўнг уйига қайтди. Аммо, бу уй энди унга тегишли эмас. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи аламли эди. Қоронғи туша бошлаганди. Шу пайт ошхона эшиги олдида спорт машинаси келиб тўхтади ва ундан баланд бўйли, озғин, қорамтир сочлари ва мовий кўзлари ўзига ярашиб турган бир эркак кулимсираганча чиқиб келди. Мари-Анж граф де Бошан айнан шунинг ўзи эканини бир кўришда англаб етди.

– Сиз адашиб қолдингизми, хоним? Балки сизга ёрдамим керакдир? – сўради у хушмуомалалик билан.

Қиз унинг қўлидаги олтин узукда акс этиб турган зодагонлик белгиси – қадимий авлод гербига эътибор қаратди.

– Йўқ, мен адашиб қолганим йўқ, мулкингизга сўроқсиз кириб келганим учун афу этгайсиз.

Мари-Анж беихтиёр америкалик холаси Биллини ов милтиғи билан қарши олган лахзаларни эслади. Бу жанобнинг мулозамати Кэролга нисбатан юксак даражада эди.

– Жуда чиройли қаср, тўғрими? – деди граф. – Мен бу ерга тез-тез келиб тураман.

– Ҳа, жуда ҳам ажойиб маскан, – деди қиз ғамгинлик билан.

Шу пайт ҳовлига яна бир машина кириб келди ва аввалгисининг ёнида тўхтади. Ундан тушиб келган қоровул Алан Фурньени Мари-Анж бир кўришдаёқ таниди.

– Алан? – дея қичкириб юборди Мари-Анж.

У анча улғайган бўлса-да, юз ифодалари, қарашлари аввалгидек қолганди. Алан ҳам Мари-Анжни таниди.

– Сизлар танишмисизлар? – сўради граф уларга кулимсираганча тикилиб тургач.

– Биз болаликдан бери дўстмиз, – деди Алан. – Бирга ўйнаб катта бўлганмиз. – Кейин эса Мари-Анжнинг қўлини сиқиб қўйди. – Қачон қайтдинг?

– Бугун, – деди Мари-Анж қасрнинг янги эгасига айбдорона термилиб қўйгач. – Мен фақатгина уйни бир кўриш учун келгандим, холос.

– Сиз шу ерда яшаганмисиз? – сўради граф.

– Ҳа, болалигимда. Ота-онам вафот этишгач, мен Америкага, холаминикига жўнаб кетгандим. Париждан кишлокқа бугун келдим.

– Мен ҳам.

Граф тавозе билан кулимсиради. У Мари-Анжда жуда хушмомала, олийжаноб инсон сифатида таассурот қолдирди. Алан унга дўстона қўл силкиб, изига қайтди.

– Уйга марҳамат қилмайсизми? – илтифот кўрсатди граф.

Мари-Анж ичкарига киришни жуда-жуда истаётганди. Граф ҳам унинг кўзларидаги бу истакни дарров илғаб олди.

– Ташқари совук, чой устида суҳбатлашсак, маъқул бўлармиди?

Мари-Анж бир оғиз ҳам гапирмасдан, унинг изидан таниш ошхонага кирди, атрофга кўз югуртириб, ўтмишни хотирлади. Кўзларида ёш ҳалқаланди.

– Сиз бемалол хоналарни айланиб чиқаверинг, – деди граф юмшоқ оҳангда. – Мен унгача чой дамлаб тураман. Мари-Анж хануз ноқулайлик ҳис этиб турар, аммо уй соҳибининг мулозамати унга анча дадиллик бахш этарди.

Хоналарда унча катта ўзгариш кўзга ташланмасди. Бир пайтлар бутун оилани ўз атрофида жамлаб келган стол-стуллар ҳам ўша-ўша эди.

– Отамнинг мол-мулки савдога қўйилганда, бу қасрни сиз сотиб олганмидингиз? – сўради Мари-Анж.

– Йўқ, илгари бу уйни бошқа одам сотиб олган экан, – деди граф чойнак ва финжонларни стол устига келтириб қўяркан. – Хотини ҳасталаниб қолгани учунми, қаср ёкмадими, ҳар қалай, сотиб бошқа ерга кўчиб кетди.

Уйни сотиб олгач, таъмирлашни дилимга туғиб қўйгандим. Аммо, вақтим бўлмади. Энди, баҳорга чиқиб, шу иш билан шуғулланмоқчиман. Қасрнинг аввалги тароватини қайтариш лозим.

– Менимча, жиддий таъмирга унча ҳожат бўлмаса керак, – деди у деворларга кўз югуртириб.

– Таассуфки, уйдаги водопровод ночор аҳволда, электр тизими ҳам таъмирга муҳтож, – деди граф меҳмонга чой куйиб узатаркан. – Ҳали бу уйнинг камчиликлари бор. Томни янгилаш керак, ҳовлига мевали дарахтлар ўтказиш лозим. Дарвоқе, ўзимни таништиришга рухсат этинг, граф Бернар де Бошан.

Улар қўл сиқиб кўринишди.

– Мари-Анж Хокинс.

Бернар Мари-Анж ва унинг оиласи бошига тушган фожиалардан хабардор эди. Қасрнинг аввалги соҳиби Хокинсларнинг автоҳалокатга учрагани ва уларнинг яккаю ягона қизи етим бўлиб қолгани, кейин Америкага, узок қариндошининг ёнига кетгани ҳақида эшитганди.

Бернар қизни меҳмонхонага таклиф қилди. Қиз иккинчи каватдаги хоналарни бирма-бир айланиб тушгач, унинг кўзлари қизарганини кўриб, йиғлаганини фаҳмлади.

– Бу ерга қайтиш сиз учун осон бўлмагандир, – деди Бернар қизга чой узатаркан.

– Ҳа, мен ўйлаганимдан ҳам, – деди қиз хўрсиниб.

Бернар шу аснода қизнинг чехрасидаги ёшлик ва гўзалликни ич-ичидан тан олди. Мари-Анж ундан икки қарра ёш, Бернар эса, қирқни уриб қўйганди.

– Сизни тушунаман, мен ҳам ўн йил илгари ўғлим ва аёлимни ёнгин сабабли йўқотганман. Мен ҳам худди шундай қасрда яшардим. Ёнгиндан кейин уни сотиб юбордим. Ўзимни тиклаб олишим учун анча вақт керак бўлди. Бир тарафдан, мен худди ўз уйимни эслатадиган уйда яшашни истардим, шу боис мен Мармутонни сотиб олдим. Бироқ, бу ерда менинг қайгули хотираларим қайта жонланади. Шу сабаб бу ерга кам келаман. Таъмирлашга ҳам уринмаганман. Нима бўлганда ҳам мен бу уйни қайта таъмирлашим шарт.

– Илгари ҳам бу қаср жуда чиройли эди, ойим ҳар бир хонани гуллар билан безатиб чиққанди.

Хонага бироз жимлик чўқди.

Графга бу ёшгина хоним билан ҳамсухбат бўлиш ёқаётганди. Мари-Анжнинг ташрифи унинг учун кутилмаган совға бўлганди.

– Бу гал мен Мармутонда бир ойча яшамокчиман. Маҳаллий архитектор билан уйни қайта куриш режасини ишлаб чиқишим керак. Агар вақт топсангиз, албатта яна келинг. Сиз Францияда анча пайт коласизми?

Мари-Анж биров жим колди.

– Аниқ бир қарорга келмадим. Штатлардан келганимга икки кун бўлди. Мармутоғни кўриш ниятида эдим. Кўрдим. Кейин Сорбоннага кириш имтиҳонлари билан ҳам қизиққандим.

– Сиз Францияда қолмоқчимисиз?

– Қайдам, – елка қисди Мари-Анж. – Отам менга... – у мерос ҳақида гап бошлади-ю, негадир бу ҳақда охиригача гапиришни истамади. – Ҳар қалай, яқиний қарорга келганимча йўқ.

Бернар ўзига ва меҳмонга чой қуйди:

– Парижда яшаш завқли. Сиз кетгунигизча қаерда яшаб турмоқчисиз, мисс Хокинс?

– Бунни ҳам билмайман, – Мари-Анж жавоби қанчалик қулгили чиқканидан ўзи ҳам ажабланди. – Илтимос, мени шунчаки Мари-Анж деб атай қолинг.

– Бажонидил.

Граф жуда келишган эркак эди, унинг жозибаси ҳар қандай аёлни мафтун эта оларди.

– Менда бир фикр бор. Билмадим, сизга ёкармикин? Мари-Анж, агар аниқ бир режангиз бўлмаса, Мармутоғда яшаб турсангиз бўлмасмикин? Албатта, сиз мени танимайсиз, бироқ истасангиз, қасрнинг бир қанотини эгаллаб, ўша ерда туришингиз мумкин. Қулф-қалитлар ҳам ихтиёрингизда бўлади. Агар ота-онангиз турган хонада ухламоқчи бўлсангиз ҳам бемалол. Мен эса, меҳмонхонада ухлайман. Менга бу ер жуда ёқади.

Мари-Анж бир муддат графга ҳайрат билан тикилиб қолди. У қисқа фурсат ичида бу нотаниш эркакдан ҳавфсирамай қўйганди. Бернар унинг назарида ўта мулоим, тарбияли, олийжаноб бўлиб кўринди. Афтидан, ундан ҳеч қандай ёмонлик чиқмайдигандек кўринарди. У Мармутоғда қолиб, ўтмишнинг тотли хотираларига бурканиб тонг оттиришни истарди.

– Бу ерда тунаб қолишим сизга биров ғалати туюлмасмикин? – сўради Мари-Анж барибир эҳтиёткорлик билан.

– Мен ўзим сизни таклиф қилдим-ку? Сизнинг бу ерда қолишингиз мен учун ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди.

У яна қулимсиради. Бу гал унинг қулгисида оталарча меҳрибонлик ифодасини сезган Мари-Анж ҳеч иккиланмасдан унинг таклифини қабул қилди...

– Сиз бу ерда истаганингизча қолишингиз мумкин, – дея уни ишонтирди граф. – Боя айтганимдек, мен ҳозир таътилдаман. Бу ерга бир ой туриш учун келдим. Уй эса бир кишига хаддан ташқари кенглик қилади.

Мари-Анж бу ерда тунаб қолиши учун унга пул ҳам таклиф қилмоқчи бўлди. Аммо графни ранжитиб қўйишдан кўркиб, бу фикридан қайтди. Ахир граф ўзига тўқ одам, акс ҳолда, у қасрини ижарага берган бўларди.

– Айтганча, сиз кечкурун қасрда овқатланмокчисиз? Агар сизда бирор аниқ режа бўлмаса, сизни меҳмон қилсам дегандим. Албатта, мохир ошпазликни даъво қилмайман. Аммо сиз учун нимадир тайёрлаб бериш мен учун шараф бўлур эди. Машинамда ҳамма масалликлар бор.

Табиийки, бу илтифот Мари-Анжни янада ноқулай ахволга солиб қўйди.

– Сизни жуда ҳам овора қилиб қўяётганга ўхшайман. Келинг, яхшиси овқатни ўзим тайёрлай қоламан.

Мари-Анж Айовада етти йил давомида Кэрол учун овқат пиширган, ҳали бирор маротаба инжиқ кампир унинг овқатларидан нолимаган эди.

– Меҳмонни хизматга қўйсам, одобсизлик бўлмасмикин? – деди граф яна ёқимли табассум билан.

Қиз ўрнидан туриб, чашкаларни ювиш учун олиб чиқди. Бу ошхона унга ҳамиша Софини ёдга соларди. Ҳар қалай, Мари-Анж ҳам, граф ҳам овқат тайёрлашга ортикча уринишмади. Графнинг тавсиясига кўра, иссиқ нон, паштет ва пишлок билан кифояланишди. Граф қизни ажойиб қизил вино билан сийламокчи эди, Мари-Анж рад этди. Кейин улар меҳмонхонада анча пайтгача сухбатлашиб ўтиришди.

Бернарнинг ҳикоя қилишича, у асли паришлик бўлиб, болаликда бироз муддат Парижда яшаган, кейин яна Францияга қайтган экан. Ёнгиндаги фожиадан сўнг Бернар анча ўзини олдириб қўйган, аммо вақт ўтиши билан жароҳатлари тузала бошлабди. Шундан сўнг бошқа уйланмасдан, ана шундай маҳдуд ҳаёт тарзини ихтиёр этибди.

Ниҳоят соат ўнларга яқин Мари-Анжнинг сокин мудрок боса бошлаганини кўрган граф уни ўз хонасига кузатиб қўйди. Каравотларга оппоқ чойшаблар тўшаб қўйилган эди. Бирок, бир пайтлар ота-онаси ётган бу каравотда ухлаш унга ўйлаганидек роҳат бахш этмади. Тонггача ўша масъуд дамларни қўмсаб ухлолмай чиқди.

VIII БОБ

Эрталаб Мари-Анж тўшагини йиғиштириб, нонуштага тушиб кетди. У анчайин ҳорғин кўринар, кечаси яхши ухлолмагани кўриниб турарди. Бу пайтда Бернар емакхонада сутли қаҳва ҳўплаб, тонгги газеталарни варақлаб ўтирарди.

– Яхши ётиб турдингизми? – сўради Бернар тавозе билан.

– Унчаликмас, хотиралар ҳалал берди шекилли, – деди Мари-Анж бирмунча паришонлик билан. Айни дамда, у графнинг меҳмондўстлигини сунистеъмол қилмаслик учун шаҳарда нонушта қилиш ҳақида ўйлаётган эди.

– Мен ҳам шундан кўркқандим. Бу уй сизда ғамгин таассурот қолдириши тайин эди. Яна кўнглингиз хотиржам тортиши учун бироз вақт ўтиши керак.

У яна бир чашкага кофе қуйиб, Мари-Анжга узатди.

– Менинг ота-онам ўн йил илгари қазо қилишган, – деди Мари-Анж акаси Робернинг дастурхон бошидаги шўхликларини кўз олдига келтираркан.

– Бирок, сиз бу пайт ичида бирор марта ҳам қасрга келмагансиз? – деди Бернар. – Албатта ўша фожиадан сўнг биринчи марта бу ерга келиш... оғир бўлса керак. Истасангиз, хиёбонни айланиб келардик, балки фермага ўтармиз?

– Илтифотингиз учун ташаккур, сизни шундок ҳам кўп безовта қилдим, – дея жилмайди Мари-Анж. – Мен Парижга қайтаман. Сафарим қариганга ўхшайди.

Уйда узоқ вақт қолишдан бирор маъно йўқ эди. Бир окшом ота-онасининг ҳиди келиб турган хонада ётишни истаганди. Мана, ниятига етди. Энди қайтмаса уят бўлади.

– Парижда ким биландир учрашув белгилаганмисиз? Ё ўзингизни кетишга шунчалик мажбур деб билиясизми?

Мари-Анж яна табассум билан бош ирғади. Бернар унинг қизғиш сочларига термулиб қолди. Аммо, қиз унинг нигоҳларида самимийликдан бошқа нарсани кўрмади. Балки кўни-қўшнилар унинг граф билан бир хонада қолганини кўриб, ҳар хил хаёлларга боришгандир? Бирок, у кеча окшом графнинг бирор шубҳали ҳаракатини пайкамади.

– Ўз уйингизда бемалол ухлашингизга ҳалал бермасликни истардим, – деди Мари-Анж жиддий қиёфада. – Албатта сизнинг олийжаноблигингиз таҳсинга лойиқ. Лекин энди мен бу уйда бошқа қололмайман.

– Аксинча, сиз менинг азиз меҳмоним сифатида бу ерда истаганингизча туришингиз мумкин. Агар қарши бўлмасангиз, уйни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш бўйича маслаҳатларингизни олмоқчи эдим. Бунга вақт топа олсангиз, албатта.

Мари-Анжнинг вақти керагидан ҳам ортиқ даражада.

– Сизга ортиқча ташвиш туғдирмаслигимга ишонасизми, мсье?

– Албатта ишонаман, агар мумкин бўлса, мени Бернар деб чақирсангиз.

Нонуштадан сўнг улар далаларни айланиб кетишди. Мари-Анж бу кенгликлар аввал қандай кўринишда бўлганини айтиб берди.

Мари-Анж шундан сўнг шаҳарга бориб, графга миннатдорлик белгиси сифатида бир неча шиша аъло навли вино олиб қайтди. У мезбондан овқат тайёрлашга рухсат сўраганда, Бернар қаршилиқ билдирди ва кўчада овқатланишни таклиф этди. Кейин улар яқин орадаги тамаддихонага боришди. (Бу тамаддихона яқинда қурилган бўлиб, ўн йил илгари унинг ўрни бўм-бўш яланглик эди.) Бернар дилқаш, ёқимли суҳбатдош сифатида аллақачон Мари-Анжнинг кўнглига йўл топганди. У жуда кўп қулгили воқеаларни биларкан, Мари-Анжнинг қайфияти роса кўтарилди.

Улар окшомда Мари-Анжнинг ота-онаси яшаган хона остонасида хайрлашишди. Бу окшом Мари-Анж тошдек котиб ухлади. Эрталаб эса, емакхонада Бернар билан саломлашгач, катъиян кетишини маълум қилди.

– Сизни катгик ранжитиб қўйдим, шекилли, – деди граф ковок уйиб. – Менга ёрдам беришингиздан умидвор эдим. Мумкин бўлса, душанба кунигача қола олмайсизми? Якшанба куни уйга бир-иккита ошналаримни чакириб, сизни таништириб қўйсам дегандим. Сиз уларга Мармутоннинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиб берардингиз. Улар орасида уйни қайта таъмирлашни зиммасига олган меъмор дўстим ҳам бўлади. Агар қолсангиз, мени бахтиёр этган бўлар эдингиз. Ахир Парижда сизнинг бирор муҳим ишингиз йўқ эди, шекилли.

– Наҳотки, ҳалигача жонингизга тегмаган бўлсам? – кулди Мари-Анж.

– Асло, – деди Бернар самимият билан. – Аксинча, мени катта қарздор қилиб қўясиз. Агар қарши бўлмасангиз, сизни фахрий меҳмон ва ажойиб дўст ўрнида қабул қилган бўлардим. Сиз менга бу қаср ҳақида хатто ўзим билмаган нарсаларни гапириб бердингизки, бунинг учун сиздан ҳар қанча миннатдор бўлсам арзийди.

Чиндан ҳам Мари-Анж графга қасрдан олиб чиқадиган яширин йўлакни ҳам кўрсатиб қўйганди. Бу яширин йўлак ҳақида, гарчи фермада катта бўлган эса-да, хатто Алан ҳам ҳеч нарса билмасди. Ниҳоят, Мари-Анж мезбоннинг бу таклифини ҳам қабул қилишдан бошқа чора тополмади. Кейинги кунлари улар бозорга чиқиб, масалликлар олиб келишди. Бернар эса, овқат тайёрлади. Эртаси куни тушликни Мари-Анжнинг ўзи пиширди. Улар шу вақт ичида янада иноклашишди.

Бернар сиёсатга ҳам анча-мунча кизикар, шу боис у Францияда юз бераётган ўзгаришлар хусусида эринмасдан сўзлаб берарди. Бернар ўзининг айтишича, илгари банкда ишлаган, кейин маслаҳатчи лавозимини эгаллаган, бироқ сўнгги пайтларда яқинларининг фожиаси уни ҳаётдан анча совутиб қўйган экан.

– Топ-чи, ҳозир қаердаман? – сўради у Биллидан салом-алиқ тутагач.

– Парижда, Сорбоннада бўлсанг керак, – деди Билли.

– Тополмадинг, Мармутонда, қасрда яшаяпман.

– Нима, қасрни меҳмонхонага айлантиришибдими?

– Йўқ, аввалгидек, хусусий уйлигича қолган. Уй соҳиби жуда ажойиб. Меҳмондўст одам экан. У қолишимга рухсат берди.

– Унинг оиласи борми? – сўради Билли сал овози ўзгариб.

– Хотини ва ўғли ёнғинда ҳалок бўлишибди.

– Яқиндами?

– Ўн йил аввал.

Мари-Анж Бернарнинг мутлако безарар одам эканига ишонарди. Мармутонда ўтган вақт мобайнида у ўзини энг намунали жиҳатларини намоён қилди. Бироқ, телефонда буни Биллига тушунтириш осон эмасди.

– У неча ёшда? – сўради Билли.

– Қирқда, – деди Мари-Анж бепарво оҳангда. Албатта Биллига қиёсланганда Бернарни бемалол қария деб аташ мумкин эди.

– Мари-Анж, бу хатарли-ку, – деди Билли асабийлашиб. – Ўзинг ўйлаб кўр, сен ҳайҳотдек қасрда қирк ёшли бева эркак билан турибсан. У ерда нима-лар бўлаётганини тушунмаяпман.

– Биз шунчаки дўстмиз. У уйни таъмирламоқчи. Мен қасрнинг аввалги кўриниши ҳақида тушунчалар ва керакли маслаҳатлар беряпман.

– Нега меҳмонхонада қолмадинг?

– Чунки, менга Мармутон кўпроқ ёқади. Уй соҳиби ҳам қаршилиқ кўрсатмаяпти. Унинг айтишича, менинг ёрдамим туфайли анча вақти тежалаётган экан.

– Менимча, сен ҳам ўйлаяпсан, – деди Билли. – У бирдан сенга ёпишиб кетса, нима қиласан? Уйда бир ўзингсан, ҳеч кимни ёрдамга қақиролмайсан.

– Билли, хавотирланма, бундай бўлмайди. Яқшанба кунлари унинг дўстлари келишади. Биз ҳечам ёлғиз қолмаймиз.

Билли ноаниқ ҳислар қуршовида қолди. Бир томондан, у хотиржам эди, иккинчи тарафдан, уни бегона эркак билан бир уйда яшашини ҳазм қилолмасди.

– Мари-Анж, барча азиз-авлиёлар ҳақки, эҳтиёт бўл! Сен у ҳақда ҳеч нарса билмайсан. Билганинг – унинг ўзидан эшитган гап-сўзлар, холос. Бу камлик қилади.

– У жуда олийжаноб инсон, – дея Биллининг сўзини бўлди Мари-Анж.

– Унутма, бепул пишлоқ фақат қопқонда бўлади. Ҳар бир қадамнинг ўйлаб бос. Менга тез-тез қўнғироқ қилиб, хабарлашиб тур.

– Албатта қўнғироқ қиламан, – деди Мари-Анж самимий оҳангда. – Ҳаммаси жойида, сени соғиндим.

Мари-Анж қасрга хурсанд қайфиятда қайтди. Кечкурун улар яна граф билан бирга овқатланишди. Яқшанба куни қасрга таклиф этилган меҳмонлар ташриф буюрди. Улар ичида башанг кийинган аёллар ҳам бор эди. Бернар кизни меҳмонларга қасрнинг аввалги соҳибаси сифатида таништирди. Меҳмонлардан бири унинг отасини яхши танир экан. Жон Хокинснинг омадли тадбиркор бўлганини қайд этди. Мари-Анж Бернарга ота-онасининг мухаббат тарихини гапириб берганди. Аммо, Жоннинг бизнесдаги муваффақияти уни кўпроқ қизиқтириб қўйди.

Хуллас, дам олиш куни ғоят мароқли кечди. Душанба куни эрталаб Мари-Анж йўлга тушиш тараддудини кўра бошлади. Бернарнинг таваллоларига қарамай, Мари-Анж фикридан қайтмади. Мари-Анжнинг Мармутонда қолишига ҳеч қандай сабаб қолмаган, у қаср ҳақидаги ҳамма нарсани

айтиб берган, маслаҳатларини қўлдан келганча беришга улгурганиди. Қолаверса, Мари-Анж Сорбонна билан боғлиқ масалаларни ҳал этиши лозим эди. Кетиш олдидан у графга чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

Мари-Анж кечкурун меҳмонхона ресторанида овқатланаркан, Бернар ҳақида, Мармутонда кечган ўн кун ҳақида ҳаёл сура бошлади. Бернар Мармутонда яшаш учун ижозат бериб, унга жуда катта совға тайёрлаганди. Эртаси кун у графга узундан-узоқ миннатдорлик мактуби битди.

Эргалаб Мари-Анж Сорбоннага жўнади. У ҳали Айовага қайтиб, коллежни тугатишни ҳам, Сорбоннага ўқишга киришни ҳам билмасди. Сен-Жермен хиёбонида ҳаёлчан кезаркан, беихтиёр қарама-қарши тарафдан келаётган Бернар де Бошанга рўпара келди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз? – сўради ажабланиб. – Сиз Мармутонда бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

– Сиз кетганингиздан кейин Мармутон хувуллаб қолди, – деди Бернар узрли жилмайиб. – Парижга сизни кўриш учун келдим.

Мари-Анжга Бернарнинг сўзлари шунчаки такаллуф бўлиб туюлса-да, барибир ёқди. Кечкурун граф уни «Лоран» кафесига овқатланишга таклиф қилди. Овқат устида Бернар кизни яна бир неча кун Мармутонда қолишга кўндирди. Кафедан чиққач графнинг машинасида тўғри қасрга йўл олишди. Мари-Анжнинг ижарага олинган машинасини гаражга қайтаришди.

Шу тариқа Мари-Анж қасрда яна бир ҳафта қолиб кетди. Кун сайин киз ва граф бир-бирига яқинлашиб борарди. Улар соатлаб ўрмонни сайр қилишар, хиёбонда суҳбатлашишарди. Фақат ойнинг охиридагина Мари-Анж шаҳарга қайтди. Орадан бир неча кун ўтиб, Бернар ҳам шаҳардаги уйига қайтди ва меҳмонхонага келиб, Мари-Анждан хабар олиб турди.

Парижда ҳам улар тез-тез учрашиб, бирга тамадди қилиб туришар, Булон ўрмонини кезишарди. Шу тариқа, Бернар кизнинг энг яқин дўстига айланди. Албатта, Биллини ҳам истисно қилиб бўлмасди, аммо у ҳозир уммон ортида эди. Кизни айни пайтда фақат ўқиш ташвишга соларди. Ахийри у Бернардан маслаҳат сўради.

– Сен то бир қарорга келгунигча, умуман бошқа нарсани таклиф қилмоқчи эдим, – деди Бернар дабдурустдан уни сенлашга ўтиб. – Яхши-си, Лондонга борамиз. У ерда бироз ишларим бор. Уларни ҳал қилиб, театр-га қирамиз, шаҳарни томоша қиламиз. Хуллас, бир сайр қилиб келсак, ёмон бўлмасди.

Бу фикр Мари-Анжга маъқул бўлди. «Клариджиз» меҳмонхонасига тушиб, бошқа-бошқа хоналарда жойлашишди. Ҳар окшом олиймақом ресторанларда овқатланишди. «Сотбис» аукционидида қатнашиб, Мармутон учун антиквар буюмлар харид қилишди. Мари-Анж Бернар билан

вақтни ҳар қачонгидан қувноқ ўтказди. Бу гал ҳатто Биллига ҳам қўнғирок қилиб, қаерда эканини айтмади. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Бернар ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ, ишончли ва олийжаноб йигит эди. Шунча пайт мобайнида, тўғрироғи «Аннабель» залида у қизга бармоғининг учини ҳам теккизмади.

Факат рақс пайтида, Бернар оҳиста эгилиб, Мари-Анжнинг олчадек бежирим, қирмизи дудокларига енгилгина лаб босди. Қиз ҳайрат ва ҳаяжон тўла нигоҳларини графга қаратди. Бундай вазиятда у қандай йўл тутишни ҳам билмасди.

Ҳафтанинг охирида Мармутонга бирга қайтишди. Улар хиёбонни сайр қилиб юришган чоғда, Бернар қизга қалбини очди.

– Мари-Анж, сени севиб қолдим, – дея эътироф этди граф. – Хотиним ўлганидан бери бундай ҳис-туйғуга илк бор дуч келишим.

Қиз графнинг кўзларига тикилиб, уларнинг муносабатлари дўстликдан кўра анча чуқурлашиб кетганини пайқади.

– Сенинча, бунга ҳожат бормикин? – уларнинг нигоҳлари беихтиёр тўқнашди. – Ҳали бунга эрта эмасмиди?

– Мен сендан анча қаттаман, – деди граф. – Қолаверса, сен Америкага қайтмоқчи бўлиб турибсан. Шундай пайтда ҳаётингга кириб келишга ҳақким йўқ. Бироқ, мен ҳозир сенсиз яшолмаслигимни англаб етдим.

– Нима дейишга ҳайронман, – деди Мари-Анж эҳтиёткорлик билан. – Очиғи орамиздаги муносабатлар бундай тус олишини кутмагандим.

Мари-Анжнинг ўзи ҳам сўнги пайтларда Бернар ҳақидаги қарашлари ўзгара бошлаганини пайқаган, аммо бу ҳақда ўйлашга ҳам юраги дов бермаганди. Уларнинг дўстлиги ҳар доим бир хилда қолишини истаганди. Мана, граф унга наинки уйини, ҳатто қалбини ҳам очиб ўтирибди. Қиз графнинг уйига сўроқсиз кириб борганди, энди унинг ўзи ҳам Бернар билан шу ерда умрбод қолиб кетишни истаяпти. Балки, уларнинг учрашувини тақдирнинг ўзи такозо этгандир?

– Энди нима қиламиз, севгилим?

Бернарнинг овозида эҳтирос ва нафосат ифодаланарди. У иккинчи бор Мари-Анж болалигида тирмашиб чиқишни истайдиган дарахт панасида кизнинг лабларидан бўса олди. Мари-Анж эса, бу дафъа умуман ажабланмади.

– Билмадим, мен аввал бундай ҳолатга дуч келмаганман.

Бернар ҳам унинг ҳолатини ҳис эта оларди.

Айни вазиятда уларнинг ҳар иккиси фикр юритишдан ожиз эдилар. Энди улар қўп вақтни Мармутонда ўтказа бошлашди. Бернар ҳар гал ташқарига чикканда, Мари-Анжга гуллар, митти совғалар кўтариб келарди. Кейин эса, у беозоргина қулиб турган қизни оғушига тортарди. Мари-Анж ҳам бахтдан сархуш эди. Эҳтирос, нафосат ва ҳаяжонга тўла тунларнинг бирида улар бир хобгоҳда тонгни бедор қарши олишди...

Кейин эса, бундай тунлар одатий тус олди.

– Менга турмушга чик, – деди граф шундай тунларнинг бирида. – Биз ҳеч қачон ажралмаслигимиз, сен менга фарзандлар туғиб беришинг керак.

Мари-Анж бу лаҳзада сархуш ҳислар қанотида еттинчи фалакда учиб юрарди.

– Албатта, ёшимиз орасидаги тафовут катта, – хўрсинди граф. – Мен қирк бир ёшдаман, сен эса, ҳали ёш қизчасан. Эртага сен ҳақингда одамлар ҳар хил гап-сўз чиқаришини истамайман. Лекин, сени қўлдан чиқаришни ҳам хоҳламайман. Сени йўқотиб қўйсам, қайтиб тополмаслигимга қўзим етиб турибди.

– Хўш, нима қилишимни истайсан? – Мари-Анжнинг кўзлари хумор бўлиб сузилди.

– Кел, унда тезроқ турмуш курайлик. Иложи бўлса, кейинги ҳафтада. Қишлоқ черковида никоҳдан ўтамиз, тўйимиз эса шу ерда, Мармутонда бўлади. Сен қарши бўлмасанг, албатта.

Улар эртаси кун бўйи уйдан чиқишмади. Кечроқ, руҳонийга қўнғироқ килиб, унаштириш маросимини ҳам белгилаб олишди. Тўй куни белгиланиши билан Мари-Анж Биллига қўнғироқ қилди. Аввалига гапни нимадан бошлашни билмай иккиланиб турди. Кейин эса, шу пайтгача уларни дўстлик ришталаридан бошқа нарса боғламаганини эслаб, дарров мақсадга қўча қолди.

– Нима? Сен унга тегяпсанми? – бакириб юборди Билли. – Ахир биз шунчаки дўстмиз, демаганмидинг? Эсингни еб қўйибсан шекилли?

– Ҳа, биз дўст эдик, аммо муносабатларимиз ўзгариб кетди, – деди Мари-Анж ютиниб олгач.

Билли эса, кутилмаганда тутакиб кетди.

– Намунча ошикмасанг, Мари-Анж! Ўз туйғуларингни аввал синаб кўр. Сен Францияга яқинда қайтдинг. Узоқ йиллардан сўнг ўз уйингни кўриб, эс-хушингни йўқотиб қўйган бўлишинг мумкин.

– Мен... Мен Бернарни севиб қолдим.

Биллининг бошқа савол беришига ҳожат қолмаганди. Телефон алоқаси узилиб қолди. Мари-Анж узук-юлук сигналларга бир зум кулок солиб тургач, гўшакни илди.

– Ким билан гаплашдинг? – сўради граф.

– Айовада бир дўстим бор эди, – деди Мари-Анж ўзини бепарво кўрсатишга тиришиб. – Унингча мен ақлдан озганмишман.

– Мен ҳам ақлдан оздим-ку? – ҳазиллашди граф. – Балки, бу менга ҳам юққандир?

– Руҳоний нима деди? – гапни бурди қиз.

Мари-Анж хотиржам эди. Биллининг дийдиёси унинг фикрини заррача ўзгартиролмади. Биллини ҳам тушунса бўлади: ахир бир пайтлар Мари-

Анж унинг мухаббатини рад этганди. Бирок Билли ҳам тушуниши керак: дўстлик бошқа, мухаббат бошқа!

– Рухонийнинг айтишича, икки кундан кейин никоҳни расман қайд эттиришимиз, эртаси куни эса, черковда Яратганнинг хузурида никоҳдан ўтишимиз мумкин экан. У бугундан бизни эр-хотин деб эълон қилиши мумкин. Бу сизга маъкулми, графиня?

Мари-Анж шу дақиқага қадар тўйдан сўнг графиня унвони олиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаганди. У ўзини сеҳрли эртақлар ичига тушиб қолгандек ҳис этди. Бундан тўрт ойча илгари у Кэрол Коллинзнинг чўриси эди. Кутилмаганда, катта меросга эга бўлди. Энди эса, аслзода эркак билан турмуш қурмоқда. Яна ўз уйида, Мармутонда яшайди. Ахир бир қизга бундан ортиқ яна қандай бахт керак?

Яна икки кун ўтиб, Мари-Анж оппоқ тўй либосида Бернарнинг ёнида турарди. Рухоний уларни эр-хотин деб эълон қилди. Мадам Фурнье ва Алан гувоҳликка ўғишди.

– Азизим, сени севаман, – деди маросим сўнгида Бернар шивирлаб Мари-Анжни ўпаркан.

IX БОБ

Граф ва графиня де Бошанлар учун Рождество байрами худди эртақлардагидек ўтди. Аввал Мармутонга кириши билан Мари-Анжнинг қалбини соғинч билан бирга аллақандай изтироблар ҳам чулғаб оларди. Энди эса, Бернар ёнида экан, у ҳеч қандай нохуш ҳислар таъқибини сезмасди.

Байрам арафасида Мари-Анж Биллига кўнғирок қилди. Гарчи Билли Мари-Анжнинг хурсандчилигига шерик эканини айтса-да, барибир ҳали танимаган-билмаган одамга турмушга чиқиб, катта хато қилганини қистириб ўтди. Мари-Анж эса, ҳар доимгидан кўра бахтлирок эканини таъкидлади.

– Эсингдами? Бир йил илгари Рождествони Мармутонда қарши олиш ҳаёлимда ҳам йўқ эди, – деди Мари-Анж орзумандлик билан хўрсиниб.

Билли ўтган йил байрамни бирга қарши олишганини эслаб, жилмайди. Ўшандан бери у Мари-Анжнинг эрга теккани ва Айовага ҳеч қачон қайтмаслигини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди. Энди ўтмишни қайтариб бўлмайди. Шу боис, Билли Дебби билан учрашиб юрар, аммо Мари-Анжни каттиқ соғинарди.

– Ҳа, бир йил илгари сен бой меросхўрга айланишинг, қимматбаҳо машиналарда юришинг кимнинг ҳаёлига келибди, дейсан?

...Байрамдан кейин ҳаёт бир маромда давом эта бошлади. Улар тез-тез Парижга бориб, Бернарнинг квартирасида тунаб қолишарди. Ушбу квартира графнинг обрўсига мос, кенг, чиройли, серҳашам эди. Январда Мари-Анж ҳомиладор эканини билиб қолди. Графнинг қувончи чегара билмасди. Чунки, у тезрок фарзанд кўришни, ўзидан ворис қолдиришни орзу қиларди.

Бернар ота бўлишини билганидан сўнг, орадан бир неча кун ўтгач, Мармутонни таъмирлашга киришди. Бир неча ҳафтада қаср вайрона кўринишини олди. Энди олдинда томларни, деворларни янгилаш, французча ойналар ўрнатиш, эшикларни кенгайтириш турарди. Бундан ташқари, уй жихозларини ҳам бутунлай янгилаб чиқиш, айникса, болалар хонаси худди эртақлардагидек бўлиши, ҳатто уйда кинотеатр ҳам бўлиши керак экан. Бернар электр ва сув тармоқларини ҳам янгилаш ниятида эканини айтди.

Мари-Анж эрининг режаларига дахл қилишни истамаса-да, уйни таъмир ишлари жуда қимматга тушишини биларди. Бернар ҳатто ўн акр майдонда узумзор барпо қилишни ҳам айтди. Мари-Анж бу ниятларни амалга оширишга шубҳаланса-да, эри уйни идеал кўринишга келтиришни исташини айтди. Чақалок тугилгунча қасрнинг лоақал ички қисми у истагандек кўринишга келиши керак эди.

Билли билан кейинги телефон сўзлашувида Мари-Анж ҳомиладор эканини маълум қилди.

– Вактни бекорга ўтказмабсизлар, – деди Билли кесатиб.

Мари-Анж Кэрол холасига ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида мактуб ёзди. Бирок, жавоб келмади. Чамаси, кампир бундай жияни борлигини ҳам эсидан чикарган эди.

Мартда уйда таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Шу боис эр-хотин кўп вактни Парижда ўтказадиган бўлишди. Ёзда эса, бутунлай Парижда қолишди. Бу пайтда қасрда қурилиш ва таъмирлаш ишлари авжига чиққанди. Июлда Сен-Жан-Кап-Феррадан яхтаси билан ҳашаматли виллани ижарага олди.

– Эй Худо! Мени жудаям эркалатиб юбормаяпсанми? – деди Мари-Анж вилла билан яхтага кўзи тушгач.

Улар августда Мармутонга қайтадиган бўлишди. Бу пайтда Мари-Анжнинг ҳомиласи саккиз ойлик бўлиб қолганди. У Пуатьедаги шифохонада туғишни мўлжаллаганди. Франция жанубида ўтган бир ой Мари-Анжга баайни эртақ бўлиб туюлди. Уларнинг вилласига Европанинг турли нукталаридан меҳмонлар келиб турарди. Уларнинг барчаси бир-бирига мос эр-хотинларнинг бахтига ҳавас билан қарашарди.

Ана шу тўққиз ой Мари-Анжнинг ҳаётидаги энг бахтли онлар бўлиб қолди. Улар чақалокнинг дунёга келишини интизорлик билан кутишарди. Бу пайтда Мармутондаги болалар хонаси ҳам аллақачон шай ҳолатга келтирилган эди. Бернар ҳатто болага энага ҳам топиб қўйди. Қасрнинг қолган қисмида қурилиш ишлари давом этарди.

Мари-Анж болалар хонасида ўтирганида, бир куни унинг ёнига пудратчи келиб, канализация ва сув қувурлари таъмирида жиддий муаммо чиққанини айтиб қолди. Бернар уй учун мрамор ванна ва бир қанча

жакузилар буюртирган экан. Сухбат асносида пудратчи нимадандир ўнғайсизланаётганини пайкаб қолди. Маълум бўлишича, Бернар таъмирлаш учун келишилган ҳақни мартдан шу пайтгача умуман тўламаган экан. Бундай муаммоларга бошқа мижозлар ҳам дуч келишган экан.

Мари-Анж: «Балки эрим виллада бўлганида ҳисоб-китоб қилишга вақт топа олмагандир», деган ҳаёлга ҳам борди. Бирок, таъмирлаш ишлари бошланганидан бери Бернар қурувчилардан бирортасига ҳақ тўламаган экан. Мари-Анж тўланмаган пул миқдори билан қизиқди. Гап бир миллион долларга яқин пул устида кетаётганини билгач, оғзи ланг очилиб қолди.

Шу пайтгача у Бернардан уйни таъмирлаш қанчага тушишини сўраб кўрмаганди.

– Сиз адашмаяпсизми? – сўради Мари-Анж. – Наҳотки шунча қиммат бўлса?

Мари-Анж қасрни таъмирлаш бунчалик қимматга тушишини тасаввур ҳам қилолмаганди.

– Эрим Париждан қилиши билан бу масалани унга етказаман, – деди Мари-Анж. У пудратчи билан хайрлашиб, ўз ўй-хаёллари гирдобига қолди.

Бернар йил бўйи ишлаганини Мари-Анж кўрмади. Тўғри, бир неча бор ўз сармоялари ҳусусида маслаҳатчилар билан учрашиб қайтди. Аммо, Мари-Анж билан кўпроқ вақтни бирга ўтказиш ва таъмир ишларига бош бўлиш учун банкка, аввалги иш жойига қайтишга ошиқмади. Мари-Анж эса, бундан фақат хурсанд бўларди.

Кечкурун эри қайтиши билан пудратчининг гапларини етказди. Бернар эса, унинг гапларини ўта бепарволик билан қабул қилди. Мари-Анж таъмирлаш ишларининг жуда қимматга тушаётганини айтганида, Бернар деди:

– Севгилим, бу уй ҳар қанча маблағ сарфлашга арзийди.

Унинг овозидаги соқинлик ва майинлик Мари-Анжнинг кўнглини хижил қилаётган шубҳаларни тарқатиб юборди. Ахир, эри ҳаммасини унинг учун қияпти-ку? Июнда у ўзига «Бентли», Мари-Анжга эса «Ягуар» совға қилганди.

Бернарнинг айтишича, унинг айрим сармоялари фойда келтиргунга қадар кутиши керак экан. Шу боис, пудратчиларнинг пулини вақтида беролмабди. Айни пайтда Бернарнинг катта миқдордаги пули Яқин Шарқдаги нефть манбаларига қўйилган, бозордаги бекарорлик туфайли акцияларни сотиб, зарар кўришни истамас экан. Мари-Анж унинг гапларига тўла-тўқис ишонди.

– Азизам, агар сен қарши бўлмасанг, таъмирлаш ишларини сенинг ҳисобингдан бажариб турсак. Менинг сармояларим октябрь ойидан фойда келтиришни бошлайди.

Мари-Анж эрининг бу таклифига ҳеч иккиланмасдан рози бўлди. Бернар эса, хотинининг ҳисобидан пул кўчириш учун банк билан боғлиқ барча ҳаракатларни ўзи бажаришини маълум қилди.

– Балки, уйни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни бироз камайтирармиз? – деди Мари-Анж бироз истиҳола билан.

– Азизам, сен бунақа майда-чуйда нарсаларни ўйлама! Мен кераксиз нарсаларни ўйлаб сикилишингни истамайман. Ундан кўра, фарзандимизни ўйласанг, яхши бўларди.

Мари-Анж эрининг айтганини қилди. Кўп ўтмай у банкдан хотинига қўл кўйдириш учун ҳужжатларни олиб келди. Пудратчиларнинг ҳақи аёлнинг ҳисобидан тўланадиган бўлди. Гарчи харажатлар бир ярим миллион доллардан ортган бўлса-да, эрининг тез орада катта фойда кўришини ўйлаб, хотиржам тортди. Мари-Анж бу қадар катта пул харажат қилмаганди. Банкнинг бевосита унинг мероси бўйича ишончли вакили нега бунча катта маблағ ишлатилаётгани билан қизиқса-да, Мари-Анж пуллар яна тез орада ўз жойига қайтарилишини маълум қилди.

Кейинги икки ҳафта давомида эр-хотин таниш-билишларни кўргани боришди, яқин атрофдаги хушманзара гўшаларни зиёрат қилишди. Уйда янги меҳмоннинг ташрифи учун ҳамма нарса тахт қилинган эди. Таъмир ишлари ҳам бир маромда борарди.

Чакалоқ белгиланган муддатда дунёга келди. Туғурук жараёни жуда тез ва осон кечди. Мари-Анж соғлом қизалокни дунёга келтирди. Қуйиб қўйгандек онасига ўхшайдиган қизчага Элоиза деб исм қўйишди. Икки кун ўтиб, қизалокни уйга олиб келишди.

Эр-хотин, айникса, Бернарнинг қувончи ичига сиғмасди. У хотини ва қизининг тепасида туну кун парвона эди. У шундай чиройли фарзанд туғиб бергани учун хотинига олмос кўзли билагузук ҳадя қилди.

– Азизим, умид қиламанки, тез орада менга битта ўғилча ҳам туғиб берасан, – деди у хотинини эркалаб.

Элоиза бир ойлик бўлганида, пудратчилардан бири келиб, яна тўланмаган ҳисоб-китоблар йиғилиб қолганини айтди. Бу гал қарзлар миқдори 250 минг долларга етиб қолибди. Пудратчи билан гаплашаркан, Мари-Анжнинг эсига Бернарнинг гаплари тушди. Шу ойдан бошлаб, унинг сармоялари фойда келтириши лозим эди. Эри келиши билан қисиниб-қимтиниб, шу ҳақда оғиз очди.

– Ҳечқиси йўқ, жоним, – деди эри унинг сочларини сийпалаб. – Айрим сабабларга кўра, фоизларимни кечиктиришяпти. Лекин ноябрдан кечга қолмаслигини айтишди. Унгача, агар сен қарши бўлмасанг, ҳисобингдаги пуллардан қарзларимизни тўлаб турсак. Ахир кўпи кетиб ози қолди. Рождествогача Мармудон мутлақо янги қиёфа касб этади.

Мари-Анж ишончли вакили билан гаплашиб, айтилган пулни кўчириб берадиган бўлди. Мармутон чиндан ҳам борган сари гўзаллашиб, ҳашамат ва салобат касб этиб борарди.

Ноябрда, Элоиза олти хафталик бўлганида, Мари-Анж эрига сюрприз қилиш учун ҳеч қандай огоҳлантиришсиз Парижга йўл олди. Квартирага киргач, Бернарни у ердан топмади. Оксоч аёл графнинг Варен кўчасидаги қурилишни кўздан кечириш учун кетганини айтди.

– Тушунмадим? Қанақа қурилиш? Варен кўчасида нима қуриляпти?

Мари-Анжнинг юзидаги таажжубни кўриб, шошиб қолди. «Билмадим, граф сизга сюрприз қилмоқчи бўлгандир-да», – дея гапни қиска қила қолди.

Мари-Анж тўғри айтилган манзилга йўл олди. Йўрғакдаги чакалогини кўтариб, Варен кўчасига келган Мари-Анж XVIII асрда қурилган ҳашаматли уйга кўзи тушди. Бернар кўлидаги бир даста чизмаларни кўздан кечириб, қаршисида ўтирган одамга – архитектор бўлса керак, – кўрсатмалар берарди.

Бернар хотинини кўриши билан юзига табассум югурди:

– Ахийри топиб келибсан-да? Мен сенга Рождество байрамига совға тайёрлаётгандим.

Бирок, Бернар режаси чиппакка чикканидан афсусда эмасди. Аксинча, жуда мамнун эди. Мари-Анж тараддудланиб қолди.

– Бу сенинг Париждаги уйинг бўлади. Қара, қандай ажойиб? Кириб томоша қилишинг мумкин.

Мари-Анж умрида бундай катта уйда бўлмаганди. Қачондир бу қаср жуда чиройли бўлган, аммо кейинги пайтларда анчайин қаровсиз ахволга келиб қолганди.

– Уй менга қарийб текинга тушди, – деди Бернар ғурур билан.

– Бернар, – дея шивирлади Мари-Анж, – менимча бунга ҳожат йўқ эди.

– Аксинча, граф ва графиня де Бошанлар учун бу ажойиб қароргоҳ бўлади.

Улар шу окшом Париждаги квартирада тунаб қолишди. Шу окшом Бернар унга янги уйнинг афзалликлари хусусида анча нарсаларни гапириб берди. Варен кўчасидаги уй меҳмонлар учун ҳам ҳар тарафлама қулай эканини айтди.

– Энди биз ҳар иккала уйда бемалол яшашимиз мумкин.

Бирок, негандир Мари-Анжнинг кўнгли ғашлана бошлаганди. Эртаси кун эрининг машинасида Мармутонга қайтишаркан, ўз шубҳаларини баён қилди:

– Барибир бу ишинг менга унча маъқул келмаяпти. Ахир ҳали Мармутондаги таъмирлаш ишлари тугамасдан яна битта уй таъмирига киришишнинг кераги йўқ эди.

– Азизам, нега бунча хавотир оласан, – деди Бернар машинани эркин бошқариб бораркан. – Сен арзимас харажатларимизни коплаш учун менга

бироз қарз бериб турибсан, мен эса, бунгача сармояларим билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиб оламан.

Мари-Анж гарчи шу пайтгача икки миллион доллардан кўпроқ маблағидан айрилган бўлса-да, у барибир эрига ишонар, ҳар бир ишни оқилона бажаришига ишончи комил эди.

Рождество арафасида қаср деярли таъмирдан чиқиб бўлди. Бу пайтда Мари-Анж иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлганди. У энди Бернар учун ўғил туғиб беришига ишончи комил эди. Айни пайтда Элоиза ҳозир уч ярим ёшда бўлиб, кейинги чакалок август ойида дунёга келиши кутилаётган эди. Бу гал Мари-Анж қувончли янгиликни Билли билан баҳам кўргиси келмади. Бироқ унга байрам откриткаси жўнатишни эсдан чиқармади.

Январь ойининг бошларида унга банкдаги вакил телефон қилиб, ҳисобидаги пуллар худди сувдек оқиб кетаётганини маълум қилди.

– Биласизми, хоним, шу пайтгача сарф-харажатларингиз икки миллиондан ошиб кетди. Ҳисобингизда бир ярим миллион долларга яқин пул қолди, холос. Отангиздан қолган мероснинг кейинги қисмига йигирма беш ёшга тўлгач эга бўласиз. Пулингизни ақл билан сарфлашингизни маслаҳат берадим.

– Хавотирланманг, – деди Мари-Анж. – Яқинда эримнинг сармояларидан тушадиган даромад бу харажатларнинг ўрнини бемалол қоплай олади. Биз ҳозир иккита уйни қайта таъмирлаш учун анчагина пул харжлашга мажбур бўлдик.

Кейинги ҳафтада Бернар Якин Шарқда нефть билан боғлиқ инкироз юзага келгани, агар ҳозир қўйилган маблағни қайтариб олса, катта зиён кўриши мумкинлигини маълум қилди.

– Яна озрок кутамиз, жоним, – деди Бернар. – Тахлилчиларнинг фикрича, агар сал шошилмасдан турсак, вақт бизнинг фойдамизга ишлайди ва қутилганидан ҳам ортиқ фойда кўрамиз.

– Тушунсанг-чи, мен мероснинг қолган қисмини қўлга киритишим учун 25 га тўлишим керак, пулим эса, тугаб боряпти.

Эри асабийлаша бошлаган Мари-Анжни бағрига босиб, эркалади.

– Азизам, биз бу уйни қарийб текинга олдик. Бир миллионни ҳозир тўласак, қолган икки миллион долларни уч йил давомида босқичма-босқич тўлаб боришимиз мумкин. Унгача сен йигирма бешга тўласан-ку? Қолаверса, биз бу пулларни казинода ютказаётганимиз йўқ. Қолаверса, бу икки қаср ҳам тарихий аҳамиятга эга иморатлар. Уларнинг баҳоси йўқ. Айтганча, ўзи отангдан канча мерос қолганди?

– Ўн миллиондан ортиқроқ, – дед Мари-Анж руҳсиз оҳангда.

– Ҳеч гап эмас-ку? – бепарво қўл силтади Бернар. – Агар истасанг банкир билан гаплашиб, мероснинг барчасига бирданига эгалик қилиш ҳуқуқини расмийлаштирамиз. Ахир сен энди ёш боламассан. Оиланг, болаларинг бор.

Улар июлни Франциянинг жанубида ўтказишди. Улар бу йил ижарага олган яхта аввалгисидан каттароқ, вилла ҳам янада кўрам ва ҳашаматли эди. Бу ерда ёз бўйи Бернарнинг танишлари, ҳамкорлари меҳмон бўлиб келди. Бироқ бу сафар ҳомиладорлик аввалгисидек енгил кечмади.

Бернар вилладан кетишига бир ҳафта қолганида, хотинини Венецияга олиб борди. Улар Мармутонга жуда чарчаган ҳолда кириб келишди. Мари-Анж эса, тезроқ вужудини эзиб турган юкдан халос бўлишни истарди.

Чакалок муддатидан бир ҳафта кечроқ туғилди. Бу гал Мари-Анж эрининг орзусини амалга оширди. Эри ўғилли бўлганидан ичига сиғмасди. Мари-Анж ҳам бахтиёр эди. Чакалоқни Мари-Анжнинг акаси шарафига Робер деб номлашди.

Сентябрда эр-хотин Париждаги қасрда олиб борилаётган ишларни кўздан кечириш учун йўл олишди. Шу пайтгача Мари-Анжнинг харажатлари жойига қайтарилмаганидан хавотирда бўлса-да, бу ҳақда эрига ҳадеб гапираверишдан истиҳола қиларди. Унинг ҳисобидаги маблағ эса, тобора енгиллашиб борарди.

Мари-Анжни яна бир янгилик кутиб турарди. У болалар билан қурилиш ишлари давом этаётган қасрга келганида, меҳмор якин орадаги бир бинода Бернар турли қадимий буюмлар ва санъат асарларини сотиб олиб тўплаётганини айтиб қолди. Кечкурун эридан бу ҳақда сўраб кўрди.

– Ёлғон, – деди Бернар хиёл тутакиб. – Тентак меҳмор оғзига келганини гапираверади-да!

Эртаси куни Бернар ишга кетганида, у уйларни йиғиштираётиб, қат-такон жилд топиб олди. Бу жилд турли антиквариат дўконлари ва бадий салонлардан олинган ҳисобварақлар билан тўла эди. Уларнинг умумий қиймати бир миллион доллардан ошиқроқ эди.

У жилддаги ҳужжатларга андармон бўлиб турганида, бехосдан телефон жиринглади.

– Ишларинг қалай? – Мари-Анж Биллининг овозини дарҳол таниди. – Шахзоданг билан бахтли яшаяпсанми?

Мари-Анж ҳаммаси жойида эканини айтди, бироқ, унинг овози у қадар ишончли чикмаганини ўзи ҳам сизди. Бояги қоғозлар унинг хуш-фикрини эгаллаб олганди. Йўқ, кетган сарф-харажатлар учун эмас, эри нима сабабдан уни алдаётганидан ташвишга тушганди. Жилднинг муковасида ушбу антиквар буюмлар сақланаётган омборнинг манзили қайд этилганди. Ахир кечagina эри буни инкор этганди-ку?

Бироқ, булар ҳақида у Биллига оғиз очмади. У эрига нисбатан ноҳақлик қилиб қўйишидан кўрқарди. Билли суҳбат асносида Кэрл Коллинзнинг тоби қочиб қолгани, ўзининг эски таниши Дебби исмли қизга уйланаётганини кистириб ўтди. Дебби бу йил коллежни битираркан, қўлига диплом

тегиши билан тўйни тезлаштиришаркан. Тўйни ёз ойларида ўтказишни мўлжаллашибди. Бу хабар Мари-Анжни анча хурсанд қилди.

– Тўйимга келасанми? – сўради Билли кувнок оҳангда.

– Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Мари-Анж ўз хаёлларига қоришиб, Билли билан яна нималарни гаплашганини ўзи ҳам сезмади. Гўшакни осиб, яна хаёллар гирдобидида қолди. Нега эри ундан сир яширадиган бўлиб қолди? Нима бўлганда ҳам то Бернар ўзи бу ҳақда оғиз очмагунча жим туришга қарор қилди. Чунки, шу пайтгача у Бернарга ишониб келди. Унинг бирор шубҳали хатти-ҳаракатини сезмади. Эҳтимол, бу буюмлар ва суратларни у янги уйни безатиш учун сотиб олгандир? Балки бу ҳам Бернарнинг хотинига қилмокчи бўлган яна бир «сюрпризи»дир?

Кейинги ҳафтада улар яна Мармутонга қайтишди. Мари-Анж ҳисобварақлар ҳақида сўз очмади. Бу ерда ҳам Мари-Анжни яна бир совға қугиб турарди. У заргарлик дўконидан сотиб олинган ёкут кўзли узук учун тўланган пулнинг ҳисобварақасини топиб олди. Узук Париждаги номаълум бир манзилга юборилган эди. Узукни олган аёлнинг ҳам фамилияси де Бошан экан. Бу Мари-Анж учун эридан шубҳаланишига асос бўладиган иккинчи далил эди. Мари-Анжнинг калбидаги шубҳа булутлари янада қалинлашди. Наҳотки, эри унга хиёнат қилаётган бўлса?

Мари-Анж шу куни болаларини олиб, яна Парижга қайтди. Бу пайтда Бернар Лондонда эди.

Узоқ давом этган иккиланиш сўнгида Мари-Анж банкка кўнғирок қилиб, хусусий текшириш олиб боришни сўради. Гарчи ўзининг виждони қийналса-да, у Бернарни синаб кўриши лозим эди. Ахир Бернар хиёнат қилишни истаса, бунга имконияти етарли-ку? Хўш, ўша аёл ким ўзи? Нега фамилияси эриники билан бир хил? Ким билсин, балки бу аёл эрининг қариндошидир?

У аввалига узук сотиб олинган дўконга бормокчи бўлди. Нималарнидир мулоҳаза қиларкан, бу фикридан қайтди. Нима бўлганда ҳам бу саволларга жавоб топиши лозим эди. Ахир эри бунча пулни каерга сарфляпти? Бернар ундан нимани яширапти?

Мари-Анж яхшиликдан умид узмаган бўлса-да, ишончсизлик унинг онгида аллақачон илдиз отиб улгурганди. Ахир у эрини қанчалик яхши кўрар, унга суянар эди. Тўрт йилдан камроқ муддат ичида у эрига икки нафар бола туғиб берди. Шу пайтгача у Мармутон ва Варен кўчасидаги қасрларни таъмирлаш учун уч миллиондан ошиқроқ пул сарфлади. Яна икки миллион долларга яқин пул унинг гарданида турибди...

Мари-Анж хусусий изкуварнинг кабулига ўта оғир ва руҳсиз кайфиятда кириб борди. Изкувар уни хийла совук қарши олди. У аёлдан нима-

ларнидир сўраб ёндафтарига қайд қилиб олди. Мари-Анж ҳаммадан кўра кўпроқ ёқут кўзли узукка муносиб кўрилган аёлнинг кимлиги, нима учун Бернар фамилиясида эканлиги билан қизиқди. Ахир Бернар бирорта яқин қариндоши йўқлигини айтганди-ку?

Мари-Анж ич-ичидан бу шубҳалар ҳам мутлақо асоссиз бўлиб чиқишини истаб турарди. Ахир Парижда Бернар билан бир хил фамилияли аёллар кўп-ку?

– Эрингизнинг бошқа харажатлари ҳақида маълумотлар тўплаб беришим-ни истаяпсизми? – сўради детектив.

Мари-Анж бош ирғади.

– Сизни тушунаман, – деди изкувар лоқайдлик билан. – Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен ҳам тинч турмаган бўлардим. Уч миллион доллар катта пул. Икки йил ичида бунча пулни совуриш ақлга сиғмайди.

– Бу пуллар ҳавога совурилмаган, кўчмас мулкка тикилган, – тузатиш кiritди Мари-Анж. – Ҳар икки уйимиз ҳам тарихий аҳамиятга эга.

– Хўш, унда яна нима истайсиз?

– Мен эримнинг тўғрилиги ва адолатлилигига нисбатан шубҳаларим йўқка чиқишини истардим.

Орадан бир неча кун ўтиб, Мари-Анж Мармутонда турган пайтида детектив унга қўнғироқ қилиб қолди.

– Хоним, сиз билан Парижда кўришганимиз маъкулми ё Мармутондами?

Бу пайтда Бернар Парижда эди, бунинг устига ўғли шамоллаб қолганди. Шу боис у изкуварни касрга таклиф этди. Изкувар эртаси кунни етиб келди. Унинг хиссиз ва совуқ юзидан бирор маъно уқиш мушкул эди. У столга ўтириб, портфелидан бир даста қоғоз чиқарди.

– Хоним сиз эрингиздан бежиз шубҳаланмаган кўринасиз, – дея дарҳол мақсадга қўчди изкувар. – Мен эрингизнинг номидаги тўланмаган 600 минг долларлик ҳисобварақасини топдим. Бу пуллар асосан суратлар ва кийим-бошлар учун сарфланган.

– Қанақа кийим-бош? Ким учун? – сапчиб кетди Мари-Анж.

– Ўзи учун. У Лондондаги ўта қиммат ательеларнинг бирида ўзига кийим тиктирган. Ўша ердан 100 минг доллар қарз бўлиб қолган. Қолган пулларни эса, суратлар ва қимматбаҳо буюмлар сотиб олишга сарфлаган. Улар сизнинг иккита қасрингиз учун бўлса керак. Ёқут кўзли узук Луиза де Бошан исмли аёл учун сотиб олинган. Бу ҳисобни эрингизга адашиб юборишган.

Мари-Анж енгил тин олди. Қарзларни-ку секин-секин тўласа бўлади. Нар и борса, антиквар буюмлар ва расмларни ҳар қандай шароитда сотиб пуллаш мумкин. Энг муҳими, Бернар бирор аёлга илакишмаган бўлса бас.

– Мен Луиза де Бошан исмли аёлни топганимда, яна баъзи нарсалар маълум бўлди, – деди изкувар сирли илжайиб. – Афтидан эрингиз етти

йил илгари унга уйланган кўринади. Менимча, бундан хабарингиз йўқ, акс ҳолда менга айтган бўлардингиз.

– Бунақа бўлиши мумкин эмас, – эътироз билдирди Мари-Анж. – Эримнинг аввалги аёли ва ўғли ўн икки йил муқаддам ёнгида нобуд бўлишган. У аёл алдаётган бўлиши мумкин.

«Бернар хотини ва ўғлининг ўлиmidан кейин яна бир марта уйланган, лекин бу ҳақда менга айтмаган бўлса-чи?» – ўйлади у, гарчи бу тахминга ўзи ҳам ишонмаса-да. Бирок, бу масалада эри уни алдаши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

– Унакамас, – деди изкувар. – Луиза де Бошаннинг ўғли ростдан ҳам ёнгида ҳалок бўлган. Фақат ундан беш йил илгари. Бирок, бола Бернардан эмас, аёлнинг биринчи эридан экан. У ёқут кўзли узук сотиб олганида, ҳисобни адашиб сизнинг эрингизга жўнатишибди. Бу тасодиф эса, жуда кўп мавҳумликка ойдинлик киритмоқда. Ёниб кетган уй Луиза де Бошаннинг пулига сотиб олинган, аммо эрингизнинг номига расмийлаштирилган. Суғурта пули ҳам, албатта, Бернарга теккан. Уйни ана шу бадал пулига сотиб олган. Уйни таъмирлаш учун унда сарик чақа ҳам қолмаганди. Шунда унинг қаршисидан сиз чиқиб қолдингиз. Яна бир гап, у Луизага уйлангунига қадар ҳеч қаерда ишламаган.

– Эрим аёлнинг тириклигини биладими? – сўради Мари-Анж қуруқшаган лабларини ялаб. У, очиғи, бундай даҳшатли янгилик қаршисида лол қолганди.

– Менимча, билади. Улар ажрашишган.

– Бўлиши мумкин эмас. Ахир менга аёлини ўлган деб айтганди-ку? Ахир биз никоҳни католик черковида ўқитганмиз.

– Балки у руҳонийни пул билан сотиб олгандир? – деди детектив бефарқлик билан. – Мен мадам де Бошаннинг ёнига бориб, у билан гаплашдим. Сиз қарши бўлмасангиз, у сиз билан учрашмоқчи. Фақат бу ҳақда эрингизга оғиз очмаслигингиз керак.

Детектив Мари-Анжга аёлнинг «Авеню Фош» туманидаги манзилини берди.

– У ёнгидан қаттиқ жароҳат олган, юзлари куйиб кетгани боис, одамларнинг кўзига кўрингиси келмайди.

«Энг ёмони, – ўйлади Мари-Анж, – унинг дўстларидан бирортаси на унинг собиқ хотини, на ўлган ўғли ҳақида ҳеч нарса билмайди».

– Менга у ўғлининг ўлиmidан қаттиқ куйгандек кўринди.

– Бернар ҳам, – деди Мари-Анж кўзида ёш билан.

Фарзанд доғи қандай мудҳиш фожиа бўлиши мумкинлигини Мари-Анж она бўлгачгина тасаввур қила олди. Айни пайтда у ўша аёлнинг кечинмаларини ҳам ҳис этарди. Бирок, бу ерда кимдир ёлғон гапиргани аниқ. У фақат эрининг рост гапиришига ишонарди.

– Графиня, ўйлашимча, у билан учрашиб кўришингиз керак. Барча ноаниқликларга унинг ўзидан жавоб топасиз. Эҳтимол, билишингиз шарт бўлган кўп нарсани тушуниб етарсиз?

– Масалан?

– Масалан, аёл ўша дахшатли ёнғинни граф де Бошаннинг ўзи уюштирган деган фикрда.

– Ақл бовар килмайди, – деди Мари-Анж хаяжонини яширолмай. – Балки, у аёл бу фожиани ҳануз ҳазм қилолмаётгани учун кимнидир айбдор деб билар?

Қизик, нима сабабдан Бернар биринчи аёлининг тирик эканини, ундан ажрашганини сир тутди? Нега ўлган бола ўз боласи эмаслигини айтмади? Мари-Анж жавобсиз саволлар гирдобидида қолди. Детектив топган янгилик уни ҳам қувонтирар, ҳам ташвишга соларди. Ҳар қалай бояги аёл эрининг жазмани эмас экан-ку? Бироқ, барибир аёл ўглининг ўлими учун Бернарни айблашидан ғашланди.

Изувар кетиши билан Мари-Анж хиёбонни айлангани чикди. У Бернарнинг собик аёли билан учрашиш хусусида аниқ бир тўхтамга келмаганди. Кейинги пайтларда унинг миёсида турли-туман, карама-қарши фикрлар тўлиб-тошган эдики, қай бирига ишонишни ҳам билмай қолганди. Мари-Анж эрининг гапига кириб мероснинг қолган қисмини банкдан талаб қилишни ҳам билмасди.

Болани овқатлантириш пайти келганида, Мари-Анж мажхул кайфиятда уйига қайтди. Бола қорни тўйиб ухлаб қолганида, у иккиланиб телефон қаршисида тўхтади. У Луиза де Бошаннинг телефон раками ёзилган варақни ўзи билан олганди. Аввалига у Биллига кўнғирок қилиб маслаҳатлашмоқчи бўлди. Ҳали ўзи Бернар ҳақида якуний фикрга келмай туриб, уни Биллига ёмонотлиқ кўрсатишни истамади. Ким билсин, эҳтимол, у хотини билан ажрашгани ва ўғлини ўз боласидек яхши кўрганини тан олишни истамагандир? Мари-Анж нима бўлишидан қатъи назар, аввал ҳақиқатни чуқур ўрганишга қарор қилди. У варақни киссасидан чиқариб, титроқ қўллари билан Луизага кўнғирок қилди.

Кўп ўтмай гўшакни аёл киши кўтарди. Мари-Анж мадам де Бошан билан гаплашмоқчи эканини айтди.

– Бу мен, – жавоб қайтарди аёл хотиржамлик билан.

Мари-Анж бир муддат тараддудланиб қолди.

– Мен Мари-Анж де Бошан бўламан, – деди у овозини пасайтириб.

Тармоқнинг нариги тарафидан ҳамсухбатнинг енгил хўрсингани эшитилди.

– Ўзим ҳам телефонингизни кутаётгандим, – деди Луиза. – Нима бўлганда ҳам сиз билан гаплашаётганимдан хурсандман. Менимча, айрим нарсаларни билиб олсангиз, ёмон бўлмасди.

Луиза изкувар билан гаплашганида, Бернар ҳозирги хотинига аввалги ҳаёти ҳақида гапириб бермаганини англаган эди.

– Мен уйдан чиқолмайман, – деди у паст овозда. – Балки ўзингиз келарсиз ёнимга?

Мари-Анж детектив айтган чандикларни эслади. Луизанинг юзини пластик операция қилишган бўлса-да, барибир аввалги кўринишини тиклаб бера олишмаганди. Детективнинг айтишича, у ўглини куткараман деб, ана шу чандикларни орттирган экан.

– Ўзим ёнингизга бораман, – деди Мари-Анж.

Айни дамда Мари-Анжнинг кўнглига ваҳм оралаганди. Луиза унга нима ҳақда гапираркин? Айни дамда турли шубҳа-гумонлар унга тинчлик бермасди. У ҳақиқатни билишдан кўркарди ҳам. Аммо бошқа чораси қолмаганди. Лоақал болаларнинг келажаги учун ҳақиқатни билиши лозим эди.

– Қачон борсам бўлади? – сўради у Луизадан.

– Истасангиз эртага келишингиз мумкин. Мен ҳар доим вақт топа оламан.

– Мен... болам билан борсам бўладими? – сўради Мари-Анж. – У ҳали эмизикли. Ташлаб кетолмайман.

У кизини энагага ташлаб кетишни ўйлаб қўйганди.

Мари-Анж хўрсинди.

– Келсангиз бағоят хурсанд бўлардим, – деди Луиза хушмуомалалик билан.

Улар эртага соат бешда кўришадиган бўлишди.

Х БОБ

Бу гал Мармутондан Парижгача бўлган йўл унга ҳеч тугамайдиган-дек кўринди. Робер орка ўриндикда ётқизиб қўйилганди. Болани эмизиш учун машинани йўл четида тўхтатди. Кўчада этни жунжиктирадиган совук шамол эсарди. Улар Парижга етиб боришганда, соат тўрт ярим бўлиб қолганди. Йўлларда юриб бўлмай қолганди. Мари-Анж манзилга белгиланганидан беш дақиқа аввал етиб борди. У Бернарнинг биринчи хотини ҳақида деярли ҳеч нарса билмасди. Бирор марта ўғлининг суратини ҳам кўрсатмаганди. Мари-Анж, «эҳтимол, аввалги ҳаётини эслаб, кўнглини чўктиришни истамас», деб бу ҳақда сўраб ўтирмасди.

Лекин нима сабабдан у хотинининг тирик эканини била туриб, ўлган, деб айтди? Эшик олдида туриб, кўнғирокни босаркан, олдинда нималар ку-таётганини билмасдан юраги бесаранжом урарди. Луиза де Бошан ўттиз беш ёшлардаги, сочлари елкасига тушиб турадиган, баланд бўйли аёл экан. Юзи-даги чандиклар жарроҳларнинг у қадар омади чопмаганини англатиб турар-ди.

– Келганингиз учун раҳмат, – деди Луиза тавозе билан.

У Мари-Анжни антиквар мебеллар билан жиҳозланган хонага олиб кирди. Улар Людовик XV даврига мансуб бўлган стулларга жойлашишди. Робер Мари-Анжнинг кўлларида ширингина ухлаб ётарди. Луиза болага қараб, ғамгин кулимсиради.

– Болаларни, умуман одамларни кам кўраман, – деди аёл соддалик билан.

У Мари-Анжга ичкилик таклиф қилди. Бироқ меҳмон рад этди. У Бернарнинг собиқ аёлидан у ҳақдаги ҳамма ҳақиқатни тезроқ билишни истарди.

Луиза Мари-Анжнинг кўзларига тикилди. Афтидан аёл куч тўплаётгандек эди.

– Тушунаман, менга дабдурустдан ишонишингиз кийин. Аммо, умид қиламан, болаларингизнинг хавфсизлиги учун менга кулок соласиз ва эҳтиёткорлик билан иш тутасиз.

Луиза Мари-Анжга юзининг қуймаган тарафини ўгириб турарди. Мари-Анж эса, унга ҳаяжонли нигоҳларини қадаганди. Луиза на телбага, на шафқатсиз одамга ўхшарди. У ўз ҳикоясини сокин бир оҳангда бошлади.

– Бернар билан Сен-Тропеда танишганмиз. Энди ортга бокиб ўйларканман, Бернар мени аввалдан яхши билганини тушуняпман. Отам таникли инсон бўлиб, у Европа бўйлаб катта миқдордаги ер майдонларига эгалик қилар, шунингдек, Якин Шарқда нефть казиб чиқариш билан шугулланарди. Бернар отамнинг яқинда ўлгани, бутун мол-мулки менга мерос бўлиб ўтганидан ҳам хабардор эди. Онам кичкиналигимда ўлиб кетган, бошқа якин қариндошларим қолмаганди. У пайтлар мен анча ёш эдим.

Назаримда, Бернар мени бутун вужуди билан севиб қолганди. Мен учун жонини ҳам беришга тайёр эди. У жуда чаккон ҳаракат қилар, атрофимда парвона бўлар, тезроқ унга тегишимни, унга ўғил туғиб беришимни истарди. Ўғлим биринчи никоҳимдан туғилганди. Бернар билан танишганимда Шарль икки ёшга тўлганди. Бернар уни ҳам жонидан ортик кўрарди. Мен Бернардан яхши эр чиқишига, Шарлнинг отасининг ўрнини босишига ишонардим. Шарлни ўз отаси бирор марта кўргани келмас, ўғлимга эса, меҳрибон ота керак эди. Шу тариқа мен Бернарни севиб қолдим.

У менинг бошимни шу қадар айлантириб ташладики, ҳатто унинг номини қандай васиятга киритганимни ҳам сезмай қолдим. Аммо, мен бу билан даҳшатли хатога йўл қўйгандим.

Биз узоқ вақт у билан бирга Дордонида, менга мерос бўлиб қолган қасрда яшадик. Эрим ўта серхаражат одам эди. Гарчи у пулларимни аёвсиз совураётган бўлса-да, отамнинг васиятига кўра, ишончли вакиллар меросни назорат қилиб туришарди.

Уларнинг босими билан мен сарф-харажатларга чек қўйдим. Бернар энди харажатларини ўзи қоплашини эшитгач, ғазабланиб кетди. Кейин бил-

сам, у бир неча миллион доллар қарз олган экан. Турли жанжал-тўполонлар авж олмаслиги учун унинг қарзларини тўлашга мажбур бўлдим.

Аёл нохуш хотиралари қуршовида бир зум жим қолди. Мари-Анж ўзини энг мудҳиш ҳақиқатни эшитишга тайёрлаб борарди.

– Ўша йили биз Дордониди Шарль билан бирга яшардик. У тўрт яшар эди. Гарчи мен хийла совуган бўлсам-да, у Бернарни аввалгидек ёктирар, эримнинг қарзлари эса, мени даҳшатга соларди. Қуларнинг бирида қасримизда кучли ёнғин бошланди. Биз тутун хидини сезиб уйғонганимизда уйнинг ярми ўт ичида қолганди. Мен жонҳолатда ўғлимга ёпишдим. У ўз хонасида ухлаб ётар, оқсоч аёл эса, шу куни уйига кетганди. Болалар хонасига қараб югурарканман, эшик олдида Бернар билан тўқнашдим. У хона эшигини қулфлаб қўйган, калитни эса, қўлида қисмлаб турарди. Унинг юзига бир мушт тушириб, калитни тортиб олдим ва болалар хонасига отилдим. Шарлни бағримга босиб, эшикка ўзимни урганимда, эшик яна очилмади. У эшикнинг орқасига ниманидир тираб қўйганди.

– Ё раббий, – инграб юборди Мари-Анж ўғли Роберни бағрига қаттиқроқ босаркан. – Сиз қандай омон қолдингиз?

– Ўт ўчирувчилар етиб келишди. Дераза тагидан менга тўр тутишди. Мен ўғлимни пастга ташлашим керак эди. Аммо, кўрқдим. Боламни бағримга босганча қараб турардим. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, – Луиза хотиралар азобидан эзилганча, кўз ёш тўкар, аммо ҳар қанча кийин бўлмасин, барини айтиб бериши керак эди. – Қарахт бўлиб қолгандим. Уй тутунга тўлиб кетди. Ўғлим тутундан бўғилиб қолганди. Кейин у билан бирга деразадан ўзимни пастга ташладим. Ўғлим нафас олмас, у жон бериб бўлганди. Шу пайт уйдан Бернар югуриб чиқди, ўзини худди бизни қутқариш учун қўлидан келганича ҳаракат қилганини айтиб қичкирарди. Мен эса, полицияга ҳаммасини рўй-рост айтиб бердим. Улар барини текшириб кўришди. Болалар хонасининг эшиги очик турарди. Мен ўзимни пастга отганимда, у эшикни очиб юборган бўлса керак. Хуллас, ҳар қанча уринсам ҳам, унинг айбини исботлай олмадим. Бернар эса, кўз ёшлари билан полицияни ҳам ишонтирди. Мени эса, ўғлининг ўлимига чидолмай эрини айблаяпти, деган хулосага келишди.

Аёлнинг кўзлари изтиробга тўла эди. Мари-Анж унинг рост гапираётганига ишонди. Бу ҳақиқий даҳшат эди. Бундан чиқди, Бернар ғирт аблах экан. Ахир бегуноҳ гўдакни ўлдиришдан ортиқ қабоҳат борми?

– Сизнинг аҳволингиз қанақа экани менга номаълум, – давом этди аёл. – Аммо, сезишимча, Сиз бой ва ҳимоясиз аёлсиз. Лекин умид қиламанки, сиз ўзингизни мендан кўра кўпроқ ҳимоя қилишга қодирсиз. Сиздан илтимос, васиятнома ёзиб, болангизни унинг номига ўтказишга шошилманг. Акс ҳолда сизни ва болаларингизни қатта ҳавф-хатар қутади. Иложи борица, болаларни олиб, Бернардан узоқроқка қочинг.

– Иложим йўк, – деди Мари-Анж чукур хўрсиниб. – Мен уни севаман. У болаларимнинг отаси. Ҳа, Бернар ростдан ҳам қарз гирдобига ботиб қолган. Лекин мен тўлай оламан. Унда менга ва болаларимга зиён етказиш учун ҳеч қандай асос йўк. Шундоқ ҳам Бернардан ҳеч нарсани аямайман.

– Ҳар қандай қудукнинг туби бўлади, – деди Луиза. – Сизни сўнгги чакангизгача шилиб олгач, у сизни ташлаб кетади. Агар фақат сизнинг ўлимингиздан сўнг нимагадир эришмоқчи бўлса, ўлдиради ҳам. Жуда пасткаш ва разил одам. У Шарлнинг дафн маросимида қатнашиб, мендан кўра кўпроқ кўз ёш тўқди. Лекин у мени алдаёлмасди. Афсуски, мен унинг айбини исботлаб беролмадим. Лекин сизда ҳали ўз болаларингизни ҳимоя қилиш учун имкон бор.

Хонада оғир сукунат ҳукмрон эди. Мари-Анж ҳамон кулоклариға ишонгиси келмасди. Наҳотки, Бернар шу даражада тубан ва пасткаш инсон бўлса? Айни дамда у бу шўрлик аёлни қандай юпатишни ҳам билмасди.

– Бернар сизни ўн йил аввал ўғли билан бирга ёнгида қолиб нобуд бўлган, деганди, – деди Мари-Анж. – Кейин Шарлни ҳам ўз ўғлим деб айтганди.

Луиза ғамгин кулимсиради:

– У фақат менинг тирик қолганимдан афсусланади. Унинг бахтига мен уйдан деярли чиқолмайман, одамларга кўринавермайман. Ўша воқеалардан кейин анча пайтгача ҳеч ким билан гаплашганим ҳам йўк. Бернар билан орамизда ҳамма нарса тугаганди. Бошқаларга менинг ҳақлигимни исботлашдан бирор маъни йўк. Хуллас, эҳтиёт бўлинг, – деди у.

Мари-Анж ўрнидан турди. Унинг кўзларида ҳамон ёш ҳалқаланиб турарди.

– Худо кўрсатмасин-у, агар сизга ва болаларингизга бир нима бўлиб қолса, мен унга қарши гувоҳлик бера оламан.

Мари-Анж ўрнидан кўзгалди, Луиза уни кўчагача кузатиб чиқди.

– Ундан эҳтиёт бўлинг!

Мари-Анж боласини бағрига босиб кетиб бораркан, оёқлари титраётгани, кўз ёшлари ёноқларини ювиб тушаётганини ҳис этди. Ҳозир Биллига кўнғирок қилиб, унга ҳамма дардларини тўкиб солгиси келди. Бироқ, айни дамда Биллининг ҳам кўлидан ҳеч нарса келмаслигини у яхши биларди. Эҳтимол, каергадир, Бернарнинг қўли етмайдиган жойларга бош олиб кетиши керакдир?

Мармутонга қайтиш учун кеч тушиб қолганди. Шу боис, Париждаги квартирада қолишга қарор қилди. У Бернарни ҳам шу ерда учратишини биларди. Ишкилиб, Бернар ундаги ўзгаришларни пайкаб қолмаса бўлгани. Шу боис, ўта эҳтиёткор бўлиши, ҳар бир сўзни ўйлаб гапириши керак. У эри билан деярли бир пайтда ўз уйига кириб келди.

Варен кўчасидаги қурилиш деярли битиб қолган, қаср янги йилнинг бошида фойдаланишга топширилиши лозим эди. Шу сабабли Бернар жуда

мамнун кўринарди. У эгилиб ўғлининг юзчасидан ўпаётганида, Мари-Анжнинг кўз ўнгиди оловда ёнаётган болакай ва унинг пажмурда онаси намоён бўлди.

– Келганинг мен учун кутилмаган совға бўлди. Азизим, сен Парижда нима қиляпсан?

Мари-Анж эрининг юзидаги самимият ва олийжанобликни кўриб, ажабланди. «Нахотки, Луиза алдаган бўлса? Балки у акли норасо жувондир? – деган хаёл Мари-Анжнинг миясини тилиб ўтди. – Балки, унинг гаплари бошдан-охиригача ёлғондир? Боласини ҳам унинг ўзи ўлдирган бўлса-чи? Йўғ-э, қайси она бундай қабохатга қўл уриши мумкин?»

Бу пайт Бернар уни бағрига босиб, қайнок бўсаларга кўмиб ташлаётганди. Йўқ, Бернар бояги аёл айтганидек ваҳший бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол, ўша нохуш воқеалар, дилгир текширувлар ҳақида ортиқча тўхталишни истамагани учун хотинини ўлган, деб айтгандир?

– Балки бирор жойга овқатлангани борармиз? – деди Бернар хотинига беозор тикилиб. – Айтганча, ҳали Парижга нима учун келганингни ҳам айтмадинг?

Мари-Анж ҳамон карама-карши ўйлар издиҳомиди ўртанарди. Бир тарафдан, у Бернарни севар, иккинчи тарафдан, ундан ўлгудек кўркиб қолганди.

– Сени кўргим келди!

Бернар унинг жавобидан қониқиш ҳосил қилиб, хотинини яна бир қара кучоқлади. Унинг иссиқ оғушида Мари-Анжнинг юрагини кемираётган шубҳалар ҳам тобора эриб борарди.

Улар кечки овқатни тановул қилгани чиқишди. Йўл-йўлакай Бернар ўғлини кўтариб бораркан, хотинига таниш-билишлари ҳаётига оид қизиқарли янгиликлар, кулгили воқеаларни ҳикоя қилиб борди. Вакт ўтгани сари, Луизанинг кўркинчли ҳикояси ҳам Мари-Анжнинг ҳаёлидан кўтарила бошлади. Ресторандан қайтишаётганида, болакай онасининг кучоғида ширингина ухлаб қолганди.

«Балки Луиза рашкдан ёниб, бизни ажратиш учун шу мудҳиш фожиани тўқиб чиқаргандир?» Мари-Анж дафъатан миясида пайдо бўлган бу фикрга ўзи ҳам чиппа-чин ишонди. Шу боис, бу аёл билан учрашгани ҳақида эрига лом-мим демади. Бироқ, нима бўлганда ҳам, бахтсиз аёлга ачинарди. Ахир у ҳам бахтли бўлишга ҳақли эди.

У эрига ишонади, ахир салкам тўрт йил бирга яшади. Бернар ҳатто чивинга озор бермаслигини у яхши билади. Рост, қарзлар масаласида Бернарни оқлаб бўлмайди, анча бадхаржлиги бор. Хотинининг ўлганини яширгани ҳам бежиз бўлмаса керак. Зодагон ва ҳақиқий насроний сифатида ажрашганини тан олгиси келмагандир?

Мармутонга кайтиб келганида, Бернарнинг қарзлари яна анчагина тўпланиб қолган экан. Бу гал эрининг олдида ўзини қайсидир маънода айбдор сезгани учун қарзларни ўз ҳисобидан тўлаб қўя қолди.

Варен кўчасидаги уй ҳам битиб қолганди. Бироқ, тўланмаган ҳисобваракалар жилди ҳам тобора қалинлашиб борарди. Ниҳоят, Мари-Анж жамғармасининг ҳали очилмаган қисмидан қарз олиб, Бернарга ёрдамлашишга қарор қилди. Бернар ваъда қилган сармоялар эса, мана икки йилдирки, самара бермас, кейинги пайтларда Мари-Анжнинг ўзи ҳам бу ҳақда эридан сўрамай қўйганди. Чунки, бундай сармоянинг борлигига ишончи ҳам қолмаганди. Қолаверса, Мари-Анжнинг бу пулга эҳтиёжи ҳам йўқ эди. Ахир, ҳали отасидан қолган мероснинг катта қисми банкда турибди. Агар ақл билан ишлатишса, бу пул бутун умр етиши мумкин. Қолаверса, уларнинг иккита ажойиб қасри, икки нафар шириндан-шакар фарзандлари бор.

Ҳар замон-ҳар замонда Луизанинг гаплари эсига тушса ҳам, бу ваҳимали ўйларни миясидан қувиб солишга уринар, бу гапларнинг ҳаммаси Бернарнинг шаънига ёғилган тухмат эканига ишонарди.

Кунларнинг бирида эри Венеция ёки Лондондан уй сотиб олиш ҳақида гап очиб қолди. Мари-Анжга унинг бу гапи худди онасидан керагидан кўпроқ конфет сўраётган боланинг хархашасидек туюлди.

– Азизим, бизнинг уйимиз етарли, қолаверса, биз Францияда яшаймиз, бошқа мамлакатлардан уй олишнинг нима кераги бор?

Робер уч ойлик бўлиши билан Бернар яна битта фарзандли бўлиш ҳақида таклиф киритди. Мари-Анж бунга қарши эмасди, аммо бир неча ой дам олиши лозимлигини айтди. Туғуруқдан кейин унинг қомати яна аслига қайтган, ҳатто янада гўзаллашиб қолганди. У кўп вақтини Бернар билан ўтказишни истарди.

Улар кишни Африкада ўтказишга қарор қилишди. Рождество ҳам яқинлашиб қолганди. Байрам арафасида улар қасрда катта зиёфат беришни режалаштиришганди. Варен кўчасидаги уй битганидан кейин ҳам яна бир тантана ўтказишади.

Байрамга бир неча ҳафта қолганида, Мари-Анж Биллига кўнғирок қилиб, унинг тўйи ҳақида суриштирди. У дўстининг тўйида қатнашишни жуда-жуда истар, аммо болалар билан овора бўлиб, уйдан чиқолмаслигидан афсусда эди.

– Ишларинг ҳаммаси жойидами? – дабдурустан сўради Билли.

– Ҳа, яхши, нега сўраяпсан?

Билли Мари-Анжнинг ҳаётидаги ўзгаришларни савқи табиий ҳис қиларди. Бироқ, Мари-Анж Луиза де Бошан ҳақида унга оғиз очмади.

– Сендан хавотирдаман, – деди Билли. – Унутма, эрингни бир марта ҳам кўрмаганман. У сен ўйлагандек ишончли одамми, бошқами, мен қаердан биламан?

– Сўзларимга ишон, – деди Мари-Анж. – Бернар жуда ажойиб инсон. – Бироз жимликдан сўнг, – айтганча, Кэрол холадан хабар борми?

Кэрол холанинг саксонга бориб қолгани, жиддий касал эканини Мари-Анж биларди. Мари-Анж холасига бир неча бор хатлар, откриткалар, болаларининг суратларини жўнатди. Фақат Рождество байрамидагина кампирдан бир энлик хат олган, унда ҳам жиянига шунчаки омад ва соғлиқ тилаб қўйилган эди, холос.

У телефонда гаплашиб турганида, Бернар келиб қолди. Мари-Анж ҳам қисқагина хайрлашиб, гўшақни қўйди.

– Ким билан гаплашдинг? – сўради Бернар хийла бепарволик билан.

Бернар хотинининг ким билан гаплашгани, ким билан учрашгани, кун бўйи нима ишлар қилганини сўраб-суриштирар, бу эса, Мари-Анжнинг гашини келтириш ўрнига қувонтирарди. Ахир, эри ҳаётининг бир парчаси, шу боис, у билан қизиқишга ҳақки бор.

– Айовадаги дўстим Билли билан. У мени тўйига таклиф қияпти.

Бернар хотинидан Билли ҳақида эшитган, у ҳақда муайян тасаввурга эга эди. Бу хусусда ортикча суриштириб ўтирмади.

– Айова бироз узоклик қиларкан-да? – деб қўйди, холос.

Яқинда улар ошпазликка бир шаҳарлик аёлни ёллашганди. Шу боис, Мари-Анжнинг ҳам бўш вақти кўпайиброқ қолганди.

– Бугун нима ишлар қилдинг? – сўради эри Мари-Анждан қизикконлик билан.

– Деярли ҳеч нима. Дўкондан ул-бул харид қилдим. Болаларни ўйнатдим. Элоиза сал шамоллаб қолган экан. Сен-чи?

Бернар айёрона кулимсиради:

– Сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан, – деди ва бир зум сукут сақлади. – Нефть конини сотиб олдим.

– Нима, нима?

Аввалига бу янгиликни эрининг навбатдаги ҳазили деб ўйлади. Кейин эса, бирдан хавотирга тушди.

– Рост, – деди Бернар. – Техасдаги нефть конларидан бирини сотиб олдим. Анчадан бери бу борада музокаралар олиб бораётгандим. Биласанми, бу ерда қанча бойлик яшириниб ётганини? Айтганча, албатта қон жуда қиммат туради. Биз уни шериклик асосида сотиб олдик.

– Сен... уни қандай сотиб олдинг? – сўради Мари-Анж юраги безиллаб.

– Оддий векселга. Мен билан шериклик қилаётган йигитлар жуда ишончли.

– Нархи қанча экан? – сўради Мари-Анж ҳаяжонини яширишга уришиб. – Сенинг ҳиссанг қанча бўлади?

– Биз битим имзоладик. Ҳозирча мен ўзимга белгиланган сумманинг фақат ярмини тўлайман. Бу тахминан 800 минг долларга тушади. Биз аллақачон шартномани имзолаб бўлдик. Маблағнинг қолганини кейинги йилга тўласам ҳам бўлаверади.

Мари-Анж бу харажатлар ҳам ўз зиммасига тушишини дарров тушуниб олди. Демак, яна банк билан тузилган шартномани бузишга тўғри келади. Ахир у мероснинг қолган қисмига эгалик қилиш ёшига етгани йўқ-ку? Икки йилча аввал 10 млн доллар унга битмас-туганмас бойлик бўлиб туюлганди. Аммо, бу пулнинг ярми Бернарнинг қўлида худди қордек эриб кетди.

– Ахир, бизда бунча пул йўқ-ку? Ҳали таъмирлаш харажатларини тўлаб бўлмадик.

– Азизам, – у хотинини меҳрибонлик ила кучиб эркалади. – Сен жудаям бой аёлсан. Сенинг пуллариң бир умрга етиб ортади. Бирок, нефть туфайли биз етти пуштимизга етадиган бойлик топишимиз мумкин. Мен ўз шерикларимга ишонаман. Улар ҳатто бурганинг оёғига мих қоқишни ҳам уддалашади.

– Сен векселни қачон ёпмоқчисан?

– Йилнинг охирига қадар, – деди Бернар хотиржам.

– Икки ҳафта ичидами? – хайратланди Мари-Анж.

– Азизим, ишон, ўзим тўлай олганимда, аллақачон қутулиб кетган бўлардим. Банкдаги маслаҳатчиларинг сенга ана шундай ёрдам кўрсатганинг учун ҳали менга раҳмат айтишади, – деди Бернар кўз қисиб.

Мари-Анж бу оқшом эрининг янги хурмача қилиқлари ҳақида ўйлаб ётаркан, умуман ухлай олмади. Эртаси куни банкка қўнғироқ қилиб, янги хариди ҳақида сўз очди.

Бирок, маслаҳатчилар вексель учун пул тўлашдан бош тортишди. Бу ҳақда ўйлаш ҳам ортиқча эканини айтишди. Бу янгиликдан хабар топган Бернарнинг эса, фиғони фалакка чиқди.

– Бу қандай безбетлик? – деди у қони қайнаб. – Ахир мен эркакча сўз бериб қўйганман-ку? Мени ёлғончига чиқаришади, ҳатто судга беришлари мумкин. Икки кун аввал ҳужжатларга имзо чекканман. Мари-Анж, ахир сен мени ҳаммадан яхши тушунасан-ку? Мени бундай қийин аҳволга ташлаб қўймаслигингга ишонаман. Уларга айт. Пулни тўлашсин!

– Айтдим, – деди Мари-Анж ўзини окламоқчи бўлиб. – Аммо, улар тушунишни ишташмаяпти. Сен ҳам шартномага қўл қўйишдан аввал банк билан маслаҳатлашинг керак эди.

– Э худо, сен тиланчи эмассан-ку? Банкдан садақа эмас, ўз ҳақки ҳалолнингни сўраяпсан-ку? Уларга ўзим эртага қўнғироқ қиламан.

Бирок, банкка қилинган қўнғироқ ҳам самара бермади. Банк маслаҳатчилари Бернар билан ўта кескин ва дангал гаплашишди. То белгиланган муд-

дат тугамагунча, Мари-Анжнинг ҳисобидаги қолган пулдан бир цент ҳам берилмаслигини айтишди.

Бернар эса, ўзини қўярга жой тополмас, худди кафасдаги кутурган шердек ўзини ҳар ёққа урарди.

– Балки, уларга бу гапларни сен ўзинг айтгандирсан?

– Албатта йўқ, лекин биз мероснинг биринчи қисмини иккита уйга сарфлаб бўлдик.

Мари-Анж яна бир миллион доллар санъат асарларини сотиб олишга кетганини кистириб ўтирмади. Васийлар мероснинг қолган қисмини унинг манфаатлари учун сақлашга мажбур эканликларини, эрини ортиқча харажатлардан чеклаб, келажакни, фарзандлари тақдирини ўйлаш лозимлигини айтишди.

Бернар бир неча кун кафасдаги йиртқичдек кутуриб юрди. У худди инжиқ болакайга ўхшаб хархаша қилиб юрди. Жума куни Бернар Парижга бориб қайтди ва хотинини кабинетига чақириб масалани кўндаланг қўйди:

– Сен менга ишонмаяпсан, васийларинг эса, мени қип-қизил Альфонсга чиқариб қўйишди. Бунақа яшаб бўлмайди. Ажрашсамми деб турибман. Мен бундай ишончсизлик асосида қурилган турмушга рози эмасман.

Мари-Анжнинг юраги товонига тушиб кетгандек бўлди:

– Сен билан танишганимизда, мен сен учун ҳамма ишни қилдим, – давом этди Бернар. – Сени танимай-билмай туриб, шу уйда яшашингга розилик бердим. Болалигинг ўтган Мармутон қасрини бор-йўғимни сарфлаб бўлса ҳам, таъмирдан чиқариб бердим. Сен ва болаларимиз учун қўлимдан келганини қияпман. Сен эса, менга ишонмаяпсан.

Мари-Анж саросимада қолганди. Ахир Бернар уни ташлаб кетса, иккита бола билан бу ёруғ оламда ёлғиз қолади-ку? У Бернардан ажраб қолмаслик учун бутун борлигидан кечишга тайёр эди. Гарчи, Париждаги қаср ҳам, Мармутонни таъмирлаш харажатлари ҳам ўз ҳисобидан копланганини билса-да, бу ҳақда оғиз очиб ўтирмади.

– Кечир, Бернар, афсусдаман, – дея тўнғиллади Мари-Анж. – Менинг айбим йўқ. Банк пул беришни истамаяпти.

– Сен пулни олишга унча ошиқмаяпсан, шекилли. Ҳаммасига ўзинг сабабчисан, – дея унинг сўзини бўлди Бернар. – Банкдагилар ким бўпти? Улар сен учун ишлайди. Сенинг истагингга қарши боришга уларнинг ҳаққи йўқ. Лекин сен мени танг аҳволда эканимни била туриб, аллақандай қаланги-қасанғиларга мени калака қилдириб ўтирибсан.

– Васийлар менга эмас, қонунга бўйсунушади. Буни ўзинг яхши биласан-ку, – деди Мари-Анж йиғлагудек бўлиб.

– Лекин сенга пул керак бўлиб турганда, ҳар қандай қонун сенга ён босади. Сен ўша васийларни судга беришинг ҳам мумкин, агар хоҳласанг, – деди Бернар.

Мари-Анжнинг шафқатталаб кўзлари Бернарга термулди.

– Уларни нима учун судга беришим керак, ахир?

– Агар мени севсанг, шундай қиласан, Мари-Анж, – деди Бернар катъият билан.

Мари-Анжнинг кўнишдан бошқа чораси йўқ эди. Банкка телефон қилиб, агар пул беришмаса, судга беришини айтиб, дағдага қилди. Васийлар эса, бундан фойда йўқлигини, улар қонунга хилоф иш тутишмаётганини, судда барибир ютқизишини айтишди.

Мари-Анж банк вакиллари билан суҳбат тафсилотларини эрига етказди. Бернарнинг қовоқлари яна ҳам уюлиб кетди.

– Билмадим, мен бўйнимгача қарзга ботганман, – деди Бернар. – Икки ҳафтагача менга пул топиб берасан. Бўлмаса... мен кетаман.

Вақт ўтиб борар, вазият эса, ўзгаришсиз қолмоқда эди. Мари-Анж ўзини қўярга жой тополмас, эри эса, у билан гаплашмай қўйганди. У ўзини худди хўрлангандек, ҳақоратлангандек ҳис қиларди.

Рождество байрами муносабати билан ўтказиладиган зиёфатдан бир кун аввал Мари-Анж деярли ухламади. Эртаси куни меҳмонларни кутиб оларкан, уларга жилмайиш учун аранг қуч топарди, холос. Бернар эса, ҳар доимгидек бардам, катъиятли ва иродали бўлиб кўринарди.

Улар меҳмонларни кутиб, қузатишаркан, Бернар хотинига бир оғиз ҳам гапирмади. Залда мусика янграши билан у Мари-Анждан бошқа барча аёллар билан рақс тушиб чиқди. Мари-Анж учун бу зиёфат нақ азобнинг ўзи бўлди.

Деярли ҳамма тарқалган чоғда кимдир ошхонада тутун ҳиди тарқалаётганини сезиб қолди. Алан Фурнье бу пайтда идиш-товокларни йиғиштириш билан банд эди. У тутун қасрдан чиқаётганини пайқаш учун ошхонага югурди. Ошпазларнинг бири тутун ўчоқдан чиқаётганини тусмолласа, бошқа бирови сигарет ва шамларнинг тутуни, дея тахмин қилди. Алан текшириб кўриш учун иккинчи қаватга қўтарилди. Деразадаги кимхоб парда ўт ичида қолганини кўриб, шошиб қолди. Чамаси кимдир шамдонни пардага яқин ерга суриб қўйган, натижада пардага олов илашганди. Алан пардани қарниздан юлиб, топтаб ўчира бошлаганди, ўт иккинчи пардага ҳам ўтиб кетганини пайқади. Алан ёрдам сўраб қичқирди. Аммо унинг овозини пастда янграётган баланд мусика садолари босиб кетганди. Алангнинг қизғиш тиллари эса, яшин тезлигида пардаларни ямлаб борарди. Санокли сониялар ичида бутун қават ўт ичида қолди. Энди олов зинапоё тарафга ошиққанди.

Алан нима қилишини билмай, ошхонага югурди ва ёнгин бошланганини хабар қилди. Бир официант ўт ўчирувчиларни чакириш учун телефонга югурди, бошқаси қолган меҳмонларни хабардор қилиш мақсадида меҳмонхонага ўзини урди.

Ёнгиндан хабар топган Мари-Анж юкорига отилди. Залда Алан оловни бартараф этишга уринар, аланга эса, баттар кутурарди. Мари-Анж залга кирганида, девордаги гулкоғозлар ўт олиб, иккинчи ва учинчи кават оралигидаги зинапояни оловли туннелга айлантирганди. Бирок, Мари-Анж барибир ўтиши керак: учинчи каватдаги ётоқхонада Робер ва Элоиза ухлаб ётарди. Зинапояга отилганида кимдир уни тутиб қолди. Ошпазлардан бири унинг қўлларидан маҳкам ушлаб турарди. Чунки, бу ўтли йўлакдан чиқиб олгунча унинг кенг, ипак қўйлаклари ўт олиб, унинг ўзи тирик машъалага айланиб қоларди.

– Қўйворинг, – бакирди Мари-Анж унинг қўлидан юлкиниб чиқишга уриниб.

Худди шу пайт унинг ёнидан Бернар ўтиб қолди. Мари-Анж ҳамон юлкинар, Бернар эса, зинанинг тепа майдончасида турарди. У ошпазни бор кучи билан итариб ташлаб, эри тарафга отилди ва бир зумда ўзини болалар хонасининг эшиги олдида кўрди. Учинчи каватнинг коридори тутунга тўлганди. Бернар Робернинг хонасига кирди ва уни кўтариб, Элоизанинг хонасига ўзини урди. Мари-Анж бу ерга эридан аввал етиб келганди. У шовқиндан уйғониб кетган кизчасини кўтариб олди. Бу пайтда пастдаги одамлар ҳам шовқин кўтаришган эди. Мари-Анж зинапоя бутунлай ўт ичида қолганини кўрди. Учинчи каватда деразалар жуда кичкина бўлиб, агар улар зинадан туша олишмаса, копконда қолишгани аниқ эди.

– Мен ҳозир ёрдамга чакираман, – деди Бернар. – Ўт ўчирувчилар келишяпти. Сен шу ердан жилма. Агар сал кечиксам, томга чиқиб мени кутасан.

Бернар Роберни каравотга ётқизиб, зинапояга қараб отилди. Мари-Анжнинг кўзлари дахшатдан маъносиз нуктага қадалиб қолганди. Шу боис, у эрининг томга олиб чиқадиган эшик олдида бир муддат тўхтаганини ҳам илғамади. Бернар калитни эшикдан чиқариб, чўнтагига солди ва оловли зинапоя ичида кўздан йўқолди. Мари-Анж эрининг ёрдамга чакириш учун кетганига шубҳа қилмасди.

Бернар хонадан чикмасликни, оловли зинапоядан тушиш хатарли эканини тайинлаган бўлса-да, Мари-Анжнинг кўркувдан юраги така-пука бўлиб кетганди. Олов эса, унга тобора яқинлашиб келарди. Пастдан ўт ўчирувчи машиналарнинг чинкириги эшитилди. Болалар кўркувдан тинимсиз йиғлар, тутунга тўлган хонада нафас олиш тобора қийинлашиб борарди. Аёл эса, ҳамон эрининг ёки бошка бировнинг ёрдамга келишини кутарди. Шу пайт шифтдан бир тўсин карсиллаб кулади ва зинапоянинг йўлини тўсиб қўйди. Мари-Анж эса полапонларини бағрига маҳкам босди. Кейин томга олиб чиқувчи эшик туткичига ёпишди. Фойдасиз. Эшик кулфлаб кетилганди. Қўққисдан Мари-Анжнинг кўз олдида юзини чандиқ босган аёл – Луизанинг киефаси намоён бўлди. «У ҳақ экан», деган

ўй кечди унинг мясидан. Бернар Луиза билан ўглини ҳам худди шундай пайтда устидан кулфлаб кетганди. Мана, ўзи ҳам худди шундай қопқонга тушибди.

– Болажонларим, ҳаммаси жойида, кўркманглар, – дея шивирлади Мари-Анж бир деразадан иккинчиси томон чоғиб бораркан. Шу пайт у пастда Бернарни кўриб қолди. У қўлларини силкиганча иккинчи қаватни кўрсатиб, бакирарди.

Хонада нафас олишнинг иложи қолмаганди. Мари-Анж деразаларни оча бошлади. Ҳар ёкка олов парчалари сочила бошлаганди. Шу пайт Мари-Анж ҳали бирор марта фойдаланилмаган ваннахонани эслади. Фақат шу хонанинг деразаси бироз каттароқ эди. У болалари билан ваннахонага кирди ва деразаларни очди.

– Ёрдам беринглар, ёнимда ёш болалар бор! – дея пастга қараб бакирди Мари-Анж.

Аввалига уни ҳеч ким эшитмади. Кейин эса, пастдаги ўт ўчирувчилардан бири уни кўрди ва махсус нарвондан кўтарила бошлади. Мари-Анж шу чоқ пастдаги одамлар ичида Бернарни ҳам кўриб қолди. Унинг кийёфасида ҳали шу пайтгача кўрилмаган бир ифодани илғади. Унинг нигоҳлари нафратга тўла эди. Шу лахзада Мари-Анж ёнғинни эри уюштирганига мутлақо ишонди. Эри ҳаммасини тўғри ҳисобга олганди. У ёнғинни дарров сезиб қолишмаслиги учун айнан учинчи қаватдан бошлаган, шу тарика болаларни қутқариш учун бирор йўл қолдирмасликни истаганди. У Мари-Анж болаларини қутқариш учун уларнинг ёнига югуриб чиқишини ҳам тўғри топганди.

Мана, у томга чиқадиган эшикни ҳам кулфлаб, қалитни ўзи билан олиб кетибди. Шу тарика она-болаларни тузоққа туширган.

Ўт ўчирувчиларнинг нарвони учинчи қаватга етмади. Бернар эса, пастда ўзини худди оиласини қутқаришга тиришаётгандек кўрсатишдан чарчамас, ўзини ҳар томонга урарди. Луиза ҳам ўша ҳолатни худди шундай тасвирлаганди. Демак, Бернар Мари-Анжнинг мулкига тўла-тўқис эга чиқиш учун шундай йўл тутганди. Бу не қабоҳат? Ахир ота бойлик учун ўз фарзандларини ўлдира оладими?

Болалар нафас олиши учун уларни деразага яқинроқ олиб келди. Ваннахона эшиги ёпиқ бўлса-да, оловнинг илондек пишкириши эшитилиб турарди. Пастдаги ўт ўчирувчилар Мари-Анжга нимадир деб бакиришди. Аммо шовқиндан уларнинг овози эшитилмади. Уч нафар ўт ўчирувчи пастда тўр тутиб туришарди. Мари-Анж аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Ўт ўчирувчилардан бири бармоғи билан имлаб, биттадан пастга сакрашни тушунтирди. Мари-Анж аввал Роберни ердан узиб бағрига босди, кейин уни деразадан чиқариб, пастга, тўр устига ташлади. Робер тўр устига келиб тушиши билан худди қоптоқдек сакради. Кимдир уни шартта ушлаб

олди. Шу атрофдаги чарх уриб юрган Бернар югуриб келиб, ўғлини бағрига босди. Робернинг типирчилаётганини кўриб, унинг тириклигига ишонган Мари-Анж энди кизини пастга улоқтирди. Ўт ўчирувчилар уни ҳам ушлаб олишди. Қизчаси ҳам зиён-заҳматсиз отасининг қўлига тегди.

Нихоят навбат ўзига келди. У дераза раҳига чикиб ўтираркан, пастда тутиб турилган тўр унга жуда узоқдек туюлди. Олов эса, ваннахонага ҳам ёпирилиб кирган, сал кечикса шифт ҳам кулаб тушиши аниқ эди. Агар у сакрамаса, нобуд бўлиши аниқ, болалар эса, Бернарнинг карамоғида қолади. Бу эса, кўзичокни бўрига ишонишдек гап. Бунга эса, асло йўл қўйиб бўлмайди.

– Сакранг, – дея бақирди пастда турган ўт ўчирувчилар. – Нега қараб турибсиз?

Мари-Анж эса, кўркувдан ҳаракатсиз қотган, гарчи ўз болаларини пастга улоқтирган бўлса-да, негадир ўзи сакрашга журъат тополмасди. У сакраши керак, лоақал болаларининг ҳаётини саклаб қолиш учун. Шу чок унга қадалган нигоҳлар орасидан эрининг хоин ва маккор кўзларини осонгина ажратиб олди. Бернар унга алланечук виқор ва қабоҳат ила тикилиб турарди. Чамаси у хотинининг омон қолишига умид қилмаётганди.

Шу чок қулоғи остида Луизанинг таҳликали овози эшитилгандек бўлди:

– Нимани кутяпсан? Тезроқ бўл, ўзингни пастга ташла!

Кўзларини чирт юмиб ўзини пастга ташлади. Бир неча сониядан сўнг таранг тортилган тўр сатҳига урилиб, бутун вужудида кучли оғрик ҳис этди. Бир зум ҳушини йўқотди. Кўзини очиши билан тепасида турган эрини кўрди. Бернарнинг кўзлари ёшга тўла эди. Бироқ, бу кўзлардаги маънони у сал аввалроқ тўғри ва беҳато ўқиб бўлганди.

У энди Бернарнинг кимлигини яхши биларди: Бернар ҳатто Луиза айтганидан ҳам ёвузроқ ва шафқатсизроқ экан. Мари-Анж унинг маккор кўзларига қараб, хитоб қилди:

– У бизни ўлдирмоқчи бўлди. У томнинг эшигини қулфлаб, қалитни ҳам ўзи билан олиб кетди. У бизнинг ўлишимизни кутганди.

Бернар хиёл тисарилган пайтда Мари-Анж унинг юзига шапалок туширди.

– Бу биринчиси эмас, – деди Мари-Анж нафрат билан ҳамма эшитиши учун баланд овозда. У илгари ҳам ёнғин чиқариб, биринчи хотини ва унинг ўғлини нобуд қилишга уринган. Ҳар иккисини ҳам ўлдирмоқчи бўлганида хотини тирик қолган. Бизни ҳам шу йўл билан ўлдирмоқчи эди.

Бернар хотинининг юзига тарсаки тортмоқчи эди, негадир ўзини тутиб олди.

– Ёлғон, – бақирди Бернар. – Ишонманглар унга. Аввалдан эси кирди-чиқди эди унинг. Жаҳл устида нима дейганини ўзи ҳам билмайди.

– Уйимиз ёнгани йўк, ёкиб юборилди, – таъкидлади Мари-Анж. – Сен бизни учинчи қаватга атайин қамаб кетдинг. Сен ҳатто менинг, балки болаларимизнинг ҳам ҳаётига нуқта қўймоқчи эдинг. Арзимаган пул учун. Сен ярамас махлуқсан.

Бернар тутакиб кетди.

– Ишонманглар унга! Ғирт тентак бўлиб қолибди.

– Луиза ҳам тентакмиди? – сўради Мари-Анж.

– Шарл-чи? Унинг нима гуноҳи бор эди? Ҳали тўрт ёшга ҳам кирмаган гўдакда нима қасдинг бор эди?

Мари-Анж ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Қиш окшоми жуда совуқ эди. Ўт ўчирувчилардан бири унинг елкасига жун рўмолини ташлади. Ёнғин деярли ўчиб бўлган, аммо, талафот жуда катта эди.

– Жаноб граф, – деди полиция нозири. – Биз билан юрсангиз яхши бўларди. Ҳаммасига ўша ерда аниқлик киритамиз.

– Мен бунни шундай қолдирмайман. Ҳали юкорига арз қиламан, – деди, бироқ итоаткорлик билан полициянинг олдига тушди.

Меҳмонлар аллақачон тум-тарақай бўлишганди. Мари-Анж болалари билан Алан Фурньеннинг уйида тунаб қоладиган бўлди. Робернинг юзига кислород никоби кийдирилган, Элоиза эса, полициячининг қўлида ухлаб қолганди. Қаср эса, қуйиб қулга айланганди. Аммо, энг муҳими, улар тирик қолишди. Болалари ҳам соппа-соғ!

Ўт ўчирувчилар ёнғинни тўлақонли ўчириб бўлишгач, бир неча кишини навбатчиликка қолдириб, ўзлари тарқалишди. Мари-Анж ўша окшом Аланнинг уйида тунаб қолди. Тонгда бу ерга яна полициячилар етиб келишди.

– Графиня, сиз билан гаплашиб олишимиз керак, – деди уларнинг бири. – Бизга бир неча дақиқа вақтингизни ажрата оласизми?

Полициячилар берилган саволларга жавоб олиб, коникиш ҳосил қилгач, ўт ўчирувчилар иккинчи қават залида учинчи қаватга олиб чиқувчи зинада керосин изларини кўришганини айтишди. Уларнинг айтишича, тегишли текширувлар олиб борилгач, Бернарга қарши иш очиларкан. Мари-Анж уларга Луиза де Бошан билан бўлиб ўтган суд тафсилотларини ҳам оқизмай-томизмай етказиб берди.

Мари-Анж ўша куни кечқурун шаҳарга бориб, меҳмонхонадан жой олди. Мадам Фурнье ҳам унинг ёнида эди. Улар бир ҳафтани шу ерда ўтказишди. У ўзини ўнглаб олиши учун яна бир неча кун керак бўлди. У ўша окшом юз берган даҳшатли манзараларни кўз олдидан кетказолмасди. Бир лаҳзада наинки уйи, балки эри, унга бўлган ишончи, келажакдаги орзу-умидларидан ҳам биратўла мосуво бўлди. Бернарни ҳам қўлга олишибди, ҳозир қамоқхонада экан.

У мерос учун ўз оиласини ҳам буткул нобуд қилишга журъат этганини Мари-Анж ҳамон ҳазм қилолмасди. У ўзини қўлга олиши билан биринчи

иши Луизага қўнғироқ қилиш бўлди. Агар у огоҳлантирмаганида, Мари-Анж эрининг ёрдамга келишини кутиб, болаларини кутқаришга мустақил ҳаракат қилмас, ваннахонани деразасидан ёрдамга чақирмаган бўларди.

Қолаверса, у ўша лаҳзаларда эрининг нигоҳларида кўрган макр ва шафқатсизлик ифодасини ўла-ўлгунча унутолмайди.

– Биласизми, ўша лаҳзаларда кулоғим остида овозингиз жаранглагандек бўлди, – деди у Луизага. – Шу овоз менга журъат берди ва ўзимни пастга ташладим.

– Сизга ёрдамим текканидан хурсандман, – деди Луиза. – Мен Бернарга қарши кўрсатма беришга тайёрман. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Сиз мендан бахтлироқ экансиз. Мен боламни ўлим чангалидан кутқара олмагандим. Бечора Шарль. У анави маразнинг очкўзлиги ва баднафслиги қурбони бўлди.

– Сизга ҳамдардман, – деди Мари-Анж фарзандини йўқотган аёлга тасалли бериб бўлмаслигини била туриб. Улар яна анча гаплашишди. Луиза унинг фарзандларини асраб қолишда полиция ва ўт ўчирувчилардан камроқ ҳисса қўшмаганди.

Мари-Анж Рождество байрамини болалари билан меҳмонхонада қарши олди. Эртаси куни уларни Париж бўйлаб айлантирди. Варен кўчасидаги уйни у бутун жиҳозлари билан сотишга қарор қилганди. Бернар уни меҳмонхонада эканини билиб, бир марта сим коқди. Аммо Мари-Анж у билан гаплашишни истамади. У эрини кўришни истамас, суд залида эса, унинг умрбод қамалишига ишонарди. Бундай аблаҳ кимса учун ҳар қанча жазо камлик қилади. Аммо, Мари-Анжнинг ўзида ҳам айб кўп эди. Энг катта айби Бернарнинг севгани ва унинг ҳамма гапларига ишонгани бўлди. Аслида Бернар уни умуман севмаган, унинг учун факатгина катта бойлик манбаи бўлиб хизмат қилган, холос. Яхшиям, банкдаги васийлар унга ён бошишди. Акс ҳолда бутунлай хонавайрон бўларди.

Эртаси куни у болаларини олиб, эрининг Париждаги квартирасига кўчиб ўтди. Аслида бу квартирада ҳам унинг ҳаққи бор эди. Янги йил арафасида у бор журъатини тўплаб Биллига қўнғироқ қилди.

– Нега уйда ўтирибсан? – сўради Билли. – Адашмасам, ҳозир Парижда ярим тун, байрам қилмаяпсизларми?

Чиндан ҳам ҳозир Парижда соат тунги бирга бонг урган, Айовада эса, кечки соат беш эди.

– Графиня, назаримда ҳозир сиз эрингиз билан бирор мухташам балда байрам қилаётган бўлишингиз керак эди.

Мари-Анж ҳатто жилмайиб ҳам қўймади. Унинг кулмай қўйганига икки ҳафтадан ошганди. У Биллига бошига тушган ҳамма савдоларни битта қолдирмай гапириб берди. Ҳатто бечора Луизанинг тақдирини ҳам айтиб ўтди.

Билли уни вазминлик билан эшитди. Гўшакдан Мари-Анж унинг йиғлаётганини эшитиб турарди.

– Э Худо, Мари-Анж, бу дахшат-ку? Умид киламанки, бу итваччани умрбод камокка тикишади. Мен унга биринчи кунданок ишонмагандим. Бирок, ҳаммаси ўйлаганимдан кўра тезроқ содир бўлди. Хўш, энди нима килмоқчисан?

– Билмадим, бир ойдан кейин суд жараёни бошланади. Луиза билан мен иштирок этишимиз шарт. Унгача Парижда яшаб тураман. Мармутон куйиб кул бўлган, уни сотворсам керак, – деди у хўрсиниб.

– Балки уни тиклашнинг имкони бордир? – деди Билли.

– Эҳтимол, – деди Мари-Анж оғир тин олиб. – Чиндан ҳам Мармутон мен учун азиз эди. Энди ундан мудҳиш хотиралар қолди. Бу ерда бошка яшай олмасам керак.

– Яхшилаб ўйлаб кўр, – деди Билли ҳамдардлик билан. – Вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қил. Айовага учиб кел.

Бу фикр Мари-Анжга ҳам маъқулдек туюлди. Аммо, Паркерлар хонадонида айна иш қизиган пайт. Уларни ҳам овора қилиб қўйишни истамасди.

– Ўйлаб кўраман, аммо июнда тўйингга бора олмасам керак. Адвокатлар Париждан кетмай туришни илтимос қилишди. Бу пайтда ҳали суд тугайдими-йўқми, билмайман.

– Мен ҳам июнда тўйим бўладими, йўқми, билмайман, – деди Билли. – Тўйни яна бир йил орқага сурсакмикин, деб турибмиз. Албатта, Дебби иккимиз бир-биримизни жуда ёқтирамыз. Аммо, баъзан биз тўғри йўл тутяпмизми, деб ўйлаб қоламан. Ахир бу – умр савдоси. Онам ҳам шошилмасликни маслаҳат берди. Дебби эса, бироз асабийлашиб юрибди. У Чикагода яшашни истайди. Мен эса, ўзинг биласан, қишлоқни ташлаб кетолмайман.

– Балки, уни Парижга олиб келарсан? – сўради Мари-Анж.

Мари-Анж тезроқ Биллининг бахтини топишини истарди. Ўзининг бахти эса кулга айланганди. У бироз муддат фақат болалари билан сокин ҳаёт кечирishни истарди. У бир пайтлар Биллини худди акасидек ёқтирарди. Энди эса, дўст сифатида Биллининг таскинига муҳтожлик сезаётир.

– Ўзинг келсанг ҳам майли, сени жуда кўргим келяпти, Билли!

Мари-Анжнинг овозида чексиз соғинч, ўкинч ва изтироб акс этарди. Бироз жимлик чўқди.

– Мен ҳам сени, болаларингни кўргани жон деб учиб борган бўлардим, – деди Билли. – Отам билан маслаҳатлашиб кўраман. Агар рози бўлса, албатта бораман.

– Раҳмат, – деди Мари-Анжнинг овози титраб. – Яхшиям сен борсан!

– Сен умуман сиқилма, – деди Билли. – шукурки, соппа-соғ экансан. Болаларинг ҳам омон қолишибди. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Мари-Анж тилининг учида сақлаб турган мулоҳазасини ниҳоят тилига кўчирди:

– Билли... сен истаган пайтингда учиб келавер, йўлкира харажатларини ўзим тўлайман.

– Унакада эрингдан фарким қолмас экан-да! – дея гапни ҳазилга буришга уринди Билли.

– Ҳар қалай сен бу пулга нефть кудугини сотиб олмайсан-ку? – дея ҳазилни давом эттирди Мари-Анж.

Улар яна анчагача гаплашиб ўтиришди. Ўқувчилик йилларини эслашди. Кейин бир-бирига хайрли тун тилаб хайрлашишди. Демак, Билли келади. У ҳамиша ўз сўзининг устида туриб келган.

У болаларининг куршовида бирмунча осойишталик билан уйқуга кетди. Билли эса, бу пайтда отаси билан Парижга кетиш ҳақида маслаҳатлашмоқда эди. Том Паркер йўлкира масаласида бироз инжикланиб турди, аммо шу пайтгача ўғлининг раъйини қайтармагани учун рози бўлишдан бошқа чора топмади.

Билли меҳмонхонага кирганида, опалари унинг паришонхотирлигини дарров англашди. Бироқ, у опаларининг гапларига унча эътибор ҳам бермади. Улар Биллини тинч қўйишмагач, Мари-Анжнинг бошига тушган савдоларни айтиб берди.

– Шунинг учун Парижга кетмоқчиман, – деди у ишонч билан. – Мен ҳозир унинг ёнида бўлишим керак. Ахир биз болаликдан дўстмиз. Мен дўст бўлиб унга нима қилолдим?

Хонада сукунат чўкди. Дебби ҳам шу ерда эди.

– Майли, – деди у ниҳоят тилга кириб. – Мен ҳам Чикагога кетаман. Ўша ердан иш топганман. Факат бир ҳафтадан бери буни сенга қандай айтишни билмай юргандим.

Билли ғалати аҳволга тушиб қолди. У Деббининг қароридан ҳафа бўлишни ҳам, қувонишни ҳам билмасди. У ҳали олдиндаги тўй ҳақида ҳам яқуний қарорга келмаганди.

– Кейин нима қиласан? – сўради юрак ютиб.

– Билмадим, – деди Дебби ерга қараб. Бутун оила уларнинг суҳбатини эшитиб турарди. – Менимча, биз оила қуролмаймиз. Мен умримнинг қолганини бу фермада ўтказа олмайман. Очик гапираётганим учун кечирасан.

Билли хўрсиниб олди.

– Кел, бу масалани кўчада ҳал қиламиз, – деди ва ташқарига чикиб кетди. Оила аъзолари уларнинг орақасидан хангу манг бўлганча тикилиб қолишди. Бу ноқулай жимлик то Билли тунд кайфиятда қайтиб киргунча давом этди.

– Дебби қани? – сўради катта опаси гапини бўлиб жимликни бузаркан.

– Кетди, – деди у паришонхотирлик билан. – Қайтмайдиган бўлиб кетди...

Шарль де Голль аэропортида Мари-Анж кўлида қизил атиргул билан Чикагодан учиб келадиган самолётни кутиб турарди. Роберни кўтариб олган, Элоиза эса коляскада ўтирарди. У Биллини самолётдан тушиши билан таниди. Назарида йигит ҳамон ўша-ўша, умуман ўзгармаган эди. Мана, у таниш қадамлар билан Мари-Анж томон яқинлашиб келаётир.

Мари-Анж индамай кўлидаги гулни унга тутди. Йигит аввал гулни олиб, унга бироз тикилиб турди, кейин эса, охишта бағрига босди. Йигитнинг димоғига қизнинг сочларидан таралаётган кадрдон ифор урилди. Улар бир неча сония ана шундай ҳолатда туриб қолишди. Бундай ҳолатлар одатда ҳаётда эмас, ҳаёлда кўпроқ содир бўлади. Айни дамда уларнинг қалбларини забт этган соҳир ҳислар бир пайтлар Парижда учрашиб қолган Франсуаза ва Жон Хокинснинг дилларини ҳам четлаб ўтмаганини улар билишмасди. Билли шундан кейин Мари-Анжнинг болаларини бирма-бир бағрига босди.

Билли юқларини олиб қайтгач, Мари-Анж Биллига суд тафсилотларини айтиб берди. Бернарнинг уч кишининг ҳаётига суикасд қилишда айблашган, шунингдек, Луизанинг ўғли – Шарлнинг ўлими билан боғлиқ иш ҳам қайта қўзғатилган эди.

– Бу ифлосни осишса, зўр бўларди, – деди Билли ғазабини тиёлмай. Билли Америкадан учиб келаркан, йўлда келгусидаги ҳамма режаларини бирма-бир ҳаёлидан ўтказиб келганди. Дебби Чикагога кетиб қолди. Унаштирувни ҳам бекор қилишди. Аммо, Билли бу ҳақда гапиришга ошикмади. У Парижга икки ҳафтага учиб келганди.

Мари-Анж Биллини Парижнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришга ошиқарди. У Биллини Эйфель минораси, Лувр музейи, Бульон ўрмони билан бир каторда, Мармутонга ҳам олиб боришни режалаштирганди. Гарчи энди қасрда яшашнинг имкони бўлмаса-да, у болалиги ўтган фермани, мевазор боғларни Биллига кўрсатишни жуда-жуда истарди.

Билли Мари-Анжга зимдан назар солди. У анча улғайибди. Қолаверса, бу фожиалар ҳам унга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмасди. Албатта бундай синовларни енгиб ўтиш учун бу аёлга қанчалик матонат керак бўлганини Билли тушуниб турарди.

– Яхшиям ўшанда сен деразадан пастга сакраган экансан, – деди Билли Роберни кўлига олиб эркаларкан. – Сенга нимадир бўлса, мен бу ифлосни ўлдирган бўлардим.

– Мен ҳам... айтмоқчиманки, мен ҳам сакраганимдан хурсандман.

Улар ёнма-ён кетиб боришар, Мари-Анж аравагани суриб борар, Билли эса, унинг ўғлини кўтариб олганди. Четдан қараганда, улар бахтиёр оилага ўхшаб кўринар, бундай эмаслиги эса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди.

Айни дамда Мари-Анжнинг хаёли олдиндаги икки ҳафгада эди. Аммо у ҳозир Билли билан худди аввалгидай ҳамма нарса ҳақида тўлқинланиб гаплашишни истарди.

Уларнинг ҳар иккиси бир-бирига ўз орзулари, келгусидаги режалари, сирлари ҳақида гапириб беришни истарди. Уларнинг қаршисида бутун латофатини кўз-кўз этиб Париж ястаниб ётарди.

Уларнинг ортида бир эшик ёпилган, олдинда эса, келажак қопкаси – янги, бутунлай бошқача ҳаёт уларга мунтазир эди.

ЎҒИРЛАНГАН БАХТ

ФАРЗАНД ЙЎҚОТИШ АЗОБИ

I ҚИСМ

Рождество байрамигача ҳали икки ҳафта бор. Авлиё Патрик черкови зинасидан сезилар-сезилмас оқсоқланганча кўтарилиб бораётган Чарльз Делонининг жон-жонидан совук ўтиб кетди. У декабрь ойида Нью-Йорк қандай совук бўлишини унутиб улгурган. Бу шаҳарга охирги марта келганига ҳам, отасини кўрмаганига ҳам анча вақт бўлди... Ҳозир отаси саксон етти ёшда. Онаси эса аллақачон, Чарльз ўн уч ёшлигидаёқ вафот этган, унинг факат чиройли чехраси ва самимий табассуми ёдида. Отаси ҳозир кексайиб, соғлиғи заифлашиб, тўшакка михланган. Юристлари Чарльзни ҳеч бўлмаса бир неча ойга келиб-кетишга, оила ишларини тартибга келтиришга зўрға кўндиришди. Чарльз оилада ёлғиз фарзанд, шунинг учун оиланинг барча ташвиши унинг елкасида. Ташвиш эса кам эмас. Чунки Делонилар Ньюбург атрофида катта ер-мулкларга, кўмир казиб чиқарувчи, нефть, пўлат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг акцияларига эгалик қилишади. Нью-Йоркнинг Манхэттенида ҳам ер-жойлари бор. Бунда Чарльзнинг ҳиссаси йўқ, катта мол-мулкни унинг бо-болари тўплаган. Чарльзни ҳеч қачон бойлик кизиктирмаган, у сайру саёҳатда беқарор ҳаёт кечиришни хушларди.

Қуёшда қорайган, кўринишидан ёш, бақувват бу одамнинг кўзларидан ҳаётда анча қийинчиликлар кўргани сезилиб турарди. У икки йил Испанияда жанг қилган. 1937 йилнинг феввалида «Линкольн» жамоасига аъзо бўлиб, фашистлар билан курашиш учун Испанияга йўл олганди. Эбро бўйидаги шафқатсиз жангларда яраланган. Бу унинг биринчи жароҳати эмас. Жаҳон урушининг охирги йилида у эндигина ўн беш ёшга кирганди. Ўшанда уйдан қочиб армияга кетди ва Сен-Мигелда оёғидан яраланди. Бундан отаси роса ғазабланган. Энди эса отаси дунёда нималар бўлаётганини ҳам, ўғли нималар қилиб юрганини ҳам, ҳатто Испания жангидан ҳам беҳабар. Тўшакка михланиб ётибди. У ўз ўғлини ҳам танимайдиган даражада хаста. Катта қаравотда шифтга тикилганча ётган отасига қараб Чарльз, балки шуниси маъқулдир, деган хулосага келди. Чунки улар ҳеч қачон бир-бирини тушунишмаган, ҳозирги вазиятда ҳам уришиб қолишлари аниқ. Отаси унинг чет элда яша-

¹ Даниэла Стил. Ўғирланган бахт. Таржимон Д.Собирова // Даракчи, 2009 йил ноябрь – 2010 йил апрель сонлари.

шини хоҳламасди. Уларнинг дунёкарашлари тўғри келмас, яккаю ёлғиз ўғли Европанинг аллақайси бурчакларида дайдиб юриши отага маъкул эмас. Чарльз ёшлигидаёқ Европага кетди ва ўша ерда ўн етти йил яшади. Баъзан дўстлари бирор иш таклиф қилишар, баъзан ўзи ҳикояларини чоп эттириб кун кўрарди. Охирги вақтларда эса кун кўриши ота мулкидан келаётган даромаддан. Унинг миқдори эса Чарльзнинг гашига тегарди. «Эс-хуши жойида бўлган одамга бунча пулнинг кераги йўқ», дерди у. Кўпинча каттагина миқдордаги маблағни хайрия ишларига сарфлаб юборар, ҳикоялари учун бериладиган қалам хаки унга етиб ортарди. У Оксфордда, кейин Сорбоннада ўқиди, ундан сўнг эса Флоренцияга кўчиб ўтди. Ўша пайтлардаги барча бойвачча ёшлар каби унинг ҳам кўнгилхушлик учун қиладиган харажатлари ҳисобсиз. Йигирма бир ёшга кирганда ўзини аристократлардек тутишга ҳаракат қилиб, умрининг уч йилини Европани беамар кезиб ўтказди. У факат газеталарда кўринадиган одамлар билан бемалол учрашар, кўпчилик фақат орзу қилиши мумкин бўлган ишларни бажара олар эди.

Кейин... кейин эса ҳаётида Мариэлла пайдо бўлди. Бу алоҳида воқеа... Эсласа юрагида санчик турадиган... Баъзан Мариэлла тушларига кирар, айниқса, қийналган дамларида, бошидан ўк ёмғирлари ёққанда, совуқ оқопларда... У қизнинг қайноқ оғушини, кўзларини, юзларини унутолмасди. Айниқса, охирги учрашувларидаги ҳасрат тўла нигоҳларини... Шунга ҳам етти йил бўлибди. Бу вақт давомида уни кўрмаслик, овозини эшитмаслик, ҳатто каердалигини ҳам билмаслик ва ўз-ўзига бунинг менга фарқи йўқ, деб уқтириш Чарльзга осон бўлмаган. Бир сафар оғир яраланиб, тирик қолишига умиди ҳам қолмаганди. Ўшанда хушини йўқотиб, ўтмишга тушиб қолгандек бўлган. Ҳамширалар уни хушсиз, қонга беланиб ётган ҳолида топишган ва унинг ортидан меҳр тўла кўзлари билан унга қараб турган Мариэллани кўришган.

Биринчи бор учрашишганда киз эндигина ўн саккиз ёшга кирганди. Шу қадар гўзал эдики, худди моҳир рассомларни илҳомлантирадиган ҳаёлий парига ўхшарди. Чарльз эса йигирма уч ёшда. Улар биринчи марта кафеда учрашишган. Қизнинг кўзларидаги маъюслик бир қарашдаёқ Чарльзни ўзига ром қилганди. Кейин у кетди. Лекин кўп ўтмай улар элчихонанинг қабул маросимида яна учрашишди. Иккаласини расман таништиришди. Ўзларини тутишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, кўзлари қувончдан чакнади. Табиийки, қизнинг ота-онасига такаббур, «манман» йигитча маъкул келмади. Чунки қизнинг жиддий, салобатли отаси йигитча ҳақида эшитган. Иккаласининг отаси орқаворатдан таниш. Мариэлланинг онаси эса французлардан. У Чарльзга ўта расмий ва зерикарли бўлиб кўринди. Мариэлланинг ота-онаси қизларига нисбатан ўта қаттиққўл. Улар қизларини қизган қизикларидан чиқаришмас, фақат ўзлари истаган кишилар билан рақс тушиши ва учрашишини хоҳлашарди. Лекин қувноқ ва соҳибжамол қизлари барчанинг

эътиборини тортиши уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Ёшларнинг ўзаро тил топишиши кийин бўлмади. Чунки киз ҳам йигит билан кизиқиб қолган. Чарльз киз учратган йигитларнинг ҳеч бирига ўхшамасди. Мариэлла у ҳақда ҳамма нарсани билишга кизиқди: асли қаерлик, Парижга нега келган, нега француз тилида бемалол гаплаша олади?.. Ҳаммасидан ҳам йигитнинг ёзувчилиги кизнинг эътиборини тортди. Мариэлланинг ўзи ҳам расм чизишга кизиқади. Муносабатлари қалинлашгач, йигитга асарларидан бир нечасини кўрсатди. Биринчи учрашувда уларни адабиёт ва рассомлик санъати ҳақидаги суҳбат яқинлаштирган. Икки ёш суҳбатлашадиган гаплари кўплигини тушунишди. Ёшлар бир-бирини ёктириб қолгани ота-оналарнинг ҳам назаридан четда қолмади. Қизининг Чарльз Делони билан кизгин суҳбатлашаётганини кўрган онаси уни йигитдан нарирокка олиб кетиш ҳаракатига тушиб қолди. Лекин Чарльз киз соясига айланган. Эртаси куни улар Сен-Жермен де-Предаги машҳур «Икки мўғул» кафесида учрашиб, Сена бўйида анчагача сайр қилишди. Мариэлла унга ҳаёти, орзулари ҳақида гапириб берди, севиб турмуш қуришни ва кўп фарзанд кўришни хоҳлашини айтди. Йигитни эса бу орзулар эмас, балки кизнинг ўзи кўпроқ кизиқтириб қўйган. Нозиккина бу кизнинг иродалилиги, ҳаётга чанқоклиги сезилиб турарди. У ипакдек майин бўлса-да, мрамардек мустаҳкам, қатъиятли. Йигит ёзувчилик ишлари ҳақида гапирганда кўзлари ёқутдек чакнайди. Чарльз бир кун келиб ҳикояларини тўплам қилиб чоп эттиришдан умидвор.

Кўп ўтмай киз ота-онаси билан Довиллга кетди. Йигит ҳам уларнинг орқасидан йўлга тушди. Кейин Римга, Помпейга, Кипр, Лондон... Ундан кейин яна Парижга қайтишди. Қиз қаёққа бормасин, ўша жойда, албатта, йигитнинг ҳам таниш-билишлари бор. Шунинг учун киз қаерда бўлса, йигитнинг ҳам ўша ерда пайдо бўлиши ҳеч кимни таажжублантирмасди. Чарльз у билан сайр қилишни, базмларга бирга боришни ёктирарди, у билан бирга бўлиш учун, ҳатто ота-онасининг зерикарли, узундан-уzun суҳбатларини эшитишга ҳам жон деб рози. Август ойига келиб улар бир-бирларисиз яшай олмасликларини ҳис қилишди. Қизнинг ота-онасига ёқмаган бўлса-да, улар Чарльз қандай оиладан чиққанлиги ва бадавлат хонадоннинг яққо ёлғиз меросхўри эканлигини ёдда тутишарди. Йигитнинг аслзодалардек ўзини тутиши, ақл-фаросати эр-хотинга маъқул келган, бироқ... Мариэллани молдунё кизиқтирмас, чунки унинг ўзи ҳам бадавлат оиладан чиққан. Моддий қийинчилик нима эканини билмайди. Фақат Чарльзнинг чиройли чехраси, қадимги юнон паҳлавонлариникидек бақувват елкалари, жозибали кўзларини ўйларди киз. Ёлғиз қолганларида йигитнинг ўта мулойим бўлиши Мариэллани маҳлиё этган.

Яхши эмаслиги сабаб, қайтиб боргиси келмади. Отаси ундан жуда кўп нараса талаб қилар, у эса эркин бўлишни хоҳларди. У жамиятда ўзини сипо

тутишни, отасининг молиявий ишларига, биржа ўйинларига аралашини истамасди. Унинг ижодкор қалби эркинликни хоҳлайди. Лекин бир кун келиб отасининг зерикарли ишларини ўз бўйига олиши кераклигини ўйласа юраги сиқиларди. Майин сочларини силаганча орзу-хаёлларини Маризэллага ҳам айтди. Қиз унинг ёнида мустахкам қалъа ортида тургандек ҳис қиларди ўзини. Чарльз Парижни яхши кўрарди. Дўстлари, севимли иши шу ерда бўлгани учунми, бу шаҳар унинг илхом парисига айланди. Лекин Маризэлла сентябрда уйига қайтиши керак. Уларнинг уйи ҳозир Чарльз ижарада яшаб турган Рю-дю-Бакдаги чордоққа сира ўхшамасди.

Бир куни Маризэлла Чарльзникига меҳмонга келди. Улар бирга бўлган дамларда бутун дунё унутиларди гўё. Шу куни ҳам айнан шундай бўлди. Улар эхтиросдан аклини йўкотар даражага етишганди, лекин охириги дақиқаларда Чарльз аклини йиғиб олди ва сакраб туриб хонадан чиқиб кетди. Маризэлла қаравотда ўтирганча қолди. Қиз тўзгиган сочларини тузатиб, ўзини босиб олишга ҳаракат қилди. Кўп ўтмай Чарльз қайтди ва унинг ёнига ўтириб:

– Мени кечир... – унинг чакнаб турадиган яшил кўзлари ҳаяжонланганидан янада чиройли порлар, овози ҳам титраб чиқарди. Ундаги ҳаяжон қизга ҳам кўчди. Қиз уни деб аклини йўкотар даражага етган.

– Маризэлла... Ортиқ чиқолмайман. Сен мени ақдан оздирыпсан... – у кизни маҳкам бағрига босиб, ўпди. Қизни қўйиб юборгиси келмас, худди бағридан чиқарса, бир умрга йўқотадигандек. Уйига қайтишни ҳам, отаси билан маслаҳатлашини ҳам истамасди. Ҳаммаси ҳозир шу дамда бўлишини, киз бир умрга у билан қолишини хоҳларди. Бир дақиқага ҳам чўзишни истамасди.

– Маризэлла! – йигит унинг кўзларига қаттиқ тикилди.

– Нима?

– Менга турмушга чиқасанми?

Қиз бир зум хайрон қараб турди-да, кейин кулиб юборди.

– Жиддий гапиряпсанми?

– Албатта! Розимисан?... Розиман дегин... – Чарльзнинг юраги дукиллаб, қафасдан чиққудек ҳовлиқди. Йўқ, деса-чи?! Кейин нима бўлади? Назарида бутун ҳаёти унга боғлиқдек. Балки у ота-онаси билан кетишни хоҳлаб қолар? Балки муносабатларига жиддий қарамагандир?

– Қачон? – ҳадиксираб сўради киз.

– Ҳозирок!

– Устимдан куляпсан, шекилли.

– Йўқ, – Чарльз асабийлашганидан сакраб турди ва хонанинг у ёғидан-бу ёғига бориб кела бошлади. У орзулар оламига берилиб кетган. Кутилмаганда такка тўхтади:

– Маризэлла, жиддий гапиряпман. Сендан жавоб кутяпман, – деди жаҳл билан.



Мариэлла секин унга якинлашди ва мушук боласидек елкасига суйкалиб кулди.

– Сен ақлдан озибсан.

– Ҳа, ақлдан оздим. Ўзинг ҳам мени деб ақлдан озгансан ёки ёлғонми? – Чарльз кизни янада каттиқроқ бағрига босди. Киз кутулмоқчи бўлгандек типирчилади. Йигит розиликни оғзидан суғуриб олмоқчидек кизни маҳкам кучоклаб, энтикиб-энтикиб ўпди.

Мариэлла зўрға нафас оларди.

– Ҳа... Ҳа... Ҳа... Розиман...

Чарльз уни бағридан бироз бўшатгач, киз сўради:

– Отам билан қачон гаплашмоқчисан?

Бу саволдан Чарльзнинг чеҳраси тундлашди.

Чарльз бир кун келиб ота бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Лекин у энди масъулиятли бўлиши, ўз билганича эркин яшай олмаслигига кўзи етса-да, бахтли эди. Чарльз такси тўхтатди ва улар иккаласи бир-бирининг бағрига тикилганча уйларига қайтишди. Мариэлланинг ота-онаси эртасига ҳам тинчланишмади. Икки ҳафталик шиддатли музокаралардан кейингина улар бироз юмшагандек бўлишди. Ишонч ҳосил қилиш учун онаси Мариэллани шифокорга кўрсатди. Шундан сўнг никоҳни бузиш ҳақидаги гап кун тартибидан олиб ташланди. Мариэлланинг ота-онаси Чарльзга чидашдан бошқа иложлари қолмади. Чунки, қизлари усиз ҳаётини тасаввур қила олмасди. Шундан кейин Чарльз ҳам ахлоқини тузатишга ваъда берди ва гапини исботлаш учун яхшигина бир уй, машина сотиб олишга, хизматкор ва энага ёллашга сўз берди. Шундан кейингина Мариэлланинг ота-онаси тинчланиб, ўз уйларига равона бўлишди. Ота-си Чарльздан жиддий бўлиш ваъдасини ҳам олди. Чарльз «жиддий» бўлиб қолмаган бўлса-да, ёшлар бир-бирларини севишарди.

Ота-онасини кузатиб қўйишгач, бу якин орада уларни кўришга бормасликка аҳд қилишди. Сена бўйидан мўъжазгина уй сотиб олишди. Чарльзнинг дўстлари уларникига тез-тез келиб туришарди. Ўшанда дунёда улардан бахтли одам йўқдек эди, гўё.

Чарльз Авлиё Патрик черковининг зил-замбил эшигини зўрға итариб очди. Зўрикканидан ярадор оёғида оғрик турди. Чарльз черковга келмаганига ҳам анча бўлганини ўйлади. Келганига пушаймон ҳам бўлди. Отасини ожиз, ночор аҳволда кўриш унга кийин эди. Қайсидир лаҳзаларда ота-си уни танигандек бўлди. Бир зумгина кўзи порлаб яна олдинги аҳволига қайтди, кейин яна нурсиз кўзларини шифтга тикканча қолди. Отасига тикилиб Чарльз ўзининг қанчалик ёлғизлигини ҳис қилди. Қанча якинларини йўқотди. Испанияда бирга жанг қилган дўстлари... Ўйлаб қараса, руҳига дуо қилиши керак бўлган одамлари кўп экан.

Чарльз руҳоний ўтиб кетгунча кутиб турди ва меҳробга якинлашди. У ярадор оёғини зўрға букиб тиз чўкканида, роҳиба унга жилмайиб қўйди. Унинг

қоп-қора сочларига оқ оралаган бўлса-да, танасидан куч-қудрат куйилиб турарди. Кўзлари ҳам ҳамон порлаб турарди. У дуо ўқиётганда қалби ғамга тўлгандек бўлди. Хаёлидан жангчи дўстлари ва жондек яқинлари ўтди. Аслида, у дуо ўқигани келмаганди. Бу ерга келганига сабаб – бугун ҳаётидаги энг дахшатли куннинг тўққиз йиллиги. Ўша кунга ҳам тўққиз йил бўлибди. Худди кечагидек эсида, Рождествога икки ҳафта қолганди. Бу кунни бир умр унут олмас керак. Худди шу куни уни ўлдириб қўйишига бир баҳя қолганди. Ўшанда ғазаб ва дарддан бошини йўқотар ҳолга келганди. Алами чидаб бўлмас даражада эди. Дардини унутиш учун у ўзини ўлдиришга ҳам, бўлган ишларни орқага қайтаришга ҳам рози эди. Соатни орқага суриб қўйса-ю, бўлиб ўтган ишлар бўлмаса эди... Лекин шунга қарамай, уни севарди... иккаласини ҳам жонидан ортиқ севарди. Ҳозир уларни ўйлаш ҳам азоб эди. У ибодат учун бошини эгди. Улар учун дуо ўқишга кучи етмади. Ўша симиллаган оғрик ҳали ҳам юрагини қўйиб юбормаганди. Охирги йилларда бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилганди. Шундай бўлса-да, баъзан шунақа оғрик турардики, чидаб бўлмасди. Кўзларидан думалаган ёшлари юзини ювиб ўтди. У шу қўйи анчагача ўтириб қолди, севган одамларини, қайтарилмас бўлиб кетган ҳаётини ўйларди. Лекин бугун негадир бу ерга келгиси келди. Рождество яқинлашгани сари кадрдон жойларига яқинроқ бўлишни истадим...

Испаниядаги бирор черковга кирса бўларди. Ўша ерда ҳам дуо ўқиши мумкин эди. Дарди бунчалик исканжага олмаган бўлармиди. Бу ерлар ҳозир бегона, совуқ тошдан ясалган уйларида умри тугаб бораётган отаси яшарди. Қийналиб оёкка тургач, у бир қарорга келди: АКШда узок қолмайди. Тезроқ Испанияга қайтиши керак. Унинг жойи ўша ерда. Бу ерда эса адвокат ва банкирлардан бошқа ҳеч кимга кераги йўқ. Улар билан Чарльз олдин ҳам келишмасди, энди эса, умуман кўрарга кўзи йўқ. У қайнотаси хоҳлагандек жиддий одамга айланмаганди ҳали ҳам. Қайнота-қайнонасини ўйлаб Чарльз жилмайиб қўйди, энди улар ҳам ҳаётда йўқ. Ҳаммалари ўлиб кетишган. Чарльз Делони яқинда ўттиз беш ёшга тўлди. Лекин у ўзини юз йилдан ҳам кўп яшаётгандек ҳис қиларди. У бола кучоқлаб турган Мадонна ҳайкалчасига узок тикилиб турди... Хотиралар юки эзиб юборди... Кейин оғир қадамлар билан рухий енгиллик сезмай орқага қайтди. Дардига дард қўшилди. Болагинаси Андрени яна бағрига босгиси, сут ҳиди анкиб турган бўйнидан тўйиб-тўйиб хидлагиси келди. Юрагида яна оғрик турди. Кўзлари ёшга тўлган Чарльз ҳеч нимани кўрмасдан эшикка қараб юрди. Худди нимадир рўй бериши керакдек юраги қаприкиб кетди. Аслида илгарилари ҳам мўъжиза рўй бериб турарди. Жанг майдонида неча марта у кўзига кўринган. Худди мана шу рўпарасидан келаётган аёл каби аниқ-тиниқ кўринган...

Қаршисидаги мўйнага бурканиб олган аёл шунчалик хаёлга берилиб келардики, атрофдагиларни сезмас, бошқа дунёда юргандек эди гўё. У черковда ҳеч кимга эътибор бермасди. Чарльз унга қараб қотиб қолди... У арвоҳ ҳам

эмас, кўзига ҳам кўринмаяпти. Аёл унга шунчалик ўхшардики, худди унга ўхшаб баланд бўйли, маъюс, чиройли... Чарльзнинг юраги кинидан чиккудек бўлди. Аёл мотам кийимида эди. Юзини ҳам тўсиб турган кенг шляпасидан факат унга таниш бўлган мунг чўккан кўзлари кўриниб кетди. Аёл товушсиз юриб бориб меҳроб ёнига тиз чўкди. Ҳамон кадди тик, факат бироз озган. У узоқ дуо килди. Чарльз унинг нега келганини биларди. Иккаласининг ҳам дарди бир эди. Бу – Мариэлла эди! Чарльз кўзларига ишонмасди. Аёл ибодатини тугатиб, унга ўгирилгунча бир дунё вақт ўтгандек бўлди. Унга караса ҳам кўрмади. Кўзлари тўла ёш эди. Ўриндиклар оралаб юриб эмас, сузиб кетаётгандек яқинлашиб келаверди. Оралари бир қадам қолганда Чарльз йўлини тўсиб, қўлидан маҳкам ушлади. Аёл хайрат тўла нигоҳларини унга қаратди ва чуқур уйқудан уйғонгандек сесканиб кетди.

– Худойим, – инграб юборди Мариэлла. Ахир учрашмаганларига ҳам етти йил бўляпти. Чарльз унинг қўлини яна қаттиқроқ сикди. У эса бир сўз демай унинг елкасига ҳолсиз бош қўйди. Уларнинг учрашишини Худонинг ўзи хоҳлаган эди. Бўлмаса иккаласи ҳам бир вақтда бир жойга келган бўлармиди. Бу мўъжиза эди! Бир-бирларига суянганча совуқ черковда анчагача туриб қолишди. Биринчи бўлиб Мариэлла ўзига келди. У бошини кўтариб, Чарльзнинг кўзларига тикилди. У ҳолдан тойган, ғамдан эзилган. Юзида ва қўлида чуқур чандик излари кўриниб турарди. Сочининг оқи ва оёғининг оқсаши унинг азоб-уқубатларидан далолат эди. Мариэлланинг юраги ўн саккиз ёшлигидагидек гупиллаб уриб кетди. Шунча йилдан буён у юрагининг бир парчаси Чарльз билан қолганини ҳис этиб келарди. Лекин яшаш учун, дардларини қайтиб кўзғатмаслик учун юрагининг туб-тубига кўмишга мажбур эди. У индамай яшашга ўзини маҳкум этганди.

– Сенга нима дейишга ҳам хайронман, – ғамгин кулимсиради Мариэлла кўз ёшларини арта туриб. – Орадан шунча йил ўтгач, «ахволинг қалай» деб сўраш ҳам ғалати бўларкан.

Ғалати бўлса-да, бошқа гаплашадиган гаплари ҳам йўқ эди. Бир пайтлар у ҳақда хабарлар эшитиб турарди. Кейин эса хабарлар ҳам тинчиб кетди. Фақат отаси касаллигини эшитганди. Ўзининг ота-онаси эса аллақачон оламдан ўтишган.

– Сен ҳамон гўзалсан...

Чарльзнинг қулоғига унинг гаплари кирмас, сўзсиз унга тикилиб турарди. Ўттиз ёшида ўн саккиз ёшлигидан кўра чиройлироқ эди у. Ҳаётда камчилиги йўқдек кўринса-да, кўзлари маъюс, унинг кўзларига тикилиш осон эмас эди.

– Ҳаммаси жойидами? – хавотирланиб сўради Чарльз. Қиска саволда бир дунё маъно бор эди. Мариэлла уни тушунди. Қачонлардир иккаласи бир бутун эди. Бир-бирини сўзсиз тушунишар, бир-бирларини яхши билишарди. Энди ўша бутунлик қаяккадир йўқолди. Чарльз Мариэллага эътибор бериб қаради.

Унинг эғнидаги сувсар мўйнали либослари, кимматбаҳо шляпаси ўзига ярашиб турарди. Мариэлла ҳар доим яхши кийинишни биларди. Энди эса янада назокатли хонимга айланган. Чарльз унга хавотирланиб қаради. Наҳотки ундан чўчиётган бўлса. Йўқ, Мариэлла олдин ҳам унинг юрагини кийнади. Нега ўша охириги учрашувларида Мариэлла бунчалик қайсарлик қилганини тушунолмасди.

– Мариэлла, негадир анча жиддийлашибсан? – у Мариэлланинг кўзларига барча саволларига жавоб олмоқчи бўлгандек қаттиқ тикилди. Аёл жилмайиб кўзини олиб қочди.

– Бугун жуда оғир кун бўлди... Иккаламиз учун ҳам.

Ҳақиқатан ҳам ғалати кун эди бугун. Шунча йилдан кейин яна учрашиб туришибди.

– Бутунлай қайтдингми?

Чарльз бош чайқади. Бирдан бутунлай қолгиси, у билан тинмай суҳбатлашгиси келди.

– Кўп қолмайман. Уч ҳафта олдин келгандим. Энди Испанияга қайтмоқчиман.

– Испанияга? – хайрон сўради Мариэлла. Уни Париждан бошқа шаҳарда яшай олишини тасаввур ҳам қила олмасди.

– У ерда уруш кетяпти. Ўша жойда икки йил жанг қилдим.

– Ўзим ҳам шунақа деб ўйлагандим, – зеро, Чарльз туғма жангчилигини яхши биларди.

Мариэлла ҳақ эди. Чарльз Испания жангини ўтказиб юборолмас эди. Унинг бу дунёда йўқотадиган ҳам, кутадиган ҳам нарсаси қолмаганди.

– Ўзинг-чи?

Мариэлла анчагача индамай турди, сўнг сезилар-сезилмас жавоб берди:

– Мен турмушга чиқдим.

Чарльз оғриқни сездирмаслик учун бош силкиди.

– Уни танийманми? – сўради Чарльз танимаслигига кўзи етса-да. Мариэлланинг туришидан кам деганда АҚШнинг энг бой кишиси Асторга турмушга чиққан деб ўйлади.

– Танимасанг керак, – аслида Мариэлла эри бир вақтлар Чарльзнинг отаси билан дўст бўлганини биларди. Эри ундан йигирма беш ёш катта эди. – Унинг исми Малкольм Паттерсон.

Эрининг исмини қандайдир тортиниб айтди. У бойвачча хонимлардек кийингани билан кўзларидан бахтли эмаслиги кўриниб турарди.

Чарльз бу хабардан ажабланмади, аксинча, ташвишланди.

– Таниш исм, – у Мариэлланинг кўзларига яна бир бор қарагиси келди. – Хўш, бахтлимисан? – сўради совуқкина қилиб.

Мариэлла нима деб жавоб беришни билолмай қолди. У оиласини кадрларди.

Малкольм киз қийналган ва меҳрга зор бўлган пайтлари ғамхўрлик қилишга ваъда берган ва ваъдасининг устидан чиққанди ҳам. У Мариэлланинг умидсизликка тушишига йўл қўймади. Малкольм шундай меҳрибон эдики, Мариэлла бир кун келиб эри бегонадек совуққон бўлиб қолишини тасаввур ҳам қила олмасди. Кўпинча банд бўлишига қарамасдан у ҳар томонлама яхши умршерик эди. Малкольм тарбия кўрган, ақлли, мулойим, сертакаллуф... Лекин, барибир, Чарльзнинг ўрнини боса олмасди. Унинг муносабатларида эҳтирос, оташ етишмасди. Эҳтирослар оламига ғарқ бўлиб, ўзини икки олам ўртасидаги қилқўприкда тургандек ҳис қилганида ҳам Мариэлланинг кўз ўнгида Малкольмнинг чеҳраси намоён бўлмасди... Тилида унинг номи айланмасди. Энг ёмони, иккаласи ҳам — Мариэллаю Малкольм ҳам буни яхши билишарди.

— Чарльз, мен хотиржамман, мен учун энг муҳими шу, — деди Мариэлла.

Чарльз билан эса хотиржамлик бегона... У билан бахт, эҳтирос, муҳаббат, завқ... баъзан эса ташвиш... Эҳтирос қанчалик кучли бўлса, ташвиш ҳам шунча кучли эди.

— Мен сени кўргандим... Испанияда яраланганимда... босинқираганимда... — деди Чарльз худди ўзига-ўзи гапиргандек.

«Мен эса сени ҳар тун кўраман», демокчи бўлди Мариэлла, лекин тилини тишлади, жилмайиб қўя қолди.

— Баъзан кўзга шарпалар кўриниб туради, Чарльз. Бу шарпалар шунақа оғрик берадики...

— Йўқ, у шарпа эмас. Нахотки биз шарпа бўлсак. Бор-йўғи шарпамизми...

— Балки, — деди Мариэлла ўйчан. Икки йил руҳий касаллар санаторийсида яшаб, энди даҳшат тугаганига ишончи комил бўлганда... Бўлиб ўтган воқеаларни енгиб, юрагида оғрик билан бўлса-да, яшай бошлаганида... Йўқ. Энди таваккал қилгиси йўқ, айниқса, Чарльз учун таваккал қилишдан кўрқади. Ўзини қўлга олиши керак, ортга қайтиш мумкин эмас. Албатта, уни ҳамон севади. Лекин бу туйғунинг энди аҳамияти йўқ. Мариэлла титраб унинг қўллари, юзларини силади. Чарльз ундан бўса олиш учун эгилди, Мариэлла ўзини четга олди. Лекин у аёлнинг юзидан, лабига яқин жойидан бўса олишга улгурди.

— Мен сени ссваман... ҳар доим севганман... — титраган лабларидан шу сўзлар учишга улгурди.

Мариэлла унинг кўзларидаги ўша оташни таниди. Бу шунчаки ҳавас эмас, балки ҳақиқий муҳаббат эди. Бундай ўтли эҳтирос куйдирмай қўймайди. Бир пайтлар унинг ўзи ҳам эҳтироси оловида куйиб кул бўлганди, энди ўзини яна ўтга ургиси йўқ.

– Мен ҳам сени севаман, – шивирлади Мариэлла бу гапларни айтишга ҳаққи йўқлигини билса ҳам. Лекин бу шивир ўтмишдан, бир пайтлар Андре билан бирга колган ҳаётидан садо бергандек бўлди.

– Испанияга кетишимдан олдин яна бир учрашайлик.

Тазйик ўтказиш Чарльзга хос эди. Ҳозир кизнинг ўзини айбдор ҳис қилишга ундайди. Ахир урушга кетяпман-ку, дейди. Мариэлла таниш ҳолатни эслаб жилмайди ва эътироз билдиргандек бош чайқади.

– Иложим йўқ, Чарльз. Мен турмушга чиққанман.

– Эринг мен ҳақимда биладимми?

Киз яна бош чайқади. Бу савол уни қийин аҳволга солганди.

– Йўқ, билмайди. У мени Европада вақтини хуш ўтказган ва бироз шўхликлар қилган деб ўйлайди. Отам дўстларига шундай деган. Малкольм менинг эрга текканимни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Отаси жуда пишиқ одам эди. У қизи Чарльз билан яшаганини ҳеч қачон бировга айтмади. Унинг учун оиласининг обрўси муҳим. Ичидан зил кетса ҳам, билдирмади. У оиласининг обрўси учун «қизим Европада ўқияпти» деб ҳаммани алдаган. Шунинг учун ҳам бир пайтлар Мариэлла Чарльзга турмушга чиқмокчи бўлганида, «бу катта хатодан асрашга» қаттиқ ҳаракат қилганди. Шундан буён эри бу ёлғонга ишонади.

Чарльз Мариэлла эрига ҳақиқатни айтмаганига ишонгиси келмади. Чунки бир пайтлар уларнинг ўртасида сир йўқ эди. Умуман олганда, ўн саккиз ёшда қанақа сир бўлиши мумкин. Ўттиз ёш эса, бошқа гап...

– Чарльз, эрим биз ҳақимизда ҳеч нима билмайди. Нима кераги бор?

Тўғрисиям, йигирма олти ой давомида руҳий касаллар шифохонасида ўлимини кутиб ўтказганини, томирларини қиркиб, дорилар ичиб, ўзини ваннада чўктиришга уриниб, ўлимини чакириб ётганини айтиб бўлармиди? Чарльз буларни биларди, чунки санаторий ҳисобини ўзи тўлаган.

– Бугун мени учратганингни унга айтасанми?

Чарльзга унинг ҳаёти, уларнинг ҳаёти кизик эди. Қанақа оила бўлди бу, бир-бирининг ўтмишини билмаса. Бир-бирини севишармикан ўзи?

Шунча йил ўтгандан кейин Мариэлла осонгина сени севаман деди. Чарльз бунга шубҳа қилмади.

– Унга сени кўрганимни қандай айтаман, у сени танимаса. Бир пайтлар ҳаётимда бўлганингни ҳам билмайди-ку, – Мариэлла бу гапларни хотиржам айтди. Унинг ҳиссиз гапириши Чарльзни ҳайрон қолдирди.

– Уни севасанми? – бунга ишонмаса-да, яна бир бор тасдиқлатгиси келди.

– Албатта, ахир у менинг эрим.

Тўғриси, уни ҳурмат қиларди. Эрини ҳеч қачон Чарльзни севгандек севмаган. Қолаверса, энди унга муҳаббатнинг кераги ҳам йўқ. Муҳаббат азобдан бошқа нарса бермайди.

Мариэлла бир соатига, бир Чарльзга қаради.

– Мен кетишим керак.

– Нега? Агар уйингга бормай, мен билан қолсанг нима бўлади?

– Ўзгармабсан. Ҳамон Парижда юрган пайтимиздагидек, ота-онамдан воз кечишга ундаган пайтингдагидексан...

– У пайтлар сени кўндириш осонроқ эди, – кулди Чарльз ҳам.

– У пайтлар ҳамма нарса осон туюларди, ёш эдик...

– Сен қаримайсан.

Мариэлла пўстинининг ёқасини маҳкамрок тортиб, эшикка қараб йўналди.

– Кетгунимча сен билан яна учрашсам дейман.

– Бунинг иложи йўқ, Чарльз, – хўрсинди қиз.

– Агар рози бўлмасанг, ўзим уйингга бостириб бориб, эшигингни тақиллатаман.

– Шундай қилишингга ишонаман, – кулиб юборди қиз.

Бугун қайғули кунлиги, шу қайғу иккаласини ҳам ибодатхонага етаклагани эсидан чиққандек бўлди.

– Кейин эрингга нима гаплигини узок тушунтиришингга тўғри келади.

Буни ўйлагани заҳоти Мариэлланинг бошига оғрик кирди.

– Менинг қаердалигимни биласан, отамникидаман. Қўнғирок қилмасанг ўзим қиламан, – деди Чарльз.

Орадан етти йил ўтган бўлса-да, у яна таҳдид қиляпти. Лекин ҳамон ўзгармаган, ўша-ўша чиройли.

– Қўнғирок қилмасам-чи?

– Унда ўзим сени топаман.

– Мен бундай қилишингни хоҳламайман. – Бу гал кулмасдан, жиддий гапирди қиз.

– Ўлсам ҳам ишонмайман хоҳламаслигингга. Биз шунчаки ажрашиб кетолмаймиз... Кечир, Мариэлла, шунчаки кетишингга йўл қўя олмайман... Қўймайман ҳам.

– Биладан, – қиз шундай дея унинг қўлларидан тутди ва улар ибодатхонадан чиқишди.

Худди шу пайт Малкольмнинг ҳайдовчиси ҳам ён томондаги эшикка томон юрди. У ибодатхонада уларни кузатиб, суҳбатларини бошидан-охиригача эшитганди. Бугун унга эрмак топилди. Лекин бу янгиликдан унчалик хайрон бўлмади. Малкольм ўз ҳаёллари билан яшайдиган одам, хотини эса ёш ва чиройли жувон. Чиройли-ю, нимадандир қўрқади, буни ҳайдовчи сезарди. Айниқса, эридан ўлгудек қўрқшини биларди. Ҳайдовчи ўйланиб қолди, кўрганларини биринчи бўлиб соҳибига айтсинми ёки хонимнинг ўзигами?

Чарльз ва Мариэлла бир-бирининг пинжигга тикилганча зинадан тушишди.

– Агар учрашишни хоҳламасанг, мажбур қилмайман. Фақат кетишимдан олдин яна бир бор сени кўрсам эди...

– Нега?– унинг кўзларига тикилиб жиддий сўради Маризэлла.

– Негаки... сени ҳамон севаман.

Қиз кўзларидаги ёшни кўрсатмаслик учун ўтирилди. Ўша азобларнинг тақдорланишига тоқати йўқ.

– Мен сенга қўнғирок қила олмайман...

– Қиласан. Хоҳласанг бўлгани. Нима хоҳласанг шуни қил, барибир, мен... – Чарльз ибодатхонага қайрилиб қаради ва бу ерга нега келганларини эслади. Кейин аёлга қаради.

– Сенга қийин бўлса керак...

– Ҳа, ҳамон қийин. Ҳали ҳам ҳеч нарса ўзгармаган, азоблар ўша-ўша... – бугун билиб турибди: азоблар ўзи билан бирга ўлади. Шу оғрик билан умрининг охиригача яшайди энди, ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди.

– Мени кечир... – Чарльз пўстинига маҳкамроқ ўралиб, орқага тисарилди. Кета туриб, яна бир бор қаттиқ тикилиб қаради-ю, хайрлашмасдан Бешинчи авеню бўйлаб юриб кетди. Хайрлашолмади.

Маризэлла унинг ортидан қараб қолди. Ҳайдовчи бу пайтда машина эшигини очиб турарди. Машина уйи томон елиб боряпти-ю, у аллақачон ҳаётидан чиқиб кетган Чарльз ва қайтиб келмайдиган Андре ҳақида ўйларди...

II ҚИСМ

Малкольм Паттерсоннинг хайдовчиси Патрик ибодатхонадан уйгача Бешинчи авенюдан юрди, лекин Маризэлла йўлда Чарльзни кўрмади. Автомобиль олти йилдан буён яшаётган уйига етиб келди. Уйлари Мэдисон-авеню ва Бешинчи авеню ўртасида жойлашган бўлиб, жуда чиройли қурилганди. Лекин Маризэлла учун бу уй ҳамон бегона эди. Уйнинг якка ҳукмдори Малкольм ҳисобланарди. Яхши жиҳозланган уйнинг, хизматкорларининг ёши ҳам бир жойга бориб қолганди. Малкольм уйига худди ота-онасидан қолган азиз ёдгорликдек қарарди. Ҳар қадамда ота-онасини эслатувчи табаррук нарсалар. Бу уйда камдан-кам ҳолдагина ўзгариш қилинарди. Баъзан Маризэлла ўзини музей экспонатидек ҳис қиларди. Худди шкафга қўйилган чиройли, лекин ҳеч ким тегиниши мумкин бўлмаган қўғирчоқдек. Хизматкорлар унга ҳурмат билан муносабатда бўлишар, лекин ҳар қадамда унга эмас, эрига хизмат қилаётганларини эслатиб туришарди. Олти йилдан буён бирга яшаётган бўлса-да, Маризэлла уларни яхши билмасди. Чунки Малкольм хизматкорлар билан масофа саклашни талаб қиларди. Уйда ҳамма фақат Малкольмнинг буйруғига бўйсунарди, Маризэлланинг гапини эса... ҳеч ким назарига ҳам илмасди. Хизматкорларнинг бари Ирландия, Англия ва Германиядан ёлланган бўлиб, айниқса, немисларга Малкольмнинг ишқи

баланд эди. Ёшлигида Гейдельбергск университетида ўқигани учун немис тилини яхши биларди. Мариэлла хизматкорлар уни нега бекадек қабул қилмасликларини яхши биларди. Чунки бир пайтлар ўзи ҳам Малкольмнинг қўлида ишлаган. 1932 йилда Европадан қайтгач, иш топа олмаганди. Олдин ишламаган, ота-онасидан эса ҳеч нима қолмаганди. Отаси йигирма тўққизинчи йили умумий инқироз даврида синган ва бундан қаттиқ тушкунликка тушиб, шу билан ўнгланмади. Ҳаммасини бошқатдан бошлаш учун эса кексалик қиларди. Руҳи синмасдан олдин жон таслим қилди. Ҳеч нимасиз қолган онаси ҳам ярим йил ўтмай бу дунёни тарк этди. У пайтда Мариэлла ҳали Европада бўлиб, Чарльз уни қарзлардан қутқариш учун уй олди-сотдиси билан шуғуллана бошлаганди. Мариэлла бетоб бўлиб, ўзи ҳақида қайғуролмасди.

Нью-Йоркка келганида эса ҳеч нимаси йўқ эди. У Ист-Сайд меҳмонхонасида тўхтаб, дарҳол иш излашга киришганди. Чўнтагида Чарльздан қарзга олган икки минг доллари... Кўпроқ олишни ўзи хоҳламаган. Ўша пайтлар бу дунёда суянадиган ҳеч кими йўқ эди. Малкольм чин маънода унинг халоскори бўлди. Ўша кунлар учун ҳам ундан миннатдор. Бир умр бу яхшилигини унутолмайди. Эсида, февралнинг совуқ кунларининг бирида унга рўпара бўлган. Малкольмнинг табассуми унга қоронғиликни ёриб ўтган куёш нуриддек туюлган. Мариэлла Малкольмнинг ёнига отасининг дўсти бўлгани учун маслаҳат сўраб, балки француз тилини биладиган шерик керакдир, деган умидда келганди. Аслида, у расм чизиш ва француз тилидан бошқа нарсани билмасди. Котибалик учун керак бўлган билими ҳам йўқ эди. Лекин Малкольм у билан суҳбатлашгач, дарҳол ишга қабул қилди. Ҳатто, киз учун меҳмонхона ҳисобларини ҳам ўзи тўлади. Мариэлла кейинчалик унинг пулларини қайтаришни ўйлади, лекин Малкольм буни эшитишни ҳам хоҳламади. Малкольм унинг мушкул аҳволга тушиб қолганини билиб, ёрдам қўлини чўзганди.

Мариэлла ишни тезда ўрганди ва котиба ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади. Катта котиба англиялик хонимни Мариэлла унчалик ёқтирмаса-да, лекин хушмуомалалик билан муносабатда бўларди. Кўп ўтмай Малкольм Мариэллани бирга овқатланишга таклиф қилишни бошлади. Вакти-вақти билан аслзодалар тадбирларига ҳам бирга чиқа бошлашди. Ҳар сафар унга янги қўйлак харид қилишни мулойимлик билан, кўнглига тегмайдиган қилиб таклиф қиларди. Аввалига Мариэлла тортиниб турди, унга яқин бўлишни хоҳламасди. Лекин... Малкольм одоб билан муомала қилар, киздан ўтмишини сўрамас, нега олти йил Европада йўқ бўлиб кетганию нега бирдан қайтиб келгани билан ҳам қизиқмасди. Улар фақат бугунги кун ҳақида гаплашишарди, ўтмиш ҳақида эса оғиз очишмасди. Унинг одоб билан ўзини тутиши кизни ўзига оғдирди... Малкольмга эса жамоат жойларида чиройли ва

яхши кийинган киз билан кўриниш ёкарди. Айникса, кийимларини ўзи танлаб берган, чизган чизигидан чикмайдиган киз билан... Маризэлла ҳам Малкольмнинг ёнида ўзини хотиржам ҳис қила бошлади...

Энди олдинги Маризэлладан асар ҳам колмаган бўлса-да, бу ўзгаришлар унга яшаш учун куч берганди. Асосийси, ундан ўтмишини ҳеч ким сўрамас, Малкольм уни бошқаларга таништирганда фақат исмини айтарди. Албатта, унинг танишлари бу кизнинг асли кимлигию ўтмишини билишга кизиқишарди. Лекин доим маъюс юрадиган бу кизни саволга тутишга журъат эта олишмасди. Бир кун кутилмаганда Малкольм кизга турмуш қуришни таклиф қилди. Токи ҳаёт экан, ҳимоя ва ғамхўрлик қилишга ваъда берди. Негадир бир умр севишга эмас, балки ҳақиқий жентельмен каби ўз ҳимоясига олишга... Маризэллага ҳам бундан ортиғи керак эмас эди. Чунки у яна хато қилишдан қўрқарди.

Киз ўтмишида кора кунлари кўп бўлганини гапириб бермоқчи бўлди. Лекин Малкольм гапини бўлди:

– Ҳамманинг ҳам ўзига яраша ўтмиши бор, азизам. Йигирма тўрт ёшда канака дахшатли ўтмиш бўлиши мумкин...

Маризэллани бойлик ҳам, обрў ҳам қизиқтирмасди. Унга хотиржамлик бўлса кифоя. «Хайрихоҳ»лар Малкольм олдинги хотинларига хаддан ортик сахийлик қилганини кизга дарҳол етказишди. Малкольм бу ёшгина кизнинг бошидан нималар ўтганини тасаввур ҳам қила олмасди. Унинг фақат битта талаби бор эди. У ҳам бўлса, меросхўр! Малкольм бошқа никоҳларидан фарзандли бўлолмаган.

Қирк тўққиз ёшга кирганида Паттерсонлар давлатининг узок кутилган меросхўри дунёга келди. Аслзодалар гуруҳида Паттерсон фамилияси жуда улуғланарди.

Аввалига Маризэлла Малкольмнинг талабини тушунмади, устимдан куляпти деб ўйлади.

– Мен... сизга нима деб жавоб беришни ҳам билмайман... Жиддий гапир-япсизми?

Малкольм жавоб ўрнига жилмайиб қизнинг кўлидан тутди. Унинг ёш боладек довдираши ёкарди Малкольмга. У кизнинг бармоқларига лабини босди ва:

– Албатта жиддий, Маризэлла, – деди.

Маризэлланинг назарида шу туришида Малкольм куёвга эмас, меҳрибон отага ўхшаб кетарди.

– Рафикам бўлинг, сизга ғамхўр бўлишга сўз бераман. Агар тақдир фарзанд ато этса, сиздан умримнинг охиригача миннатдор бўламан.

Маризэлла хайрон бўлди, чунки бу изхордан кўра меҳнат шартномасига ўхшаб кетарди. Малкольмга фарзанд керак, унга эса ҳимоя! Лекин у қизга севаман демади, аслида кизнинг ҳам унга кўнгли йўқ.

Чарльз билан ҳаммаси бошқача бўлганди...

Қиз факат бир нарсадан, яна бир бор фарзанд кўришдан кўркарди... Лекин бунни айта олмасди.

– Агар фарзандли бўлолмасак-чи? – сўради у хавотирланиб.

Бу саволдан кейин Малкольм сергак тортди, севгилисининг ҳаётидан умуман беҳабарлигини ҳис қилди. Ёш қизнинг ҳаётида қандай сир бўлиши мумкин, ўйлади у.

– Унда дўст бўлиб қоламиз, – жилмайганча хотиржам жавоб берди Малкольм. Қиз хайрон бўлди. Атрофда унга турмушга чиқиш учун ҳамма нарсага тайёр чиройли хонимлар тўла турганда, нега энди Малкольм уни танлади.

– Нега айнан мен? Атроф тўла... – у гапини тугатмай қизариб кетди. Қизнинг на пули, на жамиятда ўрни бор эди. Албатта, ота-онаси обрўли одамлар эди. Лекин улардан ҳеч нима қолмаган. Айнан шу Малкольмни ўзига тортганди. Келиннинг танишлари, қариндошлари йўқ. Демак, мажбуриятлар ҳам йўқ. Тўйдан кейин келин факат унга тегишли бўлади. Малкольмга айнан шу ёқарди. У мулкка – ноёб буюмлар, картиналар, машиналар, уйларга эгалик қилишни яхши кўрарди. Энди Маризелла ҳам унинг шахсий мулкига айланади. Агар меросхўр туғиб берса, бебаҳо мулкка айланади. Қолаверса, қиз камтар, ортикча инжиклик ҳам қилмайди. Муносиб умр йўлдош бўла олади. Бундан ортик нима керак?

– Назаримда, сизга севаман дейишим керак шекилли... Лекин, ўйлашимча, бу иккаламиз учун ҳам муҳим эмас. – Мени яхши ўрганибди, – ҳаёлидан ўтди қизнинг. – Ҳозир бу гапларга ҳожат йўқ назаримда. Кейинчалик бир-биримизни севиб қоламиз, шундай эмасми?

Қиз унинг гапини маъкуллаб бош силкиди.

– Хўш, жавобингиз қанақа? – Малкольм қизнинг рози бўлишига ишончи комил эди.

Қиз бир лахза иккиланди, лекин бу ҳолат тезда ўтиб кетди.

– Мен... – у қўрқа-писа унга қараб олди. – Сиз жиддий гапираётганингизга...

Қиз ўзидан кўра ундан кўркарди. Эртага кўнглини топа олмаса-чи? Яшаб кетолмаса-чи...

Ўтган йил жуда серташвиш кечганди. АҚШга қайтганига энди икки ҳафта бўлганда, барча газеталар машҳур учувчи Линдбергнинг ўғли ўғирлангани ҳақида жар сола бошлашди. Бу хабар Маризеллани ярасини янгилаб, юрагини ларзага солди. Май ойида эса бола ўлдирилгани ҳақидаги хабар тарқалди... Маризеллани яна дахшатли ҳаёллар таъкиб қила бошлади. Ўшанда тўшакдан туролмай ётиб қолди. Ҳаммага грипп бўлдим деб баҳона қилди. Аслида эса... Ўзига келавермагач, Швейцарияга, даволовчи шифокорига кўнғирок қилди. Шифокор уни зўрға тинчлантирди. Лекин «Малкольм билиб қолса нима бўлади», деган хавотир уни тинч қўймасди...

– Сизга... Нима дейишни ҳам... – Маризэлла кўз ёшларини яшириш учун ерга қаради.

Малкольм уни гапиргани қўймади.

– Илтимос, йўқ деманг. Мен сиз учун истаган нарсангизни мухайё қилишга тайёрман.

У факат шу охангда гапиришни биларди! Қиз унга қараб гамгин жилмайдди.

– Менга ҳеч ниманинг кераги йўқ. Факат... марҳаматли бўлсангиз бўлди. Ҳар доимгидек марҳаматли... бунинг учун сиздан бир умр миннатдор бўламан. Бунга арзимасам ҳам...

– Бекор гап, сиз бундан ортигига ҳам арзийсиз. Ўзингизга мос, беҳад севадиган, ёш, чиройли умр йўлдошга муносибсиз... Сизга эса мендек қария тақдир этипти... Балки қариганимда аравачада судраб юришингизга тўғри келар, ўшанда сиз эндигина кирк ёшда бўласиз...

Маризэлла унинг гапидан кулиб юборди. Чунки Малкольмни заиф, мункиллаган ҳолда тасаввур қилиш қийин эди.

– Хўш, сизни қандай келажак кутаётганини айтдим. Энди таклифимни қабул қиласизми?

Кўзлар тўкнашди, қиз сезилар-сезилмас бош силкиди. Кўзлари яна ёшга тўлди. Қиз унга яхши муносабатда бўлишни, яхшиликларини ортиғи билан қайтаришни хоҳларди... Лекин бунинг иложи йўқ эди. Шунда ҳам у ўзига-ўзи ҳеч қачон уни ташвишга қўймасликка сўз берди.

Никоҳ маросимида кўп одам иштирок этмади. Улар янги йилнинг биринчи кунини никоҳдан ўтишди. Маросимдан кейин Малкольмнинг эски судья кадрдони уларникига келди. Тантанага бешта дўсти таклиф этилганди. Маризэлланинг эса Нью-Йоркда дўстлари йўқ эди. Факат бирга ишлайдиган аёллар. Энди улар унга дўст бўлолмас эди. Яхшилик билан тутаган Золушка эртаги уларни бир-биридан узоқлаштирганди. Уларнинг ҳар бири ўзларига ҳам Маризэллада бўлгани каби омади кулиб боқишини кутишарди. Фарқи, Маризэлла учун ҳимоя муҳим бўлса, улар учун Малкольмнинг пуллари керак эди.

Тўй учун сарғиш атласдан қўйлак ва шляпа буюртирилди. Бу ранг кизнинг кўнғир сочларига жуда мос тушди. Ҳаворанг кўзлари қувонч ва ҳаяжондан порлаб турарди. Судья уларни эр-хотин деб эълон қилганда эса ҳаяжонланганидан йиғлаб юборди. Кейин кун бўйи Малкольмнинг ёнидан жилмади. Узоқлашса, худди ёвуз руҳлар уларни ажратиб юборадигандек.

Асал ойини Кариб оролидаги кичик оролчада ўтказишди. Орол Малкольмнинг дўстларидан бирининг шахсий мулки эди. Оролда ҳашаматли уй, яхта ва каттикқўллик билан ўргатилган хизматчилар гуруҳи бўлиб, у ерда ёшлар учун барча шароитлар мавжуд эди. Маризэлла кундан-кунга эрига боғланиб бораётганини ҳис қиларди. Унинг эътиборидан сархуш юрарди. Малкольм фарзанд кўришни астойдил хоҳларди-ю, лекин туйғуларини ошкор этмасди.

Бир ой давомида Малкольм кизни ўрганди. Ёкишга ҳаракат қилди. Малкольмнинг оилавий ҳаётда тажрибаси бўлса-да, ўрталаридаги муносабатда нимадир етишмасди...

Оролда уч ой яшагач, Нью-Йоркка қайтишди. Маризелла биринчи марта унинг уйига енгил қадамлар билан кириб келди. Келди-ю, фақат унинг амрига бўйсунити кераклигини тушунди. Унинг уйида яшайди, унинг дўстлари билан гаплашади, унинг истакларини бажаради... Барча хизматкорлар унга бойлик ортидан қувган ва омади чопган кизга карагандек қарар, чакирилмаган меҳмонга мурожаат қилгандек гапирарди. Улар киз яқингинада котибанинг ёрдамчиси бўлганини билишар ва ҳасад қилишарди. Унинг топшириқлари бажарилмас, буйруқларидан кулишар, шахсий буюмлари тўсатдан йўқолиб қоларди. Қиз Малкольмга шикоят қилганда эса, шикояти безътибор қолди. Бундан баттар хуноби ошди. «Одамларимга кўникишлари учун вақт бер. Кейин улар ҳам худди мен каби сени яхши кўриб қолишади», деди.

Нью-Йоркка қайтгач, Малкольм бутунлай ишга берилиб кетди. Умри ишхонасида ўтар, Маризелла эса бутунлай ёлғизланиб қолди. Улар фақат тадбирларда бирга намоён бўлишар, лекин бир бутун эмас эдилар. Ҳатто, ётоқхоналари ҳам алоҳида эди. Бу вазиятни Малкольм кечгача ишлаши, Европага тез-тез кўнғирок қилиши ва шу сабаб ёлғиз бўлиши кераклиги каби аллақандай баҳоналар билан оқлади. Қолаверса, Маризелланинг уйқусини бузишни хоҳламаслигини айтди. Маризелла иш кабинетини ётоқхона ёнидаги катта хонага кўчиришни таклиф қилганда, бу таклифи қатъиян рад этилди. Чунки Малкольм ўзгаришларни ёқтирмасди. Худди шундай бўлди ҳам. Малкольмнинг ҳаёт тарзида уйланганидан кейин ҳам ҳеч нарса ўзгармади, фақат тадбирларга бирга чиқишларини ҳисобга олмаганда. Эрининг меҳрибончиликларига қарамасдан Маризелла ўзини унинг фирмасининг бир қисми деб ҳисоблай бошлади.

Энди унинг мунтазам даромади бор эди. Ҳар ойнинг бошида ҳисоб рақамларига маблағ тушарди. Эри пулни хоҳлаганидек сарфлашга руҳсат берган... лекин хизматкорлар фақат Малкольмнинг буйруғига бўйсунарди. Малкольм сафарларга котибасини олиб юрарди. Олдин бунақа сафарларга Маризелла борарди... Маризелла эндиликда эри билан саёҳатларга бирга борадиган янги немис котибани аввалига ёқтирмади. Кейин эса... Бу ёқимтой кизнинг исми Бригитта бўлиб, унинг ота-онаси Берлинда яшашарди. Котиба киз Маризеллага ҳурмат билан муносабатда бўларди. Сочлари кулранг тусдаги бу киз яхши тарбия кўрган ва ўз ишини яхши биларди. Икки ёш аёл кўп ўтмай тил топишиб олишди. Энди офисдагилар Бригиттага ҳасад билан қарай бошлашди. Маризелла офисга бирор иш билан мурожаат этса, Бригитта шу заҳоти битириб беришга ҳаракат қиларди. Маризелланинг ҳомиладорлиги маълум бўлгач, Бригитта унга тез-тез чиройли совғалар юбориб турадиган бўлди. Ҳатто, болага атаб икки-

та кофта ва одеял тўқиганида Малкольм қаттиқ таъсирланди. Бирок унинг ўзи Бригиттага унчалик эътибор бермасди. Унинг бошқа ташвишлари – бизнеси, сафарлари, хотини ва энди боласи бор эди.

Мариэлла тезда ҳомиладор бўлишига ишонганди. Лекин орадан ойлар ўтса ҳам, ҳеч ўзгариш сезилмади. Ярим йил ўтгач, Малкольм хотинидан машхур гинекологга учрашишни талаб қилди. Шахсан ўзи хотинини Бостонга олиб бориб, мутахассислар кўлига топширди. Назоратдан сўнг шифокорлар Мариэлланинг ҳеч қандай муаммоси йўқлигини, умидни узмасликни айтишди. Шифокор берган баъзи маслаҳатлардан Мариэлла уялиб кизариб кетди, лекин Малкольм маслаҳатларга амал қилишга қаттиқ қарор қилди. Яна олти ҳафта ўтди, лекин шифокорларнинг маслаҳати ҳам самара бермади... Эр-хотин яна безовталаниб қолишди.

Ҳомиладор бўлишни интизорлик билан кутган Мариэлла вақт ўтган сайин тушқунликка тушиб борарди. Кўп асбийлашганидан бош оғриғи яна кўзгади. Шундан кейин шахсий шифокори билан маслаҳатлашишга мажбур бўлди. Шифокордан ҳам тайинли гап чикмади. Шифокор секингина, кўнглига тегмайдиган тарзда баъзи аёллар оналик учун яратилмаганига шама қилди. Бундай воқеага кўп бор дуч келганини, ёш ва соғлом аёллар ҳеч қандай жиддий касаллиги бўлмаса-да, шифокорларнинг барча айтганини бажариб ҳам ҳомиладор бўла олмаганини айтди.

– Бунга ҳеч ким айбдор эмас, лекин... Худонинг ўзи хоҳламайди буни... шунақаси ҳам бўлади, – деди у гапини охирида секингина.

– Фақат менда эмас, – деди Мариэлла шифокорнинг кўзларига тик қарамай. У эрига ўтмишини айтмаган, лекин энди ҳам айтиш нияти йўқ эди.

– Илгари ҳомиладор бўлганмисиз?.. – сўради шифокор. Тажрибали шифокор учун бу саволга жавобнинг керағи йўқ эди. Чунки текширувлар шубҳага ўрин қолдирмаган. Агар аёл жон-жаҳди билан сирини яширишга уринар экан, шифокорнинг ҳам уни ошкор этишга мажбурлашга ҳаққи йўқ. Мариэлла муаммолари ҳақида гапиришга мажбур эди. Негадир шу одамга ишониш мумкиндек туюлди унга. Кекса шифокор Мариэлланинг таниши бўлиб, Малкольм билан алоқаси йўқ эди.

– Ҳа, – деди секингина Мариэлла.

– Аборт қилдирганмисиз?

Ташхис қўйиш учун муҳим савол эди бу.

– Йўқ.

– Тушунарли... – шифокор ачингандек бош силкиди. – Фарзандингиздан айрилиб қолгансиз.

– Йўқ, – деди у ва овози титраб кетди. – Аниқроғи, кейинроқ айрилиб қолганман...

– Афсусдаман, ишонинг...

Мариэлла кўрган-кечирганларини шифокорга гапириб берар экан, йиғлаб юборди. Тинчланиб, қабулдан чиккач эса ўзини анча енгил хис килди. Айниқса, шифокор «Хавотирланманг, сиз фарзандли бўласиз» дегач, анча енгил тортиди.

У ҳақ бўлиб чикди. Орадан икки ой ўтгач, Мариэлла ҳомиладор эканлигини хис килди. Хавотирга тушганидан Малкольмга ажрашишни таклиф қилмоқчи бўлиб юрганди. Чунки унинг орзусини амалга оширишга, меросхўр тухфа этишга ожиз деб ҳисоблаганди ўзини. Мана, қувончдан ял-ял ёнган Малкольм қаршисида ўтирибди. Ота бўлишини билгани заҳоти, у Мариэллани қимматбаҳо совға-саломларга кўмиб ташлади. Овқатлангани ҳам тўғри уйга келадиган бўлди. У хотинига худди нодир олмосдек авайлаб муомала қилар, туғилажак фарзандининг келажаги учун режалар тузарди. Ўғил бўлишига ишончи қомил бўлса-да, лекин кизалокка ҳам қаршилиги йўқ эди.

– Қизалок бўлса ҳам майли, кейингиси, албатта, ўғил бўлади, – дерди у.

Мариэлла ҳам хурсанд, худди кундан-кунга яшариб кетаётгандек, қайта туғилгандек хис қиларди ўзини. Ҳаётида пайдо бўлган бўшлиқни фақат фарзанд тўлдиришини у яхши биларди. Албатта, Андрени қайтариб бўлмайди, лекин... Ким туғилишидан қатъи назар, у қувонч билан қарши олишга тайёр эди.

Малкольм хизматкорларга Мариэллани эҳтиёт қилишни, барча айтганларини бажаришни, унинг тўғри овқатланиши, дам олишини қаттиқ назорат қилишни тайинлади. Хизматкорлар эса унинг ҳомиладорлигини Малкольм каби қувонч билан қарши олишмади. Аксинча, унинг кўнглини хира қилиш учун баҳона қидиришарди. Айниқса, экономка. У Малкольмнинг аввалги икки хотинига ҳам хизмат қилган, шу сабаб Мариэллага чакирилмаган меҳмондек муносабатда бўларди, ёқтирмасди. Фарзанд кўриш эҳтимоли Мариэлланинг уйдаги ўрнини мустаҳкамлар, бу эса душманларига ёқмасди. Хизматкорларнинг барчасига, ҳатто ошпаз хотинга ҳам унинг айтганларини бажариш малол келарди. Унинг тез-тез боши оғриб туришини инжиқликка йўйишар ва ўрнини топиб, чакиб олишга уринишарди. Ҳатто, Малкольм бўлажак фарзанди учун ёллаган энага ҳам Мариэллага худди паст табакага қарагандек муносабатда бўларди. Истарасиз инглиз аёлининг юраги ҳам ҳиссиздек эди. Малкольм уни хориждаги сафарларининг биридан топиб келганди. Бу аёлнинг кўринишига қараб, гўдакка яхши муомала қилишига ишониш қийин эди. Уни кўриб, Мариэлла даҳшатга тушди.

– Малкольм, у камоқхона назоратчисига ўхшайди. Унга болани қандай ишониб топшириш мумкин? – сўради у эрига хавотирланиб. Андрега ўзи қарагани ёдига тушди. – Болага ўзим қарашим ҳам мумкин...

Унга жавобан эри қулиб қўйди.

– Бола туғилганда сен ҳолсиз бўласан, дам олишинг, куч йиғишинг керак. Гриффин хоним эса барча вазифани эплайди. Унинг тавсияномаси яхши,

болалар шифохонасида ишлаган. Бизга худди шунақа энага керак. Сен хали болага караш нималигини билмайсан, сен ўйлагандек осон иш эмас бу.

У болага карашни билишини айтолмасди. Ўн саккиз ёшида кўрган боласига ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзи қараганини қандай ҳам айтсин.

Гриффин хоним ишни Мариэлланинг бош оғриғи – заифликдан, деб таъкидлашдан бошлади. Худди, бош оғриғи уят ишдек. Мариэлла бундай пайтлар ёлғиз қолишни ва қоронғи хонага кириб ўтиришни хоҳларди. Унинг бошига оғрик киришига минглаб сабаблар топиларди: Малкольм билан тортишиш, оксочнинг қўполлиғи, ёғли овқат, чарчок, инфекция... Бош оғриғи у учун ҳақиқатан ҳам азоб эди. Ҳар сафар бош оғриғи тутганда хижолат бўлар, худди Гриффин хоним айтгандек, инжиклик деб ўйлашмасин дея кечирим сўрарди...

Хизматкорлардан фақат бир киши – кекса эшикоғаси Хейверфорд унга яхши муомала қиларди. У жуда хушмуомала эди. Мариэллага у билан суҳбатлашиш ёқарди. Гриффин хоним эса биринчи кунданок Малкольмнинг ишончига киришга ҳаракат қилди. Инглиз хоним Мариэллага худди бола ишлаб чиқарадиган қурилмага қарагандек қарай бошлади. Натижада, Мариэлла энагадан кўриб қолди. У ҳозир ёнида ишончли, уни яхши кўрадиган одамлар бўлишини хоҳларди. У беихтиёр Андре туғилишидан олдинги ҳолатини эсладди, Чарльз доим ёнида бўларди... Шулар эсига тушса, у тўйиб-тўйиб йиглаб оларди. Бу эса эрининг эътиборидан четда қолмасди.

– Сен ҳозир жуда таъсирчансан, ҳамма гапни юрагингга яқин олаверма, – Малкольм уни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Гриффин хоним билан гаплашиб кўргач эса, Мариэлланинг хуши ўзида эмас, деган хулосага келди. Айниқса, Мариэлла офисга келиб Бригитта билан учрашган куни каттиқ асабийлашди. У эрининг котибасига нисбатан икки баробар семиз ва ўта хунук кўринганидан хафа бўлиб кетди. Шундан кейин уч кун кетма-кет Малкольм билан тadbирларга бирга боришдан бош тортди. Эри жуда сабрли бўлиб, уни тушунишга ҳаракат қиларди.

Ҳомиладорликнинг сўнгги кунларида хотинининг кўриниши яхши эмаслигини билар, унга қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Малкольмга Гриффин хоним бир хил аёллар туғурук азобидан каттиқ кўркишини тушунтирганди. Шундан кейин эри Мариэлла шундан кўрқяпти, деган хулосага келди.

Мариэлла фарзанди уйда дунёга келишини хоҳларди. Малкольм эса туғурукхонада дунёга келишини талаб қилиб туриб олди. Агар бирор ёрдам керак бўлса, у ерда барча шароитлар борлигини айтди. Мариэлла боласини ўғирлашлари ёки алмаштириб қўйишларидан хавотирда эканини эрига айтганда, Малкольм унинг бу гапларини асабийлашишга йўйди.

Мариэлла учун оғир кунлар бошланганди, ундаги кўрқувнинг асл сабабини ҳеч ким билмасди. Фақат даволовчи шифокор бу сафар ҳаммаси бошқача бўлишини таъкидлаб, уни тинчлантирарди. Туғурук арафасида

Паттерсонлар уйда эди. Дард бошлангач, Мариэлла бироз сабр қилиб, кейин эрининг ёнига тушди. Шошиб қолган эри ҳаммани оёққа турғизди. Патрик уларни туғуруқхонага олиб кетди. У ерда эри ёнидан бир қадам ҳам жилмади. Оғрик қолдирадиган дорилар таъсирида ҳуши ўзида бўлмаган Мариэлла алахлай бошлади. У Малкольмга қараб, Парижда ҳаммаси бошқача бўлганини таъкидларди. Шифокор билан Малкольм бир-бирларига маъноли қараб олишди.

– Ҳаммаси яхши бўлади, хавотир олманг, бу оғрик зўридан алахлаш, – деди шифокор.

Қувончи ичига сиғмаган Малкольм хотини учун иккита алоҳида палата буюртирди.

Соат тонгги тўртдан йигирма уч дақиқа ўтганда узок қутилган Теодор Уитмен Паттерсон дунёга келди! Мариэлла уни илк бор туман ортидан кўргандек бўлди. Шифокор болани одеялга ўраб, унга узатди. Юзлари пушти, сочлари малла рангдаги гўдак онасига ҳайрон бўлгандек тикилиб турди-да, кейин бор овозда чинкириб йиғлай бошлади. Атрофдагилар кулиб юборишди, Мариэлланинг қувонч ёшлари юзини ювди. Худди болагинаси қайтиб келгандек... Андре худди шунга ўхшарди. Аниқ эсида, ўша пуштиранг юзлар... фақат сочлари Чарльзники каби қоп-қора эди. Бу Андре эмас, лекин унга шунчалар ўхшардики... Мариэлла гўдагини бағрига босаркан, юрагидаги эски яраси оғрик берганини хис қилди... Шу билан бирга, бахт туйғуси ҳам қалбини тўлдирди. Болани отасига кўрсатиш учун олиб кетишди.

Эрталаб уни яна палатага келтиришди. Охирги йиллар ичида Мариэлла биринчи марта ўзини бахтли хис қилди. Имзоланмаган битимга кўра, Малкольмнинг орзуларини амалга оширгани учун фахрланарди.

Уйқусизликдан чарчаган, лекин бахтдан сармаст Малкольм унинг юзидан ўпди.

– Уни кўрдингми? – сўради Мариэлла эридан.

– Кўрдим, – Малкольмнинг ҳам кўзларига ёш тўлди. Бу кунни узок қутганди. – Худди сенга ўхшайди.

– Йўк, менга ўхшамайди... – Мариэлла тилини тишлади, Андрега ўхшайди деган гап оғзидан чиқиб кетишига бир баҳя қолди. – Қани у, ҳали олиб келишмадимми?

Тўсатдан юрагини кўркув чулғаб, ҳамширага қаради.

– Ҳозир ухляпти, кейинроқ олиб келишади.

– Ёнимда бўлишини хоҳлайман, – безовталаниб эрига қаради.

– Хавотирланма, – қўлларидан тутди эри.

Энди ундан кўз узмайди, ёнидан бир қадам ҳам силжитмайди. Аввалги воқеа қайтарилишига йўл қўймайди. Малкольм унга шампан виноси солинган бокал узатди. Мариэлла кўнглидаги ғалаёни сездирмаслик учун ўзини

ичаётгандек килиб кўрсатди. Бироздан кейин ҳаммаси ўтиб кетди. Кейин унга ўглини олиб келишди. Мариэлла секингина унга кўкрагини тутди. Шу бир лахзада барча кийинчиликлари унут бўлгандек бўлди. Гўёки ҳеч қандай фо-жаи, айрилиқ азоби бўлмагандек... У дунёда ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган оналик бахтидан сармаст эди...

Малкольм ҳам сеҳрлаб қўйилгандек эди, она-болага қараб қолди. Кейин у бироз дам олиш учун уйга кетди ва бахти бутунлигидан масрур бўлиб уйкуга кетди. Икки йил давомида кўнглини кемирган шубхалар тарқаб, у Мариэллага уйланганига шукур қилди. Фарзанд кўришдими, демак, бу кизга бекорга уйланмаган экан...

Ўглининг хонасидан чиққан Мариэлла истамайгина ўз хонасига кириб кийимларини алмаштирди. Узун шоҳи қўйлагини кийиб ўзини кўзгуга солди. Юзи бироз сўлгин тортганини ҳисобга олмаганда, йиллар унга ўз таъсирини ўтказолмаганди. Икки марта фарзанд кўрган бўлса-да, қомати жойида. Фақат кўзларигина унинг кўнглидаги кечинмаларини рўйирост билдирар, кўзларигина унинг ҳаётда кўп нарса кўрганидан далолат беради.

Кўзгуга тикилиб қолган Мариэлла хаёллари яна Чарльз томон кетиб қолаётганини ўйлаб, хушёр тортди. Чарльз ҳозир ундан бор-йўғи бир неча квартал узоқда... Бир хаёл Чарльзга кўнгирик қилгиси келди. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Айблов, бахона-сабаб, афсус-надоматлардан бошқа бир-бирларига айтадиган гаплари қолмаган. Жавоби йўқ саволлар...

Кўп ўтмай Малкольм ишдан қайтди ва яна тараддудлана бошлади. Кечкурун ҳамкорлари билан учрашуви бор экан. Олдинроқ огоҳлантирмагани учун Мариэлладан кечирим ҳам сўраб қўйди.

Овкатлангани тушгиси келмаган Мариэллага кечки овқатни хонасига келтиришди. Уйкудан олдин қўлига китоб олган Мариэлла анча пайтдан кейин китобни ўқимаётгани, фақат саҳифага термулиб ўтирганини ҳис қилди. Ҳозир хаёллари китобдан анча узоқларда эди.

Чарльзнинг хаёли уни бутун окшом тарқ этмади. Мана, Чарльз Парижда ёш... бакуват, ботир... Венецияда... Римдаги асал ойи. Иккаласи ҳам бахтиёр, сузишяпти, бир-бирларини қувлашяпти. Кейин Швейцариядаги сўнгги ҳафталари... У бошини ёстикка ташлаб йиғлаб юборди. Сўнгги кунларни эслаш жуда оғир эди.

Ярим тунгача уйкуси келмаган Мариэлла оёқ учида юриб боласининг хонасига кирди. Секингина ўглининг пешанасидан ўпди ва яна хувиллаган ётоқхонасига қайтди. Малкольм унга кўп яхшилик қилган. Чарльзни қанчалик севмасин, уни ўйлашга ҳақки йўқ...

III ҚИСМ

Эртасига эрталаб Маризэлла нонушта қилгани емакхонага тушди. Охирги пайтларда бу кам учрайдиган ҳолат эди. У, асосан, хонасида нонушта қиларди. Лекин бугун жуда эрта уйғонди. Малкольм аллақачон уйғониб, эрталабки га-зеталарни кўздан кечириётган экан.

– Хайрли тонг, азизам, – деди у ҳар доимгидек хушмуомалалик билан. – Яхши дам олдингми?

– Унчалик эмас, – очигини айтди Маризэлла.

– Яна бошинг оғридими? – шундай дея у газетасини нари суриб хотинига тикилди.

– Йўк, шунчаки анчагача ухлолмадим. Кеч бўлганда қахва нчмаслигим керак эди.

– Кечки овқатдан сўнг бирор хил вино ичиб ётганинга яхши ухлар-динг. – Маризэлла жилмайиб қўйди.

– Кечкурун уйда бўласизми?

– Бўлсам керак. Иккаламиз камин ёнида бир мирикиб суҳбатлашиб ўтирамиз.

Анчадан буён уйда бемалол ўтиришгани йўк. Ўтган ҳафта бешта зиёфатга боришган. Ҳеч бўлмаса шу ҳафта дам олишар.

– Бугунга қандай режаларинг бор...

– Эрталаб Тедди билан сайрга чикмокчи эдим.

Малкольм унинг фақат уйда ўтиришини, дугоналари ҳам йўклигини биларди. Ўзининг дўстлари билан таништирган бўлса-да, Маризэлла, барибир, одамларга аралашмасди. Ёш хонимга хос бўлмаган ҳаёт кечирарди у. Баъзан Малкольм Маризэлланинг худди жинойтчидек яшириниб, одамови кун кечири-шини тушунолмаб хайрон бўларди.

– Мен темир йўл қурилиши қандай кетаётганини бир текширай-чи, – де-ганча ўрнидан кўзгалди Малкольм. – Рождествога ҳам ўн икки кун қолди.

– Улгуришармикан... – сўради Маризэлла темир йўл вақтида тайёр бўлишига шубҳаланмаса ҳам. Чунки Малкольмнинг шахсан ўзи ишни назо-ратга олган.

– Улгуришга ҳаракат қиламиз, – деди Малкольм хотинининг кўнглини хотиржам қилиш учун. – Ҳа, айтгандек, келаси ҳафта мен Вашингтонга бормокчиман. Хохласанг, мен билан юр...

– Яна ўша дўстларингни ёнигами?

Малкольмнинг Пентагонда нуфузли дўстлари бўлиб, улар тез-тез учрашиб туришарди.

– Ҳа, – деди у, – бундан ташқари яна бир муҳим иш бор. Немис элчиси билан Берлин лойиҳаси юзасидан гаплашишим керак.

– Демак, жуда банд бўларкансан.

– Лекин сен менга халакит бермайсан. Аксинча..

Малкольм чин дилдан айтаётган бўлса-да, Мариэлла, барибир, ўзини у ерда ортикча ҳис қилишини биларди.

– Мен қолиб Рождествога тайёрланаман. Бормасам хафа бўлмайсанми?

– Йўқ, азизам, нималар деяпсан. Мен тезда қайтаман.

– Янги йил байрами ўтсин, кейин борарман... – деди у узр сўрагандек. У ҳар доим эрининг кўнглига қарашга ҳаракат қилар, агар бирор нарса ёкмаса, дарҳол кўнглини топишга уринарди. Ҳозир ҳам Вашингтонга Малкольм билан борсинми ёки Тедди билан уйда қолсинми, билмай турибди. Сўнгги тўққиз йил ичида шунақа иккиланишлардан безиб қолган. Чунки битта нотўғри қарор ҳаётини барбод қилиши мумкинлигини шахсий тажрибасидан билар. Чунки қарори унга қимматга тушган. – Майлими?

– Майли.

Малкольм уни тинчлантиришни биларди. Юзидан ўпиб хайрлашди. Кейин Мариэлла Тедди билан сайрга жўнади. Гриффин хоним ҳам эргашмоқчи эди, лекин Мариэлла бу гал катъият кўрсатиб Тедди билан ёлғиз айланмоқчилигини айтди. Шу гапни айтгач, ич-ичидан қувониб, ўзини енгил ҳис қилди. Энага эса ўз норозилигини билдириш учун эшикни қарсиллатиб ёпиб хонасига кириб кетди. Тедди унинг бу қилигидан қулиб юборди. Бу орада Малкольмнинг ёнига Бригитта келди.

– Теодор, сиз ажойиб томошага боряпсиз шекилли, – деди немисча талаффузда. Мариэлла доим «шу қиз билан бошқа ерда учрашганимизда яқин дугона бўлардик», деб ўйлаб қўярди. Лекин ҳозир бунинг иложи йўқ, чунки Малкольм хотини ходимлари билан дўстлашишини ёкламасди. – Биз ойим билан боғда сайр қилмоқчимиз, – мактанди Тедди ойисига эрқаланиб қараб.

Кейин қотибага:

– Бригитта, қўйлагингиз чиройли экан, сиз энг, энг чиройли қизсиз,– деди.

Бригитта қизариб кетди, кейин қулди.

– Умид қиламанки, йигирма йилдан кейин ҳам сиз менга худди шундай дейсиз, яхши йигит,– деди болақайнинг сочларини силаб.

Тедди уялиб онасининг пинжига тикилди.

Кейин Бригиттанинг юзидан ўпиб хайрлашиш учун бўйини чўзди.

Она-бола Бригитта билан хайрлашгач, ҳовлига чиқишди. Кун совук бўлгани учун Патрик уларни бешинчи авенюгача элтиб қўйди. Йўл бўйи Мариэлла ўғлига бир пайтлар ўзи яшаган шаҳар – Париж ҳақида гапириб берди. Мариэлла ўғли билан бирга сайр қилишни яхши кўрарди. Эри билан борадиган саёхатларга ўғлини олиб боришнинг иложи бўлмагани учун ҳам боргиси келмасди.

– Бир кун келиб Европани айлангани борамиз, – деди у ўғлига ишонч билан.

– Дадам ҳам борадимми?

– Албатта.

Тедди кичкина бўлса-да, ҳамма нарсани тушунарди. Ҳатто, отасининг иши кўплигини ҳам, Германияга тез-тез бориб туриши ва бу учун унга Бригитта зарурлигини ҳам тушунарди.

Уйланганидан кейин Малкольм немислар билан яхши муносабат ўрнатганди.

Улар суҳбатлашиб ҳовузга етиб келганларини билмай қолишди. Лекин кайиклар йўқ экан. Чунки ҳовуз юпка муз билан қопланган. Ҳовузга қараб Мариэлла ич-ичидан қалтираб кетди. Кўркуви сабабини тушунгандек, ўғлини беихтиёр бағрига босди.

– Бугун бу ерда ҳеч ким йўқ экан. Юр, каруселни томоша қиламиз.

– Мен кайикларни томоша қилмоқчийдим... – хафа бўлди Тедди.

– Кўрдинг-ку, бугун қайиклар йўқ. – Тедди ойисининг кўрқиб кетганини тушунишга ёшлик қиларди. – Кетдик, кетдик бу ердан...

– Музда юрса бўладими?.. – сўради Тедди кетгиси келмай. Мариэлла уни каттиқрок тортди, кейин:

– Ҳеч қачон... ҳеч қандай шароитда ҳам муз устидан юрмаслигинг керак, эшитяпсанми, Тедди? – деди титраганча.

Тедди ойисининг нега кўрқиб кетганини тушунмаса-да, қараб бош силкиди. Худди шу дамда Мариэлланинг кўзи кўлнинг нариги томонида турган кишига тушди. «Бўлиши мумкин эмас! Бу сароб... Ёки музни кўриб ростдан ҳам ақлдан оздимми!..» Шундай хаёлларда Мариэлла кўзларини маҳкам юмиб олди.

– Тедди, уйга кетамиз! – Энди унинг овозидаги даҳшат болага ҳам сезилди. Гоҳ Теддига, гоҳ қирғоқдаги одамга қарар, лекин уни ҳақиқатан ҳам кўриб турганига ишонмасди.

– Дарров-а? Ўзи эндигина келдик-ку, уйга кетгим келмаяпти... Каруселга борамиз...

– Майли, болажоним, қаерга десанг ҳам бораверамиз. Ҳайвонот боғигами, яхмалак учишгами... Хоҳлаган жойингга борамиз, фақат шу ердан кетсак бўлди. – У ўғлини етаклаб шошиб кетаётганда нариги қирғоқдаги киши ҳовузни айланиб, улар томонга қараб югура бошлади. Унинг коп-кора сочлари силкиниб, кўзларидан ғазаб чакнарди. Мариэлла даҳшат билан адашмаганини англади. Онасининг аҳволини кўриб Тедди ҳам кўрқиб кетди. Онаси ҳар доим бегона одамлардан эҳтиёт бўлишни тайинларди. Бу одам эса Тедди кўрган одамлар ичида энг кўркинчлиси эди. Баланд бўйли, сочлари пахмок нотаниш киши ҳаллослаб келганча Мариэлланинг елкасидан силтаб юзма-юз туриб қолди... Кейин эса Теддига тикилди. Мариэлла ақлдан озмаган, бу ҳақиқатдан ҳам Чарльз эди.

– Бу ерда нима қиялпсан? – сўради у Мариэлладан. Кейин нигоҳини бола-
кайга қаратиб: – Бу ким? – деди важоҳат билан.

Тедди Андрега куйиб кўйгандек ўхшарди.

– Бу Т– тедди, – деди Мариэлла овози калтираб.

– Қанақа Тедди? – суриштиришда давом этди Чарльз ўша оҳангда. Унинг
овозида ранж-алам, таъна бор эди. Мариэлла унинг кайфи борлигини сезди.

– Бу Тедди Паттерсон, – ниҳоят Мариэлла қаддини ростлаб, Чарльзнинг
кўзларига тик қаради. – Менинг ўғлим!

Тедди кўрқиб онасига ёпишиб олди, у юзлари чандик, кўрқинчли одам
кимлигини тушунолмади ҳайрон эди.

– Кеча менга бу ҳақда гапирмагандинг! Фақат Малкольм ҳақида
айтдинг... – Чарльз кўзлари билан янчиб ташлашга тайёрдек унга тикил-
ди. Мариэлла қилт этмай унинг нигоҳларига дош берди. Унинг жасурлигини
Малкольм билмаса-да, Чарльзга маълум эди.

– Бу ҳақда айтишим шарт эмас деб ўйлагандим.

– Нега? – деди Чарльз яна таъна оҳангида. – Нега менга айтмадинг?..

Мариэлла Чарльз жаҳли чиққанда ўзини бошқара олмай қолишини би-
ларди. Тўққиз йил олдин худди шу бугунгидек ғазаби кўзиб, уни ўлдириб
кўйишига сал қолганди.

– Эшитиб, дилинг оғримасин дегандим..

– Энди-чи?! – Кўзлари ғазабдан чакнади. – Энди дилим оғримадими?! –
овозини кўтарди Чарльз.

Мариэлла ўзини йўқотмади. Энди ўзига ҳам, Теддига ҳам зарар етказиш-
ларига йўл қўймайди. Олдин нима бўлган бўлса бўлган. Лекин энди у Чарльз-
дан кўрқмайди.

– Буни ҳозир муҳокама қилишимиз шартмас, шекилли, – шундай дея у
ўғлини тинчлантириш учун бағрига босди. Лекин Чарльз ҳали ҳам ўзини бо-
солмаган, ғазаби қайнаганидан аъзойи бадани дир-дир титрарди.

– Нега сенинг боланг бор?! – Ўқириб юборди у аламдан.

Мариэлла жавоб бермади.

– Менинг нима бор?

– Билмадим... Испания жанги... эътиқодинг... Дўстларинг... қолаверса,
сен ёзувчисан. Агар ҳеч нима бўлмаса, демак... ўзинг шу йўлни танлагансан.

Мариэлла ўғли ёнида бунақа гапларни гапиришни хоҳламасди, лекин
Чарльзни ғазаб оташида ташлаб кетиш ҳам хавфли эди.

– Мен эмас, сен танлагансан! Етти йил аввал мени ташлаб кетганингда
мен учун ҳам ўзинг қарор чиқаргансан! Бизнинг яна болаларимиз бўлиши
мумкин эди...

– Биз кетишимиз керак... – деди Мариэлла йиғламоқдан бери бўлиб.
Лекин ўзини қўлга олиб, иложи борица мулоҳимроқ оҳангда гапини давом
эттирди:

– Хўш, ўзинг айт, сен билан қандай яшашим мумкин эди? Сен мендан нафратланардинг-ку! Энг ёмони, сен ҳақ эдинг, ўзим ҳам ўзимни ёмон кўрардим. Балки бир умр ўзимни кечирмасман... Чарльз, менга бу ғам оғирлик қиларди, кўтара олмасдим, ишон! Мен ҳақимда қандай фикрдалигингни биладуриб, кўзларингга қарай олмасдим.

Бундан етти йил аввал, Европада ҳам у Чарльзга худди шу гапларни айтганди...

Аччиқ ҳақиқатдан Чарльз титраб кетди...

– Мен ўшанда ҳам қайтишингни сўрагандим, – қайсарлик билан гапида туриб олди у.

– Кеч бўлганди, – Мариэлла бошини силтаб, кўз ёшларини сочиб юборди. – Сен, барибир, бир умр мени айблаган бўлардинг... гўё ўзим ўзимни айблаб яшаганим камдек.

Мариэлла ҳамон уни севарди, лекин бўлиб ўтган воқеалардан кейин у билан бирга қолишнинг ҳеч иложи йўқ эди.

Чарльз яна Теддига тикилди, худди унинг борлигига ишонмаётгандек. Болақай жуда чиройли эди, ҳатто Андресдан ҳам чиройлироқ... Юрагини оғрик қижимлаган Чарльз Мариэллага алам билан боқди:

– Сен бунга лойиқ эмассан, қандай ҳаддинг сиғди? – уни уриб юборишдан ўзини зўрға тўхтатиб қолди.

Нега? Нега у яна турмуш қурди? Нега яна фарзандлик бўлди? Эй Худо, нега улар ажрашишганди ўзи?... Иккаласи ҳам бу саволларнинг жавобини билишарди. – Сен бунга лойиқ эмассан!!! – У Теддига ишора қилди.

Мариэллага Чарльзнинг бу шафқатсизлиги таниш эди. Шу одати бир пайтлар Мариэлланинг ўлимига сабаб бўлишига сал қолганди.

– Балки ҳақдирсан.

– Сен ўшанда мени ташлаб кетмаслигинг керак эди.

– Бошқа чорам бормиди? Қолганимда мени ўлдираддинг...

Ўша фалокат рўй берган пайтда иккаласи ҳам ақлдан айрилар даражага келишганди. Мариэлла, ҳатто, жонига қасд қилмоқчи бўлган... Иккаласи икки томонда ғамга ботишганди.

– Ўшанда иккаламизнинг ҳам ўлиб кетганимиз яхшимиди... – Чарльзнинг кўзларига ёш тўлди.

Тедди ойисининг пинжигга тикилди.

– Дахшатли гапларни гапиряпсан.

– Сен учун дахшатли. Чунки энди сенинг ҳамма нарсанг бор. Эринг... Фарзандинг... Нега? Буларнинг сенга нима кераги бор? Жин урсин!!! Ахир ҳар тонг сенинг хаёлинг билан уйғонсам... Ҳар кун ўша пайт, у билан бирга ўлиб кетмаганим учун афсус чексам... Сен эса... Сен уни эслайсанми ўзи? Ҳеч бўлмаса, хотирангда қолганми ёки бутунлай унутиб юборган-

мисан? – Чарльзнинг кўзларидаги алам учкунлари мунг билан алмашди. Чарльз унинг азобларидан умуман беҳабар эди.

– Бундай дейишга нима ҳақкинг бор? Бирор кун эсламаганмисан деб сўра ундан кўра! Бирор дақиқани сўрасанг-чи! Кўзимни юмсам бас, уни кўраман... сени ҳам... Лекин бир-биримизни қанчалик қийнамайлик, энди ҳеч нима ўзгармайди! У энди йўқ! У ҳаловат топган... Энди биз ҳам ҳаловат топишимиз керак.

– Сенсиз менинг ҳаловатим йўқ.

Чарльз Мариэлладан катта бўлса-да, лекин қалбан ҳали бола эди. Қалб яраси битмаган бола. Илгари қандай бўлса, шундайлигича қолганди. Ўшандай бироз девона, ўзини бошпанасиз дайидек тутадиган, бировларнинг жанжалларига аралашадиган бола. Балки у улғайишни хоҳламас.

– Бемаъни гапларни гапирма, Чарльз. Менинг қанчалик ўзгарганимни билмайсан, балки илгари ҳам мени билмагандирсан... – шундай дея у Теддининг бошини силади ва: – Тедди, бу менинг эски кадрдоним Чарльз. Ўзини ғалатирок тутса-да, яхши одам. Дўстим билан танишасанми? – деди.

Тедди «йўқ» дегандек бошини чайқаб, онасининг пўстини этагига бошини яширди. Чарльз билан Мариэлла боланинг ёнида очиқчасига гаплашишса-да, эндигина тўрт ёш бўлган бола кўп нарсани тушунмади. Лекин суҳбат оҳангидаги ғазаб ва аламни ҳис қилиб турарди.

– Болани кўрқитиб юборган бўлсам, узр.

У афсусланаётган бўлса-да, ҳамон ғазабдан тушмаганди. Кечадан буён соқолига устара тегмаган Чарльз янада ваҳималироқ туюлди болага.

– Ҳечқиси йўқ, сенга нима бўлди?

Чарльз бир болага, бир Мариэллага қарар, лекин энди кўзларидаги ғазаб сўнгганди. Энди у ҳақиқий пиёнистага ўхшарди.

– У менинг фарзандим бўлиши керак! Бунга тўлиқ ҳақким бор, – Чарльз болага каттиқ тикилди ва бу билан уни баттар кўрқитди.

– Лекин у сенинг боланг эмас.

– Қандай ҳаддинг сиғди? Нима ҳақкинг бор менсиз фарзандли бўлишга? – алам яна устун кела бошлади.

– Ажримга ўзинг розилик бергансан, – қаршилиқ кўрсатди Мариэлла.

– Сен эса ажримга рози бўлмасанг, ўламан дегансан!

– Шундай бўлганди ҳам...

– Мендан бошқадан фарзандли бўлганингдан кўра ўлганинг яхши эмасмиди? – унинг сўзлари ханжар каби Мариэлланинг юрагига ботди. Мариэлла сесканиб ортга чекинди. У Чарльз ақлдан озганда қанчалик даҳшатли бўлишини биларди. Қандай қилиб шундай одамни севганига хайрон эди.

– Чарльз, бас қил!

Лекин Чарльз унинг қўлидан маҳкам тутди. Қўриб кетган Тедди кичкириб юборди.

– Чарльз, бола сендан кўрқяпти. Бундай қилма, бас қил!

– Мен нима қилдим? У меники. Менинг унга тўла ҳақким бор.

– Бўлди қил дедим! – унга тик қараб бақирди Мариэлла. У ўтмиш яна ўз оғушига олишини хоҳламасди. – Бола сеники эмас, мен ҳам сеники эмасман... Андре ҳам бизники эмасди! Бу дунёда ҳеч ким ҳеч кимга тегишли эмас. Ҳаммамиз ёлғиз худога тегишлимиз ва у бизни бир-биримизга қарзга бериб туради. Бир кун шу қарз муддати тугайди... Айрилиқ азоб, албатта... Баъзан муддат жуда қисқа бўлади... Андре энди бизникимас. Сеники ҳам эмас, меники ҳам... Ҳатто, Тедди ҳам меникимас билсанг...

– Уни яхши кўрасанми?

– Албатта.

– У-чи?

– У ҳам.

– Нега сенинг ҳамма нарсанг бор, менда эса ҳеч нима?!

– Балки мен омадироқдирман. Ёки Малкольмнинг менга раҳми келгандир. Балки бу табиий ҳолдир. Балки мен жазоимни олаётгандирман, сен эса йўқ.

– Қанақа жазо ҳақида гапиряпсан? Қайта эрга текканинг жазоми?

Севмаган одам билан яшаш қанчалик азоблигини Чарльз билмасди.

– Унга тегиб нималардан айрилдинг...

«Умид... муҳаббат, меҳр... Чарльз билан ўртасидаги эҳтиросли муҳаббат...» Лекин Мариэлла ҳаёлидан ўтган нарсаларни Чарльзга айта олмасди. Шундай қилса, Малкольм олдидаги масъулиятига дарз кетиши мумкин.

– Қайта турмуш курган одам ҳар доим нимадандир айрилади. Балки мен ўз ўтмишимдан воз кечгандирман.

– Жуда фидойи экансан-ку! Кўп нарса қурбон қилибсан... – заҳарханда қилди Чарльз сархуш кўзлари сузилиб.

– Сендан бу гапни кутмагандим, Чарльз. Сенга тоқат қилиш қийин.

Чарльзнинг Тедди билан Мариэллани кўрқитгани қолди. Улар ҳеч қандай битимга қелишмади. Улар қелишадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Ҳаммаси тугаганди.

– Ўзингни ҳам, мени ҳам бекорга қийнадинг. Менга нимадир демокчиминг.

Чарльз сархуш кўзлари билан Теддига тикилди. Унинг бу ҳолати Мариэллага таниш эди. Бир гал меҳмонхонада бар, ресторан ва хоналарни ағдартўнтар қилиб ташлаганди. Ҳатто, икки кишини ўлдириб қўйишига бир баҳа қолган. Мариэлланинг ўзини ҳам... Бу ҳол яна такрорланмайди, деб ким кафолат беради.

– Кечир, – деди ниҳоят ўзини босиб Чарльз. Кейин онасининг этагига ёпишиб олган Теддига ўгирилди: – Сиз ҳам мени кечиринг, йигитча. Сизга ва онангизга кўполлик қилганим учун узр. Бу, албатта, нотўғри, лекин биз онангиз билан эски танишмиз, болаликдан дўстмиз... – Чарльз Теддига жиддий қаради.

– Сиз билан анчадан буён яқиндан танишмоқчи эдим, – Тедди бунни сира истамаса-да, одоб билан бош силтаб қўйди. – Менинг ҳам бир пайтлар ўғлим бор эди... Исми Андре эди... – Чарльзнинг кўзларида ёш айланди. – Узр... Кеча жуда оғир кун бўлганди... бугун эса сизни учратдим... Жин урсин... – Чарльз тескари ўгирилиб, чуқур нафас олди. – Нега шунақа? Нега ҳаммаси мунчалар қийин? Сенда ҳам шунақами?

Мариэлла тасдиқлагандек бош силкиди. Бу саволга кеча ибодатхонада жавоб олганди. Лекин кеча Мариэлла билан ажралгач, ичкиликка боши билан муккасидан кетиб, унутганди ҳамма гапни.

– Биз уйга қайтишимиз керак, – деди у.

Тедди Гриффин хоним билан кимнингдир туғилган кунига бориши керак. Мариэлла ўғли билан бирга вақт ўтказишга зор эди. Лекин бугун шу ҳам барбод бўлди...

Биринчи марта учрашганларида бунчалик қийин бўлмаганди. Чунки унда Чарльз Мариэлланинг ўғли борлигини билмасди. Энди эса кўнглини ранж ва алам кемирадди. Кечаги туннинг аламини ичкилик билан босганди, бугун бўлса, рашк ва ғазабдан ёниб борарди.

– Мен кейинги ҳафта кетаман. Кеча шунга қарор қилдим. Яна учрашамизми? Мариэлла жавоб ўрнига бош чайкади.

– Нега?

– Негалигини ўзинг биласан. Сен ҳали ҳам мендан ҳафасан. Агар яна учрашадиган бўлсак, иккаламизга ҳам ёмон бўлади. Бир-биримизни қийнаб нима қилдик.

– Бошқа иложимиз борми? Сен бахтсизсан-ку, бу пешанангга ёзиб қўйилган. Хотиржам эмассан, асабий, беқарорлигингдан ичингни ит тирнаётгани маълум-ку. Агар чин дилдан истасанг, ҳамма нарсанинг иложи бор.

«Қайтишимни илтимос қиляпти. Йўқ, тўғрироғи, талаб қиляпти», – ўйлади Мариэлла.

– Ажойиб фикр, Чарльз.

– Жин урсин, мен ҳамма нарсага розиман.

– Сен учун хурсандман.

– Мен билан бирга бўлсанг бўлгани.

– Унақа дема. Нима ўзгарарди. Айтайлик, сенинг гапингга кирдим... Барибир, Испанияга жанг қилгани кетасан... Мен учун нима ўзгаради, – деди Мариэлла у билан баҳслашиш бефойдалигини билса-да.

– Қолсанг бироз бахтлирок бўлармидинг. Балки мен билан бирга кетарсан...

Мариэлла кулгидан ўзини зўрга тийди. У учун ҳаммаси осон. Олти йиллик турмушидан кечиб, Малкольм ва ўглини ташлаб, Европага кетиши керакми энди, худди ҳеч гап бўлмагандек... Йўқ, у ақлдан озган...

– Ўғлингни ҳам ўзинг билан олиб кетишинг мумкин.

– Бирам олийжанобсанки... Малкольм-чи? Унга нима бўлади?

– Мен ютсам, у ютказади.

– Нима таклиф қилаётганингни ўзинг биласанми, Чарльз? Мени яхши биласан-ку, бундай қилмаслигимни ҳам биласан.

– Балки, – Чарльз Мариэлланинг билагидан қаттиқ қисди. – Лекин мен сени мажбур қилишим мумкин.

– Чарльз, бу ер сенга Испания эмас, менинг озодлигим учун курашишнинг ҳожати йўқ. Бу кулгили... – Мариэлла Чарльздан кўркаётганини иложи борича билдирмасликка ҳаракат қилди.

– Агар сенга кадрли нарсани олиб қўйсам, унда ростдан ҳам кулгили бўлади... Яхши кўрган нарсангни... жудаям яхши кўрганингни... Балки шундан кейин мен билан бирга бўлишга кўнарсан...

– Чарльз, нималар деяпсан?! – Мариэлла ўз хаёлидан ўзи кўркиб кетди.

– Назаримда мени яхши тушундинг деб ўйлайман.

– Бундай қилолмайсан!

У Теддини ўғирлашга шама қилди. Лекин бутунлай ақлдан озган тақдирда ҳам бундай қилолмасди. Чунки кўзлари бунинг аксини айтиб турибди.

– Ҳаммаси мени қанчалик умидсизликка солишингга боғлиқ... гапимни тушундингми?

Шундай дея у кутилмаганда Мариэлланинг қўлини қўйиб юборди ва аччиқ кулди. Мариэлла унга даҳшат билан қараб қолди. Уни ибодатхонада учратганидан пушаймон еди. Шубҳасиз, у ҳамон Андренинг ўлимига қуйиб юрибди. Лекин ғам уни ўзгартириб, бошқа одамга айлантириб юборганди. Чарльз киёфасидаги бошқа одамни эса Мариэлла билмасди. Билишни ҳам хоҳламасди.

– Агар шундай қилсанг ҳам билиб қўй, бу ўзинг учун ёмон бўлади. Сени ўлдираман... Эрим ҳам сени соғ қўймайди...

– Мени кўрқитмоқчимисан? – яна заҳарханда қилиб кулди Чарльз.

– Ўзимни ёмон ҳис қиляпман, Чарльз. Ўртамизда аллақандай нафис, пок... туйғулар бор эди. Мен ўша туйғуларни ўн икки йилдан буён қалбимда асраб келаётгандим... Сен эса хотираларимизни оёқ ости қиляпсан... бу билан мени ҳам, ўзингни ҳам заҳарлаяпсан. Андре унақа эмасди... сен ҳам бошқача эдинг.

– Чунки мен ўзгарганман... – Унинг табассуми ваҳимали туюлди. Асл ҳақиқат шунда эдики, Чарльз ўзгармаганди. У ҳамон Мариэллани севар,

хамон уни соғинар, ёнига кайтишини истар, энди ҳеч қачон қайтмайдиган ўтмишини, унутиб ҳам бўлмайдиган ўтмишини қайтаргиси келарди.

– Хайр, Чарльз. – Маризэлла кўзида ёш билан унга узоқ тикилди. Кейин ўғлига гуноҳқорона қараб, «Уйга кетдик», – деди. Чарльзга айтадиган бошқа гапи йўқ эди.

У эса жойидан қимирламай уларнинг узоқлашишини кузатганча қолди. Ҳатто, қўнғирок қиласанми, деб ҳам сўрамади. Ундан қаттиқ ранжиганди. Ҳеч қачон шунчалик ранжимаганди.

Она-бола машинага ўтиргунларича миқ этишмади. Жойлашиб олишгач, Тедди:

– У менга ёқмади, – деди.

Патрик ҳам улар билан бирга сайилгоҳга кирган ва уларни узоқдан кузатиб турганди. Малкольм хотини билан боласининг хавфсизлигини ўйлаб шундай топшириқ берганди. У Чарльзни кўрди ва таниди ҳам. Маризэлланинг сирли учрашувлари уни қизиқтириб қўйди. Лекин болани ҳам олиб келгани ғалати туйилди. Балки бу эркакни ўғли билан таништирмоқчи бўлгандир.

– У ёмон одам эмас, – жавоб берди Маризэлла ўғлига. – Факат жуда бахтсиз. Биз илгари у билан дўст бўлганмиз...

Тедди тушунгандек бош силкиди, кейин эса:

– Андре ким?– деб сўради.

Бундай саволни кутмаган Маризэлла титраб кетди.

– Андре деган болакай бор эди... кейин у вафот этди... Бунга анча бўлган. Чарльз ўшанда қаттиқ қуйинган ва шундан буён ўзига келолмаяпти. Шу сабаб ўзини баъзан шунақа ғалати тутати.

– Андрени сиз ҳам танирмидингиз?

Зўрға тасдиқ маъносида ишора қилган Маризэлла кўз ёшларини кўрсатмаслик учун юзини ўгирди. Бир пайтлар Теддига ҳаммасини айтмоқчи эди, лекин бу тарзда эмас... Ҳали Тедди жуда ёшлик килади. Кўз ёшларини шошиб артиб:

– Ҳа, мен ҳам уни танирдим... – деди.

– Чиройлимиди у?

Тедди учун чирой доим аҳамият касб этарди. Маризэлланинг томоғига бир нима тикилди, лекин ўзини қўлга олмаса бўлмайти.

– У жудаям яхши бола эди... Лекин афсус... бу дунёдан жуда вақтли кўз юмди. – Кўз ёшлари иродасига бўйсунмади. Маризэлла ўғлини янада қаттиқрок бағрига босди ва уни берган худога яна бир бора шукур қилди. Чарльзнинг гапидан қаттиқ кўрқиб кетганди. Нахотки, уни қайтариш учун боласини ўғирлашгача борса? Бу ақлга сиғмайди. Йўқ, бу шунчаки пўписа. Ҳеч қачон Теддига зарар етказмайди, у, умуман, дунёдаги ҳеч бир болага зарар етказишга қодир эмас.

– Шу бугун уни учратганимиз ёмон бўлди-да... Афсус, қайикларни ҳам кўролмадинг.

– Ҳечкиси йўк, – Тедди мардларча жилмайди. – Менга сиз билан бўлиш, барибир ёқади. – Онасининг кўнглини кўтарди болакай.

– Хохласанг, эртага бирга «Оппогойим»ни кўргани борамиз.

– Ростданми? Ура!

– Албатта, демак, келишдик!

Эртага Гриффин хонимнинг дам олиш куни эди, уларга ҳеч ким халакит бермасди.

Машина уйларига етиб келиши билан Тедди қувончдан хонасига қараб югурди. Зинада отасига урилиб кетишига сал қолди. Мариэлла аввалига, у Чарльз ҳақида айтиб қўймасмикан, деб кўриб кетди. Лекин Тедди туғилган кунга шошаётганди, колаверса, эртага онаси билан томошага бориш қувончи сабаб ҳовуз бўйидаги ғалати одамни унутганди.

– Қаерга бординглар? – сўради Малкольм хотинидан. У бирровга офиси-га бориб келишга тараддудланаётганди. Ҳар шанба офисидан хабар олишни канда қилмасди.

– Ҳовуз бўйига бордик. Қайикларни томоша қилмоқчийдик, лекин ҳовуз музлабди...

– Совук бўлса керак-да.

– Ҳа. Бирор жойга кетяпсизми?

– Ҳа, азизам, – шундай дея хотинининг юзидан ўпиб қўйди. – Окшом Уитларникига меҳмонга таклиф қилинганимизни унутма.

Рождество арафасидаги базмга Малкольм Париждан олиб келган, кўрганни аклини шоширадиган қўйлагини кияди. Унга олмос шодаси ва зираги жудаям мос тушарди. Устидан эри туғилган кунига совға қилган ок мўйнасини ташлаб олса...

– Эртага эрталаб Вашингтонга учаман. Тонг ёришгунча етиб боришим керак, чунки кечқурун Савдо-сотик вазири базм уюштиради. Душанба куни эса элчи билан учрашаман. Жиддий саёҳат, иккала котибамни ҳам олиб кетсам керак. Ўтироз билдирмайсанми?

У ҳеч қачон ўтироз билдирмаса-да, лекин Малкольм сўрашни канда қилмасди.

– Йўк, биз ўғлинг билан «Оппогойим»ни кўришга бормоқчимиз, кечқурун эса уйда ўтираемиз, – Мариэлла эрига қараб жилмайди. Чарльзнинг муомаласидан кейин эрининг ўзини тутиши бошқача таъсир қилди.

– Ростдан ҳам мен билан бормайсанми?

– Бизга шу ер ҳам маъқул.

Шундан кейин Малкольм Патрикка тайёрлигини билдириб ишора қилди. Ҳайдовчи машинага қараб юрди. Хейверфорд эса соҳибининг шляпасини узатди.

– Кўришгунча, азизам. Яхшилаб дам ол. Кечкурун яна бошинг оғриб қолмасин.

Баъзан Мариэллага бу уйда ҳамма у билан оғир касалга муомала қилган каби гаплашадигандек туюларди. Бугун оғир кун бўлди. Кечкурун Мариэлла туғилган кундан қайтган ўғлига хайрли тун тилаш учун кирганда, Гриффин хоним мингирлади. Унинг назарида она-бола ҳаддан ортиқ бирга бўлаётгандек эди. Лекин Тедди онасининг базмга тайёрланишини кўришни яхши кўрарди.

Чиройли либос унинг хуснини янада очиб юборганди. Уитларникидаги базмда ҳамманинг диккаг марказида бўлди. Кўпчилик Малкольмнинг рафика танлаш борасида омади чопганини таъкидлади.

Қайтаётиб Малкольм ҳам хотинига бугун жуда очилиб кетганини айтди. У эса индамай кўя қолди. Хаёли Чарльзнинг пўписаларида эди. Лекин Чарльз дунёда ҳеч бир болага зарар етказа олмаслигини биларди. Шунчаки унга жаҳл қилиб гапирди. Мариэлла у билан учрашмасликка қарор қилганидан хурсанд бўлди. Бошқа пайт бўлганда, у хавф ҳақида Малкольмга айтарди. Лекин ҳозир бунинг иложи йўқ. Чунки Чарльзнинг кимлиги-ю, қанақа хавф туғдириши мумкинлигини ҳам билмасди.

– Назаримда нимадандир безовтасан?

Малкольм шу тобда хотинига маъюслик жуда ярашишини ҳис қилди. Унга меҳри тобланиб кетди.

– Шунчаки, ўйланиб қолдим.

– Нима ҳақида?

– Арзимаган гаплар...

– Майли, лекин менга жуда кераклигингни унутма.

Мариэлла индамай жилмайиб кўя қолди. Малкольм бу мавзунини давом эттиришдан ҳеч натижа кўрмагач, индамади. Оксочлардан бири уларни қайтишини кутиб ухламай ўтирарди. Соҳибларини кутиб олиб, кийимларини алмаштиришга ёрдам бергач, у ҳам хонасига кетди.

Уйкуга ётгач ҳам Мариэлланинг хаёлидан Чарльз кетмади... Боғда нима-лар деганини қайта хаёлидан ўтказди. Бугун тушида негадир ҳар доимгидек Андрени эмас, Теддини кўрди.

IV ҚИСМ

Эртаси куни тушдан кейин Мариэлла Тедди билан «Оппогойим»ни томоша қилгани борди. Болалар байрами тугагач, «Шрафт» кафесида бироз ўтиришди. Тедди Гриффин хоним ҳар доим дам олишда бўлишини исташини айтганда, она-бола маза қилиб қулишди. Мариэлла энагадан воз кечиш ҳақида Малкольм билан яна бир бор гаплашиб кўришни кўнглига туғиб қўйди. У Гриффин хоним болани яхши хулқ-атворли қилиб

тарбиялайди, деб ўйларди. Лекин она-болани бир-биридан айираётганини ўйламасди.

Кечкурун Мариэлланинг ўзи ўглини чўмилтирди. Бир ванна кўпикни кўриб, сариқ оксочнинг газаби кўзиди. Бундан ташқари бугун кечкурун у Теддига караши ҳам керак эди. Лекин унинг режалари Патрик билан боғлиқ эди. Улар Ирландия ракс клубига ракс тушишга боришни режалаштиришганди. Энди эса ваннани йиғиштирмай кетолмасди. Мариэлла Тедди билан бирга тамадди қилди. Кейин алла айтиб, уни ухлатди. Мариэлла ўзининг хонасига ўтар экан, балки ростдан ҳам болани эркалатиб юбораётгандирман, деган хаёлга борди. Лекин нима бўпти? Ахир, ўгли билан қанчалик яқин бўлса, шунчалик хавотири тарқаяпти. Малкольм тўғри айтади: ваҳимани бас қилиши керак... Хонасига боргач, китоб ўқиш учун жойига чўзилди. Соат ўн бирларда Малкольм Вашингтондан кўнғироқ қилди. Кунни яхши ўтказганини, кейинги икки ой ичида Савдо-сотик вазири вазифасини бажариши кутилаётган Харри Хопкинс билан тамадди қилганини айтди. Уларга Рузвельтнинг ўнг қўли ҳам шерик бўлибди. Учрашувда Европадаги вазиятни муҳокама қилишди. Малкольм уруш муқаррарлигини сезиб турса-да, лекин хали унинг олдини олишдан умидини узмаганди.

Немис элчиси Малкольмга Берлиндаги аҳволни гапирди. Германия уруш суръатини ошираётганига шубҳа йўқ эди. Лекин мартабали элчи Малкольмнинг Берлиндаги капиталига ҳеч нима хавф солмаслигини таъкидлашни унутмади. Малкольм шундай муҳим учрашувда иштирок этаётганидан хурсанд эди. Мариэлла эса эри кўнғироқ қилиб, у билан таассуротларини бўлишганидан қувонди.

– Дарвоқе, «Оппоғойим»ни томоша қилдингларми? – сўради Малкольм. Уруш хавфи ҳақидаги гаплар уни янада меҳрибонроқ қилганди.

– Теддига жуда ёқди.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйладим. Фильмни жуда макташганди. Қайтганимдан кейин биргаликда яна бир кирармиз.

У уйда кам бўлса-да, лекин оиласи билан бирга дам олишни яхши кўрарди. Малкольмнинг овозидан чарчагани сезилиб турарди. Гаплашиб туришганда холлдан кимнингдир кадам товушлари эшитилгандек бўлди. Кейин кадам товушлари зинадан тепага қараб кўтарила бошлади... Мариэлла эшикка диққат билан кулоқ солди, лекин энди ҳеч нима эшитилмади.

– Дам олинг, чарчагансиз. Эртага яна ишларингиз кўп бўлади. Эртага кечкурун қайтасизми?

– Сешанба кунни қайтсам керак. Эртага кечкурун элчи меҳмонга чакирган, кейин қайтишни ўйлаб кўраман. Эртага яна телефон қиламан.

Эри хайрлашаркан, Мариэлланинг унга янада меҳри товланди. Шунча яхшилик қилиб, ҳеч нима талаб қилмайди-я.

– Ўзингни эҳтиёт қил, Мариэлла. Қайтганимдан кейин бир кунни сен хоҳлагандек ўтказамиз.

Аввал фарзанд кўрмаган Малкольм Тедди туғилгандан кейин бутунлай бошқача ҳаёт бошлаганди.


Мариэлла анчагача Малкольмнинг хислатларини ўйлаб ётди. Кейин ҳаёли яна Чарльзга кетди. У ҳақидаги ҳаёллар бошини оғритарди. Унга хавотирланиш, хаяжонланиш мумкин эмас... Уйқуси келмади. Чарльз билан учрашиб, яна эски касаллари қайталади. Шундан кейин у секин туриб учинчи қаватга, ўғлининг хонасига йўл олди. Зина ёнида ётган сочикқа кўзи тушди. Оксочлардан бири эҳтиётсизлик сабаб, бирор буюмга урилган шекли. Бояги шовкиннинг сабабини шунга йўйди. Сочикни қўлига олганча болалар хонасига кирди. Юкори қаватда ўйин ва овқатланиш хонасидан бошқа учта ётоқхона ҳам бор эди. Биттаси Гриффин хоним учун, иккинчиси, ҳар эҳтимолга қарши, яна фарзанд кўришса... Энг каттаси Теддиники. Ўйин хонасидан ўтаётган Мариэлланинг қулоғига аллақандай шитир-шитир чалинди. Мариэлла бу пайтда Гриффин хоним доим уйда бўлишини биларди. Лекин бугун якшанба бўлгани учун бу пайтда болага Эдит қараб туриши керак эди. Эшикка қадам ташлаган Мариэлла нимагадир урилиб, мувозанатини йўқотди. Лекин ўғлини уйғотиб юбормаслик учун бакириб юбормади. Ўзини тутолмай катта ва юмшоқ нарсанинг устига кулади... нимадир оёқларига ёпишди. Кўркканидан кичкириб юборди, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, лекин хона қоронғу бўлгани сабаб ушлайдиган нарса тополмади. Ёнгинасида аллақандай жонивор ётарди... Мариэлла баттар кўркиб кетди. Кейин деворга суяниб қаердалигини аниқлади ва пайпаслаб чирокни кидирди. Нахотки, ҳозир ёвуз ниятли жиноятчи билан юзма-юз бўлсам, деган фикр миясига ўкдек урилди! Кўркса-да, боласини хавфга қўйиб қочиб кетолмасди... Лекин чирокни ёққач, ҳайратдан қотди... Кутгани эмас, балки... Остонада қўл-оёғи маҳкам боғланган ошхона хизматчиси Бетти ётарди. Оғзига сочик тикилиб, ҳар эҳтимолга қарши, арқон билан боғланган. Кўз ёшлари юзини юваётган, нафаси қайтиб, бўғриқиб кетган қиз кўзлари билан ишора қиларди.

– Вой худойим! Нима бўлди? – кичкириб юборди у. Нахотки ўғри тушган? Ҳеч қандай излар кўринмаяпти... Қиз ўзи болалар хонасида нима қилиб юрибди? Ахир у ошхонада ишлайди-ку!

Мариэлла ҳаёлларидаги саволларни тинмай қайтарганча, шўрлик кизнинг оғзини бўшатишга ҳаракат қиларди. Лекин арқон маҳкам боғланганди. Шунда киз жон аччиғида бакириб, оғзини сочикдан холи қилди.

– Нима бўлди?! Эдит қани, Гриффин хоним-чи?

Қиз ўзини босолмай хўнграб йиғлар, йиғи аралаш нималардир деб гўлдилар, лекин гапини тушуниб бўлмасди. Шунда Мариэлла бор жасоратини тўплаб Теддининг эшигини тарақлатиб ланг очди... Кўргани тушлариданда даҳшатлироқ эди... Ўғли жойида йўқ! Каравоти бўм-бўш. Мариэлла унинг ўрнини ушлади, ҳали тафти турибди... Нима бўлганини элас-элас англаган



Мариэллани қалтироқ босди. У орқага, Беттининг ёнига қайтди. Қиз ҳамон йиғлаб увишиб қолган оёқларини укаларди.

– Нима бўлди? Гапир!!!

– Билмайман... Қоронғи эди... Диванда ухлаб қолибман... Мени ушлаб олишди. Фақат... эркакларнинг товушини эшитганимни эслайман...

– Тедди кани? Худо ҳақки, айт, болам кани?! Бу ерда нима қилаётгандинг....

Қиз ростини айтиши кераклигини тушунди.

– Эдит рақс клубига кетганди... Рождество олдидан... Мендан ўтириб туришимни илтимос қилганди.... Тез қайтмоқчийди... Нима бўлганини билмайман... Назаримда улар кўпчилик эди. Юзимни ёстиқ билан ёпишди... Ҳиди ғалати экан, кейин ҳушимдан кетибман... Ўзимга келганимда қўл-оёғим боғланган, улар кетиб бўлишган экан. Кейин сиз келдингиз...

– Гриффин хоним кани?

Балки, ўша болани олиб кетгандир? Бу унинг қўлидан келади... Мариэлла энаганинг хонасига югурди. Ўғли йўқ! Уни ўғирлашди!.. Ким ўғирлагани ҳам, қаерга олиб кетишганини ҳам билмайди... Лекин ич-ичидан бир овоз кимлигини айтиб турарди. Наҳотки, у шунга қўл урган бўлса, наҳотки бу касос...

У Гриффин хонимнинг хонасига отилиб кирди. Энага ҳам бошига чойшаб ўралганча, каравотга боғланган ҳолда ётарди. Мариэлла арконни ечаркан, хлороформнинг ўткир ҳидини сезди. У ҳаракатсиз ётган энагани ўлиб қолган деб ўйлади. Лекин Гриффин хонимга жон кирди. Шундан кейин Мариэлла уни ташлаб, телефонга ёпишди. Ўз овозини ўзи танимас, ичида фақат худога нола қиларди...

– Нимадир бўлди? – сўради телефончи киз.

У аввалига журналистлардан қўриқиб зўрға ўзини тийди, лекин...

– Илтимос... Илтимос, тезроқ полицияни уланг, – у бир марта фарзандини йўқотган, бунинг яна қайтарилишини кўтаролмасди...

– М-мен Паттерсон хонимман... Ўғлимни ўғирлашди...

Нариги томонда ҳайрат хитоби эшитилди. Кейин киз тезда унинг адресини ёзиб олди. Мариэлла гўшакни қўйиб, ҳали ҳам полда ағанаб ётган Беттига еб қўйгудек тикилди. Қиз шўрлик ўзини айбдор ҳисоблаб, ич-ичини еб ётарди. Мариэлла бундан бир неча соатгина олдин боласини бағрига босганини эслади. Гриффин хонимнинг хонасидан инграган овоз эшитилгач, унга ёрдамга югурди ва энаганинг оғзидан сочикни суғуриб олди... Ҳиддан кўнгли озиб, беҳузур бўлаётган Гриффин хоним аввалига довдираб турди. кейин бўлиб ўтган воқеанинг даҳшатини ҳис этиб, тилга кирди. Жиноятчилар ҳақида у ҳам Беттидан кўп нарсга билмасди. Гриффин хоним гапиряпти-ю, гаплари Мариэлланинг қулоғига кирмасди. Худди бу воқеалар биров билан бўлаётгандек. Эшитганларига ишонгиси келмасди. Шунда эшик кўнғироғи жиринглади. Оёқяланг, тунги қўйлақда пастга қараб югурди. Эшикни очгани чиккан Хейверфорд зинадан отилиб тушаётган бекасини кўриб ҳайратланди.

Эшикни очган эшик оғаси полициячиларга ҳеч ким полиция чақирмаганини, бу англашилмовчиликлигини, уларникида тинчликлигини таъкидлай бошлади.

– Кимдир ҳазиллашган шекилли, – деди эшик оғаси худди ўзи ҳазиллашгандек ўнғайсизланиб. Лекин Паттерсон хонимнинг шахсан ўзи тушиб келгач, бу ҳазил эмаслиги маълум бўлди. Учта полициячи ва эшик оғаси нима гаплигини тушунмай остонада туриб қолишди.

– Англашилмовчилик эмас! – овози қалтираб деди Маризэлла. Хейверфорд шошиб бекасининг елкасига пўстин ташлади. – Ўғлимни ўғирлаб кетишди...

Полициячилар тезда юкорига кўтарилишди. Хейверфорд ҳам уларнинг ортидан эргашди. Маризэлланинг хонасидан тезда туфли ва халатини олиб чиқиб берди. Кейин Бетти билан Гриффин хонимнинг гапларига кулоқ тутди. Хайрон қолди. Ростдан ҳам бола ўғирланганини ақлига сиғдирилмасди. Полициячиларнинг бири уларнинг ҳар бир гапини коғозга туширар, иккитаси эса паст овозда маслаҳатлашишарди. Линдбергларнинг ўғли ўғирлангандан буён бола ўғрилари билан нафақат штат полицияси, балки ФБР шугулланарди.

Полициячилар бошлиғи барчага ҳеч нимага тегинмасликни тайинлаб, Маризэлла билан алоҳида гаплашиб олмоқчилигини айтди. Гриффин хонимнинг аҳволини кўриб Хейверфорд шифокор чакиришга шошилди.

– Улар пул тама қилиб коғоз қолдиришмабдими? – сўради кўринишидан ирландияликларга ўхшайдиган полициячи. Унинг ёши элликларда бўлиб, бешта боласи бор эди. Ўзининг боласини ҳам ўғирлашлари мумкинлигини ўйлаб, ҳуши бошидан учди. У Маризэллага тикилди. Ўта жиддий, хотиржам, совуққон... шу даражада совуққон эдики, худди мумиёланган мурдага ўхшарди. Эшик оғаси Маризэллага халатини келтириб берган бўлса-да, титроғи босилмаганди. Кўзларининг девонавор бокишига караганда, ҳали ҳаммасини идрок қилмаганга ўхшарди. Полициячи бунақа нигоҳларни кўп кўрган, айникса, ёнғиндан кейин. Бир гал зилзиладан сўнг ҳам... Бунақа нигоҳ урушда иштирок этаётган одамларда ёки яқинини йўқотганларда бўларди... Дахшат одамларнинг ақли ва юрагини бир муддат хиссиз қиладиган таъсирга эга. Лекин одамлар эртами, кечми ўзларига келишар ва қайғу бошқатдан, янги куч билан ўз исканжасига оларди.

Маризэлла ҳеч қандай коғоз кўрмаганини, оёқ-қўли боғланган иккита аёлдан бошқа ҳеч ким йўқлигини айтди. Полициячи бу гапларни ҳам ёзиб олди. Унғача шериклари қўшимча куч чақиритишга улгуришди. Ярим соат ичида бутун уй ва уй атрофида йигирма бешта полициячи бирор-бир из топиш мақсадида изғиб юрарди.

Барча хизматкорлар уйғотилди ва тезкор полиция гуруҳи бошлиғи сержант О'Коннер ҳаммани бирма-бир саволга тута бошлади. Лекин ҳеч бири

хеч нарса билмасди. Тўсатдан Мариэлла хайдовчи Патрик билан оқсоч Эдитнинг уйда йўқлигини эслаб қолди. Мариэлла уларга хеч қачон ишонмасди. Улар ҳам негадир бекаларини ёктиришмасди. Бирдан улар болани ўғирлаб кетар даражада ёмон кўрган бўлишлари мумкинлиги хаёлига келди. Бунга ишониш қийин-у, лекин ҳар нарса бўлиши мумкин. У кўнглидаги гапларни дарҳол сержантга айтди. Уларнинг алоҳида белгилари, шу билан бирга, Теддининг алоҳида белгилари ҳам шу заҳоти радио орқали барча полиция постларига етказилди.

– Қанча тез топсак, шунча яхши, – деди О`Коннер. Лекин у болани майиб қилиш ёки ўлдириши учун ҳам кўп вақт кетмаслигини айтиб ўтирмади. Мариэлланинг ўзи Линдбергларнинг ўғлини ўғирлашган куни ўлдиришганини эслади. Сержант, агар полиция рациясидан ўғирлик эълон қилинса, ярим соатга қолмай репортёрлар бостириб келишларини айтиб, Мариэллани огоҳлантирди. У рози бўлди. Агар шу йўл билан боласини топиш тезлашса бас, у барча қийинчиликларга тайёр. Радиодан ёки газетадан хабар топишидан аввал Малкольмга хабар қилиши кераклигини тушунди. Лекин кўнгирак қилиб улгурмасидан уйни полициячилар босди. Буларнинг барчаси ёмон туш ёки детектив фильмга ўхшарди – уй тўла полициячи, негадир пардалар, мебелларни суришар, фонарлар билан боғда изғишар, хизматкорларни сўроққа тутишар... Мариэллани, буларнинг бари бир туш, деган гуйғу тарк этмасди... Ҳозир тонг отсин, уйғонади ва ҳаммаси тушлигини билиб енгил тортади...

– Паттерсон хоним!

Мариэлла ўзига келганда ёнида қора костюм ва шляпа кийган бир неча киши турарди. Қора кийимлиларнинг орасида қирқ ёшлардаги, кўк кўзли киши ҳам бор эди. У худди пўлатдан ясалгандек, ҳамма нарсани биладигандек каттик тикиларди.

– Паттерсон хоним, – қайтарди сержант. – Рухсатингиз билан махсус агент Жон Тейлор билан таништираман. У сизнинг ишингизни ФБР томондан текширишга масъул.

«Сизнинг ишингизни. Яна қанақа иш? Малкольм қани? Ўғли-чи?...» Мариэлланинг боши айлана бошлади.

– Салом, Паттерсон хоним.

Кўришиш учун кўлини узатган махсус агент, унинг юзига синчиклаб тикилди. «Кўзлари мунча совук». Мариэлла кўрганларини яна бошидан сўзлай бошлади. Махсус агент эса миқ этмай эшитди. У бир пайтлар Линдбергларнинг ўғлини кидириш ишларида ҳам қатнашган. Лекин уни охирги босқичда, яъни кеч бўлгандан кейин жалб қилишганди. Иш ФБРга етиб боргунча, полиция ишни бузиб бўлганди. Кидирув фожиали тугаган... Бу гал негадир ФБР вақтида жалб қилинибди. Тейлор болалар ўғирлиги бўйича мутахассис эди. Лекин ҳозирги вазиятда ишнинг ўзи йўқ, ҳеч бир из ҳам... Фақат хайдовчи билан оқсочни кидиришни ҳисобга олмаганда. Бошқа нима ҳам қилишарди,

хат ҳам, жиноятчиларнинг белгилари ҳам, бармоқ излари ҳам йўқ бўлса... Фақат жиноятчилар икки-учта эркак бўлгани ва қўлларида хлороформ борлиги маълум эди. Бунини Тейлорнинг ўзи ҳам биларди. Уни жиноятчилар эмас, қаршисидаги аёл қизиқтириб қолди...

Ўзини босиқ, хотиржам тутишга уринса-да, лекин кўринишидан асабларини қакшаб турганини сезиш қийин эмасди. Кўзларида мислсиз ғам-андух, худди ҳозир ҳушидан айриладигандек. Тунги қўйлақ устидан ҳалат ёпиниб олган бўлса-да, аслзодалардек босиқ ва ақлни шоширадиган даражада гўзал кўринарди... Унинг ҳақиқатан кўркиб кетганига шубҳа қилмаса ҳам бўларди.

– Сиз билан холи гаплашиб олишимиз учун тинч жой топиладими? – сўради Тейлор.

Полициячилар барча хоналарни тинтиб юришар, хизматкорларни тўдалаб сўроққа тутишарди.

– Албатта.

Мариэлла агентни Малкольмнинг кабинетига бошлади. Кабинет жуда дид билан безатилган: чарм диван, чарм креслолар, баланд китоб жавонлари... Кабинетга кира туриб, Тейлор бу аёлнинг эрини ҳали ҳам кўрмаганини ўйлади. Мариэлла унга ўтиришга ишора қилди, ўзи ҳам титраганча креслога жойлашди.

– Турмуш ўртоғим Вашингтонга кетган. У билан телефонда гаплашдим, кейин икки соатлардан сўнг юқорига... ўғлимнинг хонасига кўтарилдим... у жойида... – Тедди йўқолибди, деган гапни айтолмади.

– Эрингизга хабар бердингизми?

Мариэлла «йўқ» дегандек ишора қилди. Қандай айтишни билмасди.

– Ҳали қўнғироқ қилишга улгурмадим, – у аллақачон хабар бериши кераклигини ҳис қилиб турарди.

Тейлор унга тикилди. Паттерсон хоним ходим билган аёлларга умуман ўхшамасди. Гўзал, ҳушмуомала, нафис...

Тейлорнинг ўзи овлоқ жойда, қашшоқ оилада дунёга келган. Уруш даврида флотда хизмат қилиб, урушдан кейин дарҳол ФҚБга ишга ўтган. Бунга ҳам йигирма йил бўлибди. У оилали бўлиб, иккита фарзанди ҳам бор. Ҳозир Мариэлланинг ёнида туриб, бунақа аёлни авваллари ҳеч учратмаганини тан олишга мажбур эди. Ҳатто, уй қийимида ҳам гўзал! Юзи гўдакники каби бегубор, кўзларидаги мунг уни шунчалар ожиза кўрсатардики, беихтиёр бағрингизга босиб оутгингиз келарди.

– Узр, Паттерсон хоним, – хаёлларини йиғишга ҳаракат қилди Тейлор. – Нима бўлганини бир бошидан гапириб берсангиз, иложи бўлса, батафсилроқ. – У диққат билан эшитишга тайёр эди. Тингларди-ю, бу ишга ёлғон аралашмаганмикан, деб ўйларди. Ёлғонни сезиш туйғуси кучли эди. Лекин бу аёлнинг гапида ёлғон эмас, аллақандай тушунарсиз кўркув бордек туюларди. У аёл ўз гапини тугатишини кутиб туриб, кейин сўради:

– Яна бирор нима кўшимча қила оласизми? Балки бугун кечкурун ёки охирги кунларда бирор нима сезгандирсиз? Балки нимадандир кўркқандирсиз ёки тушунарсиз нимадир рўй берган-у, ҳозир нималигини тушуниб қолгандирсиз...

Мариэлла «йўк» ишорасини қилди.

– Менга айтадиган бошқа гапингиз йўкми, балки бирор махфий сирларингиз билан бўлишмоқчидирсиз? Сиз учун журналистлар ёки изқуварлар қарор чиқармасларидан илгари... Улардан яширадиган ҳеч гапингиз йўкми... ёки айтайлик, эрингиздан?

Бошқа пайт бўлганда у аёллардан жазманлари, хушторлари ҳақида очикчасига гапиришни сўрарди. Лекин ҳозир ички бир сезги унга бу ерда бошқа гап борлигини айтиб турарди. Аёл ҳам бошқаларга ўхшамасди... Бу каби аёл учун у жонини беришга ҳам тайёр эди.

– Ҳаётингизда бундай жиноятга қўл уриши мумкин бўлган кимса йўкми? Балки ўтмишингизда бордир? Ҳаётингизга биринчи бўлиб ким келди?

Орага узок сукунат тушди... Кейин у ўзини мажбурлаб бош силкиди.

– Унақа одамни билмайман...

– Паттерсон хоним, яна бир ўйлаб кўринг... Ўғлингизнинг ҳаёти сизнинг очик гапиришингизга боғлиқ.

Мариэлланинг ҳаёли унда эди. Нахотки, бу ишда унинг қўли бўлса? Тейлорга ҳеч гап айтмасликка ҳаққи борми?

Гапиришга улгурмай эшик тақиллади, хонага сержант О'Коннер кирди. У ҳайдовчи ва оқсоч келганини, лекин бола улар билан эмаслигини маълум қилди.

– Қани улар? – сўради ғазабланиб Тейлор.

Мариэлла ўзини енгиб, энди маълумот айтмоқчи бўлиб турганда, гапини бўлишди.

– Улар ошхонада, Жон... – узр сўрагандек Мариэллага қаради. – Иккаласи ҳам ғирт маст, жин ургурлар. Қиз бал кийимида. – Кейин Мариэллага қараб давом этди: – Баҳс бойлашишга тайёрман, у қўйлак сизники ва сўрамасдан олгани ҳам аниқ.

Ҳозир Мариэлла учун бу гаплар умуман муҳим эмасди. Энг муҳими – боланинг қаердалиги.

– Аччиқ қаҳва бериб, ўзига келтиринглар, кейин мени чакирасизлар.

Сержант хўп деганча, чиқиб кетди. Жон Тейлор яна ғамбода аёлга ўғирилди. Шу пайт сержант қайтиб кирди.

– Паттерсон хоним, биз эрингизга хабар бердик.

Бу гапга миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолди. Чунки биров хабар бергани учун ўзини айбдор ҳис қилаётганди. Шу билан бирга, совуқ хабарни ўзи етказмаслигидан хурсанд эди. Малкольм ўғлини қанчалик қаттиқ севишини биларди.



– У нима деди?

Ундан кўз узмай турган инспектор баттар кўриб кетганини сизди.

– Қаттиқ ранжиди.

Сержант Мариэллага эри йиглаб юборганини, лекин хотинини телефонга чақирмаганини айтгиси келмади. Малкольмнинг хабарни бу тахлит қарши олгани унга ғалати туюлганди. «Аслзодаларнинг ўзига яраша ғалати одатлари бор», деб ўйлаб қўйди у. Узок йиллик тажрибасида не-не ҳолатларга гувоҳ бўлмади.

– Эрталаб етиб бораман деди.

– Миннатдорман.

Мариэлла ўзидан кўз узмай турган ФКБ агентига кўзи тушди. Тейлор аёл ўзини қандай тутиши ҳақида бош қотириб турарди... Агар у ёлғон гапирса, ё хушидан кетади, ёки бирор нимани баҳона қилиб, хонадан қочиб чиқади. Лекин Мариэлла ундай қилмади. Унга тикилганча кимирламай ўтираверди. Агентнинг келишган, кўркам кўриниши кўлгина аёлларнинг ҳаёлини ўғирларди, лекин Мариэллага бу таъсир қилмади... Мариэлланинг диққати унинг гапларига қаратилганди.

– Паттерсон хоним, одамларнинг баъзан бировга айта олмайдиган, ҳатто, ўзлари ҳам тан олишни хоҳламайдиган сирлари бўлади. Лекин бундай вазиятда бошқача йўл тутиш керак... Сизга ҳаётингиз қил устида турганини тушунтиришим шарт эмас. Буни жуда яхши биласиз, мен ҳам биламан. Илтимос, яна бир бор ўйлаб кўринг. Ростдан ҳам менга айтадиган гапингиз йўқми?

Унга ўйлаб кўришга вақт бериб, агент Патрик ва Эдит билан гаплашгани чиқиб кетди. Мариэлла эрталаб эрига ҳисоб бериши кераклигини ўйлаб, даҳшатга тушганча қолаверди. У очик гапирмаса бўлмаслигини тушунди.

Жон Тейлор ошхонага кирганда, Патрик билан Эдит ҳали ўзларига келишмаганди-ю, лекин жавоб берадиган аҳволда эдилар. Тейлор уларни сўроққа тутди, О'Коннер эса ёзиб борди. Патрик саволларга жавоб беришни ўзига ҳақорат деб билиб, ғазабланди. Бу унинг обрўсига тўғри келмас эмиш. Лекин сержантни ҳам, агентни ҳам унинг обрўси қизиқтирмасди. Уларнинг назарида Патрик шубҳали шахс эди. Эдит эса ўзини оклаш имкониятини кидирарди.

– Нега бу билан кўчага чиқдингиз? Бугун кечкурун бўшмидингиз? – сўради Тейлор кизнинг ҳусни ва бежирим кўйлаги билан мафтун этиш учун қилган ҳаракатларига эътибор бермасдан. Бир кун олдин Мариэлла шу кўйлақни Уитларнинг базмига кийиб бориб, кейин Эдитга тозалатишга беришни топширганди. Лекин киз аввал ўзи ҳам кийиб, кейин тозалатишга беришга қарор қилганди. Бунақа ишларни аввал ҳам қилган. Бекасининг мўйнасини ҳам киймоқчи эди-ю, лекин ҳадди сиғмаган.

– Нима бўпти? – қичқирди Патрик. – Бола билан ким ўтирганининг нима фарқи бор? Эдит колгани билан уни ҳам газ билан захарлаб, бир бурчакка улоктириб кетишарди. Тўлайдиган арзимас пулларига жонини гаровга қўйиши керакмиди?

У хали ҳам ширакайф бўлгани учун гаплари ўзларига қарши бўлишини тушунмасди. Лекин Эдит дарҳол ўзига келди ва асабийлаша бошлади:

– Мен билмайман... Балки... Ўйлагандимки... Рождество якин бўлгани учун...

– Бу қўйлакни қаердан олдингиз?

– Ўзимнинг қўйлагим, опам тикиб берган.

Тейлор «тушунарни» дегандек ишора қилди ва қаршисига ўтирди. Унинг нигоҳидан, мени алдолмайсан, ҳаммасидан хабарим бор, деган маънони уқиш мумкин эди.

– Агар Паттерсон хонимни чақирсам, у ҳақиқатан ҳам бу сизнинг қўйлагингиз эканини тасдиқлайдими?

Эдит ерга қараб ҳиқиллай бошлади.

Патрик яна газабга минди:

– Кўз ёш тўкишни бас қил, ахмоқ. Хўп, қўйлакни кийиб туришга олибсан... Шунга осмон узилиб, ерга тушибдими? Ҳар доим қайтариб бергансан-ку! Э, ўша... Улар бизнинг бекамизни авлиё деб ўйлашяпти, шекилли. Кулок солинг, – у Жон Тейлорга ўгирилди. – Ишонманг бу фаришта хонимнинг гапларига. Шахсан ўзим шу ҳафтада икки марта уни жазмани билан кўрдим. Бир мартасида, ҳатто ўғлини ҳам олиб борганди, бизга тухмат қилмай қўя қолсин. Боринг, сўранг ўзидан, ким экан у йигит? Боринг... жума куни черковда ким билан ўпишганини, кеча боғда ким билан учрашганини айтсин...

О'Коннер унинг гапларини бирма-бир ёзиб олди. Жон Тейлорни бу гап жуда қизиқтириб қўйди. У тажрибасидан сабрли бўлган узокка боришини биларди. Ҳақиқатан ҳам Патрик давом этди:

– Менимча, у йигит жиннироқ, аввалига унга ўшқирди, таҳдид қилди, кейин ўпмокчи бўлди. Тедди шўрлик ўлгудек кўркиб кетди. Агар менинг фикримни билишни хоҳласангиз, у йигит ғирт жинни!

– Нега ўша йигитни бекангизнинг жазмани деб ўйладингиз? Уларни илгари ҳам бирга кўрганмидингиз? – совуққонлик билан сўради Тейлор.

Патрик бир зум ўйланиб қолди.

– Йўқ... Фақат жума куни черковда ва кеча Марказий боғда. Албатта, улар илгари ҳам учрашишган. Чунки улар якин танишдек кўринишди. Бекам ҳар доим ҳам менинг машинамда юришни истамайди.

– Машинани ўзи ҳайдайдими?

– Баъзан ўзи сайр қилади, – ўйланиб жавоб берди Патрик. – Лекин бу ҳам камдан-кам ҳолларда... Менимча, ўзини жуда эҳтиётлайди. Ҳар куни бошим оғрийди, деб шикоят қилади-ку.

Патрик Паттерсон хонимни ғалати тарзда тасвирлаб берган бўлса-да, лекин Жон Тейлор аёлни унчалик ҳам касалмандга ўхшатмади.

– Илгари уни бошқа эркалар даврасида кўрганмисиз?

Патрик алам билан бўлса-да, кўрмаганини тан олди. Тейлор Патрика иккинчи ёқимсиз саволини берди:

– Жаноб Паттерсонни-чи, бошқа аёллар билан учратганмисиз?

Ишидан айрилишдан чўчиётган Эдитнинг ҳикиллаши сукунатни бузиб турарди. Боланинг йўқолишидан кўра кўйлак юзасидан чиқадиган муаммо уни кўпроқ ташвишга соларди. Патрик бу саволга жавоб бермасликни хоҳларди.

– Хўжайиннингизни бошқа аёллар билан кўрганмисиз? – Тейлор ўзини бу ерда бошлиқлигини эслатувчи совук оҳангда саволини такрорлади.

– Ҳеч эслай олмаяпман... – бироз ўйланиб тургач, кўшимча килди: – Котибаларни ҳисобга олмаганда...

Тейлор бу мавзу билан алоҳида шугулланиш кераклигини ўзича ҳисобга олиб қўйди. Паттерсон хонимнинг жазмани ҳақидаги гап кизиқтириб қолганди. У ҳеч хиёнат қиладиган аёлларга ўхшамасди. Жуда ақлли, одобли, колаверса, совукқон эди. Лекин хулоса қилишга шошилмаслик керак, бошқатдан гаплашиб кўриш лозим. Унга одамларнинг ўзлари айтишни хоҳламаган сирларини мажбурлаб сўраб олиш ёқмасди. Лекин бу уйга жиноятни очиш етаклаб келдими, болани топиш учун ҳамма нарсага тайёр бўлиши шарт.

У ўрнидан тураркан, бу сархуш жуфтликка ёқинқирамай бокди. Лекин ўғирликка буларнинг алоқаси йўқлигини ичида сезиб турарди. Балки улар ўғриларга шерикдир, пул бериб эшикни ёпмасликни тайинлаган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин бу ҳам эҳтимолдан узок. Улар шунчаки хўжайинларидан сўрамай, соҳибларининг кийими ва машинасидан фойдаланиб, рақс майдонига кетишган. Қиз ўз вазифасини бажармаган. Бор-йўғи шу, холос. Агар Тейлорга қолса, уларни жон деб камокқа тикарди. Тейлор сержантга бу иккаласига жавоб бериб юборишни тайинлаб, ўзи кабинетга қараб кетди. Уларни эрталаб ҳуши жойига келганда, яна бир сўроқ қилишга қарор қилди. Чунки улар ҳам ҳеч қандай ўзгаришни кўришмаган. Фақат Патрик Маризэллани икки марта «оказман»и билан кўрганини ҳисобга олмаганда.

– Бу гапларга нима дейсиз? – шивирлаб сўради О'Коннер Тейлордан.

– Балки ғирт ёлғондир, лекин шу мавзуда унга савол беришга мажбурман.

– Назаримда, унақа аёлга ўхшамади... Лекин шу жазмани ўғирликни уюштирган бўлиши ҳам мумкин. Унинг оиласидан ташқари муносабатлари бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Одамлар ҳар доим ҳам кўринганларидек эмас.

– Ҳа, кўринишидан унақаларга ўхшамайди, – қўшилди Тейлор ҳам.

Агар бу гап тўғри бўлса, эри келгунча у билан яна бир гаплашиб олиш керак.

Кабинетга қайтган Тейлор Мариэлла ҳамон ўша жойида кимирламай ўтирганини кўрди. У олдингидан ҳам каттикрок титрарди. Беихтиёр Тейлорнинг раҳми келди.

– Чойми ёки қаҳвами ичасизми?

– Йўқ, раҳмат. Бирор янгилик борми? – умид билан сўради у. Тейлор инкор маъносида бош чайқади.

– Балки хизматкорларингиз Теддини бирор жойга яшириб келишгандир, нима деб ўйлайсиз?

Мариэлла ҳам шуни ўйлаганди ва бу тахминнинг рост бўлиб чиқишини хоҳларди.

– Балки, лекин бу эҳтимолдан узок. Чунки улар фақат кўнгилхушлик қилишган.

Тейлор ҳам Эдит ва Патрик жиноятчиларга шерик бўлганида, иш осонроқ кечишини биларди.

– Улар мени ёктиришмайди... – Мариэллага эрининг уйида уни ҳеч ким ёктирмаслигини айтиш оғир эди. Хизматкорлар учун ягона ҳоким, бу – Малкольм. Паттерсон хоним хушмуомала бўлгани билан хизматкорлар унга бемалол кўполлик қилишар, очикча ёктиришмасди. Бу қилиқлари бекаларининг кўнглига оғир ботишини ўйлаб ҳам ўтиришмасди.

Ташқаридан қараганда ҳаммаси яхши эди-ю, лекин Мариэллага Малкольмнинг рафикаси макомида туриш унчалик ҳам осон эмасди. Ёлғизликда ўтаётган бахтсиз тунлар... йиллар. Лекин шунга қарамай, Мариэлла эрига садокат сақлаб, яхши хотин, яхши она бўла олганди. Лекин буни ҳеч ким кадрламасди. Баъзан Малкольмнинг ўзи ҳам кадрига етмасди.

Тейлор фикрини ўқимокчи бўлгандек унга диққат билан тикилиб сўради:

– Нега улар сизни ёктиришмайди деб ўйлайсиз?

Аслида хизматкорлар билан суҳбатдан кейин бунга амин бўлганди.

– Назаримда, улар менга ҳасад қилишади... Хизматкорларнинг кўпчилиги мен келгунча шу ерда ишлашган. Кейин қутилмаганда пайдо бўлишим уларга ёқмаган бўлиши мумкин...

Тейлор унинг боши оғриши ҳақида ҳам ўйлади. Нега уни доимий бош оғриғи безовта қилади? Патрикнинг гапидан кейин уларнинг бахтли онла эканлигига ҳам шубҳа қила бошлади.

– Ростдан ҳам менга айтадиган гапингиз йўқми?

Мариэлла ҳамон иккиланар, Чарльзнинг бола ўтирлашга қодирлигига ишонгиси келмасди.

Полициячи чой ва қаҳва келтирди. Шундан кейин Тейлор яна гап бошлади:

– Паттерсон хоним, сизга бир гапни айтишга мажбурман. Хайдовчи менга баъзи нарсаларни айтди. Шуни сиз билан муҳокама қилиб олишим

керак. Агар матбуот хабар топса, жанжал чиқади... – у гапни канчалик чўзмасин, Мариэлла нима демокчилигини билиб турарди.

– Патрикнинг айтишича, сизнинг жазманингиз бор экан...

У охирги жумлани таънасиб айтди, Мариэлла эса аччиқ жилмайди. Патрикни яхши билгани учун бу хабарни канчалик нафрат билин етказганини тасаввур килди.

– Кизик.

– Шу ростми?

Тейлор уни чорасиз колдирди. Чунки бор ҳақиқатни билиши керак, Тедди учун... Мариэллани ёктириб колган бўлса-да, каттиққўллик килишга мажбур. Мариэлла хўрсиниб унга қаради.

– Йўк, рост эмас. У менинг собик эрим. Уни кўрмаганимга етти йил бўлганди, Авлиё Патрик ибодатхонасида икки кун олдин кутилмаганда учрашиб колдик.

– Демак, учрашувга олдиндан келишмагансизлар?

У жиддий бош чайқади. Тейлор унга сўзсиз ишонди. Кўзларидаги кайғунинг тарихи узоклигини ҳис килди.

– Биз тасодифан учрашдик. Охирги йилларда у Испанияда эди... жангларида қатнашган.

– Демак, у ҳам... – Тейлор гапини тугатмаслик учун қахва хўплади, кейин: – У коммунистми? – деб сўради.

Мариэлла яна ғамгин жилмайди. Чарльзга тегишли яна бир кулгили гап.

– Йўт-э, нималар деяпсиз. Сиёсат уни умуман кизиктирмайди. Унинг ҳаётдаги маслағи шу – бировларнинг иши учун курашиб юриш. У хаёлпараст, ижодкор одам. Худди Хемингуэйга ўхшаб. Менимча, Испанияда жанг кетаётганини эшитиб, дарҳол етиб борган ва ўйлаб ўтирмай жангга қўшилган... Яна билмадим, уни анчадан буён кўрганим йўк. Тўғрироғи, ўттиз иккинчи йилдан буён умуман учрашмаганмиз... Ўша йили Америкага қайтиб, Малкольмга турмушга чиқдим.

– Энди нега учрашдинглар? У нега қайтиб келибди? Сиз билан учрашиш учунми?

– Йўк. Оилавий ишлари бўйича. Кекса отаси ўлим тўшагида ётибди.

– Келганида сизга қўнғирок қилдими?

Мариэлла «йўк» дегандек бош силкиди.

– Балки у сиз билан атайлаб тўқнаш келгандир. Иккинчи марта турмушга чиққанингизга нима деди?

– Менимча, атайлаб учрашмаган, яна билмадим. Албатта... Айниқса, Теддини билгандан кейин... Жума куни учрашганимизда турмушга чиққанимни айтдим, лекин ўғлим борлигини айтмагандим. Кеча эса... у бизни кўриб колди...

– Кеча? – бу воқеа Тейлорни кизиктириб қўйди.

– Биз Тедди билан Марказий боғда сайр килиб юргандик, учрашиб колдик... Тасодифан... отасининг уйи боғнинг орка томониди...

– Уни ўша ерда учратишни ўзингиз ҳам хоҳлагансиз?..

– Бу хаёлимга ҳам келмаганди... – Мариэлла агентнинг кўзларига тик қаради.

– Етти йиллик айрилиқдан сўнг... икки марта ҳам тасодифан учрашиб қолишингиз ғалати туюлмаётими сизга? Балки сизни кўриш учун келгандир?

– Балки. – Мариэлланинг ўзи ҳам аниғини билмасди. – Балки ростдан ҳам мен билан учрашгиси келгандир. Шунчаки гаплашиш учун... Бир пайтлар ўртамазда тушунмовчилик бўлганди... Бунга анча бўлган... – У зўрға гапирар ва ҳар замонда ғамгин кўзлари билан Тейлорга қараб қўярди. Бу одам ҳаётига оғир дамда кириб келди, энди унга ҳаммасини айтиб бериши керак...

– Унга қачон турмушга чиққансиз? – Тейлорнинг овози мулоҳим бўлса-да, саволлари кескин эди...

– Йигирма олтинчи йилда. Ўшанда ўн саккиз ёшда эдим... – Мариэлла бор ҳақиқатни гапириб беришга тайёрлигини сезди. – Инспектор, эримнинг бу гаплардан хабари йўқ. У мени Европа саёҳати пайтида «бироз шўхлик қилган», деб ўйлайди. Бу гапини, яъни «тенги бўлмаган йигит билан учрашиб қолган», деган гапни отам чиқарган. Лекин отам беш йил давомида эрга текканимни ва эрим билан Европада яшаганимни яхши биларди. Отам ўз обрўсини ўйлаб, шундай гап чиқарган... Малкольм менга уйланмоқчи бўлганида ҳаммасини гапириб бермоқчи бўлдим, лекин у кулоқ солмади. Отам ҳеч кимга Чарльз менинг эрим бўлганини айтмаган. Биз Францияда яшаганимиз... Жуда бахтли эдик.

– Нега ҳаётингиз ўзгариб кетди? Бунга жиддий сабаб бўлганми?

Тейлор Мариэлланинг гапидан қалғишини истамасди.

– Сабаблар бор эди...

Тейлор унинг жавоб беришдан қочаётганини сезди. Лекин уларнинг бахтига нимадир зомин бўлганки, ўша ниманидир Чарльз ҳам, Мариэлла ҳам ҳамон унутишолмаган.

– Паттерсон хоним... Нима бўлганини мен билишим керак. Ўғлингиз учун...

– Мен бунни айтолмайман. Умуман, ҳеч қачон...

– Лекин гапиришингиз керак!

– Тушунинг, гапиролмайман... – яна эътироз билдирди Мариэлла ва асабийлашиб деразанинг ёнига бориб олди ва узок-узокларга тикилганча қолди. Анча сукунатдан кейин инспекторга ўгирилганда унинг кўзларидаги ғам-андухни кўриб, Тейлорнинг юраги эзилиб кетди. Унинг аёлга раҳми келди.

– Кечиринг мени. Сизни қийнамоқчимасман, – Тейлор сўроқ пайтида бунака гапларни умуман ишлатмасди. Ҳеч бир аёл Маризэллачилик унга таъсир этмаганди. Бу аёл шунчалик беғубор ва ожиз эдики, беихтиёр ҳимоя қилгингиз келарди. Бундан таъсирланиб кетган Тейлор ижозатсиз исми билан мурожаат қилганини сезмай қолди. – Маризэлла, илтимос, менга бошингиздан ўтганларни гапириб беринг.

– Ҳеч қачон эримга айтмаганман... Агар у билганида... агар...

Агар Малкольм билганида, Тедди ҳеч қачон дунёга келмасди, тўй ҳам бўлмасди.

– Сизга айтсам, кейин журналистларга айтиб бермайсизми? – Маризэлла унинг кўзларига хавотир аралаш термулди.

– Ҳеч нима ваъда қилолмайман. Лекин сиригизни саклашга қўлимдан келганча ҳаракат қилишга сўз бераман... Бу маълумот Теддини топишга ёрдам беришига ишончим қомил бўлсагина, ошқор қиламан. Розимисиз?

У яна деразага ўгирилиб олди ва узоқларга тикилганча гап бошлади:

– Чарльз иккимизнинг ўғлимиз бор эди... Миттигина Андремиз... – ўғлининг исмини зўрға тилга олди. – Сочлари қоп-қора... ялтираб турарди. Кўзлари кўм-кўк, худди фариштага ўхшарди. Уни еру кўкка ишонмасдик... Айниқса, Чарльз ўғли учун жонини беришга ҳам тайёр эди... – Тейлор унинг гап оҳангидан нохушликни сезиб, сесканиб кетди.

– Бир куни... Рождество арафасида Швейцарияга бордик. Ўшанда Андре эндигина икки ярим ёшга кирганди... Жуда бахтли эдик. Қорбобо ясаганмиз... роса қорбўрон ўйнаганмиз... – Унинг юзини кўз ёшлари юва бошлади. – Бир куни Чарльз чанғи учгани тоққа кетди, биз эса Женевада қолдик. Андре иккаламиз сайр қилиш учун қўл бўйига бордик. Қўл музлаб, атрофида аёллар болалари билан айланиб юришган экан... Аёллар учрашса, биласиз, гаплари тугамайди. Мен ҳам улардан бири билан гаплашиб қолдим. Унинг ҳам Андре тенги ўғилчаси бор экан... Биласиз-ку, аёллар болалари ҳақда гапиришни яхши кўришади... Гапга берилиб кетибмиз...

Маризэлла титраган қўллари билан кўзларини арта туриб, қалқиб кетди. Жон Тейлор шошиб, унинг қўлларидан тутди. Лекин Маризэлла ҳеч нимани сезмас, хаёлан ўша қўл бўйига бориб қолганди.

– Биз гапга чалғиб қолганимизда, Андре бошқа болалар билан музлаган қўлга қараб югурибди... Шу пайт... бу дахшат...

Унинг йиғидан нафаси тикилди.

– Муз дахшатли қарсиллади... худди чакмоқ чаккандек... Кейин муз ёрилиб... Ўйнаб юрган болаларнинг учаласи ҳам сувга тушиб кетишди... Уларнинг ичида Андре ҳам бор эди... Мен жон ҳолатда ўша ёққа югурдим... Бошқа аёллар ҳам... Қий-чув кўтарилди. Сувга мен биринчи бўлиб етиб бордим... Тезда иккита кизалокни сувдан чиқариб олдим... Иккаласини ҳам... – Маризэлла йиғидан бўғилиб қолди. – Андрени эса ҳеч чиқара

олмадим... Ҳаракат килдим... Чин сўзим, жуда ҳаракат килдим, лекин... Қўрққанымдан ўзимни сувга ташладим... лекин у муз остига тушиб қолганди... Кейин уни топдим...

Тейлорнинг унга қўшилиб йиғлагиси келди.

– Кўкариб кетган болагинам қўлимда ётарди... Нималар килмадим, дейсиз... сунъий нафас бердим, ишқалаб иситдим... кейин «Тез ёрдам» келди ва касалхонага олиб кетди... Лекин... уни саклаб қолишолмади... Ўшандаёқ жон берган экан... Ҳаммасига мен айбдорман... Ўтиборсизлигим сабаб шундай бўлди... Болам ҳақида гапираман деб, ундан айрилиб ўтирибман... Уни мен ўлдирдим...

– Отаси-чи, у нима деди?.. – эшитганларидан ўзига келолмаётган Тейлор яна нимадир борлигини ҳис қилиб сўради.

– Албатта, у ҳам мени айблади... Мени шифохонада қолдиришди, ўзим шуни истадим. Андрени қўлимдан қўйгим келмасди, шундай қилсам, ҳаётга қайтишига ишонардим... Бағримга босиб иситсам, тирилиб қоладигандек қўлимдан қўймадим... лекин...

– Эрингиз касалхонага келгандир... Ўзини қандай тутди? – иложи борича мулойимлик билан сўради Тейлор. У аёлни даҳшатли ходисадан бироз чалғитгиси келарди.

– У мени урди... Қаттиқ калтаклади... Ҳеч ким ажрата олмади... кейин менга айтишдики... Майли, бу муҳиммас... Айтишларича, музга сакраган пайтим...

– Паттерсон хоним, тушунтириброк гапиринг...

– Хуллас, у мени ўлдириб қўйишига бир бахя қолди... «Сен учун Андре ўлди, ҳаммасига сен айбдорсан», деди... Тўғри айтди... мен айбдорман. – Шу ерга келганда Мариэлла хўнграб йиғлаб юборди... – Мен... Мен болаларимнинг ўлимига сабабчи бўлдим... – Тейлор беихтиёр уни ўзига қаратиб, елкасидан тутди. Мариэлла инспекторнинг бағрига бошини қўйганча, ўпкасини босолмай хўнграб йиғларди.

– Худойим! – Тейлор унинг охириги гаплари маъносини энди тушунди. – Нахотки, ҳомиладор бўлгансиз...

– Олти ойлик... қизалок. У ҳам Андре ҳалок бўлган кунни ўлган...

– Ҳамдардлик билдираман... Бошингизга шунча ташвиш тушибди. Мен эса ярангизни янгилладим... Ишонинг, бунчалигини билмагандим...

Тейлорнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Чунки бу оилага тегишли ҳамма гапни билиши керак. Бу аёлнинг ғамгин кўзларига қараб, қўп нарсани бошидан ўтказганини сезганди, лекин бунчалик қайғули воқсани эшитаман деб ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

Тейлор энди нима қилиб бўлмасин, болақайни топиши зарурлигини тушуниб турарди. Мариэлла нафас ростлагунча кутиб турди.

Аёл хўрсиниб олгач, гапида давом этди:

– Ўзимга келишимга узок вақт керак бўлди... жуда узок... Бунни асабий зўриқиш дейиладими ёки бошқача айтиладими, билмайман... Назаримда, Чарльзнинг ҳам аҳволи яхши эмасди. Ўша куни уни мендан зўрга ажратиб олишган. Кейинчалик менга айтиб беришларига қараганда, дафн маросимида бутунлай ғазабга минибди... Дафн маросимига боришга менга рухсат беришмаганди, шунинг учун ўзим кўрмаганман. Мени Виллардаги хусусий клиникага жойлаштиришди... У ерда йигирма олти ой давомида даволандим... Муолажа ҳаражатларини Чарльз тўлади, лекин унинг ўзини шу давр ичида бирор марта кўрмадим. Фақатгина менга жавоб беришаётганда ёнимга киритишди. У қайтишимни сўради, лекин энди мен қайтолмасдим. Чунки у фарзандимизнинг ўлимида мени айбдор ҳисобларди, ўзим ҳам ўзимни айбдор деб билардим... Иккала фарзандимизнинг ўлимида ҳам. Мен нафақат Андрега бепарво бўлдим, балки сувга сакраб иккинчи фарзандимизни ҳам нобуд қилдим...

– Бошқа нима ҳам қилардингиз? Андренинг чўкиб кетишига қараб тура олмасдингиз-ку!

– Йўк, мен тўғри қилдим деб ўйламайман. Фақат бундай ҳулосага келишим учун икки йил керак бўлди... Кейин олти йил шу оғрик билан яшашимга тўғри келган. Тедди туғилгачгина худо мени кечирибди, деган ҳулосага келдим. Малкольмдан ҳомиладор бўла олмаган пайтимда худо мени жазолаяпти деб ўйлардим.

– Ўзингизни қийнаманг. Сиз етарлича жазонингизни олгансиз. Бунақа жазоланишга арзигулик ҳеч иш қилмагансиз аслида.

Мариэлла ҳаётидаги энг махфий сирини бўлишган одамга ғамгин жилмайди.

– Шунча йилдан буён мен ҳам ўзимни шунга ишонтиришга ҳаракат қилиб келаяпман.

Тейлор унга чой узатди ва шу пайтгача эрига бу ҳақда гапирмаганига ишонгиси келмади. Унга қанчалик қийин бўлганини тушунди. Бекорга ҳам бош оғриғи безовта қилмаган.

– Энди ибодатхонадаги учрашувингиз ҳақида батафсилроқ...

– Ўша куни ўғлим вафот этган кун эди... Ҳар йили шу куни ибодатхонага бориб шам ёқаман. Ота-онам учун ҳам. Кутилмаганда осмондан тушгандек Чарльз пайдо бўлди...

«Бир-бирларини кўриб хурсанд бўлишдимикан?» – ўйлади Тейлор. Энди у бутунлай аёл томонда эди. Шунча ғам билан ҳам яшашга куч топа олган бу аёлга тан берганди. Заифа кўрингани билан иродали ва кучли эди у. Тейлор яна бир саволига жавоб олмаса бўлмасди.

– Уни ҳамон севасизми?

– Ҳа. Бутун қалбим унга тегишли бўлса керак... – унинг самимий гапираётганига ишонмасликнинг иложи йўк эди. Шунда Тейлор ҳайдовчи-

нинг бу аёлни қоралаб бақирганини эслади. Лекин Мариэлла уни аксига ишонтира олди. – Лекин у ўтмишда қолган. Ҳаётимнинг у қисми ёпилган...

– У сиздан нима истайди. Қайтишингизни сўрадим?

– Билмадим. Биз кўп гаплашмадик, чунки иккаламизга ҳам қийин эди. У сен айбдор эмассан, деди. Лекин у мени бир умр айблаб ўтишини биламан... – Мариэлланинг овози яна йиғидан бўғилди. Тейлор унга мажбурлаб чой ичирди. – У ҳақ. Ахир унда жуда ёш бўлганман... ва кечирилмас хатога йўл қўйганман. Чарльз мени кечираман, деганда хайрон бўлдим, чунки унинг ўшанда қай аҳволга тушганидан хабардорман-ку.

– У ростдан ҳам сизни кечирмоқчимиди? Ишончингиз комилми?

– Билмадим. Ибодатхонада бу гапига ишонгандим. Чунки яна турмушга чиққанимни айтганимда индамаганди. Лекин эртаси куни боғда учрашганимизда... Теддини кўриб, ғазаби кўзиб кетди. Чунки унинг боласи йўқ, меники эса бор. У менга, сен бундай бахтга лойиқ эмассан, деди ва назаримда, таҳдид қилгандек бўлди... Ҳатто, қайтишим учун боламни ўғирлашга ҳам тайёрилигини айтди...

Ниҳоят, Жон Тейлор ўзига керакли маълумотни эшитди. Энди у жиноятчини ҳеч бир қийинчиликсиз қўлга олиши аниқ...

Фақат уни топса бўлди. Мариэлла унга ишониб, бор гапни айтгани яхши бўлди. Энди унинг собиқ эрини тутиб, қамоққа тикишнинг иложи бор. Мариэллага ичи ачиганидан, у Чарльзни ёмон кўриб қолганди. Ахир ҳомиладор хотинини урадиган, уни овутиш ўрнига боласининг ўлимида айблайдиган кишига ачиниб бўлармиди. Қолаверса, кейин ҳам тақдир ҳукмига ҳавола қилиб ташлаб қўйган ва ўзини айбдор ҳис қилиши учун шароит яратган одамга шафқат қилиб бўлармиди? Жон Тейлор бундай киши жазога лойиқ, деб ҳисобларди.

– У жиддий гапирган деб ҳисоблайсизми?

– Ишончим комил эмас... Лекин билмайман. У бировга, айниқса, болаларга зарар етказиши мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтира олмайман... Яна ким билсин, балки ҳали ҳам жаҳлдан тушмагандир... Шунинг учун сиздан ҳеч гапни бекитмоқчимасман...

«Агар ҳайдовчи Патрик бекасининг жазмани бор, деб айбламаганида, шунча гапдан хабарсиз қолардим» – ўйлади Тейлор.

Соат эрталабки олти бўлган бўлса-да, иш ҳали бир қадам ҳам олдинга силжимаганди. Фақат Мариэлла берган маълумотларгина умид бериб турарди. Жон Тейлор Чарльзнинг манзилини ва фамилиясини ёзиб олди ва у билан шахсан гаплашишга қарор қилди. Агар Чарльз Делони бирор ишонарли алибини кўрсата олса, бу мавзунини ёпиқ деб ҳисоблаш мумкин. Аксинча бўлса, бу маълумотни ошкор этишга тўғри келади. «Бу йиғит эсини еган, – ўйлади Тейлор. – Очикчасига таҳдид қилган... демак, болани ўша ўғирлаган бўлиши керак. Бу ишни нима учун қилди экан? Балки вафот

этган болаларининг ўчини олиш учундир, балки собик хотинини кайтариш учундир...» Лекин Тейлор Мариэллага бу маълумотни сабаб бўлмаса, ФҚБ ходимларига ҳам, журналистларга ҳам, ҳатто Малкольмга ҳам айтмасликка ваъда берди. Биринчи ўринда Чарльз Делони билан гаплашиш керак.

Улар кабинетдан соат еттиларда чиқишди. Ҳали тонг ёришмаган. Тейлор бу ғамгин аёлга тикилиб қолди... унга ўғлингизни, албатта, топиб бераман, деб ваъда бергиси келди. У ҳозир мададга, меҳрга мухтож эди. Тейлор Мариэлла билан Малкольм Паттерсоннинг никоҳи шунчаки битимлигини тушуниб етди. Мариэлла ҳаётининг мазмуни Тедди эди, энди эса уни ҳам тортиб олишди. Аёлга қараб Тейлор ўйланиб қолди, энди у Чарльзнинг ёнига қайтмайди, лекин суянадиган бошқа одами ҳам йўқ. Тейлор бир нарсани тушунмасди, ҳеч бир из қолдирмай, ярим тунда болани шовкин-суронсиз ўғирлаб кетиш мумкинми? Яна ухлаб ётган жойидан...

V ҚИСМ

Мариэлла Тейлорга айтган гапларини таҳлил қилиб у ёқдан-бу ёққа юрар, шундай кенг уйда юраги сиқиларди. Айланиб юриб Теддининг хонасига келиб қолганини билмади. Фақат шу ерда кўнгли хотиржам бўладигандек. Ақлга сиғмайди... Бу ишни ким қилган бўлиши мумкин? Нега? Балки пул учун қилишгандир?..

Уйнинг ҳамма ерига махсус телефон симлари ўрнатилиб, жинойтчилар тўлов пули сўраб кўнғироқ қилганда, шошиб қолмаслик учун барча чора-тадбирлар кўриб қўйилганди. Полициячилар ҳамон уйнинг барча бурчакларида изғиб юришар, барчаси жинойтчиларнинг кўнғироқ қилишини ёки хат ёзишини кутарди. Тонгги газеталар кўздан кечирилган, ФҚБ агентлари Малкольмнинг қилишини интизорлик билан кутишарди.

Уларнинг ҳар бир ҳаракатини умид билан кузатиб турган Мариэлла худога ибодат қилишдан бошқа чораси йўқлигини тушунди.

У ўғлининг қаравоти ёнига ҳолсиз тиз чўқди ва бошини қўйганча йиғлаб юборди. Ўғилгинаси ҳозир совқотиб ёки кўркиб ўтиргандир, балки корни очдир... Унинг қаердалигини билмаслик азоб... Остонада эшитилган шовкиндан ортига ўғирилди... У ерда ранги синикқан, йиғлагани юз-кўзларидан сезилиб турган, лекин шунга қарамай, саришта кийинган Гриффин хоним турарди. Шунча йилдан бери у биринчи марта Мариэллага чин дилдан ачиниб қарарди. Лекин юрагидагини изохлашга сўз тополмасди.

— Мен... — унинг лаблари титради, Мариэлланинг кўзига тик қарай олмади. Бундай ғамгин кўзга қараб бўлмасди. — Кечиринг... Мен эҳтиёт бўлишим керак эди. Нега эшитмадим?.. — энаганинг самимий гапираётгани

сезилиб турарди. У гапани тугатмай йиглаб юборди. – Мен уларни тўхтатиб қолишим керак эди...

– Кўйинг, сиз ҳам билмагансиз... Улар кўпчилик бўлишган шекилли. Ўзингизни айбламанг.

Мариэлла ғамгин судралиб ўрнидан турди ва Гриффин хонимни бағрига босиб, овутди. Унинг меҳри дарёлигидан Гриффин хоним ўзини баттар айбдор ҳис қила бошлади. Авваллари у Мариэллани «телба, факат ўзини ўйлайдиган ожиза», деб ҳисобларди. Энди эса иродали, меҳрибон ва ўзидан бошқанинг ҳам дардини ҳис қила оладиган аёллигини кўриб турарди. Шу пайт пастдан қандайдир шовқин эшитилди. Даставвал репортёрлар полициячилар билан жанжаллашиб бостириб кирмокчи бўлаётганини тушунмади. Кутилмаганда эшик очилди...

– У шу ерда! – кичқирди полициячилардан бири. Ва остонада Малкольм пайдо бўлди. Аҳволи ёмон бўлса-да, ўзини тутиб олганди. Дардини сездирмасликка ҳаракат қиларди. Лекин Мариэлла бир қарашдаёқ унинг ғамдан тамом бўлганини сизди. Улар зина ўртасида учрашишди. Мариэлла ҳамон оёқяланг, халатда... У Мариэллани бағрига босди, кейин хонасига етаклади...

– Мариэлла... Бу қандай рўй берди?.. Қандай қилиб сездирмай киришди? Хейверфорд қаерда эди? Оксочлар-чи? Гриффин хоним-чи?!

У оксочлар ва уйини Мариэллага топшириб кетган-у, лекин вазифасини бажара олмагандек таъна билан гапирарди. Мариэлла ўзини оқлашни ҳам, вазиятни тушунтиришни ҳам билмасди. Чунки ўзи ҳам нима гаплигини яхши тушуниб етмаганди.

– Билмайман!.. Ўзим ҳам ҳеч нимани тушунмаяпман.. Сиз билан телефонда гаплашаётганимда, қандайдир шовқин эшитилди... Лекин уйда бегона одам борлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Мен оксочлар юргандир деб ўйладим. Эдит кетганидан ҳам хабарим йўқ эди.

– Сокчилар ёлласам бўларкан... – афсус билан Мариэллага тикилди. – Хаёлимга келмаганди. Сен доим Линдберглар иши бўйича хавотир олардинг... Лекин сен ҳақ бўлиб чиқишинг кимнинг хаёлига келибди...

У хотинига қайғу билан тикилди. Ягона умиди, ягона меросхўри билан бирга бахти ва хотиржамлиги ҳам йўқолганди. Малкольм сезиларли даражада қаригандек кўринди. У бу дардни кўтара олмайдигандек эди. Мариэлла ўзининг бепарволиги билан бу одамни тамом қилдим, деб ўйлай бошлади. Яна ўзини айблади. Ҳаммаси худди аввалгидек, ўтган гал ҳам шунақа бўлганди... Андре муз устида югургани учун ҳалок бўлган эди. Нега у иккита қизалокни кутқара олди-ю, ўғлини кутқара олмади. Қизи-чи? Андрени кутқараман дегани учун вафот этдими, ёки Чарльз шифохонада қутуриб кетгани учунми? Энди-чи? Энди ҳам Мариэлла айбдорми? Ёки яна бошқа биров айбдорми?

Ҳозир у сочлари тўзгиган, телбанамо кўринарди.

– Кийиниб олсанг бўларди, – хоргин сўз котди Малкольм. – Уй тўла полициячи, кўчада эса журналистлар бесабрлик билан пойлашапти. Энди бир жойга чикмокчи бўлсак, боғ оркали юришимиз керак. – Малкольмнинг юзи баттар тундлашди. Агар полициянинг гапи рост бўлса, ҳали тўлов сўрашмади. Мен банкка кўнгирак қилиб, тамға қўйилган пулларни тайёрлаб қўйишни тайинладим. Сўраб қолишса, берамиз...

Ростдан ҳам бошқа ҳеч нима қила олмасдилар. Маризэлла эри қайтгандан кейин бироз енгил тортди. Энди ҳамма ишни ўзи бошқаради. Теддини қайтариб олади. Шу пайтгача эри унга ҳеч панд бермаган... У эса...

– Мени кечиринг... Ҳаммасига мен айбдорман. Нима дейишни ҳам билмаяпман...

Малкольм индамади, бир оғиз сен айбдорсан, демади. Кўзлари айтиб турарди. У ўрнидан туриб, дераза ёнига борди ва Тедди ўйнаб юрадиган бокка тикилди. Маризэлла унинг йиғлаётганини кўрди. Агар Малкольм ҳам уни айбласа нима деб жавоб беради. Ўша таниш оғриклар бошини сиқиб бораётганини хис қилди. Ҳушидан кетишига сал қолди. Малкольм ўгирилиб, унинг аҳволи ёмонлигини сезди.

– Маризэлла, рангинг оқариб кетди. Бошинг оғрияптими?

– Йўк, – ёлгон гапирди у. Ўғли учун кучли бўлишга мажбур эди ҳозир. Зўрға ўзини қўлга олди ва: – Бориб кийимларимни алмаштирай, – деб ўрнидан турди.

– Майли... мен ФБР агентлари билан гаплашай-чи.

Малкольм Вашингтонда пайтидаёқ танишларига кўнгирак қилганди. ФҚБ директори аралашуви билан у уйига иложи борица тез ва ҳеч бир тўсиксиз етиб келганди. Немис элчиси ҳам кўнгирак қилиб ҳол сўради.

– Улар менга жуда яхши муомалада бўлишди, – деди Маризэлла зўрға эшитилар даражада шивирлаб. У Тейлор эрига бор гапни айтиб берадими, йўкми билмасди. Лекин ҳамма нарсгага тайёр эди. Тедди топилса бўлгани. Қолаверса, Тейлор сир саклашга ваъда берган... Фақат Теддига тегишли бўлсагина ошкор этаман, деган. Энди Маризэлла ўз оиласини, бахтини ўғли учун қурбон қилишга ҳам тайёр эди.

Малкольм унга қаттиқ тикилди.

– Сени айбламокчи эмасдим, Маризэлла. Биламан, бу сенинг айбинг эмас, лекин қандай юз берганини аклимга сиғдира олмаяпман.

– Мен ҳам шуни тушунмаяпман... – шивирлади Маризэлла.

Нариги хонага ўтиб кийимларини алмаштирди, лекин боши ҳамон оғирди. Кийиниб бўлгандан кейин полициячиларга ул-бул тайёрлаб беришни ошпазга айтиш учун пастга тушди. Лекин Хейверфорд барча чора-тадбирларни кўрган экан. Ҳаммага иссиқкина қаҳва билан сендвичлар тарқатилганди. Юқорида ҳам дастурхон тузалган, лекин ҳеч ким қўл урмаганди.

Кутубхонада Малкольм иккита ФКБ агенти билан суҳбаглашиб ўтирарди. Малкольм унга караганда, Мариэлла ўзи ҳақида гапиришадганини сезди. Нималарни гапиришадигани экан, ўйлади у. Балки Чарльз ҳақида гаплашадигандир. Кутилмаганда яна шовкин кўтарилди ва холлнинг эшиги очилиб, олти киши бостириб кирди.

Улар тинмай чуғурлашишар ва фотоаппаратларнинг шикиллагани эшитилди. Шу заҳоти пайдо бўлган полициячилар журналистларнинг қаршилигига қарамай, итариб чиқариб юборишди. Факат битта малласоч, кичкина аёл уларнинг орасидан сирғалиб ўтди ва Мариэлланинг қаршисида пайдо бўлди. У ўзига келгунча журналист саволга тутта бошлади.

– Ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз, Паттерсон хоним? Бирор янгилик борми? Болангизнинг аҳволи қандай экан? Тирикмикан ўзи?..

Фотоаппарат чироқларидан боши айланиб кетди. Бош оғриғидан ҳам кўра калб оғриғи қаттиқроқ азоб берарди. У ўзини четга ололмай турганда ортидан қатъий овоз эшитилди. Кейин кимнингдир бакуват қўллари елкасидан тортиб уни четга олди. Яна Жон Тейлор ёрдамга етиб келганди!

– Бу аёлни кўздан йўқотинглар!

Шу заҳоти сариқ аёл кўздан йўқотилди ва кўча эшик ёпилди. Тейлор уни креслога ўтқизди. У эшикдан кирганда ортидан репортёрлар ёпирилиб кирган экан.

– Уф, аблахлар, энди ошхона эшигидан кириб-чикиш керак бўлади.

У Мариэлланинг абгор аҳволига ачиниб каради ва одамларидан бирига ишора қилди. Шу заҳоти бир стакан сув узатишди. Мариэлла кўз ёшларини тўхтата олмай сув ҳўплади.

Мариэлланинг боши яна қаттиқ оғрий бошлади. Бир кунда шунча ташвиш. Малкольм ғазабга минган, Теддидан ҳамон дарак йўқ, энди шу журналист хотин етмай турганди совукдан-совук саволлари билан. «Ўғлингиз тирикми, хавотир олмаяпсизми», эмиш. Ҳозир у ҳақидаги хабар учун жонини беришга ҳам тайёр.

Мариэлла хижолат билан Жон Тейлорга тикилди. Тейлор унинг довираб қолганини кўриб раҳми келди.

– Узр, – деди Мариэлла эшитилар-эшитилмас.

– Нега? Ахир сиз ҳам одамсиз-ку! Бу аблахларни кўргани кўзим йўқ. – Тейлор унга маъноли тикилди. Мариэлла унинг Чарльз Делони билан учрашиб келганини тушунди. – Холирок жойда гаплашиб олсак бўладими? Балки кутубхонада...

– Йўқ, – шошиб эътироз билдирди Мариэлла. – У ерда эрим иккита ходимингиз билан гаплашадигани. – Бироз ўйланиб тургач, Тейлорни ҳеч ким кирмайдиган мусиқа хонасига бошлади. Бу хонада баъзи-баъзида Бригитта ишларди. Мариэлла ўтиргач, Тейлор унга яқинроқ бўлиш учун стулини су-

риб жойлашди. Уларнинг танишганига кўп бўлмаган бўлса-да, Мариэлланинг ҳар бир сўзига ишонгиси келарди. Тейлор ўз обрўсига путур етказётганини била туриб, у билан гаплашарди. Тейлорнинг назарида бу аёл эртак қаҳрамонларига ўхшарди. Лекин шу қадар гўзал аёлга негадир факат иблиснамо одамлар йўлиққанди. Тейлорнинг назарида бу икки эркакнинг ҳеч бири унга арзимасди. Чарльз Делони бойвачча, арокхўр, арзанда бўлибгина қолмай, ўзига бино қўйган, сиёсий қарашларига ўралашиб қолган. Бундан ташқари, ўн йил аввал юз берган бахтсиз ҳодиса учун ҳамон ғазабдан тушмаган... Мариэлланинг рад жавоби эса уни тамом қилганди. Тейлор Чарльз билан суҳбатлашиб, бу одамдан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини тушунди. Балки ўта хавфли бўлиши ҳам мумкин. Малкольм ҳам Тейлорга ёкмади. Тейлор унинг суратини газеталарда кўп кўрганди. Бугун кўзига янада совуққон ва такаббур бўлиб кўринди.

– Бирор гап бўлдимми? – сўради Мариэлла.

– Чарльз Делони билан салкам уч соат гаплашдим... – бутун сирини ишониб айтган аёлнинг ишончини суиистеъмол қилмаслик учун эҳтиёткорлик билан гап бошлади Тейлор.

– Менинг гапларимни унга айтдингизми?

– Ҳа, у ҳам ўзини айблаяпти. Кеча фарзандингиз борлигини эшитиб, ўзини тута олмай, жанжал қилганидан хафа. Қолаверса, кеча сизларни учратганда ҳали кайфи таркамаган экан. Шу сабаб нималар деганини аниқ эслолмайди. Лекин сизга қарши жиноий иш режалаштирмаганини ва икки дунёда ҳам Теддига зарар етказадиган иш қила олмаслигини таъкидлаяпти.

– Сиз унга ишондингизми? – Мариэлла Тейлорга синчковлик билан тикилди. У Тейлорнинг тўғрисиўз, ҳалол инсонлигига ишонарди.

– Билмадим, – ўзини креслога ташлади Тейлор. – Ишонгим келмаяпти. Назаримда, у ҳақиқатан ҳам Теддига зарар етказмаган, чунки у Линдбергларнинг боласини ўғирлаганлар тоифасига қирмайди. Лекин у инсон сифатида миясидан суягигача бузилиб бўлган. Мақсадига етиш учун ҳар нарсасига тайёр одамга ўхшайди. Балки сизга яқинроқ бўлиш учун ўғлингизни ўғирлагандир. Яна билмадим, тўғрисини айтсам, унга унчалик ишонмаяман...

Ростдан ҳам унинг кўзлари кутурган одамникидек, сочлари тўзгиган, соқоли ўсиб кетган. У ўз ҳаётини изга туширолмаган, ахлоксиз, лекин энди ўз ҳаёлидаги адолатни ўрнатиш учун барча нарсасига тайёр деғонага ўхшарди. Шунча бахтсизликдан кейин ўзига умуман алоқаси бўлмаган урушга йўл олгани-чи. У факат ҳис-туйғуларини босиш учунгина жангга қирганди. Жон Тейлорнинг кўз ўнгида Чарльз Делони худди шундай қиёфада гавдаланганди. У бунақа одамларни умуман ёқтирмасди, сиёсатни яхши тушунмай, бировларнинг урушига аралашадиган, корридодан завқланадиган, ўғлининг ўлими қуни ҳомиладор хотинини вахшийларча қал-

таклайдиган одамларни тушуна олмасди! Ҳозир у Мариэллани чин дилдан тушунар ва факат унга ёрдам бергиси келарди.

– Ундан хавотирдаман. Бунни билиб қўйганингиз яхши. Энди уни кузатамиз, уйини тинтув киламиз. Яна бир гапни айтиб огоҳлантириб қўйишим керак: мен сингизни саклай олмайман. Балки бу гаплар бошқа йўллар билан эрингизнинг кулоғига етиб бормасидан у билан ўзингиз гаплашиб олганингиз яхшидир.

Мариэлла маслаҳат учун миннатдорчилик билдиргандек бош силкиди. Унинг бошидаги оғрик исканжага оларди. Азобланаётганини кўриб, Тейлорнинг унга ичи ачиди.

– Аҳволингиз яхшими? Менимча, бироз дам олишингиз керак. Бўлмаса, айнан ёрдамингиз керак пайтда ҳолдан кетишингиз мумкин.

Мариэлла ҳўп деди-ю, лекин ухлай олмаслигини биларди. Ухлаш нари турсин, ўғлини топгунларича яшай олармикан?

Ўғли кўз олдида гавдаланган Мариэлла яна йиғлаб юборди.

– Ўзингизни қўлга олинг, Паттерсон хоним. Уни, албатта, топамиз.

Мариэлланинг олдида эрига бор гапни айтишдек мушкул вазифа турарди.

– Эримга Чарльз ҳақида айтасизми?

– Айтаман. Бу шунчаки тахмин дейман. Чунки бу ишни Чарльз қилганига ишонмайман. Лекин, очиги, у менга ёкмади... Унинг тахдидлари ёкмади. Назаримда, сизни ҳали ҳам севади ва қайтишингизни хоҳлаяпти. Ва бунни сизни қайтариш учун етарли асос деб ўйлайди.

Тейлор Чарльзнинг барча гапини Мариэллага айтиб ўтирмади. Чунки Чарльз бу никоҳ ёлғондан иборатлигини бутун Нью-Йорк билишини, Малкольм бошқа аёл билан юришини, бундан ташқари, одамлар Мариэлла эрининг уйида худди роҳибалардек яшашини ва эрининг у билан умуман иши йўклигини ҳам гапиришларини айтганди. Чарльзнинг назарида шунинг ўзи Мариэлла эри билан ажрашишига етарли сабаб бўларди. Мариэлла жинниҳонадан чикканидан кейин ёнида суянадиган ҳеч ким бўлмагани учун Малкольмга теккан, лекин уни севмайди, деганди у Тейлорга. Чарльзнинг кутуриб, кўзлари чакчайиб гапиришига караб Мариэлла нега ҳимоя кидирганини тушуниш мумкин эди. Тейлор Мариэлла нега Чарльзни севиб қолганини тушунарди. У чиройли, келишган ва бироз ёввойироқ. Ўн саккиз ёшли қизларга шунақа бебош йигитлар ёқиши аниқ. Лекин бундай эркаклар хавфли бўлишади. Хотинини қалтаклаш, тахдид қилиш ва яна аллақандай пасткашликларга қодир бўлишади... Бирок Чарльз бола ўғирлашга қодирмикан? Бу саволга жавоб топиш қийин эди. Лекин Тейлор бир нарсани аниқ биларди. Агар бу ишни Чарльз қилган бўлса, демек, пул эвазига эмас. Шу пайтгача ҳеч ким пул сўраб мурожаат қилмаганининг сабаби шудир... У болани ўғирлаб, яшириб қўйиш учун одам ёллаган.

Лекин Мариэлла бу ишни Чарльз қилганига ишонгиси келмасди. Наҳотки, Чарльз уни шу қадар ёмон кўрса?

Гаплашиб бўлишгач, улар ташқарига чиқишди.

Йўлакда Малкольм иккита ФҚБ агенти билан гаплашиб туришарди.

– Мен сизни кутиб турувдим, – тўнғиллади Малкольм.

– Ишга тегишли бир-икки кишини сўроқ қилгани кетгандим, – Тейлор Малкольмга тикилиб туриб, Чарльзнинг фикрларига юз фоиз кўшилишини тушунди. Хотинига сира ачинмаётгани кўриниб турарди. Тейлорга ҳам илтимос эмас, буйруқ оҳангида гапирарди.

– Биз аввал жиноятчиларнинг шартини билиб, кейин ҳаракат қилмоқчимиз, – иложи борица мулойим гапиришга ҳаракат қилди Тейлор. Унга Малкольм умуман ёқмаганди.

– Мен эса ҳаракатни бошладим, – ҳар сўзига алоҳида урғу бериб таъкидлади Малкольм. – Молия вазирлигида ҳар эҳтимолга қарши биз учун белги қўйилган банкнотларни тайёрлаб қўйишди.

– Пулни жуда эҳтиёткорлик билан топшириш керак. – У Линдберглари оиласидаги бахтсизликни унутмаганди. Бу гал ҳам шундай бўлишини хохламасди. – Тушдан кейин вақтингиз бўлса, сиз билан гаплашиб олмакчийдим. – Тейлор ичини тирнаётган гумонлари ростми ёки ёлғонлигини текшириб кўриши керак эди. Бунинг учун Малкольм билан юзма-юз гаплашиши лозим. Фақат Мариэлла эрига бор ҳақиқатни айтиб берганидан кейин...

– Келинг, ҳозир гаплашамиз, – деди Малкольм қовоғини очмай. У Вашингтондан келгунча машинасида ухлаб олганди, шунинг учун Мариэлла билан Тейлорга қараганда анча тетик эди.

– Афсус, ҳозир жуда бандман. – У хонасига бориб ҳаракат режасини тузиши керак эди. Аслида ҳозир қўлида асосли далиллар йўқ. Чарльз ва ҳайдовчининг гапидан бошқа... Ҳайдовчининг айтишича, бир неча ҳафта илгари кимдир унга қўнғирок қилиб, айнан шу оқшом Эдитни олиб уйдан кетса, юз доллар беришини айтган. Патрик буни кимнингдир ҳазили деб тушунганди. Чунки у шундоқ ҳам Эдит билан Ирландия рақс клубига бормокчи эди. Бир ҳафта аввал эса остонадан юз доллар солинган конверт топиб олди... У пулни аллақачон сарфлаб, конвертни эса отиб юборганди. Ҳайдовчининг айтишича, телефондан гапирган одам немисча ёки инглизча лаҳжада гапирган. Патрик аниғини айта олмади. Лекин бу маълумот ҳам ҳеч нима бермасди. Агар Делони болани ўғирламокчи бўлса, буни шахсан ўзи бажармасди. Бир ҳафта аввал у Мариэллани кўрмаган, боласи борлигини ҳам билмасди... Ёки билганмикан... балки ҳаммаси махсус режа асосида бажарилгандир. Балки Чарльз бир ой аввал уни кузатишни бошлагандир... балки... лекин бу тахминни илгари суришга ҳали вақтли эди. Бироқ нега бу қўнғирок ҳайдовчини хушёр торттирмади? Нега хўжайинларини огоҳ-

лантирмади, бу суиқасд бўлиши ҳам мумкин эди-ку. Лекин Тейлор хайдовчи сохибларига бутунлай бефарклигини сезганди. Малкольмга ФҚБ агентининг шу заҳоти гаплашишга рози бўлмагани ёкмади ва агент ким билан гаплашаётганини билиб қўйсин, деган мақсадда Вашингтон саёхатини яна бир бор тилга олишни лозим топди. Унинг гап оҳангидан менинг буйруғим бўйича тезда ҳаракат қилмасангиз, кейин пушаймон қиласиз, деган маънони уқиш мумкин эди. Лекин Тейлор бировларнинг ноғорасига ўйнайдиганлардан эмасди.

– Куннинг иккинчи ярмида мен билан гаплашишга вақт ажрата оласизми, жаноб? Аниқроғи, соат тўртда.

– Келишдик. Жиноятчилар соат тўртгача телефон килишса, одамларнинг сизни қаердан топиш мумкинлигини билишадими? – У билан гаплашишдан ҳам муҳим иши чиқиб қолган агентни чақиб олди Малкольм.

– Албатта.

– Унда яхши. Айтганча, эшигимиз олдидаги тўдани тарқатиб юборолмай-сизми?

– Афсуски, ҳеч нима қилолмайман, журналистларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари бор. Ҳозир йигитларга айтиб уларни ҳовлидан ташқарига чиқартираман.

– Майли, шундай қила қолинг, – Малкольм агентга, ҳатто миннатдорчилик ҳам билдирмади.

Тейлор кетгач, ортидан қараб Мариэллага:

– У менга ёкмади, – деди.

– Йўқ, яхши одам у. Менга яхши муомала қилди...

– У бизга нега кераклигини унутмадингми? Унинг вазифаси ўғлимизни топиш!

Мариэлла эри нега Тейлорни ёктирмаганини тушунмади. Лекин Тейлор қайтгунича барча гапни эрига гапириб бериши лозимлигини тушуниб турарди...

– Сиз билан алоҳида гаплашиб олсак... – деди овози қалтираб у. – Сизга айтадиган гапларим бор.

– Ҳозир бунинг вақти эмас, – узиб берди Малкольм. У немис элчисига қўнғирок килиши керак эди. Шундай катта одам унинг кайғусига шерик бўлаётганидан жуда таъсирланганди.

– Ҳозир гаплашишимиз керак, Малкольм. Бу жуда муҳим.

– Наҳотки кутиб туролмасанг... – хотинининг тикилиб турганини кўриб, бунинг иложи йўклигини тушунди. Бунақа катъиятни ундан кутмаганди.

– Яхши, ҳозир бораман...

Ҳозир бораман деган одам ярим соатдан кейин кириб келди. Унгача Мариэлланинг бўлари бўлди. Вақтида эрига ўтмишини гапириб бермаганидан пушаймон бўлди.



Келиши билан гнжиниб гап бошлади:

– Гапир, Мариэлла, менга нима демоқчи эдинг? Умид қиламанки, гапинг жуда муҳим ва Теддига тегишли...

– Шундай деса ҳам бўлади... – каловланди Мариэлла унинг рўпара-сидаги диванга ўтираркан. Шунда у бир-бирларидан канчалик узоқлик-ларини, ҳатто кайғу ҳам уларни бирлаштира олмаганини ҳис қилди. Худди бегоналардек... – Тўғрироғи, бу менга тегишли. Сиз ҳам буни билишин-гиз керак... Бундан бир неча йил илгари... менга уйланишингиздан аввал сизга ўтмишим хақида гапириб бермоқчи эдим. Ўшанда сиз ҳаммани ҳам ўзига яраша ўтмиши бор, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, дегандингиз. Сиз ўтмишни титкилашни хохламагансиз, энди эса мен ўзимни айбдор ҳис қилаяпман...

Мариэлла чуқур нафас олди.

– Эсингиздами? – сўради қайта. Малкольмнинг кўзларидан эслагани билиниб турарди. Лекин миқ этмади. Хотинини овутишни, меҳрибонлик кўрсатишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Буни Мариэлла ўғлининг ташвишларига йўйди. Лекин бундан тўққиз йил аввал ҳам Чарльз иккаласи бир-бирига ҳамдард бўла олишмаганди. Балки ҳаётда шунақа даврлар бўлар... одам ёлғиз ўзи ҳам чекиши керак бўлган давр...

– Эсимда, – жавоб берди узоқ сукунатдан кейин Малкольм. – Лекин ҳозир бунинг нима аҳамияти бор? Теддининг бунга нима алоқаси бор?

У бўлмағур гаплар билан вақтини олаётган хотинига қаҳр билан тикилди.

– Билмадим... Алоқаси борми, йўқми, билмайман... лекин ўша воқеани сизга айтиб беришим керак. Ўн саккиз ёшимда ота-онам билан Европага борганимизда бировни севиб қолганимни отам ҳаммага айтган. Кейинча-лик мени Парижда ўқияпти, деб гап тарқатишган. Лекин бу ёлғон... Мен шунчаки севиб қолмагандим... Мен Чарльз Делони билан уйдан қочиб кет-гандим...

Малкольм киприк қокмай, диққат билан хотинининг гапларини тинглади.

– Чарльзнинг отасини танисангиз керак? – сўради Мариэлла.

Малкольм «танийман» дегандек ишора қилди. Қария Делонини хотини Мариэлладан ҳам яхшироқ биларди. Бироз қўпол бу қария жуда ақлли ва ўта бадавлат одам эди. Лекин кичик Делонини сира кўрмаганди. Одамлар-нинг айтишича, омадсиз, ношуд йигит охири ёзувчи бўлганди. Ўн тўрт-ўн беш ёшларида Европага кетиб қолганича, қайтиб келмаган. Қария Делони ўғлини тамом бўлган одам, дерди. Малкольм ҳозир хотинининг гапларидан ҳайратда эди.

– Унга турмушга чиққанимда эндигина ўн саккиз ёшда эдим. Асал ойи-дан кейин Парижга қайтдик. Ота-онам никоҳимизни бузмоқчи бўлишганди, лекин бунинг иложи бўлмади, чунки мен ҳомиладор бўлиб қолгандим. Кейин

улар АКШга қайтиб кетишди, биз эса ўғил фарзанд кўрдик. — У нафасини ростлаш учун кўз ёшларини ютди. Бошидан ўтганларини бир кунда икки марта гапириб бериш унга оғирлик қилаётганди.

— Унинг исми Андре эди... — Мариэлла ўглининг исмини зўрға тилга олди. — У худди Теддига ўхшарди, факат сочлари коп-қора эди... — деди кўз ёши аралаш жилмайиб.

Лекин Малкольмнинг бир туки ўзгармади.

Мариэлла юрагидаги дарду ғами эрини умуман кизиктирмаслигини сездди. Шунинг учун тезроқ Андренинг ўлганини, кейин Чарльз Теддини кўриб ғазабга минганини айтиши кераклигини тушунди.

— У Швейцарияда вафот этди... Икки ёшда эди. Ўшанда мен яна ҳомиладор бўлганман... у болам ҳам нобуд бўлган....

Энди, ҳатто тошюрак Малкольмнинг юзида ҳам ачинишга ўхшаш туйғулар пайдо бўлди.

— Ахир... қандай қилиб нобуд бўлишди?..

Мариэлла унинг тошдек хиссиз юзини кўрмаслик учун кўзларини юмиб олди ва воқеа қандай рўй берганини айтиб берди. Малкольм Жон Тейлор эмас эди, дардига ҳамдард бўлолмасди. Кўз ёшларини дардига қўшиб ичига ютганча, бировларнинг боласини қутқариб, ўзиникини қутқара олмаганини ва қандай қилиб иккинчи фарзандидан ҳам айрилганини, кейин Чарльз уни ўлгудек қалтаклаганини, шундан сўнг рухий касаллар шифохонасига тушиб қолганини айтди.

— Шифохонадан жавоб беришганда Чарльз мени олиб кетгани келди. Лекин унинг кўзларидан ҳамон мени кечирмагани кўриниб турарди. Мен у билан кетолмасдим, ёлғиз қолишни истардим. Чунки, барибир, у билан яшолмаган бўлардим. Мен уни қанчалик яхши кўрсам, у мени шунчалик айбларди. Кейин эса сизни учратдим... — хўрсинди Мариэлла. — Сиз менга яхши муносабатда бўлдингиз, ишга олдингиз, умуман, менга қўп яхшиликлар қилгансиз... Тўғриси, яна турмуш қуриш ниятим йўқ эди. Буни Чарльзга нисбатан ноҳақлик деб ҳисоблардим. Виждоним қийналарди... лекин сизнинг муносабатингиз... Мен ёлғиз эдим, баъзан жуда кўркардим. Сизнинг ёнингизда ўзимни хавфсизроқ ҳис қилардим... Сизга ҳам бирор яхшилик қилгим келарди... Балки бахтли қиларман деб ўйлагандирман... — у яна йиғлай бошлади. — Тедди туғилганда жуда бахтли эдим.

— Мен ҳам, — қуруқкина қилиб деди Малкольм. — Факат у учун яшардим... Ўтмишингда қандайдир сириг борлигини билардим. Лекин бунчалик нафратланарли ўтмишинг бор деб ўйламагандим!

Мариэлла қаттиқ тарсаки еган одамдек қалқиб кетди. Лекин ўзини қўлга олди.

— Нафратланарли эканлигини биламан. Лекин уйланишингиздан аввал ҳаммасини билишингиз лозим деб ўйлагандим, эшитишни истама-

дингиз... Кейин мен Чарльзни умулан кўрмадим. Жума куни тасодифан ибодатхонада учратиб қолдим. Ўтган жума болаларимиз ўлган куни эди ... – Бу гапни минг азоб билан айтди, бироз нафасини ростлаб олгач, давом этди: – Чарльз ҳам борган экан. У отасини кўргани келганини айтди.

– Яна нималар деди у? – Малкольм ҳикоясига бутунлай бефарқ эмасди, ҳар ҳолда.

– У мен билан яна учрашмоқчилигини айтди, аммо мен рози бўлмадим.

– Нега?

Малкольм уни синаб кўрмоқчилигини сезиб турарди.

– Чунки мен сизни севаман, чунки мен оилали аёлман. Чунки менинг фарзандим ҳам бор.

– У норози бўлгандир? – Малкольмнинг кўзларида умид учкунлари кўринди. – Кейин яна қўнғирок қилдими?

– Йўқ. Эртаси куни Тедди билан Марказий хиёбонга борганимда уни яна учратдим. Кўп ичгани учун кайфи ҳали таркамаганди. Менимча, Теддини кўрганда кўзлари ғазабдан ёниб кетди. Ўғлимизни кўриб... ростакмига кутуриб кетди. – Мариэлланинг буни тан олгани Малкольм учун муҳим эди.

– Теддига қандай муносабат билдирди? – энди Малкольмнинг росманасига жаҳли чиқди.

– Йўқ, Чарльз ёмонлик қилгани йўқ. У бировга ёмонлик қилишга қодир эмас, бунга ўзим ҳам йўл қўймаган бўлардим. Менимча, у мени кўрkitмоқчи бўлган, холос. «Сен бу бахтга нолойқсан», деди. Кейин: «Ўғлингни ўғирлаб кетсам, ёнимга қайтасан», дегандек бўлмағур гаплар билан кўрkitди. Малкольм, худо ҳақки, унинг қўлидан ёмонлик келмайди. Лекин шунга қарамай, сени хабардор қилиб қўйишим керак деб ҳисобладим. Полициячилар мендан ҳеч ким таҳдид қилмади, деб сўрашганда уларга ҳаммасини айтиб бердим. Теддининг топилишига ёрдам бўлар балки.

Малкольм хотини Чарльз Делонининг ёнини олмаганига хайрон қолди. Чунки Мариэлланинг кўзлари ҳамон унга бефарқ эмаслигини айтиб турарди.

– Хўш, полициячиларга нималар дединг? Ҳамма гапни айтдингми?

– Ҳа.

– Яхши... Газетхонлар зерикмайдиган бўлишибди.

– Жаноб Тейлор бу гаплар газетачилар қўлига тушмаслигига ҳаракат қилишга ваъда берди. У Чарльз билан ҳам гаплашди.

– Назаримда, у сени тергов жараёни билан батафсил таништириб борапти, шекилли.

Мариэлла нима деб жавоб беришни билмай қолди.

– Барча гапни ўзимдан эшитишингизни хоҳлагандим. Буларни билишга ҳақкингиз бор.

У ташвишланиб хотинига каради, бироз жакли ҳам чикканди.

– Мариэлла, сенинг Чарльз билан муносабатинг фарзандимизни хавф остига қўйган, деб ўйлашлари мумкин-ку, улар. Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмадингми?

– Ўйладим. Лекин биз Чарльз билан тасодифан учрашдик-ку!

– Тасодифлигига ишончинг комилми? Балки Делони сени кузатиб юрган-дир, балки ибодатхонада атайлаб рўпарангдан чиккандир. Шунинг ҳеч ўйлаб кўрмадингми?

– У мендан ҳам кўпроқ хайратланганди. Ҳовуз ёнида ҳам... Чунки отасининг уйи ҳовуз ёнида... боғнинг ортида жойлашган.

– Демак, у ерга бормаслигинг керак эди, – таъна килди Малкольм. – Нега ўғлимнинг ҳаётини хавфга қўйдинг? – унинг бизнинг ўғлимиз демагани Мариэллага оғир ботди. Лекин Малкольм унга эътибор ҳам бермади. – Шунча гапдан кейин сув бўйига нега борганингни умуман гушун-маяпман, қолаверса, шунақа ҳавода!

– Малкольм, бундай дейишга қандай...

– Сен нима деб ўйлаганинг? Шунча гапдан кейин сени кечиришим керакми? Сен шундай ярамас одам билан ҳаётингни боғлаганингни тан олиб турибсан. У сени ўлдиришга ҳаракат қилган, қолаверса, туғилмаган боланинг ҳам ўлдирмоқчи бўлган одамга менинг ўғлимни кўрсатдингми? Яна уни ўғирлайман, деб таҳдид қилди, деяпсан... Мариэлла, мендан нима кутаяпсан? Кимга ачинишим керак? Сенинг аллақачон ўлган болаларинг-гами ёки ўзимнинг ўғирланган ўғлимгами? Сен сабаб энди менинг ҳаётим ҳам Делонидек жирканч одам билан боғлиқ. Сен уни салкам уйимгача олиб келгансан, қолаверса, ўғлимни у кўриши мумкин бўлган жойга олиб боргансан! Ақлдан озган бу одамга ўғлимни кўрсатиб гашига теккансан!.. Натижада у фарзандимизни ўғирлаб кетди... Шундан кейин ҳам сени кечиришим керакми?!

Шу гапларни айта туриб, Малкольмнинг кўзлари ёшга тўлди. Унинг овози газабдан титраб кетди. Мариэлла эса унсиз йиғларди.

– Ахир ростдан ҳам у ўғирлаганини билмаймиз-ку... – Энди Малкольм уни ҳеч қачон кечирмаслигини сезиб турарди. – Ҳеч нарсаси билмаймиз-ку, ҳали...

– Шахсан мен шубҳали одамлар билан улфатлашиб юрганингни биламан, ўғлимни ишониб бўлмайдиган одамлар билан... Қолаверса, ўзининг сўнги фарзандингни...

– Малкольм! – Мариэлла титраб кетди, – бундай деманг...

– Нега энди? Айтаман, – ўшқирди у. – Чунки бу ҳақиқат! Чунки Теддини аллақачон ўлдирган бўлишлари мумкин ёки ҳар лаҳзада ўлдиришлари мумкин. Балки ўғлингни энди ҳеч қачон кўрмассан!.. Бир нарсани унутма, ўша аблах одамга Теддини сен дучор қилдинг! Чарльз Делонини ҳаётимизга сен олиб кирдинг! Айнан сен, Мариэлла!

Бошини исканжага олган оғрик сабаб у ўзини стулга ташлади. Ўтмишдаги хотиралар яна қайта жонланиб, муз қарсиллаб сингандек бўлди. Малкольм эшикни тарсиллатиб ёлиб кетгач, у ҳушидан кетди...

Бетти кирганда хушсиз ётарди. Малкольм ҳаммага ўз вазифасига қайтишни буюрганди. Факат Эдит билан Патрик ишдан бўшатилди. Уларга шаҳардан чикмаслик буюрилди.

– Паттерсон хоним, сизга нима бўлди? – Бетти ёрдамга шошилди.

Бироз ўзига келгач, Малкольмнинг гаплари миясида айлана бошлади. Наҳотки, Чарльз Теддини ўғирлаган бўлса? Наҳотки, уни шунчалар ёмон кўрса?» «Сен Чарльзни ҳаётимизга олиб кирдинг! Ўғлимнинг йўқолишига сен сабабчисан!» Миясини айбловлар пармаларди. «Нега ўша муз ёрилган кунда ўлиб кетмадим...»

Бетти уни суяб ётоқхонасига етаклади. У ҳам ўзини айблаб, виждони кийналарди. Лекин полициячилар сенинг қўлингдан ҳеч нима келмасди, жиноятчилар сени ўлдириб кетишлари ҳам мумкин эди, деб уни тинчлантиришганди.

– Ташвишланма, ўтиб кетади, бироз дам олай, – тинчлантирди уни Мариэлла. – Бирор янгилик борми? – деб сўради зўрға.

Йўқ жавобини олган Мариэлла оғриқдан кўзини юмиб олди. Бетти эса секингина хонадан чикиб кетди. Зинада унга Жон Тейлор учради ва Паттерсон хонимнинг аҳволи билан кизикди. Беттидан дам олаётганини эшитиб:

– Майли, дам олсин, – у факат бир нарсага кизикарди, Мариэлла эрига бор гапни айтдими ёки йук. Лекин кутубхонада Малкольмни учратгач, унинг барча гапдан хабардорлигини сизди.

– Хотиним менга Чарльз Делони ҳақида гапирди, – деди у Тейлорни кўрган заҳоти. – Ҳақиқатан ҳам даҳшатли воқеа. Нима деб ўйлайсиз, жиноятда унинг қўли борми?

– Балки. Лекин қўлимизда ҳеч бир исботимиз, гувоҳимиз йўқ. Унинг эса ўтган кечага боғлиқ мустаҳкам алибиси бор. Биз у берган маълумотни текширдик. Ҳаммаси тўғри келаяпти. Учинчи авеньюдаги барда ичган, унгача эса дўстлари билан «Йигирма бир» ресторанида ўтирган. Лекин ўзи қўл урмаган бўлсаям, ташкиллаштирган ёки бировни ёллаган бўлиши ҳам мумкин.

Малкольм ҳам кўп нарсани ўйлаб қўйганди.

– Агар бунга ўч олиш учун қилган бўлса, демак, тўлов талаб қилишмайди, – деди у ғамгин.

– Тўғри, лекин ўтирлик рўй берганига бир сутка ҳам бўлмади. Кечгача кўп нарса юз бериши мумкин.

– Мен Делонини ҳибсга олишларини хоҳлайман, – овозини баландлатди Малкольм. – Ҳозирок! Мени тушундингизми?!

– Тушундим, жаноб. Худди шундай қиламан ҳам, – жавоб берди Тейлор. – Бироқ бунинг учун исбот керак. Бизда ҳозирча ҳеч қанака исбот-далил йўқ. Билганимиз мастликда алланималар деб таҳдид қилгани. Лекин бу асос бўлолмайди...

Малкольм Тейлорга норози бўлиб тикилди.

– Унда, жаноб Тейлор, далил топишингизга тўғри келади. Шундайми?

– Сизнингча, уни ўзим ўйлаб топишим керакми? – очикчасига кулди Тейлор. У кучли, нуфузли, ақлли, илтифотли одам никоби остида умуман бошқа одам беркинганини сезиб юрарди.

– Унақа демадим, мен «далилларни излаб топишингиз керак» дедим.

– Топаман, албатта, агар бўлса.

– Жуда яхши.

Малкольм «гап тамом» дегандек ўрнидан турди. Тейлор Малкольмни ёктирмаганини ўзи ҳам сезиб турарди. Ҳатто, унга ҳасад қилмаяпманми, деган ҳаёлга ҳам борганди. Бу одамнинг ҳамма нарсаси бор: пул, ҳокимият ва Тейлор жонини беришга ҳам тайёр бўлган хотини. Тейлорнинг назарида Малкольм хотинини умуман қадрламасди.

– Жаноб Паттерсон, мен сизга бир-иккита савол беришим керак.

– Бемалол.

Малкольм ҳозир ҳамма нарсага тайёр эди, ўғлини топиб беришса бўлгани.

– Айтинг-чи, душманларингиз йўқми? Балки кимдир сизга таҳдид қилгандир? Балки бирор ғайриодатий воқеа бўлгандир?..

Мариэллага ён босгиси келган Жон Тейлор Малкольмнинг ҳамласини сезмаганга олди.

– Эҳтимол, Чарльз Делони ҳам хавфли эмасдир, – деди.

– Инспектор, ўғлимни ким ўғирлаганини менга фарқи йўқ. Мен фақат унинг тезроқ уйга қайтишини истайман!

Рождествога ўн бир кун қолган эди.

– Сизни тушунаман, жаноб Паттерсон. Биз ҳам айнан шуни истаймиз ва қўлимиздан келганича ҳаракат қилаяпмиз.

– Ҳозироқ бориб Делонини сўроқ қилинг.

Фуқаролар буйруқ беришини Тейлор умуман ёктирмасди. Шунга карамай, одоб билан бош силкиб хайрлашди. У Малкольмнинг ҳозир қандай аҳволдалигини тушуниб турарди. Кетишидан аввал у яна бир бор хизматкорлардан Мариэлланинг аҳволини сўради.

Шу кетгани бўйича Тейлор эртаси куни келди. Теддидан хабар йўқ эди. Қўнғирок ҳам бўлмади, ўғрилардан хат ҳам келмади. Лекин ўғирлик матбуотнинг диққат марказига айланди. Газеталарнинг биринчи саҳифаларида Мариэлла ва Малкольмларнинг суратлари чоп этилганди. Ҳайдовчи Патрик ҳам интервью бериб, ўғирликда бекасининг шубҳали танишларининг қўли бор, деб шама қилиб ўтди. Ўша ўғирлик рўй берган кеча репортёрлар Патрик билан Мариэлланинг кўйлагини кийиб олган Эдитни суратга туширишга улгуришганди. Уларнинг ҳам суратлари газеталарда чоп этилди. Кайфи тарқамаган хизматкорлар суратга жон деб тушишганди. Бугунги газеталарда эса уйга бостириб кирган журналистлардан чўчиб кетган Мариэлланинг сурати чоп этилганди. Ҳайдовчи нималаргадир шама қилган бўлса-да, Чарльз Делони ҳақида газеталарда ҳеч нима ёзилмаган эди.

– Ажойиб маълумотларни босишибди! – пичинг қилишдан ўзини тиёлмади газеталарни кўздан кечирган Малкольм. – Тўғриси айтсам, хотинимнинг шубҳали нусхалар билан алоқаси ҳақидаги гапларни газеталардан ўқиш менга умуман ёқмаяпти.

– Сизга гап нимадалигини айтдим-ку, – эрининг гаплари қўнғлига оғир ботди.

– Мендан кўра Патрикка айтиб берсанг бўларкан...

Бу гап ҳаммасидан ўтиб тушди. Бундай ҳақоратга чидаш осон эмасди.

– Малкольм! – титраб кетди у. – Айғокчиларингиз ногўғри маълумот етказишибди.

– Бу билан нима демоқчисан? – совуққина қилиб сўради у.

– Нима деяётганимни яхши биласиз. Хизматкорларингиз биринчи кунданок менга қанақа муносабатда бўлганини ҳам биласиз.

– Демак, яхши бека бўлишни билмагансан. Ёки менга сезилмаган бирор айбонгни билишган.

– Қандай тилингиз борди...

Мариэлла бир умр унга садоқат билан яшаётган бўлса-ю, энди Чарльзни деб шунақа ҳақоратларни эшитишга мажбур бўлса. Бир тунда Малкольм шунчалик ўзгардики... Мариэлла йиғлаганча хонадан чиқиб кетаётиб, остонада Тейлорга тўкнаш келди.

– Хайрли тонг, Паттерсон хоним.

Мариэлланинг ахволи ёмонлиги юз-кўзидан сезилиб турарди.

Бу вақт ичида Тейлор Чарльз Делони билан яна бир бор учрашганди. Унга шаҳардан четга чикмасликни тайинлади, лекин хибсга олиш учун қўлида асосли далили йўқ эди. Тахминларга кўра, Теддини Нью-Жерсидан аллақачон олиб чиқиб кетишган. Ҳозирча ФКБ билган маълумотларга кўра, Чарльз Делони бош гумондор ва шахси номаълум одамлар Патрикка

юз доллар ташлаб кетгани... Бор-йўғи шу. Бетти ҳам, Гриффин хоним ҳам тайинли гап айтишмади.

– Бугун ахволингиз яхшими? – сўради Тейлор.

Мариэлла бош силкиб қўйди. Теддидан дарак бўлмаса, кандай қилиб ахволи яхши бўлиши мумкин.

– Бирор янгилик борми?

– Ҳозирча йўк. Кидираяпмиз, кутаяпмиз. Пул талаб қилишса, ҳаракатни бошлаймиз. Бугун хизматкорларингиз билан яна бир бор гаплашиб кўрмоқчиман, балки бирор нима эсларига тушиб колар...

Мариэлла Тейлорга сўзсиз бош силкиб ўғлининг хонасига кўтарилди, эри ҳам ўша ерда экан. Малкольм кўзида ёш билан ўғлининг ўйинчоқларини йиғиштирар, ёстикларини силаб-сийпаларди. Мариэлланинг юраги сикилди, эрталаб эри билан жанжаллашганига афсусланди. Бу хона уларни баггар эзарди.

– Эй худойим, ўғлим каёкка ғойиб бўлди, ахир бугланиб учиб кетмагандир? – деди ноумидлик билан Малкольм. Унинг нигоҳидаги пичинг ва зарда йўқолганди. Ўзини креслога ҳолсиз ташлади ва ўғлининг каравотига унсиз тикилиб колди.

– Мени кечир, Мариэлла, эрталаб ноҳақ гапирдим. Кеча ҳам... Бу даҳшат мени довдиратиб қўйди. Энди нима қиламиз?..

Мариэлла эрини биринчи марта шу аҳволда кўриши эди, кўнгли бузилди:

– Худодан сўрайлик, Тедди тезроқ ёнимизга қайтсин... – эрининг қўлини маҳкам сикди у. Бироздан кейин хонага Хейверфорд кириб, Малкольмга кабинетда Бригитта кутаётганини хабар берди. Малкольмнинг қўли ишга бормагани учун барча юмуш Бригиттанинг зиммасида эди. Қиз Теддининг ўғирланганини эшитиб, роса йиғлади.

Малкольм пастга тушгач, Мариэлла унинг ортидан борди. Унинг ёлғиз қолгиси келаётганди. Қаттиқ жанжалдан кейин ниҳоят эри билан ярашиб олди.

Бригитта билан Мариэлла учрашгач, йиғлаб кучоклашиб кўришишди. Мариэлла котиба қиз Теддини қанчалар яхши кўришини биларди.

Куннинг иккинчи ярмида Тейлор хизматкорларни яна бир бор сўроқ қилиб бўлгач, Малкольм билан гаплашишга рухсат сўради. У кун бўйи ҳеч бир янгилик эшитмади, лекин уни ҳайратга солган баъзи бир гаплар бўлди. Паттерсон хоним ҳақида гапира туриб, хизматкорлар бутунлай бошқа бир образни тасвирлашди. Кечагина Тейлорнинг кўз ўнгидида ожиз, ғамнок аёл гавдаланганди. Энди эса... Гриффин хонимнинг айтишича, Паттерсон хоним ҳар доим асабий юрган ва боласини жуда яхши кўрган. Аввалига ўғлини унчалик яхши кўрмайдигандек кўринган бека охириги пайтлар ўғлига ҳаддан ортик боғланиб қолган. Айниқса, «боши оғримаган» пайтда вақтини ўғли би-

лан ўтказгиси келарди. Эдит эса бекасини эрка-тантук, деб таърифлади. Яна Паттерсон хоним либосларга жуда кўп пул сарфлашини ҳам таъкидлашни унутмади.

Ўй бошқарувчиси эса ҳеч нима демади. У Паттерсон хоним ҳақида ҳеч нима билмаслигини айтди. Қолаверса, бекаси уни умуман кизиқтирмаслиги, унинг ягона ҳўжайини жаноб Паттерсонлигини алоҳида таъкидлади. Фақат қария Хейверфорд бекасига ачинишини айтди. Патрик эса «жазман» ҳақидаги фикрини давом эттирди. Тейлор, ўз навбатида, бу мавзуда камроқ гапиришни, акс ҳолда, қонун олдида жавоб беришига тўғри келишини яхшилаб тушунтириб қўйгач, ҳайдовчининг овози ўчди. Хуллас, Тейлорнинг хулосаси шу бўлдики, бу уйда Мариэллани ҳеч ким ёқтирмасди. Неғалиги эса номаълум. Ўз уйида сиғиндига ўхшаб яшайдиган бу аёлга Тейлорнинг раҳми келди. Малкольм билан учрашганда ундан тўғридан-тўғри сўради:

– Айтинг-чи, нега хизматкорларингиз Паттерсон хонимни ёқтиришмайди.

Қаҳва кўтариб кирган Хейверфорд унга ялт этиб қаради.

– Биласизми, менинг хотиним шахс сифатида ўта ожиз... У кўрқок, ҳамма нарсага ҳавфсираб қарайди ва бу хизматкорларга ҳам сезилса керак. Кейин... – Малкольм фикрини тўғри ифодалаш учун тутилди. – Унинг кўнгил жароҳатлари бўлган... шундай десак, тўғри бўлади... Шу сабабми, ҳамон бош оғриғи безовта қилади.

– Лекин бу уни ёмон кўришга сабаб бўлолмайди, – эътироз билдирди Тейлор. Хизматкорларнинг намоёншкоруна муносабатларига Малкольмнинг ўзи сабабчи эмасмикан, деган ҳаёлга борди у. Балки унинг ўзи Мариэлланинг уйга ҳокимлик қилишини истамагандир. Хизматкорларнинг гапига кўра, Мариэлланинг эси жойида эмас, деб ўйлаш мумкин. Буни уларга ким уқтирганини тагига етиш керак!

– Кимдир ундан чиндан ҳам нафратланишига ишонмайман. Бениҳоя хунук сўз... – жилмайди Малкольм, лекин кўзлари ғамгин эди. – Шўрлик киз кўп ғам кўрган, шу сабаб уни иродали деб бўлмайди. Умуман олганда, бу кулфатдан кейин у ўзини ўнглай олармикан? Бу ҳодиса у учун сўнгги туртки бўлиши мумкин.

– Шундай деб ўйлайсизми? – тик қараб сўради Тейлор. У жумбоқни очишга яқин қолганини тушунди, лекин бу жумбоқ унга нималарни очишини билмасди. – Мен сизни тўғри тушунган бўлсам, у руҳий касал, шундайми?

– Йўқ, албатта, – кескин эътироз билдирди Малкольм. – Мен фақат унинг кўнгли нозик бўлиб қолган, демокчийдим.

– Иккаласи бир нарса эмасми? Сиз ҳозиргина ўғли йўқолганини унинг руҳияти кўгара олмаслиги мумкин дедингиз. Лекин узок йиллар бу уйдагилар

уни сиз айтгандек «кўнгли нозик» деб ҳисоблашмаганми? Бу ҳақда айтганми-сиз ёки уларнинг ўзлари билишганми?

– Мен уларга барча масалада менга мурожаат қилишни, хотинимни кўп безовта қилмасликни тайинлаганман, – зарда билан жавоб берди Малкольм ва қўшимча қилди: – Бу факт билан бола ўғирланиши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик кўрмаяпман!

– Баъзи масалаларда умумий манзара ҳам муҳим ўрин тутади.

– Умумий манзара шундан иборатки, уй бекаси ёш, ўз вақтида сизга маълум бўлган ҳалокатни бошидан кечирган. Ўзим ҳам бу ҳақда яқинда хабар топдим. Икки йил руҳий касаллар санаторийсида даволанган. Кейин эса тўққиз йил давомида бошим оғрийди, деб баҳона қилиб юрган, – кескин жавоб берди Малкольм. Унинг гаплари Тейлорга ёқмади. Малкольм Маризэллани шахс сифатида камситишга уринган ва қандайдир йўллар билан буни атрофдагиларга ҳам уқтирган. Тейлорнинг назарида фақат эшик оғаси Хейверфорд бошқача фикрда эди.

– Сизнингча, унинг бош оғриклари ёлғонми?

– Мен унинг неврози бор деб ҳисоблайман.

Малкольм ортиқча гапириб юборганини сезди ва Тейлорни ёмон кўра бошлади.

– Сизнингча, унинг неврози, Чарльз Делони ва бола ўғирланиши орасида боғлиқлик борми?

Бу савол Малкольмни эсанкиратиб қўйди. У бир дам фикрини жамлолмай, гап тополмай турди-да, кейин тилга кирди:

– Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман. Эҳтимол шундайдир. Балки шунга ўхшаш бирор нима рўй бергандир. Билмадим... буни ўзидан сўрамадингизми?

– Ҳозирча сиздан сўраяпман. У шундай ишга қўл уриши мумкин, дейсизми? Ёки у ҳамон Делонини севади, деб ўйлайсизми?

Тейлор Малкольм жиноятда хотинини айблайдими, йўқми, шуни аниқламоқчи эди. У билан қанча узок гаплашса, шунча кўп ёмон кўриб борарди.

– Билмайман, инспектор. Буни ўзингиз аниқлашингиз керак.

Жон Тейлор бош силкиб қўйди.

– Жаноб Паттерсон, айтинг-чи, Бригитта Сандерс билан муносабатингиз қандай? – Бу саволни беришни Тейлор анчадан буён кўнглига тугиб юрганди, фақат қулай фурсатни пойлаётганди. Малкольмнинг юз ифодасини кўриб, тўғри йўлдалигини сезди.

– Биласизми... Нима десам экан? – Малкольмнинг овози ғазабдан титраб кетди. – Сандерс хоним олти йилдан буён котибам бўлиб ишлайди. Сизга маълум бўлса керак, мен котибаларим билан ишқий муносабатлар ўрнатмайман.

Жон Тейлор худди шу жавобни кутганди.

– Менга маълум бўлишича, олдинги котибангизга уйлангансиз.

Бу гапни кутмаган Малкольм газабдан қизариб кетди.

– Сандерс хоним жуда яхши киз.

Жон Тейлор тантанасини хотиржамлик никоби остига яширди.

– Шубҳам йўқ, – деди у юз ифодасини ўзгартирмай. Лекин кўпинча иккалангиз саёҳат қилгансизлар, бир гал пароходда Европага ҳам боргансизлар. Ҳар гал бир-бирига боғланган хоналар буюргансизлар.

– Бу табиий, ахир биз сафар пайтида ҳам ишлаймиз. Сиз шунчалик синчковлик билан текширар экансиз, унда мен сафарларга иккинчи котибам Хиггинс хонимни ҳам олиб боришимни билишингиз керак. У элликдан ошган хоним, сизнинг тахминларингиз унинг кўнглини анча кўтарган бўларди.

Лекин Тейлорни иккинчи котиба қизиқтирмасди. Хиггинс хоним Малкольм билан хизмат сафарига охириги марта икки йил аввал борганини биларди. Бу ҳақда Малкольмга гапириб ўтирмади.

– Жаноб, агар саволларим андишасизликдек туюлган бўлса, узр сўрайман. Лекин хотинингизнинг яшаш тарзини ўрганганимиз учун сизникини ҳам билишим керак. Агар одам қаттиқ севса, кўп ишга қодир бўлади.

– Ишонтириб айтаманки, Сандерс хоним мени севиб қолмаган.

Кейин бирмунча муддат улар Малкольмнинг ишлари ҳақида гаплашиб ўтиришди. Ҳамкорлари орасидан ҳам пичоққа илинадиган гап чикмади. Шундан кейин Тейлор Теддини ёки ўч олиш учун, ёки пул учун ўғирлаган, деган хулосага келди. Агар пул учун бўлса, жинойтчилар дарак беришади, агар ўч олиш мақсадида Делони уюштирган бўлса, худодан унга инсоф сўрашдан бошқа чора йўқ.

– Мен бу ишда Делонининг қўли бор деб ўйлайман, – ишонч билан деди Малкольм инспекторни кузата туриб.

– Афсуски, мен ҳам худди шундай фикрдаман. Агар биз ҳақ бўлсак, керакли ашёвий далилларни топишимиз лозим.

Малкольм Тейлорни эшиккача кузатиб қўйди, уёғига Тейлор репортёрлар тўдасини ёриб ўтишига тўғри келди.

Малкольм ва Мариэлла овқатланишга энди ўтиришганди ҳамки, телефон жиринглади. Гўшакни кўтарган полициячи ўзини хизматкор деб таништирди. Шу заҳоти магнитофон ёкилиб, барча аппаратура ишга тушди.

– Паттерсон хоним эштади, – тармоқдаги гўшакнинг бири Мариэлланинг қўлида, қолган тўрттаси полициячиларнинг қўлида эди. – Ким гапираяпти?

– Ёнимда бир ошнам бор... Жажжигина, кизил пижама кийган...

Мариэлланинг ранги оқариб кетди.

– Ахволи қандай? – Малкольмнинг сабри чидамай, гўшакка бакириб юборди.

– Ҳаммаси жойида. Балки бироз совқотгандир. Бироз пул жўнатсангиз, унга одеял олардик.

– Ўзи билан гаплашсам бўладими? – Малкольм ўзини босишга уринса-да, гўшак тутган қўллари титрарди.

– Йўк... у котиб ухлаб ётибди. Аввал пул ҳақида гаплашайлик.

– Қанча хоҳлайсиз?

– Менимча... яхшироқ одеял икки юз минг турса кераг-ов. Айтиб қўяй, жаноб Аккли, пулларга белги қўйишни ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Сокқаларни Марказий вокзалда жойлашган юк саклаш бўлмасига ташлаб кетасиз. Исковучларсиз! Тушунарлими? Токи ўзимиз бориб олиб кетмагунимизча пуллар ўша ерда туради.

– Ўғлимнинг соғ-саломатлигини қандай биламан?

– Ҳеч қандай... – сурбетларча хиринглади овоз. – Бўлди, жонимга тегдинглар... Шундоқ ҳам ҳамма ерга жар солиб, аллақандай айғокчи итларни ёрдамга чақиргансиз. Ўғлингизни ўлдиришимиз учун... барча ишни қилиб бўлдингиз!

Бу гапдан Мариэлланинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди. Малкольм қўллари калтираганча гўшакни жойига қўйди. Бутун суҳбат тасмага ёзиб олинган эди.

Ярим соат ўтмай, Жон Тейлор ҳам пайдо бўлди. «Бу воқеадан пул ишлаб олиш ниятидаги бирор пасткаш қўнғироқ қилган бўлиши мумкин», – деди у ўғли билан гаплашолмаганидан адоини тамом бўлиб турган эр-хотинга. Ярим тунда белги қўйилган пуллар тайёр қилиб қўйилди. Тунги соат иккида кора портфелга солинган пуллар белгиланган жойда ётарди. Ўндан зиёд фуқаролик кийимидаги полициячилар эса вокзалда изғиб юришарди. Лекин орадан уч кун ўтса-да, пулни олиб кетгани келишмади.

– Нега, ахир... нега улар пулни олиб кетишмади? – йиғлади Мариэлла. – Балки улар болани ўлдиришган бўлса-чи?

– Тейлорнинг гапини эшитдинг-ку... Кимдир ўйин қилган! – Малкольм уни жеркиб ташлади. – Мен ҳамон бу Чарльз Делонининг иши деб ўйлайман.

– Унда нега исбот топа олишмаяпти? Нега?

Оиланинг одатий меҳмонига айланган Тейлор ҳам Мариэллани тинчлантира олмади. Тейлор Малькольмнинг талаби билан эртага Делонининг уйида қайта тинтув ўтказиши керак эди. Текширувлар ўз натижасини берди. Якшанба куни кечга томон вино сакланадиган ертўладаги эски бочкалар орасидан болалар пижамасини топишди... Тейлор пижамани Чарльз Делонига кўрсатди. Делони эса ҳеч нимани билмаслиги ҳақида қасам ичди.

– Бир неча йил илгари ўзимнинг ҳам ўғлим ўлган... – деди у. – Бунинг қандай ғамлигини биламан... Нахотки, бошқанинг боласини ўлдирсам?... – Кўп ғам чеккан бу одамнинг гапларига Тейлорнинг ишонгиси келди.

Лекин... у Чарльз Делонининг билакларига кишан солди. Кейин эса Паттерсонларга кўнғироқ қилиб, Делони бола ўғирликда айбланиб ҳибсга олинганини маълум қилди.

Ҳақиқий ўғри нега пул талаб қилмагани энди маълум бўлганди. Факат боланинг каердалигини аниқлаш қолганди. Тейлор гўшакни қўйгач, Малкольм хотинига бир сўз демай чиқиб кетди ва ўз хонасига кириб, устидан беркитиб олди.

VII ҚИСМ

Делонининг ҳибсга олингани ҳақидаги гап таркагач, Паттерсонларнинг уйи олдида репортёрлар ўн бараварга кўпайди. Улар барча маълумотни билишга кизикишарди. Ахир, бу ҳақиқий сенсация! Чунки бола ўғирлашда Американинг энг бой меросхўри айбланаётганди.

Чарльз беш кундан буён федерал камокхонада сақланар, лекин Теддининг тақдири ҳамон номаълум эди. Чарльз бу ишга умуман алоқаси йўқлигини айтиб қасам ичарди. Лекин энди Тейлор ҳам Чарльз болани ўлдирган деб қўрқа бошлади. Рождество байрами куни бу тахминларини Мариэлла билан Малкольмга айтди.

– Ишонмайман, – шивирлади Мариэлла. – Чарльз қанчалик ёмон одам бўлмасин, у Теддини ўлдирганига ишонмайман.

– Қачон тушунасан? – бакириб юборди Малкольм Тейлорнинг борлигига қарамай. – Бу ифлос ўғлининг ўчини олиш учун Теддини ўлдирган.

Тейлор Малкольм Мариэллани айблаётганини билиб турса-да, унинг ёнини ололмади. Эри билан ёлғиз қолдириб, иложсиз чиқиб кетди. Тейлор кетгандан кейин Мариэлла туни билан мижжа қокмади ва тонгга яқин бир қарорга келди. Малкольм иш билан кетгач, у машина буюртирди ва керакли манзилга олиб боришни буюрди. Аввалига полициячи иккиланди, лекин навбатчи сержант билан маслахатлашиб олгач, рози бўлди.

Қамокхона биносига етиб келган Мариэлла у ерда ҳам бир тўда журналистларни кўрди. Улар бир қарашдаёқ Паттерсон хонимни танишди ва унга қараб отилишди. Лекин полициячилар ёрдамида Мариэлла қамокхона биносига кириб олди. Навбатчи сержант уни иккита стул турган хонага бошлади. Орадан ўн дақиқалар ўтиб Чарльзни олиб келишди. Улар ҳали гаплашмаслариданок Мариэлла гап нимадалигини билди. Чарльзнинг кўзларидаги дард, ғам ҳаммасини айтиб турарди. Уни кўриб, Чарльз йиғлаб юборди. Мариэлла бағрига босди.

– Мариэлла, мен қилганим йўқ... Қасам ичаман... мен мастликда айтганман... Сени бола билан кўриб, Андрени эсладим...

– Биладан, биладан, ўзингни бос. Гаплашиб олишимиз керак. – Улар сўзсиз стулга ўтиришди. Уларни бирлаштириб турган дардлар кўп эди.

– Уйимдаги ертўладан ўғлингнинг пижамасини топишди. Илтимос, Мариэлла, уларга ишонмайман, дегин... Қасам ичиб айтаман, ўғлинг қаердалигини билмайман... Менинг алоқам йўқ. Майли, мени ўлдиришсин, розиман, фақат сен ишонсанг бўлгани...

Мариэлла секин ўрнидан турди. У энди Чарльз Делони ўғлини ўғирламаганини аниқ биларди. Лекин унда ким?..

Мариэллани камокхона эшигида кутиб турган Жон Тейлор уни ўйламай иш қилганликда айблаб, уришиб берди. Лекин Мариэлла, барибир, келганига пушаймон эмасди.

– У бу ишни қилмаганман деяпти. Унга ишонаман.

– Сизнингча, у нима дейиши керак эди? Теддини ўлдирганман, десинми? Хеч қачон ростини айтмайди. Қармоқдан чиқиш учун ҳамма нарсага тайёр ҳозир!

Шундан кейин Тейлор Мариэллани уйига кузатиб қўйишга қарор қилди. Бундан кейин маслаҳатлашмай иш қилмасликни тайинлади.

– Ҳозир газетачилар қандай тантана қилаётганини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Эртаси куни газеталарда Мариэлланинг камокхона эшиги олдидаги суратлари чоп этилди. Улар ичидан Тейлор одоб билан машина эшигини очиб турган сурат ажралиб турарди.

Ғазабдан бўзариб кетган Малкольм газеталарни улоқтирди.

– Бу нимаси, Мариэлла? Делони билан учрашувга ҳам сени Тейлор ундадими?

– Йўқ, ўзим бордим. Уни кутилмаганда учратдим. Малкольм, мени кечир, Чарльз билан учрашмасам бўлмасди. Унинг нима дейишини эшитишим керак эди.

– Албатта, сенинг Чарльзнинг ўғлимизни қандай ўлдирганини айтиб бердими? Айтдими? Ёки ўзининг ўғлини эслаб йиғладими? – Малкольмнинг ғазаби қайнаб борарди.

– Малкольм, илтимос...

– Нима, илтимос? Сенинг ўйнашинг... ёки собиқ эринг... қандай ёкса, ўшандай атайкол, менинг ўғлимни ўғирласа-ю, яна унга ачинишим керакми? Нима, гапим нотўғрими? Унинг ёнига нега бординг? Қанчалик раҳминг келаётганини кўрсатиш учунми? Мен кимга ачинаман? Биласанми? Фақат Теддига! Ўғлимни ҳозир ўлдиришгандир, балки калтаклашаётгандир, балки очлик билан қийнашаётгандир.

– Малкольм, бас, бас қил! – Мариэлла кулоқларини ёпганча хонасига қараб югурди. Бу айболовларнинг охири кўринмасди. У Чарльзга теккани учун айбдор, биринчи фарзандини саклаб қололмагани учун ҳам, энди Малкольм Теддининг йўқолишига шерикликда ҳам айблаяпти...

Тушдан кейин Тейлор Чарльзнинг уйидаги навбатдаги тинтувда Теддининг севимли юмшоқ ўйинчоғи топилганини хабар берди.

VIII ҚИСМ

Январь ойининг ўртасига келиб, суд жараёни шиддатли кечарди, лекин ҳамон Теддидан дарак йўқ. Малкольм бир неча кунга Вашингтонга, Сенат кўмитаси ва ҳарбий ишлар вакилларининг ёпиқ мажлисига қатнашгани кетди. Бир куни Мариэлла Нью-Йоркда қолди. Уйда ҳамон полициячилар соқчилик қилишарди. Эрталабки газетани кўриб ўтирганида хонага Хейверфорд кириб келди.

– Паттерсон хоним, сизнинг ёнингизга келишибди. Қандайдир Риттер хоним. Айтишича, сиз билан учрашишга келишилган экан.

– Бунақа фамилияли бирор кишини танимайман.

– Биз олдин учрашганмиз...

Мариэлла ўгирилиб эшик оғасининг ортида турган сариқ сочли, паст бўйли аёлни кўрди. Унинг юзи Мариэллага таниш кўринди. Лекин эслолмади.

– Кимсиз? – хайрон бўлиб сўради Мариэлла. Хейверфорд ҳар эҳтимолга қарши бекасига ёрдам бериш учун ёнида турарди. Мариэлла ташриф буюрган аёлнинг бир пайтлар уйига бостириб кирган журналист эканлигини таниб қолди. Риттер хоним кўрка-писа эшик оғасига қараб қўйди.

– Сиз билан алоҳида гаплашиб олсак бўладими?

Мариэлла рад жавобини берган бўлса-да, журналист ҳам гапида туриб олди.

– Илтимос, бу жуда муҳим... Мен «Ассошиэйтед Пресс»да ишлайман, Беатрис Риттерман. Сиз билан Чарльз Делони ҳақида гаплашмоқчи эдим.

Бу исм Мариэллага таъсир қилди ва у аёлга қизиқиб тикилди.

– Нима демокчилигингизни тушунмадим?

– Сиз унга кераксиз.

Эшик оғаси бекасининг ишораси билан ташқарига чиқди ва ҳар эҳтимолга қарши икки полициячини огоҳлантириб қўйди.

– Сизни Чарльз жўнатдимми?

Беатрис Риттер очикчасига ва тез гапириши лозимлигини сезарди. Чунки уни ҳар дақиқада кўчага кузатиб қўйишлари мумкин эди.

Собиқ эрингизни беайб деб ҳисоблайман. Ҳақиқий жиноятчини топишга ҳаракат қилмоқчиман. Менга ёрдамнингиз керак...

Сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман, деб кўркаман, хоним... Унинг уйдан ашёвий далиллар топилди. Қолаверса, ҳали ҳеч ким пул ҳам сўрамади.

– Балки ҳақиқий жиноятчилар кўркишар ёки уларнинг яшириниб туришга сабаблари бордир. Ахир, ҳамма нарсанинг сабаби бор.

Риттер хоним Чарльзнинг айбсизлигига ишонарди, у билан бир соат алоҳида гаплашиб олгач, бунга амин бўлган. Лекин Маризэлла энди бунга ишонмасди. У гап тугади дегандек ўрнидан турди. Бу аёлнинг Чарльз ҳақидаги гапларини эшитишни истамасди. Унга ҳозир фақат ўғли керак эди. Аёлнинг ёпишиб олгани Маризэллага ёкмади. Лекин унда ақл-фаросат, қаттиққўллик сезилиб турарди.

– Паттерсон хоним, у сизни севади.

Маризэлланинг росманасига жаҳли чиқди.

– У айбдор эмас.

Ишонч билан гапиришдан Маризэлла иккиланиб қолди. Лекин яна Чарльзнинг таъсирига тушиб қолишни истамасди. Чарльз унинг фарзандини ўғирлади.

– Айбсизлигини каердан биласиз? Унда ўғлим каерда?

– Чарльз буни билмайди, бунга қасам ичган.

– Чарльзни яхши билмайсиз, Риттер хоним.

Лекин бу аёл Чарльзни Маризэлла ўйлагандан кўра яхшироқ биларди. У икки полициячига пора бериб, ундан интервью олган, кейин эса ўз-ўзидан рост гапираётганига амин бўлган. Шундан кейин унга ёрдам беришга аҳд қилган эди. Чарльзнинг илтимоси билан Том Армур билан учрашиб, ўз ҳимоясига олишини сўради. Жиноий ишлар бўйича адвокат Том Армур Чарльз билан анчадан буён таниш эди. Лекин Том Армур Чарльзнинг кўнғироқларига жавоб бермаётганди. Беатрис Армурни кўндирди. Агар рад этсангиз, бир бегуноҳнинг ўлиб кетишига сабабчи бўласиз, деди. Шундан кейингина Том Армур Чарльзнинг ишини олишга рози бўлди.

– Менга ёрдамнингиз керак, – Беатрис илтимос қилди. Беатрисда одамларни кўндириш хусусияти бор эди.

– Аввал ўғлимни топинг, кейин гаплашамиз, – деди Маризэлла совуқконлик билан.

– Ҳаракат қиламан. Агар бирор нима аниқласам, сизга кўнғироқ қилсам бўладими?

Маризэлла розилик билдирди. Шундан кейингина Беатрис ўрнидан турди ва раҳмат деганча, хайрлашиб чикиб кетди.

Маризэлла аччиқ хаёлларга берилиб ўтирганида, Жон Тейлор хаёлини бузди. У билан бирга давлат қораловчиси ҳам келганди. Кўзлари қаттиқ боқадиган, озғин бу одам Чарльз Делонини, сўзсиз, айбдор ҳисоблаши сезилиб турарди. Айбловчи иш март ойида кўриб чиқилишини ва боланинг ота-онаси ҳам иштирок этишини кутаётганини таъкидлади.

– Нимани назарда тутаяпсиз, жаноб Пальмер?

– Судда катнашишингизни сўраяпман. Сиз иштирок этсангиз, суд маслахатчилари ишга жиддий ёндашишади. Ўғлингизни ўғирлаб, Чарльз Делони сизни қанчалик азобга қўйганини суд хайъати ўз кўзи билан кўриши керак. Агар омадимиз чопса, Делони болани АҚШ ҳудудидан олиб чикиб кетганига уларни ишонтирамиз. Агар шундай бўлса, уни ўлим жазоси қутади.

Мариэлла титраб кетди. У суд жараёнида ҳис-туйғуларини оммага на- мойиш этишни сира истамасди. Буни Тейлор ҳам истамасди, лекин бундан қочишнинг иложи йўқ.

– Агар у пайтгача ўғлингизни топишса, у ҳам суд жараёнида иштирок этиши керак бўлади.

Мариэлла Теддини судга олиб боришга ҳам рози эди, фақат топилса бўлгани.

– Бошқа гапингиз йўқми? – кескин сўради Мариэлла.

Пальмер унинг муомаласига эътибор бермай, ўрнидан турди.

– Сизни хабардор этиб турамиз. Эрингиз Вашингтондан қайтса, айтиб қўйинг, у билан учрашишим керак.

Мариэлла, албатта, етказишини айтгач, Пальмер хайрлашиб чикиб кетди.

– Жуда сезгир ва меҳрибон эканми, қораловчимиз? – деди Мариэлла Тейлорга пичинг билан.

– Судда яхши гапиради.

Мариэлла Тейлорга тикилиб қолди, шу қиска вақт ичида улар кадрдон- лардек бўлиб қолишганди.

– Мен суддан кўрқаман.

– Ҳа, осонмас. У ерда шахсий ҳаётингизни ошкор этишни истаманган жиҳатларини шунақа титкилашадики... Клиникада даволанганингизни ҳам... бошқа нарсаларни ҳам тилга олишса керак. Ҳар гапингизга шубҳа билан қарашларига тайёр туринг.

– Нега энди? Чарльзни айбламоқчи эмасман.

Мариэлла Тейлорга Беатрис билан учрашганини айтди.

– Бу ишларга аралашмасликни маслахат бераман. Матбуот сизни қай ба- лоларга гирифтор қилишини билмайсиз.

Мариэлла унинг гапига қўшилди. Лекин у журналист ҳақ бўлиб чикса-чи?

– Менга фарқи йўқ. Асосийси, ўғлим топилса бўлди.

– Сиз учун фарқи йўқ. Лекин Чарльз учун фарқи бор. У тирик қолиш учун ҳар нарсага тайёр.

– Уни ким ҳам химоя қиларди.

– У яхши адвокат топган – Том Армур. Ёш, иқтидорли. Агар кимдир Чарльзни қутқариши мумкин бўлса, бу Том Армур бўлади.

– Билмадим... Малкольм Чарльзни айбдор деяпти. Мен эса Чарльз билан учрашганимдан кейин унга юз фоиз ишонгандим. Лекин у бўлмаса, бошқа ким ўғирлаши мумкин Теддини?

Бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмасди. Тейлор охири йўқ саволларга жавоб топишга урингани ҳам йўқ. У ҳозир қалбан Мариэллага интилаяпти, бошқа ҳеч бир аёл кўнглидан бунчалик жой олмаган, ҳеч бир аёл бу қадар ҳаяжонлантирмагани. Ёнида бўлса, уни бағрига босгиси, яхши гаплар гапиргиси келаверади.

– Бир нарсани билмоқчийдим, – деди анча сукунатдан сўнг. Улар нимкоронғи хонада диванда ёнма-ён ўтиришарди. Совуқ окшом эди. Ҳар доимгидек Малкольм уйда йўқ, полициячилар қоровуллик қилаётган бўлса-да, уйда сукунат ҳукмрон эди. Жон Тейлор Мариэллани бирор гавжум, одамлар ўйин-кулги қилаётган жойга таклиф қилгиси келди. Кўнглини парчалаган, эътибор ҳам бермайдиган эркаклардан узоқроққа олиб кетгиси келди. Энди у Малкольм Паттерсон ҳақида кўп нарса биларди. Қолаверса, Мариэлла бундан ортиқ бахтга муносиблигини ҳам биларди. Бирор нимани ўзгартириш кўлидан келганида эди...

– Мариэлла, агар сизни шу ташвишлардан қутқара олсам эди, – деди Тейлор. Аслида у мутахассис сифатида бу гапларни айтмаслиги керак.

– Раҳмат сизга. Ўзим ҳам ташвишлардан тезроқ қутулишни истардим. Илгари ғам-кулфат бирор хатоимиз учун жазо сифатида берилади деб ўйлардим. Лекин энди фикрим ўзгарди. Чунки кўп жафо чекдим... Сизнинг ҳам болаларингиз борми? – У Тейлор ҳақида ҳеч нима билмаса-да, бир ой ичида унга жуда боғланиб қолганди.

– Иккита. Қизим ўн тўрт, ўғлим эса ўн бир ёшда.

– Менинг қизим бўлганида, саккиз ёшда бўларди. Лекин у ёруғ дунёни кўрмай кўз юмди...

– Женнифер ва Мэттью, – Тейлор сал бўлса-да уни чалғитмоқчи бўлди.

– Улар сизга ўхшайдими? – маънос билмайди Мариэлла.

– Билмадим. Айтишларича, ўғлим ўхшаркан... Ҳаётда нималарга қизиқасиз? – гапни бурди у.

– Сузишни яхши кўраман. Пиёда сайр қилишни, мусика тинглашни. Илгари сурат чизиш билан шуғулланардим, лекин қўлимга мўйқалам ушламаганимга анча бўлди. Тедди нимани яхши кўрса, ўша билан шуғулланишни яхши кўраман, – гап яна Тедди томонга бурилди. Чунки фикру хаёли ўғлида эди. – Ўша кун театрда боргандик...

– Биламан, – деди Тейлор ва Мариэлланинг қўлини ушлади. Агент нега бунчалик меҳрибонлик қилаётганини тушунмаса-да, ундан миннатдор эди. Керак пайтда доим ёнида бўларди. – Мариэлла... – шивирлади Тейлор ва беихтиёр уни бағрига босиб, лабларидан ўпди. Мариэлла унинг куч-

ли ва меҳрибон бағридан чиқолмай шошиб қолди. Тейлор дарров ўзини қўлга олди ва иккаласи бир-бирига хайрон бўлиб қараб қолишди.

– Нима дейишга ҳам хайронман... Сиз ёнимда бўлмаганингизда бу дард-ни кўтаролмасдим...

– Доим ёнингизда бўлишни истайман...

У истакларини қандай изохлашни билмасди. Нега бундай қилганини ўзи ҳам билмай ундан узоқлашди. Узоқ йиллардан буён меҳрга зор бу аёлга жонини беришга ҳам тайёр эди. Жон Тейлор бир нарсга амин эди – Малкольм унга лойиқ эмас. Мариэлла унинг қўлини ўпди, кейин:

– Хотинингизни севасизми, – деб сўради.

Шунчаки қизиқиб эмас, балки уни яқиндан билиш учун сўраганди.

Тейлор бир дам иккиланиб туриб бош силкиди.

– Омади бор экан, – деди Мариэлла.

Тейлор у билан хотини ҳақида гаплашгиси келмасди.

– Ўша танишган оқшомимиздан буён фақат сизни ўйлайман, шундан буён бағримга босгим келади...

Улар бир-бирларига тикилиб қолишди, энди уларга сўзнинг хожати йўқ, бир-бирларига интилишарди, холос. Тейлор ишини йўқотиши мумкинлигини ҳам биларди. Қолаверса, хотини... лекин Тейлор ҳозир буни ўйламасди. Доим унинг ёнида бўлишни, ҳимоя қилишни истарди. Бу муносабатнинг охири нима билан якун топишини ўйламасдан Мариэлла ҳам унга талпинарди.

– Оқибати нима бўлади? – сўради у.

– Сен нимани хоҳлайсан?

– Билмадим, – Мариэлла ростдан ҳам Жоннинг хотинига ҳам, Малкольмга ҳам озор беришни истамасди.

Жон унинг сочларини силади. У муҳаббати учун хотини Деббидан воз кечишга тайёр эди, лекин кейин Мариэлла ўзини айбдор ҳис қилишидан чўчирди. Мариэлла унга керак эди, лекин ваъда бериб устидан чиқа олмасликдан чўчирди. Бутун борлиғи, дардли кўнгли, мулоимлиги, ҳусни учун ҳам севиб қолганди.

– Ҳаётингда ёрқин кунлар кам бўлган...

– Ундай эмас, Тедди билан жуда бахтли эдим. Энди эса сиз... Ҳаётда бахт навбати билан келади, шекилли. – Икки йил Андре бўлган, уч йил Чарльз, тўрт йил Тедди... Балки шу билан ҳаммаси тугагандир....

– Сенга кўп нарсанинг кераги йўқ экан...

– Бошқа иложим ҳам йўқ.

– Бахтли бўлишингни жуда истайман, – шивирлади Тейлор. Мариэлла унга ғамгин кулиб қаради. У тезроқ Тедди топилишини истарди.

– Ҳозир бунинг вақти эмас.

– Биламан.

Тейлор бола умуман топилмаса ёки ўлиги топилса, Мариэлла қандай аҳволга тушишини ўйлаб кўриб кетди.

– Бардам бўл, Мариэлла. Сенга ёрдам бераман. Нега ҳеч қачон ўзинг учун ёрдам сўрамайсан? Нега бунчалик ўз қобиғингга ўралиб олгансан...

Тейлор жумбокнинг жавобини топгандек бўлди – Мариэлла ўзини ҳеч қимга керакмас деб ҳис қилар, ҳаммага меҳр берар, лекин олишни билмасди. У ўта ҳалол, кечиримли, покдомон, одамларнинг озорини ютиб ўрганган эди.

– Бунчалик олийжаноб бўлма, Мариэлла. Ҳатто, менга ҳам.

У яна Мариэллани ўпди, бу гал у ҳам жавоб қайтарди. Кейин ўзига келиб, чўчиб ўзини орқага ташлади. Жон Тейлор уни деб ақлдан озай дерди.

– Агар ҳозир ўзимизни қўлга олмасак, кейин қийин бўлади, – деди Жон Тейлор.

– Менга айнан шу керак.

– Ҳамма иш тугагач, сиз билан жиддий гаплашиб олишимиз керак, Паттерсон хоним. Мен келажакни башорат қилолмайман, лекин кармоғимдан осонликча қутулиб кетолмаслигингизни биламан...

– Менимча, у Чарльзни ўлимга ҳукм қилишларини хоҳламаётганимдан хафа.

– Сени тушунаман, – деди Жон қўл бериб кўришаркан. – Сени ишонтириш учун нима қилсам экан?

– Исботла... Ўғлимни кўрсат.

– Қанийди, қўлимда бўлганида. Сен Делонининг айбсизлигига аниқ ишонасанми?

– Йўқ, шунчаки уни юз фоиз айбдор дея олмайман. – Иккиланишлардан Мариэлланинг ўзи ҳам қийналиб кетганди. Шунча пайтдан буён дараги чикмаган Теддини ҳамма ўлган деб ҳисоблаётганди. Лекин Мариэлла бу гапни ҳаёлига келтиришга ҳам кўрқарди.

– Судда нима бўларкан? – сўради Мариэлла эшик оғасининг қўлидан қаҳвани оларкан. Уйдаги хизматкорлар Тейлорни яхши кўриб колганди. У келса, ҳамма ўзини хотиржам ҳис қиларди. Фақат иккита полициячи Тейлорнинг Мариэллага бўлган қизиқиши фақат ишга доир эмаслигини сезиб юришарди.

– Тўғриси, судда сенга қийин бўлади.

– Нима бўлса ҳам, ортик кутолмайман. – Чунки Чарльз қўлга тушганидан буён Малкольм унга худди жинойтчининг шеригидек муносабат қилаётганди. Энди ундан ёрдам кутмаса ҳам бўлади. У хотинини ғам-ташвиш ичида ёлғиз қолдириб кетганди.

– Дарвоқе, Беа Риттер қайтиб келмадими?

Бу кизғиш сочли журналист аёл Чарльзни ҳимоя қилишга жон-жаҳди билан киришганди. У ФҚБ агентларига ҳам, адвокатга ҳам тинимсиз қўнғирок қилиб турарди. Лекин айтадиган янгилиги йўқ эди.

- Кеча кўнғироқ қилганди. Менимча, у Чарльзни севиб қолган.
- Мен ҳам шундай фикрдаман. Баъзи тоифа аёллар жиноятчиларни ҳимоя қилиш учун жонини беришга ҳам тайёр туришади.
- Менимча, у Чарльз учун чин дилдан қайғураяпти.
- Нима бўлганда ҳам, ҳимоячиларга ёрдам бермаслигинг керак.

Тейлор кетгач, Мариэлла ўғлининг хонасига чиқиб узоқ ўтирди. У овуниш учун тез-тез ўғлининг хонасига чиқиб турарди. Лекин Малкольм шўрлик анчадан буён бу ерга киролмайдиган бўлиб қолган.

Эртаси куни Том Армур кўнғироқ қилиб учрашмоқчилигини айтди. Мариэлла аввал Тейлордан учрашиш учун рухсат олди, кейин розилик билдирди. Мариэлла Чарльзни ким ҳимоя қилаётганини билишга кизикарди.

Малкольм бир неча кунга Бостонга кетганди. Шунинг учун Том Армурни Мариэлланинг ўзи қабул қилди. Ёркин рангдаги сочли адвокатнинг кўзлари меҳрли боқар, лекин гаплари кескин эди. У одоб билан гапирса-да, дадил, тап тортмай ҳаракат қилишга одатлангани сезилиб турарди. Мариэлланинг кўзларига ҳақиқатнинг тагига етмоқчидек қаттиқ тикилди.

– Суддан олдин келишимдан мақсад, менинг миқозим ҳақида қандай фикрдалигингизни билмоқчиман.

Аввалига бойвачча, эрка йигитнинг ишини олиб боришга кўнмаган Том Армур гаплашиб кўргач, унга бутунлай ишонди ва ишга қаттиқ киришди.

– Нимани назарда тутаяпсиз, жаноб Армур?

Армурнинг Гарвардда таҳсил олганини ва яхши компанияда ишлашни газеталардан ўқиганди. Чарльз яхши мутахассислар билан ишлашни яхши кўрарди. У чиройли йигит эди, лекин асосийси, ақлли ва иродали эканлиги кўриниб турарди.

– Жаноб Делони бундан бир неча йил илгари бўлган воқеаларни менга гапириб берган... Нимани назарда тутаётганимни биласиз. – Бу мавзуда очик гапирмагани учун Мариэлла ундан миннатдор бўлди. – Ўшанда нотўғри иш қилганини тан олаяпти. Қолаверса, нега ва нима сабабдан бундай вазиятга тушиб қолганини биладиган ёлғиз одам сиз бўласиз. Агар ростини айтмасангиз, ҳаракатларини нотўғри талқин қилишади. Шунга нима дейсиз?..

– Менимча, ўшанда ғамдан ақлини йўқотган. Назаримда, иккаламиз ҳам нотўғри йўл тутганмиз...

Ўйчан гапирётган Мариэллага адвокат тикилиб қолди. У жуда чиройли аёл бўлиб, кўзлари дунёдаги энг маънос қўзлар эди. Адвокат Чарльз Делони нега уни ҳамон севишини энди тушунди. Бу аёлга бефарқ бўлишнинг иложи йўқ эди.

- Нима деб ўйлайсиз, миқозим хавфли одамми?
- Йўқ. У ўйламай аҳмоқлик қилиши мумкин. Лекин ўта хавфли одам деб ҳисобламайман.
- Болагизнинг ўғирланишига алоқаси борми?

У тўғри жавоб топиш учун анча ўйланиб турди, кейин:

– Билмадим, – деди Мариэлла кўзларига тикилиб, адвокат ёкимтойгина йигит эканини сизди. Қолаверса, у тўғрисўз ва дадил эди, бундай одамга эса ишонса бўларди. Чарльзнинг ҳимоядан омади чопибди, деб ўйлади Мариэлла. – Далиллар топилган. Лекин мен билган Чарльз бундай ишга қодир эмас.

– Балки жиноятни бошқа одам қилиб, Чарльзни бўйнига қўяётган бўлсачи?

– Балки. Лекин ким? Нега унда Чарльзнинг уйидан далиллар топилди?

Ҳимоячи ҳам шу саволларга жавоб тополмаётганди. Фақат битта тахмин бор эди, у ҳам бўлса, ўғрилар Делонини айблаш учун ашёвий далилларни унинг уйига ташлаб кетишган бўлиши мумкин. Лекин жиноятчилар Чарльзни қаердан танишади? Шунга қарамай адвокатнинг қўлида асосий кузир бор эди, яъни ўғирланган боланинг онаси Чарльз Делони бу ишга қодир эмас, деб ҳисоблаётганди. Армур керакли маълумотларни ёзиб бўлиб, хайрлашаётганда Мариэлла очикчасига гапиришга қарор қилди:

– Менга сиз билан учрашмасликни маслаҳат беришганди.

– Унда нега учрашдингиз?

– Жаноб Армур, менга фақат ўғлим керак. Тушуняпсизми, мен айбдорни эмас, ўғлимни кидиришларини хоҳлайман.

– Паттерсон хоним, уни топишга ҳаракат қиламиз, сиз учун ҳам, боланинг ўзи учун ҳам, Чарльз учун ҳам!

– Раҳмат сизга.

Адвокатнинг ўзига бўлган ишончига Мариэлланинг ҳаваси келди.

IX ҚИСМ

Мартнинг совук кунларидан бирида суд бошланди. Суд маслахтчилари, репортёрлар, томошабинлар зални тўлдиришди.

Малкольм билан Мариэлла лимузинда Жон Тейлор бошчилигидаги тўртта ФҚБ ходими куршовида кириб келишди. Малкольм йўл бўйи гапирмади. Унинг сўзсиз «совук уруш» эълон қилишидан Мариэлла эзилиб кетганди. Машинадан тушганлари захоти репортёрлар шовкин билан уларга қараб отилишди. Бу юридик ўйинлар ўғлини кайтармаслигини Мариэлла билиб турарди. Бу томошаларнинг кимга кераги бор?..

Эр-хотин белгиланган жойда ўтиришди. Бригитта уларни суд залида кутиб турарди. Ҳамма ўрнидан туриб судьяни кутиб олди. Кўринишидан Малкольмга ўхшаб кетадиган судья ўзини таништирди:

– Менинг исмим Авраам Моррисон. Огоҳлантириб қўяй, суд залида тартибсизликларни ёқтирмайман. Судга ҳурматсизлик камок жазоси билан тугайди. Журналистлар ортиқча ҳаракат қилишса, бутун матбуот жараён туга-

гунча залга киритилмайди. Бу ерда бир инсон тақдири хал бўляпти. Балки бола ўлгандир. Бунақа ишларга мен ўта жиддий қарайман ва ҳурматсизликни кечирмайман. Ҳаммага тушунарлими?

Ҳамма судьянинг ўқтам гапиришидан кўркиб, жимиб қолганди.

Залда бетартиблик билан «ҳа, сэр» деган жавоб янгради.

Мариэлла айбланувчи курсисига каради. Чарльз озиб-тўзиб, сочлари оқариб кетганди. Шунга карамай залдагиларнинг кўпчилигидан кўра виқорли ва чиройлироқ кўринарди. Том Армур эса безовта эди. Судья аввал кўриладиган ишни йиғилганларга таништириб олгач, кейин жабрланувчиларни таништирди ва:

– Айбланувчи Чарльз Делони унинг айби исботланмагунча айбдор ҳисобланмайди, – деб таъкидлаб қўйди. Ниҳоят прокурор сўзга чиқди ва худди Чарльз Делони бутун дунёга хавф солаётган жиноятчидек нафрат билан оғзи кўпириб узок гапирди.

Ундан кейин сўзга чиққан Том Армур прокурорга ўхшаб калондимоғлик қилмасдан ҳимояланувчисини айблаш учун тўғридан-тўғри исбот йўқлигини таъкидлади. Унинг нутқи прокурорникидан кўра ишончлироқ чиқди. Расмийликдан иборат бўлган биринчи суд жараёни шундай тугади. Кейин ФҚБ агентлари Паттерсонларни уйига олиб бориб қўйишди. Ўша кунинёқ Малкольмнинг ёнига прокурор Билл Пальмер келди ва улар кутубхонага қамалиб анчагача гаплашиб ўтиришди.

Суд залидан чиққан Мариэлланинг ёнига Беа Риттер югуриб келганди. Лекин Мариэлла у билан гаплашишга хоҳиш туймади.

– Бу қиз Чарльзни севиб қолган шекилли, – деди Тейлор уйга қайтгач.

– Ҳа, у ақлдан оздиришни билади. Масалан, мен ҳам ўн саккиз ёшимда шу аҳволга тушганман.

– Ҳали ҳам уни ўйлайсанми? – безовталаниб сўради Жон Тейлор.

– Энди ақлим кирган. Лекин бу унга ўлим тилайман дегани эмас... ФҚБ канчалик ҳаракат қилмасин, шу пайтгача жиноятни очишга йўл тополмаётганди. Шу ҳафтада Коннектикутда Теддига ўхшайдиган болани кўришгани ҳақида хабар келганди. Зудлик билан текширилди, лекин бу ҳам навбатдаги ёлғон хабарлиги маълум бўлди.

Бир ҳафта жуда оғир ўтди. Қораловчи суд жараёнини бутун мамлакат, шу билан бирга, Президент Рузвельтнинг шахсан ўзи кузатаётганини биларди ва ҳар нима бўлса ҳам ютиб чиқишни истарди. Армур ҳам ўзига етганча ўжар, лекин шу билан бирга, илтифотли. У ҳам тутган жойини кесадиганлардан.

Тейлор ходимларига топширик бериш учун йўлакка чиқиб, Билл Пальмер билан келаётган Малкольмга дуч келди. Малкольм уни чақириш учун бармоғини шакирлатди. Жон Тейлор бунақа муомалани кўтара олмасди. Малкольм ҳам уни, ўз навбатида, ҳурматга лойиқ эмас деб ҳисобларди. Чунки у Теддини топиш учун ҳеч иш қилмади.

– Жаноб Тейлор, прокурорга кўмагингиз керак. Баъзи маълумотларни берсангиз.

– Делони ҳақидами?

Пальмер «ха» деди ва гаплашиш учун холирок жой кидирди.

Прокурорнинг Маризэлла ва Чарльзнинг ўтмишини очикчасига ёритиш керак, деган таклифи Тейлорга ёкмади.

– Биз уни коралаб кўрсатишимиз керак. Шундагина галаба бизники бўлади.

– Галаба деганда нимани назарда тутяпсиз? Бегуноҳ одамни ўлимга ҳукм қилишними ёки ҳақиқий жиноятчини топишними? Агар Чарльз ростдан айбдор бўлса, шундок ҳам жазоланади. Лекин бунга ўтмишни титкилашнинг нима кераги бор? Паттерсон хонимни ўйламайсизми? У қандай аҳволга тушади?!

– Ҳис-туйғулари менинг муаммом эмас. Қолаверса, эри ҳам фикримга кўшиляпти.

Шу суҳбатдан кейин Тейлор адвокат прокурордан кўра тозарок ишляётганига амин бўлди. Лекин Малкольм ўз хотинини қурбон қилишга ҳам тайёрлигига ишонгиси келмади. Суднинг кейинги жараёнларида Маризэллага жуда қийин бўлиши аниқ эди.

Х ҚИСМ

Душанба кун ирталабдан навбатдаги суд жараёни бошланди. Бу гал томонлар бир-бирига мулозамат қилиб ўтиришмади. Прокурор Чарльзни бола ўғирликда, ёлғончиликда, ожизаларга зулм қилишда айблади. Унинг гапларидан Чарльз бутун Америка учун офат деб ўйлаш мумкин эди. Том Армур эса Чарльзни халол, лекин ўта бахтсиз одам деб атади. У бир пайтлар ўз фарзандларидан айрилганини, шу сабаб бировнинг боласига озор бера олмаслигини ишончли далиллар билан исботлаб берди. Шундан кейин биринчи гувоҳ чакирилди. Ўз исмини эшитиб Маризэлла қотиб қолди ва нажот кутгандек Тейлорга тикилди. У Маризэллани тинчлантормокчидек караса-да, ўзи хавотирда эди. Чунки Пальмердан яхшилик кутиб бўлмасди. Маризэлла асабийлашгани сайин, Пальмер гапни чўзарди. У эзмаланиб, Маризэлланинг хаяжонланишига сабаб бўладиган саволларни берди. Чарльз билан қачон танишгани, тўйлари қандай вазиятда бўлгани, нега ажрашишгани ҳақида ҳам сўради. Унинг ҳар бир жавобини Чарльз билан Тейлор юрак ҳовучлаб эшитиб ўтиришди. Кейин суд ҳайъатининг олдида уни ерга уриш учун ажримдан кейин қаерда яшаганини сўради. Охирида болалари қандай ҳолатда вафот этганини сўрашни ҳам унутмади.

– Бу бахтсизликка сизнинг алоқангиз борми? – сўради прокурор зуғум билан.

Адвокат чидолмай ўрнидан сакраб турди.

– Ўзтироз билдираман, судья жаноблари. Прокурор гувоҳга тазйик ўтказяпти. Боласи кимнинг айби билан ўлганини аниклаш бизнинг ишимиз эмас. Ҳозир менинг миждимнинг иши кўриляпти, Паттерсон хонимнинг эмас.

– Ўзтироз қабул қилинади, – деди судья.

Суд жараёни давомида яна бир неча бор прокурорнинг гапини бўлишга тўғри келди. Охири сабри тугаган судья Пальмердан нимага шама қилаётганини, агар шу зайлда кечса ярим йилда ҳам гувоҳларни сўроқ қилиб бўлмаслигини эслатди.

– Бироз сабр қилинг, жаноб судья. Ҳозир ҳаммаси ойдинлашади, – деди.

Пальмер саволлари билан Мариэлла ўзини ўғлининг ўлимида айбдор ҳисоблашини аниқлаб олди. Мариэлла, албатта, ўзини айбдор санашини айтганда прокурор шу гапга ёпишиб олди. Унинг руҳияти жойида эмаслигини, бир неча бор жонига қасд қилганини ҳамманинг олдида гапирди. Бу билан Пальмер Мариэллани руҳий носоғломликда айблаб, уни гувоҳлик беришга нолойиқ деб эълон қилмоқчи эди. Пальмер ниятига етди. Тейлор бу режани амалга оширишга ким ёрдам берганини тушунди. Малкольм! Мариэлла ФҚБ назорати остида кўчага чиқиши билан уни репортёрлар ўраб олишди. Уларни машинага кузатгунча полициячилар анча ҳаракат қилишларига тўғри келди.

– Нафратланарли жараён, – деди Малкольм машинага ўтиргач. У хотинининг ўтмишидан нафратланишини очиқчасига изҳор қилаётганди. Хотинига жирканиб қаради. Мариэлла эрига қараб қотиб қолди. У ўзига бутунлай бегона одамга турмушга чиққанини биринчи бор чин дилдан ҳис қилди.

Мариэлла йиғлаганча югуриб хонасига кириб, эшигини қулфлаб олди. Бир неча дақиқадан кейин кимдир эшик тирқишидан бир варақ қоғоз узатди. Унда «Шифокорга кўнғирок қил», деган жумла ёзилганди. Мариэлла Жон Тейлорнинг хатини таниб, ҳайрон бўлди. Нега докторга кўнғирок қилишим керак, деб ўйлади. Кейин ҳамма нарсa ойдинлашгандек бўлди. У ёндафтаридан қабулхона ракамларини топиб, шифокор билан учрашув белгилади. Шифокор Мариэлла гаплашмоқчилигини эшитиб, ҳайрон бўлди. Мариэлла ўғлини ўғирлашганини айтмоқчи эди, лекин доктор ҳаммасидан хабардорлигини айтди.

– Ахволингиз яхшими? – қайгуриб сўради доктор.

– Ёмон эмас. Лекин мавҳумлик қийнаб юборди. Эрим эса... биласизми... Малкольмга ўтмишимни айтиб беришимга тўғри келди. Чарльз ҳақида ҳам, клиника ҳақида ҳам, тўйдан олдин у ўтмишимга қизикмаганди.

– Лекин ҳаммасидан хабардор эди-ку! – хитоб қилди доктор Вербеф. У Мариэлла бунини билмаслигини хаёлига ҳам келтирмасди. – Тўйларингиздан сал олдин менга кўнғирок қилиб... тахминан октябрь ойларида...

– У сизга кўнғирок қилганмиди? – довдиради Маризэлла. – Нега?
– У сизга бирор ёрдам бермоқчилигини, умуман, сизни бахтли кўришни истабини айтганди. Мен унга Маризэллани бахтли қилиш учун кўп фарзанд кўришингиз керак, дегандим. Айтгандек, болангиздан дарак борми?

- Йўқ.
- Бўлса, хабар беринг менга.
- Албатта.

У Малкольмнинг хатти-харакатини тушунмай, гўшакни жойига қўйди. Демак, шунча йилдан буён у ҳаммасидан хабардор бўлган! Унда нега Маризэлла гапириб берганда ўзини хайрон бўлаётгандек кўрсатди... Яна Пальмерга бу маълумотдан фойдаланишга рухсат берди. Лекин ҳозир буни аниқлаштиришга вақт йўқ. Соат иккида яна суд залида бўлишлари керак. Ҳатто, Жон Тейлор билан ҳам гаплашишга вақти бўлмади. Энди ич-этини еб ўтиришига тўғри келади. Судда прокурор Патрикни гувоҳликка чақирди. Собик ҳайдовчи ибодатхонада кўрганларини қўшиб-чатиб баён этди.

Маризэлла эри билан ёлғиз қолишни узоқ кутди. Ниҳоят, ёлғиз қолгач, Малкольмнинг хонасига кирди. У кийиниб бирор жойга хордиқ чиқаргани кетмоқчи бўлиб турган экан.

– Сен мени алдадинг! – ўзини тутолмади Маризэлла.
– Нима демоқчисан? – сўради у пинагини бузмай.
– Тедди йўқолганда мен сенга ўтмишимни гапириб бергандим... Сен эса ҳаммасидан хабардор экансан! Нега менга айтмагандинг?
– Нима деб ўйлагандинг, сенинг канақалигингни билмай туриб, сенга уйланишим керакмиди? – мазах қилиб кулди у.

– Мени алдадинг!
– Сен эса ўғлимнинг ҳаётини хавфга қўйдинг! Сен сабаб мен шунақа аблаҳ одам билан боғланиб қолдим! Сен сабаб у ўғлимни ўғирлади. Сен ҳақингда нималар билишим билан эса ишинг бўлмасин. Бу менинг ишим!

– Ҳатто, Билл Пальмерга айтиб беришгача бордингми?
– Буни атайлаб қилдим! Бўлмаса сен ўша итвачча, котил, собик эрингни ҳимоя қилишинг мумкин эди. Ахир сен марҳаматлисан, ҳатто унинг жиноятчилигига ҳам ишонмаяпсан!

– Унга ёрдам бермасин деб мени ҳамманинг олдида ерга урдингми?
– Агар у Тедди учун ўлимга ҳукм қилинса, хурсанд бўлардим.
– Мана гап каерда экан! Демак, иккаланг ҳам ўч олиш ҳаракатида экансизлар-да! У Теддини ўғирласин, сен уни ўлдир! Ҳамманг ақлдан озгансизлар! – у эрига нафрат билан қаради.

– Ҳозирок хонамдан чиқиб кет, Маризэлла! Гаплашадиган гапимиз қолмади! Маризэлла кулоқларига ишонгиси келмасди. Малкольм Чарльздан ўч олиш учунгина хотинининг устидан мағзава ағдарган!..

– Бу билан ўзингнинг асл башарангни кўрсатдинг. Демак, ҳаммаси тугади, шундайми?

– Ҳаммаси Делони ўғлимни ўғирлаб кетгандаёқ тугаганди. Суддан кейин ёнига қайтишинг мумкин. Агар тирик қолса.... елкасига бош қўйиб йиғлайсан... Билиб қўй, сени ҳеч қачон кечирмайман!

– Мени ташлаб кетмоқчимисан, Малкольм? Мен тайёрман! Ҳозирок уйингдан чиқиб кетишим мумкин!

– Ўйлаб иш қил. Суд тугагунча кутиб тур, кейин кетавер, ҳозир журналистларга яна баҳона топилади.

Мариэлла жавоб бермасдан чиқиб кетди. Энди уларни боғлаб турадиган ришта йўқ эди. У эри умуман бегона одамлигини билганди.

XI ҚИСМ

Эртасига Мариэлла газеталарни кўздан кечирди, унда суд жараёнида Пальмер дучор қилган шармандалик батафсил ёзилганди. Барча газеталарда Мариэллани жиннига чиқаришганди. Ҳаммасидан даҳшатлиси, буларнинг ҳаммасини ўз эри Малкольм ташкиллаштирган. Катта тиражли газетанинг иккинчи бетида Беатрис Риттернинг мақоласига кўзи тушди. Мақолани ўқиб чикқач, Мариэлла йиғлаб юборди. Унда қуйидагилар ёзилганди: «Қатъиятли, назокатли Мариэлла Паттерсон судда ўзини мардонавор тутди. Прокурор уни қоралашга қанчалик ҳаракат қилмасин, ўзини йўқотмади. У ҳаммани ўзига мафтун этди...» Мақолада Мариэлланинг бошига тушган ташвишлар қулги билан эмас, ҳамдардлик билан ёритилганди. Журналист аёлнинг гаплари кўнглини бузиб юборди. Лекин давлат қораловчиси билан эри келишган ҳолда, негадир уни ишдан четлатмокчи бўлишаяпти.

Малкольм билан Тейлор уни машинада кутиб туришарди. Йўл бўйи ҳеч ким гапирмади. Судья Моррисон иштирокчиларга яна бир бор тартибни эслатиб, журналистларни исботланмаган маълумотларни чоп этишгани учун қойиди. Унга Мариэлла ҳақида ёзилган гаплар ёкмаганди. Қийноқ яна давом этди. Прокурор Мариэлланинг кўрсатмаларини кам деб ҳисоблади ва бошқа гувоҳларни ҳам чақирди. У хизматкорларни яна бир бор гувоҳликка чақирганда, адвокат Армур бир неча марта Мариэлланинг иши кўрилмаётганини эслатиб туришга мажбур бўлди. Ҳатто, энага ҳам уни яхши она бўлмаганликда айблади. Бу айбловлардан Мариэлланинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Жон Тейлор унга ёрдам беролмаётганидан эзиларди. Мариэлла бу одамлар уни нега бунчалик ёмон кўришларини тушунмасди.

– Судья жаноблари, – чидолмади Том Армур, – биз оналик ҳуқуқидан махрум қилиш ишини кўрмаяпмиз, Паттерсон хонимнинг қандай она бўлганлигини нега муҳокама қилаяпмиз, хайронман. Ўғирлик ҳақида умуман гапирилмаяпти, мен ҳимоя қиладиган одамни бу гувоҳлар, ҳатто танишмайди ҳам...

Лекин Пальмер Мариэллани ер билан яксон қилиши керак эди.

Охирида гувоҳлар курсисига Малкольм чақирилди.

– Жаноб Паттерсон, хотинингизнинг ўтмишини билармидингиз?

– Йўқ. – Малкольм хотини тарафга ўгирилиб ҳам қарамади.

– Демак, уни руҳий касалликлар клиникасида даволанганидан ҳам хабарингиз бўлмаган.

– Билмаганман. Бўлмаса уйланмасдим.

Мариэлла эри нега ёлғон гапирётганини, нега одамлар олдида ерга ураётганини биларди. У ожизлигидан эзилиб, хаёлга ботиб ўтирарди. Малкольм бошқа саволларга ҳам киприк қокмай ёлғон жавоб берди. Прокурор Малкольмга мулоимлик билан муносабатда бўларди.

– Ўғлингизни тирик деб ўйлайсизми?

Малкольм зўрға ўзини қўлга олди.

– Агар тирик бўлганида, шу пайтгача топишарди...

– Болангизни жаноб Делони ўғирлаган деб ўйлайсизми?

– Ўзи бўлмаса ҳам, уюштирган бўлса керак... – Малкольм ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Залда ғала-ғовур бошланди. Бригитта ҳам кўз ёшларини артди. Прокурор саволлари тугаганини эълон қилгач, адвокат ўрнидан турди.

– Айтинг-чи, жаноб Паттерсон, сиз хотинингиз билан бахтли яшаганмисиз?

– Ҳа. – Малкольм адвокат гапни қаерга бураётганини тушунмай довдирарди.

– Хотинингизнинг соғлиги жойида бўлмаган бўлсаямми? – Том Армур яна бир-икки умумий саволлар бергач, сўради: – Агар ўғлингиз тирик бўлмаса... аввало, тириклигидан умид узмайлик. Сизга бу қандай таъсир қиларди?

Малкольм адвокат нима демокчилигини тушунмади.

– Мен учун ҳаёт тугаган бўларди. Чунки Тедди менинг ёлғиз ўғлим.

– Демак, сиз учун ўғлингизнинг ўлими – ҳаётнинг тугаши. Лекин нега Паттерсон хоним учун бошқача бўлиши керак деб ўйладингиз?

– Унгаям кийин бўлгандир...

– Жиноятда хотинингизни ҳам айбдор ҳисоблайсизми?

– Албатта, Теддини унга кўрсатиб, гашига тегмаганида, у Теддини ўғирламасди.

– Лекин хоним атайлаб учрашмаганман, деяпти-ку.

– У ёлғон гапираяпти, илгари турмуш қурганини ҳам, болалари бўлганини ҳам мендан яширган.

Том Армур бу гап ёлғонлигини биларди, лекин бу фактни ҳозирча ошкор этмасликни лозим топди.

Шундан кейин Тейлор Малкольмдан хизмат сафарларига кимни олиб юришини сўради. Малкольм хотини у билан бирга юришни истамаслигини ва ёлғиз ўзи боришини айтди. Шундан кейин адвокат Малкольм ҳар доим котибаси Бригитта билан бирга сафар қилишини асосли далиллар билан ис-

ботлаб берди. Кейин Бригитта Сандерс билан канака муносабати борлигини сўради. Бу саволдан Малкольмнинг жаҳли чикиб кетди. Лекин адвокат коти-банинг саккиз хонали уйи ижарасини Малкольм тўлашини айтганда, у бутун-лай ўзини йўқотди. Бу хабарни эшитган Мариэлла кулоқларига ишонмасди. Наҳотки... Бригитта иккаласи шунча йилдан буён устидан кулиб юришган бўлса... У эса ҳеч нарсадан шубҳаланмаган ҳам. Малкольм ҳаммасини инкор қилиб жанжал қилганди, адвокат Армур гапини исботлаб берди:

– Швейцар Симус Офлэннерти жаноб Паттерсон ҳар окшом Сандерс хонимни кузатиб қўйишини, кўпинча унинг уйида тунаб қолишини тасдиқлади. Рождество байрамида эса, яъни ўғли йўқолганидан икки ҳафта ўтиб, жаноб Паттерсон Бригитта Сандерсга олмос шодаси совға қилган. Жаноб судья, Малкольм Паттерсон судга ёлгон гувоҳлик бераётгани кундек равшан!

Судья саволни аниқроқ беришни талаб қилди.

– Жаноб Паттерсон, Сандерс хоним билан шахсий муносабатларингиз борми?

Прокурор эътироз билдирганди, Том Армур унинг гапини бўлди.

– Мен бир нарсани аниқлаштириб олишим керак. Кеча Паттерсон хоним Чарльз Делони билан шахсий муносабатда бўлгани учун ўч олиш мақсадида болани ўғирлаган деган масала кўтарилди. Балки Бригитта Сандерс ҳам ўч олиш мақсадида болани ўғирлаган бўлиши мумкин-ку. Шунинг учун аниқ жавоб бering!

– Балки... Лекин у менинг ўғлимни ўғирламаган.

– Қаердан биласиз?

– Чунки у бунака ишларга қодир эмас.

– Менинг ҳимоямдаги киши ҳам қодир эмас. Сандерс хонимга уйланишни режалаштирганмисиз?

– Йўқ, албатта.

– Раҳмат, менинг бошқа саволим йўқ.

Малкольм гердайиб жойига бориб ўтиргани заҳоти Бригитта йиғлаганча залдан югуриб чикиб кетди.

Уни шу заҳоти журналистлар ўраб олишди. Амаллаб уларнинг орасидан чикиб, таксига ўтирганида қўйлақлари йиртилиб кетганди. Шундан кейин экспертлар Делонининг уйидан топилган кийим ва ўйинчоқ ростдан ҳам Тед-дига тегишли эканлигини айтишди. Ниҳоят, чўзилиб кетган кун тугади. Эр-хотин бир оғиз гаплашмай уйга қайтишди. Орадан ярим соат ўтгач, Малкольм хотинига бир оғиз гапирмай уйдан чикиб кетди. У кетиши билан Жон Тейлор Мариэлланинг хонасида пайдо бўлди.

– Наҳотки билмагандинг?!

– Билмагандим... мен аҳмоқ бўлган эканман. – Мариэлла хаёлга толди. Малкольм доим саёҳатда юрарди. Демак, ундан кўра кўпроқ Бригиттанинг эри бўлган. Иккаласи бир бўлиб, устидан кулишган.

- Малкольмга ачинаяпман, бор гап аниқлангач, шармандаси чикди.
- У қилмишига яраша олди.

Тейлор нега Мариэлланинг эри ҳамманинг олдида уни ёмонотлик қилаётганини биларди. Суд тугагач, ажрашиш жараёнини бошлаш нияти-далигини Мариэллага айтиб ўтирмади. Тейлор кетгач, Мариэлла ўйланиб қолди. Бир умр эрига садоқат сақлаб, миннатдор бўлиб яшаса-ю, эри эса Бригитта билан уни алдаб юрган... Кечки соат ўнларда телефон жиринглади. Гўшакни кўтарса, Беа Риттер. Мариэлла унга мақола учун миннатдорчилик билдирди.

Журналист аёл у билан учрашиши зарурлигини айтди. Лекин Мариэл-ла Риттер билан учрашганини репортёрлар билиб қолишса, катта жанжал кўтарилишини биларди. Лекин Риттер бу жуда муҳимлигини айтиб туриб ол-гач, рози бўлди.

– Паттерсон хоним, Чарльз болангизнинг буюмларини кимдир унинг уйига ташлаб кетган, деб ҳисоблаяпти. Балки уйингиздагиларнинг биридир. Мен Чарльз бу ишга алоқаси йўқлигига юз фоиз ишонаман. Неғалигини бил-майман, лекин унга ишонаман. Ҳақиқат юзага чиқиши учун кўлимдан кел-ган ишни қиламан. – Риттер Нью-Йоркнинг жиноят оламида ҳам танишлари борлигини айтди. Беа улардан ҳам ёрдам сўраганди. – Мен фақат сиз унинг жиноятчи эмаслигига ишонишингизни билишим керак эди.

Риттер худди Робин Гуд каби жабрдийдаларга ёрдам беришга тайёр эди. Унинг шу феъли Чарльз Делонига ўхшаб кетарди. Мариэллага бир нечта де-тектив ёллашини ваъда бергач хайрлашди.

ХII ҚИСМ

Матбуот Малкольм билан Бригитта ўртасидаги муносабатларни турли рангларга бўяб чоп этди. Мариэлла бу жанжалга умуман аралашмади, фикр ҳам билдирмади. Шунча вақтдан буён у Бригитта билан бор-йўғи бир мар-та учрашди, шунда котиба унга худди менсимагандек назар ташлади. Лекин Мариэлла буни иложсизликдан эканлигини биларди, чунки Бригитта одамлар олдида шарманда бўлганди. Мариэллага бу умуман таъсир қилмади. Чунки уларнинг асл башараси кўринганди. Мариэлланинг кўнглида ғазаб ҳам, рашк ҳам йўқ эди. Эри аллақачон бегона одамга айланган, лекин унинг кўп йиллик ёлғони ва жазманининг ёлғон дўстлиги, хиёнатлари ошкор бўлганди.

Суд жараёнида адвокат берган саволларга Мариэлла мардона жавоб берди. Чарльзни айблай олмаслигини айтганда, Том Армур унинг мардли-гига қойил қолди. Том Армур хизматкорларни сўрок қилганда эшик оғаси Хейверфорд бор гапни айтди. У бекасига ўхшаган очиккўнгил, меҳрибон, адолатли одамларни кам учратганини, Малкольм эса унга уйланишидан олдин хизматкорларни йиғиб унинг соғлиғи жойидамаслигини, эси ҳам

кирди-чикдилигини, унинг гапларига унчалик эътибор бермасликни тайинлаганини айтди. Мариэлланинг кўзи очилгандек бўлди. Шундан кейин эшик оғаси Малкольмнинг Бригитта билан алоқаси борлигини билишини ҳам айтди. Бригитта сўроқ қилинди. У Малкольм хотинини эмас, уни севишини намоишкорона маълум қилди. Унга фақат фарзанд учун уйланганини ҳам кистириб ўтди. Шундан кейин адвокат жинойт жойидан Делонининг бармоқ излари топилмаганини, унинг уйдан чиққан буюмларни кимдир ташлаб кетган бўлиши мумкинлигини айтди. Суд жараёни бошланганига тўрт ой бўлиб, Чарльз Делони биринчи марта сўроқ қилинди. У кўзида ёш билан Мариэллага нисбатан адолатсизлик қилганини тан олди. Адвокат сиз хотинингизни калтаклаганингиздан кейин ҳомиласи нобуд бўлган, деганда у шердек ўкириб юборди.

– Йўқ! – докторлар ҳомила совукда музлаб, шифохонага келгунича нобуд бўлган дейишган. Фақат унга айтишмаганди, – деди.

Бу гапни эшитган Мариэлла ҳўнграб йиғлаб юборди. Бу гап у учун янгилик эди.

Том Армур Чарльзнинг ўтмишини эсга соладиган бу оғир саволларни унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бераётганди. Шу йўл билан Чарльзни оклашга ҳаракат қилаётганди.

– Кейин яна фарзанд кўришни истамадингизми?

– Йўқ, худди шу сабаб уйланмадим. Мен уни ҳамон севаман, йўлларимиз айро тушганини билсам-да... Мен ҳеч қачон унга ёмонлик тиламаганман. Боласига ҳам... Лекин суд жараёни давомида эшитганларимга қараганда жаноб Паттерсон унга арзимайди.

Мариэлла яна йиғлади. Бу у билган Чарльз эди. У ҳар доим адолатли бўлган.

Суддан чарчаб қайтган Том Армурнинг уйига Беа Риттер кўнғирок қилди. Улар учрашишга келишишди. Адвокат бу ғайратли журналист кизни ёктириб қолганди.

– Мен бир ёмон иш қилдим... Сиз уни танисангиз керак – Тони Капрони.

– Албатта, биламан, айрим соҳаларда катта одам у. Шунақа одамлардан ҳам танишингиз борми, Беа? – қулди адвокат. Чунки Тони Капрони хавфли жинойтчи эди.

– Ундан жинойт оламида Тедди Паттерсон ҳақида ҳеч гап йўқми, деб сўрагандим. Бугун менга ўзи кўнғирок қилди... ва битта телефон рақамини берди. Ўша одамга кимдир эллик минг тўлаб, Теддининг пижамаси ва ўйинчоғини Делонининг уйига ташлаб кетишни топширган экан... У судда иштирок этишни истамаяпти, жинойтга шерикликда айбланишдан қўрқаяпти. Лекин бола тириклигини аниқ биларкан.

– Наҳотки... жин урсин уларнинг барини... Тезроқ телефони бери. Лекин бу ҳақида газетада ёзишни ҳаёлингизга ҳам келтирманг.

– Сўз бераман...

Суднинг сўнгги кунлари. Судья бугун суд жараёнини тугатамиз, деганда Том Армур ўрнидан сакраб турди.

– Судья жаноблари, янги вазиятлар очилди. Агар мумкин бўлса, сиз ва прокурор билан алоҳида хонада гаплашиб олсак.

Маслаҳатдан сўнг судья янги гувоҳни эшитиб кўришга рози бўлди. Лекин оклашни хохламади.

– Майли, сизга қирқ саккиз соат вақт бераман. Шу вақт ичида маълумотнинг рост ёки ёлгонлигини аниқлаб олинг. Менга деса, бутун армияни жалб этинг, лекин муддатида ашёвий далиллар олиб келмасангиз, ҳукми эълон қиламан.

Прокурор ҳам иложсиз розилик билдирди. Шундан кейин судья кўшимча текширувчилар учун икки кунлик танаффус эълон қилди. Том Армур Тейлорга бир илтимоси борлигини билдиргач, иккаласи холироқ жойга ўтишди.

– Мен бир гувоҳни топдим, у ҳам жинойтга шерик бўлиб қолган. У бизни ҳақиқатга олиб чиқиши мумкин. Лекин ёллаган одамнинг ҳам қўли узун. Шу сабаб сизнинг ёрдамингиз керак. Уни таъкиб қилмасликни ваъда бероласизми?

– Эсингизни едингизми, Армур, менинг вазифам сизнинг ҳимоянгиздагиларни кўриқлаш эмас, болани топиш.

– Биламан, лекин илтимос, унинг йўлини тўсмасликка ваъда беринг, унинг айтишича, бола тирик.

– Майли, – деди Тейлор узоқ ўйланиб тургач. – Лекин аввал у билан ўзим гаплашиб олишим керак.

– Бўпти. Унинг исми Луи Полянский.

– Йўт-э, – кулиб юборди Тейлор. – Мен уни танийман, бундан ўн беш йилча илгари унинг ҳаётини сақлаб қолганман!

Том Армур шошиб Луига қўнғироқ қилди, у Тейлор билан учрашишга рози бўлди.

Луи Тейлорга бор гапни айтиб берди.

– Болани АҚШдан олиб чиқиб кетишган бўлса керак, – деди.

ФҚБ аэропорт ва портларда қаттиқ назорат ўрнатган. Бу ишнинг ортида ким турганини аниқлаш учун Том ҳамма нарсга тайёр эди. Энди порти яна қаттиқ назорат қилиш керак эди. Лекин нима бўлганда ҳам, ашёвий далиллар Делонининг уйидан топилгани уюштирилган ишлиги аниқ бўлганди. Тейлор Мариэллага қўнғироқ қилиб, бир-икки кун кўринмаслигини айтиб қўйди. Кейин келаётган икки ҳафта ичида ҳеч қаерга боришни мўлжалламадинларми, деб сўради. Мариэллага эри қаёққадир кетмокчилигини айтди. Тейлор Мариэллага «Европа» рейси йўловчилари ичида эр-хотин Паттерсонларнинг ҳам рўйхати борлигини айтиб ўтирмади. Демак,

Малкольм Бриггиттани хотини сифатида олиб кетмокчи, чунки портда паспортлар унчалик қаттиқ назорат қилинмаслигини билади. Олдин ҳам шу сабаб порт хизматидан кўп фойдаланган.

Том Армур асаблари қакшаб кетган Чарльзни бироз бўлса-да тинчлантириш учун янги гувоҳ ҳақида шипшитиб қўйди. Улар иш жараёнида дўстлашиб қолишганди. Армурнинг ҳам хотини ва қизи автоҳалокатда вафот этишган. Том ҳам шундан бўён уйланмаганди. Уларнинг феъли ўхшаб кетарди. Бу пайтда Жон Тейлор бутун портдаги ўн олтита кемани тинтиш билан овора, ўлгудек чарчаганди. Йўловчилар уларнинг буюмларини титкилашгани учун норози бўлишар, айникса, немислар кўпроқ эътироз билдиришарди. Иккинчи кун ярим тунда иккита суднани текшириш қолганди, лекин унинг хўжайини қаттиқ қаршилиқ қилди. Икки кун ўтган бўлса-да, ашёвий далил ҳам, бола ҳам топилмади. Муддат тугагач, прокурор Чарльз Делонини айбдор деб эълон қилди. Энди адвокатнинг нутқи қолганди. Суд жараёни тугаяпти ҳамки, бола-сидан дарак йўқ. Мариэлла асабийлашишни кўтаролмай суд залида ҳушидан кетди.

Суднинг чекка хонасида ўзига келган Мариэлла тепасида турган шифокорни кўрди. Бошида Беа Риттер ҳам турарди. Судья тушликдан кейин адвокатга сўз берамиз, деди. Малкольм намойишкорона меҳрибонлик билан хотинини залдан олиб чиқиб кетди. Лекин уйига етгач, уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Тушлик вақти тугаб, суд залига етиб боришгач, ғалати иш бўлди. Залга кийим-боши бир ахволда ФҚБ агенти Жон Тейлор кириб келди. У судьядан узр сўраб, Мариэлланинг кулоғига нимадир деб шивирлади. Мариэлла эрига ҳеч нима демасдан, Тейлорнинг ортидан эргашди. Адвокат Тейлор боланинг ўлигини топибди, деган хулосага келди, лекин нега Малкольмни ҳам чақирмаганини тушунмади. Ҳамма ҳайратда қолаверди.

– Тинчликми? – нафаси тикилиб сўради Мариэлла машинага ўтирар экан.

– Сени бир жойга олиб боришим керак. Фақат менга ишонсанг бўлгани. Ахволинг яхшими? – Тейлор моторни ўт олдиргач, Мариэлла кўрқиб кетди.

– Мени ҳибсга олдингми? – жиноятга шерикликда айблаб, ҳибсга олишди, деб ўйлаганди у.

– Нималар деяпсан? Хавотир олма, тинчлик, – кулиб юборди Тейлор.

Мариэлланинг миясига Теддини жасадини таниш учун олиб кетаяпти, деган фикр келиб, сесканиб кетди.

– Мариэлла, ҳеч нимадан кўркма, тинчлан. Фақат менга ишонсанг бўлгани. Бу – муҳим. Ҳозир сенга айта олмайман, кечир...

Бир неча дақиқа ичида портга етиб келишди. Уларни ФҚБ агентлари кутиб туришарди. Иккаласи немисларнинг кичкинагина кемасига кириб боришди. Тейлор капитанга Мариэллани таништирди. Мариэлла адойи

тамом бўлди. Шунча одам бекорга йиғилмаган, демак, Теддининг жасадини топишган, унинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

Мариэлла, ҳозир сенга бир-икки одамни кўрсатишади, яхшилаб эътибор бер, балки уларни танирсан.

Каютага озғин чол ва малласоч, баджаҳл аёлни олиб киришди. Мариэлла уларни танимасди. Кейин юзида чандиғи бор яна биттасини олиб киришди.

– Булар ким ўзи? – сўради довдираб Мариэлла.

– Ростдан ҳам ҳеч қайсисини танимайсанми, яхшилаб қарагин...

Мариэлла бош силкиди.

– Энди ўзингни қўлга олишинг керак. Менга суяниб ол, ҳозир яна бир кишини кўрсатамиз, унинг кимлигини айтишинг керак...

У боласининг жасадини кўришни кўтаролмаслигини билиб турарди. Иккинчи мартасини кўтаролмайди...

– Йўк, – бакириб юборди у. – Мени мажбур қилманглар, илтимос, кўтаролмайман...

– Ўзингни қўлга ол, бизга ёрдаминг керак...

Жон Тейлорнинг ўзи ҳам каттиқ чарчаганди. У Мариэлланинг кийналишини хоҳламасди, лекин улар топган бола гунг-соқов эди... Болага нима бўлганини ҳеч ким билмас, балки қорни очдир, балки қўркувдан тилдан қолгандир ёки инглиз тилини умуман тушунмас... Капитан шу пайтгача болани кемада сира кўрмаганига ҳайрон эди. Бола Тедди Паттерсонга ўхшамасди, лекин кўзлари кимнидир эслатарди. Сочининг ранги эса бошқача эди. Шунинг учун Мариэлланинг ёрдами керак бўлганди. Мариэлла ўзини қўлга олгач, болани олиб келишди. Бир сония орага сукунат чўкди.

Болакай жимгина унга қараб турарди. Мариэлла эса кўзларига ишонмасди. Кейин у кутилмаганда додлаганча болага қараб отилди ва кучоклаб олди. Шундан кейин бола ҳам йиғлай бошлади. У онасини маҳкам кучоклаб, бор овози билан йиғларди. Уларга қараб капитан ва Тейлорнинг ҳам кўзи ёшга тўлди.

У бир умрга йўкотдим, деган боласини бағрига босиб турганига ишонгиси келмасди. «Болагинам, болажоним», деб ўксиб-ўксиб йиғларди. Қўлга тушган учта немиснинг қўлларига кишан солинди. Йигирмата ФҚБ агенти кемани қайта кўздан кечириш учун қолишди. Тейлор она-болани машинага ўтказди. Тедди онасига маҳкам ёпишиб олганди.

– Менга сизни ўлган дейишди, – деди у кўз ёшларини артиб. Кейин мени қутига солишди, тешиклари бор эди... ўша тешиклардан печенье бериб туришди...

Қўлга тушганлар боланинг отаси уни Германияга олиб ўтиш учун пул тўлаганини айтиб беришди. Улардан бирининг чўнтагидан Малкольмнинг

исми ва телефон ракамлар ёзилган коғоз топилди. Тейлор бу ракамларни яхши биларди, бу Бригиттага тегишли эди. Бу гапларни Мариэллага айтмади.

– Сенга кандай миннатдорчилик билдирай, – деди у Тейлорга юзланиб. – Жуда кўрққандим... энди топилмайди деб ўйлагандим. Теддини кўрса, Малкольм жуда хурсанд бўлади.

Тейлор индамади, у бошкача фикрда эди. Суд биносида уларни ФКБ агентлари кутиб туришарди. Тейлор уларга Мариэлла билан ўғлини калин халка килиб ўраб олишни топширди. Улар залга кириб боришганда ўлик сукунат чўкди. Том Армурнинг гапи оғзида қолди. Олдинга қараб юрган эркаклар халқаси очилиб, ўғлини кўтариб олган Мариэлла кўринди! Судья уларга қараб қотиб қолди.

Нима гаплигини тушунган одамлар бақир-чақир килиб ўринларидан туриб кетишди, репортёрлар бир-бирларини босиб-туртиб олдинга отилишди.

– Тирик! Вой худойим! Бу ўша-ку... – деган хитоблар янграр, фотоаппаратлар тинимсиз чиқилларди.

Судья одамларни тартибга чақирмоқчи бўлиб, болғачаси билан столга урар, лекин унга ҳеч ким эътибор бермасди. Тейлор эса Малкольмдан кўз узмасди. Болани кўриб, у аввал бировни кидиргандек атрофга аланглади, кейин турди, ўтирди, кейин яна туриб, боласи томон югурди. Унинг боласига ташланиши Мариэлланики каби табиий чикмади. Чарльз уларга қараб, жойидан туролмай, тинмай йиғларди. У ўзидан кўра Мариэлла учун хурсанд эди.

Малкольм хотини ва Тейлорнинг ёнига борди. У энди анча ўзини босиб олганди. У ўғлини қўлига олмоқчи эди, лекин болани онасининг бағридан чиқариб бўлмади.

– Худоба шукурки, уни топдинглар, – деди у Тейлорга. Агент алоҳида гаплашиб олиш учун Малкольмни судьянинг хонасига етаклади. Мариэлла улар нима ҳақида гаплашмоқчи эканлигига кизикмади ҳам, у шивирлаб Тедди ва Чарльз билан гаплашарди. Ҳеч қачон бугунгидек бахтли бўлмаганди. Боласини бағрига босиб ўтираркан, кечаги даҳшатлар худди бўлмагандек. Судья, Тейлор ва Малкольм қайтиб чиққунча анча вақт ўтди. Малкольм жаҳлдан кизариб кетганди. ФКБ агентлари Тейлорга икки марта кўнғирок килиб, кемадаги жинойтчиларни Малкольм ёллаганини маълум қилишганди. Энди шубҳага ўрин йўқ. Ашёвий далиллар – Малкольм ўгли учун олган сохта паспорт ҳам топилган бўлиб, унда бола Теодор Сандерс деб хужжатлаштирилганди.

– Бу тухмат! – ўшқирди Малкольм биринчи кўнғирокдан кейин. Ўта нуфузли жойлар билан алоқаси борлигини таъкидлаб қўйишни унутмади.

– Шунга карамай, жинойтчилар сизнинг исмингизни тилга олишди, – хотиржамлик билан эътироз билдирди Тейлор. – Сизга жинойтчиларни кўриш ва ўзингизни оқлаш имконияти берилади. Бу ҳақда менинг кабинетида, яъни ФҚБ идорасида гаплашамиз. Бир неча катта жинойт рўй берган ва уларга сизнинг ҳисобингиздан пул тўланган. Буларнинг ҳаммаси учун жавоб беришингиз керак. Колаверса, жаноб Делони ҳам сизни тухмат учун судга бериши мумкин.

Судья ҳамон ўзига келолмас, одам ўз фарзандини ҳам ўғирлаши мумкинми, деб ўйларди. Бу саволларга жавоб топиш ФҚБнинг бўйнида эди.

Судья маслаҳатчиларига мурожаат этиб, катта хатонинг олди олинганини айтди ва Чарльз Делонидан кечирим сўраб, уни айбсиз ва озод деб эълон қилди. Маслаҳатчилар зални тарк этишга шошилишмас, улар Мариэлла ва Чарльзнинг ёнига бориб табриклашар, маслаҳатчи аёллардан бири Чарльзни, ҳатто кучоқлаб, ўпиб ҳам кўйди. Судья Тейлордан янги маълумотлар кутиб қолишини айтиб хайрлашгач, ФҚБ агентлари Малкольмни залдан олиб чиқиб кетишди.

– Ўғлинг топилганидан жуда хурсандман. Агар бу болангни ҳам йўқотсанг, кўтаролмасдим... – шундай дея Чарльз Мариэллани бағрига босди. – Сени бир умр яхши кўриб ўтсам керак...

Мариэлла жилмайди, у ҳам Чарльзни бир умр унутолмаслигини тушуниб турарди.

– Сизларни уйга кузатиб қўяман, – деди Тейлор улар гаплашиб бўлишгач. Чарльз уларнинг ортидан караб қолди. Том Армур ишларини тугатиб, Чарльз билан бирга ташқарига чиққанида, уларни остонада Беа Риттер кўзлари тўрт бўлиб кутиб турарди. Мариэлланинг кўлида боласи билан келаётганини кўрган Беа йиғлаб юборганди.

– Сиздан жуда қарздорман, – деди Чарльз Беага. – Сиз билан Том мента ишонмаганингизда, бу азобларни кўтара олмасдим.

Том Армур Чарльзни уйи ёнига ташлаб ўтди ва кечроқ судьянинг уйига кўнғироқ килиб, Малкольм Паттерсонни ҳибсга олиш учун ордер ёзиб беришни сўради. Унгача Тейлор Малкольмга доир анча ҳужжатларни йиғиб қўйди. Маълумотларга кўра, у жинойт оламидаги баъзи бир шахсларга ўз ўғлини ўғирлатиш учун каттагина миқдорда пул тўлагани маълум бўлди. Режа бўйича ўғрилар болани мамлакатдан олиб чиқиб кетишлари керак эди. Бир гуруҳ немислар болани Германияга олиб ўтиши, кейинчалик эса Малкольм ва Бригитта уларнинг ортидан бориши лозим эди. Бу режа Тедди туғилмасидан тузилган бўлиб, таклиф Бригиттадан чиққанди. Мариэлла намунали хотин бўлса-да, Малкольм фақат Бригиттани севар, унинг ягона камчилиги фарзанд кўролмаслигида эди. Мариэлла билан ажрашса, суд фарзандни онаси билан қолдиришидан кўркиб, улар шу режани тузишганди. Агар болани ўлган деб эълон қилинса, ҳеч ким, ҳатто онаси ҳам изламайди, деган қарорга

келишган. Кейинчалик Малкольм хотини билан ажрашиб, котибасига уйланиб, бола, яъни Теддини асраб олишса ҳам улардан ҳеч ким шубҳаланмасди. Режасини амалга ошириш учун ўз боласини азобга қўйиши ҳам Малкольмни тўхтата олмади. Ҳатто... Маризелла бу сафар ҳам боласидан айрилса, жинни бўлиб қолишини ва ажрим жараёни тезлашишини ҳам режалаштириб қўйишганди. Чарльзнинг пайдо бўлиши уларга жуда қўл келганди. Энг кизиғи, тўрт ой давомида Луидан бошқа ҳеч ким Малкольмнинг кирдикорларини фош этмади.

Маризелла тезроқ бу ерлардан узоқка кетишни истарди. Эри ҳақида ҳам, Бригитта ҳақида ҳам эшитишни истамасди. У кишлоққа, тоза ҳаволи жойларга кетмоқчи эди. Эри ва Бригитта устидан бўладиган суд жараёни бошлангунча, ўғли билан дам олмоқчи эди.

– Иккаламиз жиддий гаплашиб олишимиз керак. Вермонтга кетишинг шартми? – сўради Тейлор. У Маризеллани йўқотишни истамасди.

– Бу уйда ортиқ колгим йўқ. Ўзимиз учун кичикроқ уй топишим керак.

– Шу холосми? Мендан ҳеч нима керакмасми? – Тейлор бир умр унинг ёнида қолишни истарди.

– Дўст бўлиб қолишни истайман... – Маризелла ичида «бир умр мени севишингни, доим ёнимда бўлишингни истайман», деб турса-да, сиртида бундай дейишга ҳаққи йўқлигини биларди. – Менга ҳаётимни қайтариб бердинг. Сендан қарздорман... Шу яхшилигинг учун оилангни бузсам, тўғри бўладими? Болаларингга, хотинингга кераксан... Мен ундай қилолмайман... Сен оилангга кераксан.

Маризелла Жон Тейлорни қаттиқ севарди, лекин ўзига айтолмасди. Улар бир умрлик дўст бўлиб қолишга келишишди ва бир-бирларини бағрига босиб узоқ туриб қолишди. Балки бу қарор хатодир, балки тўғри. Буни вақт кўрсатади, ўйлади Маризелла. Тейлор ғамгин хайрлашди, усиз кунларни қандай ўтказишни тасаввур қилолмасди. Энди у Малкольм Паттерсоннинг иши билан шуғулланиши керак.

Маризелла Вермонтдан уй олиш ишлари билан банд эди. Тедди ҳам секин-секин ўзига кела бошлади. Энди у онасидан бир кадам ҳам айрилмас. Хизматкорлардан уйда факат Хейверфорд қолган, у ҳам бир неча кундан кейин уйни тарк этиши керак эди. Европага учиб кетиш арафасида уларникига Чарльз меҳмонга келди.

– Яна Испаниягами? – сўради Маризелла қулиб.

– Испанияга кейин ўтаман. Аввал Парижга бормоқчимиз, у ерда ёзни ўтказиб... – шундай деб у ёш боладек қизариб кетди. У ўз бахтини топганди. Тедди бу амаки онасига ким бўлишини билмасди, у билан дўстлашиб олди. Маризелла Чарльз билан Беанинг сайр қилиб юришганини бир неча марта кўрганди. Улар бахтини топганидан хурсанд эди. Дўстларча хайрлашишди. Маризелла энди Чарльз унинг ҳаётидан бутунлай чиқиб кетганини

биларди. Бу сафар хайрлашув биринчи галдагисидек оғрикли бўлмади. Малкольмни эса аллақачон юрагидан чиқариб ташлаганди. Лекин келажакдан кўркарди. Малкольмнинг кўли узун бўлиб, камокдан чиққандан кейин уларни тинч қўймаслиги аниқ. Шунинг учун Мариэлла узокрокка кетишни ўйларди. Жон Тейлор ёрдам беришга ваъда берди-ю, лекин Малкольмдан қочиб кутула олмаслигини яхши биларди. Лекин ФКБ бошлиғи Теддини ҳеч қачон отаси ололмаслигини ваъда берди. Унга энди ўғли билан учрашиш ҳам тақиклаб қўйилганди. Мариэлла энди фақат ўғли учун яшашга қарор қилганди. У ўзининг ва ўғлининг буюмларини йиғиштирди, Малкольмнинг уйини тезроқ тарк этишни истарди. Тедди эса ҳали уни дадасининг буйруғи билан ўғирлашганини билмасди. Кетишларидан бир кун олдин эшик оғаси Том Армур келганини маълум қилди. Мариэлла уни кўриб хайрон бўлди. Чунки Чарльз Беа билан Францияга кетган бўлиб, Том билан суддан кейин учрашишмаган эди.

– Эртага кетар экансиз деб эшитдим, – деди у бироз тортиниб. Анчадан буён келишга баҳона тополмай юргандим. – Вермонтга кетаётганингизни Тейлордан эшитдим.

Мариэлла суддаги иши учун унга миннатдорчилик билдирди.

– Мариэлла... – тугилди Том. У Мариэлланинг шаҳардан кетишини сира истамасди. Суд жараёнида бу аёлнинг одамгарчилигига неча марта тан берганди. – Вермонтда эканлигингизда... Сизга ҳар замонда кўнғирок қилиб турсам майлими?..

Мариэлла хавотир билан унга тикилди. Бошидан ўтган воқеалардан кейин у одамларга ишонмай қўйганди. Балки Том Армур энди Малкольмнинг ҳимоячисига айлангандир.

Буни Том сезди ва тинчлантириш учун қўлларидан тутди.

– Фикримни аниқ ифодалай олмадим... шекилли. – Мариэлла марҳум хотинини ёдга солганди.

Мариэлланинг кулгиси келди. У биладиган Том Армур қаттиққўл, ши-жоатли эди. Уни бунчалик кўнгли нозик деб ўйламаганди. Мариэлла Вермонтда бир неча ой яшашини, Малкольмнинг суди бошлангач, Нью-Йоркка қайтишини айтди.

– Қайтганингиздан кейин... Балки... – у дил изхори қилиш шунчалик қийинлигини билмасди. Кечаю кундуз хаёлида Мариэлла бўлса-да, кўнглидагини айта олмай қийналарди.

– Сиз бетакрор аёлсиз, сизни яқинроқдан билмоқчиман... – шу гапларни айтиб, у енгил тин олди. – Биринчи марта кўрганимдан буён сизга маҳлиё бўлганман.

Мариэлла ўзини ёш киздек ҳис қилиб ҳаяжонланиб кетди.

– Ғалати... Бу нохуш воқеадан шунча яхши ишлар бўлиб кетиши кимнинг хаёлига келибди, – деди у Чарльз билан Беани эслаб.

Кутилмаганда эшик очилиб ҳаёти кувончи, кўзининг нури пайдо бўлди. Тедди кела солиб ўзини онасининг бағрига отди ва ухлай олмаётганини айтди.

– Йигитча, Вермонтга кўчиб кетялсиз деб эшитдим, – деди Том Теддининг бошини силаб. Бу болакай бўлиб ўтган воқеалардан кейин унга жуда кадрдон бўлиб қолганди.

– Ҳа, у ерда менинг сигирларим, жўжаларим, отларим бўлади, ойим айтдилар. Кейин менга пони ҳам олиб беришаркан. Факат дадам бора олмайдилар. Улар ҳозир Африкада, шу сабаб уларга кўнгирик ҳам қилолмаймиз...

– Мен ҳам сенинг ёшингда Вермонтга борардим.

– Сизнинг ҳам «пони»нгиз бўлганми?

– Ҳа, сигирларим ҳам бўлган, ўзим соғардим. Агар Вермонтга борсам, сенга ҳам соғишни ўргатаман.

– Ростдан борасизми?

– Билмадим... – у бироз иккиланди. – Лекин яхши фикр.

У савол назари билан Мариэллага қаради. У ҳам жавобан кулиб қўйди. Улар кулишиб, гаплашиб ошхонага ўтишди. Хейверфорд ўз хонасида нарсаларини йиғиштирарди. У Малкольмга бошқа хизмат қилишни истамасди. Мариэлла эса эшик оғасига пул тўлай олмас, чунки Малкольм унга арзимас маблағ ажратганди. Тедди улғайса Малкольмнинг меросхўри бўларди. Улар анчагача гаплашиб ўтиришди. Кейин Мариэлла ўглини ухлатиб чиқди. Том анчагача остонада унга тикилиб туриб қолди. Том уни бағрига босгиси келарди. Мариэллага эса Жон Тейлор етишмасди. Лекин у тўғри қарорга келганини биларди. Бугунги окшом тақдирнинг ҳақиқий тухфаси бўлди. Том керагидан ортик бахтсизлик кўрган бу аёлни химоя қилгиси, ёнида туришни истарди. Малкольмнинг судида унга ёрдам беришга аҳд қилиб қўйди.

– Вермонтга кетсангиз, сизларни соғиниб қоламан, – Том унинг юзидан ўпиб хайрлашди.

Бир пайтлар Чарльз билан бахтли бўламан деб ўйларди. Кейин Малкольм доим химоя қилади деб ўйлаган. Яқинда эса Теддини кўришдан умидини узганди... Тедди учун барча қийинчиликларга бардош беришини биларди. Ниҳоят ўгли билан ёлғиз қолди, олдинда бутун бир ҳаёт. Вермонтда дам олиб қайтгач, янги ҳаёт бошлайди. Мариэлла яна орзу қила бошлаганди.

Улар эрталаб йўлга чиқишди. Хейверфорд уларни кўзида ёш билан кузатиб қолди. Кейин эшикни қулфлаб, конвертга солди ва юристларга жўнатди. Эшик оғаси уларга бахт тилади. Мариэлла бу пайтда қувонч билан шаҳарни тарк этаётган бўлса, Том Армур уларни ўйлаб, пиёда суд залига равона бўлди.

I ҚИСМ

Изабель Форрестье ётоқхонаси деразасидан пастки бокка каради. Парижнинг еттинчи округи, Гренель кўчасида жойлашган бу уйда улар Гордон билан йигирма йилдан зиёд яшашди. Болалари ҳам шу уйда туғилди. Ўн саккизинчи асрда қурилган ушбу бинонинг ички ҳовлиси кенг бўлиб, ташқариси бронзадан ясалган серхашам дарвозалар билан ўралган. Изабель бу қадимий чиройли уйни баланд ганчкор шифтларидан қорамтир паркет полларигача яхши кўрарди. Бу ерда ҳаммаси тартибли ва ораста эди. Намунали уй бекаси бўлган Изабель юмшоқлик билан, лекин катъий тарзда уйдагилардан сарамжон-саришталикни талаб қиларди. Дид билан парвариш қилинган боғда Парижда энг гўзал ҳисобланган оқ атиргуллар кийғос очилган. Уйда улар Гордон билан узок йиллар давомида йикқан нодир буюмлар бисёр эди. Баъзилари Изабелнинг ота-онасидан қолган.

У хўрсиниб нари кетди. Яқинда Париждан чикиб кетишни ўйлаб, кўнглида карама-қарши туйғулар туғён урди. Изабель камдан-кам саёҳатга чиқади, шу кунларда туғилган имкониятдан фойдаланмаса, аҳмоқлик бўлади. Лекин Теддини ўйлагани сари виждони қийналарди. Изабелнинг қизи Софи бир кун олдин дугоналари билан Португалияга кетди. Қизи ўн саккиз ёшда, кузда университетда ўқиши бошланади. Изабел, мана ўн тўрт йилдан буён, ўғли Теодор туғилганидан бери ҳеч қаерга чиққани йўқ. Ўғли муддатидан уч ой олдин ўпкасида нуксони билан дунёга келган, бу эса кейинчалик юрагига ҳам таъсир қилган. Тедди мактабга ҳам боролмади. У вақтининг кўп қисмини тўшакда ўтказди. Уйда ҳам, асосан, ногиронлар аравасида ҳаракатланади. Ҳаво яхши бўлган кунларда Изабель уни бокка олиб чиқарди. Аҳволи яхши бўлса, бироз сайр қилдирар, бошқа пайтларда у шунчаки аравачада ўтирарди. Хасталигига карамай, болақайнинг руҳи тетик эди. Онаси хонасига кирганда Теддининг кўзлари яшнаб кетарди. У жон деб онаси билан суҳбатлашиб ўтирар, ҳатто ҳазиллашарди ҳам. Она-бола бир-бирларига шунчалик боғланиб қолишгандики, ҳатто Изабель баъзан жонимиз битта бўлса керак, деб ўйларди. Изабель у билан тез-тез гаплашиб ўтирар, китоб ҳам ўқиб берарди. Аҳволи оғирлашганда эса жимгина бағрига босарди. У ўғлини қанотчалари синган митти нозик қушчага қиёслайди. Дунёга Теддининг кўзи

билан қарайди. Ўғли учун Изабель барча дугоналаридан, машғулотлардан, шахсий кизиқишларидан ҳам воз кечди. Тедди унинг ҳаёти мазмунига айланди. Ўғли туфайли кизи Софига оналик меҳрини етарлича беролмади. Лекин у шикоят қилмас, онасини тушуниб, меҳр билан мурожаат қиларди. Онаси томонидан Теддига кўпроқ эътибор берилишини адолатдан деб ҳисобларди. Чунки укасининг ҳаёти онасининг меҳрига боғлиқ.

Охирги тўрт ойда Теддининг соғлиғи анча яхшилангандек. Изабель Билл Робинсоннинг таклифини қабул қилиб, Лондонга боришга қарор қилди. Изабель Билл билан тўрт йил мукаддам Гордоннинг курсдоши – Американинг Париждаги элчиси уюштирган қабул маросимида танишган. Билл Вашингтоннинг энг бадавлат ва нуфузли кишиларидан ҳисобланарди. Гордоннинг айтишича, охирги президентни айнан шу Робинсон овал кабинетга ўтказган. Айтишларича, у беҳисоб бойликнинг меросхўри бўлиб, ёшлигидан сиёсатга кизиққан. Бу куч қудратли одамнинг ўзини ўта камтар тутиши Изабелда катта таассурот уйғотди. Шундай бадавлат ва қўли ҳамма нарсага етадиган инсоннинг самимий ва хушчакчақлиғи ҳамда анча ёш кўриниши Изабелни лол қолдирди. Кечги овқатда у билан ёнма-ён ўтирган Изабель Биллнинг дилкашлигидан завқланди. Бир ҳафтадан кейин Изабель Робинсондан хат ва анчадан буён кидириб юрган ноёб китобини олди. Изабель унинг муҳим ишлари кўплигига қарамай, майда-чуйдаларга ҳам эътибор берганига қойил қолди. Санъат ва ноёб китоблар Биллнинг жону дили эди. Ўшанда улар уруш пайтида нацистлар Голландия ғорларида яшириб қўйган китобларнинг топилгани ҳақида узоқ гаплашишган эди. Кейин суҳбат санъат асарларини қалбакилаштириш ва ўғирлаш мавзусига бориб тақалди. Охирида эса бундай асарларни таъмирлаш ҳақида гаплашишди. Изабель Гордон билан танишганида айнан шу иш билан шуғулланарди. У Луврда реставрация ишлари бўйича энг малакали мутахассис ҳисобланарди. Софи туғилиши олдидан эса ишдан бўшади. Биллнинг ҳикоялари унда катта таассурот уйғотди. Кейинги ойларида улар ўртасида ажиб бир дўстлик риштаси пайдо бўлди. Энди бир-бирлари билан хат ва телефон орқали гаплашардилар. Изабель унга санъатга доир бир нечта ноёб китоб жўнатди. Билл эса кейинги гал Парижга келганида уни тамадди қилишга таклиф этди.

Изабель бироз иккиланиб тургач, рози бўлди. У биринчи марта ўғлини тушлиқда ёлғиз қолдириб кетиши эди. Шунга ҳам тўрт йил бўлибди. Тедди ўн ёшда эди. Ўшандан буён ўрталаридаги дўстлик мустаҳкамланиб борди. У вақти-вақти билан баъзан кечгача ишлаб қолганида қўнғироқ қилиб турар эди. Бу вақтда Изабелнинг юртида тонг вақти бўларди. Қачондир у Тедди учун эрталаб соат бешда уйқудан туришини Биллга айтган эди. Орадан ярим йилча ўтгач, Билл қўнғироқларимга Гордон қаршилиқ қилмайдими, деб сўраганди.

– Нега қаршилиқ қилсин? – хайрон бўлганди Изабель. У Биллни хижолат қилгиси келмаганди. Аёлга Билл билан суҳбатлашиш ёқарди. Уларнинг

хаётга муносабатлари, кўпгина кизикишлари бир хил эди. Аслини олганда, Изабель Биллдан бошқа ҳеч ким билан гаплашмасди ҳам. Унинг ёшликдаги дугоналари Тедди билан бўлиб, уйдан чикмай қўйганидан буён алоқани узиб юборишган эди.

Умуман олганда, Биллнинг қўнғироклари Гордонга ёқмаслиги мумкин эди. Чунки Изабель бир гал Билл жўнатган китоблар ҳақида эрига айтганида, у ҳеч нима демасдан, ковоғи уқлиб қолганди. Шундан кейин Биллнинг қўнғироклари ҳақида эрига қайтиб оғиз очмади. Биринчидан, у эрига нима деб тушунтиришни билмас, иккинчидан эса, уларнинг суҳбати самимий бўлиб ҳеч қандай шахсий гаплар йўқ эди. Тўғриси, Изабель унинг тунги суҳбатлари эрига ёқмаслигини билар, лекин Биллни йўқотишни хоҳламасди. Авваллари Билл икки-уч ҳафтада бир қўнғирок қилган бўлса, кейинчалик тез-тез хабарлашадиган бўлди. Танишганларидан бир йил ўтгач, улар иккинчи бор тамадди қилиш учун учрашишди. Бир куни Гордон хизмат сафарида бўлганида эса Билл уни овқатга таклиф этди. Улар унча узок бўлмаган тинчгина жойда ўтиришди. Изабель уйга қайтганида соат тўрт яримдан ошганини кўрсатиб турарди. Вакт қандай ўтиб кетганини сезмабди. Изабель ўзини сўлиб бораётган гулга ўхшатарди. Билл билан ахён-ахёнда бўладиган телефон суҳбатлари эса унга роҳатбахш ёмғирдек таъсир қилар эди. Чунки Изабель Биллдан бўлак ҳеч ким билан гаплашмасди.

Гордон анча йилдан буён Париждаги энг катта инвестицион банкни бошқаради. У Изабелдан ўн етти ёш катта бўлиб, ёши эллик саккизда. Охириги йилларда улар бир-биридан анча узоклашишган. Изабель бунинг сабабчиси Тедди деб ўйларди. Болакайнинг касаллигига тааллуқли ҳамма нарса Гордоннинг нафратини уйғотарди. Теддининг ўзи ҳам буни сезарди. Аввалига, отам мени ёмон кўради, деб ўйларди, кейинчалик эса фикрини ўзгартирди. Ўн ёшлар бўлганида отаси унинг касаллигидан кўркишини, шу кўркув таъсирига тушиб қолмаслик учун боласига эътиборсиз қарашини тушунди. Қисқаси, боласи у учун йўқ эди. Тедди хафа бўлмасди. Онаси билан отаси ҳақида гаплашганида болакай маҳзун бўлиб қоларди. Худди узокдаги қўли етмайдиган бир нарса ҳақида орзу қилгандек гапирарди. Ота-бола бир-бирига умуман бегона эди.

Ишга боши билан бутунлай шўнғиб кетган Гордон нафакат ўй-ташвишларидан, балки хотинидан ҳам узоклашиб борарди. Оила аъзоларидан бироз юмшоқроқ гапирадиган ягона одами Софи эди. Софининг ташки кўриниши онасига ўхшагани билан феъли отасиникидек. Гордон ҳар қандай туйғуни ошқор этишни заифлик деб ҳисобларди. Софи эса унинг шу феълени мерос қилиб олган. Болалигидаёқ у укасидек ширинсўз эмасди. Онасидан ёрдам сўрашдан кўра ҳаммасини ўзи ҳал қилишни ёқтирарди. Гордоннинг совуққонлигини кизи фазилат ва мустақиллик деб ҳисобларди. Изабель баъзан қизининг босиқлигини кам эътибор кўрганликка йўярди. Софи эса ўзининг

мехр кўрмаганлигини сездирмаслик учун уйдагиларига уларнинг эътиборига зор эмаслигини исботламоқчидек тутарди ўзини. У онаси билан ҳам дилдан гаплашмас, туйғуларини ошкор этмасликка ҳаракат қиларди. Фақат дугоналари билан очик гаплашиши мумкин эди. Изабель Софи катта бўлса, албатта тил топишиб кетамиз деб умид қиларди. Ҳозирча эса уларнинг муносабати ҳавас қиларли даражада эмас. Эрининг совуққонлиги эса Софиникидан ҳам ошиб тушарди. Гордоннинг назарида, Изабель оиласи бошига тушган кулфатларнинг сабабчиси. Гордон ҳаётга бутунлай завқсиз қарарди. Ҳамма нарсага юқоридан қараб, манфаат бўлмаса ҳеч қандай ишга аралашмасди. Гордон ўғли туғилган пайтдан бошлаб ундан узоқлаша бошлади. Кейинчалик эса ётоғини ҳам алоҳида қилиб олди. Сабабини Изабель жуда кеч ётиб, вақтли туриб уни безовта қилишда деб тушунтирди. Бу эса шунчаки бахона эди.

Шундоқ ҳам таранг муносабатларини баттар чигаллаштирмаслик учун Изабель қарши чикиб бир оғиз ҳам гапира олмади. Ораларидаги муносабатнинг узоқлашиб, кейинчалик умуман йўққа чикиб бораётганини маънос кузатиб туришдан бошқа чораси йўқ эди.

Охирги марта эри қачон ширин сўз айтганини, мехр кўрсатганини Изабель эслолмайди ҳам. Шифокорлар боласи туғма ногирон бўлиб туғилганида Изабелнинг ҳеч қанака айби йўқ деб таъкидлашган бўлса-да, Гордон аксини ўйларди. Изабель ҳам эри билан очикчасига гаплашиб, бу айбловни елкасидан олиб ташлашга ҳадди етмас эди. Гордон ногирон ўғлини ҳаётдан ўчириб ташлагандан кейин, хотинининг ҳам борлигини унутди. Балки шу йўл билан болалигидан уни қийнаётган бахтсизлик туйғуларидан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлгандир? Эри ўрнатган мустаҳкам деворни ошиб ўтишга Изабель ҳаракат қилолмади. Эрига яқинроқ бўлиш учун қилган барча ҳаракатлари йўққа чиққач, у ҳозирги аҳволга қўниқишга мажбур бўлди. Умуман олганда, Гордон табиатан совуққон, эҳтиёткор одам. Азалдан шафқатсиз қорчалон бўлган Гордон бошида Изабелга эътиборли, меҳрибон кўринган эди.

Шуни айтиш керакки, ўшанда Гордонга ҳам Изабель жуда ёқарди. Тўғрироғи, ундан яхши уй бекаси чиқади, деб ҳисобларди. Биринчи ўринда албатта Изабелнинг аслзодаларданлиги, таниш-билишлари хизмат поғоналаридан кўтарилишига ёрдам бера олиши кўпроқ ёқарди. Турмуши яхши бўлмагани билан Изабелнинг қариндошлари ҳалигача нуфузли одамлар эди. Унга уйланган Гордон жамиятда ўз ўрнини топди. Бу эса ҳаётдаги биринчи мақсади эди. Аслзодалигига қарамай, Изабель болаларча содда ва самимий эди. Бу эса Гордонга ёқиб тушди. Гордоннинг жиддийлиги, ўзини тута билиши, ахлоқи ёш Изабелни асир этди. Унинг оиласи ҳам Гордонни кўнгилдагидек қуёв бўла олади, деб ҳисобларди. Лекин Изабель Билл билан танишган вақтга келиб, у оилали, бахтли аёлдан касалга қараш учун ёлланган хизматчига айланиб бўлганди. Билл уни ташки дунё билан боғлаб турувчи ягона ришта эди. Қолаверса, фақатгина Билл у учун чин дилдан қайғурарди. Гордон эса



унинг ахволи, ишлари билан умуман кизикмайди. Ўзи ҳақида ҳам гапирмасди. Кайфияти яхши бўлганида бугун кечги овкатга кела олмаслиги ёки эртага иш билан бирор жойга учиб кетишини айтарди. Бу қисқа маълумотлар Изабелга эрининг ҳаётидан умуман ўчирилганини яна бир бор тасдиқларди, холос.

Билл билан бўлган суҳбатлар уни ўзга дунёга олиб киргандек бўларди. Изабель учун Билл зим-зиё кундаги нур шуъласига ўхшарди. Ўтган йиллар мобайнида Билл унинг якин дўстига, Гордон эса буткул бегонага айланган эди.

Танишганларининг иккинчи йилида Изабель бу ҳақида Биллга айтмоқчи бўлган эди. Охирги кунларда Теддининг ахволи ёмонлашгани сабаб Изабель жуда чарчаганди. Бунинг устига Гордон ҳам кайфиятини бузди. У «болакай узок яшамайди. Шунинг учун унга парвона бўлишни бас қилиш керак», деди. Охирги гапи ҳаммасидан ошиб тушди. «У бола ўлса ҳаммамиз учун яхши бўларди». Изабель йиғлаб буларнинг барини Биллга гапириб берди. Билл Гордоннинг боласи ва хотинига нисбатан бешафқатлигидан даҳшатга тушди.

– Мен кўп вақтимни Теддига бағишлаб, Гордонга вақт ажратолмаганим учун у мендан хафа, – деди Изабель.

У эри билан баъзи бир учрашувларга бирга борар, лекин бу ҳам камдан-кам содир бўларди. Гордон уни яхши хотин бўла олмаганликда айбларди. Биллга эса Изабель ҳам унинг фикрига қўшилиши ёқмасди.

– Менимча, ҳозирги шароитда Теддига кўпроқ эътибор қаратишингиз табиий, – деди у юмшоқлик билан.

У Изабелдан яширин равишда баъзи шифокорлар билан маслахатлашиб кўрган, лекин улардан қониқарли жавоб ололмаганди. Изабелнинг айтишича, боланинг юраги хаста бўлиб, ўпкаси ҳам яхши ишламайди. Шу сабабдан ахволи кундан-кунга оғирлашиб борарди.

Шифокорлар бир овоздан болакай йигирма ёшгача ҳам яшамайди, агар яшаса, бу мўъжиза бўларди, дейишди. Билл Изабелнинг бошига тушиши мумкин бўлган кулфатни ўйлаб сиқиларди. Охирги йилларда уларнинг дўстлиги янада мустаҳкамланиб борди. Изабель Теддининг ёнида ухламай чиққан тунлари Биллга узундан-узок хатлар ёзарди. Охирги пайтларда ўғлига парвона бўлиши нафақат Гордоннинг, балки Софининг ҳам гашига тега бошлади. Бу ҳақда Изабель фақат Биллга айтоларди.

Билл у билан суҳбатлашгач, кундалик ташвишларини ҳам, сиёсатдаги можароларини ҳам бутунлай унутарди. Ҳаёти, бирга ишлайдиган дўстлари ҳақида хотини, коллежда ўқийдиган қизлари ҳақида гапириб берарди. Билл йигирма икки ёшда уйланган бўлиб, ҳозирда, орадан ўттиз йил ўтиб, уларнинг никоҳи номигагина сакланиб қолганди. Хотини Синди Биллнинг

хаётига тааллукли барча нарсани, тадбирларни, сафарларни, у учрашадиган одамларни – ҳамма-ҳаммасини кўришга кўзи йўқ эди. Айниқса, сиёсатдан ва бутун ҳаётини сиёсатга бахш этгани учун Биллдан ҳам нафратланарди.

Қизлар ўқиш деб уйдан кетгач, Синдини овунчоғи Коннекутдаги дўстлари ва Иэннис бўлиб колганди. Дўстлари даврасига эрининг қўшилиш-қўшилмаслиги Синдини қизиқтирмасди. Улар ўртасидаги кўнгил яқинлиги кўп йиллар олдин бутунлай узилган эди. Синди ўтган ҳаётига ачинарди. У ўттиз йил давомида сиёсатни ҳамма нарсадан устун қўювчи эрининг тинимсиз сафарларига чидади. Оилавий байрамларда, туғилган кунларда Билл доим узоқда бўларди, навбатдаги кандидатни навбатдаги сайловларга тайёрлаш билан банд бўларди. Охирги тўрт йил ичида Билл Ок уйга тез-тез ташриф буюрадиган бўлганди, лекин Синди ундан фахрланмасди. Аксинча, эрига янада беписанд муомала қиларди. Бир йил олдин у юзини операция қилдирди. Билл хотини анчадан буён бошқалар билан «дон олишиб» юрганини сезарди. Синди эридан анча йил олдин қилган биргина хатоси учун ўч оларди. Ўшанда у бир конгрессменнинг хотинига ўралашиб колганди. Бу иш бошқа қайтарилмади, лекин Синди кечиримли эмас эди. Изабель билан Гордондан фарқли уларнинг ётоғи битта эди. Лекин бу ҳеч нимани ўзгартирмасди. Улар бир-биридан совиб улгуришган эди. Синди ҳатто эри уни эркак кишидек қизиқтирмай қўйганидан фахрланарди. У ҳали ҳам ўттиз йил олдинги жозибасини йўкотмаган, қадди-қомати келишган, малласоч хоним эди. Лекин унинг киёфасида шафқатсизлик пайдо бўлганди. Билл ҳам ораларидаги муносабатга қўникканди. У бор кучини ишга сарф этар, агар бирор нарсадан сиқилса ёки хурсанд бўлса, уни фақат Изабель билан бўлишарди. Фақат Изабелга кўнглидагини очик айта олар, Изабель ҳам, ўз навбатида, уни жон деб тингларди. Изабелдаги хотинига ёт бўлган нарса юмшоққўнгиллиги Биллни ўзига тортарди. Албатта, Билл хотинининг қувноқлигини, дилкашлигини, ҳуснини тан оларди. Ёшлиқларда бир-бирларига жуда боғланиб қолишганди. Энди эса... Қизлари ҳам худди оналари каби у билан хушмуомала бўлишса-да, аммо бефарқ эдилар. Билл сафардан уйга қайтганида уни худди чакирилмаган меҳмондек кутиб олишарди. У ўз уйида ўзини бегонадек ҳис қиларди. Унинг қалби фақатгина Изабелга талпинарди. У бирор марта Изабелга севишини айтмаган, лекин ўтган йиллар мобайнида унга қаттиқ боғланиб колганди.

Расман уларни фақатгина дўстлик риштаси боғлаб турарди. Иккаласи ҳам бундан чуқурроқ туйғуларни тан олишни хоҳламасди. Баъзан Билл Изабелнинг хатини сабрсизлик билан кутаётганини, уни соғинганини сезиб коларди. Билл Изабелга бутунлай боғланиб колганди. Изабель ҳам уни жонидан ортик кўрарди. Эри билан яхши яшаган пайтларда ҳам уни бу қадар севмаганини тушуниб борарди. Ҳаёт тарзига қараганда Гордон инглизларга ўхшарди. Унинг ота-онаси америкалик эди. У эса Англияда улғайди, Итонда ўқиди, кейин АҚШдаги Пристон олийгоҳига ўқишга кирди.

Изабель у билан бобосининг Хэмпширдаги дала ҳовлисида танишди. Ўшанда Изабель йигирма ёшда эди. Гордон эса қирққа яқинлашиб қолган, лекин ҳануз бўйдоқ эди. Албатта, у аёллар билан учрашиб турарди, лекин бирортасини ўзига хотин бўлишга лойик деб ҳисобламасди. Чиройли, ақлли, оғир-босиқ Изабель Гордоннинг эътиборини тортди, умрида биринчи бор севиб қолдим шекилли, деб ўйлади. Бундан ташқари, бу никоҳ унга кенг имкониятлар очиши мумкин эди. Гордоннинг оиласи ҳам обрўли оилалардан ҳисобланса-да, Изабелнинг оиласи каби аслзодалардан эмас эди. Унинг онаси британиялик машҳур банкирлар сулоласидан бўлса, отаси машҳур француз арбоби эди. Гордон ниҳоят ўзига мос жуфт топдим, деб ҳисобларди. Изабелга ҳам бу никоҳ маъқул тушганди. Изабелнинг онаси дунёдан ўтган бўлиб, отаси Гордонни кизи учун энг яхши жуфтлик деб ҳисобларди. Турмушларининг бошидаёқ Гордон ҳамма нарсани ўзи ҳал қиларди. Гренель кўчасидаги уйни ҳам ўзи танлаб, ўзи сотиб олди. Изабелга бориб кўришга ҳам руҳсат бермади. Энди банкни ҳам унинг ўзи бошқарарди. Изабелга уйлангани жамиятда ўз ўрнини топишига жуда асқотди. Эвазига у хотинини тинч, беташвиш ҳаёт билан таъминлади.

Изабель унинг айтганини бажонидил бажарарди. Кейинчалик у эрининг баъзан ноҳақ бўлишини сеза бошлади. Лекин у сабрли бўлишга ҳаракат қиларди. Турмушга чиққач, у эрининг норозилигига қарамай Луврга реставратор ёрдамчиси бўлиб жойлашди. Фақат шу ерда у ўзини мустақил ҳис қила оларди. Бундан ташқари у ўз ишини ва у ердаги одамларни яхши кўрарди. Гордон унинг ишини муҳтожлар учун деб ҳисобларди ва Софи туғилишидан олдин ишини ташлашни талаб қилиб туриб олди. Қизи туғилгандан кейин Изабель яна музейни соғина бошлади, лекин уни эри эшитишни ҳам истамади. Кўп ўтмай у яна ҳомиладор бўлди, лекин боласи туғилмай нобуд бўлди. Саломатлиги ёмонлашган Изабель шундан кейин анчагача ҳомиладор бўла олмади. Ниҳоят фарзанд кутаётгани маълум бўлгач эса ҳомиладорлиги жуда оғир кечди. Ва боласи муддатидан олдин туғилди. Шу кундан оиласидаги ноҳушлик бошланди. Айни шу дамдан бошлаб Гордон ҳам ундан узоклаша бошлади. У банк ишлари билан буткул банд бўлиб, хотинидан кўпроқ эътибор талаб қиларди. Изабель эса ногирон боласи билан бўлиб эрига ҳам, қизига ҳам, жамиятдаги вазифаларига ҳам вақт ажрата олмади. Энди бутунлай касал ўғлига боғланиб қолганди. Ҳамширалар ёлланганига қарамай у ўғлининг ёнидан бир қадам ҳам жилишга кўрқарди. Булар камлик қилгандай тақдир унга яна бир аччиқ зарбасини тайёрлаб қўйганди. Отасининг ўлими Изабелни довдиратиб қўйди. Гордон эса ўғлига доир муаммоларни эшитишни ҳам хоҳламасди. Хотинига жазо тариқасида эса ётоғини алоҳида қилиб олди. У ҳеч қачон кетиб қоламан, деб таҳдид қилмаса-да, Изабель ўзини ташлаб кетилгандек ҳис қиларди. Теддидан кейин улар бошқа фарзанд кўришни хоҳлашмади. Гордон ўғлини ҳеч бир ҳислатини кадрламасди. Унинг аслзодаларга хос ақл-

идроки, отасининг юрагида акс-садо бермади. Болакайнинг отасига ўхшаш томонлари Гордоннинг ғашини келтирарди. У тилига чиқармаса ҳам дилида хотинидан нафратланарди.

Бир куни Гордоннинг холаваччаси унинг ногирон укаси бўлганлигини ва у тўккиз ёшида ўтганлигини айтиб колди. Эри ҳеч қачон бу ҳақда Изабелга гапирмаганди. Онаси Гордонни яхши кўргани билан бемор ўғлига эътибор қаратарди.

Холаваччаси уни қанақа касал бўлганини эслолмади, лекин унинг ўлиmidан кейин Гордоннинг онаси бетоб бўлиб ётиб қолганини ва қийналиб жон берганини айтди. Болакай Гордоннинг миясида онам мени ёлғиз ташлаб кетиб хоинлик қилган, деган тушунча пайдо бўлди. Кейинчалик Гордоннинг отаси ҳам кетма-кет келган ғамни кўтара олмай дунёдан кўз юмади. Шу тарзда Гордон ногирон укам туфайли бутун оиламдан айрилдим, деган хулосага келади. Энди эса Теддининг касали туфайли хотинининг эътиборидан маҳрум бўлиб ўтирганини ҳазм қилолмайди. Изабель бу ҳақида эри билан гаплашмоқчи бўлганида эри хато ўйлабсан, деб жавоб берганди. Укаси билан умуман яқин бўлмаганини, онаси ўлимини гира-шира эслашини, отаси эса феъли оғир одам бўлганини айтди. Сухбат чоғида Изабель унинг кўзида қандайдир ваҳима учкунлари чакнаганини илғади. Бу жаҳли чиққан эркакнинг эмас, балки кўркиб кетган болакайнинг нигоҳлари эди. Изабель ҳаммасини тушунди, лекин бу тушунгани ҳам унга ёрдам беролмади. Гордон кўнглига олиб борадиган йўллари бутунлай тамбалаб ташлади. Изабель бўлиб ўтган гапларни Биллга тушунтирмоқчи бўлганда, у Гордонни тушунишни хоҳламади, балки уни хотинига нисбатан шафқатсизликда айблади.

У Изабелни дунёдаги энг меҳрибон ва оқкўнгил аёл деб ҳисобларди. Шунга қарамай унга мулозамат қилишга ҳадди сизмасди. Чунки у бошданок дўст бўлиш учун оилавий ришталарни авайлаш керак деганди. Эрининг беғоналашиб кетаётганига қарамай уни ҳамон ҳурмат қиларди. Ажрим ёки хижолатни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Билл у учун фақат дўст эди. Унинг қўллаб-қувватлашидан беҳад миннатдор эди, албатта. Лекин у билан дўстлигини тақдирнинг бир тухфаси деб қабул қиларди. Бундан ортиқига эса йўл қўймасди.

Лондон сафари ҳақида эса тасодифан гаплашиб қолишди. Изабель суҳбат чоғида Тейт галереясидаги кўрғазмани томоша қилишни жуда хоҳлаётганлигини, лекин афсуски, кўрғазма Парижга олиб келинмаслигини айтиб колди. Шунда Билл унга Лондонга бир-икки кунга келиб кетишни таклиф қилди. Изабель учун бу иш буюк тўнтаришдек туюлди, чунки у илгарилари ҳеч бундай иш қилмаган. Шунинг учун дарҳол рад жавобини берди. У ҳеч қачон Теддини узок вақт ёлғиз қолдирмаганди.

– Нега? – қизиқди Билл. – Бу сиз учун жуда фойдали бўларди. Тедди охириги икки ойда ўзини яхши ҳис қилаётган бўлса, нега хавотир оласиз?

Агар бирор гап бўлгудек бўлса, сиз икки соатда уйингизга етиб оласиз. Таклиф Изабелни оханграбодек ўзига тортарди. Лекин охирги йигирма йил ичида у Гордонсиз ҳеч қаерга чикмаган эди. Уларнинг оиласи Билл ва Синдининг эркин оиласидан фарк киларди. Уларни эскича карашга йўғрилган европача никоҳ боғлаб турарди. Робенсонлар эса алохида-алохида бўлиб ҳам бемалол саёҳатга чиқишарди. Синди эри ёнида бўлмаганида ўзини кушдек енгил сезади. Уларнинг никоҳини оила деб атаб бўлмасди. Лекин иккаласи ҳам буни тан олгилари келмасди. Билл қатъий туриб олиб Изабелни Лондонга боришга кўндирди. Ниҳоят бир қарорга келган Изабель Лондонга борадиган кунини сабрсизлик билан кута бошлади. У «Клэридж» меҳмонхонасида тўхташи, синфдош ўртоғиникига меҳмонга боришини ўйлаб, ич-ичидан қувонарди. Бир неча кун ўтгач, Билл Америка элчиси билан Англияда учрашув борлигини эслади. У билан алоқаси Билл Робинсонга кўп муваффақиятлар келтирганди. Лондонда бир вақтда бўлишларини эшитган Изабель дарҳол сиз атайин шундай қилдингизми, деб сўради. У инглиз тилида яхши гапирса ҳам, барибир тили француз талаффузига тортиб кетарди. Бу эса Биллга жуда ёқарди. Ёши қиркдан ўтган бўлса-да, Изабель чиройини йўқотмаганди ва анча ёш кўринарди. Унинг сочлари қоп-қора бўлиб, қатта-қатта кўзлари чиройли яшил рангда эди. Икки йилча илгари Биллнинг илтимосига биноан у болалари билан тушган расмини унга жўнатганди. Телефондаги суҳбатлари давомида у кўпинча шу расмга термулиб ўтирарди.

– Албатта, атайин уюштирганим йўқ, – деди Билл. Шунчаки тасодиф деб таъкидлаб турса-да, кўнгли аксини айтиб турарди. Чунки элчи билан келишганда Изабелнинг режаларидан хабардор эди. Билл Изабель билан учрашишни хуш кўрарди. Агар улар анча пайт кўришмай қолишса, у Парижга бориш учун бирор баҳона ўйлаб топарди. Одатда улар йилига уч-тўрт марта учрашишарди. Шунда ҳам тушлик пайтида. Изабель ҳеч қачон учрашувлар ҳақида Гордонга оғиз очмасди. У бу яширин учрашувларнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ деб ўзини ишонтиришга ҳаракат киларди. Билл ҳам Лондонга боришни интиқлик билан кутарди. Элчихонадаги учрашув бор-йўғи бир неча соат вақтини олади. Қолган вақтини у Изабель билан ўтказди. Изабелга кўргазмани мен ҳам томоша қилмоқчиман деганда у қувониб кетди. Изабель Лондонга факат кўргазмани кўришга бораман, у ерда Билл билан учрашувимиз эса ёқимли сюрприз бўлади, деб ўзини ишонтиришга уринарди. «Биз шунчаки яхши дўстмиз, орамизда бошқа ҳеч гап йўқ. Бизнинг дўстлигимиздан ҳеч кимнинг хабари йўқлиги эса янаям яхши. Билл меъёрни билади. Мени хафа қиладиган ҳеч иш қилмайди», деб ўзини ўзи овунтирарди.

Изабель соатига караб хўрсинди. Лекин Теддини сира кўзи қиймаяпти. Ҳамшираларни ҳам топшириқларга кўмиб ташлади. Изабель оёқ учида бориб, Теддининг хонасига мўралади.

У охирги марта ўглига тўйиб караб олмокчи бўлди. Улар хайрлашишган бўлса-да Изабелнинг юраги нотинч эди. Сўнгги дакикада Лондонга боришдан воз кечмокчи ҳам бўлди.

Лекин Теддининг ёнида ўтирган хамшира «бораверинг» деб қўл силтади. У секин эшикни ёпиб, хонага хотиржам кўз югуртирди. Ҳамма ишлар бажарилган, энди кетса ҳам бўлади. Саквояжини машинасининг орқа ўриндиғига ташлади, радиони баланд қилиб Шарл де Голл аэропортига йўл олди. Бу вақтда Билл Робинсон Гольфетрим ойнасидан караб Изабелни ўйлаб ўтирарди. У Лондонга Изабель билан бир вақтда бориш учун шу йўлни танлади. Бу учрашувни ҳаяжон билан кутарди.

II ҚИСМ

Билл Робинсон сабрсизлик билан божхона ходимига тикилди – у шошарди. Жомадонини олгач, бир чеккада камтарона турган «Клэриж» ҳайдовчиси томон юрди. Билл мана ўттиз йилдан буён ҳар гал Лондонга келганида шу меҳмонхонада тўхтайди. Изабелни ҳам шунга кўндирди. Отель шаҳарнинг энг яхши меҳмонхоналаридан саналар ва ўз анъаналарига эгалиги билан машҳур эди. Бу ерда уни азиз меҳмондек кутиб олишлари Биллга ёкарди.

Лимузин юкхонасига жомадонларини жойлаштирган ҳайдовчи баланд бўйли бу америкаликка зимдан аҳамият берди. Мулойим боқувчи ҳаворанг кўзлар, қачонлардир сарғиш кулранг бўлган эди. Энди эса оқара бошлаган сочлари, ияги, кенг мардонавор юзи, дид билан кийинган: кулранг шим, спорт курткаси, қўк қўйлак ва шу рангдаги бўйинбоғи, яркираб турган қора туфли. Меҳмон йўлда ўқиш учун газетани ёйганида «Пате Филипп» фирмасининг қўл соати кўзга ташланди. Соатни бир пайтлар Синди совға қилганди. Умуман Биллнинг киёфасида атрофдагиларнинг диққатини тортадиган қандайдир орасталик ва башанглик бор эди. Гарчи Билл Робинсон кўзга ташланавермасликка ҳаракат қилса-да, машҳурлиги бунга ҳалал берарди. Айнан шу феълли уни Изабель билан яқинлаштирганди. Атрофдагиларнинг диққати унга қаратилса, (бу ҳолат тез-тез рўй бериб турарди) у уялиб ўзини ноқулай сеза бошларди. Яккама-якка суҳбатлашгандагина ўзини эркин ҳис қиларди. Билл унинг самимийлигини жуда қадрларди. Аёл ўзининг ҳис-туйғуларини, фикрларини, ҳатто кўнгли тубидаги сирларини ҳам Билл билан бўлишарди.

Отель вестибюлида уни навбатчи Томас илик қарши олди. Шахсан бошқарувчининг муовини уни хонасигача кузатиб қўйди. Кенг, ёруғ, ипак гулкоғозли апартаментлар учинчи қаватда жойлашган. Кузатувчи хонадан чиқиши билан Билл телефон гўшагига ёпишди. Таниш овозни эшитиб жилмайди.

– Сафар қалай ўтди?

– Жуда яхши, – жавоб берди Изабель.

У йигирма дақиқа аввал отелга етиб келганди.

– Ўзингиз-чи?

– Ажойиб.

Изабель ҳозир унинг жилмаяётганини сезиб турарди. Худди шу болаларча кулимсираши аёлларнинг диққатини тортарди.

– Бу йўл ҳеч тугамайдигандек туюлди назаримда. Қачон етиб келарканман деб ўйлайвериб сабрим тугади, – деди Билл.

Иккаласи ҳам кулиб юборишди. Охириги марта улар ярим йил олдин Парижда кўришишган. Билл неча марта учрашишга тайёрланган, лекин ҳар доим қандайдир шошилишча ишлар чиқиб, йўлдан қолдирарди.

– Чарчадингизми? Балки дам оларсиз?

– Бир соатлик йўлда ҳам чарчайдими одам? – кулди Изабель. – Аҳволим жойида. Сиз-чи? Ўзингизни яхши ҳис қиялсизми?

– Ўлгудек оч қолдим. Бирор жойга бориб овқатлансак нима дейсиз?

– Жоним билан, кейин бироз сайр қилсак ҳам бўлади.

Биллни тезроқ кўргиси келаётгани овозидан сезилиб турарди.

– Йўлга чиқишингиздан олдин Теддининг ахволи яхшимиди? – сўради Билл ташвишланиб. У ўглининг соғлиғи Изабель учун қанчалик муҳимлигини яхши биларди.

– Ухлаб ётувди. Кеча кун бўйи ахволи яхши эди. Кечкурун эса португалиядан Софи кўнгирок килди. Дугоналарим билан яхши дам оляпмиз деди. Ўзингизнинг кизларингиз қандай?

– Ўйлашимча ёмон эмас. Онаси билан Европада юришган бўлса керак. Тўғриси, улар менга ҳисоб беришмайди. Қаердаликларини банк ҳисобварағидан билиб оламан, холос. Синди уларни Франция жанубига олиб борганди. У ердан Мэнга, унинг ота-онасиникига йўл олишган.

У кизлари билан ҳар доимгидек ёзнинг охирида Хэмптонда учрашишни мўлжаллаганди. Ундан олдин учрашишни хаёлига ҳам келтирмаса бўлади. Чунки Синди уни бирга дам олишга таклиф қилмай кўйганига анча бўлганди.

– Қайси номерга жойлашдингиз? – сўради Билл соатига қараб. Ҳали тамадди қилиб олишга улгуришади. Окшом эса уни Гаррининг барига олиб бормоқчи.

– 314-да.

– Демак, битта каватда эканмиз-да, – деди Билл. – Меники 329-чи. Ёнингизга 10 дақиқалардан кейин борсам бўладими?

– Бўлади, – жавоб берди Изабель. Бироз сукутдан кейин:

– Сизни яна кўришимдан хурсандман Билл, – деди.

Бу гапдан Билл ўзини алланечук яшариб кетгандек ҳис қилди. Изабель у учун ҳақиқий аёл тимсоли эди. Мулойим, сабрли, тушунадиган, ҳамма ишга қизиқадиган, меҳрибон, қувноқ, самимий, хуллас, севимли аёлга

хос барча хислатлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, Изабель унинг учун тақдир тухфаси. Изабель учун ҳам Билл ишончли суянчик. Унинг суянадиган бошқа ҳеч кими йўқ. Теддидан ҳар дақиқада ажралиб қолиши мумкин эди. Гордон эса унинг ҳаётига аралашмайдиган, шунчаки битта уйда яшайдиган қўшнига айланганди.

Софига келсак, у ёшига хос равишда уйни тарк этиб, мустакил яшай бошлаганди. Шу кунларда Изабелга ёлғизлиги жуда билинаётганди. Фақат Билл билан гаплашгандагина ёлғизлиги бироз эсидан чиқарди. Билл унинг суянчиги, қувончи, юпанчи, энг яқин дўсти.

– Мен ҳам жуда хурсандман, – деди майинлик билан Билл. – 10 дақиқадан кейин ёнингизда бўламан. Ўшандан кейинги режаларимиз ҳақида гаплашиб оламиз.

Изабель унга эртага Тейтга бормокчилигини, бундан ташқари яна бир нечта хусусий галереяларни ҳам кўрмокчилигини айтди. Билл икки кун ҳам у билан кечки овқатни бирга қилишни режалаштирди. Яна Изабелни театрға ҳам олиб бормокчи эди. Фақат вақтини бироз кизғанаётганди. Чунки у театрдан кўра Изабель билан суҳбатлашишни истарди.

Бугун сешанба. Изабель, агар Теддини ахволи яхши бўлиб турса, жума кунигача қоламан деган. Дам олиш кунлари Изабель уйида бўлишни шарт деб ҳисоблайди. Буларнинг барчаси вақт билан бекинмачок ўйнашга ўхшарди.

Биллнинг ҳеч қандай яширин мақсади, бирор-бир режаси йўқ. У шунчаки кўпроқ вақтини Изабель билан ўтказишни ўйларди.

Ювиниб-тараниб олгач, ўн дақиқадан сўнг коридорда керакли хонани топиб, тақиллатди. Поёнсиздай туюлган кутиш сонияларидан сўнг эшик очилиб, остонада хижолатли жилмайиб турган Изабель кўринди.

– Салом, қалайсиз? – сўради у қулиб. – Кўринишингиз ёмон эмас, – қўшимча қилди Изабель Биллни хонага кирита туриб.

Билл хонага бир кадам қўйгач, уни кучиб юзидан ўпиб қўйди. У Гринвилдаги уйда охирги дам олиш кунларини ўтказиб, куёшда қорайганди. Изабель эса куёшда қачон тобланганини эслай олмайди. Гордон ҳар йили Франция жанубига дўстлари билан дам олгани кетар, Изабель эса уйда ўғли билан қоларди.

– Сизнинг ҳам кўринишингиз ёмон эмас! – деди Билл унга завқланиб тикилиб.

Изабелнинг хусни уни ҳар доим лол қиларди. Изабель муҳтарама хонимлардек соллана қилиб юрмас, балки кизлардек енгил, чиройли кадам ташларди. Билл унинг устидаги ажойиб қора костюми, бежирим сумкачаси, пошна-ли хушбичим туфлисига эътибор берди. Такинчоклардан фақат никоҳ узугию олмос кўзли зирақдан бошқа нарса такмаган. Унга қараган одам бошида ташвиши бор деб ўйламасди. Кўзлари қувончдан порлаб турар, юзидан нур ёғиларди.

– Ё худойим, Изабель, сиз шунчалик гўзалсизки... – такрорлади Билл. Охирги тўрт йил ичида бироз озганини айтмаса, у умуман ўзгармабди. Улар қўл ушлаганча ҳар хил нарсалар ҳақида суҳбатлашганча зинадан тушишди. Билл ўзини яна ўн етти ёшли йигитдек ҳис қилди.

– Мен сафаримиз барбод бўлишидан жуда кўрккандим, – тан олди Билл кўчага чиққанларида. – Агар Теддининг аҳволи ёмонлашганда келмай қолардингиз.

У ҳар доим Изабелга самимий гапирарди. Ростдан ҳам Теддининг аҳволи уларга тўскинлик қилиши мумкин эди. Ёки Гордон Изабелнинг Лондонга боришига тўскинлик қилади. Худога шукурки, у ҳар доимгидек хотинига бефарқлигини намоёиш этди.

– Ўзим ҳам хавотирлангандим, – деди Изабель. – Ҳозир унинг аҳволи анча яхши. Охирги беш йил ичида у ўзини ҳозиргидек яхши ҳис қилмаган. Теддининг ўсиш жараёни қийин кечаётганди. Юраги ва ўпкаси танасининг бошқа қисмларига тенглашолмаяпти. Шунинг учун ҳам охирги йилларда унинг аҳволи ёмонлашган эди.

– У менинг сафарга чиқишимни чин дилдан хохлади, – деди Изабель.

Биллнинг назарида болакайни анчадан буён биладигандек эди. У қандай қилиб бўлмасин, Тедди билан танишиб олишни юрагига тугиб қўйганди.

Улар Брук-стритга чиқишди. Ҳаво ёкимли эди.

– Қаерга боришни хоҳлардингиз? – қизикди Билл, хаёлидан боришлари мумкин бўлган жойларни бирма-бир ўтказа туриб.

Одатда у сайрга вақт кетказмасди. Унинг бутун ҳаёти фақат ишдан иборат эди. Изабелни учратмагунча бўш вақт деган тушунча унда йўқ эди. Ўшандан буён вақт ўз жойида тўхтаб қолгандек эди, гўё. Яқинлари уни ҳеч қачон бундай ҳолда кўришмаган: Билл хотиржам жилмайган қўйи ёнидаги қора сочли сохибжамол аёлдан кўз узмай турарди.

– Балки бирор жойдан пицца татиб кўрармиз, – таклиф қилди у.

Изабель қаршилиқ билдирмади. Жилмайганча бош силкиб қўя қолди.

– Нега жилмаяпсиз? – сўрарди Билл шошмай кўча бўйлаб кета туриб.

– Шунчаки жудаям бахтиёрман. Анчадан буён бу қадар шодлик ҳиссини туймагандим. Ҳамма ташвишларим узоқ-узоқларда қолиб кетгандек гўё. Тедди ишончли қўлларда, ҳаёт эса завқли.

– Мен худди шуни хоҳлагандим. Сизни тинчланиб, ҳамма ташвишларни унутишингизни.

Бир неча дақиқадан кейин улар таксига ўтириб элчихонадан унча узоқ бўлмаган Шоперд-маркетда жойлашган бинога йўл олишди. Билл расмий учрашувлардан бўшаганда шу ерга тамадди қилишга тез-тез келиб турарди. Муассаса соҳиби меҳмонларни кўриб хурсанд бўлди. Уларни боғ тўридаги тинчгина столга таклиф қилиб, таомнома тутқазиб ўзи нари кетди.

– Бу ер менга ёқди, ажойиб жой экан, – деди Изабель оромкурсига суяниб. Охирги марта улар Парижда Рождество арафасида учрашишганди. Ўшанда Билл унга Гермес фирмаси шарфи билан китобнинг биринчи босма нусхасини совға қилганди. Бу чарм билан қопланган, ноёб китоб Изабель учун жуда қадрли эди. Умуман олганда, Билл совға қилган ҳамма нарсани Изабель жудаям қадрларди.

– Сиз мени эркалатиб юборяпсиз.

– Жуда яхши, – кулди Билл.

У пицца ва салатларга қўшиб, бир шиша «Кортон Шарлемань» ҳам буюрди.

– Куппа-кундуз куни мени маст қилмоқчимисиз, – ҳазиллашди Изабель. Лекин бу вино турини у яхши кўрарди.

– Яхшиси ўзим маст бўламан, – деди Билл. Гарчи Изабель унинг ҳеч меърдан ошганини кўрмаган бўлса-да. – Хўш, бугун нима қиламиз?

– Ихтиёрингиз, менга шу ер ҳам маъкул, – у ўзини олтин қафасдан учиб чиққан қушдек ҳис қиларди. Билл унга галерея ва антиквар дўконларни айланишни таклиф қилганда жон деб рози бўлди. Тамадди қилиб кўчага чиққанларида соат тўрт ярим эди. Билл яна такси тўхтатди. Меҳмонхонада уларни лимузин кутиб турарди. Лекин улар Лондонни яёв айланишни маъкул кўришди. Галерея ва дўконларни кезиб, соат еттиларда меҳмонхонага қайтишди.

– Демак, кечки овқат еттида, келишдикми? – жилмайди Билл. – Биз бу ерда бирор нима ичиб, «Гаррининг бари»га боришимиз мумкин.

Ушбу гўша ҳурматга сазовор ресторан бўлиб, уларни бирга кўриб қолишса-да, ўз обрўларидан кўркмасалар ҳам бўларди. Аслини олганда, одамлардан яширадиган гаплари ҳам йўқ. Агар гап-сўзлар Гордоннинг қулоғига етиб борганида ҳам у бемалол Билл Робинсон билан учрашганини тан олиши мумкин. Унинг бу ҳақда эрига гапириш нияти йўқ эди. Лекин ўзини айбдор деб ҳам ҳисобламасди.

– Сизни олиб кетгани соат саккизда келаман, – деди Билл, – қўлини унинг елкасига қўйиб. Уларни кўрган одам албатта эр-хотин деб ўйлаши тайин эди.

– Мен бугун жуда хурсандман, – деди Изабель. Эшикка яқинлашганида у оёғининг учида туриб, Биллнинг юзидан ўпди. – Сиз менга жудаям меҳрибонсиз жаноб Робинсон, раҳмат.

– Ўзим ҳам хайронман, сиз зерикарли, эзма хоним бўлсангиз. Қолаверса, вақти-вақти билан хайрия ҳам қилиб туриш керак. Ўзингиз тушунасиз, сиёсатчиларнинг хотини чўлок, калтафаҳм ... бўлишади. Мана энди сизнинг ортингиздан юрибман. Бошқа кўзойнак танлашим керак, шекилли!

Изабель кулиб юборди.

– Энди бироз дам олинг Изабель, – деди Билл унинг қўлларидан тутиб.

Билл Изабелнинг қандай танг ҳаёт кечирешини, у ҳақда ҳеч ким қайғурмаслигини биларди. Шунинг учун бир неча кунга бўлса-да, унга ғамхўрлик қилишни зиммасига олишни ният қилди.

Изабель ухлашга ҳаракат қилди, лекин сира уйқуси келмади. У Билл билан учрашиб, танишиб қолганини ҳаётидаги энг бахтли тасодиф деб ўйларди. Билл нега хотини билан ажрашиб қўя қолмаслигидан хайрон эди. Уларни ҳеч нима боғлаб турмаслиги кундек равшан. Биллнинг ўзи бу ҳақда гаплашишни хоҳламас эди. Изабель унинг сукутини ҳамманинг диққат марказидан қочиш деб тушунарди. Чунки, ажрим ҳақида гап чикса, катта шов-шувга сабаб бўлиши аниқ. Синди ҳар бир қарич ер учун жанжал қилиб, тиш-тирноғи билан курашиши тайин. У Робинсон хонимга тегишли имтиёзлардан унумли фойдаланар ва жудаям кадрларди, айникса, Вашингтондаги мол-мулкини. Синди сиёсатни кўришга кўзим йўқ деб ҳаммани ишонтиришга ҳаракат қилса-да, президентга ҳам таъсирини ўтказа оладиган эри борлиги ва унинг имтиёзларидан унчалик нолимасди. Изабелнинг Биллга ичи ачирди. Уни яхшироқ муносабатга лойиқ деб ҳисобларди. Колаверса, ўзига ҳам раҳми келарди. Чунки Гордон билан кечаётган ҳозирги ҳаёти йигирма йил аввал орзу қилган ҳаётига умуман ўхшамасди. Шунга карамай, у шу ҳаётга қўниққан. Ҳозир Билл билан ўтказган дамларини ўйлаб, эри ҳақида ўйлашни ҳам истамасди. Биллнинг ёнида у ўзини хотиржам ҳис қиларди. Лондонда бирга бўлиш эса унинг ҳаёлига ҳам келмаган бир орзу эди.

Бироз мизғиб олган Изабель соат еттиларда туриб, ванна қабул қилди.

Окшомга кийиш учун қора тўрли кўйлагини ва шоҳи шолрўмолини, баланд пошналар қора туфлисини танлади. Онасидан қолган марварид шодаси, марварид ва олмос кўзли зирагини тақди. Қимматбаҳо башанг кўйлаги Изабелни янада латофатли қилиб юборди. Сочини сочтўғноғич билан йиғиб, юзига бироз пардоз сургач, ўзини ойнага солди. Пардоз-андозда ортикча ҳашамни сезмай, кўнгли жойига тушиб, уйига қўнғироқ қилди. Ҳамшира Тедди ўзини яхши ҳис қилганини, Гордон қаёққа кетганини, хавотир олмаса ҳам бўлишини айтди. Кўнгли хотиржам бўлган Изабель, бугун виждон азоби кийнамаса керак, деб ўйлади.

– Оҳ-о, – хитоб қилди Билл ва бир қадам орқага ташлаб унга термулди. Елкасига енгилгина ташлаб қўйилган ипак шолрўмол, қоматига жипс турган қора кўйлаги уни янада гўзал қилиб юборганди. Ўз чиройига маҳлиё бўлмаслиги, тортинчоқлиги Изабелни янада жозибали этарди.

– Кўринишингиз жудаям ажойиб! Кўйлагингизни ким тиккан? – сўради Билл.

Изабель уни ҳазиллашяпти деб ўйлаб кулиб юборди:

– Сен-Лоран. Қачондан буён модага кизиқиб қолибсиз? – илгари улар ҳеч бу мавзунга гаплашмаганди.

– Сиз модага хос кийина бошлаганингиздан буён. Бугунги костюмингиз «Шанель»ники эди, тўғрими? – деди у ўз билагонлигидан фахрланиб.

Изабель яна кулди.

– Ҳа, энди кийимларимга алоҳида эътибор беришим керак, шекилли. Сизнинг дидингизга мувофиқ кийинишга ҳаракат қилиш учун.

– Бу томондан хавотир олмасангиз ҳам бўлади, чунки дидингиз бекиёс, – деди мулоимлик билан Билл. Лифтга томон юра туриб, улар пичирлашганича суҳбатни давом эттиришди.

Изабель ҳамшира билан гаплашганини, Теддининг ахволи яхшилигини айтди. Шуларни гапира туриб, унинг чехраси ёришиб кетди. Ҳозирча тақдир уларга ён босаётганди. Билл нима қилиб бўлса-да, шу икки кунни яхши таассуротларга бойитишга интиларди. Чунки бундай имконият бошқа қайтарилмаслиги мумкин. У Изабелга йўл берди ва икковлон меҳмонхона барига кириб боришди. Ўтирганларнинг нигоҳи уларга қадалди. Иккови худди узукка кўз қўйилгандек бир-бирига мос эди. Бурчакдаги стол атрофига жойлашгач, Билл ўзига содали виски, Изабель учун оқ вино буюрди. Улар ҳар доимгидек санъат, сиёсат, театр ҳақида қизгин суҳбатни бошлаб юбордилар. Биллнинг Вермонтдаги уйи, Изабелни Хэмпширдаги бобосининг уйи ҳақида гаплашиш уларнинг жону дили эди. Лимузинда кечки овқат қилиш учун кета туриб, Изабель бир нарсани ўйларди: уларнинг иккаласи учун ҳам оила жуда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, қандай қилиб умр йўлдошликка бу қадар тошбағир одамларни танлашди экан?

– Коллежда ўқиб юрган давримизда Синди очиккўнгил қиз эди, – деди Билл ўйчан тарзда, – Кейинчалик анча сурбетлашиб кетди. Балки бунда менинг ҳам айбим бордир? Эҳтимол, биз бир-биримизга умуман мос эмасдирмиз. Мен кўп йиллар давомида унинг кўнглидан чикмагандирман. Шунинг учун Синдининг жаҳли чиқиб, мени ёмон кўриб қолгандир. Унга қолса, мен ҳам ўзига қўшилиб, Коннектикутда ҳам, Нью-Йоркда ҳам аслзодалар ўйинидан бош кўтармаслигим керак эди. Синди илгарилари ҳам сиёсатга унчалик қизиқмасди. Изабель гап фақат сиёсатда эмас, шекилли деб ўйлади. Чунки Билл бир вақтлар хотини унга хиёнат қилиши ҳақида гапиргандек бўлувди. Изабель Синдига оиласида илиқлик етишмаслигини ва у илиқликни ташқаридан қидиришини биларди. Синди хиёнатини Биллдан ўч оляпман, деб окламоқчи бўларди. Билл эса хотини уни бошқа севмай қўйганлигини тан олишни хоҳламасди. Изабель Синди уни аввал ҳам севмаган бўлса керак, деб шубҳаланарди. Биллнинг ярасига туз сепмаслик учун Изабель бу мавзуда бошқа савол бергиси келмади.

– Менимча, Гордон Синдидан ҳам кўра тошмеҳрроқ, шекилли, – давом этди Билл.

Изабель унинг гапини тўғри деб ҳисобласа-да, лекин кўп нарсада ўзини айбларди.

– Менимча, мен ўзим Гордоннинг умидларини пучга чиқарганман, – деди секингина Изабель. – У хоҳлагандек аслзода хотин бўлолмадим, шекилли. Ўзим ҳам анча ҳаракат қилдим, лекин нима қилай, кўпчилик ичида ўзимни эркин ҳис қилолмайман. Оила қурганимизнинг дастлабки кунларида ўзимни кўғирчоқдек ҳис қилардим. Гордон эса мени иплар билан бошқарарди. гўё. У менга қандай гапиришни, ўзимни қандай тутишимни, қандай ўйлашимгача буюриб турарди. Тедди касал бўлгач эса, бу ўйинда иштирок этишда менда бардош ҳам, хоҳиш ҳам қолмади. Софи кичкиналигида ҳам мен шу аҳмокона улфатчиликлардан кўра, уйда болам билан ўтиришни афзал кўрардим. Мен ҳамма вақт оиламни устун қўйганман. Менимча, худди шу ишим Гордоннинг ҳафсаласини пир қилган. Чунки унинг дунёқараши умуман ўзгача эди.

«Гап бунда эмас, – ўйлади Билл. – Эрининг совуққонлиги шунчаки Изабель ўзини айбдор, деб ҳисоблаши учун кўргазма. Менимча, уларнинг ўртасидаги совуққонликка Изабелнинг ҳам, Теддининг ҳам алоқаси йўқ. Бу ерда бошқа гап бўлиши керак». Билл кўнглидагини тилига чиқариб, Изабелнинг дилини оғритгиси келмади. Лекин Изабелнинг ўзи эрини ҳақ деб ҳисобларди. Билл эса Гордонга нисбатан Изабелнинг бағрикенглик қилишини ёқламасди. Чунки Гордон бунга арзийдиган одам эмас деб ҳисобларди.

– Сиз ўзганинг кўнглини қолдиришингиз мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайман. Сиздек фидокор одамни мен сира учратмаганман. Ўйлашимча, эрингиз учун ҳам қўлингиздан келган ишни қилгансиз. Теддининг ногирон туғилишига эса сиз айбдор эмассиз.

– Гордоннинг фикрича, Теддининг чала туғилишини атайин уюштирган эмишман. Шифокор, бола барибир чала туғиларди, деса ҳам Гордон ишонмади.

Университетни тугатганидан кейин Билл Гордонни бор-йўғи икки марта учратган. Лекин Гордон унда яхши таассурот қолдирмаган. Такаббурлиги, манманлиги ва Изабелга нисбатан беписанд муомаласи ёқмаганди. Гордон Изабелга худди ёш боладек муомалада бўлар, баъзан бошқалар ёнида ҳам жеркиб ташларди. Лекин Биллга ёқиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди Гордон. Керакли одамларга хушмуомала бўлишни жойига кўярди. Аммо Изабелнинг меҳрибонлиги, тўғрисиўзлиги, самимийлиги негандир Гордоннинг гашига тегарди. Билл эса, Гордон рафикасининг аслзодалиги, айниқса кирол оиласига қариндошлигига ҳасад қилса керак, деган ҳаёлга борарди. Ҳақиқатан ҳам Гордон хотини ўзидан кўра нуфузли оиладан эканлигига қўйганидан шу йўсинда ўчини оларди.

Билл фақат Изабель учунгина Гордоннинг қилиқларига чидарди. Чунки у Изабелнинг эри. Энди Изабель ўзини илгаригидек бахтли уй бекаси қилиб кўрсатмаса-да, тақдирдан нолимасди ҳам.

Бу окшом «Гаррининг бари»да одам шунчалик кўп эдики, улар эшикдан зўрға киришди. Бар сўнгги урфда кийинган аёллар, қора костюмли эркаклар билан тўла эди. Билл яхши кўрадиган бурчакдаги стол банд экан. Уларга кўзи тушган официант югуриб пешвоз чиқди ва жилмайганча саломлашди. Улар машҳур одамларнинг қаршисидаги столга жойлашишди. Бу ерда бир нечта машҳур актриса, шоу бизнес юлдузлари, иккита Саудия маликаси, баҳрайнлик ишбилармонлар, нефть магнати бўлмиш битта америкалик ҳам бор эди. Машҳурларнинг бир-иккитаси келиб Билл билан сўрашиб ҳам кетди. Билл уларга Изабелни шунчаки Форрестье хоним деб таништирди. Кимлигини айтиб ўтирмади. Тамадди пайти Изабелнинг кўзи битта таниш банк бошқарувчисига тушди, лекин у Изабелга эътибор бермади.

– Қизик, биз ҳақимизда нима деб ўйлашяпти экан? – сўради Изабель кизиқувчанлик билан. Ноодатий вазият бўлишига қарамай, унинг виждони тоза эди.

– Турган гапки, бирор нодон америкаликни, яъни мени илинтириб олган француз киноюлдузи деб ўйлашяпти сизни, – кулди Билл.

– Ҳечам-да, – кулиб юборди Изабель ҳам. – Бу ерда ҳамма сизнинг кимлигингизни билади. Мени эса ҳеч ким танимайди.

– Хохласангиз ҳозир ҳаммага эълон қилишим мумкин. Ёки ҳар бир стол ёнига бориб, менинг энг яқин дўстим эканлигингизни айтиб чиқаман.

– Кўрамиз. Нима деб ўйлайсиз, Синди сизни бегона аёл билан бирга кўрса, хафа бўлармиди?

– Тўғриси айтайми? – сўради Билл. – Тўғриси, Изабель, унга бунинг фарқи йўқ. Менинг шахсий ҳаётим ашаддий ғийбатчиларнинг оғзига тушиб, шов-шув бўлмагунча эътибор ҳам бермайди. Мен Синдининг вақтни қандай ўтказганини, нималар қилганини сўрамайман. Чунки унинг мендан яширадиган ишлари кўплигини биламан.

Хотини ҳақидаги миш-мишлар аллақачон унинг қулоғига етиб келганди. Аввалига Билл хотинини сўроққа тутган, кейин ҳеч нарсани билишни ҳам хохламайман деган қарорга келган.

– Афсус, – хўрсинди Изабель, – менимча, оила дегани бунақа бўлмайди.

– Тўғри, лекин афсуски, ҳар доим ҳам биз ўйлагандек бўлавермайди. Менинг ҳам, сизнинг ҳам оилангиз ўзимиз орзу қилгандек бўлиб чиқмаган. Бунга баъзи сабабларга кўра, кўникишга мажбурмиз.

– Тўғри айтдингиз, – ўйчан гапирди Изабель. – Сизни шундай вазият қониктирадими?

– Бошқа иложим ҳам йўқ, акс ҳолда кетишимга тўғри келади.

– Менинг ҳам бошқа иложим йўқ, бўлмаса кетишимга тўғри келади. Ҳар хил сабабларга кўра иккимиз ҳам бунга хохламаймиз. Ажрашадиган бўлсак, Синдининг ҳаёт тарзи ўзгаради. Мен эса ажримга сабаб бўладиган шов-шувлардан қочаман. Қолаверса, кизларимга ҳам бу ёқмаслиги мумкин. Хуллас, хохласам ҳам бошқа йўл топа олмайман.

Изабель бунақа вазиятга нега ўзи ҳам кўниб яшаётганини тушунолмасди. Билл эллик икки ёшда бўлишига қарамай, анча ёш кўринади. «У бахтли бўлишга бошқалардан кўра ҳақли, – ўйлади Изабель. – Меҳр бериб, эвазига меҳр ололмаган».

– Ораларингиздаги муносабатни узмас экансиз, ўзингизга бошқа аёл топа олмайсиз, – деди Изабель «Шато Дикан»дан ҳўплай туриб.

– Менга ажрашишни таклиф қияпсизми? – ҳайрон бўлди Билл. Шу пайтгача улар бу мавзуда очиқча гаплашишмаганди.

– Билмадим. Баъзан ҳаёлимга биз ўз ҳаётимизни ўзимиз барбод қияпмиз, деган фикр келади. Тедди сабаб менинг танлаш имкониятим йўқ. Қолаверса, бизнинг оилада ҳеч ким, ҳеч қачон ажрашмаган. Бундан ташқари, менинг ёшимда ҳаммасини бошқатдан бошлашга кеч. Эркаларнинг йўриғи бошқа.

– Эркаларда ҳам худди шундай, – деди секингина Билл. – Қолаверса, мен сиздан ўн бир ёш каттаман. Иккаламиздан фақат сиз янги ҳаёт бошлашингиз мумкин, Изабель. Гордон билан узок йиллардан буён номигагина эрхотинсизлар. Сиз бундан яхшироқ муносабатга лойиқсиз.

Изабель ғамгин бош чайқади.

– Мен бундай қилолмаслигимни яхши биласиз. Агар шундай қарорга келганимда ҳам барча қариндошларим ва танишларим даҳшатдан донг қотишади. Қолаверса, Теддининг соғлиғини ҳавф остида қолдира олмайман. Бундай кескин ўзгаришни кўтара олмайди. Гордон ҳам бунга йўл қўймаса керак. У мени ўлдирса-ўлдирадики, лекин кетгани қўймайди.

Изабель бу окшом ўзини озодликка қўйиб юборилган тутқундек ҳис қилаётган бўлса-да, хотиржам гапирди. У оиласида оғир, эзгин қайфият ҳукм суришини тан олгиси келмасди.

– Илгарилари сиздан сира бунақа гапларни эшитмасдим, Изабель, – деди Билл секингина унинг қўлларидан тутиб.

Авваллари Изабель унга қанчалик бахтсизлигини, Гордон эса қанчалар ҳавфли бўлиши мумкинлигини гапирмасди.

– Нега бундай қарорга келдингиз, Изабель? Гордон сизга таҳдид қилдими?

Изабель ғамгин жилмайиб Биллга тикилди. Унинг кўзлари умидсизликка лиммо-лим эди.

– Сиз мени сархуш қилдингиз, – деди қулиб Изабель ортиқча гапириб юборганидан хижолат бўлиб.

– Сизни жон деб маст қилган бўлардим, – деди Билл унинг яна бир ҳўплам «Дикан» ичишини қузатаркан. – Маст бўлсангиз, нима қилишингизни бир кўрсайдим. Балки уриниб кўрарсиз?

– Бирам ёмонсизки! Шов-шувдан кўрқаман дейсиз-у, яна мени шов-шувли ҳолатга рўбарў қиласиз. Агар шу тарзда «Дикан» ва шампан қуйиб бераверсангиз, қайтишда мени кўтариб кетишингизга гўғри келади.

– Сизни елкамга ўнгариб оламан-да, сўраганларга стол тагидан топиб олдим, дейман. Шунда ҳеч ким ҳеч нима деёлмайди.

– Кейин-чи, кейин нима қиласиз? – бу сахнани тасаввур қилиб, Изабель қотиб қуларди. У ўзини балда ўтирган Золушкадек ҳис қиларди. Ниҳоятда бахтли, бу оқшом ҳеч қачон тугамаслигини истарди.

– Агар тўполон қилаверсангиз, қаҳва ичириб ҳушингизни жойига келтиришга уринаман. Кейин «Аннабелз»га рақс тушишга олиб кетаман.

– Яхши фикр! – хурсанд бўлди Изабель. – «Аннабелз»га бормаганимга минг йил бўлиб кетгандир? Мен у ерда ўн саккиз ёшимни нишонлаганман. Фотиҳаланганимдан кейин бир марта дадам олиб боргандилар. Кейин қайтиб у ёққа бормаганман, чунки Гордон рақс тушишни ёмон кўради.

– Унда ҳозир бокалингиздагини ичиб бўласиз ва биз у ерга жўнаймиз, – деди Билл ҳазиллашиб.

Изабель бир-икки култум шампан ва «Шето Дикан» виносидан ичганди. Аслида улар ичимликдан эмас, бахтдан сархуш эдилар.

– Лекин мен ҳаммасини ичолмайман, – деди Изабель кўзларини катта-катта очиб, болаларча соддадиллик билан.

Билл уни кучиб олгиси келди. Лекин у Изабелнинг обрўсини ўйлагани учун бундай килолмасди.

– «Шато Дикан»ни охиригача ичолмасангиз, «Аннабелз»га боролмайсиз.

Бу гапи билан у Изабелни хурсанд қилди. Чунки рақсга боргиси йўқ эди.

– Майли, шартимни ўзгартираман. Агар иккита шоколад есангиз, сизни рақс тушишга олиб бораман, – Билл рақсга тушишни ростдан хоҳлаётганди.

– Рост гапиряпсизми? – қулди Изабель. – Бу дахшат-ку! Сиз мени нафақат маст қилмоқчисиз, балки семириб кетишимни ҳам хоҳлаяпсиз, шекилли?

– Йўқ-йўқ, семириб кетишингизга кўп вақт кетади, унгача кутиб туролмайман. Ҳозирок «Аннабелз»га йўл оламиз.

– Ҳозир яхши ўйнай олмасам керак. Бундан ташқари, унақа жойлар учун мен қарилик қиламан. Сиз борсангиз бўлаверади, чунки отам тенги эркаклар ҳам Софи қаторилар билан рақс тушиши мумкин.

– Мен билан рақс тушишингиз мумкин. Ўзим ҳам ўйнашни унчалик ҳушламайман, лекин уриниб кўраман, – охириги гапларини у шунчалик қувноклик билан айтдики, тўрт-беш одам бирваракайига бурилиб қаради...

«Аннабелз»га бир неча дакикада етиб келишди. Бу ерда ҳам Биллни ҳамма танирди. У ярим йил муқаддам элчи билан бирга ташриф буюрган, дўстлари ҳамкорлигида ҳам тез-тез келиб турарди. Изабель ўзини яшариб кетгандек ҳис қилиб, жилмайиб қўйди. Билл уни бу ерга олиб келгани ҳуш ёқди.

Бар миждозларининг катта қисмини Изабель айтгандек, ёши катта эркаклар ва ёшгина кизлардан иборат жуфтликлар ташкил этарди. Лекин, ҳар тугул ик-

кови тенгилар ҳам бор экан. Ракс майдонига якин столга ўтиришгач, Билл уни ўйинга таклиф қилди. Изабель ёктирадиган куйлардан бири чалинардди.

– Ажойиб раққос экансиз-ку! – қулди у.

Билл кучли кўллари билан уни кучганича айланарди. Изабель анча йиллардан буён ўзини бу қадар бахтли ва беташвиш ҳис қилмаган. Улар анча рақс тушишди.

Столга қайтишгач, Билл дарҳол шампан буюрди. Вино ҳўплай туриб, уларнинг кўзлари тўкнашди. Ўз туйғуларидан кўркиб кетган Изабель дарҳол нигоҳини олиб қочди.

– Ҳаммаси жойидами? – сўради Билл унинг хижолат бўлганидан хавотирланиб.

– Ҳаммаси яхши. Факат бугун шундай яхши кун бўлдики, тугашини хоҳламаяпман.

– Биз унинг тугашига йўл қўймаймиз, – ишонтирди Билл. Лекин иккаласи ҳам бу имконият яна қайтарилишига унчалик ишонмасди. Чунки Теддининг аҳволи ёмонлашса, Изабель яна ҳеч қасрга чиқа олмайди. Парижда эса улар ўзларини бу ердагидек эркин ҳис этолмайдилар. Гордонга бу ёқмаслиги тайин.

– Келинг, келажак ҳақида ҳозир ўйламайлик. Яхшиси, ҳозирги дақиқаларимиздан лаззатланайлик.

Изабель жилмайганича бош силкиди, кўзлари ёшга тўлди. У учрашувлари омонатлигини ўйлаб сиқилди. Билл эса унинг яна ёлғизликка маҳкум ҳаётига қайтишини ўйлаб эзилди. У ёш ва гўзал аёл бўлиб, ёнида кадрига етadиган одам бўлиши лозим.

– Балки яна рақс тушармиз? – таклиф қилди у.

Бу сафар Билл уни кучганида Изабель алланечук бўлиб кетди. Улар «Аннабелз»дан қайтишда бир оғиз ҳам гаплашишмади. Иккаласи ҳам ўз ҳаёли билан банд эди. Машина отелга яқинлашиб қолганидагина орадаги сукут бузилди:

– Мен учун бугун энг бахтли кун! – шивирлади Изабель.

– Мен учун ҳам, – Билл унинг елкасидан қучди.

Меҳмонхонага етиб келишгач, улар бир неча дақиқа мобайнида машинадан тушмадилар. Хайдовчи эҳтиром билан ташқарида кутиб турди.

– Хўш, тушамизми энди? – афсус билан сўради Билл хоҳламайгина ўрнидан сурилиб. Вестибюлга киришганида соат тунги икки бўлганди.

– Эртага қачон бошлаймиз? – сўради Билл. Кўнглининг туб-тубидан у билан тунни ўтказишни хоҳлаб турарди. Лекин бу мумкин эмас. Чунки Билл Изабель билан дўстлигини жудаям қадрларди. Дўстликка рахна солиш мумкин бўлган ҳар қандай ишдан ўзини тиярди.

– Соат ўнда, розимисиз? Музейлар ҳам ўндан олдин очилмаса керак.



– Унда соат тўққизда нонушта қиламиз. Сизни олиб кетишга келаман, – таклиф қилди Билл эшикни очиш учун Изабель томон эргашиб.

– Жуда яхши бўларди, – маъқуллади Изабель. – Мен бугун ҳар қачонгидан кўра бахтлиман... Раҳмат сизга, – шивирлади у.

– Мен эса хафаман, – жилмайди Билл унинг хонасига кириб кетишини кузата туриб.

– Ажаб бўпти, – кулимсиради Изабель ва унга қўл силкиб эшикни ёпди.

Билл хўрсиниб, хонаси томон йўл олди. Изабель шундай ажойиб дўсти борлигидан хурсанд бўлиб, кулиб қўйди.

III ҚИСМ

Эртасига эрталаб Билл Изабелни олиб кетиш учун кирганида у кийиниб кутиб ўтирарди. Бу сафар устида тўқ-кўк рангли костюм. Худди шу рангли сумкача ва тимсоҳ терисидан тикилган кўк туфлиси либосига кўрк бериб турарди.

– Бугун кўринишингиз ҳар қачонгидан ажойиб! Яхши дам олдингизми?

– Ўлгудек чарчабманми? Қотиб ухлабман. Ўзингиз-чи?

– Мен кўпроқ ичиб қўйибман, шекилли? Ухладимми ёки ўчиб қолдимми, ўзим ҳам билмайман. Лекин бугун яхши кайфиятда уйғондим. Билл кеча умуман маст бўлмаганди, шунчаки ҳазиллашаётганди. Улар ошхонага киришди. Билл овқат буюртма берган, ҳаммасини тайёрлатиб қўйганди.

– Мен бунча нарсани еёолмайман, – кулди Изабель. – Тухум, сосиска, вафли, мевалар, сули, бекон, апельсин шарбати, қахва, ахир бу билан бутун бошли армияни тўйдириш мумкин-ку!

– Нонуштада одатда нималар ейишингизни билмаганим учун, нима бўлса, ҳаммасидан олиб келишларини буюрдим. Ўзи нима ейсиз?

– Одатда, қахва ва кок нон билан нонушта қиламан. Лекин бунакасидан тотиб кўриш ҳам зарар қилмайди, – шундай дея у ликопчасига вафли, тухум, бекон ва кулупнай солди. Иккаласи иштаҳа билан овқатлана бошлашди.

Гап билан бўлиб, Билл буюрган егуликларнинг катта қисмини паккос туширганига Изабелнинг ўзи ҳам хайрон қолди.

– Яхшиям сиз билан бир йилда бир-икки марта учрашамиз, – кулди у ошхонадан чикиб лимузинга ўтираркан. – Бўлмаса семириб кетармидим...

Билл унга ғалати нигоҳ ташлаб олди ва қанийди ҳар куни бирга нонушта қилсак, деб ўйлади у.

Тейтга етиб келишгач, Изабелнинг бутун диққат-эътибори картиналарга қаратилди. У ҳар бир асар тарихини, чизилиш услубини миридан-сиригача билар, бу маълумотларни Билл билан эринмай бўлишарди. Кун пешин бўлиб, улар музейни тарк этишганда Билл санъатшуносликдан тўлик маъруза эшитгандек эди.

– Қанчалар кўп нарса биласиз-а! Лекин нега шу билимларингиздан амалда фойдаланмайсиз, Изабель? Ахир шунча билим бекорга кетяпти-ку!

– Мен Теддини ёлғиз қолдиролмайман, – афсус билан жавоб берди Изабель.

– Реставрация ишлари билан уйда шуғуллансангиз ҳам бўлади-ку! Уйингиз катта бўлса, ўзингизга устахона қилиб олишингиз мумкин.

– Гордон рози бўлмаса керак, деб кўркаман, – Изабелнинг овози калтираб чиқди. – У ҳеч қачон мен ёқтирган ишларни хоҳламаган...

– Сиз нима биландир банд бўлишингиз керак, – Билл унинг билимдонлигидан, лекин шу билими билан манмансирамаслигидан завқланди. Изабелнинг ҳар бир ҳаракатида, гапида ўта камтарлиги сезилиб турарди.

– Ўзингиз бирор марта чизиб кўрганмисиз?

– Ҳа, унчалик ўхшамаган... лекин ўзимга ёққан. Менинг реставрация билан шуғулланишимни негадир Гордон ўзига нисбатан ҳақорат, деб тушунади. Оилали аёл учун номуносиб иш, дейди.

– Унда қанақа иш муносиб экан, оилали аёлга? – жаҳл билан сўради Билл. У Гордоннинг ўзини ҳам, ўйлаб топган қондаларини ҳам ёмон кўрарди.

Гордон Изабелнинг ҳис-туйғулари билан мутлақо кизикмасди. У хотинига худди жамиятда ўрнини топишга қўл келган, энди эса керакмасга чиққан буюмга қарагандек қарарди. Биллнинг назарида эса бу ўта адолатсизлик...

– Гордон мени ҳар доим уй юмушлари ва болалар билан машғул бўлишимни хоҳлайди. Назаримда, агар мен бирорта хайрия иши билан шуғуллансам, у қаршилиқ қилмаган бўларди. Фақат ўзи топиб берган ва мўмай фойда келтириши мумкин бўлган одамлар билангина ишлашимга рухсат берарди. Гордон ҳеч қачон нафи тегмайдиган ишга қўл урмайди.

– Нақадар зерикарли ҳаёт! – ўзига ўзи гапиргандек куруккина таъкидлади Билл.

– Лекин шунга қарамай, у кўпгина ютуқларга эришган. Европадаги энг қудратли банк бошқарувчиси, Америкада обрўси яхши. Уолл-стритда ҳам уни ҳамма танийди.

– Хўш, кейин-чи? Наҳотки фақат шухрату мартаба билан яшаб бўлса? Шу ҳам одамгарчиликданми? Мен охириги пайтларда шу саволни ўзимга кўп берадиган бўлганман. Чунки ўзим ҳам илгарилари нуфузли таниш-билишларнинг кўп бўлиши инсон учун муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблардим. Лекин бундай алоқаларнинг нима кераги бор?.. Агар оиланг тинч бўлмаса, хотининг ўлик-тириклигинг билан кизикмаса, болаларинг сен билан қачон охириги марта бирга овқатланганини эслай олмаса?.. Хўш, нима кераги бор? Мен одамларнинг хотирасида фақатгина ишбилармон инсон бўлиб қолишни хоҳламайман...

Унинг оиласи емирилиб бўлганди. Қизларини ардоқлаган, лекин уларни бир-бирига ҳеч нима боғлаб турмасди. Бунга хайрон қолмаса ҳам бўлади, чунки қизлари ҳали гўдаклигида, ота меҳрига чанкок пайтида у етарлича эътибор

каратолмаган. Кимларнидир президентликка тайёрлаш билан банд бўлган. Тўғри, охириги пайтларда у кизларга кўпроқ вақт ажратадиган бўлганди, кизлари эса бундан кувонишган, улар отаси билан фахрланишарди. Лекин Синдининг бутунлай бегоналашиб кетгани кизларига ҳам таъсир ўтказмай қолмади.

Бу жиҳатдан Изабель Биллдан кўра бахтлироқ эди. Чунки унинг болалари ҳамма вақт ёнида. Фақат Гордон...

– Афсуски, Гордоннинг фикри сизникига умуман қарама-қарши, – хўрсинди Изабель. – Оила унинг учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Гордон молия дунёсида муҳим ўрин эгаллаганидан бахтиёр, бошқаси уни кизиқтирмайди.

– Бир куни келиб, у каттик пушаймон бўлади, – ғамгин бош чайқади Билл. – Менга ўхшаб. Мен ҳам тўғри ҳулосага жуда кеч келганман... Афсуски, кўп нарса йўқотганман, Изабель.

– Менимча, улар сизни тўғри тушунишади. Қизларингиз эндигина улғайишди, ҳали улар билан дўстлашиб кетасиз.

– Умид қиламан. Ҳозирча улар шахсий ҳаёти билан яшаб, оналари мени қанчалик худбин, аблахлигимни кулоқларига қуйиб тураркан, мен ҳеч нарса қилолмайман. Балки, Синди ҳақдир, – ғамгин жилмайди у. – Синдидан фаркли – сиз мендаги яхши ҳислатларни уйғота олдингиз. Ҳозирги туришимда унга сира ёкмаган бўлардим. Синди ҳеч қачон менга кўнглини очмаган, менинг кўнглим билан ҳам қизиқмаган. Мен унинг ёнида юрсам, зиёфатларга бирга борсам қифоя эди... Ишонасизми, Синди билан ҳатто битта хонада ўтириб ҳам ўзимизни ёлғиз ҳис этамиз... Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

– Балки сиз унга имконият бермагандирсиз?

– Унга бундай имкониятнинг кераги ҳам бўлмаган, – шартта гапни бўлди Билл. Унинг кўзларида нафрат учқунлари ёнди. – Ҳаммаси тугади. Балки бу яхшилиққадир? Тўғриси, хафа эмасман. Ҳозирча ҳисоб варақларини тўлаб қўйиш ва баъзи мажбурий маросимларга бориш учун учрашиб турамиз. Унга мендан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Иккаламиз икки дунёмиз.

– Биз ҳаётимизни барбод қилдик... – хўрсинди Изабель лимузинга ўтира туриб. Билл ҳайдовчига манзил ёзилган қоғозчани узатди. У малика Диана-нинг севимли ресторани эди. Изабель ушбу гўша ҳақида эшитган, лекин бирор марта қадам ранжида қилмаганди.

– Сиз Синди ва қизларингиз узоқлашишига йўл қўйгансиз. Мен эса Гордон ўзимдан четлашишига... Нега бошқалар биз учун қарор қабул қилишади? Биз эса қаршилиқ ҳам қилмаймиз? Нера?

– Чунки улар асли шунақа бўлишган, биз ҳам бунинг нима билан туга-шини сезганмиз. Коллежда Синди ҳамманинг диққат марказида бўлишни хоҳларди. Ақлли, қувноқ, жўшқин... лекин бу унга кам эди. Чунки Синди дунёдаги энг худбин ва манфаатпараст аёл. Гордон эса совуққон, қаҳри каттик,

шуҳратпараст... Бу уларнинг қонида бор. Ҳамма гап шундаки, биз ўзимизнинг қадримизга етмаганмиз.

– Гордон ва Синдига қараб ўз ота-онамни эслайман, – тан олди Изабель, унинг чиройли яшил кўзлари ёшга тўлди. – Мен уларни яхши кўрадим, улар эса ўзларини ўта қуруқ ва сипо тутишарди.

– Меникилар ҳам. Улар болаларни ёктиришмасди. Қиркка яқинлашганларида мен туғилганман. Мени дунёга келтириб катта мурувват кўрсатгандек ва бунинг учун улардан миннатдор бўлишим керакдек тутишарди ўзларини. Коллежга ўқишга кириб, дўзахдан қутулганимда роса қувонгандим. Улар авиаҳалокатга учраб ҳалок бўлишгач... Ишонасизми, кўзларимга ҳатто ёш келмади. Уларнинг қандай одам бўлганлигини ҳанузгача тушунолмайман. Ақлли одамлар эди. Менга ўн саккиз йил уйларида жой бериб, кейин жон диллари билан янги ҳаётга кузатиб қўйишган.

Қизиқ, агар мен уларни қучоқласам, ўпсам ёки сизларни яхши кўраман, десам нима қилган бўлишарди? Болалигимда онам мени қучиб эркалатганини эслай олмайман. Онам мен билан масофадан туриб гаплашарди. Отам эса мутлақо гаплашмасди ҳам. Синди ҳам худди шунақа. У мен билан уч метр нарида туриб гаплашади...

– Ақлдан озиб қолмаганингизга ҳайронман, – куйиниб гапирди Изабель. У Биллнинг болалигини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди. – Менинг онам ҳақиқий инглиз эди, мени ўзича яхши кўрган, лекин буни ифодалашни билмасди. У онасидан ёш етим қолган, совуққон бобом эса тўққиз ёшида онамни интернат мактабига жўнатган. У ерда турмушга чиқмагунича яшаб, ўқиган. Бобом отам билан онамни саройда таништирган. Менимча, қизидан тезроқ қутулиш учун. Онам турмушга чиқиб кетгач, бобом анча йиллардан буён, яъни бувим тириклигидаёқ жазмани бўлиб юрган аёлга уйланиб олган. Онам томон авлодимизда жазмани борлар кўп эди. Бизга улар ҳақида оғиз очишга руҳсат беришмаган. Онам ҳис-туйғуларини ошқор этмайдиган одам эди. Отам эса ҳар доим банд бўлган. Болаларининг бор-йўқлиги билан қизикмаган ҳам. Ўсмир ёшимда онам дунёдан ўтдилар. Отам яхши одам эди, лекин... мен билан гаплашишга сира вақт тополмаган. Уларнинг мendan совиб кетишини итоаткорлик билан қабул қилганман. Чунки бошқа оилаларнинг аҳволи билан таниш эмасдим, бошқа намуна бўлмаган мен учун.

– Балки, мен ҳам, – маъқуллади Билл. – Агар Синди ота-онамга ўхшаб бепарво, бағритош бўлмаганида эди. Нега йигирма икки ёшимда уйланганман, ўшандан буён кўнглимнинг ярми музлаган, – тўрт йил аввал у Изабель билан танишганидан сўнг кўп нарсани тушунди, дунёқараши ҳам ўзгарди. Изабелнинг меҳрига у оловга ўзини урган парвонадек талпинарди. Синди билан ўтган ҳаётини таҳлил қилиб, бир-бирларидан канчалик узоқ бўлганликларини ўйлади.

Қизик, агар ёшлигимиздан ўз кадримизга етадиган бўлганимизда ҳозир ҳаётимиз қанақа кечарди?!

Агар мен бугун Синдини учратганимда эди, ҳеч қачон унга уйланмаган бўлардим, – иккиланмай жавоб берди Билл. – У чин дилдан гаплашишни, одамни тушунишни билмайди. Унинг учун никоҳ қийинчилик кўрмай яшаш, қолган ҳаммаси қийматсиз... Албатта, унинг яхши фазилатлари ҳам бор. Лекин барибир мен ўттиз йил умримни бекорга совурдим...

– ...Ва яна ўттиз йилини шундай ўтказмоқчисиз?

– Балки, – тўғриси айтди у ва ўйланиб қолди: «Нега? Ажрим унинг нуфузига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Агар Синди жанжал кўтарса ҳеч бир номзод у билан ишлашни хоҳламайди. Жанжал бўлиши тайин, чунки унга ўхшаган хонимлар мол-мулкдан осонликча воз кечишмайди».

– Ўзингиз-чи, умрингизнинг охиригача муҳаббатсиз никоҳда яшамокчимисиз? – сўради Билл.

– Менинг бошқа иложим йўқ.

– Иложи йўқ ишнинг ўзи йўқ, озроқ журъат бўлса бўлди. Биз иккаламиз кўп нарса йўқотишдан кўркамиз, холос. Агар мен Синди билан ажрашсам, мартабамга путур етади. Сиз ажрашсангиз, касал бола билан ёлғиз қоласиз. Бизни тушунса бўлади, шунда ҳам нодонлик қиялпмиз, шекилли. Агар бизда мардлик етишса эди, вазиятдан чиқиш йўлини топардик... Лекин, афсуски, айнан шу мардлик бизда етишмайди.

– Менимча, сиз ҳақсиз, – маънос бош силкиди Изабель.

– Қилган ишимиздан пушаймон қилмасак бўлди эди. Ота-онам олтмиш ёшдан ошиб дунёдан ўтишган, уларнинг ҳам бахтли бўлганликларига унчалик ишонмайман. Улар нимани лозим топишган бўлса, шуни бажаришган. Мен кўпроқ нарса хоҳлайман, лекин унга қандай эришишни билмайман.

– Менинг эса орзу қилишга ҳам ҳаддим сиғмайди, – тўғриси айтди Изабель. – Йигирма йил олдин бир қарорга келганман, шундан буён сўзимда собит турибман.

– Бу ишингиз олижаноблик, – қўлидан тутди Билл. – Лекин бунинг учун ҳеч ким сиздан миннатдор бўлмайди.

– Нима демокчисиз?

– Ўзим ҳам билмайман. Шунчаки, баъзан ўзимни ўзим оқлашдан чарчаб кетаман. Тўғриси айтсам, Изабель, сизни кўрсам, сиз билан суҳбатлашсам, ҳаётимиз, муносабатларимиз ҳақида ўйлай бошлайман.

– Ўртамиздаги муносабатними? – қўрқибгина сўради Изабель.

– Йўқ, бошқалар билан. Масалан, мен ҳеч қачон сизга айтган гапларимни бошқа бировга айтмаганман. Оилали эркак учун шу тўғри деб ўйлайсизми?

Изабель унинг гапидан ўйланиб қолди.

– Тўғри, лекин йигирма бир ёшимда турмушга чиққанимда мен ҳали буларни тушунмасдим. Фақат итоаткор бўлиш кераклигини билардим. Бошқача бўлиши мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим.

– Энди-чи? Иккаламиз ҳам ҳаётимизни ўзгартириш жуда қимматга тушишини ўйлаймиз. Лекин, шундай ҳаётга кўниб яшаш ҳам қанчалик қимматга тушаётганини ўйламаймиз. Ёки ўйлаб кўрганмисиз?

– Ўйламасликка ҳаракат қиламан. Мен Тедди ва Софи учун яшаяпман.

– Гап фақат болаларда эканлигига ишончингиз қомилми? – кўзларига тикилганча сўради Билл. Унинг бу қадар қатъиятлигини илгари кўрмаган Изабель ҳайрон қолди.

Ҳаётларидан норозилик, бемақсадлик уни қийнаётганди.

– Ўзгариш қилишни хоҳламаётганимизга сабаб кўрқокликдир балки? Шунга тан оласизми?

– Мен ўлгудек кўрқоқчиман тан оламан. Лекин ҳозирги вазият ҳам мени қониктирмапти. Мен оддий гуноҳкор бандаман, беайб парвардигор.

– Сиз ажрашишга қарор қилдингизми? – титраб кетди Изабель. У ўзига, ҳеч қачон никоҳимни бузмайман, деб таъкидлаб келарди.

– Мен ажрашим учун журъат керак, демокчиман, – шундай дея Билл ўйланиб қолди. Кейин нима бўлса бўлар, агар Изабель жажли чиқиб, муносабатларига чек қўяман, деса ҳам барибир ҳозир кўнглидаги ҳамма гапни айтишга қарор қилди. – Яна хоҳлардимки, сиз ҳам бор журъатингизни йиғиб, Гордон билан ажрашинг. Сизга кўнглироқ қилганимда ҳайҳотдек уйда неча йиллардан буён худди бандидек, барча ҳақ-хуқуқлардан маҳрум ва ҳеч бир ҳурмат-этиборсиз яшаб келаётганлигингизни ўйлаб эзиламан. Мен сизни ва Теддини ўғирлаб кетишга ҳам тайёрман, сизни ўша дўзахдан қутқариш учун ҳар ишга розиман. У сизга лойиқ эмас, Изабель, худди Синди менга муносиб бўлмаганидек. Албатта, ҳаммаси ўз-ўзидан, ҳеч бир муаммосиз ҳал бўлганида яхши бўларди, лекин афсус... Хуллас, мен иккаламиз ҳам ҳаётимизни бошидан бошласак дегандим...

– Буни мен ҳам хоҳлайман, – деди секингина Изабель. – Лекин иложи йўқ. Агар Синди можаро қилса, бор нуфузингизга нуқта қўйилади, ахир сиз бу обрў-этибор учун ўттиз йил меҳнат қилгансиз. Наҳотки, ҳаммасидан бир лаҳзада кеча олсангиз? Нимани деб? Эркин бўлиш учунми? Мен-чи, мен нима қиламан? Агар Гордон билан ажрашсам, у мени очлик ва хорликда ўлиб кетишим учун қўлидан келганини қилади. Буни менга ўзи айтган. Чунки ота-онамдан ҳеч вако мерос қолмаган, ҳаммаси укамга теккан. Мен бутунлай Гордоннинг қарамоғидаман. Усиз мен ҳеч нима қилолмайман, ўғлимни тиббий ёрдам билан таъминлолмайман, дори-дармон жуда қиммат. Гордон мен билан Тедди ҳақида унчалик қайғурмаса ҳам, лекин ҳамма

харажатларни бир сўз демай тўлайди. Менга нимани таклиф қилмоқчисиз, Билл? Теддини кашшокликка маҳкум қилишними? Қолаверса, Тедди бундай кескин ўзгаришларни кўтаролмайди ҳам. Тўғри, Гордон мени севмайди, севги мен учун қўл етмас орзу, – Изабелга буларни тан олиш оғир бўлса-да, лекин у ҳақиқатан ҳам Гордонга қарам эди.

Унинг итоаткорлиги ва умрининг охиригача шу тарзда яшашга розилиги Биллнинг юрагига оғир ботарди.

– Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз? – деди Билл хўрсиниб. Машина машҳур итальян ресторани ёнида тўхтади. – Балки, бизни танлаш имкониятимиз ростдан ҳам йўқдир?

– Агар мен эрим билан ажрашсам, ўтакетган худбинлик қилган бўламан. Чунки Гордон менга бир чака ҳам бермайди ва мен Теддини аввалгидек бекаму кўст таъминлай олмайман. Нега у мен туфайли азоб тортиши керак?

– Кечиринг, – деди секин Билл. – Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Сизнинг ёнингизда бўлсам, эришиб бўлмайдиган хомхаёлларга берилиб кетаман.

– Бу балки биз фақат телефон орқали гаплашганимиз ва ҳар замонда учрашганимиз учундир? Агар эр-хотин бўлсак, балки бошқача бўлармиди?

– Ростдан ҳам шунақа деб ўйлайсизми? – Билл унинг кўзларига тикилди. Изабель анчагача жавоб бермади, сўнг бош чайкаб деди:

– Йўқ, бундай деб ўйламайман, лекин бирга яшасак нима бўлиш мумкинлигини биз ҳеч қачон билолмаймиз. Бу ҳақда ўйлашга ҳаққимиз йўқ.

– Наҳотки, ҳатто шунга ҳам ҳаққимиз бўлмаса? – хўрсинди Билл.

– Ўйлашимча, шундай. Биз тақдиримиздан миннатдор бўлишимиз керак. Кўпроқ талаб қилаверсак, борини ҳам йўқ қилишимиз мумкин.

– Лекин мен кўпроқ нарсани хоҳлаяпман! – қайсарлик билан сўзида туриб олди Билл.

Изабель кулиб юборди.

– Айтяпман-ку, сизга мумкин эмас, деб! Намунча инжик бўлмасангиз!

– Кўп йиллардан бери энди ўзимни жонлангандек ҳис қиляпман.

– Менимча, нонуштадаги сосискалар ёмон таъсир қилди, – гапни ҳазилга бурди Изабель. У Биллнинг гапларидан чўчиб қолганди. – Агар биз бир йилда бир марта учрашиб турсак етарли бўлади, менимча!

– Бу етарли эмаслигини мендан кўра яхшироқ биласиз, – қайсарлик билан бош чайкади Билл.

– Унда қандай таклифингиз бор? Бразилияга қочиб кетамиз, демайсизми ишкилиб? Билл ёш бола бўлмасангиз-чи? Жиннилик қилманг ва мени ҳам ўзингизга ўхшаб ақлдан озишимни кутманг.

Билл Изабелни жуда яхши биларди. Унинг Гордон билан ажрашиши дарғумон. Эри қанчалик ёмон муносабатда бўлмасин, у барибир ажрашмай чидаб яшашини Билл яхши биларди.

– Унинг ҳақоратлари сизга ёқишига ишонмайман.

- Билл, у мени ҳақорат қилмайди. Фақат узоқлашган, холос.
- Гордон сиздан воз кечганига кўп йиллар бўлган. Теддининг харажатларини тўлашдан бошқа яна нима қилади у?
- Менга шуниси ҳам кифоя. Бошқа ҳеч вақонинг кераги йўқ.
- Лекин бу аҳмоқлик! Сиз эндигина қирк бирга кирдингиз.
- Мен бошқаси ҳақида ўйламайман ҳам, – деди қатъийлик билан Изабель ўзини кўлга олиб.
- Демак, ўйланг!
- Сиз бирор нима ичиб ухлаб олишингиз керак, менимча. Балки тинчлантирувчи ичарсиз? Изабель илгари уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаганди. – Ўзингизга келиб олишингиз керак.
- Нега?
- Негалигини яхши биласиз? Ҳозир сиз ўзингизни ҳам, мени ҳам қийна-япсиз. Эркин бўлишга сизнинг тўла ҳаққингиз бор. Лекин менинг йўриғим бошқа. Теддининг ҳаёти Гордонга боғлиқ.
- Сизни эрк ва қувончдан бебаҳра қилиш учун одам қанчалар ярамас бўлиши керак.
- Изабель дарҳол жавоб бермади. Кейин Биллнинг кўзига тикилиб, қатъийлик билан жавоб берди:
- Ҳеч қандай тажриба ўтказиб кўриш ниятим йўқ. Бунга ҳаққим ҳам йўқ.
- Тушунаман, – охиста жавоб берди Билл. Улар стол атрофига ўтиришгач, сўзида давом этди. – Бу ҳақда гап очганим учун мени кечиринг. Сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Фақат биз яшаётган одамларимиз билан бахтли эмасмиз. Бу бирга бўлганимизда янада яққолроқ сезилади, – шундай деди-ю, лекин ҳозир у учун ҳамма нарсага тайёрлигини хис этиб турарди. – Мен ёлғондан, сохталикдан чарчадим. Сиз ўзингизни ҳали ҳам унинг хотинидек тутасиз, мен эса Синди билан муносабатимиз яхшидек кўрсатаман ўзимни. Буларнинг нима кераги бор, тушунмайман? Балки бир кун келиб ҳаммасига қўл силтарман?
- Олдин яхшилаб ўйлаб кўринг, – хавотирланди Изабель.
- Сиз ажойиб аёлсиз, – тўлқинланиб гапирди Билл. – Мендан кўра ақллироқсиз ҳам.
- Кимдир ақллироқ бўлиши керак-ку! – жилмайди у ва Биллнинг кўлидан ўпди. – Сиз менинг бебаҳо дўстимсиз.
- Хўш, нима еймиз? – гап мавзусини бурди Билл.
- Агар Изабель Парижга кетса, аҳволи нима кечишини тасаввур қилолмасди. Улар макарон ва салат танлашди. Китоб ва санъат ҳақидаги доимий мавзуларни бошладилар.
- Билл, сиёсат ҳақида китоб ёзсангиз бўлмайдими? – сўради Изабель.
- Нафақага чиксам ёзаман, – сўз берди Билл.

– Улар ўзларини анча босиб олишди. Биллнинг ўзи ҳам нега бунчалик кизишиб кетгани хақида ўйлаб қолди. Балки уни кўриб турганидан хурсандлиги, бошқа ҳеч нарсага умид қила олмаслиги учундир?

У Тедди тирик экан, Изабель эридан ажрашолмаслигини билар, лекин Билл Теддининг узок умр кўришини тиларди.

Тамадди қилиб бўлишгач, Британия музейига йўл олишди ва у ерда тўрт соатгача қолиб кетишди.

– Бугун кечда қаерда овқатланишни хоҳлардингиз?

– Яна овқат еймизми? – кулди Изабель.

Бугунги оқшом улар учун сўнггиси бўлиши мумкин. Эртага тушдан кейин Изабель уйига қайтмоқчи эди. Қолгиси келаётган бўлса-да, иложи йўқ.

– Маркнинг кафесига борсак, нима дейсиз?

– Майли.

– Унда мен столни банд этиб қўяй, – у бир дам узоклашди. Изабель Биллга тикилиб қолди.

– Нега бундай қараяпсиз?

Изабель жуда чиройли эди. Унга тикилиб туриб, Биллнинг юраги орзикиб кетди. У Изабелга дунёни кўрсатишни, дўстлари билан таништиришни, Вашингтонга олиб бориб... Афсуски, бундай юқори парвозларга унинг ҳадди йўқ эди.

– Мен сизга махлиё бўлиб қолдим, – тўғриси айтди Изабель. – Сиз жудаям чиройли кишисиз, жаноб Робинсон.

– Сиз ё ақлдан озибсиз, ёки кўзингиз ўтмай қолипти, – кулди Билл. – Сизни олиб кетгани саккиз яримда кираман. Улгурасизми?

– Албатта, – у ҳали ванна қабул қилиши, сочини турмаклаши керак эди.

– Кўришгунча.

Изабель уйга кўнғирок қилиб, Теддининг аҳволи яхшилигини билди ва эртага кечкурун етиб боришга ваъда берди. Бу оқшом учун у оккўйлак ва кашемир шарфини танлади. Оппок сумкасига эса лаб бўёғи ва хонасининг калитини солди.

Изабелга кўзи тушган Билл уни аввалроқ учратмаганига яна бир бор ўқинди.

– Теддининг аҳволи яхши эканми? – қизикди Билл зинадан туша туриб.

– Жуда яхши. Китоб ўқиб ўтирган экан. Мен унга эртага кечкурун уйда бўламан, деб ваъда бердим.

– Оҳ! – деб юборди Билл. – Мен эса яна бир-икки кун қоласиз, деб умид қилиб ўтирибман! Эртага элчи билан учрашим керак, ярим кун банд бўламан. Демак, вақтимиз жуда кам қолипти.

– Нима ҳам қилардик? Яна бир кун қоламан, дейишга ҳаддим сигмади. Балки эртага айтарман?

– Яхши бўларди, – қувониб кетди Билл. – Қаршилик қилмас-а? Нима деб ўйлайсиз?

Изабель икки ўт орасида қолгандек сезарди ўзини. Билл билан қолай деса, Теддини ўйлайди, кетай деса Билл...

– Агар кетишингизга тўғри келса, мен сиз билан Парижга учаман. Элчи билан учрашишим керак, – учрашмасак ҳам ҳеч бўлмаса битта шаҳарда бўламиз-ку, деб ўйлади Билл.

Кафе анча шинам бўлиб, улар ўзларини худди уйда ўтиргандек ҳис қилишарди. Изабель ич-ичидан бу оқшом сира тугамаслигини хоҳларди.

– Балки яна «Аннабелз»га борармиз? – кулиб Изабелга қаради Билл.

Изабель монелик қилолмади. Бу бирга ўтказётган охириги оқшомлари эди. Шунинг учун:

– Жоним билан, – деди жилмайиб.

Йўл бўйи ҳар ким ўз хаёли билан банд бўлиб гаплашмади.

Барда шампан виноси буюрган Билл уни ичиб улгурмасларидан Изабелни раксга таклиф этди. Улар таниш, ёқимли мусика остида худди бир жуфт оккуш каби узоқ «сузишди».

Анчагина ракс тушишгач, ҳорғин кайфиятда кафедан чиқдилар. Айриликни ўйлаб, Изабелнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Билл унинг елкасидан секин қучиб, кўзларига тикилди. Шунда кутилмаганда «ярк» этган нурдан кўзлари қамашиб кетди. Кескин ёруғликдан кўзларини очолмай қолган Изабель нима бўлганини тушунолмай, уларни қандайдир сураткаш суратга олганини кўрди.

– Нега бундай қилди? – сўради у кўркиб Биллга баттаррок ёпишиб.

– Бу ерда ҳар доим папараццилар санкиб юради. Ким тўғри келса, суратга олишади. Кўпинча киноюлдузлар ва сиёсатчиларни «тутишади». Агар сурат ҳеч кимни қизиқтирмаса шунчаки ташлаб юборадилар.

– Менинг суратим ҳеч кимни қизиқтирмайдику-я, лекин сизда муаммо бўлмасмикан, деб кўркаман?

– Бўлмаса керак... Менинг шахсим жанжалкаш репортёрларда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайди, деб умид қиламан. Машҳурларга ачинаман. Уларга қийин, – хўрсинди Билл.

У Изабелга сездирмаган бўлса-да, биров хавотирга тушди. Машинага ўтиргач эса ноҳуш хаёлларни миёсидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилди. Ёнида ўтирган Изабелнинг қўлларидан тутди. Иккаласи ҳам айрилиқни ўйлашаётганди. Билл ҳайдовчига биров шаҳар айланишларини айтди. Шошаётган жойлари йўқ эди.

Биринчи бўлиб Изабель гап бошлади.

– Эртага қандай кетишимни ўйлаяпман, – деди секингина у. Парижда Теддидан бошқа ҳеч ким уни қутмасди ҳам.

– Балки кетмассиз? – хўрсинди Билл.

Изабель бошини Биллнинг елкасига қўйди.

– Бугун ажойиб кун бўлди, Билл.

– Ажойиб, – қайтарди Билл ва кутилмаганда, – энди биз нима қиламиз Изабель?

Унинг гап оҳангидан Изабелнинг аъзойи баданига чумоли ўрмалагандек бўлиб кетди.

– Нима ҳақида гапиряпсиз?

Билл унинг кўзига жиддий тикилди:

– Ўзимиз ҳакимизда... Мен сизни севаман... Изабель. Мен ҳеч қачон бу сўзни сизга айтмасликка қасам ичгандим, лекин энди менга барибир. Энди менинг муҳаббатимни билишингизни ва уни ўзингиз билан олиб кетишингизни хоҳлайман. Мен сизни анчадан буён севаман, – Билл ҳеч қачон ҳозиргидек ҳаяжонланмаганди.

– Мен ҳам, – ундан кўз узмай шивирлади Изабель. – Мен сизни биринчи кўрганимдаёқ севиб қолганман. Лекин... биз ҳеч нимани ўзгартиролмаймиз, – Изабель унга муҳаббати ҳақида гапирмоқчи эмасди. Аммо энди у ўзини тўхтата олмади.

Машина чорраҳага яқинлашди.

– Ҳозирча ўзгартиролмаймиз. Лекин қачондир, балки... Мен фақат шуни хоҳлардимки, сени севишимни ва умримнинг охиригача фақатгина сени севишимни билиб қўйсанг.

– Мен ҳам сени севаман, Билл. Шунчалик қаттиқ севаманки...

Билл уни гапиртиргани қўймади. Лабларини лабига босди ва шу заҳоти бу ишни аввалроқ қилмаганига пушаймон бўлди.

Бу дақиқаларни улар узок кутишганди. Изабель умрида илк бор бахт нималигини ҳис қилди. Машина чорраҳага яқинлашиб қолганида ҳам улар бир-биридан ажралишмади. Кўзгудан кўз узмай уларни кузатиб келаётган ҳайдовчи бу бахт манзарасига маҳлиё бўлиб, ён томондан шиддат билан келаётган икки каватли кизил автобусни пайкамай қолди... Автобус олд томондан куч билан келиб урилиб, ҳайдовчини машина салонига ёпиштириб юборган дақиқада ҳам Билл Изабелни кучоғидан қўйиб юбормаганди. Улар ҳатто нафас олишга ҳам улгуришолмади...

Кўз очиб-юмгунча автобус ва лимузин темир-терсак уюмига айланди, тўрт томонга чил-чил бўлган шиша синиклари сачради. Лимузин бир неча метрга сурилиб ёнига ағдарилди ва ғилдираклари ожиз айланиб қолди. Изабель ҳамон Биллнинг кучоғида осойишта ётар, фақат энди оппоқ қўйлаги кип-кизил бўлиб, ўзи ҳушсиз эди. Машинанинг томи буткул учиб, ичидагиларнинг юзида жондан асар ҳам сезилмай осуда уйкуга кетишганди. Биллнинг юзида иккита чуқур яра кўриниб туриб, Изабелнинг эса бутун тана-си эзилиб кетган...

Узоқдан сиренанинг овози эшитилди. Автобус ҳайдовчиси олд ойнадан учиб кетиб, тош йўлда жонсиз ётарди. Ҳалокат жойига етиб келган поли-

циячилар кўл чироклари билан дабдаласи чиққан машинани ёритишди. Нур тушган жойда юзи қонга беланган эркак ва кип-қизил кўйлак кўзга ташланди. Кўзлари катта-катта очилиб қолган эркакда ҳаётдан асар ҳам кўринмади. Ҳамроҳининг ҳам қон кўлмагида ётишига қараганда тирик қолиши гумон эди.

– Тирикмикан булар, нима деб ўйлайсан? – секингина сўради полициячилардан бири ҳамроҳидан.

– Бўлиши мумкин эмас...

– Уларни қандай чиқариб оламиз энди? – сўради чирок тутиб тургани. У бу қадар абжағи чиққан машинани умрида кўрмаганидан нима қиларини билмай хайрон бўлиб турарди.

– Менимча, энди бунинг аҳамияти йўқ. Ҳали туни билан овора бўлсак керак.

Улар автобус томон юришди. Тирик қолган йўловчилар қонга беланиб, юз-кўзлари шилиниб, зўрға судралиб салондан чиқишаётганди. Кимдир ичкарида ўнчага жасад қолганини айтди. Бу сўнгги пайтлардаги энг катта ҳалокат эди. Полициячилар гувоҳларни сўроқ қилгунича сиреналарини вангиллатиб бир нечта «тез ёрдам», «ўт ўчириш» ва «кутқарув» хизмати машиналари етиб келди.

Кутқарувчилар кела солиб лимузинга ўзларини уришди, лекин полициячилар у ерда тирик жон йўқ, деб уларни ортга қайтардилар.

Бир қараганда полициячилар ҳақ эди, лекин шундай бўлса-да, кутқарувчилардан бири уларнинг юрак уришини текшириб кўришга қарор қилди.

– Э-эй! – қичкириб юборди у жон-жаҳди билан. – Бу иккаласи тирик! Шошилинглар! Юк тортувчи машиналарни бу ёққа жўнатинглар, уларни тортиб олишимиз керак.

Кутқарувчи барча ҳаракатлари бесамар кетиши мумкинлигини сезиб турса-да, чиқмаган жондан умид, деб уриниб кўришга қарор қилди. Чунки аёл жуда кўп қон йўқотган, эркакнинг юраги эса сезилар-сезилмас урарди.

Лимузин атрофига зудлик билан қисқичлари бор махсус машина келтирилди. Механиклар бақир-чақир билан машина парчаларини четга сура бошлашди. Атрофни кулоқни қоматга келтирадиган шовкин-сурон тутиб кетди, фақат Изабель билан Билл уни эшитмасди.

IV ҚИСМ

Лимузин парчаларини ташишга салкам икки соат вақт кетди. Кутқарувчилар ҳам буткул қонга ботишди. Жабрланганларга яна жароҳат етказмаслик учун ўта эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишга тўғри келди. Иккаласига ҳам шифокорлар дарҳол осма укол қўйдилар.

Билл билан Изабелни «тез ёрдам»га жойлаб бўлишгунча кутқарувчилар кимни халос этишганини билишмасди. Шифокорлардан бири Биллнинг хужжатлари солинган ҳамёни топиб олди, лекин Изабелнинг кимлиги ҳануз маълум эмас эди.

– Қўлида никоҳ узуги бор экан, – деди улардан бири. Машина авлиё Фома шифохонасига елдек учиб кетаётганди. – Хотини бўлса керак.

Уларни травматология бўлимига олиб бориб, шу заҳоти текширув ишларини бошлаб юборишди. Натижада иккаласида ҳам жаррохлик операцияси ўтказиш кераклиги маълум бўлди. Биллнинг умуртка суяги жароҳатланган, бўйни синган бўлса, Изабелнинг боши лат еган ва ички аъзолари эзилиб, артерияси ҳам узилганди. Унинг қўли зудлик билан операция қилинмаса, кейин кесишга тўғри келарди.

– Вой, худойим, даҳшатнинг ўзи! – шивирлади ҳамширалардан бири, беморларни операция хонасига олиб кетишаётганда. – Бунақасини кўрмагандим.

Изабелнинг бош суяги каттик шикастланганди. Беморлар билан анестезиологлар шуғулланиб тургунча жаррохлар травматологлар билан кенгашиб олишди. Иккала беморнинг аҳволи ўта оғир бўлиб, операция бошлангач хавф янада ортди.

Биллнинг назарида у шу дамда ўрнидан туриб, ёп-ёруғ ёлғизоёқ йўлдан кетиб бораётгандек эди. Узоқ-узоқлардан кўзни камаштирадиган нур кўринди. У атрофга аланглаб сал нарида тош устида ўгирган Изабелга кўзи тушди.

– Ахволинг яхшими? – сўради.

Изабель худди ҳозир уйқудан уйғониб унинг келишини кутиб ўтиргандек назар ташлади.

– Мен яхшиман, – жавоб берди Изабель. Уни ҳам Биллдек ўша нур ўзига чорларди. – Нима у?

– Билмадим, – елка қисди Билл. – Қаерда эдинг? – ҳозиргина уни кидирганини ва ҳеч қаердан тополмаганини эслади.

– Шу ерда сени кутдим. Анчагача келмадинг-а? – Изабелнинг овози паст, ранги эса кумдек ўчиб кетганди. Лекин ўта хотиржам эди.

– Мен шу ерда эдим. Ҳеч қаякка кетганим йўқ, – деди Билл. Лекин Изабель уни эшитмай олдинга, нурга қараб талпинарди.

– Қаякка кетяпсан?

Изабель орқасига ўгирилди. Билл унинг ортидан шошилди. Лекин Изабелга етиш осонмасди.

– Намунча югурмасанг? – сўради Билл.

У эса жавоб ўрнига қадамни янада тезлатди.

– Юр, мен билан, – Изабель Биллга қўлини чўзди. У Изабелнинг қўлидан тутди, лекин ҳеч нимани ҳис қилмади. Аммо бу уни ташвишга солмади, чунки жудаям чарчаганди. Кел, бироз дам олайлик, чарчадим.

– У ёкка етиб олсак кейин дам оламиз. Бизни кутиб туришибди. – Изабель шошилиш кераклигини таъкидлар, лекин Билл уни тўхтатиб қоларди.

– Қаёқка кетяпмиз ўзи? – жажли чикди Биллнинг.

– У ёкка, – Изабель нурга ишора қилди.

Анчагача жим кетишди. Нурга етиб бораё деганларида орқадан кимдир уларнинг исмини айтиб чакира бошлади. Орқага ўгирилган Билл болакайга кўзи тушди. У қўлларини силкитиб «ойи» деб кичкирарди. Болакайнинг орқасидан ёш қизнинг ҳам шарпаси кўринди.

– Булар ким? – сўради Билл жавобини билса-да.

– Тедди билан Софи. Лекин мен ҳозир уларнинг ёнига қайтолмайман. Жуда кеч бўлди, – у энди ўгирилиб кетмоқчи эди, чакираётганларнинг ёнига яна икки қизалоқ келиб қўшилди. Яхшилаб тикилган Билл қизлари Оливия ва Жейнни таниди.

– Шошма! – у Изабелни тўхтатиш учун югурди.

Изабель анча илгарилаб кетганди. Билл икки ўртада сарсон кийналар, Изабелга етиб олишни ҳам, қизларининг ёнига қайтишни ҳам билмасди. Изабель қайтмади.

– Йўк, Билл, – деди у. – Хўш, мен билан борасанми, йўкми? – унинг кўриши жуда жиддий эди. Билл эса ҳолсизланиб борарди.

– Мен ортингдан улгуролмаяпман, – зўрга жавоб берди хансираб. – Кейин, нега болаларимизнинг ёнига қайта қолмаяпмиз? Биз уларга керакмиз, ахир!

– Йўк, – қайтарди Изабель. – Мен қайтмайман. Тедди билан Софига мен уларни яхши кўришимни айтиб қўй, – шундай дея, у якка ўзи йўлга тушди.

– Шошма, – бақириб юборди Билл ва унинг кўлидан тутиб қолди. – Сен мен билан қоласан. Қулоқ солсанг-чи!.. Тедди билан Софига жуда кераксан. Мен ҳам қизларимнинг ёнига қайтишим керак. Мен билан юра қол, Изабель... У ёкка кейинроқ борамиз.

Изабель бир дам иккиланиб қолди.

– Бошқа бунақа имкониятимиз бўлмаса-чи? – деб сўради кейин.

– Бир кун, албатта, у ёкка борамиз... Фақат ҳозир эмас.

– Лекин мен кетишим керак. Ортга қайтгим келмаяпти, – Изабель ёлвориб тикилди унга. Билл уни йўқотаётганини ҳис қилди. – Илтимос, Билл, мен билан юр...

– Сени яхши кўраман Изабель ва мен билан қолишингни хоҳлайман. Ташлаб кетма... – у сочларини чангаллаб йиғлаб ёлворарди. – Кўлингни бер менга. Барибир қўйиб юбормайман. Қайтишингга тўғри келади, – деди жажл билан Билл.

Изабель бир дам жойида қотиб турди, кейин хоҳламайгина болаларига қараб юрди. Ортга юриш кийинроқ эди. Билл уни маҳкам қучиб юз-кўзларидан

ўпиб йиғларди. Улар каерда эканликларини билишмас, лекин болаларининг ёнига қайтиб боришлари кераклигини тушуниб турардилар.

– Тўғри иш қилаётганимизга ишончинг комилми? – сўради Изабель йўлдан қайта туриб. Болаларнинг овози энди эшитилмаса-да, уларни кутишаётганига ишонишарди.

– Ҳа, ишончим комил, – жавоб берди Билл унинг қўлидан маҳкам тутиб. Энди унинг қўлини ҳис қилиб турарди. Кеч бўлиб қолди, – деди Билл. Энди у енгилроқ нафас оларди. – Қайтиш йўлини биламан. Билл унинг елкасидан кучиб олдинга етаклади. Энди Изабель кўпроқ чарчаб, Билл эса кучга кириб борарди.

– Бирозгина дам олишим керак, – илтимос қилди Изабель, у боя ўтирган тошга яқинлашганда. Лекин Билл тўхташни хоҳламади:

– Вақтимиз жуда кам, етиб борсак, кейин дам оласан, – у жавоб бермай эргашди. Атроф қоп-коронгу бўлса ҳам Билл ишонч билан олдинга интилди. Бироздан кейин Изабель уйига қайтганини ҳис қилди. Улар борган нотаниш хона болаларга тўла эди. Изабель Биллнинг қизлари билан кулиб гаплашиб турган Тедди ва Софини кўрди. Билл улар билан кучоклашиб кўришгунча Изабелнинг баттар силласи қуриди. У Биллнинг елкасига бошини қўйиб, ухлаб қолгиси келди ва унга қараб жилмайди. Шундан кейин энди Билл ҳар доим ёнида бўлишига ишончи комил бўлиб уйкуга кетди...

– Худойим-а, уларни қутқариб ололмасак керак, деб ўйлагандим, – ух тортди жарроҳ ҳамшираси анестезиологга.

Улар Изабелнинг тушиб кетаверган босимини меъёрида тутиб туриши учун оз эмас, кўп эмас, роса тўрт соат курашишди. Аввалига беморнинг тирик қолишига ҳеч ким ишонмади, чунки у кўп қон йўқотганди. Шифокорнинг ўзи ҳам уни дори-дармон ҳаётга қайтарадими ёки қон қуйишими, билолмай ҳайрон бўлишди. Нима бўлганда ҳам бемор мўъжизанинг кучи билан тирик қолганди.

– Умрида бунақасини кўрмаганман, лекин роса омади бор экан, – деди ассистентлардан бири. – Хавф ҳали чекингани йўқ, лекин менимча, у қутулиб чиқади. Мана шунақа ҳодисалардан кейин яшашга завқинг янада ортади, – деди у пешонасидаги терини арта туриб.

Қўшни операция хонасидан ҳам иккита ҳамшира ҳолдан тойганча чиқиб келишди.

– Сизларда ахвол қандай?

– Тўрт-беш марта уни бой бериб қўйишимизга сал қолди, зўрға қайтариб олдик. Лекин... умуртқа суяги қаттиқ лат еган.

– Бизда ҳам шундай бўлди. Уларнинг тирик қолганига ҳайронман.

– Бандаси эмас, Худонинг айтгани бўлади деганлари шудир-да! Олдиндан бир гап деб бўлмайди.

Кеч соат саккизларда икки гуруҳ ҳам қаҳва ичиш учун кафега йўл олишди. Изабель ва Биллни алоҳида хоналарга олиб кетишди. Улар операциядан кейин ҳали қаттиқ уйкуда эдилар.

Полициячилар Изабелнинг сумкачасини топишди, унинг ичидан «Клэ-риж» меҳмонхонасининг калити чиқди. У ёққа кўнғирок қилган полициячи ушбу хонани Изабель Форрестье эгаллаганини, ўзи француз бўлиб, Парижда яшашини айтишди. Иш бошқарувчининг ёрдамчиси ҳозирок унинг хонаси-га чиқиб паспортини кидириб кўришга сўз берди. Билл ҳақида эса маҳаллий ҳукумат ҳамма маълумотга эга эди. Унинг ҳамёнидан уй телефони ва яқин ода-ми сифатида хотинининг исм-шарифи ёзилган паспорт топилди. Энди Синди-га кўнғирок қилиб, ҳалокат ва эрининг аҳволи ҳақида хабар бериш қолди.

Билл учун энг хавфлиси умуртқа поғонасининг лат егани бўлиб, шифокор-ларнинг фикрича, у энди юра олмаслиги мумкин эди – ҳали ҳам бутунлай шол бўлиб қолишидан худо уни асраганди. Иккаласининг ҳам тузалиш учун узок даволанишларига тўғри келарди.

Улар йўликкан автоҳалокат охириги йиллардаги энг катта ҳалокат деб то-пилди. Ҳаммаси бўлиб ўн бир киши ҳалок бўлганди. Иккита ҳайдовчи ва автобуснинг тўққиз йўловчиси. Туни билан тиним билмаган шифокорлар «қурбонлар сони ўн учтага етмаса эди», деб хавотирда эдилар. Ҳаммани лол қолдириб ундай бўлмади.

Навбатчи ҳамшира керакли ҳужжатларни тўлдиргач, кўнғирок қилишга ўтирди. Меҳмонхона ходими Изабелнинг хонасидан паспортини топди. Унда яқин одами деб Гордон Форрестье кўрсатилганди. Энди шифохона маъмури-ятида иккала жабрдийданинг ҳам телефон рақамлари бор эди. Ҳамширанинг энг ёмон кўрган иши совук хабар етказиш учун кўнғирок қилиш. У оғир ҳўрсиниб Париж рақамини терди. Гўшакни анчадан кейин кўтаришди.

– Жаноб Форрестьени мумкинми? – сўради у французчага тили зўрға ай-ланиб.

– Мен эшитаман, – деган эркак кишининг овози келди гўшакдан. Эркак америкача лахжада гапирганини сезган ҳамшира тезгина:

– Изабель сизнинг хотинингиз бўладими? – деб сўради.

– Ҳа, – қисқа қилди эркак.

Навбатчи унга авлиё Фома шифохонасидан кўнғирок қилаётганини, автоҳалокатга учраган Изабелни тунда шу ерга олиб қилишганини маълум қилди.

– Унинг аҳволи оғир, жаноб Форрестье. Ҳозиргина операциядан олиб чиқишди. Яқин орада аҳволининг яхшиланиши гумон. Ички аъзолари ва боши қаттиқ лат еган. Операциядан эсон-омон чиққанига шукур қилдик. Жуда афсусдаман, жаноб, – деди ҳамшира минг хижолат билан.

– Мен ҳам, – деди узок сукутдан сўнг Форрестье. Овозидан унинг қарахт-ланиб қолганлиги билиниб турарди. – Мен бугуноқ етиб бораман, – гўлдиради

у зўрға. Аввал даволовчи шифокор билан боғланиш кераклиги хаёлига ҳам келмай. – Ҳуши ўзидами?

– Йўк, жаноб. У умуман хушига келгани йўк. Хотинингиз кўп кон йўкотган.

Форрестье нима дейишни билмай жим қолди. У гап Изабель ҳақида кетаётганига ҳали ҳам ишонмасди. Бир-биридан узоқлашиб кетганларига қарамай, ҳар ҳолда Изабель унинг хотини эди. Форрестье бу хабарни Тедди ва Португалияда юрган Софига етказиш-етказмасликни биллолмай қолди. Кейин эса болаларга ҳам, бошқа бировга ҳам ҳеч нима демасликка қарор қилди. «Аввал вазиятни шахсан аниқлаб, кейин бошқаларга хабар қиламан, деб ўйлади у. Агар унгача Изабель ўлиб қолмаса! Шифохона ходими ҳамма нарсгага тайёр турунг, дегандек шаъма қилди».

Гўшакни қўйган Гордон анчагача ўрнидан кимирламай ўтирди. Изабелга нисбатан барча туйғулари ўлганига қарамай, у болаларининг онаси эди. Гордон Изабелнинг тирик қолганига хурсанд эди, лекин бу ҳодиса унга унчалик каттиқ таъсир қилмади. Ўзи ҳам ҳозир хотинига нисбатан ачиниш ва шафкат ҳиссидан бошқасини туймаётганига ҳижолат чекарди. Энг яқин рейс ҳақида маълумот олгач, у бир қарорга келди: «Ҳалокат ҳақида ҳеч ким билмайди. Изабель эса хушсиз, унга ҳозир ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмайди. Тушда муҳим учрашувларим бор, уларни бекор қилиш билан ҳеч нима ўзгармайди...»

Гордон азалдан шифохоналарни ёмон кўрган. Бироз иккиланиб тургач, у соат бешдаги рейсга чипта буюрди. Кечки соат еттида шифохонада бўлади. Агар унгача Изабель ўлиб қолмаса. «Ўлиб қолганида ҳам қўлимдан нима келарди, ўйлади у. Агар кечгача тирик бўлса, кейин умидлансам бўлади. Ҳозир кома ҳолатида экан, ёнида бўлганим ҳам фойдасиз. Яхши-си, вақтимдан унумли фойдаланай». Шундай хаёллар билан Гордон ишига жўнади. У: «Изабель ўлсагина бошқаларга хабар бераман, бўлмаса йўк», деган қарорга келди.

Форрестье билан гаплашиб бўлган ҳамшира кейинги рақамни теришга тушди. Гордон билан бўлган суҳбат унинг дилини сиёҳ қилганди. Унинг кам саволлиги ва ўзини босиқ тутгани ҳамширага ёкмади. Одатда бундай қўнғирокларга бошқача муносабат билдиришарди-да!

Робинсонларникида гўшакни Биллнинг катта кизи Оливия кўтарди. У ерда тонгги соат олти бўлгани учун ҳамма уйқуда эди. Уйқусираган Оливия зўрға деди:

– Ойим ухляптилар, икки соатдан кейин қўнғирок қилолмайсизми?

– Афсуски, мен кейин қўнғирок қила олмайман, қутолмайман ҳам. Марҳамат қилиб уларни чакириб берсангиз.

– Бирор гап бўлдимми? – Оливиянинг уйқуси ўчди. Тонг сахарлаб ким ташвишли овозда қилаётганини англаб етмади.

– Афсуски, сизга айтолмайман. Мен Робинсон хонимнинг шахсан ўзлари билан гаплашишим керак.

Эгнига халатини илган Оливия онасининг хонасига югурди. Шовкиндан уйғониб кетган Синди хавотирланиб сўради:

– Тинчликми? Сенга нима бўлди? Мазанг кочдимми?

– Йўқ. Битта инглиз хоним кўнғирок қилиб, сиз билан гаплашмоқчилигини айтди.

Синдининг хаёлига негадир дарҳол Биллга бир гап бўлган, деган ўй келди. «Балки хаётида бошқа аёл пайдо бўлгандир?».

– Ҳозир гўшакни оламан, қизим. Сен бориб ухлайвер, хавотир олма. Лекин Оливия ўрнидан жилмади, уни қандайдир хавотир қуршаб олганди.

– Робинсон хоним эшитади, – деди Синди гўшакка ва анчагача жим бўлиб қолди, кейин: – Қачон? Ахволи оғирми? – деб сўради зўрға. У бошқа гапирмади, лекин шунинг ўзи Оливиянинг кўркиб кетишига етарли эди.

– Дадамга нимадир бўлиптими? – кўркканидан кичкириб юборди у, лекин онаси унга «жим» дегандек қўл силтади. Оливия каравотга холсиз ўтириб қолди. Синди бош силтаб гўшакни эшитишда давом этди.

– Шифокорнинг фамилияси нима? – у каравот ёнида ётган ёндафтарга ёза туриб яна бир нечта савол берди. У агар бирон ўзгариш бўлса, кўнғирок қилишни ҳамширадан илтимос қилди. – Айникса Билл ўзига келса, менга дарҳол хабар беринг. Мен иложи борица тезроқ етиб бораман. Йўқ, яхши-си, ярим соатдан кейин сизга кўнғирок қилиб, қачон етиб боришимни аниқ айтаман. – Унинг овози хавотирдан титраб чиқарди. Синди гўшакни жойига қўйиши билан Оливия ўзини унинг кучоғига отди.

– Нима бўпти? – у дағ-дағ титраб йиғлар, Синди эса бир нима дея олмай қалтирарди. У эшитган хабаридан ўзига келолмас, Биллнинг умуртқа поғонаси лат еган, бўйни синган, ички аъзолари эзилган, шол бўлиб қолиш эҳтимоли... буларнинг ҳаммаси уни даҳшатга солиб қўйганди. Тирик қолиши ҳам дарғумонлиги, тирик қолса-да ногирон бўлиб қолиши...

Синди Биллнинг ногиронлар аравачасида ўтирганини, ўзининг эса унинг ёнида ҳамширалик қилиб ўтирганини тасаввур қилиб кўриб, кўркиб кетди. «Йўқ, ундан кўра ўлгани яхши... яхшироқ», ўйлади у.

– Даданг автохалокатга учрабди. Лондонда экан. Сизларга айтиш эсимдан чикибди. Даданг бир неча кун ўша ерда бўламан, деганди. Унинг машинаси-га автобус урилибди... ахволи анча оғир эмиш, – Синди очигини айтмай қўя қолди. – Бўйни синиб, умуртқаси лат ебди. Ҳозиргина операция қилишибди, ахволи ёмон...

– Ўлиб қолмайдиларми? – Оливия кўркиб кетди, у тинмай йиғларди.

– Балки ўлиб қолар, – деди секингина Синди. – Лекин даданг қайсар одам. Менимча, у осонликча жон бермайди. Ҳозирча бир нима деб бўлмайди. Мен ҳозирок йўлга тушаман.

– Мен ҳам сиз билан бораман! – қағъият билан маълум килди Оливия. У баланд бўйли, келишган, малласоч соҳибжамол киз эди. Жоржтаун университетининг халқаро алоқалар йўналиши бўйича охириги курсда ўқирди. Ота-онаси кизлари билан ҳақли равишда фахрланарди. Отаси билан камдан-кам учрашса-да, Оливия уни жудаям яхши кўрарди. Илгарилари отаси билан болаларча фахрланган бўлса, ҳозир унинг фаолиятини аниқ англаган ҳолда фахрланарди.

– Синглинг билан уйда қолганинг маъкул, – деди Синди. – Ҳали чипта буюриш, нарсаларни тайёрлаш керак.

– Мен сиз билан бораман, ойи! – овозини кўтарди Оливия. У илгари ҳеч бундай қилмасди. – Агар кўнмасангиз, ўзим чипта олиб, ўзим учаман.

– Нималар бўляпти ўзи? – хонага уйқусираб Жейн кириб келди. Малласочли кичкинагина Жейн Синдининг ёшлигига ўхшарди. У ўн тўққиз ёшда бўлиб, Нью-Йорк университетининг биринчи курсини битирганди. – Қаллаи саҳарлаб нега тортишяпсизлар? – қизикди у бир онасига, бир опасига қараб.

– Дадам автоҳалокатга учрабдилар, – маълум килди унга Оливия.

– Аҳволлари яхшими? – у опасининг ўта таъсирчанлиги ва ҳамма нарсани ошириб айтишини билгани учун хотиржам сўради.

– Қанийди яхши бўлса! – сингисининг гапини чўрт кесди ва кучоклаб йиғлаб юборди. – Ойимнинг айтишича, аҳволлари оғир. Юролмай қолишлари ҳам мумкин экан...

– Жин урсин! – Жейн опасини маҳкам бағрига босиб юпатишга уринарди. У болалигидан анчайин босиқ ва мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқара оларди. Опасини кўпинча у юпатарди. Онасидан совуққонликни мерос қилиб олганига қарамай, ҳозир кўз ёшларини тиёлмади.

– Ойим Лондонга учяпти, мен ҳам бормоқчиман, – кўз ёш аралаш зўрға гапирди Оливия.

– Мен ҳам бораман, – ўрнидан сакраб турди Жейн. – Иккаламиз ҳам сиз билан бирга учамиз, – деди у онасига.

Синди телефонда чипта буюртма қилаётганди.

– Уйда колсаларинг яхши бўларди, – деди у бир кўли билан гўшакни ёпиб. – Керак бўлсаларинг кўнгиروق қиламан ўзим.

– Ёки бизни ўзингиз билан олиб кетасиз, ёки биз ўзимиз кетамиз, – онасининг гапини кесди Жейн.

Синди тортишиш бефойдалигини тушунди. Оливияни кўндириш мумкин, лекин Жейн бир қарорга келса, уни ҳеч ким ўзгартира олмаслигини онаси яхши биларди.

– Қачон учарканмиз? – сўради Жейн.

– Ўн биру қирқда рейс бор экан, – жавоб берди Синди ва итоаткорлик билан бизнес-классдан учта жой буюрди. Гўшакни қўйгач, кизларини огоҳланирди:

– Нарсаларингни йиғиштиришларинг учун бор-йўғи икки соат вақтларинг бор.

– Мен нонушта тайёрлайман, сен бориб кийимларингни йиғиштир, – деди Жейн ҳали ҳам каравотда йиғлаб ўтирган опасига. – Нима деб ўйлайсиз, дадам соғайиб кетармикан? – сўради у зўрға кўз ёшини тийиб, шкафдан кийимларини олаётган онасидан.

Синди бир дам ишдан тўхтаб, кўзида ёш билан қизига тикилди:

– Билмадим, азизам, ҳали бу ҳақда гапиришга вақтли. Ҳозирча операциядан яхши чикибди, – у ҳамширанинг гапларини кизига айтиб ўтирмади. – Даданг кучли, соғлом. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Ҳалокат қандай юз берибди? – кўз ёшини артиб сўради Жейн.

– Билмадим. Фақат лимузинга автобус келиб урилганини айтишди. Лекин даҳшатли ҳалокат бўлгани маълум, чунки ўн бир киши ўлган! Улар орасида даданг йўқлиги учун шукур қилишимиз керак.

Жомадонга футболка, шим ва свитерларни сола туриб, Синди фақат Билл ҳақида ўйларди. «Агар Билл ногирон бўлиб қолса яшашни истамайди, деган фикр келди ҳаёлига. Худодан нимани сўрашни билмай хайрон эди. Бу фикрини қизларига айтгиси келмади. Кийимларини жойлаб бўлгач, фикрини йиғиб олиш учун тин олди. У умрининг ярмини Билл билан ўтказди. Ўрталарида муҳаббат қолмаган бўлса-да дўст эдилар. Қолаверса, у болаларининг отаси. Синдининг ҳаётида бошқа эркаклар ҳам бўлган. Баъзида ҳатто ажрашиш ҳақида ҳам ўйлаган. Лекин Биллнинг ўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаганди.

Тўсатдан Синди ёшликларини эслаб қолди. Билл бир пайтлар уни қанчалик севганини, тўйларини... Ўттиз йил бирга яшаган ҳаёти кўз ўнгидан ўтди. Билл энди ҳеч қачон юра олмаслиги мумкинлигини ўйлаб, кўзига ёш олди.

Соат ўнларда улар аэропортга йўл олишди. Синди рулни бошкарди, қизлари эса орқа ўриндикқа кўнишибгина жойлашишди. Ҳамма ўз ўй-ҳаёли билан банд бўлиб, ҳеч ким чурк этмади. Улар ўзлари билан жуда кам нарса олишди, эгниларига ҳам жинси, кроссовка кийишганди. Синди шифохонада қулай бўлсин деб, шундай кийинди. Кўринишларининг қандайлиги уни умуман қизиқтирмасди. Ҳаммалари Лондон шифохонасида жон талашиб ётган Билл ҳақида ўйлашарди.

Уларнинг самолёти ердан кўтарилган пайтда Гордоннинг самолёти ҳавода эди.

Шифохонада ҳеч бир янгилик йўқ. Изабель билан Билл жонлантириш бўлимининг алоҳида хоналарида ётишар, уларнинг иккаласини ҳам шифокорлар гуруҳи назорат қилиб турарди. Шунга карамай, иккала беморнинг ҳам аҳволи бироз ёмонлашганди, кундузги соат учларда Изабелнинг иссиғи кўтарилиб, юраги тез ура бошлади. Буям етмагандек, буйраги яхши ишламай, миясида шиш ҳам пайдо бўлди.

Энцефалограмма қайдларини текширган шифокорлар миянинг яхши ишлаб турганини ва агар Изабель ўлмай колса, рухий соғлом бўлишини аниқлаб хотиржам тортишди. Лекин иситма кўтарилишига айнан нима сабаб бўлганини аниқлашолмади. Изабель хануз беҳушлик – кома ҳолатида бўлиб, клиник нуктаи назардан ҳам унинг ҳамон тириклиги мўъжиза эди.

Биллнинг аҳволи ҳам Изабелникидан қолишмайди. Унинг бўйнига махсус пўлат мослама боғланиб, орқасига ҳам темир корсаж кийдириб қўйишган. Билл ҳам комада эди.

– Унинг яқинлари ярим тунда Штатлардан етиб келишаркан, – деди ҳамширалардан бири иккинчисига. Соат кечки олтига яқинлашиб колганди. – Хотини самолётдан кўнғироқ килди. Улар ҳозир йўлда. Ҳамшира монитордаги тасвирдан кўз узмади.

– Ҳамроҳидан кўра бунинг аҳволи яхшироқ, – деди у яна. – Айтгандек, Форрестье хонимнинг ёнига ҳам биров келармикан?

– Билмадим. Унга ҳам эрталаб кўнғироқ қилишган, лекин эри қачон келишини айтмабди. Кэтриннинг айтишича, эри хушламай гаплашибди, балки шокка тушиб колгандир.

– Бечора! Каттиқ кўркиб кетган бўлса керак, – ачинди ҳамшира. – Қизик, унинг болалари бормикан? – улар беморлар ҳақида ҳеч нима билишмас, фақат қаернинг фуқароси эканини, яқин қариндошларининг исмини билишарди. Улар бир-бирига ким? Қариндошми, ҳамқорми ёки шунчаки дўстми, ҳеч ким билмасди. Ҳамширалар учун улар ҳозир жонлантириш бўлимининг жон талашиб ётган икки бемори эдилар, холос.

– Хонимни иккинчи марта операция қилиш керак, чунки қон босимини туширишнинг иложи бўлмаепти, – хўрсинди ҳамширалардан бири.

Соат еттиларга яқин жарроҳ келди ва мониторга узоқ тикилиб қолди. Кейин хомуш жилмайиб, бироз кутганимиз маъқул, деди.

У иккинчи операцияни кўтара олмаслиги мумкин эди. Шунинг учун жарроҳ таваккал қилишдан кўрқди. Саккизларга яқин доктор шифохонадан чиқиб кетгач, Гордон кириб келди. Сассиз жонлантириш бўлимига кириб келган Гордон ўзини навбатчига таништирди. У эса ўтиб бораётган ҳамширадан жанобни палатага кузатиб қўйишни сўради. Ковоғини уюб олган Гордон бир оғиз ҳам гапирмади. Ҳамширанинг ортидан йўлга тушди. У кун бўйи ўзини тайёрлаб келганди. Лекин Изабелнинг аҳволи тасаввур қилганидан ҳам ёмонроқ бўлиб чиқди. У хотинини таний олмай қолди. Бутун танаси бинт билан ўраб ташланган. Фақатгина қандайдир симлар, трубкалар, узаткичларгина кўриниб турарди. Бутун танасидан фақат оппоқ консиз юзигина унинг олдинги Изабеллигидан дарак берарди. Гордон палатага кирганида беморнинг ёнида учта аёл турарди. Биттаси осма уколни алмаштирар, иккинчиси мониторми кузатар, учинчиси эса кўз қорачикларини текширарди. Бу манзарадан Гордоннинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Ҳозир у Изабелга нисбатан

жирканишдан бўлак ҳеч бир ҳисни туймади. Ҳамширалардан бири пайкаб қолмагунича у эшик тагида қотиб тураверарди.

– Жаноб Форрестъемисиз? – секингина сўради у.

Гордон «ха» деб бош ирғади ва гапиришга сўз тополмай йўталиб қўйди. Ҳамманинг диққати қаратилганидан у ўзини ноқулай сезар, ундан нима кутишгаётганини тушунмай қийналарди. Ҳамширалар хотинининг ёнига югуриб келишини, тиз чўкиб қўлларини ўпишини ва яна нималарнидир кутишганди. Лекин Гордон хотинига яқинроқ боришга ҳам ўзини мажбур қила олмасди. У Изабелга қараб худди ўлим фариштасини кўргандек бўлди ва бу уни кўркитарди.

– Аҳволи қалай? – овози хириллаб чиқди.

– Иссиғи баланд, шифокор ҳозиргина кетди. Мия қон босимини тушириш учун яна операция қилиш кераклиги хусусида кенгашишди. Лекин хотинингиз жуда заиф бўлгани учун операцияни қолдириб туришга келишишди. Шифокор соат ўнда яна келади.

– Операция қилишмасачи? У ҳолда ақлдан озадими? – Гордон Изабелни эс-ҳушидан айрилган, телба ҳолда тасаввур қила олмасди. Агар шундай бўладиган бўлса... уни қутқаришнинг ҳолати бормикан, деб ўйлади. Хотинини тирик мурда сифатида тасаввур қилиб Гордон жирканиб кетди. Болалари ҳам уни бу аҳволда кўришини хоҳламади. Ўзига қолса, бундай хотин билан яшашга рози бўлмасди.

– Ҳозирдан бир гап деб бўлмайди, жаноб Форрестъе, лекин мия фаолиятининг текширув натижалари ёмон чиқмади. Ҳали ҳулоса чиқаришга эрта.

– Бирорта шифокор билан гаплашсам бўладими? – сўради совуккина қилиб Гордон.

Ҳамшира унга ҳайрон бўлиб тикилди. «Ўзи бу эрими ёки мажбурият юзасидан келган узок қариндошими?» деган савол ўтди хаёлидан.

– Навбатчи жарроҳга сизнинг келганингизни хабар берайми? – деди ҳамшира ва йўлакка чиқди. Гордон Форрестъе унга умуман ёқмади. Париждек жойдан бир ўлимдан қолган хотинини кўриш учун учиб келган одамга ўхшамасди у. Бу қадар бағритош, сурбет одамни ҳамшира кўрмаганди, Гордон хонадан чиқиб наватчинини кутиб турди. Ўн дақиқалардан кейин ёшгина жарроҳ йигит қилиб, унга ҳамширалар айтган гапни айтди:

– Кутишдан бошқа чорамиз йўқ. Ҳозирча беморнинг организми ҳаёт учун ўзи қурашяпти. Сизга яхши хабар айтолмаймиз. Хотинингизнинг тирик қолганини ўзи мўъжиза. Биз қўлимиздан келганини қиляпмиз. Энди ёлғиз умидимиз худодан.

Гордоннинг миқ этмай, фақат бош силкиб туришидан ўнғайсизланиб қўшиб қўйди:

– Уларнинг тирик қолганига шуқур қилайлик.

Гордон бирдан хушёр тортди:

– Мен хайдовчи ҳам ўлган, деб ўйлабман.

– Ҳа. Ўша захотиёк иккала хайдовчи ҳам, тўккиз йўловчи ҳам дунёдан кўз юмган.

– Лекин... назаримда, сиз ҳозир «улар» дегандек бўлдингизми? – эътироз билдирди Гордон.

– Тўғри, хотинингиз билан яна бир йўловчи бўлган. У ҳам тирик. Лекин жароҳатлари умуман бошқача, аҳволи ёмонроқ...

Навбатчининг охирги гаплари Гордоннинг кулоғига кирмади. У Изабель ярим тунда бегона эркак билан лимузинда нима қилиб юрганини тасаввурига сиғдиролмай хайрон эди. «Изабель Лондонга Тейт галереясидаги кўргазмани кўргани келган бўлса, қандай қилиб...»

– Сиз мабодо эркакнинг кимлигини билмайсизми? – сўради у шошиб.

– Фақат исмини биламан. У америкалик Уильям Робинсон. Менимча, қариндошлари бугун учиб келишади.

Гордон унинг гапини маъқуллаб бошини силкитди ва Уильям Робинсоннинг кимлигини эслашга уринди: «Шошма, шошма, деди у ўзига ўзи. Бу ўша, бир пайтлар танишганим катта сиёсатдон Робинсон эмасмикан?» Лекин унинг Изабель билан қандай алоқаси борлигини ҳеч тушунолмади. Улар бир-бири билан қандай танишганлари Гордонга сирлигича қолди. Навбатчининг ўзига тикилиб турганини кўрган Гордон дарров юзига ташвишлангандек тус бериб:

– Аҳволи яхшими ишқилиб? – дея сўради.

– Ҳозирча номаълум. Бўйни синган, умуртка поғонаси лат еган. Лекин ички аъзолари хотинингизникидек кўп жароҳатланмаган.

– Чамамда, асосий зарбани у ўзига олган бўлса керак, – деди Гордон. – Шол бўлиб қолмаганим, ишқилиб?

– Ҳозирча ҳеч нима деёлмаймиз. У ҳали ҳам хушсиз.

Навбатчининг гапларини эшитган Гордон, бу иккаласи ҳали нега ярим тунда бирга юришганини ҳеч кимга тушунтирмай ўлиб кетишмаса эди, деб ўйлади. Иккаласининг битта машинада бўлишгани тасодиф бўлиши мумкинлигига Гордон ишонмасди. Унинг миёсида: «Нега? Нима учун ярим тунда бегона эркак билан битта машинада юради? Қаёққа боришган? Ёки қаердан қайтишган?» – деган саволлар чарх урарди. У жавоб тополмай қийналди. Изабелни яхши биламан, деб ишонарди у. Чунки Изабель ўзига жазман орттириб оладиган ёки эркаклар билан яширинча учрашиб юрадиган аёллар тоифасидан эмас эди. Лекин шунга қарамай тунги соат иккида Робинсон билан битта машинада юрганини нима деб изоҳлашни билмасди.

– Хотинингизнинг ёнида тунаб қоласизми? – сўради ёш жарроҳ.

Гордон шоша-пиша бош чайқади. У шифохонани ёмон кўрарди.

– Хотиним хушсиз экан, қолиб сизларнинг ишингизга халакит бериб нима қиламан? Мен «Клэриж» меҳмонхонасида тўхтаганман. Агар бирор янгилик бўлса, марҳамат қилиб мени хабардор қилсангиз. Менимча, шуниси тузук. Хотиним учун жон қуйдираётганингиз учун сиздан миннатдорман. Ортикча вақтингизни олмай. Хайр, – деди у расмийатчилик билан. Кетишим олдидан хотинимнинг олдига кириб чиқаман.

У шундай дея, шифокорга яна бир бор ташаккур айтиб, йўлак бўйлаб юриб кетди. Изабель ётган палатанинг тўғрисиغا келгач эса, у ерда беш киши қуймалашаётганини кўрди ва тўхтамасдан кўчага йўл олди. У хотинига қўлини ҳам теккизмади, ўпмади ҳам. Каравотига яқин ҳам бормади. Кўчага чиққач, чуқур тин олиб, тоза хаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. У касаллардан, умуман жисмонан ноқис одамлардан жирканарди. Шунинг учун ҳам Тедди билан гаплашмасди.

Машинага ўтириб манзилни айтгач, у ўзини енгил хис қилди. Изабелга ичи ачиди, албатта, лекин бориб унга қўл теккизишга ўзини мажбур қила олмади. «Яхшиямки у ҳеч нимани сезмайди, ўйлади Гордон. Тирик мурда бўлиб қолмаса яхшийди», ўйлади у, лекин жудолик, кўрқув, тушқунлик каби туйғуларни ҳис қилмади. Шифохонада ётган Изабель Гордонга мутлақо бегона эди. У жонсиз кўғирчокка ўхшарди. Ҳозир Гордонни: «Изабель Робинсон билан бирга битта лимузинда нима қилиб юрганди?» – деган савол қизиқтирарди, холос. Бу саволга жавобни уларнинг ўзи бериши мумкин эди.

Меҳмонхона ходими уни эшик олдида қаршилаб, йўл сумкасини қўлидан олди. Гордон вазиятни ўрганиб, бир-икки кундан кейин Парижга қайтишни мўлжаллаганди. Бу ерда узок қолишга хоҳиши йўқ эди. Жарроҳ унга хотини ҳали бир-икки ҳафта, балки ойлаб ҳам комада ётиши мумкинлигини айтди. У хотини ҳушига келгунича бу ерда эзилиб ўтиришни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Тезроқ уйига қайтиб, банкдаги ишларини назорат қилишни хоҳларди. Изабелнинг аҳволи яхшиланавермаса, балки Софига хабар берарман, деб ўйлаганди у. Лекин хотинининг бугунги аҳволини кўриб қизига тезроқ хабар беришни, агар онаси ўладиган бўлса ҳам уни огоҳлантириб тайёрлаб қўйишни ўйлади. Гордон иш бошқарувчидан хотинига тегишли хона калитини сўради. Иш бошқарувчи шошиб афсусдалигини билдирди:

– Ёмон иш бўлди-да!.. Қандай даҳшат, шундай яхши аёл фалокатга йўлиқиб ўтирса-я! Полициядан бизга қўнғирок қилишганида... Хотинингизнинг аҳволи яхшими ўзи, жаноб?

– Унчалик эмас, – у кўпроқ нарса билгиси келиб савол ташлади. – Лекин жаноб Робинсон ҳам жиддий жароҳат олибди.

Иш бошқарувчи унинг гапига эътибор ҳам бермасди, у чексиз надомат билан «ёмон, жуда ёмон иш бўлди-да», дерди нукул.

Гордон ундан меҳмонхона миҳозлари нега битта лимузинда юришганини сўрамоқчи бўлди-ю, лекин тузукрок савол ўйлаб тополмай қийналди.

– Ҳа, афсус. Уларнинг битта машинада бўлганларидан жуда афсусдаман. Робинсон – менинг эски дўстим. Менимча, улар отелда тасодифан учрашиб қолишган, шекилли.

– Шунака, шекилли, – маъкуллади бошқарувчи. – Менимча, улар кеча кечкурун бирга тамадди қилишди.

– Уларнинг қаерга йўл олишганидан хабарингиз йўқмиди?

– Йўқ. Агар хоҳласангиз, навбатчидан уларнинг бирор ишга буюртма бергани-бермаганини билиб беришим мумкин, – деди ва қаёққадир қўнғирок қилиб гаплашди. – Навбатчининг айтишича, жаноб Робинсон фақат машина буюрган. Лекин бошқа навбатчига Маркнинг ресторанидан стол банд қилишни буюрган экан. У навбатчи бугун дам оляпти. Ишга чиқса, анигини билиб бераман. Агар хоҳласангиз, ресторанга қўнғирок қилишим мумкин... – Ҳайдовчининг ўлгани ёмон бўлди-да! Қандай бахтсизлик! Шўрликнинг тўртта боласи бор эди. Ўзи ирландиялик бўлиб, энг яхши ходимларимиздан бири эди. Афсус, афсус!

Иш бошқарувчи чин дилдан куюниб гапирарди. Гордон унинг гапларини эшитишни хоҳламади. Шунинг учун миннатдорчилик билдирди ва лифтга йўл олди. У ҳамон уларнинг бирга чой ичишганини ўйлаб борарди. «Улар олдиндан танишмидилар ёки шу ерга келгач, Робинсон уни илинтирдимикан?»

У Изабелнинг соддалигини билар, албатта, бирга чой ичиш ёмон эмас, лекин бегона киши билан тунда лимузинда юришни унчалик беғараз иш, деб баҳолаб бўлмасди. Гордонга бу ишлар умуман ёқмади. Агар Изабелнинг ўрнига бошқа аёл бўлганида Гордон бошқача хулоса қиларди, лекин Изабелнинг Робинсон билан бирга бўлганини у ҳеч ҳазм қила олмади. Шу хаёллар билан Гордон Изабелнинг хонасига кирди. Бу ердан Изабель ҳозиргина чикиб кетгандек эди. Пардоз сумкачаси ойна ёнида турар, тунги кўйлаги ваннахонада илинганича қолганди. Пардоз столчасида бир нечта музей ва кўргазма залларининг рисоалари ётарди. Уларнинг ёнида «Гаррининг бари» деб ёзилган гугурт кутисини кўриб Гордон хайрон бўлди. Чунки Изабель чекмасди. У ерга Изабель нима учун борди экан? Гугурт ёнида «Аннабелз» деб ёзилган яна бир кутини кўрган Гордоннинг энди ростакамига жаҳли чикиб кетди.

Энди у хотини билан Робинсоннинг учрашувлари у тасаввур қилгандек беғубор бўлмаганини сизди. Бу жойларнинг ҳаммасига у Робинсон билан борганмикан? Жаҳли чиққан Гордон яна бошқа далиллар излаб атрофга аланглади. Лекин эркак кишининг қийими, хат, гулдаста каби нарсаларга кўзи тушмади. Бу икки энг қиммат ресторанининг гугуртини эсдалик учун олиб келгандир?! Балки Робинсон ростдан ҳам илинтирмоқчи бўлгандир? Изабель ҳам йўқ деёлмагандир?! Лекин ўша тун учун иккаласи ҳам жазосини оляп-

ти. Гордон уларнинг ўртасидаги алоқа канчалик даражадалигини ўйлаб ҳам ўтирмади. Гугуртларни чўнтагига солди ва официантни чакириб ичимлик буюрди.

Синди Робинсон кизлари билан самолётдан тушганида соат тунги ўн икки ярим бўлиб қолганди. Самолётда кизлар бир оз мизғиб олишди, лекин Синди киприк қокмади. У тезроқ Биллни кўргиси келар, эхтимол шифохонага боришгунча комадан чиқар, балки худо ёрлақаб бўйни ва белидаги жароҳатлари уни ногирон бўлиб қолишдан асрар, деб ўйлаб келарди. Божхона назоратидан халос бўлгунларигача ярим соат ўтди. Аэропорт ташкарисида уларни «Клэриж»дан жўнатилган машина кутиб турарди. Улар аэропортдан тўппатўғри шифохонага йўл олишди. Ярим кеча бўлишига қарамай, у ерда ҳаёт қайнарди.

Синди дарҳол ҳамширалар билан тил топишиб олди ва Биллнинг аҳволи қандайлигини аввалдан кимдан сўраш кераклигини аниқлади. У одамлар билан тез тил топишиб кетарди.

Яқинда Гордон билан суҳбатлашган ўша ёш жарроҳ улар билан ҳолда учрашиб, ҳамма гапни батафсил тушунтириб берди. Билл ҳамон кома ҳолатида эканлиги, ҳозирча ҳеч бир ижобий ҳолат сезилмаётганлиги, бу ҳам етмагандек умуртқаси атрофида шиш пайдо бўлганлигини айтди. Синдининг умидлари пучга чиққанидан кўнгли чўкди, Биллнинг ўзини кўрганида эса... ичида нимадир узилиб кетгандек бўлди. Яхшиямки, сергак Жейн уни тутиб қолди. Биллнинг бўйнида аллақандай ваҳимачи мосламалар кўзга ташланар, танаси корсетга ўралган, очик жойлари ҳам қонталаш ва қўқариб ётарди. Хонадаги мониторлар «вишиллаб» тинимсиз ишлар, қаравот атрофида эса ҳамшираларнинг бутун бир гуруҳи қуймаланиб юрарди. Биллнинг ранги бўздек оппок: кизлари отасини кўришлари билан бирдан додлаб йиғлаб юборишди. Шу вақтгача ўзини оғир тутишга уриниб келган Синди ҳам кўз ёшларини тутолмади. У кизларига далда бўлиш учун ўзини дарҳол қўлга олди ва секингина қаравотга яқинлашди ва эрининг қўлидан тутди.

– Салом, азизим! – у кўз ёшларини ютиб зўрға шивирлади. – Бу – мен Синдиман.

Унинг хаёлида ёшлик даврлари, қандай танишганлари, тўйлари, ҳомиладор бўлгандаги бахтиёрлик онлари жонланди. Мана, энди ўша барно, навқирон йигит ёрдамга муҳтож, ҳаракатсиз ётибди. Олдинги холига келадими-йўқми, ҳеч ким билмайди. Хаёлга берилиб кетган Синди ҳозир эрини ҳар қачонгидан ҳам яхши кўриб кетганлиги, уни йўқотишни хоҳламаётганини ҳис қилди. «Ногирон бўлиб қолса ҳам майли, фақат ўлиб қолмаса бўлди», деб ўйлади у. Синди йиғлаб тинимсиз «мен сени севаман», деб такрорларди.

– Кўзингни оча қол, жонгинам. Қара, кизларинг ҳам келган. Улар сен билан гаплашишмоқчи. Азизим, кўзингни очгин, илтимос...

– У сизни эшитмайди, Робинсон хоним, – деди мулойимлик билан ҳамширалардан бири.

– Буниси ҳали аниқ эмас! – унинг гапини шарт кесди Синди. Бундай пайтларда у билан баҳслашмаган маъкул. Қолаверса, Синдига комада ётганлар ҳамма гапни эшитади, деб айтишган. Шунинг учун жаррох ундан меҳмонхонага бориб бироз дам олишини илтимос қилмагунича эрининг бошида ўтириб йиғлаб гапираверди.

– Балки менинг колганим яхшидир? – эътироз билдирди у жаррохга.

У Коннектикутдек жойдан меҳмонхонада дам олиб ўтириш учун келмаганди. Қолаверса, тиббиёт ходимларига кўп ҳам ишонмасди. Шунинг учун қолиб уларнинг ишларини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди.

– Менга ишонинг, хоним, сиз ростдан ҳам дам олишингиз керак. Агар эрингизнинг ахволида ўзгариш сезилса, дарҳол сизга хабар берамиз, – сўз берди жаррох.

Лекин бу қайсар хонимни кўндириш осон бўлмади. У ҳаммасини батафсил ва фақат ростини билишни хоҳларди. Кўндириш учун навбатчи ярим соат овора бўлди. Робинсонлар оиласи шифохонадан чикканида соат тонги тўрт бўлиб колганди. «Клэриж» ҳайдовчиси уларни ҳамон кутиб турарди. Синди кизлари учун алоҳида хона буюрди. Ўзи эса Биллнинг хонасида қолишга қарор қилди. Меҳмонхона ходимидан хонанинг калитини олган Синди хонага кириб худди Гордон туйган ҳисларни ҳис қилди. Назарида Билл эндигина чикиб кетган, шу сонияларда қайтиб келадигандек эди. Столда музей ва кўргазмаларнинг рисоалари ётарди. Синди ҳайрон бўлди: музейларга боришга қандай вақт топдийкин? Қолаверса, столда бир даста ҳисобварақалари, шу билан бирга «Гарри» ва «Аннабелз» барларининг қоғозлари ҳам бор эди. Булар Синдида шубҳа уйғотмади. Чунки Билл бу даргоҳларга дўстлари ва ҳамкасблари билан тез-тез бориб турарди. Синди эрининг пижамасини кийди ва ўзини тўтолмай яна йиғлаб юборди. Қизларига кўнғирок қилганида улар ҳам йиғлаб ўтиришганини билди. Бугун жуда оғир кун бўлганди.

Қизлар онасидан ҳам кўпроқ кўрқиб кетишганди. Синди чидаб туrolмади, устига халат ташлаб, кизларининг хонасига йўл олди. Қизларини бағрига босгиси, овутигиси келди. Қизлари билан ярим соатча ўтиргач, хонасига қайтди ва йиғлаб ўзини ўринга отди. Ёстикдан Биллнинг ҳиди келиб турарди...

Эрталаб Синди шифохонага кўнғирок қилиб, бирор янгилик борми, деб сўради. Унга туни билан ҳеч ўзгариш бўлмаганини, лекин Биллнинг ахволи бироз барқарорлашганини айтишди. Синди ўзини ёмон ҳис қилди. Худди туни билан биров калтаклагандек суяклари зиркиради. У секингина кизларининг хонасига мўралади. Улар ҳали ухлаб ётишарди. Қизларни уйғотгиси келмади. Ювиниб, тараниб, хат ёзиб колдирди ва шифохонага кетди.

Йўл бўйи хайдовчи автохалокат, ўлган хайдовчи унинг дўсти бўлганлиги хақида гапириб кетди. Шу билан бирга хайдовчи Синдига ҳамдардлик ҳам билдирди.

Шифохонага келгач, у Биллнинг ёнида бироз ўтирди, ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганига амин бўлгач, даволовчи шифокор билан гаплашиш мақсадида йўлакка чикди. Унинг ёнидан баланд бўйли, кимматбаҳо костюм кийган қандайдир киши ўтиб кетди. Унинг ўзини тутишидан қандайдир ҳукмронлик уфуриб турарди, бу эса дарҳол Синдининг эътиборини тортди. Эркак йўлак тўрида ўтирган ҳамшираларга яқинлашиб ниманидир сўради. Улар бош чайқаб жавоб беришди. Ковоғи уюлган эркак йўлакнинг иккинчи бошига – Биллнинг хонаси жойлашган томонга қараб кетди. Кейинроқ Синди уни шифокорларнинг бири билан гаплашиб турганини кўрди. Синди у ҳам беморлардан бирининг аҳволи билан қизиқаётганини ва жонлантириш бўлимида ўзини жуда ноқулай ҳис қилаётганини сизди. Синди бу кишига хотинининг аҳволи ёмонлашганини, операцияни кўтара олмаслигини маълум қилишганини ҳали билмасди. Гордон меҳмонхонага қайтиб ишхонасига қўнғироқ қилди ва котибасига дам олиш кунлари Лондонда бўлишини айтди. Лекин сабабини тушунтириб ўтирмади. Кейин уйига қўнғироқ қилиб Теддининг аҳволини сўради. Аммо ўғлига ҳам, хизматкорига ҳам бўлиб ўтган воқеалар хақида оғиз очмади. Тўсатдан ёпирилиб келган жавобгарлик ҳислари уни чўчитарди, чунки у илгари уй мажбуриятлари билан умуман тўқнаш келмасди. Ҳаммасини Изабель эпларди. Ўғлига дам олиш кунлари Лондонда онаси билан бирга бўлишини, уйга кела олмаслигини айтди, холос.

– Ойим кеча уйга қайтишлари керак эди? – деди Тедди йиғламсираб. – Нега қайтмадилар?

– Чунки бу ерда бир-иккита ишлари чиқиб қолди. Шунинг учун қайтмади, билдингми? – уришиб берди Гордон.

Отасининг қўполлиги болақайни хайрон қолдирмади. Чунки отаси у билан илгари ҳам мулоқим гаплашмасди.

– Ойим билан анчадан буён гаплашмаяпман. Менга қўнғироқ қилсинлар, айтиб қўйинг, – илтимос қилди Тедди. Бу эса Гордонни баттар газабга келтирди.

Унинг асаблари шундок ҳам қакшаб турарди. Изабель нега қўнғироқ қилмаганига баҳона топиш энди унга ортикчалик қиларди.

– Ойинг сенга кейинроқ қўнғироқ қилади. Биз ҳозир жуда бандмиз, – у ўғлига ёлғон гапирди. Чунки Теддининг ҳақиқатни кўтара олмаслиги аниқ эди. Агар ростини айтишга тўғри келса ҳам телефонда эмас, юзма-юз туриб, шифокор билан бирга айтаман, деб ўйлади у. Софига эса қўнғироқ қилмади ҳам. Болаларни кўрқитишнинг нима кераги бор, деб ўйлади Гордон. Агар Изабель хушига келмай туриб ўладиган бўлса, Софи уни кўрмаса ҳам бўлади. Гордон шундай қарорга келди.

– Ойимга мен уларни яхши кўришимни айтиб қўйинг, – деди Тедди отаси гап тамом деганида. Сухбатдан Гордоннинг кўнгли ғаш бўлди. Ўғлига ёлғон гапиришни ҳам, онасининг соғлиғини гапиргиси ҳам келмаганди.

Шундан кейин у яна шифохонага қайтди ва шифокорларнинг югур-югурини кузатганча жим ўтираверди. Синди Робинсондан фаркли у хотинининг тўшагига якин бормади, кўлини ҳам теккизмади. Унинг беҳол, нима киларини билмай ўтирганини кўрган ҳамширалардан бири:

– Хотинингиз билан ёлғиз қолишни хоҳлайсизми, жаноб? – деб сўради мулойимлик билан.

– Йўқ, раҳмат, – шошиб жавоб берди Гордон. – У барибир мени эшитмайди-ку. Мен, яхшиси, кутиш хонасига бораман. Агар керак бўлсам мени чакира-сиз, – шундай дея у шошилиб кетворди. Кутиш хонасида Синди қизлари билан ўтирарди. Гордон уларнинг кимлигини билмас, умуман олганда бу уни кизиктирмасди ҳам. Нотаниш аёл унга қараб жилмайганида у ҳайрон бўлди. Аёл жуда ғамгин кўринар, кўзларида эса ҳамдардлик акс этганди.

– Хотинингизнинг ахволи оғирлигидан афсусдаман, – деди у. Синди ҳамшираларнинг ўзаро гапидан бу жанобнинг хотини Биллдан ҳам кўра оғирроқ ахволдалигини билиб олганди. Лекин бошқа гаплардан хабари йўқ эди.

– Раҳмат сизга, – деди куруккина қилиб Гордон. У бу ерда ўтириб таниш орттиришни хоҳламасди. Гордон меҳмонхонага қайтиб кетишни ўйлаб турганида хоним уни лол қолдириб кўлини узатди ва ўзини таништирди.

– Менинг исмим Синди Робинсон – деди у.

Қизлардан бири мудраб ўтирар, иккинчиси эса журнал ўқиш билан овора эди. Улар нотаниш кишига эътибор ҳам беришмасди. Робинсон фамилиясини эшитган Гордон ҳайрон бўлиб оғзини очиб қолди. Бу эса Синдининг эътиборидан четда қолмади.

– Мен бу ерга эрим учун келганман. У икки кун олдин автоҳалокатга учраган, – унга кулок солиб турган Гордон бу хонимнинг ҳамма гапдан хабари борми-йўқми, деб ўйларди. Агар бохабар бўлса, вазиятни шубҳали деб баҳоламаган, фақат эрининг ахволи уни хавотирлантиряпти. Лекин Гордонни бошқа масала – Изабель ва Билл ўртасида қандай боғлиқлик борлиги кизиктирарди.

– Менимча, менинг хотиним билан сизнинг эрингиз автобус келиб урилганида машинада бирга бўлишганидан хабарингиз бўлса керак, – очикчасига ўтди Гордон.

Бу хабардан Синди автобус худди ўзига келиб урилгандек ахволга тушди. Унинг ранги ўчди. Уни кузатиб турган Гордон ҳеч гапдан хабари йўқлигини тушунди.

– Бу билан нима демокчисиз? – узоқ сукунатдан сўнг аранг тилга кирди Синди.

– Ҳозиргина нима деган бўлсам, шу. Улар лимузинда бирга бўлишган. Лекин негалигини ва уларнинг қачон, қасрда танишганлигини тушунолма-
япман. Шахсан мен эрингиз билан бундан бир неча йил илгари Парижда
танишганман. Лекин ўшанда ёнимда хотиним бормиди-йўқмиди, эслол-
маяпман. Чоршанба куни улар бирга чой ичишган, кейин эса негадир ли-
музинда бирга бўлиб қолишган. Ҳозир хотинимнинг ахволи оғир, комадан
чикмаган. Демак, бу дегани биз ҳеч қачон уларни нима боғлаб турганини
билолмаймиз! Билишимча, жаноб Робинсоннинг ҳам ахволи яхши эмас.

Синди эшитганидан ҳали ҳам ўзига кела олмаганди.

– Менга ҳеч нима дейишмаганди. Эрим машинада ҳайдовчи билан ёлғиз
бўлган деб ўйлабман.

– Афсуски, ундай эмас. Хотиним Парижга санъат кўргазмасини томоша
қилишга келганди. У санъатга қизиқади. Лекин санъатдан бошқа яна нима
ишлар билан шуғулланганини тушунолмаяпман.

Шунда Синдининг ёдига Биллнинг хонасида кўрган рисолалар тушди.

– Эрингиз илгари ҳеч хотиним ҳақида гапирмаганми? Унинг исми
Изабель Форрестье, – Гордон учун нотаниш аёл билан бу мавзуда гапла-
шиш ноқулай эди. Лекин саволларга жавоб олишнинг бошқа иложи ҳам
йўқ эди. Афсуски, Синди ҳам бош чайқади, у Гордондан ҳам кам маълумотга
эга эди.

– Мен илгари бу исмни ҳеч эшитмаганман, эримни Лондонда эканлиги-
дан ҳам хабарим йўқ эди. Охирги марта гаплашганимизда у Нью-Йоркда
эди... – деди у. – Охирги пайтларда бир-биримиздан бироз узоқлашган эдик, –
секингина қўшимча қилди Синди.

– Ажрашганмисизлар? – сўради Гордон қизиқиб.

– Йўқ, фақат у кўпинча иш билан юрар ва мустақил эди, – жавоб берди
Синди. Бегона эркакка оилавий гап-сўзларни айтиб ўтиргиси келмади.

– Менинг хотиним эса умуман саёҳатга чиқмаган. Ногирон ўғлимиз бор,
хотиним ўн тўрт йилдан буён ўшанга қарайди. Уйдан ҳам камдан-кам
ҳолдагина чиқади. Бу саёҳатдан ҳам шубҳада эмасман. Менимча, улар
«Клэриж»да танишиб қолишган. Шунинг учун ҳар хил шубҳали хаёллар-
га бормайлик, дейман. Лекин уларнинг битта машинада ярим кечаси бирга
бўлишгани сал ғалатирок...

– Ҳа-а, бу ростдан ҳам ғалати, – ўйчан қўшимча қилди Синди.

У Билл ўзига жазман орттириб олган экан, деб ўйлади, лекин Гордоннинг
хотини ўзига саргузашт кидирадиганлар сирасига кирмасди... Синди кизлари
сухбатни диққат билан эшитиб ўтиришганини кўриб қолди.

– Афсуски, буни ўзларидан сўрай олмаймиз, – хўрсинди у, санъат рисола-
лари уни хаёлидан кетмасди. Шунда бирдан «Аннабелз» ва «Гарри бари» нинг

ҳисобварақлари эсига тушди. Балки, бу одамнинг хотини ўзи ўйлаганчалик фаришта эмасдир, деб ўйлади.

– Агар улар дунёдан кўз юмишса, биз ҳеч нимани билолмай қоламиз, – кескин гап ташлади Гордон.

– Агар шу автоҳалокат бўлмаганида биз умуман ҳеч нимани билмас эдик ҳам. – Менимча, кўникишдан бошқа иложимиз йўқ, шекилли, – деди секингина ўзига ўзи.

У сирнинг очилишини хоҳламасди. Чунки илгарилари ҳам у Биллнинг баъзи саволларига жавоб беришни истамасди. Энди эса Билл жон талашиб ётганда унинг ҳаётини сирли қирраларини титкилаб ўтиришни ўзига эп билмади.

Лекин Гордон тинчланай демасди:

– Назаримда, бизга ҳеч ким аниқ жавоб айтолмайди, – деди у.

– Менимча эса, ҳаммасини қандай бўлса, шундай қолдирганимиз маъқул. Ҳеч қандай жавобнинг кераги йўқ. – Асосийси, уларнинг тирик қолиши. Бундан олдин нима ҳодиса бўлгани эса фақат уларнинг иши.

– Бу ўта олижаноблик, – норози тўнғиллади Гордон. У энди хотинининг садоқатига шубҳаланиб қолганди.

– Менинг эрим шахсий ҳаётини махфий тутадиганлардан. Нима бўлганида ҳам у ўз ҳаётини намойиш этмайди.

– Хотиним бегона эркак билан муносабатда бўлиши мумкинлигига умуман ишоналмайман, – бош чайқади Гордон.

У Изабеллнинг обрўсидан кўра ўз номини ўйларди. Буни сезгир Синди дарҳол тушунди.

– Бу ерда шунчаки тасодиф роль ўйнаган, – давом этди Гордон куюниб.

– Шундай бўлган, деб умид қиламан. Лекин шуни билиб қўйишингизни хоҳлардим: менинг ҳеч қандай сабаб ва асосларни талаб қилиш ниятим йўқ.

– Мен эса хотиним комадан чиккач, уни сўроққа тутмоқчиман.

– Нега? – қизларини ҳайрон қолдириб сўради Синди. – Бунинг нима аҳамияти бор? Агар улар ўлса... кейин бунинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди-ку!

– Мен ишонч ҳосил қилишим керак. Агар у мени алдаган бўлса, буни билишга менинг ҳаққим бор, сизнинг ҳам. Агар айбдор бўлишмаса, улардан шубҳани олиб ташласак ҳам бўлади.

– Эримни муҳокама қилишга менинг ҳаққим йўқ. У ёш бола эмас. Агар унинг хотинингиз билан алоқаси бўлган бўлса, албатта бундан қувонмайман. Лекин ҳаётда бундан-да ёмонроқ нарсалар бор.

– Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, Робинсон хоним, – ёктирмай жавоб берди Гордон. Буларнинг оиласи қанақа ўзи, ўйлади Гордон. Тўғри, ўзининг оиласи ҳам буларниқидан қолишмайди. Лекин Гордон ўла қолса ҳам оиласидаги вазиятнинг ясамалигини бировга айтмасди. Уларнинг

оиласини яқиндан билганлар, агар Изабель ўзига жазман топиб олибди, деб эшитишган тақдирда ҳам ҳайрон бўлишмасди. Чунки Изабель ёш ва дилбар аёл бўлишига қарамай, Гордон уни ёлғиз ташлаб қўйганди. Бунини Гордоннинг ўзи ҳам яхши тушунарди. Лекин шундай бўлса-да, Изабелнинг хиёнат қилгани ёки шунчаки соддалиги туфайли бегона эркак билан тамадди қилмаганлигини аниқлагиси келарди. Синди Биллнинг палатасига кетди. Қизлар эса жимгина унга тикилишиб ўтиришарди. Сабри тутаган Гордон навбатчига «Клэриж»га қайтиб кетаётганини айтди. У шифохонадан безор бўлганди. Қолаверса, Синди Робинсоннинг эрига ён босиши унинг гашига текканди. Бу иккаласи доим бир-бирини алдаб, хиёнат қилиб юрса керак, деган хулосага келди ва меҳмонхонага йўл олди.

Бу вақтда Синди Биллнинг тепасида кўз ёши тўкиб ўтирарди. Гордон Форрестье Билл билан Изабелнинг ўртасида ҳеч гап бўлиши мумкин эмас, деб ишонтирмоқчи бўлган бўлса-да, Синди бунга ишонмади. Эрини бутунлай йўқотиши мумкинлигини ўйлаб кўриб кетди. У эрига нисбатан узок вақт бефарқ, бешафқат муносабатда бўлган. Унинг машғулотларига эса ҳар доим танкидий назар билан қараб келганди. Энди эса чалажон эрининг бошида йиғлаб ўтирибди. У ҳали ҳам эрини жонидан ортик севишини англади. Агар Биллдан айрилса ҳам бунга фақатгина ўзининг аҳмоқлиги сабаб бўлишини тушунди.

V ҚИСМ

Гордон кунни кеч қилиш, нохуш ҳаёллардан қалғиш мақсадида йўлдан китоб сотиб олди. У лондонлик дўстлари билан телефонда гаплашиб вақт ўтказса ҳам бўларди, лекин у ҳақида ҳеч кимга оғиз очгиси келмади. Уйкудан олдин шифохонага қўнғирок қилиб, Изабелнинг аҳволини сўради. Унга ҳеч бир ўзгариш йўқлигини маълум қилишди. Гордон Изабелнинг ҳозирги ҳолатини ҳаёлидан тезроқ қувиш учун уйкуга кетди. Хотинининг аҳволини ўз кўзи билан кўриб келишни ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Ярим оқшом бўлишига қарамай, Синди ҳамон Биллнинг ёнидан жилмаганди. Вақти-вақти билан у ҳамшираларнинг ёнига борар, биров дадиллашиш учун қахва ичиб оларди. Ҳамшираларнинг ҳаммаси уни ёқтириб қолишди. Эрининг рангпар юзига тикилиб йиғлаб ўтирган Синди унга кўп гапларни айтиши кераклигини, кечирим сўраши лозимлигини ўйларди. Баъзан у ўзининг ўнг-сўлдаги алоқаларини бекитиб ҳам ўтирмасди. Ҳозир эса қилган ишларидан чин дилдан пушаймон бўларди. У эри тезроқ кўзини очишини ва унга кўнглидаги борини тўкиб солишни, асосийси, уни севишини айтишни интиқлик билан кутарди. Синди нега бу қадар пасткашликка юз тутганини, эридан нафратланишига нима сабаб бўлганини ўзи ҳам тушунмасди. Балки эрининг доимий иш билан банд бўлганлиги ёки унинг муваффақиятини

кўролмаслигидандир? Иккита болага энагалик қилиб уйда ўтириш, эрининг кўлига қарам бўлиш унинг жонига теккан.

Шу сабаб ҳам ҳаётини кизикарлироқ қилгиси келганди. Лекин энди эса ўшанда нотўғри йўл танлаганини тушуниб турарди. Ҳаммасидан ҳам хатосини тўғирлашга имконияти бўлмай қолиши уни кўркитарди.

Вакт ярим тун бўлганди.

Ўй-хаёлларига кўмилиб, палата бурчагида эридан кўз узмай ўтирган Синди бир қалқиб тушди. Унинг назарида Билл кимирлагандек бўлди. Югуриб эрининг бошига борган Синди унинг киприклари титраётганини кўрди. Янги томчи дори қўйиш учун қайтиб келган ҳамшира Синдининг қаравот ёнида турганини кўриб дарҳол ортга қаради:

– Тинчликми, Робинсон хоним?

– Назаримда... унчалик ишонмайман-у, лекин эрим қандайдир ҳаракат қилди... Балки кўзимга шундай кўрингандир-а?

Ҳамшира беморга диққат билан тикилди. Лекин ҳеч қандай ўзгариш сезмагач, яна узатгичлар ва монитор билан овора бўлди. Ҳалокат юз берганига қирқ саккиз соатдан ошган. Лекин аҳвол ўша-ўша. Юрак уришини текшириб турган катта ҳамшира кутилмаганда Биллнинг чап қўли кимирлаганини илғаб олди. Шоша-пиша ингичка нурни унинг кўзларига тўғирлади. Билл эшитилар-эшитилмас ингради. Бу унинг ҳалокатдан кейинги берган биринчи белгиси эди

– Вой, худойим! – йиғлаб юборди Синди ва эрининг бармоқларини тутди. Биллнинг киприклари эса яна титради. Ҳамшира шифокорларни чақирадиган тугмачани босди.

– Нима гап? – сўради шифокор эшикдан кирар-қирмас – бирор ўзгариш борми?

– Бемор икки марта ингради, – маълумот берди ҳамшира.

– Менимча, у қўлини ҳам кимирлатди, – қўшимча қилди Синди.

Энди докторнинг ўзи Биллнинг кўзларига нур тутди, у яна инграб қўйди. Шифокор ҳамширага савол назари билан қаради, у эса фақат ўзлари тушунадиган қараш билан бош ирғади. Беморнинг ҳаётга қайтаётганини хотинига айтишга ҳали вақтли эди. Лекин шунча узок вақтдан кейин бу белги Синдига биринчи бор умид берди.

– Билл, мени эшитяпсанми? Бу менман, мен ёнингданман, азизим... Мен сени севаман, жонгинам. Кўзингни оча оласанми? Сенга айтадиган гапларим бор. Шунчалик узок вақт ўзингга келмадингку...

Энди Биллнинг елкаси сал учди ва у яна ингради.

– Жаноб Робинсон, ҳозир мен қўлингизни тутаман. Агар эшитаётган бўлсангиз, бармоғимни сикишга ҳаракат қилиб кўринг, – шифокор Биллга қараб энгашиди ва бармоғини тутиб кута бошлади. Аввали-

га ҳеч қандай ҳаракат бўлмади, кейин секин, жуда секинлик билан Билл докторнинг бармоғини ушлади. Унинг хонадагиларни эшитаётгани маълум бўлди.

– Худойим, Художон! – Синди қувонганидан нима қиларини билмас, фақат дув-дув йиғларди. – Азизим, мени эшитяпсан-а? Мен шу ердан... илтимос, кўзингни оча қолгин.

Биллнинг юзида ўзгариш сезилмасди, лекин кейин у секин-секин қуриб қолган оғзини очди ва лабларини ялади. Бу ҳақиқий мўъжиза эди.

– Жуда яхши, жаноб Робинсон, – деди шифокор. – Энди марҳамат қилиб яна бир марта сикинг-чи!

Бу сафар Билл норози бўлгандек ингради. Лекин шифокорнинг айтганини бажарди. Ҳамширалар ва шифокор бир-бирларига ғолибона жилмайиб қўйдилар. У ҳаётга қайтаётганди. Қувончдан ҳаяжонланиб кетган Синди кичкиргиси, сакрагиси, Биллнинг бўйнига осилиб олгиси келарди, лекин бунинг иложи йўқ. У кўзи тегиб қолишдан қўриқиб, нима қиларини билмай кўз ёшга зўр берарди.

– Агар яна бир ҳаракат қилсангиз, кўзингизни очардингиз, жаноб Робинсон. Сиздан жудаям миннатдор бўлардим. Бир уриниб кўрсангиз...

Шифокор Биллни тезлашда давом этди. У жавоб бермади. Синди у яна хушидан кетдими деб қўриқиб кетди. Шифокор илтимосни эслатгандек Биллнинг киприклари оҳистагина тегиниб қўйди. Бунга жавобан Билл оғир хўрсинди ва кўзларини ҳам очди!

– Хуш келибсиз, жаноб! – жилмайди унга шифокор. – Сизни кўрганимдан хурсандман.

Билл «ҳм-м» деганга ўхшаш товуш чиқарди ва кўзларини юмиб олди.

– Яна бир уриниб кўрмайсизми?

Билл йўқ дегандек ингради. Лекин бир дақиқадан кейин барибир бўйсунди.

– Сизнинг қайтишингизни интизорлик билан кутиб ўтирибмиз, – кулиб тушунтирди унга шифокор. Палатага секин кўз югуртирган Билл Синдига кўзи тушди ва хижолат тортгандек бўлди.

– Салом, жонгинам! Мен шу ердан. Сени яхши кўраман, азизим. Кўрасан ҳаммаси яхши бўлади.

Шунда Билл яна кўзларини ёпиб олди. У уйкуга кетди. Шундай бўлса-да ҳамма хурсанд эди.

– Бу яхшиликками, доктор? – сўради Синди. У ҳаяжонланганидан қалт-қалт титрарди.

– Албатта, яхшиликка, хоним. Бу дегани – у комадан чиқяпти. Соғайиб кетишига ҳали бор. Лекин энди умид қилсак бўлади, – ёш шифокор Синдидан ҳам кўпроқ хурсанд эди.

– У гапира олармикан?

– Ишончим комилки, гапиради. Унинг бўйни ва умурткаси каттиқ шикастланган. Мияси чайқалгани эса икки кеча-кундуз комада бўлишига сабаб бўлди. Энди мияси ҳозирги ҳолатга мослашади. Яна уйғонганида у гапиради ҳам. Организми оғир қарахтликини бошидан ўтказди. Лекин унинг нуткидан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Шифокорни бошқа ташвиш безовта қиларди. Кейинчалик асосий муаммо беморнинг умурткаси ва оёқлари бўлиши мумкин. Биллнинг қўллари қимирлагани эса яхши белги эди.

– Ҳозир у яна бир неча соат ухлайди. Эрталаб эса ҳаракатларини яна кузатамиз. Менимча, хоним, сиз меҳмонхонага бориб бир оз ухлаб олишингиз керак. Эртага оғир кун бўлади.

Синдининг кетгиси келмасди. Балки... у яна кўзини очиб қолса-чи? Шундай пайтда ёнида бўлгим келяпти.

– Шунча ҳаракатдан кейин яна кўзини очиши гумон. Бу Эверест чўккисига чиқиш билан баробар бемор учун.

– Майли, – рози бўлди Синди. У кизларини тезроқ кўриб, янгиликни айтмоқчи эди. Хушхабарни эшитган Оливия қувончидан йиғлаб юборди, Жейн сакраб-сакраб, рақсга тушиб кетди.

– Ойижон, қандай яхши! Худойим! Дадам бирор нима дедими?

– Йўк, даданг фақат бир-икки марта кўзларини очди ва инграб қўйди. Ҳа, яна докторни бармоғини ҳам сикди. Менимча, даданг мени сизди... Лекин негадир яна дарров уйқуга кетиб қолди. Докторнинг айтишича, эрталаб даданг гапираркан. Бемор ҳушига келдими, демак, энди тез тузаларкан!

Эртасига эрталаб улар шифохонага боришганида Билл кўзларини очган, ҳайрон ҳолда хонани кузатиб ётарди.

– Салом, уйқучи! – деди Синди эрининг қаравотига яқинлашиб. – Уйғонишингни роса кутдик ўзиям.

Билл саломлашгандек киприк қокди. Нимадандир хавотирга тушгандек бўлди.

– Бугун ўзингни яхши ҳис қиляпсанми, жонгинам?

Билл яна киприк қокди. Синди секингина унинг юзларини силади.

– Сени яхши кўраман, азизим. Бизни ёмон кўрқитдинг. Лекин энди ҳаммаси яхши бўлади.

Билл яна кўзларини юмиб олди.

– Сенга ҳеч нима керак эмасми? – хавотирланиб сўради Синди.

Билл нимадир демоқчи бўлар, безовталанарди. Синди унга энгашди, Билл гапирмоқчи бўлиб оғзини очди, лекин гапиролмади.

– Нима демоқчисан, азизим? Гапиришга қийналяпсанми? – Синди эрини ёш боладек эркалаб гапирарди. Билл эса ҳаракатлари зое кетганидан, гапира олмайётганидан хижолат бўларди.

– Қизларинг ҳам шу ерда, – шивирлади Синди. – Улар ҳам мен билан бирга Лондонга келишди. Билл киприк коқди, лекин жағи ўзига бўйсунмасди.

«Балки бўйнидаги кискич халакит бераётгандир?» ўйлади Синди.

– Қ-кани... – ниҳоят унинг овози чиқди. У иккинчи жумлани талаффуз қилгунича бир дунё вақт ўтди. Синди сабр билан уни кутиб ўтираверди. – Из...за...бель? – бу сўзни айтгунича қийналиб, терга тушиб кетди.

Синди, эрим мени танимаяпти, деб ўйлади. Лекин Биллнинг бутун диққат-эътибори ҳозир битта аёлга қаратилганди. Эрининг ҳалокатидан кейинги биринчи тилга олган сўзи Синдининг нақ юрагига зарба берди.

– У тирик, – жавоб берди Синди секингина. – Ҳозир ҳамширалардан аҳволини сўраб келаман.

Билл миннатдорчилик билдиргандек киприк қоқди. Синди йўлакка чиққанида қизлари уни саволга кўмиб ташлашди.

– Дадам яхшими? Бирон нима дедиларми?

– Ҳа, анча яхши. Гапиришга уриняпти. Сизларнинг шу ерда эканликларингизни айтдим.

Биллнинг гапи Синдига қаттиқ таъсир қилганди. Демак, Изабель ҳақиқатан ҳам у учун қатта аҳамиятга эга эди. Ахир биринчи бўлиб ўшанинг исмини тилга олгани тасодиף эмасдир?!

Синди хаёллар гирдобига кўмилиб қолди.

– Гапирсангиз-чи, ойи? Нима дедилар? – қизлари уни қучоклаб олиб сил-китишарди.

– Даданг икки марта киприк қоқди, – деди Синди кўз ёшини бекитишга ҳаракат қилиб.

– Фақат шуми? – хафсаласи пир бўлди Жейннинг.

– Яна бир-икки оғиз гапирди, лекин тушунолмадим. Ҳозир даданг дам оляпти. Кейин гаплашамиз, – шундай дея Синди қизларини ҳайрон қолдириб йиғлаганча ҳамширалар постига йўл олди.

– Форрестье хонимнинг аҳволи яхшими? – сўради у ҳамширалардан. Синди анча ўзини босиб олганди. Изабелнинг аҳволини билишга ҳаққи бор, деб ҳисобларди. Қолаверса, бу иккаласи нақ дўзахнинг оғзидан қайтиб келишди, ахир!

– Айтарли даражада яхши эмас, кеча тунда яна иссиғи ошиб кетди. Ёнида эри ўтирибди.

– Ҳушига келганми? – янада аниқроқ билиш учун сўради Синди.

– Йўқ. Олган жароҳатлари, операциясини ҳисобга оладиган бўлсак, хонимнинг хануз ҳушига келмаганлигини тушуниш мумкин.

Синди маълумот учун ҳамширага миннатдорчилик билдирди ва Биллга етказиш учун палатага йўл олди. У эса секин хуррак отганича ухлаб ётарди. Синди кириб келиши билан Билл шуни кутиб тургандек шу заҳоти кўзини очди.

– Ҳамширалардан Изабель ҳақида сўрадим. У ҳамон комада экан. Лекин ўзига келиб қолишидан умид узишмаяпти.

Синдининг гапларига жавобан Билл киприк қокди ва яна гўлдирай бошлади:

– Р-р-рах-мат... Синн-ди сссени... у-ууми... деб ўйлаб...ман, – деди сўнгра зўрға тили айланиб. Шу жумлаларни айтгунича у анча ҳолдан тойди ва кўзларини юмди.

– Қизларимизни кўришни хоҳламайсанми? – уни ухлагани кўймади Синди. – Ҳозир уларни чакираман, холлда кутиб туришибди.

Қизлар хонага югуриб киришганида Билл уларга жилмайди:

– Мен сизларни яхши кўраман қизларим...

Энди у гапирганида унчалик қийналмади. Гапириш қобилияти тиклана бошлади.

– Биз ҳам сизни яхши кўрамир, дадажон, – Оливия ва Жейн бараварига тиз чўкиб дадасининг узатгич ва осма уқоллар уланган кўлларида упишди.

– Баракалла қ-қ-қизларим...

– Ўзингга ҳам балли, бизни боплаб кўрқитдинг, – кулди Синди. – Нима воқеа юз берганини эслай оласанми?

– Йўқ, – Биллнинг хотирасида фақат Изабель билан бирга ўтказган оқшоми қолганди, холос.

– Сенинг лимузинингга автобус келиб урилган. Сизларни жаҳаннамдан тортиб олгунча кутқарувчилар нақ икки соат уринишибди.

– Мен... ў-ўл-либ қолдимикан, деб кўрқувдим...

Синди ғалати бўлиб кетди. Хотини билан у ҳақда гаплашиб ўтиришдан Билл, ҳатто хижолат ҳам бўлмади.

– Ҳа, у бир ўлимдан қолибди, – Синди Изабелнинг ҳозир ҳам ҳушига келмасдан ўлиб қолиши мумкинлигини айтиб ўтирмади. – Эри ёнида экан.

Бу гап билан Синди эрини инсофга чакирмоқчидек, унинг эри, ўзининг эса қизлари борлигини эслатиб қўймоқчи бўлди.

Шу дам палатага ҳамширалар кириб келишди ва муолажаларни бошлаб юборишди. Уларга ҳалакит бермаслик учун Синди йўлакка чиқди. У эрининг гапларини ўйлаб ўйига етолмасди. Энди унга Изабель Форрестье билан эри шунчаки таниш эмаслиги маълум эди. Қолаверса, Изабелнинг эри умид қилганидек, улар тасодифан учрашиб қолишмаган... Чунки Билл ўзига келган заҳоти Изабелни сўради. Ундан хавотир олди, ҳатто хотинини у деб ўйлади. Ҳамширалар ишини тугатгунича Синди тин олиш учун диванга ўтирди ва «Геральд трибюн»нинг янги сонини қўлига олди. У ерда ҳалокат ҳақида мақола босилганди, дабдаласи чиққан автобуснинг ёнидаги суратни кўриб, Синди даҳшатга тушди. Унда Билл ёнидаги чиройли ва жозибадор аёлни кучоқлаб турар, остида эса бу сурат автоҳалокатдан бир неча дақиқа олдин туширилгани кайд этилганди. Мақолада ҳалокат оқибатида



ўн бир киши ўлгани, лимузинда эса машҳур сиёсатдон Уильям Робинсон бўлганлиги ёзилганди. Аммо Изабелнинг номи тилга олинмаганди. Лекин Синди бу Изабель эканлигига амин бўлди. Газетани Гордон Форрестье кўрдими-йўқми, деб ўйлаб қолди Синди. Онасининг газета ўқиб ўтирганини кўрган кизлар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Улар ҳамма гапдан хабардор эдилар. Лекин оталаридан жаҳллари чикмаганди. Бошларига тушган кулфат уларни шунчалик кўркитиб қўйгандики, ҳамма нарсани кечириб юборишга тайёр эдилар. Синди ҳам худди шундай туйғулар қуршовида эди. Уни ўтмиш эмас, келажак кўпроқ хавотирга солаётганди. У Изабель билан эрининг шунчаки дўст бўлишганига ишонмасди. Ҳамшира уларни Биллнинг палатасига чақирди.

Эрининг палатасига кираётиб Гордоннинг Изабелнинг ёнидан чиқиб келаятганига кўзи тушди. Жуда билгиси келса-да, «Геральд трибюн»ни кўрдингизми, деб сўрашга ҳадди сиғмади. Чунки Гордон жуда ташвишли, ҳорғин кўринди.

Изабелнинг аҳволи ҳеч яхшиланай демасди. Ҳозиргина Гордонга унинг юрак уриши бир текисда эмаслигини ва ўпкасига суюқлик йиғила бошлаганини айтишди. Ҳар дақиқада зотилжам бошланиши хавфи бор, агар бошланса, Изабелнинг ўлиши аниқ эди. Гордон шифокорлар билан бирга янги операция ҳақида гаплашиб олгач, меҳмонхонага қайтди.

Синди ва кизлари кетгач, Билл ҳамширадан Изабелнинг аҳволини сўради. Унинг барча ички аъзолари эзилганлиги сабаб ҳаёти ҳамон қил устида эди.

– Уни кўришимга рухсат берасизми? – секингина сўради Билл. У кун бўйи шу ҳақда ўйлаганди. Хотини, ҳатто кизлари ҳам бу фикридан қалғита олмаганди.

– Бунинг иложи бўлмаса керак, деб кўрқаман, – бош чайқади ҳамшира. – Жарроҳдан рухсат ололмаймиз, чунки жароҳатларингиз жиддий, сиз кимирламай ётишингиз керак. Хоним эса сизнинг келганингизни барибир сезмайди. Лекин Билл ҳамширанинг гапи билан тинчимасди. Доктор келгач, унга ҳам шу саволни берди: бор-йўғи бир дақиқага. Аҳволини кўрмоқчиман, ҳолос...

– Унинг аҳволи яхши эмас, – тўғриси айтди доктор. Жароҳати кўп. Бугун эрига айтгандик, у Францияга олиб кетмоқчилигини айтди. Лекин хонимни ўрнидан қўзғатиш мумкин эмас. Докторнинг гаплари Биллнинг юрагига ханжардек ботди. У Изабелни ҳеч қандак олиб кетишларини хошламасди.

– Шунинг учун ҳозир уни кўришингизнинг фойдаси йўқ жаноб Робинсон, – афсус билан деди доктор. У калондимоғ, кўпол Гордон Форрестьедан кўра Биллни кўнглига яқин олиб қолганди.

Бугун ҳам қайсар Форрестьени хотинини Францияга кўчириш фикридан зўрға қайтаришганди. У шифохонанинг барча ходимларини ҳақорат қилишга улгурган ва уни ҳеч ким бу ерда ёқтирмасди.

– Ҳеч ким йўклигида мени каравотимни унинг хонасига олиб ўтишнинг иложи йўкми? – ялинганнамо сўради Билл жарроҳга тикилиб.

Доктор ўйланиб қолди. Беморларнинг бир-бирига муносабати ҳақида у ҳеч нима билмас, билишни хоҳламасди ҳам. Лекин Билл Изабелни кўриб келса, бундан ҳеч кимга зарар етмасди. Жарроҳ фақат бир нарсадан, у ҳам бўлса Гордон Форрестъенинг қаҳридан кўркарди.

– Мени бугун тунда у ёкка олиб боринглар, узок қолиб кетмайман.

– Келинг, яхшиси эртагача кутиб турайлик, – кўнмади доктор.

Изабелнинг йўлакнинг нариги томонида ётгани ва у ёкка ўз оёғи билан бора олмаслиги Биллнинг юрагини эзарди. Унинг қўли, оёғи, бутун танаси ўзига бўйсунмасди. Билл гўдак каби ёрдамга муҳтож, лекин шунга қарамай, одамларга фикрини ўтказа олиш қобилятини йўкотмаганди.

– Сизга йўқ дейишга ўзимда қуч тополмайман шекилли, – жилмайди ниҳоят таслим бўлган доктор.

Вақт ярим тундан ўтган бўлиб, шифокор палатадан чиққач, хонага ҳамшира ва иккита бакувват эркак кириб келди. Билл нима гаплигини тушунгунича улар каравотни йўлакка қараб юрғизишди.

– Қаёққа кетяпмиз? – безовталанди Билл.

Унга жавобан ҳамшира жилмайиб қўйди.

– Демак...

Уларни йўлакда кутиб турган шифокор энгашиб шивирлади:

– Агар бу ҳақда бировга оғиз очсангиз, ўзим сизни қайта қомага тушириб қўяман. Бу ишимиз ҳамма конун-қоидаларни бузиш билан баробар.

Санитарлар устомон ҳаракатлар билан Биллнинг каравотини Изабелнинг каравотига келтириб такашди. У кўз кири билан Изабелнинг бинт билан ўраб ташланган бошинигина кўра олди, холос. Бор кучини ишга солиб чап қўлини Изабелнинг бармоқларига теккизди. Кейин атрофдагиларни буткул унутиб, кўзида ёш билан унга гапира бошлади.

– Салом, Изабель... Бу мен Биллман... Азизам, сен уйғонишинг керак... Жуда кўп ухладинг... Қайтар вақтинг бўлди... Мен сени севаман, жонгинам... – Бир оз нафас ростлагач қўшимча қилди. – Ҳаммаси яхши бўлади.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, уни жойига қайтаришди. Сайр Биллни жуда ҳолдан тойдирди. У хонасига ранги ўчган ва чарчаган ҳолда қайтди. Уйқуси келмай анчагача Изабелни ўйлаб ётди ва бирдан яқинда кўрган тушини эслади. Иккаласи нурга қараб талпинганини, Изабелни орқага қайтишга мажбур қилганини хотирлади. Гордон уни Францияга олиб кетиб қолиши мумкинлигини ўйласа, юраги орқага тортиб кетарди. Бугун у Изабелни кўрганидан мамнун бўлиб, лабида табассум билан уйқуга кетди.

Эрталаб Синди Биллни кўриш учун шифохонага келганида ҳамшира уни овқатлантириб ўтирарди. Ҳалоқат содир бўлганига тўрт кеча-кундуз бўлган бўлса-да, Биллнинг аҳволи яхшимас, лекин асосийси, унинг ҳуши ўзида ва тирик.

– Ахволинг қалай жонгинам, – қувноклик билан сўради Синди. Кун иссиқлиги учун у футболка ва шорти кийиб олганди. Қизлари Лондон бозорларини айланишга кетишган.

– Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?

– Эҳтимол, бир қўл теннис ўйнармиз? – табассум билан жавоб берди Билл, лекин овози заиф чиқди. Бугун эрталаб у кўзи хира кўраётганидан шикоят қилганди. Шифокорлар хайрон бўлишмади. Чунки мия чайқалишининг асоратлари ҳали анчагача ўз ишини қилишини улар билишади. Шифокорлар уни қайта назоратдан ўтказишга келишишди. Уларнинг хулосасидан қайта операция қилишга ҳожат йўқлиги маълум бўлди. Лекин бир нарса ҳаммага аён эди – Биллнинг тузалишига ҳали анча бор. Бундан ташқари, унинг соғлиғи бутунлай тикланидими ёки қисманми, вақт кўрсатади. Синди билан Билл бу мавзуда ҳали гаплашиб олишмаган. Лекин иккаласи ҳам умуртқа поғонаси лат едими, демак, қолган умрини ногиронлар аравачасида ўтказиши мумкинлигини яхши тушунишарди. Синди бу ҳақда гап очишга шошилмаса-да, тинмай шу ҳақда ўйларди. Улар ҳозирча Билл бутунлай шол бўлиб қолмаганига шуқур қилишарди.

– Қизлар қалай, зерикшмаяптими? – сўради Билл Синди креслони суриб жойлашиб олгач.

– Яхши юришибди. Бироз айланиб, кейин сени кўргани қилишади.

– Улар уйга қайтишса ҳам бўларди. Бу ерда нима ҳам қилишарди?

– Рози бўлишмаса керак... Биз шундоқ ҳам бир-икки ҳафтага Европа бўйлаб саёҳатга чиқмоқчи эдик. Ҳозир эса сени ташлаб кетишга кўнишмайди, – у жилмайиб гапиришга ҳаракат қилса-да, Билл кўзларини олиб қочарди. – Агар ахволинг бироз яхшиланса, ўзим уларни бир-икки кунга Парижга олиб бориб келарман.

– Менинг қачон уйга қайтишим аниқ эмас, Синди. Қизлар бутун ёзни бу ерда ўтказишлари шарт эмас. Колаверса, ўзинг ҳам.

– Барибир қиладиган бошка ишим йўқ, – деди Синди бемалол.

– Демак, охирги кунларда анча ўзгарибсан. Чунки олдин ҳаракатда бўлардинг, Синди. Бир караса, теннис турнирига югурардинг, бир караса, меҳмонга... Бу ерда мен билан кимирламай ўтираверсанг, ақлдан озиб қолишинг ҳеч гап эмас.

– Сени бу ерда ёлғиз қолдирмайман, Билл, – жиддий жавоб берди Синди. – Оливия билан Жейнни эса уйга жўнатаман. «Қайгуни ҳам, қувончини

хам бирга бахам кўрамиз», деб касам ичганмиз, эсингдами? Менинг эсимда. Сени бу ерда ёлғиз ташлаб кетиш ниятим йўк.

– Мен энди катта бола бўлиб қолганман, – деди жиддий қилиб Билл. Синдининг юраги «шув» этди. У эри ҳозир қандайдир нохуш гап айтишини ҳис этиб турарди.

– Сен билан худди шу хусусда гаплашиб олмоқчи эдим, яъни «қайғу ва қувонч» хусусида. Охириги йилларда менинг айбим билан биз қанча қайғули кунларни бошимиздан кечирдик. Чунки мен ҳар доим ишда бўлардим, сенга ва қизларимга кам вақт ажратардим.

– Биз бунга кўникканмиз ва сени айбламаймиз. Ўзимни жабрдийда, деб ҳисобламайман ва бизнинг оилавий шароитимиз мени кониктиради, – ўйчан жавоб берди Синди.

– Йўк, шикоят қилишингга арзийдиган сабаблар кўп, Синди. Ўзимда ҳам. Бизларни боғлаб турган ришталар узилган, аллақачон узилган, Синди. Бизнинг умумий режаларимиз, умумий дўстларимиз ҳам йўк. Сен асосий вақтингни нима билан ўтказишингни билмайман ҳам. Охириги пайтларда ўзим ҳам каердалигимни сенга айтиб қўйишни лозим топмайдиган бўлиб қолгандим. Умуман олганда, бу сени қизиқтиришига унчалик ишонмайман. Тўғриси айтсам, сени бу ерда кўриб, ҳатто ҳайрон бўлмадим. Мен ўлиб кетсам, фақат хурсанд бўласан, деб ўйлардим.

Билл бу гапларни ҳеч бир қийналмай, худди оддий гапларни гапираётгандек айтарди. Лекин у хотинининг саноксиз ишқий саргузаштлари ҳақида оғиз очмади. Ўз вақтида Синди унинг ҳаётидаги биргина ишқий саргузаштини минг бора юзига солган. «Мени ерга урдинг», дейишини қўймасди. Лекин Билл ҳақиқий жентльменларча йўл тутиб, бирор марта унинг гоҳ теннис инструкторлари, гоҳ гольф усталари ва ҳатто дугоналарининг эрлари билан бўлган ишқий саргузаштларини, уни кўп йиллар давомида таҳқирлаб келганини юзига солмаганди. Аввалига Синди ундан ўч олиш мақсадида, кейинчалик эса ўзига эътибор қаратиш ниятида хиёнат қилганди. Лекин у нотўғри йўл танлаганлигини тушуниб етгунча кўп сувлар оқиб кетиб бўлди. Бора-бора Билл ҳаммасидан кўз юмишга ўрганди ва шу билан бирга Синдига бўлган муҳаббати ўлди. Ўттиз йил олдин хотинига нисбатан туйган ҳисларидан асар ҳам қолмаган. Ҳозир у хотини ёнидалиги учун миннатдор эди, албатта, лекин уни севмас ва бундай ҳаёт уни кониктирмасди.

– Бундай дейишинг яхши эмас! – хафа бўлиб хитоб қилди Синди. – Сен ҳалокатга учрасанг, мен ёнингга бўлмай уйда ўтира олармидим? Қандай қилиб бундай ҳаёлларга бординг? Нима, менда юрак йўкми?

– Йўк, жонгинам, юрагинг борликка бор, – ғамгин жилмайди Билл. – Фақат унда менга ўрин йўк.

– Илгарилар мен бунга кўнардим, лекин кейинчалик, вақт ўтган сайин ҳеч нимани ўзгартиришнинг иложи йўклигини тушундим. Сен билан ҳамма гапни уйга кайтганимдан сўнг батафсил гаплашиб олмоқчи эдим...

Синди кулокларига ишонмасди. Тақдирнинг ҳазилини қаранг, эндигина у Биллни жонидан ортиқ севишини тушундим деганида, у ҳаммаси тугади, деб турибди.

– Изабель Форрестье билан боғлиқми? – кўзида ёш билан сўради Синди. – Сен уни севасан, шундайми?

Иложи борица хотиржам гапиришга ҳаракат қиларди. Билл «чапга чопадиган»лар сирасига кирмасди. Бир пайтлар конгрессменнинг хотини билан бўлган муносабати ҳам анча жиддий кечганди. Ўшанда кизлари ва хотинидан бутунлай жудо бўлишни хоҳламагани учунгина у билан алоқани узган.

– Бу умуман Изабелга боғлиқ эмас, – тўғриси айтди Билл. – Менга боғлиқ. Мен нега ҳалигача эр-хотин эканимизни тушунмайман. Балки одат бўлиб қолгани учундир, балки ҳафсаласизлик ёки қизларимиз ёш бўлгани учундир? Хуллас, ўзим ҳам тушунмайман. Сен ўз билганингча яшайсан, мен ўзимча. Менимча, сен бундан яхшироғига лойиқсан, мен ҳам.

Синди унинг ҳақлигини ичидан ҳис қилиб турса-да, бу гаплар қалбига озор берарди.

– Лекин биз ҳали ҳаммасини ўзгартиришимиз мумкин. Ҳалоқатдан кейин сени ҳали ҳам қаттиқ севишимни тушундим. Қанчалик аҳмоқ бўлган эканман-а!.. – унинг гапларига ойдинлик киритишнинг ҳожаги йўқ эди, чунки иккаласи ҳам гап нима ҳақиқалигини тушуниб турарди.

– Балки сен кўп вақтингни ишга сарфлаганинг, бизга кам вақт ажратганинг учун жаҳлим чиққандир ва ўзим ҳам вақтимни кўнгилли ўтказишга қарор қилгандирман? Тўғри, мен аҳмоқлик қилдим, ўзимни ярамасларча тутдим, лекин энди... Энди мен бизни қанчалик кўп нарсга боғлаб турганини, бир-биримизни қанчалик севишимизни тушуниб турибман... – Синди кўз ёшларини тиёлмай, йиғлаган кўйи эрининг қўлидан тутди. – Сени йўқотишим мумкинлигини тушунганимда кўрқиб кетганимни кўрсайдинг! Мен сени севаман, Билл... Муносабатларимизга нуқта қўйишга шошилма, ҳали вақтли...

Биллнинг кўзлари бунинг аксини айтиб турарди.

– Афсуски, жуда кеч, Синди. Бизни фақатгина қизларимиз ва дўстона муносабатларимиз боғлаб турибди. Шу сабабли ҳам сен шу ердасан. Сенинг ўрнингда мен ҳам худди шундай қилган бўлардим. Сен мени йўқотишдан кўркма, йўқ. Мен аллақачон йўқотганман. Шунинг учун ҳам ҳаммасига тинчгина нуқта қўйишни таклиф қиляпман. Агар никоҳимизга тиш-тирноғимиз билан ёпишиб олсак, бир кун келиб бир-биримизни ёмон кўриб қоламиз. Мен эса бундай бўлишини хоҳламайман, – ўзим учун эмас, қизларимиз ҳақки. Агар ҳозир яхшиликча бир-биримиз билан хайрлашсак, кейин бир умрга дўст бўлиб қоламиз.

– Мен сенинг хотинингман, – у мағлуб бўлаётганини билса ҳам таслим бўлгиси келмасди, – мен сенга факат дўст бўлиб қолмайман.

– Бошқа иложимиз ҳам йўк. Бир кун келиб сен менинг дўстларимдан бири билан ўралашиб қолишинг ҳам мумкин. Ўшанда ундан ҳам қаттиқ ранжийман.

– Энди ўзимни унақа тутмайман... – хўрлиги келиб йиғлаб юборди Синди. Эридан бундай гапларни эшитаман деб сира ўйламаганди у. Синди Биллнинг ҳеч гапдан хабари йўк, деб ишонарди. Қолаверса, эрининг ўзи ҳам худди шундай йўл тутаетганига ишончи комил эди. Лекин Билл ўта андишали ва инсофли одам. У чин юракдан севиб қолиши мумкин, лекин ўнгу сўлига югуриш феъл-атворига тўғри келмасди. Балки шунинг учун ҳам Изабелни севиб қолгандир? Эрининг ўта виждонлилиги ва фақатгина чин мухаббатни тан олишини тушуниб етган Синди баттар кўркиб кетди.

– Мен энди жазман орттирмайман, сўз бераман сенга. Ҳозир ҳам ҳеч ким билан юрмаяпман...

– Барибир ўша ишингни яна киласан. Балки сен ҳақдирсан? Биз иккаламиз ҳам ёлғизмиз. Ҳатто, ёнма-ён турсак ҳам бизни миллион миль масофа ажратиб турарди. Одамзодга бундай яшаш азоб.

– Сен унга уйланмоқчимисан? – энди Синди бор овози билан йиғлаб юборди.

Биллнинг унга ичи ачиди. Лекин ўйлаганини охиригача етказишга қарор қилди. У Синдига муте қолишни хоҳламасди, охир-оқибат Синди ундан нафратланадиган бўлиб қолади. Чунки у эрини узок йиллар давомида парвариш қила оладиган аёллардан эмас. Билл эса қолган умрини тўшаққа михланиб ўтказиш эҳтимоли борлигини билар ва шунинг учун ҳам Синди билан алоқани буткул узиб, ўз ғамини ўзи ейишга қарор қилганди. Билл учун бошқа йўлнинг ўзи йўк.

– Йўк, мен унга уйланмоқчи эмасман. Агар тирик қолганида ҳам Форрестье билан ажрашмайди. У албатта ғирт аблах. Лекин Изабелнинг касал боласи бор. Йўк, Синди, ҳамма гап бизнинг ўзимизда, бир кун келиб сен мендан миннатдор бўласан ҳам, ўзингнинг тенгингни топасан... Олдин вақтимиз хуш эди, лекин бизнинг қарашларимиз бир-бирига тўғри келмайди. Мен «карама-қаршилиқлар иттифоқи» деган гапга ишонмайман. Ҳар ҳолда бизнинг ёшимизда ҳамфикрлар керак экан. Сен ҳар доим бошқача яшашга интилдинг. Ёшлиқда бунга кўпам аҳамият бермаганман. Энди эса хато қилганингни тушуниб турибман. Сенга қувноқ, хушчақчақ, базму жамшидларни хуш кўрадиган йигит керак. Менга ўхшаб ишдан бошқасини билмайдиган, боласидан кўра кўпроқ кейинги президентнинг ташвишини қиладиган маньяк сенга тўғри келмайди. Мен умримни охиригача кизларимга кўп вақт ажратмаганим учун ўзимни кечиролмасам керак.

– Сен ажойиб отасан, ҳар доим қизларинг билан яхши тил топишардинг. Улар сени қаттиқ яхши кўришади.

– Мен улар билан камдан-кам бирга бўлардим, – хўрсинди Билл. – Албатта, вақтни ортга қайтариб бўлмайди, лекин энди хатоимни тузатмоқчиман, тезликни биров пасайтиришимга тўғри келади.

Билл кизалоқлари катта бўлиб қолганини, энди улар билан катта одамдек муомала қилиш лозимлигини тушуниб турарди. У вақтини бой берганига ўкинди.

– Хўш, энди нима қиламиз? – хўрсинди Синди.

– Менимча, биз ажрашишимиз керак. Ўртамизда сақланиб қолган иликликни асраб қолишнинг ягона йўли шу. Мен сенга дўст бўлиб қолмоқчиман.

– Қўйсанг-чи! – жилмайди Синди кўзида ёш билан. – Бизни ташлаб кетасан, деб ҳеч ўйламаган эканман.

Шунда Синдининг хаёлига уч кун олдин ўйлаган фикри келди. Балки Билл ростдан ҳам ногирон бўлиб қолганини билиб, яшашни хоҳламаётгандир? Эҳтимол, бу ҳалокатнинг, жароҳатларнинг асоратидир? Тушқунлик ўз ишини қилаётган бўлса-чи?!

– Менга қара, Билл, сен ростдан ҳам ажрашишни хоҳлаяпсанми? Балки... Сен даҳшатни бошингдан ўтказдинг. бундай ҳолда, табиийки...

Билл унинг гапини шарт бўлди:

– Йўқ, бу ишни кўп йиллар олдин қилишим керак эди, Синди. Фақат ўзимда журъат топа олмагандим. Бунга ҳалокатнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

– Нахотки? Журъатинг энди етгани ғалати. Мен сени ҳамон севишимни тушуниб етганимда, сен бизни ташлаб кетмоқчисан. Сенга айтсам, Билл Робинсон, бемаврид қарор қабул қилдинг, жуда бемаврид... – шундай дея Синди яна йиғлаб юборди. – Агар ҳаммасини билган бўлсанг, нега мени тўхтатмадинг, нега қайтармагандинг ўшанда?

Билл индамади. Синди айтган гапидан хижолат бўлди. Уни Билл қайтариши шарт эмас эди. Нотўғри йўлдан ўзи қайтиши керак эди. Буни иккаласи ҳам тушуниб турарди.

– Биласанми, назаримда, мен ҳақиқатга тик қарашни хоҳламаганман, ҳар хил баҳоналар ўйлаб топаверганман. Кейинчалик эса кўникиб қолганман. Лекин энди ўзимга матал тўкиб яшашни истамайман. Умримнинг қолганини ёлғизликда ўтказишга ҳам розиман, лекин ёлғон ичида яшашга энди ўзимни мажбур қилолмайман. Сенингча, бу нотўғрими?

– Нотўғри, – тўғриси айтди Синди. – Сендан айрилгандан кўра ёлғонда яшаш яхшироқ мен учун. Қолаверса, бизга энди ёлғоннинг ҳам кераги йўқ. Менга имконият бер. Қайтадан ҳаёт бошлайлик. Бу сафар ҳаммасини тўғри қиламан, мана, кўрасан, – ҳозир Синди Билл бир вақтлар ўйлаган оккўнгил кизга ўхшаб кетди. Бундан Биллнинг кўнгли бузилди.

– Энди жуда кеч, нахотки тушунмаётган бўлсанг?

– Ахир одамларга нима дейман? – Синди ажрашган аёл тамғасини қандай кўтаришни ўйлаб қийналарди.

– Ниҳоят аклим кириб, ишдан бошқасини билмайдиган эримнинг орқасига бир тепдим дейсан, – кулди Билл, кейин жиддий тортди: – тўғриси айтсам, буни анча олдин, яъни мен эсимни еб, ҳафтасига бир юз қирқ соат ишлай бошлаганимдаёқ қилишинг керак эди. Синди, оиламиз барбод бўлганига фақат сен айбдор эмассан. Иккаламиз ҳам қўп хатога йўл қўйдик, – Билл ҳар доимгидек инсоф билан гапирди. Мана шу инсоф, андишалилиги Синдини баттар қийнади. Биллга ўхшаганлар жуда камдан-камлигини, бунақа лотерея ютуғи унга қайтиб чиқмаслигини Синди яхши биларди.

– Қизларга-чи, уларга нима дейман?

– Буниси қийинроқ бўлади. Қизларимизга қандай тушунтиришни яхшилаб ўйлаб олишимиз керак. Улар қатта бўлиб қолишди, лекин ўзгариш кимга ҳам ёқарди, дейсан. Бизни тушунишади, деб умид қиламан.

– Ўзгаришлар менга ҳам ёқмайди, – ҳикиллади Синди.

Юзага келган вазиятнинг энг оғир томони Биллнинг гарданига тушаётганини тушунмасди. Биллнинг олдида узун ва машаққатли йўл турарди. У саломатлиги борасида хомхаёлларга берилмас ва бундан кейин умуман оёққа тура олмаслиги мумкинлигини биларди. Ва бу азобларнинг барига у ёлғиз бардош бериши кераклигини ҳам ҳис қиларди. Чунки Синди ногирон билан яшаб, уни парвариш қила оладиган даражада меҳрибон ва бардошли эмас. У ҳеч қачон Изабель Теддини парвариш қилгани каби Биллга қарай олмасди. Шунинг учун ҳам Билл танҳоликни танлаганди.

Синди йиғлай-йиғлай ўрнидан туриб дераза ёнига борди. Шу пайтда хонага америкалик элчи Стивенс кириб келди. У ҳалокат ҳақида «Трибюн»дан ўқиган ва жуда хафа бўлганди. Синдининг йиғидан шишиб кетган кўзларига қараб ўзича ачиниб қўйди. Оилавий можаронинг устига келиб қолгани унинг хаёлига ҳам келмасди.

У тезгина Биллнинг қаравоти ёнига келиб, унинг қўлларидан тутди.

– Вой худойим, Робинсон, сизга нима бўлди? Ўтган ҳафтада сиз билан учрашишимни режалаштириб қўйгандим-а!..

– Қатта тезликда келаётган автобус билан беллашмоқчийдим, лекин қарангки, автобус ютиб чиқди. Бир аҳмоқлик қилдим-да, энди ҳеч қачон бундай баҳс бойлашмайман, – жилмайишга ҳаракат қилди Билл.

У жуда чарчаганди. Хотини билан суҳбатлашиш ҳолдан тойдирганди.

– Синди, қизларингдан бир хабар олмайсанми? – деди у. – Тоза ҳавода айланиб келсанг яхши бўларди, менимча.

Жавоб беришга ҳам ҳоли қолмаган Синди жимгина бош ирғади. У элчининг ёнида гапни қўпайтириб ўтиргиси келмасди. Ҳозир қизлари билан

хам гаплашгиси йўқ. Мехмонхонага бориб тўйиб-тўйиб йиғлаб олишни ўйларди.

– Кечкурун яна келаман, – деди у ва эрининг юзидан ўлиб қўйди. Кўз ёшларини зўрға тийганича, – сени севаман, азизим, – деди ва шошиб чикиб кетди.

– Бечора Синди, унга кийин бўлди! – деди элчи уни нигоҳи билан кузатиб қўйиб. Бу оилани у анчадан буён биларди. Ўзи асли нью-йорклик бўлиб, бир вақтлар, ҳатто президентликка номзодини ҳам қўймоқчи эди. Ўшанда айнан Билл бу йўлдан қайтарган. Чунки у барибир ютиб чиқолмасди. Лекин элчилик вазифасини яхши бажарарди. У Лондонда уч йилдан буён элчи бўлиб ишлар, президент ундан яна шу вазифада қолишини сўрамоқчи бўлиб юрганди.

– Ўзингизни яхши хис қиляпсизми? – ташвишланиб сўради элчи.

– Ҳозир анча яхшиман.

– Бирор ёрдам керак бўлса бемалол, – деди у курсига омонатгина ўтириб. Хотини унга қўп ушланиб қолмасликни тайинлаганди.

– Айтарли ҳеч нима керак эмас. Арзимайдиган нарсалар: янги бўйин, янги умуртқа, яхшигина бир жуфт оёқ ва шунга ўхшаш майда-чуйдалар, – ҳазиллашишга ҳаракат қилди Билл. Лекин кўзлари ғамгин эди.

– Докторлар нима дейишяпти, қандай истикболлар ваъда қилишяпти?

– Мутлақо ҳеч нима дейишмаяпти. Порлоқ истикбол ҳақида гапиришга ҳали эрта. Қолаверса, Франклин Рузвельт мамлакатни ўрнидан турмай бошқара олганида, мен ҳам бир амаллаб эпларман.

Иккаласи бу шунчаки ҳазил эканини тушуниб турарди. Ҳалокат нафакат иш фаолиятига, балки ўзини жисмонан соғлом эркак деб ҳисоблашига ҳам таъсир этиши мумкин эди. Ҳали хотини билан ажрашиш ҳақида гаплашишганида шуни ҳам назарда тутган эди. Чунки Синди бундай ҳолга ўла қолса ҳам қўнмайди.

– Сизни бу ерда яна қанча пайт олиб қолишмоқчи ўзи?

– Ҳали анча, шекилли, – хўрсинди Билл.

Бугунги кун уни жуда ҳолдан тойдирди. Билл нафакат хотини билан алоқасини узган, балки Изабелдан ҳам айрилиб қолиши мумкин эди. Олдинда соғлигини тиклаш учун курашдан бошқа ҳеч нима қўринмасди.

– Нима бўлганида ҳам бизга суянишингиз мумкин, – иложи борица қувноқ гапиришга ҳаракат қилди элчи. – Грейс ҳам, албатта, сизни кўргани келади. У сизни чарчатиб қўйишдан қўрқди. Агар бирор ёрдам керак бўлса, торгинмай элчихонага қўнғироқ қилаверинг ёки Синди Грейс билан боғлансин. Биз қўлимиздан келган ёрдамга тайёرمىз. Синдининг кўриниши унча яхши эмасди, шўрлик сизни ўйлаб қийналяпти, шекилли. Грейсга айтаман, бугуноқ унга қўнғироқ қилади.

Билл унга жилмайиб қўйди. Лекин Синди ва қизларини Коннектикутга қайтариб юбормокчилигини айтиб ўтирмади. У элчи билан эски кадрдон бўлса-да, ажрим хакида гап очгиси келмади. Гоҳ соатига, гоҳ Биллга қараб қолган элчи анча қолиб кетганини сизди. Хотини ҳақ, Биллнинг аҳволи ачинарли. Беш дақиқалар гаплашиб ўтиргач, элчи кетди. Бундан бир неча кун илгари Биллнинг назарида элчи кексайиб қолган киши эди. Бугун эса у ёш ва кучга тўлган кишидек кўринди. Чунки у «ўз оёғи билан хонадан чиқиб кета олади», ўйлади Билл ва оғир хўрсинди.

Элчи кетганидан сўнг вақт имиллаб ўта бошлади. Синди ҳам келмади. Билл уни хонасида йиғлаб ўтирганини ўйлаб ачиниб кетди, лекин фикрини ўзгартирмади. У тўғри қарор қабул қилганига ишончи комил эди. Бир кун келиб Синди мендан миннатдор бўлади, деб ўйлади ва уйқуга кетди. Палатага мутахассис шифокор кириб келди. У ҳеч бир қувонтирадиган хабар айтмади. Шунчаки кутилаётган натижалардан яхши ва ёмонларини санаб ўтди. Рентген тасвирларига кўра, Билл энди ҳеч қачон юролмайди. Бир кун келиб оёқларини ҳис қилиши мумкин, лекин тик тура олиши гумон. Машқлардан кейин балки қўлтиктаёқда ҳаракат қилар, аммо шифокор ногиронлар аравачаси минг бора қулай, деб таъкидлади. Бу ҳали нохуш хабарларнинг ҳаммаси эмас эди. Энг ёмони, энди у танасининг белидан пастки қисмидаги барча сезгиларидан жудо бўлиши мумкин экан. Шу билан бирга артрит ривожланиб, доимий офихга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Лекин Билл яхшилаб машқ қилса, баъзиларини қисман бўлса-да, тикласа бўларкан. Шифокорнинг ҳисоблашича, бўйин ҳаракатининг тикланишига тўрт-беш ой, оёқларини даволашга эса камида бир йил вақт керак. Албатта, яна бир-икки марта жарроҳлик операцияси ўтказиш мумкин, лекин барибир фойдаси кам. Шунинг учун шифокор, тажриба ўтказишни маслаҳат бермайман, деди. Чунки операциялар муваффақиятсиз чиқса, Билл бутунлай фалаж бўлиб қолиши мумкин эди. Бундан ташқари доктор баъзи шифокорлар соғайиб кетишига ваъда бериши ҳам мумкинлигини, лекин уларнинг гапини жиддий олмаслигини айтиб огоҳлантирди. Билл рози бўлди. Охирида шифокор Биллга шу бир-икки йил ичида ўз устида каттиқ ишлаши лозимлигини ва шундагина бир қадар натижаларга эришиши мумкинлигини таъкидлади. Кейин бир оз сукутдан кейин қўшиб қўйди:

– Баъзи чекловларга ўзингизни руҳан тайёрлашингиз лозим бўлади. Тўғри, бу жуда ноқулай, лекин ҳар ҳолда ҳаёт тугади, дегани эмас-ку!

Билл жавоб бермади. У ичини кемираётган саволни беришга ўзида куч тополмай қийналарди. Тўлақонли эркакдек ҳаёт кечириш энди унга насиб қиладими-йўкми, биллолмай ич-ичидан ваҳимага тушарди. Уни қийнаётган саволни сезиб ўтирган шифокор очикчасига жавоб беришга аҳд қилди.

– Ҳозирча хақиқий соғлом эркакдек ҳаёт кечиришингиз хакида гапиришга эрта. Лекин оёқларингиз вақт ўтган сайин тикланиши мумкин... – у

иложи борича, беморнинг кўнглига каттик тегмасликка ҳаракат қилиб гап-рарди. — Агар рафиқангиз бир оз сабр қилса, — жилмайиб таъкидлади доктор, — ҳаммаси яхши бўлади. Билл унга ҳам хотини билан ажраш-моқчилигини, бошқа аёллар билан эса муносабат ўрнатиш нияти ҳам йўқлигини айтиб ўтирмади. Соғайиб кетса, энг яхши усул, яъни боши билан ишга шўнғиб кетишни мўлжаллаб турарди. Чунки иш у учун нохуш ҳаёллар-дан қутулишнинг энг қулай воситаси бўлиб кўринарди.

Доктор кетгач, Билл ўйланиб қолди. У эшитган гапларини хазм қилолмай саросимага тушганди. Бутунлай шол бўлиб қолиши мумкинлигини билса-да, ногиронлар аравачаси унда ваҳима уйғотди. Бир ўлимдан қолганлигини бил-лар, лекин соғлом ҳаёт кечирмаслиги уни қийнади. Изабель ҳақида ўйларкан, қайта-қайта бирга ўтказган дамларини эслади. Буларнинг ҳаммаси тўрт кун-гина илгари бўлганига ишонгиси келмасди. Тўрт кун аввал Изабель билан «Аннабелз»да ракс тушишганди... Энди эса ҳеч қачон ракс тушолмайди. Иза-бель эса ҳамон ҳушсиз. Наҳотки, энди ҳеч қачон унинг ёқимли чехрасини кўра олмаса, мулойим овозини эшита олмаса? Биллнинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Ҳамшира кириб келганида у унсиз йиғлаб ётарди. Шифо-кор беморнинг ёнида анча қолиб кетганидан ва далда берадиган ҳеч бир хабар айтмаганидан ҳамширанинг унга раҳми келди. «Шундай чиройли, — ғайратли эркакнинг ёрдамга муҳтож ётиши жуда ачинарли бўларкан», ўйлади у юраги ачишиб.

— Оғрик қолдирувчи дори берайми, жаноб Робинсон? — сўради у мулойимлик билан.

— Йўқ, ўзимни яхши ҳис қиляпман. Форрестье хонимнинг аҳволи қандай? Бирор бир ўзгариш борми? — У кимни кўрса, Изабель ҳақида сўрарди. Лекин ҳамширалар сабабини билишмасди. У ҳалокатга ўзини айбдор санагани учунми ёки ўрталарида қандайдир туйғу борлиги учунми, Изабелга бунчалик меҳрибонлик қилишининг сабабини тушунишмасди.

— Ҳаммаси ўша-ўша. Яқинда эри келиб кўриб кетди. Барибир қўлидан ҳеч нима келмайди. Шунинг учун Парижга қайтиб кетди, шекилли?

Билл Гордон ҳақида гап кетса, асаби бузиларди. У ҳамширадан Изабелни бориб кўришга рухсат сўради.

Биллнинг чин дилдан илтимос қилиб мўлтираб турганидан ҳамшира-нинг унга раҳми келди.

— Ҳозир бир иложини қиламан, — деди у ва чиқиб кетди. Беш дақиқа-лардан кейин у иккита санитар билан кириб келди. Улар дарҳол каравоти-нинг тормозини бўшатиб эшикка қараб юрғизишди.

Изабелнинг палатасида навбатчилик қилаётган ҳамшира уларга эшикни очди ва каравотни палатага эҳтиёткорлик билан олиб киришди. Ҳамширалар одоб юзасидан четга чиқиб, уларни ёлғиз қолдиришди. Билл бўйнини иложи борича буриб, Изабелга қаратди, секин бармоқларидан тутди.

– Бу менман, Изабель... Сен уйғонишинг керак, севгилим. Кайтар вақтинг бўлди, мен сени соғиндим. Ахир қанчадан буён гаплашганимиз йўқ. Сен Теддига ҳам, менга ҳам кераксан, азизам. Кўнглингни оча қол энди, – Биллнинг юзини кўз ёшлари юварди. У Изабелнинг қўлини маҳкам ушлаганча овоз чиқармай йиғларди. Ҳамширалар уни олиб кетиш тараддудини кўришаётганида тўсатдан эшик қарсиллаб очилди ва остонада Гордон Форрестье пайдо бўлди.

Кўрқиб кетган ҳамширалар шу заҳоти палатани тарк этдилар.

– Марҳамат қилиб жаноб Робинсонни палатасига элтиб қўйинглар! – буюрди Форрестье.

Билл индамади. Вазият шу қадар қалтис эдики, Форрестьенинг ёнидан ўтиб кетаётган Билл унинг қаҳрли нигоҳидан эти жунжикиб кетди.

– Агар яна бир марта сизни унинг палатасида тутиб олсам ёки кирганингизни эшитсам, Робинсон, мен сизни бу шифохонадан изингизни қуритаман. Тушундингизми? – Гордон ғазабдан қалт-қалт титрар, ранги докадек оқариб кетганди. Изабель унга тегишли эди. Шу сабабли Биллни унга яқинлаштиргиси келмасди.

– Мени кўркита олмайсиз, жаноб Форрестье, – хотиржам жавоб берди Билл ундан нигоҳини узмай. – Элчи Стивенс мен учун туриб бера олади. Қолаверса, элчининг мен учун курашишига ҳожат ҳам йўқ. Изабель билан биз шунчаки дўстмиз. Анчадан буён дўстмиз. Ишонтириб айтаманки, сизнинг ғазабингизга сабаб бўладиган ҳеч иш қилгани йўқ, машинада бир бора ўпишганимизни ҳисобга олмаганида, деб ўйлади ичида Билл, лекин буни Гордон билиши шарт эмас, деб гапириб ўтирмади. – Мен ундан жуда хавотир оляпман. Сиз жуда омадли одамсиз, Форрестье. У – бетакрор аёл. Тирик қолишини мен ҳам сиздан кам тиламаяпман. Балки кўпроқ тилаётгандирман? Шунинг учун ёрдам бергим келяпти, ёнида бўлгим келяпти...

– Уни тинч қўйинг. Шундок ҳам уни ўлдиришингизга бир баҳя қолди. Бемаҳалда у билан битта машинада нима қилиб юргандингиз? Наҳотки, одамлар нима дейди, деб ўйламадингиз? Папарациларга суратга туширтириб, ўзингизни ҳам, мени ҳам аҳмоқона вазиятга солиб қўйдингиз. Ҳаммаси босди-босди бўлиб кетади, деб ўйлаган бўлсангиз керак-да? Лекин ундай бўлмади. Яхшиси унинг палатасидан ҳам, бизнинг ҳаётимиздан ҳам узоқроқ юринг. Сизнинг иштирокингиздаги можароларнинг менга кераги йўқ.

– Менинг иштирокимда ҳали ҳеч қандай можаро бўлгани йўқ! – Энди Биллнинг ҳам жаҳли чиқди.

– Йўғ-э?! Нима бўлганида ҳам мен сизга унинг палатасига киришни тақиқлаб қўяман Тушундингизми?

– Нега уни бунчалар ёмон кўрасиз? – секингина сўради Билл чиқиб кетаётган Гордондан. У ўқ теккандек қотиб қолди, кейин секин ўгирилди:

– Ақлдан озганмисиз? Нега уни ёмон кўрарканман?! У менинг хотиним-ку! Сизнингча, нега унда hozir мен бу ердаман?

– Бошка иложингиз ҳам йўқ-да! Келмасангиз, ўзингизни унинг учун кайгураётгандек килиб кўрсата олмасдингиз. Нега бу ердалигингизни ик-каламиз ҳам яхши биламиз. Шунчаки, хўжакўрсинга, одоб юзасидан келиб ўтирибсиз. Изабелнинг тақдири сизни умуман ташвишлантирмайди. Форрестье, олдин ҳам унинг учун ташвишланганмисиз-йўқми, буни фақат худо билади.

– Сиз... итвачча экансиз! – ўқирди Гордон ва югуриб чикиб кетди. Унинг хотинига бўлган муносабатини Билл фақат Изабелдан билиши мумкинлигидан ғазабланарди. Бу итдан таркаган менинг оилам хақида кўп гапни билади, шекилли, ўйлади Гордон. У ўзини кўйишга жой тополмасди.

Синди кизлари Биллни кўргани келганида у хали-хамон жанжал таассуроти билан ётарди. Улар бир оз гаплашиб ўтиришди, кечки овқатни Оливия дадасига қошиқчада едириб қўйди. Бўйнидаги кискич хамон Биллга мустақил ҳаракат қилишга ҳалал берарди.

– Доктор ҳеч нима демадимми? – сўради Синди кетиш олдидан.

– Хотинингиз сиздан узоқроқ юрсин деди, – шивирлади Билл жавобан. Синдининг кўзлари ёшланди.

– Ҳазиллашдим-ку! Доктор айтдики, кўп ишласам оёғимни қимирлатадиган бўларканман. Зўр-а! Ким билади, дейсан, балки мўъжиза рўй бериб юриб кетарман? – у хали ҳам умидини узмаганди. – Даволашни уч ҳафтадан кейин бошлашаркан.

– Даволашни уйда давом эттирса ҳам бўлар, – юмшоқлик билан сўради у. Ҳали ҳам эрининг кўнгли юмшашидан умидвор бўлиб.

– Билмадим, кўрамиз, – у мавзунини ўзгартириш учун гапни бурди. Қизларининг ёнида гапни давом эттиргиси келмади. – Ўзингдан гапир. Қачон уйга кетмоқчисан? – ҳорғин сўради Билл. Эрталабки можаролар уни ҳолдан тойдирганди.

– Қизлар яна бир ҳафта қолишмоқчи. Агар ахволинг яхши бўлса, мен ҳам улар билан бир икки кунга Парижга бориб келарман. Кейин яна ёнингга қайтаман, – У Биллга ялинганнамо нигоҳ ташлади. Биллнинг унга раҳми келса-да, юмшамади:

– Керак эмас, – деди у юмшоқлик билан. – Ҳаммаси жойида бўлади, хавотир олма. Қизлар билан кетавер. Ота-онангни кўргани Мэнга бормоқчи эдинг, бориб кела қол. Мен яқинда барибир Штатларга кетмоқчиман.

Биллнинг қиладиган ишлари кўп эди. Ҳали яхшироқ тиббиёт муассасаси ва яшайдиган жой топиши керак. Энг аввал эса Оливия билан Жейн-

га қарорлари ҳақида айтиши лозим. Асосийси, буни Синди билан бирга қилиши керак. Қизлари ота-онаси дўст бўлиб қолишларини билишлари шарт.

Синди қизлари билан меҳмонхонага кетди. Билл эса туни билан кўз юммасди. У Изабелни кўргиси келса ҳам таваккал қилгиси йўқ, чунки Гордон хоҳлаган пайтда келиб қолиши мумкин. Бугун оғир кун бўлди. Кун давомида у энди ҳеч қачон юра олмаслигини, эркакдек тўлақонли ҳаёт кечирмаслигини, ажралишга қарор қилгани, Изабелнинг эри билан тортишиб қолгани...

– Ҳалокатдан кейин шунча гап бўлиб ўтибди, деб ўйлаб хўрсинди Билл.

VII ҚИСМ

Гордон Форрестье душанба куни эрта саҳарлаб Парижга учиб кетди. Кетишдан олдин у шифохонага қўнғироқ қилиб, вазиятни суриштирди. Ўзгариш йўқлигини билгач, Изабелнинг ҳамма нарсасини йиғиштириб, ўзи билан олиб кетди. «Лондонда ўтираверганим билан ҳеч нима ўзгармайди, шифокорларнинг ўзи ҳам Изабель хушига келадими ёки комада ётганича ўлиб кетадими, аниқ айтишолмаяпти», деб ўйлади. Ҳалокатга беш кун бўлган бўлса-да, Изабелнинг ҳамон тириклиги яхши аломат бўлиб, ҳар бир янги кун имкониятига имконият қўшарди.

Самолёт Парижнинг Шарль де Голл аэропортига келиб қўнғач, Гордон бахтсиз ҳодисани болаларга айтиш керак, деган хулосага келди. Изабелнинг соғайишидан умид қилиб, бу мавзунини ҳар кун орқага суриб келаётганди. Лекин яқин орада Изабелнинг соғайишидан умид йўқлигини тушунгач, бошқа чораси қолмади. Софи катта киз бўлиб қолган, ҳақиқатдан хабардор бўлишга ҳаққи бор. Тедди эса хоҳласа-хоҳламаса, билиши лозим. Гордон кизи Португалиядан келгандан сўнг Теддига бор гапни айтмоқчи эди. Ҳарқалай опаси уни биров овути оларди. Таксига ўтирган Гордон бетгачопар америкалик билан бўлиб ўтган можарони эслади. У ҳали ҳам Биллнинг сурбетлигидан ўзига келолмасди. «Ғапни қаранг: нега хотинингизни ёмон кўрасиз, эмиш! Уят дегани йўқ буларда», ўйлади Гордон.

Бировнинг оиласини яқиндан билмаган одам бундай савол беролмайди. Билл бундай маълумотни фақатгина Изабелдан олиши мумкинлиги Гордоннинг қўнғилига гўлғула солди. Аслида у хотинини ёмон кўрмасди. Тедди туғилгандан кейин шунчаки Изабелнинг борлигини унутган. Унинг назарида оиласи бошига тушган кулфатларга фақат Изабель айбдор. Хуллас, Изабель унинг учун хотин эмас, балки Теддининг ҳамширасига айланган эди. Балки Изабель Билл билан муносабатини «эрим мени ёмон кўради», деб оқламоқчи бўлгандир? Газеталар таъкидлагани тўғри чиқиб, улар ростдан

хам «Аннабелз»га бирга боришган бўлса, демак, муносабатлари у кадар бегубор эмас. Демак, Билл Робинсон ёлғон гапирган. Гордоннинг хаёлида шу каби саволлар чарх урар, лекин жавоби йўқ эди...

Нохуш хаёллар Гордоннинг гашига тегар, лекин буни рашк деб бўлмасди. Чунки анча йиллардан буён хотинига нисбатан ҳеч қандай туйғуси қолмаган. Шифохонадан кета туриб, у америкаликни хотинининг палатасига киришни катъий тақиқлаганди. Ҳамширанинг гапларини диққат билан эшитиб, ёзиб олган бўлса-да, лекин Гордон буйруғи бажарилишига унчалик ишонмади. Чунки уни шифохона ходимлари ёқтирмай қолишганди. Билл Робинсонни эса инсон сифатида ҳам, сиёсатдон сифатида ҳам ҳурмат қилишарди. Тан олиб айтиш керакки, Робинсон ҳақиқатан ҳам қудратли одам.

Гордон аэропортдан тўппа-тўғри офисга йўл олди. Иш бўйича бир-икки жойга қўнғироқ қилди. Котибасига вазиятни тушунтирди. У эса «Интернэшнл геральд трибюн»да Изабель ва Биллнинг суратини аллақачон кўрганини айтиб ўтирмади. Раҳбарининг феъли оғир, иш топиш эса қийин. Гордон Софига – Португалияга қўнғироқ қилишни котибасига буюрди. Лекин Софи дугоналари билан чикиб кетган бўлиб, телефон гўшагини ҳеч ким кўтармади. Гордон унга хабар қолдиришга мажбур бўлди. Софи отасига анчадан кейин қайта қўнғироқ қилди. Гўшакни кўтаришдан олдин Гордон чуқур тин олди.

– Лондон қандай экан? – сўради Софи қувноқ кайфиятда. – Ойим билан яхши дам олдингларми?

– Лондонга борганимни қаердан биласан? – хайрон бўлди Гордон. У Лондондалигини ўғли билан унинг ҳамширасидан бошқа ҳеч кимга айтмаганди.

– Дам олиш кунни Тедди билан гаплашгандим. У сизга айтмадимми?

– Ҳали Теддини кўрганим йўқ. Аэропортдан тўғри банкка келдим.

– Унда ҳозир уйга қўнғироқ қиламан. Ойимдан баъзи нарсаларни сўрашим керак...

– Ойинг сен билан гаплаша олмайди, – шошиб қизининг гапини бўлди Гордон.

– Охирги кунларда у анча толиққанди. Энди бу чалкашликни ҳам ҳал қилиши керак.

– Нега, бирор жойга кетдиларми?

– Ҳа, ойинг ҳозир Лондонда.

– Нахотки, нега қолдилар? – Софи ойиси Теддини шунча кундан буён ёлғиз ташлаб кетганига ишонгиси келмасди. – Энди қачон қайтадилар? – хайрон бўлиб сўради у.

– Ҳозирча номаълум, – деди Гордон яна бир бор нафасини ростлаб олди-да, деди: – Софи, ойинг автоҳалокатга учраган...

Гўшакдан жавоб келмади.

– Жуда жиддий ҳалокатга. Менимча, сен уйга қайтишинг керак.

– Қандай қилиб? Аҳволлари яхшими? – Софи йиғидан энтикиб гапиролмай қолди.

– Ойинг ўтирган машинага автобус келиб урилган. Ҳозир у комада. Жароҳатлари жиддий, шунинг учун ҳар нарса бўлиши мумкин. Сенга бу хабарни телефонда гапирётганимдан афсусдаман. Парижга тезроқ қайтишга ҳаракат қил, – Гордон қизини қанчалик яхши кўрмасин, гаплари ўта расмий чиқаётганини сезди. У бировнинг, ҳатто энг яқин одамларининг ҳам дардига шерик бўла олмасди.

– Вой худойим... худойим! – Софи ўзини тутолмай бақириб йиғлаб юборди. Кўринишдан отасидек совуққон бўлса-да, бу дахшатли хабар уни ларзага солганди. Софи бир умр укасини йўқотиш мумкинлигига ўзини тайёрлаб келганди, лекин онасини.... У гарчи билдирмасликка ҳаракат қилса-да, онасини жуда яхши кўрарди.

– Дада... ойимнинг аҳволлари шунчалик оғирми? Ўлиб қолишлари мумкинми? – у ўзини тўхтатолмай йиғларди.

Гордон дарров жавоб қайтармади.

– Бўлиши мумкин, – шивирлади сўнг ўзига ўзи гапиргандек. Шунда унинг ёдига онаси ўлган пайтдаги хотиралар ёпирилиб келди ва чорасизликдан довдираб қолди. – Лекин ойинг ҳали тирик, – деди нохуш хаёлларни миясидан қувишга ҳаракат қилиб. – Ҳар ҳолда умид қилсак бўлади. Фақат аҳволи унчалик яхши эмас.

Софи янада каттикроқ йиғлади. Гордон сабр қилиб унинг тинчланишини кутди. Лекин қизини овутишни хаёлига ҳам келтирмади. У ойиси ҳар дақиқада дунёдан кўз юмиши мумкинлигини болалари билиши шарт деб ҳисобларди.

– Тедди-чи, унинг хабари борми? – кўрка-писа сўради Софи.

– Йўқ. Унга сен келганингдан кейин айтмоқчиман. Иложи борица тезроқ қайт.

– Майли, – хўрсинди Софи ёш боладек. – Лекин аввал Лондонга борсам-чи, ойимни кўргим келяпти.

– Йўқ, аввал тўғри уйга кел! – Жеркиб берди Гордон.

У Теддига нохуш хабарни ёлғиз ўзи айтишдан кўрканидан кизига каттик гапириб юборди.

– Яхши, – йиғлаб рози бўлди Софи.

– Йўлга чиқишдан олдин менга кўнғироқ қил. Сени кутиб олишга одам жўнатаман, – ўзи чиқиб кутиб олиш хаёлига ҳам келмади. Ҳатто шундай оғир вазиятда жондан ортиқ кўрадиган қизи учун ҳам у ўз қобиғидан чикмади.

– Бугун кечкурун етиб боришга ҳаракат қиламан, – деди Софи. Лиссабонгача икки соатлик йўл бўлса-да, Софи кечгача етиб боришга сўз берди. Акс ҳолда эртанги рейсга қолиб кетиши мумкин.

Қизи билан гаплашиб бўлгач, Гордон уйига кетди. Тедди яхши кайфиятда уни кутиб олди ва дархол онасини сўради.

– Ойим қани? Пастдами? – у ойисини жудаям соғинган, тезроқ кўриш истагида ёнарди.

– Йўк, у бошка жойда, – ноаниқ мингирлади Гордон. – Кечкурун Софи келади Португалиядан.

– Ростданми? – хурсанд бўлди болакай. – Ойим Софини икки ҳафтадан кейин келади дегандилар-ку. Нега у вақтли кайтяпти? – ҳушёр тортиб сўради Тедди. Чунки опаси билан телефонда гаплашганда у қайтиш ҳақида оғиз очмаганди. Ҳеч нимани тушунмаган Тедди яна саволини қайтарди: – Ойим қани?

Гордон тўғриси айтишга кўрқди. Лекин болакай жуда сезгир, фаҳмли бўлиб, уни узок пайт алдаб туриш кийин эди.

– Мен ҳозир келаман, бир-икки жойга қўнғирок қилишим керак, – жавобдан қочди Гордон.

– Ойим қани? – кичкирди Тедди яна дадаси эшикни ёпаётганда.

Гордон Софи келгунча вақтни қисқартириш учун кутубхонага кирди. Лекин кўп ўтмай эшик секин очилди. Остонада ранги оқарган, ҳаяжонланган Тедди турарди. Гордоннинг оғзи очилиб қолди, ўғли ҳамширага ҳам кулок солмай ўзи мустақил зинадан тушиб келганди.

– Сиз ниманидир яширяпсиз, – ҳолсиз ўтириб қолди Тедди.

Гордон бир умр ўзини ўғлидан олиб қочиб юрган, лекин ҳозир унинг қатъияти олдида ўзини иложсиз қолгандек ҳис қилди. Илгари ўғлини сира бундай ҳолда кўрмаганди. Назарида Тедди бир неча ёшга улғайиб қолгандек эди.

– Мен ойимнинг қаердалигини билишим керак, – у ўтириб олиб буйруқ оҳангида гапирди. Бу ердан Теддини фақат куч билан чиқариб бўларди. Гордон ўғлига ғазабланиб тикилди, лекин ичида кўркув бор эди. «Энди ҳақиқатни айтишдан ўзга чорам йўк», ўйлади Гордон.

– Ойинг ҳозир Лондонда, – гапни чўзишга ҳаракат қилди у. Тедди ундан кўзини узмади.

– Нега?

– У ерга кўргазмани томоша қилишга борганди, – кўзини олиб қочди Гордон.

– Буни ўзим ҳам биламан. Олти кун бўлди. Ойим нега сиз билан қайтиб келмади, деб сўраяпман.

Гордон ўғлини биринчи марта кўраётгандек тикилди. У ўғлининг ҳаёти қил устида турганини билгани учун ҳам жавобгарликдан ва шу қилнинг узилишига сабабчи бўлиб қолишдан қўрқарди.

– Ойинг.. У автоҳалокатга учраган, – деди секингина Гордон кўзини ердан олмай.

Теддининг нафаси ичига тушиб кетди. Бироздан кейин овози зўрға чикиб шивирлади:

– Яхшимилар ишқилиб?

– Ҳаммаси яхши бўлишидан умидворман. Ҳозирча ҳеч нима деёлмайман. Аҳволи оғир. Бундан афсусдаман.

Тедди Гордон кўркканидек йиғлаб, тўполон кўтармади. У сўзсиз отасига тикилиб қолганди. Ниҳоят тилга кириб:

– Ойимнинг ўлиб қолишига йўл қўйманг, – деди ялиниб.

– Бу менинг ихтиёримда эмас. Ўзинг тушунасан-ку, ойингга бирор гап бўлишини мен ҳам хоҳламайман.

Тедди индамади ва отасига ишонкирамай тикилди. У онасининг қанчалик бахтсизлигини яхши биларди. Гордон ғалати бўлиб кетди. Шу икки кун ичида Гордонни Изабелга нисбатан ёмон муносабатда иккинчи марта айблашлари эди. Бу Гордонга ёкмади.

– Демак, Софи шунинг учун қайтаётган экан-да? – сўради Тедди. Отаси бош ирғаб қўйди. Хона тўрида керилиб ўтирган Гордон ногирон ўғлини овуттиш учун кучоклаб қўйишга ҳам ярамади.

– Мен сиз ёки Софи билан бирга Лондонга боришим керак, – деди Тедди узил-кесил қилиб. – Сиз қачон отланаяпсиз? Ойим ёлғиз қолмаслиги керак.

– Билмадим, – елка қисди Гордон. – Мен сенинг ёнингда бўлишим керак деб ўйлагандим.

Тедди отасининг гапига эътибор бермади. У ўз хаёли билан банд эди. Ўғлининг йиғи-сиғи қилмагани Гордонга қаттиқ таъсир қилди. Ўғли у ўйлагандан кўра иродалироқ экан.

– Ойим билан гаплашмоқчиман. Ҳозир кўнғироқ қилсак бўладими?

– Йўқ. Ҳалокатдан кейин ойинг ҳали ўзига келгани йўқ... Бошидаги жароҳат сабаб комада.

– Худойим! – шу вақтгача ўзини тутиб турган Тедди бор дахшатни ҳис қилиб йиғлаб юборди. – Ҳозирок ойимнинг ёнига бораман, ҳозирок!..

– Борганинг билан ойинг барибир билмайди, кейин бу сен учун хавфли... Лондонга бориш соғлигингга тўғри келмайди.

– Мен соппа-соғман, – кўз ёшларини артиб бақирди отасига. – Биз унинг ёнида бўлишимиз керак. Ойим ҳар доим менинг ёнимда бўлганлар. Энди менинг навбатим. Ойимни ёлғиз қолдиришимиз яхшимас дада, яхшимас!

– Кел, Софи қайтгунча кутиб турайлик, – уф тортди Гордон. – Ҳозир эса юқорига чикиб бироз дам ол. Бу сенга ёмон таъсир қилиши мумкин.

Тедди билганидан қолмади. У фақат битта гапни такрорларди. Унинг учун махсус қурдирилган лифтда кўтарилганда ҳам, ўрнига кириб ётганда ҳам нукул «ойимнинг ёнида бўлишим керак» деб йиғларди. У ҳеч ўзини босолмасди. Хавотирланган ҳамшира унинг иссиғини ўлчади. Ҳарорати баланд

эди. Нохуш хабар нимжон болага қаттиқ таъсир килганди. Гордон ҳам худди шундан кўркканди.

Софи етиб келганида Тедди хали ухламаган эди. У соат саккиздаги рейсга улгуриб, ярим тунда Парижга етиб келди. Машина шовқинини эшитган Гордон эшикка чикди. Отасини кўрган Софи йиғлаганча ўзини унинг бағрига отди:

– Илтимос, дадажон... ойимнинг ўлиб қолишига йўл қўйманг, – Гордон илгари кизини ҳеч қачон бу қадар қайғули кўрмаганди. Софи бироз тинчланиб олгач, юқорига – укасининг олдига кўтарилди. Опа-ука узок вақт кўришмагандек бир-бирини маҳкам бағрига босиб, юм-юм йиғлашди. Остонада болаларини кузатиб турган Гордонга бу қаттиқ таъсир килди. У шунча воқеадан кейин биринчи марта ростакамига эзилди.

– Мен ҳам сизлар билан Лондонга, ойимнинг ёнига бораман, – ҳикиллади Тедди опасини кучоғидан қўйиб юбормай. Гордоннинг қовоғи уюлди.

– У ерга боришинг шартмас, – дарров эътироз билдирди у. Хонада Теддининг борлигига эътибор ҳам бермай. – аҳволи оғирлашиб қолиши мумкин.

– Ойим ҳам бунга рози бўлмаган бўлардилар, Тедди, – деди Софи отасининг гапини бироз юмшатиш учун.

– Ойимни кўргим келяпти. Хушсиз бўлсалар ҳам майли. Мен ёнларида эканлигимни сезадилар.

– Ойинг сезадиган аҳволда эмас, – қаршилиқ билдирди Гордон. У ўғлининг сафарга чиқишини бефойда ва хавфли деб ҳисобларди.

– Агар ойим ҳеч нарсани сезмасалар, унда сен нега боряпсан? – опасидан сўради Тедди.

– Чунки Софи соғлом, – кизининг ўрнига жавоб берди Гордон. – У Лондонга учади, мен эса сен билан қоламан.

– Сиз бормайсизми? – ҳайрон бўлди Софи. Отаси бош чайқагач, индамай қўя қолди.

– Мен сен қайтганингдан кейин бораман. Истасанг, у ерда бир кеч қолишинг мумкин.

– Бир-икки кун қолсам дегандим.

– Ихтиёринг, лекин узок қолиб кетма, – шундай дея у Теддини опасига топшириб, елкасидан тоғ ағдарилгандек хонадан чиқди. Софи туни билан Теддининг бошида ўтириб чиқди. У уйғонганида опаси йўлга шай бўлиб турарди.

– Кетяпсанми? – уйқусираб сўради у. – Мен ҳам бораман... – деди, лекин ҳолсизлигидан бошини ҳам кўтара олмади. Софи анчадан буён укасини бу қадар оғир аҳволда кўрмаганди. Ёмон хабардан Тедди ўзини анча олдириб қўйганди.

– Мен тезда қайтаман, – дея укасининг қўлидан ўпди Софи ва шошиб хонадан чиқди. У йўл олдидан отаси билан ҳам хайрлашмоқчи эди, лекин

у аллақачон банкка кетиб бўлганди. Қизининг бориши ҳақида «Клэриж»га хабар бериб қўйишни унутмаган, ҳайдовчи уни пастда кутиб турарди. Ярим соатдан кейин Софи аэропортга етиб борди. Кун ярмидан окқанда эса самолёт Хитроу аэропортига қўнди. «Клэриж» меҳмонхонаси машинаси уни тўғри Авлиё Фома шифохонасига олиб кетди. Софи кап-катта қиз бўлиб қолганига қарамай, худди ёш боладек кўрка-писа шифохонага кирди. Унинг кимлигини билгач, ҳамшира Изабель ётган палатага қараб йўл бошлади. Қарама-қарши хонада ётган эркак киши йўлакка термулиб ётганига Софининг кўзи тушди. Оёқ учида палатага киргач, онасини кўриб қотиб қолди. Изабелнинг юзида қон йўк, бутун танаси ўраб ташланган. Фақатгина аллақандай узатгичлару резина ичаклар кўриниб турарди. Софи кўз ёшларини тўхтатолмай қаравотга яқинлашди ва онасининг қўлидан тутди. Ҳамширалардан бирининг фаҳми етиб унга стул суриб бермаса, шу аҳволда тураверарди.

Софи онасининг қўлини ўпиб тинмай йиғлар, ўлиб қолмаслигини ўтиниб сўрарди. Лекин монитордаги чироклар ҳаракатини ҳисобга олмаганда Изабелда жон асари сезилмасди. Онасининг аҳволи Софи ўйлагандан кўра оғирроқ эди. Унинг тирик қолишига ишониш қийин. Софи онасининг ёнида узоқ қолиб кетди. Рўпарадаги палатада ётган киши ҳамон унга қараб турарди. Ҳамширалар ўша беморга Софининг кимлигини айтишди, аслида Билл қизни бир кўргандаёқ таниганди. Унинг қаршисида ёш Изабель турарди.

Қиз «Софи» деган овоздан чўчиб тушди. У бегона жойда кимдир отини айтиб чақирганидан ҳайрон эди. Секин ўрнидан туриб қарама-қарши палатага яқинлашди.

– Мени чақиряпсизми? – деди бироз каловланиб.

– Менинг исмим Билл Робинсон. Ойингизнинг дўстиман. Мен ҳам ўша машинада эдим, – деди нотаниш киши кечирим оҳангида. – Бўлган воқеадан афсусдаман.

Софи ундан кўз узмай бош силкиди. Онасидан бу дўсти ҳақида сира эшитмаганди. Робинсон унга яхши одамдек туюлди. Бирга ҳалокатга учраган бўлишса-да аҳволи дурустрок экан, ўйлади Софи.

– Аҳволингиз яхшими? – сўради у остонада турганча. Бу одамнинг кимлиги-ю, нега онаси билан битта машинада юрганини тушунолмасди.

– Бўйним ва умуртқам шикастланган, холос. Ойингизнинг аҳволи меникидан оғирроқ, – ғамгин жавоб берди Билл. Унинг ўрнида бўлиб қолишга ҳам розиман, Софи. Иложи бўлса, жонимни ҳам берардим.

Бу гаплардан Софи каттиқ таъсирланди. Лекин кўчага камдан-кам ҳолларда чиқадиган ойисининг бу одам билан қандай, қачон дўстлашганини сира ақлига сиғдира олмасди.

– Бу хабарни Тедди қандай қабул қилди? Унга айтдингларми? – сўради Билл.

– Дадам кеча кечкурун айтдилар, – жавоб берди Софи баттарроқ ҳайрон

бўлиб. Бу одам оиланинг барча аъзоларини биларди. – У жуда хафа бўлди, иссиғи чиқиб кетди. Бу ёкка келишни истаганди... Тедди учун эртагаёқ қайтишимга тўғри келади. Аслида бир-икки кун юрмоқчи эдим. Лекин ҳозир унга керакман, ахволи оғир укамнинг.

Биллнинг кўзларига ёш тўлди. Софи худди онасининг ўзи эди.

– Софи бирор ёрдамим керакми? – ўзи ёрдамга мухтож бўлса-да, ҳозир ғамга ботган кизга мадад бергиси келди.

– Йўк, раҳмат. Ҳаммаси жойида, – деди Софи. Лекин ҳаммаси жойидамаслиги кўриниб турарди.

– Қаерга жойлашдингиз?

– «Клэриж»га.

– Менинг хотиним ва кизларим ҳам ўша ерда. Бирор ёрдам керак бўлса, бемалол уларга қўнғироқ қилишингиз мумкин, – у гапини тугатмасдан эшикдан Синди ва кизлари кириб келишди. Билл уларни бир-бирларига таништирди. Шундан сўнг Софи уларга халакит бермаслик учун одоб билан хайрлашди.

– Унинг қизими? – секингина сўради Синди.

– Ҳа. Ўғлиям бор. Фақат у оғир касал.

Синди индамади. Қизлари эртага Парижга кетаётганини, бир ҳафтадан сўнг яна Лондонга қайтиб келишларини маълум қилди. Бу фикр Биллга ҳам маъқул келди. У ажрим ҳақида кизларига Париждан қайтиб келишганидан кейин айтишни хотини билан келишиб олганди. Улар кетгач, Билл яна Изабель ҳақида ўйлади. Кечга яқин Софи яна келди. Бу сафар у Биллнинг палатасига ҳам кирди.

– Ўзингизни яхши хис қиляпсизми, жаноб Робинсон? – ҳол сўради у.

– Ҳаммаси ўша-ўша. Ўзингиз-чи?

Софининг кўзлари ёшланди. Онасининг ахволидан унинг юраги эзилиб борарди. Билл уни тушунди. Чунки ҳамширалар Биллга Изабель шу аҳволда йиллаб ётиши ва ҳушига келмай оламдан ўтиши ҳам мумкин, деб айтишганди. Билл бунга ўта адолатсизлик деб ҳисобларди. Изабелнинг ўрнига ўзи ўлиб кетишга ҳам рози эди.

– Ойим билан қандай танишгансизлар? – сўради Софи унинг хаёлларини бўлиб. Отаси онаси билан яна кимдир ҳалокатга учраганини айтмаганди. Бу жумбоқ кизга жуда ғалати туюлди.

– Биз ойингиз билан анча йиллар илгари Париждаги Америка элчихонасида танишганмиз, – у Изабель ҳақида гап очилганидан хурсанд эди. – Баъзан бирга тушлик қилардик, баъзида эса телефон орқали гаплашардик. У менга сиз ва Тедди ҳақида кўп гапириб берган.

Софи «бир-бирингизни севармидингиз», деб сўрамоқчи бўлди-ю, лекин ўта одобсизлик бўлишидан чўчиб оғиз очмади. Онаси дўсти ҳақида нега гапирмаганлигини ҳеч тушунолмасди.

– Дадам билан ҳам танишмисизлар? – кизикди у.

Билл жилмайиб кўйди:

– Ҳа, танишимиз. Ҳалоқат туфайли у мендан қаттиқ хафа. Айтишича, ўшанда бирга кечки овқатга бормаганимизда ҳалоқат ҳам рўй бермас экан. Унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам шундай ўйлаган бўлардим.

– Сиз айбдор эмассиз. Ҳамширалар ҳайдовчингиз ҳам вафот этганини айтишди. Нега бу бахтсизлик рўй берди, тушунмайман, – Софи йиғлаб юборди. – Менинг ойим жуда ҳам яхши, нима учун кулфатга дучор бўлишлари керак, бу адолатсизлик...

– Ҳа, ойингиз ростдан ҳам яхши аёл.

– Мен кўпинча уйимизни яхши тутмас эдим, – тан олди бир оз сукутдан сўнг Софи. – Жаҳл қилардим. Кичкиналигимда эса ойим кўп вақтини Тедди билан ўтказишидан хафа бўлардим.

– У сизни жуда яхши кўради, Софи. Ҳар доим «ажойиб кизим бор», деб сизни мактарди, – Билл унинг кўнглини кўтаргиси келди, қўлидан бошқа ҳеч нарса келмасди.

– Ўша тунда ойим бахтлимидилар? – дея ғамгин сўради Софи. Бу ғалати савол эди.

Билл ўша тунда биринчи ва охириги бўсаларини эслади.

– Ҳа. Ўша куни биз ажойиб кўргазмани томоша қилдик. У жуда бахтиёр эди. Кейин эса бирга овқатлангани бордик. Мен аслида Лондонга Америка элчиси билан учрашгани келгандим, – ёлғон гапирди Билл. – Ойингиз билан «Клэриж»да учрашиб қолдик ва айланиб, бирга кечки овқатга боришга қарор қилдик. Анчадан буён учрашмаган эдик-да! – Билл Софига Изабель билан тасодифан учрашиб қолмаганини, уни қаттиқ севишини айтгиси келмади.

– Ойимнинг қувончли кунлари жуда кам. Ҳар доим Теддининг ёнидалар. Уйдан бошқасини билмайдилар.

– Биламан. У бошқача йўл тута олмайди ҳам, чунки сиз билан Теддини жудаям яхши кўради. Софи маъқуллагандек бош ирғади. Улар анчагача жим қолишди. Кейин Софи ўрнидан турди. Ҳалигача Биллнинг кимлигини била олмаган бўлса-да, негадир кўнглида унга нисбатан хайрихоҳлик уйғонди:

– Эртага сиздан яна хабар оламан. Уйга кетишимдан олдин, албатта, кириб ўтаман, – деди у.

– Хурсанд бўламан. Мен билан суҳбатлашганингиз учун раҳмат, Софи.

Эртасига эрталаб Синди кизлари билан келиб хайрлашиб кетди. Кейин Софи келди. Онасининг ёнида бир соатча ўтиргач, Биллнинг палатасига кирди. Биллнинг хомуш ўтирганини кўриб, оиласи кетиб ёлғиз қолганлигидан, деб ўйлади.

– Хайр, жаноб Робинсон, – деди у кета туриб. – Тезда соғайиб кетасиз, деб умид қиламан.

Билл, яна қачон келасиз, деб сўрамоқчи бўлди. Лекин, саволи ноўрин туюлиб, фикридан қайтди.

– Ўзингизни эҳтиёт килинг... ойингиз ҳаққи. Софи, Теддига ҳам эътибор килинг, – унинг кўзлари ёшланди. – Сизни унутмайман.

– Мен черковга бориб сизнинг ҳақкингизга дуо қиламан, – ваъда берди Софи. У онасининг шундай ёқимтой, меҳрибон дўсти бўлганлигидан қувонди.

– Мен ҳам дуо қиламан, – Билл қизнинг кўлидан ўпди. Софи хижолатомуз жилмайиб хонадан чиқди. Билл анчагача кўзларини юмиб уни ўйлаб ётди.

Бироздан кейин уни яна Изабелнинг ёнига олиб боришди. У ҳамон ҳаракатсиз ётарди.

– Қизинг жуда ажойиб, Изабель. У билан нега бунча фахрланишингни энди тушундим, – Билл Изабель уни эшитиши мумкинлигидан аллақачон умидини узган бўлса-да, гапирарди. Бир оздан сўнг уни палатасига қайтаришди. Билл умидсизликдан чарчаганди. Шифохона ходимлари унинг кўшни палатага қиладиган «сайр»ларига кўникиб қолишганди. Қолаверса, баъзи ҳамширалар Изабелни фақат Билл ҳаётга қайтариши мумкин, деб ҳисоблашарди.

VIII ҚИСМ

Софи йўл бўйи Билл ҳақида ўйлаб борди. У жуда маданиятли ва андишали одам экан, онаси бежизга дўст тутинмаган. Ҳамширалардан бири Биллнинг энди ҳеч қачон юра олмаслигини айтди, лекин Биллнинг ўзи бу хусусда оғиз ҳам очмади. У фақат Изабель ҳақида қайғурарди. Софи онаси билан укасини ўйлайвериб кийналиб кетди. У иккаласидан қайси бирининг ёнида кўпроқ бўлиши лозимлигини билолмай азобланарди. Охири бир-икки кун уйда – Теддининг ёнида бўлиб, кейин яна Лондонга учишга қарор қилди. Таксидан тушгач, уйларидаги ғалати сукунатдан Софининг юраги орқага тортиб кетди.

Ҳаммаёқ жим-жит, отасининг хонасида ҳам чирок кўринмасди. Софи югуриб Теддининг хонасига кўтарилди ва укасининг ахволини кўриб кўрқиб кетди.

– Шифокор ҳозиргина кетди, – тушунтирди ҳамшира. – Агар шу кеча ҳам иссиғи тушмаса, шифохонага ётқизишимиз керак экан.

Онасининг оғир ахволидан ҳали ўзига келмаган Софи бу хабардан бағтар довдираб қолди.

– Нима бўлди ўзи? – сўради у ҳолсиз креслога ўзини ташлаганча. Тедди уни келганини сезмади ҳам. Унга тинчлантирувчи дори бериб ухлатиб қўйишганди.

– Ойингиз учун қаттиқ қайғурди, – пичирлаб тушунтирди ҳамшира. – Неча кундан буён туз тотгани йўқ, ухламаяпти ҳам. Доктор бугун томчи дори

килмокчи эди, лекин у дод солиб йиғлагач, яна бир кун кутайлик, деб фикридан қайтди. Тедди ўзини анча олдириб қўйди...

– Дадам қани? – паришон сўради Софи. Охирги кунларда у кўпроқ Изабелга ўхшаб юарди.

– Қаёққадир кетди, – жавоб берди ҳамшира елка қисиб. Умуман олганда, Гордонни кечадан буён кўрмаганди, лекин бу ҳақида Софига айтгиси келмади.

– Хонимнинг ахволлари яхшими? – сўради у.

– Ҳеч ўзгариш йўқ, – хўрсинди Софи. – Нима бўлиши ҳам номаълум. Шифокорларнинг айтишича, комада узоқ ётса ҳам кейинчалик ўзига келиб соғайиб кетаркан, – деди йиғламсираб. Гарчи, шифохонада унга онангиз ҳар дақиқада кўз юмиши мумкин дейишган бўлса-да, у ҳамон онасининг қайтиб келишига умид қиларди. – Бир-икки кундан кейин яна бораман деди.

Ҳамшира Теддининг юрак уришини яна текшириб кўрди. Соат тун ярмидан ўтган бўлишига қарамай отаси ҳамон йўқ эди. Хайрон бўлган Софи ҳамширадан «дадам Теддини ахволидан хабардорми?» – деб сўради.

– Бугун офисга кўнғирок қилгандим, келиб қолса керак – деди ҳамшира.

Соат тунги учдан ошганда ҳам Гордон йўқ. Софи отасини кута-кута Теддининг хонасида ухлаб қолди. Эрталаб тура солиб отасининг хонасига югурди. У ерда ҳеч ким йўқ эди.

– Жозефина, бугун дадам уйда тунадиларми? – сўради хайрон бўлган Софи хизматкордан. У жавоб ўрнига бош чайқади ва хонадан чиқиб кетишга шошилди. «Нахотки, дадам ростдан ҳам уйга келмаган бўлса?» – кўркиб кетди Софи. Бирор гап бўлган бўлса-я! Бир оғиз айтмасдан қаёққа кетдилар экан, – ичини хавотир емирган Софи отасининг офисига телефон қилди. Бамайлихотир ишлаб ўтирган Гордон гўшакни кўтарди.

– Тедди оғриб қолди, – деди Софи йиғламсираб.

Отасига унинг хавотири таъсир қилмади.

– Биламан. Биламан. Кеча Марта айтган эди. Ҳозир унинг шифокори билан гаплашдим, – Гордон қизига бутун ташвишини ортиб қўйганидан хижолат ҳам бўлмади.

– Бугун уйда тунамадингиз?...

– Буни ҳам биламан, – захархандалик билан қизини гапини бўлди Гордон. – Дўстларим билан шаҳар ташқарисига чиққандик. Кечга қолиб кетганим, бироз ичганим учун уйга қайтмай, ўша ерда қолавердим...

Софи ойиси бир ахволда бўла туриб ичкилик кўнглига сиккан отасига қойил қолди.

– Ҳозир Лондонга кўнғирок қилувдим. Ҳеч ўзгариш йўқ, – хўрсинди у ҳамон отасини тунда уйга келмаганлигини кечиролмай. Теддига бир гап бўлса, бир ўзим нима қилардим, ўйлади Софи. Отаси, ҳатто ўзини қаердан топиши мумкинлигини ҳам айтиб кетмаганди. Лекин Гордон ўзини айбдор ҳисобламасди. Шунда Софининг хаёлига «балки дадаси илгарила-

ри ҳам тез-тез уйга келмай юрган бўлса-чи», деган фикр келди. Чунки у ҳеч қачон кечкурун ҳам, эрталаб ҳам отасини кўрмас эди. Кутилмаганда Софи ота-онасини яхши билмаслигини, олдинги ҳаёти дарз кетганини хис қилди. Отаси билан фахрланарди. Энди эса унинг ҳаётидаги қоронғу томонлар кўплигини сезиб турибди. Онасининг уйда ўтириши ва ётоғини алоҳи-далигига фақат Тедди туфайли эмасдек туюлди Софига.

– Бугун уйга келмайсизми? – хавотир аралаш сўради отасидан.

– Ҳа, бораман. Бугун кечкурун иш бўйича учрашувим бор эди. Ухлагунларингча етиб боришга ҳаракат қиламан.

– Теддини шифохонага ётқизишга тўғри келиб қолса, бир ўзим эплай олмайман-ку, – нолиди Софи.

– Шифокор ваҳима қилган кўринади. Менимча, уканг ойингни эшитиб кўриб кетган. Бу ўтиб кетади.

– Илоҳим ўтиб кетсин-да, – хўрсинди Софи. – Лондонга қачон бормоқ-чисиз?

– Бир-икки кундан кейин борарман. Ҳозир боришим бефойда. Тайинлаб қўйганман, бир гап бўлса, бизга қўнғироқ қилишади.

– Бирор гап бўлиб қўнғироқ қилишса, Париждан Лондонга етиб бор-гунимизча ойим у ёқда жон берса... Шу ҳаёлда Софининг ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. У ҳозирок ойисининг ёнига учиб боргиси келарди-ю, лекин Теддини ўйлаб ўзини тўхтатарди. Энди отаси ҳар доим ҳам уйда тунай-вермаслигини билиб олгач, укасининг ёнидан жилмаслиги лозимлигини тушунди.

Софи кун бўйи укасининг ёнида бўлди: китоб ўкиб берди, кизик воқеаларни гапириб қулдирди, онасини эслашди. У онасининг ўрнини бо-сишга ҳаракат қилди. Отаси ишдан қайтганида Софи ўлгудек толиққанди. Гордон юқорига болаларнинг ёнига кўтарилмади, балки кутубхона-да ҳаёл суриб ўтираверди. Илгарилари у Софи билан анча илик муомала қиларди, энди эса ўзини олиб қочадиган бўлган. Бу Софига сезила бошлади.

– Чарчамадингизми, дада? – қўрқа-писа сўради Софи.

– Унчалик эмас. Ўзинг-чи, кунинг яхши ўтдими? – ҳол сўраган бўлди Гор-дон.

– Кун бўйи Теддининг ёнида бўлдим, – Софи отасининг саволларга қўмиб ташлашини кутиб бироз сукут сақлади. Лекин Теддининг отини эшитган заҳоти Гордоннинг қовоғи уюлди.

– Яна нималар қилдинг? – ҳеч гап бўлмагандек давом этди Гордон. Софи дадасининг бепарволигидан ғалати бўлиб кетди. Ахир ойиси ҳушсиз ётиб-ди, укасининг ҳарорати гоҳ тушиб, гоҳ чикиб турган бўлса... Хавотир ҳам олмайди-я! Шунда у Билл Робинсонни эслади. У ойиси ҳақида қанчалик қуюниб, ташвишланиб гапирганди.

– Бошқа ҳеч нима қилмадим, дада. Фақат Теддининг ёнида ўтирдим. У каттиқ таъсирланган.

Гордон индамай бош силкиб қўйди. Кутилмаган қўнғирок овозидан Софи бир сапчиб тушди. Телефон овозини эшитса, унинг юраги ўйнайдиган бўлиб қолганди. Қўнғирок Лондондан эмас эди. Гордон «кейин ўзим қиламан» дея гўшакни жойига қўйди.

– Энди бориб ухла, – деди у қизига ўгирилиб. – Бугун сен учун оғир кун бўлибди, – қизи билан гаплашишга хуши йўқ эди унинг.

Софи ўзини ҳар қачонгидан ҳам ёлғиз ҳис этди. Ўрнидан туриб секин сўради:

– Лондонга қачон бормоқчисиз?

– Қачон лозим топсам ўшанда бораман! – бақириб берди Гордон. У борган сари онасига ўхшаб бораётган қизига зўрға тоқат қилиб турганди. Охири бўлмади, портлади.

– Сиз билан бормоқчийдим, – деди Софи отасининг газабига парво қилмай.

– Сен шу ерда қоласан. Уканга кераксан.

– Мен ойимни кўрмоқчиман! – энди Софи ҳам жahlга минди.

– Ойингга сен ёнида бормисан-йўқми, фарқи йўқ. Мен учун укангнинг ёнида бўлишинг муҳимроқ. Бу бола ва унинг ҳамширалари ташвишидан куткар мени. Банкка тинимсиз қўнғирок қилавериб, безор қилиб юборишди. Мен бекорчи эмасман-ку! Буларнинг муаммоларига вақтим борми, Софи? Бу ишларни ўзинг қил, – Гордон қизидан илтимос қилмади, балки буюрди.

– Бу бола – сизнинг ўғлингиз дада! Унга онаси ва опасидан ташқари ота меҳри ҳам керак. Нега у билан гаплашгингиз ҳам келмайди? – Софи ўзини босиб туролмади. Ичидагини тўкиб солди.

– У билан нимани ҳам гаплашардим? – газабдан ўшқирди Гордон. – Сенинг маслаҳатингга эса зор эмасман, тушундингми?

Гордон ўғли ҳақида эшитишни ҳам истамасди. Ҳозир Софи айтаётган гапларни Изабель қайтаравериб чарчаган, фойдаси йўқлигини билгач эса, индамай қўя қолганди. Олдин Изабель жонига тегди, энди эса Софи. «Соғлом бўлса ҳам майли эди», ўйлади Гордон.

Софи йиғламсираб хонадан чиқиб кетди. Илгарилари у Тедди билан дадаси ҳақида гаплашганда кўп тортишиб қолишарди. Софи доим отасининг ёнини оларди. Энди эса ноҳақ эканини тушуниб турибди. Отаси ўтакетган худбин одамлигига ўзи гувоҳ бўлди. Гордон Теддини ортиқча юк деб ҳисобларди. Шунинг учун ўғлини, унга қўшиб хотинини ҳам ҳаётидан ўчириб қўя қолганди.

Софи кўз ёшини артиб, укасининг хонасига кирди. Ҳамшира унинг яна иссиғи чиққанини хабар қилди. У укасини бағрига босганча юм-юм

йиғлади. Ойиси тезроқ ўзига келиб, тузалишини худодан ўтиниб сўраб, йиғларди. Агар ойиси тузалмаса қандай яшашларини тасаввур ҳам қила олмасди. Бугун отасининг асл башарасини кўрган Софи ойиси ва укасига кўп йиллар давомида қанчалик кийин бўлганини тушунди. Ҳозир ўзи ҳам суянчиксиз, ёрдамга мухтожлигидан эзилиб йиғларди.

IX ҚИСМ

Авлиё Фома шифохонасида ишлар бир тарзда кетарди. Ҳамширалар Биллни қон яхши айланиши учун тез-тез у ёқдан-бу ёққа ағдариб қўйишарди. Билл учун кунлар бир зайлда кечар, бирдан-бир қувончи ҳар замонда Изабелни кўриб туриш эди.

Гордоннинг тақиқларига ҳамширалар эътибор ҳам беришмаганди, аксинча Биллни тез-тез «учрашув»га олиб бориб туришарди. Буни беморнинг тузалиши учун фойдали деб ҳисоблашарди. Бу «сайр»дан кейин Биллнинг кайфияти кўтарилар ва навбатдаги «учрашув»ни сабрсизлик билан кута бошларди. У секин-аста соғая бошлаганди. Бўйни билан елкаси оғриб турсада, лекин энди бир оз ҳаракат қилар, оёғини ҳам ҳис қила бошлаганди.

Билл ҳамшираларнинг барчасига ёқиб қолганди. Улар доим Изабель билан Биллнинг муносабатлари ҳақида гапиришар, лекин уларни нима боғлаб турганини ҳеч ким аниқ билмасди. Кўпчилик иккаласини жазман деб ҳисоблар, ҳатто, хотини билан ажрашмоқчилигини ҳам эшитиб қолишганди. Лекин нима бўлганида ҳам барча уни ёқтирарди. Ҳамширалар йиғилди дегунча Биллни гапиришарди.

– Уни деб ҳушимдан айрилай деяпман, – қулди ҳамширалардан бири қаҳва ичиб ўтиришганда. – Бирам ёқимтойки! – гарчи Билл ҳамшираларга бирдек хушмуомала бўлса-да, ҳеч бирига ортикча тақаллуф қилмасди. Шунга қарамай, уни ҳамма яхши кўради. Албатта, ёнига казо-казоларнинг, айниқса Америка элчисининг тез-тез келиб туриши ҳам шифохонадагиларнинг назаридан четда қолмаган.

– Жаноб Робинсон ўзи нима иш қилади? – сўради ҳамшираларнинг иккинчиси. У беморнинг «катта» одамлигини билар, лекин қайси соҳадалигига ақли етмасди.

– Сиёсат билан шуғулланади, шекилли? – тахмин қилди Изабелнинг ҳамшираси. – У бизнинг хонимни жонидан ортик яхши кўради. Лекин афсус...

Синди кизлари билан Париждан қайтиб келди. Лекин Гордон қорасини ҳам кўрсатмади. Софи ҳам келолмади.

Ота-онасининг ажрашмоқчилигини эшитган Оливия ва Жейн даҳшатга тушишди.

– Бу нимаси? – йиғлаб юборди Оливия. – Ахир бир-бирингизни яхши кўрасизлар-ку!.. Нега жимсизлар?

Қизлар ота-онаси бир-бирини яхши кўришига ишонишарди. Уларнинг ажрашиб кетишларини тасаввур ҳам қилолмасдилар. Билл анчадан буён бирга яшаётганликларини, ажримлари расмийлаштирилса, ўзларига яхши бўлишини кизларига ётиги билан тушунтирди. Лекин у хотинининг хиёнатлари, қанчалик бахтсиз эканликлари ҳақида оғиз очмади. Қизларига ажрим ҳақида хабар берган Биллнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Хотини, «Париждан қайтиб келгунимизча, балки фикрингдан қайтиб коларсан», деганди, аммо Билл қарорини ўзгартирмади. Изабель билан бирга бўлолмаган тақдирда ҳам ёлғонга ботиб яшашни ортиқ хоҳламади. Яқинлари кетгач, Билл ўйга толди. Қизлари ҳали ҳам отасининг қароридан ўзларига келолмаганди: «Бу балки ҳалокатнинг таъсиридир, ўтиб кетар», деб сўрашди онасидан. Синди ғамгин жилмайди ва бош чайқади:

– Йўқ, отангизнинг ақли жойида. Мен ўзим бир пайтлар ақлимни еганман. Мен яхши хотин бўлолмадим... – деб тан олди. – Унинг муваффақиятидан қувониш ўрнига ғазабландим. Мустақиллиги, эркинлиги ғашимга тегарди.

– Дадам энди бир ўзлари қандай яшайдилар? – ташвишланди Жейн. – Ахир юролмайдилар-ку.

– Билмадим... – хўрсинди Синди. – Лекин отанг жуда мағрур ва лаёқатли. Бирор нима ўйлаб топар, фикридан қайтмаслиги аниқ. У ҳечам қарорини ўзгартирмайди, ҳатто хато қилган бўлса ҳам. Мен бу фикрга қаршиман, лекин у ўйламай иш қилмайди. У ажраша туриб жанжаллашмаймиз, дўст бўлиб қоламиз деганди, бунга ҳам эришди. – Синди эрига яна бир бор қойил қолди. Аммо у кизларини ўйлар, ўзининг мавҳум келажаги ҳам кўрkitарди. Энди ҳаётида Биллга ўхшаган бебаҳо инсон қайта учрамаслигини яхши биларди.

– Дадамнинг Изабель Форрестье билан алоқаси бўлган, деб ўйлайсизми? – қизикди Оливия.

– Тўғриси айтсам, билмайман. Ўзининг айтишича, ҳеч қандай алоқаси йўқ. Отанг ёлғон гапирмайди. Менимча, отанг уни яхши кўради, лекин муносабатлари чуқурлашмаган. Изабель бу муносабатларга бор-йўғи қизикиш ёки дўстлик деб қараган.

– Агар у тирик қолса, дадам унга уйланадиларми? – хавотир аралаш сўради Жейн.

– Ҳозир бу мавзунинг мавриди эмас. Шўрлик аёл ўлим ёқасида ётибди. Менимча, уйланмаса керак. Чунки отанг Форрестьени ташлаб кетмайди, қолаверса, ногирон ўғлига ҳаётини бағишлаган деганди.

– Дадам уйга... тўғрироғи Америкага қайтгач, нима қилмоқчилар?

– Билмадим. Ўзига турар жой топиб, яна ишга шўнғиса керак. Ҳали узок даволанади, яқин икки ойларда шифохонадан чиқмаса керак.

Билл қарорини ўзгартирмаслигини Синди биларди. У доим, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай мақсади сари олға интиларди. Синди

Биллни каттик хурмат килишини, кадрига етмаганини тушуниб афсусланди. Билл ҳамма айбни бўйнига олган бўлса-да, Синди ажримга кўпроқ ўзи сабабчилигини яхши биларди.

Эртаси куни эрталаб улар Штатларга учиб кетишди. Қизлар отаси билан йиғлаб хайрлашишди. Улар кетгач Билл хомуш тортиб қолди. У бутунлай ёлғизланиб қолганини биринчи бор хис қилди. У ўзини ташки оламдан узилиб қолгандек сезарди. Ҳар замонда ҳалокатни эшитган таниш-билишлари қўнғироқ қилиб қолишар, ўзи ҳам иш юзасидан бир-икки жой билан хабарлашиб турарди. Атрофида шифокор ва ҳамширалардан бошқа ҳеч ким йўқ. Бирдан-бир яқин одамнинг эса руҳи ҳамон узоқ-узоқлардан қайтмаган. Олдинда уни соғлиғини тиклаш учун машаққатли йўл турар, таскин бўладиган ҳеч гап йўқ эди. Ўша бахтсиз кунга ҳам икки ҳафта бўлиб қолганди. Биллнинг аҳволи кундан-кунга яхшиланиб борапти. Гордон Форрестье қорасини кўрсатмай қўйгани учун Билл энди Изабелни кўришга кунига икки марта бориб турарди. Адашиб қолган руҳига нолам етармикан, деган умидда унга гапириб ўтирарди. Ҳамширалардан Форрестье ўғлининг соғлиғи ёмонлашгани сабаб келолмаётганини эшитиб қолган Билл болакайга ачинди. Тезроқ Изабель ўзига келиб, болаларига бош бўлишини худодан сўрарди. Мана учинчи ҳафта ҳам ўтяпти. Билл энди Изабелнинг уйғонишидан умидини уза бошлади. У Штатларга кетса, Изабелнинг ёлғиз қолишидан хавотирланарди. Уни ёлғиз қолдириб кетишга қўнғили бўлмай қийналарди. Биллни Изабелнинг палатасига олиб келишганида ҳамширалар жилмайиб кутиб олишарди. Бугун ҳам одатдагидек меҳмонга олиб келишди. У Изабелнинг қўлини тутиб каттиқ соғинганини, овозини эшитишни хоҳлаётганини айтди. Очик деразадан кўчанинг шовкини эшитилиб турарди. Шу тобда у негадир «Аннабелз»га борганларини эслади, вақтни орқага қайтаргиси келди.

– Эсингдами, қанчалик бахтиёр эдик ўшанда? – шивирлади у Изабелнинг қўлларидан ўпиб. – Сен билан ракс тушиш нақадар завкли. Тузалсанг, албатта, яна ракс тушгани борамиз... – Билл хотираларга чўмиб хўрсинди. Шунда худди Изабелнинг бармоклари кафтини қисгандек бўлди. Аввалига Билл, менга шундай туюлгандир деб ўйлади. Лекин ҳаракат яна такрорланди. Ҳаяжонланган Билл нафасини ичига ютиб бироз кутди, кейин яна сўзида давом этди: – Ҳозир бармоқларимни сиккандек бўлдинг, назаримда, илтимос, агар рост бўлса, яна бир бор қайтар, – деди у. У узоқ кутди, лекин ҳеч қандай ҳаракат сезилмади. Унга ишонкирамай тикилиб турган ҳамшира хижолат қилмаслик учун нигоҳини олди.

– Илтимос, Изабель, қўлимни яна бир бор сиккин. Бир уриниб кўргин, ўтинаман сендан... – шунда худди ўзга дунёдан унинг овозини эшитиб қайтаётгандек Изабель секингина бармоғини кимирлатди. Билл ишониб-ишонмай хавотир аралаш жилмайди. – Жуда яхши, – далда берди у. – Энди эса кўзингни оч, ҳеч бўлмаса салгина очгин... Менга бир бор қарасайдинг...

Изабелнинг юзи ҳаракатсиз котиб тураверди. Лекин бармоклари яна кимиради. Билл тушқунликка тушди. Изабель шунчаки гайриихтиёрий ҳаракат қилган экан, деган ҳаёлга борди. Шунда Изабель секингина бурни-ни тириштирди. Лекин кўзлари ҳамон юмук эди. Биллнинг юраги ҳапкириб кетди. – Изабель қайтпти! Азизам бўшашма. Балки жилмайиб кўярсан-а? – у тинмай гапирар, ҳозир Изабелни қайтариш учун жонини беришга ҳам тайёр эди. – Мен учун азизам, бир марта кўзингни оч. Ҳеч бўлмаса жилмайиб қўй. – Унинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди. – Сени жудаям соғиндим... – Билл йиглаб, ўтиниб ярим соатча гапирди. Ҳолдан тойса ҳам таслим бўлмади.

– Яна бир бор бурнингни тириштиргин. Сенга жуда ярашади.

Изабель секингина қўлини кўтарди, бироқ шу заҳоти оғирлик қилгандек ташлаб юборди.

– Яхши жонгинам, жуда яхши. Чарчадинг, шекилли? Энди бироз дам олгин. Кейин яна қайтарамиз.

Изабель анчагача ҳаракатсиз ётгач, секин киприкларини кимиради.

– Вой худойим! – кичкириб юборган ҳамшира докторни чакиргани югурди.

Уч ҳафта ўлим ёқасида жон талашиб ётган Изабель Биллнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳаётга қайтаётганди.

– Изабель, сен кўзингни очишинг керак, азизам. Бунинг қийинлигини билман, лекин энди уйғонишинг керак... – Худди шу гапни кутиб тургандек Изабель секин кўзини очди. Бундай бўлишини кутмаган Билл шошиб қолди. У ҳали анча ҳаракат қилсак керак деб ўйлаганди. – Яхши, энди менга қара. Бир нигоҳ ташлашингга қачондан буён интикман...

Палатага кириб келган доктор аралашмай бир чеккада турди. Чунки Биллнинг ўзи яхши эплаётганди. Мана, ниҳоят у кўзини очди ва инграганча секин ўгирилиб Биллга қаради. Жилмайганча гапиришга уринди, лекин уйдалай олмади. Анчадан кейин зўрға унинг исмини айтди: – Билл...

Билл йиғидан гапира олмас, лекин ҳозир Изабелга кўпроқ гапириш кераклигини, яна ухлаб қолишга йўл қўймаслик лозимлигини тушунарди. У Изабелнинг қўлларини тинмай ўпиб:

– Сени севаман, Изабель... Энди таслим бўлма, сенга ишонаман...

– Ҳа, – шивирлади Изабель кўзини очмай, – мен ҳам сени севаман...

– Назаримда худди шу ерда тўхтагандик, – кўз ёш аралаш жилмайди Билл. Биринчи бор бўса олганидан буён бир дунё вақт ўтгандек гўё. – Сени жуда узоқ вақт кўрмадим, соғиниб кетдим.

– Мен билан гаплашгин, – илтимос қилди Изабель. Бу гапидан шифокордан тортиб ҳамшираларгача кулиб юборишди. Чунки Билл уч ҳафтадан

бери такдирга тан бермай, факат у билан гаплашганди-да. – Сўзларингни соғиндим, – зўрға давом эттирди у.

Билл унинг чарчаганини ҳис қилди.

– Овозингни эшитиш нақадар ёқимли! Бу дақиқаларни қанчалик узок кутгандим. Қаерда эдинг шу пайтгача?

– Узокларда, – синиқ жилмайди Изабель кейин хайрон бўлиб сўради: – Орадан қанча вақт ўтди?

– Уч ҳафта, – тўғриси айтди Билл.

– Шунча кўпми? – қийналиб сўради Изабель.

– Шунча кўп, – Билл унга кўп нарсалар ҳақида гапирмоқчи бўларди-ю, лекин толиктириб қўйишдан чўчирди.

Изабель нималарнидир эслашга ҳаракат қилиб безовталанди, кейин:

– Тедди, Софи соғ-саломатми? – деб сўради.

– Ҳа, яхши юришибди, – жавоб берди Билл ўзининг гапига ўзи ишонмай. Аслида улар ҳақида анчадан буён хабар эшитмаганди. Қолаверса, Теддининг аҳволи айтарли яхши эмаслигини биларди. Лекин бу хушxabардан кейин Теддининг соғайиб қолишига ишонарди. – Софи сени кўргани келганди. Ажойиб кизинг бор экан, худди ўзингга ўхшайди.

Изабель жилмайдиган кўйи кўзини юмди. Кейин яна шошиб кўзини очди-да, Биллга савол назари билан қаради.

– У ҳам келди, – жавоб берди Билл Изабелни тушуниб.

Изабелнинг пешонаси тиринди: – Бошим оғрияпти... ҳамма жойим зиркираб кетяпти.

Доктор унга саломатлиги борасида бир-иккита саволлар берди ва бироз дам олишни тавсия этди. Санитарлар Биллни палатасига олиб ўтиш учун кирганларида Изабель дарҳол безовталаниб қолди.

– Йўк... йўк керакмас... – ўтинди у Биллнинг қўлини маҳкамроқ ушлаб.

– Қолаверсам бўлмайдимми? – шифокорларга қаради Билл.

Доктор жавоб беришдан олдин ўйланиб қолди. Рад қилишга айтарли сабаб ҳам йўк. Қолаверса, Биллнинг шунча жон қуйдирганини кўриб, йўк деёлмади.

– Ёмон фикр эмас, – маъқуллади доктор бошини қасиб.

– Ҳар доим ёнимда бўлишингни хоҳлайман, – деди Изабель. Бу унинг ҳаётидаги энг бахтли кеча эди. Изабель ўзига келди, энди улар яна бирга. Шифокор унинг аҳволини қониқарли деб топди. Ҳамшира фақат тунги чирокни қолдириб, қолганларини ўчирди. Кейин Биллни ёнбошига ўгириб қўйди. Энди Изабелга қараб ётиши мумкинлигидан Билл қувониб кетди. У ухламасдан термулиб чиқишга ҳам рози эди.

– Жуда чиройлисан, – пичирлади Билл. – Сени жонимдан ҳам ортиқ кўраман.

– У ерда сени соғиндим, – деди Изабель.

– Буни каердан биласан? – хайрон бўлди Билл.

– Билмадим, менга шундай туюлди.

Доктор билан ҳамшира бир-бирларига маъноли қараб олишгач, секин чикиб кетишди. Изабелнинг тирик қолишига ҳеч ким ишонмаганди. Бу бир мўъжиза эди. Доктор хонасига борган заҳоти хушхабарни етказиш учун Парижга қўнғирок қилди. Гордон уйда йўқ эди. Доктор хизматкорга: «Шифохонадан қўнғирок қилишди деб қўйинг», деди.

Билл билан Изабель худди бир умр бирга яшагандек ўзларини эмин-эркин ҳис қилишарди.

– Ўзингга нима қилди? – сўради Изабель.

– Бўйним билан белим шикастланган. Ҳозир анча яхшиман, – жилмайди Билл.

– Ростданми?

– Рост. Ҳозир ҳар қачонгидан ҳам бахтлиман.

– Мен ҳам. Лекин ҳеч нимани эслай олмаяман. Бу ерга қандай келиб қолдик?

– Бунинг тарихи узун азизам, ҳаммасини эртага айтиб бераман. Бизнинг машинамизга автобус келиб урилди. – У ўн бир киши ўлганини айтиб ўтирмади. – Охирги эсимда қолгани сендан бўса олганим. Кейин шифохонада кўзимни очдим.

– Уни мен ҳам эслайман, – уйқу аралаш жилмайди Изабель.

Билл уни яна ўпмокчи бўлди-ю, кимирай олмади. Фақат қўлини силаб қўйди.

– Бир кун сендан яна бўса оламан, – деди Изабель хаёлга чўмганча.

Билл жавоб бермади. Орага сукунат чўкди. Билл тўлақонли эркак бўлиш учун имкониятлари қай даражада эканлигини ўйлаб эзиларди. Унинг ўйларидан беҳабар Изабель «болаларим тинчмикан, ишқилиб», деб сўради.

– Ўзингга келганингни эшитишса хурсанд бўлишади, – ишонтирди Билл.

– Соғайганимни эшитса, у яна келади, – ғамгин хўрсинди Изабель. Билл унга эри икки ҳафтадан буён бирор марта келмаганини айтмади.

– Кел, ҳозирча шу ҳақда ўйламайлик, яхшиси, кўзингни юм. Бироз дам ол.

– Ўзинг уйғонишимни хоҳлагандинг-ку, – ҳазиллашди у.

– Кўп гаплашиш мумкин эмас, толиқиб қоласан, – меҳр билан жилмайди Билл.

– Сен билан тонггача суҳбатлашиб чиқишга ҳам тайёрман. – Кейин бир нима ёдига тушиб қўшиб қўйди: – Яна ракс тушмокчиман сен билан.

– Бир куни албатта ракс тушамиз жонгинам, – Билл ичидан зил кетса-да, ишонч билан гапирди.

– «Гаррининг бари»га боргим келяпти.

– Ҳозир-а? – кулди Билл.

– Майли эртага. «Аннабелз»га ҳам борамиз, хўпми? Уч ҳафтамиз бекор ўтиб кетибди, – хўрсинди Изабель.

– Ўзингни яхши тутмаяпсан... Бунақада доктордан гап эшитамиз, – Билл Изабель яна ўз ҳолига, ҳазилкашлигига қайтаётганидан бахтли эди.

Изабель кулиб юборди.

– Мен ёнимда бўлишингни хоҳлаяпман, холос... Биласанми, энди биз тунни бирга ўтказдик, дея оламиз...

Билл ёлгондан қовоғини ўйди:

– Яна ўзингни ёмон тутяпсан. Ҳозир бунақа нарсаларни ўйлашнинг маврди эмас, – Билл уни бағрига босгиси келди. Бугундан эътиборан Изабелни ўзиники деб ҳисоблай бошлаганди. Бундан кейин нима бўлишидан қатъи назар, уни ҳеч кимга бермайман, деб ўйлади у.

– Сен билан ёлғизоёқ йўлдан нурга қараб кетаётганимизда болаларимиз чакириб қолишди... Кейин сен мени ортга қайтишга мажбур қилдинг.

Бу гапни эшитиб, Билл тахтадек қотиб қолди. Ахир у ҳам худди Изабель айтаётган нурни кўрганди.

– Батафсилроқ гапир-чи?..

– Нур кўзни қамаштирадиган даражада эди. Мен эса ҳолдан тойиб, йўл четидаги тошга ўтирмоқчи бўлдим... Сен кўярда-қўймай мени ортга қайтишга ундай бошладинг.

Изабелнинг тасаввуридаги воқеалар Биллники билан бир хил эди.

– Ўша ерда мен ҳам бўлганман, Изабель. Мен ҳам худди сен таърифлаган тушни кўрдим, – деди Билл ҳеч нимани тушунмай.

– Албатта, сен ўша ерда эдинг. Мени қўлимдан тутиб, ортга қайтардинг, – деди Изабель табиий ҳодиса ҳақида гапиргандек хотиржам.

– Нега ахир? Наҳотки шунақаси ҳам бўлса? Нур ҳақида кўплардан эшитганман. Лекин икки киши бир хил туш кўриши мумкинми? Демак... бизнинг руҳларимиз бошқа оламда бирга бўлишган экан-да...

– Мен факат сенинг илтимосинг билан қайтдим, – секингина давом этди Изабель. – Кейин яна адашиб қолдим. Назаримда, йўл бўйида ухлаб қолдим шекилли.

– Агар яна шундай қилсанг каттиқ хафа бўламан, Изабель, энди мени ҳеч қачон ташлаб кетма.

– Хўп, – рози бўлди у ва Биллнинг қўлларини ўпди. – Мени кутганинг, қайтарганинг учун раҳмат, азизим, – у яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин уйқу кучлилиқ қилибми, толиққани учунми ухлаб қолди.

Изабелга тикилиб турган Билл яна туши ҳақида ўйлади. Шунақаси ҳам бўлиши мумкинлигини ҳеч ақлига сиғдира олмасди. Лекин бу бир мўъжиза эканига имони комил. Изабелга тикилиб туриб, ҳаётида шундай оқила, гўзал аёл борлигидан қувониб, жилмайиб қўйди.

Эртаси куні эрталаб доктор Гордонга кўнғирок қилди. Яна ўша овоз «жаноб уйда йўк», деб жавоб берди. Ниҳоят соат ўнларда доктор Гордонни ишхонасидан топди. Янгиликдан таажжубга тушган Форрестье шу заҳотиёк Изабель билан гаплашмоқчилигини билдирди. Шунда унинг палатасида телефон йўқлиги маълум бўлди. Доктор зудлик билан бу масалани ҳал қилишга сўз берди ва куннинг иккинчи ярмида у билан бемалол гаплашиши мумкинлигини айтди.

Болалар, албатта, онаси билан гаплашишни хоҳлайди, – деди Гордон хаёлга чўмганича. У энди Изабель ҳеч қачон уйғонмаслигига ўзини ишонтирган эди. Шунинг учун бу хабар уни шошириб қўйди. Албатта, у қувонди, лекин вазиятнинг ўзгариши режаларини ҳам ўзгартириши ёқмасди.

– Бу қандай содир бўлди? – қизиқди Гордон.

Доктор дарҳол жавоб бермади. У қувончли воқеанинг асосий сабабчиси Билл Робинсон эканлигини айтгиси келмади.

– Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди, – ниҳоят жавоб берди доктор.

Гордон бу жавобдан қоникди. Тафсилотлар уни қизиқтирмади ҳам.

– Яхши натижа, – деди Гордон худди теннис матчи ёки гольф турнири ҳақида гап кетаётгандек қувватлаб. Унинг овозида ҳаяжон, қувончни сезмаган доктор Изабель хотини эканлигига ҳам ишонмай қолди. Айниқса, Билл Робинсон билан муносабатини кўргач, шубҳаси янада ортди, лекин доктор бировларнинг ишига бурнини тикишни ёмон кўрарди. Қолаверса, кечаги воқеалар ҳеч қандай изоҳ талаб қилмасди ҳам. Доктор ўзи билмаган ҳолда Гордоннинг Лондонга келишини хоҳламаётганди. У Билл билан Изабелни ёктириб қолганди. Қаршисидаги мўъжиза яратган муҳаббатга бефарқ қараб туrolмасди. Бундай муҳаббат ҳаммага ҳам насиб қилавермаслигини ва худо суйган бандаларигагина бебаҳо туйғуни тухфа қилишини яхши тушунарди.

– Уйга қайтганимдан кейин кечга яқин кўнғирок қиламан, хотинимга айтиб қўйсангиз, – маълум қилди куруқкина қилиб Гордон. Доктор буни етказишга сўз берди.

Палатага телефон келтиришганида ҳамшира доктордан эшитган гапларини етказди. Изабель болалари билан тезроқ гаплашиш учун сабри чидамай бораётган бўлса-да, эри билан сўзлашишни хоҳламасди.

– Энди нима қиламиз? – сўради у бирга тушлик қилиб ўтирган Биллдан.

– Нимани айтяпсан? Бўғда сайр қилармиз, балки крикет ўйнармиз, – ҳазиллашди Билл, лекин Изабель ҳазиллашадиган кайфиятда эмасди.

– Бир оз ўзимга келсам, Гордон мени Парижга олиб кетади, – у болаларини қаттиқ соғинган бўлса-да, Биллдан айрилгиси келмасди.

– Бунга ҳали анча бор, менимча, – босикроқ жавоб беришга ҳаракат қилди Билл. – Ҳозирнинг ўзидаёқ ирғиб туриб юриб кетолмасанг керак.

Эрталаб доктор Изабель шифохонада яна бир ойлар ётиши мумкинлигини айтган эди. Худди шунча вақт Биллни ҳам олиб қолишмоқчи бўлишди.

– Кейин-чи? – сўради Изабель ҳамшира тутган овқатдан ҳўплаб. Унинг қўллари ҳали ўзига бўйсунмасди.

– Кейин бир гап бўлар... – Билл ўзини келажакда нималар кутаётгани ҳақида Изабелга ҳали гапирмаганди. Ортикча ташвишга қўйишни хоҳламади. Чунки барибир Изабель соғайгач, эрининг, болаларининг ёнига қайтиши аниқ. Яна илгаригидек телефон орқали гаплашиб юришни, бундан ортикчасига йўл қўя олмаслигини ўйларди Билл.

У Изабелга ногиронлар аравачасида, ёрдамга муҳтож бўлиб кўринишни сира хоҳламасди. Ҳозирча Изабель Биллнинг соғайиб бораётганига ишончи комил. Қолаверса, Билл унга ажрашаётганини ҳам айтиб ўтирмади.

Гордон кўнғироқ қилганида Билл ўзининг палатасида эди. У хотинига соғайганидан хурсандлигини билдирди. Гордон ўзини бева қолган, деб ҳисоблай бошлагани учун фикрини жамлаб ололмасди. У Изабелдан Билл туфайли хафа эканлигини билдириб қўйиш учун атайлаб заҳарханда қилиб гапирарди. Эр-хотиннинг суҳбати ҳеч қовушмади. Лекин Софи билан Тедди онасининг овозини эшитибок қувончдан йиғлаб юборишди. Изабель ўғлининг аҳволи ҳақида батафсилроқ билиш учун Теддини сўради.

– Теддининг аҳволи ёмон эмас, – бепарво жавоб берди Гордон. – Сени қанча олиб қолишмоқчи у ерда?

– Докторларнинг айтишича, бир ойча.

Умуман олганда, Изабелнинг аҳволи яхши эмас эди. Лекин бу Гордоннинг парвойига ҳам келмасди.

– Бир ой жуда кўп эмасми? Менимча, ўзинг сўрасанг, сени вақтликроқ қўйиб юборишлари ҳам мумкин, – у «Изабель атайлаб вақтни чўзаяпти», деб шубҳалана бошлаганди. Шу сабабли кўрслик билан гапни қисқа қилди: – Ҳечқиси йўқ, докторлар билан ўзим гаплашаман. Қеракли тиббий ёрдамни ўзимизда олишинг мумкин.

Қўркиб кетган Изабель бу хабарни дарров даволовчи шифокорга етказди.

– Ўзингиз нима дейсиз, Изабель? Умуман олганда, бир ҳафтадан кейин сизни Париждаги шифохонага ўтказишимиз ҳам мумкин. Лекин уйингизга ҳали жавоб беролмаймиз.

– Мен шу ерда қолмоқчиман, – тўғриси айтиб қўя қолди Изабель.

– Бўлмаса бу ишни менга қўйиб беринг, – жилмайди доктор. У ажал қомидан қайтган Билл ва Изабелга ростдан ҳам ёрдам бермоқчи эди. «Болалар кутиб туришади», ўйлади у.

Бироздан кейин Изабель ўғлининг соғлиғидан хавотирда эканлигини Биллга билдирди. Теддини ҳамшира ва шифокорларга буткул ишонса-да, узок вақт уни ёлғиз қолдирганидан сиқилаётганди.

– Бу хабар унга ёмон таъсир қилганига ишончим қомил. Қолаверса, Гордон совуқ хабарни қай тарзда етказганини ҳам ёлғиз худо билади. Лекин

энди Тедди овозингни эшитди, бир-икки хафтадан кейин уйга кайтишингни билгач, анча соғайиб қолади, – тинчлантирди уни Билл.

– Илохим шундай бўлсин-да, – хўрсинди Изабель. – Яхшиямки, ёнида Софи бор. У мени кўргани келмокчи эди, бироқ ҳозир Теддини ёлғиз колдириб бўлмайди. – У Биллнинг ёнида бўлишни хоҳласа-да, болаларини ҳам соғинганди. – Ўзингнинг хотининг-чи? У яна келадими?

– Йўқ, – Билл сабабини тушунтиргиси келмади. – Қизларим ёз бўйи банд бўлишади. Энди фақат Штатларга борганда учрашамиз.

У докторлардан оёғи ва ажрим ҳақида Изабелга оғиз очмасликни сўраганди. Изабель унинг соғайишига узок вақт, бир-икки йил кетади, деб ўйлашни хоҳларди. Агар Изабель эри билан ажраша олганида Билл унга оёқлари ҳақида айтган бўларди. Лекин ҳозирги вазиятда уни ортикча ташвишлантиришнинг кераги йўқ. Энди эри билан муносабатлари янада кийинлашади. Гордон билан шахсан учрашганидан кейин Билл шундай хулосага келди. Бу одам на муҳаббатни, на раҳм-шафқатни билади. Энди у Изабелдан қилган гуноҳлари учун ўч олишга, бир умр айблаб эзиб яшашга уринади. Агар Изабель эҳтиёт бўлмаса, Гордон унинг ҳаётини дўзахга айлантириши тайин. Ўлаётган хотинининг ёнида, ҳатто бир кеча қолишга кўнмаган одамдан нимани кутиш мумкин? Гордон тез орада доктор билан боғланди. Доктор, камида бир ой ичида Изабелни ўрнидан кимирлатиш мумкин эмас, деди. Бундан жажли чикқан Гордон шифокорларни ваҳимачиликда айблади. Бунга жавобан доктор ҳам уни асоратлар билан кўрқитди. Гордон билан суҳбатини Изабелга кула-кула айтиб берган доктор:

– Бу ишим учун лицензиямдан айрилишим мумкин, – деб қўшиб қўйди.

Доктор беморларини бирга бўлиш бахтидан маҳрум қилгиси келмаётганди. Уларни бу бахтга эришиш учун қанчалар қийналаётганликларини биларди. Қолаверса, ҳали яна кўп азоб чекишини, айниқса, Биллга осон бўлмаслиги маълум. Нью-Йоркка қайтгач, у оёғини бирмунча ҳаракатлантириш учун анча даволаниши керак. Ҳозирча эса мана шу бир ой ичида бир-бирларининг дийдорига тўйиб, бир-бирларига меҳр ва муҳаббат кўрсатиб яшашга ҳақлари бор. Иккаласи учун ҳам шифохона муҳаббат оролчасига айланган эди. Яна ўша шовкин-суронли ҳаёт оқимида тушмасларидан олдин бир оз тин олишсин. Улар ҳар кунни бирга китоб ўқишар, карта ўйнашар, бир-бирлари билан орзу-ниятларини бўлишар эди.

Изабель авайлабгина малҳам суртиб қўярди. У Биллнинг оёқлари умуман ҳаракатланмаётганини сезиб қолди. Лекин Билл кейинги, шифохонадан чикканидан кейин бўладиган учрашувларга, албатта, ўз оёқлари билан юриб боришга уни ишонтирди. Изабель ишонди. Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ. Ҳалокатга эндигина бир ой бўлган. Изабель Биллга ўз болалиги ҳақида гапириб бераётганди. Билл унинг кўзларига қаттиқ тикилди.

– Нега менга бундай қараяпсан? – деди ҳикояга берилиб кетган Изабель тўхтаб. – Бувам ростдан ҳам яхши одам бўлган.

– Бунга шубҳам йўқ. Шунчаки гапларингни эшитмай қўйганимга беш дакиқадан ошди, – тан олди у. – Мени бир истак тинч қўймапти, – шундай дея у секин Изабелнинг лабларидан ўпди. – Биласанми, Изабель, – шивирлади у. Ишончим комил эмас-у, лекин... Бир ҳаракат қилиб кўрсакми, дейман...

Кучли хоҳиш унинг бутун танасини ўраб олганди. Лекин ҳали иккало-ви ҳам заиф эди. Умуман олганда, бу хоҳиш унда илгари ҳам бор эди. Фақат Билл бу мавзуга яқин келмасди. Энди эса умид билан Изабелга тикилиб турарди.

– Яхши, азизим, – бирга кечирган шунча азобдан кейин у Биллга йўқ деёлмасди. Буни хоҳламасди ҳам. – Балки, эшикни беркитармиз?

– Бизни шифохонадан ҳайдаб юборишмасмикан, – кулди Билл Изабель эшикни ёпиб келгач. У кучли асабийлашганидан ва ичини куйдираётган истакдан саросимага тушиб, бошқа нарсани ўйламай қўйганди.

– Битта хонада ухлашга рухсат берганида шифокорлар буни назарда тутишмагани аниқ, – жилмайди Изабель ҳам.

– Ўйламай иш қилишган-да, улар, – хаяжонланиб лабларига лабини босди Билл.

– Билл, сени огохлантириб қўяй, нима бўлган тақдирда ҳам мен сени севаман. Мен учун асосийси – сен, бошқаси муҳим эмас.

Доктор Биллга, ўзингизни тўлақонли эркакдек ҳис қилишингиз мумкин, деганди. Билл унинг гапларига ишонгиси, бир уриниб кўргиси келди. Аксинча бўлса... тушқунликка тушиши аниқ. Аммо у ичини кемираётган шубҳаларини Изабель билан бўлишмайди. Изабелнинг ўзига раҳм-шафкат қўзи билан қарашини хоҳламасди у. Изабель эҳтиётлик билан Биллнинг эғнидаги шифохона халатини ечди. Кейин ўзиникини. Билл титраганича Изабелни бағрига босди. Уларнинг шикаста танаси энди оғриқни сезмасди. Ёкимли туйғудан тўлиб-тошган Изабель Биллни тинмай ўпар, эркаларди... Лекин...

Чорасизлик ва номусдан Биллнинг ўпкаси тўлди. Чексиз муҳаббат ва хоҳишга қарамай, танаси унга бўйсунмасди. Умуртка поғонасиними, миясини-ми боғлаб турган қандайдир ришта узилганди. Вақт ўтгани сайин у даҳшатга туша бошлади. Телбанамо истакка таслим бўлгани учун ўзини сўқди. Изабель ҳам гап нимадалигини тушунди. У шунақа бўлиши мумкинлигини ҳам биларди. Билл оғир жароҳатлар олганини ва танасидаги аъзоларининг барчаси бирдек тикланмаслигини ва бу табиий жараёнлигини яхши тушунарди. Изабель Биллнинг кўзларидаги даҳшат, таҳликани кўриб хавотирга тушди.

– Ҳаммаси жойида, азизим... Ҳаммаси жойида... фақат вақт керак... – Биллни тинчлантириш учун шивирлаганича юз-кўзларидан ўпар, лекин Билл ундан ўзини тортиб, ўгирилиб олди. У ҳозир фақат ўзининг исноди ҳақида ўйлар, Изабелнинг овутишлари қулоғига кирмасди. Изабелнинг чексиз меҳр-муҳаббатига қарамай, у ўзини таҳқирланган ва бахтсиз ҳис қиларди. Бу-

гун унинг хаётидаги энг оғир кун бўлди. У ўзини хакикий эркак киши деб ҳис қила олмасди. Энди ҳеч ким ҳеч қачон уни яна бир бор уриниб кўришга кўндирилмасди. Айниқса, Изабелнинг ёнида у номусдан ерга кириб кетгудек бўлди.

– Кейин, – деди у. Изабель шошилмади, лекин ортиқча ҳаракаг ҳам Биллни баттар хафа қилиши мумкинлигини тушунди ва устини ёлди.

– Кўрқинчли жойи йўқ. Билл, – мулоимлик билан гап бошлади у. – Бу фақат бошланиши, севгилим. Ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади.

У Биллнинг юзидан ўпди. У эса кўз ёшларини кўрсатмаслик учун юзини ўгирди. Ҳозир Билл узок-узокларга қочиб кетгиси, ҳеч кимни кўрмаслик учун бекиниб олишни хоҳларди. Лекин бунинг ҳам иложи йўқ.

– Бу бошланиши эмас, – ғазаб билан тўнғиллади у, – ниҳояси!

– Ҳеч канака ниҳояси эмас, – деди у ёш бола билан гаплашаётгандек. – Ахир, доктор огохлантирганди-ку, вақт керак деганди-ку!

Билл кўзларини юмди, ичини кемираётган кўркувни сездирмасликка ҳаракат қилди. Аёл киши бунинг қанчалик даҳшат эканлигини тасаввур қилолмасди. Бугун, айнан севган одамнинг – Изабелнинг висолига етаман деганида... Бугун у кўп нарсани йўқотди. Энди айрилишлари лозимлигига ишонди. Бундан ташқари, ўзига нисбатан ҳурмати ва Изабель билан бирга бўлиш умидидан бутунлай жудо бўлди. Изабель учун эса ҳеч нарса ўзгармади. У бир кун келиб ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонарди. Аксинча бўлган тақдирда ҳам у вазиятга кўнишга тайёр эди. У Биллни жонидан ортиқ севарди. Агар Биллнинг ҳозирги ўй-хаёлларидан бохабар бўлганида даҳшатга тушиши аниқ. Унинг учун ҳаётда энг муҳими Биллнинг борлиги бўлиб, бошқаси муҳим эмас эди.

XI ҚИСМ

Муваффақиятсизлик Биллнинг кайфиятига ёмон таъсир қилди. Ҳали ҳам битта палатада ётишларига қарамай, у энди уриниб кўрмасликка қасам ичди. Қайта хўрланишни кўтара олмасди у. Изабель тасалли бериш учун секингина гап бошлаганди, Билл дарҳол унинг гапини бўлди. У бу мавзу ҳақида гаплашишни истамасди. Билл ўзини бутунлай маҳкум деб ҳисоблай бошлаганди. Вақт эса шамолдек елиб ўтяпти. Энди Билл билан физиотерапевтлар ишлай бошлаганди. Изабелни эса ҳар томонлама текширувларга солишди. Иккаласи ҳам секин-аста тузала бошлаганди. Бу – айрилиқ онлари яқин дегани. Икки ойни ўтказиш уларга жуда қимматга тушганди. Шундай бўлса-да, улар бир-бирларига қаттиқ боғланиб қолишганди. Билл Изабелнинг барча текширувларида қатнашар, бирга овқатланишар, кечкурун эса ёнма-ён каравотларда ухларди. Улар ўзларини бир умр бирга яшаган, бахтиёр эр-хотинлардек ҳис қилишарди. Фақат... Билл ичидан эзилар, Изабель эса ҳеч қачон бу қадар бахтли бўлмаганини тилдан қўймай такрорларди.

– Назаримда, бирорта курорт шаҳарда яшаётгандекман, – деб ҳазиллашишарди ҳамширалар ҳам бир-бирларига.

Изабель соғайган сари Гордон уни тезроқ Парижга кайтишга ундарди. Изабель эса Биллдан айрилишни хоҳламасди. Чунки яна қачон учрашишлари фақат худогагина аён. У болалари билан ҳар куни телефонда гаплашарди. Уни Софининг ҳорғин овози хавотирга сола бошлади. Теддининг соғлиги маъсулияти бутунлай Софининг зиммасида эди. Изабель ўғлини охирги марта кўрганидан буён унинг аҳволи анча ёмонлашган. Шу сабабли у, гарчи икки ойдан буён шифохонада ўзининг айби билан ушланиб қолмаган бўлса-да, ўзини айбдор ҳисобларди. Баъзан улар айрилик ҳақида гаплашиб қолишарди. Шунда Изабель яна аввалгидек учрашиб юришлари мумкинлигини таъкидларди. У йилига бир-икки марта учрашишга рози эди. Фақат ўрталаридаги алоқа узилмаса бўлгани. Билл эса бу гапларга мужмал жавоб берар, ҳозир у ўзи ҳақида ўйлашни хоҳламасди. Тушқунликка тушгани сабабли Билл Изабелдан кўра секин тузалаётганди. Биллнинг назарида келажакни соғайиш жараёнига қараб режалаштириш лозим. У Изабелга ортиқча юк бўлишни хоҳламас, лекин усиз қандай яшашни ҳам тасаввур қила олмасди. Шифохонада ўтказган кунларидан кейин энди улар фақат телефондаги суҳбатларга қониқа олмасликларини яхши тушунарди.

– Менимча, сен бор ҳақиқатни билмайсан, шекилли? – деди у бир куни Изабелга. Гордон ҳалокат юз берган тунда бирга бўлганимиздан хабардор. Қолаверса, сени кўргани келганида нарироқда юришимни талаб қилганди. Уйингдан осонликча чиқолмайсан энди. Ишончим қомилки, у сендан кўз узмайди, хушёр туради. Балки телефонни ҳам пойлар?

Ҳақиқатан ҳам Гордон кўз остида биров билан шакаргуфторлик қилиб юргани учун Изабелдан қаттиқ ранжиганди. Билл эса ногиронлар аравачасига михланиб қоладиган бўлса, Изабелга оғирлигини ташламасликни режалаштираётганди. Нафақат Изабелга, балки оиласига ҳам юк бўлишни хоҳламасди. Ўз оёғи билан юриб кетган тақдирда ҳам, шифокорлар тўлақонли эркак бўлишга қарор берсагина Изабель билан учрашиши мумкин эди. Аксинча бўлса, учрашув ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Охирги кунларда Биллни кўп муаммо қийнаётганди. Ўзининг ғамгин кайфиятини сездирмасликка ҳаракат қилса-да, Изабель уни сўзсиз тушунарди. Билл ҳар ҳолда шифокорга ўзининг муваффақиятсиз тажрибаси ва аччиқ таассуроти ҳақида гапириб беришга ўзида қуч топа олди. Доктор, ўз навбатида, уни тинчлантиришга ҳаракат қилди.

– Айтиб берганларингизнинг ҳаммаси ҳам сиз ўйлаганчалик ёмон эмас. Аксинча, жароҳатларингизни ҳисобга оладиган бўлсак, бу табиий ҳол. Бу бир-икки йил ичида ҳаммаси изга тушиб кетади, дегани. Афсуски, биров шошқалоқлик қилибсиз... – Доктор ишонч билан гапирган бўлса-да, Биллни кўрқув тарқатмади ва у фикрини ўзгартирмасликни кўнглига тутиб қўйди.

Изабель ҳам ўз ҳаёллари билан яшарди. У болаларини ўйлаб ҳеч қачон Гордон билан ажраша олмасди, лекин шу билан бирга Биллдан айрилишни ҳам хоҳламасди. Авваллари «жазман» деган сўзни таҳкир деб тушунар, ўзи ҳеч қачон Биллнинг жазмани бўлишини тасаввур ҳам қила олмасди. Энди эса бу уни олдингидек ваҳимага солмайди, чунки бошқа иложи ҳам йўқ. У Билл билан бирга ўтказган дамларини ҳеч нимага алиштирмас, у билан жуда бахтиёр эди. Баъзан, Билл билан руҳимиз битта бўлса керак, деб ўйларди. Дунёда ҳеч нарса уни бу бахтдан воз кечишга мажбур қила олмасди. Гордон билан эса кунора гаплашиб турарди. У котибасига шифохона билан боғланиб туришни топширганди. Гордон ҳали ҳам у билан совуқ гаплашишни қўймаганди. Изабель эрининг гапириш оҳангидан ишдан қолдирдиммикан, деб хижолат бўларди. Изабель Парижга қайтгач, муносабатларини аниқлаштириш учун кескин тўкнашув бўлишини сезиб турарди. Билл билан ярим тунда битта машинада юргани-ю, ресторанларга борганининг ўзи етарли. Гордон, ҳатто бир куни: «Сен мен ўйлаган Изабель эмассан. Ўзим ҳам асли кимлигини билмай қолдим», деди. Изабель шундай пайтларда виждон азобида кийналар ва Билл билан муносабатларига чек қўймоқчи бўларди. Лекин бу унинг ихтиёрида эмас эди. Бир умр бахт нималигини ҳис қилмай яшаган аёл бирдан-бир умиди муҳаббатидан воз кеча олмасди. Кечкурун Изабель Биллнинг оёқларини укалай туриб Гордоннинг гапларини айтди.

– Энди у ҳеч қачон менга ишонмайди, – хўрсинди у. – Афсуски, Гордон ҳақ... Уйда мени нима кутаётганини тасаввур қилолмайман. У ўйланиб қолди, кейин Билл хотини ҳақида умуман гапирмай қўйганини эслаб, сўради:

– Синди-чи? У нима деди, қаттиқ ранжигандир-а?!

– Ҳа, ҳар ҳолда хурсанд бўлмади. Лекин мен сенга бўлган муносабатимни ундан яширмадим. Тўғриси айтдим.

– Нахотки, бундан хафа бўлмаган бўлса? – хайрон бўлди Изабель.

– Балки хайрон бўлгандир? Лекин нима ҳам қилардик?! Ўзининг ҳам яширган гаплари меникидан зиёд. Қолаверса, муҳаббат гуноҳ эмас. Севиб қолишни тақиқлаб бўлармиди? Синди анчадан буён ўз ҳаёти билан яшайди.

– Мен эса Гордон ҳеч қачон хиёнат қилмаганига ишонаман. У жуда тарбияли ва андишали одам, – ўйчан гапирди Изабель.

Билл унинг гапига қўшилмади. Хотинига шу қадар бефарқ, совуқ одамнинг четдан кўнгилхушлик кидирмаслигига ишониш кийин эди. Қолаверса, Гордон Форрестье кимгадир, ҳатто хотинига ҳам садокат, вафо кўрсатадиган одамга ўхшамасди. Унинг Изабелга оддий буюмдек совуқ муносабатда бўлишининг ўзи жазмани борлигидан далолат эди. Лекин Билл одоб юзасидан фикрини Изабелга билдирмади.

– Нега шундай деб ўйлайсан? – секингина сўради Изабелнинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун. У эрининг ёнига қайтмоқчи бўлиб турганида кўнглини шубҳага тўлдиргиси келмади.

– Шунчаки муҳаббат қийматсиз нарса. Қолаверса, эр-хотинлик муносабати ҳам... Биз кўп йиллардан буён бирга яшамаймиз, – тўғриси айтиб қўя қолди Изабель хўрсиниб. Билл жилмайди. У Изабелнинг софдил ва соддалигини биларди. У ҳеч қачон эрининг асл башарасини кўрмаслигини тушунарди.

Кейинги ҳафтада уларнинг бахтли онлари поёни эканлиги маълум бўлди. Изабель охириги марта текширувдан ўтиши ва натижалари яхши чиқса уйга кетиши лозим эди. Улар шифохонада икки ойдан кўпроқ қолиб кетишди. Бундан қаттиқ асабийлашган Гордон ҳар куни кўнғирок қилиб, шифокорларни очикдан-очик хотинига атайлаб жавоб бермаётганликда айбларди. Энди уларнинг бири Парижга, иккинчиси эса Америкага қайтиши лозим. Бунга кўниш қанчалик қийин бўлмасин, бошқа иложлари ҳам йўқ.

– Ҳар куни кўнғирок қилиб туришга сўз берасанми? – йиғламсираб сўради Изабель.

– Иложим бўлса, бир кунда ўн марталаб кўнғирок қиламан, – уни бағрига босиб сўз берди Билл. – Сен ҳам мени унутиб юборма.

– Албатта. Сен ухлашга ётмасингдан гаплашиб олиш учун ҳар куни тонгдан уйғонаман, – у Гордон телефонни текшириши мумкинлигини ўйламасди ҳам. Билл камида бир йил даволаниши кераклиги уни хавотирга соларди, холос. – Тезроқ тузалгин, хўпми? – деди Изабель ёш болани эркалатгандек унинг юзидан ўпиб.

– Сен иложи борица тезроқ тузалиб Парижга боришинг керак, мен ўзим сени кўргани боролмайман, – шундай дея Изабель ўғлини эслади. Софи шўрлик укасига қарайман, деб қийналиб кетганини ўйлаб эзилди. У болаларини қаттиқ соғинганди.

Билл эса Изабелнинг тезроқ тузалишига ундашига эътибор бермади. Чунки у, агар тузалмай, ногиронлар аравачасига михланиб қоладиган бўлса, секин-аста Изабелнинг ҳаётидан кетишини мўлжаллаётганди. Иккинчи ногиронга қараш Изабель учун оғирлик қилади, деб ҳисобларди у. Бундан ташқари Билл Изабель ўзига ўғлига қарагандек меҳрибонлик ва раҳм-шафқат билан муомала қилишига чидай олмасди. Лекин у билан ҳеч бўлмаса телефонда суҳбатлашмасдан, беғубор табассумини кўрмасдан яшаши мумкинлигини ҳам тасаввур қила олмасди... Гарчи ҳасталикда бўлса ҳам бирга ўтказган дамлари унинг ҳаётидаги энг бахтли онлари эди. Унинг умидлари кўп эди, фақат уларнинг амалга ошишига ишончи йўқ.

Изабелнинг текширув натижалари ижобий чиқди. Биллнинг ҳам ҳамма ҳужжатлари тайёрланди. Гордон аввалига ўзи келиб Изабелни олиб кетмоқчи бўлди-ю, охириги дамда иши кўплигини ўйлаб, фикридан қайтди. Изабель ҳам бундан хафа бўлмади. Изабелнинг эрталаб жўнаб кетиши, Биллнинг эса кейинги ҳафтада чиқиши маълум бўлгач, ҳамширалар уларни ёлғиз қолдиришди.

– Нахотки, эрталаб кетсам? – йиғлади Изабель Биллни маҳкам қучоқлаб.

– Ўзингни эҳтиёт қил, азизам, – деди Билл.

Улар бир-бирларини сўзсиз тушунишарди. Энди айрилиққа кўникишлари керак. Эртага уйининг остонасидан ўтгач, этни жунжиктирадиган яна ўша совуқ муносабатга юзма-юз келишини ўйлаб йиғлади у.

– Мен сенсиз яшолмайман, бир кун ҳам яшолмайман...

– Яшашинг керак азизам, бизни масофа айиролмайди, кўркма, – Билл шундай деди-ю, бироқ ўзининг гапига ўзи ишонмади. Гордон Изабелдан ўч олиш учун бор ҳунарини ишга солишини биларди. Шу ҳалокатнинг ўзи етарли жазолигини тан олмаслиги аниқ эди.

Улар кўкдаги ойга термулиб тонг оттиришди. Охирги дақиқагача, ҳамшира кириб Изабелнинг кетадиган пайти бўлганини эслатмагунча бир-бирларини бағридан кўйиб юбормай тураверишди. Изабель кийиниб тайёр бўлгач, йўл олдидан ўтиришди. Изабель ўзини тутолмай ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Ҳаммаси яхши бўлади азизам. Етиб боришинг билан сенга кўнғирок қиламан, – овутарди Билл ўзини зўрга босиб. – Йиғлама севгилим, йиғлама...

Гордон Париждан жўнатган кийимлари Изабелнинг эғнида қопдек осилиб турарди. У жуда озиб кетганди. Шу рангпар, озгин ҳолида ҳам у Биллга чиройли кўринди. Уларнинг бахтли ҳаёти тугаб, ҳақиқий ҳаётга қайтадиган пайтлари етиб келди. Бу ҳақиқий ҳаётда бирга бўлолмасликларини билишарди.

– Сен ҳам ўзингни эҳтиёт қил... ва тезроқ ёнимга қайт, – йиғи аралаш шивирлади Изабель.

– Сени қанчалик севишимни унутма.

– Бардам бўл, азизам... Мен ҳам сени севаман.

Иродасини тўплаб Изабель ўзини қўлга олди ва охирги марта Биллга қаради. Кўз ёши аралаш жилмайганича эшикка йўл олди... Уни кузатишга чиққан шифокор ва ҳамшираларга миннатдорчилик билдириб хайрлашди. Кейин Гордон ёллаган ҳамшира билан лифтга чиқди. Унинг орқасига қараб югургиси, палатасига қайтгиси келди. У қайта комага тушишга ҳам рози эди. Нима бўлса ҳам майли, факат Биллнинг ёнига қайтса бўлгани... У кўз ёшларини тиёлмай шифокорларга охирги бор қўл силтади. Лифтнинг эшиги ёпилди.

Биллнинг ҳурматини қилиб, Изабель кетгач, анчагача ёнига ҳеч ким қирмади, унинг йиғлаганини биров кўрмади. Сўнгги умидидан, муҳаббатидан айрилиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлаганига ҳеч ким гувоҳ бўлмади. Бу муҳаббатига ҳеч қачон ета олмаслигини билган эркак кишининг дил ноласи эди. Бу чорасизлик ва охирида ўладиган умидга тутилган мотам эди. Шу сабабли бу мард, софдил кишини ўз дард-аламини тўкиб олиши учун имкон беришди. Бир неча соатдан кейин ҳамширалар қирганида Билл чарчаб ухлаб қолганди.

Самолёт Шарль де Голл аэропортига келиб қўнганида соат икки бўлганди. Бир-иккита китоб ва болаларининг суратлари солинган сумкани ҳисобга олмаганда унинг ортикча юки йўқ эди. Изабелни аэропортда ҳеч ким кутиб олмади. Гордон ўзи чикмаганига яраша Софига рейсинг аниқ вақтини ҳам айтмади. Йўл толиқтирганидан Изабель оёғини зўрға кўтариб босарди. Ҳамширанинг кистови билан у ногиронлар аравачасига ўтирди. Йўл бўйи эса фақат Билл ҳақида ўйлади, тезроқ уйга етишни, болаларини бағрига босишни хоҳларди. Автомобилда кета туриб Изабель Парижни умуман соғинмаганини, Эйфель минораси олдингидек кўзини қувонтирмаётганини ҳис қилди. Ҳозир у шифохонада Биллнинг ёнида бўлиб қолишни истарди. Лекин машина Гренель кўчасига қайрилгач, уни ғалати ҳис-туйғулар чулғаб олди – ниҳоят болаларини кўради! Ҳовлига кира туриб, Изабель деразаларга кўз югуртирди. Ҳеч кимнинг сояси кўринмади. Бундай пайтда Гордон уйда бўлмасди. Унинг иши кўплигини Изабель соддадиллик билан тўғри тушунарди. Автомобилдан тушган Изабелни қайтгани билан ҳеч ким табрикламади. Фақат эшик оғаси бош ирғаб кўришиб қўйди. Изабель эшик қўнғироғини босди. Эшикни очган Жозефина бекасини кўриб йиғлаб юборди-да, қучоклаб олди.

– Хоним... – йигирма йиллик хизмати давомида Жозефина уни туғишгандек яхши кўриб қолган эди.

– Сизларни яна кўриш қандай бахт! – деди Изабель холлга кира туриб. У атрофга аланглади – ҳамма нарса бегона ва ғамгиндек кўриниб кетди. Бироз нафасини ростлагач, секин зинадан кўтарила бошлади. Шунда ўғлининг овози қулоғига чалинди. Изабелнинг кўз олди қоронғилашиб кетди, секин бориб эшикни очди.

Тедди тўшакда ҳамшираси Марта билан гаплашиб ётарди. Овозидан ўғлининг соғлиғи яхшимаслигини сезган Изабелнинг кўзларига ёш келди... Онасига кўзи тушган Тедди қувончдан кичкириб юборди ва сакраб ўрнидан туриб уни маҳкам қучоклаб олди:

– Ойи, ойижон, наҳотки қайтган бўлсангиз?! – у тинмай онасини ўпар, маҳкамрок бағрига босарди.

Изабель мувозанатини йўқотиб йиқилишига бир баҳя қолди. Ҳамшира уни чакқонлик билан тутиб қолди.

– Тедди, болагинам, сени шунчалик соғиндим-ки... кўзларимга ишонмаяпман... – у йиғлаганича ўғлини қаравотга ўтказди ва кўзларига тикилди. Тедди озиб-тўзиб кетган, бир йўтал тутса тўхтатиш қийин, ранги ҳам бир аҳволда эди. Тумбочканинг усти дори-дармонга тўлалиги ҳам вазиятни кўрсатиб турарди.

– Тузукмисан? – деди Изабель ўғлини қундузи ҳам тўшакдалигидан ҳавотирланиб.

– Доктор туришга рухсат бермаяпти, – бепарво жавоб берди у кўзлари чакнаб. Ойиси уйга қайтгач, уни соғлиғи ҳам безовта қилмай қўйганди. – Кеча бокка чикмоқчийдим, Софи қўймади. Унинг доктор билан тили бир. Менга ҳеч нарса қилгани қўймайди.

– Сени деб қайғурганидан бу, – жилмайди Изабель. – Демак, менинг йўқлигимни билдирмабди опанг.

– Аҳволингиз яхшими? – сўради Тедди йўталдан тўхтаб. Унинг қўллари титрарди. Нафас олиши қийинлашганида бериладиган дорилари юрагига таъсир қиларди. Шу сабабли Изабель бу дори-дармонларни ишлатмасди.

– Дадамнинг айтишича, комада бўлган экансиз, энди тузукмисиз?

– Ростдан ҳам комада узоқ ётдим, энди яхшиман.

– Ҳушдан кетиш канака бўларкан? – ўйчан қизикди Тедди. – У ёқлар чиройли эканми? Бирор нарсани эслай оласизми?

– Йўқ. Фақат бир тушимда сени кўрганим эсимда. Мен кўзни камаштирадиган нурга қараб кетаётганимда сен орқага қайтишга мажбур қилдинг.

– Қаттиқ азобландингизми? – сўрашда давом этди болакай. Тедди Сент-Экзюперининг «Кичик шахзода»сига ўхшарди. Ўн тўртга кирса-да, бирор марта мактабга бормаган, уйдан кам чиқар, шу сабабли дўстлари йўқ эди. Унинг ота-онаси ва Софидан бошқа ҳеч кими йўқ эди.

– Аввалига оғрик қучли эди. Кейинчалик, анализлар топширдим, даволандим. Бироз тузалгач эса уйга – сенинг ёнингга қайтдим.

– Сизни жудаям соғиндим.

– Мен ҳам сени соғиндим, – ўглининг сочларини силади у. – Опанг қани?

– Дарсларини тайёрлаяпти. Кейинги ҳафта ўқиши бошланади. Вактида келдингиз, Софи кетиб қолса, нима қилардим? Дадам уйда бўлмайдилар.

– Майли, ҳамма ўз ишини қилаверсин. Иккаламиз бирга китоб ўқиймиз, бошқотирмалар ечамиз. Энди ёнингдан бир қадам жилмайман.

Изабель Гордоннинг уйда бўлмаганидан хафа бўлса-да, билдирмади. Хонага бир даста журнал кўтарган Софи кириб келди. Укасининг ёнида ўтирган ойисига кўзи тушиб хурсандлигидан қичкириб юборди.

– Ойижон! – қўлидагиларни улоқтириб отди, лекин эҳтиёт бўлиш кераклиги охирги дақиқаларда ёдига тушиб, ўзини тўхтатиб қолди. – Мунча озиб кетибсиз, ойижон?

– Шифохонада овқат беришмади, – қулди Изабель. Ҳақиқатан кийимлари қопдек осилиб турарди.

– Ҳозир тузукмисиз? – хавотир аралаш сўради Софи. Ойиси йўқлигида оиланинг ҳақиқий бекасига айланиб улгурганди у.

– Сизларни соғ-саломат кўриб, ўзимни яхши ҳис қиляпман, – самимий жавоб берди Изабель.

Болалари қуршовида яна бир соатча ўтиргач, ҳамшира унга дам олиши кераклигини эслатди. Диванга ҳорғин чўзилган Изабель серхашам хонасига

кўз югуртирди. Болалар билан овуниб Биллни бироз унутганди, яна соғинч кийнай бошлади. Йўл толиктирганидан бироз дам оламан, деган Изабель Софи кириб уйғотмагунича ухлаб қолди.

– Ахволингиз яхшими, ойижон? – меҳрибонлик билан елкасини силади Софи.

– Ўзимни яхши ҳис қиляпман, азизам. Шунчаки чарчабман, кўзим илинибди.

– Тедди чарчатиб қўймадими? Сизни кўрганидан қувончи ичига сиғмаяпти.

– Жуда озиб кетибди, – хўрсинди Изабель.

– Ўзингиз ҳам, – у ойисига диққат билан тикилди. Ростдан ҳам Изабель анча ўзгарган эди. Худди қайта туғилгандек. Умуман олганда, ҳақиқатан ҳам бир ўлимдан қолиб, қайтиб келди. Бундан ташқари севиб қолди. Ўзгаришлар ҳатто ўн саккиз ёшли кизга ҳам сезилаётганди.

– Теддига жуда яхши қарабсан, – қизини мактади Изабель. У бемор болага қараш қанчалик қийинлигини яхши биларди. Тедди ювош, меҳрибон бўлишига қарамай, талаб-эҳтиёжлари кўп. Тинимсиз парвариш, эътибор керак.

– Лондонда узок ушланиб қолганим учун кечир, – юмшоклик билан сўзлади Изабель.

– Мен учун тирик қолганингизнинг ўзи бахт, – ҳорғин жилмайди Софи.

– Сен бироз дам олишинг керак. Эртадан Теддига ўзим қарайман. Сен эса дам ол.

Софи жилмайди. У онасига қанчалик қийналгани, ўзини ёлғиз ҳис қилганини айтиб ўтирмади. Барча дугоналари саёҳатга кетган бир пайтда у ёз бўйи бемор укасига қараб ўтирди. Қолаверса, отаси умуман ёрдам бермади. У Тедди ҳақида эшитишни ҳам хоҳламас, кизига эса қўл остидаги одам билан гаплашгандек муомала қиларди. Изабель ювиниб-тараниб олгач, Биллга кўнғирок қилмокчи бўлди-ю, лекин Гордон келгунича улгуролмаслигини ўйлаб фикридан қайтди. Гордон эса соат еттига яқин кириб келди. Изабель Теддининг хонасида эртак ўқиб ўтирганида у йўлакдан хонасига ўтиб кетди. Тўхтамади, сўрашмади! Эртакни тугатгач, Изабель китобни олиб қўйди ва ўғлига тезда қайтишга сўз бериб йўлакка чикди. Гордон ким биландир телефонда гаплашиб турарди. У Изабелни кўриб хайрон бўлгандек пешанасини тириштирди. Изабель эрининг хатти-ҳаракатларига ўрганиб қолган бўлса-да, ҳозир кўнгли оғриди. Умуман олганда, Гордон ҳеч қачон кетишда хайрлашмас, ишдан келганидан кейин ҳам дарҳол ўз хонасига ўтиб кетарди. Ҳатто, бугун ҳам ўз одатини тарк этмади, қачондан буён кўрмаган хотини билан кўришишни ўзига эп кўрмади.

– Йўлда чарчамадингми? – сўради Гордон ўрнидан жилмай.

– Йўқ, раҳмат, -- улар худди бегоналардек гаплашишарди. – Ҳамшира ёрдам бермаса, чарчаб қолардим... Болаларимни соғ-саломат кўриб хурсанд бўлдим, – секингина қўшиб қўйди у.

Теддининг озиб-тўзиб кетгани, Софининг салкам беш ёшга улғайиб қолгани ҳақида гапирмоқчи эди-ю, лекин эрини болаларининг ташвиши умуман қизиқтирмаслигини эслаб ортиқ гапирмади.

– Аҳволинг яхшими, ўзи? – хавотир аралаш сўради Гордон. Бу Изабелни ҳайрон қолдирди. Эридан бунақа меҳрибончиликни кутмаганди.

– Бироз чарчадим, шекилли. Бутунлай соғайиб кетишимга ҳали анча бор. Бош оғриғи турса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зурурлигини тайинлашганди.

– Кўринишинг ёмон эмас, – номига илтифот қилди Гордон. Улар ҳамон уйнинг икки бурчагида туриб гаплашишарди. Гордон ўзига маълум сабабларга кўра, ўтган икки ойни эслашни хоҳламасди. У Билл ҳақида оғиз очмаган бўлса-да, совуқ муомаласидан алами тарқамагани билиниб турарди.

– Овқатландингми? – куруқкина сўради у.

– Йўқ ҳали. Сени кутгандим. Тедди овқатланиб бўлди. Софи эса айланишга кетди.

– Келганингдан ётиб ухлагандирсан, деб ўйлагандим, – ковоғи уюлди Гордоннинг. – Бугун оғир кун бўлди-ку сен учун. Менинг эса иш юзасидан учрашувим бор, бангкоклик муҳим миждоз билан.

– Майли, яхши, – секингина бош силкиди Изабель. Эрининг хонасига кадам қўйишга ҳадди сиғмади унинг. Чунки Гордон рухсатсиз хонасига киришни барчага тақиқлаб қўйганди. Бу буйруқ хотинига ҳам тегишли.

– Ҳозир Жозефинага айтаман, бирор егулик олиб келади.

– Шундай қила қол. Эртага бирга овқатланармиз.

Илгарилари Изабель Гордоннинг қўполлигига эътибор бермасди. Ҳозир эса негадир ранжиди. Эри на соғайгани билан қутлади, на очиқ чехра билан кутиб олди. Ҳатто, кучиб ҳам қўймади. Кета туриб Гордон Изабелнинг хонасига бош сукди.

– Овқатланган бўлсанг, бир оз дам ол. Теддининг ёнида ўтириб ўзингни толиқтирма. Ахир ҳамшираси бор, – Гордон ҳар доимгидек совуқ гапирди. У фақат одамларнинг кўз ўнгида Изабелга хушмуомалада бўларди. Бундай пайтларда Изабель хурсанд бўлиб кетар, лекин уйга қайтгач, яна эски ҳолатига ўтиб, эшигини қарсиллатиб ёпганича хонасига кириб кетарди. Биллнинг меҳрига йўғрилган муомаласини кўрган Изабелга Гордоннинг ҳаракатлари оғир ботди.

– Эртага кўришамиз, – деди Гордон уйдан чиқа туриб. Изабелнинг назарида у шошмаётгандек, бироз яқинроқ келмоқчидек кўринди, йўқ, Гордон шошилишч хонадан чиқиб кетди.

Изабель хўрсинди. Турмушга чиқаётганида қанча орзу-ниятлари бор эди... Лекин ҳеч нарсани ўзгартириш қўлидан келмагач, нима ҳам қиларди. Қўнишга мажбур. Эри кетгач, у Лондонга қўнғироқ қилди. Билл қувониб кетди.

– Ҳозиргина сени ўйлаб ётгандим, – Изабель ўзи билмаган ҳолда эрининг гап оҳангини Биллники билан солиштирди. – Болалар қалай экан?

– Яхши, – кўзига ёш қуюлди унинг. – Мени кўриб хурсанд бўлишди. Софи роса чарчаган экан.

– Тедди-чи, ахволи яхши эканми?

– Унчалик эмас. Яна иссиғи кўтарилибди. Озиб ҳам кетибди. Бугун ўзини бир оз яхши ҳис қилди. Эртага кун бўйи унинг ёнида бўлмоқчиман.

– Ўзингни чарчатиб қўйма. Ҳали заифсан.

– Биламан азизим. Ўзингдан гапир, кун бўйи нималар қилдинг?

Бугунги куннинг ўтиши қийин бўлганлиги, ёлғизликдан эзилганлигини Билл гапирмади. Энди олдингидек телефондаги суҳбатга қўнишдан бошқа чоралари йўқ эди.

– Ўзимни жуда яхши ҳис қилдим, – ёлғон гапирди у. – Факат сени каттиқ соғиндим. Кейинги ҳафтада менга жавоб беришади. Соғлиқни тиклаш марказига бориш мен учун камоқдек туюляпти, – кулди у. Билл ўта каттиқ тартибдаги тикланиш марказини танлаган эди. Худди ўша ерда яхшироқ натижаларга эришишим мумкин, деб ўйлади. Келажаги ҳам шунга боғлиқ эди. Улар болалар ҳақида бир оз гаплашишгач, Билл Гордон борасида сўради:

– Қалай у?

– Ўша-ўша. Сира ўзгармаган. Ишдан кеч қайтади, кейин яна қаергадир кетади. Ҳечкиси йўқ. Эътибор бермадим. Юрагимнинг ярми сенга, ярми болаларимга тегишли. Унга ўрин йўқ. Агар Биллни учратмаган тақдирда ҳам шундай бўлиши аниқ эди. Чунки уларнинг оиласи номигагина сакланиб қолганди.

– Сенга жаҳл қилмадими? – хавотирланиб сўради Билл. Чунки у Форрестъени жаҳлга минганида кўрганди.

– Сездирмади. У заҳрини кутилмаганда сочади. Ҳали мендан ўч олмай қўймайди. Ҳозирча тинч.

– Сени каттиқ қийин-қистовга олмаса эди, деб қўрқаман. Машинада бир-галигимиз каттиқ ғазабини кўзгаган уни. Албатта, жаҳл чиқишига асоси бор, лекин...

– Синди қандай? Гаплашдингми? – гапни бурмоқчи бўлди Изабель. У Билл хотини билан телефон орқали ҳам гаплашмай қўйганини сезиб юрарди.

– Қизимнинг айтишича, у ҳозир Саутгемптонда экан, энди Синди билан факат Нью-Йоркда учрашамиз.

Билл эртага қўнғироқ қилишга сўз берди. Гўшакни қўйишдан олдин яхши кўришини яна бир бор таъкидлади. Изабель ўрнига ёта туриб ўз уйида ўзини бегона сизди. Унинг жойи Лондонда – Биллнинг ёнида эди. Ярим тунда маши-

на овозини эшитган Изабель эрининг қайтганини сезди. Эрталаб эса Гордонни йўлакда учратиб қолди. У қўл силкиб қўйиш билан кифояланди. Кейин яна ишга кетди. Изабель ўғли билан вақтини яхши ўтказди. Теддининг шифокори келиб, аҳволи бироз яхшиланганини айтди. Уни кузатишга чиққан Изабелга доктор:

– Аҳволи айтарли яхши эмаслигини биласизми, Изабель? – деди.

– Биламан, лекин бугун аҳволи яхши дедингиз-ку, – умид билан гапирди у.

– У сизнинг қайтганингиздан хурсанд, холос. Кундан-кунга соғлиғи заифлашиб борапти. Буни тўғри тушунишингиз керак. Юрак фаолияти ёмонлашиб, ўпкаси ҳам яхши аҳволда эмас.

– Нима демоқчисиз? – қўркиб кетди Изабель.

– Ўғлингиз ўсган сайин юраги билан ўпкасига оғирлик тушапти.

– Балки... операция йўли билан бошқа аъзолар қўйсак-чи?

– Буни қўтаролмайди. Ўғлингизнинг кунлари санокли... У дам олиб, бироз ўзига келиши керак. Қолаверса, ўзингиз ҳам, Изабель, – куйинчаклик билан қўшимча қилди доктор.

– Ҳаракат қиламан. Ўғлим билан семирамиз энди, – қулди Изабель. – Энди ёнидаман, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, – деди ишонч билан у.

– Бир-икки кунда яна келаман. Агар бирор муаммо бўлса, тортинмай кўнғирок қилаверинг.

Тедди муаммо туғдирмади, аммо Гордон... Кечқурун у ишдан нохуш кайфиятда қайтди. Ҳеч ким билан гаплашмади. Ёлғиз ўзи хонасида овқатланди. Ярим тунда эса эшикни қарсиллатиб ёпиб, яна қаергадир чикиб кетди. Изабель унинг қаерга кетганини тушунолмай ҳайрон бўлди. Эртасига эрталаб Гордоннинг ошхонада газета ўкиб ўтирганида учратди. Эри анчагача уни сезмаганга олиб ўтирди. Изабель унинг нимадандир қаттиқ жажли чиққанини сезиб турарди. Лекин неғалигини билмасди.

– Лондонлик дўстинг билан яна гаплашдингми? – кутилмаганда ўшқириб сўради Гордон.

Изабель чўчиб тушди. Лекин ёлғон гапиргиси келмади.

– Ҳа, – деди секингина.

Гордон қутуриб кетди.

– Сенингча шу одобданми, Изабель? Оз бўлса ҳам виждонинг бўлса керак, деб ўйлагандим. Ўшанинг сени ўлдиришга бир баҳя қолдирди-ку, жин урсин!

– Иккаламиз ҳам ўлишимиз мумкин эди. У айбдор эмас.

– Агар у билан бормаганингда, фалокат ҳам юз бермасди. Болаларинг фалокат пайтида бегона эркак билан бирга бўлганингни билишларини хоҳламасанг керак? – у очикчасига таҳдид билан гапирди.

– Бу гапинг тўғри. Лекин қолганларида ноҳаксан. Мен у билан дўст бўлганман, холос, – у ўзини босишга ҳаракат қилса-да, юраги така-пука бўлиб кетди.

– Демак, дўстлигинга нукта қўйилди, шундайми?

– Мен ундай демадим, – у кўрка-писа эрига караб олди. Эрининг кекчилигини билгани учун кўркиб турарди. Агар унга карши уруш бошласа, албатта ғолиб чикарди. Гордоннинг ҳар доим қўли баланд келган. – Энди хавотир олмасанг ҳам бўлади. Мен энди уйдаман-ку!

– Гап бунда эмас! Огоҳлантириб қўяй, Изабель, ўт билан ўйнашма. Жажлимни чикарсанг, ўзингга ёмон бўлади.

– Сенинг жажлингни чикармоқчи эмасман. Шунақа ноқулай вазият юзага келганидан ўзим ҳам афсусдаман, – ерга каради Изабель.

– Зўр таъриф бердинг-ку! – хотинига еб қўйгудек тикилди Гордон. – Эрингни алдаб туриб, ҳалокатга учраганинг, ноқулай вазият экан-да, кара-я!

– Сени алдамагандим. Шунчаки бирга овқатланишга кетаётгандик, – юмшоқроқ гапиришга уринди Изабель.

– Рақс тушишга ҳамми? Ярим тунда-я?!

Изабель эридан, ўзинг қаерда тунадинг, деб сўрамоқчи бўлди-ю, ҳадди сиғмади. Гордон турмушларининг бошидаёқ сезилмаган қонунини ўргатганди. Факат унинг айтгани бўлади, у бутунлай эркинликка эга. Изабелнинг эса савол беришга ҳам, шубҳаланишга ҳам ҳаққи йўқ. Аксинча бўлса, каттиқ жазоланарди. Изабель оиласидаги муҳитни ўзгартира олмаслигини тушунарди. Факат шунча йилдан буён бунга қандай чидаб келганини тушунолмасди. Шу ҳам оила бўлдимиз?

– Оилали аёл эканлигингни унутган кўринасан? – эслатди унга Гордон. – Ўзингни шунга муносиб тутишинг керак. Гапларимдан тўғри хулоса чикарасан деган умиддаман.

Изабель жавоб бермади. Гордон ҳалокат пайтида бирга бўлганликлари учун шунчалик ғазабга миндимиз, демак, шифохонада битта палатада ётганликларини билса... Изабелни ажрашиш кўрkitмасди. У факат Теддини ўйларди. Ногирон мурғаккина боласига бу машмашалар ёмон таъсир қилишидан чўчирди.

– Бахтингга сени кечирдим. Агар ўзингни муносиб тутсанг ёки учрашганингни билиб қолсам, кейин мендан хафа бўлма. Унга айтиб қўй, кўнгирик қилишни бас қилсин.

Изабель ҳеч қачон бундай қилолмасди. Чунки телефон кўнгирикларидан бошқа ҳеч нимаси йўқ эди унинг. Гордондан одамгарчилик кутмаса ҳам бўлади. У портфелини олар экан, орқа-олдига карамай хонадан чикиб кетди. Айтадиганини айтиб кўнглини бўшатиб олганди. Изабель анчагача ўрнидан қимирлай олмади. У ўз ҳаёллари билан банд эди. Олдин вазиятни тўғри баҳолай олмасди. Лекин ҳозир ўзини қўл-оёғи боғлиқ қулдек ҳис қила бошлади. Битта ортикча ҳаракати учун Гордон каттиқ жазолаши тайин. Энг даҳшатлиси, ажрашишгач, Гордон Теддини тортиб олиши ҳам мумкин. Ҳаммасига чидаса ҳам Изабель шунисига токат қилолмайди. У Биллга кўнгирик қилгиси, гаплашгиси келди-ю, лекин кўрққанидан бу ишга қўл урмади.

Билл физиотерапияларни олиб бўлгач, ўзи қўнғирок қилди.

– Салом, азизам, ишларинг яхшими? – тетик овозда сўради у. Аммо Изабелнинг гап оҳангидан нохушлик юз берганини сезди. – Нима бўлди?

– Ҳеч нима. Ҳаммаси жойида, – ёлғон гапирди у. Билл қўявермагач, ростини айтишга мажбур бўлди.

– У сени шунчаки қўрқитган. Таҳдид йўлига ўтибди-да, – демак, шунинг учун шифохонага уни кўргани келмай қўйган. Хотини ўзини айбдор ҳис қилишини хоҳлаган, лекин бу иши уларга жуда қўл келишини билмаганди у. – У ҳеч нарса қилолмайди, қўркма. Теддини ҳам тортиб ололмайди.

Билл ҳар қанча овутишга уринмасин, Изабелни хавотир тарк этмади.

– Бизда судьялар оталарнинг ёнини олишади. У мени ёмон она бўлганликда айбласа нима қиламан?

Билл Изабелга юраги ачиди.

– Ахир, қандай қилиб сени ёмон она деб айблай олади? Ўн тўрт йил давомида туну кун ўғлингни парвариш қилганинг учунми?! Шунчаки сени қўрқитмоқчи бўлган. Бу қўлидан келган кўринади, – Изабель ҳақиқатан ҳам Гордондан қўрқарди.

– У ҳар доим менга таъсирини ўтказа олган, – хўрсинди у.

– Менга бу қилиғи ўтмайди! – жажли чиқди Биллнинг. У жон деб Форрестье билан яккама-якка гаплашган бўларди-ю, лекин Изабелга қийин бўлишини ўйлаб индамади. – Эътибор берма, азизам. Ўз ишингни қилиб юравер.

– Шундай қиламан ҳам.

– Бугун кечки овқатни бирга қиласизларми?

– Билмайман. У мени олдиндан огохлантирмайди.

Изабелнинг қийналаётганини сезиб турган Билл ич-ичидан эзиларди. Лекин ёрдам беролмасди. Изабель эридан ўлгудек қўрқканидан сўзсиз бўйсунарди. Билл ҳар қанча Изабелга тушунтиришга ҳаракат қилмасин, у болаларини ўйлаб кулок солмасди. Изабелнинг маблағи йўқ бўлиб, ногирон ўғлига қиммат дори-дармонлар топиб бера олмаслигини ўйларди. Билл жон деб унга уйланишга, ўғлини ҳам таъминлашга рози.

Гордонга ўхшаганлар максадига эришиш учун ҳар доим йўл топишади. Ҳозирда қўрқувни қурол қилиб олганди у. Билл энди-энди Изабелга шу йиллар давомида қанчалик қийин бўлганини, хўрликларга чидаганини ўйлади. Лондондаги ҳалокатнинг шов-шув бўлиб кетгани Гордоннинг фикрини янада мустаҳкамлаган.

– Иложи борица кўзига камроқ кўрингин. Ўзим сенга қўнғирок қилиб тураман, – унинг телефон раками тўлов варақасига тушмасди. – Жуда зарур бўлсагина ўзинг сим қок, бўлмаса қўнғирок қилмай қўя қол, – қўшиб қўйди Билл. Улар яна бир оз гаплашиб ўтиришди. Билл қўнғирок қилишга сўз берди ва яна даволаниш машғулотларига кетди.

Гордон бугун кутилмаган иш қилди. У Изабелни жиноят устида қўлга тушириш учун атайлаб ишдан вақтли қайтди. Лекин у бироз адашган-

ди. Келгунича Изабель Билл билан гаплашиб бўлиб, Тедди иккаласи карта ўйнаб ўтирарди. Йўлақдан ўта туриб қўл силкиб қўйди, аммо тўхтамади. Софи ҳам отасининг шу йўсинда кўришишларидан кейин унга нисбатан фикри ўзгарган. Гордон кизи билан гаплашган тақдирда ҳам Теддини назар-писанд қилмагандек эътиборсиз қолдирарди. Унинг муносабатини ҳис қилган Тедди ҳам, ўз навбатида, отасига нисбатан на ҳурмат, на меҳр намоиш этарди. Софи энди оиласидаги ҳақиқатнинг асл киёфасини кўра бошлаганди.

– Нега сизга бундай муомала қилишларига йўл қўясиз? – сўради онасидан кечкурун гаплашиб ўтирганида.

У ойиси учун қайғурар, ўзини оилада эркинроқ тутишини хоҳларди.

– Даданг атайлаб қилмайди, феъли шунақа ўзи, – Изабель болаларининг олдида эрининг ёнини оларди. Софи бу гапларга ишонмасди. У шу ёзда отасининг феъли қанақалигини яхши билиб олган. Энди отасини олдингидек жон-дилидан яхши кўрмас, бутунлай онаси томонга ўтган эди.

– Дадам ҳар доим сизга қўполлик қилади. Теддига эса бегонадек бефарқ, – жаҳлдан кизариб кетди Софи.

– Қўйсанг-чи, ҳечам унақа эмас... – унинг гапини бўлди Изабель.

– Дадам фақат ўзини ўйлайди. Ҳатто, менинг ҳам ташвишимни қилмайди.

– Сен билан жуда фахрланади.

– Балки шундайдир? Лекин сиз билан Теддига қилган муомалалари нотўғри. Бунга ҳаққи йўқ.

Гордон кизига бошқаларга нисбатан яхши муносабатда эди. Лекин охириги пайтларда шуни ҳам йиғиштиради. Энди Софи отасини совуққон, қаҳри каттиқ одам деб била бошлаган. Албатта, бу феъли билан Гордон тижоратда катта ютуқларга эришган, аммо уйда чидаш кийин эди.

– Илтимос, кизишма! – уни босишга ҳаракат қилди Изабель. – Даданг яхши одам.

Софи онасининг гапларига ишонмади. Гордон яхши ҳам, меҳрибон ҳам эмас.

– Даданг билан муносабатимиз яхши. Ташкаридан ёмон кўринса-да, аслида унақа эмас.

Софининг кўзларида «ўзингиз шу гапларга ишонасизми?» деган савол айланди. У аҳвол бундан ҳам ёмонроқ эканлигини тушунарди. Ота-онасининг ётоқхонаси нега алоҳидалигини энди тушунди. Онаси шифохонадалигида отаси умуман уйда бўлмади. Баъзан кечалари уйда тунамасди ҳам. Онасига бу гапларни айтиб ўтирмади. Софи отасининг жазмани борлигига ишона бошлади. У ҳеч қанақа телефон рақамини қолдирмасди.

– Дадам ҳар доим шунақа бўлганми? – Софи отасини бирор марта ҳам онасига яхши гапирганини эслолмасди. Тедди тугилгач эса, хоналарини алоҳида қилиб олишган. Бунга Изабель Теддининг ёнига тез-тез

бориб келавериб отасини безовта килмаслик учун, деб тушунтирганди. Лекин Софи гап факат шунда эмаслигини тушунганди. Болалигида у онасидан кўра отасини кўпроқ яхши кўрган. Ҳозир эса бунга афсус қилиб ўтирибди. Онаси уйда йўқлигида Софи кўп нарсани тушунди.

– Оила курганларингда дадам бошқача эдими? – ҳамгин савол берди Софи онасига ачиниб.

– У меҳрибон, катъиятли эди. Мени яхши кўради, деб ўйлардим. Ўшанда жуда ёш эдим. Сен дунёга келганингда ҳам даданг ўзини яхши тутарди. Жуда бахтиёр эдим ўшанда. Изабель Гордоннинг биринчи фарзанди ўғил бўлишини жудаям хоҳлаганини кизига айтмади. Тўрт йил ўтгач, Тедди туғилди. Шу билан ҳаммаси тугади. Гордон Тедди чала туғилгани учун Изабелни атай қилганликда айбларди. У касал болани кўришни ҳам хоҳламасди. Кейинчалик эса Изабелдан ҳам узоқлашди. Ўша пайтларда Изабель эрининг мадади-га, бир оғиз илик гапига муҳтож бўлган. Унинг учун оғир кунлар бошланди. Ҳаётининг дастлабки икки йилида Тедди бир неча марта оғир аҳволга тушиб, ўлишига бир баҳя қолганди. Изабель изтироб чекарди, Гордон эса уни айблашдан бўшамасди. Шу тарзда Гордон хотинининг ўзига нисбатан ишончини бутунлай синдирди. Изабель айби нимадалигини тушунмаса-да, ўзини гуноҳкор сезиб, виждони қийналарди. У, агар яхши хотин, яхши она бўлганимда Гордон мени севган бўларди, деб эзиларди.

Бугун эрталаб ҳам одатдагидек Гордон ҳамма айбни Изабелга ағдарди. У яна ўзини гуноҳкор сеза бошлаганида Биллнинг гаплари далда бўлди. Албатта, Изабель Лондонда Билл билан яширинча учрашиб юргани яхши эмаслигини тушунади. Лекин шифохонага тушмагунча у ҳеч бир айб иш қилмаган. Ҳаммаси ҳалокатдан кейин ўзгарди. Энди эса у Биллни жонидан ортиқ севар ва муҳаббатини саклаб қолиш учун ҳамма ишга тайёр эди.

– Нега дадамга турмушга чиққанингизни тушунолмадим, ойи? – деди Софи кета туриб.

– Чунки севардим, – хўрсинди Изабель. – Ўшанда бор-йўғи йигирма бир ёшда эдим. Назаримда, бизнинг оиламиз энг бахтли оила бўладиган эди. Даданг ақлли, келишган, омадли эди. У отамга ҳам ёққан. Буванг Гордонни мен учун муносиб куёв, деб ҳисобларди. Мен ҳам ишонгандим бунга.

Ўттиз саккиз ёшида Гордон банкни бошқарар, Изабелни эса жамиятда ўз ўрни бор эди. Аввалига янги оиласининг алоқалари Гордонга жуда қўл келди. Лекин юқори доирага кириб олгач, Изабелни нари суриб қўйди. Яна беш йил ўтгач эса умуман безътибор бўлиб қолди. Қувноқ йигитдан кўпол, бемехр кишига айланди. Бу вақтга келиб Изабелнинг отаси дунёдан ўтди. Ана шундан сўнг унинг азобли кунлари бошланди. Лекин Изабель ҳеч кимга чурқ этмасди. Биринчидан, уят-номус йўл бермаса, иккинчидан, Гордон ўзинг айбдорсан, деган гапни унинг миясига сингдирган эди. Шундан сўнг Изабель факат болаларига боғланиб қолди. Бахтсиз аёл ҳамма вазифасини яхши уддалашга жон-жаҳди билан уринарди. Лекин...

Билл эса уни жуда окила, саришта, чаккон аёл деб ҳисобларди. Изабель бу икки эркак уни икки хил назар билан кўришидан ҳайрон. Шунга қарамай, болалари учун барча азобларга умрининг охиригача чидашга рози у.

Софи кетгач, Изабель яна ёлғиз қолди. Бу гал Гордон Изабель билан бирга овқатланди. Эрталабки тўқнашув сабаб иккаласи ҳам лом-мим деб гаплашишмади. Гордон гаплашишга хуши йўқлигини маълум қилмоқчидек қовоғини очмади. Изабель ҳам эрининг гашига тегмаслик учун индамади. Умуман олганда, уларнинг гаплашадиган гаплари ҳам йўқ эди. Чунки Изабел, асосан, болалари ҳақида гапирарди. Гордоннинг эса бу мавзу гашига тегарди. Овқатланиб бўлишгач, Изабель қаҳвасини кўтариб, Теддининг хонасига кетди, Гордон эса яна ўз хонасига қамалиб олди. Уйкуга ёта туриб Изабель кизининг гапларини ўйлади. Софи отасининг хатти-ҳаракатидан ранжиган бўлса, онасининг индамаслигини окламасди. У онасини бироз дадилроқ бўлишга даъват қилиб турганида Изабель яна эрини оклаб ёнини олиб гапирарди. Изабель эри қачон чиқиб кетганидан беҳабар қолди. Эрталаб уни кидириб хонасига мўралаганида ўрнининг тахи бузилмаганини кўрди. Тунни билан қаерларда юрганини тасаввур ҳам қила олмади, кимдан сўрашни ҳам билмасди. Шунда хаёлига бир фикр келди: эри олдинлари ҳам кўпинча уйда тунамас, фақат бунга кўз юмиб келарди. Хўрлиги келган Изабель эрига қўнғироқ қилиб, тунни қасрда ўтказганини сўрамоқчи бўлди-ю, лекин Биллнинг гапини эслаб, индамай ўз ишини қилиб юраверди. Кечкурун Гордон ишдан қайтгач, Изабель ундан ҳеч нарса сўрамади. Кечки овқатдан сўнг Гордон ҳеч кимга сездирмаслик учун секингина уйдан чиқиб кетди.

ХIII ҚИСМ

Биллга Изабель кетганидан кейин беш кун ўтиб жавоб беришди. Билл учун шу беш куннинг ўтиши жуда қийин кечди. У ўзини ёлғиз ҳис қилди. Лекин бунга кўникиши керак эди. Олдинда уни қийинчиликларга тўла йўл кутаётганди. Орзу-хаёлларга берилмай, фақат меҳнат қилиш керак эди. Оёкка туриб кетиши бутунлай қафолатланмаса-да, ҳар ҳолда тушқунликка тушмаслиги лозим эди. Докторлар уни қаттиқ умидсизликдан ҳимоя қилиш мақсадида олдиндан огоҳлантириб қўйишди. Жароҳатларнинг оғирлигини ҳисобга олганда мўъжизага ишониш ҳам қийин эди. Ҳамшираларнинг барчаси уни кўзда ёш билан кузатиб қолишди. Уларнинг барчаси бу ёкимтой беморларга боғланиб қолишганди. Қолаверса, Биллнинг Изабелга бўлган муҳаббати ҳам уларни бефарқ қолдирмаганди. Уларнинг даҳшатли ҳалокатдан тирик қолиб, ажалнинг домидан қайтиб келганликлари реанимация бўлими ходимларини руҳлантириб юборганди. Билл ҳамшираларнинг ҳаммасига Нью-Йоркдан табрикнома йўллашга сўз берди ва барчаларига «Харродз»дан совғалар буюр-



ди: ҳамшираларга чиройли тилла билагузук, даволовчи шифокорларга «Патек Филипп» соати. Бу сахий ва меҳрибон одамни ҳали кўп соғинишларини қайта-қайта таъкидлаб, тезроқ соғайиб кетишини тилаб шифохона ходимлари у билан хайрлашишди. Битта ҳамшира билан санитар уни аэропортгача кузатиб, самолётга ўтқазишди. Соғломлаштириш маркази ходимлари уни Нью-Йорк аэропортида кутиб олишлари лозим эди. Учишдан олдин Билл кизларига кўнгирак қилиб марказда учрашишга келишиб олди. Синди билан эса гаплашмади. Ажрашишга қарор қилишгач, камрок кўришганимиз яхши, деб ҳисобларди у. Ажрим коғозларини Билл бир ой олдин расмийлаштириб хотинига дала ҳовли, бир нечта машина ва анчагина қимматбаҳо коғозлар қолдирди. Синди эрининг сахийлиги ва виждонлилигига яна бир бор тан берди. Эрининг шошганини тезроқ Изабелга уйланишга йўйди. Сафарининг дастлабки соатларида Билл ўзини яхши ҳис қилди. Кейинчалик эса бели ва бўйнида оғрик турди. Докторлар ҳамшира ҳамроҳлигида кетишни тавсия қилишига қарамай, Билл қайсарлик билан рози бўлмаганди. Лекин йўл давомида қилмишидан пушаймон бўлди. Яхши ҳам шахсий самолётида учаётган эди. Шунинг учун бемалол ётиб кетди. Аэропортда уни иккита санитар ва машина ҳайдовчиси кутиб олишди. Божхонадан ҳам муаммосиз ўтди. Ҳамма жойи қақшаб оғриётганидан у ҳолдан кетиб борарди. Кузатувчилар уни автомобилга жойлаштиришди.

– Яхши етиб келдингизми? – сўради улардан бири жилмайиб.

– Ҳаётимдаги энг оғир ва энг узок йўл бўлди ўзиям, – уф тортди Билл.

У учун ётиб кетиш ҳам дўзах азобидек эди ҳозир. Шунда у соғайиб кетишига ҳали анча борлигини ҳис қилди. Соғломлаштириш марказига етгунча ярим соатлар юришди. Кенг ва ёруғ бино шифохонадан кўра шаҳар ташқарисидagi клубларга ўхшаб кетарди. Атрофни бемалол томоша қилишга ҳам кучи қолмаганди Биллнинг. У ҳозир тезроқ ўрнига ётишни ўйларди, ҳолос. Йўлда унга кўлтиктаёкли ва аравачада ўтирган эркак-аёллар учради. Худди шундай ногиронлар аравачасидagi икки жамоа баскетбол ўйнардди. Замбилларда ётган томошабинлар эса уларни кўллаб-қувватлаб туришарди. Бу ердаги муҳитнинг дўстоналиги, одамларнинг қувноқлиги Биллнинг кайфиятини кўтармади.

У ўзини уйдан узокдаги интернатга жўнатилган ўқувчидек ҳис қиларди. Изабелни, Авлиё Фома шифохонасини кўмсарди. Коннектикутдаги уйини эса ўйлашни ҳам хоҳламасди. Энди ўтмишини хотирасидан бутунлай ўчириши керак эди. Уни аравачасида хонасига олиб киришганида кўзларига ёш тўлди. У ҳеч қачон ўзини шу қадар ёлғиз ҳис қилмаганди.

– Ҳаммаси жойидами, жаноб Робинсон?

У бош силкиб қўйди. У яшаши керак бўлган хона одатий меҳмонхоналарга ўхшарди. Нархининг осмондалигига қарамай бу ерда мижозларни ортикча ҳашамга ўрашмасди. Замонавий мебель, бир кишилиқ қаравот, полдаги гилам,

девордаги картина – мана шу хонанинг жихози. Бундан ташкари, унинг ихтиёрида ваннахона, факс, компьютер ва телефон ҳам бор эди. Микротўлқинли печ ишлатишга рухсат йўқ. Сабаби, уларнинг одамлардан ажраб ёлғиз қолишидан сақлаш эди. Билл ҳам кафетерийда овқатланиши, спорт мусобақаларида қатнашиши, дўст орттириши керак эди. Булар ҳаммаси соғломлаштириш жараёнининг бир қисми ҳисобланарди. Бу ерда беморнинг кимлиги, ўтмишда ким бўлганлиги ҳисобга олинмасди. Беморлар бу ернинг муҳитида фаол иштирок этиши шарт эди. Хонани кўздан кечириб ўтирган Билл котибасига кўнғироқ қилиши кераклигини эслаб қолди. Ўтган икки ярим ой ичида унинг сиёсий фаолияти йўққа чиқай деганди. Шифохонада ётганида унинг барча ишлари тўхтаб қолганди. Ҳовлига яна бир нигоҳ ташлаб олган Билл олдинги фаолиятига қайтиши учун ҳали қаида бир йил вақт борлигини тушунди. Хона бурчагида кичкина музлатгич турарди. Нуфузли оталарда бўлганидек, бу ерда ҳам музлатгич салкин ичимликларга, шоколад ва енгил яхна овқатларга лик тўла эди. Кузатувчилар кетгач, Билл Изабелга кўнғироқ қилмоқчи бўлди. Лекин Гордон уйда бўлиши мумкинлигини ўйлаб фикридан қайтди. Ёлғизликка чидамаган Билл сабри чидамай охири таниш рақамни терди. Парижда соат тунги ўн бир эди. Гўшакда кадрдон овоз эшитилди.

– Бевақт кўнғироқ қилмадимми?

Изабель кулиб юборди.

– Жуда вақтида қилдинг. Сени ўйлаб ўтиргандим. Гордон Мюнхенга кетган. Йўлда чарчамадингми?

– Жуда чарчадим, – тан олди Билл. – Худди қамоқда ўтиргандекман.

У яна атрофга аланглади. Хона яхши жиҳозланганига қарамай, бу ердаги муҳит умуман ёқмаганди.

– Бу ер менга умуман ёқмади, – тўнғиллади у ёш боладек.

– Ҳечқиси йўқ, ҳадемай ўрганиб кетасан, кўрасан, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – овутишга ҳаракат қилди Изабель. – Бор-йўғи бир-икки ой бўласан у ерда. У Биллга нима қилиб ёрдам беришини билмасди.

– Балки икки йил қолишимга тўғри келса-чи? – худди аразлагандек давом этди Билл.

– Баҳс бойлайманки, яқин орада у ердан чиқасан. Айтгандек, у ердаги одамлар қанака экан? – унинг назарида соғломлаштириш марказида фақат кекса ва ярим фалаж одамлар бўладигандек. Билл улар билан тил топишиши қийин эди. Лекин беморларнинг ярмидан кўпи ёшлар. Марказда асосан автомобиль ҳалокатига учраганлар, гимнастика залларида жароҳат олганлар эди.

– Ёмон эмас, – шундай деганча Билл деразадан кўриниб турган бассейнга қаради. Унда беморлар сузиб юришар, кирғоқда эса аравачалар

турарди. – Шунчаки бу ерда қолгим келмаяпти. Вашингтонда ишлаганим ёки сени кўргани Парижга борганим яхши эди. Назаримда, ҳаётим бефойда совуриляётгандек.

Лекин Билл интиляётган жойларда ҳам уни ҳеч қандай яхши хабар қутмаётганди. Олдинги иш фаолиятига қайтиши учун у мустақил ҳаракатлана олиши, узундан-узок мажлисларда ўтира олиши керак эди. Бундан ташқари, Билл энди уни сиёсат оламида қандай қарши олишларини билмасди. Кимлардир уни чикитга чиқариб қўйиши, сайлов кампанияларини ўткази олишига ишонмаслиги мумкин эди. Шунинг учун у аввало оёқларини ҳаракатлантириши лозим эди. Изабель учун бунинг аҳамияти йўқ. Унинг муҳаббати Билл юриб кетмаган тақдирда ҳам заррача сусаймаган бўларди. Ҳеч кимга мухтожлик бўлмаслик ҳисси Биллни тинч қўймасди. У оиласига ҳам, ҳамкасбларига ҳам, ҳатто Изабелга ҳам қарам бўлишни хоҳламасди.

– Теддининг аҳволи яхшими? – ғамхўрлик билан сўради Билл. – Ўзинг-чи?

– Ўзим яхшиман. Софи кеча ўқишга кетди. Тедди ҳали анча заиф, ундан жуда хавотирдаман. Бир қарасанг, аҳволи яхшилангандек бўлади, кейин яна иссиғи чиқиб кетади... лекин қайфияти яхши.

– Оливия билан Жейн ҳам ўқишга тушиб кетишди. Яқинда мени кўргани келишмоқчи.

– Синди ҳам келадими? – Изабель ўзи тан олмаса-да, барибир Биллни рашқ қиларди. Бу эса Биллга ёкиб тушарди. Билл ҳарчанд уни қайтаришга уринса-да, Синди ростдан ҳам қизлари билан бирга келмоқчи. Изабель ҳамон уларнинг ажрашаётганларидан беҳабар эди. Билл учун шуниси маъқул. Бўлмаса Изабель ўзини айбдор ҳис қилиши мумкин эди.

– Келолмаса керак, қаёққадир кетаман, деганди... – бепарво жавоб беришга уринди Билл. Изабель Синдининг эркин қушдек ҳаёт кечиришига яна бир бор қойил қолди.

– Гордон ҳам ҳозир Мюньхенга кетган, аллақандай конференцияга, – Лондон воқеасидан кейин Изабель эрининг сайру саёхатларига эътиборсиз бўлиб қолганди. Улар худди бегоналардек эдилар.

– Бугунга қандай режаларинг бор, азизим, – мулойимлик билан сўради Изабель. У Биллнинг чарчаганини, ғамгинлигини ҳис қилиб турарди.

– Ётиб ухлайман. Овқатлангим ҳам келмаяпти, – оғриқлар унга қаттиқ азоб бераётганди. Шунга қарамай, у оғриқ қолдирувчи дорилардан қайсарлик билан воз кечганди. Ўрганиб қолишдан кўрқарди.

– Балки айланиб келарсан. Шу баҳонада атрофдагилар билан танишардинг, – Изабель Биллнинг хонасида ёлғиз қолишини хоҳламасди.

– Эртага танишарман. Умуман олганда, хоҳишим ҳам йўқ. Терапия эрталаб еттида бошланиб, кечқурун бешда тугаркан. Интизом бу ерда қаттиқ. Эрталаб сенга қўнғирок қиламан, ўшанда сизларда пешин бўлади.

– Ўзим ҳам сенга кўнғироқ қилиб турсам бўларди, – деди Изабель. У Билл билан тез-тез гаплашишни хоҳларди. Гаплашиб бўлган заҳоти яна соғинишни бошларди. Лекин Билл таваккал қилишни хоҳламай рози бўлмади.

Улар бир-бирларига соғинганлигию, севишини қайта-қайта таъкидлаб хайрлашишди. Изабель Биллни бағрига босгиси, кўнглини кўтаргиси келардию, бироқ бунинг иложи йўқ эди. Улар телефон кўнғироғи билан кифояланишга мажбур эдилар. Эртасига эрталаб Билл зўрға ўрнидан турди, санитар ёрдамида аравачага ўтириб душга йўл олди. Ўзини бироз енгил хис қилгач, яна Изабелга кўнғироқ қилди. Сўнгра муолажаларга йўл олди. Муолажалар кутганидан ҳам кийинроқ эди. У ўзини денгиз флоти жангчисидек хис этди. Ногирон аравачасида ўтирган ҳолида унга ритмик гимнастика қилдиришди. Тренажёрда машқ қилиб, оғир юклар кўтартиришди. Бўйни ва бел учун махсус машқлар бажартиришди... соат бешда у шу қадар ҳолдан тойдики, хонасига базўр етиб борди. Унга ўрнига ётишга ёрдам берган санитар кўнгил сўради:

– Толиқиб қолмадингизми, жаноб Робинсон? – илгари спортчи бўлган, беш йил олдин жароҳат олиб, ҳозирда физиотерапевтликка ўқиётган афроамерикалик бўлган бу йигит жуда хушмуомала эди.

– Ҳазиллашяпсизми? – тўнғиллади Билл. – Бугун мени ўлдирмоқчи бўлишди, шекилли.

– Бир-икки ҳафтада ўрганиб кетасиз. Кейин ўзингизга ҳам ёкиб қолади, – санитар беморни массаж қилиб бўлгач, чикиб кетди.

Билл кечки овқатни рад этиб ухлагга ётмоқчи эди. Шунда эшик тақиллади. Хонага аравачаси билан ёш йигит кириб келди.

– Салом. Менинг исмим Жо Эндрюс. Қўшнингизман. Сизни соат саккизда бўладиган ўйинга таклиф қилмоқчиман, – Эндрюс йигирма ёшлардаги чиройли йигит бўлиб, ярим йил илгари тўрт кишининг ҳаётига зомин бўлган автоҳалокатга учраган. Унинг битта қўли ишламасди.

– Баскетболга?! Қўйсангиз-чи! Ўйинда факат копток бўлиб туришим мумкин. Бошқасига ярамайман.

– Бошида қийин бўлади, – кулиб юборди Жо. – Кейинчалик ўрганиб кетасиз. Бу ажойиб муассаса. Ярим йил олдин менинг факат кўзим кимирларди, холос. Бошимни қашиш мен учун бир бахт эди.

Бу гаплардан кейин Билл инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди.

– Сиз ёшсиз, мен эса қариман.

– Бу ерда ёш-қари деган тушунча йўқ. Баскетбол гуруҳи капитанининг ёши нечада, биласизми – саксон иккида.

– Йўғ-эй, мен ҳеч қачон ундай бўлолмайман.

– Ўрганиб кетасиз. Сизга бир гап айтайми? Бу ерда соҳибжамол аёллар кўп...

Билл ўзини коллежга тушиб қолгандек ҳис қилди. Йигитча унга маъқул келди. Унинг кўзлари қулиб турар, истарали эди.

– Вақтни бекор ўтказмайсизлар шекилли, қулди Билл. Жонинг севган кизи ўша машъум автохалокатда вафот этганди.

– Дам олиш кунлари мен Нью-Йоркка бораман. Хохласангиз, бирга юринг. Поездда йигирма дақиқалик йўл.

– Яхши фикр, аммо ҳозир ўрнимдан базўр кимирлаяпман-ку...

– Унда ҳеч бўлмаса томоша қилинг. Сизни баъзи бировлар билан таништириб қўяман, – у Биллни ҳол-жонига қўймади. Жо шу қаватнинг раҳбари бўлиб, унинг вазифаси янги келган беморларни ёлғизлатиб қўймаслик, нима бўлса-да жамоага қўшиш эди. Унинг ўзи ҳам марказга янги келганида жонига қасд қилмоқчи бўлганди. Ҳозир эса ҳаётга қизиқиши кучайган.

– Қизлар масаласи қалай бу ерда? – ҳазиллашди Билл.

– Уйланганмисиз? – Жо одамлар билан тил топишишга уста, дилкаш йигит эди. Шундай йигитни ногиронлар аравачасида кўриш Билл учун оғир эди.

– Йўқ, тўғриси ажрашяпман.

– Ёмон бўпти... – хўрсинди Жо, кейин кўзлари чакнаб қўшиб қўйди: – Жамоамизда икки киз бор: бирининг ёши ўн саккизда.

– Мен учун анча ёшлиқ қиларкан. Иккинчиси-чи?

– Олтмиш уч ёшда, – энсасини қотирди Жо.

– Шунисини ола қоламан. Ёши тўғри келаркан.

– Ўзингиз неча ёшдасиз?

– Эллик икки. Лекин, назаримда, тўқсонни уриб қўйгандекман.

– Овқатландингизми?

– Иштаҳам йўқ, – у кеча ҳам овқатланмаганди.

– Бекор қияпсиз. Олти яримда сизни чақираман. Тайёр бўлиб турунг, – у Биллнинг жавобини кутмай аравачасини буриб чиқиб кетди.

Билл энди ухламоқчи бўлиб турганида эшик тақиллади. Кириб келган йигит ўзини Жо деб таништирди. У Биллни баскетбол ўйнашга таклиф қилди. Билл эса фақатгина томоша қилишга рози бўлди...

Эндрюс вазифасини яхши бажарди. Соат олтидан ўтганида Билл шайланиб ўтирар, кайфияти ҳам анча яхши эди. Жо ошхонага боргунича йўлда учраганларнинг барчаси билан таништириб борди. Сухбат давомида Билл Жонинг Миннеполисданлиги, ёши йигирма иккидалигини билиб олди. Йигитча яқинда коллежни тугатган, кейинги йили университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топшириш ниятида экан. Унинг иккита опаси бўлиб, эгизак укаси ўша автохалокатда вафот этган эди. Жонинг қайлиғи ва укаси, иккинчи машинадан эса яна иккита киши халок бўлганди. Юракни эзадиган бунақа воқеаларни мазкур даргоҳда

кўплаб эшитиш мумкин эди. Аксарият беморлар нафақат физиотерапияга, балки психиатр ёрдамига муҳтож. Лекин соғломлаштириш марказини улар ҳаётга ишонч ва иштиёқ билан тарк этишарди. Ушбу муассасада икки юз киши ётиб даволанса, яна уч юз нафари катнаб даволанарди. «Ерлик аҳоли» худди бир катта оиладек, бир-бирига меҳрибон. Кафетерийдаги шовқин-сурон коллежни эслатарди. Беморлар кулишар, гаплашишар, режалар тузишарди... Уларнинг қувноқлиги, хушчакчаклиги Биллни хайрон қолдирди. У муҳитнинг бунақа бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

– Кейинги ҳафтада теннис турнири ўтказилади, катнашмайсизларми? – сўради Жо стол атрофидагилардан.

Даволанувчиларнинг ярмидан кўпи йигирмадан ўттиз ёшгача бўлган эркеклар эди. Столга соҳибжамол бир киз яқинлашди. У моделчи бўлиб ишлаган, суратга олиш пайтида зинадан йиқилиб боши қаттиқ лат еганди. Саккиз ой кома ҳолатида ётган, гапирмаганидан нутқи норавон бўлиб, дудукланиб гапирадиган бўлиб қолганди. Унинг исми Елена эди. Яқин дугонаси автомобиль ҳалокатига учраган балерина киз бўлиб, у яна сахнага қайтишга қаттиқ ишонарди. Бу ердагиларнинг иродаси ва қатъиятига қойил қолмай илож йўқ. Овқатланиб бўлишгач, Жо билан Елена Биллни ўйинда иштирок этишга ундай бошлашди. Билл томошабин сифатида қатнашишга зўрға кўнди.

– Ҳали кўрасиз, улар яхши ўйнашади, – чиройли жилмайди Елена.

У ҳам ногиронлар аравачасида ўтирарди. Лекин юра олмаганидан эмас, балки тўсатдан боши айланиб кетишидан кўрқарди. Аравачада ўзини хотиржамдек ҳис қиларди. Билл унинг аллақаси Изабелга ўхшаб кетишини ўйлади. Жонинг айтишича, қиз Нью-Йорк, Париж ва Миланда ишлаган, ҳалокатга йўлиққанига қадар суратлари машҳур «Воч» ва «Херрерс базар» журналлари муқоваларида чоп этилган.

– Майли, бироқ кейинги гал, албатта, ўйнайман, деб сўз беринг.

– Сўз бераман, – қулди Билл.

Оёқларининг узунлигига қараганда Елена бу ердаги эркекларнинг аксариятидан баландроқ эди. Билл кўпчилик эркеклар унга завқланиб тикилаётганини сездди. Лекин кизнинг ўзи ҳеч кимга эътибор қаратмас, чунки даволаниш тугагач, сураткаш йигитга турмушга чиқмоқчи эди. Унинг қўлида никоҳ узуги ҳам бор эди.

Ишқибозлар иккала жамоани ҳам бирдек қўллаб-қувватлаб туришарди. Бу ерда матч уюштирилишининг ўзи катта ғалаба.

– Уйланганмисиз? – қизикди Елена. Бу шунчаки кизикиш эди.

– Ажрашганман. Тўғрироғи, энди ажрашмоқчиман.

– Афсус! – хўрсинди у, кейин кўзларини қув ўйнатганича қўшиб қўйди: – Демак, бу ерда жуда машҳур бўлиб кетаркансиз-да!

Билл жилмайиб кўйди. Умуман олганда, у ўзини эркин ҳисобламасди. Чунки Изабелни севарди, қолаверса, бу ерда анчайин ёш ва келишган йигитлар кўп.

– Севганингиз борми?

Билл ёлғон гапиргиси келмади, шунинг учун тўғриси айтди:

– Ҳа.

– Унга уйланасизми? – Елена бир гапни охиригача етказмаса кўймасди.

– Йўқ, – Билл охиригача рост гапиришга қарор қилди. – Унинг оиласи бор, ажрашмоқчи эмас. Вазиятни ўзгартириш кўлимдан келмайди.

– Нега?

– Чунки мен ўз муаммоларимни унга юкламоқчи эмасман. Севгилимнинг бемор фарзанди бор, қолаверса, ногирон эрга ҳам қараш оғирлик қилади.

– Унинг ўзи шу фикрдами?

– Албатта, йўқ. Бу менинг фикрим. Унга ортикча юк бўлгим йўқ.

– Жуда марҳаматли экансиз-ку! Булар ҳақида ҳам шундай фикрдамисиз? – шундай деб Елена жон-жаҳди билан ўйнаётган майдондагиларни кўрсатди. Ҳаммасининг юзида гурур аксланиб турарди. – Улар ҳам ортикча юкми, сизнингча?

– Менинг уларга уйланиш ниятим йўқ, – гапни ҳазилга бурди Билл. Кейин жиддий тусда давом этди. – Биласизми, Елена, мен оёқларимда юролмасам, рақс тушолмасам, ўз ишимга қайтаманми-йўқми, ҳали буни си номаълум. Ногирон одамнинг кимга кераги бор. У бошқа гаплар ҳақида оғиз очмади.

– Ким бўлиб ишлагансиз? Конькичи бўлмаганмисиз, мабодо? – киноя билан сўради у.

Билл кулиб юборди. Еленанинг сўзлашиш тарзи унга ёққан эди.

– Сиёсатчи бўлганман.

– Сиёсат билан ўтириб шуғулланса бўлмайдими? Янгилик-ку!

– Нимани назарда тутаётганимни тушунмаяпсизми?

– Албатта, тушундим. Мен ҳам олдин ўзимни кераксиз ҳис қилганман, кейинчалик аҳмоқлик қилганимни тушундим. Тўғри, мен яхши гапиролмайман, айрим нарсалар эсимдан чиқиб кетади, баъзан суҳбат ўртасида ўчиб қоламан. Аввалги ишимни эплашим ҳам гумон. Лекин бу билан ҳаёт тугаб қолгани йўқ-ку, жин урсин. Бошқа иш билан шуғулланишим мумкин. Кўринишим ҳам чаккimas, – камтарлик қилди у. Улар дўстлашиб олишга улгуришганди. Бу ерда одамлар тез дўстлашиб кетишади. – Ақлим ҳам жойида, баъзан жиннилим тутиб турса ҳам. Кимгадир ёқмаса – катта кўча! Асосийси, қайлигимни бу ташвишга солмайди, агар аксинча бўлса, у билан орани очик қиламан. Шунинг учун сиз ҳам ўша хонимга имконият беринг, ўзи ҳал қилсин.

– Ҳаммаси сиз ўйлагандан мушкулроқ.

– Ростданми? Ўзингизни ҳақ, деб ҳисоблайсизми? Чиройим ҳаққи қасам ичаманки, агар муҳаббатингизга лойиқ бўлса, сизнинг юриш-юрмас-лигингизнинг фарқи йўқ унга, – Билл Еленанинг гапларига қўшилса-да, фикрини ўзгартирмади. У аллақачон бир қарорга келган – фақат оёққа турсагина Изабель билан учрашади, бўлмаса йўқ.

– Биласизми, Елена, сиз билан шу гапингиз учун баҳс бойлашга розиман.

– Қайси гапим учун?

– Чиройингиз ҳаққи... – аниқлик киритди у.

Иккаласи бирваракайига кулиб юборишди.

– Ўзингизни босинг, жаноб! Сизнинг севганингиз бор. Менинг эса бошим боғлиқ.

– Шуниси ёмон-да! – ёлғондан хўрсинди Билл.

Ўйин охиригача улар кадрдон дўстлардек суҳбатлашиб, кулишиб ўтиришди. Жонинг жамоаси ютиб чиқди. У бахтдан ял-ял ёниб, уларга келиб қўшилди. Ҳаммалари кафетерийга йўл олишди. Вактичоғлик билан вақт ўтганини ҳам сезмай қолишди.

– Хўш, – ҳазиллашди Жо, Елена хонасига кетгач, – соҳибжамолимиз фотиҳасини бузадиган бўлдимми?

– Ҳозирча йўқ. Бироқ ҳаммаси олдинда, – худди шу оҳангда жавоб қайтарди Билл.

Ҳазил ўз йўлига, лекин Еленанинг тўйи баҳорга белгиланганди. Чунки бўлажак келин меҳроб ёнига ўз оёқлари билан юриб бормоқчи эди.

– Еленанинг синглиси бор, опасини кўргани келиб туради, – деди йўл-йўлакай Жо. – Фақат қурбакага ўхшаб кетади.

Билл хо-холаб кулиб юборди.

– Уларнинг онаси бошқа бўлса керак. Елена синглисини менга таништирганида оғзим очилиб қолган. Лекин ўзи жуда чиройли.

Билл маъқуллаб бош ирғаб қўйди.

– Хўш, кейинги гал биз билан ўйнайсизми? – сўради Жо хонасига киришдан олдин.

– Менга томошабин роли ёқди, – у Елена билан суҳбатдан бир олам завқ олган бўлса-да, фикридан қайтмаганди.

– Эртага биз билан Нью-Йоркка кетмайсизми?

– Жон деб кетардим-у, аммо эртага қизларим келишмоқчи.

– Қизларингиз неча ёшда? – қизикди Жо.

– Биттаси ўн тўққизда, иккинчиси йигирма бирда. Сизни улар билан таништириб қўяман.

– Биз кечқурун олтида кетамиз, чунки кундузи сузиш бўйича мусобакам бор, – у коллежда сузиш жамоасининг капитани эди.



– Сизни ўзим топаман, – улар хайрлашиб хоналарига кириб кетишди.

Билл Изабелга кўнғироқ қилишга улгурмаганидан афсусланди. Ҳозир Парижда соат тонги беш. Бир-икки соат кутиб, кейин кўнғироқ қилишга қарор қилди. Уйкусини қочириш учун бир соатча китоб ўқиб ётди. Ярим тун бўлгач, таниш рақамларни терди. Изабель гўшакни дарҳол кўтарди.

– Тузукмисан? Хавотирлана бошлагандим.

– Ёмон эмас, баскетбол мусобақасини томоша қилдим. Кун бўйи машғулотлар ҳолдан тойдирди. Бу ерда зерикишга вақт йўқ экан, – у танишган одамлари ва эшитган воқеалари, машқлари ҳақида гапириб берди.

– Вой, бунақа машқларни мен ҳеч қачон қилолмаган бўлардим, – хайрон бўлди Изабель.

– Ўзим ҳам ўзимга қойил қолдим. Эртага қизларим келишяпти, уларни роса соғиндим. Ўзингнинг ишларинг қалай, азизам?

– Яхши. Тедди ухлаб ётибди.

Улар яна бирпас гаплашиб ўтиришди. Тедди уйғонгач, Изабель Билл билан хайрлашди. У ўғлига эрталабки дориларни ичирди. Тедди яна ухлаб қолди. Изабель оғир хўрсиниб, ўрнидан турди ва деразадан кузги бокка узоқ тикилиб қолди. Билл билан ҳали-бери кўришмасликларини тушунди...

Билл ўрнида Изабелни ўйлаб ётди. Еленанинг гапларида жон бордек туюлди, назарида. Лекин у фикридан қайтмади. Елена ёш, чиройли, қолаверса, у аёл киши... ҳеч қачон Биллни тушунолмайди. Агар Изабелнинг ҳаётига ўз оёқлари билан кириб боролмас экан, демак, безовта қилишнинг ҳожати йўқ.

XIV ҚИСМ

Оливия билан Жейн отасини руҳи тетик, бардам кўриб қувонишди. Билл қизларини марказ бўйлаб айлантирди. Кейин холи бурчак топиб, тоза ҳавода гаплашиб ўтиришди. Қизлар тинмай соғинишганлиги, ажримдан хафаликларини гапиришар, отасини хушқайфият кўриб, қувончлари ичига сиғмасди. Кечга яқин улар тамадди қилиш учун кафетерийга йўл олишди ва ўша ерда Жони учратиб қолишди. Ёшлар дарров тил топишиб кетишди. Университет ва курсдошлари ҳақида қизғин суҳбатга киришган ёшлар бир дам Биллни ҳам унутиб қўйишди. Жонинг ногиронлар аравачасидалигининг аҳамияти йўқдек эди, гўё. Кафетерийдан қайтишда Билл Жонинг Жейн билан ёнма-ён қайтаётганига эътибор берди. Уларнинг қизиқиши бир хил чиқиб қолди. Жо қизлар кетгунича уларнинг ёнида бўлди. Ниҳоят ота-болалар ёлғиз қолишгач, Билл қўшнисини қизларга мақтаб гапирди.

– Жуда ёқимтой экан, – қўшилди Жейн. Оливия эса кулиб юборди.

Жо ростдан ҳам яхши йигит эди. Ёшларнинг ўйинкароклигини кузатиб Биллнинг завқи ошди. Қизларини кузатиб кайтган Билл уни кутиб ўтирган Жони кўрди.

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди хижолат тортганича у.

– Бемалол сўрайвер, Жо, – далда берди Билл.

– Гап шундаки... мен...

– Хўш, – ҳазиллашди кулиб Билл. – Мендан машинамни сўрамоқчидек наmunча довдирамасанг? Огоҳлантириб қўяй: менинг машинам йўқ, қолаверса, иккаламиз ҳам уни бошқара олмаймиз.

Жо ҳам кўшилиб кулди, кейин:

– Шунини айтмоқчийдимки... яъни... – у чуқур нафас олгач дадилланиб: – Жейнга кўнғироқ қилиб турсам, қарши бўлмайсизми, демоқчийдим, деди ниҳоят. – Агир норози бўлсангиз, кўнғироқ қилмайман. Қолаверса, ҳали Жейннинг ўзи ҳам мени кўришни хоҳлайдими-йўқми? Хуллас, тўғри тушунинг...

– Жуда яхши, – Жейн оиласининг қаршилигига қарамай, икки йил мобайнида бир йигит билан учрашганди. Лекин бир йил олдин у билан орани очиқ қилиб, шундан буён ҳеч кимга эътибор бермай қўйганди. – Менимча, бу масалани қизимнинг ўзи билан ҳал қилиб олганингиз маъқул.

– У кўнғироқ қилишимга рухсат берди. Уй, университет ракамани ҳам берди. Факат... олдин сизнинг фикрингизни билмоқчи бўлгандим.

Билл ёшларга яна бир бор қойил қолди.

– Оббо, чакконлар-ей! Нима ҳам дердим, – кулди у. – Демак, у Еленанинг синглисидан кўра яхшироқ экан-да?

– Ҳазиллашманг! Уларни таққослаб бўлмайди. Жейн жуда ажойиб қиз! Ҳалиги... Еленанинг синглиси ҳам яхши қиз, бироқ...

– Тушунарли. Факат қурбакага ўхшайди, шундайми?

– Менинг гапларимни Еленага айтиб қўйманг, илтимос, – ростдан хавотирланди Жо. – Чунки унга синглинг ёқимтой ва ақлли қиз экан, деганман.

– Айтмайман, хавотирланма. Жейн билан дўстлашиб олганларингдан хурсандман. Қизларим билан фахрланаман, – Жо уни тушунгандек маъқуллади. Оливия ҳам ажойиб қиз эди. Факат унинг ёши катта ва бир оз мағрур эди. Жейн эса очиккўнгил, хушчакчак туюлди унга.

– Демак, бугуноқ кўнғироқ қиламан.

– Бунисиин энди ўзларинг ҳал қилинглар, – жиддий гапирди Билл. – Шу дақиқадан бошлаб мен ўйиндан чиқаман. Қизларим катта бўлиб қолишган.

Ўзининг кўнглидагидек чиққан бу йигит Жейнга ҳам маъқул келгани Биллни қувонтирди. У одобли, меҳрибон бу йигитга фақат яхшилик

тиларди. Лекин негадир Жо билан Жейн ҳақида гап кетганда унинг ногиронлиги Биллга тўсиқдек туюлмади. Ўзига қолганида...

Эртасига қизлари кўнғироқ қилиб, Биллдан яна ҳол-ахвол сўрашди. Сухбат давомида Жейн отасига Жо ҳақида сўз очмади. Унинг ўзи ҳам индамади. Шундай қилиб, ёшлар бир-бири билан гаплашишдими-йўқми, номаълумлигича қолди. Гўшакни қўйишга улгурмасиданок Синди ундан боришга рухсат сўради. Бироз иккиланиб тургач, Билл рози бўлди. Қолаверса, улар ажримдан кейин ҳам дўст бўлиб қолишга келишишганди. Орадан икки кун ўтгач, Синди уни кўргани марказга келди. Синди ҳайронликдан ўзига келолмасди. Атрофдаги одамлар бир-бирлари билан чакчақлашиб суҳбатлашишар, ногиронлар аравачасида ёки замбилда ўтиришганига қарамай, улар ҳаётга чанқок ва бахтиёр эдилар. Бу ерда ҳамма бир-бирини танир, дардини тушунарди. Бунақа дўстона мухитни Синди анчадан буён кўрмаганди. Билл Синдини Елена билан таништирди.

– Ким у? – сўради Синди қиз аравачаси билан нари кетгач. – Жуда гўзал экан.

– Ҳа, – маъқуллади Билл. – У фотомодель.

– Кўз остингга олиб қўймадингми мабодо? – рашк ўтида ёниб сўради Синди.

Билл кулиб юборди.

– У фотиҳа қилинган!

– Бахти кулган йигит экан, ким бўлса ҳам, – енгил тортди Синди.

– Мен ҳам шу фикрдаман, – жилмайди Билл.

Улар яна бир оз гаплашиб ўтиришди. Синди ҳар доимгидек дид билан кийинган эди. Ўзини сипо тутаетган бўлса-да, ажрим ҳақида гап бошланганида асабийлаша бошлади.

– Ажрашиш шартмикан бизнинг ёшимизда? Бирга ярим умримизни ўтказганимиздан сўнг бу иш аҳмоқликмасми?

– Энди фойдаси йўқ, Синди, – бош чайқади Билл. – Ўртаимизда ҳеч нима қолмаган.

– Қолган, қолган, Билл. Мен сени севаман. Яна бир бор имконият бер менга.

– Жон деб рози бўлардим-у, лекин бунинг иложи йўқ, – тўғрисиин айтди Билл. – Сенга муносабатим яхши, лекин ҳеч нимани ўзгартира олмаймиз. Чунки мен ишга қайтсам, яна илгаригидек суткалаб ишлайман. Сен эса яна хафа бўлиб, эски гапларни бошлайсан. Агар мен ишдан чиқиб уйда ўтирадиган бўлсам, сен ўзинг билан ўзинг яшайсан, бундан эса мен ранжийман. Қўй, яхшиси алоҳида яшайлик. Ўз тенгингни топарсан.

– Менинг тенгим сенсан, – кўзига ёш олди Синди.

– Балки шундайдир?

– Мен аҳмоқлик килдим, биламан. Лекин ақлимни йиғиб олдим-ку!

– Иккаламиз ҳам кап-катта одамлармиз. Кел, шунга муносиб иш тутаюлик.

Синди жавоб бермади. Фақат хўрсиниб кўйди. Кўлидан ҳеч нима келмасди. Эри бир қарорга келдими, тамом, ўлса ҳам уни ўзгартирмайди. Кўнишдан бошқа иложи йўқ эди Синдининг.

– Изабел-чи? – кизикди Синди.

– Изабель? Ҳеч нима? – Билл бу мавзуда гаплашгиси йўқ эди.

– Нега? – ҳайрон бўлди Синди.

Билл Изабелни шунчалик қаттиқ севардики, ундан осонликча воз кечганига ишониш қийин эди.

– Унинг оиласи бор. Мен эса бу ердан. Демак, ҳеч қанақа гап бўлиши мумкин ҳам эмас.

– Осонгина таслим бўлиш сенга хос эмас. Лондонда унинг эрини кўрганман. Бунақа одам билан яшаш осон бўлмаса керак. Кўринишидан ҳақиқий аблахлиги маълум эди унинг.

– Нафақат кўринишидан... лекин унинг ногирон ўғли бор. Изабель ажрим ўғлига қаттиқ таъсир қилишидан қўрқади. Колаверса, уни даволатишга маблағи йўқ. Биласанми, Синди, унинг шароити сен ўйлагандан кўра оғирроқ. Мен ҳам ўз муаммоларимни унга юкласам инсофдан бўлмайди. У ҳам одамдек яшашга ҳақли. Худди шундай сен ҳам.

– Шунинг учун ажрашмоқчи экансан-да! – қичкириб юборди Синди. Хаёлига келган фикрдан у даҳшатга тушганди.

– Қисман шунинг учун ҳам, – тан олди Билл. – Лекин бошқа сабаблари ҳам бор. Бунинг ўзим учун қиялман. Изабель учун эса ундан узоқроқ юрмоқчиман. Яна ким билади дейсан, балки мўъжиза рўй бериб қолар!

– Лондонлик шифокорлар сенга очигини айтишган. Мўъжиза рўй бермайди. Бу ердан ғилдиракли конькида чиқишинг гумон Билл. Кўп нарса кутма.

– Кутганим ҳам йўқ. Бироз соғайишга умид қиялман, холос. Ҳозирги аҳволимда эса ундан узоқроқ бўлишга ҳаракат қиламан.

– Изабелнинг хабари борми? – сўради Синди. Севганидан шу тарзда айрилиш никоҳ бузилишидан ҳам баттарроқ эканлигини ўйлади Синди. – Изабель нима сабабдан ундан айрилмоқчи эканингни биладими? – Синди уларга ачинди.

Билл бош чайкади.

– Унинг ҳеч нимадан хабари йўқ. Ўртамиздаги масофа секин-секин бир-биримиздан узоқлашишимизга ёрдам берар. Унинг ўз ҳаёти бор. Кўникиб кетади, деб умид қиламан.

– Кўникишига шубҳа қиялман. Назаримда, унинг ҳаёти бўшлиқдан иборат. Ўзинг-чи, ўзинг нима қиласан? Биласанми, агар Изабель рост-

дан ҳам мен тасаввур қилгандек бўлса, сенинг ногиронлигинг унинг учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Сен тўрт мучаси бут баъзи эркаклардан яхшироқсан. Лекин шу карорга келаркансан, бунчалик оташин муҳаббатнинг нима кераги бор эди?!

– Балки, ҳақдирсан. Лекин мен бошқача бўлолмайман. У ҳам Форрестъедан ажрашмайди.

Синди кетгач, Билл анчагача ўйланиб ўтирди. Нега ҳамма уни ногиронлар аравачаси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деб ишонтиришга астойдил ҳаракат қияпти. Билл учун бу жуда муҳим. Изабель учун эса кейинчалик аҳамият касб этиши мумкин. Синди нотўғри гапирди. У вазиятни тўла ҳис қила олмайди. Билл эса тўғри фикрлайди. У бир кун келиб хотини уни ёмон кўриб қолишини аниқ билади. Изабель билан ҳам шундай ҳолат юз беришини хоҳламасди у. Агар самолётдан ўз оёқлари билан тушиб боролмас экан, Парижга қайтиб оёқ босмайди. Лекин Синди бир нарсада ҳақ эди: умидга берилиб кетмаслиги керак.

Кунлар оқар сувдек тез ўтиб борарди. Билл машғулотлар билан шунчалар банд эдики, нафас ростлашга ҳам вақти йўқ. Марказнинг чакқон, аклли шифокорлари Биллга жуда маъқул келганди. Фақат интим муносабатлар бўйича мутахассис Линда Харкортнинг маслаҳатлари унда шубҳа уйғотарди. Уришиб қолишгудек бўлса, Билл дарҳол унинг маслаҳатларига эҳтиёжи йўқлигини маълум қиларди.

– Нега? – унга хотиржам тикилиб сўради Линда Харкорт. У ёқимтой, маданиятли аёл эди. – Ростдан ҳам ҳаммаси жойидами? Билл унга ёлғон гапирмокчи бўлди-ю, лекин ичида нимадир бунга йўл қўймади. У ўзининг аҳволини муҳокама қилмокчи эмасди, лекин бу ёқимтой шифокордан кочиб кетишга ҳам уялди.

– Касаллик тарихингиздан уйланганлигингизни ўқидим, – хотиржам давом этди Харкорт. – Балки, хотинингиз билан гаплашиб кўрарман.

У Биллнинг саломатлиги жойида эмаслигини аниқ биладигандек ишонч билан гапирарди. Чунки беморлар ҳар доим у билан хижолат тортиб гаплашишарди. Билл бош чайқади.

– Мен ажрашяпман, – деди у катъий қилиб.

– Қизик. Ҳалокат сабабми?

– Йўқ. Бунинг олдинроқ қилишим керак эди. Ҳалокат туртки бўлди, холос.

У саволларни одоб сақлаб мулоимлик билан берганди, Билл ўзи билмаган ҳолда ҳамма гапни сўзлаб берди.

– Сизнинг жароҳатларингизни ҳисобга олсак, шундай бўлиши табиий. Ҳикоянгизни эшитиб шундай хулосага келдим: келажакда сиз тўлақонли ҳаёт кечири оласиз.

Билл индамади. Шифокорнинг хулосасидан қувонмади ҳам. Чунки у таваккал қилиб яна хўрликка дуч келишдан қаттиқ қўрқарди.

- Мавзуга яна қайтамиз.
- Йўқ. Мен учун бу мавзу ҳозир муҳим эмас, – қаршилиқ килди Билл.
- Ҳозирчами ёки умуманми? – уларнинг кўзлари тўқнашди. Харкорт ҳам қайсарликда ундан қолишмасди.
- Умуман, доктор. Ўзимни алдашни хохламайман. Бу бефойда.
- Адашаётган бўлсангиз-чи, ҳали ёшсиз... тирик одам тириклигини қилиши керак, ахир!
- Хавотирланманг. Менинг ишим бошимдан ошиб ётибди.
- Менинг ҳам, – жилмайди Харкорт ва унга тиббиётга доир китоб узатди. – Диккат билан ўқиб чиқинг. Келгуси ҳафтада имтиҳон! Сўнг Биллнинг кўзидаги хайраг аралаш кўркунни кўриб қулиб юборди.
- Ҳазиллашдим! Ўйлайманки, бу китоб сизни кизиктиради.

Шу билан суҳбат тугади. Биринчи марта учун етарли эди. Доктор Харкорт қайсар беморларнинг кўпини кўрган. Шунинг учун умидсизликка тушмади. Хонасига қайтган Билл китобни жаҳл билан қаравотга улоқтирди. Уни ноҳуш ҳаёллар чулғаб олганди. Китоблардан аллам-балоларни ўрганиш унинг нафсониятига теккан. У Изабелга ҳам Линда Харкорт билан бўлган суҳбат ҳақида оғиз очмади. Мутахассис қайфиятини баттар туширганди. Шу сабабли у тавсия қилган китобни бир неча кундан кейин қўлига олди. Китобни очиб лол қолди. Унда ёзилишича, бўлиб ўтган ишлар табиий ва тушқунликка тушишнинг умуман ҳолати йўқ экан. Китобдан кўп нарсa ўрганганига қарамай, Билл фикрини ўзгартирмади ва Линда Харкортдан узоқроқ юришга қарор қилди. Мутахассиснинг кейинги учрашувини бекор қилди. Харкорт унга иккита рисола бериб хайрлашди. Биллнинг назарида шифокор таслим бўлгандек эди. Ақлли, очикқўнгил Харкорт Биллга ёққан, фақат у билан ўз муаммосини бўлишишни хохламасди. Билл иккинчи бор хўрликка чидай олмади.

Вакт ўтиб, Биллнинг эски кадрдонлари унинг қаердалигидан хабар топиб улгуришди. Кўриш учун Вашингтон ва Нью-Йоркдан тез-тез келиб туришарди. Жисмоний ҳолатига ҳеч ким эътибор бермас, ундан маслаҳат олаверишарди. Байрам арафасида унга тинмай қўнғирок қилиб, ҳатто даволанишга ҳам қўймасдилар. У ишни иккинчи даражага суриб туришга қанча ҳаракат қилмасин, дўстлари сиёсатга қайтаришга жон-жаҳдлари билан қирчишганди. Умуман олганда, бу Биллнинг ўзига ҳам ёқарди. Одамлар ундан маслаҳат сўрар, ўз режаларини гапириб ёрдам кутишмоқда.

Рождествони Билл оиласи билан бирга Гринвичда кутиб олишга рози бўлди. Қизларидан Синдининг ҳаётида янги дўст пайдо бўлганини эшитган эди. Бундан хафа бўлмади, балки ҳаммаси муваффақиятли яқун топганидан қувонди. Машина Гринвичга яқинлашганида Биллни аллақандай хис-туйғулар чулғаб олди. Бу қадимий бинони у жудаям

ёктирарди. Қизларини кўргач, бор дарду алами унутилди. Аравачаси билан меҳмонхонага кириб келганида қизлари энди роджество арчасини безатишаётган экан. Синди жуда очилиб кетган. Қизлари билан кўриша туриб Билл Жо Эндрюсга кўзи тушди.

– Сиз бу ерда нима қияпсиз?

Бир неча соат олдин уни марказ кафетерийсида кўрганди.

– Жейн университетда қайтаётиб кирганди, – тушунтирди секингина. Биллнинг жаҳли чикмаганини кўргач, енгил тин олди. Жейн унинг ёнига келиб туриб олди.

– Биз сизга кутилмаган совға қилмоқчи эдик, – иккаласи ҳам қувончдан ял-ял ёниб туришарди. Билл ёшларга қойил қолди. Чунки Жейн танишганидан кейин бирор марта ҳам Жо у ҳақида гап очмаган. Маълум бўлишича, ўтган уч ой давомида улар дўстлашиб, учрашиб юришган экан. Ҳақиқатан ҳам кутилмаган совға бўлди, жилмайди Билл. – Жо яхши йигит.

Ҳаммалари бирга овқатланишди. Кейин черковга бориб келишди. Синдининг янги дўсти эса эртаси кун уларнинг сафига қўшилди. Истарали, одобли, тўртта боласи билан бева қолган бу одам Синдига жуда меҳрибон эди. Билл бундан қувонди. Ҳатто хотинини заррача рашк қилмаётганидан хайрон бўлди. Ажрашишга қарор қилиб адашмапти. Кечкурун эса Жо билан бирга марказга қайтдилар. Ҳозир Биллга фақат Изабель етишмаётганди. У бир неча марта Изабелга кўнғироқ қилганди. Ҳаммаси яхши деса-да, унинг овозидан асабийлиги сезилиб турарди. Охирги икки ой давомида Гордон билан муносабатлари кескин таранглашганди. Тедди эса кундан-кунга сўлиб бораётганди.

– Жейн билан дўстлашишимга қарши эмасмисиз? – эҳтиётлик билан сўради Жо.

Билл жилмайиб бош чайқади.

– Қизимнинг сендай дўсти борлигидан нега хафа бўлай? Қолаверса, сен ҳам қурбакадан чиройлироқ кизга муносибсан.

Иккаласи ҳам Еленанинг синглисини эслаб кулиб юборишди. Еленанинг ўзи эса қайлиғи билан роджествони кутиб олиш учун Нью-Йоркка кетганди. Билл кизи ҳам, Жо ҳам муносабатларини жиддий тус олишларига ишонмасди. Хавотирга ўрин йўқ. Оливия отасига янги дўсти ҳақида гапирган. Таниш сенаторнинг ёрдамчиси Биллга маъқул тушди. Энди Биллдан бошқа ҳамманинг яқин кишиси бор. У ҳамон Изабелни севар, лекин маҳбубасига қўли етмаётганини тушуниб эзиларди. Ниҳоят, ўз хонасида ёлғиз қолган Билл бу дунёда канчалик ёлғизлигини ҳис қилди. Чалғиш учун китоб ўқишга тутинди. Кутилмаган кўнғироқдан чўчиб тушган Билл ҳали кимгадир кераклигидан қувониб қўйди.

– Мендан хафамисиз, дада? – худди Жога ўхшаб қўрқа-писа сўради Жейн.

– Албатта, йўқ! – кулди Билл. – Нега хафа бўлишим керак?

– Мен Жони жуда яхши кўраман. Бунақа меҳрибон, очиккўнгил йигитни сира учратмаганман.

– Жо менга ҳам маъкул. Кўп қийинчилик кўрган шўрлик. Оёғидан, укасидан, кайлиғидан бирдан ажралиб қолиш ҳазилакам гап эмас.

– У менга гапириб берди. Севгилисига бағрида жон берган экан. Дада, бунинг учун бир умр ўзимни кечиролмайман, – дейди.

– Билишимча, ҳалокатда Жонинг заррача ҳам айби йўқ. У тирик қолгани учун, бошқалар жон берганига ўзини айблайди. Вақт даво дейишади-ку, ўтиб кетади ҳали.

– Мен уни ёнида бўлмоқчиман, дада.

Орага сукунат чўкди. Билл кизининг мақсадини тушунолмай, тугилди:

– Бу билан н-нима демоқчисан, Жейн?

Наҳотки улар турмуш қуришмоқчи? Йўқ! Билл бунга ҳеч қачон рози бўлмасди. Жонинг ҳаёти тўсикларга тўла, у ҳеч қачон юра олмайди. Жейнга қийин бўлади, ахир!

Билл ҳаёлида чарх ураётган қарама-қарши фикрлардан довдираб қолди. Уларни шунчаки дўст, деса...

– Жиддий гапиряпман, дада...

– У ҳам шу фикрдами?

– Умид қиламанки, шу фикрда. Лекин бу ҳақда ҳали гаплашганимиз йўқ. Албатта, Жо жиддий, ишончли йигит. Лекин ногиронлиги...

– Ҳали ўқишинг бор, бунақа жиддий қарорлар қабул қилишга ёшлиқ қиласан... Бу ҳақда кейин гаплашамиз... – у мавзунини ўзгартиришга ҳаракат қилса-да гаплари қовушмади. Жейн эртага, албатта, кўриш учун боришга ваъда бериб, гўшакни қўйди.

Қизи билан суҳбат Биллга қаттиқ таъсир қилган эди.

Кечқурун Изабелга кўнғирок қилганида ҳам Билл норози бўлиб тўнғиллади.

– Қизим унга турмушга чиқишини хохламайман, – тўғриси айтди у. – Жо ажойиб йигит, лекин таассуфки...

– Унда нега улар турмуш қуришолмас экан? Кўп йигит-қизлар айнан шу ёшда оила қуришади. Жейн ёш бўлса-да ақлли, унинг ёш боши эсанмаларни кўрмади.

– Қизим учун бу никоҳ омадсиз яқун топади, Изабель. Жейн ҳали ёш, у ўйнаб-қулиб яшаши керак. Бир кун келиб фарзандли бўлишни хохлаб қолар, Жо эса бир умр аравачага михланишга мажбур... Жейннинг бахтиёр яшашга ҳаққи бор, у бахтга муносиб... Албатта, Жо ҳам, лекин унинг имкониятлари чегараланган.

– Гапларинг мени чўчитяпти, Билл, – норози бўлди Изабель. – Жейн дунгалари билан хоҳлаганича ўйнаб-қулиши мумкин. Бунинг нима аҳамияти

бор?! Улар бир-бирини севишига қарамай сен қаршисан, тўғрими? Бунга сабаб эса Жонинг ногиронлиги, шундайми? Факат велосипед ҳайдай олмаслиги учун қизингни унга беришга норозисан... Нахотки шу аҳмоқона гапларингга ўзинг ҳам ишонсанг, Билл?

– Мен нима деяётганимни биламан! – қайсарлик қилди Билл.

– Йўқ, билмайсан! – шарт кесди унинг гапини Изабель. Бу уларнинг биринчи тортишувлари эди. – Жейннинг ойиси сендан кўра фахмлироқ деб умид қиламан. Умримда бундай аҳмоқона гап эшитмаган эдим. Ишқилиб, бу фикрингни Жейнга айтмадингми? У сени ҳеч қачон кечирмайди, билиб қўй!

Изабель қизишиб кетди. Бироз тинчланиш учун Билл гапни бошқа мавзуга бурди. У хотини ва болалари билан роджествони қандай ўтказганини гапириб берди. Синдининг янги дўсти ҳақида эса оғиз очмади. Изабель эса Гордон Санкт-Морицга дўстлари билан дам олишга кетганини, ўзи ўғли билан уйда ёлғиз қолганини гапирди. Гордоннинг эътиборсизлиги ва худбинлигидан Биллнинг жаҳли чиқди. Лекин ҳеч бўлмаса бир-икки кун Изабель тинч яшашини ўйлаб, кўнгли таскин топди. Улар узок гаплашдилар. Биллни соғинч кийнади. Улар тўрт ойдан буён кўришишмаган, қачон учрашишлари ҳам номаълум эди. Билл гўшакни қўйгач, Изабелнинг Жейн ва Жо ҳақидаги гапларини анчагача ўйлаб ётди. «Йўқ, у ноҳақ, ўйлади Билл, иккаласини олдинда қандай қийинчиликлар кутаётганини тушунмаяпти». Жонинг ёмон йигит эмаслигини билса-да, қизига бундай оғир тақдирни раво кўролмасди. У Жейндан шошилмасикни талаб қилишни ўйлаб қўйди. Бир оз вақт ўтса, иккаласининг ҳам ақли кириб қолар, деб умид қиларди.

XV ҚИСМ

Гордон Санкт-Морицга, Софи эса Куршевельга кетган, уйда оғир сукунат ҳукм сурарди. Изабель кун бўйи Теддининг ёнидан жилмасди. Рождество байрамида Теддига бир дунё китоб ва ўйинчоқлар совға қилишди. Изабель эса ўғлига катта пахмок айикча ҳам олди. Афсуски, у ўғлига тансиҳатлик ҳадя қила олмасди. Гордон уйда йўқлигида Билл тез-тез кўнғироқ қилиб турди. Изабель уйдан чиқмас, ҳеч ким билан гаплашмасди ҳам. Эри йўқлигида почтани саришталай туриб, эр-хотин Форрестъелар номига йўлланган таклифномага кўзи тушди. Таклифнома Изабель шахсан танимайдиган, лекин машҳур оила номидан эди. Бу оиланинг Изабелга – эри кекса граф, хотини мода юлдузи эканлиги маълум эди. Улар январь ойида белгиланган қизининг тўйига таклиф қилишганди. Изабель уларга совға тайёрлашни кўнглига тугиб қўйди. У тўй-тантаналарда қўпам қатнашавермас, эри ҳам бирга олиб юрмасди. Ўтган икки кун

ичида Изабель Билл ва Теддидан бошқа ҳеч ким билан гаплашмади. Билл янги йилни саломатлик марказида кутиб олишга қарор қилди. У ерда мижозларга катта байрам қилиб беришарди. Билл Париж вақти билан ярим тун бўлганида Изабелга қўнғироқ қилишга сўз берди. Изабель эса Нью-Йорк вақти билан соат ўн иккилар атрофида сим қоқадиган бўлди. Шу тарзда янги йилни «бирга кутиб олиш»га қелишишди. Қўнғироқ жиринглаганида Билл билан Изабель шоша-пиша гўшакни қўтаришди.

– Вой, мен эсимни еб қўйибман! – ширақайф аёл овози эшитилди гўшакдан. – Узр, бошқа рақамни терибман, фақат рейсга кечикканимни айтиб қўймоқчи эдим... – шундай дея номаълум хоним гўшакни қўйди.

Унинг кимлиги, қаёққа учмоқчилиги жумбоқлигича қолди. Хоним ростдан ҳам адашгандир, деб ўйлади Изабель ва суҳбатни унутди. Шундан сўнг Билл қўнғироқ қилди ва уни Париждаги янги йил билан табриклади. Тонгги соат олтида эса Изабель Биллга қўнғироқ қилди. Улар яна бир бор янги йилни «кутиб» олдилар. Кеч ухлагани сабабли Тедди бугун кечроқ уйғонди. Бекорчиликдан Изабель газеталарни қўлга олди. Ғийбатларга ажратилган бурчакда эрининг ҳам номи бор эди. Гап Гордоннинг Санкт-Морицга келгани ҳақида эди. Дўстлари орасида Оғохон, шахзода Чарльзнинг ҳам исмлари қайд этилган. Хабар охирида уларнинг сафига графиня де Линье ҳам қўшилиши кутилаётгани ёзилганди. Айнан шу хоним уларни кизининг тўйига таклиф қилган. Изабель бу аёл Гордон билан дўст бўлса керак, деган хулосага келди. Шунда ўтган кунги қўнғироқ ёдига тушди. Ўша аёл рейсдан кечга қолганини маълум қилганди. Изабель хушёр тортди. Унга Гордоннинг уйига қўнғироқ қилиш нима учун керак бўлди? Нега энди айнан де Линье хоним? Хабарда айтилишича, графинянинг исми Луиза. Изабель Гордон бу исмни тилга олганини эслай олмади. Балки ўша хоним дам олишга борганларнинг бошқа бирортаси билан дўстдир? Лекин бу тасодиф Изабелнинг миясидан кун бўйи кетмади. Ўйлай-ўйлай, шу қарорга келди: қўнғироқ қилиб, графинянинг овозини эшитади! Маълумотномадан ҳеч бир қийинчиликсиз унинг телефон рақамини топди. Кейин ярим соат иккиланиб ўтиргач, ниҳоят рақам тера бошлади.

– Лаббай, эшитаман? – деган жавоб келди нариги томондан.

– Бу де Линье хонимми, – атайлаб фамилиясига урғу бериб сўради Изабель.

– Ҳа.

– Мен Санкт-Морицга учиш-учмаслигингизни билиш учун қўнғироқ қилаётгандим, – деди у таваккал қилиб.

– Мен сизга эртага уча олмаслигимни маълум қилдим-ку! Эрим касал, – жаҳл билан жавоб берди де Линье. Изабель ўзини кизиктирган масалани аниқлади. Ўша кеча ярим тунда қўнғироқ қилган овоз эди бу.

– Афв этинг, хоним. Шеригим адашган, шекилли. Яна бир бор узр, де Линье хоним.



– Бошқа саволингиз йўқми? – кибр билан сўради бека. Гап оханги худди Гордонникидек.

«Улар эгизак», ўйлади Изабель.

– Йўқ, раҳмат. Хайрли парвоз тилайман, – хушмуомалалик билан жавоб берди Изабель ва гўшакни қўйди. Унинг ич-этини шубҳа тирнай бошлади. Нега графиня Гордонга қўнғироқ қилди экан? Негадир Изабелни эри билан ушбу хоним ўртасида қандайдир алоқа бор, деган гумон қийнади. Хоним Гордонга – Санкт-Морицга қўнғироқ қиламан, деб мастлиги туфайли рақамни адаштириб юборган.

– Ким билан гаплашдингиз? – сўради Тедди ойисининг ташвишли чехрасини кўргач хавотирланиб. – Тинчликми?

– Ҳа, мен... мен шунчаки даданга – Санкт-Морицга қўнғироқ қилувдим. Қаёққадир чиқибди, шекилли.

– Чанғи учишгами, бирор бир қабулгами кетгандирлар, – тинчлантирди ўзича Тедди.

Билл қўнғироқ қилганида Изабель у билан ўзининг гумонларини бўлишди.

– Балки, бу шунчаки узункулоқ гаплардир, лекин хотинларнинг сезгиси панд бермайди, дейишади.

– Унда нега қўнғироқ қилганини ўзим ҳам тушуна олмаяпман. Балки ростдан ҳам рақамларни адаштиргандир? Лекин нега гўшакни қўйиб қўя қолмади? Нима учун бизни кизининг тўйига таклиф қилди?

– Сен ҳақ бўлсанг, демак, Гордон тўйга бормаслигингга ишонтирган. У эса шунчаки одоб юзасидан таклиф қилган.

– Борсаммикан, тўйга?

– Намунча кизикиб қолдинг? – сўради Билл. Изабель, мана, неча йилдан буён ўз уйида ҳўрланиб кун кўради. Гордон унга ўз чўрисидек муносабатда. – Балки шу сабабли эринг миси чиқиб, асл башараси очилишини хоҳлаб қолгандир? Қачонгача эзилиб, зулм остида яшаш мумкин?!

– Нимани ҳис қилаётганимни ўзим ҳам билмайман, – тан олди Изабель. – Қаҳрми, ҳўрликми ёки енгил тортишми? Балки улар шунчаки дўст бўлишса-чи?

– Буни аниқлаштирсанг, ўзинг ҳам тинчланардинг.

– Қандай қилиб? Гордон ўлса ҳам тан олмайди. Мен эса ҳар доим унинг қаерларда юриши, нималар қилиши, кимлар билан учрашишидан беҳабарман.

– Детектив ёлларсан, балки? – таклиф қилди Билл.

– Агар у хабар толиб қолса, шўрим қурийдим кейин, – кўрқиб кетди Изабель.

– Унда эҳтиёт бўл. Газеталардан бохабар бўлиб тур.

– Гордон жуда айёр, уни билмайсан...

Изабель гўшакни қўйгач, миясига келган фикрдан қувониб кетди. Омад соҳасида унинг бир таниши – Натали Вивье бор эди. Улар мактаб даврида калин ўрток бўлишган. Фақат Тедди туғилганидан кейин муносабатлари узи-

либ кетганди. Маълумотномага яна қўнғироқ қилиб, Наталининг ракамини аниқлади. Мода оламида Наталининг нуфузи баланд. Ўзини қийнаётган жумбоқлардан бир йўла қутулиб, енгил тортишга қарор қилган Изабель дугонаси билан боғланди. У ўзини таништирганида Натали қувончдан кичкириб юбораёзди:

– Вой худо, кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди-ёв! Ўғлинг тузукми?

Изабель дугонасига ўн тўрт йилдан буён ўғлининг атрофида парвона бўлиб умри ўтганини гапирди.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Ҳамма сени тарки дунё қилган, деб билади. Чизишни ҳам ташлаб қўйгандирсан?

– Вактим йўқ.

Улар бирмунча вақт янгиликлардан гаплашиб ўтиришди. Натали онаси дунёдан ўтганини, отаси эса бошқасига уйланини, ўзи эса бир сенатор билан ўн йил яшаб ажрашганини гапириб берди. Фарзанди йўқ эди. Улар мактабда яқин дугона эдилар. Изабель турмушга чиққач эса ажрашиб кетишганди. Калондимов Гордон Наталига умуман ёқмаганди ўшанда.

– Сендан бир гап сўрамоқчийдим... – ниҳоят гап бошлади Изабель. – Албатта жавоб беришга мажбурмасан. Фақат мени тўғри тушун, сўрайдиган бошқа ҳеч кимим йўқ.

Орага сукунат чўкди...

– Нимани аниқламоқчисан? – хайрон бўлди Натали.

– Менга бир аёл ҳақида маълумотлар керак. Ҳеч кимга айтмасликка сўз бераман. Фақат ростини айтсанг бўлгани. Луиза де Линье ҳақида нималар биласан?

– Ҳўш, у жуда истеъдодли, – енгил тин олиб гап бошлади Натали. – Аклли, биздан ёши каттарок бўлса-да, кўриниши зўр. Баъзан кўполлик қилиб туради. Анча такаббур, жиззакилиги ҳам бор. Айтишларича, унинг модалар уйи пулга кўмилган. Албатта, эри сотиб олиб берган. Эри салкам юз ёшда. Бундан ташқари касал, хуллас, қариб-чуриб қолган. Аввал оилали бўлган. Эри ўлса, Луиза де Линьегга катта микдорда пул қолади. Гап-сўзларга қараганда, эрининг болалари уни жуда ёмон кўришади. Луиза эса ота-болаларни уруштириб қўйиш учун қўлидан келганича ҳаракат қилган. Бу билан фахрланади ҳам. Луиза графга пул бериш учун теккан ва келажагини мустаҳкамлаб олиш учун туғиб олган. Де Линье Франциянинг энг бой одамларидан бири, лекин кўпга бормайди, – бу маълумотлар қизиқ эди-ю, аммо Изабелни бошқа нарсга қизиқтирарди.

– Яна нималар биласан, у ҳақда?

– Изабель, азизам, сенга булар нимага керак? Бошингни қотириб нима қиласан? Ортикча муаммо-ку!

– Ҳақиқатни билмоқчиман. Сен ҳамма гапдан хабардорсан, шундайми? Натали жимиб қолди.

– Тўғрисини айтсам, бу ҳаммага маълум «сир», – ниҳоят тилга кирди у. Изабелнинг юраги така-пука бўлиб кетди.

– Демак, унинг Гордон билан алоқаси бор.

Натали жавоб бериш ўрнига кулди. Изабель ҳамон ёш боладек содда эди.

– Луиза ўн-ўн икки йилдан буён эрингнинг жазмани. Ҳамма жойга очикчасига бирга боришади. Шу пайтгача сенга ҳеч ким айтмаганига хайронман.

– Гап шундаки, мен ҳеч кимни кўрмайман. Гапларинг ростми?

– Албатта...

– Биласанми, мен ҳеч ким билан гаплашмайман, – хижолатомуз гапирди Изабель. – Жиддий сўзлаяпсанми?

– Албатта. Эринг унга кўплаб кимматбаҳо тақинчоқлар совға қилган. Яқинда эса машина олиб берди. Менимча, чап кирғоқда Бак кўчасида уйлари ҳам бор. Ёзда бирга «Отель дю Кап»га дам олишга боришди. Ўтган йили уларни Сен Тропезда учратгандим. Эринг сен билан ажрашмоқчими? – кизикди Натали. – Агар шундай бўлса, бир дунё пул талаб қил ундан. Мишмишларга қараганда, эринг ўйнашига пулни аямай сарфлайди.

– Ишонгим келмаяпти? Балки адашаётгандирсан?

– Текшириб кўришинг мумкин, эски танишларингдан хоҳлаганингга кўнғирок қилиб кўр. Улар ҳам худди шу гапни айтишади. Эринг Луиза билан кўп йиллардан буён худди эр-хотиндек яшайди.

– У мен билан ажрашмоқчи эмас... – хаёли қочиб жавоб берди Изабель. – Фақат кеча алланималарни сезиб қолдим, лекин вазият бу қадар жиддийлигини тасаввур қилмагандим.

Изабель нари борса, эрим менга хиёнат қилгандир, деб ўйлаганди. Лекин у бемор боласини парвариш қилиб уйда ўтирганида эри бошқа аёл билан яшаб юрган экан.

– Ҳозир сен билан ажрашишга ҳеч қандай асоси йўқ, албатта. Лекин агар унга уйлангиси келиб қолса, сира иккиланмай сен билан ажрашади. Луиза жуда бадавлат ва қудратли. Граф ўлмагунича кутишдан бошқа чораси йўқ уларнинг. Яна ким билади дейсан! Балки Гордон унинг жонига теккандир?! Нима бўлган тақдирда ҳам эҳтиёт бўл, у аёл эмас, иблиснинг ўзгинаси. Агар йўлига тўғанок бўлмоқчилигининг билиб қолгудек бўлса, яхшилик қутма. Унинг мода оламида йўлидан чиққанларни қанчалик бешафкатлик билан суриб ўтганига ўзим гувоҳ бўлганман. Чолни учратмагунича у ҳеч ким эди. Луизани эри графиня даражасига кўтарди ва модель устахонаси сотиб олиб берди. У энди ўрнини бировга бермаслик ва мавкеини янада мустаҳкамлаш учун ҳар қандай пасткашликка тайёр! Лекин яна қайтараман, эҳтиёт бўл! Агар эринг унга керак бўлса, тумшуғингнинг тагидан илиб кетади. Сендан сўраб ўтирмайди.

Изабель индамади, чунки Луиза эрини аллақачон илиб кетиб бўлганди.

– Энди мен нима қилсам экан? – йиғламсираб сўради. Шу пайтагча аҳмоқ бўлиб юргани, ўзининг ўйнаши бўла туриб, тагин эри уни айблаганига хўрлиги келиб кетди.

– Афсус, сенга ёрдам беролмайман, – раҳми келди Наталининг.

Гордон айнан ўгли туғилганидан кейин Изабелни ётоғидан, хаётидан, юрагидан ҳайдаб чиқарганди. «Балки ўғлимга кўпроқ эътибор қаратганим учун Гордон шундай йўл тутишга мажбур бўлгандир» – у ҳар доимгидек ўзини айблай бошлади.

– Ундан ажрашганинг яхши, эринг худбин. Одамгарчиликни умуман билмайди – жаҳли чикиб кескин жавоб берди Натали.

Улар бироз гаплашиб туришгач, яна телефонлашишга келишиб хайрлашдилар. Анча вақтгача хаёлга ботиб ўтиргач, Изабель Биллга қўнғирок килди.

Изабелнинг ҳикоясиин эшитиб, Биллнинг уйкуси учиб кетди. Янгилик уни довдиратиб қўйганди. Ўн йилдан ортиқ вақт жазмани билан яшаб, яна хотинини айблаш... Билл бу «французча муҳаббат»ни ҳазм қила олмасди. Одатда бундай ҳолатларда ажрашиб кетишарди. Лекин графиня эрининг меросига эга бўлиш учун у ўлгунича кутишга мажбур! Бошка иложи ҳам йўқ.

– Қойил! Гапларинг ҳақиқатми ўзи? – у Форрестъенинг ҳақиқий аблахлигига яна бир бор амин бўлди.

– Ҳаммаси ҳақиқат. Чунки Натали ҳамиша ҳамма гапдан хабардор бўлиб юради. Фақат мен беҳабарман бутун Париж билган гапдан.

– Одамлар сенинг хабаринг бор, деб ўйлашган. Шунчаки қайта таъкидлайвериб ярангга туз сепишни хоҳлашмаган, – Билл шундай деди-ю, ўйланиб қолди: Синдининг қилиқлари ҳақида ҳеч ким юзига айтмаса-да, ўзи ҳаммасини сезарди.

– Мен нима қилсам экан? – хўрсинди Изабель.

– Ўзинг нима деб ўйлайсан?

– Билмадим. Гордон уйга қайтгач, ҳаммасини юзига айтиб ташласамми ёки Санкт-Морицга қўнғирок қилсаммикан? Лекин бу аҳмоқлик бўлади. Чунки Гордон жимгина қараб турадиганлардан эмас.

– Менимча, ҳозирча индамаганинг маъқул. Агар яна сени азоблашни бошласа, кейин гапирарсан. Ундан кетмоқчимисан? – Бу саволга Изабелнинг жавоби тайёр эди. У Теддини ўйлаб бирдан ажраша олмасди.

– Агар ҳамманинг хабари бўлса, бизнинг ажримимиз у қадар шов-шувга сабаб бўлмаса керак?

– Сабаб бўлади. Чунки эрининг жазмани борлигидан ҳамма хабардорлиги ва ундан изоҳ талаб қилиб жанжал кўтаришинг бошка-бошка масала. Сенинг қўлингда бемор ўғлинг бор. Матбуот сен томонда бўлади. Бундай вазиятда эринг нима бўлса ҳам никоҳини саклаб қолишга уриниши табиий. Гордон аҳмоқ эмас, унга ажримнинг ҳозир ҳолати йўқ, чунки жазманининг

эри хақида айтдинг-ку! Унинг эри ўлса, Гордон кетади. Сендан сўраб ҳам ўтирмайди, билиб қўй. Аблахлигини билганим учун шуни аниқ айта оламани, ажрашган тақдирида ҳамма айбни сенинг бўйинингга қўйиб ажрашди. Агар ҳозир унга таъна қилсанг, ўзингни енгилликда айблайди. Шунинг учун эҳтиёт бўл, азизам. Эринг ўзининг обрўси учун хотинини ҳам ботқоққа ботиришдан қайтмайдиганлар тоифасидан. Айрим сабабларга кўра, у сенга уйланиши керак бўлган. Мақсадига етгач, энди сен ортикчасан. Жазмани ҳам худди ўзи экан. Чол эрини ўлиmidан олдин хафа қилса, нима бўлишини яхши билади. Хуллас, эҳтиёт бўл, азизам. Улардан ҳар балони кутиш мумкин.

Изабель унинг маслаҳатига амал қилишга сўз берди: лекин хўрликдан ичини ит тирнаб, нима қиларини билмасди. Демак, Гордон ўша графиняни деб уйдан, болаларидан воз кечган. «Дўстларим билан дам олишга чиқамиз», деб Луиза билан бирга бўлган. Кун-кунора уйда тунамаслигининг сабаби ҳам шу. Изабель хаёлан унинг... «дам олиш»ларини санади. Натали ҳақ эди. Бу ростдан ҳам ўн икки йил илгари бошланганди.

– Ғалати, – деди Изабель. Ўз турмуш ўртоғини умуман билмаслиги ростдан ҳам ғалати. Луиза де Линье ундан минг чандон ақлли ва маккора эди.

– Ўйламасдан иш қилма, – огоҳлантирди Билл. У Гордон Изабелни қаттиқ ранжитиши мумкинлигидан хавотирда эди.

– Хўп.

– Агар сен таъна қилсанг, «кўрқоқ олдин мушт кўтарар» қабилида хужумга ўтиши мумкин.

Изабель унинг гапини маъқуллади. Чунки Гордоннинг феълини яхши билади. Тинч яшайман деса, унга тегинмаслиги керак.

Бу масалани улар яна кўп марта муҳокама қилишди. Лекин Изабель бир қарорга кела олмади. Бир неча кун ўтгач Гордон уйга қайтди. У жуда мамнун ва кайфияти аъло эди. Изабель графиня хақида оғиз очмади. Фақат хатларни саришталай туриб, таклифномани кўргани хақида гапириб ўтди.

– Теддининг доктори менга тез-тез уйдан чиқиб туришимни тавсия этди. Менимча, у ҳақ. Билишимча, де Линьелар билан танишсан, шунинг учун таклифларини қабул қилишга ва қарши бўлмасанг, сен билан бирга боришга қарор қилдим.

– Албатта. Қарши эмасман, – хотиржам жавоб берди Гордон.

Изабель Натали адашдимикан, деган хаёлга борди. Лекин шунда Гордон беозор қўшиб қўйди:

– Бу Линьелар жуда зерикарли одамлар, ахир, қариялар қанақа бўлиши ҳам мумкин? У ерда зериксанг керак. Кўнгил очиш ниятинг бор экан, бошқа жойдан бошласанг бўларди.

– Қария бўлишса, қизлари келинга бўладиган ёшдами? – ҳеч гапдан беҳабардек сўради Изабель.

– Келин дегани, бу ёшгина дегани эмас-ку! Балки у кўримсиз киздир?! Менга буларнинг барчаси кулгули туюляпти.

Изабелга эса Гордон жон-жаҳди билан йўлдан қайтараётгани кулгули туюлди.

– Тўғри айтасан, у ерда ростдан ҳам зериксам керак. Балки боролмаймиз, деб қўнғирок қилиб қўйсаммикан ёки ноқулай бўладими? Нима дейсан?

– Хавотирланма, бу ишни ўзим тинчитаман. Айтгандек, таклифнома қани?

– Столингда.

– Кетаётганимда оларман. Котибам шуғулланади бу иш билан.

– Раҳмат, Гордон. Уларга яхшироқ совға тайёрлайман.

– Овора бўлма. Буни ҳам котибам бажаради. Ўзингнинг ташвишинг бошингдан ошиб ётибди, – шундай деб Гордон банкка йўл олди.

Изабель бу суҳбатни Биллга гапириб берганида у котиб-котиб кулди.

– Сен ҳам ёмон экансан! Лекин гапларимни унутма, эҳтиёт бўл, у аҳмоқ эмас. Агар миш-мишлар сенинг ҳам қулоғингга етганини сезиб қолса, ўзингга чоҳ қазийди.

– Мен ҳеч нима қилмоқчи эмасман.

Изабель кейинги кунларда Гордоннинг уйда тунаш-тунамаслигини кузата бошлади. Тахминлари рост чиқди. Эри умуман уйда тунамас, кеч тушиши билан Бак кўчасига, жазманининг ёнига йўл оларди. Кейинги бир ой давомида улар «мушук-сичкон» ўйнаб юришди. Ташқаридан ҳеч нима ўзгармагандек туюлса-да, Гордон кўп вақтини бошқа аёл билан ўтказиши равшан бўлди. У Изабелнинг эмас, графинянинг эридек эди худди.

Ана-мана дегунча, Билл соғломлаштириш марказида беш ой яшаб қўйди. Энди у ўзини анча соғлом, тетик ҳис қиларди. Бўйни безовта қилмас, елкалари ҳам асл ҳолатига келиб қолганди. Лекин ҳамон оёғида тура олмасди. Қоматини тик тутиш учун мўлжалланган ҳар хил махсус мосламалар аҳволини бағтар қийинлаштирарди. Изабелга доир қарори кундан-кунга мустаҳкамланиб бораверарди...

Билл доктор Харкорт билан учрашиб турар ва ҳар гал кизикишларини факат назарий деб уқтиришдан чарчамасди. У ўзининг ғам-ташвишга қўмилиб юрган кунларидан бирида Жейн билан Жо уни кўргани келишди. Улар никоҳдан ўтмоқчиликларини маълум қилишгани Биллга қаттиқ зарба бўлди.

– Дада, биз ёш бола эмасмиз. Нима қилаётганимизни яхши биламиз. Етти ойдан бери учрашиб, бир-биримизни ўргандик...

Жо юролмас, факат битта қўлини ишлата оларди.

– Йўк, сен нима қилаётганингни билмаяпсан, – эътироз билдирди Билл. – У бутунлай сенга қарам бўлиб яшайди. Ҳам жисмонан, ҳам маънан...

– Ундай эмас. Жо менга ғамхўрлик қилади. Сизни ҳисобга олмаганда ҳеч бир одам менга бу қадар меҳрибон бўлмаган. У ҳуқуқшунос бўлмоқчи.

Ҳалокат учун олган товои пулини тўғри сарфлаб, катта бир компаниянинг акцияларини сотиб олди. Жо меҳрибонлик билан бирга уддабурон ҳам. Тоққа чиқиш, рақсга тушишга келсак, бу ишлар мени умуман ташвишлантирмайди.

– Ҳозирча шундай ўйлайсан, кейин...

– Сиз ҳам ойим билан ҳеч қачон уй ишларини қилмагансиз. Гарчи ўшанда юра олардингиз.

– У ногирон, – сўзида қатъий туриб олди Билл. – Сенга ташвиш келтиришини тасаввур қилолмаяпсан... агар мен ўшанда ҳозирги аҳволимда бўлсам, уйланишни ҳаёлимга келтирмаган бўлардим.

Билл кизини Жо билан таништирганига қаттиқ пушаймон қилди. У икки ҳафта давомида Синди билан ҳам, Изабель ва қизлари билан ҳам тортишавериб чарчади. Охири йигитнинг ўзи билан гаплашиб кўришга қарор қилди.

– Мен сизни тушунам, Билл, – деди хотиржамлик билан Жо. У ҳамма гапдан бохабар эди. Отасининг қаршилигидан жаҳли чиққан Жейн уни норози қилиб бўлса-да, тўйни бошламоқчилигини айтганди. Лекин Жо Эндрюс Биллни қаттиқ ҳурмат қилгани учун ундай қила олмади. – Биз иккаламиз ҳам осон бўлмаганини тушуниб турибмиз. Никоҳ ўйин эмаслигини ҳам биламиз. Менинг ота-онам ажрашиб кетишган. Сизлар ҳам. Ҳеч ким ажрашишдан кафолатланмаган, олдиндан бир нима деб бўлмайди... Лекин бизнинг Жейн билан муносабатимиз жиддий, ҳаммаси яхши бўлади, деб умид қиламан. Мен уни ҳимоя қилиш, ғамхўрлик қилиш учун ўзимни аямайман. Муҳаббатнинг шунчаки ҳавас эмаслигини исботлайман, – унинг кўзлари ёшга тўлди. Билл кўнгли бўшаб кетмаслик учун тесқари ўтирилди. – Лекин мен сизга қарши чиқолмайман, чунки жудаям ҳурмат қиламан. Сизнинг фикрингиз мен учун қадрли. Сиз ҳам яхши оила ва ҳаётга лойиксиз. Юролмаслигим ва фақат чап кўлимни ишлата олганим учунгина мендан муҳаббатимни тортиб олиш адолатданми? Қаршилиқ қилаётганингизга қарамай, ўзингиз ҳам фикримга қўшиласиз. Агар сиз Жейнга уйланишимни хоҳламасангиз, мен унга фикримдан қайтдим, деб айтаман. Мажбуран оилангизга кириб боролмайман. Хуллас, ҳал қилувчи қарор сиздан.

Йигитнинг гапларини Билл юрак-бағри эзилиб эшитди. У Жога ишонгиси келди, аммо қизалоғини ҳимоя қилиши лозим эди.

– Жейннинг ёнида тўлақонли эркак киши бўлишини хоҳлардим. Агар фарзанд кўра олмасаларинг-чи? – Билл учун бу муҳим эди. Бир кун келиб Жейн учун ҳам асосий масалага айланишини биларди.

– Унда бола асраб оламиз. Жейн билан келишиб олдик. Ахир кўринишидан соғлом кўринган кўпгина оилалар ҳам фарзанд кўролмаслигини биласиз-ку!

Билл қизи учун Жодан ортиқ яхши йигитни топ олмаслигини биларди. У ақлли, муомалали, андишали, ўқимишли, бадавлат йигит. Қолаверса, Жейнни жонидан ортиқ севади ҳам. Лекин... У умрининг охиригача ногиронлар аравачасига маҳкум. Билл ҳаётидаги энг оғир қарорни қабул қилаётганини ту-

шуниб турарди. Ва у бир карорга келди. Жонинг гапларини кўзида ёш билан эшитгани учун оғир хўрсинди:

– Майли, ярамас бола, – деди. Кейин йигитни бағрига босди: – Сизлар айтганча бўла қолсин. Лекин огоҳлантириб қўяй, бахтсиз қилсанг, сени ўлдираман.

– Жейнни бахтли қилиш учун қўлимдан келган барча ишни қилишга қасам ичаман! – Бу сўзларни эшитган Билл ортиқча талабга ҳожаг йўқлигини тушунди. Улар кўз ёшларини артиб бир-бирларига жилмайишди.

– Хўш, қачон никоҳ ўқитмоқчисизлар? – сўради у.

Жонинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

– Менимча, июнь ёки июлда. Университетга қатнай бошласам, бизга оилавий ётоқхона ҳам беришади.

Кузда Жейн йигирмага киради, Жо эса йигирма учга. Улар ҳали ёш эдилар. Билл тақдир иккаласини ўзидан кўра кўпроқ сийлашини талаб жим қолди.

– Бу ердан қачон чиқмоқчисан?

– Бир-икки ойдан сўнг. Келганимга ҳам бир йил бўлибди. Минеаполисдаги уйимда бир оз вақт яшамоқчиман.

Жонинг гаплари ақлли ва бамаъни эди. Агар у ногирон бўлмаганида, Биллнинг қувончдан боши осмонга етарди. Жо хонасига қайтгач, Жейнга қўнғироқ қилди. Йигит Билл билан суҳбатдан ўлгудек кўрққанди. Бахтига ҳаммаси яхши тугади. Орадан беш дақиқалар ўтгач, Жейн отасига қўнғироқ қилди ва дам йиғлаб, дам кулиб миннатдорчилик билдирди. Кейин гўшакни онасига берди.

– Сен тўғри йўл тутдинг. Хавотир олаётгандим.

– Нега ишонч билан гапиряпсан, хайронман? – ташвишланди Билл.

– Кўриб турибсан-ку, муносабатлари жуда жиддий. Факат кўрқяпман. У қизимизга муносиб, қолганини тақдирга ҳавола қилайлик.

– Мен Жони огоҳлантирдим. Бир гап бўлса, кўрадиганини кўради, – ҳазиллашди Билл.

– Сен билан фахрланаман.

– Қўйсанг-чи! Шунчаки жуда яхши йигит, йўқ, дея олмадим.

– Хурсандман.

Изабель ҳам Синдининг гапларини такрорлади.

– Агар рози бўлмаганимда сени кечира олмадим, – деди у.

Билл туни билан ухламай болаларини ўйлаб чиқди. Худодан уларнинг бахтини сўради. Жо ёш бўлишига қарамай, кўп азоб-уқубатларни бошидан ўтказиб улгурган. Бу ёғи ҳаммаси яхши бўлишига умидвор эди.

Парижга баҳор келиб, теварак-атроф уйғониб, барқ уриб чирой оча бошлади. Охириг икки ой ичида Изабелнинг ҳаётида ташқаридан қараганда ҳеч нима ўзгармагандек эди. Лекин у учун Гордонга нисбатан муносабати кескин ўзгарганди. Энди ўзини эрининг олдида айбдордек ҳис қилмасди.

Ундан нарироқ юришга ҳаракат қиладиган бўлганди. Изабель учун эри шунчаки битта уйда яшайдиган қўшнига айланди.

Билл одатдагидек, ҳар куни унга қўнғирок қилиб турарди. Соғломлаштириш марказида етти ой яшаб қўйганига карамай, айтарли ўзгариш рўй бермаган. Шифокорлар унга жавоб бериш мумкин, деган қарорга келишди. Энди Биллга ҳеч қандай жарроҳлик операцияси таъсир қилмаслиги маълум эди. Бутун умр ногиронлик аравачасига миҳланишга мажбур. Унинг ўз ҳолатига қўнишдан бошқа иложи қолмаганди. Биллнинг юра олмаслиги Изабель билан қайта қўришмайди, деган гап эди. У энди Изабелга, ҳаммаси тамом, дейиши керак. Билл фикрини ўзгартирмасликка ўз-ўзига сўз берганди. Дўстлари хали ҳам унга Вашингтондан қўнғирок қилиб туришар, истикболли номзодлардан бири сайлов кампаниясини юритишни ундан илтимос қилиб келганди. Кандидат тўрт йилдан кейин президентликка номзодини қўймоқчи. У президентлик курсисини олиб беришга фақат Билл қодирлигини биларди. Билл бу ҳақда Изабелга айтиб берди. У, ўз навбатида, ишга қайтишини маслаҳат берди. Соғломлаштириш марказидан ҳам Биллнинг ҳафсаласи пир бўлди. Шифокорлар қўлидан келган ишни қилишган бўлса-да, энди у ўзини ишга уришга қарор қилди.

Изабель олдингидан ўзини анча яхши ҳис қила бошлаганди. Уни бош оғриғи унчалик қийнамас, танасидаги яра ва чакалар ҳам битиб, оғриқлари қаймаганди. Фақат чап қўлидаги артерия тикилган жойнинг чандиғи шифохонани эсга солиб турарди. Изабель уни қаттиқ соғинганди. Марказдан чиққач, Парижга келишни таклиф қилганида Билл ноаниқ жавоб берди. Ўзига ҳам ўтган етти ой бир асрдек туюлди. Изабель билан учрашгиси келса-да, ўзини босиб турарди. Шифокорларнинг ҳукмидан кейин Билл учун ҳамма нарса ўзгарди. Энди Изабель билан гаплашганида ҳам ўзини ёлғончидек ҳис қиларди. Билл Изабелни соғайиб кетганлигига ишонтирмоқчи бўлди. Лекин ҳар гал энди айтаман, деганида тили айланмасди. Гарчи Изабелга яхши бўлишини ўйлаб шу ишга қўл ураётган бўлса-да, юраги дов бермасди. Жо билан Жейннинг қарорини ҳам у нодонликка йўйганди.

Билл ўз муаммолари билан ўралашиб юрганида Изабелнинг ҳаётида қувончли ўзгаришлар рўй бера бошлади. Охирги икки ой ичида Теддининг саломатлиги сезиларли даражада яхшиланди. Бу об-ҳавога боғлиқми ёки шунчаки омади қулдими, ҳар қалай, болакай ўзини яхши ҳис қила бошлади. Онаси билан бирга тамадди қиларди, ҳатто Изабель уни Булон ўрмонида сайрга олиб чиқди. Ҳайвонот боғида бирга музқаймоқ ейишди. Тедди гўдаклигидан буён бу ёқларга келмай қўйганди. Изабель қувончдан тўлиб-тошиб, буларни Биллга гапириб берди.

Биринчи май куни Тедди ўн беш ёшга тўлди. Эртасига Билл чекинишга тайёргарлик кўра бошлади. Бугун у биринчи бор Изабелга ёлғон гапирди. У виждони қийналса-да, шундай қилишни лозим деб ҳисобларди. Билл

Изабелни шунчалик севардики, унинг учун хатто ўзини ҳам, муҳаббатини ҳам қурбон қилишга тайёр эди. Ўйлаганини амалга ошириш учун ҳозир жуда қулай пайт. Ҳозир Теддининг соғлиги яхшиланган, Гордон ҳам Изабелни ўз ҳолига қўйганди. Юраги дукиллаганча Билл унга янгилик борлигини айтди. Изабель уни яхши билгани учун ёлғонни сезиб қолади, деб қўрқарди Билл. Лекин Изабель ишонди. У оёғи сал-пал жонланиб, бугун биринчи бор мустақил қадам ташлаганини айтди. Изабель қувончдан йиғлаб юборди. Бундан Биллнинг юраги баттар эзилди. Шунга қарамай, ўзини ҳақ деб ҳисобларди. Изабель уни тинмай сўроққа тутар, қачон турганини, қўрққан-қўрқмаганини, ўзини қандай ҳис қилганини сўрарди.

Кейинчалик Билл ўзи тўқиган сюжетни секин-секин кенгайтириб юборди. Лекин Изабель билан гаплашиши учун ҳар рақам терганида юраги сиқиларди. Уни алдаш Билл учун оғир эди. Изабель жуда беғубор, ишонувчан, меҳрибон. Аммо афсуски, Билл ўзини яримжон ҳисобларди. Бу аҳволда Изабель билан яшашни хоҳламасди. Изабелни алдаб юриб, у Вашингтондан яшаш учун ўзига замин тайёрлай бошлади. Номзодга июнь ойида сайлов кампаниясини ўтказиб беришни ваъда қилди. Унгача ўзига турар жой топиб, номзоднинг ҳужжатлари билан танишмоқчи эди. Жо ва Жейннинг тўйи июнь ойига белгиланди: Гринвичдаги уйларида ўтказиладиган бўлди. Тўйга тайёргарлик ишлари қизгин бошланиб кетди. Синди тикувчи ва гулчиларга буюртма бериб чарчамасди. Бўлажак келин-куёв хурсандликларидан ичларига сиғмасди. Жейн Жонинг ота-онаси билан танишиш учун Минеаполисга бориб келди. Оилавий ётоқхона учун ариза ҳам беришди. Асал ойини эса Италияда ўтказишга келишиб олдилар. Жо билан ҳар гаплашганида Билл Изабелни ўйлаб эзиларди. Изабелга нисбатан қаттиқ адолатсизлик қилаётганининг билса-да, энди ортга йўл йўқ эди.

– Аҳволингиз яхшими? – сўради Жо муолажалардан қайтаётиб, – негадир жимиб қолдингиз.

Жо Биллни яхши тушунар, чунки ўзининг бошидан ҳам худди шундай воқеалар ўтганди. Ҳеч қандай ўзгариш бўлмаслигини билиш, ҳақиқатнинг кўзига тик қараш қийин эди.

– Шунчаки ҳақиқий ҳаётга қайтишга тайёрланыпман. Тўйларингиздан кейин дарҳол ишга киришиб кетмоқчиман, – лекин гап бунда эмасди. Охирги кунларда Билл машғулотларга кизикмай, шифокорлар билан ҳам суҳбатлашмай қўйганди. У ҳали яна бир ой марказда яшашни керак бўлса-да, лекин ҳаёли узокларда эди. Танишларига ҳам эътибор бермас, паришонхотир бўлиб юрарди. Май кунларининг бирида Билл Еленага тўкнаш келиб қолди. Ошхонадан кўзида ёш билан чиққан киз унинг аравачасига урилиб ўтиб кетди.

– Эй-й, ҳалокат жойидан қочиш – бу жиноят! – ҳазиллашиб қичқирди Билл. Елена таққа тўхтади-ю, юзини қўллари билан ёпиб йиғлаб юборди. Билл унга яқин бориб елкасига қўлини қўйди:

– Тинчликми? Ёрдамим керакмасми?

У йўқ дегандек бош силкиди. Билл негадир унинг бармоқларига эътибор берди. Унинг никоҳ узуги йўқ эди. Ўша қайлиғи совға қилган катта олмос кўзли узук кўринмади. Ҳаммаси равшан!

– Хоҳласангиз суҳбатлашиб ўтирамиз, – таклиф қилди Билл. Улар Биллнинг хонасига йўл олишди.

– Мени кечиринг, кўз ёшларим билан сизнинг ҳам юрагингизни эзвораман. Ўзингизнинг ҳам ташвишингиз етарли... – Елена йиғлаётганда ҳам чиройли эди.

– Нима бўлганини ўзингиз айтасизми ёки топайми?

– Ҳаммаси Сержони деб... У охириги пайтларда жуда ўзгариб қолганди. Миланда ишлаётганди. Унга кўнғирок қилиб ҳеч тушуна олмадим. Бир-икки ой олдин унинг таклифи билан тўйни тўхтатгандик... Жин урсин, Билл... Биз ахир олти йилдан буён учрашиб юрамиз. Мана шу фалокат юз бермагунча ҳаммаси яхши эди. Мен ҳам бошида Сержо ўзини айбдор ҳисоблапти, деб ўйлагандим. Чунки ўша кунни айнан у билан ишлаётгандим.

У мени зинадан тинмай чиқиб тушишга мажбур қилганди... Йиқилиб тушмагунимча... Энди эса у менга турмуш қуролмаймиз, деб айтди. Муаммоси кўп эмиш. Менга кўп эътибор бериши керак эмиш... Айтишича, унга мустақил аёл керак эмиш. Ҳаммаси мана шуни деб! – шундай дея Елена йиғлаб аравачасини уриб қўйди. Охириги тўккиз ой давомида Еленанинг нутқи анча яхшиланганди. Лекин шунга карамай, Билл қизи билан Жонинг муносабатлари ҳам худди шундай якун топишидан кўрққанди. Изабелдан ҳам шу сабабли воз кечмоқчи эди...

– Балки у шунчаки кўркиб кетгандир, – тушунгандек бош чайқади Билл. Сержо энг муваффақиятли сураткашлардан ҳисобланарди. Ҳозир у билан ишлашга тўрт мучаси соғ ҳар қандай модель рози бўлади. Еленага берган ваъдасининг устидан чиққанида яхши бўларди, албатта, бироқ...

– Биласизми, Елена, агар у ўзида етарлича мардлик ва чидам тополмаган экан, унда ўз вақтида англагани яхши бўлибди. Сиз ҳам тенгингизни топасиз. Бу ҳақда тўйдан кейин билганингизда нима бўларди? – Сержонинг қилиғи Биллнинг «соғлом одамлар яримжонлар билан ҳаётини боғламаслиги керак», деган фикрини яна бир карра тасдиқлади. – Бир кун келиб шундай бўлганидан ўзингиз хурсанд бўласиз, Елена. Ишонаверинг.

Бу таскиндан Елена баттар йиғлаб юборди. У Сержони ҳамон севар ва Биллнинг гапи унга оғир ботганди. Тўйга ҳамма нарса тайёр: тўй қўйлаги, оркестр, сураткашлар... Аммо, афсус, бир нарса етишмаётган экан...

– Нимасидан хурсанд бўлишим керак экан? – алам билан хикиллади Елена.

– Чунки акси бўлганида сиз унга тирик товон бўлардингиз ва кейинчалик у сизни ёмон кўриб қоларди.

– Ҳеч қачон даҳмаза бўлмасдим, – энди жаҳл билан бақирди у. – Мен илгари қанақа бўлсам, ҳозир ҳам ўшанақаман! Мутлақо ўзгармаганман.

– Афсуски, биз ҳаммамиз ўзгарганмиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Энди бизнинг ҳаётимиз қисман чекланган. Баъзи ишлар қўлимиздан келмайди, – хўрсинди Билл.

– Масалан, рақсга тушишми, чангида учишми? Бунинг нима кераги бор?

– Мана, Сержога керак экан булар. Ҳеч бўлмаса унинг ростгўйлигини қадрланг.

– Қадрламайман! У номард экан! Нега мени ташлаб кетди? Унга ҳеч қандай ёмонлик қилмагандим-ку!

– Албатта ёмонлик қилмагандимиз. Шунчаки омадингиз чопмади, холос. Ҳаммамиз ҳам омадсизмиз. – Бўлмаса шу ерда ўтирармидик!

– Аҳволимиз шунақа бўлгани учун энди бизни ҳеч ким яхши кўрмайдими? Йўк, сиз нотўғри гапиряпсиз! Мана, Жо билан Жейн бир-бирини севадику!

– Сиз улардан каттароксиз, шунинг учун ақллироқ бўлишингиз керак, – у эндигина йигирма саккизга кирганди. Айни ўйнаб-кулиб яшайдиган, фарзанд эркалайдиган, рўзгор тутадиган пайти. – Мен хали ҳам уларнинг ишидан норозиман ва бир куни каттиқ пушаймон бўлишади, деб ўйлайман. Балки Жейн ҳам вақти келиб Сержога ўхшаб фикридан қайтиб қолар? Хўш, ўшанда нима бўлади? Унгача фарзандли бўлишса, кейин болаларнинг ҳаёти ҳам бузилади.

– Сиз ростдан ҳам биз ҳеч кимга керак эмасмиз, деб ўйлайсизми? Ахир бу аҳмоқлик-ку! Наҳотки тушунмасангиз? Биз ҳам бошқаларга ўхшаб яшашга ҳақлимиз, ахир!

– Бунга шубҳам бор, – ковоғини уйди Билл. – Бошқалар учун жавоб беролмайман-у, лекин шахсан ўзим бировга даҳмаза бўлишни хоҳламайман. Бу адолатдан эмас.

– Ақлдан озибсиз, Билл, – унга ҳайрон бўлиб тикилди Елена. – Нима деяётганингизни биласизми? Сержо – ҳақиқий аблах. Балки сиз ҳақдирсиз, унинг вақтида кетгани яхшидир? Лекин бу тақдирга барча ногиронлар маҳкум эмаску! Балки у мени ҳеч қачон севмагандир, балки бошқасини хоҳлаб қолгандир?

– Мен ўз фикримни ўзгартирмаганман, – овозини кўтарди Билл.

Еленанинг кўзларида қаҳр ўтлари чакнади.

– Канака фикр! Сиз доводирав қолгансиз, ёлғизлик чўчитяпти. Аравада ўзингизни бечора ҳис қиляпсиз. Шу сабабли севилишга ҳақким йўк, деб ўйлаяпсиз. Мен эса умуман бошқа фикрдаман. Дунёда яхши одамлар кўп. Уларни оёғимизда турмаганимиз кизиктирмайди. Албатта, ҳозирги ҳолатимдан кўркмайман, лекин илож қанча? Хўш, сизнингча, ногиронда кўнгил йўкми, у ҳеч кимни севолмайдими? Наҳоти шунчаки ожиз бўлсангиз, ҳеч ишонгим келмайди.

– Балки унақа эмасдир, – ён берди Билл. У ич-ичидан Еленанинг гаплари ростлигини ҳис қилиб турарди. Агар Изабель ногирон бўлиб қолганида ҳам

уни севишдан тўхтамаган бўларди. Мен шунчаки ҳамма ҳам бу кийинчиликка чидай олмаган бўларди, демокчийдим. Агар бировни қаттиқ севсанг, унга машаққатли ҳаёт тиламайсан.

– Унда бизни бирор чўлу биёбонга олиб бориб ташлашсин. Шунда ҳамма муаммо ҳал бўлади. Ҳеч кимнинг раҳм-шафкатига муҳтож бўлмаймиз. Биласизми, нима?! Мен Жейн билан Жонинг қарори олдида бош эгаман. Улар бир-бирига ишонишади ва тўғри қилишади. Бошқа нарса эса муҳим эмас мен учун. Агар мен ростдан севсам эримнинг кўр, қар ёки соқовлигига қараб ўтирмасдим... Барибир севаверардим. Мана бу ногиронлар аравачасининг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ, агар муҳаббат бўлса!

– Яхши, унда менга турмушга чиқинг, – ҳазиллашди Билл кизишиб кетган Еленани кулдириш учун.

У кўз ёши аралаш жилмайди:

– Сизнинг турган-битганингиз даҳмаза-ку! Дунёқарашингиз ҳам ёмон. Эҳтиёт бўлинг, ўзингизга бир фалокат сотиб олманг тагин.

– Масалан? – қизариб кетди Билл.

– Масалан, ортиқча юк бўламан, деб севган одамингиздан айрилиб қолманг. Нега сиз яқинларингиз учун қарор қабул қиласиз? Ким сизга бунақа ҳуқуқ берган?

– Бировни севса, уни ҳимоя қилишга, озор бермасликка ҳаракат қилади, киши.

– Бунақаси кетмайди, – жаҳли чикди Еленанинг. – Одамлар ўз фикрларига эга бўлишга ҳақли. Ҳамма гап ҳурматда.

– Балки ҳақдирсиз? Лекин мен сиздан анча каттаман. Сизнинг ёшингизда бўлсам, эҳтимол мен ҳам дадилроқ бўлардим. Балки Сержо ростдан ҳам аблахдир?! У билан ҳаётингизни боғламаганингиз, ўз вақтида хабар топганингиз яхши бўлгандир?

– Тўғри айтасиз, бироқ барибир алам қиларкан.

– Албатта, алам қилади, лекин ҳаёт шунақа, нима ҳам қилардик! Шири-нидан аччиғи кўп. Баъзи одамлар ёмонлик қилиш учун келишади бу дунёга. Улардан узоқроқ юрган маъкул. Сержо худди шунақалардан бўлса керак, – хўрсинди Елена.

– Кейинги гал узугингиз бўлмаса-да, танлаганингизнинг бағри кенг бўлсин. Улар яна бир оз гаплашиб ўтиришди. Кейин ... Елена хонасига кетди. Билл анчагача унинг гапларини ўйлаб ўтирди. Қизнинг жисмоний нуксонлик ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигига ишончи комил эди... Лекин у аёл. Агар бирор мард эркак топилиб ғамхўрлик қилса, бу табиий кўринарди. Биллнинг ҳолати эса бошқача. У эркак ва ўзи кимгадир ғамхўрлик қилиши, асраб-авайлаши лозим. Аксинчаси эса, хўрликдек туюларди унга. Кўп ўтмай Изабель кўнғироқ қилди.

– Овозингдан толиккандек кўринасан, – у дархол кайфиятини пайкади. – Бугун кўп юрдингми? – Изабель унинг гапларига ростдан ҳам ишонган эди. Бундан Биллнинг виждони кийналди. У ўз-ўзига Изабелни кайта кўрмасликка ҳукм чиқарганди.

– Шунака бўлса керак, жўнашимдан олдин ишларим кўпайиб кетди.

– У ердаги шифокорлар жуда яхши экан, – ҳавас билан гапирди Изабель.

Елена ҳақ эди. Изабель ўз фикрига эга бўлишга ҳақли. Билл эса уни шу ҳуқуқдан маҳрум этган. Изабель жуда меҳрибон. Ўзига қолса ҳеч қачон Биллни ташлаб кетмасди. Табиатан жуда сезгир Изабель охирги кунларда Биллнинг гап-сўзлари ўзгариб бораётганини сезмай қолмади. Сабабини эса англай олмасди. Балки соғломлаштириш марказидан чиқиб, янги ҳаётга қадам қўйишга чўчитаётгандир, деб ўйлади.

– Тўйга тайёргарлик қандай кетяпти? – кизикди Изабель.

– Синди югур-югур билан овора. Мен эса аралашганим йўқ. Менинг вазифам ҳисобварақаларини тўлаб туриш, – қулди Билл. – Тедди яхшими?

Изабель унинг мавзудан четлашганидан ва негадир суҳбатлари борган сари қискариб бораётганидан ҳайрон бўлди.

– Яхши, – деди Изабель.

Билл бундан хурсанд бўлди. Чунки Теддининг аҳволи ёмон бўлса, у ўйлаганини амалга оширолмасди.

– Хурсандман.

У Вашингтондан уй қидираётгани ҳақида гапирганида Изабель яна:

– Парижга келмайсанми, – деб сўради. Балки тўйдан кейин бир келиб кетарсан? Ишга тушиб кетишингдан олдин бир неча кунга бўлса ҳам келсайдинг.

– Билмадим. Эҳтимол, кейинги ҳафтада сайлов комиссияси билан банд бўларман, – бу навбатдаги ёлғон. Июнь ойи охиригача Билл бекор эди. Фақат тўғриси айтмади. – Кейин кўрармиз.

Гаплашиб бўлишгач, Изабелнинг кўнглига ғашлик чўкди. У Биллнинг ўзидан узоқлашиб бораётганини ҳис қилиб турар, аммо сабабини билолмай ҳайрон эди. Изабель охирги суҳбатларини бирма-бир эслай бошлади, хафа қилиб қўймадиммикан, деган ҳаёлда. Билл худди ундан аразлагандек узоқлаша бошлаётганди. Айрилганларига тўққиз ойдан ошибди. Изабель уни соғинган. Аммо ўзи эса хоҳласа ҳам бороволмайди...

Жейннинг тўйи арафасида Изабель ростдан ҳам ваҳимага тушиб қолди. Чунки Билл бир неча марта, ишим кўп, деб гўшакни қўйиб қўйди. У Вашингтондан уй топиб, сенаторликка номзодини қўйган киши билан учрашиб улгурганди. Тўйдан кейин ҳам кўнгирик қилмади. Изабелнинг эса биринчи бўлиб сим қоқишга негадир ҳадди сиғмади. Тўй ажойиб тарзда ўтди. Куёв ногиронлар аравачасида, унинг ёнида келин қўлларидан

тутганича бир-бирларига қасамёд қилишганида йиғламаган қолмади. Ҳаммадан кўпроқ Билл кўз ёши тўкди.

– Аҳволинг яхшими? – сўради Синди базм бошлангач. – Жуда толиққан кўринадан.

– Шунчаки ишимни ўйлаётман, бепарво гапиришга ҳаракат қилса-да, Синди уни нимадир безовта қилаётганлигини сезиб турарди.

– Нимадандир ҳафасан, назаримда, – балки кизини узатаётганидан кўнгли бузилгандир, – ўйлади Синди.

Тўй қизиганида Жейн отаси билан рақсга тушиши лозим эди... У буваси билан рақсга тушди. Биллнинг кўнгли бузилиб кетди! Тўй ажойиб ўтаётган бўлса-да, кўнгли ёришмади. Соғломлаштириш марказига қайтаётиб, у фақат Изабель ҳақида ўйлади. Кейинги икки кун давомида эса хонасидан чиқмади. Муолажаларга ҳам қатнашмади. Хавотирланган Изабель бир неча бор кўнғирок қилди. Билл эса била туриб гўшакни олмади. У оғир дақиқаларни бошидан ўтказётганди. Охири бор иродасини тўплаб, ўзи Изабелга кўнғирок қилди.

– Қаерда эдинг? – ташвишланиб сўради Изабель. – Келин-куёвларга қўшилиб тўй саёҳатига жўнавордингми, деб ўйлай бошлагандим, – ҳазиллашди у.

Билл Изабелнинг ҳафа бўлганлигини сезиб турарди. Лекин бу ранжишлар ҳали ҳолва. Изабель олдинда ўзини нима кутаётганини билмасди. Беш йиллик танишувдан кейин уни ҳаётдан ўчириб ташлаш осон бўлмаслигини биларди Билл.

– Тўй яхши ўтдимми?

– Жуда яхши. Никоҳ маросимида ҳамма йиғлади. Кейин эса ўйин-кулгу қилишди.

– Батафсилроқ гапир.

Тўйни таърифлаб бўлгач, Билл баланд чўккени забт этмокчидек чуқур тин олди.

– Изабель, сенга бир гапни айтишим керак, – унинг аъзойи бадани музлаб кетди. Изабель бирор нохушлик рўй беришини сезиб турарди. – Биз Синди билан яна бирга яшашга қарор қилдик.

Изабель дод деб юбормаслик учун оғзини беркитди ва гапнинг давомини сабр билан кутди.

– Марказда яшаган пайтимда кўп нарса ўзгарди ва биз шундай қилсак, қизларимиз учун яхши бўлади, деган қарорга келдик.

– Қачон бу қарорга келдиларинг? – у титграб-қакшаб турса-да, овози ўзгармади.

– Бир неча ҳафта олдин.

– Қандайдир нохушлик бўлишини сезгандим, – Изабель рост гапирарди. Чунки беш йилдан буён унинг фёслини яхши ўрганган. – Шунинг учун Парижга келиш фикридан қайтдингми? Бу қароринг бизнинг муносабатларимизга таъсир қиладими?

– Менимча, энди гаплашмаганимиз маъкул, – Биллнинг гаплари автобус зарбасидан ҳам оғир бўлди. Изабель шу сониядаёқ тилдан қолаётганди. Ҳаво етишмаётгандек ҳис қилди ўзини. Билл уни тириклай гўрга тикқандек бўлди, гўё. Нима деб жавоб беришни билолмасди. Бунақа гапни кутмаганди сира, лекин Биллни ҳам айбламади. Чунки Гордон билан ажрашолмайман, деб ўзи айтган. Телефон қўнғирокларидан бошқа ҳеч нима уларни боғлаб турмасди. Шу сабабли Биллнинг Синди билан яшаши хайрон қоладиган эмас. Лекин Изабель Биллни шу қадар севардики, унга фақат яхшилик тиларди.

– Нима дейишга ҳам хайронман. Бахтли бўлсанг бўлгани, Билл, – унинг йиғлаётганини эшитиб турган Биллнинг юраги эзилса-да, бироқ кейинчалик хурсанд бўлади, деб ўйлади.

– Ўзингни эҳтиёт қил. Гордон сени эзишига йўл қўйма. Кундошингнинг эри тирик экан, Гордон сен билан ажрашмайди. Ўзингни хафа қилдириб қўйма, – Билл ростдан ҳам Изабель учун қуйиб-пишарди. Уни Гордоннинг домига ёлғиз ташлаб кетаётганидан, ҳимоя қила олмасликдан қийналарди.

– Менинг ташвишимни тортаётганингдан хурсандман, – овози калтираб деди Изабель. – Лекин бир нарсани тушунмаяпман... Синди билан алоқаларинг яхшилангани ҳақида гапирмагандинг?

– Ўзим ҳам билмайман. Балки болаларимиз никоҳдан ўтишга қарор қилишганида биз ҳам ярашишга келгандирмиз.

Аслида улар март ойида Жейн билан Жо тўйи ҳақида биринчи бор оғиз очишганида ажралишганди. Синди ўзига яхши дўст топиб ҳам улгурган.

– Сенга бахт тилайман Билл. Ким билан бўлсанг ҳам мен сени барибир севаман, – хўрсинди Изабель.

– Биламан... – Биллнинг кўз ёшлари юзини ювиб, овози титради. Мен ҳам сени севаман, – Изабель. Умримнинг охиригача фақат сени севаман, дейишдан зўрға ўзини тийди Билл. – Ўзингни асра. Агар бирор нима керак бўлса, иккиланмай қўнғирок қилавер, ҳар доим ёрдамга тайёрман.

– Синдига менинг қўнғирокларим ёкмаса керак, деб ўйлайман...

– Ўттиз йил кам муддат эмас, йўлларни айро тутиш осон бўлмас экан, – аслида гап бунда эмас эди. Изабель нима деб ўйлаган тақдирда ҳам Билл бир умр фақат уни севарди.

– Сени жуда соғинаман, – ичидан отилиб келаётган йиғини зўрға босиб шивирлади Изабель. – Бахтли бўл... Сен бунга лойиқсан.

Ҳозир қилган иши учун Билл дўзах оловида ёнишга муносиб бўлса-да, лекин ўзини ҳақ деб биларди. Ҳаммасини Изабелнинг фойдасини кўзлаб қиялпман, деб ҳисобларди.

– Хайр, – Билл секингина гўшакни жойига қўйди...

Изабель энтикиб-энтикиб узоқ йиғлади. У яқин одамидан айрилгандек ўксиниб, қалби ҳувиллаб қолди. Ҳаётнинг қизиғи қолмади.

– Сизга нима бўлди, ойижон? – хонага ташвишланган Тедди кирди. У ойисининг йиғисини йўлакда туриб эшитганди. Олдинига Изабель энтикиб гапиролмади, кейин бир амаллаб ўзини қўлга олди:

– Ҳозиргина яқин дўстим дунёдан қўз юмди... – у ҳолатини бошқача тушунтира олмади. Қолаверса, Билл энди унинг учун ўлган, бир умрга йўқолган эди. Изабель усиз қандай яшашни тасаввур ҳам қила олмасди. – Ҳаммаси жойида, ўғлим, шунчаки биров хафа бўлдим.

– Мен биров айланиб келай, – шундай деб у ўғлини хонасига кузатиб, боққа чикиб кетди. Изабель шу кетганича тушга яқин қайтди. Ранги оқариб кетган, кўзлари йиғидан кизарган ҳолда кўрган ҳамшира кўркиб кетди.

– Аҳволингиз яхшими, хоним? – секингина ҳол сўради у.

– Ҳа, – зўрма-зўраки табассум қилди Изабель.

Лом-мим демай тушлик қилишди. Ўғлига китоб ўкиб бераётиб ҳам Изабелнинг кўз ёшлари тинмади. Ойисини нима деб овутишни билмаган Тедди унинг қўлини силаб қўйди. Ўзини зўрга тутиб турган Изабель яна ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Ойижон, жуда афсусдаман, – маҳкам кучоклади Тедди.

– Ўзим ҳам, – хўрсинди Изабель.

У туни билан мижага қокмади. Ҳеч қачон ўзини бу қадар бечора, ожиз ҳис қилмаганди. Энди суянадиган, ишонадиган ҳеч кими йўқ. Гордон Форрестъенинг бир умрлик асираси бўлиб қолиш ҳам энди уни ташвишлантирмай қўйганди. Умуман, ҳеч нима ташвишлантирмас, кўнгли бутунлай вайрон бўлди. Софи ва Тедди учун бир амаллаб қолган умрини ўтказишга рози эди.

Билл ҳам ухламай тонг оттирди. Гўшакни жойига қўйгач, у унсиз йиғлаганди. Ўзини ҳақ деб ҳисоблаши юпанч эди, гўё.

XVI ҚИСМ

Биллдан айрилгач, Изабелнинг нурсиз, қувончсиз, зерикарли кунлари бошланди. Ҳеч нима кўнглига таскин беролмас, ғамдан ўзини ўнглай олмай, кундан-кунга шамдек сўниб борарди. У олдингидек бемор ўғлини парвариш қилар, лекин энди уларнинг қайси бири бемор эканлигини фарқлаш қийин эди. Изабель туз тотмас, ухламас, ҳеч ким билан гаплашмасди. Ўзини тубсиз қоронғиликка улоктирилгандек ҳис қиларди. Биллни соғинганидан қуйиб тамом бўлар ҳолга келди... Шундай бўлса-да, ҳаётида Биллни учратгани учун тақдиридан миннатдор эди. Бироқ айрилиқ азобига чидаш осон эмас. У баъзан ҳали ҳам тириклигидан, айрилиқ ғамидан ўлиб қолмаганидан ҳайрон бўларди. Уйида жуда кам бўладиган Гордон ҳам Изабелнинг озиб-тўзиб бораётганини сезмай қолмади. Таътилда уйига қайтган Софи эса ойисини кўриб дахшатга тушди.

– Саломатлигинг жойидами? – сўради бир кун Гордон нонушта кила туриб.
– Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Бош оғриғи азоб берапти, – тушунтирган бўлди Изабель. Унинг ўзи ҳам ранги жонсиз одамникидек бўлиб қолганини билар, лекин кўпроқ овқат ейишга, ухлашга ўзини мажбур қила олмасди.

– Ҳалокатнинг оқибати бўлса керак бу, – ҳатто бироз ташвишланди Гордон. – Шифокорларингга, албатта, қўнғироқ қил, – охирги ойлар мобайнида у хотинига биринчи бор эътиборлироқ бўлиши эди. – Кейинги ҳафтада мен иш билан кетаман, ўшангача аниқлаб қўйсанг яхши бўларди.

«Луиза билан кетса керак», ўйлади Изабель. Ўтган ёзда Изабель шифохонада ётганида ҳам Гордон Луиза билан бирга дам олганди. Лекин бу галгиси Изабелга зиғирча таъсир қилмади. Одатий гапдек туюлди.

– Қаерга кетяпсан? – сўради у худди қизиқаётгандек кўрсатиб ўзини. Ваҳоланки, Теддидан бошқа ҳеч нима қизиқтирмасди уни уйда.

– Франция жанубига. Битта мижоз билан учрашишим лозим.

Ўша «мижоз», «албатта» Луиза. У кетишидан олдин шифокорга қўнғироқ қилишини Изабелга яна бир бор тайинлади. Лекин Изабель кулок солмади. У шифокорсиз ҳам ўз касалини биларди. Изабелнинг юраги яраланганди, бунинг автохалокатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ахир орадан бир йил ўтиб кетди. У ҳамон Биллдан жудо бўлганига ишонмас, ишонгиси келмасди. Баъзида ўзини ўзи ўлдиргиси келиб қоларди. Айрилиқ дарди йўқолиш ўрнига кундан-кунга кучайиб борарди. Изабель ҳаётдан буткул умидини узди. Бир кун келиб тақдир унга ҳам кулиб боқиши мумкинлигига сира ишонмасди. Барча орзу-умидлари билан бирга Билл уни ташлаб кетди. Энди фақат хотира ва дард бор. Асосийси эса, у ҳамон Биллни севарди, ҳатто ташлаб кетганида ҳам ёмон кўриб қолмаганди. Ҳозир Изабель жароҳатланган, ўлиш учун жой кидираётган оҳуга ўхшарди.

– Ойижон, сизга нима бўлди? – хавотирланди Софи.

– Ҳеч нима, қизим. Шунчаки чарчаганман.

Софи ишонмади. У хизматкорлар билан бирма-бир гаплашиб, нима бўлганини суриштириб чиқди. Тедди телефонда бир дўстининг ўлими ҳақида хабар топгач, касал бўлиб қолганини айтди. Лекин бошқалар боланинг гапига эътибор беришмади. Кечқурун Гордон, шифокор билан учрашдингми, деб сўраганида, Изабель бош ирғаб қўйди.

Бошқа гапларни суриштириб ҳам ўтирмади. Кейин у Изабелнинг аянчли кўринишига сабаб Билл эмасмикан, деган ҳаёлга борди. Аммо дарҳол бу гапни ҳаёлдан қувди.

Эртаси куни Гордон жанубга йўл олди. Уни «Отель дю кар»да уч ҳафта бўлиши режалаштирилганди. Изабель эътироз билдирмади. Аксинча, аҳволи ёмонлиги учун ҳисоб беришдан қутулганига қувонди.

Уч ҳафта ўтиб қайтган Гордон хотинини кўриб қотиб қолди. У худди мурдага ўхшарди. Софи йиғлаб оийси ҳақида гапирмокчи бўлганида

эшитишни хохламади. Гордон учун докторнинг, хавотирланишга асос йўк, деган гапи етарли эди.

Августда Гордон яна иш билан кетди. Бу гал Италия ва Испанияга. Софи эса Британияга дугонасиникига йўл олди. Изабель ўзини қўлга олишга харчанд уринмасин, уддасидан чиқолмасди. Ҳар тонг Биллнинг хаёли билан уйғонар ва ҳали ҳам тириклигидан ўқинарди. Айнан Гордон ва Софи йўклигида Теддининг саломатлиги ёмонлашди. Аввалига шунчаки шамоллагандек кўринган касаллик кескин оғирлашди. Иссиғи кўтарилиб, дори-дармон таъсир қилмай қолди. Уч кун ўтгач, ўпка шамоллаши бошланиб, уни шифохонага ётқизишга мажбур бўлдилар.

– Мен ўламанми? – ойисининг кўзларига тикилиб сўради Тедди.

– Йўк, жиннивой, – бошини силади Изабель. – Аллақачон тузалишинг керак эди. Битта вирусни деб шунча ётиб қолишинг уят, – жилмайишга уринди у.

Тунда Теддининг ҳарорати қирқ учга чиқиб кетди. Капалаги учган Изабель Гордонга қўнғироқ қилди.

– Унинг аҳволи ҳар доим ёмон! – жаҳл билан ўшқирди Гордон.

Ҳозир у Тосконда эди. Қандай иши бўлиши мумкинлигини Изабель тушунмасди. Албатта, Луиза билан бирга у.

– Барибир ҳеч қандай ёрдамим тегмайди.

– Мен ўғлинининг аҳволидан бохабар бўлганинг яхши, деб ўйлабман, – деди Изабель ва қўнғироқ қилганига пушаймон бўлди. У шунчаки одоб юзасидан хабар берганди. Гордондан ҳеч қандай ёрдам сўрамоқчи эмасди.

– Аҳволи оғирлашса, менга хабар қил.

– «Бундан нима наф?» ўйлади Изабел, лекин эрига индамади. Яна икки кун сабр қилгач Изабель Софига қўнғироқ қилди. Бу вақтга келиб Тедди алаҳлай бошлаганди. Шунча дори-дармонга қарамай, ўпкаси ва юраги ишдан чиқа бошлади. Софи дарҳол ойисининг ёнига етиб келди. Иккаласи киприк қокмай болақайнинг ёнида ўтиришар, у эса гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзидан кетиб ётарди. Эрталабга яқин Тедди ҳушига келди. Иссиғи баландлигига қарамай овқатланаман, деди. Кечқурун шифокор Изабелга ўғлининг аҳволи чатоклигини маълум қилди.

– Бу билан нима демокчисиз?

– Унинг юраги дош беролмайди. Саломатлиги яхши эмас.

Шу аҳволда яна бир ҳафта ўтди. Софи билан Изабель ҳам унинг рангига қараб ҳолдан тойишди. Ўтган икки ҳафта ичида Гордон бир марта ҳам қўнғироқ қилмади. Изабель эри ўғлини аллақачон тузалиб кетган, деб ўйлагандир, дея тахмин қилди. Учинчи ҳафтага бориб Тедди бутунлай ҳушсиз ётди. Зотилжам кучайиб борарди. Изабель йўлакка чиқиб йиғлаб-йиғлаб олар ва яна ўғлининг бошига келиб термулиб ўтирарди. Тунда у яна эрига қўнғироқ қилди. Гордон ростдан ҳам ўғлини соғайиб кетган, деб ўйлаб юрган экан. Ўғлининг ўлим тўшагида ётганлиги уни ларзага солди.

– Ҳали-бери уйга қайтмоқчи эмасмисан? – сўради Изабель.

– Қайтишим керакми? – таклиф ёкмаса-да, Гордоннинг овози ташвишли чикди. Вазият у ўйлагандан кўра анча қалтис эди.

– Ўзинг ҳал қил. Теддининг аҳволи оғир...

Гордон хотинига, эртага яна кўнғироқ қил, деб топшириқ бериб, гўшакни кўйди. Тонгги бешда Тедди кўзини очди. Ойисини таниб жилмайди. Софи билан Изабель кувончдан йиғлаб юборишди. Бир оз гаплашиб ўтиришгач, доктор болани текшириб кўрди. Лекин ҳеч қандай хушхабар айтмади. Теддининг юраги ўзига бўйсунмай кўйган эди. Ўтган ўн беш йил давомида Изабель шу дақиқаларни юрак ҳовучлаб кутган. Аммо ҳозир қандайдир хотиржамликни ҳис қилди. Ҳаммаси тақдирнинг қўлида.

Ойиси ва опасининг қўлларидан маҳкам тутган Тедди тинмай жилмаярди. Ўғлининг ёниб турган пешанасидан ўпган Изабель ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

– Ўзимнинг болагинам, сени жуда яхши кўраман, – Тедди ҳар доим мулоким, чидамли ва ширингина бола эди.

Бир умр оғрик билан яшаган бўлса-да, шикоят қилмасди. Ҳозир у икки дунё ўртасида жонсарақ эди. Изабель жон-жаҳди билан ўғлини чексизликдан саклаб қолишга уринарди. Теддидан айрилиб қолиши мумкинлиги уни дахшатга соларди. Лекин энди ёрдам бера олмайди.

– Мен бахтиёрман ойижон, – шивирлади Тедди, кейин опасига ўгирилди. – Сени яхши кўраман, Софи...

Шундай дея сезилар-сезилмас ҳўрсинди ва руҳи бир умр азобда яшаган танасини осойишта тарк этди...

Изабель унинг жонсиз танасини кучиб йиғлаб юборди. Она-бола титраб-қакшаб йиғлаб туришгач, охириги марта эркатойларини ўпиб, кучиб палатадан чиқишди. Изабель ўғлининг хонасига кириб, узок йиғлади. Ўғли бемор бўлса-да, ягона кувончи эди. Энди у ҳам йўқ. Бироз ўзини босиб олгач, эрига кўнғироқ қилди. Совук хабардан донг қотган Гордон кечга яқин уйда бўлишга сўз берди. У ҳар доимгидек совуккон эди. На бир юпатувчи сўз айтди, на ачинаётганини билдирди. Гап-сўзсиз гўшакни кўйди. Изабель Биллга кўнғироқ қилгиси келди-ю, лекин фикридан қайтди. Унинг тинч ҳаётига аралашмасликни маъкул кўрди.

Куннинг иккинчи ярмида улар Софи билан дафн бюросига бориб, маросимга доир ишларни ҳал қилишди. Изабель ўғли учун оқ атиргуллар, ландишлар буюрди. Тедди билан хайрлашишга ҳамшираси, опаси ва онасидан бошқа ҳеч ким келмади. Чунки у мактабга бормаган, дўстлари ҳам йўқ. Ҳаммасининг ўрнини онаси босарди. Изабель энди бу ёғига қандай яшашни тасаввур қилолмасди. Гордон тунда Римдан қайтиб келди. Эртасига ҳаммалари дафн бюросига бордилар. Изабель тобут ёпик бўлишини талаб қилган эди. У ўғлини охириги марта ўлган ҳолда кўришни хоҳламасди. Гордон эса



ўғлига бир караб қўйишни ҳам раво кўрмади. Отаси учун Тедди ҳар доим бегоналигича колганди. Энди эса бунинг фойдаси ҳам йўқ... Тедди худди нозик капалакдек нимжон эди. Ниҳоят уларни ташлаб, учиб кетди. Изабель шундай ўғли бўлганлиги, унинг меҳри учун тақдиридан миннатдор эди...

Дафн маросими эртаси куни ўтказилди. Қабристонга боргунча Изабель адойи тамом бўлди. Ўғлини шу ерга ташлаб кетишни тасаввур қилгач, чидай олмай дод солиб юборди. Уни тобутдан ажратиб олишди. Ёдгорлик учун ўғлининг кабридан битта оқ атиргулни ўзи билан олиб келди. Ғамдан тамом бўлган Изабель оёғини зўрға судраб босар, Софи уни бир амаллаб хонасига олиб чикқанида ортиқ чидай олмай ўзини каравотга отди. Кечкурун Гордон унинг хонасига кирди. Ранг-рўйи бир аҳволда бўлган хотинини кўриб раҳми келиш ўрнига ғашланиб сўради:

– Сенга нима бўляпти ўзи, тушунмаяпман, – охирги пайтларда Изабелнинг юриш-туриши унинг асабини буза бошлаганди. – Туркингга бир кара, бугун Теддини эмас, сени кўмиб келгандекмиз, гўё. Нима гап ўзи?

– Мен ҳозиргина ўғлимдан айрилдим, – эрининг гапларидан лол бўлди Изабель.

– Мен ҳам. Лекин сен икки ойдан буён шу аҳволдасан.

– Шунақами? Унда узр сўрайман.

– Софи сени деб куюняпти, ахир!..

– Мен эса ўғлимдан айрилганимга куюняпман, – ҳолсиз жавоб қайтарди у.

– Бир кун келиб шундай бўлишини билардик, – эслатди Гордон. У ўғлининг вафотидан унчалик куюнмаганди. Маросимда ҳам худди бегонадек тутди ўзини, ҳатто узок қариндош ҳам ўзини бу қадар совуқ тутмаган бўларди. Унга қараб ҳозиргина ўғлини йўкотган ота деб бўлмасди.

– Хўш, энди нима қилмоқчисан? – хотинига қизиқсиниб тикилди Гордон. Изабель бу гапга тушунмади.

– Нимани? Хонамними? Кийимларимними ёки ҳаётимними?

– Охирги ўн беш йил умринг фақат Теддига қараш билан ўтди. Лекин ўзингни унга қўшиб кўмиб келолмайсан-ку!

Гордоннинг охирги гапи Изабелга маъқул тушди. Ростдан ҳам Теддига қўшилиб ўлиб кетишга рози эди. Теддисиз, Биллсиз ҳаётнинг унга қизиғи йўқ. Софини ўйларди фақат.

– Менимча, сен Софи билан Греноблга кетишинг керак. Тўрт девор ичида бир умр ўтирмайсан. У билан яшасанг, яхшироқ бўларди.

Изабель эрининг фикрини дарҳол тушунди. У Изабелни кизи билан жўнатиб, ўзи Луиза билан яшамоқчи. Теддининг ўлими унга жуда қўл келганди. Шу баҳонада хотинидан қутулиб қолмоқчи.

– Жиддий гапиряпсанми? – Изабель эрига қараб кулиб юборишдан зўрға ўзини тийди. Гордон ўзини жонкуяр кўрсатмоқчи бўларди-ю, хотинидан

тезрок кутулмокчи бўлаётгани сезилиб колаётганди. У энди Изабель олдингидек эр-хотин муносабатларини тиклашга ҳаракат қилади, деб хавотирланаётганди. – У ерда нима қиламан? Софининг оёғи остида ўралашиб нима бор менга?

– Бу ерда бекор қўл ковуштириб ўтиролмайсан-ку! – жаҳл қилди Гордон.

– Сенингча, мен ҳар доим бекор юрган эканман-да? – бу гапдан Изабелнинг ҳам сабр косаси тўлди. У шунча йилдан буён ёлғонга ботиб яшашдан чарчаган эди. Гордон хоҳлаётгандек энди кизининг ҳаётига ҳам аралашишни хоҳламасди.

– Сенинг нима иш қилишингни мен умуман тушунмасдим, – кескин жавоб берди Гордон. – Шу болага қарашдан бошқа нима ҳам қилардинг ўзи?

– Ўша бола сенинг ҳам ўғлинг ва уни ҳозиргина ерга қўйиб келдик. Ҳеч бўлмаса арвоҳини ҳурмат қил. Қолаверса, мени ҳам! – У умрида биринчи бор эрига тик қараб гапирди. Бу эса Гордонга ёкмади.

– Ўзимни қандай тутишим кераклигини менга ўргатма, Изабель! Ўтган йилги қилиқларинг эсингдан чиқибди-да? Билиб қўй, мен бошқа бунақа қилиқларингни кўтармайман.

– Йўғ-эй?! – энди Изабелнинг ҳам жаҳли чиқди. Гордон ҳаддидан ошиб кетганди. – Хўш, қандай иш қилган эканман?

– Нимани назарда тутаётганимни яхшигина билиб турибсан. Ўшанда Билл Робинсон билан муносабатларингга кўз юмгандим. Худога шукр қил, сен билан ажрашмаганимга!

Ғишт қолипдан кўчганди. Энди Изабель ҳам ҳеч нимадан кўркмас, Теддининг ўлими уни тап тортмайдиган қилиб қўйганди.

– Йўк, аксинча, сен шукр қил. Йигирма йилдан буён ўзимга, ўн беш йилдан буён ўғлимга қилган муносабатингга чидаб келганим учун! – Изабель бир кун юзма-юз гаплашишлари кераклигини биларди, лекин ўша суҳбат айнан шу бугун – ўғли ўлган санада рўй беришини кутмаганди. У эри асл башарасини намойиш қилишини кутиб юрганди. Бугун худди шу кун келди! Ўғлини қабрга қўйган кунда! Эрининг шунчалик бағритошлигидан аслида хайрон қолмаса ҳам бўларди. Лекин барибир кўнгли оғриди. Гордон унга қаҳр билан тикилди, тарсаки туширмокчи бўлди-ю, ҳадди сизмади.

– Эҳтиёт бўл, Изабель, яна садақа сўраб кўчада қолмагин!

– Энди мени кўркитолмайсан, Гордон! – унинг йўкотадиган ҳеч нимаси қолмаганди. Агар Гордон ростдан ҳам кўчага ҳайдаса, бундан фақат хурсанд бўларди. – Сендан зиғирча ҳам кўркмайман.

Гордон хотинининг жиддий гапираётганини сизди.

– Хўш, кўчага улоқтирдим ҳам дейлик, унда қаерга бормокчисан? – заҳарханда кулди Гордон.

Изабель унга хотиржам тикилди.

– Балки, графиня де Линье билан менга илтифот кўрсатиб, Бак кўчасидаги уйларида яшаб туришимга рухсат берарсизлар? Тушунишимча, мени хайдаб, бу уйда у билан яшамоқчисан? – Изабель бу гапларни хотиржам, мулойимлик билан айтганига қарамай Гордон ғазабдан титраб-қақшаб кетди.

– Нима деяётганингни биласанми? – кичкирди у. Бунақа зарбани кутмагани учун бир дам мувозанатни йўқотиб қўйди.

– Мен билмаслигим мумкин, лекин бутун Париж хабардор, яна ўн йилдан буён! Янги йил арафасида хониминг янглишиб уйга қўнғироқ килувди. Менимча, ширакайф бўлган, унинг шарофати билан ниҳоят кўзим очилди. Шундай экан, Билл Робинсонни тинч қўйсанг ҳам бўлади. Бу ишларга унинг алоқаси йўқ.

– У билан ҳали ҳам муносабатларинг борми? – Гордон Изабелнинг нафакат ҳамма гапдан бохабарлигидан, балки сабрига ҳам қойил қолди.

– Йўқ, – деди Изабель. – Лекин графиня сенинг ҳаётида катта роль ўйнайди. Билишимча, Италияда у билан бирга бўлгансан. Айтишларича, у эри ўлмагунча сенга турмушга чика олмасмиш! Бу, албатта, сенга ёкмаса керак-а? Хўш, мендан қандай қутулмоқчи эдинг, Гордон? Режаларинг қанақа эди? Ахир Софига қўшиб жўнатиш билан қутулолмайсан-ку!

– Эсингни еб қўйибсан! Ўғлингнинг ўлими сенга шундай таъсир қилган, шекилли! Бунақа аҳмоқгарчиликларни эшитишга тоқатим йўқ! – у чиқиб кетмоқчи бўлди.

– Йўқ. Менинг ақлим жойида, фақат юрагим, қалбим дарз кетган. Охирги йилларда ростдан ҳам ақлим бўлмаган, чунки атрофимдаги мунофиқликларни сезмаганман. Сенинг уйда тунамаслигингга ҳам эътибор бермаган эканман. Энди ҳаммаси тугади.

– Йўқол, менинг уйимдан! – ғазабдан қалтираб бўкирди Гордон.

– Кетаман. Фақат ҳозир эмас, қачон лозим топсам. Ҳозирча эса ўзингни озод деб ҳисоблашинг мумкин.

Гордон унинг хонасидан отилиб чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан кейин ташқари эшикнинг карсиллагани эшитилди. Бу антиқа томошанинг якуни Изабелга умуман таъсир қилмади. Ҳозиргина эри ташлаб кетган бўлса-да, юраги ҳатто қилт этмади.

Теддининг ўлими уни барча ташвишдан халос этган эди. Энди Софидан бошқа ҳеч кими қолмаган. Тедди билан бирга шунча йиллик хўрлик, ёлғон ҳам тарк этгандек бўлди.

– Дадам сизга нима деди, ойи? – секингина сўради Софи. Изабель унинг кирганини сира сезмади. Қизи каттиқ кўрқиб кетганди.

– Аҳамияти йўқ, – хўрсинди Изабель.

– Йўқ, аҳамияти бор! – эътироз билдирди Софи. – Ойи, дадам сизни хўрлайди. Албатта, у менинг дадам, уни яхши кўраман, лекин сизга

килган муомаласига чидай олмайман. Бугун Теддининг маросимини ўтказдик, ахир...

Изабель кизига тикилди. Бўлган воқеани у энди англай бошлаганди. У менга уйдан тезроқ йўқолишимни буюрди, – ўзини зўрға босиб жавоб берди у.

– Сиз кетмоқчимисиз? – қўриқиб кетди Софи.

– Ҳа, кетмоқчиман. Чунки бу дадангнинг уйи.

Уларнинг оилавий ҳаёти Теддига қўшилиб қабрга қўмилган эди. Балки шуниси маъқулдир.

– Қаерга борасиз? – Софининг кўзлари ёшланди.

– Ижарага уй топарман. Буни илгарироқ қилишим керак эди. Лекин уканг учун ҳаммасига чидаб юргандим... – Изабель оилавий ҳаёти поёнига етганини тушунди. У ишонган, яхши кўрган, умид қилган, меҳр қўйган нарсаларининг барчасидан айрилди.

Софи секин ойисини бағрига босди. Айнан Тедди уни Гордон чангалдан халос қилганди, қўлидан тутиб нарига олиб кетди. Билл шундай қилолмаганди, шу сабабли биринчи бўлиб ўзи ташлаб кетди. Теддининг ўзи ҳам бир умрлик азоблардан халос бўлиш билан бирга ойисини ҳам қувончсиз ҳаётдан қутқарганди. Бу унинг сўнгги совғаси эди. Ниҳоят Изабель озод эди.

XVII ҚИСМ

Гордон шу кетганича бир неча кун қорасини кўрсатмади. Изабель, агар хоҳласа, қаердан топиш кераклигини биларди. Лекин истамади. У уйда ёлғиз кезар, Теддининг хонасида соатлаб ўтирар, йиғлар, баъзида эса ёқимли хотираларни эслаб жилмаярди. Атроф-муҳитдан бутунлай узилгандек. Бир кун кечкурун ўғлининг буюмларини йиғишга тушди. Теддининг буюмлари кам эди: китоблар, ўйинчоқлар, диний мақолалар. У онаси ва опасининг суратларини жуда кадрларди. Отасининг эса фақат битта никоҳ тўйидаги сурати бор эди. Изабель туни билан йиғлай-йиғлай йиғиштирди. Эрталабга яқин ишни тугатиб ухлашга ётди. Кечга яқин Гордон келиб унинг режаларини сўради.

– Ҳозирча ҳал қилмадим. Теддининг буюмларини йиғиштирдим.

– Хизматкорларга буюрсанг ҳам бўларди, – тўнғиллади Гордон.

У бунака туйғуларни тушунишга қодир эмас. Чунки ўзидан бўлак ҳеч қимми севмасди. «Луиза билан муносабати қанака экан?» – ўйлади Изабель. Мансаб ва даража қизиқтирса керак иккаласини ҳам.

– Охирги марта суҳбатлашганимизда ўзингни жуда ёмон тутгандинг, – яна сиқувга олди Гордон.

Изабель эътибор бермади. Бунака гаплардан чарчаганди у. Гордон эса хотини Луиза билан алоқасини юзига солишга қандай ҳадди сикқанига хайрон эди. Умуман олганда, Изабелнинг ҳамма гапдан хабардорлигининг ўзи хайрон коларли. Гордон Луизадан ростдан ҳам униқига қўнғирок қилдингми, деб сўраганида, аниқ эслай олмади. Тасодифий бир хато Гордон неча йиллардан буён асраб келаётган ёлғон ва хиёнатини фош қилиб қўйганди. Лекин Луизага ҳам таъна қилолмасди.

– Ёмон вазият аллақачон юзага келиб бўлган, – хотиржам гапирди Изабель. – Мен ҳар доим сенинг совуққонлигингда ўзимни айблаб келгандим. Умидларингни оклай олмаяпман, деб ҳисоблаганман. Тедди билан овора бўлиб, сенга кам вақт ажратяпман, деб виждоним қийналган. Лекин маълум бўлишича, мен билан Теддининг бунга умуман алоқамиз йўқ экан. Ҳамма гап ўзингда экан.

– Барибир сен айбдорсан, – ўша оҳангда давом этди Гордон. – Яхши хотин бўлишга уринганинга, бундай бўлмасди.

У ҳар доимгидек хотинини айблаб, сувдан курук чиқишга ҳаракат қиларди.

– Мен яхши хотин бўлишга ҳаракат қилганман, Гордон. Аввалига сени севардим ҳам. Лекин сен ўртамизга девор солдинг, мендан юз ўгирдинг. Бунда мен айбдор эмаслигимни ўзинг яхши биласан. Осонликча ўзимни оклайман, деб ўйлама.

– Аввал бошидан қўнғимни тополмагансан, – у яна Изабелга ақл ўргатишга тушди.

Изабелнинг муҳаббати Гордон учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди. Узок йиллар давомида у эрининг буйруғини сўзсиз бажариб келди.

Гордон ўзига керак нарсаларнинг барчасига эга бўлгач эса, уни чикитга чиқариб қўйди. Бу Луизани ҳам шу аҳволга солар?! Бойвачча графинянинг эри деган ном қозонгач, уни ҳам ташлаб кетар?! Чунки у ҳеч кимга, ҳатто жазманига ҳам қўнғил беришга қодир эмас эди. Худбинлиги ҳаммасидан устун чиқарди.

– Ҳалокатдан кейин ақлингдан айрилибсан, шекилли, – совуқ жилмайди Гордон. Изабель унинг нима демокчилигини тушунди. Энди «Изабель қомадан кейин ақлдан озган эди, ўғлидан айрилгач эса бутунлай жинни бўлиб қолди», дея одамларни ишонтирмоқчи. Хотинидан қутилишнинг энг осон йўли эди бу! Изабель дахшатга тушди.

– Чўзишдан фойда йўқ. Тезроқ кетишнинг ҳаракатини қилсанг яхши бўларди, – деди Гордон.

Изабель эрига ортикча юк бўла бошлаганди. Қолаверса, уни айблашларини сира ёқтирмасди.

– Қачон ижара уй топсам, ўшанда кетаман. Ўғлинг ўлган захоти мени кўчага ҳайдасанг, гап-сўзга қоласан, – ҳорғин жавоб берди Изабель.

– Мен одамларга хотиним жинни бўлиб қолган, уйдан қочиб кетди, дейман. Ҳалокатда миянгнинг лат егани қўл келади менга, – бу ишда Луизанинг ҳам қўли борлиги сезилиб турарди.

– Одамлар сенга ишонишармикан? Негадир бунга шубҳам бор. Мени билганлар жинни эмаслигимдан, балки сен кўп йиллардан буён алдаб келган жабрдийда эканлигимни яхши билишади. Одамларни бир умр алдаб бўлмайди. Ҳатто, мени ҳам.

Ўғлининг қабри совимай эрининг қилиқ чиқаргани Изабелга ёмон ботди. Ҳар қандай баттол одам ҳам бундай ишга қўл уролмасди. Ғам бир келса устма-уст келавераркан. Тақдирнинг қакшатқич зарбалари Изабелни адоий тамом қилди. Бор умиди ва ишончидан бир йўла маҳрум бўлди. Энди у фақат осоиштиликни хоҳларди. Уни ўз ҳаёллари билан тинч қўйишса бўлгани эди.

– Қачон кетишни ўзинг ҳал қил. Фақат мен беҳабар қолмай, олдиндан огоҳлантириб қўй. Бугун адвокатим билан гаплашдим. У мол-мулкни бўлиш масаласини ҳал қилди...

Изабель жилмайиб қўйди. «Шошилишига караганда граф де Линьенинг саломатлиги ёмонлашган шекилли? Аксига олгандек мен ҳам қизим билан яшашга қўймадим. Шунда Гордон мени тушқунликдан ақдан озди, энди эса даволањяпти деб ҳаммага жар солади», деб ўйладим.

Унинг ўйлањиб қолганини ўзича тушунган Гордон қўшимча қилди:

– Буюмларингни йиғиштираётганда фақат ўзингни нарсаларингни олгин, яъни отангникидан олиб келган, қолганлари эса менга тегишли.

– Албатта, – худди ўзидек заҳарханда қилди Изабель. Гордон таъкидла-маса ҳам, Изабель фақат ўзининг кийимлари, Теддига тегишли баъзи бир нарсалар ва отаси берган қимматбаҳо буюмларнигина олмоқчи эди. Умуман олганда, қимматбаҳо буюмларни ҳам бир кун келиб Софига бериш учун олмоқчи эди. Ўзини ҳеч нарса қизиктирмасди.

– Ижарага уй олган заҳотим сенга ҳабар бераман, ҳавотирланма.

Кейинги бир неча ҳафта саросимада ўтди. Изабель тиним билмай уй қидирди. Софи университетга қайтгач, у бироз енгил тин олди. Чунки қизи бўлаётган воқеалардан каттиқ қайғураётганди. Сентябрь ойининг охирига келиб, у Варене кўчасидан ўзига муносиб маскан топди. Уй икки ётоқхона, битта залдан иборат бўлиб, эски урфлаги мебеллар билан жиҳозланган, кўхна бинонинг учинчи қаватида жойлашганди. Бино ўн саккизинчи асрда қурилган бўлишига қарамай яхши сакланганди. Уй соҳиблари кексайиб қолишган бўлиб, замонавий таъмирлашга қурблари етмасди. Ижара шартномасига имзо қўйгач, Изабель Гордоннинг адвокатига ҳабар берди, кейин Софини ҳам ҳабардор қилиб қўйди. Софи қувонишни ҳам, ҳафа бўлишни ҳам билмасди. Бир томондан, онасининг хотиржамлигини ўйлаб қувонса, иккинчи томондан, ёлғиз қандай яшашини ўйлаб сиқиларди. У Парижга келганида аввал отасининг уйига қўнди. Онаси ва Теддисиз уй

харобадек хувиллаб қолганди. Бу вақтга келиб Изабель Гордондан мол-мулкни тақсимлаш ҳақидаги ҳужжатни олиб улгурган эди. Унга эридан деярли ҳеч вако тегмади. Энди олдингидек тўкин-сочин яшашни умид қилмаса ҳам бўларди. Бундан ташқари, Гордоннинг адвокати Изабелга моддий ёрдам қутмасликни, аксинча бирор иш топишни маслаҳат берди. Гордон Изабель башорат қилганидек бор давлатини ўзига олиб қолди. Агар у аввалроқ ажрашганида Теддини очлик, муҳтожликка маҳкум қилиши тайин эди. Изабелга ҳеч бўлмаса эрининг Гренель кўчасидаги уйини олишни маслаҳат беришди. Лекин Изабель рози бўлмади. У эрининг миннатли мурувватига қараб қолишни истамасди. Октябрнинг ўрталарида у Варене кўчасидаги уйига кўчиб ўтди ва дидга мослаб жиҳозлаб олди. Тедди билан ўтказган яхши-ёмон кунларини ўтказган уйни ташлаб кетиш осон бўлмади унга. Хизматкорлар у билан йиғлаб хайрлашдилар, йўқлаб туришга сўз бердилар. Кўп ўтмай Софи меҳмонга келди. У ўз хонасини кўриб қувониб кетди.

– Ажойиб хона экан, ойижон, – деди қувончи ичига сигмай.

Софининг хонасини жиҳозлаш учун Изабель бор маҳоратини ишга солганди. Умуман олганда бу уй Гренель кўчасидаги ҳашаматли уйдан кўра кўпроқ маъқул бўлди. Бу чин маънода унинг ўз уйи эди. У янги ҳаётга жуда тез мослашганига баъзан ҳайрон қоларди. Гордонни умуман соғинмасди, фақат Теддини эслаб эзиларди. Янги уйга кўчиш, жойлашиш уни нохуш ҳаёллардан биров чалғитди. Янги уйда азоблари олдингидан кўра биров пасайди. Илгари ҳар қадамда Теддининг нигоҳи, босган изларини ҳис қилиб, ўғлининг энди йўқлигидан баттар қуюнарди. У Теддини қанчалик соғинса, Биллни ҳам шунчалик соғинганди.

Орадан беш йил ўтиб, обдан боғланиб қолганидан кейин Билл ташлаб кетганига сира тушуна олмасди. Биллдан бу қадар шафқатсизликни қутмаганди. У умрининг охиригача Биллни унута олмаслигини, энди ҳеч қачон севиб қолмаслигини яхши биларди. Бахтсизлигига Гордонни айбламас, чунки ундан яхшилик қутмай қўйганига анча бўлганди. Қаттиқ меҳр қўйгани, ишонгани Биллдан хафа эди. Энди умрининг охиригача юрагидаги шунча ғам билан яшашга мажбур.

Кўчиб ўтганига икки ҳафта бўлгач, биров тинчиган Изабель «Геральд трибюн»да Биллнинг суратини кўриб қолди. Мақолада Америкада ўтказиладиган сайлов ҳақида ёзилганди. Хабарда Биллнинг ҳам иштирок этиши ва яқинда унинг фалокатдан тирик қолгани, даволангани, энди эса қучга тўлиб яна сиёсатга қайтгани эслатиб ўтилганди. Албатта, унинг ҳозирги жисмоний ҳолати ҳақида газетада ҳеч нима ёзилмаганди. Лекин Изабель суратга тикилиб, унинг кўриниши яхши эканини сизди. Мақола Билл ўзининг аҳволидан Изабелни хабардор қилмоқчидек ёзилганди. Мақолани ўқиб бўлгач, Изабель йиғлаб юборди ва газетани улоқтирди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Изабель Биллни «CNN» каналидан кўрсатилаётган сенат йиғинида кўрди. У узун стол атрофида ўтирганча кўмитага бюджетдан ажратилган маблағ борасида нутқ сўзларди. Зерикарли ва тушунарсиз масалалар ҳақида гапирётган бўлса-да, Изабель худди гипноз қилингандек ундан кўз узолмай қолди. Аслида телевизорни Теддини ўйлаб сиқилаверганидан бироз чалғиш учун кўйганди. Шунда Билл бироз бошини буриб тўғри камерага қараб гапирга бошлади. У худди Изабель билан юзма-юз гаплашаётгандек эди.

– Аблах! – шивирлади Изабель ғазабдан титраб.

У Биллнинг Синди билан бахтли бўлишини истаса-да, лекин ич-ичидан куюнарди. Билл каттиқ озор етказганди унга. Изабель охирги суҳбатларини ҳар бир сўзини ёддан эсларди. Ҳар сўзи тошдек ботган юрагига. Бунақа муомалага, муносабатга лойик ҳеч иш қилмаганди у. Биллни жонидан ортик севар, бирга жуда бахтли эдилар.

Лекин... у ҳамон ўша оғрикларни унутолмаганди. Ҳозир эса қайтадан бошидан ўтказгандек бўлди. Шунда камера нарига сурилди ва у Биллнинг аравачасини кимдир суриб нарига олиб кетаётганини кўрди! Изабель ох тортганча жойида қотиб қолди. У кўзларига ишонмасди. Ахир у юриб кетганини қайта-қайта таъкидлаганди-ку! Ўзи эса ҳамон ногиронлар аравачасида... Нега? Нима максадда? Биллнинг кимларгадир қўл силкиб сахнадан узоклашаётганини кўриб турган Изабель унинг охирги гапларини эслади. Ҳали шифохонадалигидаёқ юра олмаса, унга ортикча юк бўлмаслигини қайта-қайта таъкидлаганди. Ўшанда Изабель буни тушқунликнинг оқибати деб ўйлаганди. Энди эса Биллнинг жиддий гапирганига гувоҳ бўлиб турибди. Изабель анчагача жойидан қимирламай ўтирди. У ҳақиқатни аниқлаш учун нима қилишни ўйларди. Ҳозирок Биллга кўнғирок қилиб, саволларга кўмиб ташлагиси келди. Лекин яна фикрдан қайтди. Агар у Изабелга ҳақиқатни айтишни хоҳлаганда, ёлғон гапирмаган бўларди.

Парижда соат кечки олти, Вашингтонда эса ҳозирча пешин. У миясига келган фикрдан қувониб, телефон орқали Биллнинг хизмат рақамини аниқлади. Нима дейишни аниқ билмаса-да, шошиб рақам терди. Унга Биллнинг ёрдачисини улаб беришди. Изабель ўзини жанубий шаҳарчадан болалар саводини ошириш кўмитасининг вакили деб таништирди. Билл бу мавзуга эътибор беришни яхши биларди.

– Мен сизни эшитаман! – иштиёқ билан гапирди ёрдамчи.

– Биз жаноб Робинсон ва у кишининг рафикасини декабрь ойида ўтказиладиган тадбиримизга таклиф этмоқчимиз. Балки Робинсон хоним бизнинг фахрий раисимиз бўлишга рози бўлар?

Орага сукунат чўкди.

– Жаноб Робинсон, албатта қатнашади, бунга шубҳам йўқ. Агар аниқ санасини айтсангиз, унинг кундалигига киритиб қўяман. Лекин... менимча, хо-

ним қатнаша олмаса керак... чунки, умуман олганда бориши ҳам мумкин-у... Тўғриси айтсам, улар ажрашишган. Балки тадбирга бирга боришга рози бўлар? Хоҳласангиз рақамини бераман. Лекин жаноб Робинсон албатта қатнашади. Фақат дастур ҳақида мақола ва ўтказиладиган санани менга жўнатсангиз бўлгани.

– Албатта, бугуноқ жўнатаман, – Изабелнинг қўли титради. Билл уни яна алдаганди. У хотини билан ажрашган... Изабелга ҳаммаси кундек равшан бўлди. Билл ҳаммасини Изабель учун қилган, унга даҳмаза бўлишни хоҳламаган... «Балки мени севмай қўйгандир» деган ҳаёлдан сесканиб кетди. Ҳозирча икки нарсани аниқлаб олди: У Синди билан ажрашган ва юра олмайди.

– Сизга катта раҳмат, – хўрсинди у.

– Санасини айтмадингиз...

– Йигирманчи декабрда.

– Исм-шарифингиз?

– Салли Жонс, – Изабель оғзига келган исмни айтиб юборди. Биллнинг нега бундай қилганини ҳамон тушуна олмасди. Бир лаҳзада ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Охири беш ой ичида илк бор ҳаётга бошқача нигоҳ билан қаради.

Ярим тунгача ҳаёлга берилиб ўтирган Изабель ниҳоят бир қарорга келди. Авиакомпанияга қўнғироқ қилиб чипта буюрди. Сайловга бор-йўғи тўрт кун қолган. Учрашиш учун ноқулай пайт бўлса-да, у бошқа кута олмасди.

Изабель Софига қўнғироқ қилиб бир неча кунга Вашингтонга кетаётганини айтди.

– Нега? – ҳайрон бўлди Софи. Лекин янгиликдан қувонди. Чунки ойиси охири пайтларда ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолганди. Шу сабаб каергадир отланганидан хурсанд бўлди.

– Эски дўстимни кўришга кетяпман, – тушунтирди Изабель.

– Мен уни танийманми? – ойисининг овозидаги ҳам хаяжон, ҳам кўркув уни хавотирга солаётганди.

– Танийсан. У Билл Робинсон. Бирга автоҳалокатга учрагандик.

Софи онасини тушунгандек жилмайди.

– Биз у билан танишмиз ойи. Сизни кўргани шифохонага борганимда менга жуда яхши муомала қилганди. Икки қизи ва соҳибжамол хотинини ҳам танийман. Ўшами?

– Худди ўзи.

– Сиз унга жуда ёқасиз, ойи... – соддалик билан қўшимча қилди Софи.

– У ҳам менга ёқади, – кулди Изабель. – Етиб борганимдан сўнг сенга қўнғироқ қиламан.

– Бемалол, шошилмай бориб келаверинг.

– Раҳмат.

Изабель тонг отгунча киприк кокмади. Эрталабдан аэропортга йўл олди. Йўл бўйи хаяжондан ўзига келолмасди. У Билл билан қандай учрашишни ва нималар дейишни тасаввур ҳам қила олмас, «Балки мени севмас», деган хаёл тинчлик бермасди. Лекин ичидан нимадир бари нотўғри эканини тасдиқлаб турарди. Билл нотўғри йўл тутган. У ўзини қурбон қилмаслиги керак эди. Чунки Изабель учун Биллнинг ногиронлиги ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Барибир севаверади. Уни топаман-у ўзига ҳамма гапни айтаман, деб қарор қилди Изабель. Лекин Биллни ўлгудек қайсар, гап уқмаслигини билгани учун сал чўчиди. Самолёт ерга қўнғач, Изабель худога нола қилиб, Билл унга кулоқ солишини ўтиниб сўради. Совуқдан, хаяжондан дир-дир титраб, таксига ўтирди ва хона буюртирган меҳмонхонасининг номини айтди. Энди Биллнинг қаердалигини аниклаш қолган эди.

XVIII ҚИСМ

Изабель меҳмонхонага жойлашгунча соат тўрт бўлди. У Биллни қаердалигини аниклаш учун шошилиш кераклигини ўйлади. Фақат қай йўл билан? Қўнғироқ қилсинми ёки тўғри офисига борсинми? Балки, Билл уни энди севмас?... Анчагача иккиланиб ўтиргач, у Биллнинг ишхонаси рақамини терди. Гўшакни котибаси кўтарди.

– Сизни соқчилар хизматидан безовта қиламиз, – деди у овозига жиддий тус беришга ҳаракат қилиб. – Жаноб Робинсонни соат нечада кутишимиз лозим?

– Эй, худойим-эй, мен қаердан билай, бугуннинг ўзида олти та тадбир бор, – жавоб берди қўнғироқлардан чарчаган котиба. – Қаердансиз?

– Биз ҳалиги... кечки овқатни ташкил қиламиз.

– Ҳа-а, унда... жин урсин, кечки овқатни бекор қилмоқчий-дик-ку! Йўқ! Тўғри... соат тўққизда боради. Сизлардан узр сўраймиз, лекин ундан олдинроқ боролмайди. Сизлардаги тадбир бугуннинг ҳисобидан тўртинчиси. У кўп қолмайди – вақти зиқ. Шунга қараб иш қилинглар. Айтгандек, у ногиронлар аравачасида, биласизми?

– Мени огохлантиришган, – жавоб берди Изабель.

– Сиз стол ёнидан битта стулни олиб қўйишингиз керак. У мустақил ҳаракат қилишни ёқтиради. Атрофида ҳадеб парвона бўлаверманг. Ҳа яна уни аравачада суратга тушириш тақиқланади... Эсингиздан чиқмасин. У сенатор Жонсон билан ён эшикдан кириб, ўша ердан чиқиб кетади.

– Яхши, – Изабель ҳамма топшириқларни қабул қилди-ю, лекин учрашув қаерда бўлишини билмасди. Қандай сўрашни билмай турганда котибанинг ўзи унга ёрдам берди.

– Сенатор Жонсоннинг ўз соқчилари бор. Улар худди ўтган галгидек Кеннеди номидаги марказда кутиб олишади.

– Худога шукур, демак, Кеннеди номидаги марказда, – шивирлади Изабель. – Жаноб қора галстукда бўладими?... Шунчаки тезроқ таниб олиш учун сўрадим...

– Йўк. Лекин бунинг аҳамияти бўлмаса керак, деб ўйлайман..

– Албатта.

Улар учрашувини икир-чикиригача аниқлаб, гаплашиб туришди. Изабельни булар қизиқтирмасди. Асосийси, Биллнинг бугун соат тўққизда Кеннеди номидаги марказда бўлишини билиб олди. Соат ўнга яқин эса бошқа тадбирга кетади. Уни тадбирга киришида ёки қайтишида учратиш мумкин. Изабель Билл билан учрашувни ҳар хил тасаввур қилиб кўрар, охири нима билан тугашини билмаса-да, бир ҳаракат қилиб кўришга қарор қилганди. Ниҳоят, у Биллни қайтаётганда қўлга туширишга қарор қилди. Яъни, ўнда. Ўнгача олти соат вақт бор. Кутганда вақт имиллаб ўтади.

Изабель навбатчига қўнғироқ қилиб, кечқурунга машина буюриб қўйди. Кейин эса ўтириб, Биллга нима дейишни ўйлай бошлади. Чунки у умуман кулоқ солмаслиги, ўғирлаб кетиб қолиши ҳам мумкин. Қайсарлиги сабаб Билл вақтида ўз билганидан қолмай ундан воз кечган эди. «Юра бошладим, хотиним билан ярашдим», деб уни алдаган. Беш ой давомида Изабель ўзидан ўтганини ўзи билади. Нега Билл бирдан алокани узгани, фикрини ўзгартиргани уни ўйлантирар, аммо саволларига жавоб тополмасди. Биллнинг ортиқча ташвиш бўлмаслик учун муносабатни узган бўлиши ҳақиқатга яқиндек туюла бошлаганди унга. Энди Изабелга баъзи тафсилотлар равшан бўла бошлади. Демак, шунинг учун Билл Парижга бормаган. Агар борганида, Изабель ҳамон аравачада эканлигидан хабардор бўлиб қоларди. Лекин у Биллга нотўғри иш қилаётганини қандай тушунтиришни билмасди. Бугун эса ихтиёрида бор-йўғи бир неча дақиқа бор, боз устига Биллнинг ёнида сенатор ҳам бўлади. Нима деб гап бошлашни билмай ўтирган Изабель уни кўрган заҳоти «сени севаман дейман», деб ўйлади. Лекин бу Билл учун янгилик эмас эди. Ҳатто, айрилаётганларида ҳам севишини биларди. У бошқа гаплардан беҳабар эди: Теддининг ўлими, Гордон билан ажрашгани... Қолаверса, уни ташлаб кетиб юргани қаттиқ жароҳатланганини билмасди. Асосийси эса, Изабель учун Биллнинг ногиронлигини умуман аҳамияти йўқлигини англамасди. Изабелнинг бу дунёда бирдан-бир тилаги уни ёнида бўлиш, умрини охиригача факат уни севиб яшаш эканлигини билмасди Билл.

Изабель фикридан қайтмоқчи ҳам бўлди. Чунки Билл ҳозир сайловларни деб қаттиқ чарчаган, гаплашадиган аҳволда эмас эди. Лекин, иккинчи томондан, у эртага бирор жойга кетиб қолиши ҳам мумкин... Изабель кутишдан чарчаганди. Шундок ҳам керагидан ортиқ кутишга тўғри келди. Етар энди... Изабелнинг иштаҳаси умуман йўқолди. Бир амаллаб вақтни кеч қилгач, у машинага ўтириб, Кеннеди номидаги марказга йўл олди. Яқин қолган сайин уни ваҳима боса бошлади. Етиб боргач Биллни кўздан қочирмаслик учун кириш эшиги ёнида туриб олди. Ҳавонинг

совуқлиги ва шамол билан ураётган қор кўзни очирмасди. Ваҳимадан қалт-қалт титраётган Изабель изғирин жон-жонидан ўтиб кетса-да, ичкарига кирмади. Соат ўндан ўн беш дақиқа ўтганда ҳам Билл кўринмасди. Балки бошқа эшикдан чиқиб кетгандир, деб хавотирлана бошлади Изабель. Ёки режалари ўзгариб кетдимикан? Соат ўн ярим бўлганда Изабель бутун умидидан айрилди. Билл билан сенатор аллақачон кетиб бўлишганига ишончи комил бўлса-да, ўн биргача кутишга қарор қилди. Ўн бирга яқин эшик олдида қандайдир ҳаракат бошланди. Аввалига эшикдан икки полициячи, кейин соқчилар, орқасидан басавлат киши кўринди. У шамолдан юзини тўсганча ўзини тўғри машинага урди. Бир дақиқа олдин бу машина йўқ эди. Қачон пайдо бўлиб қолганига Изабель хайрон бўлди. Бу кишини сенаторга ўхшатди. Лекин эшикдан бошқа ҳеч ким кўринмади. Унинг умидлари буткул сўнди...

Шунда оҳистагина чиқаётган аравача кўринди. Унда ўтирган одам бўйнига юзи аралаш қалин шарф ўраб олган, атрофи тўла одам эди. Изабель дарҳол таниди. Юраги дук-дук урганича Биллнинг нишаб йўлакдан аравачаси билан секин тушиб келишидан кўз узмай қараб турди. Кузатувчилар қордан қочиб, тезда ортга қайтишди. Ҳозир тақдири ҳал бўлишини сезган Изабель шошилиб пешвоз чиқиш учун югурди ва аравачанинг йўлини тўсиб туриб олди. Билл қордан бошини кўтармай «рухсат этинг», деди гулдираб.

– Сен менга ёлғон гапирибсан, – деди Изабель овози алам, гина, соғинч, кўркувдан титраб.

Бошини кўтарган Билл кутилмаган учрашувдан тили айланмай қолди.

– С-салом, Изабель! Бахтли тасодифни кара-я! – деди гулдираб.

– Тасодифнинг алоқаси йўқ бу ерда, – очикчасига хужумга ўтди Изабель. – Мен Париждан атайлаб сен билан учрашиш учун учиб келдим.

Билл нима дейишни билмай қолди. Кийими оппоқ қорга беланган Изабель худди маликалардек гўзал эди. Биллнинг юраги орзиқиб кутса-да, ўзини хотиржам кўрсатди.

– Кечирасан шошилиб турувдим. Машинада Синди кутиб қолди, – у тезроқ кетиш учун бошқа баҳона топа олмади. Изабелдан эмас, ўзидан қочмоқчи бўлди, гўё.

– У сени кутаётгани йўқ, – деди Изабель совуқдан қалтираб. – Аллақачон ажрашгансизлар Синди билан! Менга яна ёлғон гапирдинг.

– Тўғри... мен бироз ёлғон гапирдим, лекин бир ҳақиқат бор, уни инкор қилолмайсан – мен учун ҳаммаси тугагани бор гап.

У ўзини ҳар қанча тутишга уринмасин, кўзлари меҳрини сотиб қўйди.

– Нега ундай деяпсан? – Агар Билл, «сени бошқа севмайман», деса, индамай қайтиб кетишга тайёр эди Изабель. Нима бўлганида ҳам уни кўриши, бу гапни ўз оғзидан эшитиши лозим эди.

– Баъзан шунакаси ҳам бўлиб туради. Мени кўявер, Тедди калай? – сўради у гапни буриш учун.

– Теддининг ўлганига уч ой бўлди. Афсуски, сени у билан таништира олмасдим...

– Жуда афсусдаман, – ростдан ҳам ачинди у. Шундай пайтда Изабелнинг ёнида бўлолмаганидан каттиқ куюнди. – Ўзинг яхшимисан?

Билл Изабелни бағрига босгиси келдию, лекин ўзини тутди. У, ҳатто аёлни кўзларига қарашга кўрқарди. Чунки Изабель ёлғон гапирётганини билиб бўлган. Билл, энди йўлларимиз айро тушди, қайта учрашмаймиз, деб айтишга аниқ ишониб турганди...

– Унчалик эмас, лекин вақт даво, секин-секин кўнарман. Ҳозирча эса ўғлимнинг йўқлиги жудаям билинапти. Қаттиқ соғиндим уни, сени ҳам.. Ўзинг калайсан? – унинг «мени соғиндингми, қилган ишларингдан нахотки пушаймон бўлмасанг?» деб сўрагиси келди.

– Яхши. Ҳар қачондан ҳам яхши. Ишларим кўп, сайловга ҳам уч кун қолди. У соатига қаради, кейинги учрашувига бир соат кечикканди. – Мен ростдан ҳам шошяпман, – деди узр сўраб.

Бу учрашув унга қандай таъсир қилгани юз-кўзидан сезилмасди.

– Мен сени ҳамон севаман, Билл, шошиб хаяжонланиб гапирди Изабель. Ракс тушолмасак ҳам, юра олмасанг ҳам майли, ўзи мен тузукрок раксга туша олмайман. Менга бунинг аҳамияти йўқ.

Билл ғамгин жилмайиб унинг кўлидан тутди.

– Сен ростдан ҳам бу ерга мени кўргани келдингми?

Изабель сўзсиз бош ирғади. Кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

– Сени «Си эн эн» каналидан кўрдим ва нега мени алдаганингни тушундим. Бир нарсани билиб қўй: сенинг ногиронлигинг мен учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

– Биламан, – мулойимлик билан гапирди Билл. – Буни ҳар доим билганман. Лекин бу ўзим учун муҳим. Сени бахтсиз қилишни истамайман. Қаттиқ севганим боис бундай тақдирни раво кўролмайман сенга. Ҳатто Гордондан ажрасанг ҳам... Айтганча, у сени хафа қилмаяптими?

Бу саволдан Изабель жилмайди.

– Тедди вафот этгач, сенинг маслаҳатингга амал қилиб захирамдаги бор қуролимни унга қарши ишлатдим. Натижада эса у мени кўчага улоқтирди. Энди Софи билан ижарада яшаяпмиз.

Унинг ҳаётида кўп нарса ўзгарганди. Лекин Биллнинг қарори ўзгармади. Демак, Изабель озод экан, ҳаётини ўзига муносиб киши билан қайта қуриши лозим, деб ўйлади Билл.

– Ростданми? – деб қўйди у.

– Шошаётганингни кўриб турибман, – деди у юзидаги қор учкунларини артиб. – «Тўрт фасл» отелида тўхтаганман. Хохласанг қўнғироқ қил.

Билл бош чайқади:

– Сенга кўнғирок қилолмайман, Изабель. Беш ой олдин тўғри қарор қабул қилганмиз. Энди ортга йўл йўқ.

– Фикрингга кўшилмайман. Мендан воз кечсанг ҳам барибир сени севавераман...

– Вақти келиб мени унутасан, – ишонтирди уни Билл. Изабель унга йўл берди. – Ўзингни эҳтиёт қил, – деди Билл ниҳоят кўзига тик қараб ва машинага чиқди.

Сенатордан узр сўраб, дўстини учратиб қолганини айтди. Шундан сўнг у йўл бўйи оғиз очмади. Ҳамроҳлари ҳам тушунгандек ҳалақит беришмади. Шу билан Билл ярим тунда уйига қайтди. Изабелга кўнғирок қилмади. Туни билан Изабелни ўйлаб қийналиб чиқди. Теддининг ўлими унга қаттиқ зарба бўлганини биларди. Лекин Гордоннинг зуғумидан қутилганига қувонди. Кўз ўнгида қор учқунлари остида турган чиройли, ғамгин Изабель сира кетмасди.

Изабель меҳмонхонага қайтганида ҳануз қор ёғарди. У ҳаммаси тугаганини, Билл энди ҳеч қачон кўнғирок қилмаслигини биларди. Кўзлари ҳамон севишини айтиб турса-да, қайсарлиги йўл бермасди. Изабель кўнишдан бошқа иложи йўқлигини тушунди. «Қувончли кунлар кўпга чўзилмайди. Ҳаёт йўқотишлардан иборат, бошқа чора йўқ», деб ўйлади у. Йиғлай-йиғлай ухлаб қолган Изабель тушида Биллни кўрди... Телефоннинг қаттиқ жарангидан чўчиб уйғониб соатига қаради: тонгги тўрт!

– Бемаҳал кўнғирок қилганим учун узр. Ухлаётганмидинг? – секингина сўради таниш кадрдон овоз.

– Ҳозиргина кўзим илинибди. Қаердасан?

Билл дарҳол жавоб бермади.

– Пастда. Меҳмонхонанинг қатта залида. Мен ҳам сенга ўхшаб девонаман, шекилли. Сени қайта кўра олмаيمان, деб кўрқдим. Чунки эртага Нью-Йоркка кетишим керак. Шунинг учун ўйладимки... Сен шунча йўл босиб келибсан, демак, гаплашиб олишимиз керак.

Сухбат жуда бемаврид пайтда бўлаётгани иккаласининг ҳам хаёлига келмасди.

– Келганингдан хурсандман. Чиқасанми?

Беш дақиқадан сўнг эшик кўнғироғи жириглади ва хонага ногиронлар аравачасида Билл кириб келди.

– Беговта қилганим учун узр, лекин ухлай олмадим. Мени кўргани шунча йўл босиб келганингни ўзи аҳмоқлик... – бу гапни у ранжиб эмас, ҳаяжонланиб айтди.

Изабелнинг келиши у зўр бериб ўзидан бекитишга уринган туйғуларини уйғотган эди.

– Теддини эшитиб жуда хафа бўлдим. Нима бўлди ўзи?

Изабель ўғлининг охириги кунларини гапириб берди. Билл унинг қўлидан ўпди.

– Шўрликкинам, – деди меҳрибонлик билан.

– Кимлардир балки Тедди учун шуниси маъкул, дейиши мумкин... Лекин мен уни каттиқ яхши кўрадим, ҳозир ҳам соғиняпман. Тедди йўқ, Софи ўқишга кетди, мен эса бутунлай ёлғизланиб қолдим.

– Кўникишинг учун вақт керак, кўп нарса ўзгарибди ҳаётингда. Нима дейишга ҳам ҳайронман, энди учрашмасак керак, деб ўйлагандим... Ҳаётингни барбод қилишга ҳаққим йўқ менинг. Ёнингда сени бахтли қила оладиган одам бўлиши лозим. Мен эса бир ногирон, норасоман...

– Ким сени норасосан деди? – Унинг кўзларига тикилди Изабель.

– Бунди иккаламиз ҳам биламиз, – Билл куёвидан фарқли равишда шу аҳволида уйланишни хоҳламасди. У Еленанинг гапларига қўшилса-да, куёвини ҳам, Еленани ҳам ёшлигига бориб, енгил фикрлашади, деб ҳисобларди. «Балки муҳаббат фақат ёшларга ярашар», деб ўйлади у. Ҳозир эса фақат Изабель билан очиқчасига гаплашиб, хайрлашиш учун келган. Бунди ўз бурчи деб билар, чунки унга жуда ёмон муносабатда бўлганди.

– Сен билан шунчаки хайрлашмоқчийдим, ўзини оклади Билл. Аслида ўшанда сени Лондонга чақирмасам бўларкан. Ҳаммасига мен айбдорман, виждон азобида қийналяпман энди.

– Сен менга ҳақиқий муҳаббатни бахш этдинг, Билл – кўзига ёш олди Изабель. Бунинг учун кечирим сўрашнинг кераги йўқ.

– Афсуски, сенга бундан ортик нарса беролмайман... – Биллнинг томоғига бир нима тикилди. Жуда афсусдаман... – қайтарди у.

Шунда Изабель энгашиб Биллни секингина ўлди. Билл эса беихтиёр унинг қўлларидан тутиб тиззасига ўтказди ва бағрига босди. Кейин эса бир пайтлардагидек уларни ҳам яқинлаштирган, ҳам ўлимга рўбарў қилган эхтиросли муҳаббат билан бўса олди. Билл бир дам ўз муаммоларини унутгандек бўлди, танасига ширин титроқ таралди. Изабель бир сўз демай, унинг диванга ётишига ёрдамлашди. Билл охириги дақиқаларда иккилангандек бўлдию, лекин кучли истак, эхтирос устунлик қилди. Асосийси, у ҳеч кимни Изабелни севганчалик севмаслигини тушунди.

Изабелнинг меҳрли муҳаббати ундаги кўркувни енгиб ўтишга мажбур қилди...

Энди Билл ногиронлигига қарамай ўзини тўлақонли эркакдек ҳис этарди. Изабель анчагача унинг кўксига бошини қўйиб ётди. Уларга сўз ортикча, узок қутилган бахтдан масрур қалблари оромда эди... Қийиниб ванахонадан чиққан Биллнинг ковоғи осилганди. Изабель унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Бу ерга келиб аҳмоқлик қилдим, – деди жиддий оҳангда. Унга кўркув ва айбдорлик ҳислари қайтганди. – Бундай қилмаслигим керак эди.

У Изабелда ёлғон умидлар уйғотишдан кўркарди. Энди вазият яна жиддийлашиши мумкин. Билл ўзини соғлом пайтдагидек ҳис этаётган бўлса-да, юрагини кўркув тарк этмасди.

– Тушундим, – бош чайкади Изабель. – Иккаламиз ҳам кап-катта одамлармиз, колаверса, бошимиз очик. Сен ҳам, мен ҳам ажрашганмиз. Ёш боламиз йўк. Муаммо яратишнинг нима кераги бор. Ҳаёт шундок ҳам зиддиятларга тўла, баттар кийинлаштирмайлик. Ношукрлик ҳам эви билан-да. Лондонда ҳалокаатда ўлиб кетишимиз ҳам мумкин эди, ахир! Лекин тирик қолдик, кел энди тақдир тухфа қилган бахтдан юз ўгирмайлик.

– Янглишяпсан, Изабель, – кескин жавоб қайтарди Билл. – Ногирон, мажруҳ одам билан яшаш тақдир тухфаси эмас.

– Мен эса севган одаминг билан яшаш Аллоҳ томонидан берилган бахт деб ҳисоблайман! – Бўш келмади Изабель ҳам. – Шунча кўрган азобларининг ҳузури ҳам бўлиши керакку, деб ҳисобларди.

– Йўк, Изабель! – Қатъий гапирди Билл. – Мен бунга йўл қўя олмайман. Ҳозир бўлиб ўтган иш эса... масъулиятсизлигимдан...

– Бу масъулиятсизлик эмас, одабийлик. Ўз бахтингни ўзинг йўққа чиқарсанг, эрта бир кун пушаймон бўлмайсанми? – У зўрма зўраки жилмайди. Баттар чигаллаштиришнинг нима кераги бор? Ахир бир-биримизни севамикку! Шунинг ўзи етарли эмасми?

– Баъзида етарли бўлмайди! – эътироз билдирди у. – Сен қайси йўлдан бораётганингни билмаяпсан, Изабель.

– Йўк, биладан! Мен ўн беш йил давомида оғир касал бўлган ўғлимга қараганман, лекин сира ўкинмаганман, уни ҳозиргача яхши кўраман. Сен эса касал эмассан, шунчаки юра олмайсан, холос. Нима бўпти? Агар... Агар сен тўлақонли эркакдек бўлмаганингда ҳам мен барибир сени севишдан тўхтамасдим. Мен учун ёнимда бўлганинг кифоя.

– Етар, бас, мен бу ерга хайрлашгани келдимми, демак, хайрлашишимиз керак.

– Нотўғри йўл тутяпсан. Сени кўйиб юбормайман.

– Бундай қилолмайсан. Биз бошқа кўришмаймиз.

– Хўш, кейинчи? Қайсарлигинг туфайли умримизнинг охиригача ёлғизликка ва пушаймонга маҳкум этмоқчимисан? Нега? Кимни енгмоқчисан? Ўзимизни жазолашимиз худога хуш ёқади, дейсанми? Балки ҳаётимиз силлиқ кечмас, лекин бу дунёда камчиликсиз ишнинг ўзи борми? Ҳозир ҳаммаси яхшику, бузишнинг нима кераги бор? Биз шундок ҳам кўп ғам чекдик... Худо хайрингни берсин, бу фикрингдан қайт... – у кўз ёшларини тиёлмади.

– Афсус... – сўзида туриб олди Билл ва пешонасидан ўпиб эшикка йўл олди, лекин остонага етганида чидай олмай ортига ўгирилди.

– Нега бундай қилдинг? – йиғлаб юборди Изабель. – Мақсадинг нима? Иккаламизни ҳам кийнашдан муддаонг нима ўзи? Мухаббатимиз кучлилигини исботлаб, уни яна тортиб олишдан нима маъно? Сен айтгандек нотўғри иш қилаётган бўлсак, нега унда бирга бахтлимиз?

– Балки сени унчалик яхши кўрмасман? – ғамгин деди Билл. – Ёки кейинчалик сен мени ҳозиргидек севмай кўярсан?

– Кераги йўк бу гапларни, Билл. Мен сени севаман!

Билл бош чайкади.

– Мен сен ўйлагандек бўлмайман, – у Изабелни кучгиси, овутгиси келдию, лекин ўзини тутди.

– Менга ким кераклигини ўзим ҳал қилишимга имкон бер. Мен учун қарор қилишга ҳақкинг йўк.

– Ҳаққим бор! – шундай дея у эшикни қарсиллатиб ёпганча хонадан чиқиб кетди.

Изабель ҳўнграганча ўзини ёстикка отди.

ХІХ ҚИСМ

Изабель Вашингтонда тўрт кун қолиб кетди. Сенатор сайловда ғолиб чиқди. Бунда албатта, Биллнинг хизмати катта эди. Изабель уни янгиликларда кўрди. Билл бир чеккада ғамгин, ҳеч нимага алоқаси йўк кишидек ўтирарди. У Изабелга бошқа кўнғироқ қилмади. Изабель ҳам ғамдан юраги адо бўлса-да, қайтаришга уринмади. Энди кўнишдан бошқа иложи йўк. Ҳар ким ўз билганидан қолмади. Изабель бирга бахтли бўлардик деса, Билл ортиқча ташвиш бўлишни истамади. Нима бўлганда ҳам Изабель шундай муҳаббати бўлганидан бахтли, фахрланарди ундан. Шунинг учун Биллни ўз холига кўйишга қарор қилди. Қандай хоҳласа, шундай яшасин энди.

Сешанба кун сайловлар ўтгач, Изабель Софига кўнғироқ қилди ва қайтаётганидан хабардор этди.

– Дўстингиз билан учрашдингизми? – сўради у.

– Ҳа, – секингина жавоб берди Изабель. – Аҳволи яхши.

– Юриб кетибдими?

– Йўк.

– Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Шифохонада ахволи аянчли эди.

– Эртага кечкурун уйда бўламан, кизим. Бўпти, кўришгунча.

– Дам олиш кун кўнғироқ қиламан, ойи. Пойтахтда яхши дам олдингизми? – Софи ойисининг ҳорғинлигини ўзича тушунди.

– Унчаликмас, лекин пушаймон эмасман.

Нима бўлганда ҳам муносабатларига ойдинлик киритиб олишди, ахир! Бундан ташқари, Изабель бекор ўтирмай бир нечта музей ва кўргазмаларни бориб кўрди. Чунки яна Луврга ишга қайтмоқчи. Қолаверса, Биллни унутиш учун ўзини ишга уриши керак. Балки бир кун келиб унутарман уни, деб ўйлади.

Чоршанба кун эса буюмларини йиғиштира бошлади. Соат бирдаги рейсга улгуриши керак. У энди эшикни ёпаётганда хонасида телефон жи-

ринглади. Етиб боргунча эса ўчди. Вестибюлга тушгач, меҳмонхона ходимдан кўнғирок қилдингизми деб сўради. У кўнғирок қилганини билгач, кўнгли чўкди. Изабель Билл қилдимикан деб ўйлаганди. Оппок қор билан қопланган Вашингтон кўчалари чиройли эди. Аэропортдан рўйхатдан ўтгач, йўлда ўқиш учун бирор нима харид қиларман деб дўконга кирди. Қалби тош босгандек огир... Ниҳоят шубхалар тугади. Ҳаммасини хотиржамлик билан қабул қилганига ўзи ҳам хайрон эди. Хаёлидан Билл ҳақидаги ўйларни ҳайдаб, дўкондан китоб ва журналлар сотиб олди. Энди кетмоқчи бўлганида ортидан кадрдон овоз эшитилди.

– Биласанми, сен ҳақиқий девонасан! Шунакалигингни аввалдан билардим.

Изабель алаҳляпманми деб бир дақиқа кўзларини юмди. Чунки бўлиши мумкин эмас! У секин ортига ўгирилди ва қаршисида турган Биллга кўзи тушди.

– Барибир сен эсингни егансан, – шивирлаб давом этди Билл.

– Мени кузатиб юрибсанми ёки бирор жойга отландингми? – сўради Изабель юраги дукуллаб. Бу мўъжизами ёки тасодифлигини билолмай хайрон эди.

– Меҳмонхонага кўнғирок қилувдим, кетиб қолибсан?

– Қизик, ўша сенмидинг? – хотиржам гапиришга уринди Изабель ва қўлининг титроғини сездирмаслик учун журналларни гижимлади. – Меҳмонхона ходими мен кўнғирок қилдим, дедику.

– Мен ундан кейин қилган бўлсам керак... Биласанми, бўлган ишлардан умуман пушаймон эмасман, – икковлон йўлнинг ўртасида туриб қолишган. одамларга халакит беришар, ҳамма уларни айланиб ўтарди. – Лекин сен барибир ортиқроқ бахтга муносибсан.

– Бу гапингни кўп эшитганман, – гапини бўлди Изабель. – Афсус, сендан бошқаси билан бахтли бўлолмайман. Теддини йўқотдим, энди йўкотадиган ҳеч нима қолмади. Факат қизим бор. Муҳаббатдан қочиб бўлармиди, лекин нима ҳам дердим. Сен шунга ҳаракат қиляпсан, Изабель энди Биллни фикридан қайтаришга уринмас, чунки у қайсарлигини, ҳатто муҳаббатга ҳам бош эгмаслигини маълум қилганди.

– Мен шунчаки ўзингга муносиб одам билан яшашингни хоҳлагандим...

– Мен эса севган одамин билан яшашни, унга бир умр ғамхўрлик қилишни, ҳаётимнинг охиригача ҳурматини йўқотмай яшашни хоҳлагандим. Севганимнинг юра олмаслиги ҳеч нимани ўзгартирмайди, бир умр ўтирса ҳам майли. – Изабель бу гапларни Билл танлаб берган тақдирига кўнган оҳангда хотиржам гапирди. У курашишдан чарчаган эди.

– Нега бунча ишонч билан гапирапсан, Изабель?

– Агар шу аравачада сенинг ўрнингда мен ўтирганимда мени севарминг? – Кўзларига жиддий тикилиб сўради у.

Билл анчагача жавоб бермади, кейин оғир хўрсиниб:

– Ҳа, – деди.

– Нега унда мени бошқача деб ўйлайсан?

Билл жавоб бермади. Индамай унинг кўлидан тутиб, секин тиззасига ўтказди. Кейин кўзларига узоқ тикилди ва лабларига лабини босиб қаттиқ бўса олди.

– Буни нима деб тушунай? – Энтикиб сўради Изабель. «Салом» дейми ёки «хайр»?

– Танлаш навбати сеники. Ўзинг ҳал қил. – «Елена барибир ҳақ экан», – ўйлади Билл жилмайиб. – У Изабель учун танлашга сизнинг ҳақкингиз йўқ, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига қўйиб беринг», – деганди.

– Унда салом! – Қувончдан ял-ял ёниб шивирлади Изабель ва Биллнинг бағрига бошини қўйди.



Холид Хусайний



Шамол оршидан югуриб...

I

Декабрь, 2001 йил.

Бундан 26 йил муқаддам киш кунлари юз берган ўша машъум ҳодиса мени тамоман бошқа одамга айлантирди. Баъзан ўтмишни эсларканман, ичимни аламли изтироб тилкалай бошлайди.


Бу йил ёз кунларининг бирида Покистондан эски кадрдоним, отамнинг дўсти Раҳимхон қўнғироқ қилиб, тез етиб боришим лозимлигини айтди. Ошхонада турганча унинг таҳликали овозини тингларканман, бу шунчаки таклиф эмаслигини англадим. Сухбатни тугатиб, сайрга отландим. Сан-Францисконинг сокин хиёбонларини кезарканман, беихтиёр ҳаёл мени олис болалик дамларига етаклади. Мусаффо осмонда сузаётган варраклар ҳам худди ўша болалик пайтимда дўстим Ҳасан билан учирган варракларга жуда-жуда ўхшаб кетарди. Бобо, Али, Ҳасан ва Кобул кўчалари...

II

Ҳасан билан болаликдан дўст эдик. У билан кўпинча уйимиз олдида ўсган тераклар шоҳига мингашиб олиб, чўнтагимиздаги ёнғок ва тутмайизларни еб ўтирардик, қўлимиздаги ойна парчаси билан деворларга қуёш нурини йўналтирардик.

Шунда хизматкоримиз, Ҳасаннинг отаси Али бизни кўриб қолса, беозоргина қойиб, пастга туширарди.

Менинг отамни Бобо деб чақирарди (Мен ҳам шундай деб атай қолай!). Бизнинг уйимизни Кобул шимолидаги бадавлат кишилар яшайдиган туман – Вазир Акбархондаги энг ҳашаматли қаср деса ҳам бўларди. Ҳовлимизда сара гуллар кулф уриб очилиб ётар, хоналарда энг қиммат гиламлар



тўшалган эди. Менинг ва отамнинг хонаси уйнинг иккинчи қаватида ёнма-ён жойлашган эди. Отамнинг хонасига кўпинча унинг танишлари меҳмон бўлиб келар, алламаҳалгача ўтириб, турли мавзуларда суҳбатлашишарди. Одатда бундай пайтлар биз – болаларни бу хонага киритишмасди.

Биринчи қаватдаги меҳмонхонада бобомнинг кирол Нодиршоҳ билан тушган расми, ота-онамнинг тўй куни тушган суврати, уларнинг ёнида эса мен, отам ва Раҳимхон акс этган яна бир сураат осилганди.

Боғимизнинг бир четида эса, ота-бола хизматкор – Али ва Ҳасаннинг кулбаси мунгайибгина турарди. Кун бўйи Ҳасан билан бирга ўйнасак-да, кеч тушиши билан у ўз кулбаси томон, мен эса, ўзимнинг ётоғимга йўл олардик.

Ҳасанларнинг уйида ранги унниккан палос, иккита эски тўшак ва девордаги гиламчадан бошқа кўзга кўринадиган бирор нарса йўк эди.

Менинг таваллудимдан бир йил ўтиб, шу кулбада 1964 йилнинг киш чилласида Санобар Ҳасанни дунёга келтирганди. Менинг онам кўп қон йўқотиш натижасида оламдан ўтган. Ҳасан эса, бир ҳафталик чақалоклигида онасидан айрилган. Йўқ, Санобар ўлмаган, аммо ундан баттарроқ бўлган: саёқ масҳара-бозлар тўдасига қўшилиб, қочиб кетганди.

Ҳасан онасини умуман эсламасди. Кунларнинг бирида Ҳасан билан уйимиз яқинидаги кинотеатрга тушмокчи бўлдик. Энг яқин йўл казарма ҳудудидан ўтарди. Отам бу йўлдан юришимизга рухсат бермасди. Аммо у ўшанда дўсти Раҳимхон билан Покистонга кетганди.

Биз девордан сакраб ўтдик. Казарманинг ботқок ҳудудида эски танклар панасида аскар ва зобитлар карта ўйнаб ўтиришарди. Улардан бири бизни, тўғрироғи Ҳасанни кўриб қолди ва бизга эшиттириб шеригига тўнгиллади:

– Анави хазорий болани кўряпсанми? Мен унинг онасини танирдим. У билан жуда яқин эдик. Бир куни анави ариқнинг лабида у билан маишат ҳам қилганман.

Шериклари қаҳ-қаҳ урганча кулиб юборишди.

Кинозалда сеанс бошланган, Ҳасан эса, хик-хик йиғлаб ўтирарди. Мен унинг елкасидан кучиб овутган бўлдим.

– Ҳасан, у сени кимгадир ўхшатди. У бошқа аёлни айтди. Менга ишона-вер...

Ҳасаннинг онаси ҳақидаги узунқулоқ гапларни мен ҳам кўп маротаба эшитганман. Фақат кўпчилик покдомон, Қуръонни ёддан биладиган Али нима учун ўзидан 19 ёш кичкина, бунинг устига енгилтак ва ахлоксиз аёлга уйланганига тушунолмасди.

Улар аслида амакиваччалар бўлиб, оталарининг кистови билан турмуш қуришган, хазорийлардан эди ва шиа мазҳабига эътикод қилишарди. Санобарнинг мовий кўзлари, қирмизи ёноклари ҳар қандай эркакнинг хаёлини ўғирларди. Ҳар қалай шунақа деб эшитганман.

Алининг эса, бир оёғи болаликдан оксар, юзлари фалаж натижасида худди хайкалникидек котиб қолган, хурсандлиги ё хафалигини факатгина кўзларидан пайқаш мумкин эди. Шунинг учун болалар кўпинча уни орқасидан «Бабалу» (алвасти) деб эрмак қилишарди.

Ота-боланинг юзлари барча ҳазорийларга хос япалоқ, бурунлари пачок эди.

Мен мансуб бўлган пуштун қавми ҳазорийларни азалдан ёқтирмас, уларга паст назар билан қараб келар, «пачокбурун», «сичконхўр», «хаммол эшак» сингари тахкиромуз сўз ва иборалар билан чакирарди.

Санобар гарчи эри билан бир уруғга мансуб бўлса-да, Алини кўрарга кўзи йўқ эди. Унга эшиттириб, «ер ютсин сени, сендан кўра қари эшакка тек-каним яхши эди», деб қарғаб юраркан. Али эса, ҳеч қачон, ҳатто ўзига озор етказганларга ҳам қаттиқ гапирмаган.

Санобар эри ва битта доянинг қарамоғида ўз гўдагини осонликча дунёга келтирган, худди отаси сингари Ҳасан ҳам она қорнидан беозор бўлиб туғилган, ҳамма гўдак йиғлаб туғилса, унинг юзида табассум порлаб турган экан. Шунда ҳам Санобар эрига қарата:

– Мана сенинг ўзингга ўхшаган аҳмоқ бола! – дея иддао қилган, чақалоғини ҳатто кўлига ҳам олмаган, – ол, энди у ҳам сенинг устингдан қулиб юрсин!

Шу тариқа орадан бир ҳафта ўтиб, аёл зим-ғойиб бўлган.

Бобо (яъни отам) Ҳасанга аввал мени эмизган бир ҳазорий аёлни энага қилиб ёллаган. Биз Ҳасан билан эмақдош ака-ука бўлган эканмиз. Биз Ҳасан билан бир онани эмганмиз, бир ўтлоққа бирга кадам қўйганмиз. Мен биринчи бўлиб «бобо» деган сўзни айтдим, у эса «Амир», яъни менинг отимни айтиб тили чиққан...

Энди, орадан 26 йил аввалги мозийга назар солиб, шу илк сўзлар бизнинг тақдиримизни ҳам белгилаганига амин бўламан.

III

Айтишларича, отам Белужистонда Ҳимолай айиғини ўз қўллари билан бўғиб ўлдирган экан. Бу ростми, ёлғонми билмадим, лекин Бобо чиндан ҳам баланд бўйли, алпкомат, пахлавон, чўрткесар одам эди.

Шу боис дўсти Раҳимхон уни Тўфон оға деб атарди. Баъзан у билан бир хонада ётсам, шунақа қаттиқ хуррак отардики, қулоғим битиб қолай дерди. Билмадим. Онам бечора қандай чидади экан бу хурракка?

Отам 60-йилларнинг охирида етимлар учун бино қуриб берди. Бинонинг лойиҳасини эса Раҳимхон қизиб берган дейишади. Унинг очилиши катта маросимга айланиб кетганди.

Отам кўпинча бўш пайтларида мен билан Ҳасанни Қобул ташқарисидаги Қарға қўли соҳилига саёҳатга олиб борарди. Нимагадир бунақа пайтларда

Ҳасаннинг биз билан боришига ғайирлигим келарди. «Ҳасан ичбуруғ бўп қопти, у боролмайди», дея бахона қилардим. Бечора Ҳасан ҳам индамай бош ирғаб менинг гапимни маъқулларди.

Отам ҳар кимга ҳам ишонавермасди. Раҳимхон унинг энг яқин дўсти ва ҳамкори эди. Улар гилам экспорти бўйича ширкат тузишган, биргаликда очган дорихона ва ресторанлари ҳам бор эди. Раҳимхон нимагадир ҳалигача уйланмаган эди.

Отам онамни ёктириб уйланган эди. Онамнинг исми София Акрамий бўлиб, у Кобулнинг энг гўзал кизларидан бири экан, университетда талабаларга форс мумтоз адабиётидан сабоқ бераркан. Онамдан менга бой кутубхона мерос бўлиб қолганди.

Бобо диний чеклашларга ҳам истехзо билан қарар, ичиш, чекишдан қайтмасди. Мен мактабда муаллимларимдан эшитган маърузаларни эслатиб, ичиш ва чекиш худога хуш келмаслигини айтсам, отам мийиғида кулиб, «э болам, худонинг мендан бошқа ишиям кўп», деб кўя қоларди.

– Дунёда битта оғир гуноҳ бор, – дерди отам. – бу ўғирлик. У барча гуноҳларнинг отасидир. Қотил ҳаётингни ўғирлайди. Аёллардан эрини, болалардан отасини тортиб олади. Ёлғон бошқаларнинг ишончини ўғирлайди. Қаллоб адолатни ўғирлайди. Тушуняпсанми? Ҳаммасининг замирида ўғирлик ётади.

Отамни тушунардим. У беш ёшга тўлганида, бобомнинг уйига ўғри тушган ва уни бўғизлаб кетган. Тез орада ўғрини тутишган ва бомдод намози-га икки соат қолганда уни қайрағоч шохига осиб ўлдиришган. Шунинг учун отам ўғриларни ҳаммадан баттар ёмон кўраркан. Буни менга Раҳимхон айтиб берганди.

Мен ҳар доим отамнинг менга нисбатан аллақандай совукқонлигини сезардим. Балки, мен уни севимли хотинидан жудо қилганим учун унча ёқтирмас?

Мен болалигимдан адабиётга қизиқардим. Мактабдаги баҳрибайт мусобақаларида кўпинча ғолиб чиқиб, хурсандчилигимни отам билан баҳам кўрмоқчи бўлардим, Бобо эса, лоқайдгина қўл силтаб кўя қоларди.

Гарчи онамдан жуда кўп китоб қолган бўлса-да, топган пулимни китоб сотиб олишга сарфлардим.

Сезардим, отам менинг шеър ихлосманди бўлишимни эмас, балки мард, жасур, кучли йигит бўлишимни истарди. 1970 йилда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатини уйдан силжимай, ҳамма ишни четга суриб томоша қилганди. Отам менда ҳам футболга қизиқиш уйғотишга уриниб кўрди. Қайсидир жамоага бориб ёздириб келди. Майдонда чилчўпдек оёқларим билан югурарканман, тўпга етолмас, ўйин тугаши билан шаталок отганча уйга чопардим.

Шунда отам мендан футболчи чикмаслигини англаб етдими, тинч қўйди. Кунларнинг бирида отам мени кўпкари мусобақасига олиб борди.

Лекин бир чавандоз отдан йикилиб, отларнинг оёғи остида пийпаланиб кетганида, кўрққанимдан йиғлаб юборганман.

Ўшанда йўлма-йўл хикиллаб келдим. Отам машинасини ҳайдаб бораркан, ўзича норозилик билан сўкинарди.

Шу кунни кечки пайт ётоғимга кирарканман, отамнинг Раҳимхон билан қилаётган мунозараси қулоғимга чалинди:

– Нима кипти, тўрт мучаси соғ, ҳавас қилса арзигулик ўғил!

– Лекин, китобга ўралашиб, кизмижоз бўлиб катта бўлаётганидан хавотирдаман. Мен бунақамасдим. Ерга урса, осмонга сапчирдим.

– Ҳа, энди бола-да!

– Биласанми, баъзан кўчада болалар билан ўйнашини кузатиб ўтираман. Болалар уни мазах қилишади, турткилашади. Кўлидаги ўйинчоқларини тортиб олишади. У эса, индамай ўтираверади.

– Сал мулойимроқ йигит бўлса нима кипти?

– Йўк, унда йигитларга хос нимадир етишмайди. Кеча деразадан кузатиб турсам, болалар уни урмокчи бўлишди. Ҳасан келиб, ҳаммасини ҳайдаворди. Уйга келгач, «унинг юзига нима қилди?» деб сўрасам, «йикилиб тушди» дейди. Қара-я! Биласанми, хотиним уни кўз ўнгимда туғмаганида, бу бола менинг пушти камаримдан бўлганига умуман ишонмасдим. Ҳасан бошқача! Унга ҳавас қилса арзийди.

Эртаси кунни нонушта пайти Ҳасан мендан нима учун хафарок эканимни сўради. Мен эса, ўзимни босолмай ўшқирдим:

– Ўчир овозингни!

IV

Зохиршоҳ тахтга ўтирган, отам туғилган 1933 йилда Кобулда икки бой-вачча маст ҳолатда машинасини ўкдек учуриб кетаётиб, эр-хотин ҳазорийни уриб кетади. Улар ҳалок бўлишади. Беш яшар боласи етим қолади.

Бобом судья бўлган. Айбдорларнинг икковини ҳам Қандаҳорга мажбурий ҳарбий хизматга жўнаттиради. Улар кибор хонадондан бўлгани, жабрдийдалар эса, бечора ҳазорийлардан бўлгани учун бундан қаттиқроқ жазо беролмасди.

Марҳумларнинг етим қолган боласини уйга олиб келади. Шу тариқа Бобо Али билан бирга катта бўлишади. Худди мен билан Ҳасанга ўхшаб.

Али Бобога ҳаддан ортик содиқ бўлса-да, уни отам бирор марта дўстим деб атамаган. Мен ҳам негадир Ҳасанни ўзимга дўст деб билмасдим. Уни ўзимдан пастроқ кўрардим.

Бирок, болалигимдан Ҳасандан бошқа яқинроқ кишим йўк эди. Киш келди дегунча варрак учуришдан бўшамасдик. Унинг киртишланган боши, шалпанг қулоқлари, қилтирик гавдаси, касаллик туфайли очилиб қолган лаб-

ларидаги доимий табассум мен учун бутун Афғонистоннинг тимсоли бўлиб туюлади.

Дарслар бошланиши билан мен эринчоклашиб борардим. Мен эрталаб аранг кўз очган пайтимда, Ҳасан отаси билан намоз ўқиб, мен учун нонушта ҳам тайёрлаб қўйган бўларди. Нонуштадан сўнг отам мени «форд-мустанг» машинасига ўтказиб мактабга олиб борарди. Ҳасан эса, отаси билан уй ишларига шўнғиб кетарди.

Мактабдан қайтишим билан уйимиз ортидаги тепаликка чиқиб, Ҳасан билан китобхонлик қилардик. Тепаликнинг бир четида эски қабристон бўлиб, унинг дарвозаси олдида бир туп анор ўсарди. Унинг танасига бир пайтлар пакким билан «Амир ва Ҳасан – Кобулнинг ҳукмдорлари» дея ўйиб ёзиб қўйгандим. Тўғри, Ҳасан қўплаб ҳазорийлар сингари саводсиз эди. Лекин мен китоб ўқиб берсам, у кулоқ қокмай эшитар, бироқ айрим китобий сўзларнинг маъносини тушунмас, баъзан шундай оддий саволлар берардики, кулгидан ўзимни аранг тутиб қолардим.

– Амир оға, телба дегани нима?

– Бу халиги ақлли, одобли, тиришқоқ, билимли деган маънони беради.

– Ҳа, шунаками?

– Истасанг, мен сени телба деб чакираман. Бўладими?

– Эй, қўйсанг-чи, одамни уялтирма!

«Шоҳнома» ҳар иккимизнинг энг севимли китобимиз эди. Айниқса, Ҳасан Рустам ва Сухроб киссасини қайта-қайта эшитишни истарди.

Эсимда, кунларнинг бирида мен ўзимнинг илк ҳикоямни ёздим. Атиги ярим соатда. У бир камбағал одам ҳақида эди. У фақир яшаса-да, жуда қувноқ одам эди. Камдан-кам кўз ёш тўқарди. Кунларнинг бирида унинг қўлига сеҳрли қадах тушиб қолади. Агар унинг ичига кўз ёши томса қимматбаҳо дур-жавохирларга айланарди. Қадахнинг хусусиятини англаган халиги одам энди фақат йиғлашга сабаб кидира бошлайди. Ҳикоя шундай манзара билан тугайди. Халиги одам кўз ёш тўкиб ўтирибди. Қадахдан эса, дур-гавхарлар тошиб чиқмоқда. Қўлида қонли пичоқ, оёғи остида эса, хотинининг чавақланган мурдаси...

Мен ҳикояни тугатиб бўлишим билан отамнинг хужрасига югурдим. У Раҳимхон билан бирга тамаки чекиб ўтирарди. Отамга ҳикоя ёзганимни айтиб, икки варақни унга тутқаздим. Отам кулиб қоғозларга бир қур кўз ташлади ва қайтариб берди.

– Яхши қилибсан!

Нимадир бўғзимга қадалди. Чиқиб кетмоқчи эдим, Раҳимхон қўлғизамни олиб қолди. Хонамга кириб, тўйгунча йиғладим. Томиримни кесиб, унда оқаётган отамнинг қонини вужудимдан сиқиб чиқаргим келди. Бир пайт қарасам, кимдир елкамни оҳиста туртпти. Қарасам, Раҳимхон:

– Табриклайман, – деди пешонамдан ўпиб. – Зўр чикибди. Бўшашма! Сендан умидим катта!

Рахимхоннинг бу илиқ сўзларидан эриб кетаёздим. Эртаси куни хикоямни Ҳасанга ҳам ўкиб бердим.

– Ўзинг ёздингми? – Ҳасаннинг корачикларида хайрат ва қувонч балкиди.

Мен камтаринлик билан бош ирғадим.

– Мошоолло, Амир оға! Қойил!

– Сенга ростдан ҳам ёқдимми?

– Ёқди, Амир оға! Сен хали катта ёзувчи бўласан! Сенинг асарларингни бутун дунё севиб ўқийди. Фақат, битта нарсани сўрасам майлими?

– Сўрайвер!

– Бояги одам нимага хотинини ўлдирди? Кўзидан ёш чиқиши учунми?

Мен бош ирғадим.

– Унда одам ўлиши шарт эмас-ку! Ҳалиги одам пиёз тўғрасаям бўларди-ку!

Мени чакмок чакқандек бўлди. Нега шу фикр менинг миямга келмади. Демак, ёзганларим бир пулга қиммат экан-да! Ҳа, Ҳасан менинг биринчи танқидчим ва адабиётдаги биринчи устозим бўлди.

– Биласанми, – энди гап бошлаганимда нимадир гумбурлаб кетди. Шу сониядан менинг Ватаним тамомила ўзгарган эди.

V

Ер ларзага келганди. Автоматларнинг тариллаши эшитилди. Биз меҳмонхонадан югуриб чиқдик. Али оқсоқланганча бизни вестибюлда қарши олди.

– Дада, нима бўляпти? – сўради Ҳасан отасининг пинжига тикилиб. Али иккимизни ҳам бағрига босди.

Кўчаларда тартибсиз отишмалар бошланганди.

– Кўркманглар, болаларим, ўрдак овлашяпти, – бизни тинчлантирди Али.

Кўчаларда одамларнинг бақир-чақири яққол эшитилиб турарди. Улар тунги либосларда кўчаларга югуриб чиқишган, уларнинг мудроқ юзларида саросима аксланарди.

Биз бир-биримизнинг пинжимизга тикилганча тонг оттирдик. Кўп ўтмай отишмалар ҳам тинди. Бундай нотинчлик биз учун янгилик эди. У пайтлар афгон болалари отишма, кўркув, таҳлика нималигини билишмасди.

Отам тунда Рахимхон билан чикиб кетган экан. Эрталаб ховлида унинг машинаси кўринди. Қарасам, отамнинг ранг-қути ўчган, бир аҳволда. Мен уни бу қиёфада ҳечам кўрмагандим.

Тунда ҳеч қандай ўрдак ови бўлмаганини кейинроқ билдик. 1973 йилнинг 17 июль куни Зоҳиршоҳнинг Италияга сафарга кетганидан фойдаланган амакиваччаси Довудхон давлат тўнтаришини амалга оширган, мамлакатда монархия йўқ қилинган эди.

...Эртаси куни Ҳасан билан чўнтақларимизни ёнгок ва тутмайизга тўлдириб, севимли тепалигимизга йўл олдик. Орқа кўчадан югуриб борарканмиз, дафъатан Ҳасаннинг елкасига чақалоқнинг муштидек тош келиб тегди. Орқамга қарадим, биз томонга келаётган Асеф ва унинг икки ошнаси Вали ҳамда Камолни кўриб, дамим ичимга тушди. Асеф отамнинг яқин дўсти, фуқаро авиацияси учувчиси Маҳмуднинг ўғли эди. Улар биздан бир маҳалла нарида, баланд деворларидан пальма шохлари кўриниб турадиган ҳашаматли уйда турарди. Қўлидан ялтирок кастет (юпка металлдан ясалган муштлашув қуроли) тушмайдиган бу бола Вазирободда отнинг қашқасидай танилган эди. Немис онадан туғилган, мовийкўз, малласоч бу бола баланд бўйи, ўта бераҳмлиги билан ажралиб турарди. Унинг гапига кирмаган бола борки, кастетнинг зарбидан бенасиб қолмасди.

Асеф қандайдир бир болани то ҳушидан кетгунча кастет билан дўппослаганини ўзим кўрганман. Уни орқаваротдан «гушхўр» (қулоқхўр) деб ҳам чақиришарди. Варрақлар мусобақасида бир бола Асефни мағлуб этгани учун унинг қулогини тишлаб узиб олганди. Алини «Бабалу, ғилай эшак, япалоқбурун» деб ҳақораг қилиб қочадиган болаларнинг энг ашаддийси ҳам Асеф эди.

Мана, у қўлини чўнтагига тикиб, биз тарафга одимлаб келяпти.

– Салом, такалар! – бу унинг энг юмшоқ мурожаати эди. Учови ҳам бизга яқинлашди.

Одатда Бободан кўркқани учун Асеф менга унча тегинмасди. У тўғри келиб, Ҳасаннинг тумшугидан тутиб ўзига қаратди:

– Эй, япалоқбурун Бабалу яхши юрибдими?

Ҳасан индамади. Фақат бир қадам тисарилди.

– Янгиликни эшитдингларми, болалар, – сўради Асеф тишларини ғижирлатиб. – Энди шох йўқ. Яшасин Довудхон! Айтганча, у отамнинг таниши.

– Мениям... – дедим ўзим нима дейганимнинг фаркига бормай. «Мениям», Асеф лунжини кийшайтириб, мени масҳара қилди. Шериклари унга қўшилиб хохолади. Эҳ, қанийди, Бобо ёнимда бўлганида эди.

– Агар Довудхон бизникига кеп қолса, мен у билан юзма-юз, эркакчасига гаплашаман, – қариллади Асеф. – Гитлердай бўлиш керак! Ундан ўрناق олинг, дейман!

Ундан нафратланиб кетдим. Гитлердек қонхўрни мактаб турган одамдан яна нимани кутиш мумкин?

Асефнинг мовий кўзлари Ҳасанда тўхтади:

– Афғонистон – пуштунлар юрти. Манави пачокбурунлар эса, мамлакатимизга умуман ярашмайди. Буларни йўқотиш керак дейман Довудхонга!

«Довудхон аҳмоқ экан-да, сен мишиқи билан пачакилашиб ўтирса!»

– Мен Довудхонга «иркит ҳазорийларни йўқотишга шохнинг журъати етмаганди, сиз бунга қодирсиз» дейман!

– Бизнинг йўлимизни тўсма, – дедим овозим титраб. – Биз сенга тегмаймиз.

– Ростданми? – Асеф яна мазаммат қилди ва чўнтагидан ҳаммада дахшат уйғотувчи ўша машъум, яркирок кастетини чиқарди. – Жа тегасанда! Айникса, манави ҳазорий билан ёнма-ён юришинг ёмонам ғашимга тегеди. Сен бу билан қандай қилиб ўйнайсан? Шу бола сенинг дўстинг бўлдимми?

– У менинг дўстим эмас, хизматкорим!

Наҳотки мен шу гапни айтдим? Ахир Ҳасан менга дўстан ҳам, укадан ҳам якин эди-ку! Фақат отамнинг дўстлари уйга болалари билан келганда Ҳасанни ўйинга қўшмас, ҳеч ким йўғидагина у билан ўйнардим.

Асеф кастетини бармоғида айлантирди:

– Агар ҳазорийларнинг бошини силайдиган сен ва сенинг отангдек ахмоқлар бўлмаганида, биз бу сичконхўрлардан аллақачон кутулган бўлардик. Буларни ота-боболарининг майити чириб ётган Ҳазоражот тупроғига ҳайдавориш керак. Сен, Амир, Афғонистонга иснод келтиряпсан.

Мен кўрка-писа унга қарадим. Унинг нияти жиддий эди. Мана, муштини дўлайтирди. Ҳозир қаншаримни ёрса керак.

Ҳасан зудлик билан эгилиб ердан нимадир олди. Вали ва Камоллар ҳам дафъатан ортга тисарилишди. Ҳасан доим ўзи билан олиб юрадиган рогаткасига ёнғоқдек тош жойлаб, Асефнинг пешонасини мўлжалга олиб турарди.

– Бизни тинч қўй, оға, – деди Ҳасан майин оҳангда. У ҳатто ҳозир ҳам Асефга ҳурмат билан мурожаат қилаётганди.

– Рогаткани ташла, ҳароми ҳазорий! Кўрмайпсанми, биз уч кишимиз! Сенлар эса, иккита!

– Лекин, орамизда фақат бир кишида рогатка бор! Яхшиси, туёғингни шикиллат! Бўлмаса, энди одамлар сени «Асеф қулоқхўр» эмас, «Асеф биркўз» деб чакирадиган бўлишади. Тош ўнг кўзингни косасидан чиқаради...

Ҳамма жим эди. Асеф эса, тошга эмас, Ҳасаннинг кўзларига қараб турарди. Ниҳоят мушт бўлиб тугилган қўлини ёзиб юборди:

– Ўв, ҳазорий, мен сабрли одамман. Бугунги воқеанинг давоми ҳам бўлади. Сен эса, Амир, бугунги воқеани эсингдан чиқарма! Сенинг манави итваччанг жуда катта хато қилди.

Кейин улар ғойиб бўлди. Ҳасан титроқ қўллари билан рогаткасини липасига қистирди.

...Тўнтаришдан кейин ҳам Кобулда деярли ўзгариш бўлмади. Ҳаёт ўз оқимида давом этарди. 1974 йилнинг кишида ховлида Али билан қордан уйча ясаб ўтирардик. Шу пайт отам Ҳасанни чакириб қолди. Ўша куни Ҳасаннинг тугилган куни экани эсимдан чиқай дебди. Отам ҳар йили Ҳасаннинг ҳамда менинг тугилган кунимизда бизга бирор совға беради.

Бу гал Ҳасан учун қандай совға ҳозирлагани кейинроқ маълум бўлди.

Бобонинг ёнида саватдек салла ўраган ҳинд дўхтир ўтирарди. У пластик операциялар жарроҳи экан. Отам Ҳасаннинг тугилганидан бери

кўтарилиб турадиган юқори лабини операция қилиш учун Дехлидан жаррох чақирибди.

Пластик жаррохлик нима эканини ҳали билмасдик. Доктор Кумар инсон юзидаги нуксонларни операция йўли билан даволаркан. Бу Ҳасан учун чиндан-да кутилмаган совға эди.

Операция муваффақиятли ўтди. Кишга бориб, унинг ўрни ҳам билинмай кетди. Лабидаги нуксон сабаб унинг кийёфаси ҳар доим кулиб турарди. Операциядан сўнг бирор маротаба унинг лабида табассум кўрмадим...

...Киш. Ҳовлимиз, томларимиз, отамнинг машинаси, ҳамма-ҳаммаси корнинг оппоқ кўрпаси остида қолди.

Кобуллик болалар кишни интиклик билан кутарди. Кишда уч ойлик таътил бериларди-да! Яна киш афғон болалари учун варрак учирish мавсуми саналади. Варрак ерга тушиши билан унинг ортидан чопардик. Биринчи бўлиб ким етиб келса, варрак ўшаники бўларди.

Отам ҳам варракбозликка қизиқарди. Бу эса, бизни бирмунча яқинлаштиради. Ҳар йили кишда Кобулда туманлар бўйича варраклар мусобақаси ўтказиларди.

Биз Ҳасан билан ухламай варрак ясаб чиқардик.

Варрак беллашувлари эрта тонгда бошланар ва осмонда биттаям варрак қолмагунча давом этарди. Сўнгги варрак эгаси ғолиб саналарди. Болалар томларда, тепаликларда туриб, ўз яқинларини олқишлаб туришарди. Мусобаканинг асосий шартлари ўз варрагинини тўғри тарафга йўналтириш, керак пайтда ипни тортиб туриш ва ракиб варрагининг ипини қирқишдан иборат эди. Ҳар бир иштирокчининг қуролбардори бўлар, у ипга боғланган махсус тиканли сим билан ракиб варракларнинг ипини қирқиш билан шуғулланарди. Ҳасан менинг ана шундай қуролбардорим эди.

Ракиб варраги қирқилганидан кейин у албатта қаергадир бориб қўнади. Агар варрак ортидан югуриб, ким биринчи уни қўлга киритса, варрак ўшанда қолади. Шамол эса, варракни истаган тарафга учириб кетарди. Болаларнинг ҳаммаси ҳам унинг қўнадиган жойини аниқ билолмас, бу борада ҳеч ким Ҳасаннинг олдига тушолмасди. У ҳар қандай варрак тушадиган жойни олдиндан билар ва варракдан аввалроқ бориб турарди. Варрак осмонда айлана-айлана Ҳасаннинг кучоғига келиб тушар, варрак ортидан тиллари осилиб чопган болаларнинг хафсаласи пир бўлиб қолаверарди.

1975 йилнинг киш ойлари. Шунда Ҳасан сўнгги бор варрак қувган. Ўшанда мусобақа Вазир Акбархон, Карте-Чор, Карте-Парван, Микрорайон ва Коте Санги туманлари ўртасида ўтказилганди.

Мусобақадан бир кун аввал кечкурун Али билан Ҳасан ўз кулбасига кириб кетганди. Отам билан ўтириб, чой ичдик, овқатландик.

– Менимча, эртага сен ғалаба қозонасан, нима дейсан?

Жим қолдим. Отамнинг овозида аллақандай ишонч ва умид бор эди. Бунақа оҳангда олдин ҳечам гапирмаган эди. Шунинг учунми, юрагимнинг туб-тубида қандай бўлмасин ғолиб бўлиш, эртанинг ўзида сўнгги варракни уйга олиб келиш истаги туғилди. Отам ҳамиша ҳар ишда ғолиб бўлиб келган, ўғли ҳам шундай бўлишини истарди. Демак, мен ютиб чиқаман.

Эртаси куни эрталаб кўчалар одамга тўлиб кетди. Томларнинг усти ҳам томошабинлар билан тўлганди. Ҳасан иккимиз варрагимиз билан ўзимизга ажратилган майдонни эгалладик. Бу ердан уйимизнинг томи ва унда бизга умидвор кўз тикиб турган Бобо ҳам яққол кўриниб турарди.

– Ҳасан, бугун энг сўнгги рақиб варрагини отамнинг олдига олиб боришим керак!

– Иншоолоо, Амир оға, сен бугун албатта ғолиб бўласан!

Мана, мусобақа бошланди. Осмон кўк, кизил, сариқ варракларга тўлиб кетганди. Куч билан варрагимни ҳаволатаман. Варрак мусобақасида икки нарсани эсдан чиқармаслик керак. Биринчи – ўз варрагининг химоя қил. Иккинчидан, рақиблар варрагини уриб тушириш пайида бўл.

Мана, варраклар сафи ҳам қисқара бошлади. Махсус чангаклар рақиб варракларини уриб туширишда асқотади. Имкон борича варрагинг томонга отилаётган чангакларга чап бериш лозим. Ҳасан бу борада менга энг яқин маслаҳатчи, кўмакчи. Қайси варракни уриб тушириш ва қандай чап беришни ҳам у менга айтиб турди.

Осмонда иккитагина варрак қолди. Меники ва яна битта кўк варрак. Демак, ғолибликка атиги бир кадам. Мана, чангак тўғри нишонга тегса бўлди, марра меники.

– Амир оға, кес, кес варракни! – Мана чангак отилди, ипи қирқилган рақиб варраги қафасдан чиққан қушдек шамол қанотида озод парвоз қила кетди.

Чор-атрофни кичкириқ тутди. Ана, отам менга мамнун қўл силкимокда. Туғилганимдан бери отамни қойил қолдирадиган иш қилмагандим.

– Амир оға, сен ютдинг! – Бу мени бағрига босиб турган Ҳасаннинг дўстона табриги.

«Йўқ, мен эмас, биз ютдик!» – бу менинг айтишим лозим бўлган, аммо айтмаган гап. Ҳа, агар Амир бўлмаганида мен ғолиб бўлолмасдим.

Ҳали мутлак ғалабага бироз бор эди. Бунинг учун ўлжа – рақиб варрагини қўлга киритишим лозим эди. Қоида бўйича «ўлжа»ни илиб қайтиш қуролбардорнинг иши.

– Амир оға, мен варракни топиб келаман.

– Албатта, – дедим мен ғолибона табассум билан. – Варраксиз қайтма!

У олдинга елиб кетди. Ипи йиғиб олинган варрагимга мамнун бокдим. Ҳамма мени табриқларди. Ўзимда йўқ шод эдим. Уйга учиб бордим. Эшик олдида мени Али қарши олди. Унинг факат кўзлари қулиб турарди.

– Сенинг ғалабангни Яратгандан сўраб турдим, ўғлим!

– Раҳмат Али амаки, – дедим миннатдорлик ила. Варрагимни унинг кўлига тутқазиб, яна кўчага отилдим. То ўлжамни кўрмагунимча, кўнглим жойига тушмасди.

Вазир Акбархоннинг тор кўчаларида Ҳасанни узок изладим. Негадир унинг кораси кўринмасди. Том устида ғалабамга гувоҳ бўлганлар мени кизгин табриклардилар.

– Табриклайман Амир, сен ғолиб бўпсан, – деди орқа кўчада турадиган, акаси билан тўп тепаётган Умар.

– Раҳмат, мабодо, Ҳасанни кўрмадингми?

– Ҳазорий малайингними? Боя бир кўргандек бўлувдим. Бозор томонга қараб чолиб кетди жинниларга ўхшаб.

Бозор тарафга югурдим. Шом азони эшитилди. Кеч тушиб борарди. Бозор ҳам таркалаётганди. Ҳасандан эса, дарак йўқ.

Кекса пистафурушнинг яқинига бориб, ундан Ҳасанни сўрадим.

Чол пешонасини тириштириб, ўйланиб қолди:

– Ҳа, анави ҳазорий кулваччани айтяпсанми? Боя кўк варракни қўлтиқлаб анув ёкка ўтиб кетди.

– Ростданми? – севинчим ичимга сигмасди.

– Ҳа, орқасидан икки-учта бола қувиб кетди. Менимча, етиб олиб роса уришса керак! – деди чол бепарволик билан писталарини қопга жойларкан.

Ракета тезлигида жойимдан кўзгалдим.

Демак, чол адашмаган. Кўлида кўк варракни ҳам кўрибди-ку! Менга энг муҳими кўк варрак эди. Қоронғи тушиб боряпти. Ҳасанни топа қолсам эди. Бу аҳволда уйга қандай қайтаман?

Шу пайт қулоғимга аллақандай овозлар кела бошлади. Бозордан чиқаверишда торгина йўлак бор эди. Йўлакдан ўтарканман, овозлар аниқ-тиник эшитила бошлади. Йўлакнинг икки четида қатор сарвлар саф тортган, айни пайт улар қор юки остида майишиб туришарди.

Ҳасан йўлакнинг бошида, муштарини қисганча, таҳдидли қиёфада қаққайиб турар, кўк варрак унинг орқасидаги деворга суяб қўйилганди. Мана, Бобонинг қалб эшигининг калити.

Ҳасаннинг олдини уч нафар бола тўсиб турарди. Менга орқа ўгирилиб турган бўлса-да, уларни овозидан танидим. Булар тунов куни Ҳасан рогатка билан кўркитган Асеф ва унинг шотирлари Вали ҳамда Камол эдилар.

Юрагимни ваҳм босиб, ўзимни дарахтлар панасига олдим.

Асефнинг кўлида ўша ялтироқ кастет айланарди.

– Рогатканг қани ҳазора? – сўради Асеф қувлик билан. – Ўшанда нима девдинг? «Сени биркўз Асефга айлантираман» дебмидинг?

Мен нафас олишга ҳам кўрқардим, оёғим ерга михланиб қолганди.

– Омадинг бор экан, ҳазора! – давом этди Асеф. – Бугун кайфиятим зўр, Сени кечирсамми деб турибман, нима дейсизлар, жўралар?

«Жўралар» ялтокланиб, илжайишди:

– Қанчалар олийжаноблик!!!

– Бахшида, – деди Асеф тиржайиб. – Кечираман. Аммо, илтифотга яраша жавоб бўлиши лозим. Сендан кўп нарса сўрамайман. Варракни бер-да, кета-вер, йўлинг очик! Мен ҳалол нарх кўйдим, тўғрими йигитлар?

– Она сутидек ҳалол, – яна «пахта» кўйишди йигитлар.

Ҳасаннинг кўзларига тикилдим. У бош чайқади.

– О, содикликни қаранг! Итдай содиксан-а ҳазора!

– Ит – ҳазора! Қанчалик гўзал ўхшатиш. – Камол яна ялтокланди.

– Аммо, ўйлаб кўр! Сен хожанг учун жонингдан ҳам кечишга тайёрсан! У-чи? Сени назарига илармикан? Билиб қўй, унинг учун сен уйда бокиладиган бир кучукваччасан! Зериккан пайтидагина сен билан ўйнашади. Сен аҳмоқ бўлса, ўз кадрингни бил ва варракни бер буёкка!

– Амир оға менинг дўстим! – деди дадиллик билан Ҳасан.

– Сенга сўнгги имконият, ҳазора, берасанми йўкми? – Асеф титраб кетди.

– Йўк! – Ҳасаннинг овози уникидан ҳам жарангли эди. Шунда Асеф нима-нидир имо қилди. Болалар унга яқинроқ боришди.

– Унда ўзингдан кўр, ҳароми, – у шундай дея курткасини тош уюми устига ташлади. – Майли, ҳозир шундай бир иш қиламанки, варрак бир умр ана шу ишдан сенга эсдалик бўлиб қолади.

Асефнинг ишораси билан шериклари Ҳасанни чалиб йикитишди. Мен кўзларимни чирт юмиб олдим. Мушт бўлиб тугилган қўлларимни тишладим.

Торкўчанинг гўрида бир уюм чиқинди – тош ва темир парчалари, эски газета-журналлар қалашиб ётарди. Менинг кўзим эса, фақат деворга суяб қўйилган кўк варракка қадалган. Унинг ёнида, гишт парчалари устида Ҳасаннинг духоба шалвори ётарди..

– Отам, бунақа иш гуноҳ... деб айтганди, – Валининг журъатсиз овозини аранг эшитдим.

– Ишинг бўлмасин, сенлар типирчиламаслиги учун қўл-оёғидан маҳкам ушлаб турсанглар бўлди.

Шериклари итоаткорона бош эгишди.

Кўз олдимда рўй бераётган қабоҳат қаршисида тамоман ўзимни йўқотиб қўйгандим. Ҳали-хануз кўз олдимдан Ҳасаннинг оғрик ва норо-зиликдан тиришган юзи, кулоғим остида Асефнинг хансираган товуши кетмайди.

Қўлимда қандайдир иликликни ҳис этдим. Муштимни тишлаб қонатиб юборибман. Кўзимдан ёш қуйилиб борарди. Нимадир қилишим керак. Ҳасанни бу ҳайвонларнинг чангалидан қутқаришим керак.

Балки қочарман?

Мана, кочиб боряпман. Бошқа иложим йўқ. Асеф мени ҳам тутиб олганида нима бўларди? Ўшанда дўстимни жирканч кимсалардан куткаришни эмас, фақат ўз жонимни асрашни ўйлардим. Тамом.

Отамнинг меҳрини қозониш мен учун кимматга тушди.

Торкўчадан аранг чикиб олдим. Бозорда ҳеч зоғ кўринмас, атроф тун зулматига бурканганди. Катта кўчага чикиб олгач, дуч келган дарвоза олдидаги майдончада ҳолсиз чўккалаб қолдим.

Кўп ўтмай, шовкин ва кадам товушларидан ҳушимни йиғдим. Дарвозага ёпишдим, хайрият ичкаридан қулфланмаган экан. Ўзимни панага олдим. Мана, Асеф икки шериги билан югуриб ўтиб кетди.

Яна ўн дакикалар ўтиб, кўчага чиқдим. Ҳозир мен кочиб келган тарафга қарайдим. Рўпарамдан... оқсоқланганча Ҳасан келарди. Кийимлари лойга ботган, ёқавайрон... Кўлида эса, ўша лаънати кўк варрак.

– Қаерларда юрувдинг? – овозимга атайин дағал тус бердим. – Сени боятдан бери қидириб юрибман!

У енгил билан кўз ёшлари ва мишиғини артди. Бечора, нима ҳам дея оларди?

Қоронғида юзларимизни аранг кўриб турардик. Шунисиям яхши эди. Ахир мен унинг юзига қандай қарай олардим? У боя мени кўрдимикин? Ҳасан нимадир демокчи бўлар, аммо гапиролмасди. Мен ҳам бошқа савол бермадим.

– Менимча... оға-соҳиб роса хурсанд бўладилар, – деди ниҳоят аранг чайналиб (у Бобони шундай чақирарди).

Мана, уйга етиб келдик. Бобо хужрасида Раҳимхон билан чой ичиб, радиотинглаб ўтирарди.

Отам мени кўриши билан ўрнидан турди ва бағрига босди. Мен эса, унинг кенг кўкрагига бошимни яширганча йиғлаб юбордим.

VI

Ҳасанни бир ҳафта кўролмадим. Ҳар куни эрталаб турсам, нонуштам дастурхонда тайёр, кийимлар дазмолланган туради. Одатда Ҳасан кийимларимни менинг олдимда, ўз тилидаги эски кўшиқларни хиргойи қилганча дазмолларди. Энди эса...

Кунларнинг бирида Али бир кучоқ ўтин кўтариб кирди. Ундан Ҳасанни сўрадим.

– Ишларини битириб, ётишга кириб кетди, – деди у печкага ўтин қаларкан.

– У бугун мен билан ўйнамасмикин?

Али қаддини ростлаб менга қаради:

– Билмадим, ўша, варраклар мусобақасидан ҳаммаёғи қонга беланиб кайтганди. Кийимлари ҳам бир ахволда эди. Сўрасам, шунчаки, болалар билан варрак талашиб уришдим, деганди.

Мен бошимни эгтанча тухум арчиш билан машғул эдим.

– Билмадим, мен биров билан урушганиниям кўрганим йўқ, – дея тўнгилладим.

Отам бизни жума куни Жалолободга олиб бормокчи эди. Кечки пайт отамнинг ёнига кириб, шу ҳақда сўрадим. У кўзойнагини бурнига қўндирганча газета ўқиб ўтирарди. Менга қараб жилмайди.

– Албатта, борамиз ўғлим. Ҳасан ҳам биз билан боради.

Бирдан ковоғим солинди.

– Унинг мазаси йўқ, боролмаса керак, – дея минғирлаб бурнимни тортдим. – Али айтди, мазаси йўқ экан, бир-икки кун ётиши керак экан.

– Нега кўринмай қолди, десам, гап буёқда экан-да, – бош чайқади Бобо.

Хуллас, икки микроавтобусни тўлғизиб, Жалолободга борадиган бўлдик. Бобонинг узок қариндоши Ҳумоюн амакининг Жалолободда ҳовлиси бор эди.

У ҳам икки хотини, болалари, хиротлик қариндошларини эргаштириб борадиган бўлди. Учта микроавтобус тўлди. Бобо, Раҳимхон ва мен битта машинада кетдик. Йўл-йўлакай гап менинг варрак мусобақасида эришган ғалабам устида борди.

Айниқса, отам юзлаб ракиблар орасидан ютиб чикканимни гурур билан гапириб борарди. Ҳамроҳлар мени самимий табриклашди. Фақат Раҳимхон жим борарди.

Машина ойнасидан ташқаридаги қир-адирларга маъносиз бокиб борарканман, бошим айланиб, кўзим тинаётганини, кўнглим ағдарилиб бораётганини ҳис этдим.

Ҳумоюн амакининг ҳашаматли, икки қаватли ҳовлиси бор экан. Ҳовлининг ўртасида мрамар ҳовуз. Ҳумоюн амаки меҳмонлар шарафига яхшигина зиёфат берди. Дастурхон турли ноз-неъматларга тўлиб-тошди. Дастурхон бошида ҳам мен ҳакимда илик фикрлар билдирилди. Менинг эса, томоғимдан ҳеч нарса ўтмасди. Худди игнанинг устида ўтиргандек эдим.

Ниҳоят ҳамма ухлагани кетди. Мен, Бобо, Ҳумоюн амаки ва Раҳимхон бир хонада тунадик. Мендан бошқа ҳамма тарракдек қотганди.

– Мен Ҳасаннинг қандай расвойи радди қилганини кўрдим! – оғзимдан бу гап қандай чикиб кетганини билмайман. Отам ҳамон қотиб ётар, хона хуррак овозидан зир титрарди.

Мени ҳеч ким эшитмаганига амин эдим. Ахир бу дахшатли сирни мен қандай ўзимга сиғдира оламан?

Минг лаънат, бу дардни кимга ҳам айта оламан?

Кўзимни юмишим билан ўша машъум кун, гишт тўдаси устида турган Ҳасаннинг духоба иштони кўз олдимга келаверади. Шу кундан бошлаб уйкусизлик менинг доимий ҳамроҳимга айланди.

Кейинги ҳафтанинг ўрталарига қадар Ҳасан билан бир оғиз ҳам гаплашмадик. Бир куни у идиш-товокларни юваркан, мен дастурхон бошида кавшаниб ўтирардим. Дафъатан «тепаликка чикмаймизми» деб сўраб қолди. Мен бироз ўйланиб рози бўлдим.

Мана, тепаликдамиз. Ҳеч нарса ўзгармаган. Анор бағридаги битик ҳам ўша: «Ҳасан ва Амир – Кобулнинг ҳукмдорлари!» Ҳасан «Шоҳнома»дан бирор нима ўкиб беришимни сўради. Мен эса, бунга хоҳиш билдирмадим. Тезроқ уйга қайтгим келаётганини айтдим...

1975 йилнинг қишидаги бу воқеа ҳаётимдаги энг изтиробли саҳифа бўлиб қолди.

Отам билан муносабатларимиз анча яхшиланган эди. У билан энди соатлаб турли мавзуларда баҳслашиб ўтирардик, ҳатто унга янги ҳикояларимни ҳам ўкиб берар, отам жимгина эшитарди. Қаранг, биргина қоғоз варрак бизни шунча яқинлаштирдими?

Кунлар бир маромда ўтиб борарди. Ҳасан эса, ўзини худди орамизда ҳеч нарса бўлмагандек тутарди.

Хонада китоб ўкиб ўтирганимда, Ҳасан кириб келди.

– Нима дейсан? – дедим китобдан бош кўтармай.

– Юр, ташкарида ўйнайлик!

– Бор, ўйнайвер, – дедим тўнглик билан.

– Амир оға, мен сенга нима қилдимки, мендан бунчалик безгансан? – сўради Ҳасан ўкинчли овозда. – Айт, бирор айбим бўлса, тўғирлайман.

Бошимни тиззаларим орасига қисдим.

– Мени тинч қўй, – дедим кўзларимни чирт юмганча. – Мендан узокрок юр, қорангни кўрмай!

О, қанийди менинг бу кўрселигимга жавобан бирор оғиз гап қайтарса... Балки юрагимни икки ҳафтадан бери ғижимлаётган оғрик сал бўлса-да, босилармиди? Ҳасан индамай чикди-кетди.

Каравотга юзимни босиб, ҳўнграб юбордим. Чин, мен энди Ҳасандан узокрок бўлишни, йўлларимиз ҳеч қачон бирлашмаслигини истардим. Агар у менинг ёнимда бўлса, негадир ҳаво сийраклашиб бўғилиб кетаётгандек бўлардим. Ҳасан умуман ёнимда бўлмаганида ҳам атрофдаги ҳар бир жиҳоз, ҳар қандай манзара уни эсга солаверарди. Қаёққа юз бурмай, унинг масъум қиёфаси, чексиз ва манфур садокатига дуч келардим.

Баҳор келиб, мактабда машғулотлар бошланган бўлса-да, мен аввалги ҳаловатни топа олмадим. Бу пайтда отам ҳовлимизга лола экарди.

– Бобо, балки хизматкоримизни янгилармиз, – сўрадим ерга лола пиёзчаларини сукиб чиқаётган отамдан.

Отам менга бакрайганча караб қолди.

– Мен... шунчаки айтдим-қўйдим, – дея отамнинг ўқдек қадалган кўзларидан ўзимни олиб қочдим.

– Сен хали кекса, садокатли хизматкоримизни ҳайдаб юборишимни истаяпсанми? – Бобо қўлидаги эски қўлкопини бир четга зарда билан ирғитди.

– Агар Ҳасан билан орангизда нимадир гап қочган бўлса, бунга катталарни аралаштирма. Мен Али билан бирга катта бўлганман. Отам уни ўз фарзандидек қўрарди. Али бу хонадонда салкам қирқ йилдан бери яшайди. Сен эса, уни ҳайдашимни истаяпсан?! – Отамнинг юзи ҳам лоладек қизариб кетганди. – Амир, шу пайтгача мен сени чертмадим. Аммо, бу гапни яна бир марта оғзингга оладиган бўлсанг, хафа бўлма, бола!

Бошимни қуйи солганча:

– Ота, кечиринг, – дея олдим, холос.

– Ҳасан ҳам биз билан қолади, -- деди Бобо. – У шу ерда туғилган. Унинг уйи шу ер. Бунақа ахлоқона гапларни каллангдан чиқариб ташла!

Мана ёз ҳам келди. Ҳасанга янги хикоямни ўкиб беришга ваъда бериб, уни ўша эски тепаликка олиб чиқдим. Менинг кутилмаган бу таклифимдан у шошиб қолди.

Эски кабристон девори олдидаги анор сояси остида ўтирибмиз. Фарк пишган меваларини кўтаролмай қолган дарахт шохидан беш-ўнта анор узиб олдим. Иккита анорни кафтимда ғилдиратиб ўйнарганман, Ҳасанга ўйчан тикилиб қолдим.

– Ҳасан, мана шу анорни сенга ирғитсам, нима қилардинг?

Ҳасаннинг юзи тундлашди. Назаримда, унинг юзи жуда қаримсик кўриниб кетди. Ўзимни бошқара оладиган ҳолда эмасдим. Қандай қилиб унга караб анорни ирғитганимни ҳам билмай қолдим. Чакалокнинг калласидек анор гурсиллаб унинг кўкрагига урилди. Ҳасан оғриқданми, хайратданми, бакириб юборди.

– Энди... мени ур, – дея бақирдим. – Анорни от менга!

Ҳасан менга анграйганча караб қолди. Навбатдаги анор унинг елкасига бориб тегди. Қип-қизил шарбат унинг юзига сачради.

– От, менга от, нега гапимга кирмаяпсан, – бўғилиб кичкирдим мен. – Сенга айтяпман, аяма, ур мени, ур! Мени бу азоблардан қутқар! Қачонгача сени деб ухлолмай чикаман, Ҳасан!

Мевалар кетма-кет у томонга уча бошлади. У эса, кимирамасди.

– Қўрқок, – бақирдим бор овозимда. – Сен лапашанг ва қўрқоксан!

Бечорани неча марта анор билан савалаганимни ўзим ҳам билмайман. У бошдан-оёқ кизилга бўялганди. Мен эса, ҳолсизланиб тиззалаб ўтириб қолдим.

Шу пайт Ҳасан ўрнидан туриб, ердан яна бир анорни олди-да, қоқ пешонасига уриб пачоқлади:

– Мана, – шарбат унинг юзларини кон мисоли ювиб тушарди. – Энди кўнглинг жойига тушдими? Сал бўлсаям енгил тортдингми?

У шарт бурилиб, тепаликдан тушиб кетди.

Тиззалаб ўтирарканман, кўзимдан шашкатор ёш оқа бошлади:

– Нима қилай сени, Ҳасан? Айт, сени нима қилсам бўлади?

Кўз ёшларим куриб, уйга йўл олганимда, уни нима қилиш ҳақида яқдил қарорга келиб бўлгандим.

Ўша йили ёзда 13 га тўлдим. Бу пайтда ҳали юртимизда тинчлик-хотир-жамлик ҳукм сурарди.

Отам хизматкорни алмаштириш ҳақидаги таклифимдан кейин мендан сал ранжигандек эди.

Ҳар йили туғилган куним катта тантанага айланиб кетарди. Уйимизга юзлаб, ҳатто мен умуман танимаган одамлар ташриф буюришарди. Совға-саломларни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Менинг 13-таваллуд куним ҳам ҳақиқий байрам тусини олди. Уйимизда Бобонинг яқин дўстлари, ҳамкорлари, қариндош-уруғлар жамланишди. Ичкилик ҳам ариқдек окди. Дастурхонда минг хил нозу неъмат муҳайё этилди. Боғимиз тўрида санъаткорлар учун махсус сахна қурилган эди. Афғон булбули Аҳмад Зоҳирнинг ўзи келиб, аккордеон чалиб, кўшиқ айтди.

Мен эшик олдида таниш ва бегоналар билан кучоқлашиб кўришар, уларнинг табрик ва совғаларини қабул қилардим.

– Амиржон дўстим, туғилган кунинг билан!

Таниш овоздан сергак тортдим. Не кўз билан кўрайки, рўпарамда Асеф турибди. Ўша мараз Асеф. Ёнида отаси Маҳмуд ва онаси – немис аёли Таня! Кўзим тиниб кетгандек бўлди.

– Ҳуш келибсизлар, азизлар, – дея уларни қарши олди отам хушмуомалалик билан. Отам азалдан Асеф билан дўстлашишимни хоҳларди. Мана, Бобо ҳозир ҳам Асефнинг қўлини сиқиб табрикляпти. Асефнинг ҳам, ота-онасининг ҳам юзида табассум. Фақат мен ясама бўлса-да, жилмайишни эплаёлма-япман.

– Камол билан Вали ҳам келишди, – елкамга қўлини қўйди Асеф. Беихтиёр тисарилдим. – Эртага бизнинг ҳовлимизда волейбол ўйнамоқчимиз. Сен ҳам Ҳасан билан бор, албатта!

– Мен волейболни ёмон кўраман, – дея гудрандим.

– Энди уни кечирасан, Асеф, ўғлим, – отам унга гунохкорона термулди. – Бизнинг ўтилга китоб бўлса бас!

Нима? Отам мен учун Асефдан кечирим сўраяптими? Шу ярамасдан-а? Қанчалар аламли. Аммо, нима учун менинг дамим чикмаяпти?

– Ҳечкиси йўқ, – кулди Асеф. – Амиржонни биламан-ку! Шунинг учун ҳам унга китоб олиб келдим. Мана, дўстим, мендан совға!

Қарахт алфозда унинг қўлидаги китобни олдимۇ боғчанинг тўрига, Асефдан узокрокка югурдим. Тоқатим шу ергача етди, холос. Боғчамиз деворига

суянганча, Асеф тутқазган китоб муковасига кўз ташладим. Бу Гитлернинг таржимаи ҳоли баён этилган асар эди. Худди нажасни тутиб тургандек ирганиб, китобни боғча девори оша улоктирдим.

Негадир ҳолсизланиб, ўтлоқ устига ўтириб қолдим.

– Ўғлим, нега меҳмонларнинг ёнига чиқмаяпсан? – Раҳимхоннинг меҳрли овозини дарҳол танидим. Ундан шароб ҳиди анкиб турарди.

У охиста келиб ёнимдан жой олди.

– Сизам ичасизми? – сўрадим ҳайратимни яширолмай.

Раҳимхон елкамни қокиб қўйди.

– Ҳа, энди, гоҳ-гоҳида ичиб туришнинг айби йўқ...

Раҳимхон билан анча гаплашиб ўтирдик. У шу аснода менга ўзининг ҳазин ишқ қиссасини гапириб берди:

– Нима учун шу пайтгача уйланмаганимнинг сабабини биласанми? Билмайсан! Мен ҳам бир пайтлар қад-қомати келишган 18 ёшли йигитча эдим. Ҳумайра исмли ҳазорий кизни севардим. У кўшнимиз хизматкорининг кизи эди. Шунақа чиройли эдики, ҳуснига кўкдаги ой ҳасад қиларди. У билан боғимиздаги олма дарахти тагида отамдан яширинча учрашиб турардик. У билан ширин-ширин ҳаёллар сурардик. Келгусидаги ҳаётимизни, уйимизни, болаларимизни ўзимизча тасаввур қилардик.

Отам бу сирдан воқиф бўлгач, ҳамма орзуларимиз саробга айланди. Онам ҳазорий хизматкорнинг кизини севиб қолганимни эшитиб, ҳушидан кетди... Жалоол акам уйдан милтиқ кўтариб чиқди, отам тўхтатиб қолмаганида, билмадим нима бўларди.

– Кейин нима бўлди, – у жим қолгач, аранг юрак ютиб сўрадим.

– Нима бўларди. Отам эртаси кунёк Ҳумайрани оиласи билан Ҳазора-жотга кўчиртириб юборди. Кейин мен уни умуман кўрмадим. Шунда, уйланмасликка қасам ичдим. Мана, кўриб турибсан, шу қасамимга содик қолиб келяпман.

Орага совуқ сукунат чўқди.

– Ичингдаги дардни кимгадир айтсанг, енгил тортасан, – деди Раҳимхон енгил хўрсиниб. – Мана, сен билан бироз гаплашиб, менинг ҳам кўнглим ёзилди. Нимадир сенинг ҳам дилингни хира қилиб турган бўлса, айт, Амиржон, енгил тортасан!

Нега у бундай деди? Балки у варрак билан боғлиқ гаплардан хабар топан, фақат ўзим иқроф бўлишимни кутгандир. Ҳар қалай бу мен учун сир бўлиб қолди.

– Айтганча, бу сенга, – у менга жигарранг чарм муковали дафтарчани тутқазди. – туғилган кунинг муборак бўлсин.

...Олдинма-кейин ҳовлига ўтдик. Зиёфат давом этарди. Тасодифан кўзим Ҳасанга тушди. У кумуш идишларда Асеф ва унинг ҳамтовоқларига таом таркатаётган эди...

Эртаси кунни мен ўз ётоқхонамда бир уюм совғалар ичида ўтирардим. Ялтироқ қоғозга ўралган кутиларни бирма-бир очар ва лоқайдлик билан бурчакка улоктирардим. Улар орасида турли ўйинчоқлардан бошлаб «полароид» фотоаппаратигача, спорт анжомларидан тортиб конвертга солинган пулларгача бор эди. Биламан, отам бу зиёфатни менинг ғалабам шарафига уюштирди. Мен эса, бунга лойик эмасдим.

Отамнинг ўзи менга иккита нарсa совға қилди. Биринчиси, кўрган кўзни кувнатадиган, кобуллик ҳар бир боланинг орзуси бўлган «Швинн Стингрей» велосипеди. Иккинчиси эса, кўк циферблатли, миллари олтиндан ясалган қўл соати.

Мен учун ҳатто бу икки совғанинг ҳам қиймати йўқдек эди. Соатни ҳам совғалар уюми устига иргитдим.

Факат Раҳимхон берган блокнот бошқа совғалардан фаркланиб турарди. Блокнотни қўлимда айлантирарканман, Раҳимхон ва унинг бахтсиз муҳаббати ҳақида ўйлардим. Кейин эса, кўз ўнгимда Ҳасаннинг Асеф ва Валига овқат ташиб юргани жонланди. Бечора Ҳасан. Бунга қачонгача чидаш мумкин? Энди мен учун ҳаммаси кундек равшан: бу уйда ё мен яшайман, ё Ҳасан. Иккимиз учун бирга яшаш қанчалар оғир...

Ҳасан ва Али кечаги зиёфатдан сўнг ивирсиб кетган ҳовлини тартибга келтириш, идишларни ювиш билан банд эдилар.

Али мен билан илик сўрашди. Кейин қўли билан кутиб туришимни ишора қилиб, кулбасига йўрғалади. Бироз ўтиб, тугунча билан қайтди.

– Амир, ўғлим. Кеча ур-тўполонда Ҳасан билан мен совғамизни сенга топшира олмагандик. Гарчи арзимаса ҳам шу совғани ол, сенга ёқади, деб умид қиламиз.

Ярим овозда раҳмат айтдим. Тугунчада Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ўроғлик экан. Кўзларим яшнаб кетди.

– Ҳасан айтувди. Сенинг китобинг анча эскириб, варақлари титилиб кетган экан. Бу қўлёзма нусха, суратлари ҳам қўл билан чизилган.

Ўшам тўлиб йиғлаворишимга оз қолди. Мен бу совғага номуносиб эканимни билсам-да, айтолмадим.

Хонам совғага лик тўлган эди. Негадир бу китобга кўзим тушишини истамай, уни совғалар ичига қўмиб қўйдим.

Уйкуга ётиш олдидан отамнинг ёнига бориб, ўзи совға қилган соатни кўрган-кўрмаганини сўрадим. Эрталаб эса, Али ва Ҳасаннинг бозорлик қилгани кетишларини кутдим. Мана, ота-бола аравачаларини судраб, чиқиб кетишди. Мен совғалар уюмидан пул солинган иккита конверт ва отам совға қилган тилла соатни олиб, оёқ учида хонамдан чиқдим. Отамнинг хужраси олдидан ўтаётиб, ичкарига кулок тутдим. Бобо телефонда ким биландир гилам савдоси хусусида гаплашарди.

Зиналардан оҳиста пастлаб, ота-боланинг кулбасига кирдим. Ҳасаннинг тўшаги остига соат ва пулларни жойлаштириб, ортимга қайтдим. Кейин орадан бироз ўтиб, отамнинг хонасига кирдим ва кечаси билан ёд олиб чиққан ёлғонларимни айтдим. Ич-ичимдан ўзимга бошқа ёлғон гапирмасликка сўз бердим.

Ҳасан ва Али бозордан гўшт, нон, мева-чева билан қайтишди. Мен уларни хонамнинг деразасидан кузатиб турардим. Отам ҳовлида экан. Алига нимадир деб хужрасига кўтарилди. Али ҳам бош ирғаб, кулбасига йўл олди.

Кўп ўтмай, Бобо хонамнинг эшигини тақиллатди:

– Менинг ёнимга кир, гап бор!

Унинг хужрасида ота-бола шолғомдек кизарганча қўл ковуштириб туришарди. Йиғлашган бўлса керак, икковининг ҳам кўзлари кизарган. Бу муштипар ота-болани ҳам йиғлатибман-да! Наҳот яна бир кабохатга қўл урдим?

– Демак, пулни ҳам, Амирнинг соатини ҳам сен олгансан? – сўради бироз ўтгач отам бошини кўтариб.

– Ҳа! – бўғиқ овозда жавоб қайтарди Ҳасан.

Унинг бу жавоби юзимга тарсакидек урилди. Қалкиб кетдим. Юрагим сиқилди. Шууримга шу нарса ёриб кирдики, Ҳасан яна бир карра ўзини мен учун қурбон қилаётир. Агар Ҳасан отамнинг саволига «йўк» деб жавоб қилганида, отам унга чиппа-чин ишонар, чунки Ҳасан шу пайтгача ҳеч кимни алдамаганди. Шунда, ҳаммасини тан олишга тўғри келар, асл айбдорнинг кимлиги очилиб қоларди. Бобо эса, менинг бу ишимни мутлақо кечирмаган бўларди. Яна бир нарсани аниқ сездим. Ўша машъум кунда, ивирсиб ётган торкўчада бир четда бикиниб ўтирганча, кўз ўнгимда рўй берган ноҳақликка аралашмаганимни Ҳасан ҳам билган, балки мени кўрган ҳамдир? Мен унга хиёнат қилаётганимни била туриб ҳам мени кутқаришга уринаётир. О, Ҳасан, сени қанчалик яхши кўришимни ўшанда англадим. Ҳеч кимни сенчалик яхши кўрмаганман, Ҳасан! Мен сенинг кўйнингдаги илон эдим. Сенинг марҳаматингга муносиб эмасдим. Мен ёлғончи, хоин, аблаҳ ва ўғриман. Аммо, ўша онда қалбимдаги бу изтироб ўрнини аллақандай қувонч эгаллади. Мана, ҳозир ҳаммаси тугайди. Бобо хизматкорларни қувиб юборади ва ҳаммаси янгитдан бошланади.

– Мен... сени кечираман!

Ҳайратдан донг қотдим. Кечиради? Қанақасига? Ахир отам учун энг ярамас иллат ўғирлик эмасмиди? «Ўғирлик – ҳамма гуноҳларнинг ўзаги», деган ҳам отам эмасмиди?

– Биз кетамиз, оға-соҳиб, – деди Али. – Биз энди бу уйда яшай олмаймиз.

– Мен ўғлингни кечирдим, деяпман, Али, эшитмадингми?

– Йўк, оға-соҳиб! Энди бу ерда бир кун ҳам туrolмаймиз, – дея Али Ҳасанни худди кимдандир яшираётгандек бағрига босди. У ўғлини кимдан

яшираётгани менга равшан эди. Демак, Али ҳамма гапдан хабардор. Ҳасан унга айтган.

– Тупурдим ўша пулгаям, соатгаям, – отам ўрнидан туриб кетди. – Гап тамом. Ўтган ишга салавот. Мен ҳеч нарсани кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ.

– Кечиринг, оға-соҳиб! Биз ҳамма нарсамизни тайёрлаб қўйганмиз.

– Али, эсингни йиғ, – отам тутакиб кетди. – Мен шу пайтгача сенга ёки ўғлингга бирор ёмон гап гапирдимми? Мен сени ўз инимдек кўраман, буни биласан.

Улар орасидаги мунозара анча давом этди. Аммо, Алининг қарори қатъий эди.

– Қаерга борасан? – сўради отам сўник оҳангда.

– Ҳазоражотда амакиваччам яшайди. Ўша ерда бир кунимизни кўрармиз. Фақат бизни юкимиз билан автовокзалгача олиб борсангиз бас!

Ёзда Кобулда ёмғир кам ёғади. Бирок, отам Али билан Ҳасанни машинасида олиб кетган кун ёмғир худди челақлаб куйгандек ёғди. Ўша кунги момақалдирокнинг гулдуриси хануз қулоғим остида кетмайди. Ҳасан кулбасидан ўраб боғланган кўрпа-тўшакни орқалаб чикди. Бобо машина ичида ҳам Али билан анчагача тортишди. Чамаси, у сўнгги бор ота-болани қолишга кўндирмоқчи бўлди. Аммо, фойдаси бўлмади.

Машина кўзгалди. Шундагина мен ўз хатоимни бутун борлиғим билан идрок этолдим. Мен билган, мен таниган аввалги ҳаётим, болалигим худди шу нуктада тугаган эди.

VIII

Март, 1981 йил.

Қаршимизда оч яшил либосдаги жувон ўтирарди. У юзини ҳарир рўмол билан тўсиб олган. Юк машинаси ҳар силкинганда, у беихитёр «бисмилло»ни тилга оларди. Унинг эри эса кичкина гўдакни қўйнига олганча, нималарнидир шивирлаб кетиб борарди. Юк машинасининг кузовидан ўрин олган 10–12 нафар йўловчи орасида мен билан отам ҳам бор эдик. Биз Кобулдан тунги соат учда чикқандик. Несагир менинг бошим айланар, кўнглим айнирди. Шунда бояги киши менинг ахволимни тушуниб, кабинани чертди ва ҳайдовчи Каримдан машинани тўхтатишни илтимос қилди.

– Биз ҳали Кобулдан унча узоклашмадик. Озроқ чидасин.

Қайт қилиб юбормаслик учун ўзимни аранг тутиб борардим. Ҳар қалай 18 га тўлган ўспирин учун йўл азобиға бардош беролмаслик уят, ахир.

Бу юк машинаси Каримнинг ягона тирикчилик манбаи. У шўравийлар (советлар) томонидан ишғол қилинган Кобулдан одамларни яширинча олиб чиқиб, нисбатан хавфсизроқ бўлган Покистонга элтиб қўярди. Қелишувға кўра Карим бизни Жалолободға олиб бориши, у ердан эса, биз – йўловчилар

унинг акаси Тўранинг машинасига алмашишимиз, Тўра анчайин катта ва тез-
юрар машинаси билан бизни Пешоварга етказиши лозим эди.

Ниҳоят Карим машинасини Моҳипар шаршараси яқинида тўхтатди. Биз
отам билан бу йўлдан тинчлик вақтида неча марталаб ўтганмиз. Бу ердаги
манзараларни жаннатда ҳам учратиш мушкулдир.

Машинадан сакраб тушдиму йўл четига, тубсиз жарлик лабига бориб
ўкчий бошладим.

Наҳотки, биз кадрдон уйимизни ташлаб кетяпмиз? Ҳамма-ҳамма нарсa,
отамнинг оҳорли кийимлари, онамнинг беҳисоб китоблари, менинг бола-
ликдаги ўйинчоқларим, ошхонамиздаги идиш-товоқлару ётоқдаги кўрпа-
тўшаклар ҳаммаси қолиб кетди. Фақатгина уйимиз деворини безаб турадиган
портретларнигина ўзимиз билан олганмиз. Айтганча, Раҳимхон совға қилган
блокнот ҳам ёнимда.

Чиқиб кетаётганимизни янги хизматкоримиз Жалолиддинга ҳам айтмаган-
миз. У бизни бирор ёққа меҳмонга кетган деб ўйлар.

Кобулда ҳеч ким бир-бирига ишонмай қолганди. Пул ёки жонни
кутқариш учун ҳамсоя ҳамсояни, дўст дўстни, ўғил отани, ака укани, хизмат-
кор хожасини сотишга тайёр эди. Масалан, туғилган кунимда кўшиқ айтган
Аҳмад Зоҳир машинасида дўстлари билан қаёққадир жўнаган, эртаси куни
йўл четида боши мажакланган ҳолда топилганди...

Хуллас, ҳаёт буткул издан чиққанди.

Мен эса, жарлик лабида ўтирганча, ҳамон ўкчирдим. Мен ярим
кечаси, куннинг совуғида ўз уйимдан юзлаб чакирим йироқдаман. Бал-
ки бу ҳаммаси тушдир? Эрталаб ўзимизнинг тинч-хотиржам уйда кўзимни
очарман. Кўчаларда қоровулик қилаётган шўравий аскарлари ҳам,
ваҳимали танк ва БТРлар ҳам, кўркинчили отишмалару портлашлар ҳам
бўлмас...

Қизик, ҳозир Ҳасан нима қилаётган экан-а? Яна кўнглим ағдарилиб
келди.

Орадан 20 дақиқалар ўтиб, биз Моҳипар блок-постида турардик. Чамаси
бизни шўравийлар тўхтатишган эди. Баданимни ваҳима босди.

Ташкарида ёндиргичнинг чиқиллагани, кимнингдир русчалаб «спасибо»
дегани, рус талаффузида эски афғон кўшиғини бузиб қуйлагани эшитилди.

Аэста боро, Мазман, аэста боро.

(Оҳиста юр, ой юзли гўзал, оҳиста юр).

Шу чоқ машинанинг брезент ёпкичи кўтарилиб, ташкаридан Карим
ва икки аскарнинг боши кўринди. Аскарнинг бири афғон, иккинчиси рус
эди. Рус лабида сигарета кистирганча, афғонча ашулани замзама қиларкан,
йўловчиларга бирма-бир қараб чиқди. Ташкаридан тушаётган ой нури маши-

нанинг ичини ёритиб турарди. Ҳаво салкин бўлса-да, баданимни совук тер босаётган эди.

Руснинг кўзлари машинадаги ёш жувоннинг юзларига кадалганча тўхтади ва Каримга нимадир деди. Карим эътироз оҳангида нимадир деганди, рус унга бакира кетди. Орага афгон аскар аралашди. Руснинг дағдағаси эса тобора ошиб борарди.

Ниҳоят Карим йўловчиларга юзланиб, рус аскари жувон билан ярим соат бирга бўлиш истагида эканини айтди. Аёл илкис юзига чодрасини туширганча, йиғлаб юборди. Боласини бағрига босиб кетаётган эрининг ранги докадек оқарганди. Каримга қараб:

– Мистер соҳибга тушунтиринг, бизга раҳм қилсинлар! Жанобларининг ҳам волидалари, сингиллари, балки рафикалари ҳам бордир?

Карим таржима қилди. Рус баттар тутатди.

– Бу иш йўл ҳақи ҳисобига ўтади, деяпти, – ерга тикилганча руснинг раъйини билдирди Карим.

– Биз йўл ҳақини тўладик-ку! – қайсарлик қилди эркак. – Буёғига сиз жавобгарликни бўйнингизга олгансиз.

Карим рус аскари билан яна анча тортишди. Шу чок отам ўрнидан турди. Мен унинг оёқларидан ушлаб қолишга уриндим. Аммо у силтаниб, пастига отилди.

– Ундан бир нарсани сўрамоқчиман, – дея Каримга юзланди Бобо. – Бунда ор-номус борми ўзи?

Карим аскарга таржима қилди, аскар ҳам жавоб қайтарди:

– Урушда ор-номус бўлмайди, деяпти, – таржима қилди Карим.

– Бу итга айтиб қўй, урушда ор-номус тинчлик пайтидагидан ҳам кўра кўпроқ аҳамиятга эга.

Юрагим кинидан чиққудек потирларди. Отам ҳам қаҳрамонликнинг зап вақтини топди ўзиям. Шунча одам жим турганда, орага суқилиб нима қиларди?

Руснинг гапларини эшитиб бўлгач, Карим отамга юзланиб муроса оҳангида сўз қотди:

– Оға-соҳиб, булар руслар, улар бизга ўхшамайди, ор-номус, уят нималигини билишмайди.

– Нима деяпти?

– Айтяптики, сизни... пешонангиздан дарча очиб, ҳамманинг кўз ўнгида мана буни... – Карим боши билан жувон томонга имо қилди.

У гапини тугатмай туриб, рус сигаретасини улоқтирди ва ғилофидан тўппончасини чиқариб, отамнинг пешонасига тиради.

Кўзларимни чирт юмиб олдим. Наҳот, отамнинг пешонасида шундай қисмат битилган бўлса? Мактабда ўрганган дуоларимни пичирлай бошладим.

– Унга айт, – отамнинг ўктам овози жаранглади. – Мени илма-тешиқ қилиб ташласаям, бир муслиманинг шармисор қилинишига йўл қўймайман.

Дафъатан Ҳасаннинг оғриқдан тиришган башараси кўз олдимга келди, кулоғим остида Асефнинг хайвоний пишқириши...

Мен ўшанда гинг деёлдимми? Балки, мен ростдан ҳам мана бу мард одамнинг фарзанди эмасдирман?

– Айт унга, – деди Бобо. – Агар у мени битта ўк билан ўлдира олмаса, мен уни тилкалаб ташлайман, ҳе падарига лаънат!

Мен юзимни кўлларим билан бекитиб олгандим. Тепки босилди. Ўк овози янгради. Тамом. Мен энди етимман! 18 ёшли етим. Энди отамни қандай кўмаман? Ўзим қаерга бораман?

Бирдан кўзимни очдим. Бобо хануз жойида қилт этмай турар, машина олдида яна бир рус пайдо бўлган, унинг кўлидаги тўппончанинг оғзи ҳавога қаратилган, ундан буруксиб тутун чиқиб турарди.

Отамни отмоқчи бўлган аскар эса тўппончасини ғилофига жойларди.

Ҳозиргина пайдо бўлган оксоч рус офицер русча талаффуздаги форсийда биздан узр сўради.

– Афу этасизлар, урушга манагина она сути оғзидан кетмаган гўдакларни жўнатишади. Бу ерда нима кўп – гиёҳванд моддалар кўп. Чекиб олишади-да, дуч келганга қурол ўкталиб, кўнглига келган номаъкулчилигини қилишади.

...Орадан чорак соат ўтган, машинамиз елиб борарди, ҳеч ким чурқ этмасди. Тонгга бирор соат қолганда, Жалолободга кириб бордик. Карим зудлик билан бизни қалин акациялар орасидаги кулбага жойлаштирди. Этни жунжиктирувчи совуқ шамол эсарди.

Карим олақоронги хонанинг эшигини зичлаб ёпди-да, пардаларни туширди. Унинг айтишича, унинг акаси Тўра бизни Пешоварга олиб боролмас эмиш. Бир ҳафта илгари машинасининг мотори ёниб кетибди, эҳтиёт қисмлари йўқ экан.

– Бир ҳафта олдин бўлган бўлса, нега бизни бу ёкка опкелдинг? – дея кимдир уф тортди. Шу чоқ кимдир одамлар орасидан ажралиб чиқдию хайдовчининг ёқасидан тутиб, ердан ярим газ юқори кўтарди. Бу Бобо эди.

– Мен айтаман нима учунлигини, – у факат ўз чўнтагини ўйлаган. Бизни бу ёккача опкелиб пулимизни олди. Қолгани билан нима иши бор? Тўғрими? Сени ҳозир ўлдираман!!!

Карим типирчилаб, хирилларди, оғзидан кўпик сиза бошлаганди. Мен аниқ билардим, отам айтган ишини қиладиган одам.

Одамлар хайдовчини унинг чангалидан халос этишга уринишди. Ниҳоят орага бояги, отам рус аскарнинг кўлидан қутқарган аёл ўртага тушгач, Бобо чангалини ёзиб юборди. Каримнинг танаси полга гурсиллаб тушди.

Қисматнинг ўйинини қаранг, отам боягина ўзи танимаган бир аёлни ажнабийнинг чангалидан озод этганди, энди ўша аёл бошқа бир инсоннинг ҳаётини асраб қолди.

Шу пайт пол остида аллақандай шовкин эшитилди.

– Нима гап, тинчликми? – сўради кимдир.
– У... улар кочкинлар, – пишиллаб жавоб қайтарди Карим. – Улар ертўлада. Сизларга ўхшаб... кетишлари керак эди. Кутишяпти.
– Қачондан бери кутишяпти? – сўради отам.
– Икки ҳафтадан бери.
– Сен боя машина бузилганига бир ҳафта бўлди, демовмидинг?
– Билмадим, оға, балки икки ҳафта олдин бузилганмиди? Эсимда йўқ!
– Машинани қачон тузатасанлар, – отамнинг кичкиригидан Карим яна деворга бикинди. «Бу гал аниқ ўлдиради» деган фикр ўтди хаёлимдан.

Карим Бобонинг амри билан ертўланинг копкоғини очди. Ичкаридан зах, моғор ва яна аллақандай қўланса хид буруксиб чиқди. Бирма-бир пастга тушдик. Ертўлада жуда кўп одамлар менга нигоҳини кадаб тургандек туюлди. Ертўла шифтига осилган мойчирокнинг заиф нури ичкаридаги шарпаларни ғира-шира ёритар, одамларнинг шивир-шивири, томчининг чакиллаши ва аллақандай чийилдоқ товушлар эшитиларди. Бобо хўрсинганича чамадонини ерга қўйди. Карим уч-тўрт кун ичида акасининг машинаси тузалишини ва бизни Пешоваргача олиб боришини айтди. Биз бир ҳафтача ертўлада қолиб кетдик. Ертўла каламуш билан лик тўла экан.

Кўзларим қоронғига ўрганганида, ертўладаги одамларни санаб чиқдим. Чамаси ўттизгача бор эди. Елкама-елка ўтириб, котирма, нон, ёнғоқ, олма сингари ўзимиз билан олиб келган егуликларни қисматдошларимиз билан баҳам кўрардик.

Эркаклар беш маҳал ертўланинг бир бурчагида йиғилиб намоз ўқир, фақат отам уларга қўшилмасди.

Ертўлага биздан аввал келиб жойлашганлар орасида Камол ва отаси ҳам борлигини пайқадим. Ҳа, худди ўша, Ҳасаннинг қўлларини орқага қайириб, оёқларини босиб турган болалардан бири.

Унинг отаси Бобони таниб, қуюк сўрашди.

Мен эса, Камолнинг юзларига зимдан тикилдим. Камолнинг қиёфаси ҳиссиз ва рангсиз, ёноқлари чаккасига ёпишиб кетган, кўзлари маъносиз боқарди.

Унинг отаси Кобул кинотеатрининг хўжайини эди. Отам билан суҳбати асносида унинг аёли кўчада дайди ўқдан ҳалок бўлганини билдим. Шунингдек, отамнинг қулоғига шивирлаб айтаётганида эшитиб қолдим:

– Ўғлимнинг бир ўзини ташлаб кетмасам бўларкан, тўртга бўлиб келишибди. Бечорани расвойи радди қилишибди хайвонлар. Келиб қарасам, қонга беланиб ётибди. Мана, ўшандан бери... тилдан қолган.

«Худодан қайтибди!» – хаёлимдан кечгани шу бўлди.

Бир ҳафта ўтиб, Карим акасининг машинасини тузатиш имкони йўқлигини билдирди.

– Фақат битта йўли бор, – деди Карим. – Амакиваччамнинг бензин ташийдиган машинаси бор. Ҳозир у Жалолободда. Менимча, ҳаммангиз сизгасиз.

Кекса чол-кампирдан бошқа ҳамма бу таклифга рози бўлди. Ўша окшом ҳаммамиз Каримнинг қариндоши Азизнинг бензовоз машинаси бортидан жой олдик. Эсимда, отам машинага чиқаётиб, тамакидонига бир ховуч тупрок солиб, кўзига сурган, кейин уни чап кўкрак чўнтагига жойлаштирганди.

Бензовознинг ичи нақ дўзахнинг ўзи. Нафас олишнинг имкони йўқ. Ўпкалар худди бу ифлос ҳавони ютишдан бош тортгандек сиқилиб тораяди. Қўлларим қалтирайди, баданимни совук тер босади. Бакирай дейману ҳаво етмайди, ҳаво. Дахшат!

Ертўладаги ҳаёт бензовознинг тор ва сассиқ ҳавоси олдида ҳолва экан. Назаримда ҳаво ҳам аллақандай қуюқлашиб қолган.

Қулоғимга гўдак йиғиси, она алласи чалинади. Кимдир йўталади, кимдир бақириб, советларни сўқади.

– Бирор яхшироқ нарса ҳақида ўйла, болам, енгил тортасан, – қулоғим остида шивирлайди Бобо.

Менинг энг бахтли, қувончли дамларим Ҳасан билан бирга кечганди. Ўтлоқларда чопкиллаб ўйнаганларимиз. Уйимиз ортидаги тепалик, исмларимиз битилган анор дарахти, осмонни тўлдириб учган варраклар... Ҳа, мен ўша пайтлардагидек лаззатни, қувончни бошқа ҳеч қаерда учратмадим.

Кўксимга оқиб кирган мусаффо ҳаводан энтикиб кетдим. Биз цистерна ичидан ёруғ оламга чиққандик. Яратганга шукур!

– Биз Покистондамиз, Амир, – деди отам елкамга қоқаркан. – Ҳозир автобус келиб, бизни Пешоваргача олиб кетади.

Кўз ўнгимда отамнинг бакувват оёқлари, чамадонларимиз, цистерна ичидан ёруғ дунёга чиқаётган қочкинлар, йўл четида турган бензовоз...

Олдинда эса, бинафшаранг далалар, саноксиз тепаликлар оралаб, уфққа туташиб кетган узун йўл. Очик ҳаводан тўйиб нафас олгим келади.

Шу чок ёнгинамизда дахшатли чинкириқ янгради. Кимдир «бензиндан захарланибди» деди. Издиҳом ўртасида чўккалаб ўтириб олган бечора ота Камолнинг жонсиз танасини қучганча, унинг кулранг юзларидан пайдарпай ўпарди.

– Кўзингни оч, жон болам, мени кўрқитма, – дея телбаларча кичкирарди ота. – Эй, парвардигор, жон керак бўлса меникини ол, ўғлимни қайтариб бер.

Бобо унга яқинлашиб, тасалли бериш учун елкасига қўлини қўйди. Камолнинг отаси эса, худди қутургандек отамнинг қўлини силтаб ташлади ва Каримнинг камарига кистирилган тўппончани суғуриб олди. Карим эса, ранг-кути ўчиб, тиз чўкди ва ёлвора бошлади:

– Илтимос, мени ўлдирманг, тўртта боламнинг уволига қолманг!

Ҳеч ким кимирашга-да журъаг этолмасди. Камолнинг отаси тўппончанинг дўлини оғзига тикди-да, тепкини босди. Ўқ овози ва атрофга сочилган қон фаввораси бир умр ёдимда қолди. Икки букилганча ўтириб қолдим.

IX

Фримонт, Калифорния, 1980-йиллар.

Бобога Америкадаги ҳаёт тарзи ёкарди. Биз тез-тез ота-бола бўлиб, Элизабет қўли яқинидаги хиёбонга сайр қилгани борардик.

Бу ерда афғонлар, араблар кўп эди. Отам уларнинг даврасида кўп бўлар, сиёсат ҳақида баҳслашишни ёктирарди. Бундай баҳсларда Бобо кўпинча арабларни Фаластинни жухудлардан ҳимоя қилолмаганликда айблар, Совет-Америка муносабатларини эринмай таҳлил қилар, президент Картерни ношудликда айбларди.

Фақат отамга сершовкин шаҳарнинг дим ҳавоси, машиналари олағовури ёкмас, Калифорния ўсимликлари таратаётган чангдан отам тинимсиз йўталар ва аксирарди. Кейин бу ернинг ҳавоси биздагидек мусалффо, мева-валари афғон замини неъматлари сингари лаззатли, суви Кобул сувидек тоза эмасди.

Бобо ёнилғи қуйиш шохобчасида ишларди.

Мен отамни инглиз тили курсига ёзилишга чандон уринсам-да, унамас, бепарво қулиб қўя қоларди.

– Энди ўкиб гўр бўлармидим?

1983 йилнинг баҳор ойлари эди. Отам билан сайр қилиб юрганимизда, мен китоб дўқонига қирмоқчи эканимни айтдим. Мен дўқонга қираётиб, отамнинг қарама-қарши томондаги озиқ-овқат дўқонига қираётганини кўрдим. У ерда ўта сермулозамат вьетнамлик эр-хотин Нгуенлар савдо қилишарди. Отам мистер Нгуен билан анчадан бери таниш эди.

Мен китоб рафидан янги детектив асарни варақлаб кўраётганимда, Нгуенлар дўқонидан қучли шовкин эшитилди. Варақлаб турган китобимни ташлаб, кўчага отилдим.

Эр-хотин бурчакка биқиниб олган, мистер Нгуен аёлини маҳкам қучоқлаб турарди. Полда апельсинлар сочилган, журнал столи ағдарилган, отамнинг оёғи остида ерга тушиб синган банкадаги димланган мол гўштининг сели ҳар ёкка сачраб кетганди. Маълум бўлишича, отамнинг апельсин сотиб олишга нақд пули йўқлиги учун чек ёзиб берган, Нгуен эса, ундан ҳужжат талаб қилган экан.

– Ҳужжатни кўрсат эмиш, – тўнғиллади отам форсчалаб. – Мен бу итвачадан бир йилдан бери мева-чева сотиб оламан, буям мендек мусофир,

бир нима фойда қилсин деб, фақат шунинг дўконидан савдо қиламан. Бу эса, мендан ҳужжат сўраб ўтирса.

– Ота, улар ҳақ, – дея уни тинчлантиришга тиришдим. – Бу ерда тартиб шунақа. Бу ер – Америка!

– Ҳе, ўша... – отам гудраниб сўкинди.

– Йўқолинг иккалангиз ҳам, – мистер Нгуен хотинини гавдаси билан тўсиб, ҳассаси билан эшикни кўрсатди. – Иккинчи бу ерга кадам босманглар. Ҳозир полиция чакираман.

– Илтимос, полицияни безовта қилмасангиз, – ўтиндим улардан. – Биз ҳозир кетамиз.

Мен дарҳол чўнтагимдаги бор пулни чиқариб, уларга етказилган зарарни тўладим.

Эр-хотинларнинг кўли ҳамон калтираб турарди.

Рост, Кобулда ҳамма бир-бирини танир, ишонарди.

У ерда кредит картаси ўрнида ясси таёқчалар олиб юриларди. Баъзан Ҳасан билан нон олгани борар, новвой таёқчанинг бир четини кертиб кўяр, ойнанинг охирида отам таёқчадаги белгиларга қараб, новвой билан ҳисоб-китоб қилар, ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмасди.

Х

...Пешовардан келганимиздан бери орадан бир ярим йил ўтганига қарамай, отам Америкага ҳечам кўника олмасди. У иккинчи бор уйланиб, биринчи аёлини унута олмаётган эркакка ўхшарди. У ҳамон Жалолободнинг шакаркамиш ўсадиган далаларини, Пағмон боғларини қўмсар, Шўрбозор расталарини кезишни, таниш-билишлар билан қўл олиб кўришишни орзу қиларди. Америка мен учун эски хотиралар қабристони, отам учун эса, ўтмиш изтироблари масканига айланди.

Биз Пешоварда муҳожират хизмати томонидан виза берилгунга қадар ярим йил яшагандик. Гарчи ўта ғарибона кулбада яшаган бўлсак-да, у ер Бобо учун кадрдон эди. Бу кулбага отам кўпинча ўзимизга ўхшаб виза қутаётган ҳамюртларимизни меҳмонга чакирарди. Кўпинча меҳмонлардан бири албатта бирор чолғу кўтариб келар, тонгга қадар кулбамиздан қуй-қўшиқ садолари аримасди.

– Ота, балки Покистонга қайтармиз, – дедим бир куни унга кечки овқат устида. – Ҳар қалай у ерда ўзингизни худди Ватандагидек ҳис этардингиз!

– Албатта, мен учун Пешовар яхши, – отам чой ҳўплаб хўрсинди. – Сенга эса, Америка. Ахир бу ерга сени деб келганман, болам!

Зимдан отамнинг қадок боғлаган қўлларига қарадим. Бу қўллар менинг оқ пахтадек момик, қизларникидек нозик қўлларимдан фарк

киларди. Бу қўллар менга нималарни ҳадя этмади. Америка ҳам Амирга Бобонинг қимматли совғаси бўлди.

Америкага келганимиздан сўнг бир ой ўтиб, отам ёкилғи шохобчасига ишга жойлашди. Отам ҳафтада олти кун, кунда ўн икки соатлаб ишлар, бензин куяр, чек уриб берар, ёғ алмаштирар, ойна артарди.

Бобо ишга жойлашган куни биз Сан-Хосега, бизнинг ишимиз билан шуғулланувчи ижтимоий таъминот хизматчиси, ҳабаш аёл, миссис Добинснинг қабулига кирдик. Отам озик-овкат учун берилган бир даста талонларни хонимнинг столи устига қўйди.

– Мен ҳамиша нонимни ҳалоллаб еганман, – деди Бобо. – Сизга катта раҳмат! Энди мен иш топдим. Ўз нонимни ўзим топиб ея оламан.

Миссис Добинс бизга ҳайратланиб термулиб колди.

– Ўн беш йилдан бери ишлаб, бундай ҳолатга илк бора гувоҳ бўлиб турибман.

Идорадан отам худди хавфли ўсмадан ҳалос бўлган бемордек енгил тортиб чиқди.

1983 йилнинг ёзида ўрта мактабни битирдим. Битирув окшомида отам ҳамманинг олдида мени кучиб табриклади. Унинг кўзлари қувончдан порлаб турарди.

Ўша куни кечқурун у мени Хэйворддаги афғон кабобхонасига олиб борди. Шу куни биринчи бор отам мен билан пиво ичди. Мен-ку, бокалнинг чорагини бўшатгунимча, отам уч бокални бўшатди. Кейин отам бироз ширакайфлик билан атрофдагиларни ҳам пиво билан сийлади.

Кабобхонадан чикканимизда атрофга коронгилик ўз чойшабини ташлаганди. Отам ҳайдаб юрган эски «бьюик-сенчури» рулига ўтириб, машинани уйга ҳайдадим. Салон тамаки ва пиво ҳидидан димикиб борарди.

– Кварталнинг охирига қараб ҳайда! – буюрди Бобо сархуш овозда.

Кўчанинг охиридаги автомашиналар майдончасига етганимизда тўхташни буюрди. Кейин эса, чўнтагидан калит чиқариб, қаршимизда турган тўк рангли, эски русумдаги «форд» машинасига имо килди.

– Бу сенга совға. Фақат янги амортизатор қўйсанг бас. Бинойидек машина! Насиб этса, коллежга кирсанг, миниб борасан.

Кўзларимга ишонгим келмасди. Мана бунини чинакам совға деса бўлади. Беихтиёр кўзларим ёшланди. Овозим бўғилиб, «ташаккур, отажон» дея олдим, холос.

Иккимиз «форд» салонига ўтдик. Отам машинанинг орқа ўриндиғида ястаниб ўтирарди. Иккимиз ҳам жим колдик.

– Ҳасан ёнимизда бўлса қандай яхши бўларди-я, – деди отам ўзи билан гаплашаётгандай бир оҳангда. Ҳасан! Бу номни эшитишим билан кимдир томоғимдан хиппа бўғиб олгандек бўлди.

– Кузда коллежнинг биринчи курсига ўқишга кираман, – дедим эрталаб отамга. У совук чой ичиб, кардамон дорисини чайнаб ўтирарди. – Инглиз тилини пухта ўзлаштиришим керак, – дея қўшиб қўйдим. – Адабий маҳоратимни оширмоқчиман.

– Ёзувчи бўласанми, – отам менга тикилганча чой ҳўплади. – Яхши пул тўлашадами?

– Агар зўр ёзсам, машҳур ёзувчи бўлолсам... – дедим тунд овозда.

– Сен ёзувчиликка ўқигунингча, машҳур бўлгунингча пулни каердан топасан? Агар уйлансанг-чи, хотинингни қандай бокасан?

Ишласам керак.

– Қизиқ, – елка қисди отам. – Ўқиш учун бир неча умрингни сарфлаб, кейин яна пул топиш учун менга ўхшаб қора иш топасанми? Унақада ўқишнинг нима кераги бор?

Отам жим қолди. Мен унинг ошқозон яраси туфайли қорайган бармоқларига тикилдим. Бечора отам!..

Баъзан отам совға қилган «форд»да Сан-Франциско кўчаларини соатлаб айланардим. Шаҳарнинг бой ва факир қатламлари яшайдиган кварталлар бўйлаб узок изғирдим. Гоҳида уммон соҳилига бориб, Тинч океанининг соҳир манзараларини ҳаёлчанлик ила кузатардим. Болалигимда океанни факат экранларда кўрган, у ҳақда китобларда ўқигандим. Мен Ҳасанга: «Ҳали пайти келади, икковимиз тўлқинлар тинимсиз ювиб турадиган қумли соҳилларни оёқяланг кезамиз», деб айтардим. Мана, қаршимда, шундок оёқларим остида уммон шовуллайди. Худди экранда кўрганимдек. Факат, Ҳасан бу соҳир манзарадан бенасиб.

Мен Американинг тенгсиз гўзаллигига мафтун бўлаётган айти дамда менинг Ватанимда қирғинбарот давом этар, ҳар куни қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар, кексалар, аёллар ва болалар ҳаёт билан видолашар, аҳоли жон ҳовучлаб кун кечирарди. Американинг гўзал манзаралари эса, ҳаётдан баҳра олишга, нохуш ҳислар ва хотиралардан қўз юмишга ундарди. Бу ерда кўркув ҳам, тахлика ҳам, сирли шарпалар ҳам, афсус ва надоматлар ҳам, дилни ўртовчи азобли хотиралар ҳам йўқ. Факат шунинг учун ҳам сенга таъзим қилишга тайёрман, Америка!..

1984 йилнинг ёзида 21 ёшга тўлдим. Отам ўша йили «бьюик»ни сотиб, етмиш биринчи йилда ишлаб чиқарилган «фольксваген» микроавтобусини сотиб олди.

Бобо тирикчилиқнинг янги йўлини топганди. У шанба кунлари мени эрталаб уйғотар, кейин биргаликда Фримонт, Юнион-Сити, Ньюарк, Хэйворд, Сан-Хосе сингари йўналишларда йўлга чиқар, одамлардан эски-туски нарсаларни арзон нархларда сотиб олардик. Улар орасида бир қўз Барби қўғирчоғидан эски тикув машиналаригача, ёғоч теннис ракеткасидан

тортиб, тори узилган гитараларгача топиларди. Куннинг ярмига бориб, машинамиз салони ана шундай ашкол-дашколларга тўлиб-тошар ва биз ортга қайтардик. Эртаси куни сахарда биз Сан-Хоседаги эски буюмлар бозорида бўлардик. Бу ерда 25 центга олинган «Чикаго» гуруҳининг эски пластинкасини бир долларга, ўн долларга харид қилинган «Зингер» машинасини ҳам тўрт бараварига пуллаш имкони бор эди.

Айтиш жоизки, Америкада эски буюмлар савдоси муҳожир афғонлар учун энг сердаромад иш саналарди. Шу боис, ушбу бозорнинг асосий сотувчилари ҳам афғонлар эди. Савдо сусайган пайтда сотувчилар бир пиёла чой устида бир-бири билан ўтмиш ҳақида, кўрган-кечирганлари ҳақида, бу ердаги таниш-билишларнинг шахсий ҳаёти ҳақида (афғонлар ғийбатни ёқтиришади) гурунглашиб ўтиришарди. Бу «эскифурушлар» орасида чилангар ва тикувчиларни ҳам, собиқ элчилар, жарроҳлар ва профессорларни ҳам учратиш мумкин эди.

Ана шундай кунларнинг бири. Отамнинг ёймаси ёнига икки финжон қаҳва билан кайтсам, Бобо кексароқ, оксоч бир эркак билан гаплашиб ўтирибди.

– Амир, – деди у мени ҳалиги одамга таништириб, – ўғлим, бу киши генерал-соҳиб Икбол Тоҳирӣ жаноблари бўладилар. Кобулда мудофаа вазирлигида катта лавозимда ишлаганлар.

Тоҳирӣ! Қаерда эшитганман бу фамилияни? Унинг корасидан оқи кўп сочлари орқага силлик қилиб таралган, қалин қошлари ҳам оқара бошлаганди.

Ийманибгина унга салом бердим.

– Салом, бачам, – деди генерал менга қўл узатаркан. Унинг қўллари илиқ, нам ва юмшоқ эди.

– Амир келажакда ёзувчи бўлмоқчи, у коллежнинг биринчи курсини тугатди.

– Мошооллоҳ, – елкамга қоқди Тоҳирӣ. – Бизнинг шўрлик халқимиз, бечора Ватанимизнинг, унинг бошига тушган кулфатларни ҳам ёзгин, ўғлим!

Раҳимхон совға қилган чарм муқовали блокнотдан ўнтача ҳикоям жой олганди. Негадир бу одам билан менинг ижодий изланишларим ҳақида гапириш ноқулайдек туюлди.

Тоҳирӣ отам билан ёшлик хотиралари ҳақида анча суҳбатлашди.

– Зиндаги меғузарад, – ҳаёт ўтавераркан, биродар, – енгилгина хўрсинди генерал ва менга ўтирилди. – Бачам, сенинг отанг беназир одам. Бу билан фахрланишинг керак.

– Муболаға қияпсиз, – камтаринлик билан томоқ кирди Бобо.

– Падари бузруквор, чой дамлаб келувдим!

Беихтиёр қиз боланинг ипакдек мулоим товушидан энтикиб кетдим. Ортимда баланд бўйли, сочлари кифтлари оша шаршарадек ёйилган париваш қўлида елим пиёла ва термос тутиб турарди. Қалдирғоч қанотидек қалин ва

кора қошлари тароқ тишларидек киприклари билан бўйлашиб, жоду кўзлар малоҳатини яширмоқка чоғланиб турарди.

– Барака топ, қизалоғим, – генерал жилмайиб, унинг кўлидаги термос ва пиёлани олди. Қиз шуни кутиб тургандек хуркаклик билан биздан икки катор наридаги жигарранг фургон тарафга юрди. Шу лаҳзада кулоғи оркасида ярим ойни эслатувчи кичкина, кизил нори борлигини пайкадим.

Фургон олдидаги ёймада эски китоб ва пластинкалар териб кўйилганди. Орамиз анча узоқ бўлса-да, бозор санжоб бўлгани боис, уни яққол кўра олардим.

– Менинг кизим – Сурайё, – деди Тоҳирий унинг ортидан термулиб қоларкан ва оғир хўрсиниб, бизга юзланди. – Энди менга рухсат.

Генерал биз билан қуюк хайрлашиб, қизининг ортидан кетди. Мен кун бўйи унинг кулранг фургонидан кўз узмай ўтирдим.

Факат кеч кириб, уйга қайтаётганимизда, Тоҳирий фамилиясини қаерда эшитганимни эсладим.

– Ота, генералнинг кизи ҳақида қандайдир миш-мишлар юрармиди? – дея сўрадим Бободан имкон қадар бефарқ оҳангда.

– Мени биласан-ку, – деди отам машина рулини бошқариб бораркан. – Гийбат, миш-миш бор жойдан ўзимни олиб қочаман. Хўш, нимага унга кизиқиб қолдинг? – отам пешойна оша айёрона жилмайди.

– Шунчаки сўрадим-да, – ғудрандим мен.

– Шунақа де? Балки кизи юрагингдан ургандир? – сўради отам мендан нигоҳини узмай.

– Ота, кўйсангиз-чи!

У жилмайиб кўйди. Биз 680-шоссе бўйлаб елиб борардик.

– Шуни биламанки, шўрлик қизнинг ҳаёти бир номардни деб издан чиққан, – деди отам ҳазин товушда. – Уни жуда ақлли, меҳнаткаш киз деб эшитгандим. Ўша воқеадан кейин генералнинг эшигини бирорта совчи тақиллатмади.

...Кечаси билан Сурайё ҳақида, унинг ярим ойга ўхшаган кизил нори, маъсум кўзлари, аянчли қисмати ҳақида ўйлаб, ухлолмай чиқдим. Сурайё! Эски бозордан топган маликам менинг!

XI

Шарқ шоирлари хижрон кечасини Ялдо тунига менгзашган. Бу туннинг машаққати ва изтиробини эса, Сурайёнинг ишқига мубтало бўлгач англадим. Унинг гўзал чехраси, шахло кўзлари мени тинимсиз таъқиб этарди.

Яшанба кунларини орзиқиб кутардим. Мана у, сарғайган китобларни пештахтага тартиб билан тераётир. Мен соатлаб уларнинг дўконидан кўз узмай ўтиришга ҳозир эдим.

Сурайёжон, кора тун зулматини йиртган порлок куёшим!

Кунлар ўтиб борарди. Мен эса, Сурайё билан гаплашиш учун бахона кидирар, гўё шунчаки ўткинчи сифатида унинг дўкони ёнидан ўтиб қайтар, аммо оғиз очишга на журъат, на бахона топа олардим.

Куёшнинг заррин нурларини тўкиб ёз, атрофни хазонрезгига тўлдириб куз, кордан оппоқ пояндоз тўшаб киш ўтди, дарахтлар куртак ёзиб, кўклам нафаси елса ҳам менга тил битмади.

1985 йил май ойининг охирлари. Коллеж имтиҳонларини ҳам бешга топширгандим. Якшанбаларнинг бирида отам билан савдога чиккандик. Кун иссиқ бўлишига қарамай, савдо ҳам қизирди. Қўлимиз қўлимизга тегмасди. Шу чок миямга зўр фикр келди.

– Ота, кун исиб кетди, кола ичиб келай! Сизга ҳам олиб келаман!

– Майли, фақат эҳтиёт бўл!

– Нимага? – ажабландим.

– Нима, сенингча мен аҳмоққа ўхшайманми?

– Тушунмадим!

– Унутма, Тоҳирий тиш-тирноғига қадар пуштун миллатига мансуб. Унинг учун ор-номус ҳамма нарсадан устун. Айникса, сўз унинг оиласи, аёли ёки кизи ҳақида борганда. Ўғлим, ҳаммасини сезиб, билиб юрибман. Менинг бошимни эгиб қўймасанг, бас.

– Ота, хавотир олманг, – дея олдим, холос.

...Тоҳирийнинг кулранг микроавтобуси олдида у бир ўзи савдо қилаётганди. Оёқяланг, этаги узун оқ кўйлақда. Аввалига унинг дўкони ёнидан гизиллаб ўтиб кетмоқчи эдим. Лекин... ўлай агар, қандай қилиб унинг ёнида пайдо бўлиб колганимни билмайман.

– Салом, – дедим кулоғимгача кизариб. – Кечирасиз, генерал-соҳиб йўқмидилар?

– Салом, – деди қиз қўлидаги китобдан бош кўтараркан, кўнғироқ овози билан. – Отам анави ёққа кетди, – қиз билагузукларини жаранглатиб, қўли билан ўнг тарафни кўрсатди.

– Отангизни зиёрат этгани келувдим, – дедим бошқа баҳона тополмай. – Менинг исмим Амир, шунчаки ким келганини билишингиз учун... Энди мен борай... безовта килдим...

– Йўк, йўк, бемалол, – деди қиз. – Танишганимдан хурсандман.

– Унда... мен бора қолай, – яна шу гапни такрорладим. – Худо хофиз! – Бир кадам юриб, яна тўхтадим – узр, қандай китоб ўқияпсиз?

Нима қиялпман ўзи? Назаримда ҳаммаёқда жимлик. Бозордаги бутун афғонларнинг бутун эътибори бизга қаратилгандай. Гарчи бу ер Америка бўлса-да, атрофни афғонлар ўраб олган. Бизда йигит ва киз ўртасидаги муносабат мутлақо бошқача баҳоланади.

Сурайё бепарволик билан китобнинг муковасини кўрсатди.

– Ўқиганмисиз?

«Яшин водийси». Мен бу асарни ўқигандим. Қимтиниб бош ирғадим.

– Ҳа, жуда ғамгин воқеа.

– Одатда ғамгин воқеалар чиройли асарларга асос бўлади, – деди Сурайё қувлик билан ва қўшиб қўйди. – Эшитишимча, сиз ҳам ёзиб тураркансиз?

Ана, холос! У қаердан эшитдийкин? Нахот отаси айтган бўлса? Ўзи отасидан сўраган бўлиши ҳам ақлга сиғмайди. Бирор одобли афгон қизи отасидан ўзи тенги йигит ҳақида сўрай олмайди.

– Ҳа, истасангиз, хикояларимни сизга ўқишга беришим мумкин! – ўз овозимни аранг танидим.

– Жон дердим

«Жон дердим!»

Шу чок унинг ёнида бир сумка мева кўтарган аёл пайдо бўлди. Мен уни қаердадир кўргандим. Унинг юзларида табассум ёйилди:

– Амиржон, тузукмисиз, мен Жамиламан, Сурайёнинг ойиси. Отангиз яхшимилар?

– Салом, холажон, – дедим ўнғайсизланиб. – Раҳмат, тузуклар!

– Бобонгиз Ғози соҳиб судья эдилар. Биз улар билан узоқроқ қариндош эдик. – Аёл жилмайиб қўйганида, тилла тишлари яраклаб кетди. – Келинг, ўғлим, ўтиринг! Сурайё, қизим, акангга стул опкел! Манави шафтолилардан ювиб кел! Шунақа ширинки, асалнинг ўзгинаси!

Бу табассум ва илтифот мендаги тараддудни хиёл тарқатиб юборди.

– Йўк, раҳмат, отам кутяптилар. Боришим керак!

– Унда шошмай туринг, – аёл бир нечта киви ва икки дона шафтолини қоғоз пакетга солиб, қўлимга тутказди. – Отангизга биздан салом айтинг.

– ...Сен кола опкеламан деб кетмаганмидинг? – отам қўлимдан меваларни оларкан, зимдан термулди. (Жин урсин, кола опкеламан деб кетгандим). Мен ўзимча нимадир деб ғудрандим. – Ўғлим, фақат бояги гапларим эсингдан чиқмасин!

Кейинги олти кун, олти окшом яна мен учун ялдо тунларидек узун туюлди. Ахир мен уни фақатгина якшанба кунлари кўра олардим.

Шу тахлит кунлар кетидан ҳафталар ўтаверди. Мен кизнинг ёнига бориш учун генералнинг қаёққадир гум бўлишини кутардим. Жамила хонимдан ҳайикмай қолгандим. У ҳар гал мени очик чехра билан қарши олар, чой ва кулча билан сийларди. Улар билан Кобул хотиралари ҳақида баҳслашардик. Ана шундай суҳбатларнинг бирида мен Сурайё билан ёлғиз қолгандим. Гап касб танлаш масаласига бориб тақалди. Сурайё ўқитувчи бўлиш истагида эканини айтди.

– Болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қиламан. Онам ҳам Кобулда қизлар мактабида форс тилидан сабоқ берарди. Мен Кобулда тўртинчи синфга бораётганимда, отам уйимизга янги оқсоч киз топиб келди. Унинг исми Зебо экан. У саводсиз эди. Баъзан Эронда яшовчи опасига хат ёзиб беришимни илтимос қилар, опасидан келган хатларни ҳам менга ўқитарди. Бир куни мен унга: «Кел, сенга ўқиш-ёзишни ўргатаман, кейин ўзинг истаганча хат ёзининг, китоб ва газеталарни ўқийинг мумкин», дедим. Зебонинг қувончдан кўзлари чараклаб кетди. Ҳар куни бир-икки соат у билан ошхонада ўтириб, дарс қиладиган бўлдик. Бир йил деганда унинг саводи тўлиқ чикди. У болаларга мўлжалланган китобларни бемалол ўқийдиган бўлди. У мени ҳар гал муаллим деб атаганида таним яйраб кетарди. Бу хитоб менга шундай ёқарди ва мен, катта бўлсам албатта муаллим бўлишга аҳд қилдим. Сиз мени тушуняпсизми?

– Ҳа!

Аслида... уни тушунишга менга йўл бўлсин. Ахир мен ҳам Ҳасанга ўқиш-ёзишни ўргатсам бўларди-ку! Нега шундай қилмадим? У бунга лойик эмасмиди? Аксинча, мен ўз саводимдан уни мазах қилишда фойдаландим. Уни «телба» деб қулганим-чи? Йўқ, мен бориб турган аблахман!

Шу чоқ нимадир эсимга тушиб, сергақландим.

– Эсимдан чиқай дебди, манавини сизга опкелувдим, – чўнтагимдан кистирғич билан бириктирилган бир даста варақни чиқардим. – Ваъда қилганимдек...

– Демак, эсингиздан чикмабди-да, – Сурайёнинг кўзларида севинч учқунлари порлади. Аммо зум ўтмай юзларидаги қувонч қаёққадир ғойиб бўлди. Оркамда кимнингдир шарпасини пайкаб ўғирилдим. Генерал Тоҳирӣй!

– Амиржон, сени кўриб турганимдан бағоят хурсандман. Ижодлар қалай кетяпти?

– Салом, генерал соҳиб, – дедим шоша-пиша. – Раҳмат... мен...

– Бугун ҳаво жуда ажойиб бўлди-да, Амиржон! – Генерал савдо пештахтаси томон ўтаркан, кизи томонга қўл узатди. Сурайё ҳозиргина мендан олган варақларни отасига берди. – Лекин, ҳафтанинг охирига бориб ёмғир ёғармиш.

Генерал варақларни ғижимлаб, бурчакда турган ахлат қутисига иргитди ва елкамга оҳиста қўл ташлади.

– Ўғлим, мен сени жуда яхши кўраман. Виждонли, ор-номусли йигитсан. Лекин, баъзан сендек ёшларни ҳам тартибга чакириб туриш керак. Сенга шунини айтиб қўйишим керакки, биз бозордамиз ва ҳамма бизга қаттиқ тикилиб турибди. Бу ерда ҳамма ўзича ижодкор, шунақа тўқиб-бичишадики... – Тоҳирӣй беозор қулимсиради. – Отанга саломимни етказгин!

Кечкурун отамга ҳаммасини айтиб бердим. (Отам барибир бундан хабар топарди.) Отам бош чайқаб хўрсиниб қўя қолди.

Кейинги ҳафтада отам шамоллаб қолди. Ҳаммаси шамоллаш ва қурук йўталдан бошланди. Борган сари соғлиғи ёмонлашаверди.

Бобонинг доктор ва шифохонага аввалдан тобу тоқати йўқ эди. Бирор марта соғлиғидан шикоят қилиб, дўхтирга борганини эслолмайман.

Орадан бир-икки кун ўтиб, унинг ортидан ювиниш хонасига қиргандим, чанокка қон тупураётганини кўриб, юрагим орқага тортиб кетди.

– Ота, анчадан берими... шунақами?

– Тушликка нима қилдинг, – сўради жавобан.

– Дўхтирга бормасангиз бўлмайди!

Сан-Хоседаги округ госпиталига бордик. У ердаги захил юзли врач рентгенга жўнатди. Бироз ўтиб, ҳамшира бизни унинг кабинетига чақирганида у нималарнидир ёзиб ўтирарди. Кейин тўлдирилган бир варақни узатаркан:

– Рўйхатхонага олиб боринг, – дея буюрди.

– Нима бу? – сўрадим мен.

– Пульмонологик клиникага йўлланма. Отангизнинг чап ўпкасида қорайиш бор. Мутахассис кўригидан ўтиши керак.

– Саратонми? – негадир босиклик билан сўради отам. Этим жимирлаб кетди.

– Бўлиши мумкин, – шифокор яна нималарнидир ёзишга тутинди. – Аввал компьютер томографиясидан ўтказиш керак. Текширувдан ўтасиз, улар икки ҳафтада телефон қилиб, аниқ ташхисни айтишади.

Икки ҳафта-я, айтишга осон! Бу икки ҳафта биз учун қанчалик оғир кечини билармикин? Ноилож, йўлланмани тегишли жойга топширдик.

Ўша кун кечаси билан отамга шифо беришини Яратгандан сўраб чиқдим. Икки ҳафта ўтса ҳам ҳеч ким телефон қилмади. Ўзим бордим. Йўлланмани йўқотишган экан. Яна сарсонгарчилик...

Бизни текшириши керак бўлган доктор асли россиялик эканини эшитган Бобо «қирмайман» дея тўполоқ қўтарди. Уни кўндиришга ҳар қанча уринмай фойдаси бўлмади. Фақат, эронлик Амоний деган пульмонологни топгачгина отам текширишга рухсат берди.

Доктор Амоний қалин мўйловли, сочларига оқ оралаган киши экан.

Янги текширув натижалари чиққунича, яна бир ҳафта қутдик. Натижалар қутилганидан ҳам ёмон чиқди. Доктор умидсиз бош чайқади:

– Отангизнинг умрини қимёвий даволаш орқали бироз чўзиш мумкин, ҳолос. Аммо, даволашнинг имкони йўқ.

– Тушунарли, – бош ирғади отам. – Сизга қатта раҳмат. Менга ҳеч қандай қимёвий даволашнинг зарурати йўқ.

– Ота!

– Амир, – Бобо менга юзланди. – Илтимос, одамлар олдида мени шарманда қилма! Аллоҳнинг иродаси!

Генерал Тоҳирӣ «башорат» қилган ёмғир икки ҳафта кечикканди. Биз кўчага чикканимизда машиналар гилдираклари атрофга сувни фавворадек сачратиб ўтарди. Отам индамай борарди. Уйимиз эшиги олдида юрак ютиб гап бошладим.

– Ота, балки, кимёвий даволаш...

– Ўғлим, биласан, мен битта гапираман. 22 га тўлдинг. Катта эркак бўп қолдинг. Мен буни аллақачон билганман. Барибир сенга айтишим керак эди. Сендан илтимос, ҳеч кимга оғиз очма! Шов-шув кўтаришни, одамларнинг менга раҳми келишини истамайман.

Нима ҳам қила олардим?

Кунлар яна ўз оқимида оқа бошлади. Бобом ҳеч нарса бўлмагандек мол йиккани мен билан шаҳарма-шаҳар кезар, бозорга қағнарди. Бу кунлар бизни муқаррар ва мудҳиш ҳақиқатга тобора яқинлаштириб борарди.

Бора-бора шанба кунлари мол йиғишга ўзим чиқадиган бўп қолдим. Отам фақат мен билан бозорга чиқар, таниш-билишлар отамни кундан-кунга озиб бораётганини кўриб, «парҳез яхши наф бераптими» деб қўйишарди. Кун сайин шўрликнинг чаккалари тортишиб, териси осилиб, ранги сарғайиб, чўпдек озиб борарди.

Совук кунларнинг бирида отам оғирлашиб қолди.

Отамнинг бошига етиб келганимда, оёқ-қўлларини типирчилатиб ётарди. Бир зумда атрофимизни одамлар ўраб олишди. Отам безгак тутгандек тинимсиз қалтирарди, оғзидан қон аралаш кўпик кела бошлаганди. Чинқирганча «Тез ёрдам» машинаси етиб келди.

Ўша окшом отамнинг бошида ўтириб тонг оттирдим.

Эртаси куни госпиталь қабулхонаси таниш-нотаниш афғонларга тўлиб кетди. Улар бирма-бир палатага кириб, отамнинг аҳволини сўраб кетишарди. Отам анча ўзига келиб қолганди.

Тушга яқин генерал хотини ва қизи билан кириб келди. Сурайё билан нигоҳларимиз бир лаҳзагина тўқнашиб кетди.

– Сизга нима бўлди, биродар? – сўради генерал отамнинг қўлини эҳтиёткорлик билан сиқаркан.

– Сизни овора қилиб қўйганимдан хижолатдаман, – капельницага кўз кирини ташлаб, синик жилмайди отам. – Келиб кўнглимни шод этдингизлар.

– Қўйсангиз-чи, биродар, – генерал менга ўғирилди. – Амиржон ўғлим, агар нима керак бўлиб қолса, бизга айтарсан. – Унинг овозидаги оталарча ғамхўрлик оҳангидан кўнглим эзилиб кетди. Томоғимга нимадир келиб тикилди. Кўз ёшимни уларга сездирмаслик учун қабулхонага чиқиб кетдим.

Кўп ўтмай, эшик оҳиста очилиб, Сурайё пайдо бўлди. Эғнида кулранг свитер, жинси шим, сочлари елкаси билан битта қилиб ёйилган. О, қанийди ҳозир унинг кучоғига сингиб кетолсам!

– Амир, жуда таассуфдамиз, – деди у ширин овозда. – Биз отангинг тоби йўқлигини билгандик. Аммо, бунака касаллигини...

– Отам ҳеч ким билмасин, деганди.

– Сизга ҳеч нарса керакмасми?

– Йўқ, – дедим жилмайишга уриниб. У менинг кўлларимдан тутди. Бутун баданим бўйлаб самовий ҳарорат ёйилди.

– Сурайё, сиз, бора қолинг... яна тунов кунгидек отангиз келиб қолмасин. Келганингиздан қанчалик хурсанд эканимни тасаввур ҳам этолмайсиз.

Икки кун ўтиб отамга рухсат беришди. Ҳар қанча кўндиришга уринмай, отам кимёвий даволаш курсларига рози бўлмади. Уни ўзи совға қилган «форд» машинада олиб кетдим.

Ўша куни диванда, бир боғ ўтиндек қуруқшаб қолган отамнинг ёнида ўтириб, овқатлангирдим.

– Ота, айтинг, яна нима қилай?

– Ҳеч нарса керакмас, болам. Балки, сенга бирор нима керакдир?

Отамнинг чўкиб қолган кўзларида таниш айёрона ифода порлади.

– Ота, агар йўқ демасангиз... генералнинг кизини... сўраб кўрасизми?

Бобонинг юзларида анчадан бери кўрилмаган табассум жонланди.

– Ўғлим, қароринг қатъийми?

– Қатъий, ота!

– Телефонни олиб бер!

Отам зарур рақамни териб, гўшакни кулоғига тутди.

– Ассалому алайкум, Жамила хоним тузукмисиз? Раҳмат, шукур! Генерал соҳиб уйдадилар? Раҳмат! – орадаги сўзсизлик ичида отам менга киё боқиб, кўз қисди. – Ассалому алайкум, генерал соҳиб, раҳмат, тузукман. Эртага бир юмуш билан хонадонингизга борсам, қабул қиласизларми, дегандим? Лаббай? Соат ўн бирларда! Ташаккур, худо хофиз!

Отам дастакни иларкан, дафъатан менга қараб, баралла кулиб юборди.

Эртаси куни отамнинг оҳорли, жойрави кийимларини кийишга ёрдамлашдим. Бир пайтлар унинг миқти гавдасидан тўлиб турадиган костюми энди худди хомага илингандек шалпайиб қопти.

Генерал оиласи билан Фримонтдаги афғон маҳаллаларидан бирида яшарди. Машинада отамни унинг уйи ёнигача олиб бордим.

– Уйда бўп тур, – деди отам машинадан тушаркан. – Бир соатларда сенга ўзим телефон қиламан.

Мана, кузатиб турибман, отам ишончсиз қадам билан генералнинг хонадонига кириб бораётир. Ўзининг сўнгги оталик бурчини бажо этиш учун.

Уйимиз қанчалик торлигини ўшанда билдим. Вақт ўтиши мунча қийин бўлмаса? Ошхонага чиқаман, уйга кираман. Нега отам кўнглироқ қилмаяпти. Генерал рад этса-чи? Балки, мен унга ёқмасман.

Телефон жиринглаши билан таҳлика ичида гўшакка ёпишдим.

– Генерал – рози! – Отамнинг бу гапидан турган еримда сакраб тушаёзим. – Лекин, Сурайё сен билан гаплашиб олмоқчи. У ҳозир хонасида.

Бир муддат жимликдан сўнг гўшакдан Сурайёнинг тиник овози янгради.

– Амир! Салом! Отам рози бўлдилар.

– Эшитдим, Сурайё, мени бир оғиз сўзинг билан бахтли эта оласан (уни илк бора сенсирашим эди).

– Факат... биласанми? Сенга бир муҳим гапни айтмоқчиман. Ҳозирнинг ўзида.

– Кулоғим сенда!

– Сен ҳали мен ҳакимда кўп нарсани билмайсан. Орамизда бирор мавҳумлик бўлишини истамасдим, – орага бироз жимлик чўқди. – Биз аввал Виржинияда яшаганмиз. Мен ўшанда 18 ёшда эдим. Бир афғон йигит билан уйдан қочиб кетганман.... У эса, кип-қизил гиёҳванд бўлиб чиқди. У билан бир ойча бирга яшадим. Виржиниядаги ҳамма афғонлар тилидан тушмай қолгандик. Отам, охири бизни кидириб келди ва судрагудек қилиб мени уйга опкетди. Мен ўшанда унга бақирдим, чақирдим. Дунёни бошимга кўтариб йиғладим. – Телефон жимиб қолди. Алоқа узилдимикин деб ўйлагандим, йўқ, у йиғлаётган экан. – Менинг бу шармандали ишимдан онамнинг ўнг юзи фалажланиб қолган экан. Бечора онам? Мен аҳмокни деб... Кейин биз Калифорнияга кўчиб келдик.

– Ҳозир отанг билан муносабатингиз қандай? – сўрадим юрак ютиб.

– Отам билан ҳар доим гапимиз бир жойдан чикмаган, – деди Сурайё бурун тортиб, – бироқ, мен ундан миннатдорман. У бўлмаса, мен ўлиб кетардим.

Ўшанда қай аҳволга тушдим? Ахир мен ҳали аёл кишининг кучоғини кўрмаган мужаррад эдим. У эса... Аммо, нима бўлганда ҳам, мен қароримни ўзгартирмадим. Мен уни бахтсиз ўтмиши учун айблай олмасдим.

– Сиз... яна ўз фикрингизда қоласизми?

– Сурайё, – дедим овозим титраб. – Илтимос қиламан, менга турмушга чик!

Сурайёнинг ўксик йиғисидан гўшак ҳам титраб кетгандек бўлди.

Унга ҳавасим келди. У ўз сирини очиб, кўнглини бўшатиб олди. Энди уни ҳеч қачон виждон дарди қийнамайди. Мен-чи! Ҳасанга қилган ноҳақликларим, уни мараз Асефнинг қўлида хўрланишига йўл қўйганим, буям етмагандек унинг гарданига тухмат тамғасини босганим, ота-болани қирқ йиллик кадрдон уйдан қувганим ҳақида кимга арз эта оламан, кимга?

XII

Тўйимиз барча афғон расм-русумлари асосида ўтди. Отам Фримонтдаги бир афғонга тегишли ҳашаматли ресторани ижарага олди. Тўйимизга атроф-жавонибда яшайдиган афғон борки, барчаси таклиф этилди. Кўни-қўшнилар ҳам жам бўлишди.

Нихоят окшом чўкди. Бизни гўшангага кузатиб қўйишди. Ўша окшом мен илк бор... илк бор аёл тафтини, аёл хароратини ҳис этдим. Табиат аёл зотига бахш этган бетимсол нафосат ва назокат лаззатини тота олдим...

Қизик, Ҳасан ҳам уйландимикин? Ҳозир унинг ҳам кучоғида бирор нозанин тўлғонаётганмикин? Унинг сочларини қай париваш эркалаб силаётган бўлса?..

...Сурайё хонадонимизга файз олиб кирганди. У энди отамга ҳам худди ўз падари бузрукворидек ғамхўрлик кўрсата бошлаганди. У хар куни эрталаб отамга нонушта тайёрлар, ётиш-туришига кўмаклашар, кийимларини ювар, газеталар ўқиб берар, Бобо ёктирган афғонча шўрва тайёрлар, хар куни уйимиз атрофида сайр қилдирарди.

Кунларнинг бирида уйга эртарок келганимда Сурайё ниманидир отамнинг адёли остига яширганини пайқаб қолдим. Кела солиб, адёл қатига қўл суқдим. Бу ўша, туғилган кунимда Раҳимхон совға қилган блокнот эди. Мен ҳамма ҳикояларимни шу блокнотга ёзиб борардим.

– Бунака ажойиб ҳикоялар битишингизни билмаган эканман.

Отам ёстикдан аранг бошини кўтарди:

– Блокнотингни мен бердим унга! – Томоғимга яна нимадир тикилиб, хонадан ўкдай учиб чиқдим.

...Ярим окшомда отам бизни ёнига чақирди. Хар иккимизнинг пешонамиздан ўпди.

– Дорингизни олиб келайми? – сўради Сурайё тавозе билан.

– Шарт эмас, – отам синиқ жилмайди. – Бугун ҳеч қаерим оғримаяпти.

– Яхши дам олинг, – Сурайё унинг устини оҳиста ёпиб қўйди. Бобо оҳиста кўзларини юмди ва қайтиб очмади.

...Хэйворддаги масжиднинг олдида машина тўлиб кетганди. Атроф-жавонибдаги афғон борки, бари отамнинг жанозасига тўпланди. Мен эшик олдида, генерал Тоҳирийнинг ёнида бел боғлаб, қўл қовуштириб турар, келганлар бирма-бир таъзия билдириб айвон томонга ўтишарди. Уларнинг кўпини танимадим. Лекин улар отамни танишаркан. Уларнинг хар бири отам ҳақидаги илик гапларни айтиб, унга Яратганнинг раҳматини тилашарди.

Уларнинг назарида мен ўша инсоннинг ўғли эдим, холос, бошқа ҳеч ким эмас. Бобо энди йўқ. Энди ким менинг бошимни силайди? Ким менга тўғри йўл кўрсатади? Энди мен унингсиз қандай яшайман. Мени нега ташлаб кетдингиз отажон? Мен бу мудхиш воқеликни алланечук карахт алфозда кузатиб турардим.

Отамни қабристоннинг мусулмонлар қўйиладиган қисмида дафн этишди. Одамлар оҳиста таркала бошлашди. Мен отамни кимсасиз қабристонда, тупроқ остида ёлғиз ташлаб, ортимга қайтарканман, хўнграб юбордим...

Вакт яна ўз окимида давом этарди.

Мен вақт ўтиши билан Тоҳирийлар хонадони билан боғлиқ кўп нарсаларни билиб олдим. Масалан, генералнинг мигрень касали билан оғришини, баъзан дард хуруж қилганида кун бўйи қоронғи хонасида камалиб ўтиришини ҳам кейин билдим. Бундай пайтларда ҳеч ким уни безовта қилолмас экан.

Сурайёнинг айтишича, у эсини танигандан бери генерал ва Жамила хоним алоҳида хоналарда ётишаркан.

Яна шуни билдимки, генерал оиласини асосан давлат томонидан ажратиладиган ёрдам пули эвазига боқар, эски бозорга эса, шунчаки вақт ўтказиш, афғон танишлари билан чакчаклашиш учунгина чиқаркан. Генерал эртами-кечми Афғонистон озод бўлишига, у ўз юртига оиласи билан қайтиши, яна аввалгидек юкори лавозимлардан бирини эгаллашига ишонарди. Қайнонам Жамила холанинг бекиёс даражада гўзал овози борлиги, халқ кўшиқлари, мумтоз ашулаларини маромига етказиб қуйлашини ҳам кейинроқ эшитдим. Бирок, генерал мусикани, санъатни ёқтирса-да, аёлининг бошқалар олдида кўшиқ айтишини умуман истамас экан.

Қайнонам мени ўз ўғлидек кўрарди ва буни мендан яшириб ҳам ўтирмасди. Ҳатто эрига айтишга журъат этолмаган гапларни ҳам мен оркали етказарди. Сурайёнинг айтишича, миясига қон қуйилгач, унинг саломатлиги анча ёмонлашиб қолганди.

Жамила хола турли гап-сўзларга сабаб бўлган кизини никоҳимга олиб, бу бадномликдан уларнинг оиласини қутқазганим учун ҳам мендан миннатдор эди.

Қуларнинг бирида Сурайё менга Виржинияда юз берган нохуш воқеани ҳам гапириб берди.

Ўшанда Сурайёнинг яқин қариндошларидан бири Шариф амакининг кизининг тўйидан чиқиб келаётгандик. Йўл-йўлакай Сурайё йиғлаб келди.

– Мен... сизга муносиб эмасдим, – деди у ўзини тўхтата олмай. – Ахир сиз ҳам шундай, ҳали чимилдиқ кўрмаган, ифбатли, боқира кизга уйланишингиз мумкин эди. Мен... мен...

Мен унинг ёноқларини ювиб оқаётган кўз ёшларини қафтим билан артдим.

– Сизга ҳаммасини айтмагандим. Ўша куни... отам бизни топиб келди. Қўлида милтиқ. Ўша... йигитга: «Милтиғимда иккита патрон бор, биттаси сенинг, иккинчиси менинг умримга нукта қўяди», деб айтди. Ўшанда... оғзимга келган гапларни айтдим, додладим, бақириб-чакирдим. Унга... ўз отамга ўлим тиладим. – Сурайё ҳамон тинимсиз йиғларди. – Ўз отамга! Отам индамай қўлимдан тутиб, олиб чиқиб кетди. Уйда онам мени кўз ёш билан қарши олди. Мени кучоклаб туриб юм-юм йиғлади. Нимадир демоқчи бўлар, лекин мен унинг гапларига тушунмасдим. Ҳа, менинг йўқолишим онамга қаттиқ зарба бўлганди. Унинг нутқи ҳам алланечук тушунарсиз бўлиб қолганди.

Шунда отам мени ётоғимга олиб кирди-да кўлимга қайчи тутказиб, сочимни тагидан киркишни буюрди. Унинг амрини бажаришдан бошқа чорам йўқ эди. Бир неча ҳафта уйдан ташқарига чиқолмадим. Кўчага чикканимда эса, ҳамма менга кўлини бигиз килиб кўрсатаётгандек бўлаверарди.

Бу гаплар бундан уч йил аввал, уч минг чақирим олисда юз берганди. – Сурайёнинг ёшли кўзларида негадир табассум жилваланди. – Отангиз совчи бўлиб борган куни, сиз билан телефонда гаплашганимда, бунақа бадном кизга уйланмайсиз, деб ўйлагандим.

– Ахир, мен бундай ўйлашим мумкин эмасди.

– Мен қанчалар бахтлиман. Сиз мен таниган афғонларга умуман ўхшамайсиз.

У кучоғимга сирғалиб кирди. Унинг нам ёноқларига охиста лаб босдим.

Бобонинг ўлимидан сўнг биз Сурайё билан бир хонали квартирага кўчиб ўтдик. Отамнинг микроавтобусини сотиб юбордим ва эски бозордан тамоман қадамимни уздим. Бироқ, ҳар жума куни отамнинг қабрини зиёрат қилишни қанда қилмасдим. Кўпинча отамнинг қабри устида Сурайё олиб келган янги гулдасталар турарди.

Ёзда Сан-Хосе университетига ўқишга кирдим. Ўқишдан сўнг, мебель дўконига қоровул бўлиб ёлландим. Ҳамма ишдан кетиши билан мен қоровулхонадаги диван устида ястанганча китоб мутолаа қилар, дарс тайёрлар, ижод қилардим. Дастлабки романимни ҳам шу ерда ёза бошладим. Кейинги йили Сурайё ҳам шу университетга, отасининг истагига қарама-қарши ўларок, педагогика йўналиши бўйича ўқишга кирди.

1988 йили, шўравийлар Афғонистонни тарк этишидан бир йил аввал мен илк романимни ёзиб битирдим. Унда воқеалар Кобулда, ота ва ўғил ўртасида бўй берганди.

Мен ушбу асаримни чоп этиш бўйича ўнлаб нашриётларга маълумотнома жўнатдим. Ниҳоят Нью-Йоркдаги нашриётлардан бири асарнинг тўлиқ матнини юборишимни сўради.

Олти ҳафта ўтиб, Нью-Йоркдан Мартин Гривнолт исмли киши телефон қилиб, асар чоп этилишини, унинг ўзи менинг муаллифлик ҳуқуқимни ҳимоялашга масъул эканини айтди. Бу бизнинг оиламиз учун жуда ҳам қувончли воқеа бўлди.

Сурайё кўзига ёш олиб, мени кучоқлади:

– Қанчалик хурсандлигимни билсангиз эди. Афсуски, амаким бу кунларни кўра олмадилар.

Рост, отам бу кунни кўрганида борми? Ахир у менинг келажагим, истикболим учун ўз ватанидан, ўтмишидан воз кечмаганмиди?

Шу онда Раҳимхоннинг қачонлардир айтган гаплари ёдимга тушди: «Ўғлим, ҳали сен буюк ёзувчи бўласан. Сенинг асарларингни бутун жаҳон ўқийди».

Ха, тақдир менга чинакам тухфа ато этганди. Аммо, мен бунга лойиқ эдим-ми?

Кейинги йилнинг ёзида китобим нашрдан чикди. Нашриёт мени бешта шаҳар бўйлаб китобнинг тарғибот сафарига жўнатди. Мен америкалик афгонлар орасида ҳақиқий юлдузга айланаёздим.

Мен бахтли эдим. Фақат бу бахтнинг тўқислиги учун бир нарса етишмасди. Фарзанд! Ҳар гал ота бўлиш ҳақида ўйласам юрагимни аллақандай ҳаяжон ва ҳатто қўрқув чулғаб оларди. Мен худди Бобо сингари ота бўла олармикинман? Қанийди?

Вакт ўтиб борарди. Сурайё билан ҳар ой бирор янгиликдан умид кутардик. Вакт ўтгани сайин Сурайёнинг умидлари сўниб, тушкун, жиззаки аёлга айлана борди. Жамила хола ҳам авваллари эҳтиёткорлик билан бу хусусда гап кистирган бўлса, эндиликда очик-ошкор буви бўлиш орзуси ушалмаётганини баралла айта бошлади. Гарчи генерал бу хусусда оғиз очмаса-да, унинг қарашларидан нигоронлик аломатини сезиш кийин эмасди.

Ана шундай рутубатли кунларнинг бирида Сурайёга таскин бердим:

– Яна бироз кутайлик. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Яна қанча кутамиз? Нега бундай бўляпти? Мен бошқа кутолмайман, Амир!

– Бўпти, дўхтирга борармиз, – дея уни тинчлантирган бўлдим.

Розен фамилияли шифокор ҳар иккимизни пухта текширувдан ўтказди. Мен-ку дастлабки текширувдан яхши ўтдим. Менда ҳеч бир муаммо чикмади. Аммо, Сурайё... Уни бир неча бор текширувдан ўтказишди. Пешоб таҳлили, қон таҳлили, яна алламбалолар! Ҳамма хулосалар билан танишиб чиққан Розен умидсиз бош чайқади. Тиббиётда камдан-кам учрайдиган бундай ҳолат «сабаби ноаён бепуштлиқ» деб номланаркан. Ўргилдим сендақа шифокордан. Сабабини билмасанг, нима қилиб ўтирибсан бу ерда?

Шунда ҳам бизга бир кучок дори ёзиб берди. Хуллас, Сурайё ҳам, унга қўшилиб мен ҳам даволанишнинг турли йўллариини бошимиздан кечирдик. Ҳеч қандай наф бўлмагач, Розен сунъий уруғлантиришни таклиф этди. Аммо бунинг учун жуда катта харажат талаб қилинаркан.

Биринчи романимдан олинган аванс пулини айнан шу ишга сарфладик. Ҳар қалай мусулмон эркак киши учун аёли билан қанчадан-қанча номаҳрам ҳақимлар кўригидан ўтиш, жинсий ҳаёт билан боғлиқ гапларни уларнинг муҳокамасига ташлаш... жуда оғир бўларкан. Ва ниҳоят, қанчадан-қанча нохуш амалиётлар сўнгида яна доктор Розен қабулига қайтдик. Бу гал доктор столни черта туриб, илк бора «фарзандликка олиш» хусусида сўз очди.

Бу 1991 йилнинг март ойида содир бўлганди.

Ўша куни Сурайё йўл-йўлакай йиғлаб келди. Шу ҳафтанинг охирида биз қайнотамникига бордик ва сўнгги янгиликларни гапириб бердик. Дастурхон

устидаги бу галги учрашувимиз унча кўр емади. Қайнонам пишириб келган балиқнинг хушбўй хиди ҳам иштахамизни китиклай олмади.

– Болаларим, бола асраб олиш... биз афгонларга тўғри келмайди, – ниҳоят генерал ўз мушоҳадасини билдирди. – Бир кунмас бир кун бола ота-онам деб билгани бегона бўлиб чиққанини англаса, қагтик руҳий зарбага дучор бўлади. Барибир қон тортади, деган гап бор. Бегона бола ўз ота-онасини кидириб кетади. Бизнинг халқимиз киз беришда, келин туширишда етти авлодни бекорга суриштирмайди. Сизлар асраб оладиган бола кимнинг зурриёди, отаси ким, онаси ким, валади зиноми, бошқами, қаердан биласизлар?

– Бўлди, бу ҳақда бошқа гапиришни ҳам, эшитишни ҳам истамайман, – куруқкина қилиб лукма ташлади Сурайё...

Сурайё ҳам, генерал ҳам бола асраб олишга рўйхушлик беришмади. Мен ҳам насли-насабни номаълум болага оталик меҳримни беришим лозимлигини ўйласам, музлаб кетардим. Аммо, начора, тақдир ҳукмига бўйсунмай иложим йўқ эди. Балки бу қилган гуноҳларим эвазига берилган жазодир?

Бир неча ой ўтиб, иккинчи романим учун аванс пулини олдим ва уй учун биринчи бадални тўладим. Сан-Францискодан олинган бу уй бироз эскирок бўлса-да, икки кишилиқ оила учун барча шароитлари муҳайё эди.

Кечалари алламаҳалгача Сурайёнинг ёнгинасида очик деразаларнинг гичирлаши, чирилдоқларнинг ноласини эшитиб ётар ва шу аснода фарзандсизлик аталмиш мусибатни бутун моҳияти билан англагандек бўлардим. Мана ўша мусибат, у ҳар доим биз билан бирга, қувонч ва андуҳимизга шерик... Тунлари ҳам худди қўндокдаги боладек иккимизнинг ўртамизда ётади...

XIII

Июль, 2001 йил.

Мен телефон дастагини қўйгач, бир муддат жим қолдим. Фақат Афлотуннинг овозидан хушимни бир жойга тўпладим.

– Нега рангингиз оқариб кетди? – сўради Сурайё Афлотуннинг устини адёл билан ўраб қўяркан.

Сурайё олти йилдирки мактабда дарс берар, кечқурунлари ўқувчиларининг дафтарини уйга олиб келиб, текширарди. Бир неча йил олдин сотиб олинган кокер-спаниел зотли итимизга генерал қадимги юнон файласуфининг номини берганди.

Ўтган ўн йил ичида Сурайё анча тўлишди. Бакбақалари ҳам осила бошлаган, сочлари орасида оқ толалар пайдо бўлганди. Бироқ у мен учун ўша-ўша – хуснда тенгсиз малика эди.

– Покистонга кетишим керак, – дедим енгил тин олиб. – Раҳимхон оғир бетоб экан.

– Ҳалиги... амакимнинг дўстларими? – хавотир аралаш сўради Сурайё. Мен унга болалик хотираларим, Ҳасан ва Али, Раҳимхон ҳақида кўп гапириб бергандим.

– Бормасам бўлмайди. У болалигимда катталар орасида биринчи ва содик дўстим бўлган

– Анчага кетасизми?

– Билмадим, – елка қисдим. – У мени зудлик билан кўриши керак экан. Муҳим гапи бормиш.

– Тинчликмикан ишкилиб?

– Хавотир олма, ҳаммаси яхши бўлади, – шундай дедим-у, бироқ, қалбим хавотирга тўла эди. – Бирпас айланиб келмоқчиман.

«Олтин дарвоза» хиёбонини анча пайт сарсари кездим. Хиёбоннинг шимолий чегараси – Спрекельс кўли соҳилидаги ўриндиклардан бирига хорғин чўқдим. Ана, сал нарида бахтиёр ота ўғилчаси билан копток ўйнапти. Осмонда эса, қирмизи варраклар эркин парвоз этмоқда.

Мен кўзларимни юмганча, ҳозиргина мен билан телефонда гаплашган Раҳимхоннинг киёфасини кўз олдимга келтиришга уриниб кўрдим. Мана, унинг махзун, меҳрибон чехраси... Менимча, у ҳаммасидан хабардор, машъум варрак воқеаси, Асефнинг маразлиги, Ҳасанга қилинган тухмат... ҳаммасини билади.

«Ўғлим, сен ўзингнинг қанчалик мард ва ориятли эканингни кўрсатадиган вақт келди».

Ҳа, Раҳимхон худди шундай деди.

Уйга қайтсам, Сурайё онаси билан телефонда гаплашаётган экан.

Икки йил илгари генерал йиқилиб белини синдирган, ўшандан бери тўшакка михланиб қолди. Унинг иссиқ-совуғидан Жамила хола эртаю кеч бо-хабар эди. Эндигина генерал хотинининг кўмагида ташкарига чиқа бошлаганди. Баъзан Сурайё отасини кўргани бориб, уни сайр қилгани олиб чиқарди.

...Ўша куни алламаҳалгача ухлолмай ётдим. Тонгга яқин кўзим илинди. Тушимда Ҳасанни кўрибман. Қобул яқинидаги яйловларда варрак қувиб юрганмиш. Ортидан югуриб етолмасмишман.

...Орадан бир hafta ўтиб, мен Покистон авиакомпаниясининг ҳаво лайнерида булутлар бағрини ёриб, учиб борардим.

XIV

Самолёт ерга қўнганидан уч соат ўтганида, мен таксининг орқа ўриндигида ўтирар, маҳаллий хайдовчи Ғулом Пешоварнинг серкатнов кўчаларидан елиб борарди.

Пешоварда охириги марта 1981 йилда бўлгандик. Шаҳар деярли ўзгармаган. Кўчалар, машиналар, одамлар, пастқам уйлар нимаси биландир менга Қобул-ни эслатарди.

Пешовар университетининг қизил томли биносидан ўтгач, афғон даҳаси бошланади.

– Бу ерда сенинг ҳамюртларинг кўп, – деди Ғулом. – Кимдир ўз йўлини топиб олган, аммо кўпчилиги қашшоқликда кун кечиради.

Раҳимхонни охириги марта 1981 йилда, биз Кобулдан кўчиб кетаётган пайтимизда кўрганман. Ўшанда у бизни кузатишга келганди. Биз АҚШга кетганимиздан кейин ҳам Бобо Раҳимхон билан тез-тез кўнғироклашиб турар, кўпинча гўшакни менга ҳам тутқазарди. Охириги марта Раҳимхон билан отамнинг ўлиmidан кейин гаплашдик. Нохуш хабар Кобулга етиб борган чоғи Раҳимхон мендан кўнгил сўраб сим қокқанди.

Нихоят қўлимдаги бир парча қоғозда битилган манзилни топиб бордим ва эшик кўнғироғини босдим. Эшик очган қоксуяк қарияни даставвал таниёлмадим. Менинг хотирамда қолган барваста Раҳимхондан ному нишон қолмаганди.

Биз анча гурунглашиб ўтирдик. Очик деразадан кўча шовқини ва қуёш нури кириб турар, полга афғон гиламлари тўшалганди. Бурчақда иккита эски курси ва самовар қўйилганди. Ўзим ундан чой қуйиб олдим.

Ғап орасида ўн беш йил аввал уйланганимни кистириб ўтдим.

– Кимга уйландинг? – сўради Раҳимхон қок чимириб.

Айтдим. Раҳимхон қайнотамни ҳам, қайнонамни ҳам яхши таниркан.

– Фарзандлар нечта бўлди?

– Фарзандимиз йўқ, – дедим бош эгиб. Раҳимхон ҳам менга узрли қараб, хўрсиниб қўйди. Орага ноқулай жимлик чўқди. Кейин эса, мавзуни бошқа тарафга бурдик. Мен унга Америкада отам билан кечган кунларимиз, эски бозордаги савдоларимиз, оилам ҳақида гапириб бердим. Тўртта романим чоп этилганини айтганимда, Раҳимхоннинг кўзларида қувонч порлади.

– Тўғилган кунимда менга блокнот совға қилганингиз эсингиздами? Биринчи ҳикояларимни ўша дафтарга ёзгандим.

– Билмадим, – қулимсиради Раҳимхон. – Эслолмаяпман.

Ғап бориб, Афғонистондаги вазиятга тақалди. Бу пайтда толиблар мамлакатни тамомила ўз қаламравига олиб улгурганди.

– Аҳвол ростдан ҳам чатокми, – сўрадим ундан.

– Нимасини айтасан, – деди Раҳимхон. – Толиблар худонинг юборган балоси экан. Улар одамни одам ўрнида кўришмайди. Манавини кўряпсанми? – у чап қоши устидаги чандикни кўрсатди. Ўшанда Ғози стадионида футбол бўлаётганди. Адашмасам, Кобул билан Мозори шариф жамоалари ўйнаётганди. Футболчилар узун иштонлар кийиб олишган, трусида ўйнаш тақикланган. Хуллас, Кобул рақиб дарвозасига гол урди. Ёнимдаги йнгит қувонганидан бакириб юборди. Шу чок рўпарамда 17–18 ёшли, қуролланган толиб пайдо бўлди-ю, сўрамай-нетмай автомат кўндоғи билан башарамга туширди. «Яна бир марта бакирсанг, тилингни суғуриб оламан, қари эшак», –

дея сўкинганча нари кетди. Мен эса, конли юзимни чангаллаб колавердим. Холбуки, мен унинг бобоси тенги эдим... Ана шунақа, болам, – Раҳимхон яна бир марта чандигини силаб қўйди.

У менга Кобулда бошидан кечирганларини бирма-бир айтиб берди.

Биз Пешоварга боришимиздан сал аввал Бобо уйимизни Раҳимхоннинг номига расмийлаштириб кетганди. Отам эртами-кечми Кобулга қайтишимизга ишонарди.

– Нега сиз ўшанда биз билан кетмадингиз, – сўрадим ундан.

– Ватанни ташлаб кетиб бўлмайди, – деди Раҳимхон. Отанг сенинг келажагингни ўйлаб, ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлганди. Мен эса, ўзинг биласан, ёлғизман... Айтганча, Истиклол мактаби ёнидаги кўча эсингдами?

Ҳа, эсимда. Худди шу кўчадан ўтаётганимизда, казармадаги аскарлардан бири Ҳасаннинг онасини ҳақорат қилганди.

– Толиблар Кобулни эгаллаганда ҳамма шу кўчага чикиб байрам қилган, кўшиқ айтиб, ракс тушганди. Чунки, уруш одамларнинг меъдасига урганди. Толибларни ҳамма худди қаҳрамондек қарши олди.

– Ниҳоят тинчлик қарор топибди-да!

– Э, бу тинчлик ниманинг ҳисобига келганини билсанг эди? – Раҳимхонни йўтал тутди. Бечора йўталавериб, букчайиб қолди. Лабларига босган рўмолчасидан қон сизаётганини кўриб, юрагим орқага тортди. Бу манзара мен учун таниш эди.

– Сиз қаттиқ бетобсиз. Фақат яширмай айтаверинг!

– Ҳа, менинг куним битган, – Раҳимхон яна йўталишга тушди. Кейин аввал қонталаш лабини, тер босган пешонасини артди. – Ёзгача етаманми-йўкми, билмадим.

– Мен сизни Америкага олиб кетаман, – дедим унга. – У ерда яхши врачлар бор. Ҳозир тиббиёт анча ривожланган. Ҳар қандай касалнинг давосини топишяпти. – Мен йиғлаб юбормаслик учун тез-тез гапирмоқда эдим.

– Сен ҳақиқий америкаликка айланибсан, – деди Раҳимхон бироз ўзини қўлга оларкан. – Ҳа, Американи Америка қилган ҳам айнан оптимизм. Биз афғонлар эса, жуда тажанг халқмиз. Фақат зорланишни ва тақдирга тан беришни биламиз. Зиндаги меғузарад деб қўяверамиз... Қўй, болам, энди яшаб ниманиям кўрардим. Яратганнинг иродасига қарши бориб бўлмайди. Мен сени бу ерга фақат видолашиш учун эмас, жиддий бир гапни айтиш учун чақирганман.

– Қанақа гап?

– Мен отангнинг уйида шу пайтгача яшаб келганимни биласан-а?

– Ҳа!

– Мен бу ҳовлида ёлғиз яшамадим. Ҳасан мен билан бирга эди.

Ҳасан! Мен бу исми анчадан бери тилга олмагандим. Яна бирданига виждонимда оғрик турди. Атрофимдаги ҳаво куюклаша бошлади. Нафасим қисилди.

– Мен аввалига бу ҳақда сенга ёзиб юбормокчи эдим. Аммо, сен буни билишни истайсанми-йўқми, менга қоронғи эди. Сендан бир нарсани катъий илтимос қилмокчи эдим. Фақат ундан аввал Ҳасан ҳақида баъзи гапларни айтиб берсам. Эшитасанми?

– Ҳа, – дедим талмовсираб.

У ҳикоясини бошлади.

«1986 йиллар. Бу пайтларда менинг таниш-билишларимдан айримлари ўлдирилган, айримлари мамлакатни ташлаб кетган, қолганлари ҳам ўз ташвиши билан овора эди. Ким билан гаплашишни, қаерга боришни билмасдим. Бутун шаҳар руслар ихтиёрида эди. Қаерга борма, рус аскарлари патрулига дуч келасан. Шунинг учун кўпинча уйдан ташқари чиқмасдим.

Бунинг устига артрит азоб берарди. Баъзан оғрикнинг зўридан белимни кўтаролмай қолардим. Ҳатто уй ишларига ҳам ярамай қолгандим. Мен отанг қайтгунича уйини саранжом-саришта саклашга, сизларга омонатни бус-бутун топширишга аҳд қилгандим.

Отангнинг ўлгани ҳақидаги хабарни эшитишим билан дунё кўзимга қоронғи кўринди. Мен бўм-бўш юрак билан бўм-бўш ҳовлида ёлғиз ўзим яшолмаслигимни ҳис этдим.

Қуларнинг бирида машинага ўтириб, тўғри Ҳазоражотга, Али ва Ҳасанни кидириб йўлга тушдим. Улар бу ҳовлидан ҳайдалганидан кейин, Алининг қайсидир бир амакиваччасининг уйига кўчиб кетишганини отангдан эшитгандим. Бу пайтда Ҳасан 22–23 ёшларга тўлган навқирон йигит бўлиши керак эди.

Яратганнинг инояти билан Ҳасаннинг уйини осонликча топиб олдим. У Бомиеъ яқинидаги қишлоқлардан бирида, пахсадан қилинган девор ортида, томсувоқ уйда яшаркан. Қарасам, ҳовли ўртасида қорамағиз бир эркак бошига оқ рўмол танғиб ер чопяпти. Мени кўриши билан белкуракни итқитиб, мен томон пешвоз чиқди. Бўйи мендан баланд, ўсиб азамат йигит бўп кетибди. Ранги ҳам Бомиеънинг қуёшида анча қорайибди, олд тишлари тушиб кетибди. Аммо, лабининг устидаги билинар-билинемас тиртиқ, мовий, қисик кўзлар ўша-ўша эди.

Қучоқлашиб кўришдик. У мени уйига таклиф қилди. Уйнинг бурчагида оқ юзли ҳазорий аёл кашта тикиб ўтирарди.

– Бу менинг аёлим – Фарзона, – таништирди Ҳасан. Аёл Ҳасанни қанчалар яхши кўриши унинг шундоқкина юз-кўзидан билиниб турарди. Аёл оғироёқ экан.

– Қачон неварали бўламиз? – сўрадим Ҳасандан ҳазил аралаш.

– Насиб этса, шу йили қишда, – қулимсираб ерга қаради Ҳасан. – Агар худо ўғил берса, унга отамнинг исмини қўяман.

– Айтганча, Али кўринмайдими?

Ҳасаннинг юзи бирдан аянчли тус олди. Али ва унинг амакиваччаси – мана шу уйнинг эгаси икки йил аввал Бомӣён яқинида минага тушиб портлаб кетишибди... Амиржон, ҳозир ҳар куни ўнлаб афғонлар шу тахлит аянчли ўлим топмокда. Беихтиёр полиомиелит асорати туфайли бир оёғини аранг судраб босадиган беозор инсоннинг ғамгин чехраси кўз олдимдан ўтди. Биз ва отанг у билан бирга улғайгандик. Эсимни таниганимдан бери Али менинг ёнимда эди. Али оғир касал бўлганида отанг билан тепасида йиғлаб тургандик.

Фарзона шу куни афғонча шўрва пиширди. Тандирда пишган нон билан шўрва яхши кетади. Аммо, Алининг ўлими мени тамоман гангитиб кўйганди. Томоғимдан икки тўғрам нон ўтди, холос. Дастурхон устида Ҳасанга мен билан Кобулга кетишни таклиф қилдим. Уй катта эканини, у ҳам оиласи билан бемалол ёзилиб-яйраб яшаши мумкинлигини айтдим. Эр-хотин бир-бирларига маъноли тикилиб қолишди.

– Уйимиз шундоқкина шаҳарнинг биқинида. Бу ерда кариндош-уруғларимиз кўп. Кечиринг бизни, Раҳимхон оға! Боролмаймиз!

Мен ҳам уни тушуниб турардим. Шу боис ортик кистамадим. Кейин анча гурунглашиб ўтирдик. Сен ҳақингда кўп сўради. Уйландимикин? Ўқишга қирбдими? Болалари борми? Бахтлимикин? Ҳозир ҳам варрак учирармикин?

Дарвоқе, у Бомӣёнда бир форс тили ўқитувчиси билан танишиб, ўқиш-ёзишни ўрганиб олибди. Сенга хат ёзиб беришини айтиб, унга етказишни мендан илтимос қилди. Унга отангнинг ўлимини айтганимда юзларини бекитганча хўнграб юборди. У эрталабгача йиғлаб чиқибди.

Оқшом уларникида тунаб қолдим. Эрталаб Ҳасан хотинини олиб мен билан Кобулга боришини айтди.

– Оға, очиги бизни бу ерга боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ. Биз сиз билан кетамиз. Сизга ўзим қарайман. Уйни ўзимиз тартибга келтириб, кўз қорачиғидек асраймиз.

Уларнинг кўч-кўрони машинамнинг юкхонасига бемалол жойлашди. Машина кўзгалгач, Ҳасан то уйи кўздан йўқолгунча машинанинг орқа ойнасидан кўз узмади. Ҳасан Кобулга келишимиз билан ўзининг эски кулбасига кўчиб қирди. Хўжайиннинг уйига киришни истамади.

– Бу уй Амир оғага тегишли. У урушдан кейин Кобулга қайтса, мен унинг уйига кириб олганимни кўрса, нима деб ўйлайди?

Ҳасан отангга аза тутиб, қирк кун қора кийди.

Улар келган кундан бошлаб, ҳовлига файз қирди. Фарзона ҳовлини ҳар куни эрталаб чиннидай қилиб супуриб чиқарди. Ҳасан уйнинг шикаст-реҳтини тўғирлади. Уйнинг ракета тегиб қулаган деворларини қайта тиклаб чиқди.

Кеч қузда Фарзона ўлик кизча туғди. Фарзонанинг уй бурчагида тикилганча хўнг-хўнг йиғлагани, Ҳасаннинг ўлик чақалоқнинг тангадек юзчаларидан ун-

сиз ўпаётгани кўз ўнгимдан кетмайди. Девор ортида уруш, отишмалар давом этар, отангнинг уйи эса тинч ва беҳавотир туюларди бизга. Кейинги пайтларда кўзим хиралаша бошлади. Ҳасан онангнинг кутубхонасидаги китобларни менга ўқиб берарди.

Тўксонинчи йилнинг бошларида яна Фарзонанинг бўйида бўлди. Ёз ойларида дарвозамиз олдида чачвон-паранжи ёпинган бир аёл пайдо бўлди. Ҳовлига кириши билан тиз чўкканча қотиб қолди. Ундан нима кераклигини сўрадим. У индамай турарди. Ҳатто тик туришга ҳам мажоли йўқдек эди.

– Кимсиз? – дея сўрадим. Аёл кесилган дарахтдек гурсиллаб кулади. Ҳасанни чакириб, аёлни икковлашиб кўтардик-да, меҳмонхонага олиб кирдик. Паранжисини олдик. Қаршимизда тишлари тўкилган, сочлари оқарган, юз-кўзлари қонга беланган бир ожиза ётарди. Юзидаги тиг яраси пешонасидан бошланиб, чап кўзининг устидан иягига қараб чўзилганди.

– Ҳасан қани? – Аёл кўзини очиши билан берган саволи шу бўлди.

– Шу ердаман, – Ҳасан аёлнинг қоксуяк қўлларини қўлига олди.

– Сени кўриш учун қаерлардан келаётганимни биласанми? Сени худди шундай тасаввур қилгандим. Қандай катта йигит бўлиб кетибсан! – У Ҳасаннинг қўлларини ўпди. – Битта жилмайгин, илтимос. – Ҳасан зўрма-зўраки кулимсиради. Аёл эса, йиғлаб юборди.

– Кулишларинг... худди менинг ўзим! Сенга ҳеч ким буни айтмагандир? Ўғлим, мени кечир! Мен ҳатто бир марта бўлсин сени қўлимга олмагандим. Худонинг ўзи кечирсин!

Ҳа, у Санобар эди. 1964 йил ўғлини туғиб ташлаб кетганидан кейин ҳеч ким уни қайтиб кўрмаганди. Амир, сен билмайсан, у ёшлигидан шунақанги сулув аёл эдики, таърифига ҳар қандай тил ожиз қоларди. У кўчадан ўтса, бирор эркак қайрилиб қарамаслиги мумкин эмасди. Ҳозир эса...

Ҳасан унинг қўлларини қўйиб юборди ва уйдан отилиб чиқди. Мен кун бўйи унинг ёнидан жилмадим. Қош қорайганида ҳам Ҳасандан дарак бўлавермади.

– Бекорга қайтиб келибман, – дея афсусланди Санобар. – Кетиб бир хато қилувдим. Келиб яна янглишибман. Ўғлимнинг ярасини янгилабман.

Ҳасан эртаси кун эрталаб кириб келди. У уйнинг орқасида, сизлар ёқтирган тепаликда, анор панасида тонг оттирган экан. Кела солиб, онасининг қўлларини ўпиб кўзига суртди.

– Онажон, йиғламанг, мени кечиринг, сизга итоатсизлик қилдим. Ўз уйингиз, ўз оилангиз. Шу ерда биз билан қолинг! Санобар ўғлини бағрига босди. Ҳаммамиз йиғлади.

Санобар шу кундан биз билан яшай бошлади. Унга биринчи каватдан хона ажратилди. Томорқада етиштирилган сабзавотлар, помидор, саримсоқ, қалампирларни она-бола парваришлар, уларни бозорда сотиб, рўзғор учун бошқа зарур нарсаларни харид қилиб келишарди.

Ҳасан шу пайтгача онаси қаерда бўлгани ҳақида сўрамас, онаси ҳам бу ҳақда оғиз очмасди.

1990 йилнинг декабрида Ҳасан ўғилчали бўлди. Ўшанда қор ёғиб турарди. Санобар жун адёлга ўралган чақалокни кулбадан кўтариб чиққани, унинг қулоғига азон айтганим кечагидек эсимда. Ҳасан ўғлига «Шохнома»даги севимли қаҳрамони Сухроб исмини берди.

Чақалок шунақа ширингина эдики, худди отасининг ўзи дердинг. У бувижониси Санобарнинг жони-дили эди. Кечалари келини ухлаётганида ҳам чақалокнинг бошида ўтириб тонг оттирар, ҳар куни хонада исирик тутатарди.

Сухроб тўрт ёшга тўлганида Санобар оламдан ўтди. Онасининг ўлими Ҳасан учун катта зарба бўлди. Биз уни ҳовлимиз орқасида, тепалик ёнидаги эски қабристонга қўйдик. Жажжи Сухроб эса, «Саса» деб бувисини излайди.

Кейин... ҳокимиятни Аҳмадшоҳ ва Раббоний бошчилигидаги мужоҳидлар эгаллади. Уруш, отишма, портлашлар авжига чиққанди. Эрталаб уйғонган одам кечгача тирик юришига ишонмай қўйди. Қулоқларимиз ўқларнинг чийиллашига, кўзларимиз турли уруш даҳшатларию ўлиқларга қўниқиб кетганди. Фақат бизнинг туман – Вазир Акбархон нисбатан тинчроқ эди. Ҳасан ўғлининг тарбиясига катта эътибор берар, уни ҳайвонот боғига, кинога олиб борарди. Бўш пайтларда рогаткада отишни машқ қилдиарди. Тез орада Сухроб ғирт мерган бўлди-қолди.

Қишда Ҳасан ўғли билан томга чиқиб варрак учирарди. Албатта эски замонлардаги каби варрак мусобақалари кенг миқёсда ўтмаса-да, гоҳ-гоҳида бўлиб турарди. Эсингдами, у ипи узилган варраклар қаерга қўнишини ҳаммадан яхши биларди. Ўша қобилияти хануз йўқолмаганди.

Лекин орадан кўп ўтмай, толиблар варрак учиранишни ман қилишди. Орадан икки йил ўтиб, 1998 йилда Мозори шарифда толиблар ҳазорийларни қўйдек бўғизлашди...

...Раҳимхон ҳикоясини тугатганида анча холдан тойганди. Кўчадан урду тилидаги сўқинишлар, эшакларнинг ханграши эшитилиб турарди.

– Ҳасан ҳалиям бизникида турибдими? – сўрадим ундан.

– Бу сенга, – Раҳимхон менга тўрт букланган хат узатди. Хат ичида полароид плёнкасида туширилган сурат ҳам бор экан. Суратда баланд бўйли, кенг яғринли, одмигина кийинган эркак жилмайиб турар, унинг олдида эса, боши қиртишлаб олинган, баайни Ҳасаннинг болалигини эслатувчи оёқяланг болакай отасидек илжайиб турарди.

Хат форсийда, чиройли ҳуснихатда битилган эди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Мухтарама Амир оғага!

Ушбу хатим Сенга етиб боришини аёлим Фарзона, ўғлим Сухроб билан бирга эртаю кеч Яратгандан сўраб турибмиз. Тез орада хатим сенга етиб боришидан ва сенинг жавобингни олишдан умидворман. Мен Фарзонага,

Сухробга сен хакинда, болалигимиз, бахтиёр дамларимиз, ўйинларимиз хақида завқланиб гапириб бераман. У кунларни энтикиб эслайман.

Амир оға! Сен ва бизнинг бахтиёр болалигимиз ўтган Афғонистон энди йўқ. Бу ер котиллик, биродаркушлик, даҳшат ва қирғин маконига айланган.

Яқинда хотиним билан бозорга боргандим. Фарзона дехқондан картошканинг нарҳини сўради. Дехқоннинг қулоғи оғирроқ эканми, эшигмади. Фарзона қаттиқроқ овозда сўрагани, оломон ичидан бир толиб ажралиб чиқди ва автомат қўндоғи билан аёлимнинг оёғига туширди. Бечора ерга йиқилиб тушди. Ундан «нега бундай қиласан?» деб сўрасам, «вазирнинг буйруғи чиққан, аёллар овозини кўтариб гапирмаслиги керак», дея ўшқирди. Мен хотинимга қўл кўтарган бу маразни бир бало қилишим мумкин эди. Аммо, у ўша заҳоти мени отиб ташлар, хотиним тул, ўғлим етим қоларди. Ахир уларга чекланмаган ҳуқуқ берилган.

Наҳот ўғлим Сухробни ҳам шундай қисмат кутаётган бўлса? Сен ўғлимни кўрганингда эди. Шунақанги иқтидорли. Бизнинг анор дарахтимиз эсингдами? Ҳозир у қуриб қолган бўлса-да, мен учун қадрли. Ҳар кун и ўғлим билан унинг соясида ўтириб, «Шохнома» ўқиб бераман.

Амир оға! Раҳимхон соҳиб оғир касал. Бир неча кундан кейин Покистонга кетмокчи. Ўша ерда яхши врачлар бор деб эшитдик. Ишқилиб яхши хабар билан қайтиб келсин. Кейинги пайтларда ёмон тушлар кўряпман. Стадиондаги қонли қатллар, дорга тортилган бегуноҳ одамлар... Баъзан яхши тушлар ҳам кўраман. Сени жуда соғиндим. Кобулга қачон келасан? Бу ерда сени интизорлик билан кутамиз.

Сени Аллоҳ ўз паноҳида асрасин!

Ҳасан!»

Хатни икки марта ўқиб чиққач, Раҳимхонга юзландим.

– У яхши юрибдими ҳозир?

– Хат ярим йил аввал, мен Покистонга келмасимдан бир неча кун илгари ёзилган. Сурат ҳам ўша пайтларда туширилган. Бир ой ўтиб менга қўшним телефон қилиб, ноҳуш бир янгиликни айтди.

Мен Пешоварга кетганимдан кейин уйимизга толиблар келиб, Ҳасанни сўроқ қилишибди. Бу уйда нима қилишини сўрашибди. Ҳасан бу уйда оддий хизматкор экани, уй эгаси сафардалигини айтибди. Толиблар ҳазорийларга бундай уйларда яшамаслиги лозимлигини айтиб, унга чиқиб кетиш учун бир кун вақт беришибди. Ҳасан уйни эгасиз ташлаб кетолмаслигини айтибди. Шунда толиблар Ҳасанни кўчага олиб чиқишибди ва...

– Йўқ, – негадир бакириб юбордим мен.

– ...Аввал тиз чўктиришибди...

– Йўқ, э худо!

– Кейин пешонасидан отиб ташлашибди.

– Йўўўқ!

– Кейин Фарзона уйдан дод солиб югуриб чикибди.
– Йўўўк...
– Уни ҳам ўша ернинг ўзида отиб ташлашибди.
– Йўк, йўк, йўк,... – телбаларча шу сўзни қайтарар, тилим бошка гапга айланмасди. Теграмни ўлим талвасаси ўраб олган, мен эсам, хануз тирик эдим.
– Уйни толиблар эгаллаб олишди, – хотиржам гапида давом этди Раҳимхон. Уйдагиларни ўзганинг мулкани эгаллаб олганликда айблашди, котилликни эса, ўз-ўзини мудофаа деб баҳолашди. Ҳеч ким эътироз билдиролмади... Ахир иккита фақир ҳазорийни деб ким жонини хавф остига қўя оларди?

– Сухробга нима бўлди? – сўрадим ўзимни аранг қўлга олиб.

Шу аснода Раҳимхонни йўтал тутиб қолди. Юз-кўзлари зўриққанидан кизариб кетди.

– Уни Карте-Седаги етимлар уйига жўнатишибди деб эшитдим, – деди аранг пишиллаб нафас оларкан. – Амиржон, сени бу ерга чакиришдан мақсад фақат ўлим олдидан видолашиш эмасди. Сенга зарур гапим бор. Сен Кобулга бориб, Сухробни топишинг ва бу ерга олиб келишинг керак.

Аввалига унинг гапини у қадар чуқур идрок этолмадим. Чунки хали Ҳасаннинг ўлими ҳақидаги хабар дахшатида ўзимга келолмай турардим.

– Пешоварлик танишларим орасида эр-хотин америкаликлар – Томас ва Бетти Колдуэллар бор. Жуда яхши одамлар. Улар кичик хайрия жамиятини бошқаришади. Асосан афғон болаларини ҳимоялашга мўлжалланган етимлар уйини ҳам очишган. Ўзим кўрганман, улар болаларга жуда яхши ғамхўрлик қилишади. Мен Сухроб ҳақида уларга айтганимда, жон деб қабул қилишларини айтишди.

– Раҳимхон оға, сиз ҳазиллашяпсиз чоғи?

– Болалар тақдири билан ҳазиллашиб бўлмайди, ўғлим. Кобул кўчаларида қаровсиз болалар тикилиб кетган. Сухроб ҳам улардан бири бўлиб қолишини истамайман.

– Оға, бундай пайтда Кобулга бориш камида аҳмоқлик билан барабар.

– Сухроб жуда иқтидорли бола. Биз бу ерда унга янги ҳаёт, янги умид бахш этамиз. У яхши одамлар қуршовида улғаяди.

– Нега энди мен боришим керак Кобулга? Бирортасини ёлласа бўлади-ку! Агар қанча пул керак бўлса, мана мен турибман.

– Гап пулда эмас, Амир, – Раҳимхон сал кизишиб олди. – Мени хафа қияпсан. Мен ўладиган одамман! Мен учун пул ҳеч қачон биринчи ўринда бўлмаган. Нега сени танлаганимнинг боисини ўзинг яхши биласан.

Ҳа, у нимани назарда тутаётганини сезиб турардим.

– Лекин, тушунинг, Америкада менинг оилам, уйим, обрў-эътиборим бор. Кобул мен учун жуда хавфли. Ахир мен жонимни хавф остига қўйиб, аллақайси...

Гапимни йўқотиб қўйдим.

– Бир пайтлар отанг менга сенинг табиатингдан хавотирда эканини айтганди. У сени кўрқокликда, қатъиятсизликда айблаганди. Нахотки у ҳақ бўлса?

Мен кўзларимни пирпиратдим.

– Ўлим олдидан сендан шуни ўтиниб сўрамокчи эдим, – у менинг жон жойимдан тутганди. Хонада сукунат сузарди. Мен эса, гапиришга сўз тополмасдим. Яна ёзувчи эмишман!

– Ҳа, Бобо ҳақ экан, – хўрсиндим нима дейишни билмай.

– Жиддий гапиряпсанми?

– Ахир ўзингиз ҳам шундай фикрдасиз-ку?

– Мен бунақа фикрда бўлганимда сени чақириб ўтирмасдим.

– Сиз ҳамиша мен ҳақимда жуда яхши фикрда бўлиб келгансиз, – ҳаёлчанлик билан бармоғимдаги узукни айлантирдим.

– Сен эса, ўзинг ҳақингда ҳамиша паст фикрда бўлиб келгансан, – хўрсинди Раҳимхон. – Лекин ўртада яна бир гап борки, бу ҳақда сен билмайсан...

– Қанақа гап? – илкис сергакландим.

– Санобар Алининг биринчи аёли эмасди. Унинг биринчи хотини Жохурдан эди. Улар уч йил бирга яшашди. У пайтларда сен ҳали туғилмагандинг. Фарзандсизлик туфайли улар ажрашишди. Кейин ўша аёл хостлик бир кишига турмушга чиқиб, уч киз кўрди.... Сенга айтмоқчи бўлган гапим шу эди.

Мен аввалига ҳеч нарсани тушунмадим.

– Бу гапларнинг менга нима алоқаси бор?

– Али бепушт эди, – тушунтирди Раҳимхон.

– Қанақасига? Ҳасан-чи?

– Алидан зурёд туғилмаган.

– Унда Ҳасаннинг отаси ким?

– Ўзинг ўйлаб кўр, ким бўлиши мумкин?

Назаримда тубсиз жарликка кулаб кетаётгандек бўлдим. Кўз олдимда ҳамма нарса чархпалак бўлиб айлана бошлади.

– Ҳасан билармиди? – титроқ лабларим менга бўйсунмаётган эди.

Раҳимхон кўзларини юмиб бош чайқади.

– Аблахлар, – ўрнимдан ирғиб турдим. – Шунчалик ҳам пасткашлик бўладими? Ёлғончи лўттибозлар!

– Илтимос киламан, ўтир!

– Ахир сизлар бунимендан, ундан яшириб келдинглар?

– Ўзинг ўйлаб кўр. Ахир отангнинг бутун обрўси, шаъни бир пул бўларди. Фиск-фасод кўпаярди. Бизнинг одамларнинг феъли ўзингга маълум-ку!

Раҳимхон менга қараб қўл чўзганида жаҳл билан қўл силтаб ўзимни эшикка урдим.

– Ўттиз саккиз ёшга кирган одам бутун ҳаёти ёлғондан, сохтакорликдан иборатлигини билса қай аҳволга тушади, Раҳим оға? Энди менга тасалли бермоқчи бўласизми? Сизга айтадиган гапим йўқ.

Эшикни зарб билан ёпдим.

Қуёш ботиб борар, уфқ алвон тусга кираётганди. Раҳимхон яшаётган уй ортда қолиб кетганди. Кўчаларда одам қайнар, машиналар, рикшалар бир-бирини қувиб ўтмоққа ошиқарди. Мен эса, ўзимга номаълум бўлган тарафга сарсари кетиб борардим.

Назаримда, узок уйқудан сўнг мутлако бошқа хонада уйғонгандек эдим. Бошқа уй, бошқа мебеллар, бошқа жиҳозлар... Мен йиллар давомида уйғониб кўрадиган одатий манзаралардан олис чекинган эдим.

Кўзим қаерда эди? Ахир далиллар етарли эди-ку! Бобо Ҳасанни пластик операция қилиш учун доктор Кумарни таклиф этиши, янги хизматкор олиш ҳақида айтганимда отамнинг ғазаб отига миниши, Али кетмоқчи бўлганида, отамнинг кўзларидан томган ёшлар...

Официант стол устида бир финжон сутли чой келтириб қўйганида маҳаллий емакхоналардан бирида ўтирганимни англадим. Анчадан бери ичмаганим – сутли чойдан ҳўпларканман, Америкадаги ҳаётим, Сурайё, генерал, Жамила хола, энди ёза бошлаган янги романим бирма-бир кўз олдимдан ўтди. Олдимдан ҳар хил одамлар ўтиб кайтар, қўшни столга такалган транзистордан рубоб садолари янграб, аммо менинг ҳаёлимни ҳеч нарса тўзғита олмасди. Яна ўтмиш хотиралари бош кўтарди. Бобо битирув кечаси менга нима деганди? «Қанийди ҳозир Ҳасан ҳам ёнингда бўлганида!»

Отам қанақасига шу пайтгача мени ҳам, Ҳасанни ҳам алдаб келди экан? Ахир отам ўзи ҳар доим «фақат биргина гуноҳ бор – ўғирлик! Ҳамма жиноятнинг замирида ўғирлик ётади. Ёлғончи ўз дўстининг ишончини ўғирлайди» демаганмиди? Демак, Бобо ҳам ўғри экан. У менинг укамни, Ҳасаннинг отасини, Алининг ор-номусини ўғирлади!

Отам Алининг кўзларига қандай боқди экан? Али ўз шаъни, кадр-киммати топталаётганини, аёли ўз хожасининг тўшагини гуллатаётганини била туриб, бу хонадонда қандай яшади экан? Мен-чи? Шу пайтга қадар отамнинг сиймосида энг мукамал, энг комил инсонни кўрардим-ку!

Олма олманинг тагига тушади, деб бежиз айтишмас экан. Мен ҳар гал ўзимни отам билан қиёслар эканман, ундаги фазилатларни ўзимда топа олмасдим. Энди ўйлаб кўрсам, иккимиз ҳам бир эканмиз. Биз иккимиз ҳам ўзимизга ўла-ўлгунча содик бўлган одамларни сотдик. Уларга хиёнат қилдик. Мана, ҳаммаси учун ҳисоб-китоб қиладиган пайт келди. Мен ўзимнинг ва отамнинг гуноҳларини ювишим лозим. Рост, мен Алини миналаштирилган далага бошлаб бормадим, мен Ҳасаннинг чаккасига милтиқ тираб отиб ташламадим. Аммо, мен ота-болани уйимиздан қувмаганимда, эҳтимол отам уларни ҳам биз билан Америкага олиб кетармиди? Ҳасан ҳам ҳозир ҳамма

эркин, тўқ, фаровон заминда, унинг ҳазорий кавмига мансублиги айбситилмайдиган, кўпчилик ҳазорийлар ким эканини ҳам билмайдиган мамлакатда, ўз уйида, ўз оиласи бағрида яшаётган бўлармиди?

Раҳимхон мени бу ерга чакирмаганида эди! Мен ҳозир ҳаётимни остин-устун қилиб юборган аччиқ ҳақиқат қаршисида мушкул аҳволда қолмаган бўлардим.

«Нима учун сени танлаганимнинг боисини биласан» дедими? Эркак бўлгач гуноҳингни юв, деганими бу? Бунинг учун Қобулга боришим, Сухробни қидириб топишим ва бу ёққа олиб келишим керак.

Рикша ёллаб, Раҳимхоннинг уйига қайтарканман, бояги фотосуратни чиқариб, томоша қилишга тушдим. Ҳасан менга ҳар доимгидек меҳр ва садоқат ила боқиб турарди. Ҳеч ким мени Ҳасанчалик яхши кўрмаган. Унинг ўғли ҳозир Қобулда, менинг йўлимга кўз тикипти.

Раҳимхон жойнамоз устида дуога қўл очиб ўтирарди. У намозни тугатгач, салом бердим ва Қобулга боришга тайёрилигимни айтдим.

– Яратган эгам сени ҳамиша паноҳида асрасин, – деди кекса дўстим кўзига ёш олиб.

Йўл азоби – гўр азоби. Хайбар довонига етиб келгунча бўларим бўлди. Мазам қочаётганини сезган ҳайдовчи йигит – Фарид менга совуққина нигоҳ ташлаб қўйди. Унинг нигоҳларида душманга карагандек рутубат сезиларди. Биз Жамруддан йўлга чиққан бўлсак, у ҳали мен билан тузук гаплашгани ҳам йўқ.

Бу илонизи йўллар, яланг қоялар менга таниш. Бу йўллардан отам билан кўп ўтганмиз.

– Лимон шимасанми? – сўради Фарид. – Кўнглинг айниётган бўлса, ёрдам беради.

– Керакмас, – дедим афтим буришиб. – Ўзи жиғилдоним қайнаб турибди-ю, яна аллақандай нордон лимон шимармишман.

– Бу сенга американинг химикати эмас, халқ табobati. Онам менга айтганди. Узок йўлга чиққанда лимон шимиш керак деб.

– Бер-чи.

У машина ғаладонини очиб яримта лимон чиқарди. Бир бўлагини оғзимга солгандим, ярим дақиқа ўтмай, ўзимни тетик сеза бошладим.

Фарид қорасоч, қоракўз, тор ягринли, бўйни узун тожик йигит эди. У ҳам худди мендек кийиниб олганди: эғнида пахталик ва нимча, бошида устма-уст қўйилган патир нонни эслатувчи қалпок...

Мени Фаридга Раҳимхоннинг ўзи рўпара қилди. Унинг иккита хотини, бешта боласи бор экан. Яна иккита кичкина қизчаси Жалолободда минага тушиб ҳалок бўлишган, ўзининг ҳам бир кўлининг тўртта бармоғи учиб кетган экан. Шундан сўнг оиласи билан Пешоварга кўчиб келибди. Ёши ўттизга бормаган бўлса ҳам қирқдан ошганга ўхшаб кўринаркан.

Пешоварда Раҳимхон менга ҳамма ишларимнинг режасини тузиб, пиштиб берганди. Аввал доллар майдаладик. Кейин афгонларга хос кийим-кечак харид қилдик. Ҳасан ва Сухробнинг расмларини кўпайтириб олдим. Кейин энг асосийси, Пешовар бозорида ясама соқол яшаш билан шуғулланадиган одамдан ўзимга мос соқол ясатиб олдим. Бу одам бир пайтлар европалик журналистларга ҳам шундай соқоллар тайёрлаб берган экан. Чунки айни дамда Афғонистонда соқолсиз юриш ўлим билан баравар.

Мен Афғонистон ҳақида Сурайёга бир оғиз ҳам гапирганим йўқ. Акс ҳолда у биринчи рейс билан бу ерга учиб келган бўларди.

Мана, ниҳоят мен ўз Ватанимда, қашшоқлик, бахтсизлик ила тўлиб-тошган она юртимдаман. Паст-баланд тепалик орасида худди болаларнинг кубикчаларидек бетартиб сочилган кулбалар. Аҳён-аҳёнда увададан ясалган латта копток тепиб футбол ўйнаётган болалар кўзга ташланади. Шўравийлардан қолган эски танклар панасида ўтирган чоллар вайронадаги қарғаларни ёдга солади. Бошдан-оёқ ўраниб олган оёқяланг аёл елкасида кўза билан сув олиб кетяпти.

– Қизик, ўз юртимга сайёҳга ўхшаб келяпман.

– Ҳали сен бу ерни ўз юртинг деб биласанми? – истехзоли илжайди Фарид.

– Менинг болалигим шу юртда ўтган.

– Бир гап айтсам хафа бўлмайсанми? – у жавобимни кутмади. – Менимча, сен ҳашаматли ховлида турардинг. Обрўли хонадоннинг фарзанди эдинг. Икки ё уч каватли қасрингиз бор эди. Отанг чет эл машинасида юрарди. Уйларингда ҳазорий хизматкорлар хизмат қилишарди. Уйингизда казо-казолар меҳмон бўлиб туришарди. Зиёфатлар тез-тез бўлиб турарди. Тўғри гапирдимми?

– Сен... қаердан биласан?

– Ахир ўзинг айтдинг-ку, мен бу юртда сайёҳга ўхшайман, деб. Манави эгнингдаги кийимларни ҳам умрингда биринчи марта кийиб турибсан. Билиб қўй, ҳамиша бу юртда сайёҳ бўлиб яшагансан. Қасам ичаман – Фарид увадага бурканган чоллар, болалар, хароба уйларни кўрсатди. – Мана мен билган Афғонистон. Сен бундай манзаралардан, бундай одамлардан йироқ яшагансан. – Фарид чириган тишларини кўрсатиб илжайди.

Индамадим. Раҳимхон айтган эди: сени ўз юртингда кучоқ очиб қарши олишмайди, шунга тайёр тур деб. Мана, бошланяпти.

– Нима учун келаётганингни ҳам биламан. Отангдан қолган ховлини сотиб, пулини белингга боғлаб, Америкага, онангнинг ёнига қайтмоқчисан.

– Онамни тинч қўй, – овозим титраб кетди. – У мени дунёга келтирган онда омонатини Ҳаққа топширган.

Фарид индамади.

Кечга якин Жалолободга кириб келдик. Биз кечаси шу ерда, Фариднинг акасиникида тунаб қолишга қарор қилгандик. Майин шабада якин атрофдаги шакарқамиш далаларидан ширин бир исни олиб келиб димокка урарди. Яланғоч тераклар ва нураган лойсувок деворлар оралаб, биз пахса уйлардан бирининг эшиги олдига келиб тўхтадик. Уйни оппоқ либосдаги аёл киши очди, Фаридга таъзим ила салом бераркан, менга ётсираб қараб қўйди. Фарид билан изма-из уйга кирдик. Бизни кенг елкали, қалин соқоли ўзига ярашиб турган ўрта ёшли киши қаршилади. Фарид у билан кучоқлашиб кўришгач, бизни таништирди.

– Бу менинг акам – Воҳид! Бу эса, Амир оға, Америкадан.

– Қалайсиз, меҳмон, – у елкамни дўстона қокди. – Қийналмасдан етиб келдингларми?

Биз торгина хонадан жой олдик. Шифтда хира чирок нур сочар, тўрда учта болакай чордана қуриб ўтиришарди.

– Қани, онаси, сен чойга қара. Овқатга ҳам уннаворинглар. Меҳмонлар узоқ йўлдан келишяпти.

Нариги хонадан аёлларнинг овози эшитилди.

– Хўш, меҳмон, Америкада нима иш қиласиз?

– Ёзувчиман, – беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. Ака-ука сирли кўз уриштириб олишди.

– Афғонистон ҳақида ҳам ёзганмисиз?

Мен кизариб кетдим. Тўғриси, бир пайтлар ёзганман, лекин...

– Қачонлардир ёзганман, – дея мингирладим.

– Балки, яна ёзарсиз? Толиблар ҳалқимизнинг, Ватанимизнинг бошига қандай кунларни солганини оламга шоён қиларсиз?

Шу онда бояги аёл чойнак ва пиёла кўтариб кирди. Лаби учган пиёлада қайноқ, ифорли чой ичарканман, танзим яйрагандек бўлди.

– Биродар, бу ерларга келишга сизни яна нима мажбур қилди?

– Ака, нахотки билмасангиз, буларнинг мақсади бир. Келишади. Отасидан олган ҳовли ё боғни пуллашади-да, яна ўзлари жойлашиб олган Канадагами, Мексикагами равона бўлишади. Шу кетганларича коралари ҳам кўринмайди.

– Бас, – Воҳиднинг овозидан уйнинг деворлари зиркираб кетди. – Меҳмонга ҳам шунақа дейдими, аҳмоқ? – Кейин менга юзланди. – Айбга буюрмайсиз, кўрслик бу укамизга қўндоқда теккан касаллик.

– Ўзим айбдорман, – жилмайишга ҳаракат қилдим мен. – Унга келишимнинг сабабини айтмагандим. Мен бу ерга отамдан қолган ҳовлини сотиш учун эмас, бир болани излаб келганман.

Чўнтагимдан кўпайтирилган суратлардан бирини чиқариб унга узатдим.

– Ҳазорий болага ўхшайди-ку, – кўзларини қисиб суратга қаради Воҳид.

– Ҳа, суратдаги йигит боланинг отаси, менинг қалин дўстим эди. Уни ўлдиришган.

– Шу... сизнинг дўстингизмиди? – ажабланди Воҳид.

Барибир тан олишга мажбур эдим.

– Бу йигит менинг ота бир, она бўлак укам бўлади. Жиянимни қидириб топиб, Пешоварга олиб кетаман. У ерда ишончли одамларим бор.

Воҳид суратни кайтариб бераркан, елкамни яна бир карра кокиб қўйди.

– Яшанг биродар, асл афғон мана шундай бўлади. Сиздек мард инсон уйимда меҳмон эканидан фахрланаман.

Ичимда нимадир сикилгандек бўлди.

Кўп ўтмай, бояги аёл биттадан шаппати нон, бир косадан сабзавот шўрва олиб кирди. Димоғимга афғонча шўрванинг ёқимли хиди охишта кириб ўрнашди.

– Айбга буюрмайсиз, овқатга гўшт сололмадик. Ҳозир гўштимизни фақат толиблар ейишяпти.

Унинг сўз ўйини менга хуш ёқди. Кулишиб олдик.

– Бай-бай-бай, мазасини қаранг, – дедим овқатдан бир қошиқ ичарканман. – Ўзларинг-чи?

– Сиз келмасингиздан аввал биз овқатланиб бўлувдик, – деди Воҳид. Биз Фарид иккимиз иштаҳа билан овқатни тушира бошладик. Сочлар киртишлаб олинган болакайлар негадир қўлимдан кўз узишмасди. Кичкинаси каттасининг қулоғига нимадир деб шипшиди. Акаси бош ирғаб қўйди. Назаримда улар қўлимдаги кварц соатга кизикиб қолишганди. Овқатни еб, хонадон бекаси келтирган обдаста ва дастшўда қўл чайганимиздан сўнг, соатимни ечиб, болаларнинг кичкинасига узатдим. Аввалига Воҳид менинг ҳадямни қабул қилишга қарши турди. Кейин индамай қўя қолди.

Болалар таъзим билан ташаккур айтишди, соатни бироз кизиксиниб кўздан кечиришгач, полнинг устига ташлаб кетишди.

– Нега менга аввалроқ айтмадинг, – сўради Фарид хонадон соҳибаси уй тўрида ҳозирлаган жойда шифтга термулиб ётган пайтимизда.

– Ўзинг сўрамадинг-ку, – дедим бедор кўзларимни шифтдан узмай. Фарид мен тарафга ўгирилди:

– Жиянингни топишга ўзим ёрдам бераман, бўптимми?

– Раҳмат, биродар!

Кейин яна хонада жимлик чўқди. Йўл давомидаги толиқиш ўз ишини қилди. Мудрай бошладим.

...Унинг кўзлари боғланган, қўллари оркага қайирилган, тиз чўктирилган. «Амир, мен сен учун ҳамма нарсасига тайёрман», – пичирлайди унинг тиртиқ лаблари. Мутелик билан саждага бош қўймоқчидек гавдасини олдинга эгасди. Унинг чаккасига автомат тиралади. Тепки босилади. Атрофни ваҳимали чинқирик тутати. Бошида қора салла ўраган, соқолли қотилнинг кўзларига

тикиламан ва... даҳшатдан тош қотаман. Мен котилнинг киёфасида... ўзимни кўраман.

Сапчиб уйғондим. Яхшиям бакирмабман. Акс ҳолда мезбонларни ҳам безовта қилган бўлардим. Ўрнимдан сирғалиб ташкари чиқдим. Тиник осмонда юлдузлар чакнайди. Қўл узатсанг етгудек. Баргларини тўка бошлаган дарахтлар баркашдек тўлин ойнинг кумуш ёғдусига чўмилади. Олисдан чирилдоқлар бетиним чириллайди, аҳёнан итлар хуради, дарахт шохларида тунги саболар эркаланади. О, афғон тунлари! Мен илк бор ўз Ватанимга қайтганимни ҳис этиб турибман. Бутун вужудимда ажиб фароғат ҳис этиб, кўзларимни юмганча, пахса деворга суяндим.

Ичкаридан, девор тирқишидан келаётган овозлардан сергакландим. Овоз эгаларидан бири аниқ уй эгаси Воҳид эди:

– Бўлди қиласанми, йўқми, онаси, эзвординг-ку!

– Ахир болалар оч...

– Биз оч бўлсак ҳам, ор-номусимизни еб қўйганимиз йўқ. Ахир у меҳмон-ку! Нима қилишимиз керак эди?

– Эртага уйимизда урвоқ ҳам қолмади. Болаларга нима едираман энди?..

Оёқ учида юриб, уйга кирдим ва кўрпага ўралиб олдим. Кеча болалар нимага қўлимга бунчалик тикилишганини энди тушундим. Оч одамнинг соат билан нима иши бор, бандан нодон?

Биз эрталаб йўлга отландик. Машинага ўтираётиб, Воҳидга меҳмондорчилик учун қуюқ ташаккур билдирдим. Уч ака-ука девор тагида қатор тизилиб турар, энг кичигининг қўлида кечаги соат ялтирарди. Машина кўзгалди. Ота-болалар машина ғилдираклари тагидан кўтарилган чанг ортида қолиб кетди.

Ҳа, айтганча, эрталаб ўрнимдан тураётиб, тўшак остига ўн дона юз долларлик банкнотни жойлаб қўйдим. Худди, 26 йил илгари Ҳасаннинг кўрпаси қатига бир даста пулни яширганим каби...

XV

Машинамиз Жалолобод – Кобул автомагистрали бўйлаб елиб борарди. Бу йўлдан бир неча йил аввал отам билан усти брезент копламали машинада ўтганмиз. Ўшанда отам бизга ҳамроҳ бўлган ёш жувонни шўравий аскарининг зуғумидан асраб қолганди. Урушнинг мудхиш манзаралари йўлнинг ҳар икки томонидан манаман деб кўзга ташланади. Томи учиб кетган, кимсасиз харобалар, эски танк қолдиқлари, портлатилган БТР парчалари...

Фарид кечадан бери анчайин очилиб қолганди. Уни дастлаб кўрганимда умрида кулимсирамаган бўлса керак, деб ўйловдим. Йўқ, бинойидек жилмаяркан. Табассум ёйилганида юзи ҳам бирмунча мулойимлашаркан. У билан дилдан гаплашиб борардик. Фарид бу йўллардан кўп марталаб ўтиб қайтгани

учун, деярли ҳар бир кишлоқдан кимнидир танир, аммо эски танишларидан қай бири ўққа учгани, қай бирови қочқин бўлиб ўзга юртларга бош олиб кетганини афсусланиб ҳикоя қиларди.

– Анави тепалик ортидаги кишлоқда бир уста танишим бўларди. Велосипед тузатарди. Толиблар уни оиласи билан кириб ташлашди. Кишлоқнинг ҳам кулини кўкка совуришди...

Машинамиз култепага айланган кишлоқ оралаб борар, атрофда одам тугул ит ҳам кўринмасди. Моҳипар шаршарасига яқинлашганимизда, Фарид мени огохлантирди:

– Сен билган Кобулдан асар ҳам колмаган. Кўриб таниёлмай коласан!

Билардим. Барибир аҳвол менинг тасаввуримдан ҳам бошқача экан. Ҳа, чиндан ҳам мен билган Кобулдан ном-нишон кўринмайди. Фарид бепарволик билан елкамга қокди:

– Она шахрингга хуш келибсан!

Қаёққа карамай, тош уюмларию тиланчилар тўдаси. Уларнинг ҳам асосийси болалар. Болаларини бағрига босганча, бошдан-оёқ ўралиб олган аёллар ҳам кўп. Эски увадалар орасидан чиллакдек кўлларини чиқариб, «бахшиш» сўрашади. Уруш туфайли эркак зотиға киргин келган кўринади.

Курукшаб колган Кобул дарёси ҳам ортда колди. Карте-Се туманида бир пайтлар энг гавжум саналган Жадди Майванд кўчасидамиз. Кунчиқар тарафда Шердарвоза тоғ тизмаси ястаниб турибди, сал куйирокда Боло Ҳисор қалъаси харобалари. Кўп асрларни кўрган бу обида ҳам ачинарли ҳолға келиб колган.

– Бу кўчада бир пайтлар варракчи Сайфонинг дўкони бўларди, – ўзимча гўлдираган бўлдим. – Шундоқ полиция маҳкамасининг ёнида. Мен ундан неча марталаб варрак сотиб олганман.

– Полиция маҳкамаси-ку, жойида турибди, – синик илжайди Фарид. – Аммо, энди наинки Жадди Майвандда, балки бутун Кобулда битта варрак дўконини тополмайсан.

Кизик, бир пайтлар йўлнинг икки тарафи манзарали дарахтлар билан тўла эди. Энди эса... Ҳаммаёқ чанг, чикиндилар, ақалли бирорта бута кўринса-чи!

Фариднинг айтишича, дарахтларнинг кўпини шўравийлар снайперлар бекиниб олмаслиги учун кесиб ташлашибди. Қолганини кишда одамлар ўтин сифатида кесиб кетишибди.

– Бир пайтлар отам Эскишаҳарда етимлар учун бошпана тиклаганди.

– Биламан, икки йил аввал вайронаға айланган.

– Шу ерда тўхтат, – дедим Фаридға ва машина тўхташи билан ташқариладим.

Ҳавода аллақандай қўланса ис сузиб юарди.

– Нима сасияпти? – сўрадим, бурнимни беркитиб.

– Солярка. Шаҳарнинг катта қисмида электр йўк. Бойроқ одамлар уйларига дизель-генератор ўрнатиб олишган. Факирларнинг уйида эса қорачирик милтирайди, – хўрсинди Фарид.

– Бир пайтлар бу кўчаларда кўзичок гўшtidан пиширилган кабоб хиди уфуриб турарди, – ўз овозимни аранг эшитдим.

– Ҳа, ҳозир қўй гўшти толибларнинг ўзидан ортмаяпти. – Фарид машинасини секинлатди. – Жин урсин, ортимизда патруль ходимлари келиш-япти.

Шу чоқ биз тарафга кизил пикап елдек учиб кела бошлади. Мен толибларни аввал телевизорда, интернетда, газета-журналларда кўргандим. Аммо, уларнинг ўзи билан юзма-юз келмагандим. Мана улар, мендан атиги бир неча кадам нарида. Қизил пикап биздан сал ўтиб, тўхтади. Салонда юзини сокол босган, бошига кора салла ўраган, елкаларига автомат осган толиблар ўтирарди. Машинадан тушган 20 ёшлардаги, соколи ўзига ярашмай турган қоракош ўспирин биз томон келди. Аввал машинамизнинг ичини, кейин бортни кўздан кечирди. Кўзларимиз тўкнашиб кетди. Мунча совуқ карамаса? Соколим сохталигини сезиб қолса-я? Жосус деб ўйлаб, дорга тортишармикин? Худога шукур, оғзидаги носини бир четга тупуриб, нари кетди.

– Эсинг жойидами? – Фарид ранги қув ўчганча менга қараб турарди.

– Нима қилдим?

– Уларнинг юзига тик қараш мумкин эмас. Қоида шунақа! Улар билан юзма-юз келдингми, дарров ерга қараб ўтир.

– Ошнангиз тўғри гапиряпти, кутурган итнинг гашига тегиб бўлмайди.

Эътибор қилмабман, шундоқ ёнгинамизда ифлос салла ўраб олган тиланчи чол турарди. Унинг бир кўзи йўк эди.

– Оға-соҳиб, худо йўлига беш-тўрт танга садақа қилолмайсизми?

– Бас, етар, – чиқ машинага, кетамиз, – енгимдан тортди Фарид. Мен ҳамёнимни кавлаб, юз мингталик афғоний чиқардим. Бу тахминан уч долларга тенг келарди. Пулни чолга узатарканман, қариянинг кўзларини косаси чиккудек бўлиб кетди. У пулни олиш учун менга яқинлашганида, бурнимга анчадан бери сув тегмаган одам танасининг нохуш хиди урилиб, кўнглим беҳузур бўлди. Чол пулни олиб, шоша-пиша белбоғига кистираркан, узундан-узок дуо қилди.

– Узр, Карте-Седаги етимлар уйи қаердалигини билмайсизми?

– Орқага қайтиб, Дориломон хиёбон тарафга ўтасизлар, – деди чол. Эски болалар уйи ракета хужумига учрагач, етимларни ўшакка ошқетишди.

– Раҳмат, – дея ортимга ўтирилганимда, яна чолнинг хастахол товушидан тўхтадим.

– Оға-соҳиб, сиз толибларни энди кўриб турибсиз, чоғи?

Мен индамадим. Қария оғзидаги санокли тишларини кўрсатиб иршайди:

– Булар Кобулга кириб келганида аҳоли қанча хурсандчилик билан кутиб олганди. Ҳамма энди тинчлик бўлади деб ўйлаганди. Э воҳ! «Кэ Эшк осон намуд аввал, вале афтод мушқилхо!» («Кўринди аввал ишк осону, сўнгра тушди мушқуллар»).

– Ҳофиз Шерозийданми, – сўрадим кулимсираб. – Сиз қаердан биласиз бу мисрани?

– Э, ўғлим, мен бир пайтлар Кобул университетидида мумтоз адабиётдан дарс берганман.

– Наҳотки! – ҳайратимни яшира олмадим.

– Филология фанлари докториман, 38 йил талабаларга Умар Хайём, Румий, Жомий, Навоий, Саъдий ижодиётидан сабоқ берганман, – чол яна тишларини кўрсатди. – 1971 йилда Техронда Бедил фалсафаси ҳақида маъруза қилганимда, бутун зал жунбушга келиб қарсақ чалганди.

– Менинг онам ҳам университетда шу фандан сабоқ берган, – дедим энтикиб.

– Ким эди исми?

– София Акрамий.

Чолнинг кўзларида ўт чакнагандек бўлди.

– Сиз Софиянинг ўғлимисиз? – Чолнинг кўзлари намланди. Онангизни яхши танирдим.

Чол билан иккимиз йўл четидаги харсанглардан бирига ўтирдик.

– Онангиз билан бир кафедрада ишлардик. Охирги марта у билан талабалардан имтиҳон олиб бўлгач, факультет ошхонасида бир бўлакдан бодомли пирог еб, бир пиёладан чой ичгандик. Ўшанда айтган гаплари ҳалиям эсимда турибди.

– Нима деганди, – нафасим бўғзимга қадалиб сўрадим.

– Ўшанда, агар адашмасам, у сизга оғироёк эди. «Доктор Расул, мен жудаям кўрқаман», – деди. Нимага, десам, «Мен шу қадар бахтлиманки, бу бахтдан ўзим ҳам кўркиб кетаман, чунки, ҳар бир яхшилик ортидан қандайдир нохушлик бўлади», деганди. – Мен унга тасалли бергандим. Орадан кўп ўтмай... факультетга нохуш хабар етиб келди.

Кизик, отам билан қанча пайт бирга яшадик. Ҳар гал ундан онам ҳақида сўрасам, «онанг бебаҳо аёл эди» деган гап билан чекланарди. Ким билсин, балки ўтмиш хотиралари азобидан кўрққани учун шундай дермиди? Ҳар қалай тиланчи чолдан эшитганим шу икки оғиз гап менга онам ҳақида бир олам таассурот бахш этганди.

– Юр, кетишимиз керак, – яна кўлимдан торткилади Фарид.

Чиндан ҳам вақтимиз оз эди.

– Мен ҳали сизнинг ёнингизга қайтаман, – дедим қария билан хўшлашарканман. – Албатта, ҳали бир гурунг қиламиз!

Қақраб ётган Кобул дарёси қирғоғида, Карте-Сенинг шимолий қисмида жойлашган етимлар уйи пастқам, ёғоч деворлар билан ўраб олинган эди. Му-

ассаса жойлашган худуд, Фариднинг айтишича, урушдан энг кўп талафот кўрган экан. Якин атрофдаги ташландиқ уйлар харобага айланиб улгурган, бутун қолган деворда эса, «Яшасин толиблар!» деган шиор кўзга ташланиб турарди.

Эшикни баланд бўйли, котмадан келган ўрта ёшли киши очди. Эгнида уринган пиджак, бошида кичкина дўппи, узун бурнининг устида ойнаси дарз кетган кўзойнак қўндириб олган, унинг ортидан эса, коп-қора кўзлари йилтираб кўринарди. Салом-алиқдан сўнг, мен унга суратни тутказдим:

– Биз мана шу болани кидириб юрибмиз!

Кўзойнакли киши суратни қўлига ҳам олмай, тезгина жавоб кайтарди:

– Йўқ, мен бу болани танимайман.

– Ҳеч бўлмаса, суратга яхшилаб қарагин, – ўдағайлади Фарид. – Акс ҳолда ёмон бўлади.

Кўзойнакли киши кўрқа-писа расмни қўлига олиб, диққат билан тикилгач, бош чайқади:

– Афу этасиз, мен бу ердаги ҳар бир болани яхши танийман. Лекин бу болани кўрмаганман. Хафа бўлмайсизлар, ишларим кўп эди. – У шундай дея эшикни беркитиб, ичкаридан тамбалади. Мен эса эшикни дўмбира қилиб чертдим:

– Ога, илтимос, эшикни очинг, биз у болага ёмонлик қилмаймиз.

– Биз толиблардан эмасмиз, – эшикка оғзини яқин тутиб гапирди Фарид. – Биз болани хавфсиз жойга олиб кетмоқчимиз.

– Мен Пешовардан келдим, – ялинишда давом этдим мен. – У ерда етим болаларни парвариш қилувчи бир америкалик танишим бор. – Бир оз жим туриб кўшиб кўйдим. – Боланинг исми Сухроб. Мен унинг отаси билан дўст эдим. Отасининг исми Ҳасан, онаси – Фарзона. Бувисини «Саса» деб чақирарди. У ўқиш-ёзишни билади. Рогаткадан ота олади. Мен болани бу кулфатхонадан олиб кетгани келдим. Илтимос, очинг, ога! Мен унинг амакисиман!

Эшик зулфини шиқирлаб, чала очилди ва бояги кишининг қора кўзлари бир менга, бир Фаридга қараб жовдиради.

– Сиз фақат битта нарсда адашдингиз, – деди у менга қараб. – Рогатка отиш бўйича унга тенг келадигани йўқ. У ҳар доим рогаткасини ёнида олиб юради. – Кейин эса ўзини таништирди. – Исмин Замон, етимлар уйи директори. Қани юринглар менинг хужрамга!

Торгина йўлак бўйлаб, ялангоёқ болалар сафини оралаб кетиб борардик. Қия очик турган эшиклардан ичкаридаги ғариб манзаралар кўзга ташланарди. Ерга тўзиган палослар ташланган, парда ўрнида деразага эски газета парчалари ёпиштирилган, айрим темир каравотлар устида ҳатто тузукрок тўшак ҳам йўқ...

– Бу ерда қанча бола бор? – сўради Фарид.

– Икки юз элликтача. Ундан ортиғини қабул қилолмаймиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам етим эмас. Баъзиларининг отаси ўлган, онаси эса ҳеч қаерда ишламайди. Боқолмай шу ерга опкелиб ташлаб кетган. Ҳар қалай корни нонга тўяди-ку, дейишади. Бу бино аввал гилам омбори эди. На иссиқ сув бор, на совуқ сув. – Замон овозини пастлатди. – Толиблардан битта кудук казиш учун неча марталаб пул сўрадим. Нуқул «пул йўқ» деб туриб олишади. Қаранг, ҳатто кўрпа-тўшаклар ҳам етарли эмас. Адёлни-ку айтмаса ҳам бўлади. Анави кизчани кўряпсизми? – Замон арғамчида сакраётган 8–9 ёшлардаги кизчани кўрсатди. – Ўтган кишда бир нечта болани битта адёлга ўрашга мажбур бўлдик. Унинг акаси эса шамоллаб... нобуд бўлди. – Адоксиз коридор бўйлаб юришда давом этдик. – Гуручимиз шу ойнинг охиригача етмаса керак. Кейин болалар чою нон билан қолишади. Униям икки маҳал ейишади, холос. Эрталаб ва кечкурун. Бу болаларни бола дейишга ҳам тилинг бормайди. Улар аллақачон болалик билан видолашишган. Ҳали бу болаларнинг омади чопгани. Ҳар куни олдимга аёллар боласини бошлаб келади. Мен эса уларни қайтаришдан бошқа чора тополмайман. – Замон яна менга юзланди. – Демак, Сухробни кутқариш учун келгансиз? Факат... кеч бўлмадимикин?

– Бу нима деганингиз?

Замоннинг кўзлари яна жовдиради. Биз бу пайтда тўрт яланг девордан иборат кабинетга кириб келгандик. Биз киришимиз билан оёғим орасидан муштдек каламуш чопиб ўтди.

– Ҳозир мен чой қўяман.

– Керакмас, – дедим токатим етмай. – Сухробга нима бўлди?

– Сизга олдин бир савол берсам: сизга жиянингиз жудаям зарурми? Тўғридаги хона эшиги очиқ турар, унда болалар давра қуриб, рақс тушишар, бир оёғи тиззасидан кесилган кизалок уларга кизиксиниб қараб ўтирарди. Мен айна лаҳзада бу ердан Сухробсиз кетолмаслигимни англадим.

– У қаерда?

– Факат... бу ишга мени аралаштирмасангиз, айтаман.

– Сўз бераман.

– Сиз сир саклаганингиз билан барибир менга яхши бўлмаслигини биламан. Бирок, менда ҳам гуноҳ кўп. Агар Сухробга бироз бўлса-да ёрдамим тегса, балки бироз тасалли топармидим?

Бир муддат сукунат чўкди.

– Бу ерга ойда бир ё икки марта олий рутбали толиблардан бири келиб туради. Бироз пул бериб, эвазига бирорта кизчани опкетади. Баъзида ўғил болаларни ҳам.

Фарид овози титраб, директор столига яқинлашди:

– Сен эса бунга йўл қўясан, тўғрими?

– Бошқа иложим ҳам йўк, уларга бас келиб бўлмайди.

– Демак, сен болаларни сотасан? – Фарид Замоннинг бўйнидан гиппа бўғиб олди. Кейинги воқеалар кўз илғамас тезликда рўй берди. Қарасам, директор полга парчинланиб ётибди. Фарид тиззаси билан унинг кўкрагини босиб турибди. Стол ағдарилган, қоғозлар ҳар тарафга сочилган...

Шартта уларни ажратишга тутиндим.

– Фарид, ўзингни бос! Нима қияпсан?

– Кўй, тегма, уни ўлдирсам савобга қоламан.

– Болалар караб туришибди. Фарид, қўйвор уни!

Фарид бошини кўтариб, эшикдан кўркув ила мўралаб турган болаларни кўрдию ўрнидан туриб, тиззаларини қоқди. Кейин эса куч билан Замоннинг юзига тупурди. Замон ҳам аранг ўрнидан тураркан, енги билан юзларини артди. Унинг лаблари ёрилган, дўпписи полда ётар, кўзойнаги ҳам учиб кетганди. Оксоқланганича ерда ётган дўпписи ва кўзойнагини қўлига олди. Анчагача ҳеч ким гапирмади.

– У Сухробни бир ой илгари опкетувди, – хириллади Замон.

– Яна ўзингни директорман деб юрибсанми, ит?

Замон бу гал Фаридга тик қаради.

– Ярим йилдирки, менга бир чақа ҳам маош беришгани йўк. Ўзимнинг йиккан-терганимни ҳам шу етимларга сарфладим. Шу болалар оч қолмасин, деб уйимдаги қўлга илингулик ҳамма нарсани чиқариб сотдим. Нима, Покистонда, Эронда менинг кариндошларим йўқми? Борсам, мен ўша ерда нонимни топиб еёлмайманми? Мен ҳам бошқаларга ўхшаб, бу худо қаргаган мамлакатдан қочиб кетишим мумкин эди, лекин мана бу қоракўзлар нима бўлади? – Замон эшикка имо қилди. Шер ва она эчки ҳақидаги эртақ эсингиздами? Она эчки ҳамма болаларини бирданига еб қўймаслиги учун шерга ҳар ой биттадан улоқчасини бериб туради. Мен ҳам худди шундай эдим. Агар мен битта бола бермасам, у ўнтасини тортиб олади. Унга кучим етмайди. У берган ифлос пулларни олиб бозорга бораман-да, мана шу етимлар учун ул-бул егулик олиб келаман.

Фарид ерга тикилиб қолди.

– У олиб кетган болаларнинг кейинги тақдири нима бўлади?

Замон кўзларини артди:

– Баъзиларини қайтариб юборади. Баъзилари эса дом-дараксиз кетади.

– Ким ўзи у? Қаердан топсам бўлади? – сўрадим мен.

– Эртага «Ғози» стадионига келинг. Матчнинг ўртасида у билан кўришишингиз мумкин. Фақат угина қора кўзойнак тақиб юради. – Замоннинг қўллари титради. – Энди кетинглар, болалар кўркишмасин!

Вазир Акбархон туманига караб йўл олдик. Мана кўприкдан ўтиб, Пуштунистон майдонига ҳам етдик. Бир пайтлар бу ердаги «Хайбар» ресторанида Бобо билан кўп бора кабобхўрлик қилганмиз. Мана ўша ресторан. Пештокидаги харфларнинг ярми тушиб кетган, эшигига кулф урилган... Ресторан томи устига қурилган дорда эса... угада кийимдаги ёшгина йигитнинг жасади шамолда сокин тебранади. Ўткинчи бу дахшатли манзарадан кўзларини олиб қочишга уринадилар. Туман ва чанг қоплаган осмонда куёш худди парда орқасидаги чирок сингари хира нур сочади.

Қайсидир чоррахага етганимизда Фарид ниманингдир устида бемураса тортишаётган икки эркани кўрсатди.

– Ногирон эркак ўзининг ясама оёғини сотяпти. Ҳеч бўлмаса, бирор ой қозони қайнайди-да.

Биз таниш кўчага яқинлашганимизда юрагим ҳаприка бошлади.

– Анави кўчага бур, – дедим хаяжоним бўғзимга тикилиб. – Бу ёққа, бу ёққа!

Отам ҳар доим болалигимда уктирарди: «Агар адашиб қолсанг, эсингда тут, кўчамизнинг охирида биттагина пуштиранг бино бор...». Мана ўша пуштиранг уй. Анча нураб қолган бўлса-да, хали бус-бутун. Отамнинг ҳовлиси эса...

Таниш кадрдон дарвоза олдида машинани тўхтатдим. О, мен бу дарвозадан неча бор шодон хатлаб ўтдим экан? Деворимиз ёнида ям-яшил ўтлоқ ва гулзор бўларди, энди бу ер чиқиндиларга тўлиб кетибди. Деворларимиз нурай бошлабди. Дарвозахонада, бир пайтлар Бобонинг «фольксваген» машинаси ўрнида қирмизи «Жип» турибди. Кимники бўлдийкин?

Машинадан туриб, қанча пайт лол-хайрон боқиб турганимни билмайман. Фариднинг сигналидан ҳушимни йиғдим.

– Оға, бу ерда туриш хавфли. Кетдик.

– Яна озроқ тўхта, – дедим аранг тўнғиллаб.

Бу ҳашаматли уйнинг аввалги салобатидан асар ҳам қолмабди. Дераза ойналари ўрнига аллақандай полиэтилен қоплама ёпиштирилган. Иккинчи қаватдаги анави учинчи дераза менинг ётоқхонамга тегишли эди. Мен 25 йил аввал челақлаб қуяётган ёмғир остида ота-боланинг қандай кўчиб кетаётганини худди шу деразадан туриб кузатгандим.

– Амир оға, – Фарид яна сигнал берди.

– Ҳозир!

Назаримда ҳозир болаларча чакконлик ила мана шу остонадан хатлаб ичкари кираману ҳовлида тимирскиланиб юрган Алига дуч келаман, бурнимга печкада куйдирилган апельсин пўстлогининг ёқимли хиди урилади, қулоғимга Ҳасан куйлаётган эски ҳазорий кўшиғининг мунгли оҳанги чалинади. Йўқ, бу Фарид босган сигналнинг овози экан.

Машинада ўтирган Фарид атрофга олазarak бокарди.

– Биродар, илтимос, яна ўн дакика сабр кил, бир жойга ўтиб келай.

– Факат тезрок, – деди Фарид. – Жуда хаёлпараст экансан. Ҳадеб юрагингга якин олаверма. Ўтган кун қайтиб келмайди.

Унинг гапларига эътибор бермасликка тиришиб, уйимиз ортидаги тепаликка қараб кетдим. Ҳасан билан ҳар гал бир хатлаб чикиб олардик ва бу ерда қувлашмачок ўйнардик. Тепаликдан аэропорт ва ундаги самолётлар яққол кўриниб турарди. Бу гал тепаликка чиққунимча ўлкам оғзимга тикилди. Мана, эски қабристон. Ҳасаннинг ойниси ҳам шу ерга қўйилган. Бу ер ҳам чиқиндиларга тўлиб кетибди. Ҳасан болалигимиздаги анор дарахти мева қўйганини ёзганди. Энди дарахтнинг ўзи ҳам қуриб адо бўпти. Факат дарахт танасида битилган сўзлар йўқолмабди, холос: «Амир ва Ҳасан – Кобул ҳукмдорлари». Мен титрок қўлларим билан дарахт танасини сийпаладим. Бир парча пўстлоқ қўлимга илинди.

Тепаликдан бутун Кобул кафтдек кўриниб турарди. Мана ўша шаҳар. Болалигим кечган замин. Бир пайтлар шаҳар ям-яшил хилқатга ўралгандек туюларди менга. Ҳар бир ховлидан бир нечта дарахт кўкка бўй чўзиб турарди. Энди тап-тақир биёбон.

Фарид яна чўзиб сигнал берди. Вактим тугаганди.

Яна Пуштунистон майдонини кесиб ўтяпмиз. Қаршимиздан ичи соқолли одамларга тўла бир нечта қизил пикап ўтди. Фарид ҳар гал уларни кўрганида паст овозда «хе оналарингни...» деб сўқиниб кўярди. Шаҳар марказидаги одмигина меҳмонхонага етиб келдик. Меҳмонхона маъмури сўраган 75 долларни ортикча савдолашмасдан узатдим. Бу ердаги шароитлар хаминкадар эди. Иссик сув йўқ. Ҳожатхона чаноғидаги қумғон тортиқчи ҳам ишламас экан. Хона четида битта темир қаравот, устида биттагина эски адёл, бурчакда битта ёғоч стул... Бизга берилган «қароргоҳ»нинг бор дов-дастгоҳи шу эди. Кўчага қараган деразанинг ойнаси тўкилиб тушган, деворда бир парча қон доғи қорайиб қолганди.

Фаридга пул бериб, бирор егулик опкелишни буюрдим. Қўп ўтмай, Фарид бир товок гуруч, иккита шапати нон орасида тўрт сих қабоб билан қайтиб келди. Қабобни ютоқиб чайнақанман, оғзимда таниш, қадрдон лаззатни туйдим.

Мен қаравотда, Фарид эса ерда ётадиган бўлди. Хўжайиндан қўшимча тўлов эвазига яна битта адёл сўраб олдик. Хонани синик деразадан тушаётган ойнанинг олачалпоқ ёғдуси ёритиб турарди. Билишимизча, икки кундан бери марказий генератор ишдан чиққани туфайли бутун Кобулда электр йўқ экан. Фарид билан анча гаплашиб ётдик. Латифалар айтишдик.

– Битта янгиси эсимга тушди, – менинг қизиқишимни сўрамай туриб бир қикирлаб олди-да, ҳикоясини бошлади. – Бир куни Насриддин афандининг қизи отасининг ёнига «эрим урди» деб йиғлаб келибди. – Фарид негадир ҳикоясини тўхтатиб менга юзланди. – Эшитганмисан?

– Айтавер-чи, кейин нима бўпти?

– Кейин афанди кизининг юзига яна бир шапалок туширибди. «Нега урасиз» деса, «агар эринг менинг кизимни урадиган бўлса, мен унинг хотинини ураман», деб жавоб қайтарибди.

Мен мирикиб кулдим. Ҳа, халкимизда юмор туйғуси ҳалиям йўқолмабди. Негадир кўнглим кўтарилгандек бўлди.

– Яна биттаси бор. Бир куни афанди эшагига оғир юк ортиб кетаётса, биттаси унга таъна кипти: «Оғайни, ўзи эшагинг килтирик экан, устига шунча юк ортиб, яна сўлакмондек ўзинг ҳам миниб олибсан». Шунда афанди эшакдан тушмай туриб, юкни бошига кўтариб олибди: «Мана, энди эшакка енгилроқ бўлди!».

Фарид шундай оғиркарвон кўрингани билан кўп «афанди» биларкан. Улар орасида сал «анакароқ»лари ҳам кўп экан. Ичагим узилаёзди. Ниҳоят Фариднинг захираси тугадими, жимиб қолди. Бироз сукунатдан сўнг мутлақо жиддий оҳангда сўради.

– Амир ога, ростини айт, сен нега келдинг бу ерга?

– Айтдим-ку сабабини.

– Битта ҳазорий шиани деб океан ошиб келганингга ҳечам ишонулмаяпман.

Бояги қувноқ кайфият бирдан сўнди. Дарров девор томонга ўгирилиб олдим.

– Уйкум келяпти. Чарчадим...

XVII

«Ғози» стадионида одам қайнарди. Ўриндиклар ораси турли қоғоз парчалари, ахлатларга тўлиб кетганди. Жулдур кийимдаги ўспиринлар елим тоғораларда писта, сигарет, ёнғоқ ва турли ширинликларни сотиб юришарди. Қоксуяк бир йигит тирсагимдан тутиб, кулоғимга шивирлади:

– Зўр сураглар бор, олмайсизми? Ёмон уятсиз сураглар.

Йигитнинг югурик кўзларида хавотир ўйнади. Истар-истамас сурагга қарадим. «Уятсиз сураглар»да қайсидир ҳинд фильмидан олинган лавҳа акс этган, беҳаёликдан асар ҳам йўқ эди.

– Ёмонам уятсиз-а? – ўз фикрини мендан тасдиқлатишга уринди сотувчи.

– Хў, шипана, тутиб олишса, терингни шилишади, – ўдағайлади ёнимда турган Фарид ўспиринга қарата. Ўспирин шу заҳоти ерга киргандек ғойиб бўлди-қолди.

Бир пайтлар бу стадион маркази ям-яшил майсазордан иборат эди. Энди эса майдонда бир гиёҳ кўринмайди. Футболчиларнинг оёғи остида чанг



кўтарилади. Икки томонда дарвоза устуни ўрнида иккита чуқур қазилган. Ўриндиклар оралаб махсус таёкчалар кўтарган толиблар изғишади. Ким бақирса гамом – башарасига таёк тушади. Биринчи тайм тугаши билан ҳамма негадир ўрnidан турди. Майдонга менга таниш бўлган иккита қизил пикап кириб келди. Машиналарнинг бирида паранжига бурканган аёл. Иккинчисида эса кўзлари боғланган эркак ўтказилган эди. Машиналар майдоннинг ўртасига келиб тўхтади.

– Кўрасанми, – деди Фарид негадир афти буришиб.

– Йўк, – дедим, лекин барибир биз охиригача қолишимиз керак.

Толиблар икки маҳкумни машинадан туширишди. Аёл ерга ўтириб олганди. Уни тик турғизмоқчи бўлишганда, аёл аллақандай ваҳший овозда ўкириб юбордики, мен бу овозни ўлгунимча унутмасам керак. Мен шундагина майдонда нима мақсадда чуқур қазилганини тушуниб етдим. Толиблар ҳар иккаласини чуқурга тушириб, елкасигача ерга кўмишди. Қатл майдонида пайдо бўлган оксокол мулла микрофонга яқин келиб бир-икки томоқ кирди:

Аввалига Қуръондан узун сура ўқиди. Унинг ширали овозини чала кўмилган аёлнинг аҳёний чинкириғи бузиб турарди. Қироатни тугатиб, мулла форсий тилдаги ваъзини бошлади:

– Мухтарам аҳли ислом, биродарлар! Бугун биз Яратганнинг амрини ижро этмоққа жам бўлдик. Алҳамдулиллоҳ, бу кун бизнинг Афғонистонда Яратганнинг ҳукми ва пайғамбаримизнинг – пастрок овозда «ул зотга салом ва салавотлар бўлсин» деб кўйди, – суннати билкул барқарордур. Биз ҳаммамиз Аллоҳнинг қаршисида тенгдирмиз ва унинг амрига тобемиз. Парвардигор барча бандаларига ношаръий яқинликни ҳаром қилган. Динимизда зинокор ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл бўлсин тошбўрон қилиш буюрилган. Бинобарин биз мана бу икки гуноҳкорни ҳам ушбу жазога мустаҳик қилгаймиз.

Стадион сув куйгандек жимжит эди.

– Яна булар мусулмонмиш, – охиста шивирлади Фарид.

Шу чок машинадан бошдан-оёқ оппоқ кийинган, кенг яғринли толиб тушди. Майдонда алланечук шовкин турди. У худди хочга михланган Масихдек қўлларини кенг ёйиб, атрофига мағрур бўйланди. Унинг кўзларига худди Жон Леннонники сингари катта кора кўзойнак кўндирилган эди.

– Мана шу одам, – қулоғимга пичирлади Фарид.

Толиб шахдам қадамлар билан учинчи машинага яқинлашди ва унинг бортида ортилган катта-катта тошлардан бирини олиб одамларга намоёйиш қилди. Майдондаги ғала-говур янада кучайди. Толиб бейсбол тўпидек катталикдаги тошни баланд кўтариб, халкка намоёйиш қиларкан, нақ кўзи боғлиқ йигитнинг пешонасини мўлжаллаб отди.

Бутун стадион «ох» деб юборди. Аёл жонхоломда додлади. Мен кўзларимни кафтим билан беркитдим. Стадиондаги шовкин, бакир-чакир давом этарди. Бироқ вақт ўтиб, кўзимни очмай Фаридни туртдим:

– Тугадими?

– Йўк, ҳали.

Бу мудхиш воқеалик яна қанчага чўзилди, билолмадим. Бирдан яна атрофдаги гап-сўзлар қулоғимга чалина бошлади:

– Ҳали ёшгина йигит экан-а?

– Йигирмага ҳам бормаган чиқар.

– Ростдан ўша иш устида тутишибдими?

– Билмадим, бир вайронада қучоқлашиб туришган экан, дейишди.

– Ўлди шекилли? Қимирламаяпти-ку!

Кўзларимни очдим. Маҳкум йигитнинг қонга бўялган боши бир тарафга оғиб турарди. Бояги толиб эса, ҳандалакдек келадиган тошни ҳеч нарса бўлмагандек ўйнаб турарди. Шу чок стетоскоп кўтарган киши (доктор чамамда) маҳкумнинг томир уришини текшириб, бош ирғаб қўйди. Томошабинлар инграб юборишди.

Қатл маросими тугагач, жасадларни машиналарга ортишди. Четда турган уч-тўрт одам белкурак билан ўраларни кўма бошлашди. Яна майдонда узун иштон кийган футболчилар пайдо бўлди. Иккинчи тайм бошланганди.

Бизнинг ишимиз эса ҳамирдан қил суғургандек осон кечди. Ҳеч қандай расмиятчилик, қўғозбозлик бўлмади. Фарид таёк кўтариб юрган толиблардан бирининг қулоғига шипшиган эди, у майдонда югуриб юрган шерикларидан бирига пушту тилида алланима деб бакирди. Шериги эса «Леннон»нинг ёнига бориб, унга чамаси бизнинг хоҳишимизни билдирди.

Ҳалиги толиб бизнинг ёнимизга келиб, «оға-соҳиб бизни соат учда ўз уйида қабул қилишини» айтди.

XVIII

Сараки Мемона Вазир Акбархоннинг толиблар ва уларнинг раҳнамолари яшайдиган энг серхашам кўчаси эди. Фарид машинани қасрмонанд уйнинг эшиги олдида тўхтатди.

– Етиб келдик, – деди Фарид моторни ўчиради. – Сени машинада қутаман. Бу ерда менинг ёрдамим тегмаса керак.

Мен бир муддат тараддуддан сўнг шахд билан машинадан тушиб, темир дарвозанинг қўнғироғини босдим. Жимлик. Демак, ҳали электр келмабди. Эшикни тақиллатишга тўғри келди. Зум ўтмай бўсағада елкасида автомат билан икки толиб пайдо бўлди. Улар мени бошдан-оёқ пайпаслаб, бирор хавфли қуролим йўқлигига амин бўлишгач, ҳовлига киритишди. Атроф-

га разм солдим. Ҳаммаёк саранжом-саришта. Гуллар барқ уриб очилиб ётибди. Ҳовлининг бурчагида кудук кўзга ташланади. Мен соқчилар ихотасида зинапоялардан юкори кўтарилдим. Ниҳоят мени меҳмонхонага олиб киришди. Кенг залда иккита яшил диван жойлашган бурчақда текис экранли телевизор қўйилган, деворда Макка тасвири туширилган гилам-жойнамоз осилганди. Соқчилар автомат учи билан «ўтир» дегандек диванни кўрсатишди.

Диванда ўтириб кута бошладим. Танамда қон музлаб қолгандек эди. Бугунги учрашув нима билан, қандай яқун топишини ҳатто тасаввур ҳам этолмасдим. Ўзимни бутун борлиқдаги танҳо жонзотдек ҳис этдим. Қизиқ, мен нима учун минглаб чақирим йўл босиб, нақ жаҳаннам эшиги оғзида кўз олдимда икки бегуноҳни ўлдирган жаллодни кутиб ўтирибман. Кўз ўнгимда Сурайё жонланди. Наҳотки, у 36 ёшида бевага айланса?..

Диваннинг шундоққина ёнида қахва столи турарди. Столнинг пасткам оёқлари унинг тепа кисмига ёнғокдек келадиган зўлдирлар билан биркитилганди. Стол устидаги патнисда тоифи узум қўйилган экан. Беихтиёр бир донасини узиб, оғзимга солдим. Бундай ширин тоифи узум дунёнинг бошқа ҳеч бир бурчагида ўсмаса керак.

Шу чок уй эшиги очилиб, қаршимда бояги кўзойнакли толиб икки соқчиси билан пайдо бўлди. У қаршимдаги дивандан жой олиб, менга синчков назар ташлади. У бояги оқ либоси устидан қора нимча кийиб олган, биларида тилла соат яракларди.

Қизиқ, унинг ранги соқчиларникига нисбатан анча оқ, соқоллари ҳам хинага бўялгандек малларанг эди.

– Ассалому алайкум, – деди толиб ниҳоят жимликни бузиб.

– Салом, – дея каловландим.

– Анавини опташла, – толиб соқчига имо қилди. Мен нима бўлганини англамай туриб, ясама соқолимни соқчининг чангалида кўрдим.

– Нима кераги бор ўзингизни ортиқ кийнашнинг, – толиб бармоқларини шакирлатди. – Бугунги томоша сизга ёқдими?

– Ҳали бу... томошамиди, – овозим қалтираб чиқди.

– Намойишкорона қатл – энг мақбул томоша. Драма. Кўнгилхушлик. Энг асосийси – яхши ибрат. – Толиб яна бир шакирлатганида соқчи чўнтагидан сигарета чиқарди, иккинчиси ёндиргич тутди. Толиб сигаретни бурукситиб, кафти билан тутунни ҳайдади.

– Бундан ҳам зўрини тўқсон саккизинчи йилда Мозори шарифда кўрсатганмиз. Биз ўшанда жасадларни итларга майдалаб берганмиз. – Толиб ниманидир эслаб, ҳузурли жилмайди. – Биз уйма-уй юриб, эркакларни тутиб, қариялар, аёллар ва болаларнинг кўз ўнгида отиб ташлаганмиз. Кўришсин, билишсин бу ярамас ҳазорийлар ўз жойи қаерда эканини. О, бунинг завқини

билсангиз эди. Тиз чўкканча сиздан шафкат сўраб ёлворишади, сиз эса, киприк қокмай автомат тепкисини босасиз. Эсингдами Жовид?

Сокчи илжайди.

Мен Мозори шарифда ҳазорийларнинг қирғин қилингани ҳақида Амери-
када тонгги газеталарнинг бирида ўқигандим.

– Шаҳар ўликларга тўлиб кетди, – вкор билан ҳикоясида давом этди то-
либ. – Ўликларни олиб кетиш учун келганларни ҳам ўкка тутдик. Уларнинг
ўлигини итлар ғажиди. Ҳа, итга ит ўлими! – Толиб қўлини мушт қилиб, менга
ўғирилди. – Сиз Америкадан келдингизми?

– Ҳа, соҳиб.

– Нима хизмат?

– Мен бир болани қидириб юрибман.

– О, канака бўлсаям бўлаверадими? – толиб кулимсираб шерикларига
қаради. Сокчилар ҳам нос чекавериб сарғайган тишларини кўрсатиб тиржа-
йишди.

– Билишимча, у сизнинг қўлингизда экан. Исеми Сухроб.

– Хўш, ўзингиз шундай қийин дамда Ватанга хизмат қилиш ўрнига фиску
фужур ўлкасида нима қилиб юрибсиз?

– Мен анча аввал кетганман Афғонистондан. – Тилимга ўнг келган
жавоб шу бўлди. Заҳар танг қилиб тургани учун оёқларимни маҳкам жуфтла-
дим.

– Бу жавоб эмас, – толибнинг овози жаранглаб чиқди. – Ватанга мадад
керак бўлиб турган пайтда уни тарк этиш бу хиёнат. Гарчи ўз ихтиёрингиз
билан қайтиб келганингизда ҳам сизни ҳибсга олиш учун асосимиз бор.
Нега бунча рангингиз оқарди. Демак, кўркяпсиз.

Нима деганимни англолмадим. Фақат кўз ўнгимдан Сурайё, унинг
қўнғирокдек сочлари, қулоғи орқасидаги ярим ойни эслатувчи нор, у билан
кечирган лаззатли онлар бирма-бир жонланди. Толиб нимадир деганини ҳам
англолмай қолдим.

– Маъзур тутинг...

– Сиз, демак, менинг эркатойимни кўрмоқчисиз?

– Ҳа, соҳиб.

Сокчи хонадан чиқиб кетди. Зум ўтмай, эшик ортидан қўнғирокчаларнинг
майин жингирлаши эшитилди. Сокчи елкасида катта стереомагнитофон
билан қайтди, унинг ортидан узун оқ ятакча қийган болақай эргашиб
чиқди. Худди ўша! Отасининг қуйиб қўйгандек ўзи. Раҳимхон берган су-
ратдаги боланинг ўзгинаси эди у. Сочи худди суратдагидек қиртишлаб
олинган, фақат кўзларига сурма тортилган, юзлари қизариб турарди. Сокчи
магнитофон тугмасини босиши билан таниш пуштун мусикаси янгради.
Демак, толибларга мусика эшитиш тақиқланмаган экан. Уй соҳиби ва
сокчилар қарсак чала бошлашди. Бола эса, худди раққоса қизлардек нозик

ҳаракатлар ила мусика оҳангига қараб рақс туша бошлади. У кўзларини маҳкам юмиб олганди.

Бироздан сўнг толиб магнитофон тугмасини босиб, мусикани ўчирди. Боланинг ҳаракатлари бир нуктада қотиб қолди.

– Келақол кўзим, кел, – дея болақайни ёнига имлади толиб. У Сухробни маҳкам бағрига босди. – Жуда истеъдодли-да менинг ҳазорам, – у шундай дея қўлларини кифтлари оша пастга сирғалтира бошлади. Сокчилардан бири «пик» этиб кулганди, уларга қараб ўшқирди.

– Йўқолларинг!

Сокчилар ерга киргандек ғойиб бўлишди.

Толиб боланинг юзини менга қаратиб, қўллари билан боланинг қорнини чағаллади. Кейин Сухробнинг торгина елкасига иягини қўйиб, менга тикилди. Бола уялганидан нима қилишини билмай, ерга қараб турарди.

– Қиз-зиқ, – тишларини ғижирлатиб, гап бошлади яна толиб. – Кекса бабалу ҳозир нима қилиб юрибдйкин?

Мени жин урдими? Нега бунча қалтирамасам? Оёқларим музлаб кетдими?

Толиб қаҳ-қаҳ отди:

– Нима, ясама соқол билан мени таниёлмайди деб ўйлаганмидинг? Эсингда тут. Мен одамнинг юзини жуда яхши эслаб қоламан. – У Сухробнинг кулоғидан секин тишлаб олди. – Отанг ўлибди деб эшитдим. – Уй соҳиби кўзойнагини ечди. Унинг мовий кўзлари қонга тўлганди. Нафасим бўғзимга тикилиб қолди. Бўлиши мумкин эмас. Яна мен ўтмиш издиҳомида қолдим. Ич-ичимдан қарғиш ва нафратлар билан ўралган, қабоҳатнинг энг жирқанч тимсолига айланган бир исм тилимга қалкиб чиқди:

– Асеф!

– Амиржон!

– Сен... нима қилиб юрибсан... бу ерда, – тилимга бундан ҳам аҳмоқона савол чиқмади.

– Мен, – Асефнинг қошлари кўтарилди. – Бу саволни мен беришим керак сенга?

– Сенга сабабини айтдим, – дедим ғўлдираб. Ўҳ, жин урсин, мунча қалтирамасам. Сал дадилроқ бўлсам-чи!

– Сенга мана шу бола керак-а? Хўш, нима учун? Билсак бўладими?

– Айгган пулингни бераман. Менга пул кўчириб беришади.

– Қанақа пул? – хиринглади Асеф. – Сен Рокинхемни эшитганмисан? Бу жаннатнинг Австралидаги бир бўлаги. Ота-онам ҳозир ўша ерда яшайди. Денгиз қирғоғида ўз виллалари, яхталари бор. Гольф майдони, бассейн. Маза. Ўша ерда отамнинг бир қанча афғон ресторанлари, заргарлик дўконлари бор. Қанча пул керак бўлса, жўнатишади. Мен шўравийларга қарши пул туфайли курашдимми? Толиблар сафига ҳам пулни ўйлаб ўтмадим. Нима учун ўтганимни айтайми?

Огзим қуриб қолган, лабимни муттасил ялардим.

– Сув ичасанми? – сўради Асеф ҳамон Сухробни кучоқлаб тураркан.

– Йўқ, керакмас.

– Нима деётувдим. Ҳа, шундай қилиб, нега толибларга ўтганимни айтмоқчи эдим. Биласан, мен умримда динга қизикмаганман. Бир воқеа сабаб мен шу йўлни тутдим. Эшитасанми?

Мен индамадим.

– Бабрак Кармалнинг даврида коммунистлар мен ва отамни уйимиздан ушлаб кетишди. Ҳар биримизни музлаткичдек келадиган тор ва совук камераларга тикишди. Бизга ўхшаган махбуслар кўп эди. Ҳар биримизни биттадан ҳазорий комендантнинг хонасига олиб кетишарди. Унинг тепкисини еганлар анча пайтгача ўзига келолмай ётарди. Навбат менга келди. Ўша пайтлар пешобим қон аралаш келадиган бўп қолганди. Буйрагимдаги тош шунақа азоб берардики, қўяверасан. Хуллас, мени унинг ёнига опкиришди. Унинг этиклари пошнасига тақа қоқилган бўлиб, сўроқ қилаётганида атайин кийиб оларкан. У биқинимни пойлаб бир тепган эди, буйракдаги тош жойидан чиқиб кетса бўладими? Шунақа енгил тортдим. У қулаётганимни кўриб, каттиқроқ тепа бошлади. Шунда худо мен тарафда эканини англадим. Унинг учун хизмат қилишим лозимлигини пайқадим. Орадан йиллар ўтиб, тақдирни қараки, ана шу комендант аёвсиз жанг пайтида оёғим остидан чиқиб турибди-да! У Маймана яқинидаги қишлоқда, окопда яраланганча инграб ётарди. «Мени танияпсанми» деб сўрадим. «Йўқ» деди. Мен эса, бир кўрган одамимни ўлгунимча эслаб қоламан. Ўзимни танитдим-да, автоматни чотиға тираб тепкини босдим. Мана, шундан бери Яратгanning ҳақ йўлидан кетяпман.

– Ҳақ йўл? – Ўз овозимни аранг эшитдим. – Сенингча, бегуноҳ севишганларни тошбўрон қилиш, норасида гўдақларни зўрлаш, ҳазорийларни қатли ом қилиш ҳақ йўлми? Ахир бу исломда ҳам қораланган-ку!

«Тамом, – ўйладим мен. – Бу гаплардан кейин тирик қолишим даргумон».

Асефнинг юзларида таажжуб зухурланди:

– Сиз хонлар кўп нарсаларнинг фаркига бормайсизлар, ўз ватанингиз, анъаналарингиз, тилингизни ҳурмат қилмайсизлар. Афғонистон чиқиндиларга тўлган чиройли бир хонадонга ўхшайди. Кимдир уни бу чиқиндилардан халос этиши керак!

– Демак, сизлар Мозори шарифда уйма-уй юриб, чиқиндиларни йўқотибсизлар-да?

– Худди шундай, – безбетларча бош ирғади Асеф.

– Ғарбда буни этник тозалаш дейишади.

– Шунақа де? – Асефнинг кўзлари чакнаб кетди. – Чиройли жумла экан. Эслаб қоламан. Этик тозалаш.

– Мен фақат мана шу болани олиб кетишим керак, – дафъатан Сухроб билан кўзларимиз тўқнашди. Унинг маъсум кўзлари худди кассобга тикилган кўзичокники сингари мўлтираб турарди.

– Нима қиласан уни? – Асефнинг пешонасида тер резалари жилдиради. – Ё сен ҳам...

– Нақадар пасткашлик?

– Бир нарсага тушунолмаяман, – Асеф менга синчков нигоҳини ўқдек қадади. – Нахот сен шу ҳазорий болани деб океан ошиб келган бўлсанг?

– Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, – дедим бироз довдираб.

– Яхши, ол, опкет, – Асеф болани олдинга итариб юборди. Ваза устидаги узум доналари ерга, Сухроб эса, узумнинг устига келиб тушди. Унинг узун кийимлари қирмизи шарбатга беланди.

Мен Сухробнинг туришига кўмаклашдим. У менинг қўлларимдан маҳкам ушлаб олди. Биз эшик томон юрарканмиз, унинг оёғидаги кўнғироқчалар тинимсиз жирингларди. Орқамиздан Асефнинг ўктам овози янгради:

– Шошма, боланинг ҳақини ким тўлайди?

– Мендан нима истайсан?

– Мендан қарзинг бор эди. Эсингдами?

Эсимда. Ўша, Довудхон тўнтариш қилган куни Асеф шериклари билан йўлимизни тўсиб хиралик қилган, шунда Ҳасан рогатка билан Асефнинг пешонасини мўлжалга олиб: «Сени биркўз Асефга айлантираман», дея таҳдид қилганди. Бунинг учун у Ҳасандан ўта кабиҳона қасос олди. Мана, ниҳоят навбат менга келди.

– Нима гапинг бор?

Бошқа нима ҳам дердим. Ундан тиз чўкиб марҳамат тилашдан ҳам фойда йўқ. Асеф соқчиларини чакириб уқтирди:

– Эсингларда бўлсин. Ҳозир мен эшикни ёпаман. Бизнинг эски ҳисобкитобларимиз бор. Орани очди қилишимиз керак. Хонага кириш қатъиян тақикланади. Ҳар қандай шароитда ҳам жойингиздан кимирламайсиз. Бу ердан фақат бир киши тирик чиқади. Агар у чикса, демак, ўз эркини қўлга қиритибди. Тегманглар, кетаверсин.

– Бирок, оға-соҳиб...

– Қайтараман, у соғ чикиб кетолса, қўл теккизманглар. Гап тамом.

Соқчилар бу гал тортишиб ўтирмадилар. Сухробни олиб кетишмоқчи эди, Асеф йўл бермади:

– Тегманглар, у қолсин, кўрсин, унга фойдаси бор.

Эшик ёпилгач, Асеф кўкрак чўнтагига қўл солди ва у ердан ўша... таниш ялтироқ пўлат кастетни чиқарди ва шошилмасдан бармоқларига такиб олди.

Кейин... кейин нима бўлди?

Ҳозир ўша дамда юз берган ходисаларни кўз олдимга келтирарканман, улар узук-юлуқ хотирамда жонлангандек бўлади. Мана, Асеф, кастет тақилган қўли билан магнитофон тугмасини босди. Шу тобда негадир деворга осилган гиламча ерга келиб тушди ва чанг кўтарилди. Мана, унинг салласи бир томонга учиб, тилларанг сочлари елкасига ёйилди... Асеф узум доналарини юзимга ирғитди, тишларини ваҳшиёна гижирлатди, кўзлари ўйнади.

Яккама-якка жангнинг сўнгги сахналари барча тафсилотлари билан эсимда қолган.

Кўз ўнгимда кастет яшиндек яраклайди. Кастетнинг оғрикли зарбидан ўзимни йўқотиб қўйдим. Оркам билан девордан туртиб чиққан михга урилдим. Сухроб чинқирди. Мусиқа садолари тинмайди. Навбатдаги зарба жағимга урилди. Тишларим ҳалқумимни тирнаб ўтаётганини пайқадим. Эссиз, бу тишларни бир кунда икки марталаб ювардим. Ўрнимдан туришга уриндим. Ёрилган лабимдан оққан кон пуштиранг гиламга сочилди. Навбатдаги зарбанинг оғирлигидан букчайиб қолдим. Қуриган шох синганда чиқадиған овоз эшитилди. Кейинги муштдан ёноғим билан телевизор киррасига бориб урилдим. Чап кўзим тагида ўт чакнади. Яна Сухроб чинқириғи эски пуштун мусиқа оҳангларига қўшилиб кетди. Асеф сочимдан тутиб афтимни ўзига қаратди. Яна бир зарба. Қаншарим карсиллаб синди чоғи. Энди тепа бошлади шекилли.

Кутилмаганда, дафъатан ичимдан кучли қаҳқаҳа портлаб чиқди. Бу кулгининг кудрати олдида қовурғам, лунжим, аъзои баданимни измига олган оғрик ҳам босилгандек бўлди.

– Нега куласан, – Асеф мушт устига мушт ёғдирар, оғзидан тупук сачрарди. – Нега какиллайсан?

Бу гал чап қовурғам карсиллаб синди. Мен эса, ҳамон ўзимни кулгидан тўхтатолмасдим. Айни пайтда шунча шафқатсиз азобларга карамай, ўзимни қушдек енгил сезардим. О, мен бу енгилликни, бу хотиржамликни йигирма олти йилдан бери кутардим. Ҳа, шунча пайтдан бери бутун жисму жонимни бир дард, бир оғир юк эзиб келарди.

Кўз ўнгимда ўша кадрдон тепалик, қари анор дарахти жонланди. Мана, қаршимда Ҳасан содиқлик билан менга мутеларча термулиб турибди. Қўлида каттакон анор. У анорни пешонасига уриб ёради ва мендан маҳзун киёфада сўрайди:

«Энди кўнглинг жойига тушдими? Энди сал бўлса-да енгил тортдингми?»

Енгил тортдим, Ҳасан! Елкамдан тоғ ағдарилди, Ҳасан! Ҳа, мени 26 йил тинимсиз азоблаб келган хасталикдан мана шу шафқатсиз мушт ва тепкилар, мислсиз азоб-укубатлар ичида халос бўлдим, Ҳасан! Мен кулмай ким кулсин яна?

Бу олишувнинг интиҳоси то ўлгунча хотирамдан чикмаслиги аниқ.

Мен чалқанчасига беҳол ётардим, аммо кулгу мени тарк этмаганди. Абгор жисмим эса, устма-уст тушаётган пўлат зарбаларга нишон эди.

– Бас, – ингичка, аммо баланд овоздан иккимиз ҳам сергак тортиб, ўша томонга қарадик. – Илтимос қиламан, оға, бас килинг!

Болалар уйининг директори (исми Замонмиди?) айтган гап қулоғим остида жаранглагандек бўлди: «Рогатка отиш бўйича ҳеч ким унга тенг келолмайди. Туну кун рогаткасини ўзи билан олиб юради».

Сухробнинг кўзидан оқаётган шашкатор ёшлар унинг кипригидаги сурмаларни ҳам сидириб, мишиғига қўшилиб, пастга сирғаларди. Бир қўлида рогатканинг айрисини тутиб, иккинчисида резинкасини тортиб, Асефнинг пешонасини нишонга олиб турди. Рогатка «ўқдон»ида нимадир ялтираб турибди: э, бу бояги, узум турган столнинг зўлдири эмасми?

– Оға, уни кийнашни бас килинг, – деди боланинг овози титраб. – Илтимос, бошқа кийнаманг уни!

Асефнинг лаблари газабдан пир-пир учди:

– Бу нима қилганинг ҳароми?

– Илтимос, оға! – ёлворди Сухроб. – Уни қўйворинг!

– Рогаткани ташла! – илондек вишиллади Асеф. – Бошингга итнинг қунини соламан, ҳазорийвачча!

– Уни кийнаманг!

– Ташла дедим!

– Илтимос қиламан!

– Ташла итвачча! – Асеф мени янчиб ўтганча бола тарафга отилди. Нимадир чийиллаб кетди. Ҳа, Сухроб рогатка резинасини қўйворган экан. Асеф ҳўкиздек бўкирганча чап кўзини чангаллаб ўгириб қолди. Бармоқлари орасида қон аралаш аллакандай шаффоф суюқлик сизиб оқиб чиқди. Ҳа, қайсидир дарсда қулоғимга чалинганди. Бу кўз косаси суюқлиги. Асеф кўзини чангаллаб, ерга ағанаркан, Сухроб қўлимдан тутиб, қулоғимга шипшиди:

– Юринг, қочамиз!

Ҳар бир кадам босишимиз жон бериш билан барабар эди.

– Чиказворинглар! – кичкирди Асеф ортимиздан. – Чиказворинглар, тезроқ!

Эшик олдида сокчилар бизни кўриб бақрайиб қолишди. Кейин ажабланганча бир-бирига қаради.

– Қочдик, – қўлимдан тортқилади Сухроб. Мен эса, тамоман қолдан тойган, аранг одимлардим.

– Чиказинглар деяпман.

Беихтиёр оркамга ўгирилдим. Сокчилар Асефнинг устига эгилиб нимадир қилишаётганди. Ўл-а, кўз косасига бояги зўлдир тикилиб қопти.

Еру осмон назаримда чирпирак бўлиб айланарди. Сухробга суяниб зиналардан тушарканман, Асефнинг йирткичларча ўкириги биздан тобора олис-

лаб борарди. Мана, кўчага ҳам чикиб олдик. Баракалла Сухроб, агар сен бўлмаганингда анави жаллоднинг қўлида аллақачон жон берган бўлардим. Фарид бизни кўриши билан машинадан тушиб, ёрдамга ошиқди:

– Ло ҳавло ва ло қуввато, – дея менинг қўлтиғимдан олиб, машинанинг орқа ўриндиғига ўтқизди. Кейин Сухроб ва Фарид машинага жойлашишди. Эшиклар ёпилганини, мотор ўт олганини эшитдим. Пешонамда жажожи майин кафтнинг ёқимли ҳароратини ҳис этдим. Машина ойнасидан сирғалиб бораётган қурушқок шох ва новдалар кўзимга ташланади. Сухроб тепамда тинимсиз энтикади. Фарид эса битта дуони ҳадеб такрорлайди «Ло ҳавло ва ло қуввато...»

Элас-элас ҳушимни йўқотаётганимни илғайман...

XIX

Зулмат хийла ёришиб, ғира-ширада менга кадалиб турган ҳар хил каллалар кўзга ташланади, нималарнидир сўрашади. Айрим саволларни тушунгандек бўламан: Отинг нима? Бирор еринг оғрияптими? Кимлигимни билиб турибман, ҳаммаёғим қакшаб оғриётгани ҳам бор гап. Лекин жавоб беролмайман. Гапириш нақ азобнинг ўзи. Мен буни юзи кизартирилган, киприклари бўялган болакай ҳақида нимадир дейишга чоғланганимдаёқ тушунганман. Ўшандан бери бир йил ўтдим, икки йилми, ўн йилми, эслолмайман. Мана ўша бола: биз машинада қаёққадир кетяпмиз, рулни Сурайё бошқаряпти. Қизик, у машина ҳайдашни билмасди-ку!

Яна мовий қалпоқчалар остидаги нотаниш каллалар кўринади. Биттаси кўзимга жуда таниш кўриняпти. Исми Ойша экан. Қалпоқ остидан оқарган сочлари тошиб чиккан, бурнига булоки такиб олибди, кўзлари кўзойнак ортидан янаям каттароқ бўлиб кўринаркан. Қўллари мунча юмшоқ, ёқимли бўлмаса? Кўкрагимга ниманидир кадаб қўйишибди.

Зум ўтмай яна зулмат қаърига қулайман. Каравотим устида турган мана бу йигит ким бўлди? Бошида бир жуфт патирни эслатувчи қалпоқ. Қорасоч, қоракўз бу йигитни қаердадир кўрганман. Мен кўп йиллар бурун унинг машинасига чиққанман. Яна қоронғилик ўз қомига тортади.

Қизик, оғзимга ниманидир тикиб қўйишибди. Нимадир билкиллаяпти. Ўнг қўлим ловуллаш бошлади. Бояги булоки таккан аёл менга капелъница қўйяпти. Унинг овози узок-узокдан эшитилгандек бўлади:

– Калий, бироз оғритиши мумкин. Худди ари чаккандек бўлади.

Нимадир демоқчи бўлдим, оғзим очилмади. Кўкрагимга қадалган нарсани нима бўлдикин? Яна қоронғиликка қулайман. Қаршимда Ҳимолай айиғи устида менга қараб қулимсираб турган одамни ҳам танидим. У менга дўстона қўл чўзди: «Баракалла ўғлим, бу сенинг ўлжанг, сен уни енгдинг!»

Илкис кўзимни очдим. Мана, бояги қорасоч йигит. Эсладим, унинг исми Фарид. Унинг ёнидаги бола ҳам менга таниш. Шу чоқ кулоғим остида кўнгирокчалар жаранги эшитилди. Чанқаб кетдим. Сув ичгим келяпти. Яна қоронғулик денгизига шўнғиб чиқаман. Манави ингичка мўйловли одам ким бўлди? Қайсидир телесериал қахрамони-ку?

Йўк, унинг исми доктор Фарукий, жағ-юз соҳаси бўйича жарроҳ экан. Негадир: – Мен қаердаман? – деган савол бўғзимдан ҳатлаб чиқолмайди. Оғзимни очишга уринишим билан нимадир бўйнимни хиппа бўғади.

– Ҳали бироз эрта, Амир, – деди доктор. – Ҳадемай ҳаммаси ўтиб кетади. Фақат сим қарқасни ечишимизни кутишга тўғри келади. Сиз қаерда бўлганингиз, бунча жароҳатни қаерда олганингизни эслолмасангиз керак. Мени бу ерга операциядан кейин чақиринди.

Доктор бироз жим қолди. Негадир юзи жиддийлашди:

– Сиз ҳозир Пешовардаги госпиталдасиз. Сизни бу ерга жуда оғир ахволда олиб келишди. Омадингиз бор экан, тирик қолдингиз, биродар! – у кўрсаткич бармоғини соат қапгиридай ликиллади. – Сизнинг талоғингиз ёрилган, яхшиям ички қон кетиши дарҳол тўхтаган, ақс ҳолда сиз бу ергача етиб келолмасдингиз. Умумий жарроҳлик бўлимидаги ҳамкасбларим сизнинг талоғингизни олиб ташлашди. Ундан ташқари, етти қовурғанингиз синган. Биттасида пневмоторакс юз берган. Яъни синган қовурға ўпкани жароҳатлаган. – Жарроҳ менга бир учи кўксимга қадалган шаффоф пластмасса ичакни кўрсатди. – Биз сизнинг кўкрак қафасингизга плеврал дренаж ўрнатдик.

Ичакнинг иккинчи учи яримгача сув билан тўлғизилган, махсус сепояга ўрнатилган шиша идишга уланган эди. Мана билкиллаш товуши қаердан келяпти.

– Сизнинг танангизда жароҳат жуда кўп эди. Энг ёмони, устки лабингиздагиси эди. Лабингиз иккига бўлинган, этнинг бир қисми узилиб ҳам тушганди. Хавотирланманг, пластик жарроҳларим чиройли қилиб тикиб қўйишади. Фақат чандиги қолади. Кейин ёноқ суяги ҳам синган, агар зарба сал юқориероққа урилганида, кўзингиздан ажраб қоларкансиз. Оғиз бўшлиғидаги қарқас олти ҳафталардан кейин олиб ташланади. Унгача фақат суюқ овқатлар билан чекланасиз.

Доктор Фарукий оҳиста елкамни қоқиб чиқиб кетди. Бироздан кейин Ойша кириб, капельницини алмаштирди. Бу пайтда менинг тасаввурим ҳам тиниклашиб борарди.

Ол-а! Талоғим ёрилган, ўпкам тешилган, ёноқ суякларим синган, қовурғалар мажакланган, энг асосийси, лабим йиртилибди. лабим. Демак, мен ҳам куёнтумшук бўлиб қоларканман!

Эртаси куни Фарид билан Сухроб келди.

– Мени танидингми? – деди Фарид кулимсираб. Бош ирғадим.

– Аллоҳга шукур, ҳаммаси ортда колди.

– Раҳмат Фарид, – овозим аллақандай ғўлдираб чикди. Гапираётганимда аллақандай бўшлиққа ботаётганини сездим. Тишларимнинг анчасини «ювор»ганимни эсладим. – Яхшиям сен бор экансан.

– Қўйсанг-чи, – қўл силтади Фарид. Мен Сухробга қарадим. У қора дўппи, жигарранг яктак кийиб олган, ўзига сал катталиги сезилиб турарди.

– Биз сен билан ҳали танишиб олмадик, – дея унга қўл узатдим. – Менинг исмим Амир!

Сухроб менга қараб жилмайди:

– Сиз ўша, отам айтган Амир-оғамисиз?

– Ҳа!

Шу аснода Ҳасаннинг хатидаги сатрлар эсимга тушди: «Мен Сухробга сен ҳақингда қўп гапириб берганман!»

– Сен мени кутқариб колдинг, – дедим жиянимга. – Кийимларинг ярашибди ўзингга.

– Ўғлимники, – тушунтирди Фарид. – Унга кичкина келиб колган. Сухробга лойик экан.

Демак, Сухроб унинг уйида экан-да!

Бир муддат жимликдан сўнг, Фарид сўради:

– Ўша куни анув толибнинг уйида нима бўлганди ўзи?

– Ҳа, икковимиз ҳам қилмишимизга ярашасини олдик, – дедим бу ҳақда гапиришни истамаслигимни сездириб. У бошқа сўрамади. Мен эса, беришим лозим бўлган саволнинг жавобидан қўркиб индамай турардим. Аммо, барибир сўрашим керак эди:

– Раҳимхон қаерда?

– У йўқ, – деди Фарид ва менга буклоғлик қоғоз ва битта қалитни узатди. – Квартиранинг эгаси менга шуларни бериб қўйишимни тайинлаган. Ўзи эса, биз кетган кунимиз изсиз йўқолган. – Кейин у соатига қаради, – менга рухсат, боришим керак. Юр, Сухроб!

– Балки, Сухробни кейинроқ опкетарсан, – шундай дея Сухробга қарадим. У елка қисди.

– Майли, – деди Фарид. – Мен хуфтон намозидан олдин келаман.

Палатада мендан ташқари яна уч бемор бор эди. Улардан бири, оёғи гипсланган қария Сухробдан негадир кўзини узмасди. Ҳамхоналаримдан бири астма билан оғриган, иккинчисининг кўричаги олиб ташланган экан. Уларнинг ёнига қариндошлари, таниш-билишлари бетўхтов келиб туришар, урду тилида нималарнидир қизғин муҳокама қилишар, баъзан қаҳ-қаҳ отиб қулишарди.

Дарвоке, Фарид ва Сухроб келишидан сал аввал баланд бўйли, жигар-ранг кийим кийган соқолтой келиб, Ойша билан урду тилида нималарнидир гаплашди, кейин эса, Ойшанинг жавобини кутмай чикиб кетганди. Ғалати!

Сухроб бир нуктага кадалганча жим ўтирарди. «Нима ейсан?», «Кўнглинг нимани тусаяпти?», «Балки бирор гапинг бордир?» – шу каби саволларнинг ҳеч бирига тайинли жавоб ололмадим. Қачон кўзим илинганини билмайман, кўзимни очганимда у яна ўша алфозда жимгина ўтирарди. Фарид келиб, Сухробни олиб кетганидан кейин Раҳимхон қолдирган мактубни очиб ўқишга тутиндим:

«Амиржон! Агар бу хатимни ҳозир ўқиётган бўлсанг, демак, иншооллох, сафардан қайтиб келгансан. Сен ҳаксан. Ҳасан билан ораларингда ўтган барча гап-сўзлардан хабарим бор. Сен тўғри йўл тутмагансан, бироқ буни кечир-иш мумкин. У пайтлар бола эдинг, оқ-қорани яхши танимасдинг. Мен ўша кунни сенинг кўзларингда сўнгсиз изтироб ва надомат изларини кўриб, анча енгил тортдим. Чунки, фақат аблаҳ инсонларгина қилган хатолари учун пушаймон бўлмайдилар. Ўйлайманки, сен ўз бурчингни бажариб, бу надоматдан қутулгансан.

Амиржон, шунча пайт бу мудҳиш сирни сендан яшириб келганимиз учун бизни кечир. Сенинг ҳолатингни тушунаман, лекин бизни ҳам тушунишинг керак эди. Биз вазият тақозоси юзасидан буни сир сақлашга мажбур эдик.

Отанг болалигингда сенга нисбатан қаттиққўл эди. Сен эса унинг меҳрини, эътиборини қозонишни истардинг. Бироқ, отанг ўз меҳру муҳаббатини сен ва Ҳасан ўртасида тақсимлар эди. У ҳар иккингизни бирдек яхши кўрар, аммо Ҳасанга бўлган оталик меҳрини пинҳон сақлашга мажбур эди. Сен ҳам ғазабинг босилгач, тушуниб оларсан. Отанг сенинг тимсолингда ҳамиша ўзини кўрарди ва шу боис сенга нисбатан қатъий ва талабчан эди.

Отанг бутун умрини эзгу ишларга бағишлади. Менимча, у шу тахлит умрида йўл қўйган энг қатта хатони ювишга ҳаракат қилган.

Яратганининг қарами кенг, иншооллох, у сени ҳам, мени ҳам, отангни ҳам кечиргай! Сен ҳам отангни, мени ва энг асосийси, Ўзингни кечир-ишга ҳаракат қил! Агар сенга пул керак бўлса, меникини ишлат! Мен бор бойлигим сақланаётган банк ячейкасининг қалитини сенга қолдиряпман. Бу пуллар сенинг харажатларингни қоплашга бемалол етади.

Вақт кутиб турмайди. Мен сўнгги кунларимни ёлғизликда, хилватда ўтказишга қарор қилдим. Сендан илтимос, мени қидирма! Аллоҳ ҳамиша мададкоринг бўлсин.

Дуо ва салом билан Раҳимхон!»

Хатни ўқиб, кўз ёшдан ивиган юзларимни халатнинг кенг енгига артдим.

Айни топда Америкада отам ва мени нима бу қадар яқинлаштирганини англаб етдим. Ҳар иккимиз ҳам бир умр виждон азобида яшаганмиз. Отам-ку, айбини енгиллатиш учун кўплаб хайрли ишлар қилди. Мен-чи? Нима қилолдим?...

Эртаси куни кўкрагимга қадалган трубкани олиб ташлашди. Доктор Фарукий суюқ овқат ичишимга рухсат берди. Ҳамшира Ойша тутган кўзгуда ўз аксимни кўриб, юрагим орқамга тортиб кетди. Назаримда кимдир юзимни худди шардек пуфлаб шиширганга ўхшарди. Кўзларим қисилиб кетган, оғзим бир тарафга қийшайган, ҳаммаёғим яра, чандик, чоклар...

Яна Фарид билан Сухроб келди. Фариднинг юзларида хавотир аломатларини кўрдим.

– Иложи борича, Пешовардан тезроқ чиқиб кетишинг керак, – деди у имкон қадар босиклик билан. – Бу ерда толибларнинг гумашталари изғиб юришибди. Сенга бирор зиён-захмат етказишмаса деб кўрқаман.

Илкис кечаги жигарранг кийимли совукбашара одам кўз олдимга келди.

– Менимча, улар аллақачон мени топиб бўлишган, – дедим хастаҳол овозда.

Фарид менга яқинроқ келиб, елкамдан тутди.

– Сен оёққа туришинг билан Исломободга олиб кетаман. У ерни ҳам у қадар хавфсиз деб бўлмайди. Аммо, ҳар қалай Пешовардан кўра тинчроқ-да! Энг муҳими, вақтдан ютамиз.

– Фарид, сени ҳам роса овора қилдим. Ишқилиб сенинг ҳаётинг хавф остида қолмайдими?

– Текин ишламаяпман-ку, пулини тўлайсан, – кўзини қисиб қўйди Фарид.

– Бўлмасам-чи, – жилмайишга уриндим мен ҳам. – Раҳимхон айтган одамларни қидириб топишга ёрдам бер. Уларнинг исмини Жон ва Бетти Кондуэлл деганди.

– Шошма, нима дединг, – Фарид чўнтагидан бир парча эски қоғоз чиқариб, мен айтган исмларни ёзиб олди. – Мен уларни ҳозирок излашга тушаман, кечга яқин келиб Сухробни опкетаман, – кейин у Сухробнинг елкасини қоқиб қўйди. – Яна мен келгунимча амакингни уринтириб қўймагин.

Сухроб дераза олдига қўниб, нон увокларини чўкилаётган кабутарлардан кўз узмай ўтирарди.

Фарид кетгач, мен Сухробни суҳбатга тортишга, унинг юрагини гижимлаб турган андухни йўқотишга йўл изладим. Ниҳоят у билан амаллаб тил топишга муваффақ бўлдим.

– Қуйиб қўйгандек отанга ўхшаркансан, – дедим унинг юзидаги чизгилардан кўз узмай. – Отанг билан иккимизни битта аёл эмизган.

– Биламан, – деди у деразадан кўз узмай. – Отам сиз ҳақингизда жуда кўп нарса гапириб берганди. Икковингиз жуда қалин дўст бўлган экансизлар.

– Афсуски, мендан содиқ дўст чикмади, – дедим хўрсиниб. – Кел, иккимиз дўст бўламиз. Балки мен сенинг муносиб дўстинг бўла оларман.

Оҳиста Сухробнинг елкасига кўлимни ташладим. У эса, дераза ойнасига пешонасини тираб, олисдан кизариб кўринаётган уфқдан кўзини узмай ўтирарди.

Кўп ўтмай тиббий биродар ҳамшира билан келиб, мени хона бўйлаб юргизиб кўришди. Бутун баданим шунақа какшаб оғридики... О, канийди шу пайтда Сурайё ёнимда бўлса?

Шу тарика орадан яна икки кун ўтгач, мен доктор Фарукийга кетишим лозимлигини айтдим. Аввалига таажжубдан Фарукийнинг кўзлари катталашиб кетди. Кейин бунинг сираям иложи йўклигини уқтирди. Мен эса, сўзимда туриб олдим.

– Ҳаммаси учун раҳмат, доктор, – дея унга миннатдорлик билдирдим. – Бу ердан тезроқ чиқиб кетсам, сизга ҳам яхши бўларди. Мендан бошқа хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Ҳозир бемалол бошқаларнинг кўмагисиз юра оляпман.

Ўзимча тузган режамга биноан, шифохонадан чиқишим билан банкдаги пулни олишим, Сухробни Колдуэлларнинг болалар уйига топширишим, кейин Исломободга жўнаб, у ердан уйга йўл олишим лозим эди. Бироқ эртасига эрталаб Фарид келтирган хабар ҳамма режани пучга чиқарди.

– Сен айтган одамлар Пешоварда умуман яшашмас экан.

Бу пайтда мен кетиш учун ҳамма нарсамни тайёрлаб тургандим.

– Бу нима деганинг? Қанақасига йўқ бўларкан?

– Сен мени тушунмадинг чоғи, – деди Фарид. – Бунақа одамлар умуман Пешоварда йўқ, бўлишмаган ҳам. Америка консулхонасига борганимда шундай дейишди. Балки бошқа шаҳардадир?

Начора? Иккимиз бориб, банк ячейкасидан Раҳимхоннинг пулини олдик. Бир халта пул. Ҳеч ким қўл теккизмаган. Бунча пул билан Пешоварни айланиш эса, ўта хавфли. Бирорта соқолли одам учраб қолса. кўзимга Асеф ёллаган қотил бўлиб кўринади. Яна денг, бунақа соқолтойлар ҳар қадамда оёғим остидан чиқиб турса!

– Сухробни нима қиламиз энди? – сўрадим Фарид билан госпитал ҳисобхонасидан чиқаётганимизда. Бу пайтда Сухроб «Тойота»нинг ойнасидан биз тарафга қараб турарди. – Уни Пешоварга ташлаб кетиб бўлмайди.

– Йўқ, бу ер хавфли, – чамаси Фарид менинг сўзларимдаги яширин саволни дарҳол пайқади. – Мен бирор ёрдам...

– Тушунаман, Фарид, – дедим унинг сўзини бўлиб. – Шундок ҳам сени анча кийнаб қўйдик. Ўзинг қўл учида оила боқиб турган бўлсанг... Сухроб иккимизни Исломободга олиб бориб қўясан.

Покистон пойтахтига қадар тўрт соат йўл босдик. Йўл бўйи мудраб кетдим. Шу аснода худди босинкирашдек турли хотирот лавҳалари бирма-

бир мяда чакнай бошлади. Сокин мусика, Сурайёнинг хиноли қўлларини кафтимда сикиб турибман... Мана, Бобо менинг туғилган кунимда сўйилган кўйнинг гўштини тузлаяпти... Ҳаммаёк оппоқ қор. Қор устида эса, Ҳасаннинг конли излари... «Қон қудратли куч болам», – бу генералнинг сўзлари... «Ҳаммаси Яратганнинг иродасига боғлиқ, болам», – бу Жамила хола айтган гап. «Сен ўз мардлигингни кўрсатадиган пайт келди», – бу Раҳимхоннинг телефондаги илтимоси...

XXI

Пешовар нимаси биландир Кобулни эслатса, Исломобод тамоман бошқача шаҳар экан. Эҳ-ҳе, менинг она шахрим якин йиллар ичида бундай хушман-зара, саранжом гўшага айланмаса керак. Кўчалар ойнадай силлиқ, ҳаммаёк кўкаламзор, йўл четида ҳафсала билан экилган анвойи гуллардан баҳринг очилади.

Фарид бизни шаҳар четидаги кичикроқ меҳмонхонага бошлади. Биздан сал нарида дунёдаги энг катта масжид – Қирол Файсал масжиди жойлашган экан. Сухроб машина ойнасида анча пайтгача масжиднинг баланд минораларидан кўз узмай борди.

Меҳмонхонадаги шароитлар ҳам Кобулдагидан кескин фаркланарди. Бизга ажратилган хонада барча қулайликлар мавжуд эди. Телевизор тугмасини босдим. Қайсидир каналда урду тилида кўғирчоқ фильм берилаётган экан. Сухроб диванда тиззаларини қучоклаб чайқалганча, кизикиш билан экранга термилди.

– Энди бизга рухсат, Амир оға, – деди Фарид ҳамма юқларимизни хонага ташиб кираркан. – Болаларимдан хавотирдаман. Кечгача уйга етиб бормасам бўлмайди. – Эшик оғзида тўхтаб, Сухробга қўл силкиди: – Сухробжон, мен кетдим.

Сухробнинг бутун фикри-ёди экранга қадалган эди. Икковлон коридор бўйлаб кета бошладик. Унга аввалдан тайёрлаб қўйилган конвертни тутқаздим.

– Сенга қандай миннатдорлик билдиришни ҳам билмайман, биродар. – Фарид конвертни очаркан, кўзлари чараклаб кетди.

– Бу ерда... қанча бор?

– Икки ярим минг атрофида... доллар...

– Икки ярим... – Фариднинг лаблари титраб кетди. – Бу жуда кўп эмасми?

– Мен қилган яхшиликларингнинг мингдан бирини ҳам қайтаролмадим, дўстим, – дея унинг елкасидан қучдим.

Шу-шу биз қайтиб учрашмадик.

XXII

Хонага қайтганимда, телевизор ўчирилган, Сухроб каравотда тиззасини қучоклаганча кўзларини юмиб ўтирар, ухляптими, хаёл суряптими, билиб

бўлмасди. Оғриқдан белимни ушлаб, каравотга жойлашдим. Бу оғриқлар қачон мени тинч қўяркин-а? Ётсам ҳам, турсам ҳам, ўтирсам ҳам ҳаммаёғим зиркирайди.

Сухробни нима қилиш керак? Мен ич-ичимдан бу саволнинг жавобини билсам-да, бу ҳақда негадир ўйлашга қўрқардим.

Кўзим илинибди. Бир пайт уйғониб қарасам, Сухроб жойида йўк. Юрагим кинидан чиқай деди. Заиф овозда уни чақирдим. Жавоб бўлмади. Ваннада ҳам йўк. Аранг кўзгалиб, коридорга чиқдим. Ундан ном-нишон кўринмасди.

Биринчи қаватда меҳмонхона маъмури бурнининг устига кўзойнагини омонат қўндириб газета ўкиб ўтирарди. Ундан Сухробни сўрадим, ташки тузилишини тасвирлаб бердим.

– Болаларга эҳтиёт бўлиш керак, оғайни, – бепарволик билан газетадан кўз узиб менга кўзойнаги оша мўралади маъмур.

Намунча тўнка бўлмаса бу одам?

– Мен бу ерлик эмасман, – дедим нафасим тикилиб. – Уйғонсам йўк. Чиқиб кетибди. Қасрдан топишни билмаяпман.

– Э, мениям учта болам шунақа шўхки, ерга урса осмонга сапчийди. Ҳа, болаларни талтайтириб юбормаслик керак!

– Илтимос, – дея овозимни баландлатдим, чўнтаги устидаги битикдан исмини ўкиб оларканман. – Фаёз соҳиб, айтинг, кўрдингизми ё йўкми?

Фаёз соҳиб бамайлихотир яна кўзойнагини қўндириб, қўлига газета олди.

– Йўк, афсуски, кўрганим йўк!

Энсам котиб, чиқиш эшигига яқинлашарканман, яна ортимга ўғтирилдим.

– Уни қаердан топишим мумкинлигини айтолмайсизми? – Гарчи ундан тайинли жавоб чиқмаслигини билсам-да, назаримда ҳозир менга ундан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмасди.

– Ўғлингиз нимага қизиқади ўзи? Масалан, менинг ўғилларим жангари фильмлар деса ўзини томдан ташлайди.

– Масжид! – Хаёлимга урилган биринчи фикр тилимга кўчди. Қирол Файсал масжиди ёнидан ўтаётганимизда, Сухробнинг кўзида мислсиз жонланишни кўргандек бўлувдим. – Илтимос, мени ўша ерга олиб бора олмайсизми? Айтган пулингизни бераман.

Маъмур бир хўрсиниб қўйди-да, кейин бош ирғаб, ичкарига кириб кетди.

Бир неча дақиқадан сўнг, биз ўша мухташам масжидга етиб келдик. То етиб келгунча нима хаёлларга бормадим. Хайриятки, Сухроб автоқўналга яқинидаги ўтлоқда мовий кўзларини бир нуктага тикиб ўтирган экан. Фаёз «мен боришим керак» деди-да, машинага ўтириб кетворди.

– Кўрkitиб юбординг-ку, – дедим унинг тўлкинсимон сочларидан силаб. Сухроб кўзларини масжиднинг баланд, улуғвор гумбазларидан узмай

ўтирарди. Ёнимиздан машиналар тинимсиз ўтиб қайтар, Сухроб эса, бир нуктага кадалганча, дунё ва ундаги бор нарсаларни унутгандек эди. Шу чок масжид минорасидан хуфтон азони эшитилди.

– Мозори шарифда бўлганмисиз? – сўради Сухроб ҳамон миноралардан кўз узмай, кейин жавобимни кутмай илова қилди. – У ерда ҳам худди шундай масжид бор. Кўкмачит дейишади. Масжид ховлисида кабутарлар донлаб юришади. Мен ҳам дадам, сасам билан борганимда, кабутарларга нон майдалаб берганман. Кейин ўша ердан дадам менга шишириладиган елим маймунча сотиб олиб берганди...

Беихтиёр мен ҳам болалигимда Бобо билан Мозори шарифга борганимни эсладим. Кўксимда нимадир зириллаб кетгандек бўлди.

– Ота-онангни соғиндингми? – сўрадим овозим титраб.

У ота-онасини толиблар қандай ўлдиришганини кўрганмикин?

– Сиз-чи, сизам соғинасизми?

– Мен онамни кўрмаганман, – дедим хўрсиниб. – Отам эса, бир неча йил олдин вафот этди. Албатта соғинаман. Баъзан тушларимга кириб чиқади. Ҳатто хиди ҳам димоғимдан кетгани йўқ. – Шу аснода отамнинг микти гавдаси, қўнғир сочлари, тийрак кўзлари намоён бўлди.

– Мен ота-онамнинг киёфаларини эсдан чиқаряпман. Бу ёмон-а?

Шу тобда ҳамон кўкрак чўнтагимда юрган сурат эсимга тушиб, уни Сухробга узатдим. У суратга узоқ термулиб қолди. Ферузаранг, маъсум кўзларидан ёш тиркиради.

«Афғонистонда болалар кўп, аммо болалик йўқ». Қачондир эшитганим шу жумла қулоғим остида жаранглади.

Шу чок ёнимизда қўш от қўшилган фойтун так-туқ қилганча ўтиб кетди.

– Кейинги пайтларда фақат масжидлар хақида ўйлайдиган бўлиб қолганман, – деди Сухроб хаёлчанлик билан. – Амир оға, анави одамга қилган ёмонлигим учун дўзахга тушаманми?

Мен уни маҳкам бағримга босмоқчи бўлдим. У эса, негадир ўзини четга олди.

– Бунақа гапларни унут. Сен фариштадек бегуноҳсан.

– Отам ҳар доим: «Ҳеч кимга, ҳатто ёмон одамларга ҳам ёмонлик қилма. Вақти келиб улар ҳам яхши одамлар қаторига ўтиши мумкин», – дерди.

– Ҳар доим ҳам эмас, Сухроб, – дедим унинг бошини силаб. – Асеф ҳеч қачон яхшилар қаторига ўтмайдиган ёмон инсонлар тоифасидан эди. Мен уни болалигимдан биламан. Ўшанда тахминан сен билан тенг бўлсам керак. Асеф мени... урмоқчи бўлганди. Отанг кутқариб қолган. У ҳамиша менинг оркамда тоғ бўлиб турарди. Қўнларнинг бирида Асеф отангдан шафқатсизларча ўч олди. Мен эса, уни кутқариб қололмадим. Болалигимдан

бери Асефдан аламимни ололмай юрардим. Менинг ўрнимга бу ишни сен қилдинг.

– Мен дадамни, онамни, ҳамма яқинларимни соғинаман. Аммо, бир ҳисобдан улар ҳозир мени кўришмаётганидан хурсандман, – деди Сухроб ўқинч билан. – Чунки мен гуноҳга ботганман.

– Сенда гуноҳ йўқ, Сухроб, – дедим унинг озгин қўлларидан тутиб. – Мен сени ҳеч қачон ранжитмасликка ваъда бераман.

Мен уни бағримга босдим. Бу гал у индамай кўз ёшга ивиган юзларини менинг кўксимга босди.

– Мен билан Америкага кетасанми? – сўрадим ундан. Сухроб индамади.

Биз бир неча кун давомида Исломободнинг энг диққатга сазовор масканларини томоша қилдик. Бу вақт ичида мен ҳам анча ўзимни ўнглаб олдим. Қунларнинг бирида, меҳмонхонада телевизор томоша қилиб ўтирганимизда, Сухробга яна ўша саволни эслатдим.

– Мен кўркаман, – деди Сухроб экранда эркакларнинг шорти кийиб юришини қизгин муҳокама қилаётган оқ саллали муллалардан кўз узмай. – Ахийри мен сизнинг жонингизга тегиб қолсам-чи? Хотинингиз-чи, у мени қандай қарши оларкин? Ахир мен сизга бегонаман-ку! Лекин мен энди ҳеч қачон яна етимлар уйига қайтишни истамайман.

– Сен бегонамассан, – дедим унга қарата, менимча, ундан ҳеч нарсани яширмаслигим керак. – Биз отанг билан ака-укамиз, сен эса, менинг жияним бўласан.

Сухроб менга бакрайганча, тикилиб қолди.

XXIII

Учинчи уринишда Сан-Франциско билан телефонда боғланишга муваффақ бўлдим. Ҳозир Исломободда кеч соат саккиз ярим. Сан-Францискода эса, эрта тонг. Бир неча дакикадан сўнг Сурайёнинг сўник овозини эшитдим.

– Сурайё, бу мен, – дедим ширингина ухлаб ётган Сухробдан кўзимни узмай.

– Амир, – унинг овози жаранглаб чиқди. – Тузукмисиз? Нега шу пайтгача телефон қилмадингиз? Мен шунақа хавотир олдимки... Каердасиз?

– Покистонда...

Сухбатимиз салкам бир соатга чўзилди. Табиийки, унга Афғонистонга борганим, у ерда кўрган-кечирганларимни айтмадим. Узоғи билан икки ҳафтанинг ичида етиб боришимни айтдим.

– Фақат, мен бир ўзим бормаيمان, – дедим нимагадир унинг жавобидан хавфсираб. – Бунинг тарихи узун, борганимда албатта айтиб бераман.

– Нима гап? Яширмасдан айтаверинг.

Ҳа, шунча яшириб келганим етар. Энди оз бўлса-да, елкамни эзиб келган юкдан кутулганман. Ўзи, Сурайёга бу ҳақда аввалроқ айтишим керак эди. Аммо, ҳозир вазиятни тушунтиришдан аввал ўша кечмишни эсга олиш зарур.

Мен ҳикоямни тугатганимда телефондан унинг йиғлаётганини эшитдим.

– Мен розиман, – деди у бироз жимликдан сўнг. – Ахир шўрлик боланинг биздан бошқа яна кими бор?

XIV

– ...Сиз боланинг амакиси бўласизми? – сўради менинг гапларимни ҳафсала билан эшитган Америка элчихонасининг масъул ходими Реймонд Эндрюс синчков кўзлари билан мени ва Сухробни назардан ўтказаркан. – Хўш, бунни тасдиқлайдиган бирор одам борми?

Консулнинг тунд юзидан бирор маъно уқиш мушкул эди.

– Бор эди, – дедим тўнғиллаб. – Лекин у одамнинг ҳозир қаердалигини билмайман.

Эндрюс аллақандай такаббуруна, мағрур нигоҳларини биздан узмай турди:

– Сизга қисқагина бир маслаҳат берсам майлими? – сўради пинагини бузмай. – Яхшиси бу фикрдан кайтинг!

Устимдан бир челақ совук сув қуйилгандек бўлди.

– Бундан бир иш чиқиши кийин, – деди Эндрюс. – Сиз болани фарзандликка ололмайсиз.

– Нега?

– Биринчидан, боланинг етим эканини ҳукукий жихатдан исботлаш керак. Сиз унинг ота-онасини отиб ташлашган деяпсиз. Хўш, қўлингизда уларнинг ўлими ҳақидаги ҳужжат борми?

– Афғонистонда кўп одамларнинг ҳатто паспорти йўқ. Ўлим гувоҳномасини кимдан оламан?

– Начора, қонунларни мен тузмаганман. Ҳар қанча кизишманг, барибир сиз боланинг ота-онаси ўлганини исботлаб беришингиз керак. Иккинчидан, сиз уни бошқа давлатга олиб кетяпсиз. Бунинг учун бола туғилган мамлакат ҳукуматининг расмий розилиги керак бўлади. Афсуски, Кобулда элчихонамиз йўқ. Бу эса вазиятни янада мушкуллаштиради.

– Тушунсангиз-чи, – дедим бўғилиб. – Болани кўчага ташлаб кетолмайман. Биласизми... уни расвойи радди қилишган.

– Албатта, афсусдаман, – деди Эндрюс лоқайдлик билан эснаркан. – Аммо, жиянингизга виза беришимиз учун асос бўлолмайди.

Токатим ток бўлганди.

– Юр, Сухроб, – дедим унга форсчалаб. Эшик олдига етганда яна консулга юзландим. – Ўзр, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

– Эшитаман.

– Сизнинг фарзандингиз борми?

Эндрюснинг юзи бирдан ўзгарди.

– Нима фарқи бор? – деди паст овозда.. – Борми-йўқми?

– Сиздан шу жавобни кутгандим, – дедим дадиллик билан. – Сизнинг ўрнингизда фарзанд кадрили биладиган, фарзандли бўлиш истагини тушуна оладиган одам ўтириши керак эди.

– Мен ҳам сизга бир савол бермоқчиман, – деди бу гал алланечук синик овозда. – Сиз болага: «Америкага олиб кетаман», деб ваъда бердингизми?

– Хўш, нима бўпти шунга? – дедим тўнглик билан.

– Болага ваъда бериш жуда хавфли, хусусан ваъдангиз амалга ошмаганида. Сиз ҳалиям фикрингиздан қайтмадингизми?

– Йўқ, қайтмайман.

– Унда сизга мана бу одамга учрашни тавсия этаман, – у менга ташрифнома узатди. – Умар Файсал, кучли адвокат. Мени айтсангиз, сизга ёрдами тегиши мумкин.

Қабулхонадан чиқарканман, ойнага караб лабини бўяб ўтирган сариксоч котибага юзландим:

– Хўжайинингиз ҳамма билан шунака кўпол тарзда муомала қилади-ми? – сўрадим чиқиб кетиш олдидан бироз заҳримни тўкиш учун.

Котиба лаб бўёгини бир четга қўйди.

– Бечора Реймонд, қизи ўлганидан кейин шунака жиззаки бўлиб қолган. Икки ойча илгари ўзини осиб қўйган...

Таксида меҳмонхонага қайтарканмиз, Сухроб ойнадан сирғалиб ўтаётган шаҳар манзараларидан кўз узмай борарди. У албатта инглиз тилидаги Эндрюс билан суҳбатимизнинг маънисига етмади. Аммо, чамаси менинг гапириш оҳангимдан, кайфиятимдан вазият ҳақида тушунчага эга бўлган, бу ҳақда сўрашга юраги дов бермаётган эди.

Меҳмонхонага қайтганимиздан сўнг, Сухроб ваннахонада чўмилаётганидан фойдаланиб, яна уйимизга телефон қилдим. Унга вазиятни тушунтирдим. У ҳам фарзандликка олиш бўйича бир қанча агентликларга кўнғирок қилиб кўрибди. Афғон болаларини фарзандликка олиш масаласи бўйича бирорта агентлик шуғулланмас экан.

– Шариф амакимга кўнғирок қилдим, – дея илова қилди Сурайё. – У мухожират хизмати ходимлари билан гаплашиб кўрадиган бўлди.

Бу янгилик кайфиятимни анчайин кўтарганди.

Мен гўшакни илишим билан Сухроб ваннадан чиқиб келди. У Эндрюснинг ёнидан қайтганимиздан бери камгап бўлиб қолганди. У ўрнига чўзилиши билан пишиллаб ухлаб қолди.

Умар Файсал очик чехрали, юзида кулгичи ўйнаб турадиган одам экан. У хар бир гапини табассум ва узрхоҳлик билан бошларкан. Сухроб бир кўзи билан телеэкранда мультфильм томоша қилганча, иккинчи кўзини меҳмондан узмай ўтирарди.

– Реймонд Эндрюс сиз ҳақингизда яхши гапларни айтди, – дедим унинг чакқонлик билан сумкасидан блокнот ва қаламларини олишини кузатарканман.

– Ҳа, Эндрюс тилла одам, у менга кўнғирок қилиб, сизнинг масалангиз ҳақида айтувди.

– Яхши, демак, сиз вазиятдан бохабарсиз?

– Мен фақат Эндрюснинг оғзидан эшитдим, ўзингиз батафсил тушунтириб берарсиз, – кейин у Сухробга ўгирилиб форсча мурожаат қилди:

– Хўш, йигитча, ҳамма муаммо сизнинг устингизда экан-да?

Сухроб тавозе билан унга салом берди.

– Сухроб, ажойиб исм. Сенга паҳлавон Рустамнинг ўғлининг номини беришган экан-да!

Сухроб индамай яна телевизор томонга ўгирилди.

– Форс тилини яхши биларкансиз, – дедим Файсалга қараб.

– Ҳа, Қорачида туғилганман, Кобулда бир муддат яшаганман, Берклида ўсганман, – деди у реза-реза тер оқиб турган пешонасини артиб, кейин Сухроб тарафга ўғринча қараб олди. – Келинг, энди инглизчалаб гаплашайлик.

Мен унга Раҳимхон билан учрашувдан тортиб, то Пешовар госпиталига тушгунимча бўлиб ўтган воқеаларни айтиб бердим. Файсал айниқса Асеф билан тўқнашувимизни тингларкан, бир неча бор бош чайкаб «ух-ух»лаб қўйди.

– Олдингизда жуда катта тўсиқлар бор, Амир, – деди у. – Сизга Эндрюс айтган бўлса керак. Афғонистонда вазият оғир. Болани эса, етим эканини ишботлаш керак. Ким билсин, балки ота-онаси тирик бўлиб, боқолмаганидан етимхонага топширгандир? Ота-онаси бир кочоклар лагерига, бола бошқа бирига тушиб қолгандир?

– Ахир сизга айтдим-ку!

– Мен ишонаман, – бош ирғади Файсал. – Лекин бошқалар одамларга эмас, қоғозларга ишонишади.

Хуллас, Файсалдан ҳам айнан Эндрюснинг гапларини эшитдим.

– Хуллас, нима маслаҳат берасиз, – дедим унинг чайналишидан токатим тоқ бўлиб.

Файсал кўксини тўлдириб нафас оларкан, қўлидаги қаламни иягига тираб узоқ жим қолди.

– Сиз фарзандликка олиш бўйича ариза ташлаб қўяверинг. Боланинг шахсий истаги асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ бунинг учун конунчиликка кўра, сиз Покистонда Сухроб билан икки йил яшашингиз керак бўлади. Кейин унинг номидан сиёсий бошпана сўрайсиз. Шунда болага гуманитар виза беришлари мумкин. Яна бир йўли бор, – адвокатнинг кўзлари чарақлаб кетди. – Сиз Сухробни болалар уйига топширасиз. Кейин эса, уни фарзандликка олиш бўйича ариза берасиз. Муҳожират хизмати томонидан махсус ҳужжатлар расмийлаштирилади. Кейин сизнинг оилавий шароитингиз ўрганиб чиқилади.

– Лекин мен Сухробни энди етимхонага топширмасликка ваъда берганман.

– Барибир бошқа йўлингиз йўқ.

Кейин мен адвокатни машиналар қўналғасигача кузатиб қайтдим. Сухроб хонада мени сабрсизлик билан кутиб турарди. Унга ҳаммасини ётиғи билан тушунтирдим.

– Нима? Яна етимхонами? – Сухробнинг юзлари илкис тундлашди. – Амир оға, энди ҳеч қачон етимхонага бормайсан, дегандингиз-ку?

– Сухробжон, тушунсанг-чи, – дедим уни қандай овутишни билмай. – Бу ер сенга Кобул эмас. Шароитлар умуман фарқ қилади. У ерда кўп турмайсан. Мен сендан тез-тез хабар олиб тураман. Кейин сени у ердан оламану, икковимиз Америкага учиб кетамиз.

– Йўқ, фақат етимхонага бормаيمان, – айтганида туриб олди Сухроб. – У ерда мени хафа қилишади. Кўркаман! Амир оға, худо ҳақки, мени етимхонага топширманг! Илтимос қиламан!

– Тшшш, – болакайнинг титрабгина турган вужудини бағримга босдим. – Ҳаммаси яхши бўлади.

– Мени етимхонага топширмасликка ваъда беринг, Амир оға! Илтимос қиламан!

Ваъда беринг! Яна ваъдамда туrolмасам-чи? Табиийки, индамадим. Уни секин жойига ётқиздим, устини яхшилаб ўраб қўйдим. Ўзим ҳам кўп ўтмай ухлаб қолибман. Телефон товушидан уйғондим. Бу пайтда аллақачон қоронғи тушган, тунги соат ўн иккиларга яқинлашиб қолган эди.

Гўшакни кўтардим. Нарёдан Фаёзнинг мудрок товуши эшитилди.

– Сизни Америкадан сўрашяпти.

Ваннанинг чироғи ёниқ турарди. Демак, Сухроб ювингани кирган бўлса керак.

– Салом! – бу Сурайёнинг овози эди.

– Салом!

– Хўш, адвокат нима деди?

Мен унга бор гапни айтиб бердим.

– Сиз кўпам куюнаверманг, – деди хотиним. – Ҳозиргина Шариф амаким билан гаплашдим. У чорасини топганга ўхшайди. Ҳеч қандай муаммо бўлмас экан. Ўзи гуманитар виза олишга ёрдам бераркан.

– Ростданми? Зўр-ку, – дея кичкириб юбордим.

Гўшакни илишим билан каравотдан сапчиб турдим:

– Сухроб, зўр янгилик! – дея ванна эшигини такиллашдим. – Калифорниядан Сурайё кўнғирок килди. Энди сен ҳеч қанақа болалар уйига бормайсан! Биз Америкага кетамиз, Сухроб!

Жавоб бўлавермагач, шарт эшикни очдим... Ва жон ваҳмида кичкириб юбордим. Мен чўккалаб олганча тўхтовсиз кичкирадим. Тишимни тишимга босганча, бўғзим йиртилгунча кичкирадим.

«Тез ёрдам» етиб келганида ҳам бакириб ётган эканман. Кейин нима бўлганини менга айтиб беришди.

Ичкарига кириш мумкин эмас экан. Уни замбилга солиб, жонлантириш хонасига олиб киришди. Ортидан кирмоқчи эдим, хирсдек бакувват йигит йўлимни тўсди. Хушмуомалалик билан инглизчалаб, шу ерда кутиб туришимни тайинлади.

Кутиш зали узундан-узок, деразасиз коридордан иборат эди. Деворга такаб кўйилган металл ўриндиклар одамларга тўлган. Баъзилар жой йўқлиги туфайли полга, узун гилам-пояндоз устига ўтириб олган. Ҳамманинг юзи тунд, хамманинг кайфияти паришон...

Юрагим намунча безовта тепмаса? Нак қовурғаларим орасидан чиқиб кетгудек... Беихтиёр чап томондаги кичкина бўш қазони кўриб, миямга ажойиб бир фикр келди. Полга тўшалган кичкина гиламчалардан бирини олиб, хамшира киздан қиблани сўрадим...

Сўнгги бор бундан 15 йил аввал ибодат қилган, жойнамоз устида ўтирганча отамнинг дардига шифо сўрагандим.

Қизик, мусулмон бўла туриб, намоз қандай ўқилишини билмасам? Нима фарқи бор? Яратган эгамнинг қарами кенг. У қандай кўринишда бўлмасин, бандасининг истагини англайди, унинг мушқулини осон қилади!

Тасодифий «жойнамоз»ни ерга тўшаб, бошимни саждага кўйдим.

– Ё Аллоҳ, сендан қудратли, сендан меҳрибон ва раҳмлироқ зот йўқ бу оламда. Ўзинг борсан, ўзинг барҳаксан! Менки, сенинг бир гуноҳкор, осий бандангман! Рост, сенга итоат қилолмадим, аммо айни дамда сендан бошқа ҳеч кимдан мадад қулолмаيمان. – Беихтиёр кўзларимдан томчилаган ёш жойнамозга ёйилди, елкаларим унсиз силкина бошлади:

– Парвардигорим, биттаю битта жигарбандим Сухробнинг жонини асра!

...Бу дераза, туйнуксиз коридорда тун билан кунни фарқлаш кийин. Бу ерга келганимга қанча бўлдикин? Назаримда орадан йиллар ўтгандек. Кўзимни жонлантириш бўлимининг қўш тавақали эшигидан узмасдим. Икки олам ўртасидаги бўшлиққа тушиб қолгандек ҳис этардим ўзимни. Қачондир ким-

дир чикиб, мени хушхабар билан ёруғ оламга қайтаради ёхуд шумхабарни эшитишим билан йўқлик уммонига ғарқ бўламан.

Кимдир елкамни туртганида қалқиб кетдим. Қаршимда оғзига никоб таккан нотаниш шифокор турарди. У ўзини доктор Навоз деб таништирди:

– Писка боланинг томирларини жуда чуқур кесган экан. Болага анчагина қон қуйишга тўғри келди. Яхшиям боланинг организми кучли экан. Болани асраб қолдик. Ҳаммаси яхши!

Доктор мендан кўзини узмай жилмайди. Яна нималарнидир гапирар, аммо кулоғимга бошқа гап кирмасди. Унинг қўлларини ўпарканман, бўғзимдан отилиб чиққан йиғини тўхтатиб қололмадим.

Доктор Навоз билан изма-из тор йўлакдан кета бошладик. Ниҳоят Сухроб ётган палатага кириб бордик. Чорхари, кўк рангли хона. Сухробнинг билагига бинт билан ўраб ташланган, кўзлари юмук, ранги докадек оқарганча ҳаракатсиз ётарди. Каравот ёнидаги стулга оҳиста ўрнашдим. Беихтиёр уйқу элита бошлади. Кўзимни очганимда тонг отган, хона қуёш нурида чароғон бўлиб кетганди.

Уч кундан сўнг Сухробнинг оғзидаги нафас олиш трубкасини олиб ташлашди ва бошқа палатага ўтказишди. Мен эса, ҳамшираларга Сухробга кўз-қулоқ бўлишни тайинлаб, ўзимиз жойлашган меҳмонхонага йўл олдим. Хонамизни тартибга келтириб, ҳаммаёқни тозалаб қўйишган экан. Табиийки, ваннахонадаги қон изларини ҳам йўқотишган. Шундай бўлса-да, бу эшикни очишга юрагим бетламади. Беихтиёр кўз олдимда қандай қилиб, Сухробнинг ваннахонага киргани, устарадаги пискани олиб, томирини кесаётгани жонландию, титраб кетдим. У қўлларини кесаётиб, нима ҳақда ўйладийкин?

Холлда жаноб Фаёз билан тўқнаш келдим.

– Биласизми? – деди меҳмонхона маъмури бироз хижолатланиб. – Хафа бўлмангу, меҳмонхонани тарк этишга мажбурсиз. Ўзингиз тушунасиз. Бу воқеалардан кейин миждозларимиз ҳам хавфсираб қолишди. Бир-иккитаси лаш-лушини олиб жўнаворди. Буёғи... тирикчилик!

Начора! Ҳисоб-китоб қилиб, меҳмонхонани тарк этдим.

Сухробнинг янги палатасида ёшгина тиббий биродар жилмай навбатчилик қилиб ўтирган экан. Киришим билан постни менга топшириб чиқди. Сухроб юзини девор тарафга бурганча жим ётар, унга етарлича қон қуйилган бўлса-да, юзи ранг олиб улгурмаганди.

– Тузукмисан? – сўрадим унга яқинлашиб. – Доктор Навознинг айтишича, бир неча кундан кейин сенга жавоб беришаркан. Сен у-бу нарса еб олдингми? – Стол устида кичкина идишда нўхат бўткаси турарди. – Истасанг егизиб қўяман.

Сухроб билинар-билинемас бош чайқади.

– Биласанми, сенга нима опкелдим, – елимхалтадан боягина китоб дўконидан сотиб олинган «Шоҳнома»ни чиқардим. – бу «Шоҳнома», отанг



иккимиз болалигимизда севиб ўқирдик бу асарни. Истайсанми, сенгаям ўқиб бераман. «Рустам ва Сухроб» достонини эшитганмисан?

Сухроб кўзларини ҳали чандиғи битмаган қўллари билан ёпиб олди. Мен эса, ўлмас асарнинг шохбайтларини ўқишга тушдим.

– Чарчадим, – деди Сухроб бир бобни ўқиб тугатганимда.

– Майли, – китобнинг шу жойига белги қўйиб, ёпдим. – эртага давом эйтирамин. Ҳали жудаям қизиқ жойлари олдинда.

– Ҳаммасидан чарчадим, – деди болакай.

– Айт, кўнглинг нимани тусаяпти? Ҳаммасини сен учун бажо келтираман.

– Қанийди аввалги ҳаётим қайтиб келса, – у қўлини негадир томоғига яқинлаштирди. – Қанийди ота-онам ёнимда бўлса, Саса ҳам, Раҳимхон соҳиб ҳам. Ўзимизни эски уйимизда бирга яшасак. – У бармоқлари билан кўзларининг ёшини артди.

Томоғимга нимадир тикилгандек бўлди. Ахир бу ... ахир бу менинг орзуларим эмасмиди? Ахир Сухроб айтган уй менинг уйим-ку! Мен ҳам Бобо, Раҳимхон, Ҳасан ва Алилар билан яшаган давримни қўмсамадимми? Сухроб иккимизнинг ҳам дардимиз, оғриғимиз, ушалмас армонимиз бир. Наилужки, ўтмишга қайтиб бўлмайди. Биз қўмсаган одамлар энди йўқ. Фақат сен ва мен бормиз...

– Бунинг иложи йўқ, – дедим сўник овозда.

– Сиз мени қутқармаганингизда...

– Унақа дема!

– Ўлгим келяпти!

– Сухроб, унут бунақа гапларни! – дедим унинг ингичка билагидан ушлаб. – Энди ўтмишни эмас, келажакни ўйлаш керак. Мен ўша пайти, сен ваннахонада пайтинг, бир хушхабар эшитгандим. Сенга Америкада виза беришади. Мен сени опкетаман. Ҳеч қандай етимхонада қолмайсан, Сухроб, бу гал ваъдамни бажаришнинг имкони бор. Мен билан кетасанми?...

...Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, биз мухташам ҳаво лайнерида Америка замини томон парвоз қилиб борардик.

2001 йил жазирама август кунларининг бирида уйга етиб бордик. Сурайё бизни аэропортда қарши олди. Мен уни минг йилдан бери кўрмагандим. У менинг кучоғимга ўзини отганида ва димоғим унинг сочидан таралаётган олма ифориға тўйинганида, бу соғинч қанчалик улкан эканини англадим.

– Сен тун ортидан порлаб чиққан қуёшимсан, – дея шивирладим унга.

Кейин у Сухробнинг икки юзидан ўпиб сўрашди.

– Яхши етиб келдингларми, Сухробжон? Мен сенинг Сурайё холанг бўламан.

Беихтиёр Сурайёнинг шахло кўзларига боқдим. О, бу кўзлар! Унда соғинч ҳам, меҳр ҳам, мухаббат ҳам, қувонч ҳам, қадар ҳам зохир эди.

Сурайё биз келгунимизча Сухроб учун алоҳида хона тайёрлаб қўйган экан. Чойшаб устида кўм-кўк осмонда парвоз қилаётган варраклар акс этганди. Стол устида турли ўйинчоқлар, китобчалар, рангли қалам ва бўёқлар тартиб билан терилганди. Сухробнинг юзларида бирор ўзгариш, қувонч ё кизикиш нишонасининг йўқлигидан қалбим зирқирарди.

– Хона сенга ёқдими? – сўради Сурайё. Сухроб эса, бошини ҳам қилганча, бориб, қаравотига беҳол чўзилди. Биз уни холи қолдириб чиқдик. Орадан беш-ўн дақиқа ўтиб, унинг хонасига кирганимда, бола уйкуга кетганди. Ёстиғи тагидан қандайдир қоғоз парчаси чикиб турарди. Секин тортиб олдим. Бу ўша, мен Ҳасан билан тушган сурат эди. Ҳасан менга бахтиёрлик ва мамнуният билан бокиб турарди. Нечукдир енгил тортгандек бўлдим. Яна сездирмай суратни жойига қўйдим.

Орадан бир неча кун ўтиб, Жамила хола ва генерал меҳмон бўлиб келишди. Биз кучоқлашиб кўришдик. Қайнонам Сухробга ўз қўли билан тўкиган свитерни совға қилди. Фақат генералнинг нигоҳларида болага нисбатан аллақандай совуққонлик ифодасини пайкадим.

Генерал билан нариги хонага ўтиб, бироз шакарғуфторлик қилдик. Унга Афғонистонда кўрган-кечирганларимни айтдим. Фақат, Асеф билан олишувимизни айтмадим, холос. Жароҳат изларини эса, Пешовардаги йўлтўсарларга «юкладим».

Кунлар ўтиб борар, Сухробдаги хафагазаклик, маҳзунлик ҳамон таркамасди. У хоналарда худди шарпа сингари кезар, бирор оғиз гапирмас, ҳеч нарсага кизикиш билдирмас, кўпинча бўш вақтини уйку билан ўтказарди. Унинг бу рафтори, табиийки, Сурайёни ҳам ташвишга соларди. Биз ҳали келмасимиздан аввал у болани футбол, кегли, сузиш бўйича секцияларга ёздириб қўйганди.

Кутилмаганда, куз кунларининг бирида ҳаммаёк тўс-тўполон бўлиб кетди. 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркдаги эгизак бинолар портлатилди. Ҳаммаёкни, ҳатто тиланчиларнинг кепкасини ҳам Америка байроклари тасвири эгаллади.

Кўп ўтмай Америка ҳарбийлари Афғонистонни бомбардимон қилишди. Сиёсат майдонига яна Шимолий альянс вакиллари кўтарилди. Толиблар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Декабрда Боннда Афғонистондаги турли этник гуруҳлар етакчилари учрашишди. БМТ йиғирма йилдан бери давом этаётган қонли можароларга чек қўйишга чақирди.

Буларнинг ҳаммаси Сухробнинг кўз олдида сирғалиб борар, гўё ҳеч қандай маъно касб этмасди.

Шу орада бир пайтлар Софияда элчи бўлиб хизмат қилган танишим Кабир қўнғирок қилиб, Покистон чегарасида ўзининг махсус клиникасини оч-

ганини, минага тушган афғонларга тиббий ёрдам кўрсатиш истагида эканини билдириб, мендан кўмак сўради. Биз Сурайё билан бу таклифни бажону дил қабул қилдик. Мен афғон қочоқларига ёрдам бериш учун интернет орқали молиявий ҳамкорлар кидиришга тушдим. Шунда Сухробни олиб келиб қанчалик тўғри йўл тутганимни англадим.

Янги йил ҳам келди. Ҳаммаёқда байрам шукухи кеза бошлади. Фақат бизнинг уйимизда ҳали ҳеч қандай ўзгариш йўқ, жимжитлик бардавом эди.

Баҳор кунларининг бирида Афғонистондан кўнғирок қилиб, генерални чақиришди. Уни қайсидир вазирликка раҳбар этиб тайинлашибди. Бу кунни йиллар давомида кутган генерал эртаси куниёқ Ватанга учиб кетди. Жамила хола эса, бизникига кўчиб келди.

Мана ниҳоят, Наврўзи олам ҳам етиб келди. Афғонлар дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бу қадимий айёмни шодиёнаси қутишмайди. Фримонтдаги Лейк-Элизабет хиёбони муҳожир афғонлар учун Наврўз сайилгоҳига айланган, ҳаммаёқда байрам тантана қиларди. Худди шу кунларда Кабир Равалпиндида бизнинг кичкина тиббий марказимиз иш бошлаганини маълум қилди. Кенг хиёбон ҳар йили Наврўз шукуҳига бурканадиган Паҳмон адирларини ёдга соларди. Дошқозонлар атрофида кампирлар сумалак қайнатишар, эркалар давра қуриб, чойхўрлик қилишар, Афғонистонда кечаётган ислохотлар ҳақида баҳслашишар, ширинликлар ва ўйинчоқлар билан сийланган болаларнинг шодлигига тил ожиз эди.

Қайсидир бурчакдан, овозкучайтиргичдан Аҳмад Зоҳирнинг бўғиқ, аммо ширали овози янграрди:

*Худо додаст ба ту чақмони шахло,
Вале сангин дилу номехрибони.*

Булутли осмондан томчилаётган майин ёмғир инсон руҳига алланечук баҳорий осойиш бахш этарди.

Шу чок Сурайё энгимдан торткилади:

– Анавини қаранг, Амир!

Осмонда турли рангдаги олтита варрак бирваракайига кимўзар ўйнарди. Сал нарироқда эса, бир қария варрак сотмоқда эди. Бориб, у билан эски кадрдонлардек кўл олиб кўришдим. Байрам билан қутладим. Сухроб узоқроқда тунд киёфада кулранг осмонга тикилиб ўтирарди. Мен Ҳасан ўргатган услубда варракнинг камишларини текшириб, энг яхшисини танлаб сотиб олдим.

– Қара, сенга ёқдими? – дея варракни унга тутқаздим. Сухроб бир менга, бир варракка, кейин эса, яна осмонга тикилди. Сурайё ҳам бу пайтда биздан кўз узмай турарди.

– Сенинг отанг варрак учиришни ҳаммадан яхши кўрарди. Варрак учиришда бутун Кобулда унга тенг келадигани топилмасди, – дея варракнинг

камишлари, шохлари ва бодпарақларини кўздан кечира бошладим. У ипи узилган варрак қаерга бориб тушишини ҳам жуда яхши биларди.

Бешта варрак бир-бирини мудом таъқиб этарди.

– Хўш, варракни учирамизми? – сўрадим. У ҳамон жим эди. – Майли, ўзингдан кўр. Мен ўзим учираман, сен томоша қиласан.

Варракнинг ипини бўшатишга тушдим. Ўтлоқ устида турган сарғиш варрак бирдан жонланди. Мен дарҳол жойимдан қўзғалдим. Варракнинг ипини бўшатганча югура бошладим. О бу дамларни мен йиллар бўйи соғиниб келардим. Шамол варракни тобора юқорига кўтарар, мен эса, ипни бўшатиб, янада тезроқ югурардим. Мана, бизнинг варрагимиз тобора юксалиб, баландлаб бормокда. Мен эса, асабий чийиллаб бўшаётган пишиқ ип бармоқларимни тилиб ўтганини пайкадим. Аммо, бунга эътибор қиладиган ҳолатда эмасдим. Менинг тасаввуримда Кобулнинг серзавқ киш кунлари жонланганди. Мен айна дамда ўн икки ёшли болага айлангандим. Ўтмиш қайтмайди, деб бекор ўкинган эканман. Мен болаликка қайтдим.

Шу пайт кимдир мен билан ёнма-ён чопайётганини пайкадим. Бу Сухроб эди. Икки қўлини нимчасининг чўнтагига тикканча югуриб келарди. Юрагим тўлқинланиб кетди. Ғалтакни унинг қўлига тутказдим.

Яшил варрак бизнинг варрагимизни таъқиб эта бошлади. Уни анча нарида турган сочи типратикондек болакай учираётган экан.

– Сухроб, кара, анави шоввознинг бир адабини бермаймизми?

Сухроб ғалтакни менга қайтарди. Унинг юзларида аввалги лоқайдлик нишонаси йўқолган, кўзларида алланечук учкунлар порларди. Ахир у ҳам болаку! Худди мен сингари 12 ёшли болакай! Яшил варрак бизнинг варрагимизга яқинлашиб келарди.

– Биз шошилмаймиз, – дея шивирладим. – Қани келаверсин-чи! У бизни қармоққа туширмоқчи. Ҳозир биз уни илинтирамиз. Бу усулни менга отанг ўргатганди.

Сухроб яна қўлимдан ғалтакни юлиб олди. Осмонда варраклар жанги давом этарди.

Мана, ниҳоят биз енгдик. Бизнинг сарғиш варрак самода ғалаба рақсини ижро этар, шамол эса, рақиб варракни номаълум томонга учуриб кетмоқда эди.

– Истайсанми, ҳозир мен сенга ўша варракни опкелиб бераман.

Сухробга қарадим. Унинг юзларида табассум кўрдим. Табассум. Ҳа, узоқ пайт қахратон измида ётган замин бағридан униб чиққан илк баҳорий чечак эди бу табассум. Вужудимга ғайритабиий куч оқиб кирди.

Мен югурардим. Кап-катта эркак бир тўда болалар ичида шаталок отиб югурардим. Баҳор насими юзларимга урилар, лабларимда эса Панжшер дараси кенглигида табассум ёйилганди.

Югурардим.



Ог Мандино



Душенинг энг буюк савдогари

БИРИНЧИ БОБ

Хафид бир муддат кўзгу қаршисида тўхтаб, ўзининг сайқалланган маъдан сатҳидаги аксига кўз ташлади:

– Ортда қолган ёшликнинг излари фақат кўзлардагина сақланиб қолади, – дея пичирлади у шинам мрамор зал тарафга одимларкан.

Улкан биринж тувакларда бир неча авлодни кўрган, юз йилларни қаритган баҳайбат пальмалар ўртадаги антиқа фавворани қуршаб олишган. Фаввора атрофида нимфалар ҳайкаллари ўрнатилган эди. Хафиднинг бу қасрига кириш шарафига муяссар бўлган ҳеч бир инсон қаср хожасининг афсонавий бойлигига шубҳа қилиши мумкин эмасди.

Мўйсафид хожа қаср ҳовлисидаги гулзор оралаб, кичкина йўлакдан юриб борди ва омборхонага тушди. Бу улкан омбор тахминан шу қасрнинг ҳажмига эга бўлиб, узунлиги беш минг кадамдан кўпроқ чиқарди. Хафиднинг бош ҳисобчиси Эразмус хожасини кутиб турарди.

– Хайрли кун, хожам!

Хафид жимгина бош ирғаб, одимлашда давом этди. Эразмус хожасига эргашди. Ҳисобчи хожасининг айнан шу нобоп ерда кутиб туришни буюрганини англолмай турарди. Хафид пастки майдончага етганида, яқинда келтирилган молларни қандай жойлаштирилиши ва уларнинг нарҳини билиш учун тўхтади.

Моллар орасида жун, зиғир матолари, пергамент, Кичик Осиёдан келтирилган мушк-анбар, ойна, малҳам, Хафиднинг ватанидан олиб келинган ёнғок ва анжир коқиси, Тадморнинг ранг-баранг матолари ва дори-дармонлари, занжабил, долчин, Арабистоннинг лаъл-жавохирлари, Мисрдан келган базальт ва ганч, Римда ишланган суратлар, Юнонистон ҳайкаллари қалашиб ётарди. Чолнинг сезгир димоғига олма, олхўри, пишлок ва занжа-

бил аралашмасидан тайёрланган малҳамнинг ҳавода сузиб юрган ёкимли ифори оқиб кирди.

Нихоят у Эразмусга юзланди:

– Қадрдон дўстим, ғазнамиздаги ҳамма бойликларнинг қиймати канча?

Эразмуснинг ранги оқарди.

– Адашмасам, етти миллион олтин динордан ошганди.

– Агар биз ҳамма молларимизни тиллага чакадиган бўлсак, канча бўлиши мумкин?

– Ҳали ҳисоб-китоб ишларимиз тугамади, хожам. Аммо бу моллардан қолган фойданинг ўзи камида уч миллион динор бўлади.

Хафид коникиш маъносида бош ирғади.

– Энди мол сотиб олишни тўхтат. Менга тегишли ҳамма молларни қисқа фурсатда тилла ёмбиларга айлантириш чорасини кўр.

Кутилмаганда ҳисобчининг оғзи ланг очилиб қолди. У шу қадар хайратга тушган эдики, бир муддат ҳатто тили калимага келмай турди, ниҳоят ҳушини сал тўплаб олгач, аранг тилга кирди:

– Т-тушунмадим, хожам. Бу йил биз учун анча баракали келди. Барча дўкандорларингиз моллар олдинги йилга нисбатан кўпроқ сотилганини айтишди. Ҳатто Рим легиони ҳам бизнинг буюртмачимизга айланди. Шундай экан, сиз икки ҳафта бурун Қуддус ҳукмдорига ваъда қилинган икки мингта араб тулпорини етказиб беришдан воз кечмокчимисиз? Мени маъзур тутинг, аммо камина амрингиздан не муддаони қўзлаганингизни англолмай турибман.

Хафид кулимсираб, эски кадрдонининг қўлини сиқиб қўйди.

– Биродари азиз. Мендан илк бор топширик олган кунинг эсингдами? Бунга кўп йиллар бўлди. Ўшанда эндигина қўлимга ишга келгандинг.

Эразмуснинг юзи бир зум тиришиб, кейин ёришгандек бўлди.

– Хожам, ўшанда «йиллик фойдамизнинг тенг ярмини ғарибларга тарқатиб чик» дегандингиз.

– Сен эса мени савдо ишида нўнокликда айблаб, айтганимни қилмагандинг, – муғамбирона лукма ташлади Хафид.

– Мен бирор нохушлик юз беришидан хавфсирагандим, хожам.

Хафид тоғдек уюлиб ётган молларга ишора қилди:

– Энди ўша хавотиринг беҳуда эканини тан оласанми?

– Ҳа, хожам.

– Ҳозир ҳам мен ўз режаларимни сенга тўла ошкор этмасимданок, амримни бажо этишга киришавер. Мен қариб қолдим, эҳтиёжларим ҳам шунга яраша. Махбубам гўзал Лиша мени ташлаб кетганидан бери анча йиллар ўтди. Шундан бери мен фақат ўз бойлигимни шахримизнинг фақирларига тарқатиш ҳақида ўйлаяпман. Тинчгина умргузаронлик қилишим учун ўзимда энг зарур нарсаларни олиб қоламан. Сен мол-мулк рўйхати билан бирга барча дўконларимни ўз эгаларига ҳадя қилиш бўйича тегишли хужжатлар

тайёрла. Шунингдек, барча бошқарувчиларга шунча йиллик садоқатли хизматлари учун 5 минг талант олтинни адолат билан тақсимлаб беришингни сўрайман. Улар бу пулларни ўз эҳтиёжлари учун хоҳлаганларидек ишлатишлари мумкин.

Эразмус нимагадир эътироз билдирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида, Хафид уни кўл ишораси билан тўхтатди.

– Менинг кўрсатмаларим сенга манзур эмас шекилли?

Ҳисобчи мажҳул киёфада бош чайқаб, жилмайишга уринди.

– Йўк, хожа, фақат сизни бундай қарор қабул қилишингизга нима сабаб бўлганини билолмаяпман, холос. Сиз худди ҳаётдан умиди батамом сўнган кимсалардек гапирмоқдасиз.

– Худди сендек йўл тутяпман, азизим Эразмус. Сен ҳар доим менга ўзингдан-да кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиб келдинг. Сен шу пайтга қадар ўз келажакнинг ҳақида ўйлаб кўрдингми? Бордию, бизнинг тижоратимиз касодга учраса нима қилардинг?

– Биз узоқ йиллардан бери дўстмиз, – шошилиб жавоб берди Эразмус. – Шундай экан, мен қандай қилиб фақат ўзим ҳақимда, ўзимнинг ҳузур-ҳаловатим тўғрисида ўйлашим мумкин эди?

Хафид дўстини маҳкам бағрига босаркан, деди:

– Сўзларинг самимийлигига заррача шубҳам йўк. Сенга эллик минг талант олтинни ўз номингга ўтказишингни айтдим. Энди то менга аввалдан топширилган ишни ниҳоясига етказгунимга қадар, ёнимда қолишингни сўрайман. Бундан ташқари, бу қаср ва омборни ҳам сенга қолдириб кетаман. Шундан сўнг мен хотиржам маҳбубам Лиша ҳузурига боришим мумкин.

Кекса ҳисобчи ўз хожаси ва устозига синчковлик билан тикилди. Айни чоғда у эшитган ҳамма гапларини идрок эта оладиган ҳолатда эмасди.

– Эллик минг олтин талант? Қаср... омбор... Йўк, хожа, мен бундай олий марҳаматга лойиқ эмасман!

Хафид бу гал ҳам қатъият билан бош ирғади:

– Мен сени ҳамиша энг яқин дўстим деб билганман, Эразмус. Сен олий марҳамат деб ўйлаган нарсалар аслида сенинг беҳад садоқатинг ва фидойилигинг олдида ҳеч нарсага арзимади. Сен бошқалар бахти учун яшаш санъатини пухта эгаллагансан ва бу ҳислат ҳаммасидан ўта юқори баҳоланади. Энди сен менинг ҳамма режаларимни амалга ошишини тезлата олишингга ишонаман. Ҳозир мен учун ўтаётган вақтнинг ҳар бир дақиқаси бебаҳо.

Бу сўзлар ҳисобчининг қулоғига худди дафн мусикасидек чалинди. Эразмус юзларини юваётган аччиқ кўз ёшларини тўхтата олмай, дўстига термуди:

– Ваъдангиз нима бўлади? – сўради у. – Улар ўз кучида қоладими? Биз ҳар доим худди ака-укадек бўлиб келсак-да, бу ҳақда оғиз очмагансиз.

Хафид қўлларини кўкраги устида қовуштириб, сирли кулимсиради:

– Биз ҳали бу ҳақда гаплашамиз. Сен ҳозирги топшириқларимни бажариб бўлганингдан кейин, сенга шу пайтга қадар ҳаммадан яшириб келган сирни очаман.

ИККИНЧИ БОБ

Орадан кунлар ўтиб, тоғ-тоғ олтин юкланган қарвон ишончли соқчилар қуршовида Дамашқдан йўлга чиқди. Кекса қарвонбошининг сафархалтасида зарур ҳужжатлар қатори найча шаклида ўралган нома ҳам бор эди. Унда хожанинг барча олтинларни хожага тегишли дўконлар ўртасида тарқатиш ҳақида сўз борарди. Қарвон Хафидга тегишли барча дўконлар олдида тўхтаб ўтарди. Ҳар бир савдогар ўз хожасининг бу антиқа қарорини қатта хайрат ва сукут билан қарши оларди.

Антират шаҳридаги дўконга етганда, хожанинг топшириғи тўла-тўқис якунига етказилди. Қарвонда битта ҳам қўйма олтин қолмаган, бари тарқатиб бўлинганди.

Ўша пайтларда ҳали Ер юзида бирор-бир тожир дунёнинг энг буюк савдогари – Хафид эришган даражадаги қудратли савдо салтанатини ярата олмаганди. Эразмус юраги қон-зардобга тўлганча ўз хожасининг амрини ижро этмоқда. Омборлар бўшаб, Хафид салтанатининг тамғаси дўконларини беэмай қўйди. Хожа юборган чопар Эразмусга хожаси уни фаввора ёнида қутаётганини айтди.

Хафид кекса дўстининг юзига боқиб сўради:

– Ҳаммасини бажардингми?

– Ҳа, хоҷам!

– Унда, кўнглингни хотиржам қил-да, орқамдан юр.

Улар юриб боришаркан, қадам товушлари қаср деворларига урилиб, акс садо берарди. Хафид сирли йўлак сари олиб борадиган мрамор зинапоёлар сари бошлади. Зиналардан кўтарилиб, яширин эшикдан ўтишди ва илгарилашди. Улар норанж ёғочидан ясалган баланд таглик устига ўрнатилган ваза олдида тўхташганда, уларнинг қаршисида бекиёс даражада гўзал манзара юз очди. Ойнадан тушаётган қуёш нурлари оқ, пушти ва бошқа турфа рангларда товланарди. Ҳар икки дўстининг сиражин юзларига табассум югурди. Икковлон бир зум пастда туришгач, кейин қаср гумбазининг ички қисмига жойлашган хона тарафга кўтарилишди. Зинапоя олдида кечаю кундуз навбатчилик қилиб турадиган қосбонларнинг бугун йўқлиги Эразмуснинг диққатини тортди.

Улар ниҳоят айланма зиналардан кўтарилиб, кенг майдончага чиқишди ва нафас ростлаш учун оёқ илишди. Хафид белбоғига илинган кичикроқ қалит-

ни оғир эман эшикка солди. Эшик сокин ғижирлаб очилди. Эразмус эшик олдида иккиланиб турганини кўрган хожаси унга «киравер» дегандек имо килгач, остона ҳатлади. Бу хужрага қарийб ўттиз йилки, хожадан бўлак ҳеч ким қадам босмаган эди. Шу боис, Эразмус хона ўртасида қаккайиб туриб қолди. Хонада йиллар давомида йиғилиб қолган чанг туфайли тепадаги туйнуклардан зўрға инаётган ёруғлик ҳаммаёкни кулранг тусга киритганди. Эразмус кўркиб кетганиданми, то кўзлари олакоронғиликка кўникиб улгургунча, жим қолди. Хафид эса, дўстининг хонани айланиб чиқишини кузатиб турди, кейин шошилмасдан олдинга ўтди-да, деворга такалиб турган баланд таглик устидаги, заранг ёғочидан ишланган мўъжаз сандикча устига қўлини қўйди.

– Эразмус, нега ҳафсаланг пир бўляпти? – сўради Хафид дўстига юзланаркан.

– Очиғи, нима дейишга ҳам ҳайронман, хожам!

– Хонанинг ўта одми жиҳозлангани сени ажаблантирмаяптими? Дарвоқе, манавини, – у сандикчани кўрсатди, – жиҳоз деб аташ ҳам кулгили туюлади. Бу кичик хужрани шунча йил кўз қорачиғидек асраб келиш сенга мантиксиз бўлиб туюляпти, тўғрими?

Эразмус бош ирғади.

– Сиз ҳақсиз, хожам. Мен гумбаз ичидаги бу яширин хужрангиз ҳақида жуда кўп узунқулоқ гаплар эшитгандим.

– Биламан. Айрим гап-сўзлар ўзимнинг ҳам қулоғимга чалинган. Бу ерда олмос тоғи ёхуд ёввойи қушлар сакланишини ҳам айтишган. Эронлик бир гиламфуруш савдогар бу ерда кичик бир ҳарам саклашим ҳақида писанда қилган. Бу ҳақда эшитган Лиша роса қулганди. Одамларнинг тасаввур имкониятлари ҳайратланарли. Мени сал бўлмаса, ғирт хотинбозга чикаришган. Дўстим, сени ишонтириб айтаманки, бу ерда кўча-қўйда, дўконларда қулоққа чалинган нарсаларнинг ҳеч бирини кўрмайсан. Манави мўъжаз сандикчани айтмасак, албатта.

Дўстлар сандикнинг икки тарафига жойлашиб олишгач, Хафид унинг белига ўралган тасмаларни ечишга тушди. Сандикнинг қопқоқчаси сапчиб очилган пайтда уларнинг димоғига чучмал заранг хиди урилди. Кўтарилган қуюқ чанг Эразмусга сандик ичидагиларни аниқ-таниқ кўриш имконини бермади. У ўзини сал орқага олиб, кўзларини қисганча олдинга назар солди. Кейин у нигоҳини ўз хожасига қаратди ва паришонлик билан қўлларини ёйди. Сандик ичида на олмос, на бошқа хазинадан ном-нишон кўринар, унда фақат бир неча чарм ўрамлардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди... Хафид охиста қўл узатиб ўрамлардан бирини олди, кейин ўша ўроғлик тери парчасини кўксига босиб, кўзларини юмди. Хафиднинг юзида сокинлик ва хотиржамлик акс этди, ажинлар йўқолиб, ўтган йилларнинг аянчли излари йўқолиб кетгандек бўлди.

– Бу хужра кўплаб инсонларнинг бойликка, кимматбаҳо тошлар ва олмосларга интилишлари билан тўлган. Аммо бу ерда бойликдан асар ҳам йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро, дунёнинг барча олтинлари сенинг қаршингда турган бу хазинага тенг келолмайди. Бу ўрамларда менинг бутун бисотим – омад, бахт, муҳаббат, гўзаллик ва умрбоқийлик жамланган. Нимага эришган бўлсам, мен ана шу ўрамлардаги номалар сабаб эришдим. Мен бу номалар ва уларни менга ишониб топширган донишманд олдида қарздорман.

Хафиднинг овозида янграган нотаниш оҳанглар Эразмусни хийла чўчитиб қўйганди:

– Сиз менга қандай сирни очмоқчисиз, хожа? Нахотки, мана шу сандик сизга шунча давлат ва қудратни бахш этган бўлса?

– Ҳар икки саволингга бирдек жавоб бераман: «Ҳа!»

Эразмус пешонасидаги тер томчиларини кўли билан артаркан, Хафидга шубҳали тикилди:

– Ҳар қандай хазинадан қимматроқ турадиган бу номаларда нималар битилган ўзи?

– Битгасидан ташқари, қолган ҳамма номаларда қонун-қоидалар деймизми, тартиблар, муқаррар ҳақиқатлар деймизми, ҳуллас нима деб номланишидан қатъи назар, ўта гўзал, ҳамма тушунадиган тилдаги сирли ҳикматлар битилган. Савдо санъатидан пухта хабардор бўлишни истаган ҳар бир инсон бу ҳикматларни англаши, қулоғига қуйиб олиши ва ундан унумли фойдаланиши лозим. Бу номалардаги талабларни мукаммал равишда бажарганларнинг ҳар бири ҳар қандай даражадаги бойликка эриша олади.

Эразмус эски битикларга тикилганча ҳайратдан қотиб турарди.

– Айтмоқчисизки, мен ҳам бу номаларнинг сирини билиб олсам, сиздек бой-бадавлат бўла оламан, тўғрими?

– Истасанг бундан кўпроғига эришасан.

– Сиз битгасидан бошқа ҳамма номаларда тижорат қоидалари битилган дедингиз. Охирги нома нима ҳақида?

– Сен охирги деб атаганинг, – тушунтира бошлади Хафид, – аслида энг биринчисидир. Шундан сўнг номаларни фақат тартиб бўйича ўқиш керак. Тартиб асло бузилмаслиги лозим. Биринчи номада ўта қамдан-қам одамларгагина маълум бўлган сир ҳақида сўз боради. Нафсиламрни айтганда, қолганларини яхшилаб тушуниш учун биринчи номани пухта англаб олиши керак бўлади.

– Сизни тўғри тушунган бўлсам, ҳар бир инсон буюк савдогар бўлишга қодир?

– Ҳа, бу аслини олганда унчалик қийин эмас. Бироқ сен бунинг учун ўз вақтинг, кучинг ва имкониятларингни аямаслигинг керак бўлади. Эсингда тут – фақат бу ҳикматларнинг ҳар бири сенинг вужудингга, борлигингга,

қон-қонингга сингиб кетмоғи керак. Шундагина улкан бойлик сохибига айланасан.

Эразмус қўл узатиб, сандикдаги ўрамлардан бирини қўлига олди. Уни бармоқлари орасида оҳиста тутиб тураркан, Хафидга юзланди:

– Маъзур тутинг, хожам, нега сиз ўзингизнинг тажрибангизда синалган усулларда эмас, айнан ушбу тамойилларга таяниб иш тутишни макбул кўрдингиз? Мен сизни тушунмаяпман. Сиз ҳамиша ўз олийжаноблигингиз ва саховатингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келдингиз. Нега сиз бу ҳикматларни шу чокқача сизнинг бойлигингизга катта ҳисса кўшган дўкондорларингизга раво кўрмадингиз? Улар ҳам бойиб кетиши мумкин эди-ку? Эҳтимол, улар бу қоидалардан хабардор бўлишганида, сизга янада каттарок фойда келтирган бўлар эдилар. Нега сиз шунча билим ва кўникмани бошқалардан сир тутиб келдингиз?

– Менинг бошқа иложим йўқ эди. Кўп йиллар аввал менга бу номаларни ишониб топширишган чоғда, мен бу қадимий сирни ҳеч кимга очмасликка онт ичгандим. Ўша пайтда мен бу ғаройиб илтимос ортидаги асл сабабларни билмасдим. Бу ҳикматларга амал қилиш учун фақат менгагина изн берилган эди. Фақат, бу ҳикматларни излаб юрган ва уларни билишга мендан-да муносиброк бир одам топилмагунча мен уларни сир тутишим керак эди. Бу номалар менга топширилганида, мен жуда ёш эдим. Менга айтишгандики, ушбу номаларни олиш учун келадиган одамнинг ўзига хос сирли белгилари бўлади. Эҳтимол, ўша нотаниш одамнинг ўзи ҳам бундан беҳабар бўлар? Лекин мен уни дарров таниб оламан ва бу омонатни унинг қўлларига топшираман. Мен уни сабр-тоқат билан кутиб келдим, – давом этди Хафид. – Шу вақт мобайнида ҳаётим ушбу ҳикматларга қаттиқ боғланиб қолди. Мен ушбу номалардаги сирлардан шахсий максадлари учун фойдаланишга рухсат этилган санокли одамлардан бири эдим. Мен ушбу ҳикматларни ўрганиб ва уларни ҳаётда қўллаб, кўпчиликни таъбири билан айтганда, дунёнинг энг буюк савдогарига айландим. Бир пайтлар бу номаларни менга қолдирган одамларни ҳам шундай аташган. Эразмус, эҳтимол анча вақт ўтиб, нима сабабдан узоқ йиллар давомида менинг айрим хатти-ҳаракатларим сенга ғалати, ҳатто мантиксиз туюлганининг боисини билиб олгандирсан. Лекин бу ҳаракатларнинг барчаси менга омад олиб келган. Бунчалик катта олтинни топиш учун фақат ўз ақл-идроким эмас, ушбу номалардаги ҳикматларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

– Сиз бу номаларни топширишингиз керак бўлган одам тезда қаршингиздан чиқишига ишонасизми?

– Ҳа, – Хафид номаларни сандикқа солиб, унинг қопкоғини ёпди. – То ўша муддат келгунича сен менинг ёнимда бўласанми, Эразмус?

Эразмус дўсти тарафга бир қадам босди ва шу онда туйнукдан тушаётган ёруғлик устида икки дўстнинг қўллари туташди. Эразмус розилик аломати

ўларок, бош ирғади ва хужрани тарк этди. Шу билан бирга, кекса Хафиднинг дўстининг садокатига бўлган заррача шубҳалари ҳам унинг юрагидан ўчиб кетди. Сандикни аввалги жойига қўяркан, бироз унинг тепасида туриб колди ва кичкина минора томон одимлади, кейин томнинг дарчасидан хатлаб, қасрнинг баланд гумбазини ўраб олган ички панжара олдида тўхтади. Ташқаридан оқиб кираётган илик баҳор нафаси унинг юзларини сийпалаб ўтди. Дунёнинг энг буюк савдогари шундоққина оёғи остида сочилиб ётган Дамашк манзарасига улуғвор табассум билан тикилган онда, хаёл аргумоғи уни олис ўтмиш сари олиб учди.

УЧИНЧИ БОБ

Зайтун тоғи узра киш ўзининг қаттол ҳукмини юргизмоқда эди. Қуддусдан бошланиб, Кидрон водийси томон узанган торгина сўқмоқлар бўйлаб, енгилгина тутун кўтарилиб турарди. Шамол олиб келаётган дудмал ладан ва қовурилган гўшт ҳиди тоғда ўсаётган гиёҳлар ва буталарнинг ачимтир хидига коришиб кетарди. Тоғ ён-бағридаги ялангликда, Бетпаге қишлоғи яқинида тадморлик машхур савдогар Патроснинг хашамдор карвони тунни ўтказиш мақсадида қўним топганди. Кеч тушиб қолган, савдогарнинг севимли жийрон оти ҳам ёқтирган эрмаги – писта япроқларини чайнашдан тўхтаб, дафна буталарига суяниб қолганди. Қатор саф тортган чодирлар ортида тўрт туп асрий зайтун дарахтлари саф тортган, уларнинг шоҳларида йўғон қаноп арконлар осилиб турарди. Бу арконларга одатда қарвондаги уловлар боғлаб қўйиларди. Айни чоғда туя ва эшакларнинг шарпаси олисдан қорайиб кўзга ташланар, жониворлар совқотмаслик учун бир-бирининг пинжига кириб олганди. Фақат қарвон юклари олдида қўриқчилик қилаётган икки соқчидан бўлак ҳамма уйкуга кетганди. Тик этган овоз эшитилмасди. Фақат Патроснинг эски терисидан ишланган қаттақон чодирини деворларида сирли соянинг ҳаракати кўзга чалинарди. Унинг ичида ҳожанинг ўзи нимадандир норизо қайфиятда у ёқдан-бу ёққа юрарди. Патроснинг юзи буришиб кетган, оғир хўрсиниб нафас олар, бошини жаҳл билан чайкаб қўярди. Ниҳоят, у ўзининг барваста гавдасини тилла иплар билан тўқилган гилам устига ташлаб, йигитчани ёнига қорлади.

– Хафид, мендан бўлак ҳеч кимнинг йўқ, лекин мен сенинг ғалати илтимосингдан таажжубдаман. Сен қўлимда ишлаётганингдан хурсандмисан?

Йигитчанинг нигоҳлари гиламдаги мураккаб нақшларга муҳрланди.

– Мен сизнинг молларингизни сотадиган савдогар бўлмоқчи эдим. Оддий туякаш бўлиб юравериш жонимга тегди. Мен сиздан мол олиб ўзларининг дўқонида сотадиган Хадад, Симон, Калёб ва бошқа савдогарлар сингари ўз тиждоратимни йўлга қўйишни истайман. Улар ҳам сизга, ҳам ўзларига қатта

даромад олиб келишяпти. Мен ҳам савдо билан шуғулланишни, аҳволимни ўнглаб олишни истайман. Туяларнинг ортидан қачонгача чоригимни судраб юраман? Мен сизнинг дўкондорларингиз қаторидан жой олсамгина, катта бойлик ва муваффақиятга эришаман.

– Нега бунча ишонч билан гапиряпсан?

– Сиздан кўп бор эшитганман: «Ҳар қандай одам савдогарлик туфайли қашшокликдан бойликка томон интилиши мумкин».

Патрос бироз ўйланиб турди ва йигитчага синчков назар солди:

– Сен Хадад ва бошқа савдогарлардек бўла олишингга ишонасанми?

Хафид ўз хожасининг қатъиятли нигоҳларидан кўзини узмасдан, жавоб қайтарди.

– Калёб ҳам бир пайтлар сизнинг олдингизга ўз моддий аҳволидан шикоят қилиб келганини неча марталаб эшитганман. Ахир сиз унга қайта-қайталаб, ҳар қандай одам истаса савдогар бўла олишини айтмаганмидингиз? Сиз савдо ишининг қонун-қоидаларидан хабардор бўлган ҳар бир одам яхши савдогар бўла олади, деб айтгансиз. Агар сиз ҳамма аҳмоқ деб биладиган Калёбнинг шу даражада омадли савдогар бўлишига ишонган экансиз, наҳотки мен ҳам тижорат сирларини ўзлаштира олмасам?

– Агар сен ҳам бу билимларни эгаллаб, савдогар бўлсанг, бу ҳаётдаги асосий мақсадинг нима бўлади?

Хафид бироз чайқалиб жавоб берди:

– Бутун жаҳонда сизнинг омадли ва бадавлат савдогар эканингизни билишади. Ҳали бу олам сизникидек улкан савдо салтанатини кўрмаган. Сиз машҳур савдогарсиз, аммо мен ўз олдимга сиздан-да бой ва машҳур бўлишни мақсад қилиб қўйганман. Мен дунёнинг энг буюк, энг бой ва машҳур савдогари бўламан!

Патрос ёстикка ёнбошлаганча, йигитчанинг офтобда қорайган юзларига тикилди. Хафиднинг уринган кийимлари жониворларнинг терига ивиган, аммо унинг юзларида алланечук исёнкорлик яққол акс этарди.

– Сен бундай катта савдо салтанатига, беҳисоб бойликларга эга бўлсанг, бунча давлатни нима қиласан?

– Бу ҳақда ҳам ўйлаб қўйганман. Энг аввало, ўз оиламни ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун қўлимдан келганини қиламан. Қолганини мухтожлар, бева-бечоралар билан баҳам кўраман.

Патрос ажабланиб қошларини чимирди.

– Ўғлим, бойлик ҳеч қачон биринчи ўринда турмаслиги ва ҳаётнинг асосий мақсади бўлмаслиги лозим. Сенинг гапларинг жуда чиройли ва ишонарли чикди. Аммо, булар шунчаки қуруқ гап, холос. Пулнинг бир учи билан бўлса, иккинчи учи юракда бўлади. Шу боис уни бошқалар билан баҳам кўриш осон кечмайди.

Хафид гапида туриб олди.

– Менинг хожам бадавлат эмасмилар? – Йигитчанинг гапини эшитган савдогар кулиб юборди.

– Хафид! Мени моддийлик кизиктира бошлаганидан бери, мен билан Ирод қасри деворлари остида тиланиб ўтирадиган гадоилар орасида битта йирик тафовут бўй кўрсатди. Гадои факат бугунги кунини амаллаб ўтказиш ҳақида ўйлайди. Мен эса, эртанги кун нима ейишим мумкинлиги ҳақида ўй сурардим. Ўғлим, бойликка хирс қўйма, факат фойданинг орқасидангина кувма. Сен факат севиш ва сеvimли бўлишни ўз олдингга мақсад қилиб қўй. Асосийси, қалб хотиржамлиги ва гўзалликка интилиб яша.

Хафид яна ўжарликда давом этди:

– Бирок, сиз айтган нарсаларнинг барчасига олтин керак бўлади-ку? Ахир қашшоқликда яшаб, инсон хотиржам бўлиши мумкинми? Наҳотки инсон йиртиқ ятак ичида, бўш ҳамён билан ўзини бахтиёр сеза олса? Ейишга ноним, кийишга кийимим, бошимда бошпанам бўлмаса, менинг оиламга бўлган муҳаббатим бир чақалик қимматга эга эмас-ку? Ахир сиз, атрофингиздагиларга хурсандчилик улаша олган бойлик ҳақиқий ҳазинадир, демаганмидингиз? Унда нима учун менинг бойликка интилишим ёмон иллат бўлади? Фақирлик фақатгина ўз парвардигорининг ризоси учун саҳроларни ялангоёқ кезиб юрган авлиёгагина зийнат бахш этар. Чунки унинг ўзидан бошқа бойлиги йўқ. Менимча, фақирлик ё бирор нуқсон, ё қобилят, ё такаббурликдан дарак беради.

Патрос хийла ковок уйиб, бироз жим қолди ва деди:

– Сенинг томдан тараша тушгандек бу иддаоларингнинг боиси не? Сен оиланинг фаровонлиги ҳақида гапиряпсан. Ахир сенда оиланинг ўзи бўлмаса. Ота-онанг ўлатдан вафот этишгач, сени асраб олганимни яхши биласан.

Хафиднинг қуёшда қорайган териси унинг хижолатдан юзига тепган қоннинг қизилини яшириб қололмади.

– Бу сафарга чиқмасимиздан олдинроқ... биз ҳали Ал-Халилда турганимизда, мен Калнехнинг қизини учратиб қолдим. У... У...

– Э, мана гап қаерда экан! Энди тушундим ҳаммасини. Қандайдир баландпарвоз гоилар эмас, айнан муҳаббат менинг соддагина туякаш боламини бутун жаҳонга доврўғ солишга тайёр жасур жангчига айлантирибди. Калнех афсонавий бойликлар эгаси. У қизини чўпонга бермайди. Фақат ёш, бой ва чиройли савдогарни қуёв қилиши мумкин. Ана шунақа. Барақалла, азамат! Мен сенга савдода муваффақият қозониш йўллариини ўрганишингда ёрдам берман.

Хафид миннатдорчилик юзасидан тиз чўкиб, Патроснинг этагини ўпди.

– О, марҳаматли хожам! Сизни худо ёрлақасин! – дея хитоб қилди у. – Сизнинг бу олийжаноблигингизга қандай жавоб қайтарсам экан.

Савдогар этагини йигитчанинг чангалидан оҳиста бўшатди.

– Миннатдорлик билдиришга шошилмасанг ҳам бўларди. Сенга кўрсатган энг катта ёрдамим ҳам ўзинг енгиб ўтишинг керак бўлган тўсиқлар, ўзинг мустакил равишда қилишинг керак бўлган ишлар олдидан денгиздан томчи ҳам бўлмайди.

Хафиднинг кўзларида чакнаган қувонч учкуни сўнди.

– Сиз мени дунёдаги энг буюк савдогар бўлиш сирлари, қонун-қоидалари билан таништирмайсизми?

– Сенга ҳеч қачон ҳеч нарсани ўргатмайман, – деди Патрос. – Шусиз ҳам менинг қанотим остида болалик йилларинг анча сокин ва енгил ўтди. Сени анчагина эркалатиб ҳам қўйдим. Орқаваротдан келаётган гап-сўзларга кўра, сенинг туякашликдан юкорирокка кўтарилишингга тўскинлик қилармишман. Менимча, агар одамнинг юрагида кичик бир учқун бўлса бас, у қачондир алангага айланади. Агар ўша учқун бўлса, ўша бола эртами-кечми, ҳақиқий эркак бўла олади. Унутма, олдинда катта машаққатлар турибди. Демак, энди сен ўспирин эмас, катта эркак сифатида ишлашинг керак. Сен ана шундай қийинчиликларга тайёرمىсан? Сенинг бугунги илтимосинг мени анча қувонтирди. Бугун кўзларингда гурур учқунларини кўрдим. Ажойиб, мен сенинг фикрларингга қўшиламан. Бироқ бу гапларинг ҳавога учмаслиги, алалокибат ўз исботини топиши керак.

Хафид жим қолди, Патрос эса давом этди:

– Сен аввало, тижоратнинг барча қийинчиликларига бардошинг етишини менга, янада муҳим ўзингга ўзинг исботлашинг керак. Бу иш эса, камдан-кам одамларнинг қўлидан келади. Такрор бўлса ҳам айтаман, буюк муқофотлар учун бир эмас, бир нечта мураккаб ишларни бажариш керак. Баъзилар бошларига тушган арзимас ташвишларни енгиб ўтиб, ўзларини бойликка эришиш учун етарлича тажрибага эга бўлдим, деб ҳисоблашади. Бошқа бировлар эса, ўз йўлларида учраган ҳар бир муаммони малъун, ашаддий душман ўрнида қабул қилишади; аслида эса, бу машаққатлар уларнинг содиқ дўстлари ва ёрдамчилари эди. Тўсиқлар муваффақиятга эришишда, жумладан савдо ишида ҳам жуда зарур. Асосийсини унутмаслик керак – ғалаба жуда кўп ва катта талафотлар ортидан етиб келади. Бинобарин, ҳар бир тўқнашув, ҳар бир инқироз савдогарнинг кучи ва маҳоратини чархлайди, уни чиниктиради, совуққон ва жасур қилиб тарбиялайди. Тажриба шу тахлит орта боради. Демак, ҳар бир машаққат сенинг чапани дўстинг. У сени ё ҳаммадан юксаликка кўтаради, ё четга чиқариб қўяди. Ҳар бир тўсиқ – бу қомилликка олиб чикувчи нарвоннинг бир поғонаси, қисматнинг бир чакириғи, ва агар сен жавоб қайтариш учун ўзингда қуч топа олмасанг, қийинчиликлардан қочсанг, улардан юз ўгирсанг, билиб қўй, сен ўз келажагингни барбод қилган бўласан!

Йигитча бош ирғаб, жавоб бериш учун оғиз жуфтлаганида, кекса савдогар қўлини кўтариб, уни тўхтатди.

– Ҳали энг асосийсини айтмадим. Сен ўзингни бахш этмоқчи бўлган касб мунтазам ёлғизлик билан боғлиқ. Ҳатто оддий солиқ йиғувчи ҳам кун ботиши билан уйига қайтади. Рим аскарининг ҳам ўз уйи бор, гарчи казармани уй деб аташ қийин бўлса-да, бироқ сен ойлаб кун ботишию тонг отишини дўстларингдан, яқинларингдан узоқда қарши оласан. Айниқса, бирор кулба олдидан ўтаётиб, бахтиёр оиланинг кечки овқат устида жамулжам ўтирганини кўрсанг, юрагингни соғинч баттар тимдалай бошлайди. Бу оламда ёлғизликдан ҳам ёмонроқ нарса йўқ, – дея оғир хўрсинди Патрос. – Сени олдинда ана шундай синовлар кутиб турибди. Сенинг муваффақиятинг ушбу синовларни қанчалик тез ва осон снга олишингга боғлиқ. Йўлларда ҳамиша снга кўрқув ҳамроҳ бўлади. Қалин ўрмонзорларда, хувуллаган биёбонларда ҳам ёлғиз бўласан. Кўп ҳолларда савдогарлар соғинч ва ташвиш ичида ўз мақсадларини унутиб кўядилар ва ёш боладек ғамхўрлик, меҳр истаб қолишади. Бу туйғулар унинг бутун ўй-хаёлларини эгаллаб, бошқа мақсадларни сиқиб чиқаргудек бўлса, савдогар ўз кучи, мавқеини йўқотади. Минглаб иктидорли савдогарлар ана шу туйғуларидан енгилиб, ўз иктидорини қурбон қилишган. Бундан ташқари, гавжум шаҳарларда ҳам сен ёлғиз бўласан, ҳеч ким сенинг қалбингни қувонтирмайди, ҳеч ким снга тасалли бермайди. Айрилик азобида ўртанаётганингда ҳеч ким дардингга малҳам бўлолмайди. Фақат гоҳида сени ҳамёнингдан жудо қилишга чоғланганлар учраб туради.

– Мен жуда эҳтиёткор бўламан ва насиҳатларингизни асло унутмайман.

– Начора, унда бошладик. Снга бу ҳақда бошқа умуман оғиз очмайман. Демак, сен ўзингни савдода синаб кўрмоқчисан. Унда билгинки, сен ҳозир гўр мевасан, ҳатто мева деб аташ ҳам қулгили. Фақат пишиб етилганда мевага айланасан, ҳар бир савдогарга керак бўладиган даражада билим ва тажриба тўплайсан.

– Қачон иш бошлашим мумкин?

– Эрталаб, ушбу суҳбатимиз ҳақида Сильвиога айтсанг, у снга энг яхши иплардан тўқилган қалин ёпинчиклардан бирини беради. Унинг матоси эчки жунидан тўқилган бўлиб, ҳар қандай ёғингарчиликка дош беради. Унинг қизил рангли бўёғи рўян илдизидан олинган. Ёпинчикнинг бир четигаги митти юлдузча тасвири унинг ушбу маҳсулотни тайёрлашда бутун дунёда биринчи ўринда турадиган Толи хунаромандлари қўлидан чиққанини билдиради. Юлдузча ёнида тўртбурчак ичидаги квадрат тасвири эса менинг муҳрим ҳисобланади. Ҳар икки белги ушбу маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлайди. Бир пайт мен бу ерда ана шундай ёпинчиклардан мингтасини олиб келиб сотганман. Мен яхудийлар ичида жуда кўп савдо қилганман, улар бундай ёпинчикни аҳо деб аташади. – Патрос бироз тин олди. – Битта хачирга ўтириб, ана шу ёпинчиклардан бирини ол-да. Байтулаҳм (Вифлеем)га жўна. Бу шаҳарни бизнинг қарвон четлаб ўтганди. У ерда яқин орада менинг савдогарларимдан ҳеч бири бўлмаган. Бу шаҳарда савдо қилиш вақтни бефойда

ўтказиш билан барабар дейишади. Лекин мен уларга негадир ишонмадим. Бу ерда маҳаллий чўпонлар билан савдо қилганман, улар бундай ёпинчикларни жон деб олишади. Хуллас, Байтулаҳмга югур ва ёпинчикни сотмасдан қайтиб келма.

Хафид қувончини сездирмасликка тиришиб, бош ирғади. У ўзининг илк тижорат сафарига чиқиш учун ошиқарди.

– Мен бу ёпинчикни қанчага сотаман, хожам?

– Мен ўз ҳисоб-китоб дафтаримга сенинг номингни ёзиб, унинг тўғрисида қарзингни – бир дирҳам деб ёзиб қўяман. Ана шундан ортиққа сотолсанг, фойдаси ўзингда қолади. Бошқача айтганда, сен бу маҳсулотга истаганингча нарх қўйишинг ва истаган ерингда сотишинг мумкин. Бозор шаҳарнинг жанубий дарвозаси олдида жойлашган. Шунингдек, ёпинчикни кўчаларда юриб ҳам сотсанг бўлади. Истасанг, уйма-уй юриб сот. Йўлингда минглаб уйлар учрайди. Лекин ҳар қалай сен бу матони гавжум жойларда олиб юрсанг сотишинг осонроқ бўлади. Тушундингми?

Хафид тасдиқ маъносида бош ирғади. Хожасининг гаплари унинг кулоғига деярли кирмас, у ўзини аллақачон Байтулаҳм бозорида юргандек ҳис этарди.

Патрос қўлини йигитчанинг елкасига қўйиб уқтирди.

– Сен қайтиб келгунигча ҳеч кимни ўрнингга ишга олмай тураман. Агар сендан савдогар чиқмаслигига ишонч ҳосил қилсанг, иккиланмай ёнимга қайтавер. Асло ташвиш тортма. Мен сени тўғри тушунаман. Қайсидир касбга лойиқ бўлолмаслик бу фожиа эмас. Сен нимагадир уриниб кўрсанг ва бундан ҳеч нарса чиқара олмасанг, асло уялиб ўтирма. Сенинг бу ҳаракатинг ҳеч нарса қилмасдан вақтини бекорга ўтказган одамга нисбатан минг чандон яхшидир. Сен қайтиб келганингдан кейин ҳаётингни қай тариқа давом эттириш ҳақида биргалашиб ўйлаб кўрармиз.

Хафид таъзим қилиб, кетишга чоғланганида, хожаси яна уни тўхтатди:

– Ўғлим, – дея давом этди у. – Сен янги ҳаёт бошляпсан. Яна бир насиҳатимни тингла ва уни ҳеч қачон унутма. У сенга йўлда учраган энг қийин муаммоларни ҳам осонгина енгиб ўтишингда ёрдам беради.

– Яна қандай маслаҳат бермоқчисиз менга, хожам? – сўради Хафид.

– Агар сен омадингни излаб йўлга чиққан бўлсанг ва унга эришишингга ишончинг комил бўлса, тўсиқлар олдида туриб қолма ва уни ошиб ё айланиб ўтишга ҳаракат қил, – деди Патрос ва йигитчага яқинлашди. – Сен менинг гапларимни яхшилаб тушуниб олдингми?

– Ҳа, хожам.

– Ҳамма гапларимни эсингда саклайсанми?

– Ҳа, – деди Хафид. – Менинг қарорим қатъий ва ҳеч бир ғов йўлимни тўса олмайди.

Хафид бир бурда нонни чайнарган, ўзининг аччиқ қисмати ҳақида ўйларди. Патрос унга ёпинчикни сотиш учун тўрт кун муҳлат берди. Эртага бу муддат тугайди. Хафид уч кунни Байтулахмда ўтказди. Бирок ўз хожасидан катта ваъдалар ва ўзига ишонч билан олгани – биргина ёпинчикни сота олмади. У айни чоғда шаҳар девори яқинидаги бир ғорда, бўҳчасини ёнига қўйганча, хаёл суриб ётарди. У ёпинчигини бир бўҳчага тугиб, карвонсарой яқинидаги ғорда, хачирининг ёнига ташлаб келганди. Хафид стол атрофида ўтирган одамларнинг гап-сўзларини эшитмас, ўз хаёллари билан банд эди. Олдида турган овкатга ҳам қўл урмаганди. Йигитчани дунё яралганидан бери барча савдогарларга таниш бўлган шубҳа-гумонлар кийнади: «Нега мени эшитишмаяпти? Мен одамларнинг эътиборини қандай тортсам бўларкин? Нега кўпчилик ҳали мен гапимни айтмасимдан эшикни ёпиб олишяпти? Нега мен йўловчиларни тўхтатиб, ўз молимни уларга таърифлай бошлаганимда, мендан юз ўгиришяпти? Менинг молим билан ҳеч ким кизиқиб кўрмади. Ёки бу ернинг одамлари ўзлари учун энг керакли нарсани сотиб ололмайдиган даражада камбағалми? Ҳа, аслида кўпчиликнинг бу нарсани сотиб олишга кучи етмайди. Лекин бошқалар бу ерда қандай қилиб савдо билан шуғулланишаркин? Нега мен бирор дарвоза олдида тўхтасам, юрагимни алла-нечук ваҳима босади. Уни қандай енгсам экан? Балки мен бу ёпинчикка жуда қиммат нарх қўйгандирман? Балки бошқа савдогарлар бу молни арзонроқ нархга пуллаётгандир? Хафидни ўз-ўзидан қониқмаслик, ҳатто нафрат хисси тобора чуқурроқ қамраб ола бошлади. У ҳамма учун зарур маҳсулотни сота олмагани учун ўз-ўзидан жаҳли чикарди.

Хафид энди ўзи танламоқчи бўлган касбга номуносиб эканини англай бошлаганди. У бир неча бор ҳаммасини йиғиштириб, тинчгина туякашлигини қилиб юриш ҳақида ўйлаб кўрди. Ўша ишнинг орқасидан беш-тўрт чака бўлсаям топиб юрганди. Ҳозир эса, Патрос майда-чуйда харажатлар учун берган пулларни ҳам харжлаб бўлди... Хафид энди ёпинчикдан сотиб фойда қилиш ҳақида ўйламай ҳам қўйганди. Таннархига сотсаям майлийди. Ҳар қалай хожаси уни савдогар сифатида тан олармиди?

Нима бўлганда ҳам у карвонга ёпинчиксиз қайтиши шарт. Ўшанда Патрос уни нима деб атаганди? Ёш жангчи деганмиди? Хафид кинояли илжайди: «Мен жангчи эмишманми?»

Шу чоқ беихтиёр у ўз туялари олдида қайтгиси келди. Кейин эса, дафъатан хаёллари Лиша томон кетди. У билан бирга кизнинг бадковок отаси ҳам кўз ўнгиде гавдаланди. Калнеха! Шунда унинг ҳамма гумонлари эриб битгандек бўлди. Унинг ёнидаги чакалар жуда оз қолган, уларни тежаб қолиш учун бугун ғорда қолишга қарор қилди. Лекин унинг эртага қандай бўлмасин ёпинчикни сотиш ҳақидаги қарори янада қатъийроқ эди. Тезда бу қарори мутлақ ишонч

тусини олди. У эртага молини шундай мактайдики, уни албатта яхшигина пулга сотиб олишади. Хафид савдони эрта сахарлаб бошлайди. Шахар дарво-заси олдида туриб олади, чунки шаҳардаги энг гавжум жой ўша ер. Бу ердан жуда кўп одам кириб-чиқади, демак, пешингача сота олади. Кечга якин эса, кумуш танга билан карвон тўхтаган Зайтун тоғига йўл олади.

Бу фикридан Хафиднинг кўнгли худди молини аллақачон пуллаб бўлгандек кўтарилиб кетди. Бу хурсандчилик унинг иштаҳасини ҳам очиб юбордими, апил-тапил овқатни ҳам ютиб бўлди. Устози ҳам шогирднинг илк муваффақиятидан роса қувонса керак. Балки Хафид билан фахрланар? Йўқ, Хафид устозининг юзини ерга қаратмайди, у албатта омадли савдогар бўлишнинг уддасидан чиқади.

Албатта, биттагина маҳсулотни сотиш учун тўрт кун жуда кўплик қилишини Хафид тушунарди. Аммо, бу ҳали бошланиши-ку? Патрос унга бунақа маҳсулотларни янада тезроқ, уч, икки кунда сотиш йўлларини ҳам ўргатади. Ҳали шу даражада тажрибаси ошиб кетадики, бир соатда бунақа ма-толларнинг бир қанчасини сота олади. Шу тариқа қачондир унга ҳам ҳақиқий шон-шухрат қулиб боқади.

Хафид сершовкин карвонсаройни тарк этиб, ғорга йўл олди. Йигитча кетиб бораркан, унинг сандаллари остидан киров босган ўтларнинг нолон ғижирлаши эшитиларди. Хафид бугун ҳақирининг ёнида, горда тунашни кўзлаганди. Эртага Хафид учун энг бахтли кун бўлиши аниқ. Гарчи у энди-ликда бу овлоқ шаҳарни савдогарлар нима сабабдан четлаб ўтишини тушун-ган бўлса-да, унинг албатта омади чопади. Гарчи кўпгина савдогарлардан, байтулаҳмлик харидорлардан кинояли гап-сўзлар эшитган бўлса-да, Хафид бу гапларни қулибгина эсга олади. Агар Патрос бир неча йил аввал бу ерда юзлаб ёпинчикларни сота олган экан, нега энди Хафид лоақал биттагинасини сота олмаса?

Яна ким билсин... балки ўтган йиллар мобайнида бу ерда ҳам кўп нар-са ўзгаргандир? Қолаверса, Патрос ёшлигида ҳам ақлли ва омадли савдогар бўлгандир?

Йигитча илкис қадамларини тезлатди. Борди-ю, ғорга майда ўғрилардан бирортаси кириб қолган бўлса-чи? Хафид ўзини қутилмаган олишувга руҳан ҳозирлаб, ўзига таниш тиркиш томон ошиқди. Хафид бу ерда қим-матбаҳо ёпинчикни олиб кетишни кўзлаётган муттаҳам ўғрини кўраман деб ўйлаган эди, аммо тамомила бошқа манзаранинг устидан чиқди.

Хафид ғорга кираркан, вужудидаги ноҳуш ҳислар ўрнини алланечук ёруғлик, енгиллик эгаллаётгандек бўлди. Хира ёруғлик остида у ҳайратдан донг қотиб қолди. Ғор деворидаги кичик бир тоқчага шам қўйилган. Унинг заиф ёғдусида соқолли эркак ва бир ёш аёлнинг ғира-шира қиёфаси кўзга ташланарди. Улар совукдан қалтираб, бир-бирининг пинжигига тикилиб ўтиришарди. Уларнинг оёқлари остида, чорвадорлар чорва озуқасини тай-

ёрлайдиган япаски тош устида чакалок ётарди. Хафид савки табиий тарзда чакалокнинг эндигина туғилганини англади: гўдакнинг кип-кизил жиш териси бужмайиб кўринарди.

Болани совуқдан химоялаш учун эркак ва аёл ўз кийимлари билан гўдакнинг устини ўраб қўйишган, аммо бу увада кийимлар чакалокнинг бошини ўрашга етмай қолганди. Хафидни кўриши билан ҳалиги эркак айбдорона жилмайди. Аёл йигитчага хийла шубҳали тикилди, кейин худди кутилмаган қўноқдан жигарпорасини химоя қилмоқчи бўлгандек унга қўл узатди. Ҳамма жим, ҳеч кимнинг товуши чикмасди. Аёлнинг қанчалик совқотаётгани унинг кўкариб кетган юз-кўзларидан ҳам аён эди. Чакалок ҳам увада кийимлар ичида совқотаётгани аниқ эди. Ғор эса зах тортиб ётибди. Хафид тош устида ётган чакалокқа, унинг уйқусида жилмаяётган оғизчасига термулди. Балки Хафидга шундай туюлгандир? Унинг вужудини ғалати ҳиссиёт қамради. Дафъатан Лишани ёдга олади. Ғор оғзидан оқиб қираётган изғирин аёлнинг ихчам вужудини янада жунжиктириб қўйганди.

Бундан Хафиднинг юраги яна эзилди.

Бир неча дақиқалик сукунатдан сўнг, бўлажак савдогар ҳаचери тарафга юрди. У хуржун ичидаги тугунни чикарди. Эркак ва аёл Хафиднинг ҳаракатларини ҳам қизиқиш, ҳам хавотир билан кузатиб туришарди. Йигитча тугунчани очиб, ичидан ёпинчикни чикарди. Шамнинг хирагина ёғдусида ҳам мато четидаги тамғалар яққол кўриниб турарди. Байтулаҳмда ўтган уч кун ичида Хафид бу матонинг ҳар бир чоки ва нақшини ўрганиб олганди. Чунки у ушбу матони қўлида неча соатлаб бесамар кўтариб юрганди. Ёпинчик ростдан ҳам ўта пишиқ тўкилган бўлиб, у ўн йиллаб ўз соҳибига хизмат қилиши мумкин эди. Хафид кўзини юмиб, хўрсинди. Кейин яна эркак ва аёлга кўз ташлаб, ухлаб ётган чакалок томон юрди.

Хафид боланинг устига ташлаб қўйилган эркак ва аёлнинг кийимларини ўзларига қайтарди. Аёл ҳам, эркак ҳам унга ҳамон таажжуб билан тикилиб туришарди. Йигитча ёпинчикни очиб, унга чакалокни эҳтиёткорлик билан йўргаклади. Хафид ҳаचирини етаклаб ғордан чикқанида, аёл унинг юзидан олган ўпич куриб улгурмаганди. Йигитча кеч тушганига карамай, ғорнинг оғзи худди кундузгидек ёришиб кетганидан ажабланди. Хафид осмонга қараб, фавқулодда ёрқин нур таратаётган юлдузни кўрди ва кўзлари қамашиб кетди. Бироқ, кўзлари ёшлангунча ундан кўз узмади. Сўнг бошини қуйи солганча, қарвон қўним топган водий томон йўл олди.

БЕШИНЧИ БОБ

Хафид тепасида чараклаб йўлини ёритиб турган юлдузга эътибор бермасликка тиришиб, ўз қарвонига ошиқарди. У паришонхотирлик билан оҳиста одимларди. Унинг бундай аҳмокона йўл тутишига нима ундади? Ахир у ғорда

учратган одамларини танимасди-ку? Нега қимматбаҳо ёпинчикни сотиш ўрнига уни садақа қилиб юборди? Патросга ва колганларга нима дейди энди? Унинг гапини эшитганлар ётволиб қулмайдими?

О, сенга ишониб топширилган қиммат молни дуч келган одамларга эҳсон қилиш — бу янги савдогар учун қойилмаком ибтидо. Форда қимнингдир бола-сига кўнгли ачишганмиш! Хафид шу каби истехзоли гапларни эшитиши аниқ. Шу боис уларга бошқа, ишонарлироқ баҳона тўкиб бориши керак. Шундай гапирсинки, Патрос унга чиппа-чин ишонсин. Очиғи, у Патросга ҳақиқатни айтиб, хожасидан маломатга қолишни истамасди. Балки, йўлда қароқчиларга дуч келдим деса тўғрироқ бўлар? «Мен йўғимда ҳачирнинг хуржунидаги матони ўғрилар шилиб кетибди», деса-чи? Патрос бу чўпчакларга ишонармикин? Балки ишонар? Ахир ҳозир ҳамма бурчакда ўғрию қароқчилар изғиб юрган бўлса? Ҳар қалай эҳтиётсизлик сабабли айбланиш савдодаги нўноқлик боис маломатга қолишдан афзалроқ. Мана, ниҳоят Хафид ўзига таниш сўқмоққа ҳам етиб келди. Буёғига оз қолди. Мана, Гефсиман боғи ҳам кўриниб турибди. Ундан нарёғида эса, қарвон жойлашган. Хафид ноҳуш учрашувни тезлаштириш учун ҳачирни қичади. Шундагина Хафид атрофи қундузгидек қароғон эканини пайқайди. Дафъатан унинг қалбига қувонч тўлқини ёпирилиб кирди. Бирок, қарвонга яқинлашиб, Патросни кўриши билан бу қувонч ўрнини яна тараддуд эгаллади.

Патрос ўз қодирининг ёнида осмонга тикилиб турарди. Хафид четрокдан туриб хожасини қузатаркан, унинг назарига тушмасликни ич-ичидан тиларди. Аммо, йигитчанинг бу тилаги амалга ошмади. Патрос унга қараб кела бошлады. Йигитча ўз хожасининг овозидан ҳайрихоҳлик ифодасини уқди:

— Сен Байтулаҳмдан келяпсанми?

— Ҳа, хожам!

— Сени таъқиб қилиб келаётган анави юлдуз сенга ғалати туюлмадими?

— Юлдуз? — елка қисиб сўради Хафид. — Мен... эътибор бермабман.

— Эътибор бермадинг?! — ажабланди Патрос. — Бу юлдуз икки соат илгари Байтулаҳм устида пайдо бўлди, ўшандан бери ундан кўз узмай ўтирибман. Шу пайтга қадар ҳали бундай ёркин ва чиройли юлдузни кўрмагандим. Ўша ондан бери бу юлдуз Байтулаҳмдан бизнинг қарвонга қараб ҳаракатланиб келаётир. Қара, у бизнинг устимизда нур сочаётир. Сен тўхтаганинг учун у ҳам тўхтаб қолди. — Патрос йигитчанинг юзига тикилди. — Айт, ўғлим, Байтулаҳмда нима қилдинг? Бирор ғайриоддий воқеага дуч келдингми?

— Йўғ-э, хожам?

Кекса савдогар кўкка ўйчан тикилиб турарди:

— Ҳали умримда бундай антика туннинг шохиди бўлмагандим. Бугун ҳаммаси менга сирли туюляпти: манави юлдуз, қарағимдаги жўшқин ҳислар...

Хафид кўзларини айбдорона пирпиратди.

— Мен ҳам бу тунни ҳеч қачон унутмасам керак.

– О, кўриб турибман, ниманидир яширяпсан. Нега бунча кеч кайтдинг?

Хафид ҳамон жим эди. Кекса савдогар хачирнинг хуржунини пайпаслади:

– Бўм-бўш! Лоакал битта савдогаримнинг иши юришибди-ку? Юрменинг чодиримга! Бунга қандай эришганингни айтиб берасан. Агар Парвардигорнинг ўзи тунни кунга айлантиришни ирода қилган бўлса, мен ҳам ухламай қўя қоламан. Балки, сени изингдан келаётган анави юлдузнинг сирини менга айтарсан?

Хафидни кўкдаги юлдуз эмас, ердаги ташвишлари кўпроқ ўйлантирарди. Ана шу ташвиш билан чодир томон юрди. Патрос юмшоқ болишига суянганча, шогирдининг ҳикоясини тинглаш учун кўзларини юмди. Хафид ҳаяжон билан Байтулаҳмда кўрганларини ҳикоя қилишга тушди. У билан гаплашишни истамаганлар, шаънига ёғдирилган таҳқирлар ҳақида гапирди. Шунингдек у йиғлагудек бўлиб, бир кулол уни ўз ховлисидан қувиб солгани, римлик бир аскар ёпинчик нарҳини туширмагани учун шу матоҳни юзига ирғитганини сўзлади. Патрос унинг ҳикоясини тингларкан, гоҳида ҳамдардлик билан бош ирғаб қўярди. Мана, ниҳоят у карвонсаройда ўз иктидоридан шубҳага тушган онларига етиб келди.

Патрос илкис йигитчанинг гапини бўлди:

– Хафид, илтимос, ўша онда миянгга нима келган бўлса, ҳаммасини гапириб бер.

Хафид хожасининг айтганини қилиб, ўша дамдаги кечинмаларини бир бошдан гапириб берди.

– Қайси фикр сенинг ўзингга нисбатан шубҳаларингни тарқатиб юборди? – сўради Патрос.

Хафид бир зум ўйланиб, қатъий жавоб қайтарди.

– Ўша дамда Калнехнинг кизи эсимга тушди. Бадбўй карвонсаройда ўтирарканман, бу аҳволда мен Лишанинг висолига ҳеч қачон етолмаслигимни англадим, – деди Хафид овозидаги титрокни аранг босиб. – Энди эса, сизнинг ишончингизни оқлай олмаганимдан сўнг, у кизни мутлако унутиб юборсам ҳам бўлади.

– Нега? – сўради Патрос. – Ёпинчик йўқ, сен уни сотгансан!

Хафид шу қадар паст овозда гапирардики, Патрос унинг овозини яхшилаб эшитиши учун эгилиб қулоқ тутишга мажбур эди. Хафид унга ғорда юз берган ҳодисаларни бир бошдан айтишга тушди. У гапидан тўхтамас, ёрқин юлдуз эса, чодир дарчасидан мўралаб, ичкарини ажиб нури билан ёритарди. Борган сари чолнинг серажин юзида ёқимли табассум ёйилиб борарди. Йигитча ҳикоясини тугатиб, оғир хўрсинганидан сўнг чодир ичида улуғвор сукунат чўкди. Хафид бошини қуйи солиб ўтирар, хожасининг кўзларига қарашга-да журъат етолмасди. Уни тушқунлик тамомила чулғаб олганди. Ахир у топширилган вазифани уддалай олмади, шарман-

да бўлди, энди эса ўзининг ҳақир қисматига бўйин эгишдан бошқа чораси йўқ. У уятдан ўзини кўярга жой тополмай, югуриб чодирдан чиқиб кетмоқчи бўлганида, хожа унинг елкасидан тутиб қолди.

– Менга қара, – Ҳафид аранг бошини кўтарди. – Ўғлим, сенинг илк тижорий сафаринг сенга бирор фойда олиб келмади.

– Ҳа, ҳожам, – деди Ҳафид бўғиқ сасда.

– У менга фойда келтирди. Сенга эргашиб юрган бу юлдуз мени узоқ йиллик шубҳаларимдан ҳам, кўзимни қоплаган пардадан ҳам халос этди. Нега? Нима бўлди? Бунинг сабабини мен сенга Тадморга борганимиздан сўнг айтаман. Энди эса, сендан бир илтимосим бор. Эшит.

– Илтимос? – ажабланди Ҳафид. – Сиз менга буюрсангиз бас, ҳожам?

– Тонгга қадар менинг савдогарларим қайта бошлайди, уларнинг уловларига қарашга тўғри келади. Сен аввалги ишингни давом эттирасанми?

Ҳафид сапчиб турди ва валинеъматига куллуқ қилди.

– Амрингизга мунтазирман, ҳожам, айтинг, – деди у итоаткорлик билан.

– Мени кечиринг, сизнинг ишончингизни оқлай олмадим.

– Унда бориб, ҳозирлигингни кўравер, тонгга яқин савдогарлар қайтишади. Биз эса, сен билан Тадморда гаплашамиз.

Ҳафид чодирдан чиққанида тепасидаги юлдуз яна унинг кўзларини камаштириб қўйди. Йигитча кўзларини кафти билан беркитди. Шу онда уни яна Патрос чақирди. Ҳафид қайтиб яна ҳожасининг амрига шай турди. Патрос туриб Ҳафидга яқинлашди ва унинг елкасини қокди.

– Хавотир олма, ўғлим. Тунинг осуда ўтсин. Сен ҳеч нарса ютқазмадинг, балки ютдинг.

Ҳафид ҳеч нарсани тушунмай, чодирни тарк этди. Ёрқин юлдуз ҳамон борлиқни нафис ёғдулари билан ёритиб турарди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Карвон Тадморга етиб келганидан сўнг, орадан икки ҳафта ўтди. Ишлар билан бўлиб, Ҳафид ҳожасининг гапини ҳам эсидан чиқарди. Бирок, кунларнинг бирида ҳожасининг югурдаги келиб, уни уйғотди ва Патрос йўқлаётганини айтди. Ҳафид унинг учун тўшак вазифасини ўтаб келаётган сомон уюми устидан туриб, кийим-бошини қокди-да, хизматкорнинг ортидан эргашди. Уни Патроснинг ётоғига олиб киришди. Ҳафид серхашам хонага кираркан, ҳожаси ётган каравотдан анча берида тўхтаб, таъзим қилди.

Патрос кўзларини очди-да, қоксуяк қўлларига таяниб, гавдасини кўтарди. Ҳожанинг юзлари кордек оқариб кетган, қоксуяк қўлларидаги томирлари бўртиб турарди. Ҳафид ўзининг аввалги ҳожасини аранг таниди. Охириги уч-

рашувларидан бери орадан бор-йўғи 12 кун ўтган, бедаво дард аллакачон ўз ишини қилганди.

Патрос қўлини аранг кўтариб, Хафидга ўтириш учун жой кўрсатди. Йигитча жойлашиб олгач, Патрос гап бошлади:

– Ўғлим, орадан бир неча кун ўтди. Бу вақт ичида сен келгусидаги режаларингни қайта кўриб чиқдингми? Сен ҳозир ҳам ўзингга ишонасанми? Савдогар бўлиш фикридан воз кечмадингми?

– Йўқ, – тан олди Хафид.

Патрос бош ирғади.

– Унда гап бундай, – деди у. – Мен сенга кўпроқ вақт ажратмоқчи эдим. Аммо кўриб турибсанки, режалар ўзгариб кетяпти. Гарчи сен мени яхши савдогар ҳисобласанг-да, битим тузишга лойиқ деб билсанг-да, мен ўлим билан келишолмаяпман. У худди ёввойи мушук сингари эшигимни тимдалаяпти. Ўзинг биласанки, ажалдан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмаймиз.

Илкис бошланган йўтал Патроснинг гапини бўлиб қўйди. Хафид даҳшат ичида ютоқиб нафас олишини кузатиб турарди. Йўтал тўхтагач, Патрос заифгина кулимсиради.

– Менинг вақт-соатим ҳисобли, кел, тезроқ ишга ўтайлик. Аввал, каравотимнинг тагида турган заранг сандикчани бу ёққа ол.

Хафид эгилиб, пастда турган, тасмалар билан боғланган сандикчани олди. Кейин уни кўрпа устига, хожасининг оёк томонига қўйиб, ўз ўрнига қайтди.

Кекса савдогар йўталиб, гапида давом этди:

– Мен кўп йиллар аввал туякашликдан ҳам қуйроқ ишларни бажариб юрган бола эдим. Менинг чекимга Шарқдан келаётган бир йўловчини қароқчилар ҳужумидан халос этиш тушган экан. У пайтлар жуда бақувват эдим. Қароқчилар билан курашиш мен учун у қадар катта машаққат тугдирмади. Мен ўшанда шунчаки бурчимни бажардим, деб ўйлагандим. Шу пайт ҳалиги йўловчи мени тўхтатди ва бу яхшиликнинг мукофотини олишимни сўради. У пайтда на оилам, на мол-давлатим бор эди. Йўловчи мени ўз уйига олиб кетди. Мени янги танишимнинг яқинлари, оила аъзолари эски кадрдонлар сингари кутиб олишди. Кунларнинг бирида мен янгича ҳаёт тарзига буткул қўниқиб бўлганимда, у менга мана шу сандикчани кўрсатди. Унинг ичида ўнта терига битилган номалар жойланган эди. Биринчи номада сирларни англаш йўриқномаси акс этган, қолганлари савдода катта муваффақият қозонишнинг сирлари ва қондаларидан иборат эди. Кейин йил давомида мен устозимнинг кўмагида ушбу қадимий номалардаги хикматларни бутун борлигимга сингдириб олдим. Биринчи номадаги йўриқнома сирларини ўрганиб бўлгач, бошқаларига ҳам ўта бошладим, бора-бора бу тамойиллар наинки менинг кун тартибимга, балки ҳаётимнинг бир қисмига айланиб қолди. Бироз вақт ўтиб, мезбон менга ушбу ўнта нома солинган сандикчани ва эллик тилла солинган ҳамённи муҳрланган мактуб билан қўшиб топширди. Мени кузатишаётган-

да бу мактубни фақат уларнинг уйлари умуман кўзга кўринмай колгандагина ўқишим лозимлиги уктирилди. Мен бу оила аъзолари билан куюк хайрлашгач, ўз омадимни излаб сафарга отландим. Ваъдага биноан Тадморга олиб борадиган йўлга тушганимдан кейингина мактубни очиб ўқидим. Хатда бу пулларимни ўз эҳтиёжларимга қараб сарфлашим, ҳар бир ишни қилишдан аввал номалардаги кўрсатмаларга амал қилишим лозимлиги ёзилганди.

Шунингдек, мактубда топган-тутганимнинг ярми фақирларга ва омадсиз одамларга улашишим айтилганди. Фақат терида битилган номаларни ҳеч кимга бермаслигим, ҳатто кўрсатмаслигим қаттиқ тайинланган эди. Мен номалар солинган бу сандикни муайян белгига эга бўлган одамгагина омонатга топширишим керак эди.

– Сизни тушунмаяпман, хожа, – деди Хафид елка қисиб.

– Шошма, мен ҳаммасини тушунтираман. Мен ўша шартли белгига эга одамни ҳар доим кутиб яшадим. Мен ҳамиша ўзлаштирган тамойилларим асосида давлатимни кўпайтириб бордим. Охир-окибат мен кутган одам келмаслигига ишона бошладим. Агар сен Байтулаҳмга бормасанг, мен шу ишонч билан ўтиб кетардим. Сен ортингдан ёркин юлдузни эргаштириб келган чоғингда, мен омонатни беришим керак бўлган одам сен эканингни тушуниб етдим. Очиғини айтсам, бироз муддат иккиланиб турдим, сен билан юз берган ҳодисанинг моҳиятини тўла англолмадим. Энди эса, омонатнинг навбатдаги эгаси сен эканингга шубҳам йўқ. Мен ҳам маъбудлар иродасига қарши боролмайман. Айниқса, сен анави гўдакни ёпинчик билан йўргаклаганингда, қандай воқеанинг иштирокчиси бўлганингни тушундим ва менинг ҳақиқий ворисим эканингга ишондим. Энди бу хазинани сенга топшираман. Қизик, мен бу ҳақиқатни англаган чоғимда, ҳаётий куч-қувватим мени тарк этаётганини ҳис этдим. Менинг куним битган, аммо хотиржамман. Чунки, сени топдим.

Кекса Патроснинг овози пасайиб борарди. У ожизгина муштини қисиб, бор мадорини тўплашга тиришди:

– Ўғлим, мени диққат билан эшит ва эслаб қол. Чунки, айтган гапларимни такрорлаш учун менда куч қолмаган.

Хафид кўз ёшлари ёноқларини ювиб тушаётганини англади. Сал илгарилаб, қўлини кекса устозининг елкасига қўйди. Патрос йўтала-йўтала гапида давом этди:

– Сенга жуда катта бойлик яширилган бу сандикчани топшираман. Аммо, сен баъзи шартларни бажаришинг керак. Сандикчада юз тилла солинган ҳамён ҳам бор. Бу пул сенга бироз мол сотиб олиб, тижорат ишини бошлашингга етиб қолади. Мен сенга жуда катта бойлик қолдиришим мумкин эди. Аммо бу бойлик сенга фойда бермаслиги мумкин. Сен ўзинг ўз бахтингни топишинг, Ер юзидаги энг қудратли, буюк савдогар бўлишинг керак. Кўряпсанки, сенинг энг катта мақсадингни мен унутганим йўқ.

Патрос жуда кийналиб гапирар, бироз жим туриб, куч тўплаб яна давом этарди:

– Ҳозироқ сафар тадоригини кўр, Дамашкка отлан! У ерда сен номаларда акс этган ҳикматларни ҳаётда кўллаб кўриш учун барча имкониятларга эга бўласан. Ўзингга макбул ерга жойлашиб олганингдан кейин, биринчи номани очиб ўқи. Бу номада бошқаларида битилган кўрсатмаларни англаб етишинг учун керакли билимга эга бўласан. Сен бу битик маънисига тўла-тўқис етгунигча, уни қайта-қайта ўқи. Фақат биринчи номани тўла тушуниб етганингдан кейин колганларига ўтишинг мумкин. Сен шу номаларни ўқиб боришинг билан ўз молларингни сота бошлайсан. Номалардан олган билимларингни шахсий тажрибанг билан омихта қилиб ол. Кўп ўтмай, сен канча кўп номаларни ўқисанг, савдоинг шу қадар юришиб кетишини тушунасан. Демак, менинг биринчи шартим – биринчи номада кўрсатилган қоидаларга тўла амал қиламан, деб қасам ич.

– Қасам ичаман, – деди Хафид.

– Яхши, жуда яхши, – деди Патрос. – Сен номаларнинг сирини тўла англаб, дилингга жо қилиб бўлганигда, жуда бадавлат одамга айланасан. Ҳатто мендан ҳам бойиб кетишинг мумкин. – Хафиднинг ҳайратомуз нигоҳини кўриб, Патрос кўшиб кўйди. – Ҳа, ҳа, сен қандай катта ҳазиналарга эга бўлишингни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Энди иккинчи шартимни эшит: Топган-тутганингни ярмини муҳтож кишиларга бер. Сен ҳеч қачон фақир ва бева-бечоралардан ўз ёрдамингни аямасликка қасам ич.

– Қасам ичаман, ҳожам!

– Энди эса, асосий шартимга ўтаман. Сен номалардан ўрганганларинг ҳақида ҳеч кимга айтмаслигинг керак. Сен ҳам кун келиб, менга ўхшаб, худди сенинг йўлингни ёритиб келган юлдуз сингари шартли белгига дуч келасан. Сен билан горда содир бўлган воқеа эса, менинг ҳамма шубҳаларимни тарқатиб юборди. Сенга ҳам ўз қисматидан, вазифасидан беҳабар бўлган одам ана шундай шартли белгини олиб келади. Сен уни диққат билан кузатасан ва унга йўл берасан. Шундай одамни сенга юрагинг кўрсатади. Сен ўз қароринг тўғрилигига амин бўлганингдан кейин, худди мен каби, ўша шартли белгини кўрсатган одам эркак бўладими, аёлми, ушбу сандикча ва унинг ичидагиларни беришинг керак. Бу омонатни унга топшириш чоғида ҳамма шу шартларни эслатасан. Менга бир неча йил аввал топширилган номада айтилишича, бу сандикчани қабул қилиб олган учинчи одам, агар ўзи истаса, унда кўрсатилган сирларни бутун жаҳонга ошкор қилиши мумкин. Сен бу топшириқларни бажара оласанми?

– Ваъда бераман, ҳожам!

Патрос худди елкасидан тоғ қулагандек, енгил тин олди. Заифгина кулимсираб, Хафиднинг юзини силади.

– Ҳозирок сандикни ол-да, жўна! Менинг эзгу тилакларим сенга ҳамиша йўлдош бўлсин. Мен ишонаманки, маҳбубанг Лиша албатта сен билан ўз қисматини бўлишишга рози бўлади.

Хафид йиғлаб юборди, аммо ўз кўз ёшларидан уялди. Эгилиб сандикчани олди-да, эшик томон юрди. Остонага етганида, тўхтаб ортига ўгирилди. Хожаси Хафиднинг ортидан термулиб турарди.

– Агар мен ўз қароримда қатъий турсам, ҳеч қандай тўсик мени тўхтата олмайдами? – сўради Хафид.

Кекса Патрос аранг кулимсираб, бош ирғади.

Кейин эса, Хафид билан видолашмоқ учун оғирлашиб қолган коксуяк қўлларини кўтариб, зўрға силкиб қолди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Хафид ҳачирда баланд ва мустаҳкам деворлар билан ўралган Дамашкнинг шарқий дарвозаси орқали кириб, марказий кўчадан кета бошлади. Йигитчанинг қалби ҳаяжон ва шубҳалар ичида титрар, улкан савдо шаҳрининг талатўплари уни ваҳимага соларди. Унинг қаршисида икки йўл турарди: ё кўрикчилар ҳамроҳлигида қатта қарвон билан савдо қилиш, ё Патроснинг маслаҳатларисиз, яккаю ёлғиз савдо билан шугулланиш. Савдогарлар бозорни бошларига кўтариб, харидорларни чорлар, ўз молларини оғиз кўпиртириб макташарди. Айрим кўча олибсотарлари эса, ўз матоҳини сотмокчи бўлиб, Хафиднинг бурнига тикиштирар, бу эса ғўр йигитчани баттар кўрқитарди.

У ҳам худди мана шундай қатъий ва шафқатсиз шароитга мослаша олармикин? Хафид шилким сотувчилардан бирининг молини нари итариб, Дамашк бозори жойлашган қатта майдонга чикиб олди. Ўнгу сўлда бозор расталари қатор тизилиб ётарди. Олтин ва қумуш такинчокларнинг ялтир-юлтиридан кўз камашарди. Хафид қончилар, тикувчилар, гиламфуруш ва атторлар расталаридан бирма-бир ўтиб борарди. Ҳачир билан ҳар қадам масофани босиб ўтиш унга қийинчилик туғдирар, айрим ҳолларда дўконлар олдида тўпланган оломон орасида тикилиб қоларди. Ҳаммаёқдан савдогарлар Хафиднинг енгидан тортиб, ўз дўқонидаги молларни пулламокчи бўларди. Гоҳида савдогарларнинг ҳайкиригини тиланчиларнинг мунгли ноалари босиб қетарди.

Хафид беихтиёр олисдан кўзга ташланиб турган Эрмон тоғи чўккиларига тикилди: ҳозир ёз қилласи бўлишига қарамай, тоғ чўккилари оппоқ қор билан қопланган эди. Пурвикор тоғ унинг оёқлари остида ўрмалаб юрган майда одамларга улуғвор назар ташлаб турганга ўхшаб кўринарди. Хафид яна бироз юриб, марказий кўчадан чапга бурилиб, ўткинчилардан ижара учун жой сўрай бошлади. Сўраб-суриштириб, шинамгина қарвонсаройни топиб борди.

Карвонсарой соҳиби Антоний Хафиддан бир ойлик ижара пулини олдиндан олиб, энг яхши хужралардан бирига жойлаштирди-да, хачирни отхона тарафга етаклаб кетди.

У хужрага камалиб оларкан, заранг сандикчани олди ва унинг белидаги тасмаларни ечди. Сандикнинг копкоғи осонгина очилди. Мана, ўша сеҳрли номалар. Хафид уларга кўл узатаркан, сапчиб тушди. Чарм ўрамлар худди тирик жонзотдек ўзидан иссиқлик чиқариб турарди. У дарҳол кўлини тортиб олди ва хужранинг ташкаридан панжараланган деразаси томон юрди. Гарчи карвонсарой бозордан анча олисда жойлашган бўлса-да, кўчадан савдогарларнинг бакир-чакири эшитилиб турарди.

Яна Хафиднинг юрагини таниш кўркув ва хаяжон коплади, ич-ичидан тижорат йўлини танлагани учун пушаймонлик туйди. У ўз кучига ортикча баҳо бериб юбормадимикин? Ниҳоят бу ўйлар уни маҳв этди, бу кийноқларга бошқа бардоши етмаслигини билиб, деворга беҳол суянди. Шу топда унинг қалбидан бир нидо отилиб чиқди:

– Мен қанчалар аҳмоқман! Ўзимча савдогар бўлмоқчи бўлдим. Ахир оддий туякаш каердаю, савдогарлик каерда? Менда на тажриба, на журъат бор? Ҳатто савдо расталарини оралашга ҳам кўркаман. Мен бугун юзлаб савдогарларни кўрдим. Уларнинг ҳар бири савдо, олди-сотди бобида мени ярим йўлда қолдиради. Мен улар билан тенг бўла олармидим? Эҳтимол, менда хоҳиш, ғайрат, интилиш бордир? Аммо буларнинг ўзи савдогар бўлиш учун етарли бўлармиди? Ахир Дамашқдаги ҳамма савдогарларда бу ҳислатлар ошиб-тошиб ётибди. Йўқ, мен бундай номутаносиб курашда енгиб чиқолмайман. Факат ўта аҳмоқ ёки ўзига ҳаддан ортик ишонган одамгина бу ерда нон топиб кета оламан деб ўйлаши мумкин. Патрос, кадрдоним Патрос, мен яна сизнинг ишончингизни оқлолмайдиганга ўхшайман.

Хафид ўзини гилам устига ташлаб, узоқ йиғлади, кейин эса, тинчиб ухлаб қолди.

У кўзини очганида аллақачон тонг отганди. Илқис қулоғига қушларнинг чиғир-чиғири эшитилди. У ўрнидан туриб, кўзларига ишонмади. Очик ойнадан хужрага қалдирғоч учиб кирган, сандикчанинг очик копкоғи устига кўниб олганча, чирқирарди. Хафид дераза олдига югуриб борди – кўча четида, дераза ёнида ўсган дарахт шоҳларида юзлаб қалдирғочлар кўниб олган, вижирлаганча янги кунни кутлашарди. Хафид уларга қараб қулимсиради. Мана, улардан бири дераза олдига учиб келди, аммо Хафиддан кўркиб яна ортига қайтди. Йигитча ортига ўгирилиб, яна хона ўртасида турган сандикча устига кўнган чакирилмаган меҳмонга қаради. Қушча ҳамон қичкина бошчасини эгиб турарди.

Хафид сандикчага яқинлашиб, кўлини чўзди. Қушча дадиллик билан унинг кафтига кўнди.

– Қара-я! Юзлаб кушлар дарахтга қўнишган, ҳатто деразага якин-лашишга ҳам қўркишяпти. Фақат сен кўркмасдан менинг хужрамга кира олдинг.

Кушча Хафиднинг кафтини чўкилаб, оғритиб юборди. Хонтахта устидаги тугунчада нон ва озрок пишлок бор эди. Хафид тугунчани очиб, унинг ичидаги ноннинг бир бўлагини майдалади. Кейин пишлокнинг ҳам бир қисмини майда увокларга ажратди. Кушча унинг кафтидан пирр этиб учиб, хонтахта устига қўнди ва увокларни чўкишга тушди.

Хафид ўйчанлик билан яна дераза олдида борди ва панжараларни пайпаслади. Панжаранинг тиркишлари жуда кичкина ва тор эди. Кизик, қалдирғоч бу ердан қандай учиб кирдийкин? Шу онда унинг кулоғи остида Патроснинг сокин овози янграгандек бўлди:

– Агар қароринг қатъий бўлса, бирор-бир тўсиқ йўлингда ғов бўлолмайди.

Хафид яна ортига қайрилиб, сандикча ичидаги номаларни кўлига олди. Номалардан бири бошқаларига қараганда анча уриниб қолганди. Хафид айнан ўша ўрамни очди. У ўтириб олди-да, ўқишга тутинди. Айни дамда унда кўркувдан асар ҳам қолмаганди. Хафид номадан нигоҳларини узиб, хонтахтага қараганда, қалдирғоч аллақачон учиб кетганди.

Фақатгина хонтахта устида сочилган нон ва пишлок қолдиқлари кичкина довярак кушчанинг ғаройиб ташрифидан дарак берарди. Хафид яна нигоҳини номага қаратди ва илк қаторни ўқиди: «Биринчи нома».

САККИЗИНЧИ БОБ

1-нома

Мен бугун янги ҳаёт бошлайман...

Бугун мен турли жароҳатлар, яра-чақалар билан тўлиб-тошган эски теримдан воз кечаман. Бугун мен янгидан туғилдим. Мен туғилган жой худди ҳар ким ўзи истаган мевани ўза оладиган боғга ўхшайди. Бугун ўзим танлаган касбнинг оқилу донолари томонидан экилган, насллардан-наслларга ўтиб келаётган энг баланд ва энг гўзал донишмандлик дарахтининг мевасини узиб оламан. Бугун мен ана шу ҳаётбахш мевани истеъмол қиламан, унинг вужудимга инган уруғидан бахт ва толе униб чиқади, қаршимда янги ҳаётнинг дарвозаси очилади. Мен танлаган йўл ёқалаб имкон атиргуллари очилиб ётибди. Аммо, бу гулларнинг шохлари пушаймонлик ва изтироб тиканлари билан тўлиб-тошган. Бу гулларнинг тагида мақсадига ета олмаган қанчадан-қанча йўловчиларнинг қазон бўлган умидлари сочилиб ётибди.

Мен юрмокчи бўлган бу йўлдан қимлар ўтмаган, бу йўлда мағлубиятга учраганларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Лекин мен бу йўлда ғолиб чиққанлар қаторидан жой олишимга ишонаман. Чунки, менинг қўлимда ҳамиша олдинга бошловчи бебаҳо ҳикмат турибди. Мен унинг ёрдамида ҳамма тўсиқларни

ошиб ўтаман, бепоен денгиз ва уммонлардан сузиб, мен учун олис орзу бўлиб туюлган муваффакият соҳилига етаман. Менинг барча ҳаракатларим мағлубият эмас, ғалаба олиб келади. Шу ондан эътиборан табиатнинг ўзи мен ҳақимда кайғуради, вужудим оғриқларни, руҳим ғам-андухни писанд қилмайди. Омадсизлик ҳам худди оғриқ каби мени четлаб ўтади. Мен уларни ўтган ҳаётимда бошдан кечириб бўлганман. Мен энди уларни инкор этаман. Мен энди зулматдан бойлик ва фаровонлик зиёси билан ёришган кенгликларга олиб чиқувчи ҳикмат ва насихатларни қабул қилишга тайёрман. Мен ҳали шундай буюкликка эришаманки, Геспериднинг олтин олма ўсадиган боғлари ҳам менинг қаршимда ўз ҳашаматини йўқотади.

Вақт – абадий барҳаёт инсон учун энг яхши мураббий. Менга инсоний донишмандликнинг барча ҳикмати аён бўлиши мумкин, аммо мен абадий яшайман. Мен қанча яшашимдан қатъи назар, сабр қилиш санъатини ўрганишим керак, зотан, табиат шошалоқликни ёқтирмайди. Зайтун ниҳоли дарахтга айлангунича юз йил керак бўлади. Бир бош пиёз эса, тўққиз ҳафтада қартайди. Менинг ҳаётим ҳам пиёзга ўхшайди. Лекин мен бу ҳаётдан қониқмайман. Мен шу ондан зайтун дарахтига – энг буюк савдогарга айланаман.

Аммо, бунга қандай эришаман? Ахир менда буюк бўлиш учун на билим, на тажриба бўлса... Мен кўпинча ўзимга нисбатан ачиниш ботқоғига чўқаётганимни ҳис қиламан. Жавоб жуда оддий. Мен бу йўлга кадам қўярканман, миям кераксиз билимларнинг юкидан зиркирамайди, елкамни ҳеч кимга керак бўлмаган, мантиксиз тажриба юки босмайди. Мени табиат ҳар қандай чангалзор жонивори ҳавас қила оладиган билим ва фаросат билан тақдирлаган, тажриба эса, ўз-ўзидан келаверади. Ҳа, одатда, тажрибага гоҳида юкори баҳо берилади.

Тажриба жуда кўп нарсани ўргатади, у жуда кўп йилларни ямламай ютгани боис, унинг сабоқлари юксак қийматларга муносиб. Йўқотилган йилларнинг баҳоси қиммат туради. Сен бу йўлдан бориб, кўп нарсани ўрганасан, аммо у пайтда ёшинг бир жойга бориб қолади. Қолаверса, тажриба худди урфга, модага ўхшайди. Кеча қойилмаком туюлган нарса бугун талабга жавоб бермай қолади. Фақатгина менинг қўлимдаги қонунлар ва тамойилларгина абадий яшайди. Бу номаларда битилган ҳақиқатлар мени буюклик сари бошлайди. Улар мени мағлубиятдан қочиб, ғалаба қозонишга ундайди. Муваффакият эса, қалбнинг ҳолатидир. Мингта донишманддан «Омад нима?» деб сўрасанг, уларнинг ҳар бири айрича жавоб қайтаради. Аммо, улардан омадсизлик нима, деб сўрасанг, ҳаммаси бир хил жавоб беради: «Омадсизлик – бу катта ё кичик бўлишидан қатъи назар, ҳаётини мақсадларга ета олиш қобилиятига эга бўлмасликдир». Омадли ва омадсиз одамнинг ўртасида биргина фарқ бор. Уларнинг одатлари турлича. Яхши одатлар – муваффакиятга, ёмонлари эса, омадсизликка, келажакнинг ёпиқ эшиклари сари бошлайди. Демак, мен амал

килишим керак бўлган энг асосий ва энг биринчи конда – мен ўзим учун энг яхши одатларни ишлаб чиқаман ва уларнинг кулига айланаман. Болалигимда мен ўз истакларимга тобе эдим. Энди эса, ҳамма эркаклар катори ўз одатларимга боғланиб қолганман. Менинг ўтган умрим келажагимга тахдид солмаслиги учун, энди ана шу одатларимни тартибга солишим лозим. Менинг ҳаракатларимни кизғанчиклик, эхтирослар, хавотир, шубҳа-гумонлар, худбинлик, кўркув, муҳаббат сингари туйғулар ва бошқа турли бўлмағур одатлар бошқармоқда, улар менинг устимдан ҳукмронлик қилишмоқда.

Лекин улар орасидан энг ёмон хусусиятлар ва одатларимни тезлик билан тарк этишим, агар кимгадир тобе бўлишим керак бўлса, фақат ижобий сифатларимга бўйсуним лозим. Ёмон одатлардан қатъиян воз кечаман. Яхшилик уруғи мўл ҳосил бериши учун уни ҳосилдор ерга кадамок лозим.

Демак, мен ижобий сифатларимнинг кулига айланаман.

Бу мушкул вазифани қандай адо этаман? Бу ишда менга ушбу номалар ёрдам беради: чунки, уларнинг ҳар бирида мени ёмон одатлардан ҳалос этиб, вужудимни улардан поклаб, ўрнига мени омад сари янада яқинлаштирадиган эзгу ҳисларни жо эта олувчи қондалар битилган. Табиат қонунларига кўра, эски одатлардан янгиларини жорий этиш ҳисобига воз кечиш мумкин. Шу боис, ушбу номадаги ҳикматлар ҳаётда ўз самарасини бериши учун мен ўзимнинг янги одатимни ишлаб чиқишга киришаман. Хўш, қандай қилиб? Ҳар бир номани мен ўттиз кун давомида қайта-қайта ўқийман ва шундан кейингина навбатдаги номани очаман. Энг аввало, мана шу номалардаги ҳар бир сўзни уйғонишим билан ичимда ўқиб чиқаман. Тушдан кейин яна бир бор ўзимча ўқийман. Уйкуга кетишдан аввал ҳам, фақат бу гал овоз чиқариб ўқийман. Эртаси куни ҳам уларни шу тахлит ўқиб чиқаман ва бу ҳолат ўттиз кун такрорланади. Бу давр мобанийда номалар мен учун қундалиқ мутолаа қуроли бўлади ва бу ишни ўзим учун илк ижобий кўникмага айлантираман. Хўш, мен бу орқали нимага эришаман? Бу одат инсон эришиши мумкин бўлган ҳамма нарсалар сирини ўзида мужассам этади. Мен номадаги сўзларни қайтаравериб, уларни тафаккуримнинг ажралмас қисмига айлантираман, улар менинг қон-қонимга сингиб кетади. Хушёрлик пайтимда ҳам, уйкуда ҳам улар мени тарк этишмайди, улар ҳар қандай вазиятда менга ақлли ҳулосалар чиқариб, тўғри ҳаракат қилишни ўргатади. Номалар менинг сирли, иккиламчи тафаккуримдан жой олганда, мен шу чоккача ўзимга маълум бўлмаган янги қувват вужудимга оқиб кирганини ҳис этиб, уйкудан уйғона бошлайман. Мен ўзига ишонган, қучли, иродали инсонга айланаман. Кўркувдан ҳалос бўламан ва атрофдагиларга нисбатан хавотирим йўқолади. Дунё мен ўйлаганчалик қийин эмаслигига ишонишим билан, ўзимни янада бахтлироқ ҳис этаман. Юрагимда ғам-ташвиш, андух учун ўрин қолмайди. Натижада ўзимга бўлган ишонч мени олдинга бошлайди, мени таъқиб қилаётган машаққатларни енга оламан. Мен номаларда қандай айтилган бўлса, шу

тахлит ҳаракат қиламан ва бу ҳаракатлар кундалик ҳаёт тарзимга айланади. Мана, мен яна бир одатни ўзлаштирдим ва бу одатдан ҳеч қачон воз кечмайман. Бирок, у менга ҳалал бермайди, аксинча хуш кайфият бағишлайди. Шу тариқа менинг ҳаётим қувонч ва шодликка тўлади. Ва энг муҳими шундаки – тез-тез қайтарилган ҳаракат одатга айланса, мен бу одатнинг кули бўлсам, аммо бу эзгу одат бўлса, бу менинг хоҳиш-иродам демакдир.

Ҳа, мен бугун янги ҳаёт бошлайман.

Мен ўзимга тантанали ваъда бераманки, мени бу ривожланиш йўлидан ҳеч нарса қайтара олмайди. Мен бир кунимни ҳам бекорга йўқотмайман, аммо бу ҳикматли номаларни қайта-қайта ўқийман. Зеро, йўқотилган кунни ортга қайтариб бўлмайди. Вакт энг қудратли оқим. Мен бу номаларни ҳар куни ўқишни қанда қилмайман, чунки, мутолаа учун кетадиган бир неча дақиқа мен эришишим мумкин бўлган бахт ва муваффақиятга арзийди. Мен амал қилишим лозим бўлган бу сўзларни қайта-қайта ўқир эканман, улар қанчалик содда туюлмасин, уларнинг чуқур мантиғига шубҳа қилмайман. Улар энг муҳим ва вожиб нарсалар ҳақида сўзлайди. Шароб тайёрловчи минглаб узум доналарини янчиб, пўстлок ва уруғларини ажратиб, кушларга бераркан, ўзи учун бир кўза шаробни олиб қолади. Менинг қаршимда асрлар давомида қиёмига етган ҳикмат шароби турибди. Кўп нарсалар йўқолиб кетди, шамолда совурилди. Номалардаги сўзларда эса, рад этиб бўлмас ҳақиқат сақланиб қолди. Мен бу ҳикмат шаробини бир томчисини ҳам қолдирмай ичаман ва у билан бирга вужудимга омад уруғлари ҳам оқиб киради. Бугун менинг эски терим чанг-тўзонга айланади. Мен бошимни баланд кўтариб, олға бораман. Одамлар ҳам мени танимай қолишади. Чунки мен энди бошқа одамман. Мен ўзимнинг иккинчи ҳаётимни бошладим.

ТЎҲҚИЗИНЧИ БОБ

2-нома

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан.

Энди мен буюк сирни – ўй-хаёллардаги ҳар қандай орзунни рўёбга чиқара олишни биламан. Менинг мускулларим худди пўлат сингари мустаҳкам. Агар истасам, қалқонни ҳам теша оламан. Мен ўз ҳаётимни ўзгартира оламан. Лекин инсонлар қалбини кашф этадиган ягона куч – бу муҳаббат. Мен ана шу санъатни мукамал ўзлаштира олмас эканман, бозордаги ҳаммол даражасидан юксала олмайман. Мен муҳаббатни энг қудратли қуролга айлантираман, шунда мен юзланган бирор инсон менга қарши тура олмайди. Менинг далилларимга улар ўзларича жавоб беришлари, менинг қарашларимга улар ишонмасликлари мумкин. Майли, менинг ҳақиқатларимни улар киноя билан қарши олишсин, майли, менинг ташки кўринишим уларга ёқмасин. Ҳатто менинг мурасасозлигимни улар нотўғри тушунишар. Яъни, мен нима демай,

нима қилмай, уларда шубҳа уйғотарман. Ва фақат менинг қайноқ муҳаббатим ҳар қандай музни ҳам эритишга қодир бўлган қуёш нурлари сингари уларнинг қалбига илиқлик олиб киради.

Демак, мен бугун янги ҳаёт бошлайман.

Бу муҳаббатга қандай эришиш мумкин? Жуда оддий. Ҳозирдан бошлаб, мен худди янги туғилгандай, атрофимдаги ҳамма нарсага хайрат ва муҳаббат билан боқаман. Мени ҳарорати билан иситгани учун Қуёшни яна бошқатдан севаман. Менинг қалбимдаги ғамларни ва тушқун ҳисларимни ювиб кетаётгани учун ёмғирга ҳам ўз севгимни тортиқ этаман. Мен нурни севаман – йўлимни ёритгани учун. Қоронғиликни севаман – ўз бағрида юлдузларни яширгани учун. Мен бахтни шодон қарши оламан – чунки у ҳаётимни янада гўзаллаштиради. Мен қайғудан ҳам ранжимайман, чунки у ўз ботинимни чуқурроқ англашимга қўмаклашади. Ҳар бир муқофотни муносиб қарши оламан, ҳар бир қаршиликни ҳам тақдирнинг даъвати сифатида қабул қиламан. Биринчисини қувонч билан кутиб оламан, кейингисини енгиб ўтаман. Нимаики қилмай, ҳаммасига севинч ва муҳаббат билан ёндашаман.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан.

Хатто нутқимни ҳам ўзгартираман. Мен ғанимларимни мактайман, улар менинг дўстларимга айланишади. Дўстларимни улуғлайман, улар менинг туғишганларимга айланишади. Ҳар доим ва ҳамма учун макташга асос қидираман. Ҳеч қачон бировни ғийбат қилиш даражасида тубанликка тушмайман. Ким ҳақдадир ёмон гап айтишдан тилимни тишлайман. Кимнидир макташ керак бўлса, бу ишни бор овозим билан, сидқидилдан адо этаман. Қушлар, денгиз, шамол, бутун борлик Яратганга шукронасини бор овози билан изҳор этади-ку! Уларнинг мусикасини эшитиб, қалбларимиз шодланади. Мен ҳам шундай гапираманки, сўзларим худди одамларнинг қулоғига мусикадек оқиб кирсин. Бугундан бошлаб мен бу сирни ёдимда саклаб қоламан ва у ҳаётимни ўзгартиради.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан.

Мен қандай ҳаракат қиламан? Мен одамларнинг хатти-ҳаракатларидан қатъи назар, уларни яхши кўраман. Чунки ҳар бир инсоннинг яхши жиҳатлари бўлади, фақат уларни қидириб топиш керак. Мен диққатли бўлсам, ана шу жиҳатларни топа оламан. Мен муҳаббат билан одамларнинг юракларидаги шубҳа ва нафратни парчалаб ташлайман. Уларнинг қалбларига қўприк соламан ва бу қалбларни муҳаббат билан тўлдираман. Мен ўзимнинг такаббурона ҳаракатларимни ҳам яхши кўраман, чунки улар менга илҳом бағишляпти. Мен ўз омадсизликларимни яхши кўраман, улар менга сабоқ беришляпти. Мен ўз ҳукмдоримни севаман. У менинг бошим узра соябон. Мен фақирлар ва беморларни яхши кўраман. Зотан уларга қисмат шуни раво кўрган. Мен бойларни севаман, чунки уларнинг аксарияти ёлғиз. Мен кашшоқларни сева-

ман. Чунки улар бу оламда ҳад-ҳисобсиз. Мен ёшларни уларнинг иймони ва ишончи учун севаман, кексаларни донолиги ва идроки учун яхши кўраман. Мен гўзалларни ғамгин кўзлари сабабли севаман, мен хунукларни сокин қалблари учун севаман.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан.

Лекин бошқаларнинг менга муносабатига қандай жавоб қайтараман? Муҳаббат билан. Муҳаббат – бу қалбларга йўл очадиган қуролгина эмас, балки ўз юрагимни нафрат ўқлари ва адоват пайконларидан асрайдиган мустаҳкам пайкон ҳамдир. Мен гумонлар ва нохушликларни ана шу гўзал қалқоним билан даф қиламан. Бу қалқон мени савдо жараёнида химоя қилади, ёлғизлик онларида қўллаб-қувватлайди. Оғир мусибат дамларида у мени ову-тади ва таскин беради. Шу тариқа у борган сари мустаҳкамланиб, кучайиб бо-раверади. Кунларнинг бирида мен кўркмасдан одамларнинг қаршисига чиқа оларман. Аммо, у пайт мен ҳаёт эҳромининг энг баланд қисмида бўламан.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан.

Мен одамлар билан қандай мулоқот қиламан? Бунинг биргина йўли бор – кимгадир қараб туриб, ичимда шу сўзларни айтаман: «Мен сени яхши кўраман!» Тилга кўчмаган бу сўзлар менинг кўзларимда ва юзимдаги та-бассумда акс этади. Менинг бу муносабатим қаршимдаги одамга ҳам кўчиб ўтади. Ана шу дамда мен муҳаббат билан таклиф этаётган маҳсулотни қайси харидор рад эта оларкин?

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан.

Аммо, мен ҳаммадан кўра кўпроқ ўзимни севишим керак. Бу муҳаббат мени қалбимга, онгимга, кучоғимга интилаётган ҳамма нарсага ўта сергак ва теран боқишга ундайди. Мен ўзимга тегишли ҳамма нарсага эътиборли бўламан. Ўз вужудимни ва руҳимни покиза сақлайман. Менинг кўзларим ҳеч кимга қарахт бокмайди, ҳеч қачон тушқунликка тушмайман. Атрофимдаги ҳамма нарсага мен ўзлаштирган асрий ҳикматлар нигоҳи билан қарайман. Ҳеч қачон ўз қалбим ва руҳимга шафқатсиз ва ҳиссиз бўлишга имкон бермай-ман. Тафаккур ва эътиқод менинг асосий таомим бўлади. На алам, на худбин-лик менинг қалбим ва руҳимни ёриб қира олмайди. Юрагим бегоналарнинг кечинмаларига бефарқ бўлганидан кўра тарс ёрилиб кетгани афзал.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан.

Ҳозирдан эътиборан мен ҳамма одамларни яхши кўраман. Нафрат мени буткул тарк этади ва менинг бутун борлигимни муҳаббат эгаллайди. Ким-дандир ғазабланишга, асабийлашишга вақтим бўлмайди, бор вақтимни муҳаббатга бахш этаман. Бугун мен одамлар орасидаги одамга айланиш учун илк кадамимни ташлайман. Муҳаббат менинг даромадларимни юзлаб, минглаб маротаба кўпайтиради ва мен ер юзидаги энг буюк савдо-гарга айланаман. Менинг одамларга меҳр кўрсатишдан бошқа ҳислатим йўқ ва мен бундан унумли фойдаланаман. Муҳаббатсиз менинг ҳамма бош-

лаган ишларим касодга учрайди. Менинг барча режаларим, ҳагто улар шухратпарастликка хизмат қилса-да, муҳаббат асосида қурилган. Муҳаббат энг буюк билим ва ҳунар демакдир. Бу ҳунарнинг эгаси ҳар қандай мақсадига эришади.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан. Ва у менга омад олиб келади.

ЎНИНЧИ БОБ

3-нома

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан.

Мен бу оламга синовларни енгилш учун келганман. Томиримда эса мағлубларнинг эмас, фақат ғолибларнинг қони окмоқда. Мен чўпоннинг таёғи келиб тушишини сабр билан кутадиган қўй эмасман. Мен шерман! Мен қўйлар подасида юришдан воз кечаман. Мен уларнинг шикоятмуз маъраши-ни эшитишни истамайман. Уларнинг ўрни подада, борар жойи эса, қушхона. Менинг қисматим бўлак.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан.

Тақдирнинг тухфалари ҳар бир саёҳатнинг бошида эмас, охирида бўлади. Мен ўз мақсадларимга етишиш учун қанча йўл босишимни билмайман. Мен ҳар доим, ҳатто ҳар қадамда омадсизлик билан тўкнаш келишим мумкин. Бироқ, омад олдинда, исталган муюлишда кутиб турган бўлиши мумкин. Агар мен омадсизликни енгилш ва ўша муюлишга етиб олиш учун ўзимда куч топа олмасам, ҳеч қачон омадга етиша олмайман. Ҳеч нарса мени иккинчи қадамни босишимдан қайтара олмайди. Агар у ҳам менга омад олиб келмаса, учинчи қадамни қўяман. Ҳеч ким мени тўхтатолмайди. Мен олға юришдан чўчимайман.

Мен худди тоғларни вайрон қилишга қодир ёмғир томчисига, шерни еб битира оладиган чумолига, ерни ёрита оладиган юлдузга, эҳром бунёд этиш-га қодир қулга ўхшайман. Гишт ортидан гишт, тош ортидан тош қўйиб, ўз қасримни тиклайман. Сарфланган куч ва уринишлар қанчалик қўп бўлса, сон-сифатга таъсир қилади, пировардида мен ғолибга айланаман.

Мен ҳеч қачон қутилаётган мағлубият ҳақида ўйламайман. Ўз нутқимдан енгиламан, қилолмайман, қўлимдан келмайди, мумкин эмас, ишониш қийин, кучим етмайди, омадсизлик, фойдасиз, умид йўқ, чекинаман, сингари сўзларни чиқариб ташлайман. Майли, бу сўзларни омадсизлар қўллайверсин. Мен туш-қунликка ҳам тушмайман. Шу иллат менга илакишиб қолган тақдирда, туш-қун кайфиятда ҳам ишлашни давом эттираман. Меҳнат қиламан ва ҳар қандай синовга дош бераман. Мен энди олдимда турган тўсиклар ҳақида эмас, балки ярқираб кўзни олаётган мақсадлар ҳақида ўйлайман. Мен саҳрода дайдиб юр-ган бир йўловчиман: бу саҳронинг ортида эса, ҳамиша баҳор боғ-роғлар, гулу гулзорлар, шаркирок дарёларга тўла мамлакат ястаниб ётибди.

Мен ҳеч қачон тўхтаб қолмайман, мунтазам изланиш ва интилишда бўламан. Мен тўсиқлардан ҳеч қачон қочмайман, улар йўлимда қанча кўп учраса, шунча яхши. Улар мени факат тоблайди. Мен иродали бўламан, худди қутураётган уммонга ўз кемасини суриб бораётган денгизчи сингари ўз маҳоратимни такомиллаштириб бораман.

Мен ҳозирдан касб сирларини мендан яхшироқ биладиган одамлардан ўрганиб, уларни гажрибада қўллай бошлайман. Кун мен учун омадли ё омадсиз келишидан қатъи назар, кечгача яна бирор ишга улгуриб қолиш ҳақида ўйлайман. Одамлар ноилоҳ қўл қовуштириб турган жойда, мен курашни давом эттираман ва бу қайсарлигим мени мақсадга эриштиради.

Аммо кечаги омад ҳеч қачон мени кониктирмаслиги керак. Чунки бу келгусидаги омадсизлик учун йўл очади. Мен ўтган кунги воқеаларни — хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, унутаман. Ҳар бир янги кунни «бу менинг ҳаётимдаги энг яхши кун» деган ишонч билан қарши оламан.

Мен қатъиятли бўламан ва албатта ғалабага эришаман!

4-нома

Табиат мени яратиб, барчасидан буюк мўъжизани бунёд этган. Дунё яралганидан бери ҳали айнан фикри, юраги, кўзлари, кулоқлари, қўллари, сочлари ва оғзи меники билан бир хил бўлган инсон туғилмаган. На яшаб ўтганлар, на тириклар, на кейин туғиладиганлар орасида мендек юрадиган, менга ўхшаб гапирадиган ва ўйлайдиган одамни учратиш мумкин эмас. Ҳамма одамлар — менинг биродарларим, аммо мен ҳеч кимга ўхшамайман.

Мен табиат яратган энг қатта мўъжизаман.

Шубҳалар оташи ва омадсизлик кайфиятини енгиб, бутун оламга ҳеч кимга ўхшамаслигимни кўрсатаман. Ҳеч ким менинг болаларимни, ҳаракатларимни, фикрларимни, имзоимни такрорлай олмайди. Ва ҳеч ким мендек савдо қилолмайди.

Мен бошқалар қилган ишни такрорлашга уринмайман. Бунинг ўрнига, мен нафақат ўз молимни, балки беназирлигимни ҳам савдога қўяман. Ана шунда менинг савдоим юришади. Мен ҳозирдан ўзимнинг ҳеч кимга ўхшамаган томонларимни кўпроқ намоён этишга, бошқаларга ўхшаш жиҳатларимни яширишга уринаман. Мен сотаётган моллар ҳам менинг ўзига хос жиҳатларимни кўрсатиши лозим. Ҳар бир савдогар ўз киёфаси билан гурурланиши керак. Бу унинг савдосида ҳам акс этади.

Мен ўз миям ва мускулларимнинг жуда оз қисмини ишлатяпман, холос. Энди мен ўз имкониятларимдан тўлалигича фойдаланаман. Ва мен бошлаган ҳамма ишлар омадли якун топади. Мен бу ишни эртага эмас, бугуноқ қиламан. Менинг эртанги куним ҳар қанча омадли бўлмасин, эришганларим билан қаноатланиб қолмайман ва ҳеч қачон ўзимни кўкка кўтариб мақтамайман ҳам. Менинг дастлабки ғалабаларим бу ҳеч гап эмас. Мен олға интиламан ва

бундан-да кўпроғига эришаман. Мен ўйлаганларимнинг барига эришаман. Акс ҳолда табиат мени бу қадар кийинчилик билан яратмаган бўларди. Мен табиатнинг мўъжизаларидан бири эканман, унинг кудратини ўз ишларимда кўрсатишим керак.

Мен бу оламга тасодифан келиб қолганим йўк. Мен муайян мақсадлар учун яралганман. Мен кум зарраси эмас, тоғ бўлишим керак. Ҳозирдан мен ҳамма кучимни шу мақсад учун сафарбар этаман. Мен ўзимни аямайман.

Мен кераксиз нарсаларни ҳаёлимдан чиқариб, бутун эътиборимни бугун қилишим керак бўлган ишларга қаратаман. Уйдаги ташвишларнинг барини уйда қолдираман. Мен дўконимда савдо қиларканман, уй, оила ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиламан. Акс ҳолда бу менга ҳалал бериши мумкин. Уйга қайтиб борарканман, дўкондаги ишларимни, кўрган фойда ёки заримни эсдан чиқараман. Ишдаги ҳеч бир нохушлик менинг уйга, оиламга, болаларимга бўлган муҳаббатимга даҳл қилолмайди, бироқ ютуқларим бу муҳаббатни ошириши мумкин. Мен ишда эканимда юрагимда оилам учун жой бўлмайди, уйга қайтарканман, иш ҳақидаги бирор ўй-хаёлни ўзимга яқин олмайман. Аввалбошданок, мен оиламни ишдан ажратаман, бу эса, ҳар икки-сига бўлган муносабатимни мустаҳкамлайди. Иш уйдаги ташвишлардан холи бўлиши керак, акс ҳолда мен ҳеч қачон юксала олмайман. Ҳаётнинг ўзгармас қонун-қондаси шунақа.

Менинг ҳайвонот ва наботот олаmidан, шамол, ёмғир, тоғу тошлардан фарқим шундаки, мен бу оламга муҳаббат билан, маълум мақсадлар билан келганман. Бу ҳақиқат шу дамга қадар мен учун сир бўлиб келганди, энди мен бу сирни ҳамиша ёдда тутаман, у менинг ҳаётимга мазмун бағишлайди ва олға бошлайди.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман.

5-нома

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман.

Мен бу қимматбаҳо кунимни нимага сарфлашим мумкин? Энг аввало, ҳаётимнинг бирор томчиси кумга томмаслигини истайман. Мен бугуннинг бир сониясини ҳам кечаги кундан афсусланиш ҳисси билан ўтказмокчи эмасман. Кечаги омадсизликлар, аламлар, ташвишлар мени йўлдан қайтара олмайди. Агар мен бугун қанча яхши ишлар қилишим мумкин бўлса, нима учун кечаги ёмон ишлар ҳақида ўйлашим керак? Ахир кумсоат ичидаги кум тепага қараб окмайди-ку? Йўк, мен шундоғам кеча йўл қўйган хатоларимни бугун тузата олмайман. Ахир мен бугун ҳам кечаги дард учун қайғуриб, уни даволай олмайман-ку! Ёки мен бугун кечагидан кўра ёшроқ бўла оламанми? Йўк, кечаги кунга қайтиб бўлмайди. Мен кеча йўл қўйган хатони бугун тузата олмайман, кечаги оғрикни бугун даволаб бўлмайди.

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман.

Бугун мен нима қила олишим мумкин? Мен, энг аввало, кечаги кунни унутиб, эртанги кун ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиламан. Мавҳум эртани ўйлаб, бугунги кунни йўқка чиқариш мумкинми? Эртанги кун келажакка тегишли, кумсоатдаги эртанги кун соатларини ўлчовчи кум бугун оқиб кетмайди. Ёки бугун куёш икки марта чиқади? Йўқ, албатта. Бугуннинг ўзида эртани ясаб бўлмайди. Эртанги куннинг тилла тангасини бугун ҳамёнингга сололмайсан. Эртага туғилиши керак бўлган чақалоқ бугун дунёга келмайди. Эртанги ўлим бугун қанотларини ёймайди. Мен эртани ўйлаб надомат чекишим қандай наф беради? Бугунги қувончни нега тушқунлик билан алмашиш керак?

Бугун! Менинг ихтиёримда бор-йўғи шу бор. Мен бу кунни ўлимга ҳукм қилинган, аммо яшаш учун бироз фурсат берилган маҳкумнинг қувончи билан қарши оламан. Қўлимни кўкка чўзиб, менга берилган бебаҳо неъмат, бугунги кун учун Яратганга беҳад шукроналар қиламан. Мен фақат бугунни кўриш бахтидан бенаиб қолганларга ачинаман, холос. Мен яшашга яна бир кун ҳада этилгани боис ўзимни энг бахтиёр одам деб ҳисоблайман.

Мен вақтни бекорга ўлдираётган бекорчилардан ўзимни четга тортаман. Мен ҳеч қачон секинлашмайман, сустлашишни иш билан ўлдираман. Шубҳаларни ишонч билан, қўрқувни қатъият билан енгаман. Мен вайсакиларнинг бемаъни гапларини эшитиб ўтирмайман, қўли иш билан банд бўлмаган одамлардан нари кетаман.

Бугун қилишим шарт бўлган ишни бугуннинг ўзида бажараман. Бугун мен ўз болаларимга меҳримни дариг тутмайман. Ахир эртага нима бўлишини ким билади? Бугун мен севикли аёлимнинг юзларини бўсаларга кўмаман. Ахир эрта пешонамизга нималар битилганини билмаймиз-ку! Мен бугун қийин аҳволда қолган дўстимга ёрдам қўлини чўзаман. Ахир уни эртага кўраманми-йўқми, худо билади. Агар бошимга бирор иш тушса, садоқатли дўстимдан бошқа ким менга ёрдам бера олади?

Агар эртага яна бир тонгни қарши олсам, бунинг учун Яратганга яна беҳад шукроналар айтаман.

6-нома

Бугун мен ўзимни бошқаришни ўрганаман ва ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман.

Табиатнинг энг тушунарсиз жумбоқларидан бири шундаки, мен негадир бир кайфиятда ухлаб, бутунлай бошқача кайфиятда уйғонаман. Нега? Нима учун кечаги қувончдан асар ҳам қолмади? Нега кечаги кўтаринкилик бугун тушқунликка йўл бўшатди? Лекин бу жараён тесқари рўй бериши ҳам мумкин. Бугунги қайғу ўрнини эртага қувонч эгаллайди. Нега бундай бўлади? Чунки мендаги ҳиссиётлар ғилдираги мунтазам айланиб туради. Қайғу қувонч билан алмашинади, севинч тушқунликка йўл беради.

Лекин мен ўз хисларим устидан қандай ҳукмронлик қиламан? Куним янада сермахсул бўлиши учун уларни қандай бошқаришим керак? Агар мен бир муаммони еча олмасам, кайфиятим тушиб кетади ва куним омадсиз якун топади. Дарахтларнинг ва майсаларнинг ўсиши об-ҳавога боғлиқ. Улар қуёш киздириши билан гуллайди, совуқ ел эсиши билан хазон бўлишади. Мен ўзим учун зарур иқлимни ўзим яратаман. Агар мен тунда ўз устимдан ёмғир ёғдирсам, демак, ўзимни тушқунликка, қайғуга солган бўламан, бу менинг тижоратимга ҳам таъсирини кўрсатади. Агар мен ўз харидорларимни хушқайфиятда қарши олсам, мендаги хушқайфият уларга ҳам кўчиб ўтади.

Ҳар кимки ўз ишини хисларига бўйсунган ҳолда юритар экан, у ожиздир. Кимки ишларини ақлига таяниб юритар экан, у кучлидир. Ҳар куни ўрнимдан турар эканман, тушқунликка тушмаслигим, ўз тақдиримдан нолимаслигим, шу тариқа ўзим учун навбатдаги нохушликни ҳозирламаслигим учун қуйидаги режаларимни амалга ошираман.

- Агар ўзимни ғамгин сезсам, қўшиқ айтаман.
- Агар юрагимни ғам босса, кула бошлайман.
- Ўзимни лоҳас ҳис этсам, икки қарра ғайрат билан ишлайман.
- Қўрқувни ҳис этсам, олдинга интиламан.
- Ўзимга нисбатан ишончсизлик ҳис этсам, баланд овозда гапира бошлайман.

• Ўзимни қашшоқ ҳис этсам, олдинда мени қутаётган бойлик ҳақида ўйлайман.

- Ўзимни ҳеч кимга кераксиз ҳис қилсам, ўз мақсадларимни эслайман.

Аммо шундай ҳислар борки, улар ширин табассум остида яширинган бўлишади. Улар сизга ёрдам қўлини чўзгандек бўлиб, омадсизлик ботқоғи томон тортадиган «дўст»ларга ўхшайди. Аммо менда бундай кучларга қарши зидди заҳар мавжуд.

• Агар ўзимнинг ҳаддан ташқари ҳаволаниб кетганимни сезсам, ўтмишдаги омадсиз дамларимни эслайман.

- Ҳою ҳашамга чўма бошласам, факирларни эсга оламан.
- Агар ором ва сокинликни истаб қолсам, рақобатчиларимни эсга оламан.

• Агар вақтинчалик омад кўзимни қамаштирса, толесиз дамларимни эслайман.

- Ўзимни жуда қудратли ҳис этсам, шамолни тўхтатишга уринаман.
- Ўзимни ҳаммадан бой деб ўйласам, қанча оч-наҳор одамларни тўйғазишим кераклиги эсимга тушади.

• Агар ғурур мени маҳв этса, ўзимнинг ожиз ва чорасиз дамларимни эслайман.

- Агар ҳолатимни ўта ёрқин тасаввур қилсам, юлдузларга боқаман.

Кайфиятни бошқара билиш бу тақдирни бошқариш билан баробар. Бугундан бошлаб мен ўз тақдирим жиловини қўлимга оламан ва дунёдаги энг буюк савдогарга айланаман!

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман ва комилликка эришаман.

7-нома

Мен баралла куламан.

Инсондан бошқа ҳеч бир тирик жонзот кула олмайди. Дарахтни жароҳатлашса йиғлаши мумкин, йирткичлар очликдан наъра тортишади, фақат мен истаган пайтимда кула оламан. Ҳозирдан бошлаб мен ҳар доим кулиб юраман.

Мен куламан ва янада кучлироқ, соғломроқ бўламан. Мен куламан ва менинг ташвишларим енгиллашади. Мен куламан ва хатим янада яхшиланади. Мен куламан ва умрим узок бўлади. Кулгу умрнинг узайтириш калитидир ва бу калит энди менинг қўлимда.

Ҳаммадан кўра кўпроқ мен ўз устимдан куламан. Зеро, дунёда ўзига жиддий қараб турган одамдан ҳам кулгилироқ мавжудот йўқ. Мен ақлим ажратиб турган қопқонга ҳеч қачон тушмайман. Менинг бугунги ташвишларим ўн йилдан сўнг менга кулгили туюлмайдими? Бугунги куннинг бемаънилиги ва бахтсизлиги ҳам чекиб ўтиришимга арзийдими? Куёш чиқишидан олдин нима юз беришини ким менга айта олади? Менинг майда муаммоларим вақт уммони олдида нима деган гап?

Ҳамма нарса ўткинчи. Агар касалланиб қолсам, касаллик ҳам ўткинчи эканини айтиб, ўзимга тасалли бераман. Ишим юришиб кетса, омад ҳам ўткинчи эканини ўзимга эслатаман. Бойлик мени ҳаволатмайди, чунки биламанки, бойлик ҳам ўткинчи. Баланд эҳромларни қурган ким? Қани у? Балки шу улкан харсанглар остида ётмаганмикин? Эҳромларнинг ўзи-чи? Улар ҳам қачондир бир уюм кумга айланар балки? Агар булар ҳам ўткинчи бўлса, бугунги куннинг муаммолари у қадар кўрқинчли эмас экан-да?

Кулгу менга ҳамма нарсани ўз ўлчамида кўришимга имкон беради. Каттани катта, кичикни кичик кўра оламан. Мен ўз омадсизлигим устидан куламан ва улар худди тонгги тумандек тарқаб кетади. Мен ўз ютуқларим устидан куламан ва улар ўзининг ҳақиқий ўлчамида кўрина бошлайди. Қачонки менинг табассумим ўзгаларнинг ҳам юзида акс этса, шу кун менинг энг буюк куним бўлади. Ва мен табассум қилишдан тўхтамайман, ўз табассумимни ҳеч кимдан яширмайман. Зеро, ҳам ҳаётни бўшатади. Шодлик эса уни олтинга тўлдиради.

Мен кула оларканман, ҳеч қачон камбағаллашиб қолмайман. Кулгу – табиатнинг буюк инъоми ва мен уни йўкотмасликка ҳаракат қиламан. Кулгу ва бахт бир-бирига ҳамсоя. Улар бир-бирини етаклаб юради. Кулгу менга бахт ва омад олиб келади. У менга ўз меҳнатимдан хузувланишга ёрдам беради. Агар

мен кулишдан тўхтасам, бахт ҳам мени тарк этади. Мен эса, омадсиз бўлиб қоламан.

Мен бахтли бўламан. Шунда омад мени кутиб олади. Ва мен дунёдаги энг буюк савдогарга айланаман.

8-нома

Бугун мен ўз кадримни юз баравар ошираман.

Инсон даҳоси тут дарахтидан ипак ярата олади. Инсон даҳоси лойдан мустаҳкам қалъа бино қила олади. Инсон даҳоси оддий сарв ёғочидан мухташам ибодатхона тиклайди. Инсон даҳоси қўй жунидан шохона либослар яратишга қодир. Модомики, лой ёки япроқ, жун ёки ёғоч шу қадар кадр топар экан, мен шуларчалик бўлолмайманми?

Мен ўзини уч хил қисматдан бирини қутаётган буғдой дониға ўхшатаман. Биринчисида, донни омборда сақлаб, кейин чўчкаларга ем қилишади. Иккинчисида, уни янчиб ун, кейин нон қилишади. Учинчи ҳолатда уни ерга қадаб, ундан олтин бошок ўстиришади. Бу бошок эса, яна юзлаб донни дунёга келтиради. Мен худди буғдой дониға ўхшайман, аммо ундан битта жиҳатим билан фарқланаман. Дон ўз қисматини ўзи танлай олмайди. Унинг ўрнига хўжайини қарор чиқаради: истаса, уни чўчкаларга ем қилади, истаса тегирмонда тортиб, нон ёпади ёки ундан буғдой ундиради. Менинг танлаш ҳуқуқим бор ва мен чўчкаларнинг оёғи остига ташлашларини истамайман. Мени исталган ерга сочишларини ҳам истамайман. Чунки ер ҳам ё тошлок, ё тақир, ё ҳосилдор бўлади. Йўқ, мен ўз қисматимни бошқаларга ишониб топширмайман.

Ўсиши ва ҳосил бериши учун донни қоронғилик қўйнига, ер бағрига ташлашади. Менинг омадсизлигим, мен учраган тўсиклар, қаршиликлар мен ёриб чиқишим керак бўлган зулматни эслатади. Худди буғдой дони ёмғирга, қуёшга, иссиқлик ва шамолга эҳтиёж сезгани сингари менинг вужудим ва тафаккурим ҳам парваришга муҳтож. Унингсиз мен ўз мақсадларимга етолмайман. Буғдой донининг ўсиши ташқи омилларга, шарт-шароитга боғлиқ. Мен эса, кимдир бундай шароит яратиб беришини кутиб туролмайман. Мен ўз тақдиримни ўзгартира оламан.

Лекин буни қандай уддалайман? Авваламбор, мен ҳар куни ўз олдимга кичик-кичик мақсадлар қўяман ва уларни амалга ошираман. Аввалига кунлик режаларни ишлаб чиқаман, кейин ҳафталик, ойлик, йиллик, бир умрлик мақсадларни тузиб чиқаман. Буғдой дони ерни ёриб чиққач, уни ёмғир суғориши лозим. Мен ҳам ўз олдимга мақсадлар қўйишим, менинг барча имкониятларим юзага чикмасидан аввал, уларни амалга оширишим керак. Мақсадлар аниқ бўлгач, мен ўзимнинг ҳозирги қобилиятимни оқилона баҳолайман ва уни мавжуд тажрибаларимга таяниб юз марталаб яхшилаётман.

Агар менинг орзуларим у қадар юксак бўлмаса, бу ҳали фалокат эмас. Мен қатъият билан ишласам, омадсизликлар мени тарк этади. Аммо ҳеч қачон ўзим эришган ютуқларга қаноат ҳосил қилмайман, чунки бундан ҳам кўпроғига қодир эканимни биламан. Кичикрок мақсадимга эришсам, олдимга каттарок мақсадларни қўяман. Мен шундай ҳаракат қиламанки, олдиндаги ҳар соат ҳозиргисидан кўра кўпроқ фойда келтиради.

Биргина буғдой донидан шу қадар кўп дон пайдо қилиш мумкинки, бу билан ҳатто дунёдаги барча омборларни тўлдирса бўлади. Менинг ўша дондан қаерим кам? Мен ундан-да кўпроғига қодирман.

9-нома

Дунёда рангли ва батафсил ҳариталар жуда кўп, аммо уларнинг ҳеч бири инсонни ўз ўрнидан бир қарич ҳам силжита олмайди. Жуда кўп қонунлар мавжуд, аммо улар қанчалик адолатли бўлмасин, ҳеч бири бирор-бир жиноятнинг олдини ололмайди. Дунёда ҳеч бир матн йўқки, ҳар қанча доҳиёна бўлишидан қатъи назар, ўзича бир чақа пул ишлаб, тингловчиларни ҳайратга сололмайди.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман.

Амал! Агар инсон томонидан ҳаракатга келтирилмас экан, ҳариталар ҳеч кимга наф бермасдан, чанг босиб ётаверади. Инсоннинг ҳаракатсиз ҳеч бир қонун самара бермайди. Бирор-бир ҳикмат то ундан фойдаланилмас экан, бир чақага қиммат бўлиб қолаверади. Бу номалар ҳам худди шундай. Инсонни у эмас, балки ҳаракат, амал бойитади. Ҳаракат, иш менинг режаларимни мақсад ва орзуларимни ҳақиқатга айлантиради. Амал – бу мен интилаётган омаднинг сув ва нонидир.

Менинг оёғимдан тортадиган нарса бу қатъиятсизлигим, сусткашлигимдир. Улар кўркувдан туғилади. Бирок, энди мен асрлар ва мардона диллар оша етиб келган сирдан хабардорман. Энди мен кўркувни фақат иш билан енгилш мумкинлигини биламан.

Ҳаракат қиламан, ҳозирок, ҳозирок, ҳозирок! Ҳаракат қиламан!

Ҳозирданок мен бу сўзларни бетўхтов қайтаравераман. Мен бу сўзларни ҳар куни, ҳар соат то тану жонимга сингиб кетгунига қадар қайтаравераман. Ҳаракат! Меҳнат менинг эҳтиёжим бўлиши лозим. Худди ковоклар ҳамиша пирпираб тургани сингари мен ҳам ишламасдан туролмайман. Мен ҳамиша ўзимни меҳнатга жалб этарканман, ўзимни ҳар қандай тўсиққа тайёрлаб бораман ва у мени кўрқитолмайди. Ўз меҳнатим билан мен жаҳондаги ҳамма тўсиқларга қарши чиқаман. Мен уларни енга оламан, чунки, мен бахтсиз одамнинг ролини ўйнамаяпман.

Мен дўконимга киришим билан дарҳол ишимни бошлайман, ўз маҳсулотимни таклиф этишга киришаман. Мен маҳсулотимни рад этиш-

ларидан кўркмайман, чунки мен барибир ишимни давом эттираман. Гарчи мени омадсизлик кутаётганини аниқ билиб турсам ҳам, ёпик эшиклар олдида тўхтаб, кўркмасдан уни тақиллатаман.

Менинг қийматим қилган ишларим билан белгиланади. Ишларим кўпайса, кадрим ҳам ошади. Мен ўз ишимни кенгайтириб, омадсизлик яқин йўламайдиган кўчаларни излайман. Мен тинимсиз меҳнат қиламан, шунда омадсизлик ҳам ортимдан қувишдан чарчайди. Агар омадсизлик мени бир жойда тўхтатмоқчи бўлса, мен у бориши мумкин бўлмаган ўнлаб бошқа жойларга ошиқаман. Мен ҳали омадсизлик қулоғимга шивирлаб кечикканимни англамасдан туриб ишимни битираман.

Агар шер оч қолса овқатланади, бургутни чанқок қийнаса сувга учиб боради. Ҳайвонлар яшаш учун ҳаракатланишади. Мени ҳам очлик ва ташналик қийнамоқда. Мен омад, бахт ва хотиржамликка ташнаман. Мен фақат иш билан ўзимни фақирликдан, ночорлик кўз ёшларидан, уйқусиз машъум тунлардан қутқараман.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман.

10-нома

Орамизда қулфат ё бахтсизликка йўлиқиб қолса, Яратгандан мадад сўрамайдиган бирор кимса бормикин? Ғам, ўлим, бахтсизлик, бизнинг қўлимиздан келмайдиган мушкулотлар, биз ҳал қилолмайдиған муаммолар билан юзма-юз келганда, ким Парвардигорга юзланмайди? Дуо ва муножот қаердан ва қачон пайдо бўлгани ҳеч ким билмайдиган қадимий ва чуқур инстинктлар саналади. Мудҳиш ғам-ташвишга дуч келганида Яратганга нола қилмаған бирор одам бормикин?

Агар кимнингдир юзига қараб қўлингни силкитсанг, у сесканиб, киприк пирпиратади. Агар тиззанинг қопқоғига чертсанг, оёғинг тепага сапчийди. Кимгадир кўркинчали гап айтиб қолсанг, у беихтиёр «Эй худо» дея хитоб қилади. Нега? Ўша қадимий инстинкт унга нутқ ва ҳиссиёт ато этади. Ҳаммамиз ҳатто эътиқоди заиф одам ҳам оғир дамларда худони эсга олишимизни тан олади. Ва бу ҳаётимиздаги сирлардан биридир. Ҳар бир тирик жон, жумладан инсон ҳам мусибат онда ёрдам сўрайди. Бу – инстинкт. Аммо бу ҳислат бизга нима учун берилган? Бизнинг бу ғайриихтиёрий нидомиз ўзига хос дуо эмасмикин? Наҳотки, табиат бу инстинктни паррандаю дарандаларга, инсонларга бериб, уларнинг нидоси Парвардигорга етиб боришини таъмин этмаган бўлса? Акс ҳолда табиат бу инстинктни бизга бериб нима қиларди? Мен ҳам энди дуо қиламан, аммо Ундан фақат тўғри йўл кўрсатишни сўрайман, холос. Мен Яратгандан олтин ёки кимнингдир муҳаббатини қозонишни, катта ғалабалар ёки майда ютуқлар, соғлиқ ва бахт ҳам сўраб ўтирмайман. Мен Ундан биргина нарсани сўрайман: Мен ўзим истаган мақсадларга эришишим учун тўғри йўл кўрсатишини сўрайман, холос. Ва Парвардигор бу ўтинчимни

бажо этишига ишонаман. Мен худодан тўғри йўл сўрайман, у истаса қабул қилади, истамаса – йўқ. Иккинчи ҳолат ҳам менинг саволимга етарлича жавоб бўла олади. Агар бола отасидан нон сўраса-ю, уни ололмаса, бу ҳам қандайдир жавоб-ку, тўғрими?

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Ана шундай бўлганди. Хафид бу номаларнинг навбатдаги эгаси келишини кутиб, ўз хужрасида ёлғиз ўтирарди. Хафиднинг ёнида кекса хизматкор Эразмусдан бўлак ҳеч ким қолмаганди. Вакт ўтиб борарди. Қарилик ўз ишини қилди. Хафид энди камдан-кам ҳолларда қасридан ташқари чиқар, асосан боғида ўтирарди. У кутарди. У ўзининг афсонавий бойлигини одамларга тарқатиб берганидан кейин ҳам уч йил кутди.

Мана, кунларнинг бирида Шарқдан, саҳро тарафдан шаҳарга бир ажнабий кириб келди. Ўртабўй ажнабий ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай, тўғри Хафиднинг қасрига йўл олди. Эшик олдида турган Эразмус ажнабийга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Сенинг хожанг билан гаплашмоқчи эдим, – деди ажнабий тавозе билан бош эгиб.

Унинг кўримсиз киёфасига киборларга ҳос муомаласи мос тушмай турарди. Оёғидаги сандали йиртилиб кетган ва ингичка чилвир билан боғланган, оёқлари эса шилиниб, яра-чақага тўлганди. Факат ёрқин рангли кўзлари унинг ичидаги ғаройиб бир ёғдуни яққол акс эттирарди.

Эразмус ажнабийга шубҳали термулди:

– Хожамда нима ишинг бор? – сўради у ниҳоят. Ажнабий оркалаб олган эски каноп тўрвасини ерга қўйиб қўлларини олдинга чўзди.

– Мендан ранжима, о, яхши одам, – илтижо қилди у. – Мен сенинг хожанг билан кўришишим ва у эшитишни истаётган гапни етказишим керак.

Эразмус иккиланиб қолди. Нотаниш кимсанинг гаплари унинг ўта олийжаноб ва меҳрибон одам эканидан далолат берарди. Шу боис Эразмус уни хожасининг қошига бошлади.

Бокка кираркан, Эразмус Хафидни учратди. У мудраб ўтирарди. Эразмус бир неча бор йўталганидан сўнг хожаси кўзини очди. Хафид бошини кўтариб, Эразмусдан сал орқарокда турган ажнабийга қаради. Ажнабий чуқур таъзим билан гап бошлади:

– Аввало айт-чи, сен дунёнинг энг буюк савдогаримсан? – дафъатан сўради ажнабий.

Хафид хиёл ковок уйиб, бош ирғади:

– Ҳа, мени қачонлардир шунақа деб аташган.

Меҳмон қаддини ростлаб, Хафидга қаради. Дафъатан олдинга бир қадам босди-ю, яна тўхтаб қолди.

– Менинг исмим Павел. Менинг кийимимни кўриб ажабланма. – Ажнабий гапиришга ҳам кийналар, баъзида нафаси бўғзига тикилиб коларди. – Сенинг ёнингга эҳсон сўраб эмас, фақат сен менга беришинг мумкин бўлган маслаҳат ва ёрдам сўраб келдим, – давом этди у. – Тўрт йил илгари ёлгон ҳақиқатларни кўр-кўрона ўрганиб юрган пайтимда Қуддусда бир авлиёни оломон қандай тошбўрон қилганини кўргандим. Унинг бор-йўқ гуноҳи Буюк Пайғамбарга ишонганида эди. У Пайғамбарни бир йил аввал римликлар қатл этишган. Ўша пайтларда менга ушбу Пайғамбар издошларини йўқ қилиш топширилган эди.

Эразмус Хафидга зимдан кўз ташлади. Унинг назарида хожаси ажнабийнинг ҳикоясини бефарқлик билан тингламоқда эди. Боғга сирли сукунат чўкди. Бу жимликни фақат фавворанинг шаркираши бузиб турарди, холос. Кўп ўтмай Павел яна тилга кирди:

– Хуллас, мен янги дин тарафдорларини қатл этиш иштиёки билан Дамашкка бораётгандим, йўлда кўзим илиниб туш кўрибман. Эсимда: аввалига намоён бир куч мени тиз чўкишга мажбур қилди. Кейин ғойибдан бир овоз эшитдим: «Сен нега мени таъқиб этмоқдасан?» «Кимсан?» деб сўрадим. «Мен ўша, сен таъқиб қилаётган инсонман, – деди ҳалиги овоз. – Энди ўрнингдан туриб, Дамашкка киравер, сенга нима қилишинг кераклигини ўша ерда айтишади». Мен шу заҳоти ўрнимдан турдим. Аммо ҳеч нарсани кўролмас, худдики кўр бўлиб қолгандим. Мени кўлимдан тутиб, Дамашкка олиб киришди. Мен уч кун давомида Пайғамбар издошларидан бирининг уйида турдим. Шу уч кун мен туз ҳам тотмадим. Ҳатто томоғимдан сув ўтмасди. Шу пайт мени йўқлаб бир киши келди. Унинг ҳам тушида илоҳий амр бўлган экан. У кафтини менинг кўзларим устига қўйганди, карокларимга яна дунё жо бўлди. Кейин бемалол овқатлана олдим. Аввалги кучим қайтиб келганди.

Кутилмаганда Хафид хиёл эгилиб, сўради:

– Кейин-чи, кейин нима бўлди?

– Мени ибодатхонага олиб боришди. Аммо янги таълимот издошлари мени кўриб, кўркиб кетишди. Чунки улар менинг бу шаҳарга нима мақсадда отланганимдан огоҳ эдилар. Бирок, мен улар билан кўшилиб ибодат қилдим ва иймон келтирдим. Аммо, уларнинг аксарияти менга барибир ишонишмади. Улар «бу кимса шунчаки бизни алдаяпти» дея хавотирда эдилар. Қанча ибодат қилмай, тавба қилмай, бари бефойда эди. Мени бирор эшитмасди. Кунларнинг бирида бир ибодатхонага бориб қолдим. Ибодатхона олдидаги савдо расталарида қурбонлик учун қўзичоқлар ва қушлар сотишмоқда эди. Ўша ерда яна ғойибдан овоз эшитдим.

– Бу гал нимани эшитдинг? – сўради Эразмус. Йўловчи хайрат ичида мулозимга қаради. Хафид эса, ҳикояни давом эттириши учун ажнабийга ишора қилди.

– У менга шундай деди: «Тўрт йилдирки, сен одамларни яхшиликка даъват этасан. Аммо, сени ҳеч ким эшитмаяпти. Сен ҳар бир сўзингни худ-

ди савдогар молини мактагандек ўтказа билишинг керак. Дамашкка қайт ва одамлар дунёдаги энг буюк савдогар деб атайдиган инсонни қидириб топ. Унга, одамларга менинг сўзларимни етказмоқчи эканингни айт. У сенга нима қилиш кераклигини айтади».

Хафид Эразмусга тезгина назар ташлади. Кекса хизматкор хожасининг нигоҳларидаги сўзсиз саволни илғаб олди. «Нахотки, бу жулдур ажнабий менинг хожам шунча йилдан бери кутаётган одам бўлса?» деган хаёл унинг миёсида чакнаб ўтди.

Хафид қўлини Павелнинг елкасига ташлаб, сўради:

– Энди менга айт-чи. Ўша Пайғамбар ким ўзи?

Павел худди унга ғойибдан куч оқиб кираётгандек илҳом билан сўзларди. У Хафидга Пайғамбарнинг қисқагина ҳаёт йўли ҳақида, унинг мўъжизалари, касалларни даволагани, ҳатто ўликларни тирилтирганини ҳам ҳикоя қилди. Кейин эса, уни хоинларча қатл этишгани, Буюк Пайғамбарнинг қайта тирилиб, фалакка, Парвардигор ҳузурига кўтарилганини айтиб берди. Сўзининг хотимасида оёғи остида турган тўрваннинг боғичини ечиб, у ердан кизил рангли ёпинчикни чиқарди.

– Қара, хожам, – деди Павел тўлқинланиб, матони Хафиднинг қаршисида ёзиб кўрсатаркан. – Мана бу – унинг бор-йўқ бисоти. Бу дунёда унинг шундан бошқа бирор моли бўлмаган. Уни қатл этишганда, римликлар бу мато кимга тегишини аниқлаш учун қуръа ҳам ташлашган. Мен бу матони сотиб олиш учун қанча молим ва вақтимни сарфладим.

Хафид оқариб кетганди. У титраб-қакшаб қип-қизил қон доғлари кўриниб турган ёпинчикка қўл узатди. Эразмус хожасининг юзидаги ҳаяжонни кўриб, унга яқинлашди. Хафид то матонинг бир четидаги Тола ва Патроснинг таниш савдо белгисини топмагунча айлантириб кўраверди.

Павел ва Эразмус кекса савдогар бу эски матони юзига босганча йиғлаётганини жим кузатиб туришарди. Хафид бу матони минглаб ёпинчиклар орасидан ҳам бемалол ажрата оларди.

– Ўша Пайғамбар туғилиши билан боғлиқ нимани билсанг, айт, – пичирлади Хафид ҳайратда донг қотиб турган Павелга юзланиб.

– У Байтулаҳм яқинидаги ғорда, император Тиберий ҳукмронлиги пайтида туғилганини биламан, ҳолос.

Хафид жилмайди, унинг табассумида болаларга хос бегуборлик ва хурамлик акс этарди.

– У туғилган фурсатда осмонда ёрқин бир юлдуз пайдо бўлмаганми?

Павелнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолганди. У нимадир демокка уринсада, овози чиқмади.

Бир неча дақиқа жимликда ўтди. Сўнг Хафид қўлини кўтариб, Эразмусни ёнига чорлади.

– Минорага чиқиб, ўша сандиқчани олиб кел. Ниҳоят менинг ворисим кимлиги маълум бўлди...

ЗАМОНАВИЙ АМЕРИКА РОМАНЛАРИ

Бугунги кунда АҚШда ҳар йили дунёдаги бошқа ҳар қандай мамлакатдагига қараганда кўп бадиий адабиёт нашр қилинади ва сотилади. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, ҳозирга қадар Синклер Льюис, Юджин О'Нил, Перл Бак, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Жон Стейнбек, Сол Беллоу, Исаак Башевис-Зингер, Чеслав Милош, Иосиф Бродский, Тони Моррисон, Боб Дилан каби америкалик ижодкорлар адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Ўзбек китобхонида АҚШ адабиёти буюк ҳажвчи Марк Твен, саргузашт жанри асосчиларидан бири Эдгар Аллан По, илмий фантастика жанрининг мумтоз намояндаси Рэй Бредбери, «фусункор реализм» адабий оқимининг ёрқин вакили Уильям Фолкнер, дунёнинг энг машҳур романапислари Генри Жеймс, Теодор Драйзер, Синклер Льюис, Эрнест Хемингуэй, Жон Стейнбек каби истеъдодли мумтоз адибларнинг сара асарлари орқали маълум ва манзурдир.

Ушбу тўпламнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, ўзбек китобхони ҳозирги давр АҚШ романапислигида янги номлар бўлишига қарамай, асарлари жаҳон китобхонларига аллақачон яхши таниш бўлган Америка модерн адабиётининг уч нафар вакили – Даниэла Стил, Холид Ҳусайний ва Ог Мандино қаламига мансуб 5 та роман билан танишиш имконига эга бўлмоқда.

Хусусан, тўламга 1947 йил 14 августда Нью-Йоркда таваллуд топган Даниэла Стилнинг «Тақдир сўқмоқлари», «Ўғирланган бахт», «Бўса» романлари киритилган. Адибанинг асарлари жаҳондаги 47 мамлакатда 28 тилда чоп этилган бўлиб, сотилган китоблари сони 600 миллион нусхадан ортиб кетган. Романлари асосида ҳозиргача 23 та бадиий фильм суратга олинган. Бугунги кунда дунёда бундай машҳурлик камдан-кам ёзувчиларга насиб этган.

Афғонистон пойтахти Кобулда 1965 йилда туғилган инглизчада ёзувчи Холид Ҳусайнийнинг «Шамол ортидан югуриб...» романида дўстлик ва садоқат, соткинлик ва бу айбни ювиш машаққати ҳаёт таъсирчан тасвирланган. Роман асосида 2007 йилда режиссёр Марк Фостер шу номда бадиий фильм яратган.

Ог Мандино (1923–1996) ижоди энг кўп ўқиладиган яна бир америкалик ёзувчи бўлиб, унинг асарлари дунёнинг 25 та тилига таржима қилинган, 50 миллион нусхадан ортиқ китоблари сотилган. Адибнинг «Дунёнинг энг буюк савдогари» романида тижорат соҳасида муваффақиятга эришиш сирлари адабий-бадиий йўсинда мухтасар ифода этилган.

Бу романларнинг ўзбекча таржималари биринчи бор китоб ҳолида нашр этилмоқда.

MODERN AMERICAN NOVELS

Today in the United States literary compositions are published and sold more than in any other countries of the world. It should be noted that such American writers as Sinclair Lewis, Eugene O'Neill, Pearl Buck, William Faulkner, Ernest Hemingway, John Steinbeck, Saul Bellow, Isaac Bashevis-Singer, Czeslaw Milos, Joseph Brodsky, Tony Morrison, Bob Dylan were awarded the Nobel Prize for Literature.

Uzbek readers are well aware of the works of such talented writers as the great satirist Mark Twain, the founder of the detective genre Edgar Allan Poe, the classic of the fantastic genre Ray Bradbury, the brilliant representative of "enchanted romanticism" William Faulkner, the famous novelists of the world Henry James, Theodore Dreiser, Sinclair Lewis, Ernest Hemingway, John Steinbeck.

The peculiarity of this collection is that the Uzbek reader, familiar with the new names of American writers, still had no opportunity to get acquainted with 5 novels of three representatives, who are popular among numerous admirers of modern US literature, Danielle Steele, Khaled Hussein and Og Mandino.

In particular, the collection includes the novels of Danielle Steele, born August 14, 1947 in New York – «Thurston House», «Daddy» and «The Kiss». Her works are published in 28 languages in 47 countries, over 600 million copies of the author's books sold. Based on her novels, 13 feature films were shot. Such fame is achieved by few writers.

Born in the capital of Afghanistan – Kabul in 1965, the English-language writer Khaled Hussein has profoundly reflected friendship and loyalty, betrayal and torment of redemption of guilt in the novel «The Kite Runner». In 2007, the director Mark Foster shot eponymous feature film based on this novel.

Og Mandino (1923–1996) – another American writer, very readable in the world, his works are translated into 25 languages, more than 50 million copies of his books were sold. In the writer's novel «The Greatest Salesman in the World», the secrets of commerce are artistically depicted.

These novels, translated into Uzbek, are being published as a book for the first time.

МУНДАРИЖА

Замонавий Америка романнавислигида янги номлар (Сўзбоши).....	3
ДАНИЭЛА СТИЛ	
Тақдир сўкмоклари.....	23
Ўғирланган бахт	99
Бўса	197
ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ	
Шамол ортидан югуриб... ..	365
ОГ МАНДИНО	
Дунёнинг энг буюк савдогари	464
«Замонавий Америка романлари»нинг ўзбекча ва инглизча мухтасар мазмуни	506

CONTENT

New Names of the modern American novels (<i>Foreword</i>)	3
---	---

DANIELLE STEEL

Thurston House	23
Vanished	99
The Kiss.....	197

KHALED HOSSEINI

The Kite Runner	365
-----------------------	-----

OG MANDINO

The Greatest Salesman in the World	464
Resume	506

Адабий-бадиий нашр

Даниэла Стил,
Холид Хусайний,
Ог Мандино

**ЗАМОНАВИЙ
АМЕРИКА РОМАНЛАРИ**

Таржимонлар:

Рустам ЖАББОРОВ, Дилфуза СОБИРОВА

Мухаррирлар: *Г. Азизова, И. Аҳмедов*

Рассом-дизайнер *Ҳ. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Кичик муҳаррир *М. Салимова*

Мусаххих *С. Салоҳутдинова*

Компьютерда саҳифаловчи *А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2018 йил 29 ноябрда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 70x100 $\frac{1}{16}$.
«Таймс» гарнитуроада офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 41,6. Нашр табағи 38,72.
Нусхаси 3000 (II завод – 2500). Буюртма № 18-339.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.


Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Замонавий Америка романлари [Матн] / Д.Стил, Х.Хусайний,
Ог Мандино. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Саидов. –
Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2018. – 512 б.

ISBN 978-9943-25-569-2

УЎК 821.111(73)-31
КБК 84(7АҚШ)





«O-ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-569-2



9 789943 255692